



САИД АҲМАД

УФҚ

ТРИЛОГИЯ

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1976

Саид Аҳмад.

Уфқ. Трилогия. Т., Адабиёт ва санъат нашриётн, 1976.
688 б. расм., портр.

«Уфқ» республикамиз тарихининг уч муҳим даврини ўз ичига олган трилогиядир.

Автор трилогиянинг биринчи китоби бўлиши «Қирқ беш кун»да ўзбек элқининг сув учун кураш лавҳаларини қаламга олган бўлса, иккинчи китоб — «Ҳижрон кунлари» ҳамда учинчи китоби «Уфқ бўсағасида»да уруш ва урушдан кейинги даврдаги фидокорона меҳнатини тасвирлайди.

Езувчи ҳар учала романда ҳам турли тақдирлар, ҳижрон алавлари, айрилик кўз ёшлари билан энтқишларини ҳаяжон билан тасвирлайди.

«Уфқ» турли тақдирлар тўғрисидаги йирик проза асаридир.

Саид Аҳмад. Горизонт. Трилогия.

Ўз2.

БИРИНЧИ КИТОБ

ҚИРҚ БЕШ КҮН



Зириллама гузаридан сал нари ўтиб чап тарафга тор кўча кетади. Қалин толлар соя ташлаган, четида тинимсиз жилдираб сув оқадиган бу кўча айниқса саратон кезлари жуда жимжит бўлади. Гувала деворлар орқасида бекинган чанг босган беҳи ғўралари, теракка чирмашган аймоқи узумлар бу кўчага ажиб бир ҳусн бағишлайди.

Якгагининг барига тўрт-бешта ҳандалак солиб олган элик ёшлар чамасидаги бир киши шошилмай боради. Қорага бўялган кўн этниги тупроққа зарб билан тушганидан чанг кўтарилади, кўнжиларига қўнади.

Кўча бетларидаги катта-кичик эшиклар олди жуда файзли. Йўлак олдиларида супачалар. Ариқ бўйида райҳонлар. Тол пинжиги суқилган супада бир мўйсафид қийинги билан чойнакни ўраб ўй ўйлаб ўтирибди. Унинг ҳассаси тиззасига кўндаланг қўйилган. Олдига ёзилган дастурхонда иккита кулча, бир дикопда майдалаб учирилган оқ қанд. Кўзачада ош райҳон шоҳлари.

Ҳандалак кўтарган киши чол олдидан ўтаётганда қадамини секинлатди. Чолнинг қулоғи оғир бўлса керак, баланд овоз билан салом берди. Чол хаёлдан уйғониб алик олди.

— Икроммисан? Тинчмисан, болам? Арзандагинанг ўйнаб-кулиб юрибдими? Ке, битта чой ич!

Икром отли бу киши чолнинг гапини қайтармади. Аста келиб супа четига омонатгина ўтирди. Чол чой қуйиб узатаркан, ҳавони искаб атрофга аланглади.

— Жониворнинг ҳидини қара! Ҳандалак пишибди-да.

Икром этагидаги ҳандалаклардан бирини чолнинг олдига қўйди.

— Ҳа, топдингиз, бува, ҳандалак чиқибди. Мана, омонликка бирини олинг.

Чол ҳандалакни олиб узоқ искади. Кўзлари қисилиб, анча пайтгача жим қолди. Кейин хўрсингандек деди:

— Худо шу кунларга ҳам етказди. Пишиқчиликка етмай ўлиб кетмаи, деб ўйлаган эдим. Ўзингга шукур!

Икром белбоғига осилган жез пойнакли қишдан пичоқ чиқариб чолнинг олдига қўйди. Чол пичоқни нари итарди.

— Қўй, неварамга сўйиб бераман. Ўзим жуда соғиниб турган эдим. Ҳандалак баҳона бир кўриб келмаи.

Икром кулди.

— Неварангиз ҳандалак пишигини ҳали кўп кўради. Ўзингиз сўйиб енг.

— Неварам ёнимда чулдираб турмаса томоғимдан овқат ўтадимиз?

Чол чойнак тумшугини пиёла четига теккизиб охириги чойни қуйди-да, ўзи ҳўплаб фотиҳа ўқиди.

— Кун исиб кетмай бориб кела қолай.

Икковлари ўринларидан туришди. Икром чолнинг ҳассасини олиб бериб, ариқдан ўтишида белидан тутди.

Чол кетаркан миннатдорлик билдирди.

— Зап иш қилдинг-да, Икром. Неварам бўйинимга осилиб чулдирайдиган бўлди.

То у кўздан йўқолгунча Икром орқасидан қараб қолди. Негадир ичидан бир кучли хўрсиниқ келиб энтикиб олди. Бу чолга ҳавасданми, ё шундай покиза бир инсоннинг умри тугаб бораётганиданми, билмасди.

Сува четида қолган учта ҳандалакни нохушлик билан яна этагининг барига ташлаб сертупроқ йўлдан боғидек салмоқли қадамлар билан юриб кетди.

Икром яшил эшик олдида тўхтаб оёқ остидаги бодринг пўчоқларига, чала тишлаб ташланган ғўра олмаларга, бир-икки жойидан тимдаланган кунгабоқар лаганчасига қаради. Бошини сарак-сарак қиларкан, бетида ажиб бир жилмайиш пайдо бўлди. Ўзинча овоз чиқариб «боласи тушмагур-е, боласи тушмагур-е», деб юборганини билмай қолди. Остона ҳатлаб ичкарига кирди. Ҳовли жимжит. Ҳамма ёққа кўлоблаб сув сепилган. Икром ҳандалакларни айвонга думалагиб, ичкари уйга мўралади. Ўрин йиғилмаган. Ўн олти ёшлардаги

бир йигит донг қотиб ухларди. Деразадан тушган офтоб бошига келиб қолганидан бўйинлари терлаб кетган. Икром остонага тепиниб этигининг чангини туширди-да, кириб ўглининг бошига чойшаб тортиб қўйди. Онаси қаёқда экан, деб атрофга қаради. Яна ҳовлига тушди. Хотинни кўринмасди. Ариқ бўйига келиб ювинишга энди энгашган ҳам эдики, томорқа тарафдан инграган товуш келди. Уқдек отилиб томорқага чопди.

Қантак ўрик тагида қирқ беш ёшлардаги хушрўйгина бир жувон тўлғаниб ётарди. Енида палёнланган учтўртта ўрик саржин. Тўнка устида болта. Икром илдам бориб хотинини кўтарди.

— Жаннат, Жаннат, сенга нима бўлди?

Жаннат ингради. Икром ариқдан ҳовучида сув олиб бетига сочди. Жаннат кўзини очди.

— Нима бўлди?

Жаннат инграгандек жавоб қилди:

— Тентаккинамга тансиқроқ бир нима пишириб берай десам ўтин қолмапти.

Икромнинг икки қоши оралигига тугунчак тушди. Хотинини суяб ҳовлига олиб ўтди. Ичкарида ҳамон ўгли донг қотиб ухларди. Икром хотинини кўрпача устига ётқизиб, бошига ёстиқ қўйди. Кейин жаҳл билан уйга кириб боласининг устидан чойшабни иргитиб ташлади. Бола чўчиб кўзини очди. Тепасида депсиниб турган дadasига ҳайрон қаради.

— Тур! Бу қанақа аҳмоқлик?

Бола умрида бунақа гап эшитмаган шекилли, қўрқиб кетди. Икром яна қичқирди:

— Одамлар ишини қилиб тушликка чиқди. Сен ҳали ҳам болишдан бошингни узмапсан. Аҳмоқ!

Айвондан хотинининг ингроқ товуши эшитилди:

— Боламини сўкманг. Болагинамни гадабламанг!

Икром боланинг ювуқсиз бетидан кўзини олиб айвонга чиқди. Хотинининг бошига келиб тиз чўкди.

— Ҳандалак олиб келдим, сўйиб берайми?

Хотин бош чайқади.

— Болагинамга сўйиб беринг. Есин. Турсунбой, болагинам, қанисан? Даданг ҳандалак олиб кептилар, еб олгин, болагинам.

Турсунбой кўзлари уйқудан қисилган бир ҳолда ичкаридан чиқди. Айвон четигаги ҳандалакларга қаради. Олмоқчи бўлиб турганда Икром зарда билан деди:

— Бор, ювин, кейин ейсан!

Бола бир онасига, бир дадасига қараб туриб қолди. Кейин норози ҳолатда айвондан тушиб нари кетди. Хотин инграб эрига қаради.

— Боламга қаттиқ гапирманг. У нимани билади, ёш бола-ку. Эси кириб қолар, дадаси.

Икром индамади. Хотинига совиб қолган чойдан қуийиб тутди.

— Эсинг жойидами, огир оёқ одам ўтин ёрадни?! Уғлингга айтсанг бўлмасмиди.

Эр-хотин жим қолишди. Шу ўғил уларнинг битта-ю битта фарзандлари. Жаннат етти бола туғди. Турмади. Шу биттагина Турсунбой уларнинг қувончи бўлиб ўсарди. Болага улар шамолни ҳам раво кўрмасдилар. Бола ҳам ёлғизлигини сезиб, ундан фойдаланарди. Уй юмушларига қарашмас, қарашганда ҳам ишни ўйин тариқасида бошлаб, ишга айланганда ташлаб кетарди. Она доимо орқасидан юриб у чала қолдирган ишларни бажараркан, ҳа, бўйнигинанг узилмагур, ҳа, оғзингдан бол тушмагур, деб гапириб юриб иш қиларди. Бола йўлга кирганда ҳам эр-хотин уни опичлаб юришди. Унинг ўзи кеч йўлга кирди. Умуман бола айёр бўлади. Қўп кўтарсангиз оёғини ерга босмайдиган бўлиб қолади. Турсунбой ҳам оёғини кеч ерга босганлардан эди. Икром тўйларга борса биронта қандми, конфетми, яхши ният билан, боламни ҳам шу кунларга етказсин, деб киссасига солиб келарди.

Она қаерга борса уни эргаштириб борарди. Турсун ҳатто мактабга борганда ҳам онасини эмарди. Катта танаффусда келиб эмиб кетар, она тўй-ҳашамларга борса, орқасидан эргашиб борар, уни имлаб йўлакками, панароқ жойгами чақириб эмиб оларди.

Улар арзанда болаларини ана шундай, бутун умрларини, роҳат-фароғатларини бағишлаб ўстиришган эди: Зеро уларнинг роҳатлари ҳам, фароғатлари ҳам шу боланинг дард кўрмай ўсишию кўз олдиларинда юриши эди. Агар Турсунбойни сал иситма олиб қолса, эр-хотин уйқу нималигини унутишар, бошидан нари кетишолмасди. Турсунбойнинг сал нотоб бўлиши икковини ҳам оёқдан йиқитарди.

Турсунбой ювиниб уйга ўтиб кетди-да, бир оздан кейин кийиниб чиқди. У чипакам биров ҳавас қилса арзийдиган йиғит бўлганди.

Турсунбой ҳусида тенгсиз йигит эди Қош-кўзлари попукдек. Ота-она эмас, кўрган кишилар ҳам тўхтаб бир қарамай иложлари йўқ эди.

Турсунбой ўзининг чиройлилигини билар, шунинг учун бўлса керак, ўзига бино қўярди. Ўз тенглари, айниқса қизлар олдида сал баландроқ туриб, беписанд гаплашарди.

Турсунбой келиб дадасининг олдига тиз чўкди.

— Болам, онангга жиндек қайнатма шўрва қилиб бер. Мен ҳозир далага кетаман.

— Қўйинг,— деди хотини.— Қўлига пичоқ берманг, эт-бетини кесиб олмасин, болам. У-бунни келтириб беринг, ўзим секин тўғраб бераман.

Икром индамади. Ер остидан секин ўғлига қаради. У онаси ҳимоя қилаётганидан мамнун эди. Икром индамай туриб ўчоқ бошига кетди. Жаннат ўғлини пешанасидан силаб пичирлади:

— Токчада қаймоқ бор, дастурхонга нон ўраб қўйганман, чойингни ич, болагинам.

У шундай дедию ўғлининг жавобини ҳам кутмай инқиллаб ўрнидан турди. Боласининг олдига дастурхон ёзиб понушта қўйди. Кейин унга тикилиб ўтираверди.

Ошхонада Икром дўқ-дўқ ўтин ёрар, жаз-буз қилиб пиёздоғ қиларди.

Она ҳамон боласидан кўз узмай аллақандай ширин хаёллар оғушида тебраниб-тебраниб ўтирарди.

II

Қалин дарахтларга бурканган катта ҳовлининг этак тарафида янгигина шувоқдан чиққан уй-дахлиз, олди айвон. Ҳовли ўртасида атрофидан ариқ айланиб ўтадиган супа. Ариқ бўйларида райҳонлар қулф уриб яшнаб турипти. Суви қочиб қоқига айлана бошлаган сухан ўрик таги билан битта бўлиб тўкилган. Жаннат тўкилган ўрикларини териб лаганга соляпти. Супа устида пашшахона ичида Турсунбой барқ уриб ухлаб ётипти. Жаннат ой-куни яқин бўлганидан энгашиб ўрик теролмайди. Ўтирган ўрнида сурилиб теради. Тут тагидаги чоғроқ сўрига нонушта тайёрланган. Ошхона олдида сариқ самовар париллаб қайнаб турипти.

Жаннат тиззасига тиралиб ўрнидан турди. Терган ўриklarини айвон лабига қўйиб супага келди. Пашша-хона четини кўтариб ўғлига аллақандай меҳр билан қаради

— Болам, тура қолгин. Жон болам, кун ёйилиб кетди. Тура қол, жон болам, онагнаниг ўргилсин! Даданг нонушта қилмай ишга чиқиб кетган-а. Тургин!

Боласи у ёнбошидан бу ёнбошига ағдариллади.

Ҳали устара тегмаган няклариди йиғитлик нишонлари белги бериб қолган, туш сиртилгандек қуюқ киприклари юмуқ кўзларини қоплаб турарди. Зулукдек қора қошлари, қирра бурни, бежирим няклари болага алоҳида бир ҳусн бағишларди.

Жаннат унинг бошини слайди.

— Турсунбой, болагинам, турсанг-чи, нонушганиг совиб қолди. Дадаг кутиб қолди.

Турсунбой одеялини бошига тортиб бурканиб олди.

— Ҳа, умрингдан барака топкур-а, турсанг-ку, бўларди-я. Менинг шу аҳволда бориб келишим осонми. Ҳа, боланг кўпайгур-а. Қандоқ қиламан, бораман-да. Тезроқ тур! Дадангининг олдига ўзим бораман. Сўридаги нонуштагини товуқ чўқиб кетмасин.

Жаннат ўздан-ўзи гапириб, чорсига нон, қатлам: туга бошлади. Самовар жўмрагидан катта мис чойнакка қайноқ сув қўйиб самоварга яна сув тўлатди. Қувурига тараша ташлади. Кейин қўлида чойнак, тугун билан супа ёнига келди.

— Кетяпман. Эшик очик қолмасин, тур. Турганингдан кейин чорбоққа чиқиб сизгидан хабар олиб қўй. Арконига ўралашиб қолмасин.

Жаннат гапира-гапира чиқиб кетди.

Кун ёйилиб кўча серқатнов бўлиб қолганди. У кекса толлар, қайрағочлар бағридан ўтган йўл бўйлаб кетаркан, қулоғига хотинларнинг йиғиси чалинди. Сергакланиб йиғи келаётган тарафга қулоқ тутди. Йиғи Расул буванинг ҳовлисидан келарди. Хотин қадамни тезлатди. Расул буванинг кўча эшиги элдидаги супаси кўринди.

Чол ҳар кун шу супада кунини кеч қиларди. Юзни қоралаб қолган бу чол умрида кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлган. Ували-жували бу қария кейинги йилларда узоқ-яқинга боролмайдиган, невараларига супа ясатиб чўғдек гиламча солдириб ўтирар, дидига ёққан йўловчини

ёнига чорлаб аччиқ кўк чоғ қўйиб берар, кетаётганда райҳондан битта шох синдириб қўлига тутарди.

Мана, ҳозир супа олдида уч-тўрт киши ўралашиб турибди. Кўча бетига кўлоблаб сув сепилган. Чол ўтирадиган супа тепасидаги тол поясини кесиб тўбутга анбар қилишяпти.

Хотин жанозага тўпланаётган кишилар олдида бош эгиб ўтиб кетди. Ичкаридан ўқтин-ўқтин йиғи товуши келиб турибди. Қорагина бир киши шошиб келарди. У узоқдан жадал келаётган бўлса керак, терлаб, яктагининг елкалари ҳўл бўлиб кетган эди.

— Жаннат, Икромга ўзинг хабар қил. Пешинга чиқазилармиш, деб айт. Мен Заркент, яккатутликларга хабар қилиб келяпман.

У шундай дедию яна жадаллаб юриб кетди.

Бу эрининг яқин ўртоғи, Тўланбой исмли киши эди. У қиз танлаб-танлаб ёшини ўтқазиб қўйган, охири қирқини қоралаб қолганда уйланган, ўзи очиққина, ҳар гапига мақол ё матал қўшиб гапирадиган сўзамол киши эди. У кирган давра бирдан яшнаб кетар, тўй-ҳашамларда у бўлмаса ўрни йўқланиб турарди. У ўзини катта олмас, қишлоқда азами, бирон маърака бўлса дарров етиб келарди. Биронта одам бемаҳал нотоб бўлиб қолса шуни уйғотишар, пиёда бўлса ҳам Марғилонга — доктор олиб келишга юборишарди. Тўланбой йўқ демай пилдираб кетаверарди. Мана ҳозир ҳам Тўланбой жанозага икки қишлоқни хабарлаб келяпти.

Жаннат эрига бу кўнгилсиз хабарни етказиш учун қадамини тезлатди. Идора олдида қора енгил машини турарди. Одам кўп. Ҳамма ичкаридан кимнингдир чиқишини кутяпти. Жаннат бир муддат, ким келди экан, катталардан биронтаси бўлса ажаб эмас, деб Яккатут тарафга бурилди. Икромжоннинг ўзи шу тарафга ҳаллослаб келарди. У хотинини кўриб аччиқланди.

— Узинг келяпсанми? Уғлингга айтсанг бўлмасмиди? Неча марта айтаман, юк кўтарма, деб.

Жаннат, ҳечқиси йўқ, дегандек илжайди.

— Турсунбойгинангиз ухлаяпти. Кечаси кеч қайтган эди. Уйғотгим келмади. Расул бува оламдан ўтибдилар.

— Эшитдим,— деди Икром.— Шунга келяпман. Сен уйга қайта қол.

— Оч-наҳор борасизми, қатлама қилган эдим, бир тишлам бўлса ҳам тамадди қилиб олинг.

— Кейин, кейин. Узим эшикка бораман. Йўлдош ота келибдилар. Мени йўқлатган эканлар, борай.

✦ — Ота атайни жанозага кептиларми?

— Йўқ, иш билан юришипти. Кўпчилик бўлиб чўлларни айланиб юришганмиш. Кишлогимиз тепасидан канал ўтади, дейишяпти. Уин, боғи устидан канал ўтадиган хонадонлар билан гаплашиб юришипти. Бирон-таси норози бўлиб қолмасин, деб Райимбердига танин-лаяптилар.

— Вой тавба,— деди Жаннат.— Ҳукумат ҳам сув келтирсин, ҳам ҳақини тўласин, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган замонлар бўляпти.

Икром шошиб турганидан гапни чўзиб ўтирмади.

— Кейин айтиб бераман, хотин. Гап кўп. Зўр ишлар бўладиганга ўхшайди. Борай-чи, отанинг ўзлари айтиб қоларлар. Уз оғзиларидан эшитай.

Икром хотинини қолдириб, ўзи идора тарафга қараб кетди.

Жаннат тугунчаси билан уйга қайтганда сўри устидаги нонуштани мусичалар чўқир, қаймоқ солинган пиёла ерга тушиб чил-чил бўлган эди. Тўкилган қаймоқни мушук яларди. Турсунбой бўлса ҳамон донг қотиб ухлаб ётибди. Тўрт-беш товук дастурхондан олиб қочган қатламани таллашиб чўқилашарди.

Жаннат бу бесаранжомликни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Ҳа, болагинанг кўпайгур-а, бу нима қилиқ, ҳали ҳам ётибсанми? Мана, бормаганингдан дадагинанг нонушта кутиб-кутиб, оч-наҳор қишлоққа тушиб келибди. Шунақа ҳам бўладими, болангдан айланай.

Онасининг тинмай жавраши чаккасига теккан Турсунбой ноилож бош кўтарди. Пашшахона ичида бир керишиб одеялни иргитди.

— Ҳеч ухлатмадингиз-да.

✦ — Ухлаш ҳам шунчалик бўлади-да. Расул буванг ҳам оламдан ўтиптилар.

Бола бепарвогина «шунақами», деб қўя қолди.

— Даданг ўшаққа кетдилар. Сен ҳам чойингни ичиб ўшаққа бор.

✦ — Мен нима қиламан. Кун исиб кетди.

— Вой болам, бу одам боласининг бир-бирдан қар-

зи-я. Бутун уч қишлоқ бувангшикига йнгиляпти. Раҳматли, қандоқ табаррук одам эдилар. Юз ёшга кираман, деб турган эдилар.

Онанинг гаплари Турсунбойга малол келди.

— Бўлди, кўп гапираверманг. Миямни ачитиб юбордингиз.

Ўғлининг аччиқланаётганини кўриб она сергакланди.

— Хўп, хўп, болам. Энди гапирмайман. Борсанг яхши бўларди. Ҳамма ўртоқларинг ўша ерда. Охунбобоев ота ҳам келибдилар.

Бола эснаб ўрнидан турди. Она уйга кириб дазмолланган янги дастурмол, тахтакачдан тушган марғилон нусха дўппи олиб чиқди.

У кўча эшигига йўл оларкан, она аллақандай, сира таърифлаб бўлмайдиган меҳр билан орқасидан қараб қолди.

— Чой ичмадинг-ку, чойгинангни ичмадинг-ку, тен-тагим.

Турсунбой кўчага чиқиб қаёққа боришини билмай анча ўйланиб туриб қолди.

Ҳали жанозага Охунбобоев ҳам келармиш деган гап қулоғига киргандек бўлганди. У киши қанақа одам экан? Билгиси келди. Дадаси Тошкентга борганда Охунбобоев, ўғлинг нечага кирди, кап-катта йигит бўлиб қолгандир, деб сўраганини онаси айтиб берганди.

Турсунбой ўйлаб ўтирмай Зириллама тарафга юра бошлади.

Ҳамма вақт жимжит бўладиган кўчада бугун одам кўп. Тўрт-беш қишлоқ шу срга — дафн маросимига тўп-ланган. Кўча бетида тобут.

Тўп-тўп одам орасида шивир-шивир бошланди. Ога келаётibdилар. Йўлдош ота келаётibdилар, деган гап оғиздан-оғизга ўтди.

Узоқдан машина моторининг гуриллагани эшитилиб дарров сўнди...

Нарида ўн чоқли киши кўринди. Олдинда чўққи соқол Йўлдош Охунбобоев, унинг ёнида Тоға, Икромжон, Умматали ва тўрт-беш киши шу тарафга қараб келишарди... Райимберди Расул буванинг кейинги кунларини гапириб келарди:

— Саккиз ўғил, бир қиз, ўттиз саккиз неvara кўрган. Ёлғиз қизини кўп яхши кўрарди, бечора. Уша қизининг қўлида жон берипти.

Икром кечаги учрашувни яна эслади. Демак, бува кеча неварасига ҳандалак олиб борганича уйига қайтмаган. Уша ерда жон таслим қилган.

Охунбобоев уни яхши тапирди. Эслаб кетди.

— Расул буванинг укаси билан биз Эшонтўпи қишлоғида чоракорлик қилардик. Атайн Зирилламадан бизни йўқлаб борарди. Топганини бериб яна пиёда орқасига қайтиб кетарди. Утган йили Тошкентга неварасини етаклаб борипти. Ишга келсам эшикда кутиб турган экан: «Шунинг ўқитиб, менга одам қилиб бер. Биттаси илмли бўлсин», деб илтимос қилиб қолди. Жойлаб қўйдим.

— Ҳа, — деди Райимберди, — дўхтирликка киритиб қўйган экансиз. Ҳозир шу ерда, каникулга келган.

Зириллама жанозага кўчиб келгандек эди. Кўча бетида биров чўккалаган, биров тик турган, чол ўтирадиган супада икки-уч қария бош эгиб тек қотишган эди.

Охунбобоев бир четда тиззалади. Маърака эгасига имлаб, юқорига олинглар, деган ишора қилишди. Аммо Охунбобоев жойидан жилмади. Қўлини кўксига қўйиб узр ишорасини қилди.

Барибир бўлмади. Райимберди уни қўлтигидан олиб турғизди-да, супага, қариялар олдига ўтқазди.

Далага, ғўза чопиғига кетаётган колхозчиларнинг ҳаммаси жанозага келишган. Уларнинг кетмонлари, нон тугилган қийиқлари ёнларида.

Куннинг тинғига қолмай жаноза ўқилиб қабристонга йўл олишди. Зириллама гузарига чиққанларида ўткинчи аравадагилар, отлиқ кетаётганлар йўлдан тўхтаб тобутни елкага олишар, етти қадам юриб дастанни бошқасига беришарди. Йўллардаги самоварларда эрталабки нонуштага чиққан чойхўрлар гур этиб туришар, сартарошхонадагилар, дўкондагилар ишларини, пулларию қимматбаҳо буюмларини ташлаб, тобут дастасини елкага олишарди.

Бу қадим ўзбек одатини айниқса зирилламаликлар қаттиқ ушлашарди. Сўнгги йўлга кетаётган инсон олдидаги буюк қарз деб билишарди.

Охунбобоев ҳам навбатма-навбат дастанни елкага олишар, марҳум сиймосида ўз отасини эсларди. Улар бир-бирлари билан қалин дўст бўлишган. Расул бува дўсти Охунбобо вафот этганда қабрига ўз қўли билан қўйганди. Шунда Йўлдошвой бу одамга алоҳида бир меҳр,

алоҳида яқинлик сезган, бу сезгн чол оламдан ўтгунга қадар қалбини тарк этмаганди.

Ўўлдошвой ўз отасини иккинчи дафъа дафн қилаётгандек эди. Чунки отасини таниган, унинг товушини эшитган, ҳамнафас бўлган кишилардан энг сўнггиси шу Расул бува эди.

Юз ёшни қоралаб қолган бу табаррук чолни у Тошкентда Олий Совет Президиумининг Раиси бўлиб ўтирган столида, ўй ўйлаб қолган чоқларида ҳам эсларди. Қачон Фарғона томонларга йўли тушса, албатта уни бир зиёрат қилиб, дуосини олиб ўтарди. Мана, отаси билан ҳамнафас, унинг нафасини туйган сўнгги киши ҳам оламини тарк этди.

Бу чолни бутун юрт нззат қиларди. Тўю маъракалар усиз ўтмасди. Никоҳ тўйларида келин билан куёвни унинг олдига олиб келиб салом бердиришарди. Янги фарзанд кўрганлар албатта чақалоқни унинг тиззасига қўйиб олишарди. Агар у гузардан ҳассасини дўқиллатиб ўтиб қолса ҳамма баробар қалқиб то ўтиб кетгунча таъзимда турарди.

Ҳад-ҳисобсиз тобуткаш қабристон томонга бурилган эди. Тўланбой олазарак бўлиб кимнидир қидира бошлади. Кўпчиликдан қўлиб кетмай, деб пилдираб бораётган сийрак соқол бир кишини тирсагидан ушлади.

— Умматали амаки, тез уйга бораркансиз.

Умматали ҳайрон бўлиб Тўланбойга қаради.

— Нима гап?

Тўланбой ҳаллослаб гапирарди:

— Уғлинигиз маҳаллани бошига кўтариб аравакашлар билан муштлашяпти.

Умматали бир гап айтмай тўпдан ажралиб орқасига қайтди. Унинг бунақа маъракалар, тўйлардан бенасиб бўлиб орқага қайтган пайтлари кўп бўлган. У биронта тўйда, биронта базмда одамларга ўхшаб хотиржам ўтирмаган. Уғли Азизхон жанжални пулга сотиб олар, маш-маша бошлаб уни мудом нотинч қиларди. Шунинг учун ҳам ҳозир у, нима бўпти, қачон, нега, деган савол бермай орқасига қайтяпти.

Савобдан қуруқ қолмайлик деб ўткинчи аравакашлар от-араваларини тор кўчада қолдириб, тобут дастасини елкага олиб, ярим йўлгача бўлса ҳам кузатиб қўяйлик, деб кетган эдилар. Азизхон эгасиз қолган от-араваларни кўриб пайтдан фойдаланмоқчи бўлипти. Иккита отни.

аравадан чиқазиб болаларни миндирипти. Ҳзи кўча тарафдаги дарвозанинг бир тавақасини чиқазиб кўча ўртасида қорнига қўйиб ётиб опти. Болалар от билан қорнидаги дарвозага чиқишипти. Аравакашлар келишса от йўқ. Болалар от миниб чиққан дарвоза тахтасининг бош тарафида Азизхоннинг пияги чиқиб турипти. У кучаниб, яна биттанг от миниб чиқларинг, деб буйруқ қил-япти.

Аравакашлар болаларни тириқтириб отларни туширишди. Биттаси Азизхоннинг юзига тарсаки тортиб юборипти. Азизхон забти тез, дев йигит. Унга шапалоқ урган аравакаш йигитни белидан ушлаб девор ошириб чорбоққа иргитибди. Қолган аравакашлар унга ёпирилиб калтаклай кетишибди. Азизхон унисини у ёққа, бунисини бу ёққа отиб, тўрт тарафга қувиб, кўча ўртасида, қани, мард бўлсанг яқин кел, деб икки қўлини белига тираб турипти.

Умматали етиб келганда ариқнинг бу бетида тўртта аравакаш унга яқин келолмай сўкнишишарди.

Аравакаш зоти уришқоқ, сўкишда бировдан орқада қолмайдиган халқ бўлади. Аммо Тошлогу Марғилонга сўз бермай келаётган бу зўравонлар Азизхоннинг олдига боролмай турганларини кўрган Умматали уларга эрмак-омиз қараб қўйди.

— Уят-э, шу ёш боладан калтак еб ўтирсаларинг. Бу гавда савлат экан-да.

У шундай деб ўглини туртиб-туртиб четга олиб чиқди.

— Сенинг дастингдан бирон жойда хотиржам битта пиёлагинна чой ича оламанми, йўқми? Ҳе, сенга полвонликни ўргатган Ҳожимукондан ўргилдим!

Азизхон дадасига бетма-бет келолмасди. Ҳар қандай тўполон қилмасин, ҳар қандай қилиқ қилмасин, дадаси кўзига қараса шаштидан қайтар, чурқ этиб огиз очмасди.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Умматали кўча ўртасида дарвозанинг бир тавақаси тупроққа қоришиб ётганини кўриб ўглига хўмрайиб қараган эди, Азизхон гиринг демай дарвозани азот кўтарди. Лапанглаб бориб бир интилишда жойига илиб қўйди. Кейин индамай уйга кириб кетди. Умматали йиғилган болаларга қичқирди:

— Борларинг, туққанларингнинг олдига жўналаринг. Томоша тамом! Э, чавандоз паҳлавонлар, отларингни аравага қўшинглар. Э, садқайи полвон кетларинг!

Умматали ўглининг бир таъзирини бермоқчи бўлиб ҳовлига кирди. Бола кўринмади. Қидириб чорбоққа чиқди.

Азизхон аллақачон чорбоғ деворидан ошиб кўчага чиқиб кетган эди.

Ота илжайиб бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳа, гентак-а! Қуйилиб қолармикин, ишқилиб!

Ота бўласининг тақдиридан ташвишланарди.

— Минилмаган асов отнинг ўзи. Билмай минганни пргитиб ташлайди. Эгар урдирмайди, ҳурковуч. Ҳа, ишқилиб омон бўлсин! Бир кунмас-бир кун зўр хотиннинг қўлига тушса ювош бўлиб қолар.

Умматали ўзни шу хил гаплар билан овутарди.

III

Зириллама қишлоғининг гузарида ғалати нш бўлди.

Азизхоннинг қўлини боғлаб гузарга олиб чиқишди. Калтак зарбидан бетлари мўматалоқ бўлиб кетган, чаккалари ғурра. Кийим-бошлари йиртилиб, елкалари очилиб қолган эди.

Эрталаб понуштага чиққан чойхўрлар, Марғилону Қува тарафларга кетадиган йўловчилар унинг атрофини ўраб олган. Бир давангирдек йигит гал бермай унга мушт тушириб турипти. Аммо Азизхон бош кўтариб унга бир нима деёлмас, мушт ва калтакларга чидаб, миқ этмай турарди.

— Ҳой, инсофнинг борми, Акбар. шунча урдинг, энди бас! Улдириб қўясан-ку!

Йигит ҳеч кимнинг гапига кирмасди.

— Улдириш керак. Тириклайин кўмиб ташлаш керак буни!

— Эсинг борми? — дейди бошқа бир йўловчи. — Ҳар қанча ёмонлиги бўлса мелиса жазо беради. Ёламон қиладиган пайтлар ўтиб кетган.

Шу пайт, Тоға келяпти, Тоғанинг ўзи келяпти, деган шивир-шивир бўлиб қолди. Давра орасини ёриб колхоз раиси ~~Раҳимберди Тўхтабоев~~ кирди.

— Нима гап?

Қўли боғлиқ, бетлари калтакдан кўкариб кетган Азизхонга кўзи тушди.

— Яна нима ҳунар кўрсатди, бу тийилмас!

Йигит айтпб бўлмайдиган гапни тилдан чиқашига истиҳола қилиб, атрофдагиларга қараб олди. Кейин кафтининг орқасига йўталиб гапира бошлади.

— Бу ярамас тонг саҳарлаб девор ошиб, қўрғонга тушипти.

— Нима, ўғриликками?

— Уғирлик қилса минг марта рози эдим-а! Синглимнинг қўйнига кирмоқчи бўлиб энди кўрпани кўтараётган экан. Яхшиям толенмга пешобга уйғониб қолдим. Куёвга бўлишиб қўйганмиз-а! Тўрт кундан кейин тўй. Бу ярамас бизни бадном қилмоқчи экан.

Райимберди ўқрайиб Азизхонга қаради.

— Шу гап ростми?

Азизхон индамади. Қийиқ тугуни эзган биллагини ишқалаб, индамай тураверди.

— Сендан сўраяпман! Шу гап ростми?

Азизхон:

— Рост, — деди. — Уйғотмоқчи эдим.

Йигит баттар тутақди.

— Ёмон ниятнинг бўлмаса қора саҳарда девор ошармидинг. Нима, хумор бўлиб нос сўрагани девор ошганиднинг. Нос сўраб кўрпа қатини кўтарганиднинг?

— Чекмайман, поскашмасман. Ўзида ишим бор эди.

Унинг телба-тескари жавобларидан атрофдаги эрмакталаблар ҳиринг-ҳиринг кулишарди.

Райимберди тоға ҳам ўзини тутолмай кулиб юборди. Қоқ саҳарда бировнинг пардали қизиди нима иши бўлиши мумкин.

— Нима ишинг бор эди? — деди Райимберди атайин уни гапга солиш учун.

Азизхон нима дейишини билмай безрайиб тураверди. Райимберди ҳам тутақиб кетди.

— Ҳей, тил-забонинг борми, гапирсанг-чи!

Азизхон минғирлади:

— «Тойир-Зувра» китобини бераман деганди.

Йигит яна мушт кўтариб келди.

— Ҳе, тонг саҳарда «Тойир-Зувра» ўқийдиган!

Одамлар уни биллагдан қайириб нари суриб қўйишди.

Райимберди одамларга, тарқалинлар, томоша тамом бўлди. Акбарали, сен ҳам кетавер. Бунни ўзим тузлайман, деб Азизхонни эргаштириб идора тарафга юра бошлади. Акбарали ҳам бормоқчи эди, унга: сен қол дедим-ку, деб қўл силтади. Олдинда Райимберди, орқада

Азизхон индамай борншарди. Ҳали ҳам тарқалишмаган одамлар бири кулиб, бири ўзича бичиб-тўқиб қотиб-қотиб кулишарди. Шўхроқ бир ўспирини Акбаралига пичинг аралаш деди:

— Қизини дўхтирга кўрсатиш керак.

Бу гап қизининг акасига малол келди. Гап айтган ўспиринга еб юборгудек ўқрайди. Кейин ҳафсаласи пир бўлгандек қўл силтаб, орқасига қайтди.

Азизхон ҳамон рансга эргашганча индамай борарди.

У Зирилламанинг энг шўх, ўтганининг ўроғини, кетганининг кетмонини оладиган, ерга урса кўкка сапчийдиган бўз болаларидан. Бола пайтида ҳам шундоқ эди. Ҳалигача қуйилмади. Томлардан чумчуқ уясига интилиб, тик тераклардан йиқилиб синамаган, чиқмаган жойи қолмаган. Муштлашпшга шиқибоз. Атайини Яккатут, Тошлоқ, Заркент тарафларга бориб басма-басга ўз теңглари билан муштлашарди. Бирини уриб, бирдан калтак еб қайтган пайтлари жуда кўп бўлган.

Агар Зириллама қизларидан фалончига фалон қишлоқнинг йигити гап қотипти, деб эшитса, тамоом. Атайини ўшаққа бориб гап қотган йигитнинг оғзи-буринини қопқора қон қилиб келарди.

Кучи, ғайрати танига сигмайдиган бу йигит кўча эшиги олдида ўтириб, атайини кучини кўрсатиб қўйиш учун эшак қўшилган араванинг орқасидан тортиб юргизмай қўяр, қопдаги буғдойми, уми, пима бўлса тиши билан кўтариб иргитарди. У қишлоқнинг «кўзирин» деб ном олган эди. Шу боланинг кўнглига бирдан муҳаббат оташи тушди.

Муҳаббат ўти илашган йигитлар кўпинча ювош, ўйчан, ишгичкароқ овоз эшитса хўрсинадиган бўлгучи эди. Азизхон бунақа бўлмади. Ишқи ҳам ўзига ўхшаган бебош, ҳеч нарсани тан олмайдиган бир ишқ эди.

Шунча йил ёнма-ён юриб, бирга ўсиб, ўзи неча марта лаб уриб, сочидан тортиб чирқиллатиб юрадиган Лутфиниса бир кун келиб унинг уйқусини ўғирлаши, кечалар ҳаммага эшитдириб оқ урдиришини сира хаёлига келтирмаган. Унинг муҳаббати секин-аста бошланмади. Оловдек пов этдию юрак-бағрини куйдирди, қўйди. Ана ўша кундан бери Азизхон Лутфинисанинг йўлини пойлайди. Овлоқроқ жойда учратса илтифот нималигини унутиб, бағрига тортади. Қиз ҳам унга ортиқча монелик қилмайди. Бир чеккаси мойиллик билдириб

тургандек ўзини қўйиб беради Бу орада сирдан воқиф бўлган акаси Лутфинисани икки-уч калтаклади ҳам. Эплоллади. Қиз баттар ўчакишиб Азизхон тарафга илтилаверди. Уй юмушларини ораста қиладиган қиз ўзини пардозга урди. Кўчага чиқадиган бўлса йўлакда юзига упа-эликларни чаплайдиган бўлди. У ўтган кўчада атир ҳиди анқиб кетарди. Бу ҳид Азизхонни жинни қилар, уни кўролмаган кезларида кўчасини, йўлагини ҳидлаб келарди. Нима бўлдию Лутфиниса Азизхон тайин қилган жойга келмади. Эртаси куни учрашганда уни аямай шапалоқлади. Қиз бу калтакни огир олмади.

Хуллас, икковининг муҳаббати бирон китобга ёзилмаган, бирор шоирнинг тилига келмаган антиқа бир муҳаббат эди.

Уларнинг бу даража бесаранжом, хавфли учрашувларидан ташвишга тушган қизнинг акаси Акбарали нима қилишини билмай кўп бош қотирди. Ота-онаси бўлганда-ку, уларга маслаҳат соларди. Лекин, начора, улар бу фоний дунёдан кўз юмганлар. Охири марғилонлик косиб йигитдан келган совчиларга розилик бериб, патир ушатди. Тўй куни ҳам тайин қилинди. Синглисини остана ҳатлаб кўчага чиқармай қўйди.

Тўй тараддудидан хабар тонган Азизхон — жиннинг ўзи бўлди-қўйди. Марғилонга тушиб куёвнинг йўлини пойлади. Учратсам бир ўласи қилиб ураман, қиздан айни таман, деб ният қилди. Аммо куёв болаи учратолмай қайтиб келди. «Агар шунга тегсанг сўймап, инчоқ чархлатиб келдим», деб Лутфинисага хат киритди. Хат қизнинг қўлига тегмадими, ҳар қалай жавоб бўлмади. Ана шундан кейин Азизхон кечаси билан Лутфинисалар уйи атрофида гингшиб юрди. Охири чидамай девор ошиб ҳовлига тушди. Ҳамма ёқ тиш. Ҳатто бўрибосар ити ҳам тонгга яқин мудраб қолган эди. Азизхоннинг нияти қизни олиб қочиш эди. Аста эмаклаб айвонга чиқдию, қиз ётган тўшакка яқинлашди. Тонг салқинида Лутфиниса кўрпани бошига тортган экан. Атир ҳиди Азизхонни бир неча дақиқа гаранг қилиб қўйди. Ёстиқдан ошиб тушган икки ўрим сочи бир қилиб тўйгунча ҳидлади. Кейин энди қиз бошидаги кўрпани кўтарган ҳам эдики, қоронғида кимлигини билмаган Лутфиниса қичқириб юборди. Бирпасда ҳовли қий-чув бўлиб кетди. Қўни-қўшнилари уйғониб ҳовлини тўлдиришди. Қизнинг акаси Азизхонни ғўзапоя ғараман орқасидан топиб чиқди. Кек-

еалар ҳассаси билан, ёшлар мушти билан дўппослашди. Аммо Азизхон ғиринг, деб овоз чиқармади. Тўйгунингча ураверларинг, деб тураверди.

Лутфиниса айвон устунини қучоқлаб гоҳ йиғлар, гоҳ аллақандай ҳаракатлар билан Азизхонга далда бериб турарди...

Идорага яқин қолганда Райимберди ҳассага таянган бир чолнинг арзини тинглаб алаҳсиб қолди. Азизхон пайт топиб орқа кўчага қараб қочди.

Акбарали уйига етганда қараса, Азизхон кўчанинг бу бетида тол тагида уларнинг эшигига тикилиб ўтирибди.

Акбаралининг ниҳоятда тажанглиги ошди. Энди нима қилиш керак. Бу бетаъсир болага гап ўтмаса, калтак қилмаса! Охири ялинишга қарор қилди. Азизхоннинг олдига келиб қўлини кўксига қўйди.

— Менга қара, барака топкур. Тинч қўйгин. Жон ука, тинч қўйгин. Бизни шарманда қилма! Кўча-кўйда қандоқ бош кўтариб юраман. Ё кўчиб кетайми?

Азизхон без бўлиб туриб жавоб қилди:

— Кўчадиган бўлсанг Лутфини ташлаб кетасан.

Акбарали:— Э, одам бўлмай ҳар нарса бўл. Хожиму қонни олдида қолиб кетсанг бўлмасмиди, сени қайтариб олиб келган ўзимиз аҳмоқ. Бўшга битган бало бўлдинг, ярамас, — дедди-ю, эшикни оёғи билан очиб ҳовлисига кириб кетди.

Сал ўтмай ҳовли тарафда унинг сўкингани, Лутфинисанинг дод солиб йиғлагани эшитилди. Нимадир синди. Азизхоннинг қулоғига шундай сўзлар чалиниб қолди:

— Ғунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди. Сен аблаҳ кўз сузмасанг, бу ярамас бунчалик суйкалмасди.

— Барибир топган куёвингизга тегмайман. Азизхондан бошқасига тегадиган бўлсам сирка ичиб ўламан.

— Сирка у ёқда турсин, заҳар ичмайсанми. Барибир айтганимни қиламан.

— Заҳар ичишдан олдин беш варақ қилиб, золим акамнинг дастидан дод, деб хат қолдираман, кейин заҳар ичаман.

Яна нимадир синди. Биров қочди. Биров қувди. Лутфинисанинг яна додлагани, акасининг сўкингани эшитилди.

Бу гапларга қулоқ солиб илжайиб ўтирган Азизхон

қандайдир ғалаба қилган кишидек мағрур ўрнидан турди. Узича, қойил, қо-о-йил, деб қўярди.

Лутфинисанинг ҳам бўш келмаслигидан кўнгли тинчиган Азизхон уйга бориб бир уйқуни уриб, қолган ишни ана шундан кейин ўйлашни ният қилиб ҳовлисига кетди.

Унинг йиртилган кийимлари, ғурра бўлган, кўкарган бетларини кўрган маҳалла кишилари бири кулиб, бири ҳайрон бўлиб орқасидан қараб қолишарди.

Кимдир, манавини ошиқ дейди, деди.

Орқа тарафдан гурр кулги кўтарилди.

Бу масхаралар, бу гаплар ошиқ Азизхонга заррача ҳам таъсир қилмас эди.

IV

Бугун Акбаралининг уйида тўй. Кўчани ошна-оғайниси билан тўлдириб куёв келади. Қишлоқ қизлари ёр-ёр айтиб Лутфинисани Маргилон тарафга, куёвникига кутатиб борадилар.

Азизхон шуларни ўйлаганда ичинини ит таталагандек инграб юборар эди. Бугун у ётган тўшаги куйдиргандек эрта тонгда ўрнидан турди. Аллақаяёқларда санқиб, оҳ тортиб, пешанасига шатиллайтиб уриб уйга қайт-б келди.

Дадаси Умматали оҳорли яктагини, тахтакачдан чиққан дўпписини кийиб тўйхонага кетди. Азизхон кўксини захга босиб, энди тақдирга тан бериш керак, деган ўйга келар, шундай ўй келган калласига мушт уриб сапчиб ўрнидан туриб кетарди.

Айниқса кўча бошида қўш карнай, қўш сурнайнинг ват-вати, ногора-чирмандаларнинг так-така-тумини эшитгандан кейин сира чидаёлмай қолди. Эшигини тегиб очиб кўчага чиқди. Кўзлари бежо, дуч келгани дўппослайдиган қиёфада эди. У ўзидан-ўзи ички бир товуш билан, ҳеч бу дунёда раҳм-шафқат деган нарса борми, адолат деган нарса борми, деб нидо қиларди.

Бу минилмаган асов отдек йигит қандай адолат қидираётганини ўзи билмасди. Қоқ ярим тунда бировнинг уйига девор ошиб, пардадаги қизнинг ёнига кирса, свлокроқ жойда учраса, белини қайириб бағрига босса. Унга яна қанақа адолату, қанақа раҳм-шафқат керак?

Азизхон бўйи етиб, йигитликнинг дунё меники, куч менда дейдиган фаслини кечирарди.

Куёвнакарлар оломони қийқириқ билан Акбаралилар кўчасига бурилиб кетди. Азизхон ўша тарафга кетаётганини билмасди.

Қош қорайиб қолган. Тўй шарофати билан сув сепилган кўчалардан чағи кўтарилмас. Эшик тирқишидан куёв ўтган тарафга мўралаб турган хотин-халаж Азизхоннинг кетишига кулиб, баъзилари вой бечора, дегандек қараб туришарди. Азизхон бу таъқиб қилиб турган кўзларни кўрмас, кўрса ҳам идрок қилмасди.

Азизхон Акбаралилар дарвозаси олдида давра ясаб ногора-чирмандага рақс тушаётганларни томоша қилаётганларга чап бериб лип этдию девор ошиб чорбоққа тушди. Кейин боғма-боғ ошиб кетаверди. Хотинлар, болалар йўлакка чиқиб тўйни томоша қилаётганликлари учун боғларда, томорқаларда ҳеч ким йўқ эди. Азизхон тўй бўладиган ҳовли орқасидаги баланд нок тупининг қиялаб ўсган шохига ўтириб олди. Қўйинини кузги тош нок билан тўлдирди.

Кўчада базм тугаб, куёвни ўраган йигитлар аста-секин ҳовлига кира бошладилар. Хотинлар бош эгиб келаётган куёв устидан тағна, ширинликлар сочишарди. Азизхон залварли бир тош нокни қўлига олиб салмоқлаб кўрди. Бошига салла ўраб, жиға таққан куёвни мўлжалга олди. Унинг олдини баланд бир йигит тўсиб қолганидан Азизхон нокни отмади. Қулайроқ пайтни кутди.

Кексалар сўриларга, ёшлар тахтадан ясалган узун стол четидаги скамейкаларга ўтиришди. Икки йигит куёвни қўлтиғидан олиб кунга қаратиб солинган уй деразаси олдига олиб келди. Бир эпчил йигит табуреткага пар ёстىқ қўйиб куёвни ўтқазди. Тасбеҳ тутган чолга стул қўйиб беришди. Никоҳ ўқиш маросими бошланган арафаси эди. Азизхон энг аввал муллани мўлжалга олди. Нок салласига тегиб учуриб юборди. Нима бўлганини билмай қолган кишилар чувалган саллани олиб қайта ўрай бошлашди.

Бу пайт қоронғи тушиб, ҳовлидаги дарахт шохига илинган тўртта лампочка чарақлаб ёнган, кучли нур одамлар кўзини олганидан девор нарёғи қоп-қоронғи бўлиб кўринарди.

Салла яна мулланинг бошига қўнди. Азизхон яна мўлжалга олди. Нок мулланинг қулоқ-чаккаси аралаш тегиб унинг бошини қийшайтириб юборди.

Азизхон нок бўронини бошлади. Куёвнинг оғзи-бурни қоп-қора қон бўлди. Енидаги икки йигит ҳам насибасига ярашасини олди. Бутун ҳовли қий-чув бўлиб кетди. Ноклар қай тарафдан отилаётганини билишолмасди. Азизхон қўйнидаги сўпгги нокни дераза ойнасига отди. Ойна чил-чил бўлди.

Азизхон тўйни бузиб, қўйинини яна нокка тўлдириб, нокдан тушди-да, қоронғи боғ ичида йўқолди.

Ярим соатдан оргиқ бесаранжомлик бўлди. Куёвнинг чаккасини дока билан боғлашди. Обдастада иссиқ сув опкелиб иззат билан бетини ювиб қўйишди.

Аммо мулла никоҳ ўқишга сира унамасди.

— Менга жон керак, қўйинглар, никоҳни ўзларинг ўқиб қўя қолинглар.

Шунча тавалло қилишса ҳам бўлмади. Домла этак силтаб чиқиб кета бошлади.

Унинг бу қилиғидан диққати ошган Акбарали домлани белидан даст кўтариб қайтариб олиб кирди.

— Сизга ишониб ўтирибмиз, тақсир. Бу қишлоқда биронта эскича биладиган одам йўқ. Атайин аравада Қувадан олиб келганман-а!

Юрак олдириб қолган мулла чор-ночор рози бўлди.

— Хўп, хўп, бўтам, ҳеч бўлмаса никоҳни ичкарига кириб ўқийлик. Куёвни уйга олиб киринглар.

Акбарали, бу бошқа гап, деб уни ичкарига бошлади. Куёв ҳам ўрнидан туриб уларга эргашди.

Шу пайт чарақлаб ёниб турган лампочкаларга гўр ноклар қарс-қарс тегиб ёрила бошлади. Бир зумда ҳамма ёқ зимистон бўлди қўйди. Нима бўлаётганини билолмаган тўй аҳли ваҳимага тушди. Ҳамма жон талвасасида ўзини ҳар ёққа урди. Идишлар синди. Самоварлар ағанади. Ким қаерда, нима қиляпти, билиб бўлмасди... Тўполонда мулланинг: бўталарим, салламнинг учини ким босди, кавушим қани, деган чинқириғи эшитиларди.

Шу тўполон ичида хотинларнинг қичқириғи ҳаммани ҳанг-манг қилиб қўйди.

— Войдод, шўримиз қуриб қолди. Шарманда бўлдиқ, қизни олиб қочди. Бир яшшамагур, қирчинингдан қийилгур қизни олиб қочди.

Қоронғида чироқ, шам кўтарганлар пайдо бўлди.

Акбарали аламдан лабларини тишлади. Кеча куёв

юборган новвосни сўйган қассоб пичоғини қинидан чиқарди.

— Сўяман, ўлдираман даюс Азизни!

Ерилган бурни бодрингдек ~~шишиб~~ кетган куёв Акбаралини ёқасидан олди.

— Қизни топ, номард! Уйнаши бор синглингни менга пулламоқчимидинг. Хотинимни топ!

Кексалардан бири уни туртиб зарда билан деди:

— Никоҳ ўқилмасдан хотиним дейишинг шариатга сиғмайди. Уят бўлади.

— Сизлар уялинг, мана бу ҳезимкаш уялсин, нега мен уялар эканман. Етти юз сўлкавойни харжлаб қўйганман. Агар ҳозир пулларимни қайтиб бермасанг, уйингга ўт қўяман.

Акбаралининг тишлари гичирлади. Ўзини аранг босиб, тил қисқиқлик билан гапирди:

— Сабр қилинг, топиб келаман. Осмонга чиқиб кетган бўлса оёғидан тортиб тушираман, ерга кириб кетган бўлса қулоғидан тортиб чиқазаман.

— Бозор кўрган синглингни энди даллолга бер!

Акбарали унча-мунча аччиқ гапни кўтаролмайдиган, салга қизишиб, панжаси муштга айланадиганлардан эди. Ҳозир бир елкасидаги шайтон, қўлингдагини сол биқинига, дер, бир елкасидаги раҳмон, ҳой, ўзининг бос, тилинг қисқиқ, чида, дерди.

Бир йигит патронларга янги лампочка илиб чиқди. Ҳовли боягидек ёришди. Палослар сидирлиб кетган, овқатлар тупроққа қоришган эди. Акбарали қўлида қиндан сугурилган пичоқ билан куёв олдида бош эгиб тишини тишига қўйганича фил гавдасини хам қилиб турар, уларга ҳеч ким бир нима деб оғиз очолмасди. Акбарали изтироб ичида узоқ эгилиб турди-да, бирдан бошини кўтарди. Куёвнинг бетига дадил қаради.

— Менга ножўя гап айтдингиз, куёв. Агар бошқа одам шу гапни айтганда ичагини бошига салла қилиб қўярдим. Синглим бошимни эгиб кетди. Аммо мен йигитлик белбоғимни бошимга солганим йўқ. Қайтинг орқага. Қиринг ичкарига. Тўй тарқамайди. Отам мени ўғил бола қилиб туғдирган.

Шундай деб Акбаралининг ўзи йўл бошлади. Куёв нима бўлаётганини билмай унга эргашди.

Уларни томоша қилиб турган кишилар яна ҳовлига киришди. Ҳовли тўрига қараб кетаётган Акбарали билан куёвдан кўз узинмади. Акбарали тўхтаб у ёқ-бу ёққа қаради. Бир четда войвойлаб қулоғига шўр пахта босиб ўтирган мулланинг олдига бориб, юринг, тақсир, дедию силтаб тортиб боя никоҳ ўқитмоқчи бўлган жойга ўтқазди. Кейин, ҳозир чиқаман, деб ичкарига кириб кетди.

Ҳамма ҳайрон. У нима қилмоқчи, қизни топиб келишганмикин, шундоқ бўлса керак, деган ўй билан йўлига кўз тикиб ўтиришарди.

Сал ўтмай Акбарали чиқди. Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Биров сапчиб ўрнидан туриб кетган, биров зарда билан олдинга иштилган, яна биров ўтирган жойида оёғи қалтириб туролмай қолган эди.

Акбарали ўн беш ёшга ҳали тўлиб-тўлмаган ўз қизини судраб келарди. Қиз нима гаплигидан хабарсиз атрофга жавдирар, бирон гуноҳ қилдиммикин, аммамнинг қочинишга мени қарашган деб ўйлашдиммикин, деган фикрда бўлса керак, ҳадеб дадасига ёлвориб, мен эмас, мен эмас, деб чирқиллаб жавраб келарди Акбарали уни қўлидан силтаб куёв олдига итариб юборди.

— Уқинг, ўқинг никоҳни, домла!

Одамлар баробар оҳ уриб юборишди. Бир кекса ҳасасини дўқиллатиб улар олдига борди.

— Эсингни йиғ, аҳмоқ! Бу нима қилганинг!

Акбарали сиз аралашманг, деган назар билан ундан юз ўгирди.

Куёв ўттиз бешларга бориб қолган, кўк кўз киши эди. Унинг олдида қиз шер қафасига ташланган қуёндек қалтирарди. Нав-ниҳолдек гавдаси дадасига қараб илтижо билан эгилган, кўзлари атрофга мадад сўраб боқарди.

Бўлаётган воқеаларни алам билан кузатиб турган Умматали бу ишларга мен гуноҳкор, дегандек четда, одамлар кўзи тушмайдиган панада деворга суянганича қимирламай турарди. Агар Акбаралининг кўзи унга тушса, албатта ёқасидан олади. Номард, ўглингни топ, деб гадаблайди. Боя Акбарали пичоғини қишдан чиқарганда Умматалининг оёғидан дармон кетиб ерга ўтириб қолганди. Ана энди ёш, пораста, ҳали уй-рўзгор нима-лигини билмаган, яланг оёқ юрган, сочига тол попуқ тақини тарк қилмаган, қўғирчоқ ўйнашдан чиқмаган маъсуманинг умрини жувонмарг қиляпти. Буларнинг

барига унинг ўгли, бебош, бетизгин Азизхон сабабчи. Бутун қишлоқда бировга гапини бермаган, ўтирган ўрнини сотиб оладиган, дўпписи тушиб кетса пул бериб олдирадиган мағрур йигитнинг боши юрт олдида эгилиб қолди.

Умматали ичидан куярди. «Болам, болагинам, нималар қилиб қўйдинг? Юрт олдида йигит бошининг эгилиши нималигини биласанми, ахир. Бу доғ Акбаралининг кўксига умрбод қолиб кетади-я. Сени кечирармикин?! Бир кун сендан хун олса, мен қандоқ чидайман. Эртага тонг отади, одамлар бетимга қарайди. Шундоқ ўғил ўстирган отага лаънат демайдимми? Бетимга тупурмайдимми?! Болагинам, мени тириклай ўлдириб қўйдинг-ку, мурда қилиб қўйдинг-ку!»

Кўча тарафда машина гуриллагани эшитилди. Сал ўтмай тўйхонага Райимберди тоға кирди. Ҳали Акбарали қизини судраб чиқаётганида бир бола велосипед билан шамолдек елиб раводдан чиқиб кетган эди. Уша хабар қилган бўлса ажаб эмас.

Тўй аҳли Тоғани кўргандан кейин, хайрият, дегандек эркин нафас олди. Тоға обрў-эътиборли, СССР Олий Советининг депутаты, Область партия комитети бюросининг аъзоси, ҳар бир айтадиган гапини қонун-қонда тарозисига ўлчайдиган киши.

У ҳеч кимга қарамай никоҳ ўқитишга тайёрланган жойга борди.

— Уял, уял халойиқдан. Ҳукумат бор, қонун бор.

Тоға шундай деб халойиққа қаради.

— Биродарлар, тўй тарқади. Тўй бўлмади, деб ҳисобланглар. Уй-уйларингизга тарқашингизни сўрайман.

Куёв Тоғага юзланди.

— Мен нима бўламан?

Тоға истеҳзолни кулди.

— Қиз билан аввал рўпара бўлганмисиз? Розилигини олганмисиз?

Куёв нима дейишини билмай Акбаралига қаради.

— Мана, акам билан гаплашганмиз. Бу киши рози бўлмасалар тўй қилармидим.

— Қизнинг ризолигини олмай тўй қилиб бўлмаслигини билмасмидингиз?

— Шунча харжга куйиб қолавераманми? Судга бериб ундириб оламан.

Тоға кескин жавоб қилди:

— Суд арзингизни инобатга олмайди. Қиз рози бўлмай бошланган тўй қонунсиз ҳисобланади. Қонунсиз бўлган ишни суд тан олмайди.

Куёв бир нима деб гапиролмади.

Тўй аҳли бир-бир тарқай бошлади.

Тоға кўзларини бир нуқтага тикканича ўй ўйлаб қолган Акбаралига ич-ичидан куйиниб қараб турарди. Бу йигит ҳеч кимга сўз бермаган яйдоқ йигитлардан эди. Энди забун, кўзлар андишадан ерга боққан.

— Менга қара. Кўп куйинма! Айб ўзингда. Икковининг бошини қовуштириб қўйганинда бунчалик бўлмасди. Синглингни лочин олиб қочди. Биласанми, лочин қандоқ бўлади. Жуфтини бошқа қушларга талатиб қўймайди. Агар шундоқ бўлса у ўзини тоғ қояларига уриб ҳалок қилади. Лутфинисани зўр лочин олиб қочди. Кетидан қувма! Бир кун бош эгиб келади. Тиз чўкиб қилмишига узр сўрайди.

Акбарали индамади. Тоға, хўп, хайр бўлмаса, дб тор кўча бўйлаб кетди. Акбарали дарвоза тавақасига суянганича қанча турганини билмайди. Узоқ-яқинда хўрозлар чақира бошлади. Бу печанчи чақириси, у билмасди. Ичкарида синган идиш-товоқларни йнғиштираётган хотинларнинг шивир-шивир гаплари қулогига кирмасди.

Акбаралининг ичида қасос ўти борган сари алангаланарди.

Аёл кишининг: «Дадаси, киринг, бемаҳал бўлиб қолди», деган овози келди. Акбарали жавоб қилмади.

Ҳовлида тўй чироқлари ўчди.

Кўча дарвозаси олдида турган Акбаралининг соясини қоронғилик ютди.

V

Умматалини ташвиш босди. Болани бир бало қилиб қўймаса гўрга эди. Милицияга хабар қилсамикин?

Умматали у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб тўлганиб ётарди. Уғли йўлга кириблики ҳар куни ҳунар кўрсатади. Бошқаларнинг болаларига ўхшаш бўш-баёвгина бўлмади. Ерга урса кўкка сапчийдиган, ҳатто ухлаб ётганда ҳам қўл-оёғини силкиб, нималардир деб бақирар, қичқирарди. Азизхон ўн тўрт ёшлардамикин, Умматали туш пайтида уйига қайтса, ҳовлидан болалар-

нишг қийқириқлари эшитилди. Болам яна нима батопи бошладийкин, деб ҳовлига кирганда эси оғиб қолди.

Азизхон уй эшигини турумидан чиқариб қорнига қўйипти. Беш бола унинг қорнидаги эшик устида ўйин тушншяпти. Умматали кўлига таёқ олиб болаларни тўрт тарафга тирқиратди. Ун беш ёшларнда бўлса керак, Азизхон ўрик шохига оёғи билан осилиб, гунажини қорнидан катта дастурхонни сириб боғлаб, туғунидан тишлаб кўтарганди. Тога колхоз медрпунктига водопровод тушириш учун кўча бошига йигирматача темир қувур келтириб қўйган эди. Азизхон ўртоқлари билан бас бойлашиб, эрталабгача ҳамма қувурларни эгиб филдирак қилиб қўйипти. Ана ўшанда Умматали қувур ҳақини тўлашга мажбур бўлган, Азизхон тоғасиникига қочиб кетиб бир ҳафтадан кейин Умматалининг ўзи бориб, олиб келган эди.

Умматали ҳайрон эди. Бу болада шунча куч, шунча гайрат қайдан пайдо бўлди э ан? Узининг ҳам, хотинининг ҳам уруғида бунақа одам бўлмаганди. —

Ювошгина ота-онанинг боласи ажаб галати чиқди. Ўтганининг ўроғини, кетганининг кетмоғини элади. Аравакашлар ундан зириллайди. Арава орқасидан тортиб отини юргизмай қўяди. Оқ кўпикка туширворади.

Умматали ана шуларни ўйлаганда ўглининг Акбаралидан шикаст ейишига ишонмасди. Аммо Акбарали уни уйқусида босса-чи?! Ундоқ деса Азизхон уйқуда ҳам сёркак ётади. Тепасидан каналак учиб ўтса кўзини очадн.

Боласи тушмагур, ҳозир қаерда экан? Очмикин, тўқмикин? Бировнинг қизини олиб қочиб кимникига борди экан? Тоғалариникидан хабар олсамикн? Ёўқ, у ёққа бормас. Борса ўша заҳоти кўлидан етаклаб қайтариб келишади. Бу бола тўқайга қочган. У ерда нима ейдн, қайда ётади?

Ҳарна қилса ҳам фарзанд, ота бечоранинг жонн ачийди. Кўнгли боласининг бир кун эмас, бир кун эси кириб, юртга нафи тегаднган одам бўлиб кегншига ишонади. Ахир боласи ичмайди, чекмайди. Фақат бебош ўйларини жиловлаёлмайди, холос! Мол дўхтирнинг уйига ўт тушганда унинг Ҳасан-Ҳусан чақалоқларини олов ичидан олиб чиққан ким эди? Қолхоз чорвасини сел оқизганда ўзини тошқинга отиб, молларни қутқариб қолган шў Азизхон эмасмиди?!

Азизхон тошқин сувга ўхшайди. Уни жиловласа, хоҳлаган томонга, далаларга, чорбоқларга бошлаб борса бўлади. Агар жилов солмаса у қирғоқларни бузиб, экинларни пайҳон қилади. Аммо уни ким жиловлайди?!

Умматали ўйлаб, ўйинга етолмасди.

Тонг отди. Хотини ҳовли юзида куймаланиб юрар, тиқ этса кўча эшигига қарарди. Умматали кечаси бўлган воқеани хотинига айтмаган. Хотини кейинги кунларда салга боши айланиб йиқиладиган бўлиб қолганди. Энди унга ётиғи билан айтиш керак. Бўлмаса бегонадан эшитса бирдан беҳузур бўлиб қолиши мумкин. Бегона албатта икки-уч оғиздан ўтиб келган гапга ўзи ҳам жиндек қўшиб айтади. Мошдек гап ёнғоқдек бўлиб кетади.

Умматали ариқдан ювиниб белбоғига артинаркан, кўча эшигига тикилиб ўтирган хотинига ётиғи билан гап-пира бошлади.

— Кўп қарайверма. Тентагинг келмайди. Беш-ўн кун келмайди, хотиринг жам бўлсин.

Хотини ялт этиб қаради.

— Вой, ўлмасам, мелнсага тушиб қолдимми? Индамай қараб ўтиравердингизми?

— Йўқ, йўқ, — деди хотиржамлик билан Умматали. — Ҳеч гап бўлгани йўқ. Уғлиниг соғ-саломат. Арзимаган иш билан банд. Акбаралининг синглисини никоҳ кийими билан олиб қочди, холос.

— Вой шарманда, вой шарманда!

Икки тиззасига шапатилаб уриб жавраётган хотинининг тепасига келган Умматали юпатишга тушди.

— Болангинг қилиғини энди кўряпсанми? А, энди кўряпсанми? Ҳеч гап бўлгани йўқ. Ҳамма ёқ тинч. Атиги тўй бузилди, куёвнинг чаккаси ёрилди. Никоҳ ўқигани келган мулланинг ҳам бўладигани бўлди.

Умматалининг қизиқчиликка олиб айтаётган бу жиддий гаплари уни яна тутактирарди.

— Вой, сиз нега менинг фанор ёғимга ўт туташтирасиз, нега аланга олдирасиз? Энди нима қилдим? Болани сиз буздингиз, ёшлигида қайириб олмадингиз. Мана, нима бўлди?!

Умматали ҳамон жиддий гапни қизиқчиликка айлантирарди.

— Нима бўпти? Ҳеч гап бўлгани йўқ. Чиқимсиз келинли бўлдинг, тўй харжлари бошқаларнинг бўйнида. Новвос сўйилди. Ош дамланди. Карнай-сурнайлар чз-

динди. Мана энди битта ипкоҳ билан ойдек келин уйингга ўз оёғи билан кириб келади.

Хотини дод устига дод солди.

— Бунақа келиннинг боридан йўғи. Уғлимга ижрокўмларнинг қизини олиб бераман.

— Ҳа,— деди Умматали,— қўй оғзидан чўп олмаган ўғлингга тегаман деб у ёғи Хоразм, бу ёғи Тошкент тарафлардаги ижрокўмларнинг қизлари сочларини тараб йўлига кўз тикиб ўтиришипти. Менга қара! Унақа дод дема! Акбаралининг уйдаги дод-войлар етарли бўляпти. Манави ерга ўтириб, каллангни жойига қўйиб обдан ўйла. Боланг қизни уйга бошлаб келса нима қиламиз? Ана шуни ўйла.

Хотини жимиб қолди. Эри жўяли гап айтаётганини пайқади. Ростданам келинни бошлаб келса-я. Маҳалла қиёмат бўлиб кетмайдими? Қандоқ қилиб эл-юрт олдида бош кўтариб юришади. Бу нодон бола шуларни ўйлаганмикин?

Азизхон ўн саккиз ёшга киргунча кўрсатган ҳунарлари орасида буниси энг ўткири эди. Ота-она Лутфининининг акасию, қариндош-уруғларини тинчитадиган, хотиржам қиладиган бирон тadbирдан ожиз эдилар.

Умматали икки тиззасига шапиллатиб уриб ўрнидан турди.

— Бўлди, хотин. Аммо гиринг деб эғиз очмайсан. Тур, кийин, ҳозир Акбаралиникига бориб, кечаги тўй харжини бўйинимизга оламиз. Келинни уйимизга туширамиз. Агар йўқ десанг, юкнингни йнғ, қишлоқдан кўчиб кетамиз. Мана, хоҳлаганингни тапла!

Хотин ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Жинни-пинни бўлдингизми? Тўй харжини нима билан тўлайсиз. Босиб қўйган пулингиз борми? Бўлса айтинг!

— Э, нодон хотин, менда пул нима қилади. Сигирбузоқни сотаман.

— Яқинда тугадиган сигирни-я! Бунга сираям кўнмасман.

Эр-хотин кўп тортишди. Дўқ билан бўлса ҳам Умматали хотинини кўндирди. Иккови кийиниб ҳам совчилик, ҳам битишувчилик, ҳам ярашув учун йўлга тушишди.

Кўчада учраганлар уларга илжайиб қараб қўйишар, баъзи чапанни табиат йнғитлар, кандингни ур Азизхон, боплади, деб уларга далда беришарди.

Акбарали кўчага чиқолмай, ҳовлининг у бошидан, бу бошига сўкиниб бориб-келиб турарди. Эшикдан кириб келган эр-хотинни кўриб бир зум ўзини йўқотди. Ҳе йўқ, бе йўқ, ўдағайлашга тушди:

— Ҳе, муттаҳам бола ўстирган сенлардан ўргилдим. Қани, жўна, туёқларингни шиқиллатиб қолларинг!

— Ҳой, шошма болам. Узингни бос!

— Мени шунча чиқимдор қилиб, эл-юрт олдида шармандамни чиқариб, яна қайси юз билан остона ҳатлаб келдинглар. Уят, шармандалик бу! Сизларда ор деган, номус деган нарса борми? Денат қани?

Умматали ўзини босиб турди. Оғиз очишга чоғланган хотинига бир хўмрайган эди, жимиб қолди.

— Бўлдингми? Гапинг битдими? Энди мендан эшит! Куёв тараф неча пуллик қалин юборган бўлса барини тўлаймиз — бу бир. Синглингни ўзимиз келин қиламиз — бу икки. Энди кўнглинг жойига тушдими?

Акбарали нима дейишини билмай иягини қашиди. Инсофга келай деб турган одам бирдан айниди, қолди. Этагини силтаб айвонга қараб кетди. Кетаркан қатъий деди:

— Бу иш на никоҳ билан, на пул билан битади. Орага номус тушди. Энди бу доғни қон билан ювман. Кетинглар. Мени ҳеч қанақа синглим йўқ. У ўлган. Марҳум ота-онам номидан уни оқ қилдим!

— Уйлаб гапир, бола. — деди Умматали. — Тил суяксиз бўлади. Ҳар гапини гап деб гапираверма. Атайлаб сени шу шармандаликдан қутқарайлик, деб келдик. Бўлмасам бизнинг ҳам ўз орзуларимиз бор эди. Қандоқ қилайлик.

Акбарали айвон пиллапоясига оёқ қўяркан тўхтаб орқага қаради.

— Мен эл-юрт олдида бошимни ҳам қилган номард билан хилватда бақам келмагунимча хумордан чиқмайман. Бўлди, кетинглар. Бўлмасам бирон кэр-ҳол бўлади.

Эр-хотин бир-бирларига ҳайрон қарашди.

— Тепа тўнини тескари кийиб турган пайтда келибмиз-да! — деди хотини.

Умматали жавоб бермади, кўча эшигига қараб юра бошлади. Хотини азалик уйдан чиқаётгандек оёқ учида юриб унга эргашди. Улар кўчага чиққанда Акбаралининг уят гап билан сўкканини эшитишди. Умматали хотинига қаради.

— Хотин, у сўкмади, сен эшитмадинг. Унга осон тутиб бўлмайди. Нима деса чидаймиз-да. Бошқа иложимиз йўқ. Ҳамма лаънат сен билан менга келади. Ҳали бу гап қишлоқма-қишлоқ, оғизма-оғиз шишиб, семириб тарқайди. Бутун Фарғонага дoston бўлди.

— Ишқилиб Акбарали боламни бир бало қилиб қўймаса гўрга эди.

Умматалининг ўзи ҳам шуни ўйлаб кетаётган эди. Сир бой бермаслик учун атайин ёлғонлади:

— Унчаликка бормас-ов! Ўғлинг бунақаларга бўш келмаслигини биласан-ку, нимадан хавотир оласан?

— Энди, дадаси, фалокат-да!

Иккови анча жойгача жим боришди.

— Болагинам қаерларда юганикин?

Умматали уни силтаб ташлади.

— Қайси гўрда бўлса ҳам югандир-да. Оч колармиди?

— Ҳолидан хабар олиш керак эди.

— Қайда бўлса ҳам санқиб-санқиб, қайтиб келади. Аммо ёнидаги лўкидонни билан қаерга сиғади? Уйга киритсак қишлоқ халқи нима дейди! Гапнинг ҳали бу томони ҳам бор. Бу шармандаликни ҳам бир бўйинга олиб қўйиш керак. Ке, хотин, кўчиб кетайлик.

Хотин кескин бош чайқади.

— Туғилган қишлоғимдан ўлигим чиқади. Ҳеч қаёққа кетмайман.

Умматали бу гапни алам устида, чорасизлик, иложсизликдан айтган эди. Бу ердан кетса қаерга боради. Барибир гап-сўз уни орқама-орқа таъқиб қилаверади.

Олдидида Умматали ўй ўйлаб тажанг бир қиёфада борар, хотини пиқ-пиқ йиглаб орқасидан келарди. Кўча муюлишига келганда Умматали тўхтади. Хотинига қарали.

— Сен боравер. Мен Тогага бир учрай. Ҳар қалай юртнинг боши шу. Бирон жўяли гап чиқиб қолар. Тога нима деса, шу. Ана ўшага қараб иш тутамиз.

У шундай дедю гузар тарафга кета бошлади. Йўлда учраган кишиларнинг бетига қарамай салом берар, саломига билинар-билинмас алик оларди.

Зириллама, Тошлоқ, Яккатут, Заркент фақат шу тўғрида, Азизхон, Лутфиниса, Умматали, Акбарали, деган гап билан овора эди.

Самоварда ҳам, магазинда ҳам, далада, шийпонда, чорраҳаларда ҳам фақат шу гап.

«Азизхон Лутфинисани келинлик либоси билан девор ошиб олиб қочибди».

Биров бошлабди, қойил қипти, дейди. Биров бу ғирт аҳмоқлик дейди.

— Қиз рози бўлмаса трактор билан судраб ҳам опқочиб бўлмайди.

— Бу рост гап. Танача кўзини сузмаса, буқача ипини узармиди.

Айтилаётган гапларнинг бари рост, бари ҳақиқат эди.

VI

Зирилламани алғов-далғов қилган Азизхон ҳеч нарса билмагандек Лутфинисани етаклаб қамишлар орасида хотиржам борарди. Қамишлар ҳали сарғаймаган. Тун шамолида шовиллаб чарчаган тўқай энди офтоб ҳароратида жимгина мудрарди. Кўлмакларда бақалар тинмай қуриллар, ўрдак жўжалари нола қилгандек аянчли ғақилларди.

Лутфинисанинг никоҳ кийимлари аллақачон тиканакларга илиниб пора-пора бўлган. Ундан ҳали ҳам атир ҳиди гупиллаб турарди. Азизхон олдинда қамишларни қайириб йўл бошларкан, орқасига ўгирилиб, Лутфини, чарчамадингни, деб қўяр, далда бўлсин деб, боладиг-а, қойил қилдиг-а, деб тинмай жавраб борарди.

— Тан бердим, мардлик қилдинг.

Баъзан овози тиниб қолар, шунда бирдан шарт бурилиб Лутфинисанинг олдига келар, белидан қучиб юзкўзларидан ўпиб оларди.

Икки ошиқ қаёққа кетаётганларини билишмасди. Қаёққа боришади, энди нима қилишади? Бундан буёқ тирикчилик нима бўлади? Бу уларнинг хаёлларига ҳам келмасди. Азизхоннинг киссасида сариқ чақа йўқ. Уларга на бирон бошпана бор, на қўнарга жой.

Лекин улар бир-бирларининг дийдорларидан маст, нафасларидан тўқ, меҳрларидан қошоналар қургандек эдилар.

Қамиш-қилёқларга тилиниб, кийимларини пора-пора қилиб, ботқоққа тиззаларигача ботиб қамон йўл юришар, ора-сера Азизхон Лутфинисани белидан қучиб соч-

ларини силар, ўзи ҳам маънисига етмайдиган ғалати гаплар билан эркалатарди.

Қиз шод, бахтиёр эди.

Қамишзордан балдоқдек ярим допра ясаган ялангликка чиқишди. Унг тараф кўз илғамас тўқай, чап тараф сап-сарик чўл эди. На тўқайнинг, на чўлнинг поёни кўринарди.

Яқин орадан моторнинг зардали гуриллагани эшитилди. Кейин тинди. Яна ўшқириб тириллади. Азизхон овоз келган тарафга қулоқ тутди. Овоз яқин орадан келарди.

— Сен шаттан қимирламай тур, мен ҳозир билиб келаман.

— Сени тутиб олишса нима қиламан. Мен ҳам бора қолай.

Азизхон мақтанганнамо жавоб қилди:

— Овора бўлади. Кутиб тур, ҳозир келаман.

Азизхон балдоқ шаклидаги ялангликнинг нариги бурчагига югуриб кетди. Қамишларни шитирлатмай ичкари кирди. Секин, худди овчи кийик подасини кузатаётгандек ялангликка қаради.

Ёши олтмишларга бориб қолган, соқолини чўққи кузаган бир рус чол икки қўлини белига қўйганича офтобда жимирлаган чўлга хомуш қараб турар, ёши ўттизлардаги гилам дўппи кийган, тожикми, ўзбекми билиб бўлмайдиган бир йнгит қора машина моторини титкиларди. Машинанинг орқа филдираги лойга ботган. Чиқазиш учун кўп уринишган бўлса керак, икковининг ҳам кийим-бошлари лой, шалаббо эди.

Усти брезент ёпқичли машина ёнидан ер ўлчайдиган аппаратнинг уч оёғи чиқиб турипти. Капоти очиқ турган «Газик» радиаторининг оғзидан шиддат билан ҳовур чиқарди.

Азизхон ҳеч қандай хавф йўқлигини пайқаб қамишлар орасидан чиқди. Оёқ товуши, қамиш шитирини эшитган рус чол чўчиб ўгирилди.

Азизхон унга яқин келиб салом берди. Нима гап бўлганлигини сўради.

— Эрта саҳардан бери оворамиз. Лойга ботиб қолдик. Чиқазолмаймиз, — деди чол соф Фарғона шевасида.

Азизхон машина атрофидан айланиб, бир томони лойга ботиб қолган филдиракка қаради.

— Нима бўпти, бир уришиб кўрайлик-чи. Кўпдан қуён қочиб қутулмас деганлар-ку.

— Э, хап туссинла! — деди шофёр йигит унинг бепи-санд гапидан энсаси қотиб.— Пуссатуна бўса тоттб кўруна.

Азизхон унинг гапидан Наманган тарафлардан эканини дарров пайқади. У билагини шимариб машина орқасига ўтди.

— Сиз моторга зўр беринг, мен бу ёқда елкам билан сураман.

Машина зўриқиб, бир силтанди. Шундан кейин Азизхон тиззасигача лойга кирди. Барибир елкасини олиб қочмади. Машина сурилиб қурукликка чиқди. Унинг ҳаракатларини кузатиб турган чол, қойил қолиб: вой азамат-э, деб юборди.

Шофёр йигит севинганидан шарт келиб Азизхонни қўлидан ушлаб силкитди:

— Шеддек экансила, ўттоқ. Бу машинада қиқ тўтта от кучи бор. Шу қиқ тўтта от саҳаддан, бу лойдан чиқолмутти. Аммо узунани кучуна отдан мўл-мўл экан. Қаёққа кетуттисила? Узуна бўмасаъна билмаъман эттагача қоламидук. Раҳмате, ўттоқ.

Инженер чол икки қўллаб унинг бақувват панжаларидан ушлади.

— Агар мен падишах бўлсам, тила тилагингни, дердим. К сожелению падишах эмасман. Инженер ирригаторман, холос. Мен учун ниҳоятда катта иш қилдинг, ўғлим. Республика ҳукумати раҳбарлари мени ҳозир Куйганёрда кутиб ўтиришипти.

У шундай дедию билагидаги соатини шарт ечиб унга тутди.

— Ол буни, ўғлим. Тортинма, олавер!

Азизхон хижолатдан қизариб кетди. Инженернинг соат узатган қўлини қайтарди.

— Йўқ, отахон, олмайман. Сизга бу жуда зарур буюм. Менинг соатга қараб қиладиган ишим йўқ. Узингизга буюрсин.

Инженер чол ҳам қайсаргина экан. Оласан, деб туриб олди.

— Менда бошқаси бор. Ен соатим бор.

Азизхон барибир олмади. Чол уни нима билан хурсанд қилишини билмасди. У машина кабиңасига бош суқиб чамадонини титкилай бошлади. Азизхон бориб уни қайтарди.

— Отахон, битта гапим бор. Агар бирон буюм билан

хурсанд қилмоқчи бўлсангиз хафа бўламан. Машинани-
гизни қайтариб яна лойга тиқиб қўяман.

— Шундайми,— деди чол кўзойнагини қўлига олиб.— Одамлигинг учун раҳмат. Омадинг келсин!

Чол шофёрга қаради.

— Кетдик бўлмасам, болам. Қоратепага бориб но-
нушта қиламизу Шаҳрихон оралаб Ҳаққулобод тепаси-
дан Куйганёрга йўл оламиз. Сен қаёққа борасан? — деди
у Азизхонга.

Азизхон шу гапни кутиб турган эди, дарров жавоб
қилди:

— Агар малол келмаса, бизни Қоратепага ташлаб ўт-
сангиз.

— Хайрият, — деди чол енгил тортиб. — Жиндеккина
бўлса ҳам қарздан узиладиган бўлдим. Айтганча, биз,
деганинг нима деганинг. Ахир бир ўзингсан-ку?

— Яна бир одам бор.

— Қани, чақир!

Азизхон қамниш орасига шўнғиб кетди. Зум ўтмай
ҳансираб Лутфинисани қўлидан тортиб чиқди. Чол қиз-
ни кўрдию яна кўзойнагини тақиб у ёқ-бу ёғини тўғри-
лаган бўлди.

— Ой, какая красивая. Ей богу, прямо... красавица!

Лутфиниса бегона кишидан ийманиб рўмолининг бир
учини тишлаб юзини яшириб турарди.

Шофёр моторга ўт берди. Лутфинисани олдинга ўтқа-
зиб, инженер билан Азизхон орқа ўриндиққа чиқишди.
Машина бақадск бир сапчидию кейин паст-баланд йўл-
лардан силкиниб-силкиниб олдинга интилди.

Лутфиниса умрида энди машинага тушиши эди. Қўрқ-
қанидан дамини ичига ютиб ўриндиқни бор кучи билан
ушлаб олганди.

Анчагина йўл юришгандан кейин инженер Азизхонни
гапга сола бошлади.

— Бу тақир чўлда бирон ҳамроҳ билан гаплашиб кет-
маса кўзни уйқу олади. Қозоқлар туяда қанчалаб кило-
метр йўл юришади. Ухлаб қолмаслик учун йўлда кўрин-
ган нарсаларга атаб ўлан тўқиб кетишади. Атайин ухлаб
қолмаслик учун, ухлаб поёнсиз чўлда адашиб кетмаслик
учун шундай қилишади. Биз ҳам ухлаб қолмайлик, йи-
гит. Гаплашиб кетганимиз дуруст. Қани гапир. Ўзинг
кимсан, қамишлар орасида қароқчига ўхшаб нима қилиб
юрибсизлар?

Лутфиниса секин ўгирилиб, айтиб қўйма, дегандек кўрсаткич бармоғини лабига босди. Азизхон бегона одамга дostonимни очиб нима қиламан, деган ўй билан жим ўтираверди. Аммо кечаги тўполоқ, улар қочгандан кейин нималар бўлганига ақли етиб турар, дадаси билан онасининг ҳоли нима кечганидан кўнгли нотинчроқ эди. Кўнглига тугилиб қолган гапларни кимгадир айтиши, юрагини бўшатиши керак-ку, ахир. Бу одамга айтса гап шу билан кетади. Унутилади. Айта қолгани дуруст. Азизхон инженерга қаради.

— Отахон, қишлоқдан қочиб келяпмиз. — У Лутфинисага ишора қилди. — Тўйдан опқочиб келяпман. Кечаги билан тўқайда бекиниб ётган эдик.

Азизхон бўлган ишларни бир-бир айта бошлади. Шофёр ҳам бошини орқага ташлаб қулоқ солиб борарди. Чол бир кулар, бир жиддийлашарди. Азизхон ҳикоясини тугатгач, чол ўйланиб қолди. Шофёр бўлса бошини силтаб-силтаб куларди. Лутфиниса эгилиб кичкинагина бўлиб ўридиққа сингиб кетганга ўхшарди.

Машина гоҳ тезлаб, гоҳ секинлаб сап-сарик чўл гиёҳларини орқада қолдириб борар, бегона товушдан огоҳланиб уясида чиққан малла ранг эчкемарлар машина яқинлашганда думлари билан тупроқни чапигитиб тўзон ичида йўқолиб кетишарди. Кимсасиз чўлнинг тинч осмонида қанотларининг тарап тортган чўл бургутлари дайнқдек бепарво сузарди.

Машина овозидан ҳурккан ўрдаклар галаси ғақ-ғақ қилиб кўлчалардан нариллаб кўтарплар, жилғанинг шилдирашига ўхшаган овоз чиқазиб худди машина тепасидан ҳавони кесиб ўтарди.

Инженер ҳозиргина Азизхоннинг ўз оғзидан эшитган саргузаштлар таъсиридан қутулолмай, ўйлаб жингина кўзини юмиб борарди.

Чолнинг кийим-бошидан, уйқусизликдан карахт юзларидан бир неча кундан бери чўл кезаётгани биланиб турарди. Азизхоннинг оёғи тагида алюмин қозонча, қорайиб кетган мис чойнак бир-бирига урилиб шақирларди. Машина кузови тепасидаги арқон билан чандиб боғланган брезент қоп тинимсиз лапангларди.

Чолнинг озғин гавдаси букчайган, ажини босган бўйинларидан майда-майда тер ёқаси ичига ўрмалар эди. У кўзини очмай гапирди. Ухламаган экан. Ниманидир ўйлаб келаётган экан.

— Қишлоққа энди қайтмайсизларми? Қайтиб ҳам бўлмайди. Бу тарафларда уруғларингиз бўлмаса! Қийин бўлади сизларга. Шошма! Биз билан кетмайсизларми? Иш бор, уй-жой бор. Ҳеч нарсадан зориқмайсизлар.

— Қаерга борамиз?— деди ҳушёрланиб Азизхон.

— Ҳозир Андижоннинг Куйганёрига. Кечқурун Учқўрғонга борамиз. Ана ўша ерда яшайсизлар. Уй бор, Секин-аста рўзгор тиклайсизлар. Сенга ўхшаган азамат йигит керак.

Азизхон ўйланиб қолди. Қоратепада тушнб қолмоқчи эди. Хўш, Қоратепада кими бор? Зирилламадан туриб чақирса овоз етадиган жой. Акбарали ҳид олса, уларни соғ қўярмиди. Бу одам тайёр иш, тайёр жой деяпти. Урислар ёлғон айтмайди. Бировни алламайди. Боргани дурустдир.

Азизхон энгашиб Лутфиннисанни қулоғига шивирлади. У елка қисиб, ўзинг биласан, ишорасини қилди.

Чол ундан жавоб кутиб кўзларини юмганича мудраб кетарди.

— Бўпти, отахон. Майли, кетганимиз бўлсин. Аммо лекин юзингизни ерга қаратмаймиз. Қанақа иш бўлса ярайман. Тоғ қўпор десангиз, қўпораман.

— Ҳа, балли, — деди чол. — Тош қўпорасан. Норинни ёқасидан бўғиб мана шу ёққа оқизамиз. Қора дарёга жилов солиб икки дарёни қовуштирамиз. Шунақа ишга ярайсанми?

Азизхон чехраси ёришиб, қўлини кўксига қўйди.

— Одам қиладиган иш бўлса бўлди. Эплайман.

Чол кулди.

— Баъзан одам қилолмайдиган ишлар ҳам бўлиб қолади.

Азизхон керилди.

— Ушанақа ишларни бизга буюрасиз-да, отахон.

Инженер маъноли жилмайиб қўйди.

Тўқайлар, чўлу кўлчалар тугаб қишлоқнинг қораси кўррина бошладди. Икки чеккаси гувалак деворлар, томларига ғўзапоя, хашак босилган уйлар оралаб Қоратепа гузарига етиб келишди. Сизот сувларидан авж олган кекса толлар пинжидаги чойхона жимжит эди. Тиззасида кир сочиқ билан ухлаб қолган самоварчи машина овозидан уйғониб кетди.

Бу тарафларда камдан-кам машина юарди. Қишлоқ болалари аллақайдан шовқин-сурон билан пайдо бўлишди. Бирн яланғоч, баъзилари ҳатто иштончан. Улар яқин орадаги ариқда чўмлаётган бўлсалар керак. Соцлари ҳўл. Офтобда тупроқда ётганларнинг қоринлари лой. Улар қоп-қора мунчоқ кўзларини жавдиратиб машинага тикилардилар. Бирн капалак ушлаётгандек аста капотга қўл тегизади. Бирн қўрқиброқ сал наридан ваҳима билан қараб турипти.

Самоварчи патнисда нон, шафтоли, қанд келтириб меҳмонлар олдиға қўйди. Русча билишини намойиш қилмоқчи бўлди шекилли, инженерға: «Издирас, пажалиста, чай кушай», деб атрофға мақтанганнамо қараб қўйди. Афсуски бу гапға қойил қоладиган одам атрофда йўқ эди.

Лутфиниса улар тўдасидан четроқда самовар сўрисиға омонатгина ўтириб нотаниш кишлоқ гузарини томоша қиларди. Ҳар қалай унга белгисиз, ҳатто тасаввур қилиб бўлмайдиган эртаси энди равшанлашгандек эди.

Рўмоннинг бир учини тишлаб Азизхонға қарайди, кўзига у аллақандай афсонавий паҳлавонларға ўхшаб кўринади.

«Афсонавий паҳлавон» ниҳоятда очққан экан, чойни қайноқлиғича хўриллатиб ичар, бир бурда нонни бир ямлаб ютарди.

Шу алпозда ҳам у Лутфинисига чиройли кўринарди.

VII

Азизхон билан Лутфиниса Қоратепадан чиқишдаёқ машинадан тушиб қолшди. Чунки кун ёруғида Қоратепа атрофида юриш хавфли эди. Бу тарафларға Тошлоқ полизчилари четанни тўлдириб арава-арава ҳандалак олиб келишар, Урмонбек, Насриддинбек, Эшонтўпи қишлоқлари шу ердан бозор қилишарди. Биронтаси кўриб қолса, албатта, Акбаралиға хабар қилади. Бўлиб ўтган воқеа албатта атроф қишлоқларға овоза бўлганини Азизхон сезиб турарди.

Улар машинадан тушишганда инженер икки ошиқ-маъшуққа галати қараб илжайди. У бу тарафларнинг ўктам йигитларини, ишқ-муҳаббат йўлида ҳеч нарсдан тоймасликларини биларди. Бу хил ошиқ-маъшуқлар тўғрисида жуда кўп эртақлар эшитган, китоблар ўқиганди.

— Йигит, — деди инженер чол. — Гапингдан айнадинг. Аммо чакки қилдинг. Майли, агар қўнарга жой тополмасанглр менинг олдимга келинглр. Куйганёрга ё бўлмаса Учқўрғонга бориб инженер Белявскийни қайдан топаман, десаанглр, дарров айтиб беришади. Шундоқ қилинглр.

Шофёр моторни ўчирмаган, силкиниб-гуриллаб турганди. Машина бир қалқиб жойидан қўзғалди.

Азизхоннинг нияти қош қорайгандан кейин Қоратепага қайтиб кириш эди. Қишлоқда бир бева холаси бўлгучи эди. Бормикин? Агар бўлса, ўша ерда тунаб, ундан кейин нима қилишни ўйлаб кўрмоқчи. Аммо қуёш теппада. Ҳали-бери кеч кирадиганмас. Қорин тўқ, қайғу йўқ. Кечгача ётарга жой топишса бўлгани. Азизхон Луфтинисани қўлидан ушлаб чўл тарафга бошлади.

Бу йил баҳор серёмғир бўлганидан чўл ўтлари тиззага уриб яшнаб турарди. Тўрғайлар худди одамнинг бошига теккундек бўлиб чулдираб сайраб ўтади. Ҳавода туриб иккитаси бир-бирига яқин келолмай, қанотларини пилдиратиб ишқибозлик қилишади. Енгил эсаётган шабада чўл гиёҳларининг илиқ ҳидларини димоққа уриб ўтади. Ора-сира шу кўм-кўк чўлнинг ҳар ер, ҳар ерида кал бошдек сап-сариқ тепачалар учрайди. Қайдандир келиб қолган баҳайбат тошлар тепасида чакмонини елкасига ташлаган паҳлавондек чўл бургути мудрайди. Гуллаб, ҳид таратиб ётган чўл гиёҳларига алам билан боқади. Агар бу ўтлар бўлмаганда ўрмалаб юрган каламушлар, қуёнлар унинг ўлжаси бўларди.

Ҳозир шабадада силкиниб турган чўл гиёҳлари орасида бутун бир ҳайвонот олами умргузаронлик қилмоқда.

Чўл ниҳоятда яшнаган пайт. Икки ошиқ-маъшуқ гиёҳларга, қушларнинг чуғир-чуғирига маҳлиё бўлиб, ўтган воқсаларни бир зум унутишди.

Офтоб ёнбошлаб қолган, уфқ қизариб, тепароғи феруза тусга кирганди. Олисдан учта қора нуқта кўринди. Азизхон йўлни ўша тарафга солди. Анчагина йўл юришгандан кейин бу уч нуқта қирғизларнинг қора уйи эканини билишди.

Азизхон қирғизлар меҳмондўст, қўноққа жонини ҳам берадиган халқ бўлади, деб эшитган эди. Қандайдир умид учқунни хаёлида чақин чақиб ўтгандек бўлди. Қадамини тезлатди.

Сарик дўнгнинг ўнг тарафида икки-уч юз йилқи ўтлаб юрар, дўнг этагида ўн чоқли туя чўкканича кавшаняпти. Бошвоғи ечиб ташланган учта елин қопли сигир бузоғини эргаштириб ўт чимдиб юрипти.

Одам қорасини сезиб қора уй орқасидан ит югуриб чиқди. Олд оёғини тираб, орқа оёғи билан ер тимдалаб вовиллай бошлади. Унинг ҳуришидан яна уч-тўртта ит пайдо бўлди. Улар ҳам чўлни остин-устин қилиб ҳуришга тушди. Азизхон ҳам, Лутфиниса ҳам турган жойларида қотиб қолишди. Уртадаги қора уйдан бир қирғиз кампир чиқди. Итларни ҳар тарафга қувиб нотаниш кишиларни яқинроқ келишга ундади.

Лутфиниса Азизхоннинг орқасига яшириниб борарди.

— Келинглар қўнақтар? — деди кампир уларга синовчан боқаркан.

Азизхон йўлдан адашганини айтди.

Кампир улардан хавfli бирон нарса сезмагач, йўл бошлади. Бу пайт икки қора уйдан икки қирғиз келинчаги уларга кўзлари яшнаб қараб туришарди. Бирини янги тушган келинчак бўлса керак, кийимлари яп-янги, томоғигача ўраган ёқаларига уқа тутилган, бўйинларида тангалар, чўлпилири жарангларди. Қизил бахмал нимчасининг ҳали оҳори тўкилмаганди. Иккинчиси йигирма беш ёшларда эди. Унинг кийимлари оддийгина, нимадир қилаётган бўлса керак, енгларини шимарилган, этаги липпа урилган эди.

Улар кўпдан бери бу чўлда йилқи боқиб юрган бўлсалар керак, ташқи оламдан келган кишиларга қувонганлари кўзларидан сезилиб турарди.

Азизхон тортинмай кампир кетидан қора уй олдига борди. Лутфиниса унга эргашиб журъатсизлик билан қадам ташларди.

Дўнг орқасидан эркак кишининг йўталгани эшитилди. Қўлида жун қирқадиган каттақон қайчи, олтиншлардан ошган, соқоли сийрак бир киши чиқди. Чол меҳмонлардан эсон-омонлик сўрагандан кейин келинларга чой буюриб, уларни ўтов ичига бошлади.

— Эмне жумиш мен... қўнақтар? — деди у савол навари билан.

Азизхон нима дейишини билмай тил чайнади.

Чол кўпни кўрган кишилардан эди. Уларга бир-бир разм солиб ўтираверди. Ташқарига қараб қичқирди:

— Тамақ дайинданглар қўнақтарға!

Азизхон адашганларини айтди. Чол унинг бу гапига унча ишонқирамай кўзларини қисиб гилам попугини ўйнай бошлади. Келиннинг каттаси этаги билан қумғон бандидан ушлаб кирди.

Қирғиз билан қозоқ йиртиқ чорикда юрса ҳам чойнинг асилини ичади. Ичганда ҳам жаранглайдиган жондон пиёлада ичади. Қирғизнинг оёғи синса синсин, пиёласи синмасин, деган мақол бекорга чиқмаган. Чой ичадиган пиёлада қимиз ичмайди. Қимизни заранг косада ичади. Кичик келин бир даста қизил гулли пиёла олиб кириб чолнинг олдига қўйди. Чол чойни қайтараркан яна қисик кўзларини айёрона қисиб Азизхонга қаради.

— Болам, сен туру жавоб бермединг, еле. Босқа жумуш еле юрген шигарсанг.

Азизхон чолни алдаб бўлмаслигини билиб очингга кўчди. Бўлган воқеани бирма-бир айтиб берди.

Чол унинг гапларига энди ишонган эди.

— Э... жигитше жумуш бўпти еле, балам. Қирғиз сен қазақ қиз алип қачишбаса кўнгли тўлбайт. Эми, эмне қиласингдар?

Азизхон унинг гапларига унчалик тушунмай серрайиб турарди.

— Эмен, қирғиз тилини тушунбсайсанбу? Ундай бўлса дағи ўзбекча айтағўяйини, еле. Куч-қуввати бор бола экансан, хор бўлмайсан. Кунингни кўриб кетасан.

Ташқаридан отларнинг кишнагани, дупури, йилқичи йигитларнинг ҳайт-ҳуйт деган овозлари эшитилди. Чол ўрнидан турди. Булар ҳам унинг кетидан ташқарига чиқишди.

Офтоб ўчган. Чўлда ажиб бир гаштли ҳаво ҳоким эди. Узоқда икки отлиқ йигит йилқиларини ҳайдаб келар, туёқлардан кўтарилган чанг ҳавода муаллақ туриб қолар эди. Чол йўлга қараб турган келинларига деди:

— Сув дайиндангдар, куёвингдар жувиниб олсин.

Икки келин ўчоқ тарафга кетди. Кичик келин кетаркан сочпопугидаги тангалар жирингларди.

Тол пояларидан бир-бирига боглаб қилинган четан қўрага отларни қамаб, йигитлар отасига салом берди.

— Жилқи омонми?— деди чол.

— Омон, омон, ота, бири қулунлади. Қулун омон. Йигитлар меҳмон билан омонлашиб хотинлари томон кетишди. Келинчаклар уларга сув қуйиб туришди. Ака-ука яхшилаб ювиниб бўлгач, артиниб, кийинишиб,

дастурхонга келишди. Кампир ташқарига жой солиб уларни таклиф қилди. Утиришгач, чол заранг косага қимиз қўйиб узатди.

Улар ўтирган жойдан сал нарига кигиз ёзиб, хотинларга алоҳида жой қилинган эди. Келинчақлар Лутфинисани гапга тутишарди. Ора-сира улар бир-бирларига қараб сулув, сулув экан, деб қўйишар, буғи чиқиб турган гўштдан еб «эл-ол», дейишарди.

Чол туриб ичкаридан фонарь олиб чиқди. Уни ёқиб ўтов ёнбошидаги ёғоч учига илиб қўйди.

Атроф жимжит. Чўл тарафдан ҳар хил ҳашаротларнинг ожиз овозлари тинимсиз эшитилиб турарди. Юлдузлар бирин-кетин кўз очаверди. Чўл уфқидан ой кўтарилди. Қаердадир ўрдак жўжасининг ғақиллагани, ёввойи бедананинг питбилдиги эшитилди. Оқшомнинг бу тароватини бузиб бўри улиди. Лутфинисанинг эти жимирлаб кетди. Ёнида ўтирган келинчақ дарров сезиб, уни алаҳсита бошлади.

— Қўрқпа, қўрқпа. Иштира бўлбайт.

Чол ташлаган суякни кемириб ётган итнинг қулоқларини диккайди. Бўри улиган тарафга қараб бўйинини чўзганча қимирламай туриб қолди.

Чол овқатдан кейин дастурхонга фотиҳа ўқиб Азизхонга қаради.

— Болам, энди кеч бўлди. Борадиган жойнинг йўқ экан. Шу ерда қола қол. Укаларингга қарашиб юрасан. Қайлиғинг кампирга қарашади. Кетгинг келганда айтарсан. Бу ерда чўп кўп. Бирон ой йилқини шу ерга ёямиз. Қудайим жўлнингни берсе, бир кун кетарсан.

Азизхон маъқул ишорасини қияди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди. Қишлоққа қайтолмаса, бошқа борадиган жой бўлмаса, шу ердан бўлак кўздан узоқ жой йўқ. Ундан ташқари чолнинг юмушларига қарашиб еганичганини оқлаши мумкин. Ахир Лутфиниса ҳам қараб турмас. Яхшигина пазанда. Албатта чолга, болаларига, келинларига у пиширган овқатлар жуда маъқул тушади.

Чол катта келинини чақириб, меҳмон бола билан менга очиқ ҳавога жой қилиб бер, қиз билан кампир ичкарида ётади, деб тайинлади.

Йигитлар анча чарчаб келишган эди. Уз ўтовларига кириб жимиб кетишди. Азизхон очиқ чўлда чол билан ёнма-ён ётаркан чўлнинг тиниқ осмонига қараб

узоқ ухлаёлмади. Чол бўлса бирпасда хуррак отишга тушди.

Ажаб одамлар, деб дилдан ўтказарди Азизхон. Дунёда шунақа очиқ қўл, меҳмон учун бағрини очадиган кишилар борлигидан таъсирланиб кетди. Қачондир бу одамларга бир яхшилик қилишни дилига тугиб қўйди. Уйи, дадаси, кечирган кунлари кўз олдидан ўтаверди. У қанчалик бевош, шўх бўлмасин, биринчи марта ўзини тақдир қучоғига отиш эди. Ўзи ёлғиз бўлса ҳам майли эди-я, ёнида бировнинг қизи бор. Бир ўзининг боши ҳар қандай кавакка сиғиб кетади. Аммо икки киши, айниқса аёл киши билан бирон жойга суқилиши анча мушкул эди. Азизхон ана шулар тўғрисида энди, тани совиб, боши бир тошга бориб урилганидан кейингина ўйлай бошлади.

У ечиб бўлмас жумбоқлар чигалига ўралишиб ухлаб қолганини билмай қолди.

Бирон тиккайган дарахт йўқ бу чўлда, офтоб тонг отиши биланоқ тигини санчади. Азизхон бошини офтоб қиздирганда уйғонди. Чол вақтли турган, отлардан, сизирлардан хабар олиб бўлган, ўғиллари ўтовдан чиқмай бир чойнак чойни бўшатган эди. Кампир каттакон ўчоққа осилган қозонда сут пиширарди. Азизхоннинг димоғига қайнаётган сут ҳиди урилиб, ютинди. Бошнинг кўтариб атрофига қаради. Лутфиниса кампирнинг олдида алюмин тоғорани олдига қўйиб хамир қорарди. Чол бўлса иккита тунука бидон жойланган хуржунни эгарга ташларди.

— Уғлим, турдингми? Манов отни мин. Анов оқ дўнгдан нари ўтсанг, Сарин жўга деган катта ариқ бор. Идишларни тўлдириб сув олиб кел. Боравер, ўша ариқда бетингди ювиб оласан.

Азизхон от мишишни жуда яхши кўрарди. Бу гап чолнинг оғзидан чиқмаёқ узангига оёқ босди. Чол орқасидан жавраб қолди:

— Қайтишда отни чоптирма, сувни тўкасан.

Шу пайт осмоннинг бир четинида нимадир гуриллади. Азизхон ўгирилиб қараса, бир аэроплан жуда пастлаб ўтов тепасига қараб келарди. Мотор шовқинидан ўтовдаги келинчаклар, йигитлар югуриб чиқишди. Аэроплан жуда пастлаб келарди. Ўтов тепасига келганда яна пастлади. Кўзойнак таққан учувчи кабинадан қўлини чиқариб силкитди. Кейин ниманидир уларга қараб ир-

ғитди. Ирғитган нарсаси сочилиб кетди. Осмонда сон-саноксиз қоғозлар уча бошлади.

Эрталабки шамол бу қоғозларни чўл бўйлаб учира бошлади. Аэроплан ўтов устида яна бир доира ясаб вағиллаганча чўл осмоннинг бағрига сингиб кетди. Отлар безовта типирчилар, итлар жазавага тушиб акилларди.

Азизхон бу манзараларни эгарда туриб томоша қиларди. Чолнинг катта ўғли қозиққа бөлганган яйдоқ отни ечиб миндию қоғозлар учаётган тарафга қараб шамолдек слиб кетди.

Азизхон чўлда зерикиб ўларман, деб ўйлаган эди. Мана, кўзини очиши биланоқ қанча воқеа бўлди. Бу ерларнинг тиниқ ҳавоси танини яйратса, беғубор кишиларининг меҳрибонлиги дилини яйратади.

У ҳам отга беозор қамчи босиб дўнг томонга йўртириб кетди. Чол кўрсатган тепалик у айтганча яқин эмас экан. Тахминан уч-тўрт чақирим келарди. Азизхон отнинг бир маромда қамишларни кўкси билан ёриб боришига, ёлларини силкиб гижишга маҳлиё бўлиб йўл юрганни сира ҳам сезмади. Анҳор шундоққина дўнг орқасида экан, у бидонларни сувга ботираркан, бирдан болалиги тутиб чўмилгиси келди. Ечишиб ўзини сувга отди. Сув жуда совуқ эди. От ҳам сувга ичтилиб аста сўлиги билан сув ича бошлади. Азизхон нариги қирғоққа сузиб ўтиб атрофни томоша қилди. Кейин яна бериги қирғоққа қайтиб от юганини олдию сувга тортиди. От ҳам шуни кутиб тургандек аста сувга туша бошлади. Азизхон отни сув ўмровигача келадиган жойга олиб бориб ҳовучи билан устига сув сочиб юва бошлади. Отнинг бадаңлари дириллар, бўйинини чўзиб томонининг тағларигача сувга тутиб берарди.

Яна бояги аэроплан гуриллаб Азизхоннинг тепасидан ўтди. Учувчи яна қўл силтаб унга нималардир деди.

У танидан совуқ ўтгандан кейингина лаблари гезариб сувдан ниқди. От йўлни яхши билар эди. Азизхон тизгинини бўш қўйиб берди. Утовга яқин қолганда пиёздор ҳиди Азизхоннинг димоғига урилди. Икки тиззаси билан отни ниқтади. От йўртиб кетди.

Келинлар чолнинг ўтовига нонушта тайёрлаб қўйишган. Лутфиниса ажаб бир таъмли қатлама тайёрлаган эди. Ҳамма дастурхон атрофига чўкди. Аммо чолнинг катта ўғлидан ҳали ҳам дарак йўқ. Чол икки марта

ташқарига чиқиб келди. Безовталаниб энди жойига ўтирган ҳам эдики, от дупури эшитилди. Сал ўтмай йиғит бир даста қоғоз билан кириб келди, пешаналаридан маржон-маржон тер қуярди. Йиғит олиб келган қоғозларини дастурхон четига қўйиб, ювингани чиқиб кетди. Чол қоғозларни қўлига олди. У хат танимасди. Бир донасини кичик ўглига узатди. Бола қоғознинг у ёқ-бу ёғига қараб, ўзбекча экан, деб Азизхонга узатди.

— Уқи, болам, ўқи, укуматнинг гапига ўхшайди. Ер ислохоти, колхоз тузиш пайтларда шунақа қоғозларни аэропландан ташлашар эди. Қани ўқи-чи!

Азизхон қоғозларни олдига тортиб қаради. Қоғозлар икки хил эди. Бирини «Катта Фарғона канали қурилиши бошланди. Қурилишда ишлашни истаганлар ушбу қоғозда кўрсатилган участкаларга келиб ёзилишлари мумкин», дейилган эди. Қоғознинг орқа тарафида каналнинг харитаси чизилган. Иккинчи қоғоз капалда чиқа бошлаган «Сталинча қурилишда» газетасининг биринчи сони эди.

Азизхон газета ва варақани ёнига қўйиб, чой ҳўплади.

Чол яна гапга кирди:

— Болам, чойингди ишиб бўлиб казитни ўқиб берасан.

Лутфиниса пиширган қатлама ҳаммага ёқди. Мақтаб-мақтаб ея бошлади.

— Ўзбек тамоққа уста бўлади. Бир палов пишириб берасан, қизим, хўпми?

Лутфиниса ийманиб хўп ишорасини қилди.

— Кампир,— деди чол қатламани у лунжидан бу лунжигга оларкан.— Энди қозон-тавоқдан қутулдинг. Қудайим менга яна бир келин жетқазди. Шўмишди қўлингдан олади.

Нонуштадан кейин чолнинг ўғиллари биттадан нонни белларига тугиб йилқи ҳайдаб кетишди. Чол Азизхонни, менга казит ўқиб беради, деб олиб қолди. Кампир бугун болаларга сартнинг қизи палов писириб беради, деб от миниб сабзи олиб келгани «Эшонтўпи» қишлоғига қараб кетди.

Ўтовда чол билан Азизхон қолди. Чол ёнбошлаб: «қани, ўқи, болам», деди.

Азизхон шошилмай газета ўқишга тушиб кетди. У ўқирди. Аммо хаёли газетада ёзилган гапларга қўши-

либ канал қазналадиган жойларни кезарди. Бирдан унинг ўша тарафларга боргиси, кетмоннинг белини букиб ер қазигиси, ҳамми ҳайратда қолдириб иш кўрсатгиси келди. Борган сари унинг бу фикри қатъийлашиб борарди. Чол эса шошилмай чой ичар, ора-сира: «ия, ия, дуруст», деб қўярди.

Ташқарида келинчаклар Лутфинисани гапга солиб ҳиринг-ҳиринг кулишарди.

VIII

Куйганёр қадим-қадимлардан бери ёз кунлари гавжум бўлади. Миробод, Ҳаққулбод, Найман, Чинобод тарафлардаги деҳқонлар сувни шу ердан олади. Аслида Чинобод Қора дарё билан Норин қўшиладиган жойга яқин бўлса ҳам ҳаммаша ташналик азобини тортиб келади. Икки дарё Чинободга бир томчи ҳам сув бермайди. Жуда пастликдан, суви у ёқда турсин, шабадасини ҳам тегизмай ўтиб кетади. Шунинг учун ҳам чинободликлар ўн беш-қирқ километр йўл юриб Куйганёрга сепоя ташлайди.

Эрта баҳордан то кеч кузгача чинободлик ва ҳаққулбодликлар арава-арава шох-шабба судраб Куйганёр тарафга йўл оладилар. Кетма-кет шох судраб келаётган сон-саноксиз аравадан кўтарилган чанг Пойтуқдан кўринади. Дарёнинг ярмигача сепоя ташлаб шох босадилар. Сув кўтарилиб «Қипчоқ ариқ»қа чиқади. Кейин Сиза қишлоғини оралаб, неча жойдан бўғилиб, қанча жанжаллар, бош ёрилишларга сабаб бўлиб, аранг Чинободга етиб боради. Баъзан мироблар ярим йўлга етмай туриб, сепояни сув уриб кетади. Улар яна шох-шабба ортиб Куйганёрга қайтишади.

Куйганёрни бекорга «Мироблар бозори» деб аташмаган. Ёз бўйи эллик-олтмиш мироб бу ерда кўрпатўшак қилиб ётиб олади. Уларнинг экин-тикинлари қишлоқ деҳқонлари бўйнида. Ўшалар чопиб, ўшалар экиб, суғориб, ҳосилни тайёр қилиб беришади. Бу ерда ҳар бир қишлоқдан иккитадан «ўлик мироб»¹ дарё билан олишиб, сувни Ёрқул мингбоши қаздирган ана шу Қипчоқ ариққа оқизадилар.

¹ У л и к м и р о б — сепояни қўриқлаб, бутун ёв мавсумини тўгон тепасида ўтказадиган мироб.

Куйганёр яқин атрофга самоварлари билан ҳам машҳур эди. Дарёнинг у бетида иккита, бу бетида ҳам иккита самовари бор. Шу самоварларнинг бири чинободлик сепоячилардан бўшамас, бири йўловчилар қўниб ўтадиган карвонсарой вазифасини ўтарди. Дарёнинг ўнг бетидаги самоварни пойтуқликларнинг ўзлари очнишган бўлиб, сўриларга ипак гиламлар тўшалган, чойнак-пиёлалари ҳам, якандозлари ҳам яп-янги эди. Унга умр бўйи самоварчилик қилиб оламдан ўтган Ғани кал деган машҳур самоварчининг ўғли эгалик қиларди. Яна бири андижонлик Беркинбой ҳофизнинг самовари. Санъат аҳли, Андижоннинг зиёлилари тез-тез келиб шу самоварга тушишади.

Куйганёр гузари кундуз кунлари сайилгоҳга айланарди.

Беркинбой ҳофизнинг самоварида андижонлик ҳофизлар йиғилиб балнқчиликлар билан басма-басга авжнинг энг юқорисига чиқишади. Пойтуқ, Тўрткўл, Чувама ҳофизлари уларни босиб тушишга интилиб, фақат катта авжда юришарди. Қассобларнинг қўллари қўлларига тегмас, баққолларнинг қўллари тарозидан бўшамасди. Деҳқонлар арава-арава қовун-тарвуз тўкиб то пешингача сотиб бўлишарди. Икки новвойхонада няғини танғиб олган новвойлар кунга етти-саккиз қоп уни ёпсалар ҳам етқизиб беролмайдилар. Ана шундай гавжум, қўшиққа, бозорга, шовқин-суронга тўлган Куйганёр кеч кириши билан бирдан сув қуйгандек жимиб қолади. Фақат пойтуқлик самоварчининг дўконида тош фонарь милтирар, узоқ-яқиндан келган мусофир чойхўрларгина чивинга таланиб тамадди қилиб ўтиришарди. Бошқа самоварчилар отларини ҳам, сайроқи беданаларини ҳам пашшахонага қамаб вақтликкина уйқуга кирадилар.

Кўз очирмайдиган ғув-ғув чивинлару бақаларнинг тонг отар базми Куйганёрга ҳоким бўлади.

Бу ернинг халқи содда, дўлвор кишилар. Қувлик нима, алдамчилик нима билишмасди.

Мирободликлар шунча азоб-уқубат билан сув чиқазган жойларига қалампир экишади. Бошқалар қовун-тарвуз ўстириб катта даромад олганларида, улар бодринг экиб қопини йиғирма тийинга ҳам сотолмай қайтариб обориб қўйларга, молларига едиришади.

Куйганёр тўғрисида ажойиб афсона ҳам тўқиганлар.

Бир қипчоқ йигити оқёрлик Ойжамол деган қизга ошиқ бўлиб ишқида куйиб-ёнади. Йигит қипчоқ уруғидан бўлганидан қизнинг ота-оналари розилик беришмайди. Йигит Ойжамол ишқида ўзини ёндиради.

Ана шунинг учун ҳам бу ернинг номини ўша йигит туфайли Куйганёр деб аташган. Куйганёр қишлоғининг биқинида Ойжамол деган қишлоқ ҳам бор.

Аммо бу гаплар афсона, холос.

Куйганёр қишлоғидан Қора дарё ўтади. Дарё ўпирган қирғоқлар сонсиз жарликлар ҳосил қилган. Унда от минган кишини ҳам кўрсатмайдиган қамншлар ўсади. Ҳар йили баҳорда шолитор деҳқонлар жарликлардаги қамишларни куйдириб шолитор очадилар. Ана шундан қишлоқнинг номини «Куйган жар» деб аталган. Туркий тилларда жар сўзи кўпинча ёр сўзи билан алмашади. Андижон атрофларидаги Ёрбоши, Оқёр қишлоқларининг номлари ҳам аслида жар боши, оқ жар маъносини англатади.

Аммо куйганёрликлар ўз ойжамоллари, ўз куйган ёрларини фахр билан тилга оладилар.

Куз қирови тушиби билан самоварлар ётади. Куйганёр ҳувиллаб, файзсиз бўлиб қолади. Биттагина карвон саройда онда-сонда бирон йўловчи тунаб ўтади. Биргина мачит мезанасидан муаззинининг уч маҳал нола қилгандек чақирғини эшитилади. Бу овозни кимсасиз жарликлар ютиб юборади. Шаҳардан чиққан овчиларнинг онда-сонда ўрдак галасига отган ўқлари ҳамма ёқни гумбирлатиб жим бўлади.

Куйганёр ёзни шовқин-сурон билан, қишни мудраб ўтказди. Бу одат неча юз йиллардан бери ҳеч қандай ўзгаришсиз такрорланиб келади.

Куйганёрнинг асрий жимлиги бирдан бузилди.

Энди Куйганёр бекатига аравалар сиғмас, минглаб араваларда кўч-кўронини ортиб келаётган йўловчилар бир дам қўниб ўтар, нима тўғридадир қизишиб торғишарди.

Ҳамманинг оғзида Қора дарё, Норин, Учқўрғон деган гаплар. Куйганёрнинг оромини бузилди. Бир кунда минг-минглаб одам аравалардан юкни туширди. Қирқ аравада келган усталар ўттиздан сртиқ самовар, беш новвойхона, йигирмадан сртиқ сартарошхона, ямоқчилик дўкони, аптека, медпункт қуришга тушиб кетишди. Темир йўл ёқасига арава-арава кетмон, беллар, ломлар,

замбиллар тахлаб ташланди. Яшил кўприкнинг ўнг тарафидан темир йўлга шахобча уланиб, қиргоқ бўйлаб ярим километрга тортиб борилди. Бу тарафларда ҳали ҳеч ким кўрмаган экскаватор исмли узун хартуми бор баҳайбат машина қалдираб келиб қиргоқда тўхтади.

Паровоздек тутун бурқситиб турган бу баҳайбат машина атрофида юзлаб одам ҳайрат билан қараб турарди.

Биров уни, полвон, деди. Биров, ерда юрадиган паровоз, деди. Яна бири, темир фил, деди.

Шу пайт гупиллаб поезд кела бошлади. Паровоз еру кўкни ларзага солиб қичқирди-да, вагонларни бир-бирига шарақлатиб уриб тўхтади. Вагонлардан кўрпа орқалаган, кетмон кўтарган кишилар туша бошлади.

Бугун эрталаб Фаргона область партия комитетининг пленуми бўлиб, унда гўза парваришининг бориши ва Катта Фаргона канали қурилишини жадал бошлаш, иш бошлангунча гўзаларни бешинчи чопиқдан ялпи чиқазиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Узкомпартия Марказий комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов пленумда катта нутқ сўзлаб, гўзасини бешинчи чопиқдан чиқарганларга каналга бориб ишлашга рухсат берилганлигини айтган эди. Мана, пленумдан чиқибоқ поездга ўтирган фаргоналикларнинг дастлабки эшелони Куйганёрга етиб келди. Куйганёр халқи ҳеч қачон бунақа катта издиҳомни кўрмаган эди. Бир вақтлар Ерқул мингбоши ўглини хатнага ётқизганда катта базм берган, базмга мингга яқин одам чақирган эди. Ушанда ҳам катта бедаяга ўттизга яқин сўри қурдириб, йингирма икки қозон тагига ўт қалатган эди. Ўттиз йилдан бери ўша тўйнинг таърифи тиллардан-тилларга ўтиб юарди. Бугун эса канал, тўғон шарофати билан юзлаб чодир тикилди. Беш мингга яқин одам кўрпа-тўшагиччи орқалаб тўғон қурилишига ҳашарга етиб келди.

Тўғон штаби келганларни жойлаштириш, кимнинг қаерда ишлашини, нима иш қилишини аниқлаш билан банд.

Майгир қишлоғи тарафда усти брезентли кул ранг енгил машина кўринди. Машина Беркинбой самоварчининг сўриси олдида тўхтади. Ундан инженер Белявский тушди.

Ўтирганларнинг кўпчилиги Белявскийни яхши тапир эди. Бирпасда шивир-шивир гап бўлиб қолди.

— Урис мироб келди.

— Сувтўра келдилар.

— Губрнинг сувчиси келди.

— Хайрият, ҳаёт экан. Уни бандаликни бажо келтирган деб юрар эдим.

Белявскийга бир чол яхна чой тутди. У пиёлани қўлга оларкан, чолга ҳазил қилди:

— Илимиліқ чол, тирик экансан-да, а? Мен сени ўлиб кетган, деб юрардим. Улмај яхши қипсан. Манавунақа ишларни кўриб, кейин ўлсанг армонда кетмайсан.

Чол тишсиз оғзини очиб кулди.

— Атайини тўгон битишини кўрай, деб ўлмај турибман. Битган куннинг эртасига ўлишга қарор қилдим.

Белявский пиёлани қайтариб бераркан, яна ҳазил қилди:

— Бу ишнинг ҳам дуруст. Улсанг ўзим капал газетасига ўраб кўмиб қўяман.

Белявский «Илимиліқ» деб атаган чол асли учқўргонлик бўлиб, кейинчалик Урганжи қишлоғига келиб қолган. У ҳозир саксондан ошган бўлиб, ҳали ҳам хотини йўқ. У умрида тўрт марта уйланган, ҳар галгисида ҳам хотини икки-уч ой яшамай ташлаб кетиб қоларди. Кетиб қолган бир хотинидан: «Нега кетдинг, яхши одам эди-ку, эринг», деб сўрашганда у: «Кўёв илимиліқ экан, на иссини бор, на совуғи, мироблик қилиб баданидаги ҳароратни сув сўриб қўйипти», деб жавоб қилган экан. Ана шундан бери унинг асли номи унутилиб, «Илимиліқ» бўлиб кетган эди.

Сўрини тўлдириб ўтирганларнинг ҳаммаси сепоячи мироблар эди. Белявский улар билан кўп гаплашган. Фарғона генерал-губернаторлигида сув нозири бўлиб ишлаган пайтларда ҳам у мана шу мироблар билан борди-келди қилар, тўй-ҳашамларидан қолмасди. Белявский уларнинг ҳаммаси билан ўзига яраша муомала қилиб, унутилган лақабини эсга олиб, роса кулишди. Белявский кула-кула инженерлар, проект муҳокама қилаётган қишлоқ совети биносига қараб кетди.

Кўприк тепасида Азизхон билан Лутфиниса пайдо бўлди. Уларнинг икковлари ҳам эсанқираб, тинимсиз ўтаётган машина ва от-араваларга қараб туришарди. Айниқса Лутфиниса шовқин-сурондан эсанқираб қолган,

'Азизхонни белбогидан маҳкам ушлаганича сира қўйиб юбормас, юк машинаси ҳар сигнал берганда сапчиб тушар, кўприкнинг гоҳ у ёғига, гоҳ бу ёғига қочиб ўтишар, шофёрлардан кетма-кет сўкиш эштитшар эди.

Улар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Қаёққа боришни, кимга учрашишни билишмасди. Икковни гуж-гуж одам ичида каловлаб чойхона ёнига келиб қолишди. Бу чойхонага ҳозиргина поездда Фаргонадан келган қурувчилар тўдаси қўнган эди. Бирини тугилган кўрпасини чатаноғи орасига олиб, бирини тугунини бағрига босиб бошлиқнинг буйруғини кутиб ўтирарди. Азизхон биттасининг олдига бориб чўчиброқ сўради:

— Тоға, Тошлоқдан ҳам одам келганми?

Тулука чойнак жўмрагидан муздек булоқ сувини симираётган йигит мўйловига томган сувни кафти билан артиб жавоб қилди:

— Тошлоқликлар келишмади. Канал «Сув кесак», «Тожи қишлоқ» тепасидан ўтаркан, ўша ерда ишлашадди, ука.

Азизхон, хайрият-э, деворишига оз қолди. Чунки агар тошлоқликлар бу ерга келгудек бўлса, Азизхон билан Лутфинисанинг яна қайгадир бош олиб кетиши керак. Акс ҳолда Акбарали уларни тинч қўймайди. Албатта Лутфинисани ундан юлиб олиб кетади. Катта жанжал кўтаради. Тошлоқликларнинг бу ёққа келмагани айти Азизхоннинг кўнглидагидек иш бўлган эди.

Азизхон нима қилишини билмай у ёқ-бу ёққа алаҳлаб турган эди, кимдир билагидан шарт ушлади. У чўчиб орқасига ўгирилганда каттакон тарвуз қўлтиқлаб турган шофёр болани кўрди. Белявскийнинг шофёри энди озода кийинган, соқолларини ҳам олдириб бир чиройли йигит бўлганди. Ундан гуп-гуп атир ҳиди келарди.

— Полвон почча, пуссатуна бўса битта чой ичмаъмизми?

Азизхон кўпдан қидириб юрган кишини топиб олгандек, юз-кўзлари яшнаб кетди.

— Бўпти, бўпти, ошнажон. Узим сизларни қидириб келган эдим. Инженер тоғам, мени Куйганёрдан топасан, деган эдилар. Атайин у кишини излаб келдик.

Шофёр бола уларни эргаштириб ошхона тарафга юра бошлади. Бу ошхона штаб ходимлари учун қурилган бўлиб, эрта-азондан то қош қорайгунча очиқ эди. Ошпаз шофёр болани таниса керак, унинг имоси билан

учта косага лағмон сузиб, йўнилмаган тахтадан омонат ясалган стол устига қўйди.

Шофёр бола ташқарига чиқиб янгигина тандирдан узилган иссиқ нонни у кафтидан бу кафгига пуфлаб, ташлаб кириб келди. Нон ҳиди ошхона ичинин тутиб кетди. Азизхон ҳам, Лутфиниса ҳам ўтган кечадан бери иссиқ овқат сийшмаганди. Шунинг учун ҳам олинг-олинг дейишга улгурмай косага қошиқ солишган, иштаҳа билан ея бошлаган эдилар.

Улар ҳали овқатланиб бўлмаган эдилар ҳамки, ташқарида шовқин-сурон эшитилди. Азизхон косани бўшатган бўлса ҳам, Лутфинисанинг имиллашини кузатиб турарди. Нима гап бўлди экан, деб ташқарига чиқди. Одамлар самовар томон жадал юриб боришарди. Лутфиниса ҳам чиқди. Шофёр бола уларга, сизлар бемалол айланиб юраверинлар, Филип тога бўшаганларидан кейин сизларга нима қилишни айтадилар, деб ўзи машинасини сояроқ жойга олиб қўйиш учун кетди.

Йигитлик ғурури билан ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, қиз олиб қочиш аллақандай мардининг иши, деб билган Азизхон ҳозирча ночор эди. Худди ўргатилган айиққа ўхшаб ўргатувчисининг қамчисини кутиб турганга ўхшарди. Агар мусофирлик гарданида бўлмаганда, бу жойлар ва одамлар синашта кишилар бўлганда, у албатта бирон қилиқ қиларди. Ё биров билан муштлашарди, ё зўравонлигини кўрсатиш учун биронта дарахтни сугуриб отарди. Афсуски у, ҳатто келгинди итнинг ҳам думи чотига қисқлик бўлади, деганларидек, мўмингина бўлиб, ўз тақдирини кутарди. Тақдирини эса тасодифан чўл ўртасида йўлиққан рус инженерининг қўлида эди.

Улар тўдага эргашиб самовар тарафга юра бошладилар.

Новвойхонанинг томига чиқиб олган бир йигит граммафон карнайини оғзинга қўйиб қичқирарди:

— Кимда-ким полвонман, деса Беркинбой Файзиевнинг самоварига бораверсин! Кимда-ким полвонман, деса Беркинбой Файзиевнинг самоварига бораверсин!

Самовар олдидаги ялангликка одам сизмай кетган. Кўпчилик нима гаплигини билмай бир-биридан сўрарди:

— Тинчликми? Полвонлар нима қилишаркан?

— Кураш бўлармиш.

— Шу иссиқда курашга бало борми? Бошқа гапдир.

— Полводда нима ишлари бўлиши мумкин? Хамир қордириб лагмол чўздиришармиди?

Шу топда даврани ёриб йўғон гавдали, бўйни қалинлигидан гарданц бўртиб чиққан қора киши кирди. Унга қурилиш бошлиғи Тешавой Мирзаев, Белявский ва лойинҳалаш бошлиғи Азизовлар ҳамроҳ бўлиб келишарди. Ҳамма бирдан жимиб қолди. Тешавой Мирзаев ҳам, даврага кирган раҳбарлар ҳам ўтиришмади. Улар ҳозиргина мажлисдан чиққан эдилар.

Мирзаевни ҳамма танирди. Москвадаги Қатта Кремль сарёида ўз ишлари тўғрисида гапирётганда Молотов луқма ташлаб «Чин агроном», деган ва унга Сталин қўшимча қилиб: «... ва ажойиб потиқ» деб атаган эди.

Тешавой Мирзаев қўл кўтариб говурни босди. Оломси тишчигандан кейин у салмоқлаб гапира бошлади:

— Биродарлар. Ҳозиргина штаб йиғилиши бўлди. Эртадан бутун канал трассаларида ялли иш бошлашга қарор қилдик. Икки юз етмиш километрлик канал трассаси бўйлаб бир юз олтмиш минг киши баробар иш бошлайди. Бу фақат Фарғона водийсидагина эмас, бутун ўзбек халқи тарихида унутилмас кун бўлади. Шунини яхши билингки, каналнинг ҳамма жойида иш бир хил эмас. Полвонларгина бажариши мумкин бўлган оғир участкаларимиз ҳам бор. Узкомпартия Марказий комитети ва республика ҳукумати номидан Усмон ота сизга қарата бир-икки оғиз ваъз айтишни лозим кўрдилар. Марҳамат, Ота, сўз сизга.

Усмон Юсупов дастрўмоли билан терлаган гарданини арта-арта олдинга чиқди. У каналнинг аҳамияти тўғрисида узоқ гапирди. Унинг нутқидан Фарғона водийсининг деҳқончилик тартиби, ер ва сув шароитини яхши билгани сезилиб турарди. У нутқининг охирида бугун кўтарилган халқ оқими канал қазиниши қирқ беш кунда адо этишга аҳд қилганини, Куйганёр тўғони то канал битгунича сув ўтқазинишга тайёр бўлиши кераклигини лўнда-лўнда қилиб гапирди.

— Биз бугун водий полвонларини алоҳида тўплдик. Беш юзга яқин полвон қурилишининг алоҳида участкаларида ўз кучларини кўрсатишлари керак. Учқўрғон тўғони, Луғумбек шаршаралари ва ниҳоят Куйганёр тўғони сиз азаматларнинг билак кучингизга маҳтал бўлиб турипти. Канал қурилиши штаби полвонлардан

учта катта бригада тузишга қарор қилди. Учқўрғон участкасида ишлайдиган бригадага Лоғон канали қурилишида ном чиқарган машҳур полвон Дўнан Дўсма-тов, Луғумбек шаршара қурилишида ишлайдиган бри-гадага булоқбошлик Жўра полвон Ғойипов бошчилик қилади. Куйганёр тўғони қурилишидаги бригадага из-босканлик Али полвон бошчилик қилади.

Азизхон бир чеккада бу гапларни эшитиб ўтираркан, Юсуповнинг кейинги гаплари унинг ҳамиятига теккан-дек бўлди. Наҳотки Фарғонадан биронта полвон бўлма-са?! Фарғона полвонлари ҳали курашларда елкасини ерга тегизмай соврин олиб келган бўлса-ю, мана шундай улуг маъракада четда қолиб кетса!

Юсупов гапини тугатиши билан Азизхон ўрнидан турди.

— Мумкинми? Нега фарғоналик полвонлардан би-ронтаси бригадага бошлиқ бўлмади? Шунини тушунтириб берсангиз.

Усмон Юсупов ўрнига Тешавой Мирзаев жавоб қилди:

— Қизишманг, ука, Фарғона полвонлари Толқудуқ қумларини кесиб ўтадиган канал қурилишига юборил-ган. Улар ҳозир жазирама офтоб тигида қизиган қумлар орасида жонбозлик қилишяпти.

Олдинги қаторда ўтирган миқти Эш полвон пичинг қилди:

— Ука, Фарғона полвонлари сал мундоқроқ бўлади. Уйинга яқинроқ жойда ишламаса, хотинини соғиниб қолади.

Бу гап Азизхоннинг жон-жонидан ўтиб кетди. Шарт бурилдию алоҳида курсида талтайиб бир ўзи ўтирган Эш полвоннинг тепасига келди.

— Яна бир марта айтинг шу гапингизни, Полвон ака.

Эш полвон уни писанд қилмай, ўтавер, ўтавер, деб масхарали илжайди.

Азизхон титраб кетди. Яктагининг енгини ҳам ши-мармай уни курси билан қўшиб шарт кўтарди. Пилди-раганча даврадан олиб чиқиб кетди-ю, кўча ўртасига отди. Курси синди, полвон тупроққа қоришди. Азизхон унга қарамади ҳам, қайтиб келиб ўз ўрнига ўтирди.

Оломон гуриллади. Бир полвон Эш полвон туштан жойга югурди. Белявский Азизхонга қараб, чакки қил-динг, болам, деган маънода бошини сарак-сарак қилди.

Кейин Йўлдош Охунбобоевнинг қулогига нимадир деб шивирлади.

Бирпасда президиумдагилар орасида шивир-шивир бўлиб қолди. Аммо Эш полвон қайтиб даврага кирмади.

Тешавой Мирзаев полвонлар энди ўз ётоқларига бориб дам олишлари мумкинлигини айтиб, бригада бошлиқлари шу ерда қолишларини сўради. Ҳамма тарқади. Азизхон ҳам чиқиб кетаётган эди, бир йигит келиб Усмон ота сўраётганларини айтди. Азизхон катта одамлар билан умрида гаплашмаган эди. Тортиниброқ олди-га борди. У, албатта, ҳозирги қилган ишим учун дашном эшитсам керак, деб чўчиган эди. Юсупов уни кулиб қаршилади. Қўл олиб кўришар экан, унинг пишиқ жусасига, болаларча ийманиб турган кўзларига қаради.

— Қаерликсан, бола?— деди қизиқиб.

Азизхон Тошлоқнинг Зириллама қишлоғидан эканлигини айтди.

— Райимбердининг колхозиданми? Ҳа, дуруст. Ориятли йигит экансан. Тошлоқликларнинг бари шунақа. Бировга на сўзини беради, на ўрнини. Кўпчилик келдингларми?

Азизхон ийманиб икки киши келишганини айтди. Бежавский унга қўшимча қилди:

— Қайлиғи билан келган, ота. Азамат йигит. Тўғон қурилишига ташлаймизми?

— Узидап сўрайлик,— деди Юсупов.— Қаерда ишлашни хоҳлайсан, бола?

— Қаёрни лозим топсангиз, ўшақда ишлаганим бўлсин. Аммо лекин ишнинг энг оғирини беринг. Фаргоналикларнинг қанақалигини бир кўрсатиб қўймоқчиман.

Йўлдош ота Азизхоннинг ёш болаларча бераётган жавобидан завқланиб турарди. Келиб елкасига қоқди.

— Мёнга қара, ҳамқишлоқ. Акбаралнинг синглисини тўй кунин олиб қочган сенмасмисан?

Азизхон индамай бошини эгди. Паст овоз билан деди:

— Гуноҳимдан ўтинг. Бир қошиқ қонимдан ўтинг, ота. Уша сиз айтган бола менман.

— Қиз қаерда?— деди Охунбобоев.

Азизхон кўпчилик орасида юзини яшириб ўтирган Лутфайниса тарафга ишора қилди.

Учкўрғонда ҳам худди шундай йиғин бўлиши керак эди. Раҳбарлар ўшаққа отланиб туришипти, гапни узоқ

чўзишмади. Юсупов Жўра полвонни чақириб Азизхон билан Лутфинисани унга топширди.

— Иссиқ-совуғи, ётиш-туриши сенинг гардаингда. Булоқбошиликлар ҳимматли бўлади. Оталигинга ол. Бу болада иш кўп.— Юсупов Азизхонга қаради.— Уғлим, филдек кучнинг бор экан. Бу кучни беҳудага сарф қилма. Юрт ишига сарфла. Юрт бир ҳимматингга ўн ҳиммат билан жавоб қилади.

Раҳбарлар машинага ўтириб Учқўрғон тарафга йўл олишди. Кетаётган машина орқасидан қараб турган Азизхоннинг елкасига биров қўл ташлади. Азизхон ўгирилди. Жўра полвон эди.

— Қойил қилдинг, ука.— деди илжайиб,— Эш полвон лунжига шўр пахта боғлаб медпунктда ўтирипти. Ҳозир олдига борамиз. Ундан узр сўра. Ҳар қалай сен ёшсан. Шундоқ қил.

Азизхон қишлоқда шунча шўхлик қилиб умрида бирон марта узр сўрамаган эди. Қелиб-келиб энди мутлақо нотаниш, унинг устига юртдошларини эрмак қилган кишидан узр сўрайдими? Азизхон қўлини кўксига қўйиб узр сўрашга боролмаслигини айтди.

— Унақа қилма, бола. Полвон халқи енгилган рақибини белдан олиб кўтариб қўяди. Таомил шунақа.

Азизхон бу одамнинг таърифини жуда кўн эшигган эди. У ёғи Жалолобод, бу ёғи Чимкентгача доврўқ солган бу полвон ҳали бирон марта даврадан елкасидан тупроқ қоқиб чиқиб кетмаган эди. Шундай одам ундай Эш полвондан узр сўрашни илтимос қиляпти. Азизхон ноилж кўнди. Унга эргашиб медпункт тарафга юрди.

Медпункт олдидаги скамейкада лунжи бойланган Эш полвон қайноқ кўк чой ичиб ўтирарди. У Азизхонга совуқ бир қаради. Кейин пиёлани ёнига қўйиб ўрнидан турди.

— Эш аканг ҳали бирон даврада бунақа шарманда бўлмаган эди. Аммо қойил қилдинг, ука.

Эш полвон шундай деб тагига босиб ўтирган янги, ҳали оҳори кетмаган тўннини олдию бир силтаб қоқиб Азизхоннинг елкасига ташлади.

— Бу сенга Эш акангдан эсдалик. Яша, омадингни берсин!

Эш полвон бошқа гап айтмади. Ҳеч кимга ҳеч нима демай тўппа-тўғри кўприк тарафга қараб кетди.

— Энди қайтмайди,— деди кимдир.— Ёмон изза бўлди. Шу кетганча қишлоғига кетди. Эшни билмайсизлар, ориятли полвон. Йиқилганим — ўлганим дейдиганлардан. Кетди энди, бечора.

То у кўздан йўқолгунча орқасидан қараб қолишди. У кетаркан самовар сўриларини тўлдириб ўтирган чой-хўрлар ундан кўз узишмас, ана йиқилган полвон, ана тупроққа қоришган полвон, деб шивирлашарди. Эш полвон бу гапларни эшитмаса ҳам сезарди. Шунинг учун бошини кўтармай, ҳеч қаёққа қарамай Қора дарё кўпригидан ўтиб борарди.

Азизхоннинг юраги жиз этиб кетди. Умрида биринчи марта қилган ишига пушаймон бўлди. Ич-ичидан куйинди. Аммо энди кеч эди.

Енида турган Жўра полвон ҳам Эшнинг бу аҳволдан таъсирланган эди. У нндамай Азизхон билан Лутфинсанн эргаштириб булоқбўшликлар тушган қўра томонга юрди.

IX

Арслонбоб тепасида чақин чақиб еру осмонни ларзага солгудек момақалдироқ гумбирлади. Одамлар уйларидан чиқиб ана сел келади, мана дўл ёғади, деб ваҳимага тушиб қолишди. Аммо бир неча соат гумбирлаган момақалдироқнинг кучи сўниб, бемор йўталидек аста секинлаша бошлади. Одамлар хайрият, ёғиб берганда каналчиларни ташвишга солиб қўярди, деб хотиржам бўлишди. Аммо бу хотиржамлик кўпга бормадди. Тоғ тарафдан йўлда учраган хас-хашакни кўкка кўтариб бўрон турди. Бўрон кучайгандан кучайиб тупроқни осмонга учирар, баланд кўтариб атрофга тўзгитарди. Узулиги икки, икки ярим метрлик шох-шаббалар ҳам осмонда аэропландек учиб юрар, ҳеч нарсани кўриб бўлмасди, қуёш тўзон ичида, осмон худди малла тўн кийгандек.

Табиатнинг бу телба ўйини бир соатдан ортиқ давом этди. Бет-кўзларини чанг қоплаган кишилар уйларидан, қўраларидан чиқа бошладилар. Ҳақи тўзони босилмаган осмонга қараб турган бир чол дўнғиллади:

— Бошлаган ишимиз олло таолога ёқмади, чоғи.

Тўзон ичида чақа пулдек қорайиб кўринаётган қуёшга қараб турган қўш белбоғли йигит шоша-пиша оғзидаги лосини тупуриб жавоб қилди:

— Наоборот бўлади, отам, аксинча, наоборотига олло таолога ёққани бу. Худо ёрлақган бадаларига раҳматини юборди. Худонинг ўзи канал қазишга келолмаганидан пушаймон бўлиб шамолини юборди. Мана кўрасиз, икки ё уч кундан кейин дарёнинг суви яримлайди. Бу шамол тоғ қорини қотиради. Икки-уч кун эрнай без бўлиб туриб олади. Сепояни ана ўшанда ташлаймизда, отам. Шунча ёшга кириб шуни ҳам билмабсиз-да, отецим.

Бу гапни айтган йигит Абдусамад мироб эди. У ўз умрини сув йўлларида, тўғонлар бошида ўтказган эди. Абдусамад мироб Қора дарё ва Нориннинг қутирган тўлқинлари билан олишиб қанчалаб сепоялар ташлаган, тошқинларга бас келган эди. Абдусамад область сув бўлимининг бошлиғи Сувтўра деб ном чиқарган инженер Белявскийнинг энг яқин маслаҳатчиси. Унча-мунча русча қўшиб гапириб унга Сувтўрадан юққан.

Шамолнинг сувга таъсири тўғрисидаги мулоҳазаси унинг кўп тажрибалари ва кузатишларидан келиб чиққан.

Бўрон турган кунни кеч пайти Куйганёр кўпригининг ўнг қирғоғига араваларда, машиналарда ёғочлар туша бошлади. Шамол қулатган дарахтлар илдири билан тракторда судраб келтирилди. Эртаси тонг пайтигача шох-шаббадан, ёғочлардан тоғ пайдо бўлганди.

Андижон тарафдан отлик сепоячилар кела бошлади. Улар отларини саройга киритиб самоварга қўншди. Сепоячилар орасида сўқоли кўксига тушган, саксон бўлмаса ҳам тўқсондан ҳатлаб ўтган бир чол ҳам бор эди. У битта чой ичдию қирғоқ бўйлаб юриб сув оқишини кузата бошлади.

У машҳур Ҳасан сепоячи эди. Ҳасан сепоячи шу узоқ умрида кўп дарёларга беш мингдан ортиқ сепоя қадаган, бутун водий сепоячиларига устозлик қиларди.

Чол ҳозир кексайиб қолишга қарамай сепоячилар қаторида от суриб Куйганёрга келди. У ҳозир қиргоқ бўйлаб бораркан, кўшириб, ҳайқириб оқаётган дарё билан гаплашаётгандек, куч синашга чоғи келиш келмаслигини чамалаётгандек кўринарди. Унинг қошлари чимирилган, хаёллари бўз йигит пайтларини изларди. У ўйларди: «Ким билади, бу менинг охириги жангимдир. Бу жангда ким енгаркин? Аммо жанг чакана бўлмайди. Шу пайтигача бўлган жанглarning энг зўри бўлади».

Чол жиндек хавотир оларди. Кексалик кучини кўрсатиб чап оёғидаги боди тез-тез қўзгаб, унча-мушча томири тортиб ҳам қўярди. Чол ана шундан нотинчроқ эди. У самоварга кўнглида қандайдир гашлик билан келарди.

Беркинбойнинг самовари ҳар галгидек гавжум. Машҳур ҳофиз Жўра пистон ликоп билан катта ашула бошлаган. Ҳамма жим бўлиб унинг қўшиғини тингларди.

Пойтуқликлар самоварида гурра-гурра кулги кўтариларди. У ерга бир тўда Марғилон қизқичилари тушган, Юсуф қизик, Охунжон қизиклар ичак узди ҳикоялар айтиб ҳаммани кулдиришарди.

Майдон ўртасига машина келиб тўхтади. Ундан Сувтўра-Белявский билан Тешавой Мирзаев тушди.

Сувтўра яқинида турган одамга ҳам бақриб гапирарди. Чунки шаршараларда, тошқинларда, сув шовқинида мироблар билан кўп гаплашган. Шунинг учун ҳам қаттиқ гапиришга ўрганиб қолганди. Билмаганлар унинг бу одатидан аччиқланишарди. Ҳатто бир-икки жойда унга, гаранг эмасмиз, бунча шанғиллайсан, деб дашном ҳам беришган эди. Бир куни Шаҳрихонсой шаршарасида сувни нотўғри тақсим қилаётган миробга одати бўйича бақриб гапирганда у Сувтўрани қаттиқ ҳақорат қилган эди. Ушанда у:

— Губрга нозиклик пайтларинг ўтиб кетган. Бақирма. Э, губернинг думи, генералнинг арзандаси!— деганди.

Сувтўра индамай қўл силтаб отига миниб кетаверганди.

Инженер Белявский мишг тўққиз юз иккинчи йилда Петербург Ирригация институтини тугатганидан кейин Туркистонга юборилади. Фарғона генерал-губернаторлигини уни сув ишлари нозири қилиб тайинлайди. Ана ўшандан бери у гоҳ пиёда, гоҳ отлик бутун водийни кезади. Харобага айланган сув иншоотларини тиклашга бел боғлайди. Халқ миробларининг узоқ асрлик бой тажрибаларини ўрганади. Кўп илмий ишлар ёзади. Унинг бу асарлари Петербург, Москвада нашр қилинади. Туркистон вилояти газеталарида эълон қилинади.

Белявский жуда кўп мироблар, сепоячилар билан дўстлашади.

Революция бўлиб Фарғона музофотида совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ҳам Белявский ўз вазифасини давом эттираверади. Илғари чор Россияси амалдорла-

ри тасдиқламаган, пул харж қилишни истамаган лойиҳаларини қайта амалга ошириш учун қаттиқ бел боғлайди. Унинг нияти Учқўрғондан Норинни бўғиб, бутун водий бўйлаб катта бир канал ўтказиш эди.

Белявскийнинг «Асосий Фарғона канали» деган лойиҳаси билан марказдаги мутахассислар ҳам танишиб чиққан.

Партия ва совет аппаратларида уни жуда ҳурмат қилишарди. Халқ унинг ўша эски номи Сувтўра, Урис мироб номлари билан ҳам атай бошлайди.

Канал штаби уни Учқўрғон участкасига бошлиқ қилиб тайинлайди. Каналнинг бош тўғони ўша ерда, Норинда қурилади. Белявский Қора дарёга сепоя ташлашни кузатиш, яхши сепоячиларни аниқлаш учун атайин келган.

Белявский машинадан тушиб дарров штабга кириб кетмади. Эски мироб ошналари, сепоячи дўстлари билан ҳазил аралаш саломлашиб ўтди.

— Ҳа, Чўтир мироб, омонмисан, Лоғонда думингди тутқазмаган эдинг, энди пахтагга сув керак бўпти-да.

У бужир йиғитнинг қўлини қўйвориб, бошқа баланд бўйли озғин қора йиғитнинг қўлини олади. Бу йиғит асли шаҳрихонлик уйғурлардан бўлиб Шаҳрихонсойга жуда кўп марталаб сепоя ташлаган, ўзи икки марта оқиб аранг ўлимдан қолган эди.

— Омонмисан, охун, келдингми? Бунини Қора дарё дейдила. Қимиз совутадиған Хўтан ариқ Анжанда қолди.

Бу уйғур мироби жуда жаҳлдор, бировининг гапига кирмайдиган йиғит эди. Бошқа одам тўғри маслаҳат берса ҳам ўзиникини маъқулларди. Фақат Белявскийга гап қайтаролмасди, холос.

Д У бир куни Шаҳрихон гузаригаги самоварда чой ичиб ўтириб оёғига кирган тиканни пичоғининг учи билан қидираётган эди. Эрмакталаб чойхўрлар унга тегажаклик қилиб маслаҳат бера бошлайдилар.

— Э, охун, сал берирогидан кавланг.

— Тикан сал юқорироқда.

— Унг тарафини кавланг, охун.

У, ишингла бўлмасин, деб ўзи билган жойни ковлайверади. Эрмакталаблар бўш келишмайди.

— Бу ёғини кавланг!

— У ёғини кавланг!

У жаҳли чиққанидан пичоғини гарч-гарч қилиб тово-
нига икки-уч марта тиқиб ташлайди. Товонларидан қои
оқаркан, чойхўрларга қараб қичқиради:

— Бўлдими? Тинчидинглами?

Ана шундан кейин у икки-уч кун кўчага чиқмай оё-
гига латта боглаб ётади.

Белявский ўша воқеани эслатмоқчи бўлди.

— Охун, тўғон битмай оёққа латта боглаб қочмасинла.

Ҳамма гуриллаб кулди.

Ана шундан кейин Белявский штаб тарафга ўтиб
кетди.

Сўриларни тўлдириб ўтирган чойхўрлар суҳбат мав-
зуини ўзгартириб Белявскийни таърифлай бошладилар.

Унинг оқ подшо вақтида ҳам камбағалга қайишгани,
миробларнинг қора шўрвасини ирганмай ичгани, тўйлар-
га совға-саломлар олиб маржаси билан келгани, жаноза-
заларга қатнашиб тобут кўтаргани борми — ҳамма-ҳам-
масини гапира бошладилар.

— Урис бўлса ҳам ўзбекдай, кофир бўлса ҳам мусул-
мондай ўрис.

— Қизини ўзбекка берган. Неварасининг отини, худ-
онинг қудрати билан Ойпошша қўйипти. Ановини қа-
ранг-а...

Кўприк тепасида енгил машина кўринди.

— Усмон отанинг машинаси, — деди кимдир.

Ҳамма ўша тарафга қаради. Машина чойхоналар ора-
сидан секинлаб ўтди. Машинада Усмон Юсуповнинг ўзи
йўқ эди. Орқа ўриндиқда кўзойнакли қирра бурун йигит
билан ўттиз ёшлар чамасидаги оппоқина йигит ўтирарди.

— Уҳ! — деб юборди бир йигитча. — Ғафур-Ғулом-ку.
Енидагиси ким бўлди?

— Танимадингми, Ҳамид Олимжон-ку.

Ғафур Ғулом шофёрнинг елкасига қўл ташлаб тўх-
ташга ишора қилди. Машина тол соясига келиб тўхтади.
Икки шоир машинадан туриб тўппа-тўғри Беркинбой
ҳофизнинг чойхонасига қараб юра бошлашди. Ҳофиз қў-
лидаги чойнакни сўрида қолдириб улар истиқболига
югурди.

Чойхўрлар икки шоирдан кўз узмай кузатиб турар-
дилар. Ғафур Ғулом ўз одатича ўнг елкасини чапанлар-
ча сал кўтариб, ўнг оёғини ерга қаттиқроқ уриб борарди.
У дўсти машҳур Ҳофиз билан бел олиб кўришгандан ке-
йин Ҳамид Олимжонни унга таништирди.

— Танишинг, Беркинбой ака, Ҳамид Олимжон деган шоир шу йигит бўлади.

— Биламиз, биламиз, ўзларини кўрмаган бўлсак ҳам шеърларини кўп ўқиганмиз. Қани, келинглар. Битта чой қилиб берай.

Ғафур Ғулом ундан узр сўради. Луғумбекда Ота уларни кутаётганларини айтди-да, машинага қараб юра бошлади.

— Дарёга сепоя ташлайдиган пайтда шу ерда бўламиз. Ушанда Узган гуручидан жувоз ёғида битта анжанча палов қилиб берасиз.

Шоирлар машинага чиқиб жўнаб кетишди.

Кимдир, «Ғафур Ғуломнинг бурни катта экан-а», деди. Бошқаси қўшимча қилди:

— Ҳамид Олимжоннинг қулоғи катта экан.

Шу куни кечгача кўприкдан гоҳ енгил машина, гоҳ автобус, гоҳ юк машина тўла одамлар ўта бошлади. Унда машҳур артистлар, созандалар, рассомлар ўтиришарди.

Ҳамма улар орасидан Ҳалимахоними қайси, Тамарахоними қайси, деб бир-бирларидан сўрашарди.

Куйганёр худди каттакон вокзалга ўхшарди. Одам тинмасди. Бу ердан ўтганнинг ҳам, қўниб қолганнинг ҳам сон-саноғи йўқ.

Куйганёр Куйганёр бўлиб ҳали бунақа сайилни-ю, бунақа маросимни кўрмаган эди. Самоварчиларнинг қўли қўлига тегмас, чойхоналардан ҳофизларнинг қўшиғи, созандаларнинг машқлари тинмасди. Сомсапазлар, мантипазларнинг шовқин-суронлари, хотин-халаж, болаларнинг шовқини қўшиқни ҳам босиб кетар, яшил кўприк устидан еру кўкни ларзага солиб цемент, ёғоч, темир ортган поезд қалдираб ўтиб қоларди.

Х

Азизхон ётнш-туришндан кўнгли тинчиб гузарга бемалол, беташвиш чиқадиган бўлиб қолди. Жўра полвон уни қўшариқлик Орзихон ая деган кампирнинг уйига жойлаб қўйди.

Орзихон ая ёлғиз қизини шаҳарлик Эргашвой деган парк директориغا берган, ўзи каттакон ҳовлида ёлғиз яшарди.

Лутфиниса кампир билан бирпасда апоқ-чапоқ бўлиб

кетди. Жўра полвон ҳовлига аравада ун-гуруч, қовун-тарвуз тушириб берди.

Азизхон энди хотиржам. Қўнгли тинч. Эртадан Жўра полвон йигитлари билан Лугумбекка кўчади.

Кунлар ҳам ниҳоятда исиб кетди. Минг-минглаб кишилар офтобда қорайиб кетмон чопишар, тош орқалашар эди. Сон-саноксиз замбиллар пастдан юқорига тупроқ ва тош билан интиларди.

Айниқса Куйганёр тўғони қурилишида кечаю кундуз иш тинмасди. То тонг саҳаргача прожекторлар дарё ичи, қирғоқларни кундуздек ёритиб турар, тракторларнинг шовқини, одамларнинг у қирғоқдан-бу қирғоққа қараб бақириб-чақиришлари қишлоқларга ҳам эшитилар эди.

Дарё оқими тарафлардаги шоли тизза бўйи бўлиб қолган, пашша-чивинлар кунни билан офтоб тигида ишлаган қурувчиларни кечаси ухлатмасди. Офтоб куйдирган елкалар ачишар, пашша чаққан ерлар жон-жондан ўтиб кетарди. Эрталабгача қабарган баданни қашиб ухламай чиққан қурувчилар нонушта пайтида ҳам мудраб ўтиришар, трассага чиққандан кейингина ишга қизиқиб уйқусизликни унутардилар. Аммо чивин чаққан ерлар исиз қолмасди. Каналчилар орасида безгак пайдо бўла бошладди. Ана шундан кейингина юзлаб врачлар, санитарлар уйма-уй, палатама-палата юриб қурувчиларга мажбуран акрохин таблеткасини ичира бошлашди.

Азизхон икки-уч кундаёқ катта-кичикнинг оғзига тушиб қолди. Кечқурунлари ишдан бўшаб гузарда чой ичишга чиққанда сўрининг юқорисидан жой бўшатадиган, чойхўрлар уни бир-бирларига имлаб кўрсатадиган бўлиб қолишганди. Азизхон бундан завқланар, юриши ҳам аллақандай бошқача, гурурини қанча яшираман деса ҳам гап-сўзларидан биллиниб турарди. Лутфиниса ҳам Орзихон ая билан ишга чиқиб замбилда тупроқ таширди. Азизхон билан кечқурун кўришарди-ю, чарчаганидан дарров ёта қоларди.

Бугун Азизхон қош қораймай ишдан қайтди. Ҳаво дим эди.

Куйганёрнинг табиати бошқа жойлардан фарқ қилар эди. Кундузи офтоб ҳаддан ташқари қиздирарди. Кечга яқин шамол ётиб, ҳаво дим бўлади. Дарахтларнинг, учлари қимирламай тек қотади. Ана шу пайтда чивинлар еру кўкни тўлдириб ёнғиллаб, жондор борки бир чақиб ўтмасдан қўймайди. Ҳатто отлар ҳам безовта бў-

либ нўхтани узиб қочади. Фақат бефаҳм сизирларгина маъраб ётаверади. Хўроз бир чақиргандан кейингина салқин шамол бошланади. Чивин зотини битта қўймай учириб кетади. Қирғоқлардаги қизиган тошларни пуфлаб совутади. Саратон оқшоми бўлишига қарамай қални кўрпа ёпиниб ётмаган киши совқотади. Тошкентдан келган лектор «Ойда ҳаёт борми?» деган мавзуда лекция ўқиб: «Ойда кечаси юз градус совуқ, кундузи юз градус бўлади», деганди. Куйганёрни ҳам ойга ўхшатса бўлади. Кундузи ҳаддан ташқарн иссиқ, кечаси чидаб бўлмас совуқ.

Азизхон белбоғи билан ўзини елпиб кириб келганда Лутфинниса кир чайқаб ўтирган эди.

— Ия, мenden олдин келибсан-да,— деди Азизхон ажабланиб.

— Бригадамизни бошқа участкага ўтказишяпти. Бу ердаги топширқни бажариб бўлдик.

— Узоқроқмасми, ишқилиб?— деди у қизикиб.

Лутфинниса янгигина синкали сувдан чиққан кўйлақларни дорга ёяркан: «билмасам», деб қўйди.

— Ювиниб ола қолинг, пақирда сув иситиб қўйганман.

Лутфинниса кружкада сув қўйиб турди, Азизхон оёғини кериб туриб ювина бошлади. Шу пайт ташқаридан кимнингдир чақирган овози келди. Лутфинниса кружкани пақирдаги қалқиб турган сувга ташлаб ташқарига чиқиб кетди. Зум ўтмай қайтиб кирди.

— Сизни бир киши сўраяпти.

— Қанақа киши?

— Танимадим, қоронғида бетини кўрмадим.

Азизхон елкасида сочиқ билан артина-артина йўлакка юрди. Анчадан кейин бир потаниш кишини эргаштириб кирди. Лутфинниса тош фонарни ёқиб айвон даҳанига қўйгандагина уни таниди. Бу — Эш полвон эди. Бемаҳалда бу киши нима қилиб юрипти? Лутфиннисанинг кўнгли ғаш бўла бошлади.

Эш полвон анча сўлиб қолган, илгариги ғурури йўқ, бошини эгиб гапини нимадан бошлашини билмай, этигининг учи билан ер чизиб ўтирарди. Охири у бошини кўтариб Азизхонга қаради.

— Ука, сенда икки оғиз гапим бор эди.

Азизхон унга, қулоғим сизда, деган маънода қаради.

— Йўқ, йўқ, ука, холироқ жойда айтадиган гап.

.. Азизхон Лутфинисага сен чиқиб тур, гапини эштайчи, дегандек қаради. Лутфиниса уларни ёлғиз ташлагиси йўқ, бу одам яхши ният билан келмаган, деб гумонсирарди. Унинг қимирламай ўтиришини кўриб Азизхон яна деди:

— Сен бир айланиб кел. Биз гаплашиб олайлик.

Лутфиниса норози қиёфада уйга кириб кетди. Азизхон Эш полвонга яқинроқ сурилиб ўтирди.

— Қани, эштайлик, ака.

Эш полвон дарров гап бошлолмади. Анча чайнаलिб ўтирди. Йўталди. Бир-икки журъатсиз қараб, хижолатли илжайиб қўйди.

— Укажон, гапларимни малол олмайсан. Уша кунги воқеадан бери қишлоққа боролмай юрибман. Каналга ҳам келолмадим. Атайин қошни қорайтириб, эл кўзидан яшириниб бемаҳалда олдинга келдим. Сен ҳали ёшсан, билмайсан. Йигит кишининг боши эгилгунча ҳўкизнинг бўйни синсин, дейдилар. Менинг бошимни сен эгиб қўйдинг. Эш акангинг елкаси яқин орада ер искамаган эди. Мени ўлдирдинг, бола.

Эш полвоннинг кўзларидан дувва ёш оқиб кетди. Ориятидан бошини тескари ўгириб белбоғини ечди. Кўз ёшларини арта бошлади.

— Ўлдирдинг мени, бола, ўлдирдинг...

Азизхон ғалати аҳволга тушди. Нима қилишини билмас, уни юпатгудек бирон сўз тополмасди. Қап-катта одам, унинг устига елкаси ер кўрмаган донгдор полвон ҳўнг-ҳўнг йиғлаб ўгирса, жуда хунук бўларкан. Азизхон шундоқ мағрур одамини букиб, дунёни кўзига қоронги қилиб қўйганидан хижолат чекарди. Бирон нима билан кўнглини кўтариш қўлидан келсайди, у албатта иккиланмай қиларди. Нима қилиш керак? Азизхон елкасига қўлини қўйиб ачиниб сўради:

— Нима қилсам бўлади, Полвон ака, нима қилсам кўнглингиз жойинга тушади?

Полвон ёшли кўзларини унга қадади.

— Биттагина йўл бор. Жон ука, илло-билло йўқ демайсан. Сени ҳеч ким танимайди. Таниганда ҳам айб қилмайди. Эртага Урганжининг майдонида Тамарахоним канситидан кейин Жўра полвон даъвошилигида кураш бўлади. Сенга талабгор бўлиб чиқаман. Йиқилиб берасан. Жон ука, агар шундоқ қилмасанг, ўзимни ўзим чавақлаб ташлайман. Бола-чақамнинг уволига қоласан.

Азизхон жаҳл устида ўрнидан туриб кетди. Эш полвон ҳам турди. У бошлаган гапини совутмай босиб тушмоқчи бўлди.

— Нима десанг берай. Хўп де...

Унинг гапи оғзида қолди. Азизхон тутақиб ўдагайлаганча унинг даҳани тагига келди.

— Мени ким деб ўйладингиз? Мен сиз айтган номардлардан эмасман. Кучингиз бўлса, марҳамат, майдонга чиқинг, беллашамиз.

Эш полвон довдираб қолди:

— Укажон, ҳеч бўлмаса ажрим қилмай тенг куч билан ажрашайлик. Хўп дегин.

Азизхон ўйланиб қолди. Эш полвоннинг аҳволи оғир эди. Агар унинг гапига кирмаса, ўзини ўзи бир бало қилиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Авзойи бошқача. Ўзини чавақлашдан тўймайди. Азизхон полвонларнинг табиятини яхши билади. Даврадан бошини эгиб чиқиб кетган кўп полвонлар юртни ташлаб бегона элларда сарсонсаргардон юрганларини билади. Ҳатто ўзини осиб қўйганлар тўғрисида кўп эшитган. Азизхон сал шаштидан тушди.

— Бўпти,— деди у, бўлар иш бўлди, дегандек қўл силтаб.— Майли. Сиз айтганча бўлсин.

Эш полвон унинг икки елкасидан ушлаб кўксига босди.

— Раҳмат, ўғил бола йигит экансан. Давралардан бесоврин қайтгулик қилмасин сени. Гап битта, а?

— Ўғил боланинг гапи битта бўлади,— деди қатъий қилиб Азизхон.

Эш полвон уни дуо қилиб чиқиб кетди. Аммо Азизхон анча пайтгача ўзига келолмай ҳовли бетида у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турди. Бўлиб ўтган гапларнинг барини Лутфиниса эшитиб турган эди. Азизхон тўғри қиялтими, ё адашдимми, деб мулоҳаза қиларди у.

Азизхон кечаси кўкка қараб ётаркан ўйларди: Эш полвон менга талабгор бўлиб чиқади. Кураш ажрим бўлмайди. Хўш, ким ютган бўлади? Талабгор бўлиб чиққан киши енголмаган бўлади. Демак, мен ютган бўламан.

Азизхон энди хотиржам бўлиб ухлаб қолди. Аммо эртаси у тўғонда тош таширкан, одамларнинг гапи қулоғига чалинди.

— Эш полвон талабгор бўлиб чиқармиш. Азизхон

кўнармикин? Агар кўнмаса кураш қондаси бўйинча энгилган бўлади.

Азизхон бу гапдан кулибгина қўя қолган эди. Гап тагида гап бор экан. Бу концерт пайтида маълум бўлиб қолди. Икки йигит уни имлаб четга, тут тагига олиб келди. Қараса иккови ҳам пичоқ яланғочлаб турипти. Азизхон заррача ҳам чўчимади. Гапнинг айт, деб ўқрайди.

— Эш полвонга йиқилиб берасан. Агар йўқ десанг, ҳозир тамом қиламан.

Азизхон кулди. Бу кулги йигитларнинг ҳамиятига тегди.

— Йўқми?

У эпчиллик билан бирининг иягига мушт туширди, иккинчисининг пичоқ ушлаган қўлига этигининг учи билан тепди. Пичоқ учиб кетди.

— Қўрқадиган номардни бошқа жойдан изла. Бориб полвонингга айт, кечаги гап — гап.

У шундай дедию концерт кўраётганлар даврасига кириб кетди. Азизхон концерт пайтида ҳам титроғи босилмай лабини тишлаб, мушт тугиб ўтирди.

Ниҳоят концертнинг сўнгги номери олдидан кураш бўлиши эълон қилинди. Скамейкалар доира шаклида қўйиб чиқилди. Уртага каттакон брезент палос ёзилди. Уч қават белбоғ бойлаган Жўра полвон Ғойибов белдан пастини у ёқ-бу ёққа олифта силтаб ўртага чиқди. У бугунги курашда каналда ишлаётган Андижон, Наманган, Фарғона, Исфара полвонлари қатнашинини айтиб, уларни номма-ном чақирди. Улар орасида Фарғонанинг Зирилласидан келган ёш полвон Азизхоннинг ҳам номини айтиб чақирган эди, Азизхон давра ўртасига чиқмади. Жўра полвонга қараб, шаттаман, деган ишора қилиб қўйди, холос. Жўра полвон кураш шартларини айта бошлади.

— Бир марта йиқитганга қўнғироқли соат, икки марта йиқитганга битта патифон, «Рўмолим» пластинкаси билан. Пластинкани шу қўшиқни ижро қилган Тамарахоним опамизнинг ўзлари тақдим қиладилар. Уч марта йиқитган ё бир марта йиқитиб талабгор чиқмаган полвонга битта «Украина» велосипеди соврин берилади.

Давранингни олдинги қаторида полвонлар чопонларини тагларига босиб талабгор кутиб ўтирардилар. Одат-

да курашни бошлаб олиш қилин. Ҳадеганда ўзи отляб чиқиб мен тушаман дейдиганлар кам бўлади. Полвонлар рақибим ким бўларкин, деб жимгина ер остидан халойиққа қараб ўтиришипти. Эш полвон анча ташвишли кўринарди. Журъатсизлик билан давра аҳлига кўз югуртириб ундан рақибни Азизхонни изларди. Азизхон ҳам боя жаҳл устида тугилган муштини ёзишни ҳам унутиб, ундан кўзини узмай турибди.

Жўра полвон даврани бир айланиб Азизхоннинг олдига келди. Эпчиллик билан биллагидан ушлаб ўртага тортди. Азизхон нима бўлаётганини билмай силкиниб ўртага тушди.

— Заркентнинг Зириллама қишлоғидан чиққан ёш полвон. Талабгор борми?

Унинг жуссаси у қадар кўзга ташланмас, бир қарашда полвон экалиги билинмас эди. Полвонлар унга бепарвогина қараб қўйишди. Эш полвон ўрнидан туришга чоғланаётган эди, даъвошлардан бири ўртада ўтирган миқти гавдали, қоп-қора, кўкси аёллариникига ўхшаган ўрта яшар бир полвонни турғизди. У Азизхонни писанд қилмай илжайиб қаради. Унинг бу қарашида, чайнамай еб қўяман буни, нима қиласизлар ёш болани увол қилиб, деган маъно барқ уриб турарди.

— Қалай, тушасанми?— деди Жўра полвон Азизхонга.

Азизхон бўпти, деди. Икки тарафининг даъвошиси белбоғларни бойлаб тугунини орқа тарафга ўтказиб икковини бел олдириб қўйишди. Қора полвон жуда бепарво эди. Болани бир кучантирай, мард бўлса кўтариб кўрсин, деб қўйиб бермоқчи бўлди. Азизхон ортиқча мулозаматни билмас, қайси тарафдан ўнг келса ўша тарафга отадиган полвончалардан эди. У бир силкиниб Қора полвоннинг белни тортди қолди. Полвоннинг, иҳ, единг, бола, деган овози қулоғига киргандек бўлди. Азизхон парво қилмай бир интилиб уни тизза бўйи кўтардию айлантириб ўтирмай давра ўртасига обориб оёғини ерга тегизмай туриб босди. Қора полвоннинг икки елкаси ерга қадалди-қолди.

Жўра полвон Қора полвоннинг чангини қоқиб, Азизхонни белидан олиб икки марта кўтариб қўйди-да, даврага қараб, Азиз полвон енгди, деб эълон қилди. Қора полвон ҳеч кимга қарамай даврадан этак силкиб чиқиб кетди.

Жўра полвон Азизхонни билагидан ушлаб давра айлантира бошлади. Одамлар унга пул узата бошлашди. Азизхон қип-қизариб кетди. Умрида у бунақа қилмаган эди. Жўра полвоннинг қўлидан юлқиниб чиқиб жойинга ўтирмоқчи бўлди. Бир чол йўлини тўсиб чиқди.

— Жинни бўлма, болам. Бу курашнинг таомили. Олмасанг халойиқни хафа қилсап.

Азизхон унинг гапига қулоқ солмай четга бориб ўтириб олди. Аммо ўртага пул кўтариб тушаётган йигит-ялангларни қайтариб бўлмасди. Жўра полвон бир чорси пулни унинг олдига келтириб қўйди.

— Бу она сутидек ҳалол.

Азизхон уятдан бошини эгиб қимирламай турарди.

Даъвоши кураш узоқ чўзилмаганидан ёш полвон ҳали чарчамаганлигини биларди. Унга яна талабгор сўради. Бу гал биров, мен, деб чиқмади. Азизхон ғалаба нашъасини сурарди. Энди унинг боқишлари ҳам, ўртада лапанглаб юришлари ҳам бошқача эди. Бутун тақинчоқлари билан давранинг олдинги скамейкасида ялт-юлт қилиб ўтирган Тамарахонимга қараб, салом бергандек илжайиб қўярди.

Полвонлар бир-бирларини туртиб сен чиқ, сен чиқ, деб шивирлашарди. Бутун Фарғона водийсига Ёғоч полвон деб ном чиқарган, саксовулдек танлари бужмайиб кетган новча полвон бир қўли билан ерга тиралиб, ё пирим, деб ўрнидан турди. Давра аҳли бирдан ух тортиб юборди. Томошабинлар бу полвонни яхши билишарди. Шунинг учун ҳам ҳар ер-ҳар ердан овоз чиқа бошлади:

— Ҳой Ёғоч, тепгинг билан туш. Кунинг ёш болага қолдимми?

— Эссиз шундоқ гавда. Қўй-е!

— Кенжа ўғлинг тенги бола билан беллашгани уялмайсанми?

Аммо қатор ўтирган полвонлар уни ишқаб, қайтмасликка ундашарди.

— Бир жиғини эзиб қўй бу тирранчани. Чиранчоқлик қияпти. Бузоқнинг югургани сомонхопагача. Иккинчи кураш тушмайдиган қилиб, белини қирсиллатиб қўй.

Бу гапларни Азизхон эшитиб турарди. Кўнглида шу мақтанчоқ билан беллашсам ҳам беллашаман, беллаш-

масам ҳам беллашаман, деб аҳд қилди. Шундан кейин, бас, даврадан обрўйим борида чиқиб кетаман.

Жўра полвон Азизхондан розимисан, деб сўради. Азизхон бош ирғаб, хўп, деди. Одамлар икки тарафга бўлинишди. Биров тушмасин деди, биров тушсин деб шовқин кўтара бошлади. Боя пул йиғишдан қочма, деган чол ўрнидан туриб қўлини пахса қилганича Жўра полвон томон бақириб келарди:

— Эсинг борми, Жўра. Болани майиб қилмоқчимисанлар?

— ЧУ шундай деб Азизхоннинг олдига келди, ҳе йўқ, бе йўқ, уни туртиб даврадан чиқара бошлади. Азизхон кўнмади. Одамлар орасидан, қўйиб беринглар, боланинг ўзи туриб беряпти-ку, деган овозлар чиқа бошлагандан кейин чол бошини сарак-сарак қилиб ўрнига бориб ўтирди.

Азизхон Ёғоч полвоннинг курашини Марғилон боғида кўрган эди. Унинг бўйи, қўллари узун бўлганидан рақибига белини бермай даврада узоқ олиб юрарди. Бу полвон кўпинча қўлининг узунлигига ишонарди. Азизхон бўлса унинг елкасидан келар, қўллари ҳам калтагина эди. Бу полвонни фақат куч билан, айниқса билак кучи билан олиш мумкин эди.

Икки томоннинг белбоғи текширилиб бел олиштиришди. Даъвошилар орқага чекниб икковини қўйиб беришди.

Ёғоч полвон Азизхоннинг белбоғини биллагига икки ўраб ўзидан салкам бир метр нарида ҳадис оларди. Азизхоннинг қўли эса унинг белбоғини биқин тарафдангина ушлаган эди. Даврада яна шовқин кўтарилди.

— Белини берсин, бу қанақаси!

— Белбоғни биқинининг орқасидан ушлатсин. Бу қанақа фирромлик!

Ёғоч полвон қичқираётганларга масхараомуз қараб илжайр, бекорга бақиряписизлар, ҳозир полвонингизни ҳам-ҳам қилиб қўяман, дегандек кўзини қисиб қўярди.

Полвоннинг қўли Азизхонни куч билан ўзига тортар, аммо бир қарич ҳам олдига силжитолмасди. Даврани икки бор ҳадис олиб айланиб чиқишгандан кейин Ёғоч полвоннинг пешаналаридан тер қўйилиб кела бошлади. Аммо Азизхон ҳамон сал букчайганича пайт пойлаб, оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлаб тебраниб уни давра бўйлаб судраб юрарди. Даврани тўрт айланишган-

да Ёғоч полвондан тер ҳиди бурқсиб кела бошлади. Бешинчи айланишда Ёғоч полвоннинг тўнидан Азизхоннинг қўлига тер нами сизиб чиқди. Азизхон ичида, Ёғоч полвон энди ҳолдан тойди, деб ўйлади-да, бутун кучини билагига олиб ўзига торта бошлади. Ёғоч полвон қанча кучанмасин белини орқага қайтаролмасди. Борган сари Азизхоннинг билагига миҳлангандек олдинга суриларди. Азизхон бир силкинди. Шу силкиниш Ёғоч полвоннинг эғини судраб, белбоғини Азизхоннинг кўкрагига олиб чиқди. Энди Азизхон чаққонлик билан худди болалар ўйнайдиган пилдироқдек давра ўртасида чир айлантириб отди.

Ҳали Ёғоч полвон ўрнидан турмай Эш полвон ўртага чиқди.

— Мен тушаман. Мен ҳам бир тушиб кўрай.

Давра гуриллаб, шовқин сола бошлади.

— Тушма, бола! Бўлди! Чарчадинг! Иккитасини чарчалак қилдинг, етади!

— Ҳой, Эш, эсинг борми? Бир марта кўча ўртасига улоқтиргани каммиди?

Азизхон қизиқ бир ҳолга тушди. Агар курашмай деса Эш полвонга ваъда бериб қўйган. Тушай деса ўзи анча чарчаган, ундан ташқари Эш полвон атайлаб унинг чарчасини кутаётгани билиниб қолганди. Азизхон бир сўзли йигит. Сўздан қайтиш номардлик бўлади. Таваккал, нима бўлса бўлди, тушаман деб белбоғини қайта соғлади. Давра бирдан жимиб қолди. Ўз обрўси билан даврадан чиққани маъқул эди, деяётганлар ҳам нима бўларкин, деб қизикиб қолишди.

Бу орада чаққон бир йигит давра айланиб узатилган сонсиз қўллардан пулларни олиб чорсига тугди. Лутфиниса ўтирган жойга келтириб қўйди. Лутфиниса уялганидан ерга кириб кетай дерди.

Эш полвон ясама одоб билан келиб икки қўллаб у билан кўришди. Кейин акаларча елкасига қоқиб, атай ҳаммага эшиттириб, „балли, азамат,“ деди. Кейин катта бўлгани учун унга белбоғини тутиб берди.

Азизхон белидан олди. Ҳали унинг кучи қанақа, бели қандай, эпчиллиги қандоқ, билмасди. Олдинги жанжал жаҳл устида бўлган иш. Уни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Ҳақиқий кураш бел олишганда бўлади. Азизхон бел олиб у билан баробар тебраниб бораркан, Эш полвон фирромлик қилмасмикин, деб ўйларди.

Куч сиңашиб даврани тўрт айланишди. Бу орада Эш полвон чарчадимн, деб синнаш учун бир-икки белдан тортиб қўйди. Азизхоннинг белн қотиб қолгандек на эгиларди, на букиларди. Икки марта кўтармоқчи бўлди, рақибн худди оёғига тош боғлагандек ердан узилмадн. Бешинчи айланишганда Эш полвон уни энгишдан умидини узди. Азизхоннинг қулоғига секин шивирлади:

— Ваъданг эсингдами, укажон?

— Эсимда, — деди Азизхон ҳам шивирлаб.

— Яна икки айлапамизу ажрашамиз.

— Йўқ, Полвон ака, овора бўласиз. Бир ёқли қилмай ажралнш йўқ.

— Ваъдангни унутибсан-да, бола?

— Агар ўртага қўш пичоқ ораламаганда, ўлай агар, йиқлиб ҳам берардим. Номардлик қилдингиз. Энди мардликни сизга ўргатиб қўйганим бўлсин.

— Укажон, ёш экансан. Тўйингга қарашиб юбораман. Битта қўй мендан. Хоҳласанг нақ икки юз сўм бераман.

— Кам!

— Уч юз берай.

— Кам! Кам! Кам! — деди бақириб Азизхон.

— Секнроқ! Жинни бўлдингми! Хоҳласанг беш юз берай.

— Хўп! — деди Азизхон наъра тортиб.

У шу хўп дегандаёқ Эш полвонни тизза бўйи кўтариб олган, аэроплан паррагидек айлантира бошлаган эди. Зум ўтмай Эш полвонни ерга босди.

Эш полвон ётган ерида сўкпиди.

— Номард, единг-а!

То Жўра полвон етиб келгунча давра улар устига ёпирилди. Азизхонни кўтариб кетишди...

Кураш тугаб, ҳамма ҳар тарафга тарқаб кетди. Эш полвон ўтирган ерида ўтираверди. Юрт олдида шу яқин орада икки марта мулзам бўлиш қаддини букиб қўйган эди. Бу тирранча бола ваъдасида турмади. Отасн тенги одамни оёқ ости қилди. Ҳеч бўлмаганда, ажрим қилмай белбоғидан қўлини олганда ҳам бошқа гап эди.

Эш полвон оғир гавдасини бир қўлига ташлаб тираниб ўрнидан турди. Ёгоч учларига илинган машъалалар ўчиб, сўхтасиниша тутаб, қозон тағидаги куйиндидек милтираб турарди. У аста-аста босиб катта йўл тараф-

га кета бошлади. Куйгапёр самоварларидан қушиқ, қийқириқ товушлари эшитилиб турибди. Кўприкнинг нарёғида — очиқ майдондаги «яшил театр» деб аталмиш жойда Тошкентнинг Ҳамза театри «Вой ила хизматчи»ни кўрсатяпти. Ҳамма ўша ёқда. Ҳозир курашдан тарқаганлар ўзларини самоварларга уришган.

Эш полвон кўпчилик орасига боришга бети чидамай йўл четида қаёққа боришини билмай турарди.

Қоронғи йўлдан икки-уч киши гаплашиб келишяпти. Товушидан уларнинг бири Али полвон эканлигини дарров билди. Али полвон кўп курашларда соврин олган чапдаст полвонлардан. Боя у ҳам полвонлар қаторида ўтирган эди. Нега у эски қадрдони Эш полвон енгилганида отилиб чиқиб, келгинди гўдакни ерга айланттириб урмади? Эш полвон шу топда бу қилмиши учун унга аччиқ-аччиқ гаплар айтиб, хумордан чиқмоқчи бўлди.

Али полвон шериги билан ниманидир қизишиб гаплашиб келарди. Бирдан Эш полвонга кўзи тушди.

— Эшмисан? Нима қилиб турибсан? Ҳали ҳам кетмадингми?

— Очиқ гўрга кетаманми?— деди Эш алам билан,— қонилмансиз сизга.

Али полвон унинг нимадан куйинганини дарров пайқади. Улганнынг устига тепган, дегандек гапга яраша жавоб қилди.

— Баттар бўл. Ҳарфининг кучини чамаламай бел олишадиган полвоннинг кўрадиган куни шу.

Эш полвоннинг дами ичига тушиб кетди. Бир оз тил чайнаб турганидан кейин журъатсизгина жавоб қилди:

— Мен сизга ишонган эдим, Али ака. Мени-ку йиқитди. Нега сиз дик этиб тура қолмадингиз? Қасдимни оларсиз, деб ўйлаган эдим.

Али полвоннинг жаҳли чиқиб кетди.

— Сира эсинг кирмади, кирмади-да. Полвон деган бировнинг кучига ишониб кураш тушадими ҳеч жаҳонда?! Аввал мундоқ бир чамалаб кўр, чоғинг келса, ана ундан кейин даврага туш.

Эш полвон минғирлади.

— Эсингиздан чиқибди-да, Али ака. Сиз курагингни ерга ишқаб қайтган маҳалларда Ўсар бориб ҳарфингизни чапараста қилиб келарди-ку. Сиз шунақасиз, ўзингизни ўйлайсиз.

Али полвон билан Усар полвон Избосканнинг Тўрт-кўл қишлоғидан. Иккови ҳам кураш ҳадисини Али полвоннинг отасидан ўрганишган. Икковидан биронтаси курашда йиқилиб қолгундек бўлса, иккинчиси белини боғлаб, қайда кураш бўлса боради. Али полвон бор жойда ҳеч қачон Усар полвон даврага олдин тушмасди. Шунинг учун ҳам водий полвонлари Усарбойни «Запасной полвон» деб аташарди. Эш полвон шу гапларга ишора қилмоқчи бўлди.

— Эҳа; — деди. Али полвон. — Бу бошқа гап. Шу гапни ўнг қулоғу чап қулоғинг билан эшитиб қўй. Мен ҳеч қачон арзон обрў олишга интилмаганман. Енгилишига кўзим етган полвоннинг белини тутмайман. Чоғим келмайдигани билан беллашаман. Эшитганмисан: осилсанг ҳам баланд дорга осил, деган гапди. Сен бошқа, мен бошқа. Сен полвоннинг ҳолдан тойганини қидирасан. Мен кучга тўлганини. Усарбойни тилга олдинг. Усар ҳеч маҳал мени йиқитган полвонни менинг кўзим олдида йиқитмаган. Узи бориб, янги давра, янги томошабин олдида енгиб келган.

— Биламан, бу бола сизни ҳам чархпалак қилиб урарди. Шундан юрагингиз дов бермади.

— Эҳтимол. Лекин шуни билиб қўйки, бу бола ҳозир шер бўлиб турипти. Олдидан борсанг, олдингдан отади, ёнбошидан борсанг, ёнбошингдан отади.

Эш полвон очиқчасига ўтди.

— Тўғрисини айтинг, Али ака, шу болани йиқита олармидингиз?

— Курашнинг бошидами, охиридами?

— Бу нима деганингиз? Тушунмадим.

Али полвон кулди.

— Чарчамасдан олдинми ёки чарчаб ҳолдан тойган пайтидами?

— Барибир. Қайси пайтда бўлса ҳам.

Али полвон салмоқлаб гап бошлади:

— Биринчидан, чарчаган полвонни йиқитиш менинг таомилимда йўқ. Иккинчидан, у билан бел олишмасдим.

— Нега? — жаҳл билан сўради Эш полвон.

— Отамнинг маслаҳати ҳам, васияти ҳам шу бўлган. Мен ўн етти ёшимда худди шу полвонга ўхшаб бир даврада етти азамат номдор полвонни алла қилганман. Нишонмасанг, мана, Юсуфжон ака шу ерда. Бориб сўра. Юсуфжон ака ўша курашда қизиқчилик қилганди. Қап-

ча соврину пуллар билан қишлоққа қайтганман. Отам раҳматлик совринга олган тўну пулларни орқалаб Марғилонга кетганлар. Йиқилган полвонларнинг елкасига ўша тўнларни ташлаб, боламни дуо қилинглар, сафларингда елкаси ер кўрмай юрсин, деб катта қозонда ош дамлаб едириб келганлар. Қайтиб келганларида мени олдиларига ўтқазиб бир гап айтган эдилар. Ҳали-ҳали қулоғимда жаранглаб турипти бу гап. «Э, нодон, улар сендан йиқиладиган анойи полвонлардан эмас, атайин йиқилиб беришган. Азбаройи орамизга битта навқирон полвон кирсин, деганларидан шундоқ қилишган». Ана, эшитдингми?

Эш полвон ҳамон ўжарлик қилиб ўз гапини маҳкам ушлаб турарди.

— Йўқ, менга айтинг, ундан йиқилармидингиз?

— Очиғини билмоқчимисан? Йиқилмасдим. Йиқитардим. Агар шундай қилсам авжи кучга тўлган, кўзига дунё жилва қилиб турган, голиблик нашъасини сураётган бир навқироннинг бошини ҳам қилиб кўярдим. Ана шунинг учун тушмадим. Сен бўлсанг хафа бўлиб юрибсан. Менга қара, энди йиқилибсанми? Йиқилиб юрган полвонсан. Жа ориятинг зўр бўлса, узоқроқ жойда кураш туш. Йиқилганингни қишлоқдагилар билмасин. Зинҳор, базинҳор қишлоқда туша кўрма.

Эш полвон ундан тасалли топадиган бирон гап эшитмагандан кейин қўл силтаб, зарда билан жадал юриб кетди. Али полвон унинг орқасидан, нодон, нодон, дега-нича қараб қолди.

Азизхон кечаси бир қўлида будильник соат, велосипед эгарига патефон, унинг устига бир чорси пул қўйиб уйга қайтди. Лутфиниса ундан олдин етиб келган, унинг бу бемаъни полвонлигидан, айниқса пул йиғишидан аччиғи келиб, чойшабни бошига ёпиб ётиб олган эди. Азизхонни хонага кундек ёришиб кирганини кўриб чиройи очилди. Азизхон патефон қулоғини бураб ҳозиргина Тамарахоним ўз қўли билан берган пластинкани қўйди.

Ярим кечаси, ҳамма ширин уйқуда ётган саратон тунида «Рўмолим» қўшиғи янграрди. Лутфиниса туриб патефон мембрамасини кўтариб қўйди.

— Бўлди-е, одамлар ухлапти.

Азизхон ўзидан-ўзи кулар, ундан боя Тамарахоним ўпганда ўрнашиб қолган атир ҳиди гупиллаб келарди.

Мироббошининг гапи рост чиқди.

Бўрон бўлгандан икки кун кейин дарё суви пасая бошлади. Ўкириб, қирғоққа сапчиб оқаётган дарё боши янчилган илондек аста ҳолдан кетди. Тун яримга борганда ўнг қирғоқ тағларидан лойқа очилиб дарё ўртага қоча бошлади.

Сепоячилар қирғоқда шай бўлиб туришипти. Темир йўл тармоғи учун дўнг қўпораётган полвонлар ҳам ишни тўхтатиб шу тарафга келишган.

Соқоли кўксига тушган бир кекса яктагини ечиб, яланг оёқ, елкасида хода билан лойқага тушди. Соҳилдаги трактор фарасини ёқиб унга қаратди. Чолнинг оппоқ соқоллари янада оқариб кўринди. Бу Хирабек қишлоғидан келган, умрини сепоя ташлаб ўтказган Ҳасан ота Бўронбоев эди.

Чол лойқада тиззасигача ботиб тураркан, қирғоқдагиларга қараб қўлини фотиҳага очди.

— Қани, бир омин деңглар. Юртимиз сувга сероб бўлсин. Сувга зор бўлиб ўтган ота-боболаримизнинг арвоқлари ёр бўлсин. Омин!

Ҳамма баробар фотиҳага қўл очди. Шундан кейин елкасига арқон, сим ўрамини ташлаган, хода, ёғоч, шохшабба қўлтиқлаган кишилар бирин-кетин сувга сакраб туша бошладилар.

Ҳасан ота учта ходанинг учини бирлаштириб бошқа сепоячилар кўмагида сим билан боғлади. Бошқалар ҳам шундай қила бошлашди. Чол учи боғланган учта ходанинг бирини айириб ўзига тортди. Уч киши керилган учта ходанинг учини елкалаб сувга тушинди. Ҳасан ота мўлжалдаги жойгача оқиб боргандан кейин ходанинг белига миниб сув тубига боса бошлади. Чолнинг бўйин томирлари бўртиб чиққани, няклари орқага тортилгани трактор фарасида аниқ кўриниб турарди. Ходанинг учи сув тубига етиб қадалди. Орқа тарафдаги икки хода сув бетида қалқиб олдинга интилмоқчи бўлиб турарди. Икки азамат уни куч билан пастга босар, оқим уларга куч бермай ходани сув бетига қалқитиб олиб чиқарди. Лойқада турган йигитлардан яна икки киши сувга тушди. Чол прожектор нурига панжаларини тутиб, ўчиринглар, ишорасини қилди. Трактор овози тинди.

Тонг ёришиб қолган, қирғоқ бемалол кўринарди. Чол

бошқа сепоячиларга ташланглар ишорасини қилди. Учи боғланган ходаларни судраб йигитлар дарёга туша бошладилар. Иккинчи сепоянинг оёғи дарё тагига етмай сув тортиб кетди. Ходага миниб олган йигитлар ҳам сувда қалқиб оқиб боришарди. Чол қичқирди:

— Азамат йигитлар бўлса, тушсин. Тез, тезроқ. Тез, деяпман!

Чол ғайратига чидамай хода кўтариб келаётган йигитлардан бирини нари итариб оқиб келаётган ходага бир сакраб миниб олди. Сув худди шу ерга келганда кўпириб, чарх уриб ўтарди. Сепоячиларга сен туш, сен тура тур, деб турган Абдусамал мироббоши калласини сарак-сарак қилди.

— Ота зря сувга тушди. Чарчаб қолган. Бўз болалар тушиши керак эди. Чол тушмагур, ғайратига чидамади. Болалар, ҳушёр бўлиб туринглар! Биттанг ёнига сузиб бор, сепоянинг учини босишга чолнинг чоғи келмайди. Помогай қил!

Уч йигит жадал сувга тушди. Аммо тўлқин уларни ҳам ёстга суриб кетди.

Чол сепоя учини тубига ботирди. Аммо узоқ ушлаб туриш унга мушкул эди. Йигитлар бўлса унга етолмай оқиб кетишпти.

Азизхон қирғоқдан анчагина юқорида томоша қилиб турарди. У шартта яктагини ечиб Лутфинисага бердию от-арава қатнайдиган кўприкка қараб чопди. Томошабин одамлар орасини ёриб кўприк панжарасига чиқди. У ёқ-бу ёққа қарамай ўзини сувга отди. Сув сепоя ташланаётган тарафга шитоб билан оқарди. Азизхон қулочкашлаб оқим тарафга суза бошлади. Зум ўтмай оқим уни сепоячилар олдига суриб келди. Азизхон чол қўллари қалтираб босиб турган ходага тармашиб куч билан уни қуйига боса бошлади. Чол унга қичқирди:

— Нариги оёқини бос, наригини!

Азизхон сепоя учига чиқиб, тепадан ходани босиб тушди. Чол яна қичқирди:

— Энди буинсини бос, буинсини бос, болам! Умрингдан барака топкур, тез бос!

Азизхон қулочини кериб учи сув бетида ҳамон қалқиб турган ходага миниб олди-да, зарб билан босганидан ўзи ҳам сув тагига кириб кетди.

Ҳамма жим. Нафасини ичига ютган мироблару қирғоқ тўла одамлар нима бўлишини кутиб туришарди. Сал

фурсат ўтиб сув бетнда Азизхоннинг боши кўринди. У елкасигача сувдан чиқиб бошини бир силкиди.

Ҳамма баробар енгил тип олди.

Сувнинг энг ҳайқириб оқаётган жойида сепоя уч оёғини ерга мустаҳкам тираб олган, сув уни қимирлатолмай қолган эди.

Азизхон чолга қараб илжайди. Ҳамон сепоя ходасини қучоқлаб турган чолнинг пешаналари тиришиб, бир томонга қийшайиб борарди.

— Болам, оёғининг томири тортиб қолди.

Азизхон сувда томир тортишининг нималигини яхши биларди. Сувда томир тортиши — ўлим. Энди чолнинг ўзи сузиб чиқолмайди. Оёғи чангак бўлиб уни сув тубига тортади. Қайтиб чиқиш мушкул. Азизхон чаққонлик билан чолнинг олдига интилди.

— Бўйнимга осилинг, осилинг, ота!

Чол оғриқ азоби ичида унга осилди. Бу унинг биринчи марта сувдан енгилиши эди. Ҳамма вақт сувдан ғолиб чиққан паҳлавон энди атрофда кузатиб турган минглаб кўзларга боқолмай, бошини Азизхоннинг елкасига қўйганича ҳаракатсиз қирғоққа келарди.

Азизхон Ҳасан отани опичлаб тўлқинлар бетида қалқиб-қалқиб қирғоққа томон суза бошлади.

Ниҳоят тошга тармашиб чолни қирғоққа олиб чиқди. Бирпасда одамлар уларни ўраб олишди. Азизхон чолни ҳали офтоб тегмаган муздек қумга ётқизиб, букилиб қолган тиззасини уқалай бошлади. Елкасида сумка билан санитар хотин етиб келди. Нима бўлганини суриштириб ўтирмай пахтага спирт томизиб чолнинг томири тортишиб қолган жойини ишқалай бошлади. Чол қанчалик азоб тортмасин, қанчалик жони оғримасин тишини тишига қўйиб, инграмай туриб берди. Қимдир Азизхоннинг елкасига тўн ташлади. У тўнни бир елка қоқиб тушириб юборди-да, одамлар орасига кириб кетди.

Орқадан одамларнинг ўзаро гаплари эшнтилиб турарди:

— Азамат йигит экан!

— Қаердан экан бу йигит?

— Шернинг кучи бор экан азаматда.

Азизхон ўзини кузатиб турган одамлар орасдан аллақандай ғурур билан ўтиб борарди.

Лутфинисанинг бўладигапи бўлган экан. Азизхон келиши билан унга сал жон киргандек бўлди. Аммо ҳамон

икки тиззаси титрар, худди ичида бир нимаси узилиб кетгандек, қаддини кўтаролмай энтикарди.

— Совқотгандирсиз? Тез кийинг, кийинг яктакни.

Азизхон бу ишлар бизга чўт эмас, дегандек бепарво яктакни кийиб олди. Шу пайт улар олдида Абдусамад мироббоши пайдо бўлди.

— Бу ёққа юр, брат, сени катталар сўрашяпти.

Лутфиниса рўмолчаси билан унинг ҳўл бўлиб кетган сочларини, лойқа ўрнашиб қолган қошларини артиб кўйд.

— Этигингизни кийиб олсангиз бўларди, — деди Лутфиниса катталар олдига яланг оёқ боришини эя кўрмай.

Азизхон қўл силтаб олифта юриш билан мироббошига эргашиб кета бошлади. Лутфиниса ҳамон жаврарди:

— Ҳой, кийиб олинг, айб бўлади.

Азизхон унга бақириб берди.

— Яна сувга тушаман, билдингми! Сен аралашмай тур!

Мироббоши уни дўнг олдига бошлаб борди. У ерда ҳукумат раҳбарлари ишни кузатиб туришарди.

— Ия, ана холос, ўзимизнинг полвон бола экан-ку, — деди кулиб Белявский.

Азизхон катталар олдида одоб билан қўл қовуштириб тураверди.

Лутфиниса юзини рўмоли билан яширди. Юсупов бўлган воқеани Охунбобоевдан эшитган, қотиб-қотиб кулган эди. Ҳозир иш тигиз бўлганидан ўтган гапни титкилаб ўтиргиси келмади. Фақат бу азамат йигитнинг жуссасига яна бир қараш, ҳозирги қилган ишига икки оғиз илиқ гап айтиш учун чақиртирган эди. Аммо Юсупов ҳазилкаш, ёддий одамлар билан деҳқонча гаплашмаса тўймай қоладиган эдати бор эди, Азизхонни гапга тутди.

— Нега ундоқ қилдинг, ўғлим?— деди Лутфиниса томонга ишора қилиб.

— Яхши кўраман-да, — деди Азизхон болаларча соддалик билан.

— Яхши кўрган одам совчи юборади, тўй қилади.

— Акаси менга бермаса нима қилай?

— Зўрликни қаранг-а!— деди Юсупов кулиб.

Белявский Азизхонни хижолатликдан қутқармоқчи бўлди.

— Гуноҳидан ўтинг, Усмон Юсупович. Бугунги қилган иши учун ҳар қанча гуноҳидан ўтса бўлади. Бу йигит-

да трактор кучи бор. Канал қўрилишига яна битта экскаватор келди деса ҳам бўлади.

— Бўпти, — деди Юсупов тан бериб. — Канал битгандан кейин битта тўй қилиб ошингни еймиз. Аммо ўзингни эҳтиёт қил, бола. Сен бизга керак одамсан. Кейин бафуржа гаплашамиз.

Азизхон хўп деганча қўлни кўксига қўйиб сепоячилар олдига тушиб кетди. Юсупов унинг куч ёғилиб турган жуссасига завқ билан қараб қолди.

Сепоя дарё ўртасигача ташланиши керак эди. Сувнинг ярим йўли тўсилиб тўғон ўрни қазилади, бетон қўйилади. Ана ундан кейин қолган ярми тўсилиб, сув эски ўрнидан оқади.

Сепоячилар ҳамон сув билан олишиб сепоя ташлашарди. Азизхон яктагини ечиб Лутфинисага берди-да, ҳаммаини кўзи олдида ўзини сувга отди. Дарё ичида ёлликка яқин йиғит ходаларнинг учини сувга ботиришга урнинишар, баъзилари эплаёлмай қўлдан чиқазиб юборар, баъзилари эса сепоя билан бирга оқиб дарёнинг этак томонидан аранг сузиб чиқардилар.

Азизхон қайси сепояни бостириш қийин бўлса, ўша жойга сузиб борар, бутун полволик кучини ишлатиб ходалани сув тагига санчарди. Ора-сира тепада турган ҳукумат раҳбарларига, кўряписизларми, қойил қиялманми, дегандек қараб кўярди. Дарҳақиқат, уларнинг кўзлари Азизхоннинг чаққон ҳаракатларида, ажиб бир эпчиллик билан сепоядан сепояга ўтишига қадалган эди.

Қирғоқда юзга яқин ёш-яланг шох-шаббаларни боғ қилиб сим билан ўрашарди. Тушга яқин йиғирма учта сепоя ташлаб бўлинди. Полвонлар сув билан олишиб анча толиқишган, танларидан совуқ ўтиб баданлари кўкариб кетган эди.

Мироббоши карнайни огзига қўйиб дарё ичидагиларга команда берди:

— Бас энди, йиғитлар. Дам олишга чиқинглар!

Қирғоққа сузиб чиқаётган Азизхон мироббошининг қўлидан карнайни олиб дарёга қараб қичқирди:

— Чиқмай туринглар, полвонлар. Ҳали иш битгани йўқ. Сепояларни бир-биринга сим билан боғлашимиз керак.

У шундай деб четга ташлаб қўйилган бир ўрам симнинг учини белбоғига илиб сувга тушди.

Мироббоши «ҳой бола, жинни-минни бўлдингми, қайт

орқангга», деганча қичқириб қолди. Азизхон унинг гап-ларига парво қилмай, белида сим учи билан энг охириги сепояга қараб қулочкашлаб суза кетди. Сувдан чиқаётган сепоячилар яна орқаларига қайта бошладилар. Улар ҳам симни ҳар ер-ҳар еридан ушлаб сепояларга торта бошладилар. Азизхон сўнгги сепояга етиб келди-да, симнинг учини учта хода боғланган жойга ўрай бошлади. Кейин чаққонлик билан бериги сепояга ўтди. Симни тараг тортиб уни ҳам ўради. Қолган сепояларга тўрт-бештадан йигит чиқиб улгурган, улар ҳам симни тараг тортиб ўрай бошлаган эдилар.

Бу ғалати ишдан кўнгил узолмаган сон-саноқсиз томошабинлар қирғоқдан жнлолмас эдилар.

Ҳамма сепояларнинг бошлари бир-бирларига мустаҳкам боғланиб бўлди. Қирғоқдан туриб мироббоши: «Бўлди! Чиқинглар!»— деб команда берди.

Азизхон сепоя учидан туриб сувга калла ташлади. Энди у қирғоққа эмас, оқимга қарши қулоч отиб сузиб борарди.

Икки қирғоқдаги минг-минглаб томошабинлар ўртасидан сузиб бораркан; яша, азамат, қойил қилдинг, умрингдан барака топ, деган олқишлар қулоғига чалиниб турарди.

У сузаркан шу пайтгача қилган ишларининг биронтасидан юртга наф тегмагани, эндигина, шу бугун, шу соатда юрт ишига яроқли одам бўлиб қолганини сезар, яна аллақандай ишлар қилиб одамларнинг олқишини олгиси келарди.

Тумонат одам ичида Лутфинниса унга қараб рўмол силкиб турибди.

Азизхон шунча одам орасидан фақат уни кўрар, фақат унга қараб интиларди.

XII

Кечаси хўроз икки қичқирмай Умматали уҳ тортиб, ўрнидан туриб кетди. Унинг безовта уйғонганини хотини билди. Индамади. Инма ҳам дерди? Бир ҳафтадан ошдики икковининг ичини ари талайди. Уғлидан у хотиржам. Уғил бола қаерга борса, кунини кўриб кетаверади. Самовардами, даладами ётиб, тураверади. Аммо бировнинг қизи билан қайси кавакка бошини суқади? Қишлоқдаги

маломатлар эри бечоранинг бошига кунига печка марта-табалаб ёғиляпти.

Хотин бошини кўтариб қаради. Умматали ҳовли ўрта-сидаги супада худди бировнинг уйига хижолатли бир иш билан кириб қолган одамдек омонат ўтирипти. Хотиннинг ҳам уйқуси қочди. Лекин ўрнидан туриб эрининг олдига чиқмади. Ўз ҳолига қўйиб берди.

Умматалини хаёли олиб кетганди. У боласини ту-гилган кунидан то қиз олиб қочган кунгача, барн, барн-ни бир-бир эсларди.

Бу бола нега бунақа чиқди? Уруғларида ҳам, қиш-лоқда ҳам, маҳаллада ҳам бунақа одам бўлмаганди-ку! Кимга тортди бу бола? Умматали аввал боласининг шўх-ликларидан завқланиб юрди. Бирон марта урмади. Яхши гап билан йўлга солишга уринди.

Заркент гузаридаги кинохонага «Чапаев» фильми келганда Азизхон тенги қишлоқ болаларига худо бериб қолди. Ун-ўн беш мартадан кўришди. Ана шундан кейин болаларнинг ярми «оқ», ярми «қизил» бўлиб эртадан-кечгача боғ қўрийдиган тартаракни пулемёт қилиб, том-тошларда ҳаммани жонидан безор қилишди. Азизхон уларга бош-қош, Чапаев эди. Эски пўстакни елкасига ташлаб, жўхори попугидан мўйлов ёпиштириб, ёғочдан ясаб олган «қилич»ни ҳавода ўйнатиб, болалар олдида урра-урралаб югурарди.

Умматали бир куни уйига келса, Азизхон Турсунбой-ни остонага ётқизиб, қорнига «қилич» тираб, гапир хойч, деб дўқ уряпти.

Умматали супа четида омонатгина ўтириб боласини ўйларкан, унинг қилиқларини эслаб гоҳ илжаяр, гоҳ қай-ларда юрибсан, ёлғизим, деб хўрсиниб қўярди.

Унинг ичидан кучли бир хўрсиниш келди. Бу хўрсиниш олов ялаб чиққандек унинг бўғзини куйдирди.

Деразадан хотинининг боши кўринди.

— Дадаси, қўйинг энди. Ётинг! Бунақада дардга ча-линиб қоласиз-ку!

Умматали индамади. Ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Хотин қоронғи ҳовлида кезиб юрган эрининг соясига маъюс қараб турарди.

— Тонг отай деб қолди, дадаси.

Умматали юрншдан тўхтади. Бир қарорга келгандек деразадан бош суқдн.

— Хотин, бир гап миямни пармалаб турипти. Қўнглим нотинч. Ёмон ҳаёллар васвасага соляпти.

Хотин ваҳимага тушиб эшик қолиб деразадан сарпойчанг ошиб муздек ерга оёқ босди.

— Вой, ўлай, тинчликми? Одамни қўрқитманг.

— Қўрқма, қўрқма. Шайтон бир йўлдан урди. Утиб кетди. Бориб жойингга ёт.

Умматали хотинини бекор ваҳимага солганини билдиб қолди. Юраги ёмон-а!

— Хотин, қўнглингни тинч тут. Болаларга бир нима бўлдимикин, деган бемаъни ўй хаёлимдан ўтибди. Нима бўларди? Болангни биласан-ку!

Хотин ўзини ўнглади.

— Э, ваҳимангиз ҳам бор бўлсин. Утакамни ёрай дедингиз-ку! Ўйлашимча Азизхонингиз Ҳожимуқонининг олдига қочган. Бошқа қаёққа ҳам борарди.

Умматали буни ўйламаган эди. Беихтиёр, хайрият-е, деб юборганини билмай қолди.

— Тўғри айтасан, ўшаққа қочган боланг.

Умматали шундай дед-ю сал ўтмай бу фикрдан ҳам вийиди.

— Йўқ, у ёққа бормаган. Борса албатта Ҳожимуқон уни орқасига қайтариб юборарди. Илгарини қочганда уканг Туркистонга бориб Ҳожимуқонга, энди келса ҳайдаб юборинг, деб тайинлаган.

Хотинининг жаҳли чиқиб кетди.

— Вой, эркак киши бўла туриб, мени овутиш ўрнига нега гулханимга фонарь ёғи сепасиз? Хотин киши бўла туриб мен сабр қилиб ўтирибман-ку, нега сиз бай-байлайсиз? Сал огирроқ бўлинг-да. Дўст бор, душман бор. Аҳволингизни кўриб, баттар бўл, демайдими?!

Ҳамма — дов-дарахт, қурт-қумурсқа ором уйқусида. Фақат шу икки одам бедор, беҳаловат.

XIII

Қора дарё сувини энди шох-шаббаларга тўқнаш келиб йўлини чап тарафга солган, дарёнинг ярмида тошлар, қумлар чиқиб қолган. Сепоя ташлаб сув йўлини ўзгартган жойда тахминан ўн беш-йигирма метр берида тўғон учун пойдевор бошлангани керак. Бу ҳали ишнинг ҳаммаси эмас. Бу тўғоннинг ярми, холос. Пойдевор қў-

йиб бўлингандан кейин шох-шаббалар, сепоялар олиниб дарёнинг қолган ярмига ташланади. Сув Улуғнор билан «Қипчоқ ариқ»дан оқади.

Ҳозир бериги қирғоқ тарафдан пойдевор учун хандақлар қазиб бошланган. Минг йиллаб сув босими шиб-балаб ташлаган қум, шағал қатламларини қазиб замбилда юқорига ташиб чиқиш осон иш эмасди. Мана мен, деган полвон тўрт пақир ҳўл қум солинган қопни юқорига аранг кўтариб чиқади. Дунёда ҳўл қумдек оғир нарса бўлмайди. Иш қанчалик оғир бўлмасин, Сбарнибир қум, шағал юқорига чиқазилиши керак.

Қурилиш штаби пойдевор қазийдиганлар масаласида алоҳида кенгаш чақирди. Бу кенгашни Усмон Юсуповнинг ўзи олиб борди.

Қурилиш бошланган кундан буён республика юқори органларининг деярли ҳамма раҳбарлари иш бошида эди. Республика халқ комиссарларининг ҳаммаси кенгашга қатнашардилар.

Штаб бошлиғи Тешавой Мирзаев ишнинг бориши тўғрисида қисқача ахборот берди. У сўзининг охирида учта катта участкада иш ниҳоятда оғирлигини алоҳида қайд қилиб ўтди. Учқўрғон бош тўғони, Луғумбек шаршаралари ҳамда Қуйганёр тўғони қурилишида иш кўнгилдагидек кетмаётганини айтди.

— Нима таклиф қиласиз? — деди унинг сўзини бўлиб Юсупов.

Мирзаев бир оз ўйланиб қолди.

— Инженерлардан бирон маслаҳат чиқар дейман. Мана, Белявский оқсоқол, — деди у Сувтўрага қараб. — У киши маҳаллий шароитни яхши биладилар. Ундан ташқари проект ишларнда қатнашганлар. Шу киши бирон нима десалар яхши бўларди. Ундан ташқари Белявский Учқўрғон участкасига бошлиқ. Бирон нима ўйлаб қўйгандир.

Юсупов Белявскийга қаради. У ёнидан блокнотини чиқариб кўзойнагини тақди.

— По-моему...— деб гап бошлаган эди, Юсупов луқма ташлади:

— Ўзбекча гапираверинг. Биласиз-ку.

Белявский соф андижон шеvasида гапира бошлади.

— Усмон ота, гапди бўладигонини айтсам, техникага ишониб вақтни бой бериб қўймайлик. Бутун қурилишда атиги бешта экскаватор бор. Унинг иккитаси ишламайди.

Виттаси бир соат ишласа, икки соат тепасидан тутуи қайтариб кунди кеч қиляпти. Бир сменада оған тупроғи тўрт арава ҳам бўлмаяпти. Менимча, одамларнинг кучига таяниш керак. Мен Тешавойни бир-икки туртиб ўтмоқчиман. Одам танмайди. Ишлайдиганлар қолиб, сояпарварларга мукофот бериб юрипти. Кеча Куйганёрга борган эдим. Усмон ота, ўзингиз кўрган эдингиз-ку, заркентлик болани. Луғумбекдан келиб тўғонда ишляпти, бир кўтарганда эллик-юз кило тошди елкасида кўтариб тепага опчиқиб ташляпти. — Белявский блокнотини очиб ниманидир қидирди. Кейин кўзойнагини олиб гапни давом этдирди.

— Азизхон Умматалиев деган бола. Менимча, ана шунақа азаматларни Куйганёрдаги полвонлар бригадасига қўшиб қўйиш керак. Бу ишлар забардаст кишилар кучи билан бўлади. Учқўрғонда бунақа бригада аллақачон иш бошлаган. Унга ғалати бир полвон йиғитни бошлиқ қилиб қўйдим. Дўнан деган йиғит. Бир кунда ўн тўрт кубога етқазиб тупроқ қазняпти. Гапим шу. Эсимга келса қоганини яна гапирарман.

У шундай деб жойига ўтирди. Юсуповга унинг маслаҳати жуда ёқиб тушган эди. Кенгаш бир оғиздан Куйганёрдаги полвонлар бригадасини кучайтиришга қарор қилди. Белявскийнинг танқидидан диққати ошиб бир кўзини қисиб ўтирган Мирзаев дўнгиллаб-дўнгиллаб полвонлар бригадасига одам танлашни ўз бўйинга олди.

Шу билан кенгаш тамом бўлиши керак эди. Соғлиқни сақлаш ~~халқ комиссари Мўминов~~, бир оғиз гап, деб ўрнидан турди. Ҳамма унга қаради.

— Қурувчилар орасида безгак бошланиш хавфи бор. Олдини олмасак бўлмайди.

Юсуповнинг бу гапдан хабари бор эди. Энгашиб Мўминовга тикилди.

— Шолнкор жойлардаги қурувчиларга акрохин ичиряптиз. Барининг безгак кучини сўриб қўяди. Ундан ташқари кун билан ер қазиган каналчилар кечаси чивин азобидан қашиниб ухлаёлмаяптилар. Ухламаган одамнинг ишида унум бўладими. Шу масалада менинг бир таклифим бор эди. Агар ҳукумат харжини бўйинга олса, хусусий шолнпояларни буздириб, эгаларига ҳақини тўласа.

Юсупов столи чертиб ўйланиб қолди.

— Канални өз харж билан битказиш ниятида эдик. Бунақада отдан эгар қиммат бўлиб кетмасмикин?

Белявский уни хотиржам қилди.

— Ота, бу ёғидан хотиржам бўлинг. Сизга битта ми-сол кўрсатай. Нориндаги Киров колхози территориясидан канал учун ер текислашга борганимизда икки-уч хўжаликнинг томорқаси, боғи бузилиши керак эди. Ҳар бирига олти юздан минг сўмгача ҳақ тўлайдиган бўлдик. Пулни чорсига тугиб борганимизда олишмади. «Ҳукумат бизга сув олиб келадию арзимаган чорбоғимизга пул ола-мизми», деб қайтаршди. Бу ҳам камлик қиғандек, биттаси ғунажинини, иккитаси биттадан қўйни сўйиб уйини бузган тракторчиларга едирворди. Халқ шолিপоясига пул олмайди. Мана, кўрарсиз, шолипоясини ўзи бузиб ташлайди.

Кенгаш врач ва санитарлардан иборат зарбдор бригада тузиб, уларга аҳоли ўртасида тушунтириш олиб боришни юклайдиган бўлди.

Республика раҳбарлари, халқ комиссарлари, участка бошлиқлари кенгашдан чиқиб келишаркан, устига юк ортилган учта туя оғзидан кўпик чиқазиб чўккалаб турарди. Ундан сал нарида учта от, ёқаларига зар ҳошия тикилган, бахмал камзул кийган икки отлиқ қирғиз йигити, ёши етмишларни ёқалаб қолган сийрак соқол чол турарди.

Чол машинага ўтираётган Юсупов олдига келди.

— Жусупов осиндами?

Юсупов, мен, деб у билан кўришишга қўл узатди.

— Жусупов ўзингизбе?

Белявский, шу киши Усмон Юсупов бўладилар, деб гувоҳлик берди.

— Нима иш билан келдингиз, оқсоқол? — деди Юсупов қизиқиб.

— Каналда ишлашга икки ўғлимни олкелдим. Икки ўтов, бес қўй, икки келиним ҳам келган. Ҳу анав жерде.

Икки ака-ука отдан тушиб улар олдига келди. Одоб билан салом бериб индамай туравердилар.

Юсупов уларга бошдан-оёқ қараб чиқди. Дарҳақиқат, иккови ҳам полвон йигитлар эди.

— Раҳмат, отахон. Ҳимматингизга балли. Бу яхшилингизга канал тўла сув билан ҳақ тўлаймиз.

Юсупов йигитлар билан бирма-бир қўл олишиб Мирзаевга қаранди.

— Тешавой, мана сенга икки қирғиз шунқори. Сенинг ихтиёрингга бердим. Оқсоқол, — дея чолга ўғирилди Юсупов, — энди бизнинг меҳмонимиз бўлинг.

— Жўқ, болам. Жилқилар ўзимге қолди. Қудаммен икковимиз манов балларнинг жумушнинг қилиб турамыз. Мен кетдим.

Юсупов кузатгани чиққанлар билан хайрлашиб машинага ўтираркан, икки паҳлавон қирғиз йнгитига, ўртада турган отасига мароқ билан қараб қўйди.

Машина Фарғонанинг чинорлар соя ташлаган серкатнов кўчаларидан кетаркан, Юсупов қирғиз чолнинг келишидан, Норинда уйи бузилган деҳқонларнинг ҳақ олишдан воз кечиб уйларини теп-текис қилиб, бузиб ташлаган тракторчиларни калтаклаш ўрнига ғунажин, қўй сўйиб меҳмон қилишларидан ниҳоятда таъсирланиб борарди. Бу сахий, тапти халқ билан жуда буюк ишлар қилиш мумкин, бу халқ пул, мол экан-ку, зарур бўлса жонини ҳам аямайди.

Инсон учун бир қултум сув жаҳоннинг энг катта хазиналаридан ҳам қимматли эди.

Юсуповнинг машинаси ярим соатларча йўл юриб Горчаково станцияси олдида тўхтади.

Станцияга одам сизмасди. Кўрпа орқалаган, кетмон кўтарган кишилар яқингинада келган қизил вагонлардан тушиб араваларга, автобусларга ўтириб қурилишнинг Марғилон участкаси томон кетишарди. Қўқон араваларнинг ҳам тепасига «Канални қирқ беш кунда битқазамиз», «Азамат қурувчиларга оташин саломлар!» деган шиорлар илинган эди. Станция тепасида ҳам шу шиор.

Юсупов одамларга, от-араваларга бир дам қараб тургандан кейин бўйни, ияклариди пайдо бўлган терларни каттакон дастрўмоли билан артиб машинани Марғилон тарафга буришни сўради.

Горчаководан то Марғилонгача кўчага одам сизмасди. Бутун халқ кўчага чиққандек эди. Машина Учариқ гузариди отди туриб айрон ичаётган Райимберди тоға ёнига келиб тўхтади. Райимберди хижолат чекканди мўйловига теккан айрон юқни ҳам артишни унутиб отдан тушди-ю Юсупов билан кўришишга ошиқди.

— Чанқабсан-да, Райим. Ишларинг қалай?

Райимберди ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин пахтанинг аҳволи, канал ишлари қанақа кетаётганини гапириб берди.

— Одамларнинг Найман участкасидами? . . .
Райимберди тасдиқ ишорасини қилди.

— Эрта-инднларга участканга ўтиб қоларман. Би-
лишимча, ишларнинг дуруст эмасга ўхшайди. Зўр-зўр пол-
вонларнинг қочиб кетаётганмиш.

— Йўғ-э, унақа демасинлар, ота.

— Қиз опқочган боланг Куйганёрни куйдиряпти.
Трактор билан беллашаман, дейди азамат.

Райимберди кулди.

— Аҳмоқ, бемаза иш қилди. Бутун қишлоқнинг бошни-
ни ерга эгиб кетди.

— Унақа дема, — деди Юсупов жиддийлашиб. — Ик-
ки мусича бир-бирига қараб кукулашиб турса-ю, сенга
ўхшаган қишлоқ катталари ўзини билмаганга солиб юр-
са. Опқочиншдан бошқа иложи қолмаган-да. Яқин орада
овозасини эшитиб қоларсизлар. Қишлоқнинг бошини ерга
эгди эмиш, бошини кўтарди, дегин. Хўп, майли, ишинг-
дан қолма.

Иўл сарқатнов, от-арава, велосипед, пиёдалар кўп
бўлганидан машина тез юролмасди. Шунинг учун ҳам ра-
днатор суви қайнаб кетган, бир тўхтагандан кейин ўт олп-
ши анча қийин эди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Машина
анча вақтгача патиллаб, хўрсингандек пишқириб, кейин
ўт олди.

Тизгини бўйинида қолган от ариқ бўйидаги ўтларни
чимдиб анча нари кетганди. Райимберди отига яқин қол-
ганда Учариқ самоваридан кўпчиликнинг хахолаб кул-
ганини эшитди, ҳали Марғилон китоб магазини олдида
Ғафур Ғулом билан фарғоналик шоир Адҳам Ҳамдамни
кўрганди. Демак, улар шу самоварга тушишган. Юсуф
қизиқ Ғафур кепти, деб пақирда луччак шафтоли кўта-
риб кетаётганди.

Райимбердининг улар суҳбатидан жиндек баҳраманд
бўлгиси келди. От жиловидан етаклаб аста самовар та-
рафга кета бошлади. Самоварнинг нариёғидаги қари
толлар қуюқ соя ташлаган, кўчада Юсуповнинг машина-
си турипти. У отини толга боғлаб сой устига ўрнатилган
сўрида майкачан ўтирган одамларга қаради. Булар Тош-
кентдан келган шоирлар эди. Улар ичидан Ғафур Ғулом-
ни у дарров таниди. Деярли ҳамма суратларида тақиб
тушган мугуз гардишли кўзойнаги, қирра бурни мана мен
Ғафур Ғуломман, деб турибди. Юсуф қизиқ ёши олтиш-
ларга бориб қолган бўлса ҳам қадди тетик, қадам олиш-

лари чаққон бир киши эди. У кўзига сурма тортган, оқ жужун яктак устидан пушти чорси боглаб олган эди. Ойболта нусха қоп-қора соқоллари ўзига ярашган, гапирганда тўмтоқ қора қошларини кериб, ҳозир сени бир кулдираман, деганга ўхшаб, табассум билан одамга боқарди. Ғафур Ғулومнинг орқасида ўтирган Адҳам Ҳамдам уларнинг ичида энг кичиги бўлганидан хизматга тайёр, ўйноқи кўк кўзлари яна хизмат борми, дегандек устозларига ҳушёр қараб турарди. Улфатчилик энди бошланай деб турганди, машинада лоп этиб Усмон Юсупов келиб қолди.

Юсупов машинадан тушар-тушмас Ғафур Ғулум улуг киши олдида майкачан ўтириш ноқулайлигини билиб, жужун кителини шошиб кия бошлади. У кийинаркан, чап қўлини орқасига ўтқазиб кафтларини силкитарди. Адҳам унинг шамасини фаҳмлаб кўрпача ёнидаги ҳали оғзи очилмаган иккита шишани этагига яшириб илдамлик билан тол орқасига ўтди.

Юсупов ўтиришга унамади. Тик турганча бир коса яхна чой ичди.

— Ғафур, эртадан Куйганёрга кўчинглар! У ерда иш бғир. Шоирларнинг яхши сўзлари мадор бўлади. Ҳамид, сен Водилга бор. Ашрафий билан Яшин ўша ерда. Операнинг боришини бил. Кам-кўсти бўлса менга айтасан.

Юсупов бир чеккада кўзларини катта-катта очиб турган Ойбек олдига борди. Уни қўлтиқлаб машина тарафга юра бошлади.

— Келганингиз яхши бўпти, домла!¹ Қани энди мана шу бўлаётган ишлар тўғрисида «Қутлуғ қон»га ўхшаган битта катта нарса ёзиб берсангиз. Эринмай ҳамма трасса-ларга боринг, одамлар билан танишинг. Бу ерда кўрганларингизни умрингизнинг охиригача ҳам ёзиб тугата олмайсиз, домла. Кеча «Қизил»даги «Оталар» очеркингизни ўқидим. Жуда яхши ёзибсиз. Илтимос, кўпроқ ёзинг. Қурувчилар учун сиздек зўр ёзувчининг гапи қанот бўлади.

Ойбек сал тутилиб гапирарди. Ҳозир Юсуповнинг салобати босиб, янада тутилиб гапини йўқотиб қўйганди. Унинг бу ҳолатини сезган Ғафур Ғулумнинг шайтонлиги тутди.

— Ота, бу билан таржимон орқали гаплашиш керак. Гапирсанг-чи, забоннинг борми, ўзи?!

¹ «Қизил» — Республика партия газетаси «Қизил Ўзбекистон»нинг қисқартиб айтілгани.

Ойбек унга ялт этиб қаради. Жақл устида, «Ғўдайган», деб юборди. Ойбек умрида бировни сўкмаган, сўкишни билмасди ҳам. Жуда жаҳли чиқиб кетса «Ғўдайган» дерди, холос. Бу унинг бисотидаги ягона аччиқ сўкиши эди.

Шоирларга қўшилиб Юсупов ҳам кулиб юборди. Ойбек ҳам ўзини кулгидан тиёлмади. Юсупов Фафур Ғуломга ўгирилди.

— Куйганёрга сени бекорга чақираётганим йўқ. У ерда бир полявон бола жуда ғалати ишлар қиляпти. Заркентдан чиққан. Тош қазишда, юқорига ташиб чиқишда ҳеч ким унга тенг келолмаяпти. Шунини бир яхшилаб газетга ёзинглар. Собир қўшиқ ёзади. Уста¹ куй басталайди. Сен очеркми ё шеърми ёзасан. Шу болани бир халққа кўрсатиб беринглар. Бўптими?

Юсупов шундай дедию машинага ўтириб жўнаб кетди.

Райимберди бир четда туриб, бўлиб ўтган гапларни эшитганди. У ҳамқишлоғи Азнзхон тўғрисидаги гапдан жуда хижолат чекди. Чунки у боя Юсуповга, бу бола қишлоқнинг бошини эгиб кетди, деганди. У ёмонлаган бола қўшиқ бўлмоқчи. Республиканинг энг табаррук шоирлари унга атаб газаллар битишмоқчи.

У ҳозир ҳам хижолатда, ҳам аллақандай ғурур оғушида эди.

Ажаб, бир ўт, олов, бебош бола бугун бутун халқнинг оғзига тушиб ўтирса-я! У бу севинчли хабарни Умматаллига етказди. Номус кучидан кўчага чиқолмай қолган ота қай аҳволга тушаркин?

Райимберди отига миниб Зириллама тарафга жадал йўл олди.

XIV

Қора дарёнинг суви саратонга келиб жуда пасайиб кетди. Дарё ўрталаридаги тошлар, шағаллар шундоққина очилиб қолди.

Куйганёр тўғони учун сепоячилар, сузишга уста йнгитларнинг ҳожати қолмади. Бунда фақат бетончилар,

¹ Уста — Машҳур композитор Тўхтасин Жалиловни ҳурмат юзасидан шундай атардилар.

тўғон пойдеворини қазийдиган азамат кишилар керак. Азизхонни пойдевор қазийётган полвонлар бригадасига қўймоқчи бўлишган эди, кўнмади. У қандайдир ғайри табиий, одам боласи бажариши қийин ишларни истарди. Илгариги кун Белявский уш Учқўрғон тўғонига олиб кетмоқчилигини айтганда Азизхон кўнмади. Бунга сабаб Эш полвон ўша ерда ўз бригадаси билан дарё йўлини тўсыпти. У агар Азизхон бу ёққа келса бутун бригадам билан ишни ташлаб кетиб қоламап, дебди. У албатта шундай қилади. Азизхон икки марта юрт олдида унинг юзини ерга қаратди. Ҳали-ҳали у даврага кирмай, кураш бўлаётган жойдан қочадн. Азизхон ўжарлик қилиб борадиган бўлса албатта унга бирон зарар етказиши ҳам турган гап. Аламзада полвоннинг қўлидан ҳар иш келади.

Азизхон Учқўрғонга қўрққанидан эмас, унга раҳм қилганидан, бормайман, дедн. Ахир Эш полвон ҳам каналга ншлайман, ном чиқараман, деб келган. Майли, ишласин, ноумид бўлмасин. Бунинг устига Лутфиниса ётганда ҳам, турганда ҳам битта гапни такрорлайди:

— Шу Эш ўлгур билан ўчакишманг, тагин номардлик қилиб бирон кор-ҳол бошлаб юрмасин. Ушандан сал узоқроқ юринг.

Азизхон нима қилишини билмай турган пайтда отда Жўра полвон бир боғлам газета кўтариб ўтиб қолдн.

— Ҳа, полвон бола, аҳволларинг қалай? Анчадан бери поминг чиқмай қолди-ку.

Азизхон Куйганёрда ишлагнн келмаётганини, Лугумбекка бориб ўз бригадасида ишлагнн келаётганини айтди.

— Жон дейман. Агар шунга аҳд қилган бўлсанг, кўрпангни кўтариб боравер.

— Сиз юр десангиз бўлди, кетавераман.

— Юравер бўлмасам.

Азизхон эрталаб етиб боришга ваъда бериб у билан хайрлашди. Уйга келса Орзихон ая трассада қайтиб энди овқатга уннаётган экан. Лутфиниса ҳали келмапти. Азизхон Лугумбекка кетиш ниятини Орзихон аяга нима деб тушунтиришни билмай ўйлаиб турарди. Лутфиниса ҳам унга анча ўрганиб, иккови тил топишиб қолганди.

Азизхон Орзихон аянинг ҳовли бетида куймаланиб юршини кузатаркан, ўз онасини ўйлаб кетди.

Умматали уйга келди дегунча хотини албатта унинг диққатини оширадиган гап топиб қўярди. Овқат устида

ҳам, кеч кириб чироқ ўчганда ҳам шикковининг жанжалли битмасди. Бу жанжалларга мана шу Азизхоннинг шўхлиги, бебошлиги сабаб бўларди.

Бунақа юзлаб жанжалларнинг бири, зўри ўтган йил июлнинг ўрталарида бўлганди.

Уларнинг Тўхтавой деган агроном қўшилари аллақайдан уруги йўқ олма повдасини олиб келиб чорбоғидаги олмасига улаган эди, пайванд яхши амал олиб беш-ўнта гўра ҳам туккан эди. Азизхон ўртоқлари билан бас бойлашиб танаси самовар карнайидек дарахтни бир зарбда илдиз-пилдизи билан суғуриб ташлаганди. Тўхтавой қилди жанжални, қилди жанжални, суғуриб ташланган дарахтни судраб идорага олиб чиқди. Рансга арз қилди. Ранс Умматалини чақириб кўп гапларни айтди.

— Ахир бу тажриба учун уланган нарса, пайвандни Прежевальск деган жойдан олиб келганди. Бу қандай бемаънилик. Бола деганини мундоқ тарбия ҳам қилиш керак-да.

Умматали идорадан қошлари чнмирилиб, пешаналарндаги ажинлари тахланиб қайтди. Эсини таниб, колхозда ишлади, бригадир бўлди, кетмончи бўлди, дакки емади. Энди қариган чоғида ўғлидан юзи шамгин. Нима қилсин? Кўзининг оқу қораси ёлғиз ўғли. Урса жонни ачийди, урмаса бу дашном. Кела солиб хотинига ўда-гайлади:

— Анави ярамасинг қани?

Хотини эрининг вазоҳатидан ўғли бир бало қилганини дарров сезд.

— Шаттайди, дадаси, ҳозир сизирни етаклаб чорбоққа кириб кетганди. Тагин уриб-нетиб ўтирманг, жон дадаси.

— Хотини, ўғил болаши уриб бўлмайди. Ўғил бола худонинг бир инояти. Арабистоннинг аллақайси вилоятида ўғил бола туғилган кунни подшонинг махсус фармони билан эрталабгача тўп отиларкан. Ҳиндистоннинг аллақайси бир юртида ўғил туққан хотини бир кунни кечгача подшонинг тахтида бола эмизиб ўтираркан. Миссури деган юртда ўғил бола туғилса подшонинг хотини сарпо қилиб бориб, туққан хотинни ўз кажавасида шаҳар айлантларкан. Кўрдингни, ўғил бола қанақа...

Азизхон ҳозир Орзихон аянинг ўчоқ бошида куймаланиб юришига қараб ота-онасини ўйладию кўнгли бу

зилди. Нима қилиб қўйдим? Энди қишлоққа қайтиб бориш йўқ... Уртоқларим қатори юртга ош бериб, ота-онанинг орзусини ушатиб уйлансам бўлмасмиди? Бечоралар энди нима қилишаётганикин? Ҳаминша касалдан боши чиқмайдиган онам айвон лабида кафтнинг нягига қўйиб эшикка тикилиб ўтиргандир. Дадам бечора аламини газетадан олаётгандир. Йўқ, газета ўқиш ҳам кўнглига сиғмай қолгандир. Газета чойхонада. У бечора юртнинг кўзига қараёлмай уйга қамалиб қолгандир-ов. Агар газета ўқиса биларди. Ўғлининг каналда нималар қилаётганини албатта газетдан биларди. Агар у Лутфинисани олиб қочмаганда бу ишлар бўлмасди. Шундоқ катта тўйни бузиб уни олиб қочдим! Лутфинисанинг акаси уларнинг эшигини тегиб, тўй харжларини тўла, деб қистаётган бўлса-я!

Азизхон бў тўғрида энди ўйлаш. Кексайиб қолган, қўл учнда рўзгор тебратадиган ота-онаси бу харжларни қандай тўлайди? Агар пули бўлса аллақачон тўй қилиб ўғлини уйлаб қўймасмиди?

Азизхон сапчиб ўрнидан турди. Биттаю битта ўғли ота-онасини ташвишга, бошини жанжалга қолдириб бу ерда юрши қандоқ бўлди? Йўқ, бу ўғил боланинг иши эмас!

Азизхон сергаклиниб шошиб уйга кирди. Курашда тушган пуллар қийиқда тугилганича Орзихон аянинг қутисига турган эди. У қутнчани оқдию тугунни супага олиб чиқди. Очиб шолча устига ёзиб юборди. Қизил ўттиз сўмликлар, беш сўмлик, ўн сўмликлар аралаш-қуралаш эди. У тиззалаб ўтириб олдию санашга тушди. Қўлида ёғоч чўмич билан тепасига келган Орзихон ая ҳайрон эди.

— Нима қиляпсан, болам? — деди у ажабланиб.

— Шошманг, шошманг, — деди Азизхон ҳисобдан адашмаслик учун унга қарамай.

Охири у қийиқдаги пулларни тахлаб санаб бўлди. Кейин аяга қараб илжайди.

— Саккиз юз ўттиз икки сўм.

— Бу пулларни нима қиласан, болам?

— Керак, керак, ая. Ҳозир келаман.

У шундай дедю пулларни қайта қийиққа тугиб кўчага отилди.

Азизхон тўппа-тўғри Қуйганёр почтасига борди. Почтахонанинг ичи у ёқда турсин коридорлари, зиналари-

гача газета ва хатларга тўлиб кетган эди. Азизхон газета лачкалари устидан ҳатлаб туйнукка бош тикди.

— Опа, Заркептга қанақа қилиб пул жўнатса бўлади.

Кўзойнакли татар хотин олдиға сариқ қоғоз ташлади.

— Манавини тўлдириб, адресларни аниқ қилиб ёзинг.

Азизхон тез юриб келганидан ҳансирар, энтикиб-энтикиб гапирарди.

— Жон опа, ўзингиз ёза қолинг, мен адашиб кетман. Жон опа.

Хотин туйнук оғзига ташланган бланкани қайтариб олди-да, Азизхон айтиб турган адрес ва пул миқдорини ёзди.

— Вой-бў, шунча пулни-я? Етти юз сўмни-я?— деди ҳайрат билан аёл.

— Жўнатаверинг, жўнатаверинг, бор яна.

Хотин бланка устига думалоқ штампни тап этиб урди-да, бир нухасини Азизхонга узатди.

— Опа, икки оғиз гап қўшса бўладими?— деди ялиниб Азизхон.

— Айтинг,— деди хотин яшикка ташлаган бланкани қайта оларкан. Азизхон ўйлаб туриб айтди.

— Дадажон, мени кечиринг. Мен тинчман. Лутфин соғ-омон Бу пулларни Акбаралига бериб қўйинг. Тўйининг товони. Етмаса яна юбораман.

Азизхон почтадан қушдек енгил бўлиб чиқди. У гўё ота-онасини шу пул билан хижолатдан қутқаргандек эди.

У эшикдан ҳовлига жавраб кирди.

— Лутфин, Лутфин, бўлди, бўлди.

— Нима бўлди?— деди ариқда бет-қўлини юваётган Лутфинниса ажабланиб.

— Аканга пул жўнатдим, пул жўнатдим. Тўй харжидан қутулдик.

Лутфинниса, а-а, деб қўя қолди. Овқат устида Азизхон Жўра полвон билан учрашганини, эрталаб Луғумбек участкасига ишга боришларини айтди. Орзихон ая жиндек кўз ёши қилиб олди.

— Урганишиб қолган эдик. Шаттга ишлайверсанглар ҳам бўларди. Иссиқ-совуқларингдан ким хабар олади.

— Ҳаммаси тахт, аяжон. Уй ҳам, овқат ҳам бор. Мен қиладиган иш ана ўша ерда экан. Бормасам бўлмайди.

Қаналнинг битишига ўттиз тўрт кун қолди. Иш кўрсатиб қолмасак, кейин армон қилиб юрамиз. Албатта келиб сизни кўриб тураман. Лутфин ҳозирча шатта туради.

Орзиҳон ая ўрнидан туриб ошхонага кириб кетди. Бирпасдан кейин тоғорада ун олиб чиқди.

— Кетадиган бўлсанг қуруқ кетма, беш-олтита патир ёпиб берай.

Кеч кириб, Лутфиниса чироқ ёқиб айвон тоқчасига қўйди. Кўк кўприк тарафдан қўшиқ янгради.

— Ҳалимахоним кансит қўйяпти,— деди Лутфиниса.

— Найманда «Бой ила хизматчи» бўлади, бормаймизми,— деди ўрнидан туриб Азизхон.

Хамир қораётган Орзиҳон ая гапга аралашди:

— Эрталаб йўлга чиқасан, вақтлироқ ёта қол.

Лутфиниса уйдан чиққандан бери Азизхон билан ўзига бошқа-бошқа жой соларди. Азизхон супага тўшалган ўринга чиқиб ёнбошларкан, дўнғиллади:

— Акангнинг ҳақидан кутулдим-ку, бўлди-да.

Лутфиниса ҳовуини бетига тортиб кўрсатди. Бу унинг, никоҳ ўқитмасдан ёнимга йўлатмайман, дегани эди.

Орзиҳон ая то хамирни муштлагунча Лутфиниса гупала деворга тираб қурилган тандирга ўт қалади. Саратон офтобини еган ғўзапоя зум ўтмай гуриллаб кетди. Бемаҳал ёлқидан чўчиган қўндоқдаги шабкўр товуқлар қақалаб юборди. Тандир тепасида ётган мушук чўчиб ўзини томга отди.

Орзиҳон ая супра лабига тиззасини бостириб патирга тўқ-тўқ қилиб чакич урарди. Азизхон бу ҳаловатли оқшом манзарасидан маст эди. Худди ўз уйида ўтиргандек, тиниб-тинчимас онасининг ҳовли юзида куймаланиб юришини кўраётгандек эди.

Кампир билан Лутфиниса тандир олдида нималарнидир пичирлаб гаплашишар, Лутфиниса эса қиқирлаб куларди.

Узоқда, Куйганёр тарафда қўшиқ янгради. Ҳалимахоним «Ушшоқ»ни баланд авжда айтарди. Орзиҳон ая шамол қанотида учиб келган қўшиққа бир дам қулоқ тутиб жимиб қолди. Ашуланинг хазин садолари унга қаттиқ таъсир қилганди.

— Умрингдан барака топкурнинг зап овози бор-да!

Тандир оғзидан учиб чиқаётган сон-саноқсиз учқунлар қоронғилик қаърига кириб бирин-кетин ўчади.

Лутфинисанинг олов тафтидан бўғриққан юзлари ялтирайди.

Азизхон кўрпани бошига тортди. Барибир кўзига уйқу келмади.

Сал ўтмай ҳовлини иссиқ нон иси тутиб кетди. Азизхон саватдан битта патир олди-ю, тўшакка чордана қуриб маза қилиб ея бошлади.

Орзихон ая қоронгида пуф-пуфлаб иссиқ патир еяётган Азизхонга қараб «Ҳалиям бола экансан-а», деб қўйди.

И К К И Н Ч И Б У Л И М

I

Луғумбек участкаси қурилишнинг энг оғир жойларидан бири ҳисобланади. Бу ерда канал жуда баландликдан келади. Агар шу қияликдан сув оқадиган бўлса уни тўсиб ҳам, буриб ҳам бўлмайди. Луғумбек атрофидаги далаларга сув чиқмай қолади.

Лойиҳа тузишда бу ерда ниҳоятда мураккаб канал йўли очилиши кўзда тутилган. Сув тўққизта шаршарадан қуйилиб келади. Ҳар икки-уч километрдан кейин канал шаршара орқали етти-саккиз метр пастга бирдан ташланади. Тўққиз жойда бунақа чуқур канал қазиниш анчагина катта куч талаб қилади. Қазилган тупроқ баландликка бир неча километр трасса бўйлаб чиқариб борилиши керак.

Андижон полвонларидан ташкил топган ўнлаб бригадалар шу ерда ишляпти.

Азизхонни полвонлар бригадасининг бошлиғи Жўра полвон Ғойипов яна ўз қанотига олди.

Тупроқ отаётганларнинг бетлари чангга беланган, пастда ишлаётганлар тўзонда мутлақо кўринмас эдилар. Азизхон яктагини ечиб тўзон орасига шўнғиб кетди. Жўра полвон пастликда эди. У белкурак билан отган тупроқ тўрт метр баландликдаги супага бориб тушар, у ердаги уч йигит пастдан ирғитилган тупроқни курак билан яна уч ярим метр баландликка отарди. Икки мартадан ирғитилган тупроқ тўзғиб, шамолсиз дим ҳавода булутдек муаллақ туриб қоларди.

Азизхон кетмонга ҳам, белкуракка ҳам қўл тегизмади. Чаккасини қашлаб ўйланиб турди-да, каттакон қанор оғ-

зини очиб Жўра полвоннинг белкурагига тўғрилади.

— Қапи, устоз, тупроқни бу ёққа ташланг.

Жўра полвон андак ўйланиб тургандан кейин илжайди. Азизхон тутиб турган қанорга кураклаб тупроқ ташлай бошлади. Қанор ярим бўлгандан кейин, энди бас, деди. Азизхон, солаверинг, устоз, деб кулди. Қанор бўзигача тупроққа тўлгандан кейин Азизхон, қани орқалатворинг, устоз, деди.

Икки кишилашиб қанорни унинг орқасига қўйишди. Одамлар бола ҳозир қорни билан ерга қапишиб қолади, деган гумонда чанг ўтириб ҳўл бўлиб кетган оғир киприкларини қимирлатмай қараб туришарди.

— Бола, майиб бўласан, кўпам чиранма, — деди Жўра полвон.

Азизхон индамади. Бир силкиниб қанорни орқасига ўнглади-да, пилдираганча тахтадан юқорига чиқиб кетди.

Ҳамма ҳайрон. Тойиб кетса ушлаб қоламиз, деб иккн-уч полвон йигит йўлнинг ярмида уни кутиб туришарди. Азизхон уларга қарамай, чанг-тўзонга тўлган қирғоққа чиқиб кўздан гоиниб бўлди.

Одамлар ҳанг-манг бўлиб қолишган эди.

Бугун эрталабдан бери Пўлдош Охунбобоев дўнг тепасидаги тут тагига курси қўйиб ўтириб олган, иш давомида қандай камчилик сезса, тут шохига илиб қўйилган телефонда штабга хабар қилиб, бошлиқлар билан ҳал қиларди. Унинг ёнида елиб-югуриб юрган шу район ижрокомининг раиси Эшон ака номи билан машҳур бўлган Усмонхўжаев ҳали у ерда, ҳали бу ерда пайдо бўлиб, ишнинг борнишини кузатарди.

Охунбобоев ўзидан катта қанор тўла тупроқ ташиб чиқаётган йигитга кўзи тушди-ю ўрнидан турди.

Бу пайт Азизхон елкада қанор билан тахта пиллапоя устида шошилмай, бир маромда қадам ташлаб юқорига чиқиб келарди. Чанг-тўзон орасида унинг гавдаси соядек кўринарди.

— Ким бу? — деди Охунбобоев ҳайратда.

Ўша тарафдан кўзини узмай турган Эшон ака, билмадим, деб бош чайқади.

— Ким бўлса ҳам бас қилсин! Тупроқни тўккандан кейин бу ёққа чақиринглар.

Сал фурсат ўтиб Азизхон илжайганча қанорни судраб Охунбобоевнинг олдига келди.

— Ия, сенмидинг? Бу нима қилгапинг? Бас қил-э! Азизхон илжайди.

— Ота, сал кунда канал битади. Ишлаб қолайликда. Кейин армон қилиб юрмайлик.

— Қанча кило кўтарасан?

— Билмадим, — деди Азизхон. — Тортиб кўрмаганман. Қанча ортсангиз кўтаравераман.

Охунбобоев ҳанг-манг бўлиб қолди. Кейин ҳазил аралаш, одаммисан, нимасан, деди.

— Ҳар қалай бир қанор тупроқ жуда оғир нарса. Узинга эҳтиёт бўлганинг маъқул.

Азизхон, хўп, ота, деди-ю яна тўзон орасига кириб кетди.

Юқоридан яна иккита шунақа қанор олиб тушишди. То Азизхон тупроқ тўла қанорни опчиқиб тўкиб келгунча икки киши бошқа қанорни тўлдириб турншди. Азизхон шошилмас, на тез, на секин юрарди. Худди соат стрелкасидек бир маромда ҳаракат қиларди.

Иш бошланганига бирон соат ўтмай унинг иш жойидаги тўзонлар тарқаб кетди. Юқоридан ер ўлчаб юрган, уйилган тупроқларни сураётганлар тез-тез Азизхон тарафга ўгирилиб, бу дев сифат бўланинг паҳлавонлигига ҳайрат билан қарардилар.

Тушликка жом чалинганда Азизхон энди қанорни орқалаётган эди. Ҳамма кетмон ва белкуракларни ташлаб юқорига юра бошлаган пайтда у елкада қанор билан улар орасида тепага интиларди.

У юқорига етганда бирдан одамлар икки тарафга сурилиб унга йўл очишди. Азизхон мункайганича бориб тупроқ уюми устига ажиб чаққонлик билан (жиндек мақтанганлик аралаш) силкиниб қанорни ирғитди. Оғир қанор тушган тупроқ худди портлагандек тўзни кетди.

Атрофини ўраб турган кишилар қийқириб чапак чала бошладилар. Давра орасидан ҳамма ёғи ялт-юлт тақинчоқларга бурканган Ҳалима Носирова қўлида бир коса айрон билан чиқиб Азизхоннинг қаршисида тўхтади.

— Ичинг, полвон укам!

Азизхон унинг қўлидан ихлос билан косани олди-да, битта шмиришда бўшатиб қайтиб берди. Ҳалима Носирова ўтган йили СССР халқ артисти деган катта унвонга сазовор бўлган эди. Бу санъаткорнинг овози булбулни лол қиларди. Пластинкаларда, радиода овозини эшит-

ганлар, узоқдан бўлса ҳам бир ўзини кўрсам, деб ният қилардилар. Азизхон бўлса худди унинг ўз қўлидан айрон олиб ичди. Очиғини айтганда, то тушгача эллик тўрт қанор тупроқ ташиб ўзи ҳам анчагина чарчаган, бели ҳам сал-пал зирқираб қўяётган эди. Ҳалимахонимнинг бу илфотидан у чарчоқни унутди. Бундан ҳам оғирроқ қанор кўтариб унинг қўлидан яна битта айрон ичкиси келди.

Азизхон одамлар кузатувида чойхона тарафга қараб юраркан, Ҳалимахоним Жўра полвоннинг бошидаги қирғизча қалпоғини олиб икки букладию оғзига тутиб ашулани бошлаб юборди. Бирдан ҳамма жимиб қолди. Азизхон ҳам юришдан тўхтаб анграйганча унга қараб турарди.

Қўшиқ тоғ қазиётган Фарҳод шаънига айтилаётган Шириннинг юрак дардлари эди. Азизхон хижолатликдан қизариб кетган, бу қўшиқ, бу обрў уни чинакамига маст қилганди.

Уша кунни Азизхон худди тушида кўргандек ўтказди. Овқатдан кейин яна ўн саккиз қанор тупроқни юқорига ташиб чиққанини ўзи билмай қолди. Кечқурун Жўра полвон айтгандагина билди.

Луғумбекнинг канал қазилаётган жойидан — илгари Мойли сувдан «Октябрь ариғи» тортиб келинган эди. Бу сув атиги иккита қишлоқни арағ сўғориб, тупроққа шимилиб кетарди.

Мана шу ариқ ҳозир каналчилар хизматида. Ариқ бўйига ўнлаб чойхона, ошхона ва новвойхоналар қурилган. Кечки пайт ишдан қайтган қурувчилар шу ариқда чўмилишарди. Баъзан шундай пайтлар ҳам бўлардики, ариқ ичига одам сўғмай кетар, бир-бирларига елкама-елка туриб чўмилишарди.

Азизхон ариққа тушганда беш-олти йигит оқимга қарши сувни шаломлатиб сузиб юришарди. Азизхоннинг аъзойи бадани тупроқ эди. Терлаганидан танига ўрнашган чанг-тўзон лойга айланиб кетган. Азизхон сувда мириқиб шўнғиб, қулочкашлаб сузиб юраркан, дўнг тепасида Жўра полвоннинг қораси пайдо бўлди.

— Ҳой, бола, қаёқдасан. Бўлди, чиқ. Сени сўрашяпти.

Азизхоннинг хаёлига ялт этиб дадаси билан онаси келди. Қидириб келишдимикин? Пулни олишган бўлса дарров етиб келишган-ов.

Азизхон артиниб ўтирмай шошилиб кийинди. Чаккаларидан, бўйинларидан сув томиб чойхона тарафга югурди.

Новвойхона олдида Жўра полвон кўзойнакли бир йигит билан гаплашиб турарди. Йигит озода кийинган, ўчиб қолган папиросини ҳадеб гугурт чақиб ёндирилмасди. Азизхон бу кўзойнакли кишини қаердадир кўргандек бўлди. Юзи, кўзойнаги, қирра бурни унга жуда таниш эди.

— Келдингми, — деди Жўра полвон. — Бу кишини танийсанми, полвон. Бу аканг машҳур шоиримиз Фафур ака Фуломов бўладилар. Танишиб қўй. Сен билан гаплашгани атайин кептилар.

Азизхон довдираб қолди. Шошиб икки қўлни барабар чўзди. У Фафур Фуломнинг шеъру ҳикояларини кўп ўқиган. Мактабда дарсликларда унинг «Кўкан батрак» достонини алоҳида дарс қилиб ўқитишган эди. Айниқса унинг «Довдираш», «Ёдгор» қиссаларини маза қилиб қайта-қайта ўқиган эди. Азизхоннинг назарида Фафур Фулом оддий одам эмас, аллақандай гаройиб киши эди. Уни учратишини сира хаёлига келтирмаганди. Энди бўлса Фафур Фулом уни атайлаб йўқлаб кепти.

Фафур Фулом унга бошдан-оёқ қараб кулди.

— Жўравой ака, мени лақиллатяписизми? Полвон деб ёш болага рўпара қилдингиз-ку.

— Э, мулла Абдуғафур, бу бола «Митти деманг бизни, кўтариб урамиз сизди», дегаплардан. Гавдасига қараб тўн пичманг. Болада гап кўп.

Фафур Фулом унга яна кўз ташлаб, ишонқирамагандек илжайиб қўйди.

— Кечаги қурилиш газетасини кўрдингизми, — деди у Жўра полвонга қараб, — Учқўргондаги полвонни ёзишипти. Ана уни полвон деса бўлади.

— Э, — деди Жўра полвон. — Уқидим. Эшини ёзишипти. У ҳам яхши, зўр полвонлардан эди. Аммо манави бола каналга келгандан кейин Эшнинг дами чиқиб кетган. Бу бола Эшни икки марта тупроққа қориштириб ташлади. Эш бу тарафларга келолмайди. Учқўргонга келиб, ўша Учқўргондан кетади.

Фафур Фулом хахолаб кулди.

— Энди Эш полвонни Учқўргондан кўрарканмиз-да. Ҳаммалари баробар кулиб юборишди.

— Ука, — деди шоир, — штабдан тайинлашди, сен

тўғрингда бир ғалати очерк ёзмоқчимап. Нима дейсан? Қилган ишларингни бирма-бир айтиб берасанми?

— Нимани ҳам айтай, ака. Мана, устоз нима десалар шу. У киши айтган гапларди ёзсангиз дуруст. Мен елкада тупроқ ташишдан бошқа иш қилганим йўқ.

— Акаси, ичингдаги гапни кавлаб чиқаришни ўзимга қўйиб бер. Сендақа полвонлар билан кўп гаплашганман. Жўравой ака, бизни биронта холироқ жойга олиб бопринг.

Жўра полвон уларни қишлоқ шўросининг биносига бошлади.

Сув бўйига қурилган омонат сўриларга сон-саноқсиз пашшахоналар тутилган. Очиқ майдонга давра қурган кишилар гур-гур кулишарди. Кеча бу ерга Юсуф қизиқ билан Охунжон қизиқ келган, улар очиқ майдонда қизиқчилик қилиб одамларни кулдиришарди. «Октябрь ариғи»нинг нариги бетида азамат ёнгоқ шохига оқ чодир илиб кино кўрсатишяпти. Уртадаги сўрида ўнчача одамни тўплаб Тошкентдан келган лектор «Пиковая дама» операсида реалистик мотивлар» деган темада лекция ўқияпти. Тингловчиларнинг кўпчилиги пинакка кетган, баъзилари лекция тезроқ тугасайди, деб қизиқчилик бўлаётган майдонга қараб қўйишарди. Лекторнинг ёнида райком секретари ўтирганидан кетолмай ноилож мудрашарди.

Райком секретари эса уларга билдирмай оғзини мушти орасига олиб тинмай эснарди.

Пойтуқ тарафда кетма-кет мушак отилди. Мушакнинг кўк, сариқ, қизил шуълалари тупроқ уюмларини, чойхона томларини узоқ ёритиб турди-да, кейин аста сўнди.

II

Кунлар ниҳоятда исиб кетди. Ғир этган шабада йўқ. Канал чуқурлашган сари ичи дим бўлар, ер қазинётган йиғитларнинг танидан тер қуйиларди. «Оқ мактаб» болалари тунука чойнакларда, пақирларда кетма-кет яхна ташиб улгуролмасди. Ичилган яхна шу заҳоти тер билан чиқиб кетарди. Азизхон иссиққа чидаёлмай қолди. Лойқа тер пешанасидан оқиб кўзларига кирар, томоғи қақраб,

жадеганда ўзини яхнага урарди. Иш унуми ҳам сал пасайгандек кўринарди. Чуқурликдаги кетмончилар ҳар ярим соатда юқорига чиқиб ўзларини елпиб олишарди.

Шу кунларда тун жуда ойдин бўляпти. Машъала ёқмасдан ишлаш мумкин эди. Жўра полвон участка бошликлари билан келишиб, полвонлар бригадасининг ишини кечасига ўтказди.

— Кечаси чанг-тўзон йўқ, ҳаво салқин. Эртага эрталаб ишга чиқмаишлар. Уч-тўрт кун кечаси ишлайсизлар.

Азизхон трассадан қайтгандан кейин ювиниб Лутфиниса ишлаётган «Қирғиз овул»га бормоқчи эди, айниб қолди. Эртага кундузи бўшман-ку, гир этиб бориб келаман-да, деб овқатдан кейин чодирга кириб тўшакка ўзини ташлади. Елкасининг офтобда куйган жойлари ачишар, боши оғирлашиб ёстиқдан узолмасди, У анча вақтгача тўшакда тўлганиб, ухлаб қолди. Эрталаб қирғиз болалар понуштага уйғотишганда аранг ўрнидан турди.

Керишиди-да, яланғоч елкасига сочиқ солиб ариқ тарафга кета бошлади. Сувнинг у бетидаги будка олдида Вазира этагини липпа уриб, ерга кўлоблатиб сув сепарди. Азизхон унга: «Ҳорманг, синглим!» — деб ўтиб кетди. Вазира кўлида сув гўла мақир билан унинг орқасидан қараб қолди.

Вазира Пойтуқдаги касалхонада санитар бўлиб ишлайди. Касалхона Луғумбек участкасида тўртта медпункт очган, шуларнинг бирига Вазира қарайди. У елкасини офтоб куйдирганларга мой берар, қурувчиларга безгакка қарши мажбуран акрохин ичирарди. Айниқса ёш жувонлар унинг будкаси олдида кўпроқ ўралашишарди. Сепкилни кетказадиган ҳар хил мой-упалар унда кўп бўларди.

У сув бўйидаги курсида пардозин жойига қўйиб, ўтган-кетган йиғит-ялангининг кўзини ўйнатарди. Ҳатто Фафур Гулом ҳам унинг ёнидан лоқайд ўтиб кетолмаган. Сутга чайқалгандек оппоқ юзларига, анордек қип-қизил лабларига, нилдек қора қош-кўзларига тикилиб туриб бирдан шеър айтиб юборган.

Юз қизил, лаблар қизил,
Бармоқ учи ҳам қип-қизил,
Қош қаро, кўзлар қаро,
Ҳеч бўлмасин бахтнинг қаро!

Фақат биргина Азизхон унга лоқайд қарарди. Ениб турган кўзлари бу йигит кўксини куйдирмасди, қўшиқдек майин овози қулоғига кирмасди. Мана, ҳозир ҳам у шундоқ чиройли қиз олдида бепарвогина ўтди, кетди. Маза қилиб ювиниб, чодирга кирдию ёстиқ тагидан яктагини олиб киймоқчи бўлди. Қараса тугмаси узилибди. Ҳамма вақт саранжом-саришта иш тутадиган қирғиз болалар игна билан ғалтак ипни қайга қўйишганини билмай кўп қидирди. Охири тоқати тоқ бўлиб яктагини тугмасиз кийиб Вазиранинг олдида чиқди.

— Синглим, тугмам узилибди, игна билан ипингизни бериб турсангиз.

Вазира қулоғида райҳон шохи билан селкиллаб кулди.

— Вой, полвон ака, игна тутишга қўлингиз келишмайди. Ўзим қадаб бераман. Ечинг, бирпасда бўлади.

Азизхон унга орқа ўгириб туриб яктагини ечиб узатди. Вазира яктагини оларкан, бақувват гавдасига, мускуллари бўртиб чиққан билакларига, кенг елкаларига маҳлиё бўлиб қолди. Ундан зўрға кўз узиб будка ичига кириб кетди.

Азизхон қовушмай курсига ўтириб, қирғоққа шапиллаб урилаётган сувга тикилганча қолди.

Бу жувон негадир унга жуда ўзини яқин олади. Агар ўз ўйлари билан овора бўлиб, унга қарамай ўтиб кетгудек бўлса, албатта жувоннинг ўзи салом бериб, қаратади. Қараганда ҳам кўзларини сузиб, қапдайдир ғалати қарайди. Гапга солишга уринади. Яхна чой узатиб йўлдан тўхтатади. Сизни албатта медицина кўригидан ўтказишим керак, деб бир қўлини унинг елкасига ташлаб, яланғоч кўксига қулоғини босиб, юрак уришини узоқ эшитади. Шунда Азизхоннинг бўйинларига, елкаларига илиқ нафаси тегиб, вужудида ширин бир ҳузур кўзгалади. Вазира бўлса унинг олдида атайин иссиқдан нўлиб «бенхтиёр» оқ халатининг олди тугмаларини ечиб ўзини елпийди. Ҳар хил тасмаю тугмалардан холи кўксини қалқиб-қалқиб кетади. Овози титрайди. Шундай кезларда (бунақа кезлар икки-уч бор бўлган) Азизхон кетишга шошилмайди. Бу ширин, ҳушни олувчи дақиқалар узоқ чўзилишини истаydi.

Азизхон шундай ўйлар билан банд экан, будка ичидан Вазиранинг аянчли қичқиргани эшитилди.

— Вой, вой, ўлдим, дод!

Азизхон будкага югурди. Вазира у ёқдан-бу ёққа тўлганиб югурарди.

— Ари, қовоғари ичимга кириб опти.

У шундай деб ёнида эркак киши борлигини ҳам унутиб халатини ечиб олди. Азизхон унга қараганча безрайиб қолди. Вазиранинг оппоқ бадани титраб турарди. Азизхон умрида аёл кишини яланғоч ҳолда биринчи қўриши эди. Ғалати бўлиб кетди. Негадир у томон бирикки қадам ташлади. Вазира ундан қўрққандек, тўзиб кетган сочлари билан кўрагини беркитди.

— Келманг, яқин келманг!

Вазира шундай деб инграгандек гапирарди-ю, аммо овозида қатъийлик сезилмасди. Азизхон ҳушви йиғиб олди.

— Қаерингизни чақди? — деб сўради. Унинг ҳам олови худди йиғлаётгандек титраб чиқарди.

— Елкамни, елкамни чақди, қуриб кеткур.

Азизхон яланғоч аёл киши билан гаплашиб турганидан уялиб орқага қайтаётган эди, Вазира тўхтатди.

— Халатимни олиб беринг!

Вазира «жон аччиғида» халатини остонага ирғитган эди. Азизхон энгашиб халатни олди. Ундан бармоқдек ари гинғиллаб учиб чиқди. Азизхон халатни Вазирага узатган эди, Вазира халатни унинг қўли билан қўшиб ушлади. Бирдан Азизхоннинг қони гупуриб кетди. Аёлнинг билагига чанг солди. Вазира силтаниб унинг бағрига келиб қолганини билмай қолди. Азизхон унинг очиқ оппоқ кўксидан ўпар, ҳансираб елкаларини силарди. Вазира қаршилиқ кўрсатолмасди.

Ташқарида машина моторининг гуриллагани эшитилди. Азизхон жувонни бағридан қўйиб юбормоқчи бўлди. Аммо Вазира унинг бўйнига илондек чирмашиб олган, қўйиб юбормасди.

Азизхон бу жувоннинг кўнглида нималар кечаётганидан беҳабар эди. Аёлнинг нозик билакларини осонликча бўйнидан олиб ташлади-да, ерга қараганча яқтагини кўтариб ташқарига чиқди.

Сувнинг у бетидан машина тупроқ чангитиб ўтиб кетди. Азизхон бу бўлиб ўтган сирдан ҳеч ким воқиф бўлмаганини сезгандан кейин юрак ўйноғи сал босилгандек бўлди. Будкадан яланғоч чиққани эсида йўқ эди. Қўлидаги яқтакка кўзи тушиб шошиб кия бошлади. Ариқдан пақирда сув олаётган самоварчи унга маъноли қа-

раб, бир кўзини қисиб қўйди. Азизхон хижолатликда кўзини ундан олди.

Будкадан Вазира чиқди. У тўзиб кетган сочларини дурра тагига олган, кўзлари енгдимми, дегандек яшнаб турарди.

Азизхон ерга қаради.

— Ёмон экансиз-ку, — деди Вазира ўпкалангандек лабларини чўзиб.

Азизхон жавоб тополмай гудранди.

— Агар эрим билиб қолса, нақ икковимизни пичоқлаб ташлайди-я!

Вазиранинг эри ўзидан ўн саккиз ёш кагга бўлиб, аввалги хотини ундан кўнгилсиз бўлиб ажрашган. Эрининг бир кўзи шишадан, камгап одам эди. Агар кунни билан уйда бўлса гиринг деган овози чиқмас, бирон нарсадан диққати ошса. тўғри гапирмай жаҳл билан столни урарди. Эри яқин-яқинларда ҳам кўп ичарди. Станция буфетида кунини кеч қилиб, қоқ ярим тунда қайтарди. Шундай ичишларнинг бирида муштлашиб, позик жойидан тепки еб, икки ҳафта касалхонада ётиб чиқди.

Вазиранинг яшнаган, гуллаган навқирон умри бекор ўтиб борарди. У касалхонада одамлар орасида овуниб қоларман, деб ўйлаган эди. Аёллар ўз тирикчиликлари, эрлари, бола-чақалари тўғрисида гаплашганларида у, жимгина кулоқ солиб ўтирар, улар билан ўзини солиштирарди. Шунда бирдан кўнгли ўксиб эзилиб уйига қайтарди.

Канал бошланиб, Луғумбекда медпункт очилгандан икки-уч кун ўтиб у Азизхонга рўбарў келди. Бир кўришдаёқ юрагида от ўйнагандек безовталаниб қолди. Йўлини пойлайдиган бўлди. Узоқдан Азизхоннинг қораси кўришиши билан сочларини тузатар, бирон ишни баҳона қилиб у ўтадиган йўл ёқасига келиб турарди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб оғзаки саломлашишдан қўл олиб кўришишга ўтди.

Азизхоннинг қайлиғи билан келганини эшитиб ҳафсаласи пир бўлдию умидлари пучга чиқиб, уни кутмай қўйди. Аммо у ҳар қанча уринмасин, кўнглидан чиқазиб ташлашга тиришмасин, барибир, Азизхон томонга кетиб қолаверарди. Вазира ўзини ўзи енголмади. Қандай бўлмасин ўзини паҳлавон йигит қучоғига отиб, қайноқ нафасини туюшни дилига тугди.

Бугун у шу нияти томон биринчи қадамни ташлади,

Умматали билан хотини судралишиб Тоғанинг олди-га чиқишди. Тоға идора олдида энди «эмка»га ўтираман, деб турган эди. Уларни кўриб машинадан тушди.

— Э, келинлар, келинлар. Хнзирни йўқласак бўларкан, сизларни йўқлаб кетаётган эдим ўзим.

Эр-хотин бу гапни эшитиб ҳайрон бўлиб қолишди.

Умматалининг кўриниши анча ташвишли, хотинининг бўлса киприклариди ёш илиниб турарди.

— Энди, Тоға уятга қолишга қолдик. Аммо бу ёғи сал хунукроқ кўринадиганга ўхшайди. Шу десанг, кеча Азизхондан дарак чиқди. Пул юборипти. Анча пул. Билмадим, бу пулларни у қайдан олди экан? Оз эмас, етти юз. Тўй харжиги тўлаб қўйинглар дентп. Этга-меттан болаларнинг онаси билан Акбаралининг эшигига бориб пулни олдига қўйдик. Тўйга қилган харжингни ол, бу ёғига ёпиқли қозон ёпиқлигича қолсин, дедик. У бўлса пулларни бетимга отди. Тўй харжини куёвга бер, мен тўкилган обрўйим, ориятим учуп хун оламаң, деди. Эр-хотин судралишиб Марғилон тушдик. Куёвнинг дўконини қидириб топдик. У бўлса сизларни танайман. Пулинг керакмас, қизни топиб келларинг, бир кун бўлса ҳам хотин қилмасам отимни бошқа қўяман, дейди. Номард ўглинг билан бақамти қиласан, дейди. Бошимиз қотиб қолди. Боламини бир бало қилиб қўймасалар деб қўрқаяман.

Тоға ўрнидан туриб уларни тинчитди:

— Мен сенга айтсам, Уммат, боланг хавфсиз жойда, ўғлинг юрт оғзига тушиб қолди. Ҳукуматнинг катталари бу ишдан хабардор. Йўлдош ота канал битгандан кейин катта тўй қилиб бермоқчи. Бугунги «Қизил Ўзбекистон»ни кўрднингми. Мана, Рафур Фулом ёзибди. Бутун Ўзбекистонга дoston қилибди. Менимча, энди Азизхонга биров чурқ этмайди.

— Илоҳи айтганингиз келсин, — деди Умматалининг хотини.

— Лекин бепарво бўлиш ҳам керакмас. Мен колхоз иши, канал иши билан бўлиб у тарафларга ўтолмаяпман. Узинг биласан-ку, Уммат, гўзада одам кам қолди. Ҳа бўл-ҳа бўл, деб турмасанг, кузда ерга қараб қолиш ҳеч гапмас. Агар иложини топсанглар, машина берай, бир бориб

болани муборакбод қилиб, кўриб, айтадиган гапларни тайинлаб келсанглар ёмон бўлмас.

— Майли, — деди Умматали. — Бор, десанг, борганимиз маъқул.

Эр-хотин Тоганинг гапидан анча таскин топишди. Эртага азонлаб Тоганинг машинаси уларни Азиз ишлайдиган жойга обориб келадиган бўлди.

Кампир кечга яқин хамир қориб оширгани қўйди. Кир токчадан ўглининг кийимларини олиб тахлади. Умматали даҳлизда қўнжигга пайтава тиқилганча турган этикни олиб яримта пиёзни қозон тагига тегизиб «мойладн». Хотини кўча бошидаги ҳовлидан янги дўппи олиб чиқиб ўзи тахтакачга босди.

Тонг қоронгида хотин тандирга ўт қалаб нон ёпди.

Ҳали кун ёйилмай Тоганинг «эмка»си эшик орқасида сигнал берди. Эр-хотин тугун-терсақларни кўтариб машинага чиқишдию жўнаб кетишди.

Она — она экан. Боласини кўрмаганига ўн беш-йигирма кунлар бўлиб қолди. Бу орада у озиб, шундоғам сўлгин юзлари баттар заъфарон бўлиб кетди. Машина бундан ҳам тезроқ юрса, учириб боласининг олдига обориб қўя қолса!

Шофер машинани Қува марказида бир дам тўхтатиб сув қуйиб олди-ю, Асака тарафга елдек учиб кетди. Умматали шофер олдида ўтириб йўлни томоша қилиб борар, хотини орқа ўриндиқда тугунларини ёнига қўйганича мудраб борарди. Ҳаво қизиган, қора машина кузови баттар қизиб, уни лоҳас қиларди. Хотин кечаси билан ухламай, боласининг кийимларини қайта дазмоллаб, саҳар туриб нон ёпиб анча ҳолдан тойган. Уни уйқу элтди. Андижон шаҳрини оралаб Қўшариқ гузарига яқин қолганда машина икки отлиқ йигитга сигнал бериб ўтди. Отлиқлар сигнал товушидан эгарда туриб орқага ўгирилишди. Уларнинг бетини кўрдию Умматалининг юраги орқасига тортиб кетди. Отлиқларнинг бири Акбарали, бири маргилонлик куёв эди. Шофер ялт этиб Умматалига қаради. Умматали хотиним сезмасин деб бармоғини лабига босди.

Ҳозиргина кўнглини чоғ қилган дала манзаралари, йўл-йўлакай учраган шинам гузарлар энди кўз олдидан қочди. Акбаралининг ғазабли қиёфаси тўғрисида келиб туриб олди.

— Нима қилиб юрипти? Тўйдан кейин кўчага ҳам

чиқмай уйда чиллага ўтиргандек яккаланиб қолганди-жу. Кеча айтган ниятини амалга оширгани келяпти, қасос олгани келяпти у.

Умматалининг юраги шиф этиб кетди. Шофёр моторга газ бериб машинани яна илдамлатди. Куйганёр кўприги олдига келганда шофёр тормоз бериб қўй етаклаган кишидан еттинчи участка қай тарафдалигини сўради. У Луғумбек йўлини кўрсатди.

Товар вагонлари шундоққина Куйганёр билан Пойтуқ йўлида тўхтаган, ундан қоп-қоп цемент, темир-терсаклар тушириларди. Машина ўтиши учун йўл йўқ. Фақат пнедалар вагон тагларидан мункайиб ўтиб туришипти. Отлиқлар, эшак минганлар состав охиридан айланиб ўтиш-япти.

Умматали бетоқатлана бошлади. Шлагбаумнинг икки тарафида от-арава, юккаш машиналар тўлиб кетган, улар тинмай сигнал бериб отларни ҳуркитишарди. Паровоз машинисти бепарво, кабина деразасига тирсагини қўйиб бемалол папирос тутатарди. Вагонларда бўлса ҳали юк кўп. Бир-икки соатсиз уларни тушириб бўлмасли. Шофёр ластга тушиб у ёқ-бу ёққа ўтиб турган йўловчилардан, Луғумбекка бошқа йўл бор-йўқлигини сўради. Унга Майгир орқали ўтса бўлади, аммо сал олисроқ деб айтишди.

— Жон болам, ўшақдан юр. Тезроқ борайлик кўнглимга ёмон хаёллар келяпти.

Шофёр машинани орқага қайтариш мушкуллигини айтди. Чунки унинг орқасидан қанчалаб машинаю аралар тирбанд бўлиб кетган эди.

— Бир бало қил, болам. Отанг ўргилсин, бир амалла.

Тоғанинг шофёри анчагина иш кўрган, кўпдан бери ҳар хил машиналарни миниб пишиб қолган эди. У кўп уриниб барибир эпллмади. Машинани қайтариш ниҳоятда мушкул эди.

Араваси темир йўлнинг нариёғида қолган тўрт йигит тарвузларни бериги тарафга қопда ташиб ўтишаётиди. Ҳар йигитларки, елкасида тўрттадан киши ўтирса бўлади. Шофёр чаккасини қашиб туриб улар қопларини бўшатиб яна тарвуз олиб ўтишга кетишаётганда йўлларини тўсди.

— Жон акалар, битта савобли иш қилинлар. Бешовимиз бўлиб шу машинани орқага қаратиб қўяйлик.

Йигитлардан бири, пакана, калладори ҳайрон бўлиб бир шофер болага, бир машинага қаради. Кейин кулиб,

қани бир кўрайлик-чи, дедю қопини четга отиб, шерикларини йўлдан қайтарди. Ҳзи «эмка»нинг орқасига ўтиб тагига қўл суқди. Кўтаришга уриниб бир кучаниб кўрди. Машина ярим қаричча ўрнидан кўтарилди

— Бўлади. Бешовлон бемалол бурворамиз. Қелинлар, акахонлар!

Йигитлар баробар ёпишишди. Машина аста кўтарилди. Кейин чап томонга бурилиб сал ўтмай очиқ йўлга чиқиб қолди. Йигитлардан бири яктагидаги чапни қоқаркан, шерикларини эрмак қилгандек гапирди.

— Сенлар ҳам полвонман деб юрибсанлар-да. Агар Эш полвонни қулатган Азизхон бўлганда, битта ўзи буни беш метрга отворарди.

Бу гапни Умматали ҳам, шофер бола ҳам эшитди. Иккови бир-бирига маъноли қараб қўйишди.

Шофёр йигитларга астойдил раҳмат айтиб, йўлни Сиза ариғи ёқалаб Майгир томонига бурди.

Йўл-йўлакай канал қазилга келган кишиларнинг чодирлари, ошхоналар, кетмон, белкуракларни пешлайдиган кўчма устахоналар учраб турарди. Умматали ўғлининг ташвиши билан бўлиб каналда шунчалик катта ишлар бўлаётганини хаёлига келтирмаган экан. Айниқса Кўйганёрдап чиқаверишдаги катта раво топасида ўғлининг суратини кўриб энтикди.

Яхлит чойшабга жигар ранг бўёқ билан Азизхоннинг сурати ишланган бўлиб, тагига «Дўсмаатовчи Азиз полвонга тенглашинг!» деган чақирик ёзилган эди. Умматалининг кўзлари яшнаб кетди. Хотинига қаради. Кампир машинанинг орқа ойинасида ҳамон суратга қараб келарди.

Буни қаранг-а, шўх, ерга урса осмонга сапчийдиган, бебош боласи бугун юртнинг оғзига тушибди.

Машина паст-баланд йўлларда сакраб-сакраб эски Ҳаққулободга етмай ўннга бурилди. Бу ердан Майгир машинада тахминан ярим соатли йўл эди. Туячи қишлоғига етай деганларида яна бояги икки отликнинг йўлини кесиб ўтишди. Машина жадал юрганидан отлиқлар чанг-тўзон ичида қолиб кетди.

Эшон қишлоқ, Оқмозор, Қорёғди қишлоқларнинг йўллари ниҳоятда серқатнов эди. От-аравалар типимсиз ўтиб турипти. Минглаб кишилар яланғоч бўлиб кетмон чопишар, замбилларда, қопларда юқорига тупроқ билан интилардилар.

Шофёр машинани «Қорёғди мазор» қишлоғининг гузаридида тўхтатди. Чунки у ёнга машина бориши мушкул эди.

— Сизларни шу ерда кутаман. Бемалол бориб гаплашиб келавринглар. Раис кечгача рухсат берган. Қоронғи тушмай орқага қайтсак бўлгани. Мен ҳам бир томоша қилиб келаман, — дея орқа эшикни кампирга очиб берди шофёр.

Эр-хотин тугун кўтариб Азизхонни қидириб дўнглاردан, тупроқ уюмларидан ошиб кетишди.

Кун пешинга оғиб, қуёш тиккага келган пайт. Бундай пайтда Луғумбек тарафларда ҳаво ниҳоятда дим бўлади. Айниқса пастдан юқорига отилган тупроқлар тўзони ҳавода муаллақ туриб қолаётганга ўхшар, одам одамни овозидан тусмоллаб танир эди.

Умматали кимдан Азизхонни сўраса, ҳали юрасиз, деб юқори тарафни кўрсатарди. Шуниси ажабланарлики, Умматали кимдан ўғлини сўраса, у ким, деб ўтирмай дарров қаердалигини айтади. Ота учун бундан қувончли нарса борми. Беш-олти минг одам ишлаётган, унинг устига водийнинг ҳар бурчидан келган, бир-бирини танимайдиган кишилар гап унинг оғзидан чиқмаёқ, э Азизхонни, полвон болами, палон жойда деб айтади.

Эр-хотин юриб-юриб чарчашди. Кампирнинг маҳси-кавуши тупроққа тўлди. Умматалининг тердан ҳўл бўлган яктагининг елкалари чангдан лойга айланиб кетди.

— Сен чарчадинг, хотин, манави тол тағида ўтириб тур, мен ўглингни топиб келай.

Умматали хотинининг оёқ олишига қараб юрадиган бўлса отлиқ келаётган Акбарали ундан олдин Азизхонни топади, унга бирон шикаст етказадиган бўлиб туюларди. Аксига олиб хотини, вой, нега чарчайман, юравераман, деб унга эргашди. Акбарали келаётганини унга айтгани йўқ. Айтса ҳушидан кетиб қолиши ҳеч гапмас. Нимжон нарса, юраги ёмон.

Елкасига иккита каттакон сумка осган йигит улар олдидан пилдираб қолди. У кўтарган сумка ичи газетага тўла эди.

— Болам, Азизхон полвон ишлайдиган жойни кўрсатиб қўймайсанми? — деди Умматали ялингандек.

Йигит тўхтади. Унга бошдан-оёқ қараб кўзларини пирпиратди.

— Отахоп, сиз Азиз полвоннинг дадасимисиз? Дарров танидим. Юринг, кўрсатиб қўй.

Йигит улар олдида пилдираб бораркан, тинмай Азизхон қилаётган ишлардан сўзлаб борарди:

— Кечаги газитни кўрдингларми? Ғафур Ғулом ёзган. Роса мақтабди. Рустам дoston депти. Бугун Азизхонни сўрамаган, суриштирмаган одам йўқ десам бўлади. Ҳозир Эшон қишлоқда ҳам у кишини икки отлик сўради. Башарасидан бу ернинг одамига ўхшамайди. Узоқдан келгани шундоққина биллиб турипти.

Умматалининг юраги шув этди. Оёқлари чалишиб кетай деди.

Бундан чиқди Акбарали атайлаб уни излаб келяпти. Унинг нияти бузуқ.

— Тезроқ юр, тезроқ. Тезроқ боламнинг олдига олиб бор. Жон болам, қадамнинг илдамроқ ташла.

— Шундоғам етолмаяпсиз-ку, отахон.

— Юравер, югур. Етиб оламан.

Умматали хотинини орқада қолдириб, тупроқларни ўзиги, гандираклаб, телбадек каловлаб почтачи бола кетидан ошиқарди.

IV

Почтачи йигит Умматалини «Оқ мактаб» олдида янги пайдо бўлган тупроқ дўнги тепасига олиб чиқди.

Пастда полвонлар тупроқ ташишар, терлаган елкалари офтобда ялтирар, тўзонлар орасида ғойиб бўлиб, яна йилт этиб кўриниб қолишарди.

— Мана шу ерда бирпас кутиб туринг, отахон, ўглингиз ҳу анави тахта устидан юриб шу тарафга чиқади. Мана шу турган тупроқ уюмини ўглингиз олиб чиққан.

Умматали оёқ остига қаради. У икки том бўйи тупроқ уюми устида турарди. Шу тупроқни ўгли эрталабдан бери ташиб чиқарган эди. У ҳайратдан ёқасини ушлади.

Тахминан ўн беш метр чуқурликда, тўзонлар орасидан бир йигит елкасида қанор билан тахта пиллапояни шошилмай босиб, юқорига интила бошлади.

— Ана шу Азиз полвон бўлади.

Умматали пастга қаради. Дўннга қия қўйилган тахта лапанглар, ўзидан икки-уч баробар катта ушоқ кўтарган чумолидек бўлиб ўгли юқорига шошилмай чиқиб келарди.

У' букчайиб олганидан башараси кўринмас, фақат қа-
ворнинг тагидан тескари узатилган қўли, тахтага зарб
билан тушаётган оёғинини кўринарди. «Яхшиям онаси
орқада қолиб кетди, агар боласини шу алпозда кўрса,
билмадим, қай аҳволга тушарди», деб дилдан ўтказди
Умматали.

— Азиз полвон шунақа дўнгдан еттитасини тиклаб
қўйди. Битта ўзи ўн йигитнинг ишини қиляпти.

Шу пайт Азизхон келаётган тахтани босиб, бет-кўзи-
ни тупроқ босган икки йигит илжайиб чиқиб кела бош-
лади.

— Қирғиз болалар, Азиз полвончинг ўртоқлари. Азиз
полвон қанордаги қопни дўнгга тўкиб тушгунча янгисини
қанорга жойлаб турадиган шулар.

Бу пайт Азизхон елкада қанор билан дўнг тепасига
етиб қолганди. У оёқ ташлаётган тахтадан бошқа ёққа
қарамасди. Умматали овоз чиқарай, деб бир-икки оғиз
жуфтлади-ю, яна ниятидан қайтди. Боласи унга қарай-
ман деб оёғи тойиб кетса, пастликка қулаши ё бўлмаса
тупроқ тўла қанор тагида қолиши мумкин. Шунинг учун
ҳам Умматали дамнини ичига ютиб, қимир этмай тура-
верди.

Азизхон дўнг тепасига чиқиб бир силкинишда орқаси-
даги қанорни ёнбошига отди. Қанор тушган жойда туп-
роқ кўкка сапчиди. Кейин у қанорнинг таг тарафидан
юқорига кўтариб, ичида қолганни тўка бошлади.

Азизхон бўшаган қанорни силкиб, тўзгиган чангдан
ўзини орқага оларкан, бирдан дадасига кўзи тушди. Бу
тасодифий учрашувдан эсанкираган Азизхон кўзларини
пирпиратиб бир муддат туриб қолди. Умматалининг юра-
ги туз сепгандек ачишди. Боласи озиб, қорайиб, кўзлари
ҳам киртайиб, ич-ичига кириб кетганга ўхшарди.

— Дада, сизмисиз? — деди Азизхон.

— Менман, менман, болам.

Умматали шундай деб боласи тарафга интилди. Тизза-
сигача тупроққа ботиб бир ёнбошига қийшайиб қолди.
Азизхон уни қўлидан тортиб чиқазаркан, зап кепсиз-да,
дада, зап кепсиз-да. Аям яхши юриптимни, қишлоқ тинчми,
деб тинмай жаврарди.

— Мени кечирасизлар-да, дада, бир шўхлик қилдим.
Хафа бўлмайсизлар-да.

Умматали бир сўз айтолмай, ўғлини бағрига босгани-
ча лой бўлиб кетган елкаларидан силарди.

— Аянг ҳам шатта, болам. Ҳозир етиб келади. Орқада қолиб кетди. Манави дўннга чиқолмай пастда қолган.

Азизхон тахта пиллапоядан чиқиб келган икки йингитга қаради.

— Овқатни ўзларинг еяверинглар. Мен ҳозир... — деганича «Оқ мактаб» тарафга тупроқларни тўзғитиб тушиб кетди.

— Ҳа, бўйшигинанг узилмагур-а, шўх, жуда шўх, боласи тушмагур...

Умматали орқасидан шундай деб жавраб борарди.

Луғумбекда иккита мактаб бўлиб, биттаси эски бинода машгулот ўтказарди. Бундан икки йил олдин қишлоқ совети колхозлар ёрдамида янги бир қаватли етти йиллик мактаб қурган эди. Бу тарафларда уй оқлаш одат бўлмаганидан янги мактаб оққа бўялгандан кейин, халқ уни «Оқ мактаб» деб атай бошлаганди.

Умматалининг хотини тупроқ уюмларидан, паст-баландликлардан, иссиқда юрганидан чарчаб, мадори қолмаганди. «Оқ мактаб»нинг соя тарафида ўтириб эрини кутарди.

Одамлар орасини ёриб югуриб келаётган ўглини кўриб кампир ўрпидан турди. Шунча йўлдан авайлаб олиб келган туғушларини тупроққа поп этиб ташлаб ўғлининг истиқболига югурди. Бошидан рўмоли тушди. Сийраклашиб арабг биттагина ингичка ўримга ярайдиган бўлиб қолган сочига таққан сўлкавой югурганида у биқини билан бу биқини орасида арғимчоқ учиб борарди.

Она боласини бағрига босди. Терлаб, тупроққа қоришган юзларидан тинмай ўпар, йиғлар эди.

— Оҳ, болагинам, болагинам.

— Йиғламанг-да, аяжон, мана, юрипман-ку. Менга жин ҳам урмайди.

Она ҳамон уни бағридан қўйиб юбормас, пешаналаридан силар, юз-кўзларидан тинмай ўпарди.

— Ранги-рўйингни қара, сенга нима бўлди, болам, Вой-бў, кийим-бошларинг ҳам жулдур бўлиб кетибди. Нима еб, нима ичиб юрибсан, тентаккинам. Менгинани куйдириб шақларда юрибман дегин.

Шу пайт Умматали етиб келди.

— Қўй энди, онаси, дамини олсин, ишлаб турган жойидан чақриб келяпман.

— Вой, шошманг, дийдоргинасига бир тўйволай.

Кампир бирдан лабларини чўччайтирди. Қошлари чмирилди.

— Менга қара, аҳмоқ. Бу нима қилганинг. Бировнинг пардадаги қизини қаёқларга обориб ташладинг? Қани у? Ё сен опқочмаганмидинг? Ёмонлар ўлсин, ёмонгиналар ўлсин. Лутфинисани сен опқочган гумон қилиб не-не заматларни қилишмади. Кўрдингизми, дадаси, боламда гуноҳ йўқ экан. Қизни опқочган бошқа экан-ку! — Кампир ўз гапига ўзи ишонмай қолиб, яна ўғлига журъатсиз бир қараб олди.— Ё ўзингмидинг? Ростини айт. Сен опқочмагансан-а?

Азизхон сувсизликдан қуриб шилдираб қолган кўкат учидан чўп синдириб ерга ниманидир чизаркан, хижолатли овоз билан деди:

— Мен эдим, ая. Мен эдим.

Умматали боласини хижолатликдан чиқариш учун гапни бўлишга уринарди:

— Болам, юборган пулингни олдик. Раисга учрашган эдим, машина берди. Бориб кўриб келинглар, ундан гинамиз йўқ, хижолат чекмай, бемалол ишини қилаверсин, деб айтди.

— Шундоқ деди, болам. Асти хижолат чекма. Айтганча, Лутфиниса қаёқда?

— Шатта. Шатта ишлаб юрибти.

Кампир бирдан юзларини тимдалади.

— Вой шўрим, никоҳсиз, фотиҳасиз-а?

Азизхон ердан бош кўтармай жавоб қилди:

— Мунча ваҳима қиласиз, ая ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ-ку. Наҳотки сизларсиз мен уйлансам. Сизлар фогиҳа бермасанглар асло уйланмайман.

Умматалининг назарида ўғли анча эсли, мулоҳазали бўлиб қолгандек эди. Мусофирчилик, яккалик унга таъсир қилган, эсини киритган, деб ўйларди у.

— Болам, сенга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор. Холироқ жойда гаплашайлик. Онаси, сен шофер боланинг олдига бориб дамингни олиб турсанг, ўғлинг билан бир-икки оғиз гаплашиб олардим.

— Мендан яширадиган қанақа гапинглар бор? Гапираверинг. Менам эшитай.

Умматални чаккасини қашиди.

— Эркаклар гаплашадиган гап. Сен боравер. Ўша ерда бирга овқатланамиз. Азизхоннинг ўзи бизни кузатиб кўяди.

Кампир шу пайтгача эрининг бир гапини икки қилма-
ганди. Бу гал ҳам, хўп, деб ўрнидан турди. Тупроққа бе-
ланган тугуни олиб тозалади.

— Этигингни, кўйлақларингни олиб келгандим. Унда
кейин патир, сомса ёпиб келганман. Уртоқларнинг билан
баҳам кўрарсан, деб.

— Бўпти, бўпти, бораверсанг-чи, энди. Мен мунча
диққат қиласан, онаси. Улдирдинг-ку!

Эрининг бирдан тажанглиги тутганидан хотин ҳай-
рон эди. «Бирдаига тугақиб қолди-я!» Кампир инда-
май ўрнидан турдию дўнг соя ташлаган йўлга қараб
кетди.

Умматали орқасидан, шофёрга айт, чой-пой тайёрлаб
турсин, деб қолди.

Умматали яхшилаб ўрнашиб ўтириб олгандан кейин
ўғлига қовоғини солиб таънали қаради.

— Эсинг кирмади, сен аҳмоқининг. Бошимизни ба-
лога қўйиб, ўзинг бу ёқларда тупроққа қоришиб юрибсан.
Иш чатоқ, болам. Бу ердан кетмасанг бўлмайди. Шу
бугун, ҳозирнинг ўзида кўрпангни кўтар. Кетини
керак.

— Нега энди? — деди Азизхон ажабланиб. — Бу ерга
қочини учун келмаганман. Ишлаб, шатган одам бўлиб
кетаман, деб аҳд қилиб қўйганман.

— Орқангдан фалокат эргашиб юрибди. Акбарали
қасос оламан деб, қасам ичган. Пичоқ чархлаб сени пой-
лаб юрипти. Атайин, онанг ваҳимага тушмасин, деб ол-
дида айтмадим. Ҳозир йўлда келатуриб Акбарали куёви
билан отлиқ, шу тарафга келаётганини кўрдим. Почтачи
боладан сени суриштирибди. Акбарали ориятли одам!
Қасд олмай қўймайди. Кет бу ердан, жон болам. Ахир
сен пешанамда биттагинамансан. Бирон кор-қол бўлса
онанг ҳам, мен ҳам адои тамом бўламиз.

Азизхон сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Бошга тушганини кўз кўради. Мен у ўйлаган
анойилардан эмасман. Мард бўлса майдонга чиқсин.

— Э болам-э, э болам-э, мард бўлса аллақачон май-
донга чиқмасмиди. У аламзада хилватда пичоқ қайраб
юрипти, ўчакишиб бўлмайди. Эҳтиёт яхши, болам.

Азизхонга бу гаплар заррача ҳам таъсир қилмади.

— Сиз хотиржам бўлаверинг, дада. Қўлидан ҳеми-
рилиқ иш келмайди. Бунақаларни кўпини кўрганман.
Яқинда биттасининг додини бериб қўйдим.

— Ҳали бу тарафларда ҳам иш кўрсатиб юрибман, дегин. Нима қиласан ўзингга душман ортдириб. Бир кун пайингни қирқади, улар.

Азизхон бепарво қўл силтади.

— Ташвиш қилманг, қўяверинг.

Боласининг бу гўдакларча гапларни отасини баттар ташвишга солди.

— Ахир Акбарали чув тушган куёви билан йўлинг-ни пойлаб юрипти. Ахир кечасини, овлоқроқ жойдами панд бериб қўйиши мумкин-ку, нега гушунмайсан, аҳ-моқ.

Азизхон дадасининг бетига қараб илжайганча тура-верди. Умматали баттар тутақди. Аммо унга таъсир қи-ладиган биронта ҳам гап тополмади. Алам устида унинг бетига битта шاپалоқ туширди.

Ўғил болани уриш гуноҳ деб биладиган Умматали бу гал ўзини тутолмади. Азизхон киприк ҳам қоқмади. Ша-палоқдан олдин қандай илжайиб турган бўлса ўшандай тураверди. Умматали худди кулиб турган ҳайкал бетига шاپалоқ ургандек, унда бирон ўзгариш сезмади.

Азизхоннинг бетидан кулги қочди. Жиддийлашди.

— Уриб бўлдингизми? Ё, яна урасизми? Урадиган бўлсангиз уриб олинг. Ундан кейин гапимни айтай.

— Э, сенга садқайи калтак кетсин. Калтак билан одам бўладиган бўлсанг, гаврон билан урардим. ¹Барибир фойдаси йўқ.

Азизхон бу хил гапларни дадасидан кўп эшитган. Яй-раб кулди.

— Юр, аянгни олдига борайлик. Тезда қайтиб кетишимиз керак. Раиснинг биздан бошқа ҳам ташвиши кўп. Машина зарур бўлиб қолса, хижолатли иш бўлма-син. Бечоранинг бир оёғи Найманда, бир оёғи далада.

Азизхон тугунларни орқалаб олдинга тушиб йўл бош-лади.

— Сизларни бир меҳмон қилай, десам, кутадиган жо-йим ҳам йўқ. Битта чодирда тўрт киши турамиз.

— Бу гапларни қўй, меҳмонга келганимиз йўқ. Лут-финисани чақириб кел, соғ-саломатлигини ўз кўзимиз билан кўриб кетайлик.

— Лутфиниса узоқда. Ҳозир уни топиб бўлмайди. Кечқурун келади. Бугун кечқурун келмаслиги ҳам мум-кин. Қўшариқлик бир онахонимизнинг уйига бориб бош ювиб, кир чайқаб келмоқчи эди.

Умматали, шунақа дегини-а, дедию индамай кетаверди. У ўгли орқасидан бораркан, йўл-йўлакай учраган кишиларнинг унга салом бериши, орқасидан, «ана Эшни урган полвон, ана, ўзидан етти баравар огир юк кўтарадиган», деб ҳавас билан қараб қолаётган кишиларни кўриб, ўглининг қуйиб қўйгандек гавдасига қарар, кўз тегмасин илойим сенга, деб пичирлар, бир зумда яна аллақандай қора ўйлар гирдобига чулғаниб, антикарди.

«Октябрь ариғи» устига ўрнатилган ўнлаб чойхона, ошхоналарда одам қайнар, ашула, қарсак товушлари қулоқни қоматга келтирарди. Чойхоналардаги хўрандалар, чойхўрлар Азизхонга ўгирилиб қарашар, бир-бирларини туртиб упи кўрсатишарди.

Азизхон бўлса қўлида тугун билан гавдасини гоз тутиб улар олдидан ўтиб борарди.

V

Азизхон арқон каравотда у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб ухлаёлмади. У билан ёнма-ён ётган шериклари Теңгдиқ билан Бейшенали аллақачон донг қотишган. Азизхоннинг кўз олдидан онаси кетмасди. Шу ўтган йигирма тўрт кун ичида сўлиб, кичкинагина бўлиб қопти. Бечора.

Азизхон онасини ҳам, дадасини ҳам кўп қийнади. Дилига аллақанча озор етказди. Ёлғиз болам, деб уни койишмади. Шу алфозда Азизхон кап-катта йиғит бўлди. Бирон кун на дадаси, на онаси уйда хотиржам, яйраб ўтирганини биледи. Қилғилиқни у қиларди-ю азобини дадаси билан онаси тортишарди.

«Дадам бекорга ташвиш тортипти, — деб ўйларди Азизхон. — Ахир мен ўзимни ўзим биламан-ку. Душманларда ҳам еб қараб ўтирмайман-ку. Аммо бу гапни аям эшитса борми, кетмай тўшагимнинг бошида ўтириб чиқарди».

Азизхон тамоман уйқуси қочиб ўрнидан турди. Яланг оёқ чодирдан чиқди. Одамларнинг шовқини-суронлари эшитилиб турипти. Бутун канал трассаси бўйлаб сонсиз машъалалар ёқилган, кун билан дамнини олган қурувчиларнинг кечки сменаси ер қазирди.

Азизхон ўзи кундузи ташиб чиқазган тупроқ уюми устида чўнқайиб ўтириб олди. Пастликда чумолдек уймаланишаётган каналчиларнинг ишларини кузатиб ўтираркан, хаёли яна онаси билан дадасига кетди.

У каналга келиб юрт оғзига тушиб қолганиданми, катта-кичик унга алоҳида ҳурмат билан муомала қилганиданми, ё атоқли шоир у тўғрида каттакон очерк ёзиб, республикага овоза қилганиданми, ҳар қалай энди анча босиқ бўлиб қолган, шу пайтгача қилган ишларини эслаганда ўзидаги ўзи хижолағ тортарди.

Шунинг учун ҳам дадаси билан аясига етказган озорлари эсига тушиб, юрагини ўртади. Атрофда машъалалар порлаб турган, ойнинг ярим ўроғи Арслонбоб чўққилари устида жим қотган кечада дилига ширин ниятлар тугиб қўйди. Албатта аяси билан дадасини бошига кўтармоқчи, эл-юрт олдида ҳурматини жойига қўймоқчи. Улар шундоқ ўғил боққанларидан фахрланадилар. Ҳамма уларни дастурхоннинг тўрига ўтқазади. Фалончининг дадаси, фалончининг онаси, деб орқаларидан қараб қолади.

Дадаси билан аяси қариб қолишибди. Қолган умрларини ундаи рози бўлиб ўтказишсин, энди...

Пастдан ташиб чиқарилган тупроқ деразасигача кўтарилган новвойхонанинг мўрисида аланга лоп-лоп кўтарилар, ожиз учқунлари ним қоронғи осмонда биринкетин сўнарни.

Азизхон тандирдан узилган нон нсидан тамшаниб ичкарига бош суқди. Иякларини, қошларини қийиқ билан танғиб олган егги новвой худди қудуққа шўнғигандек тандир тўла олов ичига бош суқиб лоладек қип-қизил нонларни узиб устига сув сепар, оппоқ чойшаб ёзилган сўри устига беозор отарди.

Эшнк олдига қўйилган табуреткада майқачан бўлиб ўтириб олган Эшон ака қайноқ кўк чойни пуфлаб-пуфлаб ичарди. У новвой сўрига ташлаган нонлардан бирини қўлнга олиб у ёқ-бу ёгини қараркан, кўзи ташқаридан мўралаётган Азизхонга тушди.

— Ия, полвон бола, нима қилиб ухламай довдираб юрибсан?

— Уйқум қочиб салқинда айланиб юрган эдим.

Азизхон нон ташланаётган сўри четидан чойшабни қайириб омонатгина ўтирди.

— Бола, сен тўйиб ухлашинг керак. Кечқурун штабга борган эдим. Сен тўғрингда зўр гаплар бўлди. Индинга ўн кунликнинг якуни бўлади. Дўнан полвонга от миндиришади. Сенга ҳам катта мукофот мўлжаллаб туришти. От бўлмаса ҳам той миндиришса ажаб эмас.

Эртага каная газетасида Эш полвоннинг чақириғи чиқади. Сени мусобақага чақирипти. Қалай, беллаша оласанми?

Избоскан райижрокомининг ранси Бузрук Усмонхўжаев ҳамма ерда ҳозир-нозир, обрў-эътиборли одам.

Азизхон кулиб чаккасни қашиди.

— Бир уриниб кўрамиз-да, Эшон ака. Нотавон кўнгил, мен билан беллашгиси келаётган бўлса, майли. Эш ака кучаниб кўрсин. Узиб кетса, шундоқ қилиб қўлни кўксимизга қўямизу, қойилмиз, ака, деймиз.

— Бу гапнинг дуруст,— деди Эшон ака иссиқ нонни ушатиб унинг олдига қўяркан.— Бу мард одамнинг гапи.

Эшон ака шундай деб шимининг «ўғри чўнтагидан» ён соатини олиб қаради.

— Э-ҳа, иккидан ошибди. Манави чойни ич-да, бориб ёт. Мен қассобларни уйғотай.— Эшон ака новвойларнинг кексароғига қаради.— Зувалани каттароқ олинглар, бу нима, шапарак қиворибсизлар. Тишлаганда лунж шишиб чиқадиган бўлсин.

У қайноғи сал қайтган нонлардан ўнгасини орқайўнгига қараб қийиққа тугди-да, хайрлашмай чиқиб кетди.

— Эшон ака зап валломат, ҳаммабоп киши-да. Қаёқдаги тутилмаган гапларни топиб гапирди. Боядан берн ёшлигида бир лўли қизга ишқи тушиб Риштондан Уратепагача хуржун орқалаб пиёда борганини айтиб, ичагимизни узвораи деди.

Азизхон бир бурда иссиқ нон устидан чой хўплаб ўрнидан турди.

— Мен борай. Эртага иш зўр бўладиганга ўхшайди. Эш ака мусобақага чақирган бўлса уятли бўлиб қолмай.

У чодирга кирганда қирғиз оғайниларидан бири чойшабни елкасига солиб ўтириб олган, тинмай қашнарди.

— Қаёқда юрган эдингиз, ака,— деди у ташвишланиб.

— Бир айланиб келдим. Ёт, ётиб ухла! Эртага нормани бугунгидан икки баробар оширамиз.

Бейшенали пўнғиллаб пўнғиллаб бошига чойшаб тортиб ётиб олди. Азизхон бошқа ҳеч нарсани ўйла-

Масликка аҳд қилиб ечиниб ётди. Боши ёстиққа тегмай пиш-пиш ухлади-қолди

Эрталаб тонг ёришиши билан ҳамма ёқ шовқин-сурон бўлиб кетади. Ҳеч ким туринглар, деб одамларни уйготмайди. Шовқиндан ўзлари уйғонишади. То нонуштагача ким нима иш қилади, қаерда ишлайди — прораблар, десятниклар тайёр қилиб қўйишади.

Айниқса комсомол бригадалари то нонуштагача бир, бир ярим норма ишлаб, кейин чойхонага келишади. Тошкентдан қурилиш техникуми, темир йўл институтидан келган десятник болалар қизлар билан то ярим кечасигача ҳиринглашиб, яна азонлаб ишга чиқиб кетавришади.

Барвақт турган Азизхон Тенгдик ва Бейшеналини уйғотиб аяси олиб келган патир, сомса, банкадаги асални ўртага қўйиб нонушта қилишди. Қирғиз йиғитлари хурсанд бўлиб, мақтаб-мақтаб дастурхонга фотиҳа ўқишди.

— Гап бундоқ,— деди Азизхон.— Билиб қўйинглар, иш зўр бўлади. Аммо лекин биринг демайсишлар. Қанорни учта қиламиз. То мен қанорни тўкиб келгунимча бошқаси тўлиб туриши керак.

— Жонинг темирданми? Иккита қанор етади.

— Йўқ,— деди қатъий қилиб Азизхон.— Учта, вассалом! Тупроқни сенлар қазимайсанлар, Жўравой ака икки йиғит беради. Улар қазиб туради, сенлар қанорга солиб менга орқалатаверасанлар.

Ака-ука қирғиз йиғитлар бир-бирларига ажабланиб қараб олишди. Уларнинг бу қарашларида ҳам ҳайрат, ҳам ҳавас бор эди.

Учовлари тепадан ошиб трассага келганларида Жўра полвон тахтадан қўлбола қилиб ясалган метр билан қазиладиган жойни ўлчаб йиғитларга кўрсатиб турган эди.

— Қелдиларингми? Манави ердан, манави ергача сенларга.

— Сал қўшинг, устоз. Яна икки йиғитни бизга берингу, яна шунча ер қўшинг.

— Бола, майиб бўлмоқчимисан. Шу етади, бас!

— Йўқ,— деди Азизхон.— Ҳали кўрарсиз, Тешавой ака ишимизни кўргани келади. Эш ака мусобақага чақиритти. Бугунги газетада чиққан бўлиши керак, кечаси Эшон ака шундоқ деб қолдилар.

— Шу Эшга ҳам ҳайронман-да. Ўнқилган курашга тўймас, дегандек, пима қилади сен билан беллашиб. Хўп, майли, сен айтганча бўлсин. Аммо ўзингга эҳтиёт бўл, бола. Каналдан кейин ҳам яшашинг керак.

Жўра полвон газ чўп билан ерни ўлчаб, охирига қо-зиқ қоқиб қўйдн. Кейин ерга ўтириб олиб этигини еча-ётган йиғитга қаради.

— Азизхон билан ишлайсан. Ўзингга яна битта ше-рик топ. Сенлар ер қазийсанлар, қирғиз болалар қанорлаб туради. Азизхон тенага ошчиқиб тўкади. Бўл-димми?

— Бўпти, ака, полвон бола билан ишласак ишлаб-миз-да, шу баҳона бизнинг ҳам суратимиз газетада чи-қиб қолсин.

Жўра полвон бригадасига андижонлик полвонларни танлаб олган эди. Аммо биронтаси Азизхонга етолмас, унинг соясида қолиб кетарди.

У ёқда, Учқўрғонда эса Дўнан полвон ҳеч кимни олдига туширмай, кунлик нормасини етти юз процентдан ошириб бажарарди. Бундан Эш полвон жипзғинак бўларди.

Дўнан полвондан ўзишдан умидини узган Эш пол-вон Азизхон билан беллашмоқчи бўлди.

Бутун, икки юз етмиш километрлик канал трассаси-да уч кишининг — Дўнан полвон, Азиз полвон, Эш пол-вонларнинг номи оғиздан тушмасди. Газета деярли ҳар кунги сониде шу уч полвоннинг қазиган, чиқазган туп-роғи қанча бўлганини хабар қилар, агитаторлар суҳбат-нинг бошида уларнинг номларини тилга оларди.

Азизхон икки марта Дўнан полвон ишлаётган участ-кага бориб ишини кўриб келди. Зўр. Жуда зўр иш қил-япти Дўнан полвон. Азизхон аввал уни кўрмай, кучини чамаламай туриб, Дўнан полвон нима бўпти, ундан ўтиб кетаман, деб ўйлаган эди. Ишини кўрдию бу гапни ўйла-май айтганини билди. Дарҳақиқат, Азизхон Дўнан пол-вонга тенг келолмасди. Балки кураш тушса уни йиқитар, аммо Дўнан полвон унчалик оғир юк кўтаролмас. Чунки у ер қазининг тилини билиб олган, режани тўғри олиши, ўзини койитмай бир меъёрда кетмон уриши бошқа киши-нинг қўлидан келмасди. Чунки Дўнан полвон Логон ка-налида ишлаб чиниққан эди.

Майли, ҳар ким ўз қўлидан келган ишни қилади, Азизхон ўзини юпатиш учун баҳона топди. Дўнан пол-

вон кўп тупроқ қазишда бирпичи. Аммо лекин тупроқни кўп кўтаришда у Азизхондан ўтиб бўпти.

Ҳар қандай кишида ҳам ғурур бўлади. Айниқса полвон кишининг ғурури бошқача. Азизхон ҳам ана шу хислатдан бебаҳра эмасди. У биронта полвонни олдинга ўтказмасликка қасд қилди. Мард бўлса, қани ўтиб кўрсинчи. Агар ўтиб кетгудек бўлса, Азизхон эртасига бугун кўтарган юкнига баробар юк қўшиб кўтарарди...

Иш бошланиб кетди. Тахта пиллапоя қанор тўла тупроқ ташиётган Азизхоннинг қадами зарбидан тинимсиз лапанглар, эгилиб-букилар эди.

Азизхон қанордаги тупроқни дўннга тўкиб қайтаркан, тепалик одамга тўлиб кетганини кўрди. Ҳамма унинг пастдан юқорига чиқишини ажиб бир иштиёқ билан кузатарди. Бу томоша унинг ғайратига яна ғайрат қўшди. Болалик шўхлиги ҳали танидан кетмаган бу ўспиринда яна мақтаншми, томошабинларга ўзини кўрсатишми, ишқилиб, аллақандай гўдаклик ғурури алангаланиб кетди. Қанорни тўлдириб турган Тенгдик билан Бейшеналига илжайиб қаради.

— Анавунисига ҳам тўлдир. Иккитасини орқалата-санлар.

Тенгдик кўзларини катта-катта очиб қаради.

— Жинди-минди бўлдингми.

Азизхон ўзиникини маъқулларди.

— Жилла бўлмаса иккинчисини яримлатиб орқалат.

Ака-ука қирғиз болалар бу ўжарнинг гапини икки қилиш мумкинмаслигини билиб қолшган эди. Ноилож тупроқ тўла қанорни унга орқалатиб, унинг устига яна ярим қанор тупроқни бўйни, боши аралаш орқалатишди. Азизхон турган жойида бир қалқиди. Бейшеналининг юраги орқасига тортиб кетди. Уларнинг бу ҳаракатларини юзлаб канал қазувчилар ташвишланиб кузатиб туришарди. Азизхон оёғи сал-пал титраётганини сизди-ю, аммо сир бой бермай тахта пиллапоя тарафга юра бошлади.

Бир елка қоқиб қанорни ўнглади. Алпон-талпон қадам босиб, пиллапояни белидан ошди. Шунда унинг бошидаги дўпписи сурилиб пешанасига тушди, кейин икки кўзини бекитиб қўйди. Юқорида турганлар баробар оҳ уриб юборишди. Азизхон оёқ тагидаги тахтани кўрмай қолган, сал ножўя, бемўлжал оёқ ташласа йўлдан то-

лиши, пастга қулаши аниқ эди. Шу пайт бирдан ерданми, осмонданми Лутфиниса пайдо бўлди. Пешанасига илиниб қолган дўпписини юлқиб олди.

— Ташла, ташла қанорни! — деди у қичқириб.

Азизхон қанор боши тепасига келиб қолганидан Лутфинисага қараёлмасди. Мункайганича унга қичқирди.

— Қоч, қоч йўлдан!

— Ташла!

Лутфинисанинг овозини атрофда юрагини ҳовучлаб турганларнинг ҳаммаси эшитди.

— Қоч деяпман! — Ичнда, ишқилиб шарманда бўлмай, шарманда бўлмай-да, деб пичирларди. Унинг қийин аҳволда қолганини юқоридагилар ҳам сезиб қолишди. Қулоғига ҳар хил овозлар эшитила бошлади:

— Ташла!

— Ташла, қанорни!

— Майиб бўласан, бола!

Бу гаплар унинг ўжарлигига ўжарлик қўшди. Фурур, орият танига яширинган кучни ташқарига олиб чиқди. Азизхон бир силкинди, гўё бу силкиниш танидаги чарчоқликни тўккандек бўлди. Шаҳдам юриб, тепага чиқди-ла, бир интилиш билан иккала қанорни орқасидан дўннга иргитди. Ҳамма енгил тин олди. Четда Азизхоннинг дўпписини ушлаб Лутфиниса титраб-қақшаб турарди. Унга Азизхоннинг кўзи тушди. Бирдан юзида табассум пайдо бўлди. Унга қараб юра бошлади.

— Келавер, келавер, дадам кетдилар. Бу ёғини боплаймиз.

— Э, бопламай кет. Одамлар бўлмаса, битта шапа-лоқ ердинг.

Азизхон илжайиб унга юзини тутиб берди.

— Майли, ура қол.

Шу топда трассанинг ҳар ер-ҳар еридан кетма-кет жом чалиниб, одамларни тушликка чақира бошлади.

— Юр, энди бир мацца қилиб овқатланамиз.

Икковн ёш боладек бир-бирини қувиб югуришди. Фил кўтаролмайдиган юк кўтариб яна тойчоқдек гижишгаб кетаётган бу йигитга, унга етиб олмоқчи бўлиб талпинаётган қизга одамлар ҳам кулиб, ҳам ажабланиб қарашарди.

Икковн «Оқ мактаб» олдидан ўтишаётганда хотин-халаж бир жойга тўпланиб, тиқилшиб янмадир қилиш-

япган эди. Азизхон нима гап экан деб хогинлар орасига суқилган эди, каттакон чамадонни ўртага қўйиб рўмол согаётган чолни кўрди. Азизхон уни танирди. У чортераклик Иноят оқсоқол деган киши эди. Оқсоқол Заркент, Зириллама тарафларга ҳам ҳар хил буюмлар обориб сотарди. Эшагини сартарошхона олдидаги толга боғлаб қўйиб, елкада хуржун тўла бахмал, атлас, ҳар хил тугма, зирак, балдоқлар билан маҳалла айланарди.

Ҳозир у фанердан ясалган қўлбола чамадонини очиб қўйиб, гўзапўчоқ гижим рўмол сотяпти.

Бирдан Азизхоннинг рўмолдан Лутфинисага олиб бергиси келди. Ёнини ковлаб бор пулини чолнинг олдига ташлади.

— Кам, — деди чол. — Биттаси ўн олти сўмдан. Пулинг ўн беш сўм-ку.

— Бир сўм кам бўлса нима бўпти. Узилиб кетармиз, — деди жаҳли чиқиб Азизхон.

Чол пулни олдига отиб ташлади.

— Бор, гўсхўр йўқ сенга.

Азизхон чолни бир дўппослагиси келди-ю, ўзини босди. У отиб ташлаган пулни олиб чўнтагига тиқди.

— Ҳа, чайқовчи.— У шундай деб хотинлар қуршовидан чиқди-да, индамай Лутфинисани қўлидан ушлаб, пулим чодирда қолганди, қўявер, бозордан яхшисини оламиз, деганча дағдага қилиб кетаверди. «Октябрь ариғи»нинг ўнг қиргоғида шохлари ҳар тарафга тарвақайлаб кетган каттакон ёнгоқ бор эди. Иноят оқсоқол эшагини шу ёнгоққа боғлаб кетган экан. Азизхон эшакка қараб бир нимани ўйлаб қолди.

— Лутфи, сен кетавер, мен ҳозир бораман. Исталавойдан менга ҳам жой олиб тур. Орқангдан етиб бораман.

Лутфиниса индамади. Азизхон бир эшакка, бир ёнгоқнинг баланд шохига қаради...

Иноят оқсоқолнинг бозори чаққон эди. Хотинлар таллашиб-тортишиб рўмол харид қилишар, чол неча пул сўраса савдолашиб ўтирмай, олдига пул ташлашарди.

Хотинларнинг қий-чуви орасидан эшакнинг мунгли ҳанграши эшитилиб қолар, оқсоқол ҳар замон қулоқ тутиб эшакнинг нолишини эшитаркан, ҳаром ўлгур мунақа ҳанграмасди-ку, ё бошқа эшакмикин бу, деб қўяр, қизиган бозорни ташлаб эшакдан хабар олишга қўли тегмасди.

Атрофда бирдан ҳирниг-ҳирниг кулги бўлиб қолди. Ҳамма ёнғоқ шохига қараб тиззасига уриб кулар, қий-қирарди.

— Ҳой, нима бало бўлди? — деб аланглади Иноят оқсоқол.

Бир шўхроқ йигит унга жавоб қилди:

— Оқсоқол ота, эшагингиз сизни обедга чақиряпти.

Оқсоқол чамадонини қўлтиқлаб эшак боғланган томонга югурди. Қараса, эшаги ёнғоқнинг шохига қорнидан осилиб турипти. Кимдир эгарини қорнига тушириб устидан арқон боғлабди-да, ёнғоқ шохига осиб қўйипти. Эшак бўйинини осилтириб, нафаси қисилганидан ғайри табиий товушда чала ҳангарди холос.

Оқсоқол нима қилишини билмай чамадонини қўлтиқлаб, жавраганча у ёқдан-бу ёққа югурарди.

— Бу қайси жувоимаргнинг иши?

Одамлар аскияга олишарди.

— Амаки, эшакни роса ўргатибсиз-ку. Қаранг, ёнғоқ тепасига чиқиб рўмолларингизга харидор чақиряпти.

— Йўқ, унақамас. Бозорчи амаким рўмолларни сотиб бўлгунларича эшак қоровуллик қиляпти. Мелиса келса ҳанграб хабар қиламан, деб чиққан.

Оқсоқол бу гапларга қулоқ солмас, аскияларга парво қилмас, тинмай гўлдираб сўкинар эди

Қилгуликни қилиб қўйган Азизхон одамларга қўшилиб хахолаб куларди.

Азизхоннинг бояғи қанор кўтаришини кинога олган хроника операторлари асбоб-ускуналарини елкага ортиб қайтишаётган эди. Эрмакталаб йигитлардан бири ёнғоқ тепасини кўрсатиб, уларга гап қотди:

— Манави ҳангамани ҳам кинога олиб қўйинглар, антиқа төмоша бўлади.

Иноят оқсоқол, кинонинг бошингдан қолсин, деб ёнғоққа тирмаша бошлади.

VI

Усмон Юсупов кеч пайтида Фаргонага кириб келди. У бугун куни билан Риштон, Олтиариқ, Тошлоқ ва Марғилон участкаларида ишнинг боришини ўз кўзи билан кўриб келяпти. Азамат чинорлар бағрига бурканган кўчаларда ёнган чироқларга қараб, ўй ўйлаб келарди. Иш у ўйлагандан ҳам яхши эди. Тошлоқликлар аллақачон ер

қазини ишларини тамомлаб, бошқа участкага ёрдамга ўтишган, бағдодликлар бўлса колхозларига қайтиб, дала ишларига уннаб кетишган эди.

Юсупов область ижроия комитети биноси олдида машинадан тушди. Канал штаби шу бинога ўрнашган. Юсупов эрталаб Тошкентга жўнаб кетиши керак. Шунинг учун ҳам ишнинг боришини кузатиб хотиржам бўлмоқчи. Штабга кираверишда уни икки киши кутиб турарди. Юсупов уларни кўрибоқ таниди. Биринчи — машҳур рус ёзувчиси Петр Павленко. Иккинчиси — кинорежиссёр Эйзенштейн эди. Юсупов улар билан кўришиб ичкарига бошлади.

— Чарчамадинларми, Петр Андреевич?

— Чарчаганимиз йўқ, Усмон Юсупович. Ўртоқ Мирзаев бизга яхши ёрдам беряптилар. Самолёт бердилар. Икки марта Учқўрғондан то Конибодомгача трасса устида учдик. Жуда ажойиб манзараларни кўрдик. Эндиги училишимизда кинооператоримиз билан учамиз. Хужжатли фильмни Тошкент киностудиясида монтаж қилмоқчимиз. Бадий фильм сценарийси охишлаб қолди.

— «Правда Востока»да сценарийдан парчани ўқидим,— деди Юсупов.— Менимча, сизлар сўз учун курашининг шу кунги ҳаракатига кўпроқ эътибор беришингиз керак. Ўтмиш ҳақида ҳар қанча гап бўлса тарихдан топаверасизлар. Аммо, бугунги қаҳрамонликни тарихга ўтмай туриб илғаш керак. Мен ўқиган парчада, тошқин пайтида Тўхтасинларни тўғонга босиш воқеасини олибсизлар.

Юсупов айтмоқчи бўлган гапини ўйлаб қолди. У қандай сўз билан айтсам меҳмонларга малол келмас экан, деб ўйланарди.

— Бу гаплар халқнинг ҳамиятига тегади. Кўряписизлар-ку, халқ қандай ишлар қиляпти. Халқимиз ажойиб, уларга малол келадиган гапларни ёзмаслик керак.

Павленко билан Эйзенштейн бир-бирларига маъноли қараб олишди.

— Тўғри,— деди Юсупов мумкин қадар овозига мулоимлик беришга тиришиб,— шундай воқеалар бўлгандир. Лекин, мен бу гапларнинг ҳақиқатлигига ишонмайман. Афсона бу.— У шундай деб стол тортмасидан каттакон конверт олди-да, улар томон суриб қўйди.

— Яқинда бир фотограф ўртоқ келган эди. Ўзбекистон тўғрисида кўп тиражли фотоальбом қилмоқчи экан.

Унга яхши шароит яратиб бердик. Мана олган суратлари.

Эйзенштейн конвертни очиб суратларни олди. Уларнинг бирида муқимлашган бир чол эшак миниб кетяпти. Яна бирида Бухоро кўчаларида сув сотиб юрган, жулдир кийимли мешкобчи. Яна биринда бозорнинг пастқам жойида бир чолни курсига ўтқазиб, соқолини олаётган кўча сартароши тасвирланган эди.

Эйзенштейн бош чайқаб суратларни стол устига қўйди.

— Наҳотки фотограф бугунги Ўзбекистондан шуларнигина кўрди.

— Мен ҳам мана шунга ҳайронман. Наҳотки бугунги ўзбек шунақа бўлса! — Юсупов астойдил қизишиб гапирарди, — мен ҳозирги рассомлардан, композитор, ёзувчи, киночилардан ўзбек халқининг бугунги порлоқ тақдирини, меҳнат зафарларини, илм-фанда, техника тараққиётида эришган ютуқларини куйлашларини истайман. Дўнган Дўсмаговни кўрдинглар-а, гаплашдинглар-а, қилган ишларидан хабарларинг бор. Ана шу одамнинг ҳаёти бир роман эмасми? Илтимос, канал тўғрисида бўладиган кинога бошқа гап аралаштирмайлар. Сиз суратга олаётган ленталар тарихдан тарихга ўтадиган буюк ҳужжат бўлиб қолишига ишонаман. Кечирасизлар, қизишиб кетдим. Ҳаммасига манави фотосурат сабабчи бўлди.

Юсупов узр сўраб илжайди.

— Қандай гапларинг бор? Мендан қандай ёрдам керак? Сира тортинмай айтаверинглар?

Эйзенштейн боядан бери гапга аралашмай ўтирган эди. Юсуповнинг чеҳраси очилганини кўриб бемалол гапира бошлади:

— Уртоқ секретарь, ҳеч нарсадан камлигимиз йўқ. Фақат транспортдан қийналяпмиз. Бизга битта юк машинаси керак. Етти-саккиз прожектор, овоз ёзиш аппаратлари, бир нечта ассистентларимиз бор. Йўлда қолиб кетяпмиз. Айниқса, тунги сменадаги ишларни, халқ сайилларини прожекторсиз лентага туширолмай қийналяпмиз. Агар иложи бўлса уч кунга битта аэроплан берсангиз. Иш қизиган пайтда тепадан бутун трасса бўйлаб учиб, суратга тушириб олайлик. Кейин бу манзараларни топиб бўлмайди.

Юсупов блокнотига нималарнидир ёза бошлади.

— Яна нима керак?

— «Правда» уст-устига иккита телеграмма юборди, — деди Павленко. — Матерналларни телефон орқали беришимизни сўрабди. Алоқа бўлимидаги ўртоқларга тайинлаб қўйсангиз, баъзи-баъзида Москва билан боғланшимга ёрдам беришса.

Юсупов униг илтимосини блокнотига ёзаркан, деди:

— Сўраган нарсаларингизнинг ҳаммасини бажо келтирамиз. Машина ҳам бўлади, аэроплан ҳам бўлади, телефон ҳам. Яна қандай илтимосларинг бор?

Павленко билан Эйзенштейн ўриларидан туришди.

— Раҳмат, ўртоқ Юсупов. Бошқа илтимосимиз йўқ.

Юсупов уларни эшик олдигача кузатиб қўйди. Кейин хонанинг у бошидан-бу бошига юраркан, ўзини лоҳас сезиб, кители тугмаларини ечди-да, дерзани очиб юборди. Хонага салқин оқшом шамоли кирди.

«Прямой провод» деб аталмиш телефон узоқ, шидатли жиринглади. Юсупов шошиб трубкани олди.

— Эшитаман, — деди Юсупов ўзига хос бўғиқ овоз билан.

Бу телефон бошқа телефонлардан фарқли ўлароқ нарёдаги гаплашаётган кишининг овозини бошқалар ҳам бемалол эшитса бўларди.

— Ўртоқ Юсуповми? Сталиннинг ёрдамчиси Поскребищев гаплашяпти. Ҳозир сиз билан Иосиф Виссарионович гаплашадилар.

Юсупов қаддини ростлади. Бир муддат жимлик чўкди. Қия очиқ қолган эшикни Мирзаев орқа тарафдан зичлаб қўйди. Трубкадан овоз эштилди:

— Ўртоқ Юсупов!

— Юсупов эшитади, ўртоқ Сталин!

— Соғ-саломатмисиз? Республикангизда пахта теримига тайёргарликнинг боришни билмоқчиман.

— Зарафшон водийси ҳамда республиканинг жанубидаги колхозлар ялли терим бошлаш арафасида турипти, ўртоқ Сталин.

— Фарғона водийси-чи?

— Фарғона водийсида пахта кечроқ етишади. Ялли терим сентябрь ўрталарида бошланади.

— Ўртоқ Юсупов, канал ишлари терим суръатига таъсир кўрсатмаслиги керак. Снѐсий бюро бу масалага жиддий қараяпти. Шунинг учун ҳам канал қазиларни жадаллатиш мақсадида сизларга йигирма миллион сўм

пул ажратдпк. Булардан ташқари тез кун ичида икки юзта юк машинаси, олтмишта трактор, йнгирмата движок ҳамда ўн минг тонна цемент жўнатган эдик, олдингларми?

Юсуповнинг кўзлари яшнаб кетди.

— Сизга катта раҳмат, Иосиф Виссарнонович! Олдик, сиз юборган трактор ва машиналар ишга тушиб кетган. Йнгирмата движок тунги сменалар ишлайдиган жойларга ўрнатилди.

— Халқнинг кайфияти қандай? Шунн билмоқчиман.

— Яхши. Ота-боболари сувга ташна ўтган халқ бу ишга жон-дили билан киришиб кетди. Бутун-бутун онлар ишлагани келяпти. Дам олиш кунлари шаҳарликлар ўз ихтиёрлари билан ҳашар қилишяпти. Киев, Харьков, Москва, Урал шаҳарларидан минглаб кишилар каналга келиб ишлаш хоҳишини билдириб хат ёзишяпти.

— Бу яхши. Аммо канал ишларига бошқа тарафлардан одам жалб қилмаслик керак. Сиздан илтимос, қурувчиларнинг манший аҳволига алоҳида эътибор беринг.

— Хўп бўлади, ўртоқ Сталин.

— Тўқимачилик саноатимиз пахта экадиган республикаларнинг қўлига қараб турибди. Сиздан бу масалага жиддий қарашингизни сўрайман. Канал қурилишида ишнинг бориши ҳақида гапириб берсангиз?

Юсупов трубкани чап қўлида ушлаб, ўнг қўли билан кителининг кўкрак чўнтагини титкилай бошлади. Блокнотини топиб столга қўйди. Кейин қулоғидаги трубканинг бир учини елкасида қисиб блокнотини варақлай бошлади.

— Бугун саккиз юз етмиш саккиз минг кубометр тупроқ қазилди. Иш бошланган кундан буён ўн уч миллион уч юз тўқсон олти минг кубометр тупроқ чиқарилди, ўртоқ Сталин. Ер қазиш ишлари саксон икки процентга етди.

— Ҳаммаси бўлиб қанча тупроқ чиқарилиши керак?

— Ўн олти миллион кубометр, ўртоқ Сталин.

— Бугун «Правда» да Дўсматов деган киши ҳақида ўқидим. Шу киши тўғрисида батафсилроқ гапириб беришингизни сўрайман.

— Дўсматов оддий колхозчи. Илгари Лоғон каналида ишлаб ном чиқарган эди. Энди бу ерда катта ишлар

қиялпти. Бугун кунлик ер қазиш нормасини саккиз юз оятмиш процент бажарди.

— Кеча ватанимиз Алексей Стахановнинг ажойиб ҳаракати бошланганининг тўрт йиллигини нишонлади. Стахановчилик ҳаракати мамлакатимиз саноати ҳамда қишлоқ хўжалигини юксалтиришда оламшумул роль ўйнади. Канал қурилишида дўсматовчилик ҳаракатининг қанот ёзишига эътибор беришингизни сўрайман.

— Худди шундай қиялпмиз, ўртоқ Сталин. Дўсматовчилик ҳаракати янги қаҳрамонларни юзага чиқазяпти. Тўқсон бир ёшли Хидиров билан ўн саккиз ёшли Умматалиев деган колхозчилар кунлик топшириқни етти юз процентдан ошириб адо этишяпти.

— Бу жуда яқши. Бундай кишиларни авайлаш, қадрига етиш керак.

Трубка анча вақтгача жим туриб қолди. Сталиннинг йўталгани, паркет пол ғичирлаб, оёқ товушлари эшитилди. — Эшитяпсизми, Юсупов?

— Эшитяпман, Иосиф Виссарионович! Қулоғим сизда!

— Индинга, йнгирма саккизинчи август куни СССР Олий Советининг сессияси очилади. Кун тартибининг олдингизми?

— Олдим.

— Ўз мулоҳазаларингизни ёзма равишда Михаил Ивановичга юборишингизни сўрайман. Сиз бу галги сессияга келмаслигингиз мумкин. Пахта терими яқинлашгани, канал ишларининг жадаллигини назарда тутиб, сиёсий бюро шундай қарорга келди. Ишларингизга муваффақият тилайман. Канал қурувчиларига менинг влангали большевиклик саломимни етказинг. Қурилиш ишлари тўғрисида кун ора шахсан ўзимга хабар қилиб туринг. Хайр!

— Хайр, соғ бўлинг, Иосиф Виссарионович!

Овоз тингандан кейин Юсупов трубкаини жойига қўйди. У Тошкентга бир кеча қўниб, Москвага учиб кетмоқчи эди. Энди боришнинг ҳожати қолмади. Стол ёнбошидаги тугмани босди. Ёрдамчиси кирди.

— Охунбобоев қаердалар?

— Марғилон участкасидалар. Ҳозир сизни сўраган эдилар.

— Телефон қилинг!

Ёрдамчи чиқиб кетди. Зум ўтмай ёзув столи устидаги чироқ ёнди. Юсупов трубкани олди.

— Ёўлдош ака, сизмисиз? Сессияга мен бормайдиган бўлиб қолдим. Москвадан шундоқ деб айтишди. Майли, сиз бораверинг, мени кутманг. Битта илтимос, қайтгунингизча иш охирлаб қолади. Тошкентга тушмай, тўппа-тўғри Фарғонага учаверинг. Теримга кетадиганларни бир хурсанд қилишимиз керак. Ёрлиқ топширамиз. Ўзингиз топширасиз-да. Келгунингизча тайёр қилиб туришади. Хўп, яхши бориб келинг.

Юсупов трубкани қўйиб китель тугмаларини қадади. Қабулхонага чиқиб бугунги сводкани текшираётган Мирзаев тепасига келди.

— Тешавой, зарур бўлиб қолсам Заркентдан топасизлар.— У шундай деб, узун коридор бўйлаб кета бошлади. Қабулхонага анча вақтгача унинг гурс-гурс қадам товушлари эшитилиб турди.

Мирзаев бошини чайқаб қўйди.

— Бу одам қачон ухлайди. Ҳозир у ёғи саксон, бу ёғи саксон километр йўл босиб келди. Яна кетяпти-я!

Ташқаридан машина гуриллагани эшитилди. Зум ўтмай унинг овози узоқлашиб, оқшом қўйнига сингиб кетди.

VII

Акбаралининг Лугумбекда узоқ тургиси йўқ. Одамларнинг назарига чалинмай тезроқ «ишини» битказса-ю, сувга тушган тошдек жимиб кетса. Ана шунинг учун ҳам у келганидан бери тушган қўрасидан чиқмади. Кеч-қурун қош қорайиши билан айланиб Азизхоннинг қаерда ётиши, қаерда ишлашини билиб келди. Куёви йўлга чиқаётганларида жуда ғазабга минган, Азизхон учраб қолгудек бўлса ғажиб ташлайдиган бир аҳволда эди. Негадир, бу ерга келиб бўшашиб қолди. Одамларнинг шовқин-сурони уни гангитиб қўйдимикан? Ё Азизхоннинг довруги эсанкиратдими? Ҳар қалай камгап, у ёққа боради, ух тортади, бу ёққа келади, ух тортади.

— Нима, шаштингиздан қайтиб қолдингизми, куёв бола?— деди кесатиб Акбарали.— Агар қасдимни олмасам Нормат отимни бошқа қўяман, демаганмидингиз? Майли, орқага қайта қолинг, отингиз бугундан бошлаб Нормат эмас, Номард бўла қолсин.

Бу гап Норматнинг нафсониятига тегиб ўтди. Қошлари чимирилиб, бир нафас Акбаралининг бетига қараб турди-да, кинояли илжайди.

— Шунақа денг-а. Майли, кўрамиз, ким марду ким номард экан.

У шундай деб ўрнидан турди, четга ташлаб қўйилган хуржун кўзига қўл тиқиб белбоққа ўралган узун нарсани олди. Белбоқни ечиб жез пойнакли қиндан пичоқни чиқазди. Тигини тирноғига тегизиб кўрди-да, этининг қўнжига тиқиб индамай чиқиб кетди.

Акбарали йўлаккача кузатиб чиқди.

— Эҳтиёт бўлинг, сизни шатта кутаман.

Нормат индамади, қайрилиб қарамади ҳам. Муюлишдан бурилиб катта кўча тарафга кета бошлади.

Кеч кириб трассалардан товуш келмасди. Кундузги смена ишдан қайтиб кечкиси ҳали ишга тушмаган. Тераклар учи зар суртилгандек йилтираб турипти. Ариқ тепасига ўрнатилган ўнлаб чойхонаю ошхоналарда одамларнинг гангир-гунгур, ошпазларнинг хўранда чақир-ришлари, ариқни тўлдириб чўмилаётган юзлаб қурувчиларнинг шовқинлари эшитилиб турарди.

Нормат Азизхонлар ётадиган чодирга қараб юра бошлади. Чодир олдида Тенгдик ерга шолча ёзиб чордана қуриб ўтириб олган, кўмизини кўксига тираб аллақандай бир мунгли куйши чертарди. Беш-ўн киши тик туриб унинг кўмизни гоҳ бошидан, гоҳ бўйнидан айлантириб чалишига маҳлиё бўлиб турарди. Нормат у ёқ-бу ёққа қараб улар орасида Азизхонни кўрмади. Нима қилишини, уни қайдан қидириб топишини билмай бирпас ҳардамхаёл тургандан кейин тупроқ кечиб пастга тушиб кетди. Ҳамма ёқда одам, бири у ёққа қараб юради, бири бу ёққа қараб. Тупроқ уюмларини тизза бўйи кечиб «Оқ мактаб» олдига борди. Аммо учраганлар орасида у қидирган киши йўқ эди.

Нормат уни боя ишлаётган еридан топиш ниятида кўприкдан ўтиб дўнглик тагига келди. Дўнгнинг тепасига ёришиб турарди. Мана шу терак бўйи дўнгни Азизхоннинг бир ўзи кўтарган.

Нормат юқорига қаради. Икки кишининг соясига кўзи тушди. Ўтирганларнинг бири эркак, бири аёл эди. Орқа ўгириб ўтирганларидан Нормат уларнинг кимлигини билолмади. Уларга қараганча туриб қолди. Қў.

силтаб орқасига қайгмоқчи бўлиб турган эди, аёл шарақлаб кулди. Нормат сергак тортди. Бу Лутфиннисанинг кулгиси эди. Норматнинг вужуди титраб кетди. Бу унинг хотини. Тўй-томоша қилиб, қўш карнай, қўш сурнай чалдириб, куёвнакарлар билан оstonасига қадам қўйган хотини эди.

Нормат энгашиб этигининг қўнжини пайпаслаб кўрдн.

Атрофда одам кўп. Ҳозир бирон тadbир кўришга ноқулай пайт. Қоронғи тушишини, ўзи ёлғиз қолишини кутиш керак. Нормат орқага чекиниб ёнғоқ тагига келди. Кекса ёнғоқ тапасига суянганича ўй ўйлай бошлади:

«Шу топда, дўнг тепасида бир-бирининг пинжига суқилиб ўтирган мана шу икки киши менинг бахтимга зомин бўлди. Шу аёл, шу беномус аёл менинг хасмин эди. Юрт олдида юзимни ерга қаратиб, ёр-дўстларимга эрмак қилдириб, тўй куни келишлик либослари билан қочди. Эр кишига бундан ортинқ ҳақорат бўладими? У менинг уйимда, қўйнимда бўлши керак эди. Ҳовлимда ёқилган гулхан ўчди. Хотинларнинг ёр-ёри оғзида қолди. Келини олиб келгани кетган аравалар бўш қайтди. Ичкари-ташқари ҳовлини тўлдирган меҳмонларнинг бири кулиб, бири бош чайқаб тарқаб кетди. Эрталабгача қўшиқ, ёр-ёр айтиладиган ҳовли тонг отгунча ўлик чиққан уйдек сукунат ичида қолди. Бу аламлар, бу азоблар фақат қон билан ювилади. Фақат қон билан...»

Нормат ўйлаган сари нияти қатъийлашиб борар, тезроқ қоронғи тушишини, одамлар оёғи тавсалишини бетоқат кутарди.

Қоронғи тушди. Тепадаги соялар кўринмай қолди. Нормат ёнғоқ шохлари тўсган супача устида гужанак бўлиб, ўлжасини кутган қоплондек қимирламай ўтирарди. Дўнгдан тушган Азизхон Лутфинниса билан бепарво тупроқ кечиб шу тарафга қараб келарди. Лутфинниса қўлида тол новдасини силкиб, тайтонглаб, қиқирлаб кулиб келяпти. Орқада Азизхон уни билагидан ушлашга интилар, Лутфинниса қўлини силтаб гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ўзини ташларди.

Нормат этигининг қўнжидан пичогини чиқарди. Уни шарт қинидан сугурдию олдинга бир қадам интилди. Оёғи ташлаган жойига тушмай гандираклаб бир қалқиб олди. Шунда у оёғи, қўллари қалтираётганини сезди. Чап қўлида турган пичоқ қини титраётган бармоқ-

ларидан тушиб кетди. Пойнаги тупроққа беозор сассиз санчилди. Нормат журъатсизланиб орқага чекинди. Танини титроқ босиб, кўз олдида каттакон оловли доира айлана бошлади. Худди биров учи чўгга айланган касовни кўзи олдига келтириб тинмай айлантираётганга ўхшарди.

Нормат умрида биров билан ёқалашмаган, ҳатто уйларида қўй сўйишганда ҳам кўришга юраги дов бермай ё тескари қараб олар, ё бўлмаса кўчага чиқиб кетарди. Бугун, энди у қўй эмас, одам сўймоқчи бўлиб пичоқ кўтариб келганди. Бўлмади, қўли қалтиради.

Азизхон худди унинг олдигинасида Лутфинисани қувиб ўтди. Сал нари бориб тутди. Тутиб бағрига босди. Чўпиллатиб ўпди.

Нормат ҳамон ўзига келолмай титроқда эди. Азизхон анча нарига кетиб қолганда у ўзига келди. Энгашиб пичоқ қинини олди. Беихтиёр уларга эргашиб кета бошлади. У қаёққа кетяпти, эргашиб нима қилади, ўзи ҳам билмасди. Кўприкдан ўтди. Машъала ёқилган чойхона олдида келгандагина қўлида пичоқ борлигини сезди-ю шошиб қўйнига тикди.

Азизхон билан Лутфиниса ҳамон ҳиринглаб олдинда боришарди. Нормат ҳам улардан қолмай изма-из кетаверди. Гувала деворли қўра олдида келганда Азизхон билан Лутфиниса тўхташди. Азизхон қизни бағрига босиб узоқ вақт қўйиб юбормади. Иккови бир-бирларига ёпишганларича анча вақтгача туриб қолишди. Ёнларидан ўтиб кетаётган кишиларнинг кулишларига ҳам парво қилишмасди. Нормат уларнинг бу аҳволига лоқайдгина қараб турарди. Охири Лутфиниса Азизхоннинг бағридан юлқиниб чиқди-ю, очиқ эшикка ўзини урди. Азизхон у кириб кетган эшикка анча вақт қараб турди. Кейин тилар-тиламас орқасига қайтиб кета бошлади. У яна Норматнинг олдидан ўтди. Унинг бетига бир қараб қўйди. Танимади. Нормат яна унга эргашди. Энди Азизхоннинг қадами тезлашди. Бирпасда чодирлар шаҳарчаси ичига кириб кўздан йўқолди.

Нормат боя уни қидириб борганда чодирини кўрган-ди. Қирғиз йиғити қўмиз чертиб ўтирган чодир ичида энди чироқ милтилларди. Нормат чодир олдида келиб атрофга қаради. Ҳеч ким йўқ. Ҳамма «Оқ мактаб» орқасидаги майдонга концерт кўргани кетган. Чодир ичидан патефоннинг ёриллаб айланиши, ундан кейин

«Рўмолим» қўшиғи эшитилди. Нормат қўшиққа қулоқ солиб ичкаридаги одамнинг чиқишини кута бошлади.

Чодирнинг чети кўтарилиб майкачан бўлиб олган Азизхоннинг сояси кўринди. Нормат сергакланди. Азизхон уни кўрса ҳам парво қилмай елкада сочиқ билан сув бўйига тушиб кетди. Сал ўтмай сув шалоплагани эшитилди. Нормат қўшиққа қулоқ солиб ўтираверди. Патефон игнаси пластинка охирига етиб бир хил ғириллай бошлади. Бирдан Норматнинг ҳуши ўзига келди. Бу ерда нима қилиб юрибман, деб ўзидан сўради. Ахир бу бола не-не полволларнинг белини букиб, елкасини тупроққа қориштиряпти. Ахир мени икки ямлаб бир ютиб кўяди-ку!

— Шошма, Нормат!— деди ўзига ўзи.— Лутфиниса сенга тегаман деб сўз берганми? Акасининг сўзига кириб тўй қилдинг, шарманда бўлдинг. Энди яна унинг гапига кириб қамалмоқчимисан? Қалланг борми, Нормат? Хўш, орқасидан бориб беҳосдан ничоқ ҳам урдинг дейлик, ундан кейин нима бўлади? Умринг қамоқда ўтиб кетмайдими? Қамалсанг-ку, майли-я, лекин оғиласан, коқ пешанангдан отишади. Кўзингни оч, Нормат! Хотин деганни бунақа қилиб олмайди. Бахтинг очилса, ўзингга муносиби чиқиб қолар.

Нормат ўзи билан ўзи гаплашиб тураркан, яланғоч кўкракларини сочиқ билан ишқаб Азизхон чиқиб қолди. Чодир ёнида соядек қорайиб турган киши олдида тўхтаб, энгашиб унинг бетига қаради. Норматнинг жони товонига тушиб кетгандек, ич шув этиб кетди. Тили гапга келмай гудранди.

— Кимсиз? Келинг!

Нормат ҳамон қимирламасди.

— Гап-мапингиз борми, менда?

Азизхон уни танимади. Тўй куни узоқдап, куёвлик сарюларида кўрғап, башараси эсидан чиқиб кетган эди. Эш полвон юборган «вакил»лардан биронтасидирда, деб ўйлади. Чодир четини кўтариб, киринг, меҳмон деб ичкарига ундади.

Нормат сеҳрлангандек унга эргашиб ичкарига кирди. Чодир ичида тош фонарь ёниб турипти. Патефон бурови тугаб тинган. Учта ёғоч каравот устидаги кўрпа-тўшаклар бесаранжом бўлиб кетган. Нормат Азизхон кўрсатган каравотга ўтирди. Утирди-ю, бошини эгиб ерга қадалганча қолди. Азизхон уни мастми, телбароқ одам-

ми деб гумон қилди. Бундан ташқари полвонлигини эшитган Андижон йиғитлари кўргани келиб орқасидан эргашиб юришар, чодирга қовунми, тарвузми кўтариб келиб уни томоша қилишарди. Азизхон ўшанақалардан биттаси бўлса ажабмас, деб ўйлади. Кутилмаган меҳмонга тикилганча ўтираверди.

Нормат бошини кўтариб унга қаради. Азизхон чинакамига истарали, бутун вужудида аллақандай бир жонба ўйнаб турарди. Нормат унинг кўпчиб турган кўкракларига, ҳар бирига биттадан йиғит ўтирса бўладиган елкаларига маҳлиё бўлганча қотиб қолди. Азизхонни у биринчи марта яқиндан кўриши эди. Ёш, жуда ёш. Ҳали она сути оғзидан кетмаган нораства. Шундоқ кучга, шижоатга тўлган боланинг қонини тўкиш гуноҳ эмасми.

Нормат унга бошдан-оёқ яна бир разм солди. Бенхтиёр яктагининг қўйнига қўл тикди. Пичоқни топди. Тусмоллаб пичоқнинг сопини ўнглаб ушлади. Шу алпозда ўрнидан турдию, шартта қўйнидан пичоқни олиб Азизхоннинг олдига отди. Пичоқ оёғи ёнига тушди.

Нормат бир сўз демай ташқарига чиқа бошлади. Азизхон нима гап бўлаётганига тушунмай, биллагидан ушлаб қолди.

— Бу нима қилганингиз, ака. Бу нима қилиқ?

Нормат ўгирилди.

— Сени ўлдиргани келгандим, ниятимдан қайтдим. Жонни сенга худо берган, керак бўлганда ўзи олади. Бандаси оллонинг иродасидан чиқа олмайди.

Азизхон унинг биллагини қўйиб юборди. Нормат бошқа гап айтмай чиқиб кетди.

VIII

Кетмонтепадан бу ёғига Норин дарёси минг бурилишлардан ўтиб, минг бир пастликларга бош уриб, кўпириб, қутуриб келади. Ниҳоят, Учқўрғонга келиб ҳолдан тояди, ювош бўлиб қолади.

Кетмонтепада бир кампир Норинга тушиб кетган экан. Болалари қирғоқ бўйлаб чирқиллаб, уни қидириб юришганда бир чол шундай дейди:

— Болам, онангни энди Учқўрғонда кўрасан.

Халқ орасида юрган «Онангни Учқўрғонда кўрасан» деган гап ўшандан қолган.

Қатта Фарғона каналига сув берадиган асосий тўғон Нориннинг мана шу Учқўрғонга келиб ёйлиб оқадиган жойига қурилади. Дарёнинг икки тарафи қоя тошлари билан ўралган. Сув чиқазилган керак бўлган канал бир неча километргача дарёнинг эски ўзани бўйлаб бориши керак. Бунда ер қатлами тош, шағал билан босилиб ётибди. Уни қазилганга кетмон, на белкурак чидайди. Кетмон теккан жойда чақмоқ чақайди. Белкураклар сопи қарсиллаб синади. Иккитагина экскаватор бир кун ишласа, уч кун «дам олади». Иш қанча оғир бўлмасин (барибир) кетмон, белкурак асосий иш қуроли бўлиб қолди. Элликдан ортиқ дурадгор фақат белкурага кетмонга сопи ясаш билан овора, йиғирмадан ортиқ темирчи сандончасини ерга санчиб тиззалаганча кетмон пешлаш билан банд. Бу ер худди мисгарлар, темирчилар растасини эслатади. Кечасю кундузи тарақ-туруқ, жаранг-журунг қулоқларни қоматга келтиради.

Битта кетмон бир кунда икки-уч марта сопи алмаштириб, бир-икки марта темирчи сандонига тушади.

Бугун тонг қоронғисидан Учқўрғонга Наманган, Андижон тарафлардан отлик милиция отрядлари кела бошлади. Улар харсанг тошлар, шағаллар билан қопланган бир ярим километр масофадаги қурувчиларни дарёнинг нариги тарафига ўтказиб ўраб олишди.

Қатта-кичик — ҳамма канал қазиландиган жойдан узоқдаги тошлар орқасига яширинди.

Тошкентдан келган «Узвзрывпром» ходимлари кечаси билан тошлоқ ерларни ковлаб, юзлаб жойга портлатгич моддаларини ўрнатишган эди. Уч юз йиғирма тонна портлагич бир ярим километр масофадаги тошлоққа чуқур ўрнатилган. Милиция отрядлари портлаш бўладиган томонга ҳеч кимни ўтказмайди. Штаб радиоузелидан тинмай қурувчилардан тартиб сақлашни, ўзбошимчалик қилмасликни сўрашарди.

Ниҳоят портлатиш отряди командирининг шиддатли командаси эшитилди. У қўлидаги ракета тўппончасидан осмонга қараб ўқ узди. Кетма-кет отилган мушак осмон кўксига нурли найза бўлиб санчилди. Бирин-кетин даҳшатли портлаш бошланди.

Ер силкинди. Норин суви чайқалиб, икки-уч минут қирғоққа сапчиб турди. Тупроқ уюмлари тоғ бўйи кўтарилиб шамолсиз осмонда қимирламай туриб қолганга ўхшарди. Даҳшатли портлаш товушлари, ернинг тин-

май силкиниши, Нориннинг чайқалиши одамларни ваҳимага солиб қўйди. Атрофни ҳалқадек ўраб турган милиция ходимлари ҳам ўзларини панага олишди. Портлатиш штабининг бошлиғи безовталаниб катта харсанг орқасидан бош чиқазди.

Қўйилган портлагичлардан иккитаси портламай қолган эди. Ҳозир унинг олдига борниш хавфли. У қўлидаги секундомерга қараб ниманидир кутарди. Шунда бирдан слдинма-кетин икки жойда портлаш бўлди. Яна тупроқ уюмлари осмонга сапчиди. Яна Норин суви безовта чайқалди. Одамларнинг оёқ таглари титради.

Ҳаво дим бўлганидан портлаш тўзонлари тарқалмай турарди. Худди тоғ тепасидан лава оқиб келаётгандек шошилмай малла булут дарё қирғоғи томон босиб келарди. Одамлар қирғоқ бўйлаб яна юқорига қараб қоча бошладилар.

Беш-олти минутлар чамаси вақт ўтгандап кейин штаб бинолари, чойхона, ошхоналар тепасига қуюқ тўзон ёпирилди. Ҳеч кимни ва ҳеч нарсани кўриб бўлмай қолди.

Қуюқ тўзон орасидан отлиқ милиционерлар жон ҳолатда отга қамчи босиб чиқиб кела бошладилар.

Портлаш овози ҳали ҳам тоғ қояларга урилиб қалдираб турарди.

Бирон соат ўтиб тўзон босилди. Томларда, чойхона сўриларда тўпик бўйи билқ-билқ тупроқ эди.

Харсанг тошлар орқасига яширинган, қирғоқнинг юқори тарафига ўтиб кетган кишилар аста қайтиб кела бошладилар.

Чодирлардаги, чайлалардагилар эса кўрпа-тўшакларини ташқарига олиб чиқиб қоқа бошладилар.

Шу кунини то тушликкача трассага одам чиқмади. Штаб атрофларини, «Яшил театр» деб аталмиш кинопанорада қўядиган жойни, ошхона ва чойхоналарни тозалашга киришиб кетган эдилар.

Ундан ташқари портлаш пайтида отилиб чиққан тош-шағал яқин атрофдаги маҳаллаларга сув берадиган ариқларни босиб қолган, от-арава, машиналар ўтадиган қатнов йўлида икки юз метрча жой бекилиб қолган эди.

Қурувчилар сув йўлларини очиш, қатнов йўлини тозалаш билан банд бўлдилар.

Ниҳоят, тушлик тугаб ҳамма трассага чиқди. Энди портлатишдан кўчган шағалли ерни қазниш, замбилга орттиш анча осон бўлиб қолганди.

Бироқ дов-дарахт тўзон огирлигидан шохларини эгиб маъюс турарди.

Яна кетмонларнинг гурс-гурс ерга урилиши, ломларнинг қарсиллаши, одамларнинг бақириб-чақириншлари..

* *
*

Чўққи соқол, жиккак инженер Белявский тахтадан қўлбола қилиб ясалган метр кўтариб трасса кезади. Белявский 1915 йили «Асосий Фарғона канали» лойиҳасини тузган эди. Аммо бу лойиҳа чиновниклар эътиборидан четда қолди. Бу лойиҳадан хабар топган Москва мануфактурачилари ўз вакилларини юборадилар.

Москва мануфактурачилари пахтаги Фарғона бойларидан сотиб олишар, нархнинг қимматлигидан ўзлари шу тарафлардан ер олиб пахта экдиришни дилларига туғиб қўйишган эди. Улар юборган вакиллар Учқўрғон адиридан анчагина ер сотиб оладилар. Норинини тўсиб адирларга сув чиқаришга уриниб кетадилар. Аммо уларнинг бу уринишлари бекор кетади. Неча миллион сўм сарфланган иншоот сув йўлини тўсишга ожизлик қилади. Катта насослар ўрнатишга, нефть билан ҳаракатга келадиган электростанция қуввати ёрдамида сув чиқаришга уринишади. У ҳам бўлмайди. Электр қуввати шу қадар оз эдики, насос моторларини айлантиришга ожизлик қилиб қолади.

Мануфактурачилар миллионлаб пулга кўйиб насос станциясини, сотиб олган адирларини ташлаб кетишга мажбур бўладилар.

Белявский мана шу воқеаларнинг барини ўз кўзи билан кўрган Янги канал лойиҳаси муҳокама қилинаётганда марказкомда батафсил маълумот бериб Учқўрғоннинг ер шаронти, Нориннинг тезлиги, фаслларда қанчадан сув оқиб ўтишини айтиб берган. Канал штаби Боп тўғон қурладиган жойнинг ер-сув шаронтини билладиган бу одамни Учқўрғон участкасига бошлиқ қилиб тайинлайди.

Булардан ташқари Белявский Фарғона водийсида яшайдиган деярли ҳамма қишлоқ шеваларида адашмай гаплашар, уларнинг ўрф-одатларини алоҳида ҳурмат қиларди. Ҳатто рамазон ойлари унча-мунча рўза тутиб кўяди, деган гаплар ҳам бўлган эди.

Шу одам канал трассасининг энг оғир жойига раҳбарлик қиларди.

Оқ брезент фуражкасини бостириб кийиб олган Белявский Эш полвон ишлаётган тошлоққа келиб атрофга бир қараб олди. Кейин газета тарқатиб юрган почтачи боладан икки-учта газета олиб, турган жойида саҳифаларга кўз югуртира бошлади. Бугун қурилиш газетасида Азизхон тўғрисида мақола чиққан эди. Белявский ойнаксиз хатга тикилганидан кўзлари жимирлашиб кетди. Кителнининг чўнтақларини титиб ойнагини тополмади. Газетани буклаб чўнтагига солиб қўйди.

Белявскийнинг кўзи олдига Азизхоннинг кулиб турган башараси келди. Худди улар Найман тўқайида биринчи марта учрашган пайтларидагидек болаларча жилмайиб турарди.

Белявский уни каналга чорлаган эди. Келди, сал кунда кўпчилик оғзинга тушди. Минглаб кишилар унинг таржиман ҳолини, қилаётган ишларини билишга қизиқади. Бугун газета Азизхон тўғрисида мақола чиқазипти.

Эш полвон кеча уни кўп тупроқ ташиб чиқаришда мусобақага чақирган эди. Белявский Эш полвоннинг Азизхондан енгилганини, аламзада эканини билади. Агар у тупроқ ташишда ҳам енгиладиган бўлса, канални ташлаб кетиб қолади. Эшнинг ягона умиди шу мусобақадан эди. Белявский шуларни ўйлаб Эш ишлаётган тошлоққа қаради. У катта-катта харсангларни белига қўйиб юқорига олиб чиқар, ажаб бир интилиш билан харсангни ёнбошига иргитарди.

Белявский ҳозир газетани унга кўрсатмоқчи эмас. Кўрса ҳафсаласи пир бўлиб қўли ишга бормамай қолади. Учқўрғон участкасида Дўнан полвон билан Эшнинг олдига тушадиган стахановчи йўқ. Шу икковига етишниш учун бутун участка бўйлаб ҳаракат бошланиб кетган. Агар у совиб қолса бу ёқдагиларнинг суръатига таъсир қилиши турган гап.

Белявский пастликка, Эш ишлаётган жойга тошлар устидан эҳтиёткорлик билан қадам ташлаб тушиб кетди.

Эш полвон бугунги «Сталинча қурилишда» газетасини дўпписига қистириб олиб яхна чой ишмираётган эди. У Белявскийни кўриб пиёлани тош устига қўйиб, ҳўл мўйловларини яктагининг енгги билан артди.

— Келинг, оқсоқол!— деди у кўришгани қўл узатар-

кан. — Қўрқманг, оғзинидаги ошимзин Азиз полвонга олдириб қўймаймиз. Кўриб қўйинг! — У шундай деб каттакон харсанг тепасига тираб қўйилган яхлит фанердаги ёзувни кўрсатди. Унда кўмир билан ёзилган шундай сўзлар бор эди:

«Иккинчи ўн кунликда Азиз полвондан ошириб тупроқ ташимасам, отини бошқа қўяман. Эш».

Белявский кулиб юборди.

— Нега куласиз, тўра? Ишонмайсизми?

— Ҳар эҳтимолга қарши ўзингизга яна битта запас от топиб турсангиз бўларди, полвон ака.

Бу гапни Белявский ёнида газета ушлаб турган йигит айтди. Эш унга еб юборгудек бўлиб қаради.

— Нега ўқраясиз, полвон ака. Газетани кўринг. Дўпингизни тагига соявон қилиб олган газетани олиб ўқинг. Азиз полвон сизни алла қип қўйинпти-ку. У кечанинг ўзида ўн олти кубадан тупроқ ташипти. Сиз ўн биггадан ошира олмадингиз. Отингизни қўфиядош қилиб Эш полвон ўрнига Меш полвон қўя қолинг

— У тупроқ ташипти, мен тош. Фарқи борми, йўқми, нодон. Эш акангни билмас экансан.

— Тарозга солса нкковн ҳам бпр.

Эш полвон гап тополмай бошидан газетани олиб гижимлаб отди.

— Кўрамиз ҳали. Ўхши от кейин чопади.

Белявский Эшга дашном бераётган йигитни итариб нари суриб қўйди.

— Бор, ишингни қил. Сенга ким қўйинпти, полвонларга гап қотишни.— У шундай деб Эшга қаради.— Тўғри жавоб қилдинг. Сенинг енгиб чиқишингга ишонаман. Сен билан Дўнанининг ютуғи бутун участкамизнинг ютуғи бўлади. Мухбир чақирганман, сени ҳам яхшилаб ёзади. Сувратингни ҳам газетада чиқазамиз. Айтганча, бугун иш тугаши билан кийиниб штабга кел. Куйганёрга борамиз. Ун кунликнинг якунида ўзини кўрсатган қурувчиларга канал ишонни топширилади. Сен ҳам мукофотландинг. Охунбобоевнинг қўлларида ншонни оласан.

Белявский унинг елкасига қоқиб: «Бўш келма азамат», деб тепага чиқиб кетди.

У кетаркан ўйларди. Эшда куч кўп, орняти зўр. Нима бўлса ҳам Азизхонни енгсам деб уршиб ётипти. Кечалари ҳам ойднида ишга чиқиб кетяпти. Азизхон тушмагур у кечгача қиладиган ишнп тушгача бажариб қўйяпти. У

бола ўзига бировни етказмайди. Фақат битта Дўнванвойни тан олади. Ундан бошқасини олдимга ўтказиб бўлман, дейди. Ажаб ғалати бола. Иш унга писандмас. Ишни худди эрмакка қилаётгандек қийналмай, кучанмай, кулиб туриб бажаради. Бир кунда ўн олти кубо тупроқ ошчиқишга отнинг ҳам чоғи келмайди. Ўн олти кубометр ўн олти катта юк машинага юк бўлади-я.

Белявский кўп полвонларни, азамат миробларни кўрган. Аммо бунақа вужуди кучга тўлиб кетган полвонни биринчи кўриши. Улуғ князь Петербургдан чақирган француз полвони Тошкентдаги Романовский боғида ўйиб кўрсатган эди. У қорнида уч юз эллик кило юк кўларган. Азизхон бўлса «Куйганёрда қорнига тахта қўйиб юк машинасини кўтарди. Елкасига уч яшар терак йўғонлигидаги темирни обкашга ўхшатиб қўйиб, у ёғига етти-та, бу ёғига еттита одам осилиб ўша темирни эгишди. Азизхон қилт этмай туриб берди. Елкаси сал қизарди, холос».

Тўғонга бетон олиб тушган машина қайтиб чиқаётганда қияликда мотори ўчиб орқага кета бошлади. Ан-чириниб эскиб қолган машинанинг тормози ишдан чиққан эди. Агар орқага қараб шитоб гилдираб кетадиган бўлса, пойдевор қолипларини сиңдириб, ўзи дарёга тушиб кетиши аниқ. Азизхон шартта сапчиб турди-ю, илдам бориб елкаси билан машина кузовига тиралиб тўхтатиб қолди. Шофер то қайтадан ўт олдиргунча у машинани қилт эттирмай тутиб турди.

Бу воқеаларни Белявский ўз кўзи билан кўрган. Шундоқ полвонни енгил Эшга осон тушармикин? Агар Эш Азизхон қилган ишнинг ярмига етса ҳам катта гап. Негаки Азизхон ғайри табиий кучга эга бир йигит. Бунақаси бу яқин орада топилиши қийин.

Қурилиш газетаси редакциясига «Азизхон ким? Кунлик нормани етти юз-саккиз юз процентдан бажараётгани ростми? Кичкинагина йигитчада шунча куч бўлишига ҳайронмиз, Азиз полвон тўғрисида батафсил мақола босишларингизни сўраймиз», деган хатлар жуда кўп келарди. Редакция Азизхоннинг олдига сўхбатлашиш учун «эзувчи Адҳам Ҳамдамни юборди. Аммо Азизхон унга ўзи тўғрисида аниқ бир гай айтиб беролмагани учун Адҳам Зирилламага бориб ҳамқишлоқларин билан гаплашди. Кўп гапларни билиб қайтди. Бугунги газетада унинг Азизхон тўғрисида каттақон мақоласи босилди.

Мақолада Азизхоннинг саккиз ёшидан буён қилган ишлари, кўрсатган «хунарлари» битта қолдирмай ёзилаган эди.

Азизхон ўн беш ёшларда эди. Тошкентга Ҳожимуқон деган қозоқ полвони келганини эшитиб қолади. Ҳожимуқон қорнига тахга қўйиб устидан юк машинасини ўткармиш, елкасида темир йўл рельсини обкашга ўхшатиб эгиб букармиш. Азизхон бу томошаларни ўз кўзи билан кўргиси келиб уйдагиларга билдирмай кечаси Горчаковдан поездга чиқиб Тошкентга қочади. Дадаси билан онаси бир кун кутишади, ундан дарак йўқ, икки кун кутишади, дарак йўқ. Иккови бетоқатланиб у ёқ-бу ёқдан суриштира бошлашади. Уни кўрдим деган одам бўлмайди.

Азизхон шу кетгапча икки ой йўқ бўлиб кетади. Оғонаси қидирмаган жой қолмайди. Милицияга хабар қилишади, барибир дараги чиқмайди. Азизхон Ҳожимуқонга эргашиб Қозогистон тарафларга кетади. Машҳур полвон ундан кимсан, ота-онанг борми, деб суриштирганда, ҳеч кимим йўқ, етимман, детдомда ўсганман, деб жавоб қилади. Ҳожимуқон уни синаб кўради. Боланинг кучига ҳайрон бўлади. Узи кўтарадиган тошларни кўтариб кўради. Азизхон қилт этмай кўтариб отади. Шундан кейин Ҳожимуқон унинг қорнига тахта қўйиб аввал бузоқ, кейин эшак, ундан кейин от чиқазиб кўради. Азизхон кўзини ирпиратмай, пимаин чиқазса, кўтараверади.

Ҳожимуқоннинг ўзи бу ҳунарни жуда кўп машқ қилиб ўрганган эди. Янги тугилган бузоқни то сигир бўлгунча кўтариб катта қилган, ўзини оғир юк кўтаришга шу усулда ўргатган эди. Ана шундан кейин машҳур полвон уни ўзига шогирд қилиб олади. Оғир юк кўтариш сирларини ўргата бошлайди. Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларидаги ўйинларида уни ассистент қилади.

Уша кезларда милиция бутун Совет Иттифоқи бўйлаб қидирув шуъбасига хабар қилган эди. Азизхон Туркистон шаҳрида милиция қўлига тушиб, алоҳида одам таъқибидида қишлоққа олиб келинади.

Дадаси урай деса уни билмайди, сўкай деса уни билмайди. Бу ўжар бола яна қочиб кетмасини деб ялинишга тушади. Онаси йиғлаб энди қочиб кетмайман, деган ваъдасини олади.

Азизхон эса Ҳожимуқондан олган таълимини кечаю кундуз чорбоқда машқ қиларди.

Газетадаги мақолада мана шуларнинг ҳаммаси ёзил-

ган, газетхопларнинг биронта ҳам саволи жавобсиз қолмагани.

Белявский «контора» деб аталмиш будкасига кириб стол устида қолган кўзойнагини олди. Дераза яқинига келиб Азизхон тўғрисидаги мақолани ўқий бошлади. У мақоладан кўз узмай, вой азамат-э, вой боласи тушмагур-э, деб юборар, гоҳ-гоҳ бош чайқаб, «неужелий», деб қўярди. У газетани ёнига қўйиб, бир неча минут столни чертиб, ҳозир ўқиган нарсаларни таъсирдан чиқолмай туриб қолди.

Бугун у Куйганёрда бўладиган ўн кунлик якунида ахборот беради. Бўлаётган ишларни яна бир бор кўздан кечириш учун участканинг ҳамма жойларини кезиб чиқди. Қайси ерда иш ёмон кетяпти, қайси ерда яхши. Штаб катталаридан қандай ёрдам сўрайди. Шуларни мулоҳаза қилиши керак. У газетани стол тортмасига солиб ўз ишлари тўғрисида ўйлаб кетди.

У битта нарсага аминки бутун трасса бўйлаб ўртага ташланган шюлда Учқўрғон участкаси тилга олинади. Чунки машҳур ер қазувчи, кунлик ер қазिश нормасини тўққиз юз процентга етказиб бажараётган Дўнан Дўсмагов шу ерда, Учқўрғон участкасида ишлайди.

Бугун тўрт кун бўлдики, каналнинг барча участкаларида дўсмаговчилик ҳаракати бошланиб кетган, Дўсмаговнинг ўзи эса бу номга яраша меҳнат қилиб, ҳамон қурувчиларнинг олдида борарди.

Азизхон Умматалнев — лугумбекликларнинг сардори. Эш полвон — норинликлар етакчиси.

Мана шу уч азамат канал машъали бўлиб ҳамманинг кўз олдида эди. Белявский ғарбил тахтадан омонатгина қурилган конторада ўтириб, ўзича ўйларди. Бу уч азаматни канал юзага чиқарди. Канал бўлмаганда булар юрт кўзидан четда, майда, оддий ишлар билан шуғулланиб юраверардилар. «Халқ ҳаракати янги қаҳрамонлар яратади», деб бежиз айтишмаган экан.

Белявский блокнотини очиб ёзувларига тикилди.

Ташқарида бўлаётган шовқин-сурон, кетмон ва белкуракларнинг овози, тошга қадалаётган ломларнинг қарсиллаши, кетмон пешлаётган темирчиларнинг жанг-журунги тахта девор тирқшидан ўтиб Белявскийга аниқ эшитилиб турарди.

Бу чол водийга сув чиқаришни йигирма беш йил ўйлади. Мана няхоят у ниятига етди. Қалб қўри, билими,

гайратини бағишлаган ишнинг амалга ошаётганидан у ниҳоятда хурсанд эди. Кечалари ҳам ўзича алланмаларни ҳисоблаб чиқар, асосий лойиҳадан ўзи кўчириб олган нусха устига яна белгилар қўярди.

Ҳозир ташқаридан келаётган шовқинлар орасидан у одам қўли билан барпо бўладиган каналдан оқажак сувнинг жилдирашини, қирғоққа шаниллаб урилишини, шаршаралардан гувиллаб кўпик сочиб туришини эшитаётгандек эди.

IX

Лутфиниса аёллар бригадаси билан «Қирғиз овул» участкасида тупроқ таширди. Азизхоннинг номи Дўнан Дўсматов билан баробар тилга тушиб турганда Лутфиниса қўл учнда иш қилишни эи кўрмасди. Участқадаги аёллар Азизхон билан икковлари ўртасида бўлиб ўтган гаплардан аллақачон хабар топишган, полвон болашнинг қайлиги деб иззат қилишарди. Кечқурун ишдан чиқиб чайлага келишганда хотинлар уни гапга солишарди. Айниқса аёллар бригадасининг бошлиғи, Избосканда пилладан кўп ҳосил олиб қатор-қатор орденлар олган, Ўзбекистон Олий Советига депутатликка сайланган Хайриниса Боқибоева дегаи ҳам кўҳлик, ҳам эркакшода аёл уни кўпроқ гапга соларди.

— Менга қара, иккита эрга теккансану ҳали ҳам қиз боладексан-а! Ё тавба!

— Вой, нега унақа дейсиз,— дейди Лутфиниса астойдил куйиниб.— Бир марта ҳам куёвга чиқмаганман.

— Ҳо, марғилонлик эринг эсингдан чиқдимми?

Лутфиниса куйиб-пишиб бўлган воқеани бошқатдан айтиб беради. Аёллар бу гапини печа марталаб эшитган бўлсалар ҳам яна қулоқ тутадилар.

— Никоҳ ўқитмасдан қочганмиз-у. Куёвнинг бетини узоқдан ҳам кўрмаганман.

— Хўп, майли. Бу гапингга ҳам хўп дейлик. Азиз полвон билан қочиб тўқайда бир кеча, қирғизнинг ўтовида уч-тўрт кун қолиб кетганларинг-чи. Бизни лақиллатмай қўя қол. Шундоқ шўх, осмонда учиб кетаётган бургутни бир сапчинда қанотидан тутадиган йигит сен балиқдай килкиллаб ётганингда индамай тасбеҳ ўғириб ўтирганмикип. Йўқ, бу биров ишонадиган гап эмас. Бизни лақиллатмай қўя қол.

Лутфиниса бўғилади. Қуйиб-пишиб тушунтирмоқчи бўлади. Худо урсин, каломулло урсин, деб қасам ичади. Барибир Хайриниса «ишонмайди». Шундан кейин Лутфиниса аламига чидамай йиғи бошлайди. Хотин-халаж ўртага олиб аранг юпатишади. Бригадир ҳазил қилди, атайин кулги бўлсин, деб сени лақиллатяпти, дейишади.

Эртасига ишдан кейин яна шу гап. Яна қасам, яна йиғи.

Лутфиниса уч-тўрт кун шунақа эрмак бўлгандан кейин бу гапларга эътибор қилмай қўйди. Ҳатто Хайринисанинг гапига бурнини қийшайтпрадиган бўлди. Бу ҳам етмагандек, ҳа, рост, яқинда туғиб бераман, сизларга нима, деб гапни чўрт кесадиган одат чиқарди.

Лутфиниса оппоқ, юрса сўлқиллайдиган, икки қошининг учи бир-бирига тугаш, бўйи сал пастроқ, тўлагина қиз. Тошкентлик Баҳром Ҳамдамий деган рассом атайин штабдан суратини ишлагани мойли бўёқларини кўтариб келган эди. Лутфиниса кўнмади. У неча марталаб фоточилар суратини олмоқчи бўлганда рўмоли билан юзини тўсиб қолган. Унинг сурат олдирамаслигига Азизхон сабабчи. Агар суратинини олдиранг кўрасан мендан, суратчи ҳам, сен ҳам калтак ейсанлар, деб тайинлаб қўйган.

Бундан бир йил олди Лутфиниса Марғилондаги катта фотохонада сурат олдирган эди. Сурат яхши чиққанидан фоточи бир нусхасини каттакон қилиб ойнасига ёпиштириб қўйган эди. Азизхон бу суратни кўриб қолиб, ойнани сийдириб суратни йиртиб ташлаган, катта жанжал чиқиб, зўрға милиция қўлидан қочиб қолган эди.

Азизхон ҳеч кимнинг Лутфиниса дийдорига тўйиб қарашини истамасди. Агар Лутфиниса биронтаси билап қўл бершиб сўрашиб қолса, унинг жони ҳиқилдоғига келар, ҳа, сеними, деб бир яшиб қўярди.

Азизхоннинг бу феълини билганидан, сурат олдирамсам эт-бетим камайиб қоладими, деб суратчинини кўрса юзини тесқари қиладиган бўлиб қолганди.

«Сталинча қурилишда» газетаси Лутфиниса тўғрисида бир марта «Полвон қиз» деган очерк, яна бир-икки марта мақола босиб чиқарди. Аммо суратини чиқаза олмади.

Кўпинча Азизхон смепадан чиқардию адир ёқалаб «Қирғиз овул»га чопарди. Хотинлар унинг қораси кўрнини билапоқ чайладан Лутфинисани чақирншарди.

— Тура қолнинг, келин пошша, поччам келяптилар.

«Поччам» ҳам тортишни билмайдиган, хотинлар ётоғига худди ўз уйддек бемалол кириб келаверадиганлардан эди. Саратон кечида, айниқса офтоб ўчиб, энди ним қоронғи бўлиб келаётган пайтда ҳаво бир дим бўлиб оларди. Ҳар қандай жонвор ҳам чидамайдиган дим ҳавода хотинлар уст кийимларини ҳам ечиб ташлаб ётоқдаги ўринларига чўзилиб олишарди. Азизхон пўшт дейишни билмас, ҳатто йўталмай ҳам чайлага кириб кетаверарди. Хотинлар қий-чув билан устларига кўйлак борми, чойшаб борми, тортишарди. Шунинг учун ҳам хотинлар уни «хира почча» деб аташарди. Азизхоннинг узоқдан қораси кўриниши билан ҳаммаси шошиб-пишиб кийиниб олишарди.

— Ахир эрингга айтсанг бўлмайдими, чайлага киратганда ҳеч бўлмаса йўталиб қўйсин.

Лутфиниса ҳам уларнинг гапига бошлаб жавоб қилади:

— Мени қанча эрмак қилгандинглар. Энди ўзларинг ҳам эрмак бўлиш қанақалигини билиб қўйинглар. Атайин қилади. Ўзини тайинлаб қўйганман.

Шаддодроқ бир келинчак бўш келмай гапига яраша жавоб беради:

— Шунақа қиладиган бўлса, қўлдан ушлаб каравотга босамиз. Эрталаб бурнини шўлтиратиб, оёғини судраб чиқиб кетишини томоша қиласан.

Ётоқда қийқириқ-кулги бўлиб кетади. Боқибоева ёстиқдан бош кўтариб бу гапни айтган келинчакни жеркиб ташлайди.

— Э, айнинмай ўл. Бас қил-э. Ҳали эринг келса айтиб бераман, худди қўйворади-я!

Келинчак яна бўш келмайди.

— Тили қисик, индолмайди. Кимдандир, қиш бўлса бурун қутурар, ёз бўлса хотин, деган гапни эшитиб қолган экан. Саратонда мендан қочиб томга чиқиб ётади. Қувиб чиқмасин, деб шотини ҳам томга тортиб қўяди.

Хотинлар унинг гапларига ҳиринг-ҳиринг кулишади. Кунни билан офтоб тигида ишлаб чарчаганларига қарамай, тиззаларининг, билакларининг зирқирашига қарамай, аллапаллагача ҳангамалашиб ухлаб қолганларини сезмай қолишади.

Лутфиниса Азизхон имлаб олиб чиқиб кетганича улар ухлаганда келар, оёқ учида юриб, жимгина ўрнига

кириб ётарди. Эрталаб қизиқчи келинчак ўрнидан туриши билан Лутфиннисанинг чойшабини очиб ташлар, «Хотинлар, ревизия!» — деб қичқирарди. Лутфиннисанинг иягидан кўтариб томоғини кўрарди. Хотинлар уйқудан кулги билан бош кўтаришарди. Лутфинниса уялганидан бошига чойшаб тортиб ғужанак бўлиб оларди.

Чайла ёнбошида душхона бор эди. Хотинлар трассадан қайтишгандан кейин сочиқларини, тоза кўйлақларини олиб душ тарафга кетишарди. Бир куни Лутфинниса бошидан душнинг игнадек ингичка ёмғирини оқизиб, яйраб чўмилаётган эди. Қизиқчи келинчак кириб қолди. Унинг қуйиб қўйгандек бегубор, қўл тегса қайтариб ташлайдиган баданига, ҳали бола оғиз солмаган таранг кўкракларига қараб илжайди.

— Полвон боланинг омади бор экан. Ҳа, жонингдан! — дедю белидан қучди.

Лутфинниса нима қилишини билмай эсанкираб қолди, унинг олдида эркак киши бордай, унга таҳдид қилаётгандай, панжаларини ёзиб, кўкракларини тўсди.

Келинчак ҳамон ҳазил қиларди.

— Агар эркак киши бўлганимда, ўлай агар, опқочиб кетардим.

Ана шу воқеадан кейин яна икки-уч кун Лутфиннисанинг қадди-қомати ётоқда дoston бўлди.

Қизиқчи келинчак гапга қанчалик чечан, шаддоод бўлса, ишга ҳам шундоқ эди. Бирга замбил кўтаришганларни шошириб қўярди. Агар ўзи замбилнинг олд тарафидан кўтарса орқадагини судрар, орқа тарафдан кўтарса замбилгалтак қилиб итариб олиб кетарди. У қайнасан билан тотув турса керак, қайнасан унинг бўйнига туморлар осиб ташлаган, нимчасида ҳам, кўйлақ ёқасида ҳам кўзмунчоқ ялтираб турарди. Унинг қайнагани кунора «Қирғиз овул»га келиб чайлага ҳам, хотинларга ҳам исиріқ тутатиб кетарди. Бу ерда ишлайдиган хотинларнинг ҳаммасидан гуп-гуп исиріқ ҳиди келарди.

Баъзан чайла олди тўйхонага ўхшаб кетади. Хотинларнинг эрлари, қайнана-қайнаталари, болалари, келин-куёвлари келишарди. Ҳаммасининг қўлида тугун, тоғора, ўртага катта дастурхон ёзилиб, уйдан келган тансиқ овқатлар қўйиларди. Фақат биргина Лутфиннисага ҳеч ким ҳеч нарса олиб келмас, бошқалар овқатига ҳадеб шерик бўлавернишга ийманиб, ўзини четга оларди. Бо-

қибоева унинг ийманаётганини сезиб, қайда бўлса топиб дастурхон тўрига ўтқазарди. Лутфиниса бир кунни Азизхонга шу тўғрида оғиз очиб қолди.

— Жуда хижолат бўляпман. Ҳаммаларининг уйларидан овқатлар келади, мендан ҳеч ким хабар олмайди. Овқатларига шерик бўлишга уяляпман.

Азизхон уни юпатди.

— Қўявер. Эртага ҳамма қарзларингни узамиз.

Азизхон айтганини қилди. Ўша кунни кечаси чодирда ётмай Орзихон аяниқига кетди. Нон ёптирди. Куйганёрдаги дўкондан ўн бештача атир, ўн бештача «Гулжаҳон» деган совун, аллақанча дастурмол олди. Қабобпазнинг қўрасидаги ҳамма қабобни каттақон тоғорага сидиртириб бошига қўйдию «Қирғиз овул»га олиб келди.

Қабоб тўла тоғорани, дастурхондаги нонларни сўрига қўйиб, бир қийиқ совун-атирларни чайладаги каравотга сочиб юборди. Хотинлар қий-чув қилиб талашиб кетишди. Қизиқчи келин бунга ҳам гап топди. Атир-совунни Азизхоннинг олдига қўйиб ўзи каравотига бориб тескари қараб ўтириб олди.

— Ҳа, ая, опкелган нарсам ёқмадимми? Яхши совун-ку.

Келин лабларини атайин буриб мингиллади:

— Эримнинг димоғи ҳид билмайди. Тўйимизнинг эртасига совғага икки бўлак кирсовун олиб келган. Бир кунни қоронғида оқ ёғ ўрнига лампа мойни қозонга қуйворган эканман, билмади. Маставани хўриллатиб ичиб, бошлабсан хотин, жуда ширин бўпги, деса бўладими. Лампа мой билан оқ ёғни билмаган одам атирсовунни билармиди. Майли, совғангизни оламан, полвон бола. Фақат битта шарт билан. Штабдан суратчи чақирганмиз, ҳаммамиз эсдаликка битта суратга тушиб қўймоқчимиз. Эртамининдин ҳар тарафга тарқаб кетамиз. Шунга рози бўлсангиз совғангизни оламан.

Аёллар бригадасининг табелчиси эркак киши эди. Азизхон унга ер остидан қараб қўйди. Келинчак буни сезиб дарров жавоб қилди:

— Вой, Латифжоннинг олдида ич қўйлақда ўтирамиз-ку. Бирам юмшоқ, бирам ипакдек майин нарсаки, Агар эркак бўлса Луғумбекка бориб ер қазимасмиди. Хотинларга табелчи бўлармиди. Бу тарафдан хотиржам бўлинг. Боқибоева опам унга соч ўрдирадилар-ку.

Кулги Устиға кулги бўлиб кетди. Азизхон кўпдан бери бунақа кулмаган эди. Қорини ушлаб мукчайиб қолди. Бўпти, бўпти, деворгинини ўзи ҳам билмай қолди.

Азизхон кетаётганида Лутфиписа адир этагигача куватиб борди. Азизхон унинг елкасига қўл ташлаб бораркан, ҳамон илжайрди.

— Жуда қизиқчи хотин экан-ку, а?

— Жуда антиқа жувон, — деди Лутфиниса елкасидаги қўлнинг бармоқларини ўйнаркан. — Шунақа қизиқ гапларни топиб гапирадики, кулавериб ичакларимиз узилай дейди. Айтганча, сизга ҳам лақаб қўйган.

— Ия, — деди Азизхон. — Қанақа лақаб?

— «Хира почча» дейди. Бир марта кўйлагини ечиб ётганда кириб қолган экансиз. Ҳалигача айтиб кулдиради.

Азизхон ҳам, Лутфиниса ҳам бахтиёр эдилар. Агар қўйиб берса то оппоқ гонг отгунча шундоқ, сира тўхтамай кетавергудек эдилар. Аммо эрталаб уларни зўр, жуда ҳам зўр иш кутарди.

Адир орқасида машъалалар порлайди. Қайдадир ноғора-чирманда тараклайди. Яқин орада чирилдоқнинг бир мақомда чириллаши эшитилиб турипти. Азизхоннинг қўли ҳамон Лутфинисанинг елкасида.

Х

Лутфинисанинг кўйлакларига ямоқ тушди. Азизхон яёл кишининг кийим-кечаклари эркакнинг бўйнида эканидан беҳабар эди. Лутфиниса ҳам кийимларим тўзиб кетди, деб бир оғиз гапирмади. Улар ишдан чиқиб қоронғи тушганда учрашиб юрганлари учун ҳам Азизхон кўйлаги қай аҳволдалигини билмасди.

«Оқ мактаб» олдида Ҳалимахонимнинг концерти бўладиган кун хотинлар ишни вақтли тугатиб, бош ювиб бир-бирларига соч ўрдириб қолишди. Тугундан атлас, шоҳи кўйлакларини олиб, чўян дазмолга ўт қалаб юборишди.

Азизхон тиззасигача тупроққа ботиб Лутфинисани концертга обораман деб келиб қолди. Қараса Лутфиниса чайла олдида мунғайиб ўтирибди.

— Бўлмайсанми, воҳлироқ бориб олдидан жой олиб қўяйлик.

Лутфиниса ердан бошини кўтармай секин деди:

— Қизиқсиз-а, шу аҳволда қандоқ бораман. Кўйлагимни қаранг, концерт у ёқда турсин, шатта кийиб юришга ҳам ярамай қолдн-ку.

Азизхон бундоқ қараса, Лутфинисанинг устидаги кўйлак бир аҳволда. Ҳайрон бўлиб қолди.

— Нега шу пайтгача индамадинг?

— Айтишим шартмиди? Кўзингиз бор-ку, ахир.

Азизхон тилини тишлаб қолди. Ахир дадасига юборган етти юз сўмдан ташқари яна юз саксон сўм пули бор. Ётоқда болиш тагида турибди. Чекмасам, ичмасам, нима қиламан пул йиғиб, деб ўзини койиди.

— Кечир мени, Лутфи. Башарангга, қош-кўзингга қарайвернбману, бу ёғи эсимга келмапти. Бу хатони дарров тузатамиз. Мен кетдим. Луғумбекда «бозори шаб» бўлади. Сайёр дўконлар ярим кечасигача совда қилишади. Бўпти, ўшаққа кетдим. Сен қимирламай, мени шатта кутиб тур.

Азизхон пилдираганича орқасига қайтиб кетди. Лутфиниса умрида бировдан тамаъ қилмаган, келин аясининг эскин-тускиларига қаноат қилиб келганди. Акаси шу бечора етимча синглим-ку, онагинамдан ёд ор-ку, деб бошини силамаганди. Ҳайит, байрам кунлари ҳам Лутфиниса ўқсиб қоларди. Бугун Азизхонга аҳволини айтдию юрак-бағри эзилиб кетди. Азизхон кетган тарафга қараб ўтириб, бир-икки киприк қоқди; кўзларидан дув ёш тўкилди. Бу вақт ташқарида хотинлар бир-бирига гап қотиб кулишар, дазмол талашиб, жиқиллашишарди.

Бирон соат чамаси вақт ўтиб ташқари жимиб қолди. Ёш жувонлар гажак қўйиб, кексароқлари соч фарқини тўғри очиб, одмигина кийиниб концертга жўнаб кетишди. Бир гапириб, ўн қийқирадиган келинчак уни қўлидан тортиб, турмайсанми, нима қилиб ивирсиб ўтирибсан, деб бирга боришга қистади ҳам. Лутфиниса чарчаганини баҳона қилиб, ўрнидан турмади.

Келинчак:

— «Хира поччам»ни кутаётгандирсан. Ичингдан пишгансан-а, — деб маъноли илжайиб, чиқиб кетди.

Ошпаз кампир фонарь ёқиб, ўчоқ бошига кетди. Қуни билан офтоб тифида ишлаб чарчаган кексароқ хотинлар ўринларини ташқарига опчиқиб ётиб олишди. Ошпаз

хотинининг, концертга бормайсизларми, деган сўроғига: концертни ёш-яланглар кўришсин, деб қўя қолишди.

Ташқаридан Азизхоннинг; ҳо кампир аялар, ҳорманглар, деган овози, гурс-гурс қадам ташлаши эшитилди. Лутфиниса ўрнидан турди. Чайла оғзида қўлида тугун билан Азизхон кўринди.

— Лутфи, қаёқдасан, қоронғида нима қилиб ўтирибсан, чиқмайсанми?

Лутфиниса ташқарига чиқди. Азизхон тугунни фонарь тагида еча бошлади.

— Мана, мана, топдим.

У шундай деб иккита шиппак, кўйлак, рўмолларни унга узата бошлади.

— Ичкарида кийиб чиққин. Пойтуқ дўконида яхши кўйлаклар бор, дейишяпти. Эртага бирга бориб оламиз. Ҳозирча сатин бўлса ҳам шуни кийиб тургин.

Лутфинисанинг кўзлари яшнаб кетди. Азизхон олиб келган нарсаларни бир қучоқ қилиб ичкарига кўтариб кириб кетди. Сал ўтмай кийиниб чиқди.

— Ана, айтдим-ку, ўзингга лойиқ деб. Шиппакка ғарч солинган, деб айтди. Юриб кўргин, ростмикин?

Лутфиниса у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Сотувчининг гапи рост чиқди. У юрганда шиппак ғарч-ғурч қиларди.

Лутфиниса онаси оламдан ўтгандан буён энди оҳорли кийим кийишни эди. Тўғри, тўйда унга янги либослар кийдиришганди. Аммо у кийимлар кафандек совуқ гуюлган эди. Унинг устига ўша кийимлар эртасигаёқ тўқай қамишларига нлиниб, тилка-пора бўлган. Бугун читдан бўлса ҳам, сатиндан бўлса ҳам бу кийимларни унга энг яқин кишиси олиб берган эди.

Азизхон янги кийинган Лутфинисанинг қадди-қоматига, юз-кўзларида яшнаган қувончга қараб дили ёришиб кетди.

— Ҳали қараб тур. Жуда ғалати нарсалар оламиз. Уҳ-ҳў, ҳали пулим кўп. Яна юз қирқ сўм бор. Биласанми, унга қанча кўйлак келади? Роса кийинтираман.

Азизхон шундай деб шимининг чўнтагига қўл суқиб бир қисим пул олди.

— Манавунга нимани хоҳласанг шуни ол! Ўзингга нима кераклигини ўзинг биласан.

— Ўзингизга ҳеч нарса олмайсизми? — деди Лутфиниса хижолатлик билан.

— Э, ғалатимисан? Мукофот устига мукофот олиб турибман. Икки-учта янги тўним, яктакларим бор. Битта гарч солинган этик олсам бўлди. Пул кўп ҳали.

Уларнинг болаларча суҳбатларига қараб ниёз тўғраб ўтирган ошпаз хотин бошини сарак-сарак қилиб куларди. Арқон каравотларда ётган хотинлар бошларини буркаб ухлашолмасди. Охири биттаси бошини кўтариб бақириб берди:

— Ухлатасанларми, йўқми? Ишқивозлик қилишга бошқа жой тополмадингларми?

Лутфийисанинг дами ичига тушиб кетди. Азизхонни қўлидан ушлаб оёқ учида трасса томонга юра бошлади.

Атроф қоронғи. Ҳали ой кўтарилмаган. Дўнг орқасидан оппоқ шуъласигина ёйилиб келарди.

— Сизга бир гап айтмоқчи эдим. Кеча Орзихон ая бир гап айтдилар. Ҳайрон бўлиб қолдим.

— Нима дейди? — деди қизиқиб Азизхон.

— Маҳаллада қўни-қўшнилардан хижолат бўляпман. Никоҳсиз остона ҳатлаб кириб-чиқишларинг қандоқ бўларкин, гап-сўзга қўймаглар мени, дедилар. Куёвнингга айт, битта ошнинг харжини чорсига тугиб келсин. Маҳалладан уч-тўрт эркакини чаққириб, олдига битта тавоқда ош қўйиб, никоҳ ўқитиб қўяйлик, дедилар. Бу гапга нима дейсиз?

Азизхоннинг бу гапдан дили ёришиб кетди.

— Аянинг гаплари тўғри. Никоҳни ўқитиб қўяйлик, тўй қочмайди.

Иккови шу оқшом ой тиккага келгунча айлашиб юришди. Азизхон канал битгандан кейин нималар қилишини тўлиб-тошиб гапирарди.

— Эшон ака шатта қоласизлар деяптилар. Райводхозга ишга оламан, уй бор, маоши ҳам яхши, келин болага ҳам иш топилади. Боқчагами, яслигами ишга ўрнатиб қўяман, дедилар. Совхоз директори бўлса бизга кел, хоҳласанг қурилиш бригадасида ишлайсан, хоҳласанг бўлимга ишга юбораман, дейди. Хуллас, икковимиз избосанлик бўлиб қоладиган бўлдик. Совхозда қоладиган бўлсак икки ойлик маошни икковимизга олдиндан берармиш. Совхоз янги уйлар қурган, рўзгор буюмлари ҳам тахт.

— Олдиндан ҳовлиқманг-да, Эшон ака билан маслаҳатлашинг. У киши сизга ота ўрнида оталик қиляптилар. Ҳар қанақа иш бўлса у кишининг чизиғидан чиқманг.

— Бу гапинг ҳам тўғри,— деди Азизхон.— Аммо сен боқчада ишлаёлармикансан?

— Наҳотки шу ишни эпллолмасам. Қасқдаги кампирлар эплашаётган иш-ку.

Шу пайт «Қирғиз овул» тарафдан хотинларнинг қий-чуви эшитилиб қолди.

— Концерт тугапти,— деди ташвишланиб Лутфиниса.— Энди кетинг, хотинлардан балога қолдим.

— Шошма, шошма,— деди Азизхон уни қўлидан тортиб.— Битта, биттагина ўпиб қолай.

Лутфиниса силтаниб унинг қўлидан чиқди.

— Бўлди, ҳаддингиздан ошманг.

Азизхон тўлиб турган эди. Уни қўлидан силтаб ўзига тортди.

Азизхон уни қучиб юзларидан, томоқлари тагидан тўйиб-тўйиб ўпди. Кетмон дастаси қабартирган дағал кафтлари билан сочларини силади.

Одатда ошиқ-маъшуқлар учрашганда ювиниб-тараниб, атирга беланиб келишади. Қиз сочидан ғалати хуш бўй соч мойи, атирсовун иси келади. Булардан эса ачимсиқ тер ҳиди гупиллаб келиб турипти. Аммо уларга бу ҳид сира унутиб бўлмас балоғат ҳиди, ёшлик, навқиронлик ҳиди бўлиб туюларди.

Бир вақтлар келиб, бола-чақалик, кексалар айтган ола хуржин бўйинга тушган пайтлар келганда ҳам бу ҳид димоқда туради. Ажиб хотираларни уйқудан уйғотади. Хўрсинтиради. Бу кунлар кўзни тиндирадиган аллақандай биллурий нур ичида тушдек, эртакдек олисдан кўринади. Кўзларни қамаштиради. Имлаб ёшлик кўчаларига, қайноқ бағрига чақиради.

Уларнинг бу дамлари тирик қўшиқ эди. Бу нурдан, қўшиқдан, камалакнинг етти хил рангидан, баҳор ёмғиридан, кўз очган чечаклар бағридан, тошқин сувларга тўш уриб учаётган қалдирғочнинг оппоқ кўксидан, нораста гўдакнинг нафасидан яралган онлар эди.

Бироқ бу икки бахтиёр ошиқ-маъшуқ олдинда тақдирнинг қандоқ ўйинлари борлигини билишмас, ҳозир азим чўққилар сари сузиб бораётган бир товоқ қаймоқдек оппоқ ой эртага яна чиқадими, Лутфинисанинг сочларига, елкаларига яна кумуш ёғдуларини сочадими, бу уларнинг хаёлларига асло келмасди.

Улар бир-бирларининг нафасларидан маст, сарҳуш эдилар.

Қурилиш штаби аёллар бригадалари учун алоҳида кўчма қизил байроқ таъсис қилган эди. Боқибоева бригадаси қанча уринмасин, байроқ ололмасди. Штаб Учқўрғондаги бригадаларнинг ишига алоҳида аҳамият берар, у ернинг табиий шароити огирлиги сабабли тошшағал қазиш ишидагиларни тез-тез рағбатлантириб турарди. Боқибоева Тешавой Мирзаевни кўпчилик ўрта-сида ўсал қилиб қолди.

— Кўзингиз Учқўрғонни кўраркан-да. Бу ўн куплик-да ҳам сизни Учқўрғондан кўрадиган бўлсак, нақ Усмон отанинг олдиларида пўстагингизни қоқамиз. Қани, кўрамиз, қайси бригада олдимизга тушаркан?

Боқибоева бригадаси ҳақиқатан ҳам бу ўн купликда жами аёллар бригадасидан ўзиб кетган, ўн куплик ер қазиш ва тупроқ ташиб чиқиш нормасини тўрт юз қирқ икки процент бажариб қўйган эди. Штаб уларнинг ютуғига таъбирмай иложи йўқ эди. «Сталинча қурилишда» газетасида «Байроқдор бригада» деган мақола ҳам чиқди.

Бугун тушлик пайтида штаб вакиллари инженер Лебедев, бош инженер Азизов, Избоскан райнжирокомнинг раиси Усмонхўжаевлар трассадаги жами қурувчиларни сада тағига тўплаб, кўп илиқ-иссиқ гаплар билап байроқни Боқибоевага топширишди. Боқибоева байроқни қабул қилиб олди-да, икки оғизгина гап айтди:

— Энди бу байроқни то канал битгунча биздан оламан деганлар номаъқул бузоқнинг гўштини епти. Мана шу жойдан Норин суви Қора дарёга етиб боргунча сувнинг олдида шу байроқни кўтариб канал ичидан кетамиз. Гап тамом.

У байроқ билан давра четига чиқаркан, Усмонхўжаевга шама қилди:

— Ҳимматингиз шуми, Эшон ака? Бу қизларга совға-повға олиб келмадингизми?

Усмонхўжаев ҳазил билан қутулмоқчи бўлди.

— Ҳаммасининг бошида биттадан эри бор, нега мен уларга совға берарканман. — Давра аҳли қиқирлаб кулиб юборди. Эшон ака каттақон қутичани кўтариб ўртага чиқди. — Синглим, совғанинг зўри бизда-да.

У шундай деб ёнидан бир қоғоз олиб ўқий бошлади:

— Катта Фарғона канали қурилиши трассаларида алоҳида жонбозлик кўрсатгани учун қуйидаги ўртоқларни Ўзбекистон Олий Совети президиуми «БФК» деган канал нишонини билан мукофотлайди.

Усмонхўжаев йигирма аёлининг номини айтиб чақирди. Эҳтиётлик билан уларнинг кўкракларига нишон тақа бошлади. Навбат Хайриниса Боқибоевага келганда у қизиқчилик қилиб икки биланини шимариб олди.

— Кураш тушмоқчимсиз, Эшон ака? — деди қизиқчи келин.

— Боқибоева катта орденларга ўрганган, буни писанд қилармикин. Агар мени савалаб қолса, ҳушёрроқ турай, деяппан-да, синглим.

У нишон тақаётганда нимадир қилди шекилли, Боқибоева сапчиб орқага чекинди, унинг қўлини туртиб ташлади.

— Ҳа, шўхлигингиз қурсин, сира қолмади-да.

Даврада қийқириқ, кулги бўлиб кетди Усмонхўжаев кулгидан ўзини арабг тийиб унга қаради.

— Эски жазманингизман-да, қўлим қалтираб кетибди, кечирасиз...

Бу бригада аёлларининг иши ҳам, митинги ҳам, овқати ҳам кулги билан, ҳазил-мутойиба билан ўтарди. Бу ҳазиллар, кулгилар зумда тандан чарчоқни қочирарди. Айниқса Усмонхўжаев келган пайтларда улар жуда-жуда яйраб кетишарди. Бу одам Избоскан районда кўп йиллардан бери ижрокомга раислик қилар, аҳолининг каттадан-кичигини худди ака-укаларидек яхши таширди. У қатнашмаган тўй, маърака йўқ эди. Азаларда тобутни елкага олар, тўйларда бош бўларди. Бирини опа, бирини ака деб сийларди. Эшон ака келди, деган даврага зумда файз кириб кетарди. Хотинлар ҳам даладами мажлисдами у билан баробар аския айтишаверишарди. Ҳеч қайси аёл бегонасирамас, эридан шикоятни борми, қайна-насидадан ҳасрати борми, идорасига бориб ўтирмай кўча-кўйда ҳам арз қилаверарди. Бугун байроқ топшириш маросимида Эшон аканинг келиши, ўзи нишон топшириши уларни жуда «суйилтириб» юборган эди.

Хайриниса Боқибоева районда каттадан-кичикка гапини ўтказадиган, ҳатто Охунбобоев, Усмон Юсуповлар билан бемалол гаплашадиган шаддод аёл. Бундан уч кун олдин бориб колхоз раиси Абдусамат Тиллабоевни гап билан узиб-узиб олган эди.

— Уялмайсизми, оқсоқол. Аёллар рўзгорини ташлаб, бола-чақасининг кир-чирига қарамай тупроқ қазияпти. Бошқа колхозлар ишлаётган аёлларни бошларига кўтаришяпти. Сиз бўлса нимаинки мукофот бўлса эркакларга сочяписиз. Велосипед борми, патефон борми — эркакларга. Ҳали қараб туринг, канал ҳам битар, ундай кейин «Ҳой хотинлар, қайдасиз, пиллага қаранглар, чеканкага чиқинглар», «Аёллар — колхозда катта куч, чаққон-чаққон қимилланглар», деб қоларсиз... Сиз билан ўшанда гаплашамиз.

Тиллабоев лом-мим деб оғиз очолмай қолди. Унинг жавобини ҳам кутмай Боқибоева кабинет эшигини қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Бугунги маросимга Тиллабоев ҳам қўлтиғига каттакон тугун қистириб келган. Навбат кутиб турипти. Боқибоева, ҳа, гапим жон-жонингдан ўтиб кетган экан, деб ўйлади.

Эшон акадан кейин кўкрагига канал нишонини таққан хотинларнинг елкасига Тиллабоев биттадан атлас ташлади. Қизиқчи келин яна гап қистириб қолди:

— Раис бува, бу атласнинг поми нима?

Тиллабоев хотинлар билан пачакилашишни ёқтирмасди. Келинчак атайин унинг шу феълени билиб гапга тортомоқчи бўлганди. Тиллабоев қип-қизариб кетди. Сўзга ботир Эшон ака унинг ўрнига жавоб қилди:

— Билмайсанми, пучуқ, буни «қичиқ атлас» дейдилар. Жа, сен боп атлас.

Яна кулги бўлиб кетди.

Эшон ака кетиш олдида Хайринисани четга чақирди.

— Полвон боланинг қаллиғи қайси бири? Гапим бор эди.

Боқибоева чугурлашиб бир-бирининг атласини тортқилаб кўришаётган хотинлар орасидан Лутфинисани чақирди. Эшон ака унга маҳлиё бўлганча қараб қолди.

— Полвон болашинг диди зўр-ку. Опқочса арзийдиган сулув экансан. Эҳтиёт бўл, анжан йигитлари шўх бўлади, отга ўнгариб опқочмасин, қизим. Э, Хайри, шундоқ нарсага тупроқ ташитиб ўтирибсанми. Менга қара, қизим, сенга битта секрет гап айтиб қўяй. Бугун бригадир сенга ишдан вақтлироқ жавоб беради. Кечқурун Куйганёрда метинка бўлади. Усмон ота қайлигинга от

жиндирадилар. Атайин Самарқанддан иккита қораба-йир олдириб келганлар. Биттаси Дўнанбойга, биттаси Азиз полвонга. Қийиниб, тараниб, метинкага бор, хўпми, қизим.

Шундан кейин Усмонхўжаев Тиллабоевнинг извошига ўтириб жўнаб кетди.

Лутфиннисанинг юраги гупиллаб урар, кўкраклари қувончдан қалқиб турарди.

Хотинларга сир айтиб бўлмайди, деган гап ростга ўхшаб қолди. Усмонхўжаевнинг секрет, деб айтган гапи бирпасда бутун бригадага тарқади. Иш устида ҳам, дам олиш пайтида ҳам Лутфиннисага маслаҳат берадиганлар кўпайиб кетди.

— Сочингни майда ўрдир. Учига пилик қилмай, намлаб туриб қаламга ўрасанг жингала бўлади.

— Фарқингни сал чап тарафдан оч.

— Баланд пошна туфли бўлса жуда боп бўларди-да.

Шу куни Боқибоева, митингга борадиган бўлсанг ювиниб-тараниб ол, деб унга ишдан жавоб берди. Лутфинниса тугунчасини қўлтиқлаб пиёда қизил кўприк тарафга кетди. Қизил кўприкнинг у ёғи пиёда ярим соатли йўл эди. Ундан ташқари, Куйганёрга бу тарафлардан тинмай от-арава, машиналар ўтиб туради. Қўшариқ қочиб кетибдими, бирпасда етиб олади.

Хотинлар яна ишга шўнғиб кетишди. Қизиқчи келинчак кимга тегажаклик қилишни билмай эркакча юриш қилиб замбилғалтакда тупроқни юкорига опчиқар, бомба, деб бақириб тупроқни агдарарди. Тўкилган тупроқ тўзғиб, орасида ўзи кўринмай кетарди.

Боқибоева қизил бахмал байроқни чайла тепасига ўрнатган. Шамол йўқ, ҳаво дим бўлганидан байроқ ҳилпирамас, зардан ясалган оғир гажимлари унча-мунча шабадага ҳилпиратгани кўймасди. Боқибоева табелчи Латифжонни байроқ тагига ўтқазиб қўйди.

— Табелчи қиладиган иш қолгани йўқ. Бекорга пашша қўриб ўтирма, манави байроқни қимирлатиб тур.

У шундай деб байроқни олди-да, манавундоқ қил, деб Латифжоннинг қўлига берди. Энди Латифжон дўнг тепасида байроқни у ёқдан бу ёққа силтаб ҳилпирата бошлади. Боқибоева икки-уч кетмон уриб байроққа қараб қўяр, чаққон-чаққон қимирланглар, деб аёлларни ишга ундарди.

Кечқурун Эшон ака бутун Фарғона водийсига маш-хур бўлган, қўшиқлари пластинкага тушган Бидонхон билан Раҳима Эрматовани икки ўйинчисин билан юборибди. Чайла олдидаги ялағликка гулхан ёқилиб аллапаллагача базм бўлди. Бидонхон Фарғона яллаларини ажиб бир хуш овоз билан ижро этар, унга Эрматова жўр бўлиб, қийқириқларга, олқишларга кўмчилик кетарди. Раққосага кўшилиб қурувчи жувонлар ҳам ўйинга тушишар, ҳар хил муқомлар қилиб йўрғалашарди.

Агар Боқибоева, энди бас, тонг азондан ишга чиқасизлар, деб базмни тўхтатмаганда ўйин-кулфи тонг отарга уланиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Қизиқчи келинчак ўрнига ётаркан ёнидаги арқон каравотга қараб қўйди. Бу каравотда Лутфиниса ётарди.

— Бугун келмайди, бу ўйинқароқ. Ошиғи билан ҳозир дарё бўйидами, дўнг тепасидами ойга қараб хўрсинаётгандир.

У жавраб-жавраб ухлаб қолганди.

Эрталаб кўзини очганда дарров ёнига қаради. Лутфиниса келмаган, ўрни бўш эди. Атрофига қаради. Энди тонг ёришиб келаётганидан чайла ичи ғира-шира ёруғ эди. Боқибоева чайла устунига суюлиб, оқариб келаётган уфққа қараб инманидир ўйлапти. Келинчак унга қаради.

— Лутфиниса келмапти-ку! Ҳали келсин, томоқларининг тагини қарайман. Агар кўкарган жойи бўлса газетага ёзаман.

Унинг бемаврид ҳазилидан Боқибоеванинг қошлари чимирилди.

XII

Орзихон ая Лутфинисани гинахонлик билан кутиб олди.

— Холагинанг ўргилсин, шунақаям ҳаяллаб кетасанми? Довриғингни эшитаман, ўзингни кўрмайман. Полвон болам-ку қорасини кўрсатмай, сувга тушгандек ғойиб бўлди. Сенгина келиб дийдорингни кўрсатиб кетсанг нима қиларди.

Лутфиниса бу очиқ кўнгил, борини меҳмон олдига сочиб ташлайдиган, бир оғиз гапи билан бегонани ҳам

Ўз жигаридек қилиб оладиган кампирни опасидек кўрарди. У билан гаплашганда олисларда қолиб кетган бўлаллик онлари бирдан жонлангандек бўларди. Кампир холанг ўргилсин, тептаккина, норастагинна, деб у билан гаплашаркан, Лутфинисанинг кўз олдига лоп этиб онаси келар, бир дамгина унинг овози эшитилгандек бўларди.

Қурилиш ишлари жадаллашиб кетгандан бери у келиб Орзихон аянинг ҳолидан хабар ололмаган эди. Кампир унга ўрганиб қолганидан йўлига кўз тикиб ўтирган эди.

— Мени зориқтирмай лип этиб бўйингни кўрсатиб кетсанг-ку бўлади-я. Эртага ўзим бориб келмоқчи эдим.

Кампир уни бағрига босиб кўришаркан, озиб кетибсан-ку, чўп-устихон бўлиб кетибсан-ку вой болам-э, ҳамма ённгдан тер ҳиди келяпти-я, бош-мошингни ювиб олмасанг бўлмайди, деди.

Лутфиниса унинг бағридан чиқиб тугунчасини айвонга улоқтирди.

— Аяжон, сув иситиб берсангиз бош ювиб олардим. Бугун Қуйганёрда метинка бўлади. Азизхон акамларга Усмон ота от миндирадилар. Ушанга бераман.

— Вой, хўп, хўп, болам. Сен бош ювасану мен сув иситиб бермайманми.— Орзихон ая пилдираб ўчоқ бошига кетди. Самоварга сув қуйиб теша билан тараша учира бошлади.— Сочингни ўзим қирқ кокил қилиб ўриб қўяман. Ҳой болам, ўсма узиб офтобга ташлаб қўй. Сўлиб турсин.

У самоварга тараша ташлаб ўт олдираркан оғзи гапдан бўшамасди.

— Шу десанг, канал битгандан кейин ҳамманглар ҳар тарафга тарқаб кетасизлар. Бир ивирсиқ энам бор эди, деб эслармикансизлар?

Лутфиниса шарақлаб кулиб юборди.

— Ахир холажон, биз ҳеч қаёққа кетмаймиз. Шатта қоламиз.

— Қани энди шундоқ бўлса, биттагинна қизим иккита, биттагинна куёвим иккита бўлиб бағригиннам тўлиб қоларди-я!

Самовар ўти гуриллаб кетди. Ҳатто қувуридан ҳам ўт лоп-лоп қилиб, бир қарич юқорига ўрлади. Лутфиниса тугунни ечиб, бугун колхоз ранси елкасига ташлаган атласни кампирга кўрсатди. Орзихон ая атласни

ёриққа солиб товланишини кўрди, негадир чет тарафини кафтлари орасига олиб уқалади.

— Яхши атлас. Кудунги ҳам жойида. Яхши кунларингга буюрсин.

— Бугун беришди. Тиллабоев ака топширдилар. Ингирма уч аёлга шунақасидан беришди.

— Буюрсин, буюрсин, болагинам. Тўйларингда кий, яхши кунларингда кий. Бу томонларга келмаганингда, юртга аралашмаганингда сенга бу иззат-икромлар қаёқда эди. Утирардинг сочинг супурги, қўлинг косов бўлиб. Ҳукуматдан айланай, ҳукуматгинадан ўргилай, сен билан менга ўхшаган мунглиларни одам қаторига қўшиб қўйди. Умрингнинг узоқ бўлсин, тўйларингда ўзим кўрпаларингни қавий.

Самовар вақирлаб қайнаб кетди. Кампир Лутфинисанинг ўзим қилай, деганига қарамай, икки пақир чапштирилган сувни ўра олдига қўйиб, пиёлада қатиқ олиб чиқди.

— Қатиқлаб ювмайман, аяжон, эртага яна тупроқ қазиймиз, чапг ёпишиб тўнғиб қолади.

Кампир ўзинг биласан, болам, деб қатиқни қайтариб олиб кетди.

Лутфиниса бош ювишга тушди. Узун сочлари бошидан, юз-кўзларидан ошиб тогорани тўлдирган эди.

Кампир айвон лабида ўтириб ундан кўзларини узмасди. Лутфинисанинг сув тегиб шалаббо бўлган кўйлагини елкаларига ёпишган, олд тугмалари ечиб ташланганидан очик ёқалари оралигида кўкраклари тебраниб турипти. Чўккалаб ўтириб ювинаятганидан этаклари кўтарилиб, тирсиллаган сонлари тиззаларининг букилишидан гаранглашган. Унинг бутун вужудидан ёшлик, навқиронлик, балоғат тантанаси акс этиб турарди.

Лутфинисанинг авжи гулга кирган баҳори эди, кўзлари ҳам аллақандай мастона, лаблари бўсага илтилгандек қовушиб турар, овози титраётгандек нотекис чиқарди. Кимдир ўн саккиз яшар қиз ўтган кўчадан муҳаббат ҳиди келади, деган эди Лутфиниса апа шу ёшда, айни ширага тўлган, йингит-яланг кўксига ишқ уйготадиган фаслини кечирарди.

Орзиҳон ая унга тикилиб ўтириб бу гўзаллик, бу тароват, анқиб турган навқиронликни сезмасди. Аёл кишинини кўзи бу жозибадан тўлқинланмасди. Маст бўл-

моқ учун, қонларни жунбушга келтирмоқ учун айни кўчга тўлган йигит кўзи керак эди.

Лутфиниса сочини тароқлаб сочиқни бошига чамбар қилди. Орзихон ая севиқли қизи куёвниқидан келиб ўз уйида, қадрдон ҳовлисида яйраб юргандек қувонарди.

Ҳали офтобнинг дами қайтмаган, Қўшариқнинг катта кўчасидаги азамат тераклар томдан ошиб ҳовлига тўрт энликкина соя ташлаган пайт эди. Орзихон ая Лутфинисани айвоннинг қоқ ўртасига ўтқазиб шошилмай соч ўра бошлади. Кампирнинг ўз қизи Сабохон ҳар жума уйга келиб шунақа бош юварди. Кампир худди шунақа қилиб ўтқазиб ҳафсала билан сочларини ўриб кўярди. Ҳозир у қизи келгандек меҳр билан соч ўрарди.

— Унақа қирқта қилиб ўтирманг. Йигирмата бўлса ҳам майли, барибир бошимга чамбар қилиб оламан,— дерди Лутфиниса.

Соч ҳам ўрилди. Офтоб тераклар орқасига ўтиб ҳовлига беқасам соя ташлади. Куйганёр тарафдан одамларни митингга чақириб карнай ғатиллаб қолди. Лутфиниса шошиб ўрнидан турдию кийингани ичкарига кириб кетди. Сал ўтмай атлас кўйлак, амиркон шиппак билан чиқди.

— Шунга айтади-да, болам, одамга либос, деб. Оловдек ёниясан-а.

У шундай деб лапанглаганича ошхонага кириб кетди. Куракчада бир сиқим исиріқ билан чиқиб уни ерга қўйди. Кейин самоварни кўтариб оташхонасини куракчага тўғрилаб силқитди. Икки-учта чўғ исиріқ устига тушди.

— Ҳозир, ҳозир, қизим. Ёмон кўздан асрасин.

У чўғни пуфлаб-пуфлаб Лутфинисанинг олдига келди. Куракчадан буралиб-буралиб тутун чиқарди, Орзихон ая уни Лутфиниса атрофида айлантирди, этаклари остига тикиб тутунга тўлдирди.

— Ана, энди борсанг бўлади. Ҳар қандақ ёмон назарни даф қилади бу исиріқ.

Орзихон ая куракчани йўлакка қўймоқчи бўлиб кетаётган эди, эшикни кимдир журъатсизгина тақиллатди. Кампир қўлида куракча билан кўча эшигига югурди. Кўчадан от туёғининг тошга урилгани, кейин кишнагани эшитилди.

Лутфиниса ўзи билан овора бўлганидан бунга эътибор қилмади. Кампирнинг, вой, шунақами, ундоқ бўлса уш келибсиз, киринг, киринг, ўргилай, деганини эши-

тиб бош кўтарди, эшикка қаради. Қарадио ҳайкалдек қотиб қолди.

Иўлакдан Акбарали кириб келарди. Уз акасини кўриб жойидан қимирламай турган Лутфиннисага кампир таъна қилди.

— Вой, болам, аканг келди. Жой қил! Кўрпача солмайсанми?

Акбаралининг башарасида бирон ёмон ният нишониси йўқ эди. Илжайиб синглиси томон келаверди.

— Бормисан, Лутфи? Тўнч юрибсанми? Биттагина акангман-а, шунақа бемеҳрмисан?!

Лутфинниса бирдан бўшашиб кетди. Тили гапга келмай бир-икки қадам олдинга босди.

— Атайин йўқлаб келдим,— деди Акбарали.

Орзихон ая шошиб айвонга якандоз солди. Уни ўтиришга таклиф қилди.

— Келинг, ўргилай, келинг. Болагиннам мусофирларга ўхшаб қолган эди. Йўқлаб келиб, заб иш қилдингиз.

Акбарали кампир солган якандоз четини қайриб омонатгина ўтирди. Лутфинниса ҳамон бирон гап айтишга тили айланмай, мўлтираб унга қараб турарди.

— Утир, синглим,— деди акаси,— сенга айтадиган гапларим бор.

Лутфинниса беихтиёр акасининг қаршисига ўтирди. Акбарали гапни нимадан бошлашини билмай анча вақтгача тил чайнаб ўтирди. Охири бошини кўтариб синглисига қаради.

— Шунча санқиб юрганнинг етар. Тавбанга таянгангирсан. Энди бас. Олиб кетгани келдим.

Лутфинниса бош кўтармай деди:

— Кетолмайман, ака. Энди менга Зириллама ҳаром.

— Унақамас. Раҳматли онам сени менга ташлаб кетган. Эл-юрт олдида бошимни хам қилиб кетдинг, орқангдан қувмадим. Марғилоп йўлни менга берк қилиб кетдинг, индамадим. Жигарчилик, деб чидадим. Энди эсингни йиғ.

Лутфинниса акасининг бетига тик қаради.

— Қистаманг, ака. Кетолмайман. Бирон ҳафтадан кейин каналга сув очилади. Мен шу ерда бўлишим керак.

Акбарали истеҳзоли кулди.

— Тавба, сен бўлмасанг каналга сув келмай қоларканми. Аҳмоқ бўлма!

Орзихон ая гапга аралашди:

— Болам, шунча иш қилиб, энди оғзи ошга етганда ташлаб кетадими? Бу ерда катта тўй бўлади. Уйнаб-кулсин-да!

Акбарали кампирга ёмон қаради.

— Сиз аралашманг, кампир, сиз бегонасиз, жигар жигар билан тил топишади. Икки ўртада сизнинг аралашганингиз қолади. Тўйни ташлаб кетмасин, дейсиз. Бу ўзи шунақа, тўйларни ташлаб қочишга ўрганган. Бизни ўз ҳолимизга қўйинг!

Орзихон ая нима дейишини билмай туриб қолди, кейин ака-сингилнинг гапига мен нима қилиб аралаш-япман, деб чорбоққа чиқиб кетди. Кампирнинг оёқ товуши тингандан кейин Акбарали кўзларини олайтириб сингилсига қаради.

— Кетмайсанми?

— Йўқ!— деди Лутфиниса қатъий қилиб

— Яна бир марта сўрайман, кетмайсанми?

— Кетмайман!

— Энди ўзингдан кўр! — дедию Акбарали шарт ўр-нидан туриб кетди.

Лутфиниса ҳам ўрнидан турди. Акасининг авзойи бузуқ эди. Аммо Лутфиниса ҳам қизишган, сарсон-саргардонликларининг алами бутун вужудига ҳокимлик қилиб қўлларини муштга айлантирган эди.

Акбарали этинининг қўнжигга қўл юбориб пичоқ су-гурди.

— Ингит бошимни эгдинг, онамнинг арвоқини чир-қиллатдинг, бутун авлодимизни иснодга қўйдинг. Ма-на шулар учун, мана шулар учун...

Акбарали сингилсини қўлидан бураб силтади, Лутфиниса гандираклаб акасининг кўксига елка тираб қолди. Акбарали пичоқни зарб билан унинг кўкрагига икки марта санчдию қўйиб юборди. Лутфиниса бура-либ-буралиб ерга йиқилди.

Акбарали мушукдек сапчиб йўлакка бориб қолди. Орқасига ўгирилиб қаради. Лутфиниса муккаси билан тушган, бош кўтаришга уринар, аммо дармони етмас-ди. У бор кучини йиғиб бош кўтарганида акаси йўлак-да йўқ эди. У алам билан бир ингради-да, бошини таш-лади. Унинг кўксидан сизиб чиқаётган қон ерда худ-ди илондек ўрмалаётганга ўхшарди.

Куйганёрнинг «Яшил театри»да ҳар кунги гомошя қўйиллади. Тошкент театрлари навбатма-навбат спектакллар кўрсатишади. Бугун эса театр залида катта тантана. Кейинги ўн кунда яхши ишлаб лом чиқарган икки юзга яқин қурувчига янги таъсис қилинган канал нишони топширилади. Саҳна тепасига «Катта Фарғона канали қурувчиларига алангали салом!» деган шиор иллингган. Саҳнанинг бир тарафида Дўнан Дўсматовнинг чап тарафда Азизхон Умматалиевнинг сурати икки метр узунликдаги оқ сурпга ишлаб осиб қўйилган. Ҳамманинг кўзи шу суратда. Зални тўлдириб ўтирганлар бу икки донгдор қурувчини кўришга бўй чўзиб қарашади. Саҳнада ҳукумат раҳбарлари, халқ комиссарлари, инженерлар ўтириштипти. Йиғинни қурилиш бошлиғи Тешавой Мирзаев очаркан, залга қараб кимнидир қидирарди.

— Дўнан Дўсматов билан Азизхон Умматалиевларни саҳнага таклиф қиламиз.

Дўнан Дўсматов ўрта қатордан, Азизхон орқа қатордан кўтарилиб саҳна томон юра бошлади. Театр ичи говур-гувур бўлиб кетди. Улар то саҳна пиллапоясига етгунларича чапак тинмади. Усмон Юсупов уларга ёнидан жой кўрсатди.

Азизхон умрида бунақа иззат-ҳурмат кўрмаган. Кўриш қаёқда, ҳатто колхоз клубининг саҳнасига ҳеч ким йўқ пайтида ҳам чиқмаганди. Ҳамманинг кўзи унда. Пастдагиларнинг шивир-шивир гаплари қулоғига чалиниб қолади.

«Ҳали ёш экан-ку», «Эшни йиқитганига одамнинг ишонгиси келмайди», «Усмон ота ёнига ўтқазди-я!», «Худо кучдан берган экан», «Э, гап кучдамас, омадда, омадинг келса нимжон бўлсанг ҳам полвон қаторига ўтаверасан...»

Азизхон бу гаплардан маст эди. Қулоғига ўзининг номи аралашмаган гап кирмасди. Қурилиш бошлиғи мажлисни очиб нима деди, бу ўн кунликда еттинчи участка қайси ўринга чиқди, у яхши эшитмади. Фақат ўз номи аралашган жойлари қулоғига кирди, холос. У ўтирган ерида залдан Лутфинисани қидирарди. Аммо у кўринмасди. Кўриниб қолса албатта, кўряпанми, дегандек бир ишора қилиб қўярди. Биринчи қаторда ўтир-

ган Эш полвон ҳар замон унга ўқрайиб қўяр, сен бола, мен ўтиришим керак бўлган жойга чиқиб олдинг, туш пастга, деётгандек бўларди.

Азизхон Тешавой аканинг гапи тугагандан кейин энди нишон топширишса керак, деб турган эди, бош инженер Лебедев минбарга чиқиб узоқ гапирди. У ким қандай ишлагани тўғрисида лом-мим деб оғиз очмади. Фақат қайси участка лойиҳадан чиқиб кетаётгани, қаерда ишнинг сифати ёмонлиги тўғрисида гапирди. Бу гаплар Азизхонни унчалик қизиқтирмасди. Тезроқ кўкрагига нишон тақишни истарди. Лебедев ярим соатча гапириб Белявскийни бир-икки туртиб ўтди. Белявский ўтирган еридан унга жавоб қиларди. Иккови андак қизишиб ҳам олишди. Юсупов ўрнидан туриб Белявскийни тартибга чақирди.

— Уртоқ Лебедевинг гаплари тўғри. Учқўрғон лойиҳадан чиқиб кетипти. Сиздан лойиҳага аниқ амал қилишингизни сўраймиз. Агар эътирозингиз бўлса, марҳамат, чиқиб гапиринг.

Белявский ўрнидан турди.

— Майли, гапирай. Уртоқ Юсупов, лойиҳани ҳаммамиз тасдиқлаганмиз. Мен ҳам қўл кўтарганман. Аммо маҳаллий шароит билан ҳисоблашмай иложимиз йўқ. Лойиҳа қоғоздаги нарса. Иш ерда. Тошлоқ ерда. Шағалли ер лойиҳада кўрсатилган миқдорда сув ўтказмайди. Ингирма процентдан ортиғини ер остига тортиб кетади. Шунинг учун канал таги шиббалаши керак. Тупроқ билан шағал қатламини текшириб кўриш учун мутахассислар беришингиз керак. Ундан ташқари Қорадарёдан лойқа сув келади. Шағал жойларга лойқа ўтириб шиббалаши мумкин. Аммо Норин суви булоқдек тиниқ. Шағал бетини лойқа босмайди.

Саҳнанинг орқа тарафида ўтирган инженерлар тўғри, тўғри, деб Белявскийнинг гапларини тасдиқлашди.

Юсупов Лебедевга қаради:

— Бу гапга нима дейсиз?

Лебедев жавобга тийёр эмас экан шекилли, андак довдираб қолди.

— Буни иш тепасида текшириб кўриш керак, ўртоқ Юсупов.

Юсупов Белявскийга қаради.

— Сиз нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

Белявский ўйланиб ўтирмай жавоб қилди:

— Мен бир усулни таклиф қилмоқчиман. Агар бизга йиғирмата кучли насос берсаниз, шу насослар ёрдамида бир ярим километр масофада тошлоқ трассалар тагига лойқа оқизсак. Лойқа оққан жойларни шиббалаймиз. Кейпичалик сув оқизилганда бу лойқалар шағал ораларига кириб сув шиммилишидан сақлаб қолади.

Залдагилар қолиб саҳнада тортишув бўлиб кетди. Эртадан бошлаб Учқўргонда қазилган канал йўллари алоҳида ўрғаниладиган, Белявскийнинг таклифи текшириб кўриладиган бўлди. Ана шундан кейин каттагина қутичани саҳнага кўтариб чиқишди. Президиум столига қизил қутичаларни териб ташлашди. Охунбобоев биринчи бўлиб Дўнан Дўсमतовнинг кўкрагига нишон тақди. Азизхон ҳозир мени чақиради, деб юраги дукиллаб уриб турганда Охунбобоев уни эмас, Белявскийни чақирди. Азизхонга етти кишидан кейин навбат келди.

— Дўнан Дўсमतовнинг шогирди, юк кўтаришда ҳеч кимни олдига ўтқазмаган, донгдор қурувчи Азизхон Умматаллев!

Азизхон ўрнидан турди. Эсанкираб Охунбобоев томон юра бошлади. Пастда қийқириқ, чапак тинмасди. Олий Совет раиси унинг кўксига нишон тақаркан, яша азамат, нишон қуллуқ бўлсин, деб уни бағрига босди. Азизхон жойига бориб ўтираркан бирдан дадаси, онаси эсига келди. Нега уларга кетаверинглар деди. Қолишганда бугун улар бу тантаналарни ўз кўзлари билан кўришарди.

Охунбобоев юзга яқин кишига нишон топшириб чарчади. Кейин у ҳар қайси участка бошлиқлари нишонларни трассада, иш тепасида Ўзбекистон Олий Совети помидан топширишларини айтди. У гапини тугатиб жойига ўтираётганида залга иккита ясалган қора от ёниб киришди. Ҳамма бирдан жимиб қолди. Усмон Юсупов ўрнидан туриб залга мурожаат қилди.

— Ҳурматли дўстлар. Азамат қурувчилар. Бугун биз канал қазишда ажойиб ҳаракат бошлаб берган, канал қазиш суръатини оширишга, қазиш муддатини тезлатишга ташаббускор бўлган икки донгдор қурувчига от миндирмоқчимиз. Ўзингизга маълум, қурилишимизнинг энг донгдор ер қазувчиси Дўнан Дўсमतовдир. Қурилиш штаби Дўсमतовга от миндиради.

Тешавой Мирзаев саҳнадан тушиб от жиловидан олди.

— Қани, Дўпанбой, келинг!

Дўсматов саҳнадан тушиб келаркан, ҳаяжонланаётгани биллиб турарди. Икки йнгит уни билагидан олиб от миннишига қарашиб юборишди. Юсупов ажойиб мақтов сўзлари билан Азизхонни от ёнига чақирди.

Азизхон бунақа бўлишини кутмаган эди. Қўрқиб кетди. Менми, бошқа одамми деган ўй билан ён-верига қаради. Орқасида ўтирган Жўра полвон «Турмайсанми тентак», деб туртди.

Азизхон турай деса орқаси стулга ёпишиб қолгандек сира узилмасди. Охири у турди. Маст одамга ўхшаб гандираклаганича саҳнадан тушиб от олдига келди. Қайдандир пайдо бўлган Теңдик билан Бейшенали уни тирсагидан кўтариб эгарга олишди. Ёлларига ҳар хил ленталар тақилган от бошини силкиб олдинга бир интилди. Азизхон қалқиб кетгандан кейингина ўзини ўнглади.

Зални тўлдирган кишилар қийқиришар, тинмай чапак чалишарди. Тешавой Мирзаев иккала отнинг жилловини жуфтлаб зални бир айлантириб чиқди-да, яна саҳна олдига келиб тўхтади. Илдам юриб саҳнага чиқди-да, Юсуповга нимадир деди. Шундан кейин залга қараб баланд овоз билан мажлис тамом, озроқ танаффусдан кейин катта концерт бўлади, деб эълон қилди.

Азизхон нима бўлаётганини билмас, табриклашга узатилган сон-саноксиз қўлларни сиқарди. От бош силкиб олдинга интилмоқчи бўларди-ю, аммо даврадан чиқолмасди.

Жўра полвон одамларни у ёқ-бу ёқ қилиб отни стаклаб ялангликка олиб чиқди. Кекса тол тагида кўпчиликка аралшмай хомуш турган Эш полвонга Азизхоннинг кўзи тушди. Кўнгли алланечук бўлиб кетди. Агар Азизхон бўлмаганда, албатта, бу отни Эш полвонга миндиришарди, Азизхон унинг йўлига тўғаноқ бўлди. Бирдан Азизхоннинг одамгарчилиги тутиб отдан тушдию илдам бориб Эш полвонни белидан кўтарди.

— Эш ака, хафа бўлмайсиз. Сизга тан бераман. Сиз менинг устозим бўласиз...

Азизхоннинг гапи оғзида қолди. Эш полвон уни кўксидан итариб дўнғиллади:

— Тирранча, сен ҳали чучварани хом санаяпсан. Мени майна қиялпсанми?

У шундай дедю ерни гурс-гурс босиб чойхона тарафга кетди.

Азизхон ўсал бўлди. Эш полвон унинг одамгарчилигини писанд қилмади. Майли, алам устида шундай қиялпти. Ўрнида Азизхоннинг ўзи бўлганда, у ҳам шундай қилармиди?

«Яшил театр»да концерт бошланиб одамлар ўшаққа қараб гурра-гурра кета бошлашди. От жиловидан ҳамон ушлаб турган Жўра полвон Азизхонга яқин келди.

— Қўявер, Эшнинг ўзи шунақа. Бир кун совиб қолади. Мен концерт кўрмоқчиман. Сен участкага кетавер.

Жўра полвон от жиловини тутқазди. Азизхон нима қилишини билмай хаёл суриб қолди. Участкада шу топда нима қилади. Лутфинисани топиши керак. Бугун у мажлисда кўринмади. Кўрганда қандоқ яхши бўларди. Нишон таққанини, от минганини кўрганда бу тарафларга бекорга келмаганини биларди. Азизхон уни албатта қидириб топишга аҳд қилди. Лутфиниса Куйганёрга келмаган. Келганда албатта ҳозир рўпарасида илжайиб туриб оларди.

Азизхон шартта отга миниб, от бошини Қўшариқ тарафга бурди. От яхши совутилган, яхши отбоқар қўлидан чиққани билиниб турарди. Юриши ҳам жойида. Туёғини ерга чирманда чертганга ўхшатиб уради. Азизхон кўприкдан ўтиб узангига оёқ тираганича қаддини ростлади-да, толдан навда синдирди.

Барглари ерга тегай-тегай деб бир ўтов ерни энлаб ётган мажнунтол тагида тўрт-беш улфат сирланган тоғорани ўртага қўйиб шопириб-шопириб қимиз ичиб ўтиришарди. Улардан бири чинни косани тўлдириб қимиз узатди.

— От қуллуқ бўлсин, ука. Ўзи ҳам отмисан от экан. Пойгаларга ярасин, яхши йўлдош бўлсин, укам. Мана шу қимизни бир оқ уриб беринг.

Азизхон қўлини кўксига қўйиб узр айтди.

— Мен ичмайман, акалар. Умримда ичкиликни оғизга олган бола эмасман.

Улфатлардан яна бири ўрнидан турди.

— Укажон, бугунги сиз кўрган обрўни Рустами дoston ҳам кўрмаган. Ичинг буни. Бу огнинг сути. Огнинг ўзи ҳалолу сути ҳаромми? Олинг!

Азизхон бугунги обрў гаранглиги, ёшлик ғурури қайнаб турганидан қамчи ўрнига ушлаб турган нардани тақимига босиб туриб косани олди.

— Бўпти, акалар. Бунақа кун ҳадеб бўлавермайди. Умрда битта бўладиган гап. Ичсам ичибман-да.

У шундай деб қимзни шириб, косани йигитга қайтариб берди. Йигит косани оларкан, ҳавас билан отнинг бўйинини силади. Яғринига шапиллатиб уриб ҳам қўйди.

— Омадингиз келаверсин, ука.

Азизхон отга беозор новда тегизди. От аста жойидан қўзғалди. Йўл-йўлакай одамлар унга ҳавас билан қарашар, айниқса «от жинчилари» ундан кўз узолмай қараб қолишарди.

Азизхон Қўшариқ йўлидаги дўнгга чиққанидан кейин орқасига ўгирилди. Узоқда одамларнинг қийқириқлари бақирган-чақирган товушлари эшитилиб қоларди. Азизхон энгашиб от бўйнидан қучоқлади. Елларини силади. У ўз бахтига, ўз обрўсига ишонмасди. Тушимми, ўнгимми, деб ўзидан ўзи овоз чиқазиб сўрарди.

У от йўрғасини, чопишини билмоқчи бўлиб биқинига ниқтади. От сапчиб олдинга интилди. Қимсасиз тош йўлда от туёқлари тарақ-тарақ овоз чиқазар эди.

Қимиз кайфи, от миннш завқи унга гўё қанот пайдо қилиб учирарди. Ҳозир дунёда ундан бахтли одам йўқ. От елдек учар, яктагининг барлари шамолда ҳилпирар, қимиздан қизиган бетларига оқшом салқинни тегиб яйратарди.

Азизхон Қўшариқ гузарини кесиб ўтиши билан Орзихон аянинг эшигига кўзи тушди. Эшик олдида бир от ер тепиниб турибди. Қим келди экан, деб дилидан ўтказди Азизхон. Аянинг куёви келдимикан? У ҳали ўйлаб ўйига ҳам етмаган эди эшикдан бир киши бесаранжом чиқиб отга минди, икки-уч аччиқ қамчи босди. От жон аччиғида олд оёқларини девор баравар кўтариб сапчиди. Бир зумда гойиб бўлди. Азизхон нима гапигига тушунмай эшик олдида келди. Ичкаридан Орзихон аянинг аламли фарёди эшитилди:

— Вой болам, бемаҳал хазон бўлган болам...

Азизхон отдан сакраб туриб ичкарига кирди. Айвон олдида Лутфиниса қонга беланиб ётарди. Азизхон югуриб бориб уни кўтарди. Лутфинисанинг кўзи ҳали очик, танаси совимаганди. У Азизхонга нурсиз кўзлари-

ни қадаб нимадир демоқчи бўлди. Лаблари қимирла-
мади. Ияк ташлади.

Азизхон нима қилишини билмай шердек ўкириб ат-
рофга қаради.

— Қим, ким у номард?!

Орзихон ая титраб-қақшаб жавоб қилди:

— Акаси, акаси келганди. Гаплашиб олишсин, деб
чорбоққа чиқиб кетибман-а. Бир лаҳза, бир лаҳзаги-
нада...

Азизхон Лутфинисанинг жасадини кўтариб айвонга
олиб чиқди. Кўрпачага ётқизди. Орзихон ая бошига ёс-
тиқ қўйди.

Азизхон коптокдек отилиб ташқарига чиқди. Бир
сакраб эгарга миндию боя отлиқ киши кетган тарафга
оғ бошини буриб, қамчи босди.

XIV

Акбарали ҳар қанча уринса ҳам отни ўзига бўй-
сундиrolмасди. Қон ҳидини туйган от безовталанар,
орқа оёқлари билан сакраб устидаги эгасини силкиб
ташламоқчи бўларди. Аммо эгарга маҳкам ўрнашиб
ўтириб олган Акбарали уни ўз ҳолига қўймасди. Оғ
кишнар, бошларини силкиб худди маст кишидек йўлнинг
гоҳ у тарафига, гоҳ бу тарафига ўтиб борарди.

Акбарали Соғ маҳалласига етгунча қора терга тушиб
кетди. Олдинда шаҳар чироқлари йўлларни кундуздек
ёритиб турипти. У жаҳл билан жиловни тортди. Шунда
у бармоқларининг бир-бирига пилч-пилч ёпишаётганини
сезди. Кафтини кўзи олдига келтириб тикилди. Тикил-
дию бирдан бутун вужудига титроқ кириб сесканди.
Унинг қўллари, кийим-бошларида сингисининг ҳали
қотмаган қони шундоққина кўриниб турарди.

Шу алпозда шаҳар оралаб ўтиш хавфли. Дуч келган
киши унинг нима иш қилганини дарров билади. У шо-
шиб от бошини чап тарафга бурди. Бу Харкўп йўли эди.
Бу йўл Наймэн, Дардақ, Жалақудуқ тарафларга олиб
борарди. Аммо Акбарали бу тарафларни яхши билмас-
ди. Нима бўлса ҳам шаҳарга кирмаслик учун йўлни шу
тарафга, солди.

Дала йўли жимжит. Қўрғонларда чироқлар милти-
раб ёниб турипти. Онда-сонда ўт орқалаган кишилар-

ўнинг қораси кўрниниб қолади. Дунёда итдек қон исини тез пайқайдиган жонивор бўлмаса керак. Йўл-йўлакай печа марта унга ит эргашди. Акиллаб отни ҳурқитар, анча жойгача қувиб бориб, кейин орқасига қайтарди. Шундоғам безовта юраётган от эгасига бўйин бермай устидан иргитиб ташлашга уринарди.

Акбарали минг азоб билан дала йўлига чиққандан кейингина кўнгли хотиржам бўлди. Ҳозиргина адир орқасидан кўтарилган катта мис баркашдек қип-қизил ой унинг қонга беланган кийимларини янада қизил қилиб ёритарди. Биронта ариқми, сойми учраса ювиниб олиш ниятида Акбарали отни ўз ҳолига қўйиб шошилмай кета бошлади. Аксига олиб йўлда на бир ариқ, на бир кўлмак учрарди. Акбарали орқасидан ҳеч ким таъқиб қилмаётганига ишонгандан кейин отдан тушиб жиловни ушлаганча бигта-бигта босиб кета бошлади. Ҳозир у қаёққа кетаётганини ўзи билмасди. Шу алпозда у анча йўл юрди. Боя қонга белангандек қизариб чиққан ой энди сутдек оқариб теппага келган эди.

Акбарали қилиб қўйган ишининг даҳшатини энди сезди. Лутфиниса уйдан қочиб кетган кундан буён у фақат «йнгитлик» номусини, бу «беномус» синглисини ўлдириб, эгилган йнгитлик қоматини кўтаришни ўйлаганди. Мана, у ниятига ҳам етди. Аммо қадди кўтариладими энди? У бу «йнгит қаддини» қайси кўчада, қайси гузарда гоз тутиб юради? Шу пайтгача у ўзига ўзи бунақа савол беролмаганди. Шу топда кимсасиз қоронғи кечада, кийим-боши қонга беланган пайтда шу саволни ўзига беряпти. Бу саволнинг жавоби гоятда даҳшатли, гоятда аянчли эди. Акбарали йўлдан тўхтади. Бенхтиёр қўлларни от ёлини силлашга узатилди. Қон ҳиди анқиб турган қўлдан от бошини тортиб силкинди.

Энди у ҳеч нарсани ўйламай, нима бўлса ҳам узоқроқ манзилга етиб олмоқчи бўлди. Бир сакраб эгарга қўнди. Алам билан икки-уч аччиқ қамчи босди. От олди оёқларини осмонга иргитиб сапчиди-да, шамолдек учиб кетди. Акбарали кўзларини чирт юмиб олган, фақат қулоқларига тупроққа тегаётган туюқ товушигина эшитилар, қўлларни тинмай оғга қамчи босарди. Шу аҳволда у анчагина йўл босди. Олисдан келаётган товушлар ҳушини ўзига келтирди. Кўзини очди.

Йўл бошида сонсиз чироқлар порлар, дарё устидаги Яшил кўприқдан гупиллаб поезд состави ўтарди.

Акбарали жон-жаҳди билан жнловчи тортди.

Ахир бу Куйганёр-ку! Айланиб яна ўша, синглицининг қонини тўккан жойдан чиқибди-ку. Одамларнинг, қотилни қон тортади, тўккан қони чақираверади, деган гаплари ростга ўхшайди. Акбарали ҳозиргина шу ердан қочган эди. Яна қайтиб келти. У эпчиллик билан от бошини орқага бурди.

Терлаб кўпириб кетган от энди унга ортиқча бўй бермай қўйди. Ҳар қанча қамчиламасин қадамини тезлатмас, баъзан тўхтаб, туриб оларди.

От гоҳ юриб, гоҳ тўхтаб Куйганёрдан анчагина узоқлашди.

Қаршидан бир отлиқ келарди. Бегона йўловчи олдида ҳаяжонини сездирмаслик учун Акбарали ўзини ўнглашга, хотиржам кўрсатишга уринди. Отлиқ борган сари яқинлашарди.

Яшил кўприк тарафдан кетма-кет икки-уч марта мушак отилди. Қизил, кўк, яшил нурли чизиқ осмони фалакка чиқиб поп-поп қилиб ёрилди. Кўзни қамаштирадиган нур ҳамма ёқни ёритиб юборди. Акбарали отлиқ йўловчинини таниди. Бу Азизхон эди.

Иккови ҳам бир-бирини таниди. Акбарали шошиб отнинг бош-кўзи аралаш қамчи босди. Аммо от жойидан жилмади. Азизхон шошилмай у тарафга бемалол келарди. Акбарали отни жилдиролмаганидан газаби тошди, эпчиллик билан этигининг қўнжини пайпаслаб пичоғини топди. Пичоқ қини билан чиқди. Пичоққа теккан қон қинда ивиб қолган экаи. Акбарали зарда билан қинини ажратиб улоқтирди. Азизхон уч-тўрт метр яқинга келиб қолган эди.

— Яқин келма! Улдираман! Кўряпсанми? Қонингга ташна бўлиб турипти.

Акбарали пичоқни гижинглаб турган от боши устига келтириб унга кўрсатди. От қон ҳидини яна туйди, сапчиб кетди. Акбарали унга яна аламли қамчи босди. От силкиниб-силкиниб уни устидан иргитиб ташлади. Акбарали тупроққа ёнбоши билан тушди. Емон сўкинди. У ҳозир Азизхон мени қамчи билан савалайди, отига бостиради, деб ўйлаган эди. Азизхон ундай қилмади. Шошилмай отдан тушди. Акбарали эмаклаб нари кетди. У эпчиллик билан бир сапчиб йўлнинг нариги тарафига ўтдию кучининг борича чопа бошлади. Азизхон изма-из қувиб бораверди. Чунки у бу ўтлари қовжираб

қолган даланнинг охири қайга олиб боришини яхши биларди. Орзинхон аяникида ётиб юрган кезларида у Лутфинниса билан шу далага келишарди. То дарё бўйигача бориб ўша ерда соатлаб ўтиришарди. Йўлда териб келган ясси тошларни дарё тўлқинларига отиб тошни сув устида ким кўп сакратиш ўйнашарди. Акбарали чамаси ўн беш минутларча қочиб дарё бўйидан чиқиб қолди. Энди қочадиган бошқа жой йўқ эди. У сувга орқа ўгириб Азизхон келишини ҳансираб кутарди.

— Яқин келма. Жонингдан умиднинг бўлса яқинимга келма!

Азизхон жавоб бермади. Яқин келаверди. Акбарали шердек ўкириб унга ташланди. Азизхон жон аччигида унинг қорнига тепди. Акбарали чалқанчасига йиқилди. Азизхон эпчиллик билан пичоқ ушлаган қўлини оёғи билан босди. Акбарали ингроқ аралаш сўкинди. Азизхон кўкрагини чап тиззаси билан босиб кўзларига қаради. Ой нурида унинг кўзлари мушук кўзидек саргимтил нурланиб турарди.

— Номард, жаллод! — деди газаб билан Азизхон. — Ахир Лутфинниса марҳум ота-онангдан ёдгор эди-ку! Ўз қонингни ўзинг тўқдингми, ифлос!

Акбарали хириллаб жавоб қилди:

— Унақа синглим йўқ! У фоҳиша!

Азизхон қўли қандай қилиб Акбаралининг кекирдигига бориб қолганини билмай қолди. Бор кучи билан уни бўға бошлади. Кейин бирдан ўзи қилаётган ишдан ўзи чўчиб қўлини олди. Ёқасидан тортиб ўрнидан турғизди.

— Йўқ, йў-ў-ўқ, сени осонликча ўлдирмайман. Аввал қилган ишингни кўзингга кўрсатиб қўяман... Қани юр! Юр, олдимга туш!

Акбарали жойидан жилмади. Азизхон уни ёқасидан олиб судради. Акбарали юришга унамай орқага тисарилар, аммо бу забардаст, бутун гавдасида куч қайнаётган йилгининг темирдек бақувват қўлларига монелик кўрсатишга ожизлик қиларди.

Яшил кўприк тарафда ҳамон мушак отилиб осмонни фалакни рангларга бўяр, дала-тошни бир дамгина ёрнитиб сўнарди.

Акбарали қолдан тойиб ерга ўтириб олди.

— Тўхта! — деди у ҳорғин оғовушда. — Нима қилмоқчисан? Гапларимга қулоқ сол. Сен бола...

...

қиялпсан. Лутфи сенга муносиб эмас. Уз акасини юзига оёқ тираган қиз сенга вафо қилармиди.

— Яна нима гапинг бор, айт, айтиб қол! — деди алам билан Азизхон.

— Сенга онаси ўпмаган қизларни топиб бераман. Кел, ога-ини бўлайлик. Сенга қиёматлик ака бўлай. Катта тўйлар қплиб уйлаб қўяман. Лутфи ит ўлимнинг топди. Истасанг Қашқарга олиб кетай. Жияним ўша ёқда. Тиш доктори. Шу кучинг билан сен у ёқларда тиллага ботасан. Юр, кетайлик. Кўп ишлар қиламиз.

Азизхон қаҳр-ғазаб билан деди:

— Овора бўласан! Сен ўйлаган хонлардан эмасман!

Азизхон ғазабидан титраб-қақшаб унинг дуч келган жўйига мушт тушира бошлади. Акбарали ҳар гал мушт текканда бир-икки қадам нарига учиб тушарди. Охири у ўрнидан турдию орқасига қараб тирақайлаб қоча бошлади. Азизхон уни қирғоққа ярим метрча қолганда тутди. Эпчиллик билан белидан кўтардию бошидан ошириб қачондир кесилган кекса тол тўнгагига қараб отди. Акбарали тўнганнинг шундоққина ёнгинасига бориб тушди. Шошиб турдию сувга сапчиди. Азизхон уни тутиб қолишга улгурмади. Оёғидан ушлаган эди, холос. Бир пой этиги қўлида қолдию сувга шалоплаб чўкиб кетди.

Ойнинг совуқ шуъласида тўлқинлар муз парчасидек бир чақнаб сўнди.

Азизхон сув мавжларига тикилиб турди-да, қандайдир бир жирканиш, ғазаб, қониқмай қолган ўч алами билан орқасига кескин бурилиб, қуриб-қовжираб қолган гиёхларни шитирлатиб орқага қайтди.

Ой оғиб қолган, адирларнинг ойга терс тарафи қопқора девордек бўлиб турарди. Кимсасиз далада икки от бир-бирига яқин келолмай ўт чимдиб юрипти. Азизхон чарчаган, асаблари бирдан бўшашганидан ҳолсизланиб от тарафга юриб эмас, судралиб борарди. Канал трассалари жимиб қолган. Куйганёр тарафдан шовқинсурон эшитилмас, машъалалар ҳам сўнган эди.

Канал бошлангандан буён бунақа тинчликни Азизхон энди кўряпти. Ё бунақа пайтда трассага чиқмаганидан билмаганимикан? Балки гонг отарга яқин ҳар кун шунақа бўлар.

Азизхон отга минмади. Жиловидан ушлаб аста юриб

Найман йўлига чиқди. Яшил кўприк чироқлари милтираб кўрина бошлади. У ярим соатча юргандан кейин кўприк устидан ҳайқириб поезд ўтди. Паровоз олдидаги прожектор кимсасиз далани қиличдек кесиб бөрарди.

Сал ўтмай яна жимлик бошланди. Бу жимлик Азизхон учун ниҳоятда даҳшатли эди. Қаршисида Лутфинисанинг хиралашаётган кўзлари пайдо бўлар, Акбаралининг хирллаши қулоғига эшитиларди.

Азизхон ҳар қалай ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, ўлим нима, жон бериш нима — кўрмаган эди. Ҳозир эса, кеч кириб, қоронғилик туша бошлагандан тонг ёришгунча икки ўлимни кўряпти.

Азизхон қандайдир ваҳима, қўрқинчли ўйлар гирдобиде қоронғи кеча қўйнида келяпти. Ҳали Лутфиниса хиралашаётган кўзларини унга тикиб алвидо, деяётгандек, ҳали Акбарали хирллаб ўлим билан олишаётган бир ҳолатда кетидан эргашарди.

Бу аҳволда имиллаб юрадиган бўлса хаёллар уни эзгилаб ташлаши турган гап. Азизхон отга минди. От ҳам шуни кутиб тургандек олдинга интилди. Яхшилаб совиб, тўйиб ўт еган от энди Азизхон тагида ўйноқлаб йўрғаларди.

Тонг отар пайтда Азизхон Қўшариқ гузарига етиб келди. Битта муюлишдан кейин Орзихон аянинг эшиги кўринади. Азизхоннинг юраги хаприқиб кетди. Бирдан ҳулогига хотин кишининг мунгли йиғиси эшитилди. Бу Орзихон аянинг товуши эди. Азизхон ич-ичидан эзилиб кетди. Бўшашиб от жилловини силтади. От оёғи илдамлашди.

Эшик олдида икки-уч кишининг қораси кўринди. Азизхон отдан тушиб жилловни эгар қошига ташлади-да, мотамсаро бир қиёфада эшик томонга юра бошлади.

Ичқари жимжит. Азизхон йўлакдан ўтиши билан айвон ўртасида устига оқ чойшаб ёпилган Лутфинисанинг жасадини кўрди. Узини тутолмай ичидан бир олов келдию томоғига қадалиб туриб қолди. Бирдан бу ўт портлагандек томоғидан йиғи бўлиб отилиб чиқиб кетди.

Азизхон алам-ситам билан Лутфиниса жасадига ўзини отди. Кимдир уни тирсагидан олиб кўтармоқчи бўлган эди, Орзихон ая:

— Майли, қўйиб беринглар, улар бамисоли Лайли-Мажнун эдилар. Майли, йиғласин, тўйиб йиғласин. Армонларини тўкиб йиғласин,— деди.

Тоға бошчилигида келган ҳамқишлоқлар белни боғлаган Азизхонга таъзия изҳор қилиб, бир четга бориб турдилар. Икромжон бўлган воқеани Тоғадан эшитгани учун ундан, нима бўлди, қачон бўлди, деб сўраб ўтирмади.

Тоға Азизхонга қараб туриб, кўнгли бузилиб кетди. Симобдек беқарор, куч-ғайрати танига сиғмаган ўт-олов йиғит энди сўлган, тақдирнинг бемаҳал зарбасидан эсанкираб қолганди.

Юртга оталик қиладиган, кўп азаларда етимларнинг бошини силаб, кўз ёшини тиндирган Тоға Азизхонни овутиш учун бисотидан бирон жўяли гап тополмасди. Нима дейди? Нима деса бу боланинг дарди енгиллашадими? Бундай сўзни топиш қийин эди. Тоға Азизхоннинг елкасига қўлнинг ташлаб: «Қандай қиласан, болам, одамнинг умри шу экан-да, чидашдан бошқа иложимиз йўқ», дейишдан бошқа гап тополмади.

Иўлакда турган тобут устига сариқ атлас ёпилган. Бу атлас Лутфиписанинг биринчи меҳнатига келган мукофот эди. Тиллабоев унинг елкасига атласни ташларкан: «Яхши кушларингга буюрсин, қизим, яйраб-яшнаб, тўю томошларда кий», деганди.

Ичқарида Зирилламадан келган хотинлар бировга аралашолмай худди гуноҳкордек мунғайиб туришарди. Азизхоннинг онаси айвон лабида бир нуқтага тикилганча қимирламай ўтирипти. Чайладами, иш тепасидами, овқат пайтидами Лутфинисага тинмай тегажаклик қиладиган қизиқчи келин энди дастрўмолнинг лабига босиб пиқ-пиқ йиғлайди.

Ташқарида Эш полвон офтоб тигида терга ботиб, оғир гавдасини аранг кўтариб турипти. У белбоғи билан бўйини, юзидан қуйилаётган терни дам-бадам артади. Эшнинг икки кўзи жиққа ёшга тўлган, тинмай ҳиққилларди. Не-не курашларда соврин олиб, не-не курашлардан бошини эгиб чиқиб кетган, қаҳрп қаттиқ, бировнинг дардини билмайдиган, ҳиссиз бўлиб кўрнадиган бу одам аслида бунақа эмасди. Салга кўзига ёш келадиган, муҳтож-ночор одамлар олдидан ўтганда кўнгли бузилиб, юраклари эзилиб кетадиганлардан эди.

Куйганёр тарафдан одамлар тўда-тўда бўлиб кела бошладилар. Тўғонда ишлаётганлар тўппа-тўғри трас-

садан чиқиб таъзияга келаётган эдилар. Уларнинг чанг-тўзонга беланган кийим-бошлари тердан қўл бўлиб-лойга айланиб кетган эди.

Ҳаво қизигандан қизиб, деворлар, тому тошлардан, лип-лип аланга учарди.

Бир зумда кўча бетини одам босиб кетди. Ҳамма пиширлаб гаплашар, бел боғлаб, бош эгиб турган Азизхонга эзилиб қараб қўярди. Ичкаридан хотинларнинг айтиб йиғлашлари бу жимликни бузар, сукунат бағрини тилиб мотамсаро кишиларнинг елкасидан эзарди.

Кеча оқшом юрт катталари олдида, минглаб қурувчилар олдида меҳнат тантанасидан маст, қорабайир от миниб ҳаммадан баландда кўринган Азизхонга ҳамма ҳавас қилганди. Унга яқин келиб қўлини қисиб қўйишга, бир оғизгина илиқ гап билан муборакбод қилишга интилан кишилар энди унинг гам-адам эзиб ташлаган қоматига йиғидан қизариб кетган ёш тўла кўзларига ачиниб қараб туришарди.

Тобут кўтарилди.

Мотам маросими Қора дарёнинг «Яшил кўприги»дан ўтиб Пойтуқ томон йўл олди. Трассаларда ишлаётганлар тупроқ дўнгларида ошиб юқорига чиқа бошладилар. Ер қўпораётганлар, қоп-замбилларда тупроқ ташнётганлар маросим олдида чиқиб галма-галдан тобут дастасини елкага олишар, сал нари бориб узатишган бошқа қўлларга беришарди.

Луғумбекдаги Туячи қабристонига етгунча тобут ўн мингдан ортиқ кишининг елкасидан ўтди.

Азизхон каловлаб қолган, вужуди карахт, нималар бўлаётганини идрок қилолмасди. Лутфинисани қабрга қўйиб тупроқ тортаётганларида у ғайри табиий бир товушда фарёд уриб ўзини қабр дўнгига отди. Халойиқ бир дам жимиб қолди. Қабрни қучиб нола қилаётган Азизхонни Тоға келиб билагидан кўтарди.

— Бўлди, бўлди, ўғлим. Ўзингни тут. Ахир сен мард боласан-ку!

Азизхон бошини чайқар, юлқиниб қабрга интиларди. Умматали бўлса эсанкираб қолган, ўғлининг орқасидан қалтираб эргашар, атрофдагилардан мадад сўраётгандек кўзларини ҳасратли жавдиратарди.

Қабристон дарвозасидан чиқишганда Тоға Икромжонни ёнига чақирди.

— Дўстим, мана, аҳволни кўриб турибсан. Азизхонни

ёлғиз ташлаб кетгим келмаяпти. Сен Тўлан билан қол. То канал битгунча ёнида бўлинглар. Ўзинг биласан, бугун-эрта теримга тушиб кетамиз. Шундоғам колхозда одам кам. Йигитларимиз найманликларга қарашгани трассага чиқиб кетишган. Азизхонни шу аҳволда ташлаб кетсак, қишлоқ аҳлипинг маломатиға қоламиз. Уни юпатиб, ишга чиқариб юбормасанглар бўлмайди. Ёдғизликда ғам еб қўяди. Бўптими? Уйларингдан хотиржам бўлинглар. Ўзим хабар олиб тураман, Эшон ака билан гаплашдим. Жўра полвон бригадасига сизларни ўтказиб қўядиган бўлди.

Икромжон бош ирғаб хўп ишорасини қилди. Тўланбой ҳам рози эди.

Ана шундан кейин Тоға Азизхонни бағрига босиб хайрлашди-да, зирилламаликлар келган автобусга чиқди.

Умматали боласининг олдида қолди.

Бир одам оламдан кетди. Аммо ҳаёт ўз оқимидан бир нафас тўхтамасди. Офтоб — ўша офтоб. Кеча қандай бўлса бугун ҳам ўшандай порлаб турипти. Дарё ҳеч нарса сезмагандек қирғоққа бош уриб пишқириб оқяпти.

Бироқ, биринчи муҳаббатини тупроққа кўмган Азизхон кечаги Азизхон эмасди. Унинг назарида қуёш қоғоздаги ёғ томчисидек хира, буғдойи ўриб олинган сап-сарик адирлар тобутга ёпилган малладек совуқ, хунук эди.

У Ч И Н Ч И Б У Л И М

I

Азизхон камгап бўлиб қолган, биров билан очилиб гаплашмас, эрта билан қопини судраб трассага чиқиб кетар, кечқурун ишдан қайтиб бировга аралашмай, чодирига кириб кетганича қайтиб чиқмасди. Унинг ичида нималар бўлаётганини биллиб турган Икромжон ўз ҳолига қўйиб берарди. Кечқурун Тенгдик кўмизини ташқарига опчиқиб аллақандай мунгли бир куйни бошлар, Икромжон ҳам, Тўланбой ҳам жимгина ўтириб ўй ўйлаб кетишарди.

Икромжоннинг кўнгли нотинч. Хотинининг огир оёқлигидан хаёли қишлоқда, уйда эди. Қайтиб кетай деса, Тоға уни атайин қолдириб кетган. Қолай деса, хотинидан кўнгли тинчимайди. Турсунбой оиасини қийнамаётганмикин? Уй ишларига қарашаётганмикин?

Бу ёқда Азизхоннинг илгариги шашти йўқ. Уз гами билан бўлиб ишга ҳам қўли бормай қолди. Дўнан полвон билан Тожимат Хидиров қурилиш бўйича энг олдинда боришарди. Эш полвон улар орқасидан изма-из қувиб боряпти. Ҳар куни газеталар шу икки полвоннинг қанчадан тупроқ қазаганини ёзиб турибди. Ора-сира Эш полвон ҳам газетада кўриниб қоларди.

Кунга янги-янги қаҳрамонлар пайдо бўларди. Эртасига яна янгиси чиқиб кечагисини орқада қолдириб кетарди. Фақат биргина Дўнан Дўсमतов ҳеч кимни олдига ўтказмай, бир мақомда ишлаб, кубометр устига кубометр жамлаб борарди.

Аmmo Азизхон бўлаётган воқеаларга бепарво. Ким қанча ишляпти, радио нималар деяпти, қизиқмасди. Чодирнинг бир чеккасида ғужанак бўлиб, икки кўзини бир нуқтага тиккашча қимирламай ўтирарди. Икромжон яхши гап билан йўлга солмоқчи бўлди, Азизхон унинг гапларини эшитишга эшитдию лом-ним деб жавоб қайтармади. Тўланбой унинг елкасига қўлини қўйиб, дилдидан чиқазиб, насиҳат қила бошлаган эди, Азизхон шарт ўрнидан турди-ю, ташқарига чиқиб кетди. Анҳор бўйидаги толга суюнганича яна қимирламай туриб олди. Сувнинг нариги бетида ўтирган Вазира Азизхонни кўриб кўзлари яшнаб кетди. Пинадир, деб қўл силтади. Азизхон қарамади. Вазира қўлидаги ойнакчасида офтоб шуъласини қайтариб унга туширди. Азизхон юзини тескари ўгирди. Вазира жаҳл билан чодирга кириб кетди.

Вазира барибир чодирда узоқ ўтиролмади. Сочларини тузатиб, ҳарир — «Роҳати бадан» кўйлагини кийиб, тақинчоқлар билан ялтираб чиқди. Унинг атрофини йигит-яланг ўраб олди. Вазира бир гапириб, ўн кулар, кўз қири билан дам-бадам Азизхонга қараб қўярди.

Азизхон ҳамон унга қарамас, ҳатто шу яқин орада у борлигини билмасди ҳам.

Курсида бемалол ўтириб олган Бейшенали аллақандай шўх бир куйни қўмизда тимдаларди. Тендик қошларини, елкаларини учуриб минг хил муқом билан қўшиқ айтарди. Тўланбой э, бўлди-е, деб жеркиб ёнидан ўтиб кетди. Ака-ука Тўланбой орқасидан ҳайрон қараб қолишди.

Икромжон Азизхоннинг аҳволини кўриб уни қандай қилиб йўлга солишни билмас, қандай бўлмасин уни иш

билан овутиш йўлини ўйларди. Бироқ озиб, қорайиб кетган Азизхон шу алпозда илгариги мавқеини тиклаб олиши қийинлигини билганидан кейин ўзи енг шимариб ишга киришмоқчи бўлди. Шу пиятда Тўланбойни чодирдан ташқарига чақириб чиқиб дўнгда узоқ гаплашишди.

— Тўлан, бу юришимизда зирилламаликларнинг обрўсини уч пул қилиб қўямиз. Азизхон бу аҳволда. Сен билан биз уни овутишдан бошқага ярамаймиз.

Тўланбой чаккасини қашиб анча пайтгача индамай ўтирди. Кейин бир йўталиб Икромжонга қаради.

— Сен билан биз елка ташлаб Луғумбекка келганимизда, ана, Азиз полвоннинг ҳамқишлоқлари келишди, полвон зоти энди уларга тенг келиб бўпти, дейишган эди. Тўғрими?

Икромжон тасдиқ ишорасини қилиб бош силкиб қўйди.

— Унинг бошига тушган ташвишини билмаганлар орасида шивир-шивир гап ўрмалаб қолди. Зирилламадан келган полвон қарқиноқдан чиққан булбул экан. Кечаги келганлари пўкиллаб қолди дейишяпти. Канал битишига жиндек қолди. Наҳотки «ё, пирим», деб бир кетмон уролмаймиз.

— Битта шарт бор. Азизхон Эш полвонни олдига ўтказмаган эди. Азизхон учун уни қувиб етамиз, олдига ўтиб оламиз, бўптими?

— Э, «ми»спни олиб ташлаб гапир, оғайни.

Икки ҳамқишлоқ дўнгда ўтириб гапни бир жойга қўйиб чодирга қайтишди. Тенгдик ҳамон қўмизини тингиллатиб паст, ширали овоз билан хиргойи қиларди. Тенгдик тоғлар чўққисига тўш уриб учаётган бургутлар, пастликка шиддат билан оққан шаршаралар, чексиз яйловлару, сўнгсиз ўрмонлар тўғрисида куйларди.

Икромжон чодир ичига кирганда Азизхон икки қўлини боши тагига қўйиб кўзларини бир нуқтага тикканича қимирламай ётар, пешанасига қўнган пашшани ҳам киприк қоқиб учирмасди. Икромжон тўшакка омонатгина ўтириб унга қаради.

— Менга қара, полвон. Бунақада бўлмайди. Улим ҳақ. Ҳеч ким ундан қочиб қутулмайди. Бир кун келиб ҳаммамиз ҳам кетамиз. Ҳеч ким дунёга устун бўлмайди. Беш кунлик умрни иш билан, дунёнинг нашъу намоиси билан ўтказиш керак. Ахир ўзинг танангга бир ўйлаб кўргин. Лутфи шу каналдан сув оқишини кўрмоқчимми-

ди? Сени жами полвонлар олдига ўтиб олганингдан, ном чиқарганингдан қандоқ қувонган эди-я. Бу аҳволда сувага тушган бўлка нонга ўхшаб бўкиб ўтирганингдан руҳи ранжимайдими? Арвоҳи чирқилламайдими? Қўй, бу ишингни. Лутфининг арвоҳи шод бўлсин, десанг ўзингни меҳнатга ур! Аввал қапдоқ бўлган бўлсанг, энди ундан ўн чандон юқорига чиқ.

Азизхон индамади. Аммо бир-икки кнприк қоқиб, томоқ қириб қўйди. Бу Икромжоннинг гапи мўлжалга бориб теккани эди. Гап билан яна босиб тушмоқчи бўлди.

— Учқўргонда Эш полвон орқангдан жиртак чалиб юрибди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача, зирилламаликлар инига уриб кетди. Энди қавагидан ҳали-вери чиқолмайди, деяпти.

Азизхон сапчиб ўришдан туриб кетди.

— Ким инига кириб кетган экан? Менми? Йўқ, мен ҳали у тирриқ полвоннинг елкасини яна тупроққа қориштираман. Бошимга тушган гам-ташвишларимдан фойдаланмоқчи бўптими? Овора бўлади. Азизхон кимлигини унга кўрсатиб қўяди.

Азизхон чодирнинг у бошидан-бу бошига икки-уч асабий бориб келгандан кейин оёқ остида турган бўш пақирни даранглатиб тепиб ташқарига чиқиб кетди.

Икромжон бунчалик бўлишни билмаган эди. Эш полвонни ўртага солгани Азизхоннинг қитиқ парини юлгандек бўлганди. Унинг орқасидан чикди. Азизхон дўнг тарафга шитоб билан кетарди. Орқасидан ҳайрон қараб турган Тўланбой Икромжонга ўгирилди.

— Нима бало қилдинг?

Икромжон нимадир деди. Тенгдик куйининг авжини олаётган эди.

— Нағмангни тириглатмай тур!— деди Тўланбой унга зарда билан. Кейин Икромга юзланди:— Нима бало қилдинг?

— Бўлди. Суриштира,— деди Икромжон ҳамон Азизхон орқасидан қараб тураркан.

Трасса тарафда машъалалар ёнди. Кечки смена аллақачон иш бошлаган. Одамларнинг шовқин-суронлари барала эшитилиб турипти. Кундузи саратон офтобнда яғринини куйдириб ер қазиган каналчилар чойхона сўриларини тўлдириб дам олишарди. Ҳар қайси чойхонада

алоҳида созанда-ю, ҳофизлар концертларини бошлашган эди. Бейшенъали каттакон тоғорада лағмон олиб келиб чодир олдига омонатгина қилиб йўнилган тахтадан ясалган столга дастурхон ёзди. Азизхонни кутиб овқатга қўл урмай узоқ кутишди. Аммо Азизхондан дарак бўлмади. Шундан кейин унинг овқатини алоҳида чиннига сузиб ўзлари ошпазни мақтай-мақтай овқатлана бошлашди. Икромжон боя Тўланбой билан қилган маслаҳатига кўра, эрта саҳарлаб ишга чиқишлари, Азизхон даражасида ер қазишлари керак. Шунинг учун ҳам вақтлироқ ётмоқчи бўлишди. Аслида ўйинқароқ бўлган Тўланбой концергга бормоқчи эди. Икромжон уни жеркиб ташлади.

— Концергта нима бор, тентак. Ёт. Эртага саҳарлаб ишга чиқамиз.

Тўланбой гапини қайтаролмади. Ечиниб ётаркан тўнфиллади:

— Тамарахоним роса оляпти. Аммо боплайди-да, шу хотин.

Икромжон индамай бошига чойшаб торгди.

У кўзини юмгани билан дарров уйқу ола қолмади. Хаёли уйига қараб учди.

— Тентаккинам нима қилаётганякин? Баққа келаётганда эшикка кириб ўтолмадим ҳам. Жаннатнинг ҳоли нима кечдийкин? Ишқилиб омон-эсон қутулсин-да. Битта Турсунбойим ёнига қўчқордек ўғил қўшилса бўларди-да. Ишқилиб, омон-эсон дунёга келсин-да!

Икромжон шундай хаёллар билан ухлаб қолди.

Луғумбек уйқу нималигини билмасди. Кечасию кундузи лойларнинг гурсиллаши, кетмонларнинг тошга тегиб қарсиллаши, одамларнинг бақириқ-чақириқлари, бир зум бўлса-да, тиимасди. Кеча тунга, тун тонгга улашиб кетарди.

Икромжон безовта ухлар, ҳар замон Тўланбойнинг хуррагидан сапчиб бош кўтарар, андек гангиб туриб яна ухлаб қоларди.

Ниманингдир тарақлашидан у бирдан кўзини очди. Азизхон қоронғида тик турганча шапиллатиб совиб қолган лағмонни ерди. Ундан тер ҳиди анқирди. Икромжон чойшабни елкасига илиб ўтириб олди.

— Қаёқда юрган эдинг, тентак? Соат неча бўлди?

— Ҳали замон тонг ёришиб қолади, амаки.

— Қаёқларда дайдиб юрган эдинг деяман?

Азизхон дарров жавоб қилмади. Оғзидаги лағмонни ютиб жавоб қилди:

— Трассада эдим. Эш полвонни пинга тиқиб келяпман.

Икромжон унинг жавобини бошқача тушунди. Энтикиб олдинга интилди.

— Урдингми? Вой эси йўғ-э.

Қоронғида Азизхон отга ўхшаб пишқириб жавоб қилди.

— Тупроқ қазиб дўннга ташидим. Ингирма тўрт кубо тупроқ ўпирдим. Упирганимни юқорига ўзим ташидим. Техниклар ўлчаб кўришди.

Икромжон ўридан туриб елкасидап қучди.

— Вой азамат-э. Вой эси йўғ-э.

Азизхон турган жойида мудраб борарди. Икромжон гугурт чақиб тошфонарни ёқди-да, ўрини солиб берди. Азизхон ечинмай ўзини тўшакка ташлади.

Боши ёстиққа тегиши биланоқ донг қотиб ухлаб қолди. Икромжон устига чопонини ташлаб тошфонарни ўчирди-да, чодирдап ташқарига чиқди.

Уфқ чети аста ёришиб келарди. Эрталабки салқин шабада кўк бетидаги сонсиз юлдузларни бир-бир пуфлаб ўчираётганга ўхшарди. Ой чўққилар томонга оғиб борарди. Трассаларда шовқин товсилиб қолган. Иш нормасини тугатганлар аллақачон чодирларига, қўраларига қайтишган, кечикканларигина тонг салқинида сўнгги кубометр тупроқларни тепага тўзитиб отишарди.

Икромжон энди Азизхондан кўнгли тинчигандек бўлди. Чунки Азизхон Эш полвон номини эшитганидан кейин орияти қўзиб яна ўзини ишга урди. Бир кечадаёқ Ингирма тўрт кубо тупроқни қазиб чиқарибди. Бу унчамунча одамнинг қўлидап келадиган иш эмас. Бу болада шер кучи бор. Аммо ҳозир дармондан кетган, ҳолдан тойган, бу ғайрати қанчагача чидаб бераркин? Чидайди! Авжи кучга, ғайратга тўлган пайти.

II

Тупроқ тўла қанорни уч кишилашиб Азизхоннинг орқасига қўйишаркан, Икромжон:

— Энди бас, ишни тамом қилайлик, — деди.

Азизхон ўғирилмай жавоб қилди:

— Яна икки 'ходка қилай, шундан кейин бас. Икки мартадан кейин кечагидан тўрт кубо ошади.

Унинг бир гапини икки қилиб бўлмаслигини Икромжон яхши биларди. Индамай янги қанорга тупроқ сола бошлади. Белкурак билан Бейшенали қанорга тупроқ ташларкан, гуп-гуп тушган тупроқ Тўланбойнинг башарасига урилар, дам ўтмай акса урарди.

— Тупроқ ялаб, гувала туфлайдиган бўлдим, ошна.

Икромжон ҳазил қилди:

— Бугун эрталаб оғзингдан балчиқ ҳиди келаётган эди. Ичингда лой бижгиб қолган шекилли.

Атрофдагилар ишни тугатиб юқорига чиқиб кетишган, трассада фақат шу беш киши ишлаяпти. Терлаган бетига тупроқ чангларидан фақат икки кўзию оғзингина лой бўлмай қолган Тўланбой дод деворай деди.

— Э, рикордингдан ўргилдим. Нима, мени ўлдирмоқчимисан. Бўлди-да.

У шундай деб қанорни четга иргитди. Кейин юқорига чиқа бошлади.

— Тўлан ака, жон Тўлан ака, бу охиригиси. Шу битани опчиқай, йўқ деманг, ака!

Тўланбой тўхтамади. Қўлини силтаб тупроқ уйини орқасига ўтиб кетди.

— Майли,— деди Икромжон.— Тўлан чарчади. Бурнининг икки тешиги тупроқдан битиб қолиб, оғзи билан нафас оляпти, бояқиш. Бу ёгини ўзимиз тўлдириб берамиз.

Азизхон охириги қанорни юқорига олиб чиққанда Тўлан қилган ишидан пушаймон бўлиб, кетолмай дўнг орқасида аразлаган боладек ҳиқиллаб ўтирарди. Икромжон келиб уни қўлидан торгиб ўрнидан тургазди.

— Юр, юр. Ҳали ҳам боласан-да, Тўлан. Биламан, чарчадинг!

Тўланбой индамай унинг орқасидан эргашиб кетаверди. Икромжоннинг негадир бугун кайфи яхши. Йигитларга ҳазил қилгани қилган эди.

— Тўлан, жиннивой, Зирилламага борганда ҳам пиқиллайверма Хотиннинг эрим мушук бўлиб қопти, деб таёқ билан уриб юрмасин.

Тўланбой оғзи билан нафас олиб лой орасида аранг кўриниб турган кўзларини йилтиратиб, бу гапга кулиш-

ни ҳам, кулмасликни ҳам билмасди. Икромжон ҳазилини қўймасди.

— Тўлан, эртага сени офтобда ишлатмаймиз. Агар офтобда ярим соат турсанг ичагингга тўлган лой қуриб қотиб қолади. Энгилломай юрмагин.

Энди Азизхон ҳам гапга аралашди:

— Ташвиш қилманг, Икром амаки, Тўлан тоғамни қуритиб қўймаймиз, ҳар ярим соатда сув пуркаб тура-миз.

Булар сув бўйига келишганда трассада қайтган қурувчилар аллақачон ювиниб бўлишган, ариқда фақат бир-иккита одам қолганди. Биринчи бўлиб Тўланбой кийим-боши билан ўзини сувга отди. У шўнгиган жойдан бошлаб қуйига лойқа сув оқа бошлади.

— Узинг ҳам бир кубодан ортиқ тупроқни олиб келган экансан, Тўлан.

Сувдан бош чиқазган Тўланбой энди илгариги, эр-талаб ишта чиққан Тўланбойнинг ўзи бўлиб қолган эди. Икромжон ҳам сувга тушди. У сувни шалоқлатиб ювинаркан, булардан сал олди ювингани чиқиб кетган Тенгдик қирғоққа келди.

— Оғай, сизга қат бор.

У қўйнидан қоғоз олиб Икромжоннинг сувдан чиқ-шини кута бошлади. Икромжон шошиб ювниди-да, сувдан чиқди. Белбоғига артиниб Тенгдикнинг қўлидан хатни олди.

«Икром, Зирилламага қайт! Жаннатни тўлғоқ тугиб туғруқхонага олиб кетишди. Умматали».

Икромжон ҳайрон бўлиб қолди. Унинг ҳисобида Жаннатнинг кўзи ёришига ҳали вақт бор эди. Ёки...

Жаннат етти боласини тупроққа қўйган. Иккитаси ўлик туғилган. Бештаси бир-икки ёшга етиб-етмай оламдан ўтган эди. Шунинг учун ҳам ёлғизи Турсунбойга шамолни раво кўрмасдилар. Нима бўлди экан? Узи омонмикан? Бола соғ-омон дунё юзини кўрганмикин?

Зириллама бу ердан олис. У ёққа на поезд боради, на автобус. У нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турганда Азизхон унинг қўлидан хатни олиб ўқиди.

— Менга қаранг, амаки, албатта боришингиз керак экан. Ҳозир Қўшариққа тушингу Орзихон аяниқидан менинг отимни олиб йўлга чиқинг. Қайтишда отни да-дамга ташлаб келарсиз.

Икромжоннинг кўзлари яшнаб кетди. Азизхоннинг от мукофот олганини биларди. От ёлларини силаб йўрғасини ҳам кўрган эди. Аммо шу топда от мутлақо хаялига келмаганди.

— Раҳмат, ўғлим. Отинг кунимга яраб қолди. Бўлмасам мен кетдим. — У шундай деди-ю, ечиниб тоза яктагини кийгани чодирга қараб кетди.

...Икромжон кун ёйилмай Зирилламага етиб келди.

Қишлоқ ҳар галгидек ўз ташвишларини ўз тирикчилиги билан банд. Ҳамма далага кетиб бўлган, самоварлар ҳувиллаб ётибди. Қишлоқнинг бўз йиғитлари Найман йўлидан ўтадиган канал трассасида. Аёллар далада, болалар мол-қолларни ўтлатгани олиб кетишган.

Икромжон ўз кўчасига бурилганда Расул буванинг фариб супасига кўзи тушиди-ю, юраги шув этиб кетди. Икромжон ўз ташвишлари, ишлари билан бўлиб Расул буванинг оламдан ўтганини эсидан чиқазиб қўйган эди. Супани кўриб кўнгли алланечук бўлиб кетди. Расул бува эрталаб шу супада нонушта қилар, кун қизиб кетгандагина андаккина мизғиб олиш учун ичкарига кириб кетарди. Супа ён-верига кўлоблаб сув сепилган, супурилган, ораста бўларди. Энди кампир бувини ўртанча ўгли Қопчиғайга олиб кетган, эшикка қулф тушиб, супа усти, атрофларини хазон босиб кетибди.

Икромжон от жиловидан ушлаб супа олдидан эзилиб ўтди. Ҳамма вақт гавжум бўладиган кўчадан аста юриб уйи остонасига келди. Эшик очиқ, ичкаридан ниманингдир тиқиллагани эшитиларди. Икромжон от жиловидан пастга тортиб, пастак эшикдан энгаштириб олиб кирди. Жилонини эгар қошига ташлаб, ўз ҳолига қўйди-да, у ёқ-бу ёққа алашгади.

Турсунбой ошхона олдига ерга ўтириб олиб велосипедига инқиллаб ел берар, орқасига қарамасди.

— Турсун! — деди Икромжон.

Дадасининг овозини эшитиб Турсунбой бошини кўтарди. Ҳозир, деди-ю, яна ғилдиракка ел бераверди. Ҳозир мени соғинган. болам югуриб келиб бўйнимга осилади, деб кутиб турган Икромжон ўглининг бунақа нияти йўқлигини билиб, ҳа, феъли шунақа, деб уни койиб ўтирмай тепасига келди.

— Нима қиляпсан?

— Камер тешилиб қопти, 'тузатяпман!'

— Ойингни аҳволи қалай?

— Яхши, — деди Турсунбой ишидан бош кўтармай.

Икромжон атрофга қаради. Ҳовли супурги бетни кўрмаган, ҳамма ёқ ивирсиб ётибди. Икромжон уйга кирди. Жаннатнинг ўрни ҳали ҳам йиғилмаган. Овқат юқи идиш-товоқлар хонтахта усгида. Икромжон яна ҳовлига чиқди. Девор тагидаги ўчоқда қозон тувоғи очиқ қолганидан икки-учта мусича бир-бирга ҳурпайиб қозон ичида қотиб қолган овқатни чўқилаяпти.

— Аянг қачон касалхонага кетди?

— Беш кунми, олти кун бўлди.

— Сен нима еб, нима ичиб юрибсан?

Турсунбой иши битиб ўрнидан турди. Ариқни чатаногни орасига олиб, қора бўлиб кетган қўлини юваркан, жавоб қилди.

— Умматали амаки овқат чиқазяптилар.

Икромжоннинг кўнгли сал тинчигандек бўлди.

— Аянгнинг касалхонага кетганига беш кун бўпти, нега менга хабар қилмадинг, эси йўқ?

Турсунбой дадасининг бетига қарамай жавоб қилди:

— Ишим кўп эди-да.

— Э, ишинг қурсин! Ишинг нима бўларди, кўча чангитиб велосипед минишми?

Турсунбой индамади.

— Бор, қозонни юв! Бирон иссиқ овқат қилайлик, аянгга оборамиз.

— Бугун ўзлари келадилар.

Икромжоннинг юраги шиг этиб кетди.

— Нима?.. Тинчликми ўзи?— Икромжон журъатсизлик билан секин сўради.— Аянг ўзи тинчми?

— Тинчлар. Укамни Умматали амаким билан қўшнилари кўмиб келишди.

Икромжон турган жойида бир қалқиб кетди. Бу бола нималар деяпти? Наҳотки, наҳотки боласи яна нобуд бўлган бўлса. Икромжон ўзини тутолмай бақириб борди:

— Дурустроқ гапирсанг-чи, нима гап бўлди?

Уғли довдираб жавоб бергунча сабри чидамай кўчага югурди. Умматалининг эшигини қоқди. Умматали бир оёғида этик, бир оёғида каллиш билан чиқди.

— Ия, ия, келдипми? Келдипми? Этугимнинг пош-насига нағал қоқаетган эдим. Қани кир! Кир! Азизхон тинчми? Хайрият кепсан. Эшитгандирсан, шунақа иш-лар бўлиб кетди.

Икромжон ичкари кирмади. Нима бўлганини сўради.

— Жаннат оғирроқ юк кўтариб қўйипти. Турсунингга болохонадан озроқ шоли оп тушиб, келида оқлаб бергин, деса кўнмапти. Ўзи салкам бир қоп шолини шотида елкасида олиб тушиб, келида оқлаган экан. Кечга бориб тўлғоқ тутиб қопти. Келининг шунақа хабар топиб чиқди. Дарров арава топиб балнисага ўзим обориб қўйдим. Эрталабга бориб бола ўлик туғилипти. Ўзимиз уч-тўрт киши бўлиб жойига қўйиб келдик. Ўзинг нега бунақа кечикиб келдинг? Балнисага жўнатибоқ Турсунингга хат ёзиб берган эдим. Саҳарлаб даданга етказ дегандим.

— Хатни кеча кечқурун олдим. Олдим у Азизхоннинг отини елдириб келаётганим шу.

Икковни жим қолишди. Икромжоннинг панжалари тугилиб муштга айланди. Яна ёзилди. Умматалига бир оғиз гап айтмай орқасига қайтди. Турсунбой кийиниб велосипедига суянганича эшик олдида турарди.

— Дада, мен кетдим.

— Тўхта!— деди Икромжон.— Умматали амакинг хат ёзиб берган экан, нега ўша куни менга етказмадинг?

— Ишим бор эди.

— Аҳмоқ, ярамас. Онанг шу аҳволда ётса-ю, сен...— Икромжон гапини давом эттиролмади. Агар ўғли бир нима деб оғиз очгудек бўлса, қулоқ-чаккасига шапалоқлаб юбориши ҳеч гапмасди.

— Йўқол. Кет, кўзимга кўринма!

Турсунбой гуноҳим нима экан, дегандек елка қисиб эгарга минди.

Икромжон ҳовлига кириб этигини ечди. Яктагини беҳи шохига илиб ҳовли супуришга тушди. Учоқ кулини олди. Қозонни ювиб тагига ўт қалади. Уйларни йиғиштирди. Ҳамма ёққа кўлоблаб сув сепди. Супа ёнбөшидаги райҳон, қашқар гуллар экилган гулхонага ариқдан сув очди.

Ҳовлига файз киргандек бўлди. Ошхонага кириб у ёқ-бу ёқни титкилади. Гўшт қолмапти. Томорқага чиқиб

Бир гала бўлиб юрган товуқларни тирқиратиб қувиб, бирини тутди. Сўйиб, патларини юлди. Қозонга ташлаб боятдан бери молхонада маъраб жаги тишмаётган сигир-бузоққа сув бериб, олдига ўт юлиб ташлади. Кейин отни стаклаб кўчага чиқди-да, эшикка қулф урди. Отни Умматалига топшириб, ўзи касалхона тарафга қараб кетди.

Касалхона ҳовлисидаги тол тагида Жаппат тугунчасини тиззасига қўйиб эшикдан биронтаси келиб қолар, деб кутиб ўтирган экан. Эрини кўриб қувониб кетди. У анча сўлиб қолган, кўзлари пичига ботиб кетган, овози ҳам аллақандай ҳазин эшитилаётгандек эди.

Икромжон бўлиб ўтган гапдан хабардор бўлгани учун ортиқча суриштириб ўтирмади. Фақат аҳволинг қалай, қийналмадингми, мен бу гапдан кеча кечқурун хабар топдим, деди, холос.

— Боламининг аҳволи қалай? Ичига ниссиқ кирмай ранг-рўйи бир ҳолатда бўлиб қолгандир.

— Боланга жин ҳам урмайди. Умматали овқатидан хабар олиб турипти.

Икромжон унинг қўлидан тугунини олиб, катта кўчага олиб чиқди. Уткинчи машиналарга қўл кўтариб, тўхтатолмади. Аслида идорага кириб Тогадан машина сўраса бўларкан. Ҳеч бўлмаганда извош берарди-ку.

Устига икки-уч боғ беда ташлаган арава келиб қолди. Аравакаш Икромжоннинг илтимосини қайтармади. Жаппатни аравага чиқазди-да, ўзи пиёда арава орқасидан гузарга қараб кета бошлади.

Кўчада одам кўпайиб қолган. Бу йўл Найманга олиб борарди. Канал трассаси шу тарафда бўлганидан от-арава, машина тинимсиз қатнаб турарди. Арава шағал тўкилган йўлда қалдириб сиккинарди, Икромжон хотинининг рангига, аҳволига қараб ичи эзилиб борарди.

Жаппат эрининг авзойидаги нимадандир тажаниглигини биллиб турарди. Нима бўлди, ота-бола ўртасида бирон гап ўтдими? Дадаси болагинамни койигани койига. Ахир Турсунгишам бола-ку. Унинг нимасидан гина қилади? Бир кун эси кириб, қуйилиб қолар ахир! Уғил бола деган шунақа бўлади. Бирдан ялт этиб, олам бўлиб қолганини билмай қоласан.

Арава эшик олдида тўхтади. Икромжон хотинининг тушишига ёрдамлашиб эшик қулфини очди. Жаппат

уйим ивирсиб кетгандир, ҳовлига супурги тегмай ҳамма ёқ хазонга тўлгандир, деб ўйлаганди. Кириб ҳайрон бўлиб қолди. Эрига таънали қаради.

— Болагинамдан хафа бўлишингиз чакки, дадаси. Мана, кўрдингизми, ҳамма ёқни ораста қилиб қўйипти. Ўзига қолса ҳамма ишни қилади. Сиз билан биз бор эканмиз, эркаланади-да, дадаси. Мана беш кунгагина рўзғор қўлига қолганидики, бинойидек ўтирибди.

Икромжон хотинининг қувончини бузгиси келмади. Ечинмай томорқадан сабзи юлиб чиқди-да, супа лабида ўтириб арча бошлади.

— Жнидаккина товуқ шўрва ташлаб қўйган эдим. Ҳозир тагига ўт қалаб юбораман.

Икромжон арчган сабзиларини ариқда ювиб қозонга ташлади. Ўчоқ тагига шох ташлаб пуфлади. Кейин жамбил кертди.

У ҳозир нима қилса ҳам бутун умидлари пучга чиққан, сал кам тўққиз ой бағрида асраган боласидан жудо бўлган, изтироб, аламдан ранги заъфарон бўлган хотинининг кўнглини олиш пайида эди. Жаннат эса эрини аяр, унинг кўзларига тик қараёлмай ерга боқарди. Ахир у етти марта фарзанд ваъда қилиб уйга мотам олиб келди. Ҳаф гал боласини тупроққа қўйганида, шу хил, бир-бирининг кўнглини олиб, аламларини яшириш, йиғидан ўзини тийиб, ич-этини ейиш уларни эзгилаб ташларди. Ҳозир ҳам иккови шундай алам оташида ёнишарди. Иккови бир-бирини аяшарди.

Икромжон чинни кўтариб ўчоқ бошига кетаётганда Жаннат уни тўхтатди.

— Қўйинг, ўзим сузиб келаман. Сиз ўтиринг, узоқдан чарчаб келгансиз. Мен анча дармонга кириб қолганман, ўтиринг, дадаси!

Икромжон қўлида чинни билан ҳовли ўртасида тўхтаб қолди.

— Болагинамга битта чиннида олиб қўйинг.

— Етади, етади, ҳаммамизга етади, хотин. Наҳотки арзандангни эсимдан чиқазсам.

Жаннат аста юриб келиб чинниларни Икромжоннинг қўлидан олди-да, ўчоқ тарафга кетди. Эшик орқасида от кишнади. Сал ўтмай Умматали кийим-бошлари шалаббо бўлиб кирди.

— Э, кел, кел, Умматали, қайнанаиғ суйган экан. Опқат устига келиб қолдинг.

Умматали ариқдан қўлини ювиб белбогига артина-
артина супа ёнига келди.

— Шу десанг, отни анҳорга обориб чўмлтирдим.
Жонвор яқин орада сув кўрмаган шекилли, сира анҳор-
дан чиққиси келмайди.

Икки қўлида чинни билан келаётган Жаннат Умма-
талини кўриб кўзлари яшнаб кетди. Эри бу одам билан
жуда чиқишади. Кириб қолгани яхши бўлди. У ёқ-бу
ёқдан гаплашиб юрагининг чигилини ёзади.

Умматали бўлса отни таърифлаб Икромжонни гапир-
гани қўймасди.

Уларнинг олдига овқат қўйган Жаннат, Умматали от
олибди гумон қилиб: «Вой, от қуллуқ бўлсин, қанчага
олдингиз?»— деди. Умматали билан Икромжон бир-бир-
ларига маъноли қараб олишди.

— Менда отга пул қаёқда, синглим, Азизхонимга
Усмон ота миндириштилар. Тумонат ичида, юрт катта-
лари олдида иззат-икром билан от миндириштипти.

Жаннат эрига ялт этиб қаради.

— Боя сизга нима дегандим. Угил бола шўхлик қи-
либ, шўхлик қилиб, бирдан қуйилиб, эл қаторига кир-
ганини билмай қоласан. Азизхонгина ерга урса осмонга
сакрайдиган бола эди. Мана қарабсизки, лоп этиб кўз-
га кўринди-қолди. Ишқилиб Турсунбойгинамга ҳам ху-
до инсоф берсин-да.

— Ҳа,— деди Умматали.— Болани жудаям эрка қи-
либ қўйдинглар.

— Пешанагинамизда биттагина-да, ўргилай, битта-
гина. У ҳам ўртоғига ўхшаб қуйилиб қолар.

Умматали таънали оҳангда деди:

— Синглим, сен баллисага кетишинг билан, даданг-
га етказ, деб хат битиб бергандим. Турсунбой тўрт кун-
дан кейин бировдан берворипти.

Икромжон бошини кўтаролмай дастурхон полугини
ҳимариб ўтирарди. Ҳаммалари бир неча дақиқа сукутда
қолишди. Умматали яна гап бошладди.

— Икром, табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб
дейдилар, болагини сал тартибга солиб қўй. Ҳозир қа-
йириб олмасанг, кейин ўзларингни қийнаб қўяди. Мен
бегона одамман. Аммо айтиб қўйиш қарзим. Жигарим-
дек бўлиб қолгансизлар.

Умматали чинни тагида қолган шўрвани хўриллатиб,
юзига фотиҳа тортди.

— Мен энди берай.

Умматали шундай деб кўчага чиқиб кетди. Сал ўтмай унинг чух-чух дегани, туёқ товуши эшитилди.

Эр-хотин бир-бирларининг бетларига қараёлмай қолишганди. На ундан, на бундан садо чиқади. Бу жимликни охири Жаннат бузди:

— Гапини қаранг-а, бировнинг боласини ундоқ-бундоқ дейиш осон. Ахир Азизхоннинг қилган ишлари эсингиздан чиқдими? Ҳаммани жонидан безор қилган эди-ку! Икромжон индамади.

III

Бугун тушки овқат пайтида йигирма бир агитатор чойхона-ошхоналарда, агитпунктларда дунё хабарларини газеталардан ўқиб бердилар.

СССР билан Германия ўртасида бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисида битим тузилибди. Германия ташқи ишлар министри жаноб Фон Риббентроп Москвага келиб битимга қўл қўйибди. 24 август куни Риббентроп Москвадан жўнаб кетибди. Уни кузатиб қўювчилар орасида Германиянинг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси граф фон-дер Шуленберг ва Италиянинг Москвадаги элчиси Руссо жаноблари бэр экан.

Бириинчи сентябрь эрталаб соат ўнда Берлинда рейхстаг мажлиси бўлибди. Гитлер кеча Москвада Герман Совет битими имзоланганлигини ва бу битим Германия ҳукумати томонидан ҳам ратификация қилинганини расман эълон қилибди.

Тўртинчи сентябрь куни Гитлер рейхстагда Германиядаги янги совет элчиси ва ҳарбий атташе вакили Шкворцов билан Пуркаевни қабул қилиб, Совет — Герман битими юзасидан узоқ суҳбатлашибди.

Анқарада чиқадиган «Вақт» газетаси Совет — Герман битими Туркиянинг советлар билан чегара районларида ҳам тинчликни таъминлайди деб ёзибди. «Нью-Йорк геральд трибун» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Маккензи бу битим Европада тинчликка гаров, дебди, Германия ташқи ишлар министрлигининг расмий органи «Дейче дипломатиш политише корреспондентс» газетаси бу битим Германия аҳолисида чуқур қониқиш ҳосил қилди, деб ёзибди.

Юзаки қараганда дунё тинч, осойишта кўринарди.

Аммо ер куррасининг кўп қитъаларида бомбалаб портлар, минглаб қурбонлар кўксидан қон оқарди.

Хитойнинг ҳамма вилоятларида япон босқинчиларига қарши жанглр давом этар, Герман — Польша чегараларида тинимсиз жанглр бўлиб турган эди.

Аммо совет юрти ўзининг тинч ижодий меҳнати билан банд эди. Донбассда Алексей Стаханов рекорд устига рекорд қўйиб, мамлакат меҳнаткашларини янги меҳнат зафарларига чорлар, граждн ҳаво флотининг учувчиларини Шебанов, Матвеев ва Байкуловлар «Стал — 7» аэропланида ерга қўнмай беш минг олтмиш саккиз километрлик масофани 12 соату 30 минутда учиб ўтиб жаҳон рекордини ўрнатган, муддатли хизматда бўлган оддий аскарлар составининг ишчи-деҳқон Қизил Армияси сафларидан узоқ муддатли отпускага бўшатиш тўғрисида СССР Мудофаа Халқ Комиссари Ворошиловнинг фармони чиққан осойишта кунлар эди.

Ўзбекистонда мевалар фарқ пншган. Полиэларда қовун-тарвузлар ширага тўлган, ишкомлар ҳосилдан бели букилиб қолган — тўкин, баракали куз боши эди. Бутун халқ Конибодомдан Учқўрғонгача чўзилган қурилишда тиним билмай меҳнат қилар, ер билан, тошу шағаллар билан олишарди.

Жаҳоннинг қаерида ўт чақнапти, қаерида офат — ўлат одам боласини қийратяпти, қасрда замбаракларга ўқ қуйиляпти, ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Улар асрлар бўйи қақраган чўл билан олишар, сувга қондириш ниятида тер тўкишарди.

Азизхон нима бўлса ҳам атиги бир ҳафтагинада би-тадиган қурилишда иш кўрсатиб қолиш, Лутфиниса хаёлан тасаввур қилган манзарани чилакамига барпо қилиш ниятида ҳаммадан кўп тер тўкар, ҳаммадан кўра кўпроқ ғайрат қиларди.

Бундан бир ойгина олдин кеч кириб, атрофни аста қоронғилик босиб келаётган, ой шом еб адир устига энди ўрмалаб чиқаётганда улар икковлон дўннга чиқиб Нушкон адирларига жимгина қараб ўтиришганди. Болалар қўлидан чиқиб кетган пуфакдек ой аста ҳаволанарди. Сада қайрағочлар орқасидан ой нури тушиб, худди кумуш ҳошия тутгандек кўрнарди. Иккалалари ўз ўйлари билан банд эдилар. Иккалалари ҳам узоқ истиқбол

эмас. шу бугун-эрта, атиги икки ой кейинги кунларини кўз олдидларига келтиришарди.

Ой теппага чиқиб олиб дамнини олгандек қимирламай турарди. Қайсидир трассада ер портлатишди. Унинг кучли овози адирлардан адирларга қайтиб, анча вақтгача жалдираб турди. Икковининг ҳам хаёли узилди.

— Нимани ўйладинг?— деди Азизхон Лутфиниса томонга сурилиб.

Лутфинисанинг юзлари ой ёруғида ажиб кўринарди. У жавоб бермади.

— Узинг нимани ўйладинг?— деди жавоб ўрнига.

Азизхон гапни орқа-олдига қарамай айтиб юбораверарди. Дарров жавоб қилди:

— Эш полвон билан яна беллашибман...

Лутфиниса ундан ишқ-муҳаббатга алоқали гап кутган эди. Худди менга ўхшаш бир хил ўй суряпти, деб ўйлаганди. Ҳафсаласи пир бўлиб, э, гапирмай қўя қол, дегандек қўл силтади.

— Пўқ, йўқ, шошма-да. Бу ёғини ҳам эшит. Тўйимиз бўлганига бир ойми, икки ойми ўтганмиш. Мана шу ерда туриб қаерга уй қурамиз, деб маслаҳатлашаётганмишмиз. Сен мапави ерга,— у ердан кесак олиб икки-уч метр нарига отди,— уй қурамиз, ёнига айвон сола-миз дебсан. Тандирни ҳу анави ерга, айвонни ёнига қуриб берганмишман. Сен нон ёпяпсан. Ҳиди бирам зўрки.

Лутфиниса шарақлаб кулиб юборди...

...Лутфинисани дафи қилганларидан буён у бир дақиқа бўлсин уни хаёлидан нари кетқизмади. Юрса ҳам, турса ҳам Лутфиниса шундоққина рўпарасида гоҳ илжайиб, гоҳ гина билан қошларини чимириб қараб туради. Уша ойдни кечадаги шарақлаб кулиши қулоқларида доимий қолиб кетгандек.

Икромжон ёнида бўлганда ҳар хил гаплар билан унинг хаёлини қочириб, алаҳситиб турарди. У Зирилламага кетиб қолгандан бери, яна ўз хаёллари гирдобига шўнгиб кетганди. Тўланбой сергапгина йигит бўлса ҳам Азизхон билан унча иши бўлмай қўйди. Ишдан қайтди дегунча марғилонлик аскиячилар тўпланган жойга кетиб қолади. Қоқ ярим кечада келиб уни уйқудан қўяди. Қўқонлик аскиячилар марғилонликларни боплагани борми, масхарабоз Ака Бухорининг ҳикоялари борми, ҳиринг-ҳиринг кулиб гапириб беради. Эрталаб яна эл ка-

гори туради ю, ишга тушиб кетади Мана ҳозир ҳам, айни дам оладиган пайтда кино олаётганларни томоша қилгани пастликка гушиб кетган.

Танаффус тугаб ҳамма ўрнидан турди. Азизхон совиб қолган кўк чойни симириб индамай иш жойпга қараб кетди. Икромжон Зирилламадан қайтиб келиб чодирда иш кийимларнинг кияётган экан. Икромжон амакининг қарашлари жиддий, нимадандир хафарақ кўринарди. Азизхон ботиниб, нима бўлди, деб сўраёлмади. Икромжон ичида гап яширолмайдиган одам Бир фурсати келиб ёрилади.

— Даданг, аянг салом айтиб юборишди. Тоза кўйлақларингни, янги этик тиктириб қўйишган экан, ўшани бериб юборишди. Аनावи тугундаги тоғорачада сомса бор. Еб ол!

Азизхон тугундаги этикни олиб ҳавас билан қаради. Қўнжларини гижимлаб кўрди.

— Ишларнинг қалай, болам?— деди Икромжон қийинини тарап қилиб боғларкан.

— Ёмонмас, амаки. Сиз кетган кунни ўн тўққиз кубо чиқазганмидим? Кеча йигирмадан оширдим.

— Бу ишинг дуруст, азамат. Қурилишда ер қазниш саксон процентдан ошибди. Сал кунда иш тугайди. Отингни қамчилаб қол, болам.

— Бўш келмаймиз, хотиржам бўлинг, амаки. Қишлоқда нима гап?

— Қишлоқ сув қуйгандай жимжит. Каналга келмаганлар пахта билан олишиб ётишибди. Кундузи Зирилламада қуш ҳам учмайди. Кечга бориб самоварларда сал-пал одам гавжумлашадн, холос.

— Турсунбойни ола келмабсиз-да. Уртоғимни бир кетмонга солардим.

Азизхоннинг бу гапи Икромжоннинг яраланган жойига туз сепгандек бўлди. Икки қошининг ўртаси тугунчак бўлиб, бетида э, уни қўйсанг-чи, деганга ўхшаш ифода пайдо бўлди. Буни Азизхон дарров сезди.

Икромжон сир бой бермай гапида давом этди:

— Зирилламада ҳамманинг оғзида сен. Каттақон сурупга ишланган суратингни клуб тепасига илиб қўйишипти. Тоғанинг гапига қараганда, шунақа суратинг Шаҳрихонда, Қўқону Қувада кўчаларга илинган эмиш. Айтганча, даданг от юборганинга жуда қувоңиб кетди. Гижинглатиб миниб юрипти. Ҳар кунни сойга

оп тушиб чўмилтиради. Бояқиш шунча ёшга кириб отга етишолмаганди. Битта от дардида неча марта пул йиғиб, неча марта рўзгорга кириштириб юборган эди. Барақалла, даданнинг боши кўкка етди.

Иккови у ёқдан, бу ёқдан гаплашиб трасса томонга кетишарди. Икромжон яна битта гап айтди.

— Акбаралидан ҳалигача дарак йўқ. Топишолмаяпти.

Азизхон нндамади. Кўз олдига ҳу ўша даҳшат ва аламга тўлган тун, Акбаралининг қон қотиб қолган панжалари, ойдинда ялтираган карки сопли пичоғи кўрииб кетди.

Пешанасини қийиқ билан боглаб белкуракка бағрини бериб кўтиб турган Тўланбой уларни кўриб қичқирди:

— Мунча имиллайсизлар, чаққон-чаққон юрсангларчи. Олд одамлар икки кубодан тупроқ кўпориб қўйди.

Икромжон ишга муккаси билан кетган Тўланбойга мамнун қараб қўйди.

— Ҳа, дуруст, канал ишқи юрагингни ўртаб қопти. Энди одам бўласан, Тўлан.

Икки том бўйи кўтарилган тупроқ дўнги тагида яна иш бошланиб кетди. Тупроқ гўзғиб бировни бировга кўрсатмай қўйди. Худди булут орасидан бургут учиб чиққандек, чанг-тўзонлар ичидан Азизхон елкада тупроқ тўла қанор билан юқорига кўтарилар, ўзи тўккан тупроқ тўзониди ўзи кўринмай кетарди.

Тўланбойнинг кўксовга ўхшаш йўтали, Икромжоннинг «ҳа бўл, ҳа бўли», Азизхоннинг «бос, яна бос», деган товуши эшитиларди.

Шу чанг, шу тўзон, шу шовқин-сурон орасида бугун яна бир янги рекорд туғилаётганди.

Тахта пиллапод оғир лапанглайди. Қанор оғзидан қуйилаётган тупроқ тўғонни ўпирган тошқин сувга ўхшайди.

IV

Пўлдош Охунбобоев Икромжоннинг Луғумбекда ишлаб юрганidan беҳабар эди. Бундан ўн кун аввал Заркентга борганида Икромжон ҳамқишлоқлари билан Сувкесак участкасида ишлаётган эди. Заркентликлар ер қазииш ишларини тугатиб, алақачон далага чиқиб кетганлар. Охунбобоев Икромжонни ҳам терим тараддудида юрипти, деб ўйлаган эди. Бугун уни яланғоч бўлиб ер қазийётганини кўрди-ю, ҳайрон бўлиб қолди. —

— Ҳа, сенга нима бўлди? «Сувкесак»да ишлаб юргандинг-ку?

Икромжон тер босган пешаналарини, бўйинларини қийнғи билан артаркан, Азизхон гарафга бир қараб қўйди.

— Полвон болани ёлғизлатиб қўймай, деб келгандим.

— Э, омон бўл, бу бола ёлғизлайдиганлардан эмас. Сени нима жин урди? Полвоннинг шуҳратига шерик бўлтинг келдими? Зирилламаликларнинг бунақа одати бўлмасди-ку.

Икромжон «мени Тоға юборди, Азизхоннинг кўнглини кўтариб тур, деб тайинлаган», деган гапни айтолмади. Охунбобоевнинг дашноми малол келса ҳам, тишини тишига қўйиб жим туришга мажбур бўлди.

— Менга қара, Икром. Модомики канал битгунча ишлагинг кептими, сенга бошқа иш топиб бераман. Зирилламаликларнинг шаънини Азизхоннинг ўзи бошлаб туради. Олтинчи шалолага бориб бир ишлаб берасан! Гап шу!

Икромжоннинг хўп, дейишдан бошқа иложи қолмади.

Икром олтинчи шалоланинг нималигини билади. Норин дарёсидан қазиб келинаётган канал «Қизил кўприк» орқасига етганда Қора дарёга бориб уланади. Шу ерда тахминан ўн метр баландликдан Норин суви Қора дарёга қуйилиши керак.

Шалола қурилиши ҳозир энг орқада. Қурилиш газетасида кун эра «Шалола қурилиши ўпирилишда», «Судралганлар», «Хўп бўладини еб бўлмас» деган сарлавҳали мақолалар босилиб турарди.

Охунбобоев кетаркан, тўхтаб орқасига қаради.

— Тушдан кейин ўшаққа бор. Сенларга ўзим бригадирлик қиламан.

Икромжон, хўп, деди. Охунбобоев тепаликка тиззасига таяниб чиқиб кетгандан кейин Тўланбой Икромнинг олдига келди.

— Ота нима деяптилар?

— Яхшиям сени кўрмадилар. Кўрганларида сени ҳам қувлаб қолардилар.

Тўланбой гап нимадалигини билмай кўзларини пирпиратди.

— Иккәвимиз ажрашадиган бўлдик. Олтинчи шалолага борасан, деб кетдилар. Ўша ерда ишлайман, ба-

рибёр) сизлар билан ётиб-тураман. Ораси икки қадам, бориб келавераман-да.

Икромжон тушликни чала-чулпа қилиб, яктагини елкасига ташлаганича шалола қурилиши тарафга кетди.

Кекса қайрағоч тагида Али полвон билан Эш полвон ниманидир қизишиб гаплашардилар. Икромжонни кўриб иккови ҳам бирдан жим бўлиб қолишди.

Икромжон улар билан саломлашиб, яктагини сўрига ташлади.

— Шеригингиз қани, меҳмон?— деди Али полвон.

— Бир ўзим келдим, Ота шаққа бор, дедилар, келавердим.

— Полвон бола келмадими?

— Йўқ, Луғумбекда ишлайверсин, дейишди,— деб жавоб қилди Икромжон.

Али полвон билан Эш полвон бир-бирларига маъноли қараб олишди.

— Мен сенга нима дегандим, Эш. Энди хотиржам ишингни қилаверасан.

Али полвоннинг бу гапидан хижолат тортган Эш полвон унга зардали қараб олди.

— Нега хўмраясан? Азиз полвон келадиган бўлса, мен қайтиб кетаман, деб ҳозир оби дийда қилиб турган эдинг-ку.

Эш полвон этагини қоқиб ўрнидан туриб кетди.

/ — Ҳеч ичингизда гап ётмайди-да, уста.

Эш полвон Икромжоннинг бетига қараёлмай қолди. Яхна ичишни баҳона қилиб, сабзи тўграб ўтирган ошпаз томонга кетди.

— Жуда ғалати феъли бор-да, бу Эшнинг. Гапди олд-орқасига қарамай айтвораверади. Кейин нима дегани эсидан чиқиб кетади. Дилида губори йўқ бола. Фонарь ёғига ўхшаб лоп этиб бир ёнади-ю, пис эгиб яна ўчади.

Али полвон ўтирган жойга офтоб келиб қолган эди. У ўрнидан туриб: «Юринг, меҳмон, бошқалар келгунча битта чойни майдалаб турайлик», деди-да, чайланнинг соя тарафидаги супага бошлади.

Супа баландликда бўлиб, шалола қурилишида ишлаётганлар бемалол кўришиб турарди. Иккови супадаги шолчани бери торғиб ўтиришди. Али полвон ўтирган жойида қичқирди:

— Ҳо. Эш. қайтишингда битта аччиқ чой дамлаб кел.

Эш полвон минғирлади.

— Оббо, ҳали бир кетмон тупроқ чиқармай ўзини чойга уришини қаранглар.

Чой келгунча иккови у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Али полвоннинг гапига қараганда, шалола қурлиши зарбдор участка деб эълон қилинибди. Охунбобоевнинг ўзлари бригадирлик қилармишлар. Бригадага Йўлдош мироб номи берилганмиш.

Икромжон, Йўлдош мироб ким бўлди экан, деган маънода Али полвонга қаради.

— Йўлдош акани билмайсизми? Ия, у кишини билмаганлар ҳам бор экан-ку.

Шундан кейин полвон миробни таърифлаб кетди.

— Йўлдош акам асли Қампирровотининг Найнаво қишлоғидан бўладилар. Бутун Фаргона водийсида у кишига тенг келадиган мироб бўлган эмас. Русчани қийиб қўядилар. Петербургдаги гимназияда ўқиб, сув техникни деган шаҳодатнома олганлар. У кишининг суҳбатларида кўп бўлганман. Доно одам эдилар. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган сувчи» деган унвонлари ҳам бор эди. Худонинг қудрати билан у киши Қора дарёга, бу ёққа юр, десалар юрарди. Ҳар йили Йўлдош акам шу дарёга бир ярим минг, икки мингтадан сепоя ташлардилар. Жуда зийрак мироб эдилар, у киши. Сепояга қулоқ босиб, таги чириган, чиримаганини дарров айтиб берардилар. Сувтўрани кўргансиз-а. Белявскийни айтяпман. Ҳатто у ҳам Йўлдош акамнинг маслаҳатлари билан иш тутарди, Ҳозир миробларнинг зўри мен бўламан деб юрган Абдусамад мироббошилар у кишининг олдиларида ҳеч гап эмасди. Йўлдош акамни кўрганда икки қўлини қовуштириб турарди. Унақа мироб бундан кейин дунёга кслади-ми, йўқми худонинг ўзи билади.

Икромжон унинг гапларини эшитиб ўтирар, сув билан, тўлқинлар билан олишиб дарё ўртасида сепоя боғлаётган азамат, паҳлавон миробни кўз олдига келтирарди.

Эш полвон иккита пиёла билан кўк чой келтириб, супага чордана қурди. Энди унинг бетидан тажанглик, боя айтган гапларидан хижолатлик излари қочган, илжайиб Али полвоннинг гапларига жим қулоқ соларди.

Араваларга кўрпа-тўшакларини ортган полвонлар

кела бошлашди. Улар Шаҳрихон, Асака, Олтинкўл участкаларида ишлаб нэм чиқазган эдилар. Икромжон буларга мен бас келармиканман, Азизхон ҳам келганда дуруст бўлармиди, ҳар қалай Заркент билан Зирилламанинг обрўси ошарди, деб ўйларди.

Ошпаз йиғит қайрағоч тагидаги катта супага жой қилиб дастурхон ёзди. Қовун-тарвузларни, узуму шафтолиларни тўкиб ташлади.

— Қани, ҳў, полвон акалар, бир тамадди қилиб олинглар. Ота келганларидан кейини ошга гуруч соламан. Ҳозирча манавуларни еб, чанқов бости қилиб туринглар.

У гапини тугатмаган ҳам эдики, орқасидан тўзон кўтариб қора машина келди. Унда Охунбобоев, Тешабой Мирзаев тушди.

— Уҳў, жамоат жам-ку,— деди Охунбобоев илжайиб.

Кейин полвонлар билан бирма-бир кўришиб, ошпаз қўйиб берган курсига ўтирди. Тоғни урса талқон қиладиган азамат полвонларнинг қоматига ҳавас билан бир-бир қараб чиқди.

— Тешавой, энди ишнинг юришади. Бу азаматларнинг ҳар биттаси биттадан тракторнинг ишини қилади.

У шундай деб Али полвон узатган пиёладаги яхнани бўшатди-да, мўйловини кафти билан артиб қилинадиган ишлардан гапириб кетди:

— Биродарлар, сизларга бир эркалик қилдик. Хафа бўлмайсизлар, аммо икки юз етмиш километрлик капални қазниш ҳам бир бўляпти, шу шалолани қазниш ҳам. Прораб бизни алдаб юрган экан. Уни ишдан олдик. Бригада бошлиғи ҳам бекор бўлди. Гапнинг очигини айтсам, бу ишда менинг ҳам, Тешабойнинг ҳам айби бор. Битта арақхўрга иш топшириб қўйиб, хотиржам юрган эканмиз. Газетада ўқиган бўлсанглар керак, Москва бизга катта ёрдам қилди. Ун минг тонна цемент юборди. Йигирма миллион сўм пул берди. Икки юзта юк машинаси билан олтиш трактор олдик. Партия-ҳукумат нима десак, йўқ, демай бериб турипти. Бирон ҳафта ичида шалолани қазиб битирсак, у ёғи бетончиларга қолади. Нима дейсизлар, шу ишни қиламизми? Билман, чарчагансизлар, бола-чақаларни соғингансизлар. Қирқига чидаган, қирқ бирига ҳам чидаб берсанглар ёмон бўлмасди.

Эш полвон бир қўзғалиб қўйди.

— Бир нима демоқчимидингиз, полвон?

— Нима ҳам дердим. Биз каналга ишлагани келганмиз, қандоқки иш бўлса айтаверинг, йўқ деган номард. Эрта-индин канал ҳам битиб кетади. Ана ундан кейин бунақа ишни қайдан топамиз, Ота.

— Гапнинг ўғил боласини айтдингиз, полвон. Сиздан худди шунақа жавоб кутган эдим. Балли!

Шаҳрихонлик уйғур йигит гапга аралашди:

— Ота, менга бир кунгина уйга бориб келишга жавоб берсангиз. Болаларни жуда соғиндим. Ундан ташқари, болаларнинг онасига ҳам жиндек гапим бор эди.

Ҳамма баробар гуриллаб кулиб юборди. Али полвон унинг елкасига шапиллатиб бир туширди.

— Ҳа, гапнинг қурсин, қазо бўлган гапларингни йиғиб юр, борганда ҳаммасини бир қилиб айтасан.

Охунбобоев тиззасига уриб қотиб-қотиб кулар, боладинг, боладинг, бу лағмонхўр Охунни, дерди.

Уйғур мироб, қизиқчиликни боладимми, деб ён-веридагиларга мақтаниб қараб қўярди.

Полвонлар топшириқни мўлжалдагидан ҳам зиёда бажаришларини айтиб, Охунбобоевни ишонтиришди.

Икромжон ўтирганларнинг кўпчилигини танимас, бир чеккада яққаланиб жимгина ўтирарди. Охунбобоев унинг аҳволини сезиб турган экан:

— Биродарлар, ичингизда менинг битта ҳамқишлоқ кадрдоним бор. Ёлғизлатиб қўйманглар. У ҳам ишлайдиган болалардан. Аямасдан ишга босинглар, гиринг демайди,— деб тайинлади.

Икромжон қўлини кўксига қўйиб, Охунбобоевга қуллуқ қилди.

Охунбобоев ошга турмай кетишга отланди.

— Тешабой, сен уларнинг ётар-турарларини тўғри-лаб, иш жойларини кўрсат. Ҳар куни битта қўй сўясан. Пойтуқлик ҳофизлардан уч-тўрттасини шу ёққа юбораман. Кино ҳам келади. Менимча, Али полвонни иш боши қилиш керак. Сен эртага штабга қочасан. Ишни кимдан талаб қилишимизни билиб олайлик. Розимисизлар, полвонлар, Алининг иш боши бўлишига.

— Розимиз, розимиз,— деган овозлар чиқди.

Охунбобоев улар билан хайрлашиб машина томон юраркан, уйғур миробнинг гапини эшитиб қолди. «Ҳофизларни нима қиламиз, артисткалардан келсин-да!»

Охунбобоев кулди.

— Охун, ўзинг хотинингдан қочиб бу тарафларда юрибсан-ку, нима қиласан гапни айлантириб.

Тешабой Мирзаев унга нимадир деди. Шундан кейин Охунбобоев орқасига қайтиб трасса томонга тупроқ кечиб кетди. Сал нари борганда Уйғур миробнинг қўшиғини эшитиб қолди:

«Қашқарнинг бозоринда, жинимо,
Сетиб оған қулингман...»

— Зап қувноқ йигит-да, бу Охун,— деди Охунбобоев. Қизиқчиликка тоқати йўқ Тешабой Мирзаев минғирлади:

— Ўзи яхши бола-ю, сал бачканалиги бор-да.

Охунбобоев унинг феълени билгани учун, шунақами, деб қўя қолди. Орқа тарафдан келаётган қўшнқ ва кулгиларга қулоқ тутиб индамай борарди.

У, Гулойим,
Журуғим куйди дойим,
Қулингману қулингман,
Богда битган гулингман,
Қашқарнинг бозоринда, жинимо,
Сетиб оған қулингман.

V

Йўлдош Тўхтаҳўжаев номидаги зарбдор бригада бир-икки кундаёқ оғизга тушиб қолди. «Сталинча қурилишда» газетаси деярли ҳар сониди бу бригада ишлари тўғрисида катта-катта мақолалар берадиган бўлиб қолди.

Икромжон шалолада куни билан ишлаб, кечқурун Луғумбекка — ҳамқишлоқлари олдига келиб ётарди. Азизхонни шалоладаги ишлардан кўра Эш полвоннинг қандоқ ишлаётгани қизиқтирарди. Икромжондан унинг қанча тупроқ қазигани, қанча килодан юк кўтариб чиқаётганини бирма-бир сўрарди.

Икромжон ўз ишлари қолиб Эш полвондан гапирарди, холос. Азизхон ҳамон ўша қайсарлигидан тушмаган. Эш полвон уч юз кило кўтарса у тўрт юзга чиқазаман деб уринар, айтганини қилмасдан қўймасди.

Шалолога келганда Икромжонни Эш полвон гапга соларди. Азизхоннинг қанча тупроқ қазигани-ю, қанча кўтарганини суриштирарди. «Сен тирранчага юк кўтариш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман», деб инқиллаб уч юз килодан ортиқ тупроқни қанорга босиб орқалаб юқорига итилади. Тўрт-беш метр баландга етганда инқиллаб, қанордаги тупроқнинг ярмини елкасидан ошириб тўкади-да, қолганини дўнгга опчиқиб кетади. Али полвон унга пичинг қилади:

— Ҳой, Эш, олақарганинг юришини қиламан, деб чумчуқнинг пути йирилган экан, чоғинг келадиган ишни қилсанг-чи.

Эш полвон бари бир унинг гапларига қулоқ солмайди.

Икромжон бўлса уйғур йиғит билан бирга ишлайди. Унинг асли исми Рўзи бўлса ҳам ҳеч ким отини айтмай, Охун деб чақиради. Агар у бирон соат кўринмай қолса, дарров ўрни билинади. Иш яайтида ҳам, дам олиш соатларида ҳам у ширали майин товушда ўзи билган ўша битта ашулани айтгани айтган. Бу ашула ҳеч кимнинг кўнглига тегмайди. Агар Охун жимиб қолса, ишлаётганлар орасидан овоз чиқади:

— Ҳа, Охун, нега жимиб кетдинг? «Гулойим» бўлсин!

Охун «шошмасинлар!» дейди-ю, дўпписини буклаб оғзига кўндаланг қўяди-да, «Гулойим»ни бошлайди:

У, Гулойим,
Журўги куйди дойим,
Қандоқ қиламиз Гулойим
Қашқарнинг бозориндан, жинимо,
Сетиб оган қулингман.

Икромжон мундоқ ўйлаб қараса, бу артистмижоз шериги билан ишлайдиган бўлса, сира косаси оқармайдиган. Ахир уни Охунбобоев қанча байту газал билан мақтаб Али полвоннинг олдига қўйиб кетди. Энди келса нима дейишади? «Манаву Охун қўшиқ айтяпти, зирилламалик полвонингиз унга чирманда чалиб бериб туряпти», дейишмайдими?

Икромжон оғзи ашуладан бўшамай қолган Охунга гапнинг очигини айтиб қўя қолди:

— Охун, энди икковимиз қозон-товоқни бўлак қиламиз. Баққа ишлагани келганман.

Охун нима дейишини билмай серрайганча қолди Бу гап қулоғига кирган Али полвон ҳамма эшитадиган қилиб аскияга олди:

— Ҳа, Гулойим, пима бўлди? Яна бева бўлиб қолдингми?

Охун ҳам гапга бўш келмайдиган хилдан эди. Дарров жавоб қилди:

— Қашқар қизининг қўлидан дон еган чумчуқ Маккатуллодан саккиз марта қайтиб келади. Бунинг чумчуқ ҳам эмас, ювошгина мусича экан, Маккатуллодан қайтиб келиш у ёқда турсин, уйини топиб кетса ҳам жон деявер.

Икромжон аскияга нўноқ бўлганидан жавоб беролмай одамларнинг кулгисидан қип-қизил лавлаги бўлиб кетди. Иш жойини ўзгартириб кетмонини чопаверди. Азизхон Зирилламанинг бошини осмонга етказиб турганда мен оёқ ости қилмай, деб жон-жаҳди билан ишга шўнғиб кетди. Узи тупроқ қазийди, ўзи қоплаб орқалаб юқорига опчиқиб ташлайди. Кечга бориб қазиган ернини ўлчатганда Охун билан иккови қазиган, юқорига чиқазган тупроқдан бир ярим баробар ортиб кетибди.

— Бор экансан-ку,— деди Али полвон.— Иш деган мундоқ бўпти. Кучининг Гулойим сўриб ётган экан-да. Эшга етай деб қопсан. Яша огайин, Отани ерга қаратмайдиган бўлдинг.

Бу гап Икромжонга қанот бўлди. Кечқурун Луғумбекка бормай шу ерда қолди.

Дарё тепаси ажиб баҳаво жой. Кечга яқин ҳаво бир димлаб кейин гириллаб шамол эсади. Қора дарёнинг лойқа сувлари қирғоққа шалоплаб урилади. Кечаси ўрдаклар базми бошланади. Тонг отгунча ғақ-ғуқ товушлари тинмайди. Шамол эсиши билан қурувчилар пашша-хоналарини очиб ташлаб, кечки салқинда ором оладилар. Кунин билан офтобда лунжларини шишириб, бўйин томирларини бўрттириб катта авжда хониш қилган ҳофизлар донг қотиб ухлаб қоладилар. Фақат Охуннинг ширали, шикаста овози аллапаллагача эшитилиб туради. У ҳамон қайдадир қолган, юрагига ўчмас излар ташлаб кетган Гулойимни қўмсаб, ўртаниб, ёниб хиргойи қиларди. Гоҳо унинг овози худди йиғлаганга ўхшаб титраб кетади. Икромжон қоронғилик қаъридан келаётган бу нолишга астойдил қулоқ тутлади. Ой қайрағоч панасига ўтиб кетади. Бир-бирига айқаш-уйқаш

бўлиб кетган қайрағоч шохида уйқусираган му-
сича ҳар замон бир питирлаб қўяди. Дарё шовиллайди.
Пойтуқ билан Куйганёр оралигида оғир юк тортган па-
ровознинг кучаниб қичқиргани, вагонларнинг бир-бири-
га урилиб шақирлагани эшитилади. Зум ўтмай унинг
ҳам овози секин-секин йўқ бўлиб кетади. Икромжонни
хаёл олиб қочади. Уйини, Жаннатни, Турсунбойни ўй-
лайди. Уларнинг ҳоли нима кечди экан. Дараксиз кетган
Икромжонни Тоға нима деб ўйладикин? Суриштириб
билгандир. Икромжоннинг хаёли хаёлига уланади. Кў-
зидан уйқунин ҳайдайди. Энди у эртага қиладиган ишини,
кўпчилик ўртасида юзни ерга қаратмайдиган иш қилиш
тўғрисида ўйлайди. Охири у ҳам ухлаб қолади. Кунни
билан чанг-тўзонга тўлган, одамларнинг шовқиш-сурон-
лари билан тинчини йўқотган соҳилда энди эрта куз
шамоллари, тупроқ уюмларига ўзини урар, сирпаниб
дарё оқими тарафга йўлини бурарди.

Эрталаб ҳамма гангир-гунгир билан ўрнидан ту-
ради.

Шалоллада мўлжалдаги иш яридан ошиб охирига
яқинлашай деб турибди. Бутун штаб, прорабликнинг кў-
зи шу тарафда. Ким қандоқ ишлапти, ким қанча туп-
роқ қазиди, қанча чиқазди, раҳбарларга маълум. Охун-
бобоев келганда Али полвон Икромжонни мақтаб қолди.

— Ҳамқишлоғингиз дуруст. Мақтаганингизча оор
экан. Боёқиш кучининг борича ишлаб, Эшга етай деб
қолди. Эш ҳозир Азизхон билан Икромжон оралигида
турибди. Сал интилса Азизхонга етади, сал бўшашса
Икромжондан қолиб кетади. Хулласи, иккита зирилла-
малик Эшни исканжага олиб турипти.

Охунбобоев мамнуи илжайди-да, чой ичиб ўтирган
Эш полвон олдига келиб елкасига қоқди.

— Ориятингга балли, Эшмуҳаммад. Сендан жуда
хурсандмиз.

Охунбобоев шундай деб чўнтагидан кафтдек қутича
олиб очди. Бу кумуш ён соат эди.

— Атайин Фарғонадан исмингни ёздириб келдим.
Бу сенга канал штабининг мукофоти. Азизхон билан се-
нинг мусобақанг минглаб қурувчини оёққа турғизди.
Раҳмат, биродар, канал сувини ичадиган, экинини суғо-
радиганлар сени сира эсдан чиқазмайди.

Эш полвон фақат иш билан бўлиб, Азизхондан ўта-
ман деб атрофига қарамаган эди. Бировдан бунчалик

илиқ-иссиқ гап ҳам эшитмаган эди. Охунбобоевнинг бу сўзларидан кейин бир-икки марта киприк қоқди-ю, кўзига ёш қалқиб чиқди, ҳиқиллаб гапиролмади, лаблари титраб кетди.

Унинг бу ҳолидан Али полвон қотиб-қотиб куларди.

— Э, нодон, нодон, ёш бола десам, болага ўхшамайсан, катта одам десам, каттага ўхшамайсан.

Охунбобоев уни хижолат қилмаслик учун Норин суви қуйилиши керак бўлган каналнинг сўнгги участкасини кўргани Қора дарё бўйига тушиб кетди.

Яна уч кундан кейин бу ерда бетон ишлари бошланиши керак. Ҳозир ер қазиётганларнинг чайлаларига бетончилар кўчиб келади.

Дарё бўйига машина боролмайди. Шунинг учун ҳам арава ва бричкаларда тахта, ёғоч, қоп-қоп цемент ташилляпти.

Охунбобоев кетиши билан Али полвон Эшни қучоқлаб астойдил қутлади. Дўстининг бу мартабаси, обрўси уни чиндан ҳам қувонтирган эди. Эшнинг қўлидаги соатни олиб буради, чайла учига илиб қўйган шимшнинг чўнтагидан узун занжирли соатини олиб неча бўлганлигини билди-да, Эшнинг соатини унга тўғрилади. Кейин қулоғига тутиб кўрди.

— Буюрсин, ошнам. Бу сенга, бола-чақаларингга бир умр эсдалик бўлади.

Соат қўлдан-қўлга ўтди. Эш полвон энди ўзини тутиб олган, соатини қулоғига тутаётганларга мамнун илжайиб қараб турарди.

Али полвон Икромжонга имлаб қўйди.

— Эшнинг ишлашини энди томоша қиласан, паровоз бўлиб кетади, бу.

Дарҳақиқат, Эш полвон тушликдан кейин шер бўлиб кетди. Отанинг юзларини ерга қаратмайман, муксфотга яраша иш қиламан, деб чунонам ишлаб кетдики, қани энди уни тўхтатиб бўлса. Худди ўздан катта ушоқ кўтарган чумоли сингари қанор тўла тупроқни юқорига пилдираганича опчиқиб кетар, илгаригидек йўлда тўхтаб тупроқнинг ярмини тўкиб ташламасди. Инқилламасди, қайтишда калтак еган одамдек судралиб тушмасди.

Икромжон ундан анча узоқда бўлганидан унинг қилаётган ишларидан беҳабар, у ҳам зўр бериб ишлаётган эди.

Кечқурун қайрағач тагига келишганда ҳамма Эш полвонни табрикларди.

— Қойил қилдинг, Эш. Азиз полвондан ўтган бўлишинг керак.

Тиззасига дафтар қўйиб нималарнидир ҳисоблаб ўтирган табелчи йигит бир гап айтди. Бу гап гўё ловиллаб ёниб турган гулханга сув сепгандек бўлди.

— Эш акам бугун ўн тўққиз ярим кубо тупроқ қазиб чиқаздилар. Икромжон амаки чоракам йнгирма кубо.

Эш полвон қизиқ аҳволга тушиб қолди. Боятдан бери ғолиблик нашъаси порлаб турган кўзлари бежо бўлиб кетди. Ғоз қомати сал букилгандек, пешаналарига қават-қават ажинлар тахлангандек бўлди.

— Ия,— деди Али полвон,— Азизхоннинг шериги сени ясаб қўйипти-ку!

Эш полвон Али полвонга еб юборгудек бўлиб қаради.

— Ишни сиз расво қилдингиз, Али ака. Қазиб қўйган уч қанор тупроғим бор эди. Энди бас, етар деб мени йўлдан урдингиз. Агар ўша тупроқларни ҳам тўкиб тушганимда, бу келгинди мендан ўтиб бўпти эди.

— Оғзингни чакки қилма, нодон,— деди зарда билан Али полвон.— Келгинди деганинг нима деганинг?! Тилим суяксиз, деб гапираверасанми?!

Эш полвон: «Э, қўйинг-е!»— деб ўрнидан туриб кетди. Али полвон Икромжонга узр билдирган бўлди.

— Хафа бўлманг, меҳмон, Эш ўзи шунақа.

Икромжон хафа бўлмаганини билдириб, қўлини кўксига қўйиб илжайди.

VI

Усмон Юсупов мухбирлар илтимосига кўра матбуот конференцияси ўтказмоқда эди. Азизхон билан Икромжон ҳам шу йиғинга таклиф қилинган, аммо улар отулов бўлмаганидан йўловчи автобусни кутиб, анчагина кечикиб келишган эди. Бу пайт Юсупов президиум столи олдига чиқиб, ниманидир қизишиб гапирарди. Орқа қаторда ўтирган кексароқ бир рус скамейка четига сурилиб Икромжонга ёнидан жой кўрсатди.

Азизхон жой излаб аланглаб тураркан, юқорида ўтирган Белявский уни имлаб юқорига чиқишни сўради.

Азизхон кейинги пайтларда президиумларда ўтириб-ўрганган, пастда қолиб кетган пайтларда мажлисга келмайдек бўлмасди. У такаллуф қилиб ўтирмай юқорига қараб юра бошлади. Одамлар гур этиб орқага ўгирилиб қарашиди. Юсупов ҳам бир дам сўзни тўхтатиб, унинг жой топиб ўтиришини кутиб қолди. Мухбирлар орасида: «Азиз полвон, Азиз полвон шу бўлади», деган шивир-шивир эшитилди. Азизхон бу гапларни эшитиб сал хижолат бўлгандек қаддини букиб ўзига жой изларди. Ниҳоят, Дўнан полвон ёнидан жой кўрсатди. Азизхон ўтирди. Юсупов кутилмаган бу танаффусдан фойдаланиб, стол четида турган чойнакдан яхна қуйиб смирди, кейин қўлидаги савол ёзилган қоғозга қараб сўзини давом эттирди:

— ... Шундай қилиб, Сувайш канали милоддан олдинроқ қазилиб асрлар давомида қум тагида қолиб кетди. Фиръавнлар бошлаган канал 1856 йилга келиб Саид пошшо даврида қайта қазила бошланди. Французлар бу каналдан 99 йил текин фойдаланиш шарти билан қазиб берадилар. Канал қазинида қирқ минг фаллоҳ ишлаган. Ун йил мобайнида шулардан йингирма минг киши оғир меҳнат азобидан ўлиб кетади. Яқинда, яъни яна ўн етти йилдан кейин французлар бу каналдан текин фойдаланиш ҳуқуқини йўқотадилар.

Яна иккинчи мисол. Жанубий Америка билан Шимлий Америка ораллигида қурилган машҳур Панама канали ирригация тарихида катта ўрин эгаллаб келмоқда. Атиги 81 километр масофада қазилган бу канал ўттиз олти йил давомида қуриб битказилган эди. Тўрт йилнинг ўзида ўн беш минг қурувчидан 9800 киши сариқ вабо касалидан қирилиб кетган.

Мен бу мисолларни нима учун келтиряпман? Сиз матбуот кишилари ҳар қапдай дабдабали сўздан кўра ҳақиқат юзини равшан кўрсатадиган рақамларни афзал кўрасиз.

Энди ҳозиргина мен мисол қилиб айтган каналлар қурилишини ҳозир биз қазийётган Фарғона канали қурилиши билан таққослаб кўрайлик.

Катта Фарғона канали Панамадан уч ярим барабар, Сувайшдан икки барабар катта. Сувайш икки ярим минг йил давомида қуриб битказилди, Панама ўттиз олти йилда, Фарғона канали қирқ беш кунда... Панамада 9800 киши, Сувайшда 20000 киши ҳалок бўлди. Катта

Фарғона каналда бир киши ҳам шикастланмади. Бундай қурилишни, бундай ялпи кўтарилишни ҳали тарих кўрмаган. Буни Социалистик тузумимизнинг буюк галабаларидан бири деб биламан. Марҳамат, яна кимда савол бор?

Урта яшар рус йнгити ўрнидан турди.

— «Правда» мухбири Борис Агапов, — деб таништирди у ўзини. — Марҳамат қилиб, айтиб берсангиз, ўртоқ Юсупов. Сиз ҳозир жаҳоннинг энг катта каналлари қандай қазилганини, қанчалаб қурбонлар берилганини айтиб бердингиз. Ҳозир биз ўз кўзимиз билан кўриб турган Катта Фарғона канали ўз кўлами билан, эксплуатация қудрати билан ҳам буюк деб аталмиш ўша каналлардан ўн баробар буюқдир. Қандай қилиб бу ишга журъат қилдингиз? Ё аввалроқ бу хил ишлар эксперимент тариқасида синаб кўрилганми?

ЮСУПОВ. Шундай саволни кутгандим. Ўзбек халқи қадим-қадимлардан буён ҳашар усулида жуда кўп иншоотлар барпо қилган. Бева хотинлар, ночор оилалар учун маҳалла кишилари бирлашиб уй қуриб берардилар, экин ерларини ҳайдаб, дон сочиб берардилар. Ҳатто беваларнинг қизларини куёвга чиқариш ҳам маҳалла аҳлининг вазифаси ҳисобланарди. Хоразмда лойқа босган сув иншоотлари ҳашар йўли билан тозаланарди.

Биз шундай катта ишга қўл уришдан аввал Логон каналини қазиб «репетиция» қилиб кўрдик. Логон канал и жуда тез муддатда қурилиб, ишга туширилди. Халқ жуда улуг ишларини ҳашар йўли билан бажара олишини намоён қилган эди. Биз ана шу ажойиб ҳаракатга суяниб иш бошладик. Натижасини мана, ўзингиз кўриб турибсиз. Шунинг учун ҳам биз буни «Халқ қурилиши» деб атадик.

Тилла кўзойнак таққан оқ сариқ бир йнгит ўрнидан турди. У ўзини «Правда»нинг махсус мухбири Петр Павленко деб таништирди. Бу машҳур совет ёзувчиси Осие мамлакатларини кўп кезган, Урта Осие республикалари ҳаётидан анчагина ҳикоялар ёзган, яқинда унинг атоқли кинорежиссёр билан ҳамкорликда яратган «Александр Невский» фильми экранларга чиқиб жуда машҳур бўлиб кетган эди.

— Ўртоқ Юсупов, қурувчиларга медицина хизмати тўғрисида гапириб берсангиз. Пачама каналда 9800 киши сариқ вабо касалидан ҳалок бўлганини гапириб бердингиз. Жанубий Америка билан Шимолий Америка

оралиғида жуда кўп тропик ботқоқликлар бор, чивин, пашшалар турли вабо касалликларини тарқатиб, қурувчиларнинг ярмидан кўпини қириб ташлади. Ҳозир биз кўриб турган Фарғона канали трассалари ҳам жуда кўп ботқоқ ерлардан ўтади. Шолikor ерларда пашша, чивинлар кўп. Ялли безгак касали тарқаш хавфи ҳам бўлиши мумкин эди. Бундай хавфини қандай бартараф қилдириш?

ЮСУПОВ. Биз республикадаги энг яхши медицина ходимларидан 700 кишини канал ишига жалб қилдик. Беш юз қирқ икки медпункт ишлаб турипти. Уч юз саксон кўчма аптека бу ҳисобга қирмайди. Шошилинич медицина ёрдами учун 260 «тез ёрдам» машинаси трассалардаги медпунктлар ихтиёрига берилган. Республика соғлиқни сақлаш халқ комиссари бу ишларга шахсан раҳбарлик қилиб турипти. Ботқоқлик, шолikorлик зоналарида безгакка қарши чоралар кўрилди. Ҳамма қурувчиларга акрохин таблеткаси берилди. Биз уни «Акрохинлаш операцияси» деб атадик.

Паст бўйли, кўзойнак таққан, қора тўридан келган йигит ўрнидан турди. Бу «Қизил Ўзбекистон» ҳамда «Сталинча қурилишда» газеталарининг масъул муҳаррири Сулаймон Азимов эди.

— Уртоқ Юсупов, қурилишда олиб борилаётган маданий-мансий ишлар тўғрисида гапириб берсангиз.

Юсупов блокнотини варақлаб бир оз туриб қолди. Кейин шошилмай гапира бошлади.

— Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг етакчи санъаткорларидан икки минг киши трассаларда ўз таланти билан қурувчиларни мамнун қилишяпти. Булардан ташқари колхоз ва совхозларнинг ҳаваскор санъаткорларидан икки мингдан ортиқ созанда ва ҳофизлар, асканиячи, қизиқчилар тушлик пайтларда, кечқурунлар томошалар кўрсатиб туришипти. Тошкентдан келган Ҳамза номли Академик театримиз «Бой ила хизматчи», «Уйғониш», «Макр ва муҳаббат» сингари драматик асарларни, Свердлов номли опера ва балет театри «Лайли ва Мажнун», «Гулсара», «Аршин мол-олон» сингари музыкали асарларни очиқ саҳналарда намоён қилмоқдалар. Айниқса СССР халқ артисти Ҳалима Носирова, Ўзбекистон Халқ артистлари Тамарахоним, Қори Ёқубов, Абдор Ҳидоятлов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Лутфихоним Саримсоқовалар каналчиларимизни жуда

мамнуи қилдишяпти. Учаскларда очилган саводсизлик ва чала саводликини тугатиш курсларида ўқиб 14 минг 552 киши тўла саводли бўлди. Энди маънавий хизмат масаласига ўтсак, бу соҳада ҳам айтишга арзирли гапларимиз бор. 2 минг 509 савдо тармоғи қурувчиларга ҳар ўн кунда 35 миллион сўмлик мол сотяпти. Қурилиш бошлангандан бери 1 минг 650 вагон мол сотилди.

Кун исиб кетган, қилт этган шамол эсмасди. Юсупов иссиқдан лоҳас бўлиб, тез-тез яхна хўлаб турарди. Каттакон рўмолчаси билан бўйин терларини артиб гапини давом эттирди.

— Жавобимда рақамлар кўпайиб кетди. Атайин шундай қилдим. Бу рақамлар ҳар қандай балаандпарвоз гаплардан қудратли ва рад қилиб бўлмас фактлардир. Мен ҳатто иккинчи даражали фактларни айтмадим. Масалаи қурилишдаги баъзи кашандаларнинг ташвишини ҳам кўриб қўйгандик. 75 та носвой дўкони, 62 папирос дўкони борлигини айтсам ҳайрон бўлманг. Ҳар бир қурувчининг эҳтиёжини олдиндан ҳисобга олганмиз.

Кези келганда кутилмаган бир гапини ўртага қисгириб қоладиган Фафур Фулом бир кўзини қисиб гап ташлаб қолди:

— Усмон ота, ҳар бир қурувчининг эҳтиёжини олдиндан ҳисобга олганмиз дедингиз. Менимча, баъзи бир эҳтиёжлар унутилганга ўхшайди.

Ҳамма баробар гуриллаб кулиб юборди.

Юсупов бу луқма ва кулгининг маъносига тушунди. Ўзи ҳам силкиниб узоқ кулди.

— Оббо, шайтон-е, — деди Юсупов Фафур Фуломга қараб. — Бунақа эҳтиёжини ҳисобга олганмиз. Бутун Фарғона водийсидаги жами арақ-виноларни вагонларга ортиб ташқарига чиқариб юборганмиз. Каналга сув қуядиган кунимиз арақ-винолар қайтиб келади.

Кулги билан чарчоқ ҳам, иссиқ элтган ланжлик ҳам тарқалгандек бўлди.

Шоир Ҳамид Олимжон ўрнидан турди.

— Усмон ака, Катта Фарғона канали қанча ерни сув билан таъминлашни айтиб берсангиз.

Юсупов бунақа саволни кўпдан кутаётган бўлса керак, блокнотига қарамай дарров жавоб берди:

— Норин сувни то Қора дарёга қуйилгунча Учқўрғон адирларидан 58 минг 300 гектар ерни, Қора дарёга қўшилиб, Куйганёр тўғонидан кўтарилгандан кейин то Қо-

нибодомгача 209 минг 373 гектар ерни суғоради. Бу фақат каналнинг дастлабки йилларда суғорадиган жойлари, холос. Бир-икки йилдан кейин Толқудуқ, Езёвои, Найман чўлларида минг-минглаб гектар ерлар суғорилади. Бу канал Фарғона водийсида пахтачиликнинг кескин ривожланишига сабаб бўлади.

Сергей Эйзенштейн ўрнидан турди. Бу машҳур кинорежиссёрни бутун дунё танирди. Унинг «Октябрь», «Потёмкин зирҳли кемаси» сўнгари кинофильмлари дунё экранларини айланиб чиққан эди. Сергей Михайлович Катта Фарғона канали қурилиши тўғрисида Пётр Павленко билан бадий фильм олиш учун трассаларни кезиб юрарди. Ҳатто у Дўнан Дўсматов ролинини ижро этиш учун машҳур киноартист Николай Черкасовни ҳам олиб келган эди. Эйзенштейн канал ишлари тўғрисида Усмон Юсупов билан кўп гаплашган, ундан талай маслаҳатлар олган эди.

— Уртоқ Юсупов, мен саволни қаҳрамонимиз Дўнан Дўсматовга бермоқчиман. Рухсат этсангиз.

— Марҳамат, марҳамат,— деди Юсупов.

— Уртоқ Дўсматов, сиз оддий бир деҳқон одамсиз. Ҳаммадан кўп ер қазишга, ҳаммадан кўп тупроқ ташиб чиқишга сизни пима мажбур қилди? Бошқалар қатори куллик топшириқини бир меъёردа бажариб юраверсангиз бўлмасиди? Мен шуни билмоқчи эдим?

Бақувват гавдали, аммо қарашлари мулоийм, ёқимтой чеҳрали Дўсматов ўнғайсиз аҳволга тушиб қолди. Бу одам гапга нўноқ эди. Довдираб Юсуповга қаради. Ҳамид Олимжон Эйзенштейннинг саволини таржима қилиб берди:

— Гапиринг, Дўнанбой,— деди Юсупов унга далда бериб.

Дўсматов ўрнидан турди. Нима дейишини билмай эсанкираб туриб қолди. Аввал икки қўлини белбоғига суқди, кейин чиқариб, негадир кафтига туфлади.

Ғафур Ғулумнинг шайтонлиги тутиб яна гап ташлади.

— Гап кетмонмас, кафтингизга туфламай айтаверинг, Дўнан ака.

Яна кулги бўлиб кетди. Дўсматов довдираб бутунлай гапини йўқотиб қўйди. Юсупов бош бармоғини силкитиб шонрга таҳдид қилди.

— Сен жим тургин, нима қиласан уни гапдан чалғитиб.

Дўсматов шундан кейин сал ўзини ўнглаб олди. Яна кафтини оғзига обориб қайтариб олди.

— Биз гапга йўқроқмиз-да, Ота. Онамиз ишга туққан. Ишдан бошқасини билмаймиз. Бу сўроққа нима деб жавоб беришимни билмай қолдим. Гапнинг очигини айтсам, нега шунақа қилаётганимни ўзим ҳам билмайман. Балким сабрим чидамай шундай қилаётгандирман. Ота-боболарим Норин бўйида яшашган. Бутун умр елкаларидан обкаш тушмаган. Эшикка ярим бўйра эни ўсма экан бўлсалар шуни ҳам обкашда сув ташиб суғоришган. Ҳаммамиз дарё бўйида ташна яшаганмиз. Ҳукумат сришга сув чиқариб бераман, экиннинг энди сувга ёлчийди, ота-боболаринг ичмаган сувни сен ичасан, бола-чақаларинг ичади, кетмонингни кўтариб чиқ, деди. Чиқдим. Мана, ишляяпман. Агар бошқалардан кўп ишлаётган бўлсам, бу севниганимдан, болаларимнинг ризқини ўйлаганимдан, далаларимга сув чиқишига қувонганимдан бўлса, ажабмас. Меннинг-ку, битта жоним бор. Агар ўнта жоним бўлганида ҳам юртга сув бераман деганга ба-ишлавораман. Гапим шу.

Ҳамид Олимжон унинг гапларини Эйзенштейнга таржима қилиб турарди. У энгашиб Черкасовнинг қулоғига нимадир деди. Черкасов бош ирғаб қўйди.

Юсупов яна кимда савол бор, деб атрофга қаради. Бўйинига бир йўла учта фотоаппарат осган йигит ўрнидан турди.

— Георгий Зельма. «Огонёк» журналнинг махсус фотомухбириман. Ижозат берсангиз мен ёш полвон Азизхон Умматалневага бир-иккита савол берсам.

Юсупов, марҳамат, маъносида бош ирғаб қўйди.

— Ўртоқ Умматалнев, Сиз энди ўн етти-ўн саккиз ёшга киргансиз. Бошингизда рўзгор ташвиши йўқ. Сувсизлик азобини ҳам тортмагансиз. Очигини айтсам, сиз бир гўдаксиз. Аммо капалда энг кўп тупроқ қазнганларнинг биттаси сиз бўлиб турибсиз. Дўсматов орқасидан измаиз келяпсиз. Ҳўш, сизни бундай қаҳрамонликка нима мажбур қилди?

Азизхон ўрнидан турди. У мухбирлар билан учрашавериб пишиб қолган, президнумларда ўтиравериб ўзини тутиб олган эди. Довдирамай жавоб бера бошлади:

— Гапингиз тўғри. Мен дунёнинг ташвишларини кўрмаганман. Сувсизлик нима, тирикчилик нима, билмаганман. Дадамнинг қарамоғида эрка ўгил бўлиб ўсган-

лардапман. Очигини айтсам, каналга бир кучимни кўрсатиб қўяй, полвэиларни доғда қолдирай, деб келгандим. Бошида шундоқ бўлди ҳам. Аммо кейинчалик қилаётган ишимнинг маъносига етиб қолдим. Одамларнинг завқ-шавқ билан ишлашларини кўриб, канал битгандан кейин қанақа бўлишини, бу иш ўйин эмас, жуда улуғ мақсад билан қилинаётганини сездим. Ўзимга ўзим: «Э сен бола чучварани хом санаб юрган экансан, қилаётган ишингдан юртга катта наф тегаркан»,— дедиму, аввалгидан ҳам кўпроқ тупроқ қазишга тушиб кетдим. Гап шуки, шу канал мени одам қилди. Шу канал мени юртга қўшди. Шу канал менга обрў берди. Мана бу ёғидан ўзларинг маъни чиқариб олаверинглар.

Усмон Юсупов унинг гапларига ҳайрон бўлиб қолди. Бу бола каналга янги келган пайтларида гаплари энтак-тентак, ўзи довдиргина эди. Энди гапларига маъни кириб қопти. Ўзи босиқ, бир чиройли йигит бўпти.

Мухбир саволларига қаноатланарли жавоб олганини билдириб жойинга ўтирди.

Конференция то тушгача давом этди. Мухбирлар инженерлардан Белявский, Аскочинский, Азизовларга ҳам саволлар беришди.

Охирида Юсупов мухбирларга канал қурилишини актив ва ҳаққоний ёритаётганлари учун Марказком номидан ташаккур билдириб конференцияни ёпди.

Азизон шунча обрў, шунча мақтовларга сазовор бўлса ҳам барибир, бола эди. У Александр Невский ролида ўйнаган Черкасовга энгашиб қарар, қаёққа борса, ўшаққа борарди. Икромжон қўлидан ушлаб автобус томон етаклаганда ҳам у Черкасовдан кўзини узмасди.

VII

Бугун 25-сентябрь. Кечқурун Куйганёр радноузели бутун трассаларга қилинган ишлар тўғрисида ахборот эшиттиряпти. Учқўргондан Кошбодомгача бўлган икки юз етмиш километрлик трассада иш бошланган кундан буён қазилган тупроқ ҳажми 15 миллион 734 миңг 275 кубометрга етди.

Кўп қурувчилар қишлоқларига қайтиб теримга тушиб кетган, баъзилари ҳали топшириқни бажариб улгурма-

ган участкаларга ўтиб, жадал ишламоқда эдилар. Учқўрғон трассасида ҳам иш тугаб, беш минг кишига зиёфат берилди. Луғумбек участкаси тўққизта шалолани тамом қилиб, от-арава юриши учун канал ёқалаб Учқўрғонгача ўн тўрт километрли йўл очиб, тупроқларни ётқиза бошладди.

Йўлдош Тўхтаўжаев номидаги ҳамда олтинчи Қирғиз овул ташлама қурилиши олдинги участкаларга етиб олиб ишни тугатган, ажиб бир гайрат билан ишлаган полвонлар велосипед, патефон, соат сингари мукофотлар билан ўз участкаларига қайтиб кетган эдилар. Энди Куйганёр тўғони билан Луғумбек шаршараларида бетон ишлари жадал бошланиб кетган эди.

Боқибоева бригадасининг аёллари аллақачон иш кийимларини ечиб ўзларини пардозга уришган, бир-бирига соч ўрдириб, гажак қўйиш билан овора эдилар. Бола-чақасида кўнгиб узолмаган оналаргина дугоналари билан хайр-маъзур қилиб, Избосканининг ҳар тарафига — ўз қишлоқларига қайтиб кетишган эди.

Бир юз олтинчи минг киши ажиб галати тўй бўлишини сабрсизлик билан кутарди. Прораблар, техник ва участка бошлиқларининг гапларига қараганда, яна икки кундан кейин иш бутунлай тугайди.

Азизхон эрталаб чодирдан чиққанда аллақачон кун ёйилиб кетган, атроф жимжит эди. Ҳар кун шовқини-сурон, одамларнинг бақириб-чақиришларидан уйғонадиган Азизхон учун бу жимлик галати туюлди «Оқ мактаб»дан то дўнг орқасигача чап-тўзонга бурканадиган жойлар энди жимжит, елкада қоп билан тердан шўралаб кетган яктак кийиб, чодир олдидан ўтадиганларининг эгинларида синкага солинган оппоқ хом суруп яктак, бошларида янги дўппи...

Тўланбой сўрида чордана қуриб ўтириб олган, пичоқни тахтага тақ-тақ тегизиб сабзи тўғрайпти. Икромжон гуваладан омонат ясалган ўчоқ тепасида, қўлида капгир билан турипти.

— Қалла пишдим, Полвон?— деди Тўланбой сабзи тахтадан бош кўтармай.

Азизхон орқасини ўгириб бир керишди-ю ариқ тарафга кетди. «Октябрь ариғи»нинг суви энди ҳар кунгидек лойқаланиб оқмас, Майлисойдан қандоқ чиққан бўлса ўшандоқ тиниқ, ўшандоқ совуқ эди. Сув бўйидаги сўриларда озода кийинган чойхўрлар бамайлихотир гаплашиб

ўтиришипти. Ҳар бир сўрида алоҳида ҳофиз, созанда. Азизхон эринибгина бет-қўлини ювиб қайтиб келганда, Икромжон жаз-буз қилиб сабзи-пиёз қовурадди.

— Тўлан, бу ёгини ўзим қиламан. Сен полвонни ўтқазиб, бир сочини, соқолини қиртишлайсан. Киночилар, фоточилар уни қидириб юришипти. Суратга сал одамга ўхшаб тушсин.

Азизхон кераги йўқ, деб чодирга кириб кетди. У бу жимликка сира кўниколмасди. Энди нима қилади? Қишлоққа-ку қайтиб бориш нияти йўқ. Бу ерда у қиладиган иш энди қолмаган. Бирдан-бир овунчоғи Лутфинисани энди кўрмайди. Агар у бўлганда яна қайгадир омад излаб кетарди. Азизхоннинг бугунига, эртасига Лутфиниса жуда-жуда зарур эди. Энди унинг кўнгли ҳувуллаб қолган, атрофда ҳокимлик қилаётган жимлик совуқ, файзсиз эди.

Отда Жўра полвон келиб Азизхонни сўради. Шу ердалигини билиб эгардан тушди-да, Тўланбойнинг ёнига ўтирди. Жўра полвоннинг овозини эшитиб Азизхон чодирдан чиқди.

— Ҳорма энди, полвон бола. Мана, канал ҳам кончил бўлди ҳисоб Яша, ўғил бола.

Жўра полвон ўрнидан туриб, Азизхонни оталарча бағрига босиб, қўйиб юборди. Азизхон гангиб кўзларини пирпиратганча қамирламай турарди. Икромжон қозонга сув қуйиб, улар олдига келиб ўтирди.

— Полвон, шундай қилиб қурилишда ким биринчилкин олди? Бизнинг полвонча нечанчи ўринда?

Ундан олдин Тўланбой жавоб қилди:

— Нечанчи бўларди, Азизхон биринчи бўлади-да.

Жўра полвон кулди.

— Ундоқмас. Дўнан Дўсматов биринчи ўринни эгаллади. Тожимат ота билан Азиз полвон иккинчи ўринда.

Азизхон шошиб сўради.

— Эш полвон-чи, Эш полвон?

— У ҳам ёмонмас. Учинчи ўринни етти киши баробар эгаллашди. Шулар ичида Эш ҳам бор. Аммо лекин Эш қаттиқ ишлади. Айниқса сендан ўзаман, деб етти қават пўсти шилинди.

Тўланбой томоғини тақиллатди.

— Войғвой! Катталар энди қиттак-қиттак қилишга рухсат беришса ҳам бўларди.

Тўланбойнинг бу гапига сабаб бор эди. Қапалда ялпи иш бошланишидан уч кун олдин Усмон Юсупов савдо ташкилотларининг раҳбарларини тўплаб, ичкилик сотишни ман қилган, агар бирон дўконда дўкончи ичкилик сотса, қаттиқ жазога тортилишини уқтирган эди. Жўра полвон Тўланбойнинг гапига салмоқлаб жавоб қилди:

— Шундақа соғиниб қолдингизми? Ичишга мен билан мусобақа қиласизми? Беллашаман, десангиз яна икки-уч кун сабр қиласиз. Куйганёрда етти минг кишилик базм бўлади. Ана ўшанда яйраб қоласиз, огайни.

Учқўрғон, Луғумбек, Куйганёр, Шаҳрихон, Асака, Марғилон, у ёғи Конибодомгача яна ўн тўрт жойда қурувчилар учун катта зиёфат тайёргарлиги кўрилаётганди. Андижон, Марғилон, Қўқоннинг энг яхши пазандалари, юзлаб шогирдлари билан ўчоқ тепасида маслаҳатда эдилар.

Жўра полвон ёнидан дафтарчасини олиб варақлай бошлади.

— Келганингдан бери қанча тупроқ қазиганингни айтиб берайми? Ҳозир айтаман. Уттиз тўққиз кун ишлабсан. Шу давр ичида 2874 кубометр тупроқ чиқазибсан, акаси. Бу ҳазил гапмас-а.

— Ҳисоблаб юрган экансиз-да, а, полвон ака?— деди Тўланбой.

— Усмон ота сўраган эдилар. Табелчиларга ҳисоблатиб, ҳозир Отанинг секретарларига бериб келяпман. Индинга бўладиган метинқада даклат қиладилар. Ушанга керак бўлгандир-да. Ўзлари эрталаб Учқўрғонга ҳамма катталарни, ишженеру наркомларни олиб кетганлар. Ҳамма трассаларни сув қуйишга тайёр-тайёрмаслигини кўриб чиқадилар. Бирон соатдан кейин шаттан ўтадилар. То Конибодомгача боришмоқчи. Куйганёр тўғонининг бошлигини қаттиқ койидилар. Комсомол участкасидаги қурувчиларни эрталаб Камолов олиб келди. Чумолидек ишга ёпишиб кетишди. Мен атайин сени йўқлаб келган эдим, Азизхон. Баққа ўтир!

Жўра полвон шундай деб ёнидан қоғоз, қалам олди.

— Менга туғилган йилинг, ишлайдиган колхозинг, ҳаммасини айтиб бер. Яхшилаб ёзиб оламан. Фамилиянгни точний қилиб айт! Бошпутингда қанақа ёзилган бўлса, ўшандоқ қилиб айт. Катта рўйхатга қўшилади бу. Кейин Маскопга кетади.

Азизхон айтиб турди. Жўра полвон шошилмай, шундоқми, шундоқми, деб ёзиб олди.

— Бўпти, шунга келгандим.

Жўра полвон ўридан тураркан, Тўланбой сўради:

— Нимага ёзясиз?

— Э, ука, шундоқ канал қазилади-ю, ҳукумат тақдирламай қўядими! Ҳукумат яхши ишлаганларга орден беради. Шунга рўйхат тузиляпти.

Жўра полвон отига беозор қамчи тегизиб жиловни силтади. Азизхоннинг кўнгли ғалати бўлиб кетди. Кўз олдида дадаси, қишлоқ кўчалари, болаларни тўплаб кўрсатган «томоша»лари, юзкўзлари кўкариб мушталашган пайтлари, Лутфиниса билан жимжит сой бўйларида кўнглига эрта келган муҳаббат тўлқинини тўхтатолмай айтган энтак-тентак гаплари, Акбарали қўлини боғлаб гузарга опчиққанидан тортиб тўқайда Лутфинисани ишқоқ кўйлаги билан етаклаб юрганларигача кўриниб кетди. Қани эди Лутфиниса шу топда ёнида бўлса... Азизхоннинг кўнгли муздек бўлиб қолди. Бирдан ҳамма нарса рангини, шаклини йўқотди. У бу кунларга Лутфиниса билан бирга етишмоқчи эди. Шунга аҳд-паймон қилишган эди. Лутфиниса ёнида экан, гул ҳам, гиёҳлар ҳам куйлар, япроқларнинг шитирлашию сувларнинг жилдираши унга ғалатни, юракларни тўлқинлатадиган, энтиктирадиган, ҳисларни туғенга келтирадиган ажиб бир олам яратарди. Энди у йўқ. Бу шодликларга ким шерик бўлади? У юз олтмиш минг киши ичидан ажралиб юрт кўзига кўриниб турипти. Бутун республика катталари уни иззат қилиб тўрга чиқазишяпти. Кўксига орден тақишмоқчи. Лутфинисасиз бу обрў-эътиборлар унинг кўнглига шодлик олиб киролмасди.

Икромжон ҳали қозонга гуруч солмаган эди. Чойхона сўриларида майшат қилиб ўтирган қурувчилар гурра ўриларидан турдилар. Ҳамма сўридан тушиб «Оқ мактаб» тарафга қараб турарди. Азизхон ҳам беихтиёр ўшаққа қаради.

Шаршара тепасида ўттиз чоқли киши у ёқ-бу ёқларга синчиклаб қараб нималарнидир қизишиб гаплашишарди. Азизхон қўл силтаб гапираётган кишини дарров таниди. Бу—Усмон Юсупов эди. У Охунбобоевга ниманидир гапиряпти.

Канал четлари текисланиб сув сепилган, озода эди.

Трассани кузатиб келаётган раҳбарларнинг кийим-бошларига гард юқмаган

Юсупов шаршарани кузатгандан кейин қаноат ҳосил қилди шекилли, йўлининг бу ёғида турган Усмонхўжаев ёшига келиб тўхтади.

— Ҳа, Эшон, ишларинг қалай? Ҳорма энди.

Усмонхўжаев жавоб қилгунча сабри чидамаган Юсупов сўзини давом эттирди.

— Яхнаинг борми?

Самоварчи елкада сочиқ билан сирланган пақирда яхна кўк чойни кўтариб олдинга интилди. Юсупов у тутган пиёлани пақирга ботириб Охунбобоевга узатди.

— Олинг, Гўллош ака, чўллагандирсиз.

Охунбобоев, олдин сиз ичинг, Усмонали, деб қайтарди. Юсупов унга маъноли қараб қўйди. Усмонхўжаевнинг шайтон кулгиси қистаб қиқирлаб кулиб юборди. Юсупов қалқиб кетди. Ён-веридагилар ҳам бирдан кулиб юборишди

Юсупов билан Охунбобоев ўзаро аския қилиб туришарди. Уларнинг лақабларидан Усмонхўжаевнинг хабари бор эди. Исми Бузрук бўлгани учун уни ҳам «Туя» лақаби билан аташарди. Охунбобоевники ҳам шунақа эди. Юсупов Усмонхўжаевга қараб бош бармоғи билан таҳдид қилди.

— Эшон, Йўллош акам қирқ кунгача сувсизликка чидайди, демоқчимсан?

Усмонхўжаев гап келганда отангни ҳам аяма, деган қабилда тилга келганини шартта айтадиганлардап эди. Юсуповнинг ўзини ҳам аскияга илтириб ўтди.

— Энди бу бечора ҳам нима қилсин, то ҳўк, демагунча ичмайди-да.

Тешабой Мирзаев Усмонхўжаевга еб юборгудек бўлиб қаради. Секин қулоғига пичирлади. «Шундоқ одамга аския қиласанми, нодон!»

Бу гапни Юсупов эшитиб қолди.

— Ҳой, Тешавой, унақа дема, Эшон ҳаммани бир кўзда кўрадиганлардан.

Қийқириқ кулги бўлиб кетди. Тешабой Мирзаевнинг бър кўзи сал қисқроқ бўлганидан тенгдошлари аскияда «Кўр» деб аташарди. Агар ҳозирги гапни Юсуповдан бошқа одам айтганида у албатта милиция чақириб, бериб юборишдан ҳам тоймасди. Унинг ҳазилга тоқати

йўқ, кўз аралашадиган гапни ўзи сира ишлатмасди Ҳозир қип-қизариб, қисик кўзи баттар қислиб кетганди.

Боядан бери улар олдига келишга журъат қилолмай сўрида турганлар гурра-гурра кулгига қизиқиб, энди уларни ўраб олишди. Давра кенгайиб кетди. Бирпасда уч-тўрт юз киши тўпланиб қолди. Пойтуқ, Пахтаобод, Ҳаққулобод аскиячиларини тортиб ўртага олиб тушишди. Аския бошлаган Усмонхўжаевнинг ўзини буйдалаб кетишди. Пайровда бировга соврин олдирмайдиган Охунбобоев талон бўлаётган Усмонхўжаевни ҳимоя қиламан, деб ўзи илиниб қолди. Эски ҳаққулободлик Эчки лақабли аскиячи чол минғирлаб-минғирлаб туриб бирдан мўлжалга урди.

— Йўлдошвой, Бузрук эшонни маҳкам ушланг. Бўйнига ким қўнғироқ осса кетаверадиган бўталоқлардан.

Охунбобоев уни яхши тапирди. Бу тарафларда халқни жонидан безор қилган Азимхोजи деган босмачи йигитларини тутиб беришда болдирдан яраланиб Майғир орқасидаги қамишзорда ўн тўрт кун қонга беланиб қолиб кетган эди. Тузалганидан кейин бир оёғи оқсайдиган бўлиб қолган. Эчки лақаби эса унга соқолининг сийраклиги-ю, оқсаганда эчкига ўхшаб сакраб-сакраб юриши учун қўйилганди. Охунбобоев кулги босилиши билан дарров жавоб қилди:

— Бузрук эшонга тил тегизманг, Бузрук эшонни шамол учирса, сизни осмонда кўрамиз.

Одамлар қотиб-қотиб кулишар, Тешабой Мирзаев яна аскияга тушиб қолмай деб ўзини панага оларди.

Чамаси ярим соатлар аскиядан кейин Юсупов кулакула машина тўхтаган тарафга қараб юра бошлади. Бирдан четда, бировга аралашмай турган Азизхонга кўзи тушиб тўхтади.

— Бери кел, болам! Омонмисан?

Азизхон илдам юриб унинг истиқболига келди. Одоб билан салом берди. У Юсупов билан биринчи марта учрашганда ёнида Лутфиниса бор эди Юсупов уни гапга солиб, тўйдан келин опқочиб келганини билган эди. Юсупов қанчал битганда катта тўй қиламиз, деб уни юпатган эди. Бўлиб ўтган воқеалардан Юсуповнинг хабари бор, ёш, навқирон қизнинг ўлиmidан қаттиқ қайғурган эди. Ҳозир Азизхонни тасодифан учратиб, шунча одам олдида уни юпатишни лозим кўрмади. Елкасига қўлини қўйиб, айтадиган гапини ўйлаб, апақ турпб қолди.

— Раҳмат, ўғлим. Қилган ишларингнинг ҳаммасидан хабаримиз бор. Юрт, ҳукумат, асло бу хизматларингни унутмайди. Инсопнинг бошида кўп савдолар бўлади. Сен энди ҳаётга киярпсан. Биринчи зарбдаёқ белинг букилмасин. Ҳали олдинда имтиҳон кўп, ўғлим.

Азизхон киприк қоқмай унга қараб турарди. Юсупов Охунбобоевга қаради.

— Йўлдош ака, халқимизнинг қанақа азамат ўғлонлари бор, а! Бунақа азаматлар бор экан, юкимиз ерда қолмайди.

Юсупов Азизхоннинг елкасига қоқиб машина олдига борди-ю, ҳеч кимга қарамай эшикни очиб ўриндиққа чиқди.

Энди унинг юзи жиддий, бояги табассумдан асар ҳам қолмаган эди. Охунбобоев ёнига ўтиргандан кейин машина жойидан қўзгалди.

VIII

Тога одам юбориб Тўлаибой билан Икромжонни олдириб кетди. Тегилик билан Бейшенали оталарни бошқа яйловга кўчганини эшитиб, Азизхон билан оға-иниларча хайрлашдилар.

Чодирда Азизхоннинг бир ўзи қолди.

Луғумбек чойхоналарида ошхўрлик, аскиябозлик аллапаллагача давом қиларди.

Кўп вақтдан бери ваъда қилиниб олиб келинмаган кино бугун келди. Ҳамма участкаларда бу кино кўрсатиб бўлинган, негадир Луғумбекка кечикиб келган эди. Бу кионинг таърифини Азизхон эшитган эди. Қурилиш бошлангандан бери ўралишиб юрган кинооператорлар Тошкентга бориб ҳамма олинган ленталарни ишлаб яхлит кино қилиб келган эдилар. Жўра полвон: «Кинода сен ҳам борсан, жуда антиқа чиқибсан», деб айтган эди. Ушандан бери Азизхон бу кинони кутарди.

«Оқ мактаб» деворига чодир осиб киночи татар йиғит қачон қоронғи тушади, деб ўтирарди. Охириги пардоз ишларини қилиб юрган қурувчиларнинг бири ерга чордана қуриб, бири тик туриб, бошқаси ўзи кўтариб келган курсига ўтириб, кино бошланишини кутарди.

Азизхон борганда тумонат одам ҳамма жойни эгаллаб олган, тик туриб олганлар пардани кўрсатмай қўйган эдилар.

Азизхон у ёқ-бу ёққа юриб, орага киришга қулай жой қидира бошлади. Сен у ёққа тур, сен бу ёққа тур, деб корчалонлик қилиб юрган Мулла Умрзоқ уни кўриб қолди.

— Э, полвон бола, баққа юр!

У Азизхонни қўлидан ушлаб одамлар орасини ёриб ичкарига бошлади. Эгнида оқ халати билан курсиди ўтирган новвойнинг елкасига қоқиб турғизди.

— Хаҳ, сен кино кўрмасанг нима эди. Жойини полвон болага бер!— Новвой норози бир қиёфада тўнғиллаб-тўнғиллаб ўрнидан турди.

— Ўтир, полвон!

Азизхон хижолатлик билан бир новвойга, бир Мулла Умрзоққа қараб курсига ўтирди. Мулла Умрзоқ механикка қараб қичқирди.

— Бошла! Давай, бошла!

Аппарат аввал шипирлаб, кейин ёнғоққа илинган карнайи ғириллади. Оппоқ чодирда ёмғир ёғаётгандек томчилар жуда тез ўта бошлади. Кейин экранда от-аравалар, поездлар, машиналар кўринди. Поезддан, аравалардан, машиналардан кўрпа орқалаган, кетмон елкалаган кишилар туша бошлади.

Балаид бир тепалик портлади. Чанг-тўзон осмонга сапчиди. Норин дарёси тоғ ораларидан буралиб, кўпириб оқиб чиқяпти. Қора дарё лойқаланиб қирғоқларни ўпириб оқяпти.

Экранда ёзув пайдо бўлди:

«Азамат халқ мана шу ўжар дарёга жнлов солгани отланди».

Сон-саноқсиз кишилар кетмон билан ер қўпоряпти. Юз минглаб кишилар замбилда тупроқ ташишяпти. Экранда яна ёзув:

«Учқўрғондан то Конибодомгача икки юз етмиш километрлик масофада бир-биринга занжирдек уланиб кетган юз олтмиш минг қурувчи кечани кеча, кундузни кундуз демай ер қазияпти».

Кинонинг шу жойлари самолётда олинган бўлса керак. Қуйганёрдан бошлаб пардада кети узилмай, узоқ вақтгача трассадаги одамлар чумолидек бўлиб кўринаверди.

Экранда яна ёзув:

«Канал қурилиши янги қаҳрамонлар яратди».

Дўнан Дўсматов кўринди. Бўйи, эни беш метрдан

келадиган оппоқ пардада Дўнан полвоннинг башараси. У куляпти, пешаналаридаги терлари ялтирайди. Кулганда оппоқ тишлари янада оқариб кўринади.

Томошабинлар бирдан қарсак чалиб юбордилар. Азизхон ҳам беихтиёр чапак чаларди. Энди экранда Тожимат ота Хидиров кўринди. Кино шабада пайтида олишган экан. Унинг оппоқ соқоллари ҳилпирайди. Сийраклашиб қолган тишларини кўрсатиб кулади.

Экранда ёзув:

«Дўнан Дўсматов, Тожимат ота Хидировлар қурилишда кунлик топшириқни минг процентдан адо этдилар. Ёзув жойиб ватанпарвар қурувчиларнинг олижаноб ташаббуслари қурилиш бўйлаб қанот ёзди».

Экранда Азизхон пайдо бўлди. Чапак устига чапак янгради. Азизхон ўзини кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Кинога чанг-тўзон ичида олишган экан, башараси ғалати-роқ чиққанга ўхшайди. Киприклари, қошлари тупроқдан оқариб, икки кўзи милтираб турипти. Кулганда тишлари ялтирайди.

Экранда яна ёзув:

«Дўнан Дўсматовнинг шоғирди, ажойиб полвон Азизхон Умматалиев кунлик нормасни тўққиз юз ўттиз процентдан адо этиб, ўн минглаб ёш қурувчиларни ажойиб меҳнат намуналари кўрсатишга чорлади».

Яна Азизхон кўринди. Унинг елкасида каттакон қанор тўла тупроқ, устидан ўртача қопда яна тупроқ билан тахта пиллапоядан юқорига кўтариляпти. Атрофда одамлар ҳайрат билан қараб туришипти. Диктор овози янгради.

— «Сиз кўриб турган ушбу дамда Азиз полвон бутун қурилиш бўйича рекорд ҳисобланган юк билан юқорига интилмоқда».

Азизхон шошилмай юқорилаяпти. Оёғи тағидаги тахта лапанглайди. Ана, у бир қалқиб кетди. Елкасидаги қанор тепасидан тупроқ тўла қоп бир тарафга оға бошлади. Азизхон бир елка қоқиб уни ўнглаб олди. Аммо елка қоққанда дўпписи пешонасидан сирпаниб икки кўзини беркитиб қўйди. Атрофдагилар, ташла, юкни ташла, деб қичқиришяпти. Азизхон йўлни пайпаслаб топиб юқорига чиқяпти. Азизхон олдида Лутфиниса пайдо бўлди. Кўзига тушиб қолган дўпписини олиб кафтига уриб қоқди-да, яна кийдириб қўйди. У ҳам Азизхонга нимадир деб қичқирди. Азизхон унга қарамай юқорига илдам чиқиб кетди.

Кинонинг бу ёғида нималар бўлди, кимларни кўрсатди, билмайди. Лутфинниса кўриниши билан юраги орқага тортиб, кўзи тинган, қулоқлари ҳеч нарсани эшитмай кўйганди.

Лутфинниса тирикдай кўринди. У Азизхон олдида орқаси билан юриб дўпписини қайта кийдирди. Нимадир деди. Ушанда унга нима деганди?

Азизхон ўтирган жойида ерга сингиб кетгандек ҳеч нарсани сезмасди. Кўз олдида фақат Лутфинниса қолганди.

Кино тугаб чироқ ёнди. Ҳамма ўрнидан туриб Азизхонни қидира бошлади. Азизхон даврадан чиқиб кетган, ўз чодирини олдидаги омонат скамейкада панжасини иягига тираганча қимирламай ўтирар эди.

Кинодан қайтаётганлар унга қараб, яша полвон бола, худди ўзингни туширипти, деб олқишлаганларга қарамас, ниятига етмай хазон бўлган Лутфиннисани ўйлар эди. Энди уни юпатадиган Тўланбой ҳам, Икромжон ҳам йўқ. Улар аллақачон Зирилламага кетиб қолишган.

Луғумбек чойхоналарининг сўриларида яна ўйин-кулги, ҳофизларнинг хониши бошланди. Ҳамма бугунги кўрган киноси, қилган ишлари, эрта-индин бўладиган катта тўй тўғрисида аллақандай яйраб гаплашарди. Фақат Азизхон бу суҳбатларга, бу шодликларга аралашолмай бир четда, чироқ ёқилмаган чодир олдида афтодаҳол ўтирарди.

Яна унинг кўзи олдида Лутфиннисани етаклаб чиққан кунидан бошлаб босган иزلари, қилган ишларини бирма-бир ўтарди.

Икковининг қанчадан-қанча орзулари бор эди. Иккови қандоқ бахтиёр эди. Шу кичкинагина, қисқагина вақт уни болаликдан, шўх, олов, фақат шўхлик билан ёмон отлиқ бўлган, бебош болани юрт кўзида номдор кишига айлантирган эди. Мана шу ўтган қайноқ кунлар, олам шодликларига тенг қувонч, одамлар хотиридан сира ўчмайдиган ном, сомон йўлидек олисларга чорлаган, йигитлик қалбини тўлқинлатган севги дақиқалари, ҳаммадан ҳам юрт ишига яроқли қилган завқли меҳнат дамлари юракин ўртовчи оғир жудоликдан хира тортарди.

Мана у ним қоронги дўнг устида ёлғиз ўй суриб ўтирипти. Кўзларидан оқаётган алам ёшларини тўхтатолмас, ҳеч қачон Лутфиннисасиз тасаввур қилолмаган эртанги кунни қандоқ кутиб олишини ўйларди.

Азизхон узоқ вақт кўз ёшларига эрк бериб қимирламай ўтирди. Адир орқасидан ой салмоқланиб кўтарилди. Аввал қип-қизил бўлиб кўринган ой аста бўзариб рангини йўқота бошлади. Сарғимтил тусга кирди, ундан кейин кўм-кўк шиша тусига кириб қолди.

Азизхон икки тиззасига тиралиб машаққат билан ўриндан турди. Қаёққа боришни ўйламай дўнгдан тушди. Аста кета бошлади. Аллақачон чироғи ўчган чойхона олдидан ўтди. Сўри тепасидаги тўрқовоқда бедана типирчилади. Қовоқ силкинди. Гиламга штирлаб дон тўкилди. Новвойхона тандирининг прамонидан лоп этиб аланга кўтарилди. Ҳамма ёқни бирдам ёритди-ю, яна сўнди.

Азизхон ҳеч қаёққа қарамай битта-битта босиб кетарди. У Туячи маҳалласидан ўтганда деворлари нураган жимжит қабристон тепасидаги чинорда бойқуш хунук сайради.

Азизхоннинг эти жимирлаб кетди. Тўхтади. Мана шу деворнинг нариёғида Лутфиниса ётибди. Азизхон ҳозир девор наҳрасидан ўтиб, ҳали гиёҳ ўсмаган қабрини қучиб ўкириб-ўкириб йиғламоқчи. Дилдаги аламларини фарёд уриб чиқазмоқчи. —

Муюлишдан чиққан машина чироғи ялт этиб унинг бутун гавдасини ёритиб юборди. Азизхон олдида пайдо бўлган иккита нурли доирага бардош беролмай қўллари билан кўзларини тўсди. Машина унинг ёнгинасида тўхтади. Эшик очилиб, баланд бўйли бир киши тушди.

— Нима қилиб юрибсан бемаҳалда?

Бу Усмонхўжаевнинг овози эди.

Азизхон кўзларидан қўлинн олди. Нима дейишини билмай эсанкиради.

— Чиқ, машинага!

Азизхон бир сўз демай машинанинг орқа ўриндиғига чиқди Усмонхўжаев димоғида аллақандай бир куйни хиргойи қиларди. У орқада Азизхон ўтирганини унутиб қўйган, ҳамон ўз қўшиғи билан банд эди. Бирдан эсига тушиб қолди-ю, ўғирилди.

— Бунақа кечаларда девоналарга ўхшаб дайдиб юрмагин. — У Азизхоннинг нима ниятда юрганини пайқаган эди. Гапининг бу ёғини бирдан айтолмай туриб қолди.— Чндамай иложинг йўқ. Қайтиб келса бошқа гап эди. Сал эсингни йиғиб иш тут.

Азизхон индамади. Пўлнинг бу ёғига иккови ҳам индамай кетишди. Машина боя тўрқовоқ силкинган чойхона

олдида тўхтади. Иккови тушишди. Усмонхўжаев шоферга: «Сен ётиб ухлайвер»,— деди-да, Азизхонни етаклаб новвойхонага кирди.

Тўрт-беш новвой тапир-тупир қилиб чакич уришар, иягини қийиқ билан боглаб олган новвой, ичи лахча чўб бўлиб турган тандирга боши билан шўнғиб нон узарди.

— Эшон ака, кечроқ йўқлаб қолдингиз?— деди новвой узган нонини саватга ташларкан.

Усмонхўжаев огзининг таноби қочиб жавоб берди:

— Янги меҳмон кўрдим, ўртоқ.

— Ия, ия, қутлуғ бўлсин! Уғилми?

— Саломат бўл. Қизалоқ. Ишқилиб умрини берсин. Пойтуқдаги туғруқхонада, яхши гап эшитиб кетай, деб кутиб қолдим. Битта аччиқ кўк чой дамланглар. Полвон бола билан қаймоқлашайлик. Болаларнинг онаси билан овора бўлиб туз тотганим йўқ.

Тандир оғзига қўйилган қумғондан чой дамлаб ҳозиргина узилган нонни ушатиб қўйишганда Усмонхўжаев ўтирган ерида мудраб хуррак ота бошлаган эди.

— Э, туринг, Эшон ака, чой совуб қолади. Туққан аямми ё ўзларимми?

Новвойнинг ҳазилидан Азизхон пиқиллаб кулиб юборди. Усмонхўжаев кўзини очди.

— Чойдан қуй, бола!

Азизхон чой қуйиб узатди. Усмонхўжаев қайноқ чойни ҳўплаб-ҳўплаб уйқусини қочиргандан кейин Азизхонга қаради.

— Сен боланинг ҳеч гапдан хабаринг йўқ. Бугун Қизил Армия Польша чегарасидан ўтди. Польша ҳукумати Герман қўшинларининг зарбасига бардош беролмай қочиб кетди. Ҳукуватимиз Польшага ўтиб қолган Украина ва Белоруссия ерларини озод қилиш учун армияга фармон берди. У тарафда жуда кўп украинлар, белоруслар яшар экан. Молотов радиода гапириб ҳаммасини тушунтириб берди.

Азизхон ҳушёрланди. Энтикиб сўради:

— Уруш бошландими?

— Шунақа деса ҳам бўлади. Аммо армияга қаршилик қиладиган Польша қўшинлари пароканда бўлиб қолган. Қўмондони қочган қўшиннинг қўлидан нима иш келарди.

Азизхоннинг ўша тарафларга боргиси келди. Шошиб сўради:

— Армияга одам олишадими?

— Унисини билмадим,— деди Усмонхўжаев.— Яна ким билади, дейсан. Бўпти, қайноқ-қайноқ чой ич-да, бо-риб ёт. Эртага қурилишда ер қазиш тугагани тўғрисида рапорт берилади. Ҳамма участкаларда митинг бўлади. ВКП(б) Марказий Комитетига шоирлар шеърий хат ёзишган, митингларда Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжонлар ўқиб беришадн. Соқол-поқолларингни олиб, яхши кийим-ларингни кийиб, тайёр бўлиб тур. Ҳамма ном чиқарган полвонларни минбарга чиқаришади.

Азизхон қўлидаги пиёлани бўшатиб, хайрлашиб чи-қиб кетди. Тўппа-тўғри чодирга келди-ю, ўзини тўшакка ташлади.

Аллақачон ой оғиб кетган. Чодир тирқишидан тонг ёруғлиги аста ўрмалаб кирарди.

IX

Азизхон кун бўйи ер парчин бўлиб ётди. У ўзини бо-ши берк кўчага кириб қолгандек сезарди. Бир ҳафтага қолмай каналга сув очилади. Шаршаралардан, ташла-мадан гуриллаб оққан сув Қора дарёга қуйилади. Куй-ганёрда яна йўли тўсилиб, асосий канал орқали водий бўйлаб оқиб кетади. Офтоб тинида ер қўпорган кишилар қишлоқларига қайтиб, уйларига, бола-чақаларининг бағ-рига борадилар. Азизхон-чи? У қаерга боради? Энди у, Зирилламага қайтмоқчи эмас. Ҳамқишлоқлари, номард, Лутфини қайга ташлаб келдинг, дейишмайдими? Ахир Зириллама Лутфинисасиз унга ўз маъносини йўқотган, боғлар, сой бўйлари, пастқам кўчалар, юлдуз тўла қиш-лоқ тунлари энди файзсиз, маъносиз унга.

Буларнинг барчасидан кўз юмиб, нима бўлса бўлди, одамлар икки-уч кун жавраб, жағи толгандан кейин ба-рини унутишади, дейиш ҳам мумкиндир? Аммо ниқоҳ тўйидан опқочиб, осмон фалакдан баланд бахт, офтоб-дан иссиқ муҳаббат ваъда қилгани— Лутфиниса она қишлоғидан узоқда, жимжит қабристонда қоладими? Ахир Лутфиниса Азизхон, деб жонидан кечмадими? Уни ташлаб кетиш мардликдан бўлармикин?

Азизхон Луғумбекдан узоққа кетмасликка аҳд қи-либ қўйди. Лекин бу ерда нима қилади? Лутфиниса ёнида бўлганда бошқа гап эди. Иккови ўз хаёллари, ор-зуларидан тиклаган нурли қаср нчида яшардилар. Энди

у қаср қулаган, вайрон бўлган. Ёлгиз ўзи қолган. Ёнида Тенгдик билан Бейшенали ҳам йўқ. Икромжон билан Тўланбой колхозда пахта терими билан банд. Ҳар замон келиб турадиган Жўра полвон ҳам ҳозир Булоқбошида. Биргина Эшон ака ҳар замон келиб ҳолидан хабар олиб туради.

Азизхон каналга сув қуйилиш кунини сабрсизлик билан кута бошлади, Куйганёр тўғони тезроқ битта қолса эди, сув қўйиларди. Ана ундан кейин Азизхон Эшон акадан шу яқин орадаги колхозлардан бирида қолиб ишлашни сўрайди.

Азизхон шундай ўйлар билан кечқурун чодирдан чиқди.

Ҳамма ёқ жимжит.

Азизхоннинг юраги сиқилиб кетди. Шундай кезларда, Лутфиниса ёди ўртаган, юрагининг туб-тубида ўт ёнаётган пайтларда самоварларни тўлдирган кишилар билан овунарни. Қирғиз болалар унинг дардини сезиб қўмизни қўлга олиб шўх бир қўшиқни бошлаб юборишарди. Азизхон баъзан юрагини алам ўртаганда уйқуси қочиб чодирдан чиқарди. Биргина уйғоқ кишилар новвойлар олдига бориб, улар билан гаплашиб кўнглини ёзарди.

Энди новвойлар ҳам йўқ. Азизхон ўз аламлари билан ўзи қолганди. У канал бўйларида анча вақтгача айланиб юрди.

Азизхон дунёда биронта яқин одами йўқ кишидек эзилиб қайтаркан, чодир олдида бировнинг шарпасини сездди. Ким бўлиши мумкин? Илдам чодир олдига келди. Курсида тиззасига тугун қўйиб бир аёл киши ўтирарди.

— Ким?— деди Азизхон ҳайронликда.

— Мен, мен, полвон ака.

Бу Вазиранинг овози эди. Азизхон ундан икки-уч қадам берида тўхтади. Ўзини йўқотиб, тили гапга келмай қолди. Бу хотин нима қилиб ўтирипти? Унда нима иши бор?

Чодир атрофи қоронғи. Қалин толлар орқасига ўтиб кетган ойнинг бу ерга нури тушмасди.

— Нима қилиб юрибсиз?— дея олди Азизхон.

Вазира жавоб қилмади. Оҳиста ўрнидан туриб тугунини курсига қўйди. Иккови анчагача сўзсиз туриб қолишди. Азизхон зарда билан орқасига бурилмоқчи бўлиб турганди, Вазира титраб-қақшаб гапира бошлади.

— Наҳотки сезмасангиз? Ахир бир ойдирки юрак-бағрим ёнади. Ахир сиз йигит кишисиз-ку, қани эрлигингиз, қани мардлигингиз...

Кейинги сўзлар унинг оғзидан йнги аралаш отилиб чиқди. Гапиролмай ҳўнграб юборди.

Азизхон эсанкираб қолди. Ҳў, ўша яктагига тугма қадаган оқшомдан буён у Вазирага рўпара келмасликка, бўлиб ўтган воқеани бутунлай унутишга уринарди. Лекин барибир баъзи-баъзида хаёлидан лип этиб ўтиб қоларди.

Азизхон ўзини куч билан босди. Аста унга яқин келиб ётиғи билан гапира бошлади:

— Опажон, сиз уйли-жойли хотинсиз. Унақа алдамчи хаёлларга борманг. Мендан нега умид қиласиз? Кечагина бошимга тоғдек кулфат тушган одамман. Бир одам мен учун жонини фидо қилди. Наҳотки унинг хотираси бир ой бўлмаб унутилса. Ҳали Лутфинисанинг тупроғи совугани йўғ-а! Ўзингизни тутинг!

Вазира йнғидан тўхтаб қаддини ростлади.

— Азизхон ака, дунёда ҳамма нарса унутилади. Ким дунёдан тоқ ўтибдики, сиз ўтасиз. Сизни деб уйимни ташлаб чиқдим. Ҳеч қайтиб бормас бўлиб чиққанман. Қаёққа юр, десангиз — бораман. Дунёнинг у бурчагигача боришга розиман. Фақат, фақат сиз билан бўлсам бўлгани.

Азизхон унинг гапини бўлди:

— Мен ҳеч қалёққа кетмайман. Лутфинисани ташлаб кетолмайман. Энди умримни Луғумбекда ўтказишга қарор қилдим.

Вазира унга томон интилди. Елкасига қўлини ташлади. Бармоқларидаги узуклар толлар орасидан ўтиб тушган ой тангаларига урилиб чақнаб кетди. Азизхоннинг димоғига қалампир мунчоққа омихта атир ҳиди урилди. Бир дам ўзини йўқотиб эсанкираб олди. Елкасидаги қўлни билагидан ушлаб аста олиб қўймоқчи бўлди. Вазиранинг қўллари оташдек қизиган, қулоқлари остида унинг қайноқ нафаси уфуриб турарди. Унда ҳиссу ҳиссиёт оташида куяётган аёл иси келарди. Азизхон қизиб турган юмшоқ билакни дарров қўйиб юборолмади. Нега ушлади, нима қилмоқчи эди, унутиб туриб қолди. Шунда рўпарасига Лутфиниса келиб туриб олди. Азизхон шошиб Вазиранинг билагини қўйиб юборди. Вазира ҳансирар, қисқа-қисқа нафас оларди. Азизхон сесканиб кетди.

— Узингизни босниг, опажон,— деди у кескин то-
вушда.

Вазира яна унинг елкасига қўл ташлаб, кўксига бо-
шини қўйди. Унинг тўзғиб кетган сочлари Азизхоннинг
иягига урилди. Азизхон аста тирсагидан олиб ўздан
нари итарди. Азизхоннинг бу ҳаракати аёлнинг иззат-
нафсига теккандек бўлди. Қоптоқдек сапчиб нари кет-
ди. Ҳурпайиб олди. Энди у аламдан титраб-қақшаб га-
пирарди:

— Сени деб уйимдан, рўзгоримдан кечдим. Кеча-
лари ухламай сени ўйладим. Юрсам ҳам, турсам ҳам
кўз олдимдан бир нафас нари кетмадинг. Энди мени
аросатда ташлаб кетмоқчимисан. Қаёққа борсанг ор-
қангдан соядек эргашаман. Сени деб йўлимга жонини
тиккан не-не ўктам йигитларни ташлаб келяпман. Не-
га бошингга қўнган бахт қушини калтак олиб қувдай-
сан. Сенга вафодор хотин бўламан, деган, бошингга ке-
ладиган бахтни ҳам, кулфатни ҳам бирга баҳам кўра-
ман, деб аҳд қилган аёлни, бутун аёллик гурурини
оёғинг тагига ташлаётган бир бечоранинг кўкрагидан не-
га итарасан, ношукур банда. Бу кўз ёшлар, бу нолиш-
ларнинг уволи тутмайdimи?!

Азизхон бу жувоннинг ичида шунча гап борлигига,
ўз ниятларига етишмоқ учун ҳар қандай синовга тай-
ёрлигига ҳайрон бўлиб қолган эди. Азизхон табиатаи
кўнгулчан йигит, икки оғиз гапдан ёгдек эриб кетади-
ганлардан эди. Аммо Вазиранинг гаплари қанчалик таъ-
сирчан, тошни ҳам эритадиган ҳароратга эга бўлма-
син, Азизхон Лутфиниса хотирасини оёқ ости қилолмас-
ди. Ҳозир унинг Вазира томонга бир қадам босиши
Лутфинисанинг қабрини босиш билан тенг эди. У эҳ-
тирос оловида жизгинак бўлаётган жувонга ётиги би-
лан тушунтирмоқчи бўлди:

— Менга қаранг, ахир мен сизни умидвор қилади-
ган бирон гап айтмаган бўлсам, нима қиласиз ўзингиз-
ни ҳам мени ҳам қийнаб. Ахир мен азадор одамман.

Ой толлар орасидан ўтиб чодирининг олд тарафини
кундуздек ёритиб турарди. Вазиранинг елкалари, боши-
даги зар рўмоли, қулоқларидаги балдоқлари ялтирар-
ди. Қўйлак бурмаларини туртиб турган кўкраклари
қисқа-қисқа нафас олганидан тишмай қалқирди.

Азизхон йигитлик ҳиссиёти гирдобига тушиб қол-
маслик учун:

— Қўйинг!— деди кескин товушда.— Яхшиликча дўст бўлиб хайрлашайлик-да, қайта юз кўришмасликка сўз берайлик.

Аммо Вазира ундан кўнгил узолмасди. Аёллик навскати, ишвалари билан йнгит қонини кўпиртирмоқчи, йўлдан тойдирмоқчи бўлди.

— Шунақа денг,— деди у бўшашиб.— Мен сизни йнгит деб ўйлаган эдим. Онангиз ўғил бола қилиб туғмаганидан беҳабар эканман. Қандоқ қилай, пешанам шу экан. Бировнинг кўнглига зўрлик билан эга чиқиб бўлмайди. Хўп майли, хайрлашайлик.

Вазира шундай деб Азизхоннинг бўйнига осилиб, юз-кўзларидан ўпа бошлади. Азизхон серрайиб турар, димоғига энди на атир, на қалампир мунчоқ ҳиди кирарди. Унинг елкаларига, бўйинларига аёлнинг қайноқ кўз ёшлари томар, иссиқ нафаси няклари тагида сезилиб турарди. Азизхон енгилди. Бақувват билакларини аёлнинг белларидан ўтказиб ўзига тортди. Вазира елкаларини силар, тўзғиб кетган сочларини унинг бўйнига ўрарди.

Бир пайт Азизхон уйқудан уйғониб кетгандек ҳушёр тортди. Аёлнинг белидан қўлини шарт олди-ю, юлқиниб бағридан чиқди. Худди маст одамдек гандираклаб-гандираклаб чодирдан узоқлашди. Тўхтади. Кескин ўғирлиб Вазирага қаради.

— Кетинг, кетинг, бўлди!

Вазира ёлворгандек илтижо билан у томон қўлларини чўзди.

Азизхон унга қарамасди. Фақат бир сўзни қайтарарди.

— Кетинг! Кетинг!

Вазира жойидан қимирламади. Азизхон қўл силтаб қоронғилик қаърига кириб кўздан йўқолди.

Вазира турган жойида пиқ-пиқ йиғлар, рад қилинган, юзага чиқмай хазон бўлган севги аламиндан хўрлиги келиб, боши қўйи слинганича тақдирини қаргарди.

Қанчалар ишқ дард-аламлари битилган, кўз ёшлари томган мактубларни жавобсиз қолдирган, не-не бўз йнгитларни оппоқ тонг отгунча юлдузларга тикилиб оҳ урдирган, не-не ошиқларни рад қилган бу гўзал жувон, энди бир бўз болаинг икки оғизгина ширин сўзига зор бўлиб, қоронғилик қаърига умидсиз тикилиб турарди.

Вазира бўйнига етиб кўзга кўриниб қолган йиллари

йигитлар унинг эшиги олдидан қўшиқ айтиб ўтишарди. Шу тояда ўша қўшиқнинг бир банди қулоғи остида янграгандек бўлди:

Оҳ урарман, оҳ урарман,
Оҳларим тутгай сени.
Кўз ёшим дарё бўлиб,
Балиқлари ютгай сени.

Бир вақтлар унинг ишқида йигитларни қон-қон йиғлатган бу қўшиқ энди ўз тилидан учаётгандек, бағрини ўртаётгандек бўларди.

Х

Шаҳар тарафдан чиққан бир юк машинаси йўл берклиги учун чироғини ўчириб тўхтади. Пассажир поезде гуриллаб ўтиб кетди. Азизхон шофёрдан Пойтуққача олиб кетишини сўради. Шофёр уни танир экан, илжайиб ёнидан жой кўрсатди.

— Ҳа, полвон бола, ҳорманг энди. Мен сизни аллақачон кетиб қолган, деб ўйлаган эдим. Ҳали шатта экансиз-да.

Азизхон капалга сув қўйилганидан кейин кетишини айтди.

— Учқўрғондаги курашда кўринмадингиз. Эш полвон роса иш кўрсатди. Икки полвонни урди. Ўтирганлар, оҳ, қани энди Азиз полвон бўлгандами, Эшнинг бир жиғини эзиб қўярди, деб кўп кутишди. Ҳозир тўппа-тўғри Пойтуққа борасизми?

— Луғумбекка бораман. Айрилишда ташлаб ўтсангиз бўлди, у ёнига ўзим кетавераман.

— Ия, қизиқмисиз, полвон. Филдирак деган нарса айланаверади. Борадиган жойингизгача обориб қўяман. Ё эшикка олиб кетайми? Хоҳласангиз юринг. Гаплашиб ётамиз. Шийпонга жой қилиб бераман. Эрта-лаб бир анжирхўрлик қиламиз. Анжир роса бўлиб берган. Жонворнинг шираси оқиб турипти. Асал дейсиз, асал.

Азизхон миннатдорчилик билдирди. Машина Пойтуқ айрилишига келганда тўхтади. Шофёр кабинадан бош чиқазиб, кузовдаги тўнига ўралиб ўтирган йўловчига қичқирди:

— Хў, биродар, етдингиз. Биз Лугумбек тарафга кетамиз.

Йўловчи йигитнинг, мен ҳам ўшаққа, деган овози эшитилди. Машина яна силкиниб йўлга тушди. Шофёр орқаворатдан Азизхон билан танишишни, бир яйраб гаплашишни дилга тугиб қўйганлардан экан. Оғзи гапдан бўшамади.

— Ҳозир турган жойингизни кўриб келаман, кейин бир келиб олиб кетаман. Боқиб юрган битта қўзим бор, шуни сўйиб бир меҳмон қиламан. Аммо лекинга йўқ демайсиз. Сувратингизни кўп кўрганман, доврўфингизми кўп эшитганман. Муни қаранг, нияти холис болаларданман-да, ўзингизга рўпара келиб турирман. Ё ҳали ҳам бўлса эшикка қайтамизми?

Бу пайт машина совхоз кўчасидан ўтиб Туячи маҳалласига кирган эди.

Азизхон шофёрдан машинани тўхтатишни сўради.

— Бу ёғига оёқнинг чигилини ёзиб, пнеда кетай.

Шофёр ноилож тормоз берди.

— Ваъдангизни олиб қолай, қачон гаплашамиз?

Азизхон қачон келсангиз «Оқ мактаб»дан топасиз, деб у билан хайрлашди. Кузовда мудраб келаётган йўловчи ҳам гуп этиб ўзини ерга отди. Машина девор-тошларни ёритиб бурилди-да, орқага қайтиб кетди.

Азизхон икки қўлини орқасига қилиб шошилмай бораркан, нотаниш йўловчи унга эргашиб қорама-қора келарди.

Азизхон уни ўтказиб юбормоқчи бўлиб қадамини секинлатди. Йўловчи унга ёнма-ён келганда тўхтади.

— Биродар, Азизхон деган полвон болани қайдан топсам бўлади?

Қоронғи бўлганидан Азизхон унинг бетини кўролмади. Аммо овози жуда таниш туюлди.

— Нима ишингиз бор эди?— деди Азизхон қизиқиб.

— Учрашмоқчи эдим. Атайин Марғилондан келяман. Жуда зарур гапим бор эди.

Азизхон дарров эслади. Бу Лутфинисага уйланмоқчи бўлиб тўйи бузилган куёв Нормат эди. Азизхон ҳушёр тортди. Нима ниятда келдикин? Лекин узоқ ўйла-ниб турмай:

— Уша сиз йўқлаб келаётган Азизхон мен бўлман. Нима гапингиз бор эди?— деди дадил.

Нормат тасодифий учрашувдан ҳайратланиб, дарров гапиролмади.

— Йўғ-э, муни қаранг-а, ўзингизми?

— Ҳа, ҳа, — деди Азизхон. — Гапингизни айтаверинг.

Нормат гўё уларнинг гапларини биров эшитиб қоладигандек овозини пастлатиб аста деди:

— Хотиржам айтадиган гап. Аммо жуда зарур гап.

Азизхон Норматнинг Луғумбекка келганини эслади. Ушанда у каттакон пичоқни унинг оёғи тагига ташлаб, инятимдан қайтдим, деб чиқиб кетган эди.

— Ҳа, — деди Азизхон афсусли оҳангда, — аҳмоқлик қилдим. Лутфинисани асраб қололмадим. Узимни ўйлабману, ундан хотиржам бўлиб юраверибман. Энди қанақа гапингиз бор? Бўлар иш бўлди. Лутфиниса тупроқда ётибди.

Нормат аста келиб унинг билагидан олди.

— Э, ука, ҳали сизнинг кўп гаплардан хабарингиз йўқ. Бўлар иш бўлди, ўлган ўлди, қолган қолди. Аммо менинг бошимни балога қўйдинглар. Шу кеча сиз билан гаплашиб оламан-да, орқага қайтаман. Менга жавр бўлди.

Иккови қоронғида анча жойгача индамай боришди.

— Менга қаранг, — деди тўхтаб Нормат. — У ёғига мен бормай қўя қолай. Айтадиган гапимди шатта айтиб орқамга қайтай. Келинг, ўтирайлик.

Иккови йўл четидаги ажриққа ўтиришди.

— Бир ҳафтадан бери мени мелиса сўроқ қиляпти. Лутфинисани сен ўлдиргансан, деб айб қўяяпти. Йўқ, десам сира ишонинмайди. Бир ҳафта қамаб, тилхат олиб қўйиб юборишди. Марғилондан бир қадам ҳам нарига чиқмайсан, деб тайинлашган.

Азизхон Лутфинисани у ўлдирмаганини билади. Ундан бекор шубҳаланишипти.

— Агар керак бўлса мени сўроқ қилишсин, шундоқ деб айтаверинг. Уни акаси Акбарали ўлдирди. Ўзи ҳам жазосини тортди. Асфаласофилинга кетди ўзиям.

Нормат бошини кўтарди.

— Нима дедингиз? Йўқ, янглишибсиз. У тирик.

Азизхон сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Нима?!

— Шундоқ, — деди афсус билан Нормат. — Акбарали тирик. Энди у сизнинг пайингизга тушган.

— Тирик қолиши мумкин эмас, — деди Азизхон ўзининг гапига ўзи ишонинқирамай.

Норматнинг елкасига ой нури тушиб турар, башараси кўринмасди.

— Уша хунук воқеани эшитиб нима бўлади, деб ташвишланиб юрган эдим. Уч кунми, тўрт кунми ўтиб, кечаси мелиса олиб кетди. Сўроқ қилди. Мен Марғилондан чиқмаганимни айтдим. Уша воқеа бўлган кун самоварда эдим. Кечаси ўн бирларда эшикка қайтиб борган эдим. Самоварчидан, ўша кун чойхўрлик қилган жўраларимдан сўранглар, дедим. Улардан сўрашмапти, паққос, мени қийнашади. Утган куни қоқ ярим тунда эшик тикиллаб қолди. Яна мелиса олиб кетгани келди, деб диққатим ошиб чиқсам, Акбаралининг қайниси олазарак бўлиб турипти: Ичкарига олиб кирдим. Қўлимга бир хат тутқизди. Шошиб чироққа солиб ўқисам, тезда етиб кел, деб ёзипти: Қаёққа бораман, деб сўраган эдим, қайниси мен билан юраверинг, деди. Олдига тушиб индамай кетавердим.

— Хат кимдан экан? — деди сабри чидамай Азизхон.

— Кимдан бўларди. Акбаралидан-да.

— Ундан кейин қаёққа бординглар?

Нормат энтикиб-энтикиб гапира бошлади:

— Катта кўчага чиқсак, тол панасида битта эски ёмка машинаси турипти. Иккита қизил ўттиз сўмликка гаплашиб қўйган экан. Шу машина бизни Олтинкўлга ташлаб қайтиб кетди. Пиёда аллақандай қишлоқлардан ўтиб тўқайга кирдик. Қамиш оралаб анча юргангиздан кейин ялангликка чиқдик. Қайниси шу ерда қамиш бузиб қовун эккан. Тонг оқариб атроф ёришиб қолган эди. Акбарали қумрон тагига ўт қалаётган экан. Бизни кўриб ўрнидан турмоқчи бўлди. Туролмай инграб яна ўтириб қолди. Унинг аъзойи бадаши кўкариб кетган, яктагининг очиқ ёқасидан елкалари боғлангани кўриниб турарди. Бирга нонушта қилдик. Қайниси арава қўшиб кечқурун узиб қўйган қовунларини ортиб жўнаб кетди. Чайлада икковимиз қолдик. У мендан ёруғ жаҳонда нималар бўлаётганини сўради. Мен айтиб бердим. У бетимга қараб туриб бирдан:

— Сен ўғил бола эмассан, ҳезалаксан, деб қолса бўладими?

Жон-поним чиқиб кетди. Еворгудек бўлиб бетига қарадим.¹

— Сени деб шу аҳволга тушиб ўтирибман. Сени деб синглимни чавақлаб ташладим. Сени деб қишлоқ бетини,

бола-чақаларимни кўролмайдиган бўлдим. Сен нима қилдинг? Ниятингдан қайтдинг. Қўлингдаги пичоқни ташладинг. Уятсиз! Ҳезимкаш! Биласанми, яланғоч сувдан тоймас, дейдилар. Қўлга тушсам, пешанамдан отишадн, шундоқ экан, биттасини ўлдирдим нима-ю, иккитасини ўлдирдим нима. Ярамас Азизни ўлдирмагунча армонимдан чиқмайман. Ўлдирмасам, гўримда тикка тураман.

Акбаралининг-ку, нияти маълум. Аммо мен унга нега керак бўлиб қолдим? Биллолмай ҳайрон эдим. Хўш, сиз-ку уни ўлдирмоқчисиз, мен нима қилай? Одам ўлдириш қўлимдан келмайди, дедим.

У индамади. Ер чизиб ўтирди. Кейин бетимга афсуслангандек қаради.

— Шундақами? Чучварани хом санабсан, Азизни сен ўлдирасан. Агар уни ўлдирмасанг, сени ўзим ўлдирман.

Жон-поним чиқиб кетай деди.

— Сал кучга кирай, мендан қутулиб бўпти, у ярамас.

Акбаралининг кўзлари чақнардн. Аламга чидамай ўрнидан туриб кетмоқчи бўларди-да, яна инграб жойига ўтириб қоларди. Чайлада икковимиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Атроф шовиллаган тўқай. Қаёқдан ҳам қайнисига эргашиб келдим, деб ўзимни ўзим сўкаман. Ахир мен бу ишларга нега аралашиб юрибман? Ўз алашим ўзимга етмасмиди? Қаришдош-уруғ, маҳалла-кўй, гузарга шарманда бўлганим каммиди? Энди бир камим одам ўлдиришмиди? Э, худо қандоқ кунларга қолдим, дейман.

Акбаралининг феъли менга маълум. У ярамас, бир кун эмас бир кун ўлдириб кетишдан ҳам тоймайди.

Акбарали бошини кўтариб қатъий қилиб деди:

— Уч кун, ё тўрт кунда ўзимга келаман. Одам боришини кутмай шатга келасан. Икковимиз бориб уни бир ёқлик қиламиз. Гап шу. Агар йўқ десанг, ё сотиб қўйсанг, бу дунё билан хайрлашавер.

Шу гапни эшитиб кўзларим тиниб кетди. Унга ёлвориниш, ўтиниб тавба қилишнинг фойдаси йўқ эди. Кўнишдан бошқа иложим йўқ. Хўп, дедим. Уша кунни тушга қолмай орқага қайтдим. Икки кундан бери ўйлайвериб бошларим ёрилиб кетай деди. Ухласам ҳам, кўзимни очсам ҳам аллақандай азронлар тўғримда туриб олади. Охири ўйлаб-ўйлаб бу гаплардан сизни хабардор қи-

лишга аҳд қилдим. Кечлатиб йўлга чиқдим, мана, бўлган гап шу, акаси.

Азизхон бу гаплардан ҳанг-манг бўлиб қолди. У ёқ-бу ёққа асабнй юриб сўкинди. Охири бир фикрга келгандек, юришдан тўхтади. Норматнинг тўғрисига келиб туриб олди.

— Бир яхшилик қиласиз, ака. Ҳозир мен билан борасиз. Акбаралининг олдига олиб борасиз. Ҳозироқ олиб борасиз.

Нормат ҳайрон бўлиб қолди. У Акбаралининг кўзига кўринмоқчи эмасди. Узини чарчаганга солиб кўрди. Азизхон гапида туриб олди.

Ҳали тонг отишига анча бор. Ой анча оғиб қолган. Азизхон Норматни қўлидан ушлаганича катта йўл ўрта-сида судрагандек шитоб билан боради.

— Ҳой, секин, секинроқ юринг, ука, мен чарчаганман. Икки кундан бери ухламайман-а!

Азизхон унинг гапларига қулоқ солмас, кўзларидан ўт чақнаб, ғазаб оташида куйиб-ёниб югурар эди.

XI

Қайниси бир арава қовун ортиб тонг қоронғисида бозорга кетиб, Акбаралининг ўзи чайлада ёлғиз қолди. У кунн билан чайладан чиқмас, похол устига тўшалган эски кўрпада у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб ўйлагани ўйлаган эди. Унинг бу ерга келганига ҳам анча бўлди. Гаплашадиган бирон одам йўқ. Қайниси бозорга кетганича кечлатиб егулик у-бу олиб қайтади. Кечаси ҳам у билан гаплашгани қўли тегмайди, етилган қовунларни узадн, йнгади, жўякка сув очади ярим кечасигача уриниб, ётади-ю, дарров ухлаб қолади. Эрталаб нонушта ҳам қилмай жўнаб кетади.

Бугун Акбаралининг тушига марҳума онаси кирипти. Эгнида аллақандай жулдур кўйлак, сочлари тўзғиб кетган эмиш. Уғлига ўпкали қараб, нега синглининг юбординг, энди ўзинг кел, деярниш.

Акбарали уйқудан жуда ланж уйғонди. Худди онасининг арвоҳи шу атрофда чирқиллаб айланиб юрганга ўхшайверди. Юраги сиқилиб ташқарига чиқди. Атроф жимжит. Бу юракни сиқадиган жимликдан у дод деб юборай деди. Бирдан уйнга, болаларининг олдига боргиси келди. Улар нима қилишаётганикин? Қайниси

опамга хабар қилайми, деганда у рози бўлмаганди. Хотин кишининг кўнгли бўш бўлади, ичида сир ётмайди, деб қўрққан эди. Энди бўлса ўша тарафга боргиси келиб, бирпас бўлса ҳам тугилиб ўсган уйини, онасининг қўли теккан буюмларни кўргиси келди. Бироқ у тарафларга энди умрбод йўл беркилган эди. Акбарали шуларни ўйлаганда сиқилиб кетар, бу ишларга сабабчи бўлган Азизхонни гажиб ташлагиси келарди. Синглисини ўлдирган тунда у Азизхонга дуч келди. Нега унга пичоқ санчмади? Нега қўли қалтиради? Уша тундаги еган калтагини эслаганда тишлари гичирлаб, тани ларзага тушарди. Азизхон уни тўнкага отиб урди. Ундан кейин нима қилди, Акбарали эслаёлмасди. Ўзига келганда дарё четидаги қумда ётарди. Оғриқ азобидан инграб кўзини очганда, тонг ёришиб қамиш попуклари офтоб тўғида лов-лов ёнаётганга ўхшаб кўзни оларди. Унинг тани зирқираб оғрир, айниқса бели шундай оғрирдик, асло чидаб бўлмасди. Кийимларни ҳўл. Худди ёнгинасида дарё суви кўпириб, буралиб-буралиб оқарди. Бу ерга қандай келиб қолган, буни у билмасди.

Пишқириб оқаётган дарё тўлқинлари уни аллақанча жойгача оқизиб келиб қумга ирғитиб ташлаганидан бе-хабар эди.

Акбарали минг машаққат билан ўрнидан турди. Атрофга қаради. Нотаниш жойлар. Узоқдан қандайдир куй эшитиларди. Қулоқ солди. Қандай куйлигини билолмай қирғоққа чиқишга интилди. Тиззаси букилмай пастга қулади. Илдизга осилиб қолди.

— Ҳой, эҳтиёт бўл, бола. Дарё билан ҳазиллашиб бўлмайди-я!

Акбарали қўрқиб кетди. Ким бу? Бу овоз қайдан келди?

У илдизларга осилиб-осилиб тепага чиқди. Ёввойи жийда орқасида бир чол белкурак билан аравага қум ташларди. Акбарали унга ҳайрон бўлиб қараганча қолди.

— Нима қилиб бу тарафларда ивирсиб юрибсан, бола?— деди чол ишидан тўхтамай.

Акбарали индамади. Чол уни балиқчилардан бўлса керак, деб гумон қилди шекилли, илжайиб сўради:

— Қалай, илинаман дейдими?— деб қолди.

Акбарали унинг гапига тушунмай ҳамон тикилганча турарди. Шамол тўғон тарафдан яна бояги куйни олиб

келди. Чол ўша тарафга қулоқ тутиб бошини сарак-сарак қилди.

— Жони жаннатда бўлсин! Қаналга сув қуйилганини кўрмай кетди-я!

Акбарали унинг гапларига тушунмади. Чол гапира бошлади:

— Бир истаханопчи қизни кечаси битта ярамас ўлдириб кетибди.

Акбарали бир чайқалди, гандираклаб-гандираклаб жийда танасига суяниб қолди.

— Бола бечоранинг умри қисқа экан.

Акбарали кеча қилган ишининг бутун даҳшатини энди сизди. Танидаги титроқни яшириш қийин эди. Аста сирғилиб ерга ўтириб қолди. Чол унинг аҳволини кўриб ҳайрон қараб турарди.

— Э, ёшлар-а, ёшлар-а, шу ичкилик сенларни бир кунмас, бир кун хароб қилади. Ичкиликка мунча ружу қилмасаларинг. Иккита қилтириқ балиқ тутиш баҳона ичишга пана жой қидирасанлар. Мана, шерикларинг маст-аласт қилиб, ташлаб кетибди-ку. Бўри еб кетса нима бўларди? Биласанми, бу тарафларда нақ эшакдек келадиган бўрилар бор-а. Тағинам худо бир асрабди. Арақ деган ўлгур шишанинг ичида жим туради. Ҳамма ҳунарини шишадан чиққандан кейин кўрсатади. Шўр дарёни ҳам ютаман, деган не-не зўрлар шиша тагига етолмаган.

Чолнинг қўли белкуракда аравага қум ташлар, тили гапдан тўхтамасди.

— Биласанми, бу дарёда йилига нечта ўлик оқади? Санаб саногига етолмайсан. Битта қармоқни кўтариб балиқ гутамадан деб келишадн, жишдек ичиб олгандан кейин зўрлиги тутиб, нариги ёққа сузиб ўтгиси келади. Э, бунақалардан қанчасини сув ютган.

Чол «Яшил кўприк» томонга яна бир қараб олди.

— Қайси уйнинг куйгурнинг қўли борди экан, тир уришга. Ҳукумат анойи эмас. Топмай қўймайди. Топадн. Бунақа оқпадар, каллакесарларни пешанасидан отиш керак.

Акбарали кўзини ундан олиб, оёғининг тагига қаради. Шунда бир пой этигининг йўқлигини билди. Чол қумни ортиб бўлган, чўнқайиб шалоплаб оқаётган лойқа сувда бетини юва бошлаган эди. Акбарали овозидан титроқни сездирмасликка уришиб аста сўради.

— Ота, манави йўл қаёққа олиб боради?

— Э, шўринг қурсин. Роса пиёниста экансан. Келган йўлингни ҳам билмайсан-а. Манави йўл Куйганёрга, манави қирғоқдан кетган йўл қамиш оралаб Олтинкўлга, Чинободга олиб боради. Арава юролмайдиган йўл бу. Пиёда қатналади. Маст нима-ю, кўр нима. Ундоқ десам, кўр ҳам бир марта юрган йўлини топиб кетади. Аммо, маст тополмайди.

Чол от жиловидан олиб, чу, деди. От кучаниб арава-чи юқорига тортиб кетди. Акбарали унга анграйганча қараб қолди.

Елғиз оёқ йўл Олтинкўлга олиб борса, Акбарали учун айни муддао. Унинг қайниси шу тарафда тўқайдан ёр очиб қовун эккан. У Куйганёрга келишидан икки кун олдин қайнисининг олдига от билан келган, чайлада бир кеча ётиб қишлоққа икки хуржун қовун олиб кетган эди. Акбарали севинганидан бир оёғида қолган этикни ечиб ташлашни ҳам унутиб, оқсоқланганича қамишлар оралаб кетди.

Кун пешиндан оққанда тўқай тугаб, яланглик бошланди. Қамиш бузиб, очилган ерлар бўлса керак, экилган ғўзалар заҳкашлик қилиб ола чиққан, бир-икки қарич бўлиб кўсак туккан эди. Узоқда икки-уч аёл белига этак тутиб пахта териб юрипти. Акбарали уларнинг кўзига тушмаслик учун ўзини яна қамиш орасига олди. Нима қилишини билмай узоқ турди. Қаердандир тез-тез машина гуриллагани эшитиларди. Демак, яқин орада катта йўл бор. Нима бўлса ҳам кеч киришни кутиш керак. У ён соатини олиб қаради. Ичига сув кириб тўхтаб қолган экан. Шимининг ён чўнтагидан чарм ҳамёнини олди. Очган эди, ичидан бир ҳовуч сув тўкилди. Унда саксон сўмга яқин пул бор эди. Ивиб кетибди. Акбарали бирон кунимга яраб қолар, деган ниятда пулларни олиб офтобга ёйди. Ўзи пулларга тикилганича икки тиззасини қучоқлаб то кун ботгунча қимирламай ўтирди. Қорни оч, танаси кечқурунги калтаклардан ҳамон зирқираб оғрир, уйқусизликдан вужуди карахт, ҳўл қумда ётиб қолганидан беллари чидаб бўлмас даражада оғрирди. Акбарали бу оғриқ, бу карахтликларга сабот билан тишини тишига қўйиб чидарди. У кечаги бўлиб ўтган ишларни ўйламасликка, ўзини алаҳситишга уринарди.

Тўқай устига тун қоронғилиги аста бостириб келаёт-

гап пайтда у қамишлар орасидан чиқди. Боя машина овози келган тарафга юра бошлади. Йўл яқингинада экан. Онда-сонда от ё эшак минган, гоҳо велосипед эгарига бедами, ўтми ортган кишилар учрарди. Қоронги тушганидан биров бировни танимасди. Акбарали разм солиб қараса, бу Андижондан Олтинкўл орқали Чинободга ўтадиган катта йўл экан. У Олтинкўл гузарига етмай ўнг тарафга бурилди-да, қайнисининг полизи тарафга қараб кетди.

Чайлада фонарь милтирарди. Атрофини қовуи ҳиди тутиб кетган. Чайла олдидаги гувала ўчоқдан буралиб-буралиб тутун кўтарилади. Қайнисини чўнқайиб ўтириб нимадир қиляпти.

Одам шарпасини сезган каттакон оқ ит чайла орқасидан ўқдек отилиб чиқди. Акбарали чўчиб кетди. Қайнисини ўрнидан туриб ит югуриб кетган тарафга қаради. Ит Акбаралидан икки метрча нарида тўхтаб, олд оёқлари билан ер тимдалаб ҳура бошлади. Акбарали жон аччигида Али, Али, деб қичқирди. Поччасининг овозини таниган йигит югура келиб итни қувиб юборди.

— Ия, почча, нима қилиб юрибсиз?

Акбарали, от машинадан ҳуркиб олиб қочди, деб баҳона қилди.

Ана ўша кундан бери Акбарали чайлада. Қайнисини қишлоққа тушганда нима гаплигини билиб чиқди. Аммо Акбарали унга, менинг бу ердалигимни ҳеч ким билмасин, опанга ҳам айтма, деб тайинлаган.

Ҳозир Акбарали бўлган воқеаларни эслаб эндиги ишларига режа тузиш билан банд. Индинга Нормат келади. Ана унда иккови бир бўлиб Азизхонини бир ёқлик қилишади. Шундагина у алаmidан чиқади. Кейин боши оққан тарафга кетади. Олам кенг, бирон жойда ризқини териб еб юраверади.

Акбарали эндиги ҳаётини ана шундай тасаввур қиларди.

У яктагини ечиб чайла орқасидаги офтоб қиздирган тупроққа ҳалигача оғриб, жонини қийнаётган ёнбошнини босиб ётган эди, занжирдаги ит безовта ҳура бошлади. Акбарали биронта одам келяпти гумон қилиб, жон талвасасида ўрнидан турди-ю, йўлга қаради. Ёлғиз оёқ йўл

бошида бир одам келарди, Акбарали тикилиб қаради. Қаради-ю, юраги шув этиб кетди. Бу Азизхон эди. Акбарали белбоғига қўл юборди. Азизхон шошилмай келарди. Акбарали беш-ўн қадам олдинга босиб тўхтади. Қочсамкин, деган ўй хаёлидан ялт этиб ўтди. Бироқ у қочишни ўзига эп кўрмади. Нима бўлса бўлди, бу охирига тўқнашувим бўлади, деб қатъий ўйлади. Азизхон эллик метрча масофага келиб қолган эди. Занжирдаги ит тинмай акиллар, ер тимдалаб тупроқни тўзғитарди.

Акбарали Азизхонга қараб ғазаб билан қичқирди:

— Яқин келма, келма, жонингдан умидинг бўлса, яқин келма!

Азизхон пинагици бузмай унга томон келарди. Акбарали кескин бурилди-ю, келиб итни занжирдан бўшатди.

— Бос, Қоплон!

Ит шамолдек учиб кетди. Унинг орқасидан Акбарали бос, бос, деб овозининг борича қичқирарди. Ит бир ярим метрча беридан Азизхоннинг бетига сапчиди. Азизхон эпчиллик билан қўлини олдинга узатиб орқага сал чекинди. Шунда панжалари итнинг кекирдагидан қопқондек қисиб қолди. Азизхон иккинчи қўли билан орқа бўйнидан тутди. Ит яғрини билан ерга гурс этиб тушди. Азизхон шу топнинг ўзидаёқ этиги билан итнинг томоғидан босди. Ит хириллаб тўрт оёғини баравар силкита бошлади. Азизхон кучининг борича томоғидан босарди. Акбарали қўлида пичоқ билан унга яқинлашиб қолган эди. Азизхон ит томоғидан оёғини олди. Ит хириллади. Бошини кўтариб аранг ўнгарилди-ю, худди ис теккандек судралиб чайла тарафга кета бошлади. Акбарали Қоплонни кўриб тўхтади. Юраги шув этиб кетди. Азизхон у тарафга тишларини гичирлатиб борарди. Акбарали орқасига чекинди.

— Келма, яқинимга келма!

Азизхон унга яқин келиб қолди. Акбарали бирдан шарт бурилди-ю, орқасига қараб қоча бошлади. Чайла яқинига етганда қумғонга қоқилиб йиқилди. Ўрнидан туриб Азизхонга қаради.

— Бизни хонавайрон қилганинг етмаганмиди. Яна нима қасдинг бор?

Бу гаплар Азизхоннинг қулоғига кирмас, алам-ситам билан у томон борарди. Бирдан Акбаралида куч пайдо бўлгандек дадиллашди. Азизхон томон бир-икки қадам босди.

— Хўш, пиятигни айт?— деди бутун ғазабини, нафратини тўкиб.

Азизхон индамади. Кўзлари чақнаб унга тикилди. Унинг бу қарашида яқин бир ой ичида тортган изтироблари, тўлганиб чиққан уйқусиз тунлари, етолмаган орзуларининг алами бор эди.

Акбарали ҳансирар, панжалари пичоқ дастасини шундай қаттиқ қисиб ушлаган эдики, бўғинлари кўкариб, қон талашиб кетган эди.

— Жонингдан умидингни уз, жаллод!— деб бақирди Азизхон.

Акбарали пинагини ҳам бузмади. Уни эрмак қилгандек бақрайиб қараб тураверди.

— Бир марта қўлимдан омон қутулиб кетган эдинг. Бу охири учрашувимиз.

Акбарали унга еб юборгудек бўлиб ўқрайди.

— Чучварани хом санабсан, ифлос. Мени онам ўгил бола қилиб туққан. Бировнинг қўлида жон берадиган анойилардан эмасман. Мени отам дунёга келтирган, ammo бу дунёда туришим ҳам, кетишим ҳам ўз ихтиёримда!

Азизхон энди гапирмади. Қўлларини олдинга чўзиб унга томон интилди. Шунда бирдан Акбарали тутиб турган пичоқни ўзининг яланғоч кўксига санчди.

— Мана, мапа!

У пичоқни шарт суғурдию, киндиги тепасидан суқиб кўксига томон зарба билан тортди. Азизхон қон сизиб чиқаётган қорнига қараёлмай бенхтиёр орқага чекинди. Энди унинг қўлидан пичоқ тушган, ўзи чайқалиб турарди. Гавдасини тутолмай боши Азизхон томонга ўгирилди.

— Худойимга мишг марта шукур. Душманимга оёқ ости бўлмай, тигини танимга тегизмай кетяпман...

У шундай деди-ю, ёнбошига йиқилди.

Азизхоннинг кўз олди қоронги бўлиб кетди. Оёқ-қўли бўшашиб гандираклади. У шу алпозда қанча турди билмасди. Яқин орадаги тўқайдан ўқ овози эшитилди. Кимсасиз қамишзорда овози қалдираб, анча вақтгача айланиб юрди. Уқ овозидан чўчиган бир гала ўрдак ҳуштак чалгандек чийиллаб, чайла тепасидан ўтиб кетди.

Азизхон аста бурилди-ю, боя келган тарафга аста кета бошлади. Акбаралига рўпара бўлишга юраги дов бермай жийда орқасида қолган Нормат боядан бери

бўлган воқеаларни кўриб, оёқ-қўлида дармон қолмай, қалт-қалт титраб уни кутиб турарди.

Азизхон унга қарамай ўтиб кетди. Тўқай орасига кирганда Нормат орқада қолиб кетганди.

Бирдан Азизхоннинг ўпкаси тўлиб томоғига бир ни-ма қадалгандек бўлди. Хўрсиниб-хўрсиниб, ўкириб йиғ-лаб юборди.

Қамишларни қайириб, қулаган жийда тўнкаларига қоқилиб бораркан, кўзларидан дув-дув ёш оқарди.

ХИ

Сувга тўймаган дарахтлар тагида хазон оралаб қол-ди. Ипакдек ялтироқ мезон иплари шошилмай учиб келади-да, дарахтлар бўйига осилади. Тонг саҳар туш-ган шабнам то офтоб ялаб олгунча майса қиёқларида титраб туради.

Боғлардан беҳи ҳиди келади. Деҳқон чайласи тепаси-да қип-қизил қалампир шодаси офтоб тигида лов-лов ёнади. Осмони фалакда ҳакка ёнғоқ отиб ўйнайди. Оғ-зидан тушириб юборган ёнғоқни илиб ололмайди, тунука томга тарақлаб тушишини алам билан кузатиб қолади.

Азизхон шабнамдан оғирлашган тупроқдан аста юриб борарди. Ҳаққулбоднинг пастқам кўчаларни сокин. Гувала деворларга тирсагини қўйган олма шохлари қи-сирлайди. Олди шох-шабба билан тўсилган чорбоқлар-дан мевасини кўтара олмай қадди букилган анорлар, сўриларга териб ташланган ош қовоқ, қирқма қовунлар кўринади. Бир кампир липпа уриб тандирга гўзапоя қалаб гугурт чақди. Тандир прамонидан аввал кўм-кўк тутуи бурқсиб, кейин лоп этиб аланга сапчиди. Ёшгина бир жувон дорга кир ёяди. Урта яшар хотин кўйлак энгларини билагигача шимариб, тўқ-тўқ қилиб келида шол оқлайди...

Бу уйлар, одамлар, чорбоқлар Азизхонга қадрон уйини эслатди. Дадаси ҳам унга шол оқлатиб, ўзи кўз-ойнак билан курмак терарди. Онаси тандирга ўт қалаб то у оқаргунча супада кафтларини нягига тираганча ни-маларнидир ўйлаб ўтирарди. Шол оқлаётган хотинга қараб туриб Азизхон беихтиёр илжайди.

У дадасининг қийин-қистовидан кейин, келини ҳов-лига опчиқиб зарда билан дагани тўқиллатиб шол

оқларди. Дадаси унинг дагани зарб билан уришини кўриб:

— Ҳой, секин, аста-аста ур. Келини ёрворасан,— деб ёлворарди.

Азизхон бир гал шунақа шоли оқлашда дагани шундай куч билан урган эдики, тут тўнкасидан қилинган кели иккига ажралиб кетган эди. Шунда дадаси, қачон одам бўласан, деб уни остонагача қувиб чиққанди.

У жимжит қишлоқ кўчасидан шошилмай келаркан ҳассасининг учи билан йўл четларидаги қоғоз парчаларини титиб келаётган чолга кўзи тушиб тўхтади. У букчайиб қолган бўлса ҳам қўлидаги ҳассага огирлигини ташламас, жуда енгил юрарди. Азизхон унга салом бериб, Эш аканинг уйи қайда, деб сўради. Чол юравер, деб ишора қилди-ю, боягича йўлда учраган қоғозми, гугурт қутисими, ҳасса учиде титкилаб йўлида кетаверди. Муюлишга етганда ҳассаси билан икки тавақали эшикнинг бир қанотини итариб ичкарига қичқирди:

— Ҳо, Эшмуҳаммад! Эшмуҳаммад ҳой, болам, меҳмон келди, баққа чиқ!

Ичкаридан, лаббай, деган овоз чиққандан кейин чол яна йўлига кетаверди. Ерда ётган бир бурда ноини олиб кўзига суртди, пахса девор ковагига қўяркан, тўнгиллади.

— Ҳа, боласи тушмагурлар-а, боласи тушмагурлар-а!

Эшик орқасида гурс-гурс қадам товуши келди, зум ўтмай остонада Эш полвон кўринди. У Азизхонни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. Нима дейишини билмай, ия, анавини қаранг, ия, ия, деярди, холос.

Иккови бир муддат ҳайрон қараб туришгандан кейин Эш полвон уни қўлидан сиқди:

— Ке, ке, ука? Тинчмисан, омонмисан? Зап кепсан-да. Қани, қани, ичкарига кирайлик.

Азизхон киришга унамади. Хайрлашиб кетмоқчилигини айтди.

— Жинни бўлдингми, Эш акангникига келган меҳмон бир пиёла чойини ичмай кетган эмас.

Азизхон кўнмади.

— Шатта жиндек ўтириб гаплашайлик, ака,— деди.

Эш полвон ноилж йўлак олдидаги супага ўтирди, ёнидан унга жой кўрсатди. У Азизхоннинг бетига қараб ўйланиб қолди. Азизхон у кўрган кундан бери бутунлай

Ўзгариб кетганга ўхшаб туюлди. Юзлари чўзилиб, кўзлари сал ичкарига чўккандек, ияклари бўртиб қолгандек. Азизхон у кўргандаги нораства болага ўхшамасди. Босиқ овозида, ўйчан боқишларида юрт кўрган, тирикчиликнинг аччиқ-чучугини тотиган эркак нуқси сезилиб қолганди.

— Хўш, гапир!— деди Эш полвон.

Азизхон пешанасини уқалаб гапини нимадан бошлашни билмай андак ўйланиб турди-да, гапира бошлади:

— Эш ака! Тентак укангизни кечира оласизми?

Эш полвон нимадир демоқчи бўлиб лабини гапга жуфтлаган ҳам эдики, Азизхон уни гапиргани қўймади.

— Йўқ, аввал айтинг, кечира оласизми? Мен сизни кўп қийнадим. Давра тўрларида юрган, бировга сўзини бермаган сиздек одамни юрт олдида уятга қўйдим.

Эш полвон ялт этиб унга қаради.

— Эси йўқ бола экансан. Наҳотки Эш аканинг кимлигини шу пайтгача билмадинг. Феълим шундоқ бир пов этиб ёнамани дарров ўчамади. Аксинча, сен мени кечиршинг керак. Нодонлик қилиб қўйиб, пушаймоним ичимда эди. Мана бугун кўзингга қараб туриб айтяпман.

Азизхон шу пайтгача Эш полвонни юрагида гина сақлайдиган одам деб юрарди. Унинг ҳозирги айтган гапларидан жуда таъсирланиб кетди.

— Ака,— деди у кўзлари яшнаб.— Мен энди кетяпман. Эҳтимол қайта юз кўришмасмиз. Кўнглингизда мендан бир хиралик қолмасин, деб атайин хайрлашгани, узр айтиб кетгани келдим.

Эш полвон қаёққа деб сўрамади. Унинг елкасига қўлини қўйиб, меҳрибон бир товушда таъсирланиб, деди:

— Укажон, қайда бўлсанг омон бўл. Бошинг тошдан бўлсин. Мен кўп давраларда бел олишганман. Йиқитганман, йиқилганман. Полвончилик ҳам бир омад иш. Йиқитсанг пошшосан. Йиқилсанг бир-икки кун ич-этингни еб юрасану яна курашни қўмсаб қоласан.

Азизхон унинг гапларини индамай эшитди.

— Бир илтимосим бор. Эртага Майгирда кураш бор. Шунда охирги марта бел олишсак. Ўлай агар, туриб бераман. Бир йиқитиб хумордан чиқинг. Мен ҳам хотиржам бўлай. Шундай қилнинг, ака!

Эш полвон бош чайқади.

— Сендек азаматни йиқитадиган полвоннинг бўйни узилсин. Бу гапингни қайтиб ол. Асло елканг ер искама-

син. Даврадан бош эгнб чиққулик қилмасин, худойим. Розиман, минг марта розиман сендан.

Азизхон шарт ўрнидан турди-ю, Эш полвонни супадап юлиб олди. Белидан бақувват билакларини ўтқазиб ердан узди. Икки айлантириб ерга қўйди. Қўйдн-ю бағридан бўшатмади. Юзларини елкасига ишқаб турнб қолди. Шунда яктагига Азизхоннинг икки томчи кўз ёши тушди.

Эш полвон унинг бу болаларча қилиқларидан таъсирланиб кетди.

— Бўлди, бўлди, тентак. Боламисан, дейман, бўлди.

Азизхон уни бағридан қўйиб юбориб юзини тескари ўгирди.

— Хайр энди, ака.

Азизхон орқасига қарамай жадал юриб кетди. Эш полвон нимадир демоқчи бўлди, айтишга улгурмади.

Азизхон кўприкдан ўтиб, тут ниҳоллари орқасида кўрнмай кетган эди.

Офтоб ёйилиб, ердан шудринг кўтарилган. Эрталаб кийилган тўнлар энди буклаб елкага ташланган пайт эди. Азизхон қачонлардан бери дилини эзиб ётган ғамдан қутулгандек, енгил юриб катта йўлдан кетмоқда эди. У бирон одам орқасидан ёмонлаб гапиришини истамасди. Ҳеч қайда ўзидан ёмон хотира қолдиргиси келмасди. Тортган озорлари уни шунақа қилиб қўйган эди. У шу топда кимнинг дилига озор берган бўлса, оёғига йиқилиб узр сўрашга тайёр эди.

Ҳаққулобод — Тўрткўл йўлидан тинмай пахта ортган машиналар ўтиб турипти. Азизхон автобус бекатига шошилмай келарди. Олдиндан «Тез ёрдам» машинаси шитоб билан ўтди-ю, бирдан зарб билан тўхтади. Орқадан кўтарилган чанг машина устига ёширилди. Азизхон нима бўлди экан, деб қараб турган эди, машина эшити очилиб оқ халат кийган Вазира тушди.

Азизхон нима қилишини билмай серрайганча қолди. У худди ўғрилиқ қилиб қўлга тушган кишидек эсанкирарди. Вазира кўпдан йўқотган кишисини тасодифан учратиб қолгандек у томонга қувонч билан кўзлари яшнаб кела бошлади.

— Вой, қаёқларда юрибсиз?— деди Вазира кўришгани қўл узатаркан.— Луғумбекка икки марта бориб тополмадим-а! Шунақаям бўладими!

Азизхон унинг дардини билганидан ссвуққина жавоб қилди:

— Юрибман, тупроқдан ташқарида.

— Қаёққа кетяпсиз, юринг, юринг, обориб қўяман. Тайёр машина бор!

Азизхон қўлини кўксига қўйиб миннатдорчилик билдирди.

Вазира оқ халат енгидан боғичларини ечиб билагигача кўтарди. Тангадек тилла соатига қаради. Унинг билаклари оппоқ, эр кишининг иштаҳасини қўзғайдиган ажиб эди.

— Уҳў, мен ҳозир...

— У шундай деди-ю, «Тез ёрдам» томонга кетди. Юмшоқ тупроқда туфлиси пошнасидаги ҳасса учидек излар қолди. Вазира халатини ечиб кабинага улоқтирди. Шоферга нимадир деди. Шундан кейин машина гуриллаб жўнаб кетди. Вазира қайтиб келди.

— Пиёда кетамиз. Смена тугади. Энди кечгача бирга бўламиз. Хўп-а?

Азизхон ҳайрон эди. Бу жувон нега бунчалик ишонч билан гапирарди. Ахир Азизхон унга бирон марта бўлсин илиқ муомала қилмаган эди-ку!

Азамат қайрағочлар соя ташлаган катта йўл четидан иккови жимгина кета бошлашди.

Вазиранинг эгинда шафтоли гулига монанд кўкси очиқ, елкасига пахта қўйиб тикилган ёқасиз шоҳи кўйлак. Енги тирсагидан тўрт энлик юқорида: Машина кабинасига мотор тафти уриб унинг юзлари, бўйинлари худди ҳозир ҳаммомдан чиққандек бўғриқиб кетган.

Вазира дугоналари билан Арслонбобга борганини, ўттиз метрли шоввани бориб кўрганини, тоғдан ёввойи жамбил терганини энтикиб-энтикиб гапирарди. Бу гаплар Азизхонни қизиқтирмас, у кўрган жойларни тасаввур қилиб кўришга уринмасди ҳам.

Колхоз ўрикзори олдига келишганда Вазира тўхтади. Ун гектарча келадиган ўрикзор жимжит эди. Июль ўрталарида ўриклар териб олингандан кейин бу жойга ҳеч ким келмасди. Ҳозир шоҳлари бир-бирига тутшиб кетган, сув қуйилмаганидан тағларидаги ўтлар қовжираб қолган бу хилватгоҳда энди тўрт-бешта қўй ўт қидириб бошини ердан кўтармай тентирарди.

— Шатта жиндак дам олмаймизми?— деди Вазира Азизхонни қўлидан ушлаб.

Унинг қўллари иссиқ эди. Азизхон бир лаҳза ўзини йўқотди. Вазира пахса деворнинг қулаган жойидан уни ичкарига бошлади. Иккови энди бир сўз демай салқин боғ ичида кетишарди.

Бетини кўм-кўк бақа тўни босиб кетган ҳовуз бўйидаги сўри усти хазон билан бекилиб кетган. Азизхон хазонларини қўли билан сидириб икки киши ўтирса бўладиган саҳн очди.

— Утиринг, чарчадим деяпсиз-ку,— деди Азизхон бепарво.

Вазира сумкасини хазон устига иргитиб, чамбарак қилиб олган сочили ечиб юборди-да, бошини бир силкиб, кўксига тушган икки ўрим сочини елка ошириб орқасига ташлади.

Шунда бирдан галати, жуда ҳам галати ҳид, фақат эҳтирос қонини гупиртирадиган, навқирон аёл кишидагина бўладиган бир ҳид атрофни тутиб кетди. Бу ҳид Азизхоннинг бошини айлантди. Зимдан Вазиранинг бўйниларига, ёқасиз кўйлагининг тугмаларини итариб турган кўкракларига қаради. Кўзи тишиб кетди.

Вазира унинг ҳолатини сезиб турарди. У шундай бўлишини аввалдан билар, шу пайтгача ўзини бепарво тутишга уринган, илтижоларини назарига илмай қийнаган йиғит юрагига ўт солмоқчи, қийнаб-қийнаб ўзига бўйсундирмоқчи эди. Азизхон сеҳрлангандек кўзини ундан ололмай турарди. Вазира сўрига ўтириб бир тиззасини кўтарди. Болдиригача очиб ипак пайпоқни тугиб турган резинкани «Вой, жоним қийналиб кетди-е», деб пастга суриб қўйди. Резинка излари сонларини қонталаштириб, қизгимтир бинафша из қолдирган эди. Вазира этагини бепарво тушириб тиззасини яширди. Кейин Азизхонга ўпкали қараб «боринг-е, қараб турганмидингиз, уятсиз», деб лабларини бурди. Утирган ерида Азизхоннинг чап ёнбошидаги хазон уюмида ётган сумкасига ёнбошлаб қўл узатди. Тирсаги Азизхоннинг тиззасига тиралиб, елкаси кўксига тўғри келиб қолди. Вазиранинг бўйнидан яна бояги илиқ ҳид таралди. Азизхон икки қўлини орқасидаги тахтага тираганича қимирлаёлмасди. Вазира сумкасини олди. Очиб ичидан чети гажимли қулупнай гул рўмолча чиқазди-да, терлаган пешоналарини

артди. Энди атир ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетди. Азизхон яна қимир этмади.

Вазира бирдан чаён чаққан кишидек сапчиб туриб кетди-да, сочларини чапгаллаб ўзини хазон уюми устига отди. У ётган ерида илондек тўлғанар, бетларини хазонга ишқаб, ниграб йнгларди.

Азизхон қўрқиб кетди. Тепасига келиб, сизга нима бўлди, деди титраган товушда.

Вазира бошини кўтарди. Энди унинг сочлари тўзғиб кетган, кўзларида ўт чақнарди.

Шу пайт ўрикзор тепасидан жуда пастлаб аэроплан учиб ўтди. Азизхон осмонга қаради. Бир-бирига туташиб кетган қуюқ сербарг шохлар орасидан аэропланин кўролмади. Унинг қулоқни қоматга келтирадиган кучли гуриллаши зум ўтмай тинди. Узоқ-яқинда ёш-ялангларнинг қий-чуви бошланди.

Вазира ўрнидан турди. Унинг бетига афсус-надомат билан боқиб нари кетди. Энди у орқасини ўгириб олган, елкаси тинмай силкинарди.

— Эссиз йнгитлик, эссиз бошдаги дўппи-ю, белдаги қийиқ. Э, худо дарди йўқ кесакка мени мунча зор қилмасанг.

Унинг бу нидоси ниятига етолмаган, армонини ичида қолган, юрак-бағрини ўртаган туйгуларин поймол бўлган аёл кишининг нидоси эди.

Азизхон ҳурпайиб турган Вазирага сўнгги бор бир қаради-да, оёқ остидаги ажриқларни аямай босиб ўрикзордан чиқиб кетди. Вазира икки қўлини у томонга чўзганча илтижо билан пиқ-пиқ йнглаб қолди.

Азизхон катта кўчага чиққанда ҳамманиннг кўзи осмонда эди. Азизхон ҳам беихтиёр осмонга қаради. Кузининг зангори осмони тип-тиниқ, унда соқ-саноқсиз оппоқ қогоз парчаларин учарди.

Аэроплан қишлоқлар, шаҳарлар устида қогоз сочиб юрарди. Азизхон Езёвои чўлида, Қирғиз ўтовин олдида турган пайтда аэроплан ташлаган қогозларини эслади. Ушанда канал қурилишига чорлаган варақалар чўл осмонини тўлдирган эди.

Ўрикзорлардан болалар яна чуғиллашиб чиқишди.

Терак бели баландликка тушиб қолган бир варақ қогоз Азизхонининг тепасида қайиққа ўхшаб чайқалиб-чайқалиб йўл четига қараб сузиб келарди. Азизхон дўпписини қўлига олиб қогоз тушаётган тарафга юра бошлади.

Ниҳоят, қоғоз ариқ бўйидаги чим устига оҳишта кўнди. Азизхон шошиб уни олди.

Бу каналда чиқадиган «Сталличка қурилишда» деган газетанинг энг сўнгги сони эди. Биринчи саҳифада Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари имзо чеккан Москвага, Марказкомга ёзилган рапорт бор эди. Азизхон тик турганча ўқий бошлади. Рапортга икки юз етмиш километр масофадаги Катта Фарғона каналида ер қазиб ишлари тамомлангани, қурилиш бошлангандан буён қирқ беш кун ичида ўн олти миллион кубометр тупроқ қазиб чиқазилгани, Катта Фарғона канали Норин дарёсидан сув олишга тайёр қилиб қўйилгани ёзилган эди.

Азизхон газетанинг ички саҳифасини очди. Унда Гафур Фулом билан Ҳамид Олимжоннинг қурувчилар номидан ВКП(б) Марказий Комитетига ёзган шеърини хатлари босилган эди.

Азизхон орқа саҳифага қаради. Қаради-ю, ғалати бўлиб кетди. Саҳифа тепасида Дўнан Дўсматов билан унинг сурати ёнма-ён босилган эди. Сурат тепасида катта-катта ҳарфлар билан шундай ёзув бор:

«Канал баҳодирларига шон-шарафлар бўлсин!»

Азизхоннинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Тиниқ, беғубор куз осмонига қаради. Қиттак ҳам булут йўқ. Жуда олисларда, далаларнинг уфққа туташиб кетган жойларида ҳам оппоқ қоғозлар капалакдек пилдираб учар, гоҳо енгил шамол боғлар устидан уларни очиқ далаларга қараб суриб кетарди.

Шу қоғозлар бетига сурати туширилган ўн минглаб Азизхон бутун водий тепасида, булутлардан ҳам баландда, олмос чўққилар, сап-сарик адирлар, сонсиз жилғалар устида сузарди.

Азизхон эпитикди. Ҳамниша иягини икки кафтига тираб ўтирадиган дардчил онаси, қачон одам бўласан, тентагим, деб полийдиган дадаси кўз олдида пайдо бўлди. «Аяжоним, дадажоним, мана, одам бўлдим-ку, энди койиманг!»— деб қичқиргиси келди.

Осмони фалакда қоғозлар учарди. Болалар қичқирарди. Бутун водий өзидеда дoston бўлган Азизхон йўл четида йиғидан кўзлари қизариб, ҳиқиллаб борарди.

Куйганёр, 1974 йил.

ИККИНЧИ КИТОБ

ҲИЖРОН КУНЛАРИ



БИРИНЧИ БУЛИМ

I

Чаросга ранг кириб қолди.

Офтоб қиздирган дала йўлида чап қўлини шоҳи қийиқ билан бўйнига осиб олган йигирма ёшлардаги бир йигит соғ қўли билан велосипедни етаклаб келмоқда.

Дала жимжит. Девор-тошлардан лип-лип аланга чиқади. Қушларнинг ҳам овози тинган. Қизиган тупроққа бағриши бериб ётган мусича эриниб кукулайди. Пахса деворга чапланган қовун уруғини ари талайди. Устига офтоб келиб қолган сигир орқага тисарилиб арқонни узмоқчи бўлади. Йўл ёқасидаги қовун поллиз чайласининг соя тарафида ётган каттакон ит тилини осилтириб ҳансирайди.

Нигит ниҳоятда исиб кетган. Пешонаси, юзларидан тинмай тер қуйилади. Қулоғига тегай-тегай деб учиб ўтган қалдирғоч орқасидан сарғимтир уфққа қараб қолади.

Саратон қиздирган дала ўртасида билқиллаб ётган тупроқ йўлидан келаркан, у тезроқ анҳорга етиб олишга шошиларди. Анҳор ҳали олисда.

Нигит велосипедни ёнбошлатиб туриб эгарга минди, бир қўллаб рулга тиралиб педални босди.

Ғилдирак қайноқ тупроқда сассиз пилдираб кетди. Йигитнинг очиқ кўксига иссиқ шамол урилди. У чумчуқлар чирқиллаган қайрағоч тагида сариқ тумшуқ жўжаларини қаноти тагига олиб ётган товукни қақалатиб ўтди. Ниҳоят, кўприк олдига келиб эгардан тушди.

Четларида жийдалар, мажнутоллар ўсган анҳорга ҳавас билан қаради. Сув қирғоққа шалоплаб урилиб, осилиб қолган повдаларни тортқилаб оқмоқда.

Ингит велосипедни майсага ётқизиб, сув бўйига тушди. Бўйиндан шоҳи қийиқни олиб юзларини, бўйинларини муздек сувда ювиб олди-да, анҳорнинг беозор оқнишига ҳавас билан қараб қолди.

Бирдан нимадир шитирлаб кетди. Ингит у ёқ-бу ёққа аланглади. Унинг кўзи тўнка устида ётган чит кўйлакка тушди. Бу кимники экан? Яна аланглади. Ун-ўн беш минут кутди, кўйлак эгасидан дарак бўлмади. У энди кетмоқчи бўлиб бурилаётган эди, мажнунтол новдаси силкинди. Ингит беихтиёр ўша тарафга юра бошлади. Унинг қаршисида тўзғиб кетган сочлари билан яланғоч кўкракларини тўсиб бир қиз турибди. Қўрққанидан қизнинг кўзлари дум-думалоқ бўлиб кетган эди.

— Қарама! Қарама, деяпман, Низом!

Ингит эсанкираб яна бир-икки қадам олдинга юрди.

— Низом, Низомжон, келма, дод дейман! Қанақа уятсиз боласан!..

Низомжон турган жойида қотиб қолди. У нима қилишини, нима дейишини билмасди. Қиз тол тагидан чиқиб югурганича ўзини сувга отди. Низомжон унинг орқасидан оппоқ болдирларини савалаган тўзиқ сочларини кўриб қолди, холос.

Ана шундан кейингина Низомжоннинг ҳуши ўзига келди. Бу қиз унинг синфдоши Дилдор эди. Дилдор сувдан бошини чиқариб ғазаб билан унга қаради. Қизнинг сочлари сув бетиде худди қора соябондек донра ҳосил қилган эди.

Низомжон ундан хижолат бўлиб, кўприкнинг наригига ўтиб кетди.

Дилдор билан Низомжон орасида ишқ-муҳаббатга ўхшашроқ ғалати муносабат ўзинчида ўқиб юрган пайтларидаёқ бошланган эди. Содда қишлоқ боласи дилига тугилган гапларни айтолмай, кўп вақт ич-этини еб, саросимада юрди. Унинг юрагида бўлаётган гапларни қиз сезарди-ю, аммо унга сир бой бермасди. Умуман, Дилдор унинг маънос боқишларига, учрашиб қолган пайтларида гап тополмай эсанкирашларига бепарвороқ қарарди. Низомжон бировга аралашмайдиган, камгапроқ бола бўлганидан синфдошлари уни «индамас» деб чақиришарди.

Уруш бошланган кунлариде кўпгина ўртоқлари фронтга кетишди. Мактабдош қизлар битта звено бўлиб далага чиқишди. Шаддод, гапини бировга бермайдиган, эркакшоде Асрора звенога бошлиқ бўлди. Дилдор звено

қизлари орасида ҳам энг кўҳлиги, ҳам энг бўшашгани эди.

У хуснига ортиқча бино қўйганиданми, ҳар қалай звенода эрқароқ эди. Аммо Асрора унинг ноз-фироқларига қарамай турткилаб-турткилаб ишга соларди. Низомжоннинг энг қалин ошнаси Каримжон ҳам фронтга кетди. Синфдошлари орасидан битта ўзи ажралиб, Низомжон қолиб кетди. Бир қўли майиб бўлгани учун уни ҳарбий хизматга олишмади. Низомжон далада кетмонини чопиб юраверди. У далада кезаркан, ўзидан-ўзи довдираб қизлар звеносига бориб қолар, қизлар бир-бирларини туртишиб: «Ана почча келяптилар!» деб кулишларини билмас эди. Шундай довдираб келишларидан бирида Асрора йўлини тўсиб:

— Сен ўлгур нима қилиб хира пашшадек баттан кетолмай қолдинг?— деди.

Адолат деган қиз унга кўзини қисиб, маъноли илжайиб қўйди:

— Ҳой опа, унақа дема. Низом поччамиз-ку.

— Ҳали шунақами? Унақа бўлса ҳу анави боғдан шафтоли ўғирлаб келсанг, почча қиламиз.

Адолат уни жўрттага эрмак қилди.

— Поччанинг юраклари сал қуёнчасигароқ.

Низомжоннинг жаҳли чиқиб кетди.

— Опчиқолмайманми? Опчиқолмайманми? Мапа кўрасанлар.

У шундай деди-ю, ғириллаганича боғ тарафга қараб чопди.

Орқадан қараб қолган қизлар Асроранинг бу ишдан сал ранжигандек бўлишди.

— Нимага унақа қиласан. Боғбон амаки ушлаб олса, чатоқ қилади.

— Атайин қилдим,— деди Асрора.— Шафтоли опчиқолмайди. Боғбон амаки нақ гаврон билан тириқтиради.

Сал ўтмай боғ томондан ит вовиллагани, боғбоннинг сўкингани эшитилди. Девордан сакраб тушган Низомжон жон ҳолатда теракзорга қараб қочди. Омбордан чиққан ит уни анча жойгача қувиб борди. Кейин тилини осилтириб орқага қайтди-да, қойил қилдимми дегандек, у ёқ-бу ёққа қараб олди.

Асрора қотиб-қотиб кулди. Дилдор қошларини чмириб шийпонга чиқар экан, Асрорага гиннали қараб олди.

— Ҳа, поччамни хафа қилганимиз сизга ёқмадимми?

— Яхши эмас-да бировни шунақа қилиш.

— Оббо,— деди Асрора уни масхара қилиб.

Шу-шу бўлди-ю, Низомжон қизлар звеносига йўламай қўйди. Бу орада Дилдорни икки-уч марта кўриб, уялганидан бошини эгиб ўтиб кетди.

Мана, бугун қизни жуда ноқулай пайтда, чўмилаётганида кўриб қолди. У ўзининг беҳаёлигидан жуда-жуда хижолат бўлди.

Низомжон нима бўлганини аввалига эсанкираб билолмаган эди. Албатта ундан узр сўраш керак, деган ўй билан орқасига қайтганда, Дилдор сувдан чиқиб кийиниб олган, харсангга чўнқайиб оёғини юваётган эди. Низомжон унинг юзига қарамай мингиллади:

— Кечир, Дилдор, бехосдан шундай бўлиб қолди.

— Уятсиз, энди бетингга қандоқ қарайман,— деди Дилдор ва индамай катта йўлга чиқиб дала тарафга қараб кетди.

Ана шу воқеадан кейин Низомжон билан Дилдор учрашиб қолгудек бўлса, бир-бирининг кўзига қараёлмас эди. Умуман, Дилдор Низомжонга кўринмасликка ҳаракат қиларди. Аммо Низомжон унинг тўзғина қоп-қора сочларини, мрамардек оппоқ билакларини хаёлдан кетказолмасди. У дала йўлларида кезиб қизнинг йўлини пойлар, бутун вужудидан ёшлик — балоғат таровати барқ уриб турган қизни тинимсиз кўмсарди.

Олисда қонли уруш бормоқда, шаҳарлар ёнмоқда, одамлар ёвуз душман билан жон талашмоқда эдилар. Бу осойишта қишлоқ ҳам юрт қатори уруш даҳшатларини кечирарди. Қишлоқнинг азамат йигитлари фронтда, дала ишлари аёллару, ёш болаларга қолган.

Ҳар қандай шароитда ҳам ҳаёт ўз оқимини давом эттиради. Утдами, сувдами умр ўтаверади. Болалар балоғатга етаверади, кексалар умрини ўтказаверади.

Низомжоннинг ҳам балоғат ёши уруш бошланиб ҳам қишлоқлари олис юртларда жон олиб, жон бераётган пайтга тўғри келган.

Юрт бошида ташвиш, Низомжон юрагида тушуниб бўлмайдиган галати ҳислар.

Йигитчанинг уйқуси бузилди. Кечалари юлдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонгга улаб, қушлар нағмасидан, сувлар шилдирашидан кўнгилга аллақандай юпанч изларди. Унинг кўзига бутун бир олам Дилдор бўлиб кўринарди.

Низомжон чидамади. Юрагида тўлиб-тошган гаплар-

ни узил кесил тўкиб солмоқчи бўлиб, қизни излаб яна далага қараб кетди.

Дилдор дала шийпонида бир бош ҳусайни узумни олдига қўйиб эринибгина гужумлаб еб ўтирарди. Қизлар пайкал оралаб гўза чопиқ қилиб юришибди. Дилдор Низомжонни кўриб секин шийпондан тушди-да, ер сузганча ариқ томонга ўтиб кетмоқчи бўлди. Ўша анҳор бўйидаги воқеадан кейин у Низомжоннинг юзига қаролмасди. Низомжон уни тўхтатди. Қиз ердан кўзини узмай туриб қолди.

Иигит гапини йўқотиб чайналди. Қизга ялингандек жавдираб қаради. Дилдор сочини бошига чамбарак қилиб олган. Орқа сочлари юқорига тортилиб, кишини маст қилувчи бўйни аллақандай кўринарди.

— Нима ишинг бор эди?

— Ўзим шундоқ...— деди тутилиб Низомжон.

— Ишинг бўлмаса кета қол. Қизларнинг кўнглига гап келади.

Низомжон гапини айтолмай ҳамон эсанкирарди.

— Сенга бир гап айтмоқчи эдим. Билмадим, айтсам шима деркинсан. Уришмайсанми, хафа бўлмайсанми?

— Емон гап бўлмаса, нега хафа бўлай. Айт!

— Кейин айтаман. Вақт топиб, кечроқ ҳув ўша анҳор бўйига бор. Борасанми? Рост айт, борасанми? Бора қол!— Низомжон кейинги гапларни ўпкаси тўлиб айтди.

— Гапинг бўлса ҳозир айта қол.

— Хотиржам айтадиган гап. Борасанми, а?

Дилдор ўйланиб қолди. Унинг бошини бир томонга сал эгиброқ, узун киприклари жуфтлашгунча кўзларини юмиб, ўйланиб туриши бирам чиройли, бирам чиройли!..

Низомжон унга маҳлиё бўлиб, қимирламай жавоб кутарди. Охири қиз унинг кўзига эмас, тут кесаётганда теша узиб кетган бармоқларига қараб жавоб берди:

— Хўп, майли, бораман.

Низомжон аясидан ҳайитли олган боладек диконглаб кунни кеч қилди. У ёққа борди, бу ёққа борди, каловлаб самоварга кирди. Чой чақириб қўйиб чиқиб кетиб қолди. У уйга келганда ҳали қоронғи тушмаган эди. Акасидан хат келибди. Дадаси кимга ўқитишини билмай турган экан. Уқиб берди. Акаси Аъзамжон ярадор бўлиб госпиталда ётганини, бирор ойлардан кейин отпусмага бориб қолишини ёзган эди. Низомжон конвертни дадасининг қўлига берди-ю, физиллаганча чиқиб кетди.

Узоқ-яқиндаги чайлаларда чироқ милтираб колган. Анҳор қирғоғи ғира-шира ёруғ. Низомжон у ёқдан-бу ёққа юради, сал товуш келса дарров аланглайди. Мана, ниҳоят, Дилдорнинг қораси кўринди. Икки соя бир-бирига жуда ҳам яқин турибди. На ундан, на бундан садо чиқади. Шошилмай ой кўтарилди. Унинг оппоқ ликопчаси анҳорга тушиб чил-чил сииди.

Шундай шоирона, шундай ошиқона манзарага «хал» бўлиб, гўё бу ошиқ-маъшуқларни масхара қилиб яқингинада бир эшак ҳанграб юборди.

Низомжон юрагида тугилиб ётган гапларини айтолмай дудуқланар, гапириш ўрнига нуқул хўрсинар эди. Негадир йиғлагиси келарди.

Дилдор мажнунтол новдасини синдириб бир сиқим баргини унинг бошидан сочиб юборди-да, қиқирлаб кулиб қочди. Низомжон уни қувиб кетди. Шу баҳона бўлди-ю, Низомжон қизни шартта қучоқлаб, ўпиб олди.

Шу оқшом Низомжон дилига тугилиб ётган чигилни ечиб ташлади. Шундан кейин қанча байту ғазаллар ўқилди. «То ўлгунча!» деган аҳду паймонлар бўлди. Ҳатто улар таниш-билишлардан яширинча Олтиариқнинг гузарига тушиб бошларини бошларига тираб сурат олдириб ҳам келишди. Келаётиб Низомжон қизни қўлтиқлади-да, астойдил таъкидлади:

— Сени ҳеч кимга бермайман.

Қиз тегажаклик қилди:

— Бошқа одамга тегиб кетсам-чи?

— Агар шунақа қилсанг, ўша одамни болта билан чопиб ташлайман.

Икковлари қотиб-қотиб кулишди. Дунёда улардан бахтиёр, улардан зўр йўқдек эди. Нимага узатса қўллари етадигандек, кўнглиларига келганининг ҳаммасини қила олишадигандек...

Сал кун ўтмай Аъзамжондан: яқинда бориб қоламан, деган хат келди. Низомжонлар уйи бир кунда шодликка тўлди. Дадаси Иноят оқсоқол бозор-ўчарини йиғиштириб, одамлардаги насияларини ундириш билан озора бўлиб қолди.

Ўғлим фронтдан келяпти. Чиқим кўп бўлади. Пулимни беринглар.

Кўпчилик станцияга чиқиб Аъзамжонни кутиб олди. Дилдор ҳам чиқди. Унинг эғнида ўша пайтларда энди расм бўлган пушти крепдешин кўйлак, оёғида баланд

пошнаи туфли. Бошига сочларини турмаклаб олган эди. Аъзамжон вагондан тушиб ҳамма билан қучоқлашиб кўришди. Низомжонни бўлса ердан азод кўтариб олди-да, бир айлантириб яна ерга қўйди.

— Уҳ-хў, жуда азамат бўлиб кетибсан-ку, уйлашиб олганинг йўқми? Қўлингга нима қилди?

У укасидан жавоб кутмай, Дилдорга қаради:

— Вой пучуғ-эй, баришна бўп кетибсан-ку!..

У шундай дерди-ю, Дилдорнинг бўртиб қолган кўкракларидан, тирсиллаб турган билакларидан кўзларини узмасди.

Низомжон ўз бошига тушадиган савдоларнинг худди шу дақиқадан бошланишини қаёқдан билсин. Йигитча фронтчи акасининг келишидан, уйи тўлиб қолишидан қувончи ничга сиғмасди.

Келди-кетди бўлиб Низомжон уч-тўрт кун Дилдор билан бафуржа учрашолмади. Йўл устида шошиб кўришиш, бир-икки оғиз сўрашишлардан нари ўтишолмади. Ниҳоят, уйдан меҳмонларнинг оёғи узилди. Акаси ҳам қишлоқ айлангани чиқиб кетадиган бўлди. У ўзи ишлаган далаларда, боғ ва қирларда кечгача айланарди. Қайтиб келганда юзлари, кўзлари аллақандай қувончдан порлаб турарди. Албатта бу соғинган қишлоғи манзараларига тўйиншдан, ёр-биродарлар билан дийдор кўришишдан.

Маана бугун Низомжон яна Дилдор билан учрашди. Икковлари кеч салқинда адир этагида битта-битта юриб кетишяпти. Низомжон йигилиб қолган гапларини энтикиб, шошилнб гапирар, Дилдор бўлса бепарвоинна унинг гапларига қулоқ солиб борар эди. Умуман, Дилдор кейинги кунларда сал бошқачароқ бўлиб қолган эди. Низомжонни кўрганда бир қизариб оларди-да, пилдираб қочиб кетарди. Бугун у бундай қилолмади. Нонлож қолди. Шу пайт жуда яқинда мотоцикл патиллаб тинди. Бир оздан кейин пастдан Аъзамжон чиқиб келди. У нимадан-дир ҳаяжонланар, Дилдорга ёмон қарар эди.

Низомжон нима бўлаётганини билмай ҳайрон бўлди. Акаси бир унга, бир Дилдорга қараб турди-да, бирдан орқасига бурилиб пастга қараб чошиб тушиб кетди.

Дилдор унинг орқасидан қараб тураркан, шамол кўйлагини баданига қапиштирди. Низомжон дадилланиб, унинг икки билагидан маҳкам ушлаб ўзинга қаратди.

Дилдорнинг гавдаси ўғирилли-ю, юзи, кўзлари ҳамон Аъзамжон кетган томонда эди.

— Қўй, қўй, жинни бўлма.— У Низомжонни кўкрагидан итариб ташлади.

Дилдор унинг чангалидан юлқиниб чиқди-да, олдинга қараб чопди. Низомжон уни қувди, столмади. Қиз этакларини ҳилпиратиб олдинда шамолдек елиб борарди.

Низомжон ўша куни аллақандай ланж кайфият билан уйга қайтди. Акаси супада этигини сечаётган эди.

— Баққа кел, этикни тортиб юбор!

Низомжон хоҳланқирамай акасининг олдига борди-да, этикни тортди. Акаси унга синовчан кўзларини тикиб турарди.

— Ҳа, мунча қовоқ-тумшуғинг осилиб қолди?

— Ҳеч-да,— деди Низомжон.

Кейин у кўзларини юмиб ниманидир ўйлаб кетди.

— Дилдор яхши қиз бўпти. Аммо...

Низомжон акасининг гапига тушунмади. Урндан турди-да, ҳардамхаёллик билан кўчага чиқиб кетди.

Кеч кириб атрофни қоронғилик босган. Осмонда бирин-кетин юлдузлар кўз оча бошлаган ёз кечаси. Низомжон оғир изтиробли ўйлар билан жимжит боғ кўчалардан ўтиб дала йўлига чиқди. Чигирткалар тинимсиз чириллайди. Шабада қуриб қовжираб қолган ўтларни ёқимсиз шитирлатади.

У ўйларди. Соғинтирган акаси келиб уйи обод бўлди, ёр-биродарлари олдида кўпни кўрган акаси билан фахрланади. Бу яқин орада ундан бахтли одам йўқ...

Акаси нима қилмоқчи? Дилдор билан яқинлиги унга ёқмаяптими? Нимага? Балки Дилдорнинг бирор қилиғи акасига ўтиришмаётгандир...

Низомнинг калласига кутилмаганда бир ўй келди. Ё акаси Дилдорни севиб қолдимикин? Йўғ-э! Эҳтимол унинг севишини билмас?

У миясига келган бу ўйдан қўрқиб кетди. Борди-ю, у Дилдорни севган бўлса, эшитганлар нима дейди? Акаси нима дейди? Низомжон ўйлайвериб қийналиб кетди. Уйнинг охири шу бўлди. Уч-тўрт кун акасининг кўзига кўринмай қўя қолади.

Икки кундан кейин Низомжон ўроқчиларга қўшилиб қирга кетиб қолди. Қирда одамларга зор бўлиб туришган эди. Қора терга ботиб буғдой ўрди. Чодир олди-

да кечалари юлдузларга қараб хаёлан Дилдор билан гаплашди. Илқ қир шабадаси унга аллақандай афсоналарни сўзлаб бераётганга ўхшар, уни янада Дилдорга яқин қилиб қўяр эди.

Пигирма кун деганда Низомжон қорайиб, озиб қирдан қайтиб келди. Эшикдан кириб келиши билан дадаси уни койий бошладн.

— Қанақа беғам боласан? Эртага тўй бўлса-ю, бу тентак аллақаёқларда дайдиб юрса.

— Қанақа тўй?

— Акангни уйлантиряпмиз. Кеча тўй юбордик. Эртага тумонатни бошимизга йиғамиз.

Низомжон бирдан севиниб кетди, акаси уйланса ўзи билан ўзи овора бўлиб уни ортиқча тергамай қўяди. У дадасидан секин сўради:

— Акам кимни оляпти?

— Хабаринг йўқми? Юнусали отанинг қизини келин қилляпмиз...

Бу — Дилдор эди! Дадасининг гапи оғзида қолиб, Низомжон сапчиб ўрнидан туриб кетди-ю, беихтиёр бирикки қадам босди. Унинг бу ҳолатидан Иноят оқсоқол ҳайрон эди.

— Нима гап ўзи? Жинни бўлиб қолдингми, бола?! Низомжон гапиролмас, дир-дир титрар эди. Шу пайт куёвлик сарполарини кийиб олган Аъзамжон кириб келди. Укасининг важоҳатини кўриб ҳайрон бўлди.

— Сенга нима бўлди, ука, тобинг айниб қолмадимми?

Аъзамжон унинг елкасига қўлини ташлаб, меҳрибонлик билан юзига тикилди. Низомжон зарда билан унинг қўлларини олиб ташлади.

— Эсинг жойидами?

Низомжон унинг кўзларига газаб билан тикилди-да, кўчага отилди.

Ака билан ука бир-бирининг кўнглини билмасди. Низомжон муҳаббат билан номус ўтида қовуриларди. Аъзамжон бўлса тўй, таптана ҳавосида ўзини қўярга жой тополмасди. Улим ёқасида жон олиб, жон берган йигит бу кунларни озмунча ўйлаганмиди! У ниятига етди. Қишлоқнинг там-там қизига уйлаппти. Аъзамжон кўркам йигит. Ҳозир у куёвлик сарполарида чинакам очилиб кетган. Уни шу туришида кўрган ҳар қандай қиз ҳам ўшини йўқотиши турган гап.

Аммо уларнинг тўйлари бу қадар тезлашиб кетиши

сабабини Низомжон тушунмасди. Ҳамон ўз ёнига ўзи қовурнлар, аламини кимдан олишини билмас эди. Ҳатто у акасининг кўзига тик қараб «Дилдорни мен севаман, уни ўз ҳолига қўй!» деб айтишга ҳам тайёр.

У уйидан чиқиши билан телбадек каловлаб Дилдорнинг уйига қараб чопди. Бу беор, бу субутсиз қизни оғзига келган аламли гаплар билан ҳақорат қилмоқчи, бирга тушган суратини кўзи олдида бурда-бурда қилиб йиртиб ташламоқчи бўлди.

У жаҳл билан кўча эшикни очганда супани тўлдириб ўтирган кексаларни кўриб тўхтади. Ўтирганлардан бири:

— Э, кел, қуда бола,— деб ёнидан жой кўрсатди.

Низомжон нима қилишини билмай серрайиб туриб қолди. Кейин ўтирганларни ҳайрон қолдириб яна чиқиб кетди. Биров ундан, нега келдинг, нега кетяпсан, деб сўрамади.

У гузарга чиқди. Ҳамма ўз иши билан банд. Самоварларда осойишталик. Радио қўшиғини бош эгиб тинглаётганларнинг ҳам ичида уникига ўхшаган дард бормикан? Биргина Низомжоннинггина ичини ари талаяпти.

II

Асрора Низомжоннинг гапини эшитиб ҳайрон қолди.

— Вой, писмиқ, вой, ичингдан пишмай ўлгур Дилдор! Мингирлаб юриб қилган ишини қаранглар.

Эрталаб Асрора правлешнега кетганида Дилдор зевнога келиб ҳамма қизларни тўйга айтиб кетган эди. Дилдорнинг Низомжон қолиб Аъзамжонга тегаётганини эшитиб жигибийрони чиқди.

— Ҳой, қизлар,— деди Асрора шийпонда нимчасини кия туриб,— сенлар ишларингни қилаверларинг, ҳозир бориб у бебурднинг додини бериб қўяй. Вой, тусингни ел егур.

У пириллаганича қишлоққа қараб учди.

Дилдорнинг уйда тумонат одам. Биров ўчоқ ковлаяпти. Биров ўтин ёряпти. Новвой чол пешонасини бойлаб тандирга ўт қалаяпти. Асрора ҳовлига кириши биланоқ энди ишни тўхтатиб бўлмаслигини пайқади. Шундай бўлса ҳам Дилдорни узиб-узиб олмоқчи бўлди.

Томорқадаги супада Низомжоннинг опаси Рисодат Дилдорни тик турғизиб қўйиб атлас кўйлакнинг ёқасини ўлчаяпти. Дилдор уни кўриши билан севиниб кетди:

— Уртоқжонгинамдай айланиб кетай, қарашгани келдингми?

— Тўйингни бузгани келдим.

Унинг гапини ҳазилга олган Рисолат ҳиринглаб кулди:

— Битта шунақа одам тополмай турган эдик.

Асрора то Рисолат кўйлакнинг белли, енгини ўлчаб бўлгунча қараб турди. Охири Рисолат ишнини битказиб чиқиб кетди. Икки қиз ёлғиз қолишди.

— Нима қилиб қўйдинг?— деди Асрора.

— Нима қилибман!

— Юр, баққа! Иш бор.

Дилдор, звенода бир гап бўпти, деб ўйлаб, индамай унинг олдига тушиб кўчага чиқди. Ёнғоқзорга етншганда Асрора нимчасини ечиб майсага ташлади-да, ёнбошлади.

— Утир!

Дилдор ўтирди.

Асрора ўзининг шўхлиги, оғзи ботирлиги билан бутун қишлоқда ном чиқарган эди. У хонаси келганда ҳеч кимни аямасди. Мажлисларда кимнинг камчилиги бўлса, шартта юзига айтаверарди. Ундан раис ҳам ҳайиқарди. Қизлар-ку зириллашарди. Асроранинг звеносида бирон қиз ишдан кеч қолмасди. Қизлар Асрора, тур, деса туришарди, ўтир, деса ўтиришарди.

Бу шаддод қизнинг билмаган ҳунари, қилмаган иши йўқ эди. Раис баъзан: «Ўғил бола бўлиб туғилишинингга бир баҳя қолган экан», деб кулиб қўярди.

У ёшлигинда текканга тегиб, тегмаганга кесак отарди. Атлас кўйлагини қорамойга белаб тракторчининг орқасида эргашиб юрар, у тушликка чиққанда сўрамай тракторнини ҳайдаб қоларди. Раиснинг шофёри сал кўзи шамғалат бўлса, машинасини физилатиб ҳайдаб қоларди. Қишлоқ кўчаларини чангитиб, товуқларни қақалатиб яна жойинга келтириб қўйиб, ғойиб бўларди.

Қиз болани ёмон гап билан сўкиб бўлмаса, уриб бўлмаса, шофёрлар ичнда сўкиниб, мушт ўқталиб қўя қолишарди.

Унинг бунақа ишларини кўрганлар:

— Бу қиздан бир бало чиқади. Унта ўғилнинг ўрини босади, дейишарди.

Асрора Низомжонлар билан бир синфда ўқиган. Улар бир-бирлари билан сенлашиб гаплашишарди. Унинг Низомжонга алоҳида яқинлиги бор эди.

Асрора Низомжоннинг энг яқин ўртоғи Каримжон деган болани яхши кўрарди. Каримжон — бўш-баёвгина, ўлгудек содда, бўшашган эди. Ҳатто қишлоқдагиларнинг ўзлари уни «қишлоқи» деб масҳара қилишарди. Шу бўшашган қишлоқи болани ҳам Асрора одам қилди. Соч қўйдирди, галстук тақадиган қилди. Асрора унга кашта тикилган дастрўмоллар тикиб берди. Дазмолсиз кўйлак кийса, эгнидан ечиб олиб аясига билдирмай ўйида дазмоллаб чиқиб кийдирарди.

Каримжон урушга кетгач, Асрора бирон ой телбанамо бўлиб юрди-ю, дарров ўзини ўнглаб олди. Низомжон билан дардлашадиган, келган хатларни бирга ўқийдиган бўлиб қолишди. Чунки Каримжон Асрора одамлар олдида хижолат бўлмасин, деб унга ёзган хатини ҳам Низомжонга жўнатар эди.

Дилдор Асроранинг ённга ўтирди. Иккови анча вақтгача индамай қолишди.

— Гапир,— деди Дилдор.— Нима гапинг бор? Нимани чатоқ қилиб қўйибман.

Асрора унга ғазаб билан қаради:

— Аъзамжонга тегяпсанми?

— Ҳа.

— Укасига ўптириб, акасига тегасанми?

Дилдор чўғдек қизариб кетди. Юзини ўгириб олди. Аммо чурқ этолмади.

— Гапирсанг-чи, нега ундай қилдинг?

Дилдор унга қарамай жавоб берди:

— Билмадим, билмадим...

— Низомнинг юзига қандоқ қарайсан?

Дилдор жавоб бермади.

— Ака-уканинг бир-бирдан бегона бўлиб кетишини ўйладдингми?

Дилдор бир сесканди-ю, гапиролмади.

— Бу гаплар Аъзамжоннинг қулоғига етиб қолса турмушнинг заҳар бўлишини ҳам ўйлаганмисан?

Дилдор бу тўғрида ўйлаб кўрмаган эди. Кўз олди қоронғилашиб кетди.

Асрора нима қилишини билмай унинг тепасида икки қўлини белига тираб уришишга чоғланган хўроздек турарди.

— Ҳозир тўйни тўхтатасан. Тўхтатмасанг, қишлоқни бошимга кўтариб шовқин соламан, шармандангни чиқараман.

Унга жавдираб боққан Дилдорнинг кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Унинг бу ҳолини кўрган Асрора қарши-сига чўккалади.

— Айт, нима бўлган?

— Тўй бўлмаса, шарманда бўламан. Бир ҳафта бўлди, бир ҳафта... Аъзамжонга текканман...

— Шарманда!

Низомжон қирга чиқиб кетган кунларда, Аъзамжон Дилдорнинг йўлини пойлайдиган бўлиб қолган эди. Қора қош, кўкракдор, хушбичим бу йигит Дилдорнинг ҳам ҳушини ўғирлаган эди. Айниқса, Аъзамжон ҳарбий формада жуда аломат кўринарди. Дилдор Аъзамжонни кўрди-ю, Низомжон кўзига бир ёш бола, гўдак бўлиб кўринди-қўйди.

Қоқ туш пайти эди. Дилдор даладан қайтаётиб йўлни яқин қилиш учун атайлаб тутзор оралаб келарди. Кела туриб тут тагидаги қоқ кесакка қонга ўхшаш бир нима томганини кўрди-да, тўхтади. Биронтаси чуғурчиқ отган бўлса, қони томгандир, деб ўйлади. Шу пайт тепадан кимпингдир йўталганини эшитиб юқорига қаради. Тут тепасида майкачан бўлиб олган Аъзамжон шотут еб турарди. У бир қўли билан шохга осилиб кафтида шотут узатди. Қиз уни ийманиб олди-ю, битта-битта оғзига сола бошлади. Аъзамжон пеш терганини унга пеш узатаверди. Охири ўзини гуп этиб ерга отди. Унинг майкалари, билаклари шотут сачраганидан доғ бўлиб кетган эди. Аъзамжон Дилдорга яқин келиб илжайди. У шундай қулай учрашувни кўпдан ният қилиб юрарди. Мана бугун ниятига етди. Титраб-қақшаб қизнинг билагига қўл узатди. Қиз аввалига қаршилиқ кўрсатди. Кейин иккови бошлашиб кимсасиз тутзор оралаб кетишди. Уша куни улар тутзордан кечга яқин чиқишди. Дилдорнинг қовоқлари қизарган, кўзлари бировга дадил қараёлмасди. Эртаси Аъзамжон яна унинг йўлини пойлади. Қилмиши учун ундан узр сўради. Дилдор йнғлади. Аъзамжон шу сир сирлигича қолишини, яқин орада тўй қилиб унга уйланишини айтиб, қизни тинчитди.

Асрора олисларга термилиб туриб алланималарни ўйларди. Асрора бир нарса тўғрисида фикр юритса дарров қарорга келарди-ю, шартта айтиб қўя қоларди. Дилдор қилган иш уни ҳам ўйлантириб қўйган, нима дейиши, нима қилишини билмасди. Охири у шундай деди:

— Шармандаликни бўйнингга олибсан. Ака билан укани бир-бирдан жудо қилибсан.

Дилдор ўрнidan туришга турди-ю, кетолмай унга бақрайиб қараб қолди. Бирдан хўнграб йиглаб юборди. Дилидаги гапларни ўпкаси тўлиб кетганидан айта олмасди. Асроранинг ўтли кўзларига боқиб туриб гапира кетди:

— Нима қилай, нима қил, дейсан? Ўзамжонни яхши кўриб қолдим. У фронтдан келган кундан бери телба бўлиб юрибман. Кўзимга ундан бошқа ҳеч нарса кўринмайди.

— Низом-чи?— деди Асрора.

Дилдор ерга қаради.

Асрора ўйлаб қараса, кўнгил иши нозик нарса экан. У Дилдорни шима деб айблайди? Иккови бир-бирини севибди. Аллақачон эр-хотин ҳам бўлиб олишибди. Икки орада Низомга қийин...

Асрора Дилдор билан хайрлашмай ўтларни раҳмсиз босиб ёнғоқзордан чиқиб кетди.

Шийпон олдида уни Низомжон кутиб ўтирарди. Асрорани кўриб бирон яхши гап топиб келди, деган ўй билан ўрнidan турди.

Асрора унинг юзига ҳам қарамай шийпонга чиқиб кетди.

— Кўрдингми, гаплашдингми?

— Э, бор-э,— деди энсаси қотиб Асрора.— Оғзингдаги ошни олдириб қўйиб, оби дийда қиласан-а. Отингни эртaroқ қамчиласанг ўлармидинг! Кечикдинг!

Низомнинг боши эгилди.

— Йингит киши ҳам шунақа латта бўладими!

Низомжон бўшашиб, кета бошлади, Асрора уни тўхтатди.

— Қаёққа?

— Кетаман.

— Қаёққа кетасан? Қочяпсанми?

— Билмадим. Бу уйда, бу қишлоқда туролмайман.

— Қишлоқ сенга нима гуноҳ қилди?

Низомжон нима дейшини билмай эсанкиради.

Асрора қараб туриб раҳми келди. «Нима қилсам унинг кўнглини оларкинман?» деб тиклиб қолди.

— Менга қара, кетма. Қочган билан дардинг енгиллашмайди. Ўзингни ишга ур. Иш билан овунасан. Иш кимларни овулмаган.

Низомжон жавоб бермади. Бошни эганича индамай сўқмоқдан кетди.

У нима қилишини билмай, яна довдираб гузарга келиб қолди. Кекса қайрагоч тагидаги кўримсизгина буфетга кирди. Бу ерда ҳам ҳеч ким йўқ. Буфетчи армани чол бир чеккада мудраб ўтирибди. У Низомжон кириши билан бошни кўтариб ҳайрон бўлиб қаради.

— Кел, ўғлон! Аканг юбордимми? Тўй винуни олиб кетасанми?

Низомжон индамади. Шиша балондаги винодан стаканга қуя бошлади.

— Ичмоқчимисан?

— Ҳа, ичмоқчимап.

— Манатинг вор?

Низомжон ёнидан пул чиқариб столга ташлади-да, стакандаги винони симириб, чиқиб кетди.

У ичкилик деган нарсани ҳали оғзига олган бола эмас эди. Ичакларигача ловиллаб кетди. Бирпасда боши гувиллаб, кўнгли ғалати бўлди.

Кўринган кишига дардини айтгиси келаверди. Танишларни кўрса гандираклаб олдига борар, энди гап очиши билан оғзидан гупиллаб вино ҳиди келарди-да, учратган киши қўл силтаб кетиб қоларди.

— Ҳеч ким дардимни эшитмайди. Ҳамма шунақа. Ҳамма ўзини ўйлайди.

Бирдан зардаси қайнаб, биров билан уришгиси келаверди. Ғайрати кўзгаб уйга қараб чопди. У бориб акасининг ёқасидан бўғиб олмоқчи, уни то қўли оғригунча дўппосламоқчи. Гандираклай-гандираклай уйга кириб борди-ю, сунага етмай йиқилди.

Аъзамжон укасининг аҳволини кўриб даст кўтарди-да, айвонга олиб бориб ётқизиб қўйди.

— Аҳмоқ. Сенга ким қўйибди ичишни!— Опасига таъна қилди.— Уни расво қилибсизлар. На гапга кирди, на иш буюрсанг қилади. Талтайтириб юборибсизлар, опа!

Қўли хамир юқи Рисолат ошхонадан чиқиб айвонда ётган Низомжоннинг тепасига келди.

— Бунга ҳеч ким талтайтиргани йўқ эди. Ўзи учтўрт кундан бери ғалатироқ бўлиб юрибди.

Низомжон нимадир демоқчи бўлди. Гапиролмай гўлдирди. Ана шундан кейин у нима бўлганини билмайди. Кўзини очса, ой тепага келган экан. Узоқ-яқинда хўроз-

лар бир-бирини чақиришарди. Уйдагилар аллақачон донг қотиб ухлаб қолишган. Атроф жимжит. Низомжон ўрнидан туриб чойнакдан совуб қолган чойни шимирди. Айвоннинг лабида ўй ўйлаб кетди. Нима қилсин? Тақдирга тан бериб ўтираверсинми? Эртага Дилдор шу ҳовлига келиш бўлиб тушади. Бундан бу ёқ у бир умр шу уйда акаси билан яшайди. Низомжон унинг юзига қандай қарайди?

Низомжон ўрнидан туриб супада ухлаб ётган акасининг тепасига келди. Ҳозир уйғотади, ҳаммасини айтади, тўйни тўхтатади.

Аmmo акасини уйғотиш учун унинг елкасига қўл чўзганда журъатсизлик қилиб шаштидан қайтди. Акасига қараб туриб унга раҳми келгандек бўлди.

Тамом, кетиши керак. Қишлоқдан бош олиб кетиши керак.

У қоронғида тимирскиланиб кийим-бошларини йиғиштирди-да, кўча эшикни ланг очганча, катта йўл томон ўқдек учиб кетди. У югурарди. Дилига озор берган муҳаббат туйғуларини орқада қолдириб акасини, опасини, дадасини ташлаб қочарди.

Туғилиб ўсган қишлоқ, дилига биринчи муҳаббат учқунини ташлаган сой бўйлари қолиб кетди.

III

Қирқ биринчи йилнинг қиши кирди.

Жанубий фронт қўшинлари шиддатли жанглардан кейин Ростов-Дон шаҳрини озод қилдилар. Партизан қиз Зоя Космодемьянскаяни фашистлар дорга осди. Бир варақ кепак қоғозда кечикиб чиқадиган республика газетаси Марғилонга икки кундан кейин келарди. Бирдан-бир янгиликни радио айтиб турибди. Комбинат дарвозаси олдида ҳар кун эрталаб соат саккиз яримда одамлар гуж бўлиб симёғочдаги карнайга қулоқ солишади. Ҳамма ўз ўйи билан бўлиб, жимгина цехларга кириб кетади.

Низомжон шу ерда. Қиладиган иши пиллакашларнинг қозонига ўт қалаш. У неча марта фронтга интилди, бўлмади. Юрт ишида ҳам, шахсий ҳаётида ҳам унинг омади келмади. Уйи, жойи, иззат қиладиган қишлоғи бўла туриб бегона жойларда юрибди.

Узун қиш кечалари бошланди. Низомжон каттақон печда қорамой аралаштирилган кўмир кукунининг ловиллаб ёнишига қараб жимгина ўтирибди. Ташқарида қор бўралайди.

Шу пайт фронтда нималар бўлаётган экан? Совуқ бўронларда окопда ётган тенгқурлари нималар қилишаётган экан? Каримжон нима қилаётган экан? Низомжон бўлса иссиққина ҳужрада, лангиллаб ёнаётган печь олдида ўтирибди. Агар бармоқлари бутун бўлганда шундай қилиб ўтирармиди?

У шундай ҳаёлларга берилган онларда виждони қийналиб кетарди. Тақдирдан дод деб юборарди. Унинг устига деярли ҳар куни бирон ишчи аёл қора кийиниб келарди. Низомжон уларни кўриб турибди. Қора хат олган хотин бош эгиб жимгина дастгоҳи тепасига келар, кўз ёшини атрофдагилардан яшириб қабр устига энгашгандек бош кўтармай ишига уннаб кетар эди. Уруш, ғам одамларни бир-бирига ҳамдард қилиб қўйган эди. Бугун боласидан ё эридан қора хат олган хотинни овутган аёлнинг ўзи эртасига ўғлидан қора хат оларди. Ҳамма бир-биридан кўз ёшини яширарди.

Шу тариқа қиш ҳам яримлади. Низомжон кечаси цех бошлиғининг кабинетида, жилти тўзиб кетган диванда ётарди. Кечалари ухламай радио карнайга қулоқ тутиб, олис фронтда бўлаётган хабарларни эшитарди.

Мана, бугун Янги йил. Одамлар уруш насибаси — ғарибгина дастурхон устида кўп умидлар ваъда қилган қирқ иккинчи йилни кутиб Москва радиосига қулоқ солмоқдалар.

Қишлоқдагилар нима қилишаётган экан? Улар ҳам ҳозир дастурхон атрофида Москвани эшитишаётганмикан? Низомжон ўтган дам олиш куни этик олгани Марғилон бозорига тушганда қариялар чойхонаси олдидан ўтиб кетаётган Адолатни учратган эди. Адолат Аъзамжоннинг яраси тузалниб, бундан бир ярим ой олдин яна фронтга кетганини айтган эди.

Радиога таниш дикторнинг овози тантанали янграмоқда эди:

«Қўшинларимиз Кавказ frontiда илгари силжиб бориб, қаттиқ жанглардан сўнг Феодосия шаҳрини ҳамда Керчь қалъасини ишғол қилдилар. Калуга немис босқинчиларидан тамомила тозаланди».

Низомжон тўинини апил-тапил кийиб цехга югурди. Тунги смена танаффулга чиққан, ҳамма бир-бирини янги йил билан табриклайётган эди. Низомжон у ёқдан-бу ёққа югуриб радиода эшитган гапларини айтар, уларни ўз қувончига шерик қилмоқчи бўлар эди.

Бу қувонч ҳам узоққа бормади. Дарвоза олдида пўстинга ўралиб ўтирган қоровул чол унга бир қоғоз тутқазди:

— Бир шофёр бериб кетди.

Бу ёзув унга таниш. Асроранинг дастхати. Низомжон хатни кўрди-ю, қувончми, аламми, билиб бўлмайдиган бир ҳис вужудини қамраб олди. Хатни ўқиркан, қўллари қалтираб, кўзлари бежо бўлиб кетди.

— Нима гап, тинчликми, болам?

Низомжон гапиролмади. Қўлидаги қоғозни гижимлаб электр лампаси атрофида капалакдек айланаётган қор учқунларига тикилганча туриб қолди.

Чол ташвишланиб яна сўради:

— Гапирсанг-чи, тинчликми?

— Акам...

У гапиролмади. Томоғига бир нима тикилди-ю, энтиктирди. Шу кўйи анча тургач, битта-битта босиб комбинат дарвозасидан чиқиб кетди.

Асрора Аъзамжоннинг ҳалок бўлгани ҳақида хабар келганини ёзган эди.

Низомжон урушда эри, ўғли ҳалок бўлган аёлларни кўрган. Уларга ич-ичидан куйинларди. Аммо бу жудодлик ўз бошига тушишини, тушган тақдирда қандоқ қилиб чидашини хаёлига келтирмаган экан. Мана энди акаси йўқ!..

Низомжон қандай қилиб тонг оттирганини билмади. Низомжон цех бошлиғидан ижозат олиб тонг ёриши билан Олтиариқ йўлига чиқди-ю, ўткинчи машинага қўл кўтарди.

У Чортеракка кун ёйилганда кириб борди. Том-тошларни қор босиб ётибди. Изғирин кўз очирмайди. Анҳор бўйидаги мажнунтол бутунлай қорга кўмилиб кетган. Кўприк устидаги қайрағоч новдаларини булдуруқ ўраб, танасигача оппоқ қилиб қўйган. Аммо Низомжон бу совуқ, нохуш манзарага парво қилмасди. У уйга, жигарининг мотамига шошарди.

Йўлда одам учрамасди. У маҳалла кўчасига бурилгандагина ора-чора одамлар йўлиқа бошлади. Улар кўпдан бери кўринмай кетган Низомжонга совуққина

қараб қотншарди. Баъзиларининг кўзида ачинишми, раҳмдилликми, аллақандай ифода бор эди.

Унинг қадами тезлашди. Муюлишда уйнинг бир тавақали эшиги кўринди.

Аммо у остонага келганда ерни босиб ётган қор устида саноқсиз оёқ излари борлигини сезмаган эди. Уқдек отилиб ҳовлига кирди. Кирди-ю, ошхона олдида бели боғлиқ опасига кўзи тушди.

— Вой, акангдан айрилиб қолдик! Жигаримдан айрилиб қолдик!

Рисолат югура келиб уни бағрига босди-ю, тўлиб-тўлиб йиглади. Ичкаридан букчайиб қолган дадаси Иноят оқсоқол чиқди. У Низомжонга совуқ бир назар ташлаб жойидан қимирламай тураверди.

— Қаёқларда тентиб юрибсан? Арслонимдан жудо бўлдим.

Низомжон ҳам карахт бўлиб қолгандек жойидан қимирламасди.

— Акангдан ажралдик. Олис юртда, бегона тупроқда қолди. Уз қўлинг билан жигарингни қабрга қўймадинг. Бу кунлар дилингга армон бўлиб қолади.

Рисолат унинг елкасидан қўлини олиб дадасига қаради.

— Нима қиласиз, дада, боланинг юрагини эзиб. Ҳар қанча гап бўлса, мана, келди. Бафуржа гаплашасиз.

Нихоят, оқсоқол бир сўз демай ичкарига кириб кетди. Сал ўтмай зуйдан қорининг қуръон тиловат қилгани эшитилди.

Қуръон товуши ҳеч қачон бахтли кунларни эслатамайди. Унинг ҳар бир сураси қабристон жимлигини, бойқушлар кўзи чақнаган мазор даҳшатини эслатади. Ҳозир Низомжоннинг ҳам кўзига қорга бурканган оппоқ қабристон кўринарди.

У ҳамма нарсани унутди. Худди шу соат, худди шу дақиқадаи бошлаб, ўзининг болалиги тамом бўлганини, бирдан катта бўлиб қолганини сезмасди.

Орқа томонидан оёқ товушини эшитиб Низомжон беихтиёр ўгирилди.

Остонада сочини ёзиб, белини боғлаган Дилдор турарди. Унинг қовоқлари шишган, уйқусизликдан бўлса керак, ранги оппоқ оқариб кетган эди.

Низомжон беихтиёр орқасига тисарилиб унга йўл

берди. Дилдор бошини эгиб гуноҳқорона бир вазиятда ёнидан ўтиб кетди.

Қорининг овози ўчди. Уйдан кишиларнинг йўталиши эшитилди. Низомжон ичкарига кирди. Деразалари қи-ров бойлаганидан қоронғи бўлиб қолган хонада тўртта чол ғўнғир-ғўнғир гаплашмоқда эдилар. Иноят оқсоқол пойгаҳда чой қуйиб ўтирибди. Низомжон кириши билан чоллар ўринларидан қўзғалиб қўйишди. Курсиси олиб ташланган сандал чўғига қўлини товлаб ўтирган чол Низомжоннинг дадасини юпатарди.

— Энди, қандоқ қилайлик, Иноят. Пешонага шундоқ битилгандан кейин иложимиз қанча? Уч-тўрт ойгина бўлса ҳам дийдорига тўйдириб кетди. Тўйини кўриб қол-дингиз. Биз шўринг қурғурларнинг олло таоло олдида шунча гуноҳимиз бор эканмики, доғи ҳасратда ётибмиз. Болагинамни кўрмадим. Болаларимизнинг қабри қайда, жасади қайда, бир оллонинг ўзи билади. Шу бир парча қогозга қараб аза очиб ўтирибмиз. Эҳ-ҳе, сиз билан мендақалардан қанчаси қон-қора қақшаб ўтирибди.

Чолнинг юзлари бужмайиб, серажин бетлари кичкин-на бўлиб кетди. Низомжон чолнинг ўғли ҳалок бўлгани-дан беҳабар эди. Низомжон уни яхши танирди. Уруш-дан олдин МТС да грузовик ҳайдарди. Жуда чиройли йиғит эди. У кирган уй тўлиб кетарди. Самоварда у ўтирган сўрига одам ёпириларди. У билмайдиган афан-ди латифаси йўқ эди. Кўчада биронта танишини учратиб қолса, машинани тўхтатиб: «Битта янгисини топиб қўй-дим, айтиб бераман», деб латифа айтиб кулдириб ўтиб кетарди. Ашулани ҳам яхши айтарди, овози ширали эди. Шундай қувноқ, шундай кўркам йиғит ҳам ҳалок бўлибди.

Чоллар фотиҳа ўқиб ўринларидан туришди. Низом-жон дадаси билан уларни остонагача кузатиб чиқди. Қайтиб дадаси уни уйга бошлаб кирди-ю, ўтқизиб тер-гов қила кетди.

— Қаёқда юрибсан, аҳмоқ? Сенга нима гуноҳ қил-ган эдик? Қани, айт!

Низом энгашиб тек ўтираверди. Чол бошини са-рак-сарак қилиб, унинг жавобини кутарди. Уғлидан жавоб бўлмагач, яна ўзи гап бошлади:

— Хўш, шунча тентиб юриб нима орттирдинг? Уст-бошингнинг исқиртлигидан нима орттирганингни кўриб турибман. Қариганимда қўлтиғимга кирарсан, рўзғорим-нинг бир чеккасида кўтаришарсан, деган эдим. Э, эсиз,

эсиз берган тузим. Сен тенгилар пул топиб рўзгор теб-
ратаяпти, бола чақа боқяпти. Қани, айт, энди нима
қилмоқчисан?

Шу пайт опаси дастурхон йиққани кирди. Ота-бола
ўртасида ўтаётган гапнинг маъносига тушуниб, у ҳам
ўтирди.

— Опагинанг айлансин. Биттангнинг доғи ҳасратинг
ҳам етар. Нимадан, кимдан дилинг оғриганини билмай-
ман. Аканг дадам бечоранинг белини букиб кетди. Энди
сен куйдирма. Эс-ҳушингни йиғ. Енига кир. Бу уруш ўл-
гур ҳамма ёқни қийратяпти. Дадамнинг ҳам беш кун-
лиги борми, йўқми, ёнида бўл. Акангнинг азаси деб бор
буд-шуддан айрилдик. Етиб еганга тоғ ҳам чидамайди.
Ўзимизнинг колхозда ишла. Дилдор — келин аянг, оғир
оёқли. Ишга ярамай қолган. Эртами-индин кўзи ёриса
бир-икки йил колхоз ишини қилолмайди. Дадам ўзингга
маълум. Мендан умид қилманглар, болаларимни ўзим
эплаб, қўлларингга қарамай турганимга шукур қилин-
лар. Жон ука, шу ерда қол. Ҳозир бировдан гина қила-
диган пайт эмас. Яхши гапдан бошқа ёрдамим йўқ.

Низомжон опасининг гапларини чин юракдан эши-
тиб ўтирарди. Тўғри, қолиб шу ерда ишлаши керак.
Рўзгорни ўзи қўлга олиши керак.

Бироқ, бироқ Дилдор яшаётган уйда туришни у ўзи-
ни ўзи ҳақоратлаш деб биларди.

Дилдорга ҳам у билан бир жойда туриш осон бўлар-
микан?

Қанчалик қийин бўлмасин, Низомжон қишлоқда қо-
лишга, кексайиб қолган дадасига тиргак бўлишга аҳд
қилиб қўйди.

— Хўп. Қоламан, опа.

IV

Низомжон Марғилонга тушиб, уйдаги аҳволни ту-
шунтириб, ишдан бўшаб келди. Отаси Иноят оқсоқол
яна тирикчиликнинг пайига тушиб эртадан-кечгача қў-
лига омбур, сим олиб супурги бойладн. Эшакка ортиб
ўзи пиёда қор кечиб Марғилонга қатнайди. Рисолат ҳа-
мон таъзиянинг расм-русмларини тўла-тўкис қиламан,
деб рўзгорда борини барбод бермоқда. «Шундай укэм
тупроқда ётаверадими, ҳеч бўлмаса ўз топгани ўзининг
маъракасига ярасин», деб Дилдорнинг бисотидаги бори-

ни битталаб бозорга чиқаряпти. Иноят оқсоқол ёшлигидан бир гапини икки қилмаган қизини бунақа харжлардан тиёлмасди. Оила изминин бутунлай унинг қўлига топшириб қўйган эди.

Низомжон Каримдан келган хатни Асрорага олиб борган эди. У билан анча гаплашиб, тушга яқин табнати равшан тортиб уйга келди.

— Дунёда нима гаплар бор, болам?— деб қолди отаси.

Низомжон энтика-энтика гап бошлади:

— Утган кун Фарбий фронтдаги қўшинларимиз пойтахт яқинидаги Можайск деган шаҳарни озод қилишган эди. Энди Москва области душмандан бутунлай тозаланибди.

Чол бу гапдан оғзини очганича анграйиб қолди.

— Шу билан уруш тамом бўладими?

— Йўқ, дада. Немис ҳали бизнинг ернимизда?

Чолнинг юзлари яна бурушиб кетди. У соқолнинг учини бармоғига ўраганича тиззасига тикилиб қолди.

Рисолат Низомжоннинг олдига бир коса мастава келтириб қўйиб, айвон устунига суяганича унинг хўриллатиб овқат ичишига қараб турарди. Оқсоқол ҳассасини дўқиллатиб кўчага чиқиб кетгандан кейин кўрпачага ўтириб, укасига тикилди.

— Низомжон, менга қара, укажон,— деди у журъатсизлик билан,— жигар жигарга ёмонлик раво кўрмайдиган-а?

Низомжон унинг нима демоқчилигини билолмай ҳайрон бўлди. Елкасини қисди.

— Йўқ, аввал шунини менга айт. Жигарнинг жигарга ёмонлик раво кўрганини эшитганмисан?

Низомжон бош чайқади.

— Балли, ука. Мен опангман-а? Мен ҳам сенга ёмонлик қилмоқчимасман, дадам ҳам шундоқ. Кўп ўйладик. Ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келдик. Энди гап сенда қолди. Йўқ десанг, илло-билло юз кўрмас бўлиб кетамиз.

Низомжон опасининг феълини яхши билди. У тутган жойидан кесадиган хотинлардан. Унинг дастидан поччаси дод дерди. Қилдан қийиқ топиб, жанжал чиқарарди. Шу феълдан икки марта қўйди-чиқди бўлиб, уйга кўчинин ортиб келган, беш боласини кўзи қиймаган поччаси ялиниб-ёлвориб яна кўчириб олиб кетган эди.

Албатта у Дилдорга ҳам кўп кўргилиякларни солган бўлиши керак. У Дилдор кўчага чиқдимн, дарров уйга кириб қутисини ковлаб нимасн бор, нимасн йўқлигини билиб оларди. Унга қайнагачилик қилиб иш буюрар, қилган ишидан албатта хато топиб, койир эди.

Низомжон опасининг гапни узоқдан бошлаб, даромад қилаётганидан бирон кўнгилсиз гап борлигини билиб, юраги шув этиб кетди. Агар шунчаки гап бўлганда у бобиллаб гапириб ташларди. Йўқ, у ялинганга ўхшаб, шартини аввал ўртага ташлаб гап бошляпти. Нима гап экан?

Опаси гапдан олдин жиндек кўз ёши қилиб ҳам олди.

— Аъзамжонгинам қандоқ йингит бўлган эди, қандоқ йингит бўлган эди-я. Қарчиғайдек укамдан айрилиб ўтирибман. Менга осон тутма, ука. Сен ҳали ёшсан, биттагина болага ота бўлгин, жудоликнинг қанақа бўлишини биласан. У кетди. Ундан нима қолди? Худди дунёга келмагандек кетди. Суқсурдеккина хотини қолди. Эртани индин Дилдор албатта кетади. Бисот-бағални шипириб, уйни шипшидам қилиб кетади. Ёш умрини беваликда хазон қилармиди? Укамдан ҳомиласи бор. Бола дунёга келса кимларнинг қўлига қарайди?

Унинг гаплари Низомжоннинг жигар-бағрини эзиб юборди. Бошини эгганча пиқ-пиқ йиғларди у.

— Ойдеккина жувон қўлдан чиқиб кетмаса, дейман. Укагинамнинг боласи бировларнинг эшигида хор бўлмаса, дейман.

Низомжон опасининг гапларидан, Дилдорни кетқизма, шу уйда тураверсин, деган маъно англаб:

— Шу уй уники, даъвом йўқ,— деди.

— Йўқ, бошқа гап айтмоқчиман. Шариятда шарм йўқ, Дилдор қўлимиздан чиқиб кетмасин, дейман. Акангнинг боласига ота бўлиб, пешонасини силасанг дейман. Шарият бунга йўл беради. Дадам уламолар билан гаплашиб китоб кўриб келди.

Низомжоннинг танасига электр токи ургандек вужудни зирқираб кетди. Опаси нима деяпти? Акангининг хотинига — келин аянигга уйлан, деяпти! Бу қандай гап! Бу гапни биров эшитса нима дейди? Унинг, юрт урушда жон олиб, жон бераётган пайтларида бирон хизмати билан шу курашга ҳисса қўшолмай, майда ишлар билан уриниб юрганни етмагандек, энди акасининг хотинига

уйланиши қолганмиди? Наҳотки унда виждон бўлмаса, наҳотки иззат-нафс деган нарса бўлмаса! У опасининг, дадасининг гапига кириб шу ишга рози бўлса, бир умр виждон азобидга қолиб кетмайдими? Қандай яшайди? Одамларнинг кўзига қандай қарайди? Эрта-индин уруш ҳам тугаб қолади. Омон қолганлар қайтиб келишади. Шунда улар: «Сен нима қилдинг?», деб сўрашса, нима деб жавоб беради? «Келин аямга уйланиб, бурчак-бурчакда тирикчилик қилиб юрдим», дейдими? Ҳеч ким сўрамаса ҳам, Карим сўрайди.

Наҳотки опаси Дилдорга шунчалик меҳрибончилик қилаётган бўлса? Наҳотки акасининг ҳали туғилмаган боласига шунча меҳрибонлик қилса? Йўқ, унинг дарди бошқа. Низомжон опасининг дардини билади.

Дилдор кексайиб қолган Юнусали отанинг ёлғиз боласи. Ота қизини тўқис-тугал мол билан узатган. Унинг устига дардчил чолнинг беш кунлиги борми, йўқми. Оқ тунука томли ичкари-ташқарили ҳовлига Дилдордан бошқа меросхўр йўқ. Опаси ана шуларни ўйлаб, уни укасига раво кўряпти.

Наҳотки Дилдор бу гапларга рози бўлган бўлса?

Низомжоннинг сукутга кетганини опаси ризо аломати деб ўйлади-да, унинг елкасига қоқиб гапирди:

— Хўп дейишингни билардим. Энди гап шу. Дилдорнинг кўнглини ол. Уни бундан бу ёқ келин ая, деб чақирма...

Низомжон шердек бўкириб ўрнидан туриб кетди. У қалт-қалт титрар, кўзлари қинидан чиқай деб опасига ўқрайиб қарар эди.

— Мени ким деб ўйлаяпсиз? Шу гапни нима деб гапирдингиз? Одамгарчиликдан чиққан деб ўйлаяпсизми? Виждонсиз деб ўйлаяпсизми? Узимни осиб қўйсам қутуламанми?! Узимни чавақлаб ташласам қутуламанми?

Унинг бўғиқ, аламли бақиршидан йўлакда турган дадаси ҳассасиз, энгашганича ариқ лабига келди.

— Нима гап? Нимага бақиряпсан, аҳмоқ?

Унинг важоҳатидан кўрқиб кетган опаси қочиб дадасининг орқасига яширинди.

— Мусулмонман дейсиз, дада. Шуми мусулмонлик?!

— Бақирма! Битта-яримта эшитиб қолса нима дейди?

— Акам гўрида тик турмайдими? Ҳеч бўлмаса арвоҳ хотира қилипг.

— Арвоҳ хотираси деб шу ишни қиляпмиз. Раҳматлик акангининг биргина ёдгори ёт-бегоналар қўлида хорзор бўлса, майлими?

— Бу замонда ҳеч ким хор бўлмайди, зор бўлмайди.

Шу пайт чорбоғдан эчки етаклаб Дилдор кириб келди. У ота-бола ўртасида нима гап бўлаётганини билолмай эшик олдида тўхтаб қолди. У, Низомжоннинг шунча вақт йўқ бўлиб кетганига чол уни энди қийин-қистоққа оляпти, деб ўйлади. Иноят оқсоқол унга ёмон ўқрайди.

— Болам, сен ишингга қарайвер. Бу ўзаро гап.

Дилдор эчкини беҳига боғлаб, яна чорбоққа юра бошлаган эди, чол унга ўдағайлаб берди:

— Ҳой, эчки беҳининг пўстлоғини шилиб ташлайди-ку!

Дилдор чурқ этмай, эчкини ечиб кўчага олиб чиқиб кетди.

— Бола, шуни яхши билиб қўйки, менинг айтганимни қиласан.

Низомжон шу ёшга кириб дадасининг гапини икки қилган бола эмасди. Ҳамма вақт нима деса бош эгиб, хўп, деб келган. Иноят оқсоқол болаларини аямасди. Уларни бирон марта илиқ-иссиқ гап айтиб эркалатмаган. Акаси Аъзамжон гождроқ эди. У дадасининг гапига хўп дерди-ю, кейин ўзи билганча иш тутиб кетаверарди. Низомжон унақа эмас, соддалигидан, тўғрилигидан дадасига чап беролмасди. Мана, у умрида биринчи марта ота юзига тик қараяпти. Унинг ёмон қарашидан Рисолат безовталаниб қолди. Бирон кори ҳол бўлмасин, деб ота-бола ўртасига кирди.

— Ҳой бола, жинни бўлма. Хўп, де!

— Йўқ!— у дадасига юзланди.— Дада, уялмансизми, андиша қилмайсизми? Акамнинг тупроғи ҳали совинмай туриб-а?..

— Дадангга шунақа дейсанми, ярамас!

Чол унга ўдағайлаб яқин келди.

— Хўп, десанг, деганинг, бўлмаса...

Юрагининг аллақаерида бир нима узилиб кетгандек Низомжон энтикди. Кўзлари тиниб, олам қоп-қора зимистонга айлангандек бўлди. Икки тиззасида дармон қолмай оғир калтаклардан шалайим бўлиб йиқилиб, ўрнидан турганга ўхшарди. Дадаси нима қилмоқчи, оқ қилса-я. Унда дунёда кими қолади? Нимаси қолади? Энди унинг одам бўлиб яшашидан нима маъно чиқади?

Низомжон кўзларини жавдиратиб дадасига қаради.

— Дадажон, ўйлаб кўрсангиз-чи? Ўз болангизга шу кунни раво кўрасизми? Бунақада мени тириклайин кўмасиз-ку. Акамнинг ўрнига мен ўлиб кетсам бўлмас-миди!

— Кошки эди...

Низомжон ҳўнграб йиглаб юборди.

— Жон дада, ниятингиздан қайтинг. Барибир мен бунга кўнмайман.

— Шунақами?

— Дурустроқ ўйлаб кўринг...

— Шунақами?

Низомжон изтироб билан қичқирди:

— Ҳа!

— Оқ қилдим, сени! Сендақа болам йўқ! Оқпадарсан! Йўқол бу уйдан!

У, бир муддат дадасининг ўт чақнаётган кўзларига маъюс боқиб турди-да, битта-битта босиб йўлак томонга юрди. У бирдан тўхтаб орқасига ўгирилди. Еш тўла кўзлари билан туғилган уйига, ҳовлига, болалик йилларида эмаклаб бориб сув ичган ариққа, чумчуқ боласини оламан деб тирмашиб чиққан кекса ўрик шохларига, варрак учирган том бўғотларига тикилганча туриб қолди. Огилхона олдида занжирланган Олапар унга қараб думини ликиллатар эди. Низомжон бориб унинг бўйнидан қучоқлаб, бошларини, қулоқларини эзгилади. Зийрак ит бир нима сезгандек, Низомжоннинг эзгилашларига туриб берди. Низомжон унинг бўйнидаги занжирини ечиб юборганда ҳам, жойидан қимирламай маъюс қараб ётаверди.

Низомжон уйга кириб онасининг рамкага солинган суратини олиб чиқди-да, кўкрагига босганича ҳеч қаёққа қарамай кўчага югурди.

У қайрағоч тагига етганда девор рахнасидан ошган бўлса керак нимчалари, тирсаклари тупроқ бўлиб кетган Дилдорнинг йўл ўртасида турганини кўрди:

— Нима бўлди?

Низомжон унга ёмон қаради:

— Айт, нима бўлди?

— Хонадонимизга кулфат олиб келдинг, шумқадам!

Низомжон йўлини тўсиб турган Дилдорнинг юзига қарамай ўтиб кетди. У алам билан йиглаб қолган Дил-

дорга қайрилиб қарамди. Шамолдек елиб бораркан, қулоғида ҳамон, «оқпадар», «оқпадар», «оқпадар» сўзи такрорланарди.

У маҳалла кўчасидан чиқиб дала йўлига ўтиши билан қадами секинлашди. Ичидан келган кучли хўрсиниш томоғини куйдирди. Бир нима шитирлагандек бўлди. Ўгирилиб қараса, орқасида бошини эгиб Олапар эргашиб келяпти. У яна унинг бўйнидан қучди.

— Сен қол, сен қол. Сен оқпадар эмассан. Қол! Қол!

Ит унинг гапларига тушунмади. Яна эргашаварди. Низомжон ердан кесак олиб унга отди. Тегмади. Ит яна эргашди. Охири у каттакон тошни олди-ю, кучининг борича унга улоқтирди. Ит ангиллаб орқага қайтди-да, нарироқ бориб ўтириб олди. Низомжон кўздан йўқолгунча орқасидан маъюс тикилганча қолди.

Қишлоқдан узоқлаб кетган Низомжон қўйнидан она суратини олиб тикилди-да, ҳасрат-надомат билан ингради.

— Ая, аяжон!..

И К К И Н Ч И Б У Л И М

I

Ердан қор кетган бўлса ҳам, кўлмак сувларнинг бети эрталабга яқин пиёз пўстидек муз бойларди.

Баҳор баҳор экан. Олисда ўт ёнишига қарамай, шаҳарлар вайрон бўлишига, одамлар ўққа учишига қарамай барибир баҳор одамлар кўнглига аллақандай илиқлик олиб кирарди.

Ҳар якшанба тўн кийиб, этигини мойлатиб Марғилонга тушадиган қишлоқ йиғитлари энди олисда — урушда.

Бу томонларга эндигина расм бўлган баланд пошна-ли туфлилар сандиққа тушган. Қийганда кўзни оладиган қичиқ атлас энди қизларнинг кўнглига сиғмайди. Ҳамманнинг кўзи фронт йўлида.

Зириллама гузаридаги катта қайрағоч шохига илинган радиокарнай тагига кунига тўрт маҳал одағи йиғилади. Одамлар жим. Ҳар ким сукут ичида фронт йўлларидан, вайрон бўлган қишлоқлардан, олинган шаҳарлардан ўз боласини, акасини, укасини қидиради. Шундай сукут билан яна тарқаб кетади.

Мана, тагин баҳор келди. Ҳувиллаб қолган дарахт шохларига қушлар чўп ташиб ин қура бошладилар. Зириллама гузари ҳам секин-секин гавжум бўла бошлади. Баҳор одамларни уйдан етаклаб чиққан, офтоб зах уйлариинг деразасидан мўралаб қишдан қолган рутубатни ҳайдамоқда.

Деворлари нураб қолган ҳовлининг кунгай томонидаги айвонда кексагина бир хотин камзулига тугма қадаб ўтирибди. Офтоб қиздирган қора кўрпачада ҳурпайиб ётган мушук унинг қатим тортаётган қўлларига қараб хуриллайди, ғалтак ипни олиб қочишга пайт пойлайди.

— Қўй, Мош, бу сенга ўйинчоқ эмас. Йўқотиб қўйсанг, кейин ипни қаёқдан топаман?

Мушук унинг гапларига тушунгандек, яна хуриллайди.

— Сен ўлгур гапга тушунармидинг, сенга ўйин бўлса.

Хотин ишини битказиб ўрнидан турди. Устун олдига келиб бўй чўзиб кўча томонга қаради. Кўчадан гупчагини моё тегмаган арава гичиллаб ўтаётган эди. Эгарда ўтирган киши букчайиб ниманидир мингиллаб хиргойи қиларди. Арава эшик олдига келиб тўхтади. Эгардаги киши арава шотисига оёқ тираб девордан қараб қичқирди:

— Ҳо, Жаннат хола, уйдამисиз?

— Кираверинг, Умматали, кираверинг.

Умматали гуп этиб ўзини ерга ташлади-да, ҳовлига кирди.

— Раис юборди,— деди у, у ёқ-бу ёққа аланглаб.

— Аравангизни деворга тўғриланг. Ана, олиб кетаверинг!— Жаннат хола девор тагидаги буғи чиқиб турган гўнг уюмини кўрсатди.

Умматали ташқарига чиқиб аравани тўғрилади-да, қайтиб кириб паншаха билан рахнадан ошириб аравага гўнг ота бошлади. Хотин унга разм солиб туриб ичи эзилиб кетди. Қандоқ юрарди-я! Қишлоқда уни каттадан-кичик «Умматали паратка» дерди. Қийган кийимига гард юқмасди. Чий бахмал пимчасининг кўкрак чўнтагидан соат занжири осилиб турарди. Энди букчайиб қопти. Қийимлари ҳам бир ҳолатда. Азизхони урушга кетди-ю, шу кўйга тушди.

Жаннат хола айвон лабига ўтириб унга тикиларкан, гўнгли алланечук бўлиб кетди. Ўрнидан туриб олдига келди.

— Азизхондан хат борми, ўргулай?

Умматали паншаха дастасига бағрини бериб анча туриб қолди, унга қарамай, бир хўрсиниб олди-да деди:

— Анча бўлди келмаганига.

Жаннат хола негадир бош қимирлатди.

— Меникидан ҳам хат йўқ. Қандоқ қиламиз, ўргулай.

— Икромжондан-чи? — деди Умматали ерга қараб.

— Яқинда хат келган эди. Тинчман, дебдилар.

— Хайрият.

Умматали бошқа гап сўрамади. Ишини битказиб эгарга минди-ю, хайр ҳам демай жўнаб қолди.

Ҳовли жимжит. Мушук ҳамон хуриллайди. Кампир айвонда кафтини нягига тираганича ўтирибди.

Боласи турмай-турмай, якка-ёлғиз арзандаси Турсунбойни шамолни ҳам раво кўрмай авайлаб боқиб катта қилди. Кечалари ухламай, шу ёлғизимнинг умрини узун кил, деб худога нола қилиб чиқарди. Ҳозир қаерларда юрган экан? Дийдорини бир кўриб ўлса. Турсунбойнинг алпдек қоматини бағрига бир босиб ўлса армони қолмасди.

Кампирнинг дилида, тилида кеча-ю кундуз шу гап.

Аммо Турсунбойдан хат ҳам, хабар ҳам келмасди. Дадаси ҳар хатида: «Турсун қалай, армияга чақирилмадими? Касал-пасал бўлгани йўқми, нега хат ёзмайди?» деб сўради.

Ота унинг армияга кетганидан беҳабар эди.

Турсунбой кетаётган куни онасига қараб турганда кўзларида ёш йилтирагандек бўлган эди. Жаннат хола ҳалигача билмайди — ўшанда ўғли йиғлаганмиди, ё пешонасидан томган тер йилтираб шунақа кўринганмиди?

Она кўзи олдида ўғлининг қоп-қора қошлари, чақнаган кўзлари қолди. Йигирма бир йил атрофида парвона бўлиб, айланиб-ўргилиб боққан боласини уруш бағридан юлиб олди. Ҳозир у қаёқларда юрган экан? Очминкан, тўқминкан? Лекин она кўнглига таскин берарди: «Болам юрт ишига яраб қолди. Кўпга келган тўй экан, қандоқ қилай, қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, ишқилиб, ёлғизим соғ-омон келсин!»

Жаннат хола ўрнидан турди-да, битта-битта босиб кўча эшигидан ташқарига қаради.

Дала офтобда яшнарди. Кимдир тўқ-тўқ теша уриб ишкомга поя кесяпти. Катта ернинг охиридаги тош йўлдан юк машинаси гуриллаб ўтиб кетди. Кампир автомо-

биль овозини эшитмаганига ҳам анча бўлиб қолган эди. Бу товуш негадир унга урушдан аввалги пайтни эслатди. У Турсунбой билан шунақа машинада Марғилонга тушган эди. Эри Икромжон Москвадан келатганда она-бола уни ўша ерда кутиб олишган.

Кампир кўчага чиқди-ю, беихтиёр гузарга қараб юра бошлади.

Бугун негадир Зириллама жуда гавжум. Идора олдида қора машина турибди. Каллакланган толларга саккиз чоғли от бойланган. Кампир ҳайрон бўлиб самовар сўрисига ўтирди. Чойхўрлардан бири:

— Ота анча озиб қопти-я,— деди.

— Йўлдошвойга ҳам осон тутиб бўлмайди,— деди унга бир мўйсафид.— Бошида юртнинг ташвиши, уйқусининг мазаси йўқдир. Ўзимиз мисол, кичкинагина рўзгор деб не кунларни кўряпмиз.

Кампир уларнинг гапидан Зирилламага Йўлдош Охунбобоев келганини билди. У Охунбобоевни яхши танирди. Акаси билан бирга катта бўлишган. Икромжон билан бўлса яқин оғайни эди. У ҳар гал Марғилон келганида албатта Икромжонни суриштириб, ўзи Зирилламага келолмаса, албатта олдириб кетиб, бирпас чақчақлашиб, Андижонга тўтиб кетар эди... Зирилламага келган пайтларида Икромжонни чақиртириб ўтирмай, ўзи тўппа-тўғри эшикни очиб кириб келаверарди. Утган йилди Жаннат холанинг акаси Содиқжон вафот қилди. Йўлдош ота эшитгапмикан?

Идорадан Охунбобоев билан Райнимберди тоға чиқди. Уларга эргашган ранслар сал орқароқда қолишди. Ота Тоғани қўлтиқлаб олиб чойхона томонга юра бошлади. Улар қандайдир зарур гапни қизишиб сўзлашарди. Охунбобоев нимадандир жаҳли чиққандек, Тоғага қаттиқ-қаттиқ гапирарди.

Улар сўрига яқинлашаркан, ҳамма ўрнидан турди. Бирдан отанинг кўзи Жаннат холага тушди.

— Ия, ия, синглим, тинчмисан?.. Эшитдим. Икром фронтда экан. Хат борми? Эркатоё қалай, яхши юрибдим?

У устма-уст савол берганидан Жаннат хола нима деб жавоб беришни билмасди.

— Турсунбойингиз ҳам кетди.

— Битта ўзинг қолибсан-да? Содиқ ҳам қазо қилибди...— Охунбобоевнинг кулиб турган юзи бирдан жид-

дий бўлиб қолди. Икки қошининг ўртасига тугунчак тушди. Кўзлари бир нуқтага тикилганича индамай гуриб қолди. Кейин дард, алам билан сўрига келиб ўтирди.— Кўпни кўрган киши эди. Яхши одам эди.

Бошқа гап айтмади. Узатилган пиёлани олиб индамай ўтираверди.

Ким билади, у Содиқжон билан ўтказган йигитлик йилларини эслаётибдим, йўқотган азиз оғайниси учун ичидан йиғлаяптими. У шу кўйн анча жим ўтиргандан кейин совиб қолган чойни ҳўплаб, Жаннат холага қаради:

— Якка қолганинг ёмон бўлибди. Улар келгунча Тошкентга олиб кетайми? Бизникида тура турасан.

Жаннат хола бош тебратди.

Охунбобоев ўрнидан қўзғалди.

— Майли, ўзинг биласан. Райим, хабар олиб тур. Зориқтириб қўйма. Икром келганда уятли қилма бизни. Менга гапинг йўқми, синглим?

— Йўқ. Сизни кўриб акамни кўргандек бўлдим.

Йўлдош ота ўтирганлар билан ҳазиллашиб ўтиб кетди. Улар негадир шаҳар томонга эмас, далага қараб кетишди.

Жаннат хола ўрнидан турди. Яна уйга қараб йўл олди. У энди негадир ўзини сира ёлғиз қолганга ўхшатмасди. Бу ерда кимидир борга, кимнингдир нафаси димоғига тегиб турганга ўхшайверди. Хаёлидан ёмон ўйлар нари кетди.

Ҳувиллаб қолган уйда ёлғиз яшаш қийин. Ҳовли ютаман дейди. Аммо Жаннат хола ёлғизликка кўникиб қолганди.

Кеч кирди. Чироқ ёқиб айвонда яна кундаги ўтириши бошланди. У ёлғиз эмас. Хаёлида эри билан, арзанда боласи Турсунбой билан худди тўғрима-тўғри ўтиргандек гаплашарди.

Ой чиқди. Яланғоч новдалар орасидан ўтгунча бети тимдалангандек ҳориб-чарчаб терак учига чиқиб олдида, қимирламай туриб қолди.

Қўшни ҳовлида хўроз қичқирди. Қаердадир ит улиди. Кимнингдир боласи биғиллаб йиғлади.

Бирдан эшик тагида ит вовиллади. У гўё уйга кириб қолган нотаниш кишини таламоқчидек жон-жаҳди билан вовилларди. Жаннат хола чўчиб кетди. Яна эшик томонга кулоқ солди. Эшик ҳалқасини кимдир қоқарди.

— Ким?— деди Жаннат хола безовталаниб.

— Мен, мен, Жаннат. Оч!

— Бу ёри Икромжоннинг товуши эди.

Жаннат хола қандай қилиб эшик олдига борганини билмайди, зулфинни тополмай довдиради.

— Очсанг-чи, нима бўлди?

— Ҳозир, ҳозир.

Жаннат хола титраб-қақшаб аранг зулфинни топди-да, эшикни ланг очиб юборди.

Егоч оёқли Икромжоннинг боши ва елкаларини ой ёритиб турарди.

II

Эрталаб Райимберди тоға келди.

У Икромжоннинг бир оёғи йўқлигини кўриб, юраги жиз этиб кетди. Аммо буни унга сездирмади. Қучоқ очиб кўришаркан: «Хайрият, хайрият тирик кўрдим!»— деди.

Ҳовлида хотин-халаж кўп. Эркаклар бири кириб, бири чиқиб туришибди. Ҳали нами кўтарилмаган супага ҳам бўйра тўшаб, шолча ёзилган. Эркаклар шу ерда. Самоварга тараша ташлаётган чол раисга чаккасидаги бир даста бинафшани олиб узатди. Тоға тўйиб ҳидланди-да, Икромжонга берди.

— Мана, баҳор нишонаси. Ҳидла, соғингандирсан,

Бинафша қўлдан-қўлга ўтди. Шу бинафша баҳона бўлди-ю гап баҳор, дала, бу йилги қилинадиган ишлар тўғрисида кетди.

— Тоға,— деди чой қуйиб ўтирган Умматали Райимбердига қараб,— кеча ота келган эканлар. Тинчликми ишқилиб?

— Тинчлик. Езёвонга чиқиб келдик. Иш катта бўладиган. Бизга Наймандан ер беришяпти.

Найман — чўл тўқайиннинг ўртасида. У томонларда деҳқончилик қилиш осон иш эмас.

— Тўқайда нима қиламиз? Пахта битармиди? Турган-битгани ботқоқ, пашшанинг уяси!..

Райимберди эндигина оқ оралаб келаётган мўйловини силаб илжайди:

— Ҳукумат бир иш қилса билиб қилади. Чўлга чиқамизу, пахта экиб кетаверармидик? У жойларда пахта битишига икки қовун пишиғи бор.

Икромжон гапга аралашмай бир чеккада жимгина ўтирибди. Райимберди чойни шимириб, пиёла четинингига артди-да, дастурхонга қўйди.

— Азбаройи колхозчнга мадад бўлсин, егулиги ўзидан чиқсин, деб шундай қиляпмиз. Аввал икки йилгина шולי экамиз. Аммо лекин, Найманга кўчиш ихтиёрий. Ота айтдиларки, чўлга кўчиб чиққан онлаларга кузга қолмай бошпана қилиб берилади. Ҳар бригададан икки оила кетса — ўттиз тўрт хўжалик бўлади. Биноиндек қишлоқ қуриш мумкин. Аммо кузгача чайлада яшаб туришга тўғри келади. Ҳар бир онлага ўн олти сотих томорқа, ўзига шולי экиб олади. Даромад тақсимотида қанчадан тушса, бошқалар қатори яна олади. Менингча, бу ишга кўнмайдиган одам бўлмаса керак. Аммо лекин, бошқа колхозлар ҳам шундай қиляпти.

Раиснинг бу гапи кўпчилиكنи ўйлантириб қўйди. Чойга фотиҳа ўқилгач, ҳамма ўрнидан турди.

Шу куни келди-кетди бўлиб Икромжон кўчага чиқолмади. У туғилиб ўсган далаларига чиққиси келарди. Фронлда юраркан, бу ерларни тушида ҳам, ўнгида ҳам кўз оядидан нари кетказолмаган эди. Сал оёқ узилди дегунча остонага чиқиб дала томонга қарарди. Ҳали барг ёзмай сўррайган ялонгоч новдалар даланинг йироқ-йироқларини тўсолмас, уфққача аниқ кўриниб турар эди.

Кеч кириб, келувчиларнинг оёғи узилиши билан, у кўчага чиқди.

Дала жимжит. Танга ёқадиган эрта баҳор шабада-си гир-гир эсиб, одам кўнглига аллақандай туйғулар солади. Икромжон айланиб юриб анҳор олдидан чиқиб қолганини сезмади. Кеч гира-ширасида сув қўрғошинга ўхшаб қорайиб оқарди. Икромжон бу анҳорда неча марталаб чўмилган. Уғли Турсунбой бир нафас кўздан йироқ бўлса, уни қидириб шу ердан топарди. Бола камгап, қиладиган ишини бировга айтмасди. Ота-бола жимгина уйга қайтишарди-да, иккови икки уйга кириб кетишарди. Эр-хотин супада ўтириб, ёлғиз болага узоқ умр тилаб ухламай тунни тонгга улашарди.

Турсунбой қаёқларда юрган экан? Кетар олдида Икромжон уни бағрига босолмади. Бу кунлар дилига армон бўлиб қолмасин ишқилиб. Икромжон ўз хаёлидан ўзи қўрқиб кетди.

Қизил баркашдек ой шошилмай осмонлай бошла-

ди: Икромжон фронтда, окопда ётганида ҳам ой шунақа бўлиб чиқарди. Ушанда у аллақандай бола хаёлларга берилиб, шу ой Зириллама тепасида қандай кўринаётганини ўйларди.

У жимиб қолган далада яраланиб, қонсираб ётаркан, тепасида дум-думалоқ бўлиб турган ойга қараб, шунақа хаёлларни кўп сурган эди. Ушанда ҳам ой қонга белангандек қип-қизил бўлиб кўринган.

Анҳор суви аввал қизғиш бўлиб, кейин бир қорайиб олди-да, жилвалари эритилган кумушдек оқариб кетди.

Суви секин шилдирамоқда. Ёшлигини, шўх олов болалигини оқизиб кетган шу анҳор ҳамон кимларнингдир болалигини оқизарди. У гўё: юр, олисларга қараб олиб кетай, деб Икромжонни чақираётганга ўхшарди.

Саратон офтоби тинни куйдирган ўт болалар қийчув, шовқин-сурон билан бу қирғоқларда жавлон уришарди. Бир-бирларига сув сочиб қувлашишарди. Сувдан тез чиққанларнинг танасига лой суртиб қочиб уни бошқатдан чўмилишга мажбур қилишарди.

Уларнинг шўхликлари ана ўшанда шу тўлқинларга миниб узоқларга оқиб кетган. Энди улғайиб бири урушда жон олиб, жон беряпти. Бири қандайдир юрт ишини қиялпти. Турсунбой-чи? У ҳам урушда!

Урушнинг нималигини Икромжон яхши билади.

У камган, ҳамма вақт кимнингдир раҳнамолиги бўлмаса ўзини эплотмайдиган боласини шерга айланиб кетган сизди. Турсунбой ҳаммадан олдинда, арслондек наъра тортиб ёв устига ташланаётгандек туюлди.

Оталар ўз болаларини дунёдаги болаларнинг энг зўри, энг хушбичими, деб билишади.

Дарҳақиқат, Турсунбой ниҳоятда кўркам йигит бўлган эди. У ўзининг шунақалигини билиб кўп бино қўярди. Ўзини сипо тутарди. Қизларга зимдан назар ташлаб, уларнинг қараётганини билиб гердайиброқ, писанд қилмайроқ турарди. Унга кийим жуда ярашарди. Ҳозир шинелда қандоқ юрган экан? Ярашгандир.

Отага у савлатли командирлардек бўлиб кўринарди.

Икромжон болалик излари тушган йўллардан, тор кўчалардан ёғоч оёқ билан аллавақтгача кезиб уйига

қайтди. Хотини ухламай тиқ этса эшикка қараб ўтирган эди.

Икромжон ётмади. Эр-хотин чойни майдалаб шу бир-икки йил ичида бўлиб ўтган воқеаларни гаплашиб ўтиришди.

— Умматалининг Азизхони ҳам кетди дегин? Чўкиб қопти бечора Умматали... Айтмоқчи, Қўчқорнинг ўғли мендан олдин кетган эди, хат-хабар борми ундан?

— Қишда қора хат келган. Аза очинди.

Икром бир нафас жим қолди. Кейин яна сўради:

— Олимдан-чи, Олимдан хабар борми?

— Ярадор бўлган экан, бир ойча туриб кетди.

Икромжон ёгоч оёғини чиқариб қўйган эди, сурилиб бориб айвон устинига тираб қўйган қўлтиқтаёғини тушириб юборди. Уни олиб, тут тагига бориб махорка ўради-да, жойидан қимирламай тек туриб қолди.

Жаннат хола эрининг қўлидаги қоронғида нурли чизик бўлиб қимирлаб турган чўққа қараб ўйланиб қолди. Эри чекмасди, фронтдан чекадиган бўлиб келибди. Унга осон эмас. Бир ёқда оёғи бу аҳволда, боласи урушда. Не-не ниятлари бор эди бечоранинг, бу йил тўй қилмоқчи эди. Ишқилиб, кўп қатори болагининг ризқи уйдан узилмаган бўлсин. Вой отинг ўчгур уруш, не-не ёстиқларни кўз ёшдан ҳўл қилмаяпсан-а!

Икромжон чекиб бўлган махоркани ерга урди. Ожиз учқунлар атрофга сачраб, сўнди. Кейин Икромжон айвонга келиб бир қўлига тиралиб ўтирди.

— Менга қара, хотин. Бунақада сиқилиб кетамиз. бир пимадир қилиш керак.

Жаннат хола унинг гапига тушунмади. Нима қилиш керак экан? У эрига кўзларини катта-катта очиб қаради.

— Тоганинг гапини эшитдингми?

Тога, бу — Райимберди. Кўпчилик уни шундай деб атарди. Жаннат хола унинг бояғи гапларини эшитмаган эди. Шунинг учун бошини чайқади:

— Колхоз Наймандан ер опти. Яқинда ўттиз тўрт оилани кўчирма қилармиш. Борайлик, хотин. У ерда иш кўп, зора овунсак.

Жаннат нима дейишини билмади. Қандоқ бўларкин? Борса дуруст бўлармикан? У эрига савол назари билан қаради:

— Не ният билан уй қилган эдик. Болам келса қи-дириб сарсон бўлиб қолмасмикан? Шундоқ жойни ташлаб чўлда, тўқайда нима қиламиз? Яхшироқ ўйлаб кўринг, дадаси.

— Э, хотин. Иморат, уй кўзга кўринадиган пайт-ми. Не-не саройларнинг кул бўлганини кўриб келдим. Одамлар ертўлаларда оч-наҳор яшашяпти. Менга қолса, борганимиз дуруст. Тўгри, чўлда тайёр уй йўқ. Бу ёз чайлада кун кўрамиз. Кузга бориб битта бош-пана тиклаб олармиз. Уйнинг ҳам тураверади.

Жаннат хола эрининг раъйини қайтаролмай кўнса-да, уйни ташлаб кетгиси келмасди. Ҳовлининг ҳар бур-чидан, уйнинг ҳар хонасидан Турсунбой кўриниб турган-дек. Сандиқни очиб унинг кийимларига куядори сепгиси келмасди. Назарида, боласининг ҳиди кетиб қолаётган-дек. Шунинг учун ҳам кийимларини офтобга ёймай уйнинг ўзида қоқиб, шамоллатиб, яна сандиққа солиб кўярди. Ошхона қурганларида дадасининг дўқи билан Турсунбой деворга ўзи лой чаплаган эди. Қўлининг изи шундоққина турибди. Жаннат хола уни яқинда кўрди. Шундан бери ҳар гал шу девор олдига келганда: «Қўл-инангдан ўргулай» деб шувоққа юзларини суртарди.

Ўғлининг ҳиди келиб турган, деворида боласининг қўл изи қолган уйни ташлаб қаёққа кетади?

— Яхшилаб ўйлаб қаранг. Зирилламадан Тоға иш топиб берар,— деди у ялингансимон.

— Иш ҳар ердан топилади. Қаёққа борсанг бағри-ни очиб кутиб олади. Ҳали Тоға унайдим, унамайдими. Ишнинг бу томони ҳам бор. Майли, ётайлик энди. Эртага бир маслаҳат чиқиб қолар.

Икромжон ечиниб ўрнига кирди-ю, қаттиқ чарча-ган экан, дам ўтмай хуррак торта бошлади. Аммо Жаннат холанинг уйқуси қочиб кетди. Дам у ёнбоши-га, дам бу ёнбошига ағдариларди.

Ой томдан ҳатлаб ўтиб, тут соясини ариқ бўйига олиб бориб қўйди. Ариқда сув қўнғироқ чалиб оқиб ётибди. Беҳи шохида мудраётган товуқ қанотини бир патиллатиб, жим бўлди.

Ҳамма нарса — жонли, жонсиз уйқуда. Фақат Жан-нат холанинг кўзига уйқу келмайди. У киприк қоқмай яланғоч новдаларнинг енгил шабадада бир-бирига бе-өзор урилишига қулоқ солиб ётибди. Унинг хаёллари жуда олисларда. Йўлга кирмай тупроққа қўйган бола-

лари, эрининг бола етаклайдиган кунларини кутиб ўтказган пайтлари, ниҳоят, Икромжон Турсунбойнинг қўлидан етаклаб Зирилламага олиб чиқиб кетгани, боланинг гузардан этаги тўла ширишликлар билан чуғиллаб кириб келгани, ана ўшанда эрининг юзидаги бир чиройли табассум, Турсунбой эртага мактабга боради, деган кун эр-хотин кечаси билан кийим дазмоллаб чиққанлари, ўша оқшом эрининг болани сартарошга олиб чиқиб сочини олдиригани, бола дарсдан чиққунча мактаб остонасида ўтирганлари, эрининг фронтга кетиши, унинг йўлига кўз тикиб ўтган кеча-кундузлари, Турсунбойга повестка келганда йиғлаганлари, шулар ҳаммаси бир-бир кўз олдидан ўтаверди.

Ўз оёғи билан уйдан чиқиб кетиб эри ёғоч оёққа суяниб кириб келди. Ўғли нима бўлади? Омонмикаш? Бутун қайтармикан? Шу уйларда тўй-томоша бўлармикан? Боласини куёвлик сарпосида кўрармикан?

III

Уруш чақмоғи чақиб, одам ўлиб, шаҳарлар ёнаётган кунларнинг бирида кимсасиз Найман чўлига қараб икки отлик борарди.

Қамишлар орасида уларнинг боши гоҳ кўринади, гоҳ сувга шўнғигандек йўқ бўлиб кетади.

Бўриларнинг этни жимирлаштирадиган улиши, тўпгизларнинг кўксов йўталидек ёқимсиз товуши, эркемларнинг мурда нигоҳидек совуқ боқиши, ҳар ер-ҳар ерда қолган илон пўстларининг ожиз йилтираши ва ниҳоят, дўнгликларда ҳайкалдек қотган саҳро султонни — чўл бургутларининг: бу менинг масканим, одамга йўл йўқ, дегандек виқорли боқиши бу икки йўловчининг юрагига ваҳм сололмасди.

Олдинги отда Райимберди тоға. У елкасидаги қўштиғни қўлига олиб олисларга бўй чўзиб қараб қўяди. Орқада кўпдан бери сукут ичида аллаималарни ўйлаб, махорка тутатиб келаётган Икромжонга ҳар замонда бир ўгирилиб қарайди, унинг: хаёлини бўлмаслик учун яна отга беозор қамчи тегизиб жимгина кетаверади. Йўл гоҳ қуруқ, гоҳ ботқоқ оралаб ўтади. От ҳар ботқоқ кечганда қорнига сарғимтир кўлмакнинг муздек суви сачраб тегаётганидан эти дириллайди. Қулоқларини силкитади. Тоға Икромжонга қандайдир жуда зарур бир гап айт-

моқчи, аммо айтгани юраги дов бермайди. Шу бир гапи унинг бутун вужудини ларзага солиши, ҳатто тақдирини ўша онда ё у ёқли, ё бу ёқли қилиши мумкин. Айтсинми?

Яқинда ҳарбий комиссарликдан одам келиб унга Турсунбойнинг фронтга жўнаётган эшелондан қочганини айтиб, бу томонларга келган-келмаганини суриштирган эди.

Айтса, Икромжоннинг ҳоли нима кечади? Мана шу қочоқ — унинг битта-ю битта боласи. У фақат шу боласи учун яшаб юрибди. У шу ўғлини юрт ишига яроқли мард бола бўлганидан фахрланади. Эҳ-ҳе, унинг кўнглида ҳали қанча орзулари бор.

Агар Тоға шу гапни айтса... Йўқ айтмагани дуруст. Вақти келиб, мавриди келиб ўзи билиб олар.

Тоға от жиловини дўнгликка бурди. Ёввойи жийда шохларини, қуриб қолган қамишларни қасир-қусур босиб от тепага чиқди. Дўнгда чакмонини елкасига ташлаб ўтирган одамдек турган ваҳимали бургут беозор қанот силкиб, худди сувда сузаётгандек тик осмонга кўтарилди. У икки отлиқ тепасида бир айланди-ю, қамишзорга санчилгандек шўнгиб кетди.

Улар турган дўнгликдан чўлнинг узоқ-узоқлари кўринарди. Йилнинг бу фаслида чўлнинг ҳамма ёғи бир тусда бўлади. Қум ҳам, тўқай ҳам, ботқоқ юзида зардоб бўлиб ётган кўлмак ҳам сап-сарик. Сал кун ўтмай баҳор жалалари бошланади. Қамишзорлар яшилланади, қирларда лолақизғалдоқлар гулхани ёнади. Аммо қум малла тўннини ечмай тура беради.

Ҳозир ҳамма ёқ сап-сарик бўлганидан чўл қаердан бошланиб, қаерга туташинини билиб бўлмасди.

Райимберди тоға бу томонга кўп келмаган. Ёшлигида болалар билан мол боққани унча узоқ бормасди. Бўридан, эркемардан қўрқарди. Кейин колхоз тузилган йиллари бу ёқларга келишга қўли ҳам тегмади, келишга зарурат ҳам йўқ эди. Мана, ҳар иш ўз мавриди билан бўларкан. Энди кетяпти. Бутун бошли бир қишлоқ тузгани кетяпти. Қишлоқ қаерда бўлади, қаерга нима экинлади, шу бугун ҳал бўлиши керак.

Соғ оёғини узангига тираб от устида тик туриб чўлга тикилаётган Икромжон унинг хаёлларини бўлгиси келмай, яна эгарга ўтирди. Халтачасидан махорка олиб ўрай бошлади. Тоға ўгирилиб унга маъноли қараб қўйди.

— Икром, илгарни келганмисан?

Икромжон махоркасини ўт олдириб бўлиб бир-икки тортгач, бафуржа жавоб берди.

— Келганман. Кўп келганман: Қумга етмасдан чапга бурилсак катта яланглик бор. Ана ўша ерда Йўлдошбой акам икки туп тол экканлар. Қуриб қолмаган бўлса, катта тол бўлиб кетгандир. Канал қурганимизда, бир кун юр, деб қолдилар. Унда кунлар исиб, лолақизғалдоқлар қовжираб қолган пайт эди. Икки кун шу чўлнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиққанмиз. Ўша толни топсак бўлди. Агар бошқа колхозлар биздан олдин келиб таплаб қўймаган бўлса, ўша жой бизники. Ундан ташқари, каналга яқин жой, сув олиб келиш осон бўлади.

Кун ёйилиб, елканни офтоб қиздира бошлади. Узоқ-яқиндан ўрдакларнинг ғақ-ғуқи эшитилди. Қаердадир бўри улди.

Райимберди отдан тушиб, хуржунни ажриққа ташлади-да, кўлмакда қўл ювиб, белбогига арта бошлади.

— Туш, Икром, нонушта қилиб олайлик. Қорнинг ҳам очгандир.

У хуржунни титкилаб тунука чойшак билан кружка олиб ўртага қўйди. Икромжон ҳам эгардан тушди. Икковлашиб жийда шохидан уч оёқ ясаб чойшакни илишди. Хуржуннинг бир кўзидаги катта шиша баллондаги сувни авайлаб олиб чойшакни сувга тўлдириб, тагига ўт қалаб юборишди.

— Жуда ов боп жойлар,— деди Икромжон.— Ўрдакнинг кони.

— Балиқни айтмайсанми!

— Ҳа. Балиқ ҳам, қуён ҳам, тўнғиз ҳам бор. Қум томонларга ўтсанг кийик сероб. Аввал кўчиб олайлик, гўштга қийналмасмиз. Сув сал тахчил бўлар дейман.

Тоға ўйлаб ўтирмай жавоб қилди:

— Ишни каналдан ариқ очиб келишдан бошлаш керак.

Чой қайнади. Икромжон белбоғининг учига тугуғлик чойдан бир чимдимгинасини чойшакка ташлади. Тоға нон ушатаркан, Икромжоннинг ёғоч оёғига қараб бир муддат ниманидир ўйлаб қолди.

— Кўп қийналдингми?— деди у аллақандай ачиниш оҳангида.

— Қирт-қирт кесяптиямки, тентак Турсунбойим кўзимга кўринади. Худди мени кимга ташлаб кетяпсан, деяётганга ўхшайверади. Пўқ, ёлғизимнинг толеига ўл-

мадим, омон қолдим. Келсам, у ҳам кетибди. Кетар олдида дийдорини кўролмай қолдим. Ишқилиб, омон қайтсин. Агар худо кўрсатмасин, унга бир нима бўлса, тамом бўламан...— Икромжоннинг овози титради.

Тоға унга қараб туриб ич-ичидан ёнарди.

Билмайди, билмайди бечора, Турсунбойнинг қочганини у билмайди. Қидириб юришганини билмайди.

— Ишқилиб, мен бу ёқларда юрганимда болам қайтиб келса уйдан тополмай сарсон бўлиб қолмасин-да. Келиб қолса, Тоға, ўзинг Найманга бошлаб келсан-да.

Райимберди бош ирғаб қўйди.

Урниларидан туришди. Яна тўқай, ботқоқ оралаб кетишди. Тўқай орасига суқилиб кирган қумликдан ўтишгач, олисда ҳали барг ёзмаган дарахтнинг новдалари чувалашган қизғимтир ипдек бўлиб кўринди.

— Тол, ўша тол!— деди Икромжон.— Йўлдошбой акам эккан тол.

Тоға отга қамчи босди. Улар етиб келган жой олтиетти гектарлардан мўлроқ яланглик эди. Шу сайхонликнинг ҳар ер-ҳар ерида тўдалашиб қамишлар ўсиб ётарди. Икромжон от жilовини эгар қошига омонатгина чулғаб тол тагига келди. Иккала толниг танаси ҳам йўғонлашиб, шохлари тарвақайлаб кетибди. Тоға толниг бужур танасига шапатилаб уриб қўйди.

— Мана шу ерда қишлоқ бўлади!

Кейин у ёқдан-бу ёққа юриб атрофни томоша қила бошлади. Шу юришида у кўп нарсаларни хаёлидан ўтказарди.

Бу ботқоқларда тирикчилк қилиш осон бўлмас. Чивинига чидашни айтинг. Бошпана тиклаш, ускуна ташиб келтириш. Келишга келиб қўйиб, қочиб кетадиганлар ҳам чиқиб қолар. Қийини шу бир йил. Бир йилда эпаккага келтириб олишса марра уларники! Иморат ускунасини қайдан топса экан?— Унинг хаёлига уруш бошланши олдидан девори кўтарилиб, усти ёпилмай қолиб кетган маданият саройи келди. Сарой учун аллақанча тахта, ёғоч, тунука олдириб қўйган.

— Икром, эсингда борми, Новосибирга икки вагон узум, бир вагон анор олиб борганинг?

— Эсимда, эсимда — деди Икром.— Ушанда роса ёғоч босиб келган эдик.

— Ҳа, балли, ўша ёғочларнинг биттасини ҳам бегона

қилмаганман. Сарой қуришга асраб юрган эдим. Уруи тугасин, сарой ҳам бўлиб кетади. Уша ёғочларни шу ёққа ташитамиз. Нима дейсан? Етмаганига терак кестирамиз. Тунука бору, етмайди. Майли, тунука бўлмаса ҳам, ҳозирча қоғоз ёпиб турамиз.

Икковларни ҳам қизишиб кетишди. Қаердан кўча очилади, қаерга уй тушади, қаерга контора бўлади, қаерга қудуқ қаздириш керак, у ёқдан-бу ёққа юриб жой танлашарди.

— Пойдеворга семон қуймаса, гишт шўр босиб уқаланиб кетади. Семонга қалайсан, Тоға?

Райимберди кулиб қўйди:

— Бу томонидан хотиржам бўлавер. Қувасойдан ташитамиз. Нима семон кетарди, ўн беш машина келтирсак бемалол етади. Эртагаёқ Абдухалилни Қувасойга жўнатаман. Шартнома қилиб келсин. Майли, ишчиларга нима керак бўлса биз ҳам юборайлик. Қовун дейишса қовун, узум дейишса узум. Йўқ, дейишмас. Гишт керакмас, семон пойдеворнинг устига пахса урса жуда антиқа чиқади. Аммо лекин, ҳамма ўз деворини ўзи уради. Бола-чақаси билан уннаса, бўлиб кетади. Бўлди. Иш битди.

Қуёш тепага келган. Қумлик томондан илиқ шабада эсарди.

— Биляпсанми, Икром, кўклам шабадаси юриб қолди. Энди куртаклар уйғонади. Ер уруғ сўрайди. Деҳқоннинг иши энди бошланади. Қани, кетдик.

Тоға узангига оёқ қўя туриб яна қайтди.

— Битта ишни чала қилибмиз, шошма!

У кўкрак чўнтагидан дафтар-қалам олиб тиззасига қўйди-да, йўгон-йўгон ҳарфлар билан шундай деб ёзди: «Бу жой Заркент колхозининг Найман участкасидир».

Кейин у Икромжонга қараб, қалай дегандек илжайди.

— Шундай қилмасак, бошқа колхозлар ҳам бугун-эрта жой қидириб келиб қолишади. Олиб қўйишмасинда. Охунбобоев отанинг гапларига қараганда, юздан ортиқ колхоз чўлдан жой оларкан. У томони Анжон, бу томони Наманган, Қўқон тараф, хуллас, чўлни доира шаклида ўраб, ўзлаштириб келинавераркан. Бизники шу жой. Тамом!

Хат ёзилган қоғозни тол ковагига суқиб бир қараш-

да кўринармикан, дегандек орқароққа қайтиб қаради. Қоғоз бемалол кўришиб турибди. Шундан кейингина хотиржам отга миниб орқага қайтишди.

Улар йўлнинг ярмига етмасданоқ, қуёш ботиб кетган, осмон фалакда сузиб юрган увада булутларни қип-қизил чўққа айлантирган эди. Зум ўтмай бу шафақлар ҳам сўнди-ю, бутун олам қора чодирга ўралгандек бўлди-қолди.

— Йўлдан адашмадикми? — сўради Тоға.

— Йўқ, от адашмайди. Келган йўлдан кетяпмиз.

Болалар қўлидаги шардек қип-қизариб ой аста кўтарила бошлади. Бўриларнинг ваҳимали улиши авжига чиқди. Чирилдоқлар темир эговлагандек товуш чиқаради, қамишлар орасидан чиябўриларнинг кўкимтир кўзлари ўчади, ёнади...

Райимберди ваҳимали товушларга қулоқ солиб борар экан, аллақандай гурур ё ички бир туртки олиб чиққан товуш билан деди:

— Эсингда бўлсин, ошна. Мана шу товушлар қулоғингда турсин. Шу жойларда қамиш ёқиб, ботқоқ қазиб, чивинга таланиб қишлоқ қурамыз. Болаларимиз урушда жон олиб, жон беришаётганда биз бекор турганимиз йўқ. Шу эсингда турса бас.

Икковлари ҳамон қамишларни шитирлатиб йўл босишар, ҳали қишлоқ чироқлари кўринмас эди. Олдинда ҳам, орқада ҳам бўриларнинг увиллаши-ю, чирилдоқларнинг товуши ҳоким эди.

Аммо Икромжон на бўри товушини эшитар, на юзларига урилаётган қамишларнинг шитирлашини сезар эди. У фикран ўғли билан гаплашар, гоҳ уни йўқотар, гоҳ оловлар ичидан топиб бағрига босар эди.

IV

Туманли осмонда ой худди доқа чодир орқасида ёқилган шамдек шаклини йўқотган. Зириллама гузарига биттагина симёғочда электр чироқ ёниб турибди. Движокнинг бир маромда айланмаганидан у ҳам кўз қисаётгандек липиллайди. Четларида тераклар ўсган кўчадан икки отлиқ чиқди. Уларнинг бири Тоға, бири Икромжон. Тоға правление олдида отдан тушди-да, кутиб турган қоровулга отнинг жиловини тутқазиб Икромжон билан хайрлашиб қоронғи йўлка бўйлаб кетди.

Икромжон совқотганидан бир пиёлагина аччиқ кўк чойга зор бўлган эди. Шунинг учун ҳам у от жиловини самовар томонга бурди.

Чойхўрлар йўқлигидан чойхона барвақт ётган, ичкарида самоварчи тоғорага қайноқ сув қуйиб жўмрагига жез қоплаган чойнакларни, чегалана бериб олапес бўлиб кетган пиёлаларни юваётган эди. Икромжон отни толга бойлаб ичкарига кирмоқчи бўлиб турган эди, сўрида мукка тушиб ғужанак бўлиб ўтирган бир одамга кўзи тушиб тўхтади. Унга яқин келди. Икромжон бирон йўловчи бўлса керак, ўткинчи машинани кутиб ухлаб қолган бўлса ажаб эмас, деб ўйлади-да, индамай ичкарига кириб кетди.

— Бахайр, бемаҳалда йўқлаб қопсан, иним,— деди самоварчи чол уни кўриб.

— Битта аччиққина қилиб дамлаб беринг!

— Хўп, хўп, иним! Эндигина дамлаб қўрга тиқиб қўйган эдим.

У оташхонадаги чойнакни олиб, тагини кир соччиқ билан артиб, Икромжоннинг олдига қўйди.

— Совқотибсан, иним. Маълонга тушганмидинг?

— Наймандан келаяпман, отахон. Тоға билан ўшаққа борган эдик.

— Ов қилдингларми? Қашқалдоқ сероб пайт ҳозир.

Чол ўзининг бола пайтларида Найман чўлига кўн борганини гапириб кетди.

— У пайтларда тўқайга одам киролмасди. Еввойи тўнғиз демаган қайнаб ётарди. Урдак ов қиламан деган мерган Найманга борсин. Маълонда комбинат энди қурилаётган пайтлар эди. Урне техниклар валасапит миниб елкасида қўштиғ билан Наймандан тўнғиз уриб келишарди. Билмадим, ҳозир Найман қапдоқ бўлиб кетган экан. Тўқайда ўн қадам олдироқ юрган отликнинг боши кўринмай кетарди.

Икромжон чой хўплар экан, ташқаридаги сўрида ўтирган киши эсига тушди. Биронта ногирон фронтовик бўлмасин, тагин.

У пиёлани наматга қуйиб, ташқарига чиқди.

Туман сал тарқаб, ғира-шира ойдин бўлиб қолган эди. Нотаниш киши энди икки тиззасини қучоқлаб қоронғиликка сокин тикилганича қимирламай ўтирарди.

— Ҳа, меҳмон, йўл бўлсин?— деди Икромжон унга яқин келиб.

Нотаниш киши бошини кўтариб унга қаради: ёшгина йигит.

Бу — Низомжон эди.

— Марғилондан келаётган эдим. Анжон томонга машина бўлиб қолармикан, деб кутиб ўтирибман.

Низомжоннинг овози титраганидан Икромжон уни совқотган гумон қилиб ичкарига таклиф қилди.

— Бемаҳалда бу ерда ўтирма. Ичкарига кир, ука. Бирон пиёла чой ич!

Низомжон итоаткорлик билан ўрнидан туриб ёнбошидаги тугунчасини кўтариб унга эргашди. Икромжон ёруғда боланинг башарасига қараб қўрқиб кетди. Боланинг юзлари сарғайган, ўзи титради.

— Бола, безгак тутганга ўхшайди сени.

Икромжон унинг пшонасига қўлини қўйиб кўрди.

— Истиманг баланд-ку.— Унга қайноқ чой тутди. Ич, ич бунни! Анжонда кимнинг бор?

— Ҳеч кимим йўқ.

— Қаерликсан?

— Чортерақданман. Тарихим узоқ, амаки. Бошим оққан томонга кетяпман. Акамнинг таъзиясидан келяпман. Ундан — қора хат келган.

Икромжон унинг бу гапларидан ҳеч нарса тушунмади. Шу аҳволда, иситма жазава қилиб турган пайтда қаёққа боради? Қўнадиган бошпанаси бўлмаса.

— Аҳволнинг чатоқ, бола. Қани, тур, бўлмаса. Сени уйга олиб кетмасам, бирон дардга чалиниб қоласан.

Низомжоннинг кўпдан бери энди илиқ сўз эшитишини эди. Қайга борса оёғининг тагидан бирон фалокат чиқиб туради. Ҳали оқ-қорани дурустгина танимаган йигитча бу қийинчиликлар, виждон изтироблари олдида савд-ёйидек каловлаб, тақдирнинг аёвсиз ўйинидан гаранг бўлиб қоларди. Ўз уйига сиғмаган, жигарлари бағридан жой тополмаган Низомжон бу нотаниш кишининг уйига сиғармикан?

У минг хил хаёллар билан кичкинагина тугунчадан иборат бисотини қўлтиқлаб Икромжоннинг орқасидан ташқарига чиқди. Низомжонни чинакамига безгак тутган эди. У қоронғида нотаниш киши орқасидан бораркан, икки тиззасида мадор қолмаганидан юраётганга эмас, судралаётганга ўхшарди.

...Улар бир тавақали эшик олдида тўхташди. Икромжон қамчи дастаси билан эшикни беозор тақиллата

бошлади. Хотин кишининг «Хув!..» деган товуши эшик тилди.

— Келдик, ука,— деди Икромжон от эгаридан хуржунни оларкан.

Эшик очилди.

— Қаёқда қолиб кетдингиз, хавотир олиб ўлдим.

— Меҳмон бошлаб келдим, хотин.

Икромжон шундай деди-ю, жиловдан тортиб, отни йўлакдан бошлаб кирди.

— Меҳмонни уйга олиб кир, мен отга пича ем ташлаб қўяй.

Айвонда чироқ ёниб турганидан Низомжон хотиннинг юзини аниқ кўрди. У элликка етмаган бўлса-да, юзларини ажин босган эди.

— Қани, юраверинг, болам, юраверинг.

Олдига брезент чодир тутилган айвон четида сандал бор эди. Хотин илдам чиқиб янги якандоз ёзди-да, Низомжонни юқорига ундади. Низомжон пойгаҳга омонатгина ўтирди. Ҳали қоронғида Низомжон сезмаган экан, Икромжон айвонга чиқаётганда бир оёғи ёғоч эканини кўрди. Урушда бўлганини пайқади.

— Кампир, аччиққина хўрда қилиб бер, меҳмон болани безгак ушлаб қолибди. Кўряпсанми, аъзойи бадани қақшаб кетяпти.

Кампир Низомжонга бир назар ташлаб шошиб ошхона томонга кетди. Икромжон сандал кўрпасини кўтариб бош суқди-да, оловни очиб қўйди.

— Бола, сен унақа ийманиб ўтирма. Мана бу ёққа ўтиб жойлашиб ўтир. Ҳозир безгак кўп. Қўявер, ташвиш қилма. Давоси осон. Аччиқ хўрдадан ичиб, битта терласанг, зора тузалиб қолсанг.

Сандал иссиғи баданига ўтиши билан Низомжоннинг кўзи илинаверди. То хўрда сузилиб келгунча у бир томонга қийшайиб ухлаб қолган эди.

— Уйғотмай қўя қол. Эрталаб иситиб берарсан. Бола кўп уринган кўринади.

— Ким ўзи, бу бола, дадаси?— деди Жаннат хола секингина.

— Бир бандайи мўминнинг боласи-да, ким бўларди. Бечора кўп уринганга ўхшайди. Бошидан кўп савдолар ўтган кўринади.

— Ҳали уни танимайсизми?

— Гузардаги самовар сўрисида ғарибгина бўлиб

ўтирган экан. Кўриб юрагим эзилиб кетди. Етимга ўхшайди. Акасининг таъзиясидан келаётган экан.

Икромжон кунни билан тўқай кезиб қаттиқ чарчаган эди. Овқат ичиб туриб ҳам икки марта эснаб олди.

— Жой қилиб бера қол, хотин, ётай.

Жаннат хола оёқ томонини сандалга тўғрилаб унга жой солиб берди. Низомжоннинг бошини кўтариб ёстиқ қўйди. Устига кўрпа ташлади. У боланинг бошига ёстиқ қўяётганда юраги жиз этиб кетди. Назарида, Турсунбойи келгану, чарчаб сандал четида ётиб қолган...

Худди аёзда ҳовлида қолган челақ бетидаги муздек ой кўкда танҳо, ғарибгина сузаётган кечада Жаннат холани хаёл аллақасқларга судраб кетди.

Ўз боласининг нафаси, ҳиди келиб турган бу бегона бола бошида ўтириб ёлғизи Турсунбойини ўйларди.

Турсунбойга қизамик чиққанда эр-хотин кечалари унинг бошида ана шундай тонг оттиришарди. Ёлғиз ўғил Турсунбойни ер-кўкка ишонимасди. У салгина иситма чиқазса, эр-хотиннинг рангида қон қолмас, еган-ичганлари ичларига тушмас эди. Турсунбой қизамик чиққанда уларни кўп қийнаган эди. Эрка ўсган болани парҳезда тутиш жуда қийин бўлган. У туфайли эр-хотин кўп уришишарди. Дадаси койнса, онаси уни пуф-пуфлаб овулар, онаси койнса, дадаси бола қолиб онасига ёпишар эди.

Турсунбой соғлом ўсди. Уларнинг толенга у ҳар қандай дардни ҳам енгил ўтказарди. То кўкйўтал бўлгунча Икромжон далама-дала кезиб кўкқарга овлади. Она, болам ҳали хом, шу кўкйўталдан ҳам омон-эсон ўтиб олса эди, деб ташвиш тортарди. Турсунбой бир-икки кун йўталниш билан бу дардни ҳам ўтказди. Кўкқарганинг пати ҳам даркор бўлмай қолди.

Пешонадаги битта-ю битта болани эр-хотин ана шундай ташвиш, ана шундай меҳрибончилик билан катта қилишди. Уруш бўлмаганда аллақачоноқ уйлантириб қўйишарди. Мана, шамолни ҳам раво кўрмаган ёлғизларни урушда. Ўқлар портлаган, ҳар дақиқа ўлим таҳдид қилиб турган фронтда ҳоли нима кечди экан?

Жаннат хола бегона, потоб бола тепасида ўтириб ўз боласини ўйларкан, кўзларидан думалаб тушаётган қайноқ ёшлари ажинли юзларини куйдирарди.

Низомжон ингради. Жаннат холанинг ҳуши ўзига келди. Беихтиёр пешонасига орнқ панжаларини қўйди. Ҳали ҳам куйиб ёняпти.

Низомжон алаҳлай бошлади.

— Дилдор, Дилдор! Қандай чиройлисан! Касофат Дилдор! Сен бизни хонавайрон қилдинг! Ака, ана Дилдор! Дадамга айтинг, ака, дадамни йўлга солинг. Опамни уришиб қўйинг. Айтинг, Дилдор кўнмасин! Дилдор, Дилдор... Оқпадар! Ким оқпадар? Кет, кет, Олапар! Кет, кет, Олапар! Қайт уйга, сен оқпадармассан!.. Қайт! Йўлимни тўсма, Дилдор..

Жаннат хола унинг гапларидан ҳеч нарса тушунмади. Дарров ўрнидан туриб сочиқни ҳўллаб пешонасига босди. Низомжон яна нималардир деб жим бўлди. Ингради.

У ҳар инграганда Жаннат холанинг юраги эзилар, кўзига Турсунбой бўлиб кўриниб кетар эди. Турсунбой қонга беланиб бегона кишининг уйида ётибди. Нотаниш хотин унинг бошида ўтириб ярасига малҳам қўяпти.

Очалар шундай бўлади. Улар учун боланинг бегонаси бўлмайди. Бола зотики бор, она кўнглини эритади. Оналар боласини чертган кишини, «қўлинг сингур», деб қарғайди.

Бола ҳатто кексайиб неча-неча боланинг отаси, бобоси бўлганда ҳам боши ёстиққа етгундек бўлса, тани сал оғригудек бўлса даставвал, «она» деб чақиради. Аллақачон қабрга қўйилиб, тупроғи совуган онасини чақиради.

Низомжон у ёнбошидан бу ёнбошига ағдариларкан, «ая, аяжон!» деб ингради.

Жаннат хола, беихтиёр:

— Энагинанг айласин, бўтам, сенга нима бўлди? — деб юборганини сезмади.

V

Низомжон кўзини очганда айвонда ҳеч ким йўқ эди. Брезент чодир орқасида кимдир тўқ-тўқ қилиб ўтин ёрарди.

У қаерда ётганини, бу ерга қандай келиб қолганини билмади. Сандал четида кўзини очмай уйғоқ ётганича шу яқин кунларда кўрган-кечирганларини унутиб, аввалгидек ўз уйимдаман. деб ўйлаган эди. Кўзини очса, бегона уйда экан. Дарҳол, танини зирқиратган, юрагини

бурда-бурда қилган кечмишини эслади. Тушига уйи, дадаси, акаси, Дилдор кирибди.

Аъзамжон ҳовлида ўриқка суяниб, маънос турганмиш. Дадаси билан опаси унинг юзига қарашолмасмиш. Дилдор дераза олдида пиқ-пиқ йиғлапти. Онаси кўча эшигида туриб остонадан ўтишга унамай Аъзамжонни чақиряпти.

— Юр, юр болам, кетайлик, кеч бўлиб қолди.

У ота билан ака ўртасида нима қилишини билмай турган Низомжонга ташвишли бир қараб қўйди.

— Энди сенга жабр бўлади, болам, ўз йўлингни ўзинг топ, кетимиздан борма!

Низомжон марҳум онаси ва акасининг юзларини шундоққина кўрди. Ўзгармаган, аммо негадир икковининг ҳам бўйи жуда узун бўлиб кетганмиш.

Низомжон хомуш ўтириб онасини эслаб кетди. Назарида онаси ҳозир ошхонада ўтин ёряпти. Нега ўзи ўтин ёради? Ўтинни ҳамиша Низомжон ёриб берарди-ку? Шу пайт кўйлагини липпа урган Жаннат хола хокандозла ланғиллаб турган чўғ олиб келди.

— Вой, кўзингни очибсан-ку, болам. Ҳозир сандални бозиллатиб бераман.— У олов солаётиб, сандал ичидан гўнғиллаб гапирарди:— Кечаси жуда кўрқитвординг, иситманг баланд эди. Касалинг безгак, болам. Мен ҳам бу ўлгурнинг дардини кўп тортганман. Амакинг гузарга чиқиб кетди, ҳозир дорн олиб келади.

Амаки, ким бўлди? Низомжон у одамни кўрмаган, эшитмаган-ку!

Кеча Исроомжон уни самовар сўрисида гужанак бўлиб ўтирганда олиб келганини эслаёлмайди. Марғилондан Зирилламагача узоқ йўлни иситма аралаш пиеда босиб келганидан қаттиқ чарчаган, кечадан бери туз татимагани ҳам ўз кучини кўрсатган эди. Ушанда Низомжон ўзини билмасди.

Ҳозир у шу ўтиришда ўйлаб ўйига етолмади. Бу меҳрибон кишиларнинг қимлигини биллолмади.

— Кечаси хўрда-мастава пишгунча ухлаб қолдинг. Ушани иситяпман, серқалампир қилиб ичиб олсанг, терлаб тузалиб қоласан. Безгакнинг давоси шу, болам. Нега амакинг ҳаяллаб қолди-я. Бу аптекдан тополмаган бўлса наригисига кетдимикан?!

Жаннат хола тоқчадан коса олиб, бир оздан кейин мастава кўтариб келди.

— Муручинни кўпроқ сепиб қўйибман, майли фойда қилади.

Низомжон нйманиб косани қўлидан олди. Кампир, бола тортинмасин деб ўзи ташқарига чиқиб кетди. Низомжон қошиқ солиб маставани хўр-хўр ичаркан, тишига қумга ўхшаш бир нима тегиб ғичирларди. У, гуручида майда тош кўпроқ экан, деб ўйлади. Шунга қарамай хўрдани тагигача ичди.

Низомжоннинг хабари йўқ, бу оддий хўрда эмас эди. Жаннат хола қора қўнғизни оташкуракда куйдириб кукунини мурчга аралаштириб сепган. Буни Низомжонга билдирмаган эди.

Низомжон бирдан лоҳас бўлиб яна ёстиққа бош қўйди. Бадани гўё куйиб кетаётгандек бўлди. Бу одамларга ортиқча ташвиш бўлди-ку. Энди кўрмагани шу қолдими?

Кўзи илиниб уйқуга кетди. Жаннат хола унинг устига Икромжоннинг тўнни ёпиб ёстигини тузатди. Низомжон гарқ терга пишган, чаккаларидан маржон-маржон тер қуйяпти.

Эрталаб шошганидан ёғоч оёғини киймай, қўлтиқтаёғи билан чиқиб кетган Икромжон чап томонига зарб билан ташлаб ариқдан ҳатлаб ўтди. Ҳали нами кетмаган ерга қўлтиқтаёқнинг учи ботиб эшикдан то айвонгача чуқур излар қолдирди.

— Мунча ҳаяллаб кетдингиз?— деди Жаннат хола пичирлаб.

— Иситмаси қайтдимикан?

Жаннат хола эрининг ташвишли кўзларига қаради.

— Хотиржам бўлинг, ҳозир дори қилдим. Энди тузалади.

Икромжон шолча устида эмаклаб бориб Низомжоннинг пешонасидан ушлади. Лабини тишлаганича анча вақтгача бир қўлига тиралиб туриб қолди.

— Бировнинг арзандаси, ишқилиб, шифо топиб кетсин-да, хотин.

Эр-хотин айвон лабида пичирлаб гаплашиб ўтиришарди.

— Биладан,— деди Икромжон,— сен бошқа нарсани ўйлаяпсан. Қанақа бола, бирон нобоп одам эмасмикан, деб гумонсираяпсан.

Жаннат хола яна индамади.

— Ёмон йўлга кирган бола бўлса ҳам одамга ўхшаб

гапирсанг, одамга ўхшаб муомала қилсанг, ёмонлигини қилмайди. Зада бўлган одам ёмонлик қилади. Биласанми, фронтда кўрганларимни айтсам оғзини очилиб қолади. Немиснинг қўлида қолиб кетган юртлардаги хотинлар нималар қилишаётганини сен билмайсан, хотин. Қуршовда қолиб кетган аскарларимизни, сен кимсан, миллатинг қанақа, кимнинг боласансан, деб сўрамай уйларига яширишяпти. Улимдан, дордан қўрқмай эски қўрғонларга яширинган аскар болаларимизга овқат ташиб беришяпти. Уқ-дори ташиб беришяпти. Ярадорларни ертўлаларига яшириб парвариш қилишяпти. Ана шунақа, хотин. Бошига мушкул тушган кишиларнинг қўлидан тутиш керак. Бу боланинг ҳам бошида оғир мушқули бор. Кейинчалик билиб олармиз, билишимиз ҳам шарт эмасдир. Бир кун ўзи ҳам айтиб қолар.

Эшик қаттиқ тақиллаб Икромжоннинг гапи бўлинди.

Жаннат хола шошиб йўлакка югурди. Бир оздан кейин кўчадан эркак кишининг товуши эшитилди:

— Кечқурун идорада мажлис бор, соат еттида. Албатта боринглар. Жамики аъзоларнинг борishi мажбуриймиш.

Жаннат хола қайтиб келди.

— Эшитдингизми? Тинчликмикин?

— Тинчлик, хотин. Найманга кўчадиганлар масаласи бўлса керак. Кейин, фронтдан колхозимизга хат бор, дейишади, шуни ўқиб беришса керак. Ҳай, майли. Тоға йўқлатган экан, идорага бир чиқиб келай, боланинг иситмаси тушмаса, менга хабар қил, доктор чақириш керак бўлиб қолар. Сенинг туркана дорингдан бир иш чиқадими, йўқми. Бу доринг бир таваккал гап.

Икромжон тахмон четига тираб қўйилган ёғоч оёғини кийиб кўчага чиқиб кетди.

Сал ўтмай эшикдан Умматалининг хотини уч бурчак хат билан кўзойнакни қўшиб ушлаганича кирди.

— Азизхонгинамдан хат олдим.

Жаннат хола кўз қири билан сандал четида ётган Низомжонни кўрсатди.

Умматалининг хотини шошиб-пишиб шивирлади:

— Хат келди, хат келди, айланай.

Жаннат хола сўрининг шолча ёзилмаган тахтасига кўрпача ёзиб уни ўтқизди.

— Нималар депти Азизхон? Ишқилиб, омон-эсон бўлсин. Болагинангизга қасд қилган паст бўлсин, Тўти-

хон. Умматалигина ҳам кутавериб адоий томом бўлди. Яқинда кўрган эдим, озиб чўп бўлиб кетибди. Шундоқ ринд, шундоқ паратка одам гўнг ташияпти. Уқинг, ўқинг Азизхонгинамнинг хатини.

Тўтихон кўзойнагини тақиб хатни қўлига олди.

Азизхон хатда улар хизмат қилаётган қисм уч ойдан ортиқ қуршовда қолиб кетгани, қуршовдан чиқиш учун кўп жанглар бўлганини ёзарди.

Тўтихон хатни ўқишдан кўра кўпроқ йиғларди. Олис йўл босган бу уч бурчак хат унга боласининг нафасини, бўйини олиб келган эди. Шу уринган, сарғайиб кетган гижим қоғоздан ўғли кўриниб турарди. Тўтихон хатни кўзларига суртар, ўпар, ҳидлар эди.

Икки ҳижронзада хотиннинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Тўтихон кўз ёшларини артиб, Жаннат холага таскин бера бошлади.

— Кўп ташвиш қилманг, айланай, Турсунбойингиздан ҳам хат-хабар келиб қолади. Мана, мени айтди, дерсиз.

— Айтганингиз келсин, ёлғизгинамни тўйини кўриб ўлсам деган ниятим бор. Оҳ, ўша кунларни кўрармиканман.

— Кўрасиз, кўрасиз, ўргулай. Ҳали неварачеваралар орасида қолиб кетасиз.

Уларнинг ҳар иккови ҳам индамай қолишди. Тўтихон Азизхонини, Жаннат хола Турсунбойини ўйлаб келган эди. Бу жимликни Тўтихон бузди.

— Эшитдингизми, айланай, районимиздан армияга кетган бир бола қочиб келганмиш.

— Хабарим йўқ. Ким экан?

— Билмадим. Қимлигини айтишмади. Шунақасидан худо асрасин. Ота-онасиниям, бутун қишлоғиниям шарманда қилади-я. Умматалингиз кеча шу гапни топиб келди. Умматалингизнинг гапига қараганда, қочганларни отишга ҳукм қилармиш. Ҳа, номард бола! Ота-онангнинг юзини ерга қаратиб қўйдинг-а!

VI

Урушдан олдин Тоға соқолини олдирмай, иш кийими билан келганларни клубга киритмасди. Мабодо шунақалардан биронтаси кириб қолгудек бўлса, кўпчилик ўртасида уялтириб чиқариб юборарди. Энди Тоғанинг

ўзи соқол-мўйлови ўсган, тирсаклари қирилиб кетган миср тўнда ўтирибди.

Залдагилар тўппа-тўғри даладан келишгани учун лой бўлиб кетган этник, тақир қулоқчин, телпакларда ўтиришарди.

Зал жимжит. Тоға ҳалигача мажлисни очмай, ён соатини дам-бадам олиб чироққа солиб қарар, кимпидир кутмоқда эди.

Эшиқдан лейтенант формасини кийган йигит кирди, ҳамма ўгирилиб унга қараб олди. Лейтенант саҳнага қараб юрди. У Тоғанинг олдига келиб ўтираркан, узр сўрагандек қўлини кўксига қўйиб, нимадир деди. Тоға ўрнидан туриб залга қаради:

— Умматали шу ерда бўлса саҳнага чиқсин! Икромжон, сен ҳам чиқ!

Икромжон олд қаторни айланиб саҳнага чиқди. Умматали залда йўқ экан, кимдир уни ташқаридан чақириб келди. У ҳам чиқиб президиум столининг четига омонатгина ўтирди. Тоға яна ўрнидан турди.

— Уртоқлар, мажлисимизни бошлашдан олдин район ҳарбий комиссарлигимизнинг ходими лейтенант ўртоқ Исmoilов фронт аҳволларидан гапириб беришларини сўраймиз.

Лейтенант ўрнидан туриб шинелни ечди-да, ўтирган стулининг суянчиғига ташлаб қўйиб, қоғозга ўроғлиқ бир нарсани кўтариб минбарга чиқди.

У сўзини Фарбий-Шимолий фронт қўшинлари Стара-Русса районида душманнинг ўн олтинчи армиясини қуршаб олганидан бошлади. Ҳамма жим бўлиб қолди. Нотиқ совет жангчиларининг Смоленск области шаҳарларини озод қилишда кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари ҳақида гапирар экан, тингловчилар нафасларини ичларига ютиб тек қотиб туришарди. Лейтенант энди Ленинград fronti тўғрисида гапирарди. У қуршовда қолган азамат шаҳар аҳолисининг аҳволи, уларнинг энг даҳшатли кунларда ҳам жонажон шаҳар учун жон олиб, жон бериб курашаётганларини батафсил айтиб берарди.

— Қуршовда қолган шаҳар аҳлининг болалари Ўзбекистонга келтирилди. Ўзбек халқи Ленинград учун озиқ-овқат эшелони юборди.

Лейтенант фронтнинг бошқа участкаларндаги аҳвол ҳақида ҳам гапира бошлади.

— Керъ ярим ороли атрофида ҳам шиддатли жанглар бормоқда. Бу жангларда бошқа қардош халқлар қатори ўзбек халқининг фарзандлари ҳам жасурлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Лейтенант фронтда ном чиқарган бир неча қаҳрамон ўзбек жангчиларининг номини санаб ўтди. У сўзининг охирида шундай деди:

— Бу азамат жангчилар орасида сизнинг колхозингиздан кетган йигитлар ҳам кўп. Улардан бири — Азизхон Умматалнев.

Ҳамма бараварига Умматалига қаради. Умматалининг ўзи бу кутилмаган гапдан эсанкираб ўрнидан туриб кетди. Чапак устига чапак. Одамларга қўшилиб Умматалининг ўзи ҳам чапак чаларди. Лейтенант қўлини кўтариб шовқинни босди.

— Қалугани озод қилишда кўрсатган мардлиги, жасорати учун Азизхон Умматалневга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган фахрий унвон берилди. У Ленин ордени ҳамда «Олтин юлдуз» медали билан мукофотланди.— Лейтенант минбардан тушиб Умматалининг олди-га келди-да.— Шундай қаҳрамон ўғил ўстирганингиз учун раҳмат!— деб уни қучоқлади.

Бир неча киши саҳнага чиқиб Умматалини ўраб олди. Улар Умматалини бирма-бир ўпиб, қучоқлашишгандан кейин, Тоға уларни ҳайдагандек қилиб саҳнадан тушириб юборди. Лейтенант яна минбарга чиқди.

— Уртоқлар, колхозимизнинг кекса аъзоси, Ватан урушининг қатнашчиси Икромжон Усмонов Москва остоналаридаги жангларда кўрсатган мардлиги учун «Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланган эди. У ярадор бўлиб қайтиб келгани сабабли, қисм унга мукофотни топширолмаган. Рухсат этасиз, ўртоқ Икромжон Усмоновга мукофот топширишни.

Икромжон мукофотланганидан беҳабар эди. Ҳайрон бўлиб ўрнидан турди. Лейтенант қизил қутичадан ордени олиб унга томон кела бошлади. Икромжон бўлса саҳна ўртасида тўхтаб, менгамикап, адашаётгани йўқмикин, дегандек иккиланиб турарди. Лейтенант келиб унинг кўкрагига ордени тақиб қўйди.

Залда яна говур-гувур, тўполон, қарсак бўлиб кетди.

Икромжоннинг кўзларидан ёш думалади. Шу қисқагина муддат ичида болалигидан то шу кунгача кўрган-кечирганлари кўз олдидан ўтди. Уруш кўчаларида

қслиб кетган бир оёғи яна ўрнига битгандек, тўкилган қонлари яна томирларига қайтиб келгандек бўлди. Мана, дўстлари, болалик ўртоқлари, бирга кетмон чо-пишган жўралари унга қараб чапак чалишяпти.

Зал сал тинчигандаи кейин Тоға Умматали билан Икромжонни табриклар, сўзини баҳорги ишларга бурди:

— Биродарлар, далага қўш чиқаришдан олдин қиладиган ишларимиз бор. Ёзёвоннинг Найманидан ер олди. Шунга ўттиз хўжаликни кўчирма қилишимиз керак. Уз ихтиёри билан ёзилганлар эллик тўрт хўжаликка етди. Шунча хўжаликни бу йил юборолмаймиз. Колхоз иши орқага сурилмаслиги керак. Экишни вақтида бош-ламасак, кейинги кўрадиган роҳатларимиз татимай қолади. Мен правление билан келишиб йигирма тўрт хўжаликни рўйхатдан ўчирдим. Индинга Найманга юриш бошлаймиз. Ҳозирча бола-чақани олиб кетиш шарт эмас. Эркакларнинг ўзлари боришади. Ётар-турар жойни эплаштирганимиздан кейин бола-чақани олиб кетамиз. Шу масала юзасидан сўрайдиган гапларнинг бўлса, сўранглар.

Орқа қатордан ўрта яшар киши қўл кўтарди.

— Найман тўқайига бу йил шולי экилади, деган гап бўлган эди. Шу гап рост бўлса, омборда уруғлик борми? Томорқага экадиган аъзолар уруғликни қаёқдан олишади? Шунни тушутириб бер, Тоға!

— Бу жуда тўғри савол,— деди Тоға.— Ер тўқай, ботқоқ бўлгани сабабли бу йилча унга пахта экиб бўлмайди. Шולי экамиз. Ўртоқ Охунбобоев келганларида шундай деганлар. Ҳар бир аъзога қирқ сотихдан ер берилади. Уруғлик шולי то ҳосил олгунча аъзоларга қарз берилади. Бундан ташқари, аъзолар меҳнат кунларига ҳам шולי оладилар. Правлениеда ўтириб хомчўт қилиб кўрдик. Томорқасидан олган ҳосилдан ташқари, меҳнат кунига олган шолининг чораги қарзга бемалол етаркан. Томорқадан олинган ҳосил учун ҳеч қандай қишлоқ хўжалиги солиғи тўланмайди. Яна қандай саволлар бор?

Боласининг чопонини бошига ёпиниб олган хотини ўтирган ерида сўради:

— Найманга кўчганларнинг бу ердаги уй-жойи нима бўлади?

— Ўзида тураверади. Ҳеч ким тегмайди. Хоҳласа сотиб кетиши ҳам мумкин. Колхоз ҳақини тўлаб олади.

Агар бошқа саволларнинг бўлмаса, мажлисни ёпамиз.

Эшик олдида турган қора соқол киши гап ташлади:

— Битта гап чала қолди, Тоға. Икки-уч кундан бери қишлоқда дув-дув гап юрибди. Районимиздан бир одам армиядан қочиб келганмиш. Мана, военкомат укамиз шу ердлар, айтсалар, ким экан ўша қочган ярамас?

Тоғанинг қошлари чмирилиб кетди. У ҳеч кимдан бунақа савол кутмаган эди. Нима қилишини билмай, анча вақтгача жим туриб қолди. Бутун зал гўё битта қулоққа айланиб унинг оғзинга қараб турарди.

— Бунақа гап йўқ!— деди Тоға қатъий.

Тоға шундай деди-ю, қизариб кетди...

* * *

Бахтиёр одам ҳаммани ўзига ўхшатади. Икромжон ҳозир шундай кайфиятда эди. Ёр-биродарлари олдида юзи ёруғ бўлди. Ватан учун қилган хизматлари олий мукофот билан тақдирланди. У бу мукофотни ўз қишлоғида, бирга меҳнат қилган, бирга тер тўккан жўралари олдида кўкрагига тақди. Ҳозир унинг кўзига бошқалар ҳам худди шундай бахтиёр, шундай шод туюларди. Ҳалн мажлисда қандайдир ярамас бир бола тўғрисида гап бўлди. У ярамас бола армиядан қочган. Қишлоғини, ота-онасини хижолатга қўйган. Негадир Икромжон буига унча парво қилмади. Бу гапларнинг унга мутлақ алоқаси йўқ. У тақдирланган, зое кетмаган меҳнатларининг гашти билан маст эди.

Клубдан чиққан кишилар тўда-тўда бўлиб симёғоч тағида гаплашиб туришибди. Хотин-халаж аллақачон тарқаб кетган. Тоға ҳарбий комиссарликдан келган лейтенант билан пачағи чиққан қора «эмка» машина олдида ниманидир шивир-шивир гаплашиб турибди.

Икромжон уларнинг гапига халал бермаслик учун ёнларидан тез ўтиб кетди. У ҳозир самоварга кириб битта чой ичмоқчи. Клуб ичи дим бўлиб кетганидан терлаб, чанқаган эди. Шолча ёзилмаган яйдоқ сўрида чой ичиб ўтирганлар олдида ўтиб ичкарига кираётган эди, ғалати бир гап эшитиб тўхтади. Дераза тарафга қараб ўтирган йигит нимадир деяпти. Икромжон тарафга қараб ўтирган кексароқ киши унга юз-кўзи билан қандайдир ишора қилди. Йигит унинг ишорасига тушунмади, гапини давом эттираверди:

— ...Дунёнинг ишлари қизиқ экан-да, лекинга Тоға маладес, айтмади. Айтганда Икром пўст ташлаворарди.

Битта-ю битта боласи қочоқ бўлиб ўтирса-я. Вой, менинг болам шунақа қилса, шартта калласини узиб ташлардим...

Йигит гапини тўхтатмаганидан диққати ошиб кетган ҳамсуҳбати жаҳл билан:

— Э, қўйсанг-чи, қанақа бефаҳм одамсан,— деб ўрнидан туриб кетди.

Шундагина йигит ўгирилиб орқасига қаради-да, Икромжонни кўриб қизариб кетди, жуда катта гуноҳ қилиб қўйганини билиб бошини эгиб ўтираверди.

Икромжон гаранг бўлиб қолган эди. Елкасида оғир юк бордек машаққат билан унинг олдига келди.

— Нима дединг? Айт, айтавер!

Йигит гап тополмай унинг юзига қараб анграйганча тураверди.

— Сенга айтяпман,— деди Икромжон бақириб.—

Айт, нима дединг, айт!

Икромжон унинг ёқасидан бўғиб олди. Бирпасда уларнинг атрофини одам ўради. Бу можаро устига етиб келган Тоға йигитнинг тирсагидан тортиб Икромжоннинг кўлидан бўшатди-да, уни койиди.

Икромжон жавдираб Тоғага қаради:

— Ростми, Райим...бу қанақа гап?

Тоға унга жуда ҳам босиқ жавоб қилди.

— Рост гап, дўстим, рост гап.

Бирпасда Икромжоннинг қадди букилди қолди. Тоға атрофни ўраганларга жаҳл билан қаради. Унинг бу қарашидан нима демоқчилигини англаган кишилар секин-секин тарқаб кетишди. Биргина Умматали Икромжоннинг елкасидан омонат ушлаб турарди.

Тоға Умматалига қаради.

— Сиз бориб кампирни суйинтиринг, Умматали.

Умматали иккиланиб турди-да, оғир-оғир қадам босиб нари кетди.

— Бўлди, ошнам,— деди Тоға титроқ товушда.— Шунақа бўлишини билганимдан айтмаган эдим-да. Қандоқ қиласан, чидайсан, чидайсан-да, оғайни!.. — Тоға шундан бошқа гап тополмади.

Икромжон бошини сарак-сарак қилди, жаҳл билан кўкрагига муштлиди. Мушти қаттиқ бир нимага тегиб оғриди. Энгашиб кўкрагидаги орденни кўрди. У орден олганини унутиб қўйган эди. Жон ҳолатда орденини кўксидан юлиб олди:

— Ол, олиб қўй, Тоға. Тақшга ҳаққим йўқ.

— Жинни бўлма!

— Ҳа, шундай. Бош кўтариб қишлоқда юришга ҳам ҳаққим йўқ. Одамларнинг юзига қандай қарайман? Нима деган одам бўлдим энди? И-их! Қани энди, у ярамас шу топда олдимда бўлса, тилка-тилка қилсам. Бўғиб ўлдирсам.

— Юр, юр, Икром, бас энди, кетайлик.

Тоға унинг тирсагидан ушлаб йўл бошлади. Икром-жон бир силкиниб ундан тирсагини бўшатди.

— Қўявер, ўзим кетаман.

— Бирга кетайлик, унақа қилма, ошна.

— Йўқ, ўзим кетаман.

Икромжон дадил юриб қоронғи кўчага кириб кетди. У эшигига етганда тўхтади. «Хотинимга нима дейман?» деган ўй бошидан ялт этиб ўтди-ю, у ёқ-бу ёғини тузатди. Қаддини ростлаб остонадан ҳатлади.

Айвонда Жаннат хола билан Низомжон гаплашиб ўтиришарди. Жаннат хола сандал устида турган сурағни қўлига олиб Низомжонга кўрсатар, ўғлининг болаликдаги шўхликларини кулиб, йиғлаб гапирар эди.

Икромжон айвон лабига ўтириб ёғоч оёғини еча бошлади. У ўтирганда қизил қутичани ёнига қўйган эди. Низомжон бунинг нималигини биларди. Ҳамқишлоғи Асрора орден олганда кўрганди. Жаннат хола эрини чарчаган билиб секин сўради:

— Майлиснинглар узоқ чўзилди чоғи. Чарчабсиз. Меҳмон бола ҳам, худога шукур, тузалиб қолди. Айтдим-ку, менинг дорим дарров тузатади деб. Унга Турсунбойгинамнинг суратини кўрсатаётган эдим.

Икромжон ундан кўзини яширди.

— Болагинам, шундоқ эрка эди, шундоқ эрка эди, то мактабга боргунча ҳам дадасининг елкасидан тушмади. Опичиб гузарга олиб чиқардилар, опичиб магазинга олиб кирардилар.

Икромжон ғайри табиий интилиш билан бир оёқлаб ўрнидан туриб кетди.

— Бас қил! Овозингни ўчир!

Жаннат хола қўрқиб кетди. У ўттиз йил бирга яшаб эрдан биринчи марта бу хил гап эшитиши эди.

— Бунақа ўғлим йўқ! Бефарзанд одамман!

— Вой, нега унақа дейсиз? Тавба денг! Сизга нима бўлди? Сизга нима бўлди?

Жаннат хола нима бўлганини билолмай, деворга суянганича даг-даг титраб турарди.

Икромжон бир оёқлаб узоқ туролмади. Гандирак-лаб айвон олдига териб қўйилган гиштга ёнбоши билан йиқилди. Низомжон сапчиб туриб унинг олдига келди-да, азод кўтариб кўрпачага ётқизди. У беҳуш эди.

Жаннат хола нима гаплигини билмай деворга суяниб ранги қум-қум оқариб турарди.

VII

Зириллама қишлоғи бу тонг уч воқеанинг шоҳиди бўлиб уйғонди: Азизхон Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Турсунбой қочоқ, ўттиз хўжалик Найманга кўчади.

Ҳамманинг оғзида шу гап. Азизхоннинг жасорати қишлоқ аҳлини қанчалар қувонтирган бўлса, Турсунбойнинг қилмиши шунча хафа қилган эди.

Эрта билан далага кетиш олдидан Умматалининг уйига уни муборакбод қилгани ҳамқишлоқлар турнақатор бўлиб оқиб келишарди.

Икромжоннинг уйдан икки ҳовли наридаги бу уйда тўй.

Тоға ҳам шу ерда. Тут тагидаги сўрида созандалар, ҳофизлар ўтиришибди. Олма шоҳига оёғидан осилган кўйнинг терисини қассоб шиллиб олмоқда. Ер ўчоқдан гўзапоянинг алангаси гуриллаб кўтарилади. Тўти хола ҳали у уйга киради, ҳали бу уйга киради. Қирғанчиққанларга: «Қуллуқ, айланай! Қуллуқ, ўргилай!» деб яна ошхонага ўтиб кетади.

Супада республика газетасининг Фарғона мухбири тиззасига дафтарчасини қўйиб Умматалини гапга солмоқда.

Умматали кўзларини юмиб Азизхоннинг болалигини кўраётгандек секин-секин гапирмоқда. Мухбир тез-тез ёзиб турибди.

Ташқаридан машина овози келди. Ҳамма гур этиб кўча эшигига қаради. Эшик олдида обкомнинг мойла-навериш тошбақа нухасига кириб қолган эски «эмка» си турарди. Ундан бўйнига аппарат осган «фото Пенсон», гилоф кийдирилган танбурини кўтариб Маъмуржон ҳофиз тушди.

Тоға уларни эшик олдида кутиб олди.

Кўпчилик ўрнидан туриб уларга сўридан жой кўр-

сатди. Маъмуржон ҳофиз созандалар тўдасига қўшилди.

Шу пайт почтальон кириб одамлар орасидан Тоған топиб телеграмма узатди.

Тоға телеграмма қатини шошиб очиб ўқий бошлади. Ҳамма унга қараб турарди.

— Умматали, сени ўртоқ Охунбобоев табриклар телеграмма юборибдилар. Ма, ол, ўқи!

Умматали ундан қоғозни оларкан, қўллари қалтирарди.

Пенсон пайтдан фойдаланиб унинг ҳар бир ҳаракатини чиқ, чиқ сурагга олиб турарди.

Ҳофизлар қўшиқ бошлашди. Одамлар жимгина бош эгиб тинглашарди. Қўшиқнинг авжини ширали овоз билан Маъмуржон ҳофиз якка айтарди:

Ур, деганда номард қочур,
Мард қолур майдон ичинда...

Бу қўшиқ ҳаммадан ҳам Умматалининг юрагини эзиб юборди. Унинг кўзига ҳовлисидан чиқолмай ғарибгина бўлиб ўтирган Икромжон кўришиб кетди. Чунки қўшиқ худди шу қишлоқдан чиққан бугунги тўй ва бугунги хижолатлик ҳақидадек эди. Мард майдонда қолди, номард қочди. Бу Азизхон, бу Турсунбой.

Ҳофизларнинг овози Икромжонлар уйига эшитилмоқда. Икромжон ўша ўзи доим ўтирадиган айвон лабида қўлтиқтаёгини тиззасига қайиқ эшкагига ўхшатиб қўйиб олганича, ёғоч оёғига белини кўтариб суйкалаётган мушукнинг шикоятли миёвлашига лоқайд қараб ўтирибди.

Низомжон супа олдида тик турибди. У сал дармонга кирса бу яхши, меҳрибон одамларга мингдан-миг раҳмат айтиб яна боши оққан томонга қараб кетмоқчи эди. У кетишини ўйлаганда хотирига дарров ГЭС қурилиши келарди. Қурилиш одамга зор. У борса жон деб қабул қилишади. Балки Низомжон бахтини ўша ердан топар. Аммо бу икки аламзада, якка-ю ягона боласи етказган аламдан букчайиб қолган қарияларни ташлаб қаёққа боради? Уларнинг ёнида бўлиши, ҳамдард бўлиши керак. Бегонага уйдан жой берган, хаста жонига жонини пайванд қилган кишиларни шу аҳволда ташлаб кетиш инсофдан бўлмас, деб ўйларди у.

Ҳофизлар ҳамон қўшиқни баландлатишарди. Улар ишқ, вафо, мардлик ҳақида куйлашарди. Кўчадан Умматалиннинг уйига қараб оқаётган кишиларнинг гаплари, оёқ товушлари эшителиб турибди.

Икромжоннинг назарида, улар унинг эшиги олдида ўтаётганларида нечундир овозларни пасайтириб гаплашаётгандек туюларди. Ҳатто бу ердан оёқ учида юриб ўтишаётгандек.

Ингирма бир йил сурган энг эзгу ўйлари, ҳар соатини бахт тилаб ўтказган кунлари шу кеча тугагандай. Икромжон адоий тамом бўлган эди. У бир кечадаёқ қариб қолганга ўхшарди.

Бу кеча у кўз юммади. Турсунбойнинг болалик йилларидан тортиб ўзи фронтга кетаётганида станцияда қўлларини силкиб қараб қолганигача ҳаммаси кўз ўнгидан ўтди.

У боласини мард бўлади, деб ўйларди. Юзимни ерга қаратади, деб ҳеч ўйламаган эди.

Мана, ёр-дўстларининг юзига қаролмай қолди. Уй остонасидан ҳатлаб кўчага чиқолмай қолди. Нега, нима учун?

Сен учун, сен учун, ярамас бола! Сен жувонмаргни болалигингда акаларинг қатори дард олиб кетса бўлмасмиди! Сени опичлаб кўтарган отангинг беллари қарсиллаб синиб кетса бўлмасмиди! Қандоқ қилади, қандоқ қилади. Энди қандоқ яшайди! Сен жувонмаргни яхши яшасин, деб уруш кўчаларига бир оёғини ташлаб келди! Лахта-лахта қон ютди. Музлар устида эмаклаб душманнинг ёқасидан бўғди! Сен жувонмарг туғилган кунингдан бошлаб нимаики қилган бўлса ҳаммаси сен учун, сени одам қилиш учун уринди. Ҳар бир томчи пешона тери сен жувонмаргинг бахтинг бўлармикан деб қилинди. Мана, меҳнатларининг мукофоти!

Икромжон ич-ичидан, овозини чиқармай йиғларди. Йиғларди-ю, бу бедаво дарддан қутулиш иложини ҳам қидириб кўрарди.

Сен жувонмаргнинг доғингни нима билан ювади? Қани, оёқлари бутун бўлса-ю, шамолдек учиб уруш бўронларига кирса, фашист уясига олов бўлиб отилса, газандаларинг кскирдагидан тишлаб, миясини мажақлаб хумордан чиқса. Афсус, бундай қилолмайди. Энди у йигитлик қайда, энди у оёқлар қайда! Кексайганида тирнклай гўрга тиқдинг-а! Гўрга тиқдинг-а! Эвоҳ, эвоҳ,

бевафо дунё, биргина бошига шунча тош отасанми?

Унинг кўзлари ҳовли юзини маъносиз кезарди. Бирдан ошхона деворига тикилганича тўхтаб қолди.

Унда Турсунбойнинг лой чаплаганидаги беш панжасининг изи қолган эди. Жаннат хола кунига неча марта бу бармоқ изларини табаррук нарсасдек қўллари билан сийпаб кўзларига, юзларига суртарди.

Икромжон шаҳд ўрнидан туриб ўша ерга борди. Бармоқ изларига узоқ тикилиб турди. Кейин бурилиб тандир тагида ётган кетмонни олди-ю, деворни гурсиллатиб чопа бошлади. Жаннат хола ўқдек отилиб келиб унинг қўлларига ёпишди:

— Нима қиляпсиз, нима қиляпсиз?..

— Тегма менга, тегма менга! Бу уйда унинг изига ҳам ўрин йўқ. Изларини қириб ташлайман! Сидириб ташлайман!..

У силтаганда Жаннат хола ярим метр жойга отилиб бориб ўтириб қолди. Бирпасда девор ўпирлиб ошхонанинг ичи кўринди. Икромжон кетмонни четга отиб жойига бориб ўтирди.

Низомжон нималар бўлаётганига тушунолмай, ҳамон супа олдида гаранг турарди.

Икромжоннинг алами босилмасди. У энди нима қилишини билмай, айвон тоқчаларига кўз югуртира бошлади. Бирдан сандал устида турган Турсунбойнинг суратига кўзи тушди. Яна сапчиб туриб суратни қўлига олди. Ойна солинган рамка ичидан қора қош, юзлари худди моҳир ҳайкалтарош бор санъатини ишга солиб ясаган ҳайкалига ўхшаш жуда ҳам кўркем Турсунбой кўлимсираб турарди. Икромжон суратни юзларига суртиб ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Ойнада унинг кўз ёшлари думалаб рамка четида ҳалқоб бўлиб турди-да, пилдираб пастга оқиб кетди. Унинг майин табассуми Икромжонни эрмак қилаётганга ўхшарди. Суратни юз томони билан ёғоч оёғининг тиззасига бир урди. Ойна чил-чил бўлиб кетди. Жаннат хола доллаб келиб унинг қўлидан суратни тортиб олди. У тортаётганда шиша синиғи Икромжоннинг қўлини қопатиб юборган эди. Аламга чидаёлмай пешонасига шатиллатиб ураверди. Қонли панжалар юзини ҳам қонга белаб қизартириб юборган эди. Жаннат хола суратни олиб, дағ-дағ титраб турарди. Охири Икромжон чарчаб сандал курсисига ўтириб қолди.

Жаннат хола суратни кўксидан олиб тикилди.

Ота қони Турсунбойнинг бетларига ҳам сачраган эди. У синган, парча-парча бўлиб кетган ойна орасидан ҳамон илжайиб қараб турарди. Унинг бу қараши вайрон бўлган, қонга беланган уйнинг синиқ деразасидан мўралаб эрмак қилаётганга ўхшарди.

Ҳарна қилганда ҳам она — она. У ўз боласини бир парча этдан катта қилгунча не машаққатлар тортмаган! Боласининг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам унга унчалик биллинмайди. Она ҳамма нарсани унутса унутадикки, боласини унутолмайди. Ўз боласини ўлимидан, бахтсизлигидан қувонган она ҳали дунёга келмаган, келмайди ҳам.

Эшик тарақлаб очилиб сочлари тўзғиб нимчасининг устидан белларигача осилиб тушган бир қиз кирди. У узоқ жойдан югуриб келганидан бўлса керак, нафасини ростлаёлмай ҳансирарди. Қиз ариқдан ҳатлаб ўтиб тўхтади. Аввал сандал устида юзини панжалари орасига олиб ўтирган Икромжонга, супа олдида тик турган Низомжонга, деворга қапишиб суратга тикилиб қолган Жаннат холага қараб нима қилишини билмай қолди. Кейин ухлаб ётган одамларни уйғотиб юборишдан қўрққандек, оёқ учида юриб Жаннат холаининг олдига борди.

Бу Турсунбойнинг севгилиси — Зебихон эди.

Бу хунук хабарни эшитганда қиз бутун борлигини унутган, эсанкираб нима қилишини билмай тонг отгунча юриб чиққан эди. Эрталаб у бекитиб қўйган жойдан Турсунбойнинг бир ярим ой бурун ёзган хатини олиб далага чиқиб кетди-да, сой бўйига тушиб йинглай-йинглай яна ўқиб чикди.

Бу хатда Турсунбой самимий юрак дардларини изҳор этган эди. Бу хатларга самимий, инсоний туйғулар битилган эди. Бу хат Зебихонга анҳор бўйларида, теракларнинг аллақандай сирли шитирлашларига қулоқ солиб жимгина кечирган ойдни кечаларни эслатди. Ўшанда ой худди оқ қогоздан доира қилиб қирқилгандек кўринарди. Саратон куйдирган кунларда анҳор ёқалаб қаминшлар орасидан оқимга қарши қирғоқ бўйлаб кетганларида Турсунбой уни биринчи марта бағрига босиб ўпган, «Севаман, сендан бошқага қайрилиб қарамайман!» деган эди. У армияга жўнаб кетаркан, Зеби билан яна шу кўм-кўк қаминшлар орасида учрашган эди. Эҳтимол, ҳозир шундай туюляптими, негадир ўшанда

Турсунбойнинг кўзлари бежэ эди. Илгариги қайноқ сўзлар ўрнига совуқ, жуда совуқ гаплар айтар эди. Кўзлари илгаригидек чақнамаган эди ўшанда. У Зеби-хоннинг билагини ушлаганда илгаригидек қўллари қайноқ эмасди. Худди гассол қўлидек совуқ эди. Ўшанда Турсунбой бир гапни қайта-қайта такрорлаган эди:

— Келаман, қайтиб келаман. Мени кут, Зеби. Сен учун қайтиб келаман.

Зебихон ўшанда бу гапларнинг маъносига тушунмаган экан. Зеби унинг бу гапларини, голиб бўлиб қайтиб келади, деб англаган экан. Турсунбойнинг ўшандаёқ армияга журъатсизлик билан кетаётганини, юрт учун жонбозлик қилгани кетаётган эмаслигини сезмаган экан.

Зебихон энди бу гапларнинг чин маъносини чақди. Турсунбой ўзининг қўрқоқлигини севги ниқобига яширмақчи. Қўрқоқликдан эмас, Зебихоннинг висолига етишмоқ учун қайтиши керак эмиш. Йўқ, у қочоқ! Бу хил номардлар севги қадрига етмайди. Ўз ота-онасини, юртини севмаган одам муҳаббат ҳиссларини ардоқлай олармиди?

Зебихон бу уйга, номард бола туққан онага, хонн бола ўстирган отага аламли сўзлар айтгани келган эди.

Ҳозир у ўз ёғига ўзи қовурилиб ётган бу бахтсиз, боласи туфайли шармандан шармисор бўлган оиланинг изтиробларини кўриб шаштидан қайтди. Бир сўз демай орқасига бурилди-да, эшикка қараб юра бошлади.

У остонага етганда тўхтади. Чўнтагидан букланган қоғоз олиб бурда-бурда қилиб йиртиб ташлади. Бу Турсунбойнинг хати эди.

Шамол қоғоз бурдаларини ҳовли томонга супуриб кетди.

VIII

Райимберди тоға Умматаланиннг уйида ҳофизларнинг хонишига қулоқ солиб тиззасига уриб тебраниб ўтирарди. Гоҳ баланд, гоҳ паст пардаларда фарёд қилаётган оҳанглар уруш оловларини, тинч-осуда кунларни кўз олдида гавдалантирарди.

Райимберди тоғаниннг ҳам ўғли урушнинг бошидаёқ фронтга кетган.

Угли Тошкентда университетнинг иккинчи курсида ўқирди. Ноябрьнинг бошларида ундан кетдим, деган хат

келдн-ю, икки ой ўтиб, жангга киярпман деган иккинчи хатни олди. Тоға ўғлидан, яраландим, гаспиталда даволаняпман, деган мазмуида охирги хатни қишда олган эди. Сал кун ўтмай, ҳарбий комиссарликдан, ўғлингиз Ватан учун жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди, деган хат олди. Тоға ўз ёғига ўзи қовурилди. Озиб, чўп бўлиб кетди. Аммо бу сирни хотинига билдирмади. Хотини, хат-хабар келмай қолди-я, деб безовта бўла бошлаши билан у бировга ўғли номидан хат ёздириб эски конвертга соларди-да, келиб ўқиб берарди. Қишдан бери аҳвол шу.

Ҳозир у куй мақомига тебраниб ўтираркан, ич-ичидан эзилиб ўғлини ўйларди. Болагинасининг бир сиқим гупроги қаерларда қолиб кетди экан?..

Урушдан олдин тикдирган шевиот костюмини, янгина тахтакачдан чиққан дўпписини кийиб олган Уммати келиб унинг қулогига шивирлади:

— Обкомдан айтишибди, биринчи секретарнинг ўзига телефон қилармишсиз.

Тоға ўрнидан турди. Қўлини кўксига қўйиб, ашула пайтнда туриб кетаётганига созадалардан узр сўралди-да, ҳеч қаёққа қарамай чиқиб кетди. У Икромжоннинг уйи олдида ўтиб кетаётганда эшикка келиб қулоқ солди. Жимжит. Нима бўлди? Бирдан унинг юрагини ваҳм босди, остона ҳатлаб ичкарига кирди.

Бу пайт Низомжон ошхонада ўчоққа ўт қалаб, нямдир пишираётган эди. Икромжон ҳали ҳам сандал устидан бир қўлини пешонасига тираганча ўтирибди: Жаннат хола супада бир тиззасига бошини қўйиб, девор тагида дон талашаётган мусичаларга хомуш тикилиб қолган эди. У Тоғани кўриб бошини кўтарди-да, орқасига йиғилиб қолган этакларини тушириб ўрнидан турди.

Тоға ўн бир йилдирки колхозга раис. У кўп тўйларга бошчилик қилган. Кўп азаларда олдинга тушиб тобут кўтарган. Қанчадан-қанча етимларнинг бошини силаб овутиган. Адашганларни йўлга солган.

Аммо Икромжонни овутишга у ожизлик қиларди. Уни нима деб юпатади? Одамзоднинг бисотида бу дардини енгиллатадиган гап борми?

Икромжоннинг ягона таянчи, ягона умиди шу бола эди. Энди у йўқ. Мабодо у дардга чалиниб ўлганда, унда юпатиш учун бирон сўз топилиб қолиши мумкин эди. Бу ярамас бола ўз отасини шармандаликка ташлаб кет-

ди. У бир умр бу догдан қутулолмайди. Шунинг учун ҳам Тоға гаранг эди.

Жаннат хола унга салом бериб, эрига қаради.

— Дадаси, турнинг, Тоға келдилар.

Икромжон бошини кўтариб уни кўрди-ю, машаққат билан ўрнидан турди. У чарчаганидан, уйқусизлигидан дармонсиз эди. Аммо ўзини тутди. Ҳовлига тушиб Тоғанинг истиқболига чиқди.

Тоға унинг кечадан бери ухламаганини, ўша мудҳиш хабарни эшитгандан бери шу аҳволда телба бўлиб юрганини сизди-да, бошқа бирон нарсага алаҳситмоқчи бўлди.

— Юр, сенда гапим бор,— деди-ю, ўзи эшикка қараб юрди. Аммо унга нима демоқчи, қаёққа олиб бормоқчи — бунга ҳали билмасди.

Икромжон ариқда бетини ювиб қийиғига арта-арта унга итоаткорлик билан эргашди.

Кўчага чиқишди. Ҳаво тоза. Осмонда қиттак ҳам булут кўринмайди. Пахса девор ковагида бақа қурилляпти

Тоға олдинда, Икромжон кейинда бир-бири билан гаплашмай катта кўчага етишди. Тоға тўхтади.

— Эртага Найманга одамларни ўзинг олиб кетасан!

Икромжон дарров жавоб бермади. У ўйларди. Боргани дуруст бўлармикин? Ё қишлоқдан бошини олиб кетсинми? Қаёққа борадилар? Қаёққа бормасин, барибир, бу алам уни тинч қўймайди. Найманга боргани маъқул бўлар. Ҳар қалай одамларнинг кўзидан, таънасидадан узоқроқ бўлади-ку.

— Майли, Тоға, сен бир нарсани билиб айтаётгандирсан. Менга ёмонликни раво кўрмайсан-ку. Хўп.

Икковлари бошлашиб идорага киришди. Тоға стол тортмасидан рўйхатни олиб унга узатди.

— Борадиганлар шулар.

У шундай деди-ю, трубкани олиб коммутатордан Фарғонага улашни сўради. То Фарғона жавоб бергунча Икромжонга қанча одам бориши, ишни аввал нимадан бошлашини тушунтирди.

— Ишни новвойхонадан бошлайсан. Ҳар куни қишлоқдан пон ташиншга арава топиб беролмайман. Иккитани машинанинг бошқа ишлари кўп. Қурилиш бригадасидан ўн беш кишини олдинроқ олиб кетасан. Ошхона, новвойхона, чойхона қурасизлар. Уттизта палатка-чодир

топтириб қўйдим. Уни ҳам ола кетасизлар. Хотинлар ҳозир боришмайди. Бордон тўқнишга беш киши ажратдим, бобойлардан. Озиқ-овқат масаласи ҳам ҳал бўлган...— Телефон жиринглаб, Тоғанинг гапи оғзинда қолди. У шошиб трубкани олди.— Мен, салом. Раҳмат, яхши. Ҳа, энди хурсанд бўлмаймизми? Колхозимиздан герой чиқади-ю, биз хурсанд бўлмай, ким хурсанд бўлсин! Ҳа, албатта. Қачон? Э, отанинг ўзлари ўтказадиларми? Хўп, хўп. Албатта бораман. Ҳа, бораман. Ким келади, дейсиз? Бугунми? Бўпти... Бўпти. Кутиб оламиз. Идорадан жилмай тураман. Албатта шундай қиламиз, хотиржам бўлинг!— Тоға трубкани жойига қўйиб Икромжонга қаради.— Рўйхат билан танишиб чиқдингми? Қалай, бўладими? Ҳаммасини олиб кетарсан-а? Е ёқмайдиганлари ҳам борми?

Икромжоннинг одам танлайдиган ҳоли йўқ эди. Ўзимдан бошқа шумшук одам атрофда йўқ, деб ўйларди.

— Агар рўйхат маъқул бўлган бўлса, кечқурун Абдухалилнинг олдига борасан. Топшириқ олган. Ҳамма нарсани тахт қилиб қўйди. Аравалар ҳам эрталаб идора олдида бўлади. Кетадиганлар ҳозир далада. Ишдан қайтганларида уйларига бориб эртага кетишларини билдириб қўй. Идиш-товоқ, бир сидра кийимдан бошқа нарса олишмасин.— Тоға ўйланиб туриб қолди. У ниманидир унутгандек бармоғи билан столи чертиб ўтирарди.— Рўйхатга қўштиги борлардан ҳам қўшганман. Ов қилишларинг мумкин. Ўзинг ҳам берданкангни ола кет. Хафа бўлмасанг, сенга битта иш буюрмоқчиман.

— Буюр, Тоға. Нима хизмат?

— Бизнинг эшикка айтиб ўтиб кетсанг, меҳмон келармиш, тайёрлик кўриб қўйсин. Гап шу. Боравер, ошпам. Тўхта, кетадиганлар билан гаплашиб бўлганингдан кейин, қай маҳал бўлса ҳам мени топиб учраш.

Икромжон идорадан чиқиб тўппа-тўғри Тоғанинг уйига қараб кетди. Тоға унга шунча кўп иш топширган эдики, бошига тушган ташвишни ҳам унутаёзди. Унинг фикри зикри Найман чўлида бўлиб қолди. Иш ни нимадан бошлаш керак? Олдин тўқайга ўт қўйишданми, зовур қазишданми? Палатка қурган билан зах ерда ётиб бўлармикан? Айтганча, Тоға, қариялардан беш кишини бордон тўқнишга қўшиб бераман, деди. Тоға тадбирли одам. Ҳар балога ақли етади. Олисни кўрадиган одам бу Тоға!

Икромжон раиснинг уйига меҳмон келишнин тайин-
лагач, тўппа-тўғри колхоз саройига кирди. Омборчи
Абдухалил қаёққадир чиқиб кетган экан, уни кутиб,
сарой ичида айланиб юрди. Бундан уч-тўрт кун олдин
Тоға билан Найманга боришганда, у маданият сарой-
ига атаб Сибирдан олиб келган ёғочларни тилдир-
май асраб қўйганини айтган эди. Шу гап эсига келиб
Икромжон темир-терсак уйиб ташланган майдонга ўт-
ди. Ҳақиқатдан ҳам ўша ёғочлар қандай тахлаб қў-
йилган бўлса ўшандай турибди. Икромжон бу ёғочлар-
дан қанча тахта тилдириш мумкинлигини чамалаб
кўрди. Борадиган хўжаликларга қуриладиган уйлар-
дан ортиб қолади. Йўғ-э, тахта бўлади-ю, ортиб қола-
дими? Кўприк, отхона, молхонага ҳам керак бўлади.
Гап ҳали Тоғанинг бу ёғочларининг ҳаммасини бери-
шида қолган. Беради. Бермаганга қўймайди Икромжон.

Отларнинг сми нима бўлади? Тоға бу масалада
ҳеч гап айтмади-ку. Ҳали уйга борганда эслатиш ке-
рак. Ердан гнёҳ қиёқ чўзиб чиққунча етадиган ем олиб
кетишмаса бўлмайди.

У саройни айланиб келса, Абдухалил омборни энди
очаётган экан. У омборга бошлаб кириб эртага чўлга
олиб кетиладиган нарсаларни кўрсатди.

— Тандир йўқ. Узингиз топинг, харажатини бухгал-
терия тўлайди. Қозон бор, самовар бор. Қуруқ чой
йўқ. Олмачой бераман. Бошқа ҳамма нарса бор. Хо-
тиржам бўлинг. Эртага ҳаммасини аравага ортамузу
кетаверасизлар.

Икромжон унинг олдидан анча кўнгли хотиржам бў-
либ чиқди. Энди кетадиган аъзоларни огоҳлантириш ке-
рак. Тайёр бўлиб туришсин.

Анча кеч кириб, салқин шабада этни жунжита бошла-
ган эди. Икромжон самоварга кириб битта чой ичди-да,
қўлидаги рўйхатга қараб кетадиганларнинг уйларига
жўнади.

То ишини битказиб қайтгунча қоронги тушиб қолган
эди. Рўйхатдагиларнинг биронтаси ҳам «йўқ» демади.
Бунинг сабаби бор эди. У ким билан гаплашмасин,
бечора алаҳсиб қопти, Тоға ишга шўнғитиб қўйибди,
йўқ, десак кўнгли ранжийди, деб «хўп» деяверишган
эди.

У ишларнинг яхши юришганидан табиати равшан
тортиб Тоғанинг уйига келди.

Катта уйда нотаниш бир киши столга қўлда ясалган харитани ёзиб Тоғага нималарнидир кўрсатарди. Икромжон ичкарига киришга истиҳола қилиб, деразани чертди. Тоғанинг ўзи эшикни очди.

- Келдингми, кир, киравер!
- Йўқ, шеттан қайта қолай.
- Жинни бўлдингми, киравер.

Тоға уни қўярда-қўймай ичкарига бошлади. Меҳмон унга ўгирилиб қаради. Икромжон у билан саломлашиб, бир чеккага ўтирди. Меҳмон Икромжон кириб узилиб қолган сўзини давом эттирди. Унинг гапларидан Охунбобоев ҳозир Фарғонада эканини, бир-икки кундан кейин Езёвон масаласида катта йнғин бўлиши кераклигини англади. Тоға Икромжонга чой қуйиб узатди-да, эшикка чиқиб кетиб анча ҳаяллаб қолди. Меҳмон Икромжонга қаради.

- Ўзлари ҳам шу колхоздан бўладиларми?
- Шундоқ,— деди Икромжон.
- Сизларга қойилман. Колхозларингдан қаҳрамон чиқди. Бутун республикага доврўқларинг кетди. Эртага газетани кўрасизлар, ҳаммаси сизларга бағишланиб чиқади. Қизиқ, бири қаҳрамон, бири қочоқ.

Икромжоннинг юраги шув этиб кетди. Уни кимдир гўё электр токи билан ургандек бўлди. Тили гапга келмай, нималардир деб гўлдиради. Кейин қизариб кетди.

Икромжон қандай қилиб эшикка чиқиб қолганини билмайди. Ош олиб кираётган Тоғага урилиб кетди. Ўгирилиб унга бир қаради-ю, ўқдек отилиб кўчага югурди.

Атроф қоронғи. Осмонда на ой, на юлдуз бор.

Назарида, бу қора кеча бир умр оқармайдигандек эди.



Икромжон ҳар қанча изтироб чекмасин, эр киши сифатида хотини олдида ўзини дадил тутуши, кўз ёшини яшириши, бирон ҳаракати билан алам чекаётганини билдириб қўймаслиги керак. Бу қийин. Аммо иложи қанча?

Икромжон эшикдан чеҳрасини очиб кирди. Жаннат хола кечадан бери супурги тегмай ивирсиб кетган уйни йиғиштираётган эди. Эрининг авзойини кўриб кўнгли сал таскин топгандек бўлди-да, айвон лабига келиб, якандозни қоқди.

— Кеч ҳалдида нима қиласан, уй супуриб,— деди Икромжон унинг кўзларига қарашга богинолмай.— Бу ишларингни қўй, хотин. Утир, ишдан гаплашайлик. Тай-ёрмисан? Эртага Найманга кетамиз.

Жаннат хола эрининг ёнига келиб ўтирди-да, ҳардам-хаёллик билан жавоб берди:

— Қандоқ бўларкин? Дурустроқ ўйлаб кўрдингизми?

— Дурустроқми, дурустроқмасми, ишқилиб, ўшаққа кетсак ёмон бўлмайди. Мени айтди дерсан. Шу иш менга маъқул тушиб турибди. Энди кўнглингга келмасину, гапнинг сирасини айтиб қўйганим дуруст.— Икромжон гапининг давомини ўйлаб бир муддат жим қолди. Кейин Жаннат холанинг кўзига тик қаради.— Урушда ҳар нима бўлади. Биров ўққа учади, биров яримжон — майиб бўлиб қайтади. Тўртсеркалик муаллим ошнам бор эди-ку, танийсан, оти Ғанижон, ўшанинг ўғлидан қора хат келганда бечора йиғлаб-сиқтаб аза очган эди. Йўқ, яқинда ўғлининг ўзидан хат кепти. Кўрдингми, урушда шунақа чалкашликлар бўлиб туради. Ажаб эмаски, Турсунбой масаласи ҳам шундоқ бўлиб чиқса.

Жаннат холанинг кўзлари чақнаб, аллақандай умид учқунлари ёнгандек бўлди. Ялт этиб эрига қаради.

— Айтганингиз келсин, айтганингиз келсин, илойим.

— Энди, гапнинг бу ёгини эшит. Ростми, ёлғонми, шу гап бўлиб турганда эл олдида бош кўтариб юришга қийналяпмиз. Найманга кетсак, шу таъналардан сал узоқроқ турармиканмиз, дейман-да.

— Майли,— деди Жаннат хола.

Икромжон бир чеккада ғариб бўлиб ўтирган Низомжонга қаради:

— Бу ёққа кел, бола. Уз ташвишларимиз билан бўлиб, ҳолингдан хабар ололмай қолдик. Хўш, энди сен нима қилмоқчисан?

Низомжон ўрнидан турди. Секин келиб бошини эгиб жавоб берди:

— Тузингизпи ичдим. Ҳеч ким қилмаган меҳрибончиликларни қилдинглар.

— Бу гапларни қўй. Нима қилмоқчисан, шуни айт.

Низомжоннинг овози титради. У қаттиқ ҳаяжонга тушганидан гапини йўқотиб, турган жойида оғирлигини, гоҳ ўнг оёғига, гоҳ сўл оёғига ташлаб энтикарди.

— Утир, ўтириб гапиравер, болам.

Низомжон улар қаторига қўшилиб айвон лабига ўтирди.

— Кимлигимни айтиб берай, кетиб қолсам, у ким эди, нима қилиб юрган эди, деб ўйлаб юрманглар. Менинг ҳам бошимда сизларникича бўлмаса ҳам анчагина кўргиликлар бор. Уйимдан қочиб келяпман...

У бошидан ўтган воқеаларни ипга чизгандек бирма-бир гапира бошлади. Дилдорни севгани борми, унга акаси уйлангани борми, жаҳл билан уйдан кетиб қолиб, акаси ўлгандан кейин қишлоққа қайтиб келгани борми, ҳаммасини гапирди.

Унинг саргузаштларини кампир ҳаяжон билан тингларди. Икромжонга бу воқеалар қанчалик таъсир қилмасин юзида, кўзида ортиқча ажабланиш сезилмасди. Низомжон опаси ва дадасининг Дилдорга, ўз келин аясига уйлантириш ниятида уни қийин-қистоққа олганларини айтганда Икромжон ягона тиззасига шапатилаб уриб ўрнидан туриб кетди.

— Оқ қилдими, а? Даданг оқ қилдими, а? Ё тавба бу қандоқ шармандалик! Нима учун бундай қилади? Ё яхши келинни қўлдан чиқариб юборгиси келмаганми?

— Гап унда эмас, амаки. Дадам билан опам Дилдорнинг мулкига эга чиқишмоқчи.

— Эҳа, гап ҳали бу ёқда дегин. Хўш, энди нима қилоқчисан?

Низом пешонасини уқалаб, бирпас жим турди-да, жавоб берди:

— ГЭС қурилишига борсам дейман. У ерда одамга зор бўлиб туришибди, деб эшитдим.

— Тўғри, бизнинг Зирилламамиздан ҳам йигирма одам кетган. Уша ёққа борсанг ёмон бўлмайди. Бунини яхшилаб ўйлаб кўришимиз керак. Менга қара, биз билан Найманга кета қолмайсанми? Яхши йигит экансан, ёлғизлатиб қўймаймиз. Бахтинг очилса, шу ерда уй-жойли бўлиб кетарсан.

Жаннат хола гапга қўшилди:

— Шунақа қила қол. Амакинглар билан бўлсанг бир-бирларингга далда бўласизлар. Иссиқ-совуғингдан ҳам хабар олиб турадиганлар бор бу жойда. Шу маъқул гап, болам.

Низомжон ўйлаб қараса, дарҳақиқат, бу жўялик гап экан. Ҳар қалай, бу одамлар билан анча сирдош бўлди. Биров, шу ерда қол, деб қўйинини, кўнглини очиб турса-ю,

у қаёққа кетады? Бормаган, кўрмаган олис жойда ҳали нима гапу, нима сўз. Унда ташқари, ўзидек дил-шикаст бу онлани ташлаб кетиши ҳам инсофдан эмас.

— Хўп, амаки, қоламан. Сизлар сабаб бўлиб зора йўлимни топиб кетсам. Илло, юзларингизни ерга қарамайман.

Икромжон унга қараб илжайди.

— Халитдан тўн бичма, бола. Бирга тургандан кейин аччиқ-тиззиқ гаплар бўлмай иложи йўқ. Уришамиз, сўкишамиз, ярашамиз. Ҳаммаси ҳам бўлади. Иш бор жойда жанжал ҳам бўлиб туради. Одамлар ҳозир жуда асабий бўлиб кетишган. Уларга иккита гап кўплик қилади, битта гап камлик қилади. Чндамай чорамиз йўқ. Сенга ҳам маслаҳат шу.— Икромжон Жаннат холага қаради.— Овқат-повқатинг борми, опкелсанг-чи, ўлдирдинг-ку сириб.

Жаннат хола ўрнидан туриб ошхонага кетди. Чироқ ёқиб, ўчоққа ўт қалади. Ошхона эшигидан бош чиқазиб деди:

— Шавла қилган эдим, совиб қопти. Ҳозир иситиб бераман, жиндек сабр қилиб туринг, дадаси.

Икромжон ариқдан қўл ювди-да, якка-ю ягона оёғини сандалга тиқиб ўтириб олди. Низомжон қайноғи ўлган самоварни силкиб оташхонада кул босиб қолган чўғни алангалатиб юборди. Зум ўтмай самовар сурнай чалаётгандек нола қилиб жигиллади. Жаннат хола товоққа шовла сузиб келди.

Бу онланинг икки кундан бери энди дастурхон атрофига йингилиши эди.

Икромжонга чарчоқ билинди. Сандал иссиғи баданига ўтиб кўзи илина бошлади. У овқатдан кейин икки пиёла чойни қайноқ-қайноқ хўплади-да, мудраб кетди. Орқасидаги ёстиқни ёнига тортиб бирпасда ухлади қолди. Жаннат хола Низомжонга ҳам ўрин солиб берди-да, чироқни ўчириб ичкари уйга кириб кетди.

Аммо Низомжоннинг кўзига уйқу келмасди. Хаёли уни ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа судраб кетаверди.

У ўз тақдирини ўйларди. Ўлмаса, дардга чалиниб қолмаса, бу саховатли кишиларга бир яхшилик қилсин, шундай яхшилик қилсинки, бу ногирон — хаста киши дилига ўчмас алам солган боласининг доғини унутсин. Унга боласидан афзал яхшиликлар қилади. Ҳеч ким уни

га хонининг отаси деб таъна қилмасин. Унга отиладиган таъна тошларига Низомжон кўксини тутиб беради. Шунда у, ўғлим бор экан, у мана, дея олсин.

Низомжон бошига келган бу ўйдан руҳланиб кетди. Бошини болишдан секин кўтариб Икромжон ётган томонга қаради. Кеча қоронғи бўлганидан у кўринмасди. Фақат пиш-пиш нафас олаётгани аниқ эшитилиб турарди.

Низомжон яна болишга бош қўйди. Эсига қишлоғи, уйи, дадаси келди. Улар нима қилишаётган экан. Уни эслашаётганмикан? Дилдор кетиб қолмадимикан?

Бирга катта бўлган ўртоқлари бир-бир кўз олдидан ўтарди. Ўқиган мактаби, охириги имтиҳон, уруш бошланган кундаги қишлоқдагиларнинг ҳаяжонли кўзлари, дадасининг ўша кунидек магазиндан икки қоп шакар, беш қоп ун, олтмиш литр пахта мойи олиб келгани, опаси омонат кассага қўйган ҳамма пулларини қайтариб олгани, ҳаммаси, ҳаммаси хаёлига келди. Айниқса, ўша кунни Қаримжон деган ўртоғи уйга келганда чой дамлаб патнисда иккита нон олиб чиқиб олдига қўйганда, дадаси уни четга чақириб, юзига икки тарсаки уриб патнисдаги нонни қайтариб уйга олиб кириб кетгани сира эсидан чиқмайди. «Энди очарчилик бўлади. Эшиқдан кириб кетамиз. Ошхонада қаттиқ нон бор, икки бурда олиб чиқиб қўй!» деган эди дадаси. Ушанда Низомжон хўрлиги келиб кўз ёшини оқизмай йиғлаган. Бу ҳангомани кўриб турган Қаримжон секингина кулиб кўя қолган эди.

Дўстим Қаримжон фронтда. Низомжон уни Асрора билан ҳарбий комиссарликда грузовойга чиқиб жўнаб кетгунча кузатиб қолган. Ундан Низомжон олти марта сат олди. Бошқа ўртоқлари қаёқда? Ҳаммаси фронтда. Битта Низомжон қилар ишининг тайини бўлмай тентиб юрибди. Йўқ, энди у тентимайди. Фронтга бориб душман билан олишишга ярамаса ҳам шу ерда, меҳнат фронтида жанг қилади. Ўртоқлари қайтиб келишганда улар олдида ерга қарагулик бўлмайди. Ишлайди. Бор кучи билан ишлайди. Роҳатидан кечади, уйқусидан кечади. Ишлайди, ишлайди...

Низомжон ана шундай хаёллар билан ухлаб қолди.

...Аяси бошини силайди «Ўкинма, болам, йўлингни топиб юр!» дейди. Аллақайдан Дилдор пайдо бўлади, унга қараб жиртак чалаётгандек илжаяди. Низомжон ти-

килиб қараса бу илжаяётган Дилдор эмас, бугун эрта-
лаб кўрган қиз... У мотоцикл ушлаб турибди...

Ниманингдир пат-патлаганидан уйғониб кетди.

Ариқ бўйида бўйинини чўзиб турган хўроз икки қано-
тини силкиб, бирдан қичқириб юборди. Низомжон бо-
шини кўтариб ҳовлида ивирсиб юрган Жаннат холага
қаради. Унинг онаси ҳам шунақа барвақт туриб ҳовли
супурарди. Низомжон тушида онасини кўрди. Унинг бо-
лалик хотирасида қолган узук-юлуқ қиёфаси равшанла-
шиб кўз олдида намоён бўлди. Низомжон сапчиб
ўрнидап турди-ю, уйга кириб тугунчакдан онасининг су-
ратини олиб дераза олдига келди. Алам, хўрлик, изтироб
билан унга тикилди.

Низомжонлар онаси жуда почор яшарди. Иноят оқ-
соқол рўзгорини, оила аъзоларини худди қисимлаб ушлаб
тургандек сира панжасини ёзиб эркин қўйиб юбормас-
ди. Биргина Низомжон ўзини эркинроқ тутарди, холос.
У шўхлик қилган, сўзига кирмаган кезларда дадаси ту-
тақиб кетарди. Хотинига ўдағайларди:

— Болани рэсво қиляпсан. Кўрарсан, бунинг бола
эмас, бало бўлади!..

Марҳум онаси ҳар жиҳатдан дадасига муте эди.
Унинг бир гапини икки қилишга кўрқарди. Низомжон-
нинг онаси рангсизгина, юзларига жуда эрта ажин тушиб,
қадди букилган хотин эди. У эрининг феълинн яхши
билгандан аччиқ гапларни эшитганда ҳам чидаб тураве-
рарди. Оқсоқол кўчадан келиб омборхонага калит солиб
овқатга масаллиқ олип бермагунча, айвон лабида маънос
ўтираверарди. Оқсоқолнинг наънисиз бу рўзгорда
ўчоққа ўт ёқилмасди. У доимо эшак миниб, қишлоқ-
ма-қишлоқ чорбозорчилик қиларди. Ҳеч қачон бировни-
кида ётиб қолган эмас. Қаерда бўлса ҳам уйга етиб
келарди.

Оқсоқол фақат ҳовлидаги аштархон гилос билан
оқ ўрик пишиб тугамагунча уйдан кўчага чиқмасди.
Уларни териб, саватга битталаб жойлаб, ириган-чи-
риганларини уйдагиларга қолдириб бозорга олиб ке-
тарди.

Лекин рўзгорда ҳар қандай қийинчилик пайтида ҳам
уларнинг қозони қайнаб турарди. Омборхонада ҳаминша
бир-икки ойга етадиган масаллиқ бўларди. У доимо бир
гапин такрорлашни яхши кўрарди:

— Озиқлик от ҳоримас. Нафсини тийган узоққа бо-

ради. Тома-тома кўл бўлур, бугун бир бурда тежасанг, эртага нонинг икки бурда бўлади.

Оқсоқолнинг деярли ҳар куни омборхонадан шиша банкада мош ё нўхат ўлчаб бераётганда айтадиган гапи хотинининг жон-жонидан ўтиб кетарди. Ҳатто бир куни чидамай нолиб ҳам қолди:

— Э, тежалмай ўлсин. Дунёга одам икки марта келадими? Эшикдан биров кирса юрагим ўйнаб кетадиган бўпти, одамларга ўхшаб бировнинг олдига иккита нон қўёлмасам. Бу қанақа тирикчилик бўлди. Бошқалар бинойидек тўкин-сочин яшашяпти. Э, ош авлиё-ю, нон пайгамбар бўлмай қуриб кетсин.

Оқсоқол ўшанда хотинининг гапига жавоб тополмай ўшқирган эди.

— Ҳой, аҳмоқ хотин, ҳой, нодон хотин, азизларга тил тегизма! Бу кунигини ҳам кўп кўриб қўймасин!..

Маҳаллада тўй ё аза бўлса ўша куни уларнинг уйида қозон осилмасди. Оқсоқол маърака ўтгунча қозоннинг тепасидан кетмасди, болалардан уйига бир-икки товоқ ош чиқарарди. Узи қайтишда қийинга ушатилган бурда нонларни тугиб келарди.

Низомжон ана шу онлада, ҳамниша таранг рўзгор ичида ўсган.

Шу топда у суратга қараб ўтириб, мунис, ҳамма вақт кўзида ҳаётдан нолиш сезилиб турган онасини эслаб кетди. Онаси камдан-кам куларди. Кулганда ҳам ичида куларди. Баъзан у Низомжонни етаклаб тоғалариникига олиб борарди. Низомжон ўша ёқларга борганда сира уйига қайтиб келгисин келмасди.

Мана ҳозир она суратига тикиларкан, унинг юзидаги таниш, кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлган ажинлар, ҳеч қачон кулмаган қисқ лаблар, ҳасрат тўла кўзлар Низомжонга: «Болагинам, менсиз ҳолинг не кечаётган экан, йўлигини топгунингча бағримда тутолмадим. Қайда бўлсанг омон бўл. Ёмонга ёндашма!» деяётгандек.

Осмон худди янгигина оҳак суртилган девордек секин-секин оқариб келарди. Кўкка бўй чўзган яланғоч теракларнинг учи бирдан худди ўтда қиздирилган симдек қип-қизил бўлиб кетди.

Кўчадан оёқ товушлари ҳам эшитилиб қолди. Атласдек товланган осмон беғубор ҳаво Низомжон кўксидagi оғир, ҳазин ўйларни тарқатиб юборгандек бўлди.

Х

Зебихон у қадар чиройли эмасди. Аммо унинг икки кўзи... Бу кўзлар қараганини куйдирарди. Зирилламалик йиғит борки, унинг эшиги олдидан тегажаклик қилмасдан ўтолмасди:

Сурма қўймай мунча ҳам, жоно қародир кўзларинг,
Ҳар бири жон қасдига боққан балодир кўзларинг.
Ошно бегоналарга, бир умр хуш-хуш нигоҳ,
Ошноларга ғараз ношнодур кўзларинг..

Зебихон супада бу қўшиқларни эшитиб ётарди. Опаси унинг тепасига келиб бир ёстиқ бўлиб тўзиб кетган сочларини йиғиштириб унга меҳр билан тикиларди-да, ҳамиша бир гапни айтарди:

— Сен ўлгур, ноз қилавермай биттасини танласанг бўларди. Поччангни биласан-ку, гап кўтармайди.

Зебихон поччасининг феълни жуда яхши билади. У опаси айтгандек тажанг одам эмас, жуда мулойим. Опаси унга тегиб икки болалик бўлди ҳамки, уларнинг орасида биронта совуқ гап ўтганини билмайди. Жаҳли чиқиб турганда ҳам гапига матал қўшиб гапирарди. Опаси бир куни ўртоғи эрга тегаётганида тўйга кетиб ярим кечасигача қолиб кетди. Аксига олиб Зебихон ҳам мажлисда эди, келса поччаси қўлига ҳали йўлга кирмаган болани кўтариб олиб ҳовлида алла айтиб юрибди. Эркак кишига алла айтиш шунақаям ярашмас эканки, Зебихон хиринглаб кулиб юборди. Кагта ўғли тўрт яшар Омонжон дадасининг этагидан ушлаб эргашиб юрибди. У дод дейди, чақалоқ чириллаб йиғлайди, поччаси дўриллаб алла айтади.

— Нима гап, тинчликми, почча?

Поччаси индамади. Бир оздан кейин тўнғиллади:

— Эгачим овга чиқди, кетидан ғовга чиқди. Қилган ишини қаранг, болаларга овқат-повқат қилмай кетаверибди. Қозонга ўт қалай десам, манави қўлимдан тушмайди. Буниси этагимга ёпишиб олди. Жонимдан тўйиб кетдим.

Зебихон дарров овқат пишириб, жиянларига едирди. Болалар очиққанларидан йиғлашаётган экан. Тўйиб дарров ухлаб қолишди. Опаси икки хўроз чақирганда келди.

— Қаёқда қолиб кетдинг, опа, поччам бечора қийна-
либ кетибди-ку?

Опаси бўйнидан марваридини, қулоқларндан исир-
галарини ола туриб ҳиринглаб кулди.

— Қўявер, бола боқишнинг қанақалигини бир билиб
қўйсин.

Поччаси ётган ерида тўнғиллади. Уйқуси жуда пишиб
турган экан, айтган матали унча келишмади:

— Бир доно одам, кичкинагина, озғингина хотинга
уйланибди. Одамлар нега кичкина хотинга уйланди, деб
сўрашганда, жанжалнинг кичикроғи дуруст, деган
экан.

Бу гапдан ҳайрон бўлиб қолишди. Зебихоннинг опа-
си унчалик кичик эмас, тўлагина лўппигина жувон эди.

— Бу нима деганингиз?— деди кулиб.

Поччаси гапни ёпиштиролмаганидан ўнғайсизланиб,
кўзини юмиб ёлғондан хуррак тортган эди.

Поччаси Тўланбой мўйлов эски китобларни кўп ўқи-
ган. Шунинг учун ҳам икки гапнинг бирига ё байт ё
бўлмаса ибратли бир ҳикоят қистириб ўтмаса кўнгли
жойига тушмайди. Қайнатаси ўлганда кўп яхшиликлар
қилган. Унинг бу яхшиликлари Зебихоннинг дилида ту-
рибди. Шу поччаси уни ўқитди, гап-сўзга қолдирмай
отадек қанотига олди. Баъзан Зебихон йўқ пайтлари
эр-хотин пичирлаб гаплашиб тенги чиқса Зебихонни
бирон йигитга беришни маслаҳатлашишарди.

— Зебихон ёмон эмас, эсли-ҳушли чиқди. Қиз бола
нозик нарса, тенги чиқса текин бер, дегандек, вақтида
эгасига топширсак, ёмон бўлмасди.

Хотини бу меҳрибон, ҳамиятли эрининг одамгарчи-
лигидан кўз ёши ҳам қилиб оларди.

— Бу замоннинг қизларига бир нима деб бўларми-
ди? Узи топмаса, биз топгани назарга илмайди.

Аммо Зебихон ўзига муносиб йигит изларди. Оёғи
тагида ўралашаётганларини писанд қилмас, йўлини тў-
сиб, йиғлаб дардини айтадиганларни эламас эди. У мағ-
рур, уни оёқ учида кўрсатадиган, кўркига бино қўйган
Турсунбойнинг юрагига ўт ташламоқчи, унинг кўзини
очиб қўймоқчи эди.

Қизларнинг ҳаммаси ҳам шунақа бўлади. Улар суй-
калганга эмас, ўзини олиб қочганга қарашади. Турсун-
бой ана шунақалардан эди.

У чиройли, қомати қўйиб қўйгандек паҳлавон йигит.

Бироп марта соқоли ўсиб юрганини ҳеч ким кўрмаган. Кийимлари ҳамиша тоза. Этиги ойнадек йилтираб турди. Ҳатто у ўртоқларига мақтаниб, фалон қизни бир лақиллатаман кўриб қўясанлар, дерди-да, гаров байлашиб, қизлар билан бирон жойга ваъдалашарди. Кейин у ваъдалашган жойга бормаи оғайнилларини томоша қилгани юборарди. Сочини майда ўриб, ясаниб келган бечора қиз уни кута-кута қайтиб кетарди. Турсунбойнинг ўртоқлари уни эрмак қилиб орқасидан қараб қолишарди. Турсунбой шунақа гаровларда неча марта ўртоқларини араққа туширган.

Зебихон мана шу Турсунбойнинг ишқида куярди. Турсунбой бўлса унга қайрилиб ҳам қарамасди.

Қиз бола шайтон бўлади. Агар у астойдил қасд қилса ҳар қандай эркакнинг ҳам юрагини ёндира олади. Бир тасодиф рўй берди-ю, Турсунбой ўқ еган каптардек тинирчилаб қолди.

Байрам кунлари Заркент гузари жуда гавжум бўлади. Катта клубда область театри ҳар хил томошалар қўяди. Гажак қўйган келинчаклар, гижим рўмол ўраган қизлар фотография олдида ўралашиб қолишарди. Фанер будка олдида йигитлар кружка четидан кўпик пуфлаб пиво ичишарди. Мороженоехона болаларнинг қий-чувиға тўлиб кетади.

Зебихон иккинчи май куни Яккатутдаги ўртоғиникидан зиёфатдан келаётган эди. Этагининг икки ёнида печак очилган сорочка кўйлагини елкасига ташлаб олган Турсунбойнинг пиво ичиб турганини кўриб кўчанинг нариги бетига ўтиб кетмоқчи бўлди. Турсунбой қизни этигининг қўнжини болдиринга бурма қилиб тушириб, галифе шими устидан жез тўқасига юрак тасвири туширилган энлик камар тақиб олган эди.

У ўртоқларига Зебихонни кўрсатиб нимадир деди. Ширакайф йигитлар ялт этиб унга қарашди. Кейин улар ўртасида қандайдир тортишув бошланди. Турсунбой икки бармоғини оғзига тиқиб ҳуштак чалди. Зебихон нима гап деб орқасига қараган эди. Турсунбой уни имлаб чақирди. Қиз писанд қилмай кетаверди. Жаҳли чиққан Турсунбой яна ҳуштак чалди:

— Ҳой, менга қара деяпман!

Қиз тўхтади.

— Нима дейсан?

— Баққа кел!

— Мен итманми, нега ҳуштак чалиб чақирасан? Ишинг бўлса ўзинг кел!

Турсунбой, «Оббо!» деганнча унга қараб юрди. Йигитлар Турсунбойни эрмак қилиб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди. Уларнинг бири:

«Ула, ўл, ўсалнинг қадёғи неча пулдан тушди?» деб ҳиринглади.

Турсунбой икки қулогигача қизариб Зебихоннинг олдига келди.

— Шарманда қилдинг-ку, кела қолсанг эт-бетинг камайиб қолармиди?

Зебихон унга ғазаб билан қаради. Турсунбой оёқ устида аранг турар, ҳар гандираклаганида елкасидаги ғижим бўлиб кетган кўйлаги ерга тушиб кетарди. Уни оламан деб икки марта ўтириб ҳам қолди.

— Мени ўртоқларим олдида шарманда қилдинг.

— Одамнинг ҳар нима бўлгани яхши? Сен фақат ўзингни ўйлайсан. Бир пуллик манфаатинг учун бошқа одамнинг обрўсини оёқ остига олиб тепкилашдан ҳам тоймайсан. Билиб турибман. Оғайниларинг билан гаров байлашиб мени чақирдинг. Уялмайсанми? Виждонинг борми ўзи?

Қўлида кружкаси билан уларга яқинлашаётган йигит лабини ялаб қичқирди.

— Яша, қизча, бопладинг. Гушнани яримтага туширддинг.

Турсунбой ўртоғига еб юборгудек ўқрайиб қаради. Зебихон Турсунбойга ачинибми, ғазабланибми, бир қаради-да, индамай йўлга кетаверди. Турсунбой қўллари муштлаб орқасидан қараб тургач, кейин қўл силтаб, қизнинг орқасидан кетди.

Зебихон Турсунбойнинг бу қилигидан ниҳоятда ғазабланган эди. Хўрлиги келиб, ўпкасини тутолмади. Кўзларидан ёш думалайверди, думалайверди... Зирилламага шу важоҳатда кириб боришдан истиҳола қилиб, йўл четидаги терак тагига келиб ўтирди. У ҳозир Турсунбой яқинига келса, юмдалаб ташлашга, оғзига келган сўзлар билан қаргашга тайёр эди.

Қизарган қовоқларини этагига артиб ўрнидан турмоқчи эди, яқин келиб қолган Турсунбойни кўриб яна ўтирди.

— Сен ярамас, қараб тургин, дадангга айтиб бермасам!..

Турсунбой қилгиликларини кўпинча дадасидан яширарди. Зебихоннинг гапи уни бир оз саросимага солиб қўйди.

— Жинни бўлдингми! Ҳазилни ҳам билмайсан-а. Ҳазиллашдим.

— Ҳазил шунақа бўладими? Мени шарманда қилиб ароқ ютмоқчи бўлдингми? Ма, ма, пул. Пул керакми сенга?— Зебихон рўмолчасига тугилган пулни унга прғитди.

— Уяти йўқ, номард!

— Оғзингга қараб гапир. Калтак емагин, тагин.

— Қани, ур. Ур, мард бўлсанг!

Турсунбой унга яқин келолмади. Тишини ғичирлатиб тураверди. Зебихон ўрнидан турди-да, этакларини қоқиб уни масхара қилаётгандек жўрттага минг турланиб кўчанинг ўртасидан жўнаб қолди.

Шу-шу бўлди-ю, Турсунбой Зебихонга рўпара келолмайдиган бўлиб қолди. Қиз олдидан чиқиб қолган пайтларда Турсунбой бир нимани баҳона қилиб бурилиб кетади ё бўлмаса лавлагидек қип-қизариб тураверади.

Турсунбой ҳамма вақт хоҳишига етган, нимани хоҳласа ўшанга эришган бола эди. Зебихон биринчи бўлиб унинг юзига тик қаради. Биринчи бўлиб унинг таъзирини бериб қўйди.

Турсунбой ундан ўч олишга интиларди. Баъзан эса инсофга келиб, астойдил узр сўрамоқчи бўларди. Лекин ўч ҳам ололмади, узр ҳам сўролмади. Орага учинчи бир савдо суқилди.

У Зебихонни яхши кўриб қолди. У бу қизнинг нимасини яхши кўриб қолганини ўзи ҳам билмасди. Ким билди, у Зебихоннинг Марғилон суратхонаси деворидаги, соат таққан қўлини нягига тираб тушган суратини кўрганданми, ҳаваскорлар тўғараги «Тоҳир ва Зухра»дан парча қўйганда Зухра бўлиб чиққанини кўрганидами, қачон, қандай қилиб яхши кўриб қолганини билмайди. Дарҳақиқат, Зебихоннинг сурати жуда яхши чиққан эди.

Турсунбой ўшанда суратга маҳлиё бўлиб қараб қолган, фақат: «Анавини қара-я, ўзимизнинг тўпори Зебихи шу? Юзига тузукроқ қарамаган эканман-да. Вой, мунақаси бўлмайди! Тавба-е!.. Ростдан Зебихи?...»— дея олган эди.

Ҳаваскорлар театрининг томошаси бўладиган кун
Турсунбой клубга писанд қилмай кирган эди. Зебихон
шунақаям қилиқлар қилдики, Турсунбой анграйиб қол-
ди. Зеби «Отмагай тонг»ни жуда оларкан. Тоға: «Вой
пучуг-эй», деб юборганини Турсунбой ўз қулоғи билан
эшитди. Ашула тамом бўлгандан кейин клуб ичи чапак-
дан ларзага келди. Томоша томошалигида қолиб ўша
ашулани яна айттиришди. Парда ёпилганда Тўланбой
сахнага чиқиб, тушунтирди:

— Уртоқлар, спектаклда ашула икки марта айтил-
майди, шунга риоя қилинглар!

Турсунбой дуқма ташлади:

— Катта театрларда шунақа бўлса бордир, бу ўзи-
мизининг театр. Қанча хоҳласак, шунча айттирамиз.
Сендақа режжисорни қара-ю!..

Спектакль тамом бўлгандан кейин жанжал чиқди.

— Бу ёғини ҳам кўрсатсин.

Тўланбой яна сахнага, чиқди.

— Уртоқлар, давомини икки ойдан кейин кўрсата-
миз. Бу томошадан бир парча, холос.

Ешлар қий-чув кўтаришди.

— Чоракта томошага одам йиғиб ўтирибсанми?

Одамлар Зебихоннинг санъатига қойил қолиб, томо-
шадан кўнгуллари тўлмайд тарқашди. Ана шундан кейин
Тўланбой, астойдил киришиб пьесанинг ҳаммасини кўр-
сатиш ниятида кун ора ҳаваскорлар билан шуғуллана
бошлади. Аммо уруш бошланиб, бу ишлар қолиб кетди.
Ҳаваскорлар фронтга кетди. Тоҳир ролида чиқадиган,
Қора ботир бўладиганлар фронтда душманга қарши
жанг қилгани отланишди.

Шу-шу бўлди-ю, Турсунбойнинг қулоғидан Зебихон-
нинг овози нари кетмай қолди. Кўзини очса қашқар бал-
доқ таққан сурати, кўзини юмса ашуласи уни нотинч
қилаверди. У жуда кўп гаранг бўлиб юргач, қизнинг
йўлини тўсиб, гўлдираб муҳаббат изҳор қилди.

Зебихон ариқ бўйида толга ўрашиб чиққан чирмо-
вуқнинг карнай гулидан биттасини узиб кўкрагига, паст-
га қаратиб тақиб олди-да:

— Тушундингми?— деди:

Турсунбой тушунди. Тушунди-ю, юраги ўртаниб кет-
ганини билдириш учун отга ўхшаб пишқириб хўрсинди.

Леёл қалби тош бўлса ҳам аллақадери пахтадан юм-
шоқ, ипақдан майин бўлади. Айтилган гап ўша жойга

бориб тегса бекор кетмайди. Турсунбойнинг шу қалбаки хўрсиниши Зебихон кўксидаги ўша ҳар марсани кечира олувчи, ҳар қандай дарддан ўша ларзага тушувчи жойга бориб қадалган эди. Зебихон унга ён берди. Ҳеч кимга сўзини бермаган, ҳали эгар урилмаган, жилов солинмаган асов жийропдек шаталоқ отиб юрган бўз боланинг бош эгиб титраб туриши Зебихоннинг кўнглини юмшатди. У бенхтиёр унинг қўлларидан ушлади. Турсунбой унинг қўлларини олиб қизиб турган бетларига ишқадди.

Турсунбой ҳарбий хизматга кетар олдида улар охириги марта қирга чиқишди. Ушанда уларнинг юлдузлари порлаб турарди. Турсунбой қовжираб қолган ариққа чалқанча ётиб осмонга тикилди. Юлдузлар милт-милт қилиб имлашади. Йигитнинг кўзларида ёш йилтираётганини Зебихон сезмасди. Икковлари ҳам ўз юлдузларига тикилиб нималариндир ўйлашарди...

— Ўша ерларда ҳам шу юлдуз кўринармикин?— деди Зебихон.

— Кўринади. Ҳамма жойдан кўринади,— деди Турсунбой йиғламсираб.

Турсунбойнинг дард билан, алам билан гапираётганини Зебихон сезиб қолди. Бошидан қучоқлаб кўкрагига босди. Турсунбой йиғларди. Зебихон унинг сочларини силлади.

Ўша кеча Зебихон ухлаёлмади. Кенг супада тўлганиб чиқди. У опасининг қимматбаҳо безакларини тақиб, юзларига биллинар-биллимас қизил суртиб, атиргача чўмилгандек бўлиб Турсунбойнинг олдидан ўтгани, унга доимо бепарво қарайдиган Турсунбой кетидан анграйиб қараб қолганини эслади. Турсунбой олисга, қон тўкилаётган, бомбалар портлаётган жойга кетди, деб ўйлаган эди Зебихон. Аммо Турсунбой қочибди. Фронтга етмаёқ, йиғитлар жон олиб, жон бераётган жойларга қадами етмаёқ қочибди.

Бу шум хабар Зебихонни тамоман эсанкиратиб қўйди. Аввалига нималар бўлаётганини билолмай гангиб юрди. Кейин бу даҳшатни одамлар кўзида, муомаласида кўриб бирдан юраги ўйнаб кетди.

Шу кунлар «Азизхон қаҳрамон бўлди» деган хабар келган эди. Бир қишлоқнинг икки боласидан бир кунда икки хил хабар келди. Бири қаҳрамон, бири қоchoқ!

Зебихон тўлганиб-тўлганиб йиғлади. Охири бу номард, аҳдини бузган йиғитни қалбидан сидириб ташлашга аҳд қилди.

Бу Зебихон ўйлаганча осон иш эмасди. Уларнинг бирга кечирган, аҳд-паймон қилган онларига гувоҳ юлдузлар ҳамон порлаб туришибди. Улар кечган кунларни эсга солиб, бири Турсунбой бўлиб, бири Зебихон бўлиб ҳар кеча ҳали барг ёзмаган новдалар орасидан қарашмоқда.

Адирлар-чи! Уларнинг илк севгисига гувоҳ бўлган қирларни қўпориб ташлаб бўлмайди-ку! Овоз етмас осмонда ҳамон милтираб турган юлдузларни узиб олиб ўнгирларга улоқтиролмайсан-ку! Уларни кўк юзидан сидириб ташлаб бўлмайди-ку!

Зебихон қалбида тўлиб-тошган аламларни кимга тўкишини, лахча чўғ бўлиб ёнаётган ўтни кимга сочишини билмасди.

Зебихон ўйлаб-ўйлаб, Турсунбойни эслатадиган кўчалардан, сой бўйларида нари кетишга аҳд қилди.

У Тоға кўнса Найманга кетади. Шу ниятда ўрнидан туриб бир варақ қоғозни олдига қўйиб қаламни тишлаганча ўйлашиб қолди.

XI

Икромжон эрталаб шамолнинг гувуллашидан уйғониб кетди. Апил-тапил кийиниб ўрнидан турди-да, ҳовлига тушди. Ҳамон шамол новдаларни бир-бирига айқаш-уйқаш қилиб, ҳовли юзидаги қоғоз парчаларини у ёқдан-бу ёққа учуриб юрарди.

Кунботар томондан қўрғошиндек қоп-қора булут шу томонга судралиб келмоқда. Икромжонни ташвиш босди. Ахир бугун одамлар чўлга кетишади. Тўқайдан, ботқоқлардан бусиз ҳам ўтиш қийин, ёмғир қуйиб берса отларга жабр бўлмасмикан? Жала қуйиб турса очиқ далада қандай қилиб бошпана қуриб бўлади? Агар ҳаёо шу хилда айниб турса эртага жўнашсамикан?

Низомжон ҳам турди. У Икромжоннинг нимадан ташвишланаётганини сезгани учун индамай бориб савоварга ўт ташлади.

— Менга қара, жиян,— деди Икромжон унинг олди-га келиб.— Ҳар эҳтимолга қарши кўч-кўронларни тўғри-лаб туринглар, мен бир гузарга чиқиб келаман. Агар

Ўзим келолмасам арава юбораман. Правление олдига чиқаверинглар.

Тога, хотин-халаж турар жой битганда боради, хозирча ўзинглар кетаверинглар, деган эди. Аммо Икромжон хотинини ёлғиз ташлаб кетгани кўнгли бўлмади. Олиб кетишга қарор қилди. Агар хотини ҳувиллаб ётган уйда бир ўзи қолса ич-этини еб қўяди.

Икромжон осмонга қарай-қарай кўчага чиқиб кетди. Жаннат хола сизирни чорбоғга арқонлаётган эди. Чеслакда сут кўтариб кирди.

— Амакинг қани?— деди у чеслакни ошхона остонасига қўй туриб.

— Тайинлаб, идорага чиқиб кетдилар, кўчларни тайёрлаб турармишмиз.

— Эшикни қулфлаб кетаверарканмизми?

— Унисини айтмадилар.

Жаннат хола Найманга кетамиз, деган гапни эшитганда, бунчалик бўлар, деб ўйламаган эди. Бу гапнинг бутун даҳшати шу топда билинди. У шу уйга келин бўлиб ёр-ёр билан кириб келган. Шу уйда неча бола кўриб, нечасини тупроққа берган. Бу уй унинг энг бахтиёр, энг азобли кунларига гувоҳ. Эҳ-ҳе, бу уй деворлари орасида унинг қанчадан-қанча умри ўтган. Шу уйда йиғлаган, шу уйда кулган...

Энди бу уйни ташлаб тўқайга кетяпти.

Жаннат хола бирдан бўшашиб ўтириб қолди. Ранги ўзгарди. Юраги эзилиб, бирпасда хаёли аллақадарга учди.

Кўп хотинларда жиндек молпарастлик, латтага ўчлик бўлади. Бу хислатдан Жаннат хола ҳам холи эмасди. У, ўнгил уйлантираман, келин тушираман, деб қачонлардан бери мол йиғади. Эрига билдириб-билдирмай, магазинга қандай яхши мато келса уйга ташиб келаверарди. Ҳали Икромжон кўрмаган бисотлари ҳам бор эди Жаннат холанинг.

У тўй қилсам бировдан сўрарлик бўлмасин, деб чини асбобларни ҳам етарли қилиб қўйган эди. Келиннинг эн кийимликларни тахт. Ҳатто бўлғуси келин нечанчи туфли кийинини билмаса ҳам, пошнаси баланд туфлилардан ҳам уч-тўрттасини олиб қўйган. Булардан ташқари, бир сандиқ тўла Турсунбойнинг кийимлари.

Ҳамма оналар шу. Боласининг камолини кўргунча, келин туширгунча шунақа тиниб-тинчишмайди.

Кунботардан кўтарилган булутни шамол ҳайдаб келди-да, шатир-шутур қилиб жала қуя бошлади. Жаннат хола сутпи кўтариб айвопга қочди. Самовар париллаб қайнардн. Низомжон карнайини олиб ташлаб самоварни айвоннинг пойгаҳига келтириб қўйди, тутаётган чаласини оташкурак билан олиб ариқдаги бутана сувга ботирди.

— Менга қара, болам,— деди Жаннат хола Низомжонга ҳасратли боқиб.— Шу ёғингарчиликда кетмоқчимисизлар?

Низомжон ҳайрон бўлди:

— Ия, сиз кетмайсизми, ая?

Жаннат хола бош тебратди:

— Йўқ, болам. Аввал биронта бошпана тиклаб олинлар, кейин мени олиб кетарсизлар. Манави ерга ўтир, сенга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор. Яхши-лаб эшитиб, қулоғингга қуйиб ол. Амакнингнинг кўнгли яримта. Енидан жилма, ҳозир ўзи еру кўкка сизмай юрибди.

Ажаб! Икромжон юрса ҳам, турса ҳам, бирон ҳаракати билан хотинининг вайрон бўлган кўнглига озор бериб қўймасликка уринади. Ичи йиғлаб турганда ҳам унга кулиб қарайди. Ўзини кенг қўйиб унга далда беради.

Хотини-чи? У ҳам шу!

Эр-хотин ичдагини ташинга чиқазмай бир-бирини алдарди. Гўё уларнинг онласида ҳеч гап бўлмагандек. Гўё Турсунбой уларнинг дилини оғритмагандек.

Икромжон хотинини ёлғиз қолдиришга, хотини бўлса уни ёлғиз юборишга кўнгли бўлмасди. Уларнинг шу кунлардаги муомаласи худди бир-биридан айбини яшираётган қудаларга ўхшаб кетарди.

Шамол кучайгандан кучайиб, булутни суриб кетди. Булут четлари худди ёнаётган қоғоз четига ўхшарди. Шу зар булутлар орасидан кўк шишадек бўлиб осмон кўринди.

Мўриларда жон сақлаган мусичалар кукулаб тарновларга қўниб олишди. Беғубор, жуда ҳам беғубор шабада эсди. Бу шабадалар қанотида қирларда улган писта мағиздек оч яшил гиёҳларнинг тароватли ҳидини олиб кетди. Ивиган серрахна деворлардан буғ кўтарила бошлади. Бирпасда ҳамма ёқ яшнаб кетди.

Жаннат хола шошиб-пишиб бир-икки пиёла чой ич-

ди-да, уй йиғиштиришга тушди. У тахмондан кўрпа, якандоз олиб, сандиқ устига тахлаб қўйган янгигина шолчани тортиб айвонга олиб чиқди. Икки кишига етарли анжомни бир жойга тўплангандан кейин, Низомжонга буларни шолчага ўрашни буюрди. Кейин ўзи ошхонадан қумғон, декча олиб чиқди. Яна нима эсимдан чиқди экан, деб ўйлаб тургандан кейин, унутган нарсаси эскига тушиб, яна ошхонага кириб кетди. Саватда нон, туз, қошиқ, қуруқ чой олиб чиқди.

— Бўлди. Яна бирон нарсадан камчилик бўлса қишлоққа одам тушиб турар, албатта, тайинлаб юборинглар. Ҳаммасини юбораман.

Девор раҳнасидан эгарда ўтирган Икромжоннинг боши кўринди. У эгардан гуп этиб ўзини ерга ташлади-ю, ҳовлига кирди.

— Тайёрмисизлар? Қани жиян, юкларни аравага олиб чиқавер!

— Дадаси, мен боролмайдиган бўлиб қолдим.

Икромжон хотинига қаради.

— Нега айниб қолдинг, хотин? Юравер, Тоғага айтдим, майли, деди.

— Кейинроқ борарман. Ҳозир борсам сизларга ташвиш бўлишдан бошқа фойдам тегмайди. Бораверинглар, мендан хавотир олманг, менга жин ҳам тегмайди.

Икромжон чаккасини қашиб, нима қилишини билмай туриб қолди.

Бирга кетгани дуруст эди. Ёлғиз уйда нима қилади? Ўйлайвериб адойи тамом бўлади-ку.

— Ҳой, хотин, юравер, жиннилик қилма.

Жаннат хола қатъий жавоб қилди.

— Кетаверинг, дадаси. Мени йиғлайди, ўзини ўзи еб қўяди, деб ўйламанг, хотиржам кетаверинг. Бир бошпана тикланг. Бу уйни биронтага топшириб, рўзгорни саранжом қилиб кейин бораман.

— Э,— деди Икромжон,— эси йўқ, хотин-эй, шу пайтда рўзгорни ўйлаб ўтирибсанми, ҳеч ким тегмайди! Жонинг саломат бўлса, ҳаммаси топилиб кетади.

Икромжон у деса, бу деди, хуллас, Жаннат хола бормайдиган бўлди.

Юкларни аравага ортиб Икромжон энди узангига оёқ қўяман деб турган эди, Жаннат хола эшикка қулф уриб унинг олдига келди.

— Шошманг, ҳеч бўлмаса гузаргача кузатиб қўяй.

Икромжон эгарга минмади. От жиловидан етаклаб йўл бошлади. Эр-хотин олдинда жимгина кетишяпти. Низомжон бўлса арава орқасида уларга хомуш қараб борарди.

Икромжон аравани чойхона олдидаги устига кўч ортилган аравалар қаторига олиб бориб тўхтатди.

Тоға келганларни алоҳида рўйхатга ёзиб турарди.

Икромжон қишлоқда шунча одам борлигини билмас экан. У ҳамма фронтга кетгану, қишлоқда ҳеч ким қолмаган, деб юрарди. Ҳозир кўчанинг икки бетига тизилиб турган, самовар сўрисини тўлдириб ўтирган кишиларни кўриб ҳайрон бўлди. Бутун қишлоқ чўлга кетаётганларни кузатишга чиққан эди. Бундан ташқари, кеча қоровул хонадонларнинг эшигини қоқиб эрталаб ҳамманинг идора олдига тўпланишини айтган эди.

Тоға охирги арава келиб тўхтагач, ичкарига кириб кетди. Бир оздан кейин у кеча областдан келган мухбир йингит билан чиқди. Улардан кейин ҳали ҳам ўша янги костюми, янги этниги кийиб юрган Умматали чиқиб атрофдан кимнидир қидира бошлади. Қидирган кишини топди шекилли, қўли билан имлаб чақирди. Тўти хола тўдадан чиқиб олдига келди.

Уларнинг ҳар бир ҳаракатини Икромжон қимирламай кузатиб турарди.

Кимдир уни туртгандек бўлди. Угирлиб қараган эди, ёнидаги бола идора томонни кўрсатди.

— Сизни раис тоғам чақиряптилар.

Икромжоннинг икки кўзи Умматалида бўлганидан раис чақираётганини кўрмай қолган эди. Тез-тез юриб унинг олдига борди.

— Қалай, тайёрмисизлар? Тайёр бўлсанг, ҳозир жўнайсизлар. Сен манави ерда тур!

Тоға қўлини кўтариб ғала-ғовурни босди.

Ҳамманинг кўзи унда. Тоға баланд овоз билан гап бошлади.

— Ҳурматли ўртоқлар! Бугун биз шу соатдан бошлаб областда биринчи бўлиб Найман чўлига юриш бошлаймиз. Ўзларингизга маълум, уруш кетяпти. Юртни тўйдиршиш, кийинтиришиш, урушдаги болаларимизни толиқтирмай вақтида озиқ-овқат билан таъминлаб туриши бизнинг зиммамизга тушган. Шунинг учун ғалаба кунларни тезроқ яқинлаштиришиш ниятида партияимизнинг бекор ётган чўлларни ўзлаштириб уни ҳосил беришга

мажбур қиллинг, деган чақирғига, лаббай, деб жавоб бердик. Мана бугун йўлга чиқяпмиз. Биринчи ҳосилимизни фронтга, азамат ўғилларимизга атаймиз. Розимисизлар?

Оломон гувиллаб унинг гапини маъқуллади. Тога қўлнинг кўтарган эди, халойиқ яна жим бўлиб қолди.

— Правленнеда келишиб, колхозимизнинг илғор кишилари номидан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган ҳамқишлоғимиз Азизхон Умматалиевга хат йўллашга қарор қилдик. Рухсат этсанглар, шу хатни ўқиб берсак.

Тога қўлтиқлаб турган қизил папкадан икки-уч варақ қоғозни эҳтиётлаб олиб сал олдинроққа чиқди. Аввал халққа бир қараб олгандан кейин, шошилмай ўқий бошлади:

— «Азиз фарзандимиз, жигаргўшамиз Азизхон! Сенинг севиқли Ватанимизни ёвуз душмандан ҳимоя қилиш учун фронтда кўрсатган қаҳрамонлигингни эшитиб бошимиз кўкка етди. Дилларимиз қувончга тўлди. Ватан учун фидокорона жанг қилаётган азаматлар сафида эканлигингдан фахрланамиз. Ҳамниша мана шундай мард бўл! Биз, ҳамқишлоқларнинг душмани Берлингача қувиб боришингни, уни ўз уясида янчиб ташлашингни истаймиз. Чекинма! Душман галаларига шердек ташлан! Уни янч! Хонавайрон бўлган онлаларнинг, етим қолган болаларнинг қасосини ол! Оналарнинг кўз ёшлари эсингда турсин! Қул бўлган кошонларнинг гулханлари эсингда турсин! Дорга осилган, бўғзига ханжар қадалган жигарбандларимиз эсингда турсин! Шулларнинг ҳаммаси, ҳаммаси учун қасос ол, азамат лочинимиз! . . .» — Тога хатнинг шу ерига келганда ёнидан рўмолчасини чиқазиб кўз милкларини артиб олди.

Халқ сукут ичида уни тингларди. Икромжон эса бошини қуйи эгиб одамларга қараёлмай титраб турарди. Тога ўқишда давом этди:

— «. . .Сенга шу хатни йўллаётган пайтимизда бутун қишлоқ халқи бир ерга тўпландик. Фронтдаги болаларимизни зориқтирмаслик учун янги ер очиб, экин майдонларини кенгайтиришга қасамёд қилдик. Биз бу ерда меҳнат фронтини очяпмиз. Чўл билан олишмоқчимиз. Тўқай билан олишмоқчимиз. Шу хат ўқиляётганда меҳнат фронтимизнинг гвардиячилари жангга отланиб шайланиб туришбди. Сенга бутун қишлоқ аҳли сўхат-сало-

матлик, жангда ғалаба тилайди!»— Тоға хатни ўқиб бўлиб яна дастрўмолини олди-да, пешона терларини артди.— Қимда-ким шу хатни маъқулласа келиб имзосини чексин.

Биринчи бўлиб Умматали, ундан кейин Тўти хола имзо чекди. Ана шундан кейин бирин-кетин одамлар келиб имзо чекавердилар. Кўпчилик Икромжонни зимдан кузатиб турарди.

Икромжон келиб, иккиланмай қаламни қўлига олди-ю, энгашиб қўл қўйди. Шундан кейин у дадил юриб арава олдига борди, ажиб бир чаққонлик билан эгарга мишиб олди.

Тоға хатни папкасига солгандан кейин аравалар тахтни, дегандек, атрофга аланглаб олди.

— Оқ йўл! Оқ йўл, сизларга, яхшилар!

Аравалар жойидан қўзғалишди. Икромжон отга биринки аччиқ қамчи босиб, олдинга ўтиб кетди. Жаннат хола пилдираб унга етиб олишга ҳаракат қиларди.

Қарвон одамлар тўдасидан чиқиб, тош йўл бўйлаб кета бошлади. Низомжон аравадаги юклар устида ўтириб орқада қолаётган одамларга қараб қўл силкитарди. Зебихон тўртинчи арава билан ёнма-ён келарди. У эгарда қийшиқ ўтириб олган поччасига нималардир деб гапирарди.

Тош йўлда гилдиракнинг қалдирашидан унинг нима деяётганини Низомжон эшитолмасди.

Жаннат хола то тўп қайрғоч тагигача эрғашиб келди-да, охири у ҳам қўлини силкитиб орқада қолиб кетди.

Низомжон унинг қораси кўринмай кетгунча юраги эзилиб қараб борарди.

Икромжоннинг қовоғи солиқ. Орқасига қарамайди. От ёлларининг силкинишига қараб ўй ўйлаб кетади.

Унинг нима учун таянғ бўлаётганини Низомжон билади.

У Ч И Н Ч И Б У Л И М

I

Найман тўқайлари ёнарди.

Қуриб қовжираб қолган қамнишларни олов бир чеккадан ямлаб боради. Паға-паға қурумларни шамол олис-олисларга қувиб кетмоқда. Тўнғизларнинг бесаран-

жом хур-хури, ўрдак ва қашқалдоқларнинг ғақ-ғуқи оламни тутган.

Икромжон баланд дўнг тепасида қўлтиқтаёғига тиралиб ўтнинг тўқай ичкарисига ўрмалашини кузатмоқда.

Ҳаво салқин. Изғирин жонни ачитади. Аммо шамол аланга тафтини Икромжон турган дўнггача олиб келмоқда. Гоҳ қоп-қора тутун булутлари орасида кўринмай кетади. Шунда у худди булут ўраган қояга ўхшаб аранг кўзга ташланиб қолади.

Аравадан чиқарилган отлар тутун аччиғидан безовта бўлиб, бошларини ўқини-ўқтин силкитиб қўйишади.

Низомжон бола бўлиб бунақа катта ёнғинни кўрмаган эди. У буралиб кўтарилаётган тутунларга жимгина тикилмоқда. Тутун буралаётган жойдан озиб, жунлари осилиб қолган бир бўри отилиб чиқиб қум тарафга қочди. Аммо сал нарироққа бориб яна орқага қайтди. Тутун орасига кириб кетди.

Низомжон унинг ўзини ўтга уришидан ажабланиб турган эди, милтиқни ўқлаётган Икромжон ўзича гапирди:

— Модасини чақиряпти.

Икромжоннинг гапи рост чиқди. Сал ўтмай ўша аланга орасидан бояги бўри эмчаклари осилган модасини эргаштириб чиқди. Икромжон мўлжалга олиб ўқ узди. Ўқ еган бўри оқсоқланиб уч оёқлаб югурганича тепалик орқасига ўтиб кетди.

Модаси эса ёнғинда қолиб ёнбоши куйган экан, қумга етмай йиқилди. Туролмай уч-тўрт метр судралиб борди. Кейин, қимирламай қолди.

Шамол кучайиб оловнинг тили яна ҳам узунлашди. У яшин тезлигида қамишларни ямлаб борарди. Аммо чўл шамолдек телба шамол бўлмайди. Ҳозиргина ол тарафдан эсаётган шабада салдан кейин орқа тарафдан эсади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Низомжон, ўтнинг бу хил ёниши бўлса бирон ҳафта ичи ўчмаса керак, деб ўйлаган эди. Йўқ, шамол олдиндан эса бошлади-да, ўтни орқага пуркади. Ун беш минутларда аланга сўнди қўйди.

Икки қўлини белига тираб турган Тўланбой:

— Икромжон, қўштиғини болага беринг,— деди.— Бўрини қувсин. Оёғи яраланган, узоқ кетолмайди.

Икромжон милтиқни Низомжонга узатаркан, таъкидлади:

— Уқни исроф қилма! Эҳтиёт бўл!

Низомжон милтиқни олди-ю, қумликка қараб чопди. У тўхтаб, оёқ остида ётган бўрини милтиқ қўндоғи билан ағдарди. Бўри сап-сарик кўзлари бақрайганча ўлиб қолган эди. Низомжон тепага қараб чопди. Тўланбой рост айтган экан, яраланган бўри олдинги чап оёғини кўтарганча савағич уюми олдида унга ёмон тикилиб турарди. Низомжон умрида бўрига дуч келмаган эди. Қўрқиб кетди. Тўхтади-ю, қимирламай қолди. Бўри унга томон уч оёқлаб келаверди. Низомжон нима қилишини билмасди. Оз бўлмаса милтиқни ташлаб юборай деди. Шундагина у қўлида милтиқ борлигини билиб қолди. Шошиб мўлжалга олди-да, кетма-кет иккала тепкени босди. Уқ товуши тинганда савағичнинг қурган қиёқлари тўзиб кетганини кўрди. Тутун тарқадди. Қонга беланган бўри қумда безовта думалаб, охири бир-икки марта оёқ силтади-ю, жим бўлди.

Низомжон бўрининг ўлган-ўлмаганини биллолмай бир оз қараб турди. Бўри бошқа қимирламади. Шундан кейингина яқинига бориб тепиб кўрди.

Низомжон иккала бўрини оёғидан судраб келганда қатор плакатлар олдида уч-тўрт киши бордон тўқиб ўтирарди. Низомжон бўриларни улар олдинга ташлаб кетмонни олди-да, ўчоқ ковлашга тушиб кетди. Икромжон ҳам, Тўланбой ҳам Низомжонга бир сўз дейишмади. Фақат бир-бирларига маъноли қараб олишди.

Қимсаспз чўл бир кундаёқ гавжум бўлиб қолган эди. Қўшалоқ тол тағида икки киши ерга қозик қоқиб сўри ясамоқда. Оқ тунукадан ясалган бакни ер ўчоққа ўрнатиб, атрофига лой чаплашмоқда. Бир чол бочкадан резинка ичак билан керосин сўриб, тошфонарларга қуймоқда.

Низомжон ўзининг қобиллиги билан бу ерлагиларга дарров маъқул бўла қолди. Ундан ҳеч ким қаердан келганини, бу ерда нима қилиб юрганни суриштирмади. Эҳтимол, Икромжоннинг қариндоши деб ўйлашган бўлса керак. Ҳар қалай, Низомжон уларга тез эл бўлиб кетди.

Бугун кун қамиш куйдириш, ўчоқ қуриш билан ўтди. Кеч кириб, қоронғилик бошланганда ҳамма жам бўлиб,

катта чодир ичида, тошфонарь ёруғида чойхўрлик қилиб у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирарди.

Чой ичиб ўтирган одамларнинг дилида қандайдир оғир ўйлар бор эди. Аммо ҳеч ким оғиз очиб урушдан гапирмасди. Уларнинг нима учун шундай қилаётганларини Низомжон сезиб ўтирарди. Агар урушдан, урушга кетган болалардан гап очилса Икромжоннинг дили оғришини ўйлаб, гапни бошқа ёққа чалғитишаяпти.

Тўланбой амаки ҳаммадан кўп гапирарди:

— Бола маладес, бўрнини қойил қилди. Айниқса, моласи тирик қолса сал кунда ҳамма ёқни бўри бостирворарди. Қўявер, бола, Тоғадан мукофат олиб бераман.

Низомжон индамади.

— Эртага Зирилламадан арава келмаса, ишимиз тўхтаб қолади,— деди Тўланбой анча жим ўтиргандан кейин.— Тоға тўртта темир плуг юбормоқчи эди.

— Трактор-чи?— деди Низомжон гапга аралашиб.

Тўланбой уни эрмак қилди.

— Вой боласи тушмагур, бу ботқоқда пардек енгил одам юролмайдю, оғирлиги неча тонна келадиган тракторга йўл бўлсин! Ботиб қолади, жиян, ботиб қолади.— У Икромжонга ўгирилди.— Аравалар бугун етиб боришса, эртага қайтиб келишлари мумкин. Кеч кетишди. Йшқилиб, бирон жойда ботиб қолишган бўлмасин.

— Йўғ-э,— деб унга эътироз билдирди Икромжон,— келган йўлнимздан кетишса бемалол етиб олишадн. Кўрдинг-ку, йўл ёмон эмасди. Эндиги гап бизда қолди. Майнинг етиларига бориб уруғ сочиш керак. Ушангача мана шу куйган тўқайда шудгор очиб тахт қилиб қўйишимиз керак. Қилоламинизми, шунн?

Унинг гапларига жим қулоқ солиб ўтирган Тўланбой жавоб берди:

— Уриниб кўрамиз, оқсоқол. Агар трактор келолсаку кўп ишларни эплаштирардинг-а, иложи йўқ-да. Тоға ваъдасида туриб, каналдан ариқ тортиб келишга одам юбормаса ишимиз чатоқ бўлади. Сизот сувига ишониб бўлмайди.

— Тоға қаттиқ ваъда қилган,— деди Икромжон.— Сув ҳайдаб келишдан ташвиш қилма. У ёғини ранс эплаштиради. Ундан ташқари, ер қотишин билан битта тракторни ҳам бизга юборади. Чигитдан қутулишин билан юборади. Яна ер очамиз. Қовун эктирмоқчи Тоға.

Шу гапдан кейин ҳамма хотиржам бўлиб, эртанги ишнинг маслаҳати бошланди. Ким қасрдан иш бошлайди, ким қурилишда бўлади — ҳаммасига режа тузилди. Катта қурилишлар кейин бўлади. Ҳозир ошхона, ёнига битта чоғроқ тандир қурилади. Икромжон каналдан сув ташиб келишни Низомжонга юкляётган эди, у розн бўлмади.

— Йўқ дема, бола. Битта эшак бераман, фермадан сут ташийдиган иккита бидон ола келганмиз. Қўш бидонлаб ташийверасан.

Низомжон унга ёлворгандек қаради:

— Мени энг оғир ишга қўйинг, илтимос қиламан. Эл қатори ишлаб тер тўқай. Мени кичкина, нимжон деманг. Узларинг қатори кўраверинглар. Далада ўсганман. Қетмонда суягим қотган. Бир ишлай.

Икромжон билан Тўланбой бир-бирларига қараб олишди.

— Ҳеч қанақа шартим йўқ. Ишлаб у-бу орттириш ниятим ҳам йўқ, менга ҳеч нарса керакмас. Бошпана бўлса, қорним тўқ, устим бут бўлса бас. Нимаики ишлаб топсам колхозга. Меҳнат ҳақи ҳам керакмас! — Низомжон кўп гапирмоқчи эди, ўпкаси тўлиб, гапи томогидан чиқмай, ҳиқиллаб қолди. У антикиб гапини тамом қилди. — Чап қўлинг чўлтоқ экан, деб урушга олишмади. Уйнимга сизмадим. Эрта-ндин огайчиларим урушдан қайтиб келишади. Шуларнинг кўзига қандоқ қарайман. Нима қилдинг, қайси ковакда моғор босиб ётган эдинг, дейишса нима дейман? Эшакда сув ташиб, тирнчилик қилиб юрдим, дейманми? Йўқ, тўқай буздим, бола-чақаларингга овқат толиб бердим, уларни боқдим, дейдиган иш қилмоқчиман. Жон акалар, мени аямасдан ишга ташлайверинглар.

У шундай ялиниб гапирардики, раъйини қайтарининг сира иложи қолмаган эди.

— Хўп, — деди Икромжон. — Айтганинг бўла қолсин.

Олди одамларни уйқу босиб, кафтларига эснай бошлаган эдилар. Қариялар дастурхонга фотиҳа ўқишгач, ҳамма ўрнидан турди.

Низомжон билан Икромжон палаткадан чиқишганда қумлик томондан аллақандай илиқ шамол эсаётган эди. Икромжон олачалпоқ булутлар орасига дам кириб, дам чиқиб сузаётган ойга ички бир изтироб билан тикилиб турди-да, уҳ тортиб палаткасига қараб кетди. Ни-

зомжон индамай эргашди. Палаткага кирган Икромжон фонарь ёқди-да, боя Низомжон тўшаган қамишлар устнга кўрпасини ёзди.

— Жойингни сол, болам, ётайлик эди.

Негадир унинг овози титрарди.

— Амаки, ётаверинг, уйқум келмаяпти. Бир оз эйланда юраман.

— Ҳа, майли, ўзинг биласан. Эртага иш зўр бўлади. ёта қолганинг маъқул эди.

У шундай деб, ёғоч оёгининг тасмаларини бўшатиб кўрпага кираркан, яна оғир уҳ тортди. Низомжон унинг аҳвол-руҳиясини сезиб турганидан фонарь пилигини пасайтириб, ташқарига чиқиб кета қолди.

Икромжоннинг юраги куярди. Ота ўз боласини минг марта оқ қилганда ҳам юрагининг бир чеккасида шу болага ятаб ардоқлаган, унинг камолини кўришга асраган меҳрининг зарралари ётади. Бу зарралар вақт-вақти билан аланга олиб, яна сўнади. Ҳозир Икромжон йигирма бир йил қалбидан нари кеткизмаган, ҳар бир дақиқаси катта умидлар ваъда қилган нияглари билан кейинги бир ҳафта орасида боласини олисларга олиб кетгап, порлоқ ниятларини куйдириб жизғанақ қилган ҳодисалар орасида ўртанарди.

Икромжонни бир нарса кўпроқ қийнарди.

Нега шундай бўлди? Нега унинг боласи кўрқоқ чиқди?

У ўйлаб-ўйлаб, ўйига етолмасди.

Емай едирди, киймай кийдирди...

Икромжоннинг бирдан кўзлари очилиб кетди.

Ҳа, ҳа ҳамма гап ана шунда. Қўлини совуқ сувга урдирмади. Оғир иш қилдирмади. Йиғлаганда қўшилишиб йиғлади. Қалишини ҳам ювиб қўярди. Касал пайтида ҳам уни тайлоқдек қилиб опичиб юарди. Бетини ювганда ўзи сув қуйиб турарди...

Икромжон пешонасига шатиллашиб бир туширди.

— Жазангни торт, жазангни торт, Икром. Уни ўзинг шу кўйга солдинг. Энди минг йиғла, бефойда. Сенга бу жазо кам!

Икромжон ўглининг шу кўйга тушишини сира ўзидан кўрмаган эди. Энди бунга иқрор бўлди. Иқрор бўлди-ю, аламга чидолмай инграб юборди.

Шундай изтироблар гирдобода қолган кишини ҳеч нарса билан юпатиб бўлмайди. Бундай пайтларда уни

Ўзидан бошқа овута олмайди. Икромжон шунинг учун ҳам ўзини ўтга-чўққа уриб, ўтли хаёллар ёлқинидан чиқишига интиларди.

Мана, Низомжон, куйиб кулга айланган тўқайда танҳо кезиб, умидлари саробга етаклаган шу киши тўғрисида ўйламоқда. Хувиллаб қолган чўл гўё Икромжоннинг қалбига чўккандек. Бўш, унинг хаёлларидек, унинг истакларидек бўш чўл ойдинда ўликсимон сокин ётибди.

Шу хувиллаб ётган сокин чўлни уйғотиш учун биллак шимарган кишилар зора Икромжоннинг ҳам юрагига қўл солиб унда янги умидлар уйғота олишса, зора Икромжон чўл билан баравар яшнаб кетса, Низомжон унинг қўлтиғига тирак бўлади. Юрагидан изтиробли ўйларни қувиб чиқаради. Атрофга умид билан, одамларга очиқ юз билан қарайдиган бўлгунча ёнидан жилмайди.

Юлдузлар милтираб турган чўл кечасида Низомжон дилига ана шундай беғубор ниятни тугиб қўйди.

Олисдан дераза пардасини шамол силкитгандек галати овоз келди. Низомжон қулоқ тутди. Бу овоз бора-бора кудунги кетмаган атлас кўйлак этагининг елпинишига ўхшаб эшитилаверади. Низомжон уфққа қаради. Олисдан бир гала ўрдак учиб келаётган эди. Ўрдаклар галаси палаткалар тепасига келиб, ғақиллаб айлана бошлади.

Низомжон уларнинг тинимсиз айланиши сабабига тушунолмади. Ўрдаклар ўтган йили ташлаб кетган инларини олис юртлардан излаб келишган эди. Улар тарк этган тўқайнинг бир чети энди йўқ эди. Ўрдаклар карвони пастлаб учиб қорайиб ётган ер устида яна бир айланди-ю, ғақиллаб қумлик четиде сокин шовуллаган қамишлар устига шўнғиб кетди.

Низомжон қайтиб келганда Икромжон қўлини бошига қўйиб палатка тепасидаги туйнукдан тушиб турган нурга тикилганча киприк қоқмай ётарди. Низомжон фонарь пилигини баландлатганда унинг ажинли юзларидан кўз ёшлари думалаётганини кўриб дарров пиликни пастлатди. Фонарь икки-уч марта липиллаб ўчди.

У ечиниб кўрпага киргач, Икромжонга нимадир демоқчи бўлиб бошини кўтарди. Кўтарди-ю, нима дейишини билмай тирсагига тиралганича анча туриб қолди. Низомжон бирон гап айтиб унга жуда-жуда таскин бергиси келарди. Аммо нима дейди? Қандай гап айтса

Икромжон амакининг кўнгли таскин топаркин? Низомжон шунча ўйлаб арзигулик гап тополмади, ниҳоят:

— Мени ўглим дейсизми?— деди.

Икромжон индамади.

Сал ўтмай қоронғида Низомжоннинг ҳам пиқ-пиқ йиғлагани эшитилди.

II

Область ижроня комитетининг мажлислар залида чўлдан ер олган колхоз раҳбарлари иштирокида кенгаш бўлаётган эди. Республика Олий Советининг раиси Йўлдош Охунбобоев. Езёвон чўлларининг истиқболи тўғрисида гапирмоқда. У яқин йигирма беш йил ичида чўл бутунлай ўзлаштирилиб, Ўрта Осиёнинг йирик пахта базасига айланиши, ҳозир колхозлар айрим участка тартибида қўриқ очаётган ерлар вақти келиб алоҳида колхоз, совхоз бўлиб ажралиб чиқиши, уруш тугаши билан Катта Фарғона канали кенгайтирилиб бутун чўл бўйлаб айланиб ўтишини содда, деҳқончасига тушунтирарди.

— Ёлғиз канал суви билан чеклашиб қолмаймиз. Мингдан ортиқ артезиан қудуқлари қазиймиз. Ҳар бир қудуқдан икки тегирмон сув отилиб чиқади. Ҳар бир звенонинг ўз артезиан қудуги бўлади. Ҳозир геологларимиз чўлда разведка ишлари олиб боришяпти. Езёвон Фарғона водийсининг марказига айланиши керак. Шу кунларда Наманган, Қўқон, Шаҳрихон, Чимён, Тошлоқ тарафдан чўлга ҳужум бошланди. Бир умр қақраб ётган чўлдан олган биринчи ҳосилни фронтчи болаларимизга совға қиламиз... Иттифоқдошларимизнинг имиллашларини кутиб ўтирмай иккинчи фронтчи Езёвондан очамиз. Эндиги гап ўзларингда қолди. Бир ёқадан бош чиқаринглар. Фронт тарафлардан яхши хабарлар келиб турибди. Немиснинг кавушига қурт тушиб, чиқиб келган тарафга қараб тирақайлаб қочяпти. Галаба кунини Езёвон гурунчидан ош дамлаб кутиб оламиз. Қимдаким, фашистга шу ердан туриб ўқ узаман деса, қимдаким, душман қўлида қолган шаҳарларимизни озод қиламан деса Езёвонга чиқсин!

Охунбобоев шундай гапирардики, у минбарда эмас, бир пиёла чой устида гаплашиб ўтирганга ўхшарди. У ўзидан катталарни сизлаб, ўзи тенгиларни сенлаб, ки-

чикларни болам-бўтамлаб гапирарди. У гапининг охири-да залда ўтирганларга бирма-бир қараб олди. Гўё шу ўтирганлар орасидан кимнидир қидираётганга ўхшарди.

— Канал қазиганимизда ҳаммани қойил қолдирган Дўснат полвон қани?

Пастдан кимдир жавоб берди:

— Фронгда ҳалок бўлди!

Охунбобоев овоз чиққан жойга тикилиб қолди. Қўлидаги қалами қоғоз устига тушиб думалаб кетди-да, стол қирғоғига келиб тўхтади.

— Омон полвон шу ердами?— деди у яна бошини кўтариб.

Ўрта қаторда ўтирган қора соқол, ягриндор киши ўрнидан турди:

— Шу ердаян, ота.

— Омонмисан, полвон. Мажлисга соқолингни олдириб келмабсан-да. Сенга неча марта айтганман, соқолни олдириб юр, деб.

Залда қийқириқ, кулги бўлиб кетди. Омон полвон кўпол гавдасини тебратиб туриб ўзи ҳам кулиб юборди.

— Ота, энди шу пайтда танбеҳни қўйинг. Пўримлик кўнгилга сиғадими.

— Урушдан олдин ҳам шунақа эдинг.— Охунбобоев говурни босиб ўрнидан турди-да, сахна четига келиб кула-кула гап бошлади.— Полвон билан ёшимиз тенг. Болалигида ҳам шунақа бепарвороқ эди...

Полвон ҳам ўрнидан туриб сахна яқинига келиб, қўлини кўксига қўйди-да, ялинди:

— Жон биродар, бу ёғини айтмай қўя қол.

— Йўқ, айтаман. Шу денг Омонни уйлантираётган эдинг. Тўй куни ҳам соқолни олдирмаган экан. Райим икковимиз чимилдиқ олдига ўтказиб, роса ивнтиб соқолини олганмиз. Келиннинг олдига икки лунжига шўр пахта ёпиштириб кирган. Тўғрими, Райимберди?

Сахна четида ўтирган Тоға кулиб бош қимирлатди.

— Тўппонча полвон борми?

— Бор.— деб паканагина, серҳаракат, кўк кўз йигит ўрнидан турди.

— Бу ёққа кел!— деди Охунбобоев.

Тўппонча полвон пилднраб Омон полвоннинг олдига келди.

Охунбобоев унга бир зум завқ билан, ҳавас билан

тикилиб тургандан кейин пастга тушиб, ҳар икки полвонни олдинма-кетин қучоқлади.

— Ёзёвонга икковинг командирлик қиласан. Икковинг чўл маршаллари бўласан. Қани, розимисизлар?

— Розимиз, ота. Сен буюр, биз нима десанг тайёрмиз.

Омон полвоннинг гапидан Охунбобоев завқланиб кетди.

— Балли, азаматлар. Чўл жиловни қўлларингга бердик.

Кўм-кўк кўзларини ўйнатиб турган Тўппонча полвон мийиғида кулиб қўйди:

— Бир гап айтсам майлими? Хафа бўлмайсизми, ота?

— Айт, айт, Тўппонча.

— Тавба, сира катталарга ўхшамайсиз-а. Шундоқ одам ўзимизга ўхшаб жўнгина гаплашасиз-а. Раисполкомимиз билан гаплашиш учун энг камида бир ҳафта овора бўламиз. Аризани почтадан юборамиз.

Охунбобоевнинг чеҳраси жиддийлашди:

— Шунақа дегин?

У яна саҳнага чиқиб жойига ўтирди. Райимберди зирилламаликларнинг чўлга биринчи бўлиб юриш бошлаганларини гапирди. Ота жимгина ўтириб, унинг гапларига қулоқ солди. Райимберди гапини тугатиб энди ўтираётган эди, Охунбобоев тўхтатди.

— То кунлар исиб, ёгингарчиликлар ўтиб кетгунча хотиялар чиқмасин дейилган эди. Нега хотинларни чўлга олиб чиқдинг?

Тоға нима дейишини билмай туриб қолди.

— Қандоқ қилай, ота? Ўзлари келишяпти. Утираве-райми?

— Шошма!— деди Охунбобоев.— Иш шунақасига кўчган бўлса, бу ёгини тўғрила. Иморатларни тезлат. Бир ойдан кейин хабар оламан. Агар энг камида йигирмата уй битмаган бўлса, хафа бўлиб қоласан.

Область партия комитетининг секретари чўлдан ер олган колхозларга, колхозчиларга бериладиган ёрдам ҳақида гапиргач, кенгаш тугади.

Охунбобоев залдан чиқишда Тоғани қўлтиқлаб олди. Кўчада кета туриб ундан ҳол-аҳвол, қишлоқдаги қарияларнинг тирикчилигини сўради. Тоға ҳаммасини битта-битта гапириб берди.

— Ҳаммаси жойида, ошнам. Хотиржам бўл.

— Икром кепти, деб эшитдим. Қалай, тинчми?

— Тинч, тинч.

Тоға шундай деди-ю, кўзини яширолмайд жавдиради.

— Бир гап борми?

— Йўқ, ўзим...

— Айтавер. Яширма!

Тоға ноилож гап бошлади:

— Икром бир оёқсиз бўлиб келган. Бу ҳам етмаган-дек ўғли...

— Нима? Ҳалок бўлганми?

— Ҳалок бўлса кошки эди. Армиядан қочган. Икром бошини кўтаролмай қолди. Одамларнинг юзига қараёлмаяпти. Найманга чиқариб юбордим. Зора дарди енгиллашса.

Охунбобоев нима дейишини билмай тўхтаб қолди. Уни кузатиб чиққанлар сал нарида унинг изтироб билан уҳ гортганини кўриб туришарди.

— Емон бўпти,— деди у анчадан кейин.— Жаннатнинг аҳволи қандай?

— Телбага ўхшаб қолган.

— Боласи фронтдан қочибдими-я?

— Назаримда, фронтдан эмас, йўлда поезддан тушиб қолган бўлса керак.

Тоға қийнала-қийнала сўради:

— Ўз болам бўлса орага тушмасдим. Болам тупроқда ётибди. Шу Икром учун, урушда оёғини йўқотиб келган большевик ўртоғим ҳурмати орага тушмоқчиман. Афв қилиб бўлмайдими? Дадаси ўз қўли билан олиб бориб топширса. Орага тушинг. Урушга бориб, қони билан оқласин. Орага тушинг!

Охунбобоев яна жим қолди.

— Қийин, қийин, дўстим. Халқ бор, халқ билади. Уни халқ суд қилади. Аммо...— Охунбобоев яна ўйлашиб қолди.— Икром адоий томом бўлади. Бутун борлигини, умрини Совет ҳукуматига бағишлаган киши шу бола туфайли ерпарчин бўлади. Майли, келсин! Икром келсин! Бир маслаҳат чиқиб қолар. Э, аттанг...

Тоға у билан хайрлашиб отда Зирилламага қараб кетди. Шу кунидең Найманга бормоқчи, Икромни топиб у билан ўғли тўғрисида гаплашмоқчи бўлди.

У йўл-йўлакай ўйлаб борарди. Бу гапларни отага айтиб тўғри қилдимми? Юрт иши билан банд, усиз ҳам

бошида қанчадан-қанча ташвиши бор одамга бу гапни айтгани дуруст чиқдимикан? Эҳ, ярамас бола, ҳаммани хижолат қилдинг. Ўз боласи бўлганида илтимос қилиб ўтирармиди? Баҳридан ўтарди-қўярди. На қилсинки, бир беғубор, тоза юрак дўстининг арзандаси. Шунча ёшга кириб биринчи марта ёмоннинг ёнини оляпти! Тоғани ҳам қийнаб ташладинг, ярамас бола.

Шу куннёқ Тоға ҳавонинг айниб қолганига қарамай Найманга қараб кетди. Кеч қоронгисида ҳориб-чарчаб тол тагига етиб бориб, Икромжонни тўқайдан чақиртириб келди.

Икромжон аввалига, Тоға бирон иш билан чақиртиргандир-да, деб ўйлаган эди. Иккови чодир ичига киргандан кейин унинг жиддий гапи борлигини билиб қолди.

— Тинчликми, Тоға?— деди безовталаниб.

— Тинчлик, тинчлик, ошнам. Сени бир қувонтирай, деб келдим. Шу бугун Йўлдош ота билан гаплашдим. Турсунбойнинг афв этишини ўйлаб кўради чоғи. Эрталаб Фарғонага борасан. Тайинладилар.

Икромжоннинг боши эгилди. Ёғоч оёғининг тасмасини чертиб индамай қолди.

— Ҳа, нега индамайсан?

— Бормайман, дўстим. Бормайман. Нима деб бораман? Қай юз билан бораман? Йўқ. Мени кечир. Мен учун юзингни сидириб, минг хижолат билан илтимос қилганинг учун раҳмат. Раҳмат, дўстим. Аммо боролмайман. Дўстим бўлсанг, иккинчи бу тўғрида менга оғиз очма, Менинг унақа болам йўқ.

— Катта кетма, оғайни. Ҳарна қилса ҳам боланг, Майли, фронтга борсин, ўзини оқласин. Сенинг ҳам юзинг ёруғ бўлади.

Икромжон қатъий бош чайқади:

— Фронтга мард боради!...

Тоға Икромжоннинг умрида ҳеч кимга ҳеч қандай илтимос қилмаганлигини, шаънига доғ туширадиган ишга қўл урмаслигини биларди. Шундай бўлса ҳам уни шу оғир изтироблардан қутқариш учун атайлаб келган эди. Йўқ. Бўлмади. Бир сўзли Икромжон унинг маслаҳатларини рад қилди.

— Яна ўзинг биласан. Ўйлаб кўр. Танангга яхшилаб ўйлаб кўр. Борди-ю, гапларим маъқул бўлса, Йўлдош ота Тошкентга кетиб қолмасларидан Фарғонага етиб бор.

Тол тагида чироқ ёниб сўрида одамлар гавжумлашиб

қолган эди. Улар икковлашиб ўша тарафга қараб кетишди.

Икромжон ҳеч кимга аралашмай, бир чеккада бош эгиб ўтирарди.

Эрталаб Тоға Зирилламага қайтаётганда Икромжоннинг оғзини кўп пойлади. У бир сўз демай нонуштадан кейин Тоға билан хайрлашиб тўқайга кириб кетди.

Икромжоннинг сўзидан қайтмаганига ишонган Тоға ноилож отни эгарлади-да, қишлоққа ёлғиз жўнади.

Тушга яқин қишлоқдан тўққизта арава келди. Тоға бешта плуг, тандир, ошқовоқ, лавлаги юборибди. Тўланбойнинг хотини, Зебихон билан биргаликда кўчкўронни аравага ортиб келди.

Низомжон куйган тўқайда терлаб-пишиб кетмон чопаетган эди. Палатка томондан одамларнинг ғовур-ғувурини эшитиб қаддини ростлаб қараган эди, Тўланбойнинг аравадан кўч тушираётганини кўрди. Арава устида ўтган куни йўлда қўлини силкитиб қолган қиз турарди. Низомжон кетмон дастасига кўксини тираб унга қараб қолди. Зебихон, поччаси юкни ташлаб қайтгунча, қўлини пешонасига соябон қилиб, олисларга тикиларди. Чўл шабадаси сочларини тўзғитаверганидан қиз зарда билан орқасига отиб ташларди. Қизга анграйиб қараб қолган Низомжон йўтал товушини эшитиб орқасига ўгирилди. Сарпойчан оёғига эски калиш кийиб, кўйлагини липпа уриб олган қирқ беш ёшлардаги бир хотин челақда сув олиб келаётибди. Низомжон, қизга тикилиб турганимни кўрган бўлса керак, деган андиша билан ерга қаради-да, салом берди. Хотин алик олдимни, йўқми, Низомжон эшитмади. Кетмонини қўлига олиб қора илдизларни палахса-палахса қилиб кўчираверди.

Қор сувига тўйган ер хамирдек юмшоқ эди. Аммо Низомжоннинг қўли кетмондан чиқиб кетганидан салга чарчаб қоларди. У пешона терини дам-бадам сидириб тўхтамай кетмон урарди. У ярим соат чамаси тинимсиз ишлаб, жуда ҳолдан тойди. Қаддини ростлаб орқасига қарамоқчи бўлганида бели қотиб ўзини ўнглаёлмади, кетмонга осилгандек аранг ерга ўтирди.

Палатка томонда жом чалинганда ҳам у ўрнидан туролмай ўтирарди. Одамлар бирин-кетин овқатга кела бошлашди. Чопонини елкасига ташлаб олган Икромжон желганда ўрнидан турмоқчи эди, бўлмади. Белида бир

нима тортишиб қолгандек башараси тиришиб яна ўтирди.

— Нима бўлди? Чарчадингми?

Икромжон шундай деди-ю, орқасига қаради. Ағдарилган ердан ҳовур кўтариларди.

— Бир ўзинг ағдардингми?

Низомжон бош силкитди.

— Оббо, азамат-эй! Тўрт ярим сотих келиб қолади. Бунақа қилма, ўғлим. Бунақада ўзингни чақиб қўясан. Ҳар қанақа деҳқон ҳам қишдан чиқиб қўлига кетмон олганида ишга бунчалик зўр бермайди. Кетмон ёмон нарса, чақиб қўяди. Бир-икки кун белни, қўлни ишга ўргатиб олиб, кейин зўр берилади. Қани тур, ўғлим, тушлик қилиб келамиз.

Низомжон кетмон дастасига ослиб аранг ўрнидан турди-да, белнинг зирқирашини Икромжонга сездирмай секин-аста юра бошлади.

Ҳамма овқатга келиб бўлган эди. Рандаланмаган тахтадан ясалган омонат узун стол атрофида кишилар чақчақлашиб ўтиришибди. Улар иккови ҳам бир чеккага келиб суқилишди.

Низомжон уйдан чиққанидан бери бировнинг овқатига шерик бўлиб еган-ичгани татимай келарди. Бугун у ўз ҳақини, меҳнат ҳақини кутиб ўтирибди. Бугун у бемалол, хнжолатсиз овқатланса бўлади. Ошпаз сопол косада ичига муштумдек лавлаги солинган шўрва келтириб қўйди. У қозон тепасига қайтаркан, баланд овоз билан шанғиллади:

— Болалар, шошилмасдан тушираверинглар. Бугун первой-иптаравой. Янгам қўш ошига палов дамлаб кептилар.

Низомжон косага қошиқ соларкан, ошпаз олдида дастурхонга ўралган тоғорани очаётган Зебига бир қараб қўйди. Зебихон унга қарамасди, ўз иши билан банд эди.

Овқат устида бугунги иш тўғрисида гап кетди. Тўланбой одати бўйича мақол қўшиб гап бошлади:

— Шоли деҳқонга айтган экан: тўқсон кун лой кечасан, кейин мой ичасан. Бугун иш бошланди. Лой кечиб бошладик. «Пўшт, мой бўласан»га саксон тўққиз кун бор, ҳали. Мен бугун уч ярим сотихни уриб қўйдим.

— Тушгача уч яримни ясаб қўйган бўлсанг, кечгача ерни тимдалаб ташламасанг, дейман,— деди Икромжон.

— Йўқ, бу ёғи унчалик бўлмасов. Бел қотиб қолди. Бу ёғи секин-аста. Белни алдаб-алдаб ишга солмасак бўлмас. Қишда сандалда ётавериб дангаса бўлиб кетган эканмиз, оғайни.

Икромжон унга пичинг қилди:

— Шу соқин-сумбат билан уч яримта деб мақтаниб ўтирибсанми! Манави бола тўрт ярим сотихни бажариб қўйди.

Ҳамма ўгирилиб Низомжонга қаради. Унинг бу томонларда биринчи марта иш билан одамлар эътиборига тушиши эди. Кўнгли яйраб кетди. Секин Зебихонга қаради. Зебихон ҳамон унга қарамас, муштини нягига тираб ўнг қўлидаги қамишни ерга уриб ўтирарди. Тўланбой ўзини оқлай бошлади:

— Биз қариб қолдик, ошнам. Навбат энди кадр болаларга. Буларга тенглашиб бўлармиди!..

Икромжон сўради:

— Янгам қишлоқдан нима гап топиб келибди? Яхши хабарлар борми?

— Янги мактаб биносини шошилишч госпиталь қилишаётганмиш. Эртага ярадорларни олиб келишадн, деган гаплар бор, деяпти. Эвакуация бўлганлардан саккиз хонадон келибди. Тоға шуларга жой топиб бериш билан оворамиш.

Икромжоннинг миясидан, шулардан бирини уйга кўчириб кела қолсаммикан, деган ўй ўтди. Жаннат хотиржам бу ёққа келаверарди.

— Жой топганмикин?— деди у Тўланбойга қараб.

У, билмасам, дегандек елкасини қисди.

Тушликдан кейин ҳамма ўз ишига кетди. Икромжон Низомжоннинг қўлидан ушлаб тўхтатди.

— Энди бас, ичкарига кириб бир оз ором ол. Бугунги ишинг етади. Қолганини эртага қиласан.

Низомжон ётса ётгудек эди. Ҳамма ёғи ҳали ҳам зирқираб оғриб турибди. Унинг устига ишлаётганида тўнини ечиб ташлаганидан терлаб дам олганида биқинини шабада олиб қўйибди. Бироқ у кўпчиликдан ажралиб қолишга юзи чидамади. Ўзини чарчамаган кўрсатиб:

— Йўғ-э, ҳали-вери чарчамайман, амаки,— деди.

Икромжон унга қараб туриб:

— Майли, ўзинг биласан,— деди-да, олдинга тушиб кетаверди.

Бу ёғига Низомжоннинг иши унча юришмади. Қечга-ча аранг бир ярим сотих ер ағдарди. Бориб ётай деса, одамлардан уялади. Кетмонни ташлади-да, қамиш ғарамига ёнбошлади. Озроқ мизғиб олмоқчи бўлди-ю, танасининг зирқираб оғришидан кўзи илинмади. Чалқанча ётиб осмонга тикилганнча ўй суриб кетди.

Осмон кўм-кўк. Онда-сонда салмоқланиб сузиб юрган оппоқ булутлар четига оғиб қолган қуёш нури тушиб турибди. Узоқ-яқиндан одамларнинг овози қулоққа чалиниб қолади. Бирдан шабада унга ғалати бир овоз олиб келди. Қаердадир аёл киши кўйларди. Унинг қўшиги дам эшитилиб, дам йўқ бўлиб кетади. Низомжон бошини кўтариб у ёқ-бу ёққа қаради. Ҳеч ким йўқ. Бу атрофда Зебихон билан унинг опасидан бошқа аёл йўқ. Албатта, Зебихон қўшиқ айтаётган бўлса керак. Овози бирам ширали эканки.

Низомжон ўрнидан турди-да, кетмонни елкасига ташлаб бир дам атрофга қулоқ солиб турди. Қўшиқ тўқан томондан эшитиларди. У бенихтиёр ўша томонга қараб юра бошлади. Куйган ерлар тугаб, ғуж-ғуж бўлиб ўсган савағичзор бошланди. Низомжон савағичнинг бунақа ўсишини билмасди. У ҳам қамишга ўхшаган бўлса керак, деб юрарди. У бола вақтида варрак учириб юрган кезларида ўздан катта болалар қамиш ўрнига савағич ишлатишарди. Демак, улар савағични шу тарафлардан олиб кетишар экан-да.

У энгашиб иккита савағични пичоғи билан кесиб олди. Шу пайт бирдан қўшиқ тинди. Нимадир шитирлади.

Зебихон ўралашиб қолган этакларини тузатиб савағич орқасида ўрнидан тураётган эди.

Икковлари бир-бирларига сўзсиз қараб қолишди. Қизнинг кўзларида аллақандай ғам, сўлгинлик бор эди. У Низомжондан кўзларини олиб нари кета бошлади. Низомжон нима қилишини билмай туриб қолди. Охири дудуқланиб гап бошлади:

— Ашулани жуда яхши айтар экансиз. Бугун келдингизми?

Қиз бош қимирлатди. Низомжон гапнинг бу ёғини қандай давом эттиришни билмай тутилди.

— Бу ерда менинг битта ҳам танишим йўқ.

Қиз тўхтаб унга бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Нега?

— Кейин айтиб бераман.

— Ия,— деди Зебихон,— сиз Икромжон амакининг жиянлари эмасмисиз? Шунақа дейишган эди-ку!

Демак, бу қиз уни суриштирган, кимлигини билмоқчи бўлган. Низомжонда кутилмаган аллақандай ишончга ўхшаш бир нарса пайдо бўлди.

— Жиянлари эмасман. У кишига ўғил бўлдим.

— Ҳеч кимингиз йўқмиди?— Зебихон ачинишга ўхшаш бир қараш қилди.

Низомжон хўрсинди. Нима дейишини билмай иккиланиб қолди.

— Бор, дадам, опам бор. Достоним узоқ. Қўшиқни яхши айтар экансиз.

Зебихон унга қараб туриб, кейин савағичлар орасига кириб кетди. Низомжон унинг орқасидан қараб қоларкан, юришига, энгашиб ўзига йўл очаётганида белининг чиройли эгилишга маҳлиё бўлиб қолган эди.

«Бу қиз ким бўлди экан?» деб ўйларди у. Қўзлари ғамли, гаплари ҳам худди йиғидан бўшаган одамнинг овозидек титраб чиқади.

Низомжон унинг хаёлидан бўшамай қолди. То қуёш ботгунча яна ўз жойига келиб, кетмон чопди. Ажаб, бу гал негадир бели ҳам, билаклари ҳам оғримеди. Салкам бир сотих ерни қандай қилиб ағдариб қўйганини сезмай қолди. У палаткага фонарлар милтираб қолган пайтда қайтди. Икромжон ялангликдаги бордонда ёнбошлаб ётарди.

— Энди қайтишингми, болам?— деди у бошини кўтармай.

Низомжон унинг қаттиқ чарчаганини сезди. Егоч оёқ билан юриб кетмон чопиш осонми? Тагин ҳам бу одамнинг жони пўлат экан. Ишламай уйда ётса биров бир нима дермиди?

Низомжон елкасига сочиқ ташлаб ташқарига чиққанда, Зебихон шу тарафга келаётган эди. У Низомжонга сирли бир қараб қўйди-да, Икромжоннинг тепасига келди.

— Овқатга борармишсизлар.

Икромжон ўрнидан турди. Низомжоннинг келишини кутиб у ёқдан-бу ёққа юриб турди.

— Қани юр,— деди Низомжон артишиб келаётганда.— Чақиришяпти.

Икковлари бошлашиб бояги ошхонага келишди. Икки тол оралиғига тортилган симга машъала осиб, ёндириб юборишди. Ҳамма ёқ бирдан ёришиб кетди. Машъала ёруғида юрган кишиларнинг сояси чўлнинг олис-олисларида судраларди. Тога бугун келганлардан бир даста газета бериб юборган эди. Зебихон ўртага тушиб ўқишдан нийманиб газеталарни Низомжонга берди.

— Сиз ўқиб беринг!

Низомжон буни Зебихоннинг унга кўрсатган зўр илтифоти биллиб дарров ўрнидан турди. Газетанинг биринчи бетида Азизхоннинг сурати босилган эди. Сурат тагига унинг фронтда кўрсатган қаҳрамонлиги батафсил ёзилган. Унда яна зирилламаликларнинг Азизхонга юборган мактублари ҳам бор. Низомжон дона-дона қилиб ҳаммасини ўқиб берди. Тингловчиларнинг юзларидаги фикр, ҳаяжон машъал нурида аниқ кўриниб турарди. Газета қўлдан-қўлга ўтди. Азизхоннинг ҳаммага таниш кўзлари кулиб турарди.

— Учта танкни ёндириб, олтига немисни асир олибди. Вой жонингдан, жигар!— деб юборди Тўланбой.— Юрагинг ҳам отнинг калласидай бор экан.

— Хўш, яна қанақа хабарлар бор?— деди аллақачон совиб қолган чойни хаёл ичидида пуфлаётган чол.— Уқи, болам, ўқи!

Низомжон газетани яна қўлига олиб Совет Информбюросининг ахборотларини ўқий бошлади.

Унда Ленинград қуршовдан чиқишга интилаётгани ёзилган эди.

Газета, олис чўл бағрида ер билан олишган кишилар юрагига аллақандай ёруғлик олиб киргандек, узоқда, тўплар гулдуриси остида эмаклаб кетаётган болаларни кўриш дамларини яқинлаштиргандек бўлди.

Одамлар ишлаб чарчаганларидан кечагидек ярим тунгача ўтиришолмади. Машъала сўниб, муштдек чўққа айланганда ҳамма ўз палаткасига кириб кетган эди. Икромжон кўрпага бурканаётганда:

— Болам, эртага эрта билан қишлоққа хат ёзиб бер. Кетадиганлардан бериб юбораман. Уйда батареяли приёмнигим бор: Фронтдан олиб келганман. Лянг жўнатворсин. Бу ерда зарур буюм экан,— деди. Низомжондан жавоб бўлмади — у аллақачон ухлаб қолган эди.

Баҳор серёмғир келди. То ой оёқлагунча олти марта жала қўйди. Шундай ёгингарчилик кушлари одамлар чодирдан чопон ёпишиб чиқиб бир-бирларипикига чопардилар. Жаннат хола бериб юборган приёмник ҳамманинг эрмаги эди. Икромжон приёмникда фақат фронт хабарларини эшитишгагина рухсат берар, концерт пайтида Низомжоннинг қўлидан олиб ўчириб қўяр эди.

— Батарейси топилмайди. Тугаб қолса оламдан бе-хабар қоламиз.

Бир вақт гапдан гап чиқиб, у приёмникни қандай қўлга туширганини ҳикоя қилиб берди:

— Олти танкни мажақлаб ташлаганмиз. Қуйган танк орқада қолиб кетди. Душманни ҳу анави кўриниб турган дўнғчалик жойга қувиб борган еримизда ўрнашиб олганмиз. Кеч кириб штабга хат ташлаб қайтаётган эдим. Ўзимиз дабдала қилган танк ёнидан ўтаётсам ичидан одам овози келяпти. Немисча гапиряпти. Оббо, дедим, падар лаънатлар ўлмай қолган экан, чиқиб жуфтакиш ростлашни маслаҳат қилишяпти, деб ўйладим. Автоматни бўйнимдан олиб, секин танк ёнига ўрмалаб бордим. Яна қулоқ солдим. Рост, битта немис ўзининг тилида роса вайсаяпти. Қайфи бўлса керак, бўлмаса қуршовда ётиб шангиллаб гапирадими! Нима қилишимни билмай анча турдим. Ўқ чиқарай десам командирдан балога қоламан. Раз гаплашяптими, изначит ёнида шериги ҳам бор. Таваккал, дедиму танкка эмаклаб чиқиб қопқоғини кўтардим. Автоматнинг учини люкка тиқиб, халът, дедим. Яна боягича, ўша шангининг овози тинмаяпти. Бор, нима бўлса бўлди, деб ичкарига битта ўқ узиб қўйдим. Немис парво қилмайди, гапини бўлмай, эзмаланаяпти. Ўзбекчалаб қотириб битта сўкдиму, таваккалчининг ишини худо ўнгласин, деб ўзимни ичкарига ташладим. Ёнимдан зажигалкани олиб чақиб қарасам, иккита немис тарашадек қотиб ётибди. Аммо ҳали ҳам овоз тингани йўқ. Яна у ёқ-бу ёққа қарадим. Тўнқайиб қотиб қолган немиснинг икки пути орасида манави приёмник гапириб ётибди. Дарров олдим. Қаеридан ўчиришни билмайман. Шинелимга ўраб окопга қараб чопдим. Қани бу овознинг ўчкур секинроқ гапирса. Блиндажда «Алло! Алло!» қилиб ўтирган алоқачига кўрсатган эдим, ўчириб берди. «Бу ҳеч нарсага ярамайди, ба-

тарейси тугагандан кейин баҳоси бир тийин бунинг,— деди. Кейин ўйлаб туриб қўшиб қўйди.— Уша жойни қара, немис мумсик халқ бўлади, запаси бўлмаса буюм тутмайди». Орқамга қайтиб, яна танкка кирдим. Немиснинг бўйнидаги сумкасини очиб қарасам, чой қутига ўхшаган тўртта нарса бор экан, батареяси шу бўлса керак деб олдим. Йўқ, адашмаган эканман. Опкелиб сумкамга ташлаб қўйдим. Битта батарея госпиталда эрмак бўлди. Учта қолган. Эҳтиёт қилиб тутайлик. Биттаси уч ойга етади.

Бугун ҳам ёмғир қуйиб тургандан одамлар ишга чиқишмади. Катта палатада яна шу радио эрмак бўлди.

Фронтдан неча минг километр олисдаги чўлда, баҳор ёмғири савалаб турган чодир ичида одамлар гўё ўз болаларининг ёнаётган шаҳарларда тутунда қорайиб олдинга иштилаётганларини кўриб тургандек, жимгина радиога қулоқ тутиб ўтирардилар.

Радио энди Тошкентдан ахборот эшиттира бошлади. Қорасув районидagi колхоз ўз бўлинмас фондидан ажратиб самолёт қуриш учун Давлат мудофаа комитетига пул юборибди. Санъат арбоблари лауреатлик пуллари-ни, кўп корхоналарнинг ишчилари бир ойлик маошлари, заём облигацияларини топширишибди. Самарқанд пионерлари темир-терсак йиғиш ойлиги эълон қилишибди.

Низомжон радиога қулоқ солиб ўтираркан, ўзи қилаётган ва энди қиладиган ишлари тўғрисида ўй сурарди. «Еш болалар ҳам фронтга мадад беряпти. Қурул уш-лолмаганларга ҳам иш топиляпти!» дея пичирлаб қўйди.

Бу фикр унинг қарорини янада қатъийлаштириб юборди. Ишлаши керак. Жуда кўп ишлаши керак. Токи қиладиган иши жангчига мадор бўлсин. Қилган меҳнатидан жангчининг қорни тўқ, усти бут бўлсин. Низомжон худди шундай қилади. Ишлайди, ишлаб чарчамайди. Чарчаси ҳам ишлайди. Етиб қолса ҳам ишлайди. Шовқинсиз, писандасиз ишлайди.

Низомжон сафда турган янги жангчидек қасамёд қилди: Энди у ўзини катта қўшиннинг содиқ жангчиси деб билади!..

* * *

Икромжон Зирилламага етиб келганда отининг чови кўпириб кетган, ҳамма ёғидан буғ кўтарилар эди. У отни самоварчига қолдириб идорага кирди. Тоға қаёққадир

телефон қилаётган эди. Уни кўриб, бошини силкитди-да, шошиб гапини тугатди.

— Ленинградга совға жўнатиляпти. Областимиз совғасини Тошкентгача ўзинг кузатиб келасан.— Тоға бир ютиниб олди-да, Икромжоннинг юзига эмас, тўнининг қўлтиқтаёқ тешиб юборган жойига қараб гапни давом эттирди:— Уйга бориб кийиниб кел. Кечқурун Горчаковадан эшелон жўнайди. Сендан бошқалар ҳам бор. Кечикма, ошнам.

Икромжон ҳеч нарса демади. Нима ҳам дейди. Индамай чиқиб, уйга қараб кетди. Раис бугун Жаннат холани кўрган. Икромжоннинг Тошкентга кетишини айтган эди. Шунинг учун ҳам у эрининг шундай ёғингарчиликда келганига ажабланмади. Кийим-бошларини тайёрлаб қўйган экан. То эри кийиниб бўлгунча қозонда қанчадан бери қайнаб ётган маставани сузиб келди. Икромжон тик турганича бир-икки қошиқ ичган бўлди.

— Хотин, мен кетяпман. Хавотир олмай ўтир. Келганимдан кейин чўлга бирга чиқиб кетасан. Хайр, яхши қол.

Жаннат холанинг чўлга кетишига ҳали ҳам кўнгли йўқ эди. Эрининг сафарга кетаётганида кўнглини алафда қилгиси келмай:

— Аввал келинг, чўлга бориш бир гап бўлар,— деб қўя қолди.

Идора олдида юк машинаси турибди. Тоға кузовга чиқиб Икромжонга қўлини чўзаяпти.

Жаннат хола эрининг машина кузовига қийналиб чиқаётганини кўриб турарди. Агар Тоға қўлидан тортиб олмаганда албатта чиқолмасди — ўнг тиззаси букилмайди-да!

Икромжон чиқиб олиши билан машина гуриллаб, жойидан қўзғалди. У орқасига ўгирилиб, хотинига қўл силкиб қўйди. Жаннат хола унинг орқасидан маънос қараб қолди.

У Икромжонни, Турсунбойни фронтга ана шундай кузатиб қолган эди. Бири ногирон қайтди. Бири қочди. Ўлик-тириклиги номаълум... Бормикан? Бормикан? Бор бўлса қаерларда сарсон-саргардон бўлиб юрган экан?

Она хаёли яна болага кетди. У Икромжон чўлга кетгандан бери ёлғиз уйда ўйлайвериш қон бўлиб кетди. Эрининг Тошкентга кетиши яна юрагига аллақандай айрилиқ солаётган бўлди.

— Тоға ҳам қизиқ, мушча энди бу одамга ёпишиб ол-

маса? Битта боласини тийиб ололмаганга бутун бошлик бригадани бериб кўйибди. Ой чиқса ҳам шунга, кун чиқса ҳам...

Жаннат хола машина кетган томонга қараб турган хўжалик мудирини Абдухалилни кўрди. Абдухалил ёнидагилардан тап тортмай гапирарди:

— Аввал болангни эпла, кейин бизга ватанпарварликдан дарс бер.

Жаннат холанинг ичи куйиб кетгандек бўлди.

У кўчада эл кўзида телбага ўхшаб юришдан истиҳола қилиб уйига қайтди. Уша, ўша жимжит уй. Худди ютаман, дейди.

Ёмғир тинган бўлса ҳам тарновлардан чак-чак сув томиб турибди. Ариқдан айқириб бўтана сув оқяпти.

Шамол булутларни тўзғитиб аллақабларга олиб кетди. Ялтираб офтоб чиқди. Теракларнинг яланғоч новдаларига зар суртгандек бўлиб кетди. Томлардан, ивиган деворлардан буғ кўтарила бошлади.

Чарақлаган офтоб Жаннат холанинг дилини сал ёритгандек бўлди.

IV

Ой чиқди. Сербулут осмон худди сиёҳ сачраган зангори кўйлакка ўхшарди. Ҳовли бетидоғи чуқурчаларда ҳосил бўлган кўлмаклар бети ойдинда шишадек йилтирарди.

Жаннат хола юравериб чарчади. Тинкаси қуриб одади бўйинча айвон лабига келиб энди ўтирган ҳам эдики, эшикни кимдир жуда секин журъатсизлик билан тақиллата бошлади.

— Ким?

Эшик яна тақиллади-ю, ҳеч ким овоз бермади.

Жаннат хола ҳайрон бўлиб эшик яқинига бориб яна:

— Ким?— деди.

Жавоб бўлмади.

— Ким деяпман?!

— Очинг, очинг, мен.

Жаннат хола титраб кетди.

Жаннат хола эшик ҳалқасини қандай туширганини билмайди. Уғлининг ачимсиқ ҳиди буруқсаб турган бўйнига осилиб тинмай гапирарди:

— Вой болагинам, болажонгинам. Бормисан? Қаёқларда қолпб кетдинг? Ёмонлар ўлсин, ёмонларни қора ер ютсин! Не-не гапларни тарқатишмади. Бор экансан, омон экансан.

Турсунбой она гапларига парво қилмай унинг қўлларини бўйнидан олиб ташлади-ю, орқаси билан эшикни тўсди.

— Секин, секин, ая, биров эшитиб қолади.

— Эшитсин, билсин! Не-не гаплар қилишмади. Эрта-лаб бошимга тумонатин йиғаман. Дадагинанг бечора бошини кўтаролмай қолди.

— Бўлди, бўлди!

Турсунбой эшик ҳалқасини шошиб илди-да, жонсараклик билан ичкари уйга қараб югурди. Жаннат хола эсанкираганича унинг орқасидан чопди. Шошиб чироқ пилгини кўтарди. Турсунбой уй ўртасида қимирламай турарди. Она боласининг юзига қаради. Бу ўша Турсунбойми? Ё бошқа одамми?

Она қаршисида юз-кўзларини соқол босиб кетган, озиб, қорайиб, таниб бўлмас ҳолга етган Турсунбой турарди. Унинг юзига кўпдан совун тегмаган, тўйиб овқат емаган. Онанинг юраги жиз этиб кетди. Битта-ю битта боласи-я! Шу ҳолга етдими? Емай едирган, киймай кийдирган эркаси, шамолни раво кўрмаган ёлғизи шу кўйга тушдими?

— Сенга нима бўлди, болам?

— Қўявер, ая.

— Қаерларда юрбсан?

— Сўрама, сўрама. Овқатнинг борми? Қорним оч.

Жаннат хола ҳозир, ҳозир деди-ю, боласи олдидан кетмай унга тикилганича тураверди.

— Овқат деяпман, олиб келсанг-чи!

Она бўшашиб ташқарига чиқди. Нима қилишини билмай ошхона эшиги олдида бирдан хаёл суриб туриб қолди. Кейин қоронғида тимирскиланиб қозон тагида қуйилиб қолган маставани косага сузди-да, йиғлаб-йиғлаб уйга олиб кирди.

— Болам, шуни еб тургин, ҳозир бошқа овқат қилиб бераман.

Турсунбой дераза рафўга ўтириб коса четидан хўрнлатиб ича бошлади. Она тик турганича ундан кўзини узмасди.

Турсунбой бошини кўтариб онага танбеҳловчи оҳанг-да деди:

— Келганимни биров билмасин!

— Қочганинг ростми?

Турсунбой дарров жавоб бермади. Лабларини анча вақтгача ялаб туриб деди:

— Поезддан қолиб кетдим.

— Қочганинг рост экан-да?

— Ҳа. Гап тамом!

Онанинг вужуди қақшаб кетди. Тиззаларида дармон қолмай, шолчага ўтириб қолди. Кўзлари жавдираб, бирпасда киприклари пирпиради-да, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Турсунбойни қочоқ дейишганда, Жаннат хола ишон-қирамаган эди. Кўнглининг бир чеккасида, бу гап ёлгон, деб ўйларди. Энди бу гапни боласининг ўз оғзидан эшитиб ҳуши бошидан учди. Бутун истаклари, орзу-умидлари шамолда тўзиб кетгандек, кимсасиз чўлу биёбоқларда қолиб кетгандек, чорасиз бир аҳволда дунё кўзига қоронғи бўлиб турарди. Еш думалаб турган кўзларини боласига қадади.

— Куч-қувватдан қолган отанг ҳам қўлига милтиқ олиб урушга борди-я! Бир оёғини урушга ташлаб келди-я! Сен, шу гавданг, шу кучинг билан қочдингми? Отангни тириклай ўлдирдинг-ку, мени адоин тамом қилдинг-ку! Эртага юртининг кўзига қандай қарайман? Даданг қандай қилиб кўчага чиқади? Шунини ўйламадингми?

Турсунбой дадасининг фронтдан қайтганини, бир оёқсиз бўлиб келганини эшитмаган эди. У уйга қайтаркан: «То уруш тамом бўлгунча ертўладами, ўрадами кун кечираман», деган ўйда эди. У қочишга қочиб қўйиб, энди офтоб кўрмай яшашга ҳам рози бўлиб қолган эди. Дадаси келган бўлса энди уйда қололмайди. Дадасининг феълини билади. Эртагаёқ қўлидан етаклаб чиқиб топширади. Шу топда онаси; «Даданг бир оёқдан ажраб келди!» деганида, у сесканмади ҳам, юраги ҳам ачимади. Аксинча, унинг қайтиб келганидан ранжиди. Унга ота урушдан қайтиб келмагани дуруст эди. Уйда жон сақлаб, кундузи ертўладами, болаҳонадаги шох-шаббалар орасидами яшириниб, кечаси томорқада ётиб кунини ўтказарди. Энди режаси бузилди. Кетиши керак. Қаёққа? Турсунбой шошиб сўради:

— Дадам қани? Келиб қолмасидан кетай.

— Дада дема!..

— Кийимларимни топиб бер. Кетаман.

— Қаёққа? Ҳеч қаёққа кетмайсан. Даданг келсин.

— Икковларинг бир бўлиб мени тутиб бермоқчимисизлар?

— Эсингни йиғ, болам. Она ўз боласига ёмонликни раво кўрмайди. Маслаҳатлашиб, бирон чораси ни топайлик. Ахир даданг кўпни кўрган одам. Бир маслаҳат чиқиб қолар.

Турсунбой умидсиз қўл силкиди:

— Дадамни биламан.

— Билсанг бўпти-да. Жон болам, гапимга кир. Эгилган бошни қилич кесмайди. Ҳали ҳам бўлса бориб тавба қил. Ўзингни урушда оқла. Дадангнинг ўзи бориб, узр айтади. Унинг гапини ерда қолдиришмас. Ҳукуматга кўп иш қилган одам. Гапи инobatга ўтади.

Турсунбойнинг кўзларидан ўт чақнади.

— Нима? Нима?— у ўрта бармоғини пешонасига пуқиб кўрсатди.— Мана шу еримдан отиб ташлашинми?! Жаннат хола кўрқиб кетди.

— Унақа қилишмайди, болам. Сен фашистмидингки, шунақа қилишса. Тавба қил, ялин, фронтга бориб ўзинни оқлайман, деб ялин.

Турсунбой яна қўл силкиб юзини тескари ўгирди.

— Кетаман.

— Қаёққа кетасан?

У қаёққа боришини билмасди. Она сўроғига жавоб тополмай, бўшаган косага қараганча индамай қолди.

— Ким сенга жой беради? Ким сенга овқат беради? Қароқчилик қиласанми? Қай ковакка сиғасан? Тирик ўлик бўлиб юрасанми? Яхшиси, гапимга кир. Даданг билан Тоға бориб тушунтириб топширсин. Тоға обрўли одам. Депутат одам, гапини қайтаришмайди. Тоғага ялинаман. Йиғлаб-йиғлаб ялинаман. Жон болам, даданг келгунча кетма. Шундай қил, жон болам, ўргулай болам, йўқ дема.

Жаннат хола шундай деди-ю, шошиб ҳовлига чиқиб кетди. Катта самоварни айвондан олиб тушиб сув қўйди. Ўт ташлади. Ошхонанинг орқасига совун олиб бориб сочиқни беҳига илиб қўйди. Сандиқни очиб Турсунбойнинг кўйлақларини олди.

— Ювин. Соқолларингни қириб, бошқа кийимларингни кийиб ол. Жуда кир бўлиб кетибсан.

Она тоқчадаги қутичадан Икромжоннинг устарасини, ойнакчани олиб чироқ олдига келтириб қўйди.

— Мана, болам. Бўла қол.

Турсунбой хонтахта олдига тиз чўкиб ойнага қаради. У ўз аксини кўриб бирдан ҳайрон бўлиб қолди. У роса исқирт бўлиб кетганини энди билган эди. Илгариги Турсунбойдан энди фақат чақнаб турган иккита кўзгина қолган эди. У онаси келтирган бир пиёла илиқ сувга чўтқани ботириб совун қутида кўпиртирди-да, бетларига суртди.

Она унинг қирт-қирт қилиб соқол қиришига қараб ич-етини еб ўтирарди.

Энди боласининг ҳоли нима кечаркин? Тоға орага тушишга кўнармикан? Ўзи олиб бориб топширса яхши бўларди. Зора фронтга юборишса. Кўнмаса нима бўлади? Борди-ю кўнса, кўнса-ю гапи инобатга ўтмаса, унда нима бўлади? Э, худо, қандоқ кунларга қолди-я!

Турсунбой соқолини олиб бўлгач, ошхонанинг орқасига ўтиб кетди.

Турсунбой ювиниб, кийиниб келди. Унинг дийдорига қараб она юрагидан бояғи ваҳималар нари кетгандек бўлди. Турсунбой янги, тоза либосларда бегуноҳ, покила бўлиб кўриниб кетди. У келишган, юзлари, кўзлари яшнаган йиғит эди. Шу топда она кўнглида ҳам меҳр, ҳам ташвиш, ҳам ғазаб бор эди. Шу уч ҳис орасида қолган она қалби қай тарафга ён босишни билмасди.

Турсунбой ўтирган ерида мудрай бошлади. Она унинг ёнбошига болиш келтириб қўйди. Турсунбой болишни нари суриб бошини қўйди-да, дам ўтмай уйқуга кетди. Она унинг устига кўрпа ташлаб бош томонига тиз чўкканича юрагида бир дунё ташвиш билан киприк қоқмай тикилиб ўтираверди.

Қоп-қора осмоннинг бир чети билинар-билимас оқариб келаётганини, саҳархез хўрозларнинг олис-олислардан қичқираётганини сезмасди. У ҳамон ёлғиз боласининг дийдорига тўймай тикиларди.

Қалби вайрон бўлган, умидлари совун кўпигидек сассизгина ўчган онанинг хаёллари сўнгсиз эди. Самарасиз эди...

V

Тошкент станциясида одам қайнайди.

Платформаларда устига брезент ёпилган танклар, юк машиналари. Қизил вагонларнинг очиқ эшикларидан

жангчилар кўринади. Қўлтиқтаёққа тиралган, қўлини, бошини боғлаб олган ярадорлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб турибди.

Икромжон фарғоналиклар олиб келган тўрт вагон совгани топшириш учун станция бошлигининг олдига кирмоқчи бўлиб йўлакка бош суққан эди, тумонат одам... Шу пайт раднокарнайи хириллаб, эълон қилди:

— Фарғона вакили комендант ёрдамчисига келиб учрашин. Қайтараман...

Икромжон комендантни қидириб кетди. Олдинги вагон ёнида бир неча ҳарбийлар билан қизил фуражка кийган станция навбатчиси турарди. Икромжон унга ўзини танитди. Навбатчи унинг қўлидаги қоғозларни олиб ўқий бошлади:

— Йигирма қоп туршак, ўттиз қоп майиз, қирқ қоп олма қоқи. Саксон яшик қанд, қирқ қоп ёнғоқ, минг банка беҳи мураббоси, уч юз банка қулупнай мураббоси... Ҳаммаси шуми?— Навбатчи бошқа қоғозга кўз ташлади.— Ҳа, яна олти юз пахталик нимча, саккиз юз қулоқчин, беш юз кирза этик. Мана бу бошқа гап. Навбатчи Икромжонга қаради.— Кузатувчи борми?

Икромжон иккиланиб ўтирмай, жавоб берди:

— Мен ўзим кузатиб бораман.

— Бўпти,— деди навбатчи.— Ҳарбий комендантга учрашиб ҳужжатларни расмийлаштиринг. Билиб қўйинг, фронт линиясигача кузатиб борасиз.

— Ҳўп.

Комендант ёрдамчиси унга бошдан-оёқ разм солиб, бошини сарак-сарак қилди:

— Йўқ, сизни юбора олмаймиз. Кузатувчиларимиз бор.

— Оёғимга қараб шундай деяписизми?

— Ҳа.

— Фронт кўрган одамман.

— Барибир,— деди комендант ёрдамчиси.

Ҳарбийлар бир сўзли бўлади. Икромжон ялиниб-ёлворишдан фойда йўқлигини билиб бошқа гап айтмади. Майинблигига ачиниб, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Навбатчи у билан вагонга келди-да, бор нарсаларни бир-бир кўздан кечириб, унга жавоб берди:

— Эртанги поездда қайтиб кетишингиз мумкин. Ко-

мандировка гувоҳномангизга бир оздан кейин келиб, белги қўйдириг-да, қайси поездда кетишингизни билиб олинг.

Икромжон аста юриб перрондан катта майдонга чиқди.

Ҳаво очиқ эди. Трамвай остановкасидан сал берида элликка яқин киши негадир гуж бўлиб уймалашишяпти. Икромжон ҳам беихтиёр ўша тарафга юра бошлади.

Давра ўртасида ярадор офицер турарди. Унинг кўкрагида Олтин юлдуз. Армияга чақирилган йигитлар уни ўраб олиб кетишга йўл беришмасди. Тинмай сўроққа туттишарди.

Йўл четидаги скамейкада бир чол билан кампир ҳарбий форма кийган йигитга термулиб ўтиришибди. Улар ўз болаларини фронтга жўнатаётган бўлсалар керак. Кампир дам-бадам боланинг пешонасини силайди. Улардан сал нарида ўрта яшар бир киши тўрт ёшлардаги болани тиззасида олиб ўтирибди. Унинг ёнида ҳомиладор хотини бошини ерга экканича чурқ этмайди. Бола дадасининг юлдуз тақилган фуражканини кийиб олиб нималардир деб жаврайди.

Сув дўқони олдида — қиз билан йигит. Қизнинг эғнида дазмолланмаган крепдешини кўйлак. Лабига билинарбиланмас элик сурган. Йигит унга ўпкаси тўлиб тикилади.

Икромжон ҳаммага бир-бир қараб айланиб юрарди. Бирдан у урушга кетаётганида хотини, боласи Зирилламада машина кетишини кутиб ана шундай ўтирганларини эслади.

Кечагина эди. Дарров шунча вақт ўтиб кетибди. Бу орада у жангга кирди. Яраланиб госпиталда ётди. Қишлоққа қайтиб келди. Чўлга чиқди.... Умр ўтиб кетавераркан.

Эшелон жўнашини билдириб паровоз қичқирди. Ҳамма ўзини станция ичига урди. Икромжон ҳам одамлар орқасида зиналардан ҳатлаб чиқиб борарди...

Икромжон қаттиқ чарчаган, куни билан станцияда эшелон пойлаб ҳолдан тойган эди. Шунинг учун эшелон жўнаши билан ётоққа қайта қолди.

Ётоқ эшиги олдида уни Тоға кутиб турарди.

— Сени қидириб станцияга ҳам бориб келдим.

— Ўзинг қачон келдинг, Тоға?— деди, ҳайрон бўлиб Икромжон.

— Кеча келган эдим. Пленумга чақиршган эди. Ҳозир тамоm бўлди. Эртага бирга кетайлик деб қидириб келдим. Ишларинг битдими?

— Битди, Тоға.

Икковлашиб ётоққа киришди. Икромжон каравотга чўзилиши билан иситмаси ошиб кетганини билди. Тоға уни безовта қилмаслик учун девордаги радиокарнайини ўчирмоқчи эди, Икромжон кўнмади. Радио Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг немис босқинчилар вақтинча босиб олган совет ерларидаги аҳолига қилинаётган зулм, ваҳшийлик, ёппасига қирғинлар ҳақидаги ахборотини эшиттирмоқда эди.

Икромжон иситмасини ҳам, танининг зирқираб оғришини ҳам унутиб, ўтириб олди. Тоғанинг лабларни титраб турибди. У муштани тугиб, кўзини бир нуқтага тикканича қимирламасди. Охири у алам билан деди:

— Аблаҳ Гитлер ҳали бу қилмишларинга жавоб беради!

— Қанча шаҳар вайрон бўлди. Қанча бола етим қолди. Қанча одам қон ичида кезяпти.— Икромжон гап тополмай столга муштлаб юборди.— Майли, қасос оламин. Қани энди оёқларим бутун бўлса. Шу бугун кетардим. Бу оёқ билан энди қаёққа бораман?

Тоға унга тасалли берарди:

— Сен бориб душманга ўқ узиб келгансан, ошнам. Энди фронтни ўйламай қўя қол. Сен жанг қиладиган фронт энди Езёвоида, Найманда.

Икромжон унга тик қараб деди:

— Юрагимда уруш ёққан ўтти ҳеч ким ўчиролмайди. У ўт туташиб ўзимни куйдиради. У ўт ўчириб бўлмайди гап ўт.

— Жинни бўлма!— уни жеркиб ташлади Тоға.

— Бугун ўзимга ўзим савол бердим. Истансада у ёқдан-бу ёққа юриб ўзимдан ўзим сўрадим. «Икром, дунёга келиб нима иш қилдинг», дедим. Сўрогимга жавоб тополмадим. Ҳеч нарса қилмабман, оғайни, ҳеч нарса! Ҳеч нарса қилмай ўлиб кетадиганга ўхшайман.

— Кўп ишлар қилдинг. Сен бўлмасанг Зирилламада колхоз қуришимиз қийин бўларди. Қадалган пичоқлардан қўрқмадинг, пистирмада ётган босмачидан ҳайиқмадинг. Фарғона каналида, областда энг кўп тупроқ қазиган ким эди? Сен эдинг! Уша сувни ичаётганлар, экинини суғораётганлар кимга миннатдорчилик билди-

ришни ўзлари билишади. Бир оёқни қайга ташлаб келдинг? Шу бир оёғинг учун неча фашистнинг калласини уздинг. Шу ҳеч нарса қилмаганингми? Гапингни қара-я! Ҳладиган бўлсанг ўзим белимни бойлаб, «вой отам»лаб товутингнинг олдига тушаман. Сен ҳали-бери ўлмайсан. Аҳмоқона гапни қўй. Яшашимиз керак. Кўп ишлар қилишимиз керак. Уруш тугаганини кўрайлик. Уруш нуратган деворларимизни урайлик. Эҳ-ҳе, қиладиган ишимиз кўп. Улимдан гапирма. Ишни чала қолдириб ўлиш номардлик бўлади... Хўп, бўлмаса сен ётиб дамнингни ол. Эртага кетадиган бўлсак, чала ишларимни битказиб келай.

Тоға бир оз иккиланиб тургач, чиқиб кетди. Сал ўтмай, эшикни тақиллатмай, мўйловдор бир йигит кирди. У Икромжоннинг қўлини сиқиб кўрпшаркан, маъноли илжайиб қўйди. Унинг бу илжайишига Икромжон туншунмади. Бу одамни Икромжон унча хуш кўрмасди. Илгарин Заркент сельпосида кассирлик қиларди. Кейинги йилларда кўринмай қолган эди. Атлас артелида экспедиторлик қиляпти, деб эшитган эди.

— Мол олиб келган эдик, зинадан чиқиб келаётсам Тоғага дуч келиб қолдим, сизни шу ерда, деб қолдилар. Бир кўришиб ўтай, деб кирдим.

Икромжон бу жини севмаган одам билан қандай қилиб, нима тўгрисида гаплашишини билмасди. Кўнгил учун «Бола-чақа тинчми?» деб сўраган бўлди.

— Михдек, михдек. Ҳаммаси тинч. Қирқ йил қиргин бўлса, ажали етган ўлади, дейдилар. Насибамиз фронт томонларга сочилмаган экан, ризқимизни Маълондан териб еб юрибмиз. Айтганча, севиниб қолдингизми? Турсунбой келиб севиниб қолгандирсизлар. Хайрият бутун қайтибди.

Бу одам нималар деяпти. Мастми? Икромжон унга қараб анграйганча турарди.

— Уч кун бўлдими, ҳа, уч кун бўлди шекилли. Гарчакопда пиво ичиб турган эдим. Бир маҳал қарасам, Турсунбой ёнимдан ўтиб қолди. Чақирсам эшитмади. Орқасидан бораётган эдим, кўпчиликнинг орасига кириб бирпасда қаёққадир гойиб бўлди. Ўзи шунақа, феъли шунақа болангизнинг. Одамга аралашмайди. Шу одати фронт кўриб ҳам қолмабди, деб қўя қолдим.

Унинг ҳар бир гапи Икромжон юрагига ханжар бўлиб ботарди.

Демак, Турсунбой Маргилон атрофларида яшириниб юрибди. Зирилламага боришга юраги дов берматан у ярамаснинг. Қочиб қаёққа боради? Шармандалигини, хонлигини кимдан яширмоқчи? Қачонгача қочиб юради.

Мўйловдор йигит ғоз патидан қилинган тиш ковлагичи билан мўйловини тараб яна илжайди:

— Тўйни бошлавораверинг. Ҳа, бу кунлар ғанимат. Тўйни кўриб қолинг. Худо хоҳласа ўзим самовар қўйиб чорси боғлайман.

— Қачонгача шунақа қилиб юрасан. Юрт бошида уруш, сен нимани ўйлайсан, нималар қилиясан. Ўз фойдангни кўзлаб, ўз жонингни аяб юрибсан.

Мўйловдор йигитнинг қалин қошлари маъноли керилади.

— Ғимирсиб бўлса ҳам халқнинг кўзида юрибмиз, ака, қочоқликдан худо сақласин. Ҳа, номард қочади...

Икромжон сапчиб ўрндан турди. Турди-ю йиқилгандек шилқ этиб яна ўтирди.

Мўйловдор йигит унинг бу ўтиришини кўриб, қойил қилдим, дегандек тарс-тарс юриб чиқиб кетди.

Икромжон кўкрагини чангаллаб қаттиқ уҳ тортди. У то қишлоққа этиб келгунча Тоға билан очилиб галлашмади. Тоға ҳам авзойини библиб тургани учун индамай қўя қолди. Бундай пайтларда одамни ўз ҳолига қўйиб бериш керак.

Эндигинна тонг ёришиб келарди. Тоға қайрағоч тагига етгач, унга қўлини узатди.

— Жиндак мизғиб олганингдан кейин идорага чиқарсан. Хайр.

Тоға кетди. Икромжон ўз хаёллари билан ўзи қолди. Вужудини дард ғижимлаб ташлагандек букчайиб, ўз кўчасига бурилди.

Одамнинг иши бир орқага кетмасин. Кетма-кет фалокат оёғининг тагидан ўрмалаб чиқаверади.

Мана, Икромжон шунча йил яшаб, шунча савдоларни бошидан кечириб ҳали бу хил даҳшатга рўпара келмаган эди. Ўз уйи олдида, ўз деворида унга энг оғир, энг даҳшатли ҳукм битилган эди.

Деворга кимдир оҳак билан «Хонининг уйи!» деб ёзиб кетибди.

Икромжон ўз кўзларига ишонмай қолди. Назарида, бугун тонг ҳар галгидан кўра барвақтроқ ёришаётган-

дек, шу ёзувни тезроқ одамларга кўрсатишга ошиқиб вақтлн ёришаётгандек эди.

У бир мuddат турган ерида эсанкираб қимирламай қолди.

Қишлоқ жимжит. Эл ҳали уйқуда. Фақат эринчоқ хўрозларгина ҳар замонда олис-олислардан овоз бериб қўйишади.

Оламга нур таратаётган, куртаклар бағрига баҳор шабадасини қуяётган бу тонгда ҳамма нарса: жонли-жонсиз мириқиб ором оларди-ю, фақат бир киши — Икромжонгина алам, даҳшат, изтироб оловида куйиб ёнарди.

Нима учун?

Бошига бу фалокатларни солган номард бола қаши энди шу топда олдида бўлса.. Улдиарди! Қарилигини ҳаром қилган, дунёни кўзига қоронғи қилган боланинг баҳридан ўтарди! Уқандай бола боқди ўзи? Ўз бошига бало қилиб бола боқди. Энди уни қўлига тушган кунн ит боласидек ўлдиради.

Оппоқ бўлиб отаётган шу тонгда ота ўз боласини ўлимга ҳукм қилди.

VI

Найман чўлларига, тўқайларига чинакам баҳор кирди. Қамишзорлардан, ботқоқликлардан қурбақаларнинг тинимсиз вақиллаши эшитиларди. Тиниқ фируза осмондан икки марта аргимчоқ солиб турна ўтди. Қиш ичи бўронларни кўкрак билан тўсган икки туп толнинг нозик новдалари оч писта мағзидек баргчаларга ўралди.

Қумли тарафдан баданга хуш ёқаднган илимилиқ шабадалар эсиб қолди.

Зебихон ҳам шу баҳор билан бирга яшнаб борарди. Унинг чеҳрасидаги сўлғинлик ўрнини аллақандай қизлик таровати эгаллаган эди. У ҳар кунн эл уйғонмасдан чодирдан чиқарди-да худди қуёшни қаршилаётгандек чўл тарафга, қизариб-бўзариб ёришаётган уфқ тарафга қараб кетарди.

Ҳамма ёқ жимжит. Чўл қушлари беозоргина чуғурлашади. Шабада янгигина қиёқ чўзган майсалар бетидан шудринини силкиб тўкади. Қиз шу файзсиз чўлда

очилган танҳо лоладек ўзини кўз-кўз қилиб бо-
ради.

Балоғат остонасидан аллақачон ҳатлаб ўтган, бирин-
чи севгисига оғу тушган бу қиз қалбида пинҳоний ўт
ёнади. Бу ўт унинг бағрини куйдирмас, ўртамас, аксин-
ча, эҳтирос туйғуларини тугёнга келтирарди.

Қиз қалбига юпанч, ўзига ҳамдард киши изларди. У
гоҳо майсага чалқанча ётиб, оппоқ беғубор булутлар
сузаётган сўнгсиз осмонга узоқ-узоқ тикилиб ётарди. Бу
зангори бўшлиқлар унга аллақандай эртақлар сўйлаган-
дек. Шу олислардан у ҳали ўзи кимлигини билмаган бир
диловар йигит чеҳрасини изларди. У номаълум йигит
гоҳ афсонавий паҳлавон, гоҳ Турсунбойдек номард бў-
либ кўринарди.

Зебихон ҳар гал Турсунбойни эслаб қолганда юзла-
ри андишадан қизариб кетарди. Кўзларида ўт чақнарди.
Кўллари беихтиёр мушт тугарди.

У Турсунбойни табиат янглиш яратган, табиат одам-
ларни масҳара қилиш учун, одамларни ҳақорат қилиш
учун яратган бир нарса деб биларди. Бу табиатнинг
қўпол қўли билан яратилган нарса энг аввал уни ярала-
ди. Унинг қалбига заҳар солди. Зебихон унинг заҳри-
ни жуда тез баданидан ситиб чиқариб ташлади. Аммо
вақти-вақти билан яра ўрни уни қийнар, танасини бир
муддат зирқиратарди.

Зебихон ўзини Турсунбой еткизган аламлардан озод
ҳис қиларди. Энди унинг кўксига соф туйғулар шабада-
си кирган. Шу чўл ҳавосидек беғубор ҳислар уни алла-
ларди. Қалби баҳорги мусичадек кукулаб, муҳаббат
чақирарди.

У муҳаббат изларди-ю, «бошидан кўп савдолар ўт-
ган» Низомжоннинг маъюс боқишларига тоб беролмас-
ди. У боланинг кўзларида қандайдир оғир аламлар
кўланкаси кечарди. Зебихон у билан гаплашганда
юрагини тирнаган аламларни кўзгатишдан кўрқарди. У
ўлган илоннинг бошини кўзгатмаслик керак, деб ўй-
ларди.

Мана, бугун Зебихон одатича тонг қоронғисидан ту-
риб саҳар шамолида тебранаётган тол олдидан ўтар-
кан, сўрида икки тиззасини қучоқлаб, олис бўшлиқларга
тикилиб ўтирган Низомжонга рўпара келиб қолди. Ни-
зомжон оёқ шарпасини эшитиб ўгирилди. Қаршисидан
кўкрак бурма кўйлагини шамол буйдалаётган қизни

кўриб, ҳайрон бўлди. Кейин ҳушини ўнглаб ўрнидан турди.

Зебихон баданни қийнаган қиш кийимларини ечган. Унинг ниҳоятда келншган қомати гўё баҳор ҳавосидан янада кўркамлашгандек, ранги янада тиниқлашгандек эди.

Низомжон Икромжонга билдирмай ҳар оқшом қоқ ярим кечада кетмонни олиб тўқайга кириб кетарди-да, то тонг ёришгунча икки сотих ерни ачитма — чопиқ қилиб қўярди. Ҳозир у ишини битказиб эндигина сўрига келиб ўтирган эди. Шу ердан туриб тонг отишини томоша қилишни у жуда яхши кўрарди. Тоза ҳаво, кишига ёруғ, илиқ кун ваъда қилаётган тонгнинг ёришиб келишини кузатаётган одамнинг хаёлига яхши ўйлар келади. Одамнинг яшагиси, аллақандай хайрли ишлар қилгиси келади бундай пайтларда. Одам калласидан ёмон ўйларни, бад ниятларни тонг шамоли супуриб кетади, дейишади. Бу рост.

Зебихон Низомжон ўрнидан турганда этиклари лоё эканини кўриб ҳайрон қолди.

— Нима қилиб юрибсиз, мунча эрта турдингиз? — деди.

Низомжон нима дейишини билмай, ўзим, шундай уйқум қочиб кетди, деб қўя қолди.

— Неча кундан бери шу маҳалда сизни кўраман. Бирон ерингиз оғриб ухлаёлмаяпсизми?

— Йўқ, йўқ, соғман.

Низомжон, бу қизнинг ҳамма гапдан хабарни бор экан, деб ўйлади-да, очиғини айтди.

— Биласизми, Зебихон, ҳаммадан кўп ишлагим келади. Менга жуда кўп яхшиликлар қилган Икромжон аканинг юзини ерга қаратмасам дейман. Ахир мени ўша киши бу томонларга олиб келганлар. Қоқ ярим кечада уйғонаман-да, то одамлар уйқудан туришгунча бир-икки сотих ерни ағдариб қўяман.

Зебихон бу гапдан бсхабар эди. Қошлари чимирилди.

— Бундай қилманг. Шундоғам ҳаммадан кўп иш қилияпсиз. Рангингизни қаранг, аҳволингизни қаранг. Кўзларингиз ич-ичига кириб кетибди. Бунақада бирон дардга чалиниб қоласиз.

Низомжон бош чайқади.

— Қим ишлаб дардга чалинибди. Иш одамни овутади. Урушга кетган ўртоқларим қийналмаётганмикин. Шу юмшоқ ерни кетмонлаш муз битиб кетган ерда окоп қа-

зишдан қийинмикин? Ҳар қалай тепамдан биров ўқ ёғдириб тургани йўқ-ку. Эртами индин уруш тугаб, улар қайтиб келишади. Ушаларнинг кўзига қандоқ қарайман? Сен нима қилдинг, дейишса нима дейман? Сиз бу бола ўзига шунча томорқа экиб бойнмоқчи деб ўйланг. Менга бир дона ҳам гурунч керакмас. Инмайки ҳосил олсам Зирилламага кўчиб келган госпиталь ошхонасига обориб тўкаман. Мана шу менинг зора урушга борганим, зора отган ўқим бўлса, деб ният қилганман. Немис билан шу ерда туриб урушмоқчиман...

Зебихон бу пачоққина, кўримсизгина, камгап боланинг ичида шунча гап борлигини билмаган эди. Унинг тўлиб-тошиб гапиршидан сўзларида биронта ҳам қалбакилик йўқлиги қизга билиниб турарди. Тўмтоқ бармоқлар билан кетмонга ёпишган бу йигит бир йўла учинши бажарарди. Шу меҳнат билан юртнинг мушкулини осон қилмоқчи, шу меҳнат билан эзилиб дарддан адоин тамом бўлган Икромжоннинг юзини ёруғ қилмоқчи, шу меҳнат билан ўз бошидан ўтган «савдолар»ни нари қувмоқчи.

Зебихон унга қараб туриб, унинг гапларини эшитиб туриб бирдан уни Турсунбойга солиштирди. Турсунбой кўлига юрт ишониб берган қуролни ташлаб қочди. Бу бўлса пешона терини ўқ қилиб душманга отмоқчи...

Низомжон тўлқинланиб кетиб ортиқча гапириб юборди шекилли, деб ундан кечирим сўради.

— Айбга буюрмайсиз, қизишиб кетибман.

— Йўқ, йўқ,— деди Зебихон унга аллақандай тикилиб.— Менга қаранг, сиз негадир одамга аралашмайсиз. Ҳамиша бир чеккада маъюс юрасиз. Қўйинг, бунақа қилманг. Бу ердагиларнинг ҳаммаси яхши одамлар. Тортинманг.

Бирдан Зебихоннинг шўхлиги тутиб кетди. Бирон гап билан уни овутгиси келди-да, айёрча кулиб қаради.

— Юринг, чўл айлаиб келамиз. То одамлар туришгунча, ҳу қумгача бориб қайтамиз. Мен ҳар куни ўшоққа бораман. Кеча олдимдан иккита кийик чопиб ўтиб кетди. Кўзи қурмагур бирам қораки.

Низомжон бу ердагиларнинг қанақалигини яхши билмаганидан, биронтаси кўриб қолса, хижолатли иш бўлмасмикин, деган андиша билан журъатсизроқ жавоб қилди.

— Қандоқ бўларкин. Поччангиз кўриб қолсалар...

— Э, қўйсангиз-чи бунақа гапларни. Юринг, юринг, ўша узоқ дostonингизни энди айтиб берасиз.

Зебихон унинг биллагидан ушлаб олдинга бошлади. Қўллари бирам юмшоқ, бирам иссиқ. Низомжоннинг бадани сесканиб кетди. Бейхтёр у етаклаган томонга қараб юра бошлади.

Иккови сўзсиз анча йўл босишди. Куйган ялангликдан ўтиб савағичзор орасига киришди.

Низомжон махорка ўраб гильзадан ясалган зажигалкасини ёқаётган эди, Зебихон қўлидан олиб савағичга ўт туташтирди.

Қуриб қовжираб қолган қиёқлар бир гуриллаб алангаси савағич учигаги попукни ўт олдирди. Қиёқлар ёниб бўлди-ю, фақат учигаги попук худди шам тилидек анча вақтгача ловиллаб туриб қолди.

Ғира-шира ёришиб келаётган чўл тонгида бу аланга жуда ғалати бўлиб кўринарди. Зебихон шўхлик қилиб у ёқдан-бу ёққа югурар, ҳали у, ҳали бу савағич тўпига ўт туташтирарди.

Низомжон Зебихоннинг қўлидан зажигалкани олмоқчи бўлган эди, у қочди. Низомжон қувди. Қумга етай деб қолганларида уни ушлаб олди. Қиз ҳансираб, ҳар ҳансираганида тирсиллаган кўкраклари қалқиб-қалқиб тушарди. Низомжонни бир дам эҳтирос оташи ўраб олгандек бўлди. Ўзини тутди.

Зебихон баҳор ёмғирлари чапг, ғуборларини ювиб топ-тоза қилиб қўйган қумга ўтириб олди.

— Қани, энди айтинг, ўша узоқ дostonингизни.

Низомжон қизнинг тепасида тик турарди, Қиз қандай дoston тўғрисида гапираётганини билмасди.

— Қанақа дoston?— деди у ҳам ўтираркан.

— Ҳу, тунов куну, Икромжон амакиннинг жиянимисиз, деганимда, йўқ, бегонаман, дostonим узоқ, кейин айтиб бераман, дегандингиз. Қани, энди айтинг.

Низомжон нима дейишини билмай кўзлари жавдираб, малла ғижим бахмалдек товланиб ётган қумларга қаради. Бу қиз унинг унутган кунларини эсига солиб қўйган эди. Низомжон, у кунларни сира эсламасам, дерди. Энди ўзи истамаган ҳолда ўша кунлар билан юзмаюз келиб турибди.

Бошидан ўтган воқеаларни Низомжон бу қизга айтиб берсамикин? Бу ўзи қанақа қиз? Унга ҳаммасини айтиш шартми? Ахир у боя, тол тагида қизишиб кетиб кўнглига

тугилган гапларни ёниб-ўртаниб гапириб берди-ку. У Зирилламада Икромжонга, Жаннат холага айтиб берганда бошқа гап эди. Улар бу нотаниш боланинг кимлигини билиб қўйишлари керак эди. Бу қиз-чи? Бу унга ким бўлади?

Низомжон қизга қаради. Зебихоннинг кўзлари ўтдек чақнаб унга тикилиб турарди. Бу кўзларга Низомжон тоб беролмади. Бу олов кўзлар уни ўзига тобе қилиб қўйган эди.

Низомжон ҳикояни қовуштиролмаёй бошлади-ю, акасининг тўй кунига келганда қизишиб кетди. Зебихон унинг оғзига тикилиб, ҳайрон қараб турарди. У кўзларини гоҳ пирпиратар, гоҳ пешоналарини тириштириб тингларди.

Бу дostonи узоқ йигитнинг гаплари юрагини ўртарди. Кўримсизгина, кичкинагина жуссасига шунча аламларни сиғдирилган йигитнинг бардошига қойил қоларди.

— Шунақа гаплар, туз-насиба экан, мана, сизлар билан ҳамхона бўлиб қолдим,— деб ҳикоясини тамом қилди Низомжон.

Зебихон шошиб сўради:

— Бу гаплардан Дилдорнинг хабари бормиди?

Низомжоннинг кўзлари бирдан чақнаб кетди. У ўзи билан бўлиб бу тўғрида сира ўйлаб кўрмаган эди. Рост, борди-ю дадасининг, опасининг ниятларидан Дилдорнинг хабари бўлмаса, унда нима бўлади? Нега у билан гаплашмади. У сўнгги марта қишлоқни ташлаб чиқиб келаётганда Дилдор кўчада унинг йўлини тўсган эди. Шунда у нима деганди?

Низомжон ўша айтган гапларни эсламоқчи бўлди. Уйлади, ўйлади, эслади.

— Бойқуш! Хонадонимизга кулфат олиб келдинг, шумқадам!

Ўз гапини ўзи эслаб Низомжон ўрнидан туриб кетди. Икки панжаси билан юзларини чангаллади.

— Мен қандай ноинсоф, юзсиз одамман! Ўз ўтига ўзи ёниб ётган бир бечорага нималар деб келдим. Айтсам бўлмасмиди, сен акамнинг хотинисан, дадам энди менга олиб бермоқчи, шу гапдан хабаринг борми, деб сўрасам бўлмасмиди? Ё ўзи ҳам билармиди? Билса нега индамасди? Балки шу гапни айтмоқчи бўлиб йўлимни тўсганмикини?

Зебихон ҳам ўрнидан тўрди.

— Майли, бўлар иш бўпти. Энди уни тузатиб бўлмайди. Дилдор билмаган бўлса вақти билан билиб олади.

Зебихон калишига кирган қумни тўкмоқчи бўлиб оёғидан чиқараётган эди, бирдан кўзи қумдаги оёқ изига тушди. Из тўқай томондан чиқиб қум оралаб куйган ергача келган, яна орқага қайтган. Зебихон изнинг қайтган йўлига тикилди. Из жуда ҳам узоққа бормай чап томонга бурилиб тўқайга кириб кетган. Ким бўлиши мумкин?

Низомжон Зебихоннинг нимага қараётганини билмоқчи бўлиб, у тикилиб турган томонга қаради.

— Тўқайдан биров чиқиб яна қайтиб кириб кетибди. Из янги. Кечаги из бўлганда шамол кўмиб кетарди.

Низомжон бунга парво қилмади. Биронтасидир-да, деб қўя қолди. Дарҳақиқат, Марғилон ипак комбинатидан тўнғиз овлагани велосипедда инженерлар бу тарафларга тез-тез келиб туришарди. Ушалардан бири бўлса керак.

Орқага қайтишди. Зебихон энди Низомжоннинг кимлигини яхши билиб олди. Унга юрагининг аллақасида ачинишми, меҳрми бир нима пайдо бўлган эди. Йўл-йўлакай у Низомжон ҳақида, алам ўтида қолган Дилдор ҳақида ўйлаб борарди.

Офтоб аллақачон чиқиб икки туп толнинг соясини куйиб қоп-қора бўлиб кетган ерига, ошхонанинг чодирига ўз нурини ташлаган эди.

Шодмон бобо бак тагига ўт қалаёлмай ҳадеб тутундан ачишган кўзларини ишқарди.

— Сабилнинг чўғи қолмабди. Оҳ, урушдан аввал сельпонинг дўконига гугурт қалашиб ёгарди-я.

Низомжон зажигалкасини ёқиб тутаятган тараша тагига тутди. Ўт гуриллаб кетди.

Чодирдан елкасига сочиқ ташлаган кишилар чиқа бошлашди.

Чўлга жон кирган эди.

VII

Апрелнинг бошларида Жаннат хола Найманга арава орқасига сигирини боилаб кўчини олиб келди. У энди анча ранг олиб қолган. Аммо у ниҳоятда безовта эди. Ош устида ҳам, чой устида ҳам парншон бир қиёфада ўтиради.

Икромжон бўлса озиб, чўп бўлиб кетган эди. Чўл ша-
моли унинг баданини хабашдек қорайтирган. Юзлари
худди саксовулдек бурушиб кетганга ўхшарди. У аввал-
гича одамлар билан очилиб гаплашмас, айтадиган гапи-
ни айтиб бўлгандан кейин, кетмонини елкасига ташлаб
тўқайга кириб кетар, иши бўлмаса чодирга кириб кет-
ганича эрталаб чиқарди.

Низомжон ўз иши билан, ахлоқи билан кўпчиликнинг
оғзига тушиб қолганди. Кексалар уни умрингдан барака
топ, деб дуо қилишарди.

Фақат Икромжонгина индамасди. Унинг қилаётган
ишларини кўриб на яхши, на ёмон дерди. Қараб-қараб
ўтиб кетаверарди.

Жаннат хола келиши билан Икромжонни чодирдан
олиб чиқди. Бу чаққон, тиниб-тинчимас хотин чўлга бир-
дан файз киритиб юборгандек эди. Бу орада бошқалар-
нинг хотин, бола-чақалари кўчиб чиқишди. Болаларнинг
қий-чуви, хотинларнинг бақириб-чақирришлари бу жим-
жит тўқайзорга маҳалла тусини бериб қўйди.

Жаннат хола келгандан бери уларга чодир торлик
қилиб қолди. Низомжон қамиш ўриб келиб ўзига қапа
қуриб олди-да, кўрпа-тўшагини кўтариб чиқиб кетди.

Унинг капаси ўзи ишлаётган участкага яқин жойда
эди. Икромжон келиб капанинг у ёқ-бу ёғидан қараб
турди-да, бошини чайқаб қўйди.

— Чакки қилибсан. Маҳалладан узоқ кетмаслигинг
керак эди, ўғлим. Ҳали ҳам бўлса палаткалар қаторига
қапа тик.

Низомжон одамларнинг, ёлғиз ётишдан қўрқиб кў-
чиб келди, дейишларини ўйлаб индамай ишга чиқиб ке-
таверди.

У тиним билмасдан ишларди. Кетмон чопаетганда
сира орқасига қарамасди. Агар орқага қарасам, ағдар-
ган еримни кўриб ишлагим келмай қолади, деб ўйларди-
да, индамай кетмонини ураверарди. У шу алфозда бир
ўзн уч ярим гектар ерни ағдариб қўйган эди.

Кун пешиндан оққан пайт эди. Палатка томондан
сигир-бузоқларнинг, қўй-эчкиларнинг овози эшитилиб
турарди. Бу товушлар Низомжонга қишлоғини эслат-
гандек бўлди. Секин бурилиб ўша тарафга қарамоқчи
бўлиб қаддини ростлаётганда, Зебихоннинг поччаси ўғ-
лини опичлаб келаётганини кўрди.

Низомжон кеча болага варрак килиб берган, иккови

уни роса учирнишган эди. Ҳали Низомжон чой ичаётганда ўша варракнинг толга илиниб қолганини кўриб, оббо, бошқа ясаб бериш керак, деб дилдан ўтказган эди.

Тўланбой унинг олдига келиб болани ерга қўйди.

— Э, жиян, бошимни балога қўйдинг-ку. Варраги толга илиниб қолган экан, ишлаб турган жойимдан дод деб олиб кетди. Қизталоқни оламан деб йиртиб қўйсам бўладими. Қолдим балога, қолдим балога. Узинг бир чорасини қилмасанг, мени тинч қўймайдиганга ўхшайди.

Бола дадасининг қўлидан маҳкам ушлаганча, ҳурпайиб қовоғини солиб турарди.

— Шунга жанжал қилдингми. Узимга айта қолмабсан-да! Ҳали борганимда бошқасини ясаб бераман. Роса учирамиз. Бўптими?

— Ҳозир ясаб берасиз. Ҳозир, ҳозир!

— Кўрдингми? Пошшо мендан ҳам зўр одам борми, деганда, битта чақалоқни қўлига бериб қўйиб, шу сендан зўр, деган ҳикояни эшитганмисан. Ҳа, бола — пошшо. Ундан зўри олам-жаҳонда бўлмайди.

Тўланбой Низомжон ағдарган ерга разм солиб бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Энди ер ағдаришни бас қил, бола. Трактормисан, нима бало. Ер ағдаришнинг ўзи билан иш битмайди. Бер оҳанжамаси кейин чиқади. Ёзи билан сув кечасан ҳали. Пол тортавер, бағини бир ўзинг эплотмайсан.

Тўланбойнинг гапи гўгри эди. Низомжон икки қўлини белига тираб ағдарилган ерга қараб, энди бас қилсам ҳам бўлар экан, деган фикрга келди.

Ҳали паст-баландлик, потекис жойлар бор эди. Энди ўша жойларга тупроқ сурилса, пол тортиш мумкин. Бола уни тузукроқ ўйлаб кўришга қўймади. Хираллик қилиб этагидан тортавергандан кейин кетмоғини марзага улоқтириб, маҳаллага қайтишга мажбур бўлди.

Зебихон опаси билан пош ясаётган эди. Низомжонни кўриб орқасига йиғилиб қолган этакларини тортиб ўридан турди.

— Айтдим-ку, почча, устаси шу киши деб,— Зебихон шундай деди-ю, Низомжонга маъноли кулиб қўйди.— Битта варрак ясаб бернинг шунга!

— Хўп, хўп,— деди Низомжон.

У ёнидан пичоқчасини чиқариб қамиши тилишга тушди. Бола елиб-югуриб у нима деса, шуни топиб келиб турарди. Низомжоннинг ҳам болалиғи тутиб астойдил

уриниб кетган эди. Тўланбой тепасида варракнинг битишига қараб турарди. Бола севиганидан Низомжоннинг кўнглини олиш учун тинмай жаврарди.

— Мушугимни ҳам олиб келаман десам аям қўлимга бир урганлар. Исмоилнинг аясн туғди. Жаннат холамларникига ўрис хотини кўчиб келди. Уғли жа ўриччага уста экан.

Тўланбой ўғлининг гапларига заақ билан кулиб турарди. Бола жуда ҳам сирли гап айтмоқчидек Низомжоннинг қулоғига оғзини тутди.

— Жаннат холамнинг ўғли қочоқ, а?

Боланинг гапи оғзида қолди. Тўланбой унинг бир қулоғини икки буклаб чўзиб қўйиб юборди. Бола кўз ёшини ютиб дадасига қаради.

— Ҳе, сизга мен нима қилдим?

— Овозингни ўчир, ярамас!

Бола қизариб кетган қулоғини ушлаб, бурнини торта-торта ўрнидан турди.

— Иккинчи қайта шу гапни айтсанг, қулогингнинг тагидан шартта узиб ташлайман. Айтмайман, де!

— Айтмайман.

Шундан кейин Тўланбой жаҳл билан тишининг орасидан чиртиллатиб туфлаб нари кетди. Икки лунжини шишириб пихиллаб турган болага қараб Низомжоннинг раҳми келди.

— Унақа гапни айтмагин-да.

— Нима, ўзи қочоқ бўлгандан кейин айтаман-да. Ҳамма ўртоқларим айтишадн-ку. Азизхон акам героӣ, Турсунбой қочоқ.

— Бўлди, бўлди,— деди Низомжон.— Агар яна айтсанг варракни битказмаёқ йиртиб ташлайман. Агар онди ҳеч шунақа демайман, десанг, ҳар кунн варрак жсаб беравераман.

— Бўпти.

Варрак битди. Бола чиллакка ўралган минг улоқ ипни шимининг чўнтагидан олиб варракнинг қовзоғига улади.

— Битта гапирсам майлими? Битта гапирай, бошқа гапирмайман.

Низомжон у нима демоқчилигини билмай, майли, айта қол, деди.

— Зеби опам-чи, Зеби опам, энди Турсунбой акага тегмайдилар. Аямга айтаётганларида эшитиб қолдим. Нимага тегмайдилар?

Низомжоннинг ҳуши бошидан учиб кетди. Демак, Зебихонни Турсунбойга бўлишиб қўйишган экан-да.

Бола варракни олиб кетган, толнинг нари ёғиغا бо-риб учираётган эди. Икромжон чодир олдида варрак-нинг лапанглаб ҳавога кўтарилзётганини кузатиб турар-ди. Низомжон унга ер остидан қараб юраги жиз этиб кетди. Бечора! Ҳатто ёш бола ҳам унга таъна қиляпти. Зебихон ҳам ундан юз ўгирган. У келин бўлмоқчи эди. Энди Икромжоннинг ўғли ҳам, келини ҳам йўқ. Унинг юраги бўшаб қолган. Ким билади, у ҳозир боланинг варрак учиршига қараб туриб нималарни ўйлаб кетди экан?

Жаннат хола сизир етаклаб олдида ўтиб кетди. Ша-бада Низомжоннинг димоғига галати ҳид олиб келди. Иссиқ нон ҳиди келарди. Бенхтиёр ўша ёққа қаради. Зебихон этагини липпа уриб тандирдан нон узиб сават-га ташларди. Тандир алангасидан унинг юзлари бўртиб кетибди. Тирсагигача егини шимариб олганидан оппоқ билакларни кўришиб турарди. У қўлига енглик кийиб ол-ганидан олдига тушиб қолган сочини силкитиб орқасига ташлаёлмай у ёқ-бу ёққа алангларди. Бирдан кўзи Ни-зомжонга тушиб қолди-ю илжайди.

— Барака топгур, сочимни орқага ташлаб қўйини!

Низомжон жуда ҳам табаррук одам иш буюраётган-дек югуриб борди. Бир ўрим сочини эмас тўлганиб тур-ган илонни ушлаётгандек эҳтиётлик билан ушлади-да, аста елкасидан ошнриб орқасига ташлаб қўйди. Шунла унинг димоғига қизнинг бўйнидан жуда ҳам галати, одамни маст қиладиган бир ҳид келгандек бўлди. Ни-зомжон бу ҳидга тўймай қолганидан шошиб яна унинг орқа бўйнига қаради. Бирам галати, бирам галати...

Зебихон нонларни узиб тандирга гўзапоя ташлади-да, Низомжонга кулиб қаради.

— Қани, нонга қаранг.

— Нима?

Низомжон ҳали ҳам ўзига келмаган эди.

— Нондан ушатиб енг, деяпман.

Низомжон саватдан орқаси куйган кулчани олиб бир чеккасидан ушатди-да, оғзига солди.

— Новвойликка ҳам уста экансиз. Жуда маза бўпти.

Тўланбой қумғонда сув келтириб тандир оғзига қўйиб кетди. У буларнинг гапига ҳам, ҳолатига ҳам разм сол-мади. Низомжон хижолат чекиб турган эди, Тўланбой-

нинг бепарволигидан кўнгли жойига тушиб Зебихоннинг олдидан нари кетди. У капасига кетмоқчи бўлиб турганда, тўқай тарафга сугир етаклаб кетаётган Жаннат холага кўзи тушиб қолди.

Бемаҳалда тўқайга сугир обориб нима қилади? Кеч кириб қолди-ку?

У Жаннат холанинг кетидан бормоқчи бўлиб турган эди, мотор гуриллаганини эшитиб тўхтади. Келганидан бери бу тарафларда биринчи марта машина овози эшитилиши эди. Бу товушдан бошқалар ҳам йўлга қараб туришарди.

Қамишлар орасидан юк машинаси кўринди. У лапанглаб-лапанглаб тол тагига келиб тўхтади.

Машина кузовида ўн чоқли хотин, ёш болалар ва учта сугир бор эди. Кабинадан Тоға тушди. Кузовдагилар бирин-кетин ўзларини таппа-таппа ерга ташлайверди. Низомжон Тоғадан бошқасини танимаганидан узоқдан қараб тураверди.

Икромжон Тоға билан кўришиб уни сўрига бошлади.

— Ишлар қалай?— деди Тоға сўрига ўтираркан.— Мана, йўлни ҳам очиб олдик. Бирон ҳафтадан кейин трактор юбораман. Госпиталь шу тарафга ёрдамчи хўжалик қилмоқчи. Ҳар ҳафта ўзларининг машиналари билан ҳашарга чиқиб туришади. Қовун-тарвуз экишмоқчи.

Икромжон қилинган ишларни гапириб бераётган эди, Тоға ўрнидан туриб, гапириб нима қиласан, кўрсатиб қўя қолмайсанми, деб қолди.

Иккови шудгор қилинган ерга қараб кетишаётганда Тоғанинг кўзи Низомжонга тушиб қолди.

— Яхши юрибсанми, бола? Сени қийнаб қўйишгани йўқми?— деб сўради.

Низомжон нима дейишини билмай турган эди, Икромжон жавоб қилди.

— Йигитча маладес, яхши ишлаяпти. Қани юр, ерингни Тоғага кўрсатасан.

Низомжон уларнинг орқасидан юра бошлади. Тоға, ҳамма ёқни айланиб ишдан анча мамнун эканлигини айтди. Низомжоннинг капаси олдига келганда Икромжон Тоғанинг биллагидан ушлаб тўхтатди.

— Мана, шу ерларнинг ҳаммасини Низомжон ағдарди.

Тоға шудгорга қараб, йўғ-э, деб юборди.

— Рост. Кечаси ҳам бизга билдирмай ер чопяпти, азамат.

Тоға Низомжоннинг елкасига қоқиб қўйди:

— Раҳмат, жиян, раҳмат. Фронтчасига иш қипсан.

Тоға Низомжоннинг дилидагини топиб гапирган эди. У чўлга келиб қўлига кетмон олган кунидан бошлаб шу ният билан, фронтчасига ишлаш нияти билан ёнарди. Демак, Низомжон ўйлаган ишининг уддасидан чиқяпти.

Тоға унинг бўйнидан қучоқлаб олди-да, елкасидан бир-икки силкиб қўйди. Низомжон гандиракламади. Оёғи жойидан қўзгалмади.

— Ҳа, дуруст,— деди Тоға.— Сендан иш чиқади. Бўшашма, бола.

Улар яна жуфт тол тарафга кета бошлашди.

Шу пайт Жаннат хола тўқайдан сигир етаклаб чиқиб кела бошлади. То у етиб келгунча Низомжон кутиб турди. Дарров қўлидан арқонни олди.

Жаннат холанинг кўзлари қизарган. Йиғлаганга ўхшайди. Унинг юзларида эрталабки кулқидан нишон қолмаганди. Қадди ҳам букилиб қолгандек.

Низомжон, нима бўлди экан, холнроқ жой топиб йиглаб-йиглаб аламини босиб келаётганимкин, деб ўйлади.

Аммо эртасига тушликдан кейин яна ўша тарафга қараб қўлида тугунча билан худди одамлардан яширингандек аланглаб кетаётганини кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Қаёққа боради? Тўқайда нима қилади?

Бу саволга Низомжон жавоб тополмасди.

VIII

Тоға шу кеча Найманда қолди.

Кечаси Икромжоннинг радиосини ўртага қўйиб аллапаллагача эшитиб ўтиришди. Сўнгги ахборотдан кейин Икромжон, бўлди, батареяси тугаб қолади, деб олиб қўяётган эди, Тоға яна бураб қўйди.

— Эштайлик-да, мунча мумсик бўлмасанг. Батареясидан ташвиш қилма, госпиталдаги аскар болаларда сероб. Қанча керак бўлса топтириб бераман.

Шундан кейин Икромжон индаёлмай қолди. Бу ердигилар кўпдан бери концерт эшитишмаган эди.

Низомжон саҳарлаб ишга чиқиб кетиши керак. Шунинг учун ҳам ҳаммадан вақтли ётиб оларди. Концертни ташлаб кетгиси келмай ўтириб қолди.

Ҳофизлар Навоий ғазалларидан ўқишарди. Бу қўшиқлар ўтирганларнинг хаёлини аллақасқларга олиб кетиб қолди. Айниқса, Тоға чордона қуриб олиб чодирнинг шифтига тикилганича қимирламасди.

Бу ашулалар қанчалик таъсирли бўлмасин Низомжон концертнинг охиригача ўтиролмади. Ташқарига чиқиб тол шохига қатор илиб қўйилган фонарлардан бирини олди-да, ўчоқ тагида липиллаб турган ўтга қамиш тугиб ёндирди, фонарни ёқди.

Бу ерда ҳар куни эрталаб чодирдаги фонарларни олиб чиқиб тол шохига илиб қўйиш одат тусига кириб қолган эди. Бир чол уларга лампамой қўйиб, пилигини қирқиб тайёрлаб қўярди. Низомжон фонарни кўтариб кетаётганда Тўланбойнинг чодир олдида Зебихон билан опасининг шивирлашиб гаплашиб ўтирганларни кўриб қолди.

— Ҳа, иним,— деди Зебихоннинг опаси,— ухлагани кетяпсизми? Воҳли-ку? Чайлани жуда четга қурибсиз. Қўрқмайсизми?

Низомжон тўхташга тўхтади ю, нима дейишини билмай туриб қолди. Бу хотиннинг меҳрибончилигидан кечаги гапни албатта унга Зебихон айтиб берган бўл керак, деб ўйлади. Низомжон у билан сира гаплашмаган, қанақа хотин эканлигини яхши билмасди. То у бир нима деб жавоб бергунча хотин унга чой узатиб қолди.

— Ўтиринг, Тўланбой акангиз ҳали-бери чодирдан чиқмайдилар. Тоға билан гаплашиб ўтирибдилар.

Низомжон у кўрсатган кўрпача четига эмас, ажриққа ўтирди.

— Зеби айтди, бошингизга тушган кунларнинг барини эшитдим. Энди нима қилмоқчисиз?

Низомжон ялт этиб Зебихонга қаради. У, мен опамдан ҳеч гапни яширмайман, дегандек унга дадил қараб турарди. Хотин яна сўради:

— Энди дадангизнинг олдига қайтиб бормайсизми?

— Бу тўғрида ўйлаб кўрганим йўқ. Ҳар ҳолда бормасам керак. Юрагим бетламайди. Борсам, албатта, яна кўнглимни бузадиган бирон гап айтади. Энди нима қилмоқчисан, дедингиз. Нима қилмоқчилигимни кўрмайпсизми. Шу ерда қоламан. Сизлар нима бўлсангиз мен

ҳам шу. Энди бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман. Бутунлай қолиб кетаман.

Низомжон шундай деди-ю, бўшаган пиёлани унга узатиб ўрнидан турди.

Чодир ичида бола жижирғаланди, хотин шошиб кириб кетди. Зебихон Низомжон орқасидан секин деди:

— Шошмапг, мен ҳам ўшаққа бораман.

Иккови секин-секин юриб Низомжоннинг узоқда қорайиб турган чайласига қараб кета бошлашди. Ҳали ой чиқмаганидан чўл қоронғи эди. Айниқса, Низомжон қўлига фонарь ушлаб олганидан оёқ остини кўрарди-ку, сал нарироқни кўролмасди.

— Сиздан битта гапни сўрамоқчи эдим.

Зебихоннинг овози негадир титрагандек туюлди. Низомжон унга ташвишли қаради.

— Жаннат хола сизга ҳеч нарса демадиларми?

Низомжон ҳайрон бўлди. Елкасини қисиб бош чайқади.

— Бир нима дейишларни керакмиди?

— Билмадим. Ҳар қолда мен тўғримда бирон гап айтмадиларми деяпман-да!

Яна анча жойгача жим кетишди. Бирдан Низомжоннинг ёдига эрталаб унинг жиянига варрак қилиб бераётганда эшитган гапи келди. Ушанда бола, Зеби опам Турсунбой акага тегмайдилар, аямга шунақа деганларини эшитдим, деган эди. Ҳозир Зебихон ундан шу гапга Жаннат хола нима деган эканини билмоқчи бўлиб сўраётган бўлса керак.

Чайлага етиб келишди. Низомжон Зебихонга тикилиб туриб, унинг қоп-қора қошларига, қуйиб қўйгандек келишимли қоматига маҳлиё бўлиб қолди. Қизнинг гавласини фонарь ғира-шира ёритиб турарди. Қоронғи чўл фониди у худди эртақларда тасвирланган аллақандай фаришталарга ўхшаб кўринарди. Низомжон ўзини тугтолмади. Кўнглига келган гапни айтиб юборди.

— Жаннат холанинг нима деганини билмоқчимидингиз? Сиз Турсунбойни севардингиз. Аммо Турсунбой...

Зебихоннинг кўзлари чақнаб кетди.

— Сиз бу гапни қаёқдан билдингиз?

— Битта мен эмас, ҳатто муштдек келадиган жиянингиз ҳам билди. Ҳамма билиб кетган. Мен ўзимнинг кимлигимни сизга ўзим айтиб бердим. Аммо сиз ўзини...

гизнинг кимлигини айтиб бермадингиз. Узим билиб олдим.

— Билишингиз шунақа зарурмиди?— деди Зебихон унинг кўзларига тикилиб.

Низомжон яна елка қисиб қўйди.

— Бола бўлиб бировларнинг тақдирига қизиқмаган эдим. Билмадим, ўлай агар, нима учун сизнинг кимлигингизга қизиқиб қолганимни ўзим ҳам билмайман.

Низомжон бир оз ўйлаб туриб яна деди:

— Мени кечиринг, энди қизиқмайман. Иложи бўлса кўзингизга кўринмасликка ҳаракат қиламан. Узим шунақа омади келмаган бола эканман. Ҳеч ишим юришмайди. Агар хафа бўлмасангиз айтиб қўяй. Энди бир-биримиздан узоқроқ юрайлик. Орамизда ҳеч гап йўқ. Бекорга гап-сўз бўлиб юрмайлик.

Унинг гаплари Зебихонни тамомила ҳайрон қилиб қўйган эди.

— Очиқроқ айтнинг, сизга нима бўлди? Нималар деяпсиз? Тушунмаяпман!

Кўнглига келган гапни очиқ айтишга Низомжоннинг сира тили бормасди. Очиғини айтса, албатта, қиз ранжийди. Ким билади, балки ранжимас. Ахир ҳақиқатан ҳам уларнинг ораларида тирноқча ҳам гап ўтмаган. Ҳатто тузуккина тўғри гапни ҳам гапиришмаган-ку:

— Хафа бўлмайсизми? Хафа бўлмасангиз айтаман, қиз ҳайрон қараб турарди.

— Икромжон ака билан Жаннат хола менга бошпана беришди. Ҳеч ким қилмаган яхшиликлар қилишди. Шу одамларнинг дилни огритмасам дейман.

— Уларни хафа қиладиган бирон иш қилиб қўйдингизми?

— Ҳозирча йўқ. Келинг, очиғини айтиб қўя қолай. Сизнинг Турсунбойга бўлишиб қўйилганингизни шу бугун эшитдим.— Низомжон гапиришга қийналиб тез-тез ютиниб оларди.— Бу хилда бошлашиб юришимизни Икромжон амаки билан Жаннат хола билиб қолишса, менадан ранжишади. Ахир, улар сизни келин қилишмоқчи экан-ку.

Зебихон ўйламай жавоб қилди!

— Эҳа, ҳали шунақамиди? Сиз мени ўйлаган бўлсангиз, мен сизни хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Зебихоннинг ёлғон гапираётгани кўзидан билиниб турарди. Бу гап Низомжонни дадиллантирди.

— Бу гап яхши бўлди. Шу гапдан кейин албатта сизни ўйламайман. Раҳмат.

Зебихон ўйламай айтиб қўйган гапини тўғрилаш учун бошқа гап қидирарди. Унинг қошлари чимирилди. Пешонасида тугунчак пайдо бўлди.

— Бироқ чумчуқдан қўрққан одам тариқ экмайди, шу гапини эшитганмисиз?

— Эшитганман,— деди Низомжон.— Икромжон ака чумчуқ эмас-да.

— Албатта. Икромжон амаки чумчуқ эмас, аммо Турсунбой чумчуқ. Чумчуқ ҳам ундан хижолат бўлади.

— Сут ичиб оғзимиз куйган, энди қатикни ҳам пуфлаб ичмоқчимиз-да,— деди Низомжон. У бу гапи билан Дилдорга элакишиб зада бўлганини айтмоқчи эди. Буни Зебихон у ўйлагандан ҳам зиёд тушунган эди. Кинояли қилиб жавоб берди:

— Ўша Дилдорнингиз қайноқ суту, биз ачиган қатик эканмиз-да.

— Йўқ, йўқ,— деди Низомжон шошиб.— Мен бутунлай бошқа гап айтмоқчи эдим. Бу бир мақол-да. Ўзимни айтяпман.

Зебихоннинг қизлик гурури баланд келди. Аёллар ҳеч қачон ўзларини пастга уришмайди. Ҳамма вақт баландда туришни исташади. Низомжоннинг гаплари унинг гурурига текканга ўхшайди. Аёлларга қанча суйкалсанг шунча ёқмайсан. Қанча ўзингни олиб қочсанг, унга шунча сирли туюласан. Зебихон бу бир сўзли йигитнинг қатъиятини, гурурини синдирмоқчи, уни ўз орқасидан соядек эргаштириб юриб томоша қилмоқчи бўлди.

Бу иш унинг қўлидан келарди.

У шу ният билан биринчи қадамни босди. Чўл шамолли эсиб қамншзорларда увлади, қиз сочларини тўзғитди, буйдалаб кўзларини, қошларини беркитиб ташлади. Қиз бир чиройли бурилиб Низомжондан нари кетди.

Қашқар товоқдек бўлиб ой кўтарилиб келарди. Ой худди Зебихоннинг елкасига қўниб туриб қолгандек эди.

Унинг гавдаси олоқ чодирга тушган соядек кўринарди. Қирра бурни, бўртиб турган кўкраклар, нимча сиқиб турган беллари Низомжонни маҳлиё қилиб қўйган эди.

Зебихон шу тариқа ўзини олисроқдан бир муддат намоёиш қилиб тургандан кейин гавдасини ғалатиноқ эгиб кескин бурилди-да, шамолдек елиб чодирлар томонга қараб кетди.

Низомжон тушида кўриб ўнгида ҳайрон қолгандек гангиб турарди.

У қапага кириб ўрнига чўзилди-да, қўлини узатиб фонарь пилигини пасайтирди. Шабада қапа қамишларини шитирлатади. Аллақайда бўри улифди. Чодир тарафдан одамларнинг шов-шуви аранг эшитилади. Фақат қурбақаларнинг тинимсиз вақыллашигина чўлга ҳокимлик қилади.

Низомжон дам у ёнбошига, дам бу ёнбошига ағдарилиб бедор ётарди. Кўзига ҳадеб Зебихон кўринаверди. У, нима қилардим шу гапни айтиб, деб ўзини ўзи койиди. Низомжон ётиб ётолмади, ухлаб ухлолмади. Охири ўршидан туриб бошқатдан кийинди-да, кетмонини елкасига ташлаб шудгорга қараб кетди.

У ағдарилган ерининг паст-баландини кузатиб чиққандан кейин дўнгликдан тупроқни пастга қараб сура бошлади.

Кеча анча салқин эди. Аввалги уйқу карахтлигидан, салқинда ишга қоюшмаганидан кетмон урган ерига бориб тушмаётган эди. Ярим соатча шу кўйи ишлагандан кейин, бадани қизиб терлади. Устидаги фуфайкасини марзага улоқтириб астойдил ишга берилиб кетди. У ишларкан, ҳеч нарсани ўйламасди. У Зебихонни ҳам, Икромжонни ҳам, бундан уч соатларча олдин Зебихон билан бўлган гапларни ҳам унутган. Тонг отишига яқин у уч ярим сотихча жойнинг паст-баландини текислаб бўлганди.

Аста-аста уфқ оқариб кела бошлади. Низомжон кетмон дастасига тирсагини қўйиб онда-сонда сузиб юрган уқлардек енгил булутларни томоша қилаётганда нимадир шитирлагандек бўлди. Орқасига ўгирилиб қараган эди, Жаннат холанинг тўқай тарафга жадал юриб кетаётганини кўриб қолди.

Эл уйқуда. Бу хотин тонг қоронғисила тўқайда нима қилади? Низомжон беихтиёр:

— Хо, хола!— деб қичқирганини ўзи ҳам билмай қолди.

Жаннат хола орқасига ўгирилди. У ёқ-бу ёққа қараб ҳеч кимни кўрмагандан кейин шошиб қамишлар орасига кириб кетди.

Низомжон ҳайрон бўлди. Орқасидан бормоқчи бўлиб бир-икки қадам юрди ҳам. Кейин негадир тўхтади. Уни кутиб турнишга жазм қилди. Чайласининг олдига келиб

ерга бир боғлам қамишни ёзиб ёнбошлади. Секин-секин тонг ёришишини кузатиб ётаверди. Кўзи илинган экан, Икромжоннинг овозидан уйғониб кетди.

Кўзини очганда Икромжон тепасида турарди.

— Нима қилиб ётибсан? Урнингда ётсанг бўлмай-дими?

Низомжон кўзларини ишқаб ўрнидан турди.

— Қишлоққа тушиб кетяпман. Бугун кечқурун партия мажлиси бор. Тоға билан машинада кетаман. Устарани олганмидинг. Олган бўлсанг бер, соқолимни қириб олай. Шу аҳволда қишлоққа қандай тушаман.

Низомжон устарани олмаганини айтди.

— Ким олди? Эрталабдан бери қидираман. Ҳеч қайда йўқ.

Низомжон атрофга қарамаган экан. Кун ёйилиб кетибди. Нонушта қилгани Икромжоннинг орқасидан юриб чодирга келди. Жаннат хола ўчоқ олдида болта билан ўтин майдалаб ўтирган экан. Низомжон унинг олдига келди.

— Азонлаб тўқайда нима қилиб юрган эдингиз, хола?

Жаннат хола қўрқиб кетди. Бу гапни биров эшитмадмикин, деган шубҳа билан атрофга аланглаб олди.

— Утин тергани боргандим. Уша тарафда илдииз кўп. Илдииз саксовулдан ҳам оғир ёнади, болам. Бор, чойингни ичиб ол. Битта ўзинг қолдинг.

Ҳақиқатдан ҳам Жаннат хола илдиизларни тўнкага қўйиб майдалаётган эди.

Тоға машинага чиқиб олди ҳамки, Икромжон чодирничида устарасини қидириб, ўздан-ўзи гўлдираб юрарди. Тоға машина сигналини босди.

— Чиқа қолсанг-чи, сени қишлоқда биров куёв қилармиди, юравер, гузарда қиртишлаб оласан.

Икромжон ноилож чодирдан чиқиб машина олдига келди! Хотинига қараб тўхтади.

— Қишлоққа тушаман деган эдинг, юрмайсанми!

Жаннат хола унга қарамай жавоб берди:

— Кетаверинг, қишлоқда мен нима қиламан.

У негадир эрининг кўзига қараёлмасди. Қумлик тарафдан икки отлиқ келарди. Тоға қўлини пешонасига соябон қилиб қараб турди-да, гуп этиб ўзини ерга отди.

— Маршаллар келишяпти,— деди у Икромжоннинг олдига келиб. Икромжон ҳам отлиқлар келаётган томонга қаради. Кейин икковлашиб қумликка томон кета бошлади.

Тоға, маршаллар келишяпти, деганида Низомжон хайрон бўлган эди. Шунинг учун ҳам отлиқлар то етиб келишгунча кўзини узмай қараб турди.

Отлиқларнинг бири, бошига қирғизча қалпоқ кийиб олган, яктагнинг очиқ ёқасидан кўкрак ёллари чиқиб турган эллик беш ёшлардаги яғриндор, бошқаси, ёши нечадалигини билиб бўлмайдиган пакана, кўк кўз киши эди.

Уларнинг ҳар иккови ҳам отдан тушиб аввал Тоға билан, кейин Икромжон билан қўл олиб кўришишди. Улар тик туришганича анча вақтгача ниманидир қизишиб гаплашишди. Тоға ён соатини олиб қаради. Пакана киши қўлини икки томонга ёзиб елкасини қисди. Улар олдига боролмай чодир ёнида қараб турган Тўланбойни Тоға имлаб чақирди.

Тўланбой иккала отни жиловидан ушлаб толнинг нари ёғига олиб ўтиб кетди.

Тоға меҳмонларни сўрига олиб келиб ўтиришга таклиф қилди. Бирдан кўзи Низомжонга тушиб:

— Ана шу йингит-да!— деди.

Меҳмонлар Низомжонга қараб олишди. Тўланбой ҳам қайтиб келди.

— Тўлан,— деди Тоға.— Маршалларга ўзинг қараб турасан. Эрталаб етиб келаман. Қолган гапни бафуржа гаплашамиз. Қани, Икром, бўлмаса биз кетдик.

У меҳмонларга узр айтгандек қўлини кўксига қўйиб жилмайдди.

Низомжон нима учун Тоға уни меҳмонларга кўрсатди, нима учун бу оддийгина кишиларни маршал деди, тушунолмасди. Зебихон патнисда нон, туршак опчиқиб улар олдига қўйди. Опаси ўчоққа ўт қалаб юборди.

Тоға билан Икромжон хотиржам бўлиб жўнаб кетишди.

Меҳмонлар кечгача чўл кезишди. Пиёда қумлик тарафга кетишганича кечқурун қайтиб келишди. Соқоли ўсиб кетгани қаттиқ чарчабди. Сўрига чалқанча ётди-ю, тракторга ўхшаб тариллаб хуррак ота бошлади. Уни овқат пишганда Тўланбой уйғотди.

Низомжон уларнинг суҳбатига халал бермаслик учун вақтликкича чайласига қараб кетди. Чарчаганидан ётди-ю, ухлаб қолди. Эрталаб уйғонса, Тоға билан Икромжон иккала меҳмонга чопилган ерларни кўрсатиб юри-

шипти. Қирғизча қалпоқ кийгани қамчин дастасини ағдарилган ерга суқиб кўрди. Паканаси тупроқни қисимлаб уқалаб Тоғага нималардир, деб тўқай ва қумликни кўрсатди.

Низомжоннинг чайласи олдига келиб Тоға ёнидан буқланган қоғозни олиб ерга ёзди. Ҳаммалари чўккалашди. Бу Езёвон картаси экан. Қалпоқли киши карта устидан қамчин дастаси билан доира ясаб бир нима деди. Тоға нягини қашиб ўйланиб қолди. Охири:

— Хўп, хўп, маршал. Шундай қиламиз,— деди.

Низомжон уларнинг гапларига қулоқ солиб турарди.

Пакана киши икки қўли билан гўё чўлни қамраб олмақчидек ҳаракат қилди.

— Олти кундан бери чўл кезамиз. Бу ёқдан Олтиарик, Қува, Тошлоқ, у ёқдан Бувайда, Риштон, Бағдод колхозлари бир минг гектар ерни ўзлаштириб бўлишди. Бирон ойдан кейин сизларга навбат келади. Нефтпротомдан келиб артезиан қазиб беришади. Семун заводидан уч юзта шиферингиз бор. Штабдан бориб наряд олинглар. Яна нима зарур бўлса рўйхат қилиб юборинглар. Ҳаммасини тўғрилаймиз.

У гапидан тўхтаб Низомжонга қаради.

— Шу яхши эмас-да. Тоға, сен зийрак одам эдинг-ку! Шундоқ яхши ишлаётган одамнинг кийим-бошини қара. Рўйхатга этик ҳам ёз. Берамиз.

Низомжон шу турқи-таровоти билан меҳмонлар олдида турганидан, Тоғани хижолат қилиб қўйганидан ўнгайсизланиб ерга қаради. Тоға картани яна тахлаб ёнига солиб қўйди.

Улар кетишаётганида пакана бўйли киши Низомжоннинг олдига келиб елкасига қоқиб қўйди.

— Шунақа бўлиш керак, ука. Раҳмат, раҳмат!

Низомжон нима деганини билмайдди. То улар тол тагига боришгунча жойидан қимирламай тураверди. Икки меҳмон яна отга миниб қумликка қараб кетишди.

Улар кўздан йўқ бўлиб кетишгунча Тоға орқадан қараб турди-да, керосин олиб келган грузовойга чиқиб қишлоқ тарафга кетди. Икромжон сўрига ўтириб ёғоч оёғини еча бошлади. Низомжон ёнига келди.

— Булар ким, амаки?

— Уларми? Улар чўл маршаллари. Охунбобоев ота уларни ана шундай деб атаган. Бирни Езёвонни ўзлаштириш штабининг бошлиғи. Бирни жамки қуриладиган

иморатларга бошлиқ. Билдингми? Улар кўни кўрган, канал қазиганимизда ҳаммани қойинл қолдирган кишилар. Шунақа, болам. Омон полвон деганни эшитганми-сан? Тўппонча полвонни-чи?

Низомжон нима дейшини билмай:

— Иккаласининг ҳам минган оти яхши экан. Серкадаги отларга ўхшайди-я!— деб юборди.

Икромжон унинг гапларидан ҳузур қилиб кулди.

IX

Жаннат хола энди чўлдан бир қадам ҳам бошқа ёққа жила олмасди. Унинг юраги шу чўлда. Тўқайга пинҳоний қатнаб юришига, чодирдан устара йўқолишига сабаб бор эди.

Турсунбой шу тўқайда. Унинг қамишлар орасила яшириниб юришини Жаннат холадан бошқа ҳеч ким билмасди.

Кеча Жаннат хола ўғлининг олдига борганда соқоли ўсиб кетганини, сочлари қулоқларидан осилиб ваҳший қиёфасига кириб қолганини кўрган эди. Шунинг учун ҳам у эрининг устарасини обориб берганди.

Икромжон қишлоққа кетди. Энди тушлик пайтида ҳам ўғлига овқат олиб борса бўлади.

Ҳамма шудгорга чиқиб кетган. Чодирлар олдида ҳеч ким йўқ. Жаннат хола шошиб ун чалиб қуймоқ солдида, болтани қўлига олиб тўқайга қараб кетди.

Турсунбой қамиш қапа олдида тиззасини қучоқлаб дарвиш қиёфасида ўтирарди. У турган жойига одам қадами етмаган эди. У кўпдан бери биров билан гаплашмаган, дунёда нималар бўлаётганидан беҳабар эди. Совун тегмаган бетлари кир, ҳам кўрпа, ҳам тўшак ўринини босган тўнанинг енглари титилиб, этаклари балчиққа беланганидан доғ босиб кетганди. Унинг бир вақтлар қизларни шайдо қилган қоп-қора кўзлари энди маъюс, атрофга маъносиз боқарди.

Кеча саҳар пайтида осмони фалакда турна ўтди. Турсунбой ўшанда ҳам уйғоқ эди. Турна овози унга жуда кўп нарсаларни эслатиб кетган эди.

Турна қанотида бу чўлларга баҳор олиб келди-ю, аммо Турсунбойнинг қалбида уйилиб, муз битиб ётган қорни эртолмади. Унга баҳор келмади.

У ҳар куни тўқай кезиб қамишлар орасидан ишлаёт-

ган ҳамқишлоқларини кўриб ўтиради. Уларнинг бари таниш одамлар. Фақат биттаси бегона. Бу йигит ким бўлди экан?

Икки кун бўлди, Турсунбой Зебини шу йигит билан кўрди. Қум ёқасида у билан анча гаплашиб ўтирди.

Турсунбой Зебининг овозини ҳам эшитди. Эшитди-ю, ўзи овоз чиқазолмади. Агар ёлғиз учратолса эди, албатта, овқат келтиришни ялиниб сўрарди. Йўқ, ёлғиз учратолмаяпти. У кимдандир моховлар яшайдиган орол ҳақида эшитганди. Моховлар оролига ҳеч ким киритилмайди, ҳеч ким у ердан чиқарилмайди. Наҳотки, Турсунбой ҳам ўша моховлардек танҳо яшаса?

Унинг қамиш чайласи олдидан ўрдаклар учади, яқингинасидан тўнғизлар ўтади. У бу жойда худди ўшалардек яшириниб яшашга, одамлар кўзига кўринмай яшашга мажбур.

У қачонгача шу хил яшашини билмасди. Бу тўғрида ўзидан сўрамасди ҳам. Мабодо шунақа хаёл бошига келса ўзидан-ўзи қўрқиб кетарди. У ниманидир кутарди. Нимани кутаётганини ўзи билмасди.

У кўпинча эртани эмас, тақдирини эмас, онасининг олиб келадиган овқатини кутарди. Шундан бошқа ҳаётдан илннжи қолмаганди.

Жаннат хола чайла олдига келганда Турсунбой қимирламай ўтирарди. У шошиб она қўлидан тугунчани олди-ю, ҳеч қаёққа қарамасдан, ҳеч нарса демасдан ўзини овқатга урди.

У бир умр овқат кўрмагандек пишиллаб, шалоплатиб қуймоқни еб бўлди. Ёғ бўлиб кетган қўлларини ялади. Унга қараб турган онанинг юрак-бағри эзилиб, кўзларидан мўлт-мўлт ёш думаларди.

Турсунбой қўлларини тўнининг этагига артиб онасига қаради.

— Шатталигимни дадам билладими? Унга айтма. Нақ тутиб беради.

— Даданг бир оёқдан ажраб келган.

— Биламан, биламан,— деди Турсунбой яна лабини ялаб.

— Тоғанинг ўғлидан қора хат келган, хотинига билдирмаяпти.

Турсунбой бошини эгиб қимирламай ўтириб қолди. У раиснинг ўғли билан ўртоқ эди. Иккови бирга ўқишган, бирга катта бўлишган эди.

— Азизхон қаҳрамон бўлди.

Турсунбой қўл силтаб тескари қаради. Бирдан бошнини эгди-ю, узоқ сукутда қолди.

— Шунақа, болам. Сени ҳам шунақа қаҳрамон бўлади, деб ўйлаган эдик.

Турсунбой индамади. Бояги ўгиришида ўтираверди. Кейин бош кўтариб маъюс деди:

— Бир пнёла аччиққина кўк чой бўлармиди-я!

— Қандоқ қилиб олиб келаман, болам. Биров билиб қолади. Сен шўрнинг қургурга қумғон олиб келай десам, ўт ёқолмайсан. Тутундан билиб қолишадди.

Турсунбой ўрнидан туриб керишди. У керишганда тўнишнинг олди очилиб яланғоч кўкракларини кўриниб кетди.

— Яктагинг ҳам кир бўлиб кетибди.

Бирдан ачимсиқ тер ҳиди келиб она димоғига урилди. У бурнини жийриб юзини тескари ўгирди.

— Кўйлак олиб келмапсан-да.

— Қандоқ олиб келаман. Даданг билиб қолса нима бўлади? Шу кунда ўзимнинг ҳам анча мазам йўқ. Безгак тутяпти. Дадангга билдирмаяпман. Билиб қолса қишлоққа тушириб юборади. Мен кетиб қолсам ҳолнинг нима кечади? Кечалари танам зирқираб оғриса ҳам тишимни тишимга қўйиб чидаяпман. Пешонам қурсин, бунча шўр бўлмаса.

Бола онанинг дардига парво қилмади. Ҳамон лабини ялаб, бошқа ўйлар билан овора эди.

— Шунақа, болам, касалман. Ишқилиб, толенгга ўлиб қолмай-да.

— Анови бола ким?

— Даданг бошлаб келган. Яхши ишлаяпти. Тиззаларимда дармон қолмади.

— Эртага овқатни кўпроқ олиб кел!

— Хўп, болам, хўп. Ишқилиб, касалимни даданг билиб қолмасин-да, дарров қишлоққа жўнатворади.

— Этик топиб келмасанг, оёқларимни қамниш тилиб ташлади.

— Этикни қайдан оламан. Даданг бир пой этик кияди. Бир оёғи йўқ унинг. Бугун устарасини қидириб мени жуда қийнаворди. Умримда қилмаган ишим. Қайчи опкелган эдим. Сочингни олиб қўяйми?

— Керак эмас. Этик топиб кел!

Она-бола узоқ гаплашолмадилар. Жаннат хола, бо-

ласини қабрга қўйиб келаётгандек юрагида огир дард билан орқасига қайтди.

Турсунбой яна ёлғиз қолди. Яна қамишларнинг совуқ шитирлаши, яна бақаларнинг киши меъдасига тегадиган бир хил қуриллаши.

Тепада кўм-кўк осмон, атрофда қовжираган сап-сарик қамиш...

Турсунбой онаси кетган йўлдан аста юриб ялангликка яқин келди. Атрофга аста разм солиб, секин қамишлар орасидан бош чиқарди.

Нотаниш бола ҳамон кетмон уряпти. Яланғоч бадани терлаб кетганидан янги ювилган самовардек ялтирайди. Марза четида икки қўлини белига қўйиб Зеби турибди. Бола унга қарамайди. Зеби хахолаб кулади.

Унинг кулгиси Турсунбойнинг қулогига ўқдек ботди.

Зебининг бошидаги рўмолини шамол учиряпти, бўйинларига ўраб ташлаяпти. Турсунбой унинг шу бўйинларига биллагини ташлаган. Кулки тошиб чиқаётган лабаридан ўпган.

Қани энди, шу кунлар қайтиб келса! Келармикин?

Шу топда уларнинг ораси икки юз метрча ҳам келмайди. Чақирса эшитади. Югурса етади. Аммо чақирининг ҳам, югуриб етишининг ҳам иложи йўқ. Уларнинг ораси миллионларча километр, унга на юриб етиб бўлади, на учиб. Балки, бир умр етиб бўлмас.

Зеби қумгондан сопол пиёлага чой қўйиб йингитга олиб борди. Йингит бир дам кетмоннинг ерга ташлаб қўлидан пиёлани олди. Зебига қараб-қараб симира бошлади.

Турсунбой тамшанди. Шўр кўлмак ичавериб Турсунбой чой таъминини упутаёзган эди. Шу топда унга Зебидан кўра қўлидаги қумгон аъло туюлиб кетди.

Тўқайнинг айлана жойидан Жаннат хола бир қучоқ илдиз орқалаб чиқди. У бетоблигидан илдизларни арағ кўтариб келарди. Орқасидаги юкдан мункайиб бурни ерга тегай-тегай дерди. Нотаниш йингит шудгордан югуриб чиқиб орқасидан юкни олди. Кампир қотиб кетган белини силаб, ерга ўтириб қолди. Турсунбой бу манзарани кўриб турарди. Шу топда унинг кўзига бу нотаниш бола ниҳоятда бадбашара, ниҳоятда ёвуз бўлиб кўринди.

Гўё онасининг меҳрини шу бола ундан тортиб олиб қўяётгандек. Уни онасидан бегона қилаётгандек туюлди.

Нотаниш бола илдиз бойламини елкасида азод кўтариб чодир тарафга қараб пилдираб кетди. Шудгорда Жаннат хола билан Зебихон қолди.

Турсунбой бир интилиш билан қамиш орасидан чиқди-ю, юраги дов бермай орқасига тисарилди.

Унинг кўксига Зебига нисбатан қандайдир аламли ўч ёнарди. Зебихон Жаннат холани суяб марзага олиб чиқди. Капа олдидаги қамиш ғарамига ўтқазди. Қумгондан чой қуйиб тутди. Кампир қуруқшаб қолган лабларини пиёлага тутди-ю, негадир ичмай тўқай томонга қаради.

У қўлидаги чойни ҳам боласига илинарди. Турсунбой тупугини ютди. У ўз онасини яхши билади. Агар у шу топда унинг ёнида бўлганда албатта қўлидан олиб шу чойни ичарди. Она бир қултум сувга зор бўлиб турган бўлса ҳам барибир олиб ичарди. Чунки онаси ўзи емай, унга едирган, ўзи ичмай, унга ичирган.

Йигит ўтинни ташлаб қайтиб келди. Жаннат холага нимадир деди. Кампир бошини сарак-сарак қилиб ўрнидан турди. Мункайганича чодир тарафга қараб кетди.

Зеби билан нотаниш бола орқасидан қараб қолишди. Зеби қамиш устида ётган фуфайкани олиб йигитнинг елкасига ташлаб қўйди.

Турсунбой титраб кетди. Қўллари муштга айланди. Тишлари гичирлади.

Тол шохига илинган темирни кимдир тош билан урди. Унинг залварли овози чўл бўйлаб янграб кетди.

Ошпаз одамларни тушликка чақираётган эди.

Зеби билан нотаниш йигит ўша ёққа қараб кета бошлашди. Пўлда Зеби йигитнинг биллагига ослиб олди.

Бу манзарани Турсунбой ғазаб билан кузатиб қолди.

У очликни ҳам, танҳоликни ҳам унутди. Телбадек додираб балчиқ кечиб, бўри уясидек совуқ чайласига кетарди.

Турсунбой ҳамма нарсадан кечганда ҳам биргина шу Зебидан кечмас эди. Шу танҳоликда ҳам кўнглининг бир чеккасида қачонлардир у билан топишиш илинжи яшарди. Энди у шу илинжидан ҳам маҳрум бўлганига ишонди. Зебихон унинг охириги илинжи эди. Унинг жарангли кулқилари ҳамон қулоқлари остида янграб турарди. Унинг санъат асаридек кўркем қомати кўз олдида турарди. Биринчи бор ўпгандаги лабида умрбод қолган аллақандай тотли маза ҳамон уни тамшантирарди.

Энди:эй? Энди бу гаплар бир хаёл, бир рӯё бўлиб қолди.

Турсунбойни ҳаётда ушлаб турадиган ҳеч нарса қолмади.

Турсунбой ҳиссиз ҳам яшай оларди. Йигитлик қасамидан кеча олган, она вужудини кемираётган дардин писанд қилмаган, шармандалиқда яшашга рози бўла олган йигитда яна қандай ҳис бўлиши мумкин?

Шуларнинг барига кўнган одам севгисиз ҳам яшаши мумкин.

Турсунбой ана шундай бўлиб қолганди.

Х

Чўл баҳорини ҳеч қаернинг баҳорига ўхшатиб бўлмайди. Ҳозиргина яшнаб турган осмонни бир зумда кўрғошидек булут ўрайди. Шатир-шутур ёмғир қуяди. Момақалди роқ еру кўкни ларзага солиб қалдирайди. Шамширдек ялтираган чақни чўлнинг олисларигача ёритади.

Ҳамма ўзини панага олади. Кўплар ёмғирдан қочиб улгурмаёқ, офтоб яна чарақлаб кетади. Танни яйратадиган бирам ғалати шабада эсади. У қирларда тўпиққа етиб қолган майсаларнинг тароватли исини олиб келади.

Чўл осмонида нурли ишком бўлиб камалак пайдо бўлади. Унинг беқасам ранги анча вақтгача ўчмай туриб қолади.

Баъзан офтоб ҳам чарақлайверади, жала ҳам қуяверади. Бунақа пайтда одамлар, бўри болалаяпти дейишади.

Найманликлар баҳорнинг ана шундай кунларини кечиршияётган эди. Уларнинг бу ерга келишганига икки ярим ойдан ошиб қолди. Шу пайтгача тўқайда аллақанча ерни шудгор қилиб қўйинди.

Ўз участкасини ағдариб бўлган Низомжон энди қўш от қўшилган сихмола кетида тинимсиз ер текислайди. Моланинг тароқ сихларига илашган қамиш илдизларини йиғиб, ғарам қилади. Унинг қўллари ишда, кўзи шудгорда, аммо хаёли Зебихонда эди.

Зебихон саккиз кун бўлди Зирилламага кетган. Қурт тутяпти. Жаннат хола яримжон бўлиб ётиб қолган. У гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд. Икромжон бир оёқлаб шудгор кезади.

Жаннат хола шу аҳволда ҳам судралиб ишлаётганлар олдига келади. Гимирсиб уларга чой ташийди. Эри қанча койнса ҳам парво қилмайди. Икки кунгина ётади-да, яна қумғон кўтариб шудгорга келади, ё бўлмаса тўқайга кириб ўтинбоп илдиз теради.

— Ўтиннинг сира зарурлиги йўқ. Пўк илдиздан ўтин чиқмас, бу ўтиндан тутун чиқмас. Нима қиласиз илдиз йиғиб.

Тўланбойнинг гапи унга кор қилмайди. Барибир илдиз йиғиб келаверади.

Жаннат хола бутунлай ётиб қолишдан қўрқарди. Етиб қолсам, Турсунбойнинг ҳоли нима кечади, деб ташвишланади.

У бир ҳафтадан бери ўғлини кўргани йўқ. Турсунбой билан бундан етти кун олдин учрашганда:

— Болам, одамлардан ажралиб чиқолмаяпман. Овқатингни зовур орқасига қўйиб кетаман,— деб тайинлаган эди.

Шундан бери икки марта овқат обориб қўйди. Ҳар борганда бўшаган товоқни олиб келарди.

Бугун ҳамма баробар шудгорга чиққан. Ҳар ер-ҳар ердан бўғиб пол олишяпти. Уч кун ичида пол тортиб бўлишса каналдан ариқ очиб келишади. Ҳамманинг далада бўлиши Жаннат холанинг айни муддаоси эди. У кечадан бери ўрнидан туролмай ётган бўлишига қарамай вақтни ғанимат топиб, чодир орқасига ўтиб қозон осди. Гўштсиз бўлса ҳам палов дамлади-да, эрининг келиб қолишидан қўрқиб дам едирмай сузиб олди. Қумғонда қайнаб турган сувни грелкага қуйиб бир кафт кўк чой солди-да, мункиллаб орқа йўл билан тўқайга кетди. Белига бойлаб олган грелка пахтали нимчадан ўтиб биқинини куйдирарди. Аммо у мункайганича аламга тишини тишига қўйиб чидаб борарди.

— Пешонам қурсин, не кунларга қолдим.

У тўқай ичига кириб ташқаридан қараган кишининг назари тушмайдиган бўлгандан кейингина грелкани белидан олди. Терлаган экан, баҳор шабадаси таппини яйратиб юборди. Қўйлак ёқаларини ечиб роҳатланди.

Жаннат хола кўп ўйлади. Боласининг, эрининг, ўзининг тақдири тўғрисида жуда кўп ўйлади, ўйининг охири шу бўлди: «Бу хилда яшаб бўлмайди, энди бас! Турсунбойни инсофга келтириш керак. Эгилган бошини қилич кесмайди. Урушга борсин. Ўзини оқласин. Ягона йўл шу!»

Агар Турсунбой кўнмаса, уни ўзим тутиб бераман [Шундай қиламан!]

Онанинг қарори қатъий эди.

У Турсунбойнинг чайласига яқин борганда бирдан юраги ҳовриқиб кетди. Боласи доимо чайла олдида тиззасини қучоқлаб ўтирарди. Нега кўринмайди? Кампир шошиб чайла ичига бош суқди. Турсунбой қамниш устида кўзларини юмиб ётибди. Она қўрқиб кетди. Ўзини унинг устига ташлади. Турсунбой кўзини очди, унга аламли қаради.

— Сенга нима бўлди, болагинам?

Турсунбойда аллақандай шер кучи пайдо бўлди-ю, сапчиб ўрнидан туриб кетди. Кейин дармонсизланиб яна ёнбошига йиқилди.

— Нима бўлди? Тобинг йўқми?

Турсунбой аранг жавоб берди:

— Бир ҳафтадан бери туз тотганим йўқ.

— Ахир икки марта овқат келтириб қўйгандим-ку.

— Бўш товоқдан бошқа нарса кўрганим йўқ.

Жаннат хола ҳар гал товоқни олгани борганда товоқ тупроққа қоришиб ётганини кўрарди. Бироқ, у ўғлининг феълини билганидан, ўзи шунақа, у ердаги чўпни бу ерга олиб қўймасди, деб қўя қоларди. Боланинг айби қачон онасига билинибди, дейсиз! Қанча хавф-хатарда пиширган овқати боласига буюрмаётган экан, уни итлар талашиб ейишаётган экан.

Жаннат хола рўмолга ўралган товоқни шошиб ўғлининг олдига қўйди. Турсунбой кир бўлиб кетган панжаларини баробар товоққа тиқиб гижимлаб оғзига соларди. Икки-уч ошамдаёқ товоқ бўшади. Она грелкадан сопол пиёлага чой қуйиб боласига тутди. Турсунбой ола туриб қўли қалтираб пиёлани тушириб юборди. Кўзлари олайиб она тиззасига бошини ташлади.

Баданидан ачимсиқ тер ҳиди келиб турган болани она бағрига босиб бошларидан силади.

Турсунбойнинг иситмаси баланд эди.

— Безгак тутяпти сени, болам. Юр, юр, кетайлик. Сени олиб кетгани келдим.

Турсунбой жавоб ўрнига ингради.

Шу топда Жаннат холанинг кўзига дунё қоп-қоронғи бўлиб кетди. Ўз дардини унутди. Бошидаги рўмолни ечиб кўлмакдан ҳўллаб келиб, ўғлининг пешонасига босди. Боласи кўзини очмай ингради.

Жаннат хола ориқ бармоқлари билан ўглининг юзларидан силаб, кўзларини бир нуқтага тикканича овоз чиқармай йиғларди.

Орзулар шамолга учди. Ҳомилаликдан то шу кунгача қилган умидлари тамом бўлди. Боласининг йўлга кирган кундаги қувонч, тили чиқиб, биринчи марта ая, дегандаги олам салтанатига тенг шодликлар, дадаси опичлаб гузарга олиб чиқиб кетаётганда эшик олчида орқасидан қараб қолгандаги ҳеч нарсага тенг кўриб бўлмайдиган бахт, биринчи бор мактабга кузатганда оппоқ кўйлак, фарч солиб тикилган этик кийиб чопқилиб кетаётгандаги тонгдек, ҳеч қачон кўрмаган тонг.. Ҳаммаси, ҳаммаси она кўз олдидан бир-бир ўтаверди.

Турсунбой алаҳсирарди.

— Янги тўним қани, этигим... Зеби, Зеби! Зеби! Эшикни ким тақиллатяпти, очма! Олма пишиб қопти-ку. Келяпти, келяпти! Велосипедимга тегмасин! Этигимни торт! Ошингни емайман! Зеби қани?!

Жаннат холанинг юрак-бағри эзилиб кетди. Нима қилсин? Нима қилса, боласининг дардига эм бўлади? Чорасиз! Унинг дардини енгиллатишга ҳеч қандай имкон йўқ. Боласи қувғин. Ҳамма эшик берк. Очиқ ҳаво ҳам унга берк. Шў торгина тўқайдан бошқа маконни йўқ унинг. Бу жой ҳам уни умрбод сақлаёлмади.

Она икки қўлини осмонга кўтариб фарёд чекди.

— Э, худо, менда шунча қасдинг бормиди!

Унинг ҳавога кўтарилган қўллари шалолаб икки тиззасига тушди. У шу кўйи қанча ўтирганни билмайди. Атрофни қоронғулик босган, қамишлар шамолда совуқ гувуллайди. Енида ётган боласи ўқтин-ўқтин аянчли инграйди. Шу пайт олдидан кимнингдир, «Жаннаааат», деб қичқиргани эшитилди. Она ҳушига келиб қулоқ тутди. Уша овоз яна бир неча бор такрорланди.

Жаннат хола ўрнидан турди. Қоронғида боласининг башараси кўринмасди. Яна ўтириб тимирскиланиб пешонасини топди. Ҳамон иссиқ.

Она икки ўт орасида қолди. Кетса, боласидан кўнгли тинчимади. Ким билди, ҳоли нима кечади? Кетмаса, ҳозир уни қидириб келиб қолишади. Унда нима бўлади?

У боласининг пешонасидан қўлини олмай тураверди. Уни чақираётган овоз борган сари яқинлашаверди. Она шошиб чайладан чиқди.

Қамишлар орасидан бир неча жойда машъала кўрилади. Ҳар тарафдан «Жаннат!», «Жаннат!» деган товушлар келарди.

Уни адашган, ё бўлмаса бирон фалокатга йўлиққан гумон қилиб ҳамма барабар оёққа турган эди.

Жаннат хола жон ҳолатда шудгор олинган тарафга югура бошлади. У қамиш орасидан чиқиши биланоқ Низомжон йўлиқди.

— Қаёқда юрибсиз, ая, тинчмисиз?

Жаннат хола унинг Низомжонлигини овозидан таниди. Нима дейишини билмай гўлдиради.

Низомжон овозининг борича тўқайга қараб қичқирди.

— Келаверинглар! Жаннат аям бу ёқдалар!

У бир неча марта атрофга шундай деб қичқиргандан кейин машъалалар шу тарафга қараб кела бошлади. Биринчи бўлиб оқсоқланиб Икромжон келди. Бирпасда уни машъала кўтарганлар ўраб олишди.

— Қаёқда юрибсан?

Жаннат хола жавоб беролмади. Унинг кўзлари бежо. Фақат қўлларини муттасил силкитиб тўқай тарафга қараб қичқирарди. Она ақлдан озган эди. Низомжон уни суяб чодир олдига олиб келгунча терга пишиб кетди. Жаннат хола ҳамон тўқайга қараб қичқирар, унинг қўлидан чиқиб ўша ёққа югурмоқчи бўларди. Чодир ичига киришганда, у бирдан жимиб қолди. Ҳолдан тойиб тўшакка ўзини ташлади-ю, қимирамай шифтга тикилиб ётаверди.

Одамлар бирин-кетин тарқаб кетишди. Икромжон Жаннат холанинг оғзига чой тутди. У бошнини сарак-сарак қилиб ичмади. Дармонсиз қўллари билан кўрпани бошига тортиб кўзини юмди.

У шу ётганича эрталаб ҳам кўзини очмади.

У ягона фарзандидан умид узолмай, унинг бахтини кўролмай армон билан чодирда жон берган эди.

Эрта азонда Низомжон Тоғага хабар бергани Зирилламага от чоптириб кетди. Тушга қолмай Икромжоннинг ёр-биродарлари грузовойда тобут билан етиб келишди. Чўл уфқи қизариб турган кеч пайтида марҳуманинг жасади солинган тобутни елкага олишди. Низомжон унга ўғил бўлиб, ҳасса тутиб, тобут олдига тушди.

Унинг ўз боласи тўқайда, қамишлар орасидан маросимни кузатиб турарди. У ким вафот топганини бияммас-

ди. Дадасининг тобут олдида бел боғлаб йнглаб кетаётганини кўрди-ю, кўзлари бежо бўлиб кетди. Ахир, у куни билан онасини кутаётган эди. Унга овқат олиб келмоқчи эди. Нима бўлди? Наҳотки ўлган бўлса? Энди унинг ҳоли нима кечади? Энди унга ким овқат олиб келади?

Она унга фақат кийдириш, едириш учун она эди, холос. Она унинг фироқида, дардида адо бўлди. Боласи эса бу тўғрида ўйламасди.

Она, қазойим етиб оламдан ўтсам, болам ўз қўли билан қабрга қўяди, деб умид қиларди.

Боласи қабрга яқин келмай бўрига ўхшаб тўқайдан хунук қараб турарди.

Она, болам орқамда қолади, чирогимни ёқади, деб ният қиларди.

Боласи бундай ўйларни бошига келтирмасди. У туғиб катта қилган онасининг жасадни бегоналар елкада табаррук қилиб кўтариб кетаётганларини кўра туриб ҳам бир қадам олдинга жилмасди.

Қуёш қип-қизил чўғ бўлиб ботаётган чўл оқшомида ҳижронзада, аламзада, фарзанд доғида куйиб адо бўлган онани тупроққа қўйишди.

Ҳамманинг боши қуйи эгилган.

Икромжонни Тоға суяб турарди. Низомжон қабр ёнида чўккалаб бош эгиб ўтирганича ҳамма қўзғалганда ҳам бошини кўтармади.

Офтоб ўчди. Уфқда оловли булутлар қолди. Низомжон бошини кўтарганда ялтираб турган парча булутлар қуйган қоғоз чўғидек бирпасда ўчди. Чўл жимжит бўлиб қолди. У ҳасрат-надомат билан битта-битта босиб чодир томонга юра бошлади.

Қишлоқдан келганлар грузовойга чиқиб олишган. Тоға Низомжонни кутиб турган эди, ёнига чақирди.

— Иним, чайлада ётма! Кўрпа-тўшагингни кўтариб амакингнинг чодирига кел. Ёлғиз қолмасин,— деб тайинлади.

Низомжон унинг айтганини қилди. Чодирда фонарь ёқмай Икромжон тиззасини қучоқлаганича қимирламай ўтирарди. Низомжон нима дейишини билмай бордон устига ўрин сола бошлади. Икромжон унга қайрилиб қарамади ҳам. Низомжон қаттиқ чарчаганидан ёнбошлаши билан ухлаб қолди. У эрталаб тоғ қоронғисида уйғон-

ди. Икромжон ҳали ҳам ўшандай қимирламай ўтирарди. Низомжон нима деб овутишни билмасди. Нима дейди? Бола бўлиб бировни юпатмаган. У Икромжоннинг ёнига тиз чўкиб елкасига қўлини ташлади. Икромжон унга ўгрилиб қаради. Унинг оқ оралаб қолган соқолларида ёш томчилари титраб турарди.

Низомжон ўзини тутолмади. Ҳўнграб йиғлаб юборди.

Чодир тешигидан ёришиб кетган осмоннинг бир парчаси кўриниб турарди.

Т У Р Т И Н Ч И Б У Л И М

I

Чортеракнинг оқ ўриклари пишди.

Иноят оқсоқол Марғилон билан Чортерак орасига танда қўйиб қолган. Қишлоқдагилар: «Оқ ўрик пишди, энди ит тинса тинади, қуш тинса тинади, аммо Иноят оқсоқол тинмайди», дейишарди.

Дарҳақиқат, оқсоқолнинг қўли қўлига тегмасди. Қолхозчиларнинг ҳовлиларидаги, чорбоғларидаги ўриклар пишиб ётибди. Уни бозорга обориб сотадиган эркаклар қани? Ҳаммаси урушда. Борлари ҳам даладан бўшамайди. Ғўза яғанага кирган, пилла ҳаммани шошириб қўйган. Хотинлар эрта азонда далага чиқиб кетишганича кун ботганда қайтишади. Кампирлар қурт билан овора.

Бутун қишлоқда битта бекорчи шу Иноят оқсоқол, Қолхозчиларнинг ўрикларини тупи билан сотиб олади. Қоқ саҳарда ўрик териб офтоб ёйилмай, эшакка ортганича Марғилон бозорига қараб кетади. Кечалари эшакни танбалаб пул сапайди. Гижимланган бир сўмликларни хўллаб, самоварнинг қорнига ёпиштириб дазмоллаб, обдан чиройли қилиб тахлаб олади. Иши битгандан кейин ҳам дарров чўзилиб ёта қолмайди. Сотиб олинган ўрикларни эгалари қоқиб емаётганимкан, деб маҳаллани маҳсичан айланиб девор наҳраларидан қараб юради (калиш кийиб юрса шалоплатиб билдириб қўйиши мумкин).

Бугун Оқсоқол бозордан кеч қайтди. Ўзи ҳам ниҳоятда чарчаган эди. Шунча йўлга эшак орқасидан юриб

икки марта бориб келиш осонми! Уртасидан йиртилган қизил ўттиз сўмликни папирос қоғоз билан тишининг кирида елимлаб ёпиштираётган эди, бирдан эшик тақиллаб қолди. У шошиб дастурхон устидаги пулларга чопонини ёпди-да, эшикка борди.

Почтальон экан, хат берди-ю, индамай кетаверди. Иноят оқсоқол саводсиз эди. Хатнинг кимдан келганини биллолмай чироққа солиб у ёқ-бу ёғига қаради. Кейин ёнига қўйиб, тағин пул санашга тушиб кетди. Бирдан юраги ҳовриқиб яна хатни қўлига олди.

— Молиядан эмасмикин? Бозорком паттачиси ёмон қараб юрган эди, бир бало қилиб налог чиқазган бўлмасин. Нима кўп, бу замонда галамис кўп.

Дилдор кетиб қолгандан бери Иноят оқсоқол кечаси сира уйни ташлаб чиқиб кетмасди. Самоварга-ку, ўрик пишгандан бери оёқ босмай қўйган. Нима қилсин? У пулларни қийғига тугиб тўшнинг ичидан белига сириб боғлади-да, кўчага чиқди. Сямёғоч тагида бекинмачоқ ўйнаётган болалар олдига келиб қайси бирига ўқитсам экан, деб андак ўйланиб турди-да, биттасини танлаб четга чақирди.

— Менга қара. Ҳожакбарри ўғлисан-а, эртага бир дўппи ўрик бераман, мана шу хагги ўқиб бер. Аввал қара-чи, кимдан келгапакан?

Бола хатни олиб, электрга солиб, конверт устидаги ёзувни ўқиди.

— Дилдор опамларга келган-ку.

— Кимдан кепти?— деди шошиб Оқсоқол.

— Низомжон акам ёзбдилар.

Оқсоқол боланинг қўлидан конвертни тортиб олди. Шипиллаганича орқасига қайтиб эшик олдига келди.

— Аҳмоқ! Энди эсинг кирибди. Мусофирлик, дайдилик жонингга тегибди-да. Мен бир иш қилсам билиб қиладиган одамман.

Оқсоқолнинг кўзига Дилдорларнинг оқ тунукали ичкари, ташқари ҳовлиси, сигири, ичкари уйга тўшаб қўйылган қашқар гилами кўриниб кетди.

Оқсоқол соқолини тутамлаб ўйларди.

Хатни очмаслик керак. Буларнинг ишига аралашмаганим маъқул. Ҳуркитиб қўяман. Хатни индамай Дилдорга обориб бераману, ўзим ҳеч нарса билмаган бўлиб туравераман. Бу гал ўзлари дон олишиб топишганларни дуруст. Мен фақат пуфлаб алангалатиб тураман.

Оқсоқол шундай хаёл билан шөниб ҳовлига кирди. Супа олдидаги ўрикни бир тепган эди, дув эгиб тўкилди. Айвондан тоғорача олиб мункайганича битта қўймай териб солди.

У эшикка кишан қулф уриб қудасиникига қараб кетди. Эшик очиқ эди. У тақиллатмай ўз уйидек кириб бора-перди. Дилдор айвонда, беланчақда ухлаб қолган боласи ёнида китоб ўқиб ўтирарди. У Оқсоқолни кўриб ўрнидан турди.

Дилдор уйдан чиқиб кетгандан бери Оқсоқолни кўрмаганди. Чол ҳам неварасини кўргани ақалли бирон марта келмади. Кунига минг айланиб, минг ўргуладиган қизи бўлса Дилдорнинг кўзи ёриганини эшитиб ҳам бирон марта ҳолидан хабар олмади. Шунинг учун ҳам Дилдор қайнатасини совуққина қарши олди.

Чол айвон лабига ўтириб фотиҳа ўқиди. Ҳол-аҳвол сўради.

— Неварагинамни бир кўрай деб келдим. Болагинамдан қолган туёқни бир кўрай деб келдим. Айтганча, ўригинг пишган эди. (Оқсоқол ҳали ҳам унинг кўнглини шунақа гаплар билан юмшатиш пайида эди.) Оғзинг тегсин деб олиб келган эдим.— Чол шундай деб белбоққа тугилган тоғорачани суриб қўйди.— Қудам кўринмайдилар?

Дилдор маъюс жавоб берди.

— Утган куни касалхонага обориб қўйдик. Сал оғирлашиб қолдилар.

Оқсоқол аттанг, аттанг, деб бошини сарак-сарак қилди. У аттанг, деярди-ю, ичида бу гапнинг аксини ўйларди.

— Тирикчилигинг қалай, болам?

— Биннойдек ўтиб турибди.

— Бирон нимадан сиқилаётган бўлсанг тортинмай айтавер.

Оқсоқол шундай дея туриб белбоғига қўл узатди. Қўли букланган конвертга тегиб уни атайин беихтиёр олгандек қилиб кўзи яқинига олиб келди.

— Ия, эсим қурсин, шу топда почтачи манави хатни ташлаб кетганди. Қимдап экан, ўқиб бермайсанми?

Дилдор тилар-тиламас конвертни қўлига олди. Ҳагга қараб ранги оқарди. Унинг ҳаракатларини чол зимдан кузатиб турарди.

— Хат менга экан.

— Кимдан?— чол бу гапни бепарво айтишга уринди.
Дилдор хатни ёнига қўйди.

— Бир одамдан экан.

Оқсоқол ҳовлига, кекса тут шохлари энгашиб турган тунука томга суқланиб бирма-бир қараб чиқди. Кўнглидан, жиндек ремонт қилса эллик мингга кетади, деган ўй ўтказди.

— Ҳай майли, болам, бўлмасам мен кетай. Сиқилиб қолсанг, айтарсан.

Оқсоқол тоғорани устунга тираб қўйилган патнисга ўзи бўшатиб ўрнидан турди. Дилдор уни кузатиб эшик олдига ҳам чиқмади. Қандай ўтирган бўлса шундай ўтираверди.

Оқсоқол боя, неварагиннамни, болагиннамдан қолган туёқни кўрган келдим, деган эди. У беланчакда ётган неварасига қарамади ҳам. Бува бўлиб у неварасининг юзини ҳам кўрмаган.

Дилдор бу онлада салкам бир йил яшаб чолнинг нималигини биллиб олган эди. Уларнинг нчида биттагина одамшавандаси Низомжон эди. У отасининг, опасининг юзсизлигига чидолмай кетиб қолган. Фақат шулар учунми? Дилдор ўзига бундай савол беролмасди. Агар шундай деб сўрагудек бўлса, Низомжоннинг кетиб қолишига энг асосий сабабчи ўзи эканини биларди. Ана шунинг учун ҳам бу тўғрида ўйламасликка ҳаракат қиларди.

Оқсоқол кўчага чиққандан кейин сал нари бориб яна орқасига қаради. Ойдинда тунукаси ялтираб турган иморатга анча қараб турди. Кейин уйига эмас, қизиникига қараб кетди. У Яккатутга етмасданоқ қизига йўлиқди.

— Қаёқда юрибсиз, дада? Икки марта неварангизни юбордим, йўқлар, эшик берк, деб қайтиб келди. Хавотир олиб келаётган эдим.

— Келиннингнинг олдига бордим. Гап кўп, қизим. Ҳали айтиб бераман.

Ота-бола индамай кетаверишди. Сал юргандан кейин чол тилга кирди:

— Рисол, эртага Дилдорникига бориб жиянингни кўриб кел.

Рисолатнинг юраги шув этиб кетди. Дилдор бирон-та нағма чиқазаетган бўлса керак, деб ўйлади. Унинг шундай ўйлашга асоси ҳам бор эди.

Дилдор ўзини Низомжонга мўлжаллашаётганини

билиб қолгандан кейин йнглаб бошига одам тўплаган эди. У ана ўшандагина Низомжоннинг йўлда унга айтган: «Бойқуш! Хонадонимизга кулфат олиб келдинг, шумқадам», деган гапларининг маъносига етган эди.

Дилдор уларнинг ниятларини ҳам билиб қолганди. Уларга Дилдордан ҳам унинг мулки керак, шу мулк деб уларнинг жони халак.

Дилдор отасиникидан олиб келган жамки молларини уларга ташлаб эғнидаги кийим билан чиқиб кетган эди. Оқсоқол унинг уйдаги нарсаларни сандиққа жойлаб эшикка қулф урган.

Шу топда Рисолатнинг хаёлидан унинг ўша моллари ўтган эди. Дилдор молларини даъво қилдимикан? Дадам, уйига бориб кўнглини ол демоқчимми? Иккови олдинма-кетин ҳовлига киришди. Болалар ҳали ҳам ухламай бир-бирини туртиб ётишарди. Оқсоқолни кўриб кўрпага бурканиб олишди. Каттаси кўрпадан бош чиқариб бувасига мақтанганимо қаради.

— Дадамдан хат келди. Иккита орден оптилар.

— Шунақами,— деди чол.— Жуда бинойи иш бўпти, ордири борларга пойиз текин эмиш. Келса Сибирга олма обориб сотамиз. Қани, қизим, овқатингни олиб кел.

Рисолат ликонда шовла олиб келиб олдига қўйди. Оқсоқол қўли билан шовла еяркан, қизига танбеҳ бера бошлади.

— Бунақада тилладан тоғнинг бўлса ҳам бир ҳафтада тамом қиласан. Шовлага ҳам шунча гўшт соласанми. Ёғини қара, жонвор юзига чиқиб кетибди. Ёғ деганини тупукдеккинасини қозонга ялатворса бўлади. Хўжа маҳалладаги кабобчи болага тайинлаб қўйганман, суяк беради. Қайнатсанг ана ёғу мана ёғ. Болам, режалик бўлиш керак, режалик. Замон шунақа.

Оқсоқол бармоқларининг орасигача тилини тиқиб ялаб маҳсисига қўлини суртди.

— Хўш, энди, манави гапди эшит. Саёқ укангдан хат келди.

— Қани?— шошиб сўради Рисолат.

— Хат менга эмас, Дилдорга.

— Вой, адо бўлсин,— деди чўзиб Рисолат.— Қирғин кегур кеннойиси жигаридан ҳам азиз бўпти-да.

— Шошма, шошма, гап тагида гап бор. Хатни болаларга ўқитмоқчи бўлган эдим. Конвертда, Дилдорга тег-

син, дейилган экан. Очмадин. Укангнинг энди ақли кирган. Дилдорга суйкаланмоқчи. Бизга бир нима дейишга юзи чидамаган. Майли, ўзлари топишгани дуруст. Хатни ҳазир Дилдорга обориб бердим. У писмиғинг илгарн ҳам хат олиб турганга ўхшайди, қўлимдан олиб бир каради-ю, ёнига қўйиб қўйди. Ҳозир ўқитган бўлса керак. Атайин сенга маслаҳатга келдим. Киши билмас биз ҳам гижгижлаб туришимиз керак. Бу тарафи силлиқ кўчса, укангнинг олдига бориб келасан.

— Ўзи қаёқда экан?

— Унисини билмадим. Уша хатга битгандир ахир, қаердалигини.

Оқсоқол ёнини ковлаб тўртта ўн сўмликини олиб қизга узатди.

— Чақалоқда у-бу ол. Миёнча қил. Йўқлаб бориб кўнглини билиб келасан. Ана ундан кейин уканг қаёқда бўлса ўшаққа бориб ишни пишитасан. Ўзим борардим, ўн етти туп ўрик олиб қўйганман. Вақтида териб сотиб олмасам пишиб қоқи бўлиб қолади.

— Мен ҳам қурт тутганман-ку, дада.

Чол жеркиб берди.

— Ҳа, колхоз сендан миннатдор бўлармиди? Тилингни сал ширинроқ қил. Бўлар-бўлмасга ловиллайверма. Қуда буванг ҳам касалхонада эмиш. Пишиб, ҳилвираб, ана кетаман, мана кетаман деб турибди. Ҳовлисини нақ эллик мингдан кўпга сотса бўлади. Тайинлаб айт, муҳтож бўлса рўзгордан нарса чиқариб сотмасин. Нима керак бўлса ўзим хабар олиб тураман.

Рисолат дадасига маъноли қараб қолди. У шу қарашидеёқ дадасининг ичидаги бор гапни билиб олган эди.

Оқсоқол, ўликни ўзим кўмаман, демоқчи. У қудасининг ўлишига қаттиқ ишонган. У кўпдан бери шуни кутарди.

Оқсоқол соқолини селкиллашиб пичирларди.

— Ўлик кўмишнинг ўзи бўлмайди. Ўлган ўлиб кетаверади, қолганга қийин. Ўлик гўрга кирмасдан харажат бошланади. Бунақада режа билан иш тутмаса бор будшуддан ажралиб қолиш ҳеч гапмас.— Оқсоқол қизига қаради.— Каттаиғ эртага мен билан бозорга боради, Битта ўзим шошиб қоляпман.

— Вой, дада, ўқиши бор-ку.

— Бир кун кейин мулла бўлачи. Зеҳни ўткир бола. Бир-икки кун бормаса ҳам бўлаверади.

Оқсоқол дастурхонга фотиҳа ўқиб ўрнидан турди. Чиқиб кетаётганда олдидаги тутга қараб тўхтади.

— Кесгани келишса қувлаб сол. Қурт тутишни билдими, тут экишни ҳам билсин. Чақасини бермаса кестирма.

Чол кетди. Қоронғида анча вақтгача унинг ё ҳақ, ё ҳу, дегани эшитилиб турди.

II

Дилдор Иноят оқсоқол чиқиб кетиши билан дарров хатни қўлига олди. Очиб ўқишга юраги дов бермай бир муддат конвертга тикилганча туриб қолди. Дилдор ўрнидан туриб боланинг устини ёпди-да, конвертни очди. Қора қалам билан ёзилган хатни ўқиш анча қийин эди, шунинг учун ҳам у ўрнидан туриб чироққа яқин келди.

«Салом, Дилдор!»

Сенга шу хатни ёзиб тўғри қиляпманми, билмайман. Ёзмасам тинч яшолмайдиганга ўхшайман. Чортеракдан чиқиб кетаётганимда сенга айтган аччиқ гапларим учун қачонлардир узр айтишим керак эди. Уша гап дилимда тош бўлиб ётмасин учун вақтлироқ айтиб тинчиб олмоқчиман. Билмадим, мен сенинг олдинда гуноҳқорманми, ё сен менинг олдимда гуноҳқорсанми? Назаримда, икковимиз ҳам каттакон англашилмовчиликнинг қурбони бўлганга ўхшаймиз.

Эсингдами? Қанчадан-қанча орзуларимиз бор эди. Анҳор бўйлаб ярим тунгача гаплашмай ўз хаёлларимиз билан бўлиб, сувчинг шалоплашига қулоқ солиб кетавардик. Ушанда менинг бахтим оламга сиғмайдиган бўлиб туюларди. Қўлимни узатсам оёни ушлаб олгудек эдим...»

Дилдор хатдан кўзини олмб қоронғиликка тикилганча туриб қолди. У шу қора кеча қаъридан ўша ёшлигини қидираётганга ўхшарди. Теракнинг оқ астарли барглари милт-милт қилиб бирлашиб кетди-да, каттакон анҳорга айланди. Эриган қўрғошнинг бетидек совуқ милтираётган сув юзнда қип-қизил олмалар оқиб келяпти. Низомжон бир қўли билан тол новдасига осилиб бир қўлини олмага узатаяпти. Қирғоққа урилиб қайтган сув

тўлқин ясаб олмани нари суриб кетди. Низомжон бир қўлига осилганча қолди...

Беланчадаги бола йиғлаб унинг хаёлини бўлди. Бола тепасига келгунча яна жимиди. Дилдор хатга тикилди. «... Ушанда бошимга шунча савдолар тушишини сира хаёлимга келтирмаган эканман. Икковимиз ҳам бола эдик. Анҳор бўйида, мажнунтол орасида чўмилмоқчи бўлиб ечиниб турганингни, мендан қочиб ўзингни қўрқув билан сувга ташлаганингни кўрганымда болалигим тугаган эди. Ушанда сен тўзғиб кетган сочларинг билан кўкрагингни бекитиб турган эдинг. Бир журналда машҳур итальян рассоми ишлаган фариштанинг суратини кўрганымда, дарров сен эсимга келдинг. Уша суратда фаришта худди сенга ўхшаб сочлари билан кўксини тўсиб турибди. Ушанда сени фариштага ўхшатганман. Қандоқ эдинг, қандоқ эдинг. Баланд тепага чиқиб темир йўлда кетаётган поездга қараб қолганимиз эсингдадир. Ушанда олис юртларга боришни хаёл қилгандик. Поезд орқасидаги қизил чироқ бизни ўзи билан узоқларга олиб кетгандек эди. Тушимла ҳам, ўнгимда ҳам сен эдинг. Адирларга чирмашиб чиқардик. Соилардан тал тортмай кечиб ўтардик.

Жала қуйган кунни сира унутолмайман. Ушанда адирнинг нариги тарафида офтоб чарақлаб турган эди, биз тарафга жала қуярди. Осмонда эса Марғилон беқасамидек камалак товланарди. Иккаламиз ҳам яланг оёқ югурганмиз. Камалак ишқомининг тагидан ўтамиз деб югурганмиз. Қанча югурсак ҳам етолмаганмиз. Акам келди-ю, бир-биримизга бегона бўлиб қолдик. Дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Икки марта ўзимни ўлдирмоқчи ҳам бўлдим. Қўрқоқ эканман. Ўлдиролмадим. Ким билади, балки бу қўрқоқлик эмасдир. Қачонлардир сендан қасд олиш учун яшашим керак бўлгандир.

Сен уйимизга келин бўлиб тушдинг. Бу уйда мен ортиқ...»

Узоқда гупиллаб турган движокнинг овози пасая бошлади. Шифтга осиглиқ лампочка лип-лип қилиб секин ўчди.

Гугурт йўқ эди. Чортерак халқи бошқалар қатори қиёқ чўп ишлатарди. Дилдор нима қилишини билмай қўлида хат билан тик турганича қимирламасди. Низомжоннинг хати уни болалик кўчаларига етаклаб, йўлниги ўртасига ташлаб кетиб қолгандек эди. У шу бир неча

минут ичида болалигини, кўнглига муҳаббат ўти тушган энг ширин дамларни кўрган эди.

Қани энди ўша кунлар қайтиб келса. Уша кунларни қайтаришнинг иложи бўлса эди, Дилдор ўз ҳаётини бутунлай бошқача қуради. Ҳозиргидек забунликда афтодаҳол ўтирмасди. Афсуски, яшаш ҳуқуқи одам боласига бир марта берилган. Ҳеч қачон ҳаёт ортга қайтмаган. Ҳамма вақт олдинга қараб кетаверган. Янглишган янглишиб қолаверади, йўлни тўғри олган ҳаёт жомини охиригача сипқориб яшадим, армоқсиз яшадим деб кетади. Ҳаётнинг ялтироқ, жилвали алдамчи ўйинлари кўп. Бу алдамчи жилвалар саробдек алдаб бағрига чақиради-ю, кимсасиз чўл ўртасида бир қултум сувга зор қилиб ташлаб кетади. Танин тилка-пора қилиб, қўлларни тилиб баланд чўққига чиққанларгина ўтлоқларни, олис уфқларни кўради. Мана, буни яшаш деб айтадилар.

Ҳаётда инсон учун иложсиз нарса ҳам йўқ. У умрини бой бермаган бўлса, кетаётган йўли жарга олиб бораётганини билиб қолса ва ундан қайтиш хоҳиши бўлса, тўғри йўлни топиб олиши муқаррар. Дилдорнинг олдида ҳали жуда катта ҳаёт бор. У яшаши керак. Яшаганда ҳам ўтмишини тандан бир парчасини кесиб ташлагандек нутиб яшаши керак. Йўл шу. Бундан бошқа йўл йўқ.

Дилдорнинг кўксига худди ана шундай ҳис, ана шундай қарор ҳоким эди.

Кўчадан қизларнинг қий-чуви эшитилди. Эшик тирқишидан йўлакка ипдек ингичка нур тушди.

Дилдор югуриб бориб эшикни очди. Фонарь кўтарган тўрт қиз ичкари киришди.

Дилдорнинг уйи кўп бўлганидан дадаси ҳаммасини йиғиштириб қурт боқишга рухсат берган эди. Электр ўчганидан қизлар қуртга барг солишга Дилдор қийналмасин, деб фонарь олиб келишган эди.

— Самоварга ўт ташланг, Дилдор опа. Бугун шатта ётиб қоламиз.

Қизлар чувир-чувир қилиб қурт тутилган уйга кириб кетишди. Дилдор лампани олиб чиқиб фонардан ўт олдириб ёқди-да, айвон токчасига қўйди. Кейин қизларнинг кетидан кирди. У ҳали ҳам хатнинг таъсиридан чиқмагани билиниб турарди. Кўзлари қизарган, овози ҳам титрарди.

Қизлар барг солиб бўлиб айвонга чиқишди.

— Қўрқманг, опа, ётиб қолмаймиз.

— Ётиб қолсанглар жонкошки эди-я. Гаплашиб ётардик. Бир ўзимман.

Дилдорнинг дадаси касалхонага кетганидан қизлар беҳабар эди. Уни ёлғиз ташлаб кетгилари келмади. Оёғига этик кийган Асрора тўрга чиқиб ўтириб олди.

— Адол, этикни торт!

— Ҳа, эриммисан?

— Сени эр олса жон дердинг-а. Бурнингни қара!

— Бурнимга нима қипти?

— Ойнакка қараганмисан ўзинг. Бу бурун эмас, Халча холам ковуш ечиб қўйганга ўхшайди. Этикни торт!

Адол ҳам бўш келмади.

— Сен ўлгурни эр олмайди. Эр сенга хотин бўлиб тегади. Приказ беришини қаранглар-а! Овозинг ўлгур ҳам мўридан чиққандек гумбурлайди. Отинг ўлгур ҳам эркакча, Асрор. Башаранг ҳабашга ўхшаган қоп-қора, юришинг айиққа ўхшайди. Битта мўйлов кам. Мўйлов қўйсанг, сен билан кечқурун юрган қиз гап-сўз бўлади.

Қизлар қотиб-қотиб кулишди.

— Ҳа, бўш келма, Адол. У биттани гапирса сен ўнтани кўндирасан-а.

— Ке, бўлди, этикни торт. Мен шатта қоламан. Бизникига кириб аямга айтиб қўясизлар. Дилдор опанинг олдида қолди, деб қўярсизлар. Бўптимми?!

Адол рози бўлди. Унинг этигини тортиб қўйди-да:

— Бўлдими, дадаси, ўрнингизни солиб берайми?— деди.

Яна қотиб-қотиб кулишди.

Дилдор ҳам уларга қўшилиб куларди. Унинг юзидаги бояги сўлғинликдан нишон қолмаганди.

Дилдор, Асрора қизларни фонарь кўтариб кўчага кузатиб қўйишди.

Асрора чарчаган экан, ёстиққа бош қўйди-ю, ухлиб қолди. Дилдор тахмондан кўрпа олиб устига ёпиб қўйди. Ўзи оёқ томонда унинг пиш-пиш ухлашига қарзб ўтирарди.

Асроранинг юзлари шамолда қорайиб кетибди. Овози ҳам боя Адолат айтганича эркакларникига ўхшайди. Юриши ҳам шунақа.

Урушдан аввал қанақайди? Нозиккина эди, шекилли. Далада энг оғир ишни шу қилади. Зовур қазийчи, кет-

мон чопади. Қирга чиқиб кетиб офтобда куйиб, шамол-ла дилдираб ўроқ ўради. Аяси қариб қолган, рўзгор ишига ҳам шу қарайди. Укаларининг кир-чири ҳам унинг бўйнида. Сигир согади, нон ёпади, томорқага қарайди.

Шунча иш, шунча ташвиш билан юрагида севги ёч-ли. Қаримжон хаёли билан яшайди. Қўшиқ айтади, ўйинга тушади. Қизиқчилик қилиб ҳаммани кулдиради. Ўзи хунуккина. Ҳеч ким уни хунук демайди. Юраги чи-ройли, қилиғи чиройли. У кирган уй яшнаб кетади.

Мана, у ухляпти. Бирам чиройли ухляпти. Уйқуси ҳам чиройли унинг!

Дилдор унга қараб туриб ҳаваси келди. Қаримжон-нинг соғ-омон келишини астойдил тилади. Уларнинг қо-вушган бахтли кунларини кўргиси келди.

Бирдан хат эсига келди-да, чўнтагидан олиб фонарь шишасига энгашди.

«...Бу уйда мен ортиқ яшаёлмаслигимни билдим. Се-ни кунда кўриб ўлгандан, бир умр бош олиб кетишни афзал билдим. Кетдим. Кетиб ҳам сендан қутулмадим. Акам ўлди. Энди сен елкамда жуда ҳам оғир юкка айлашиб қолдинг. Дадам, опам сени менга олиб бермоқ-чи бўлишди. Бу беномусликка чидаёлмадим. Келин аясига уйланди, деган номусни кўтариб юришдан кўра ўлган афзал. Бу бир мени, бир сени эмас, фронтда жон олиб, жон берган бир қаҳрамон хотирасини ҳақоратлаш бўларди.

Фақат бир нарса ҳалигача мени қийнайди. Шу гап-дан сен кабардорминдиг? Мен сен биласан деб йўлимни тўсганигда энг қабиҳ гаплар билан ҳақорат қилдим. Шундай демаслигим керак эди. Бу гапдан хабарнинг бўлганда ҳам шу гапни айтмаслигим керак эди. Ушанда эгингга қора кўйлак эди. Ҳа, мотам кўйлагин эди. Ўз ўтингга ўзинг ёниб турган пайтинг эди. Ўша гапим учун ҳалигача ўзимни кечиролмайман. Шу хатни ёзишга мажбур қилган ҳам ўша нарса бўлди. Мана айтдим. Тинчидим. Биз бир-биримизга мутлақо бегона кишилар бўлиб қолганмиз. Бизни боғлаб турган ягона нарса — акамдан хотира, мабодо омон-эсон дунёга келган бўл-са — боланг, холос. Сендан биттагина илтимос. Асрора-дан Қаримнинг адресини олиб менга юбор. Унинг адре-си уйда қолган. Уйга хат ёзмоқчи ҳам, бормоқчи ҳам эмасман. Отам оқ қилган.

Ўзинг нима қилиб юрибсан дерсан. Бунн — сенга қи-
зиги бўлмаса ҳам айтаман. Чўлда ишлаб юрибман.
Яхши одамлар орасидаман. Иш билан овуняпман. Сен,
дадам, опам етказган озорларни унутиш учун бирдан-
бир овунчоқ иш бўляпти. Ўртоқларим фронтда. Битта
мен бу тарафларда дайдиб юрибман. Чўлда йигирма
сотих жойга ўзим учун шоли экдим. Ҳосилни олишим
билан уни қоплаб мудофаа фондига юбораман. Ҳеч бўл-
маса шу менинг душманга отган ўқим бўлсин.

Хайр. Энди сира хат ёзмайман. Шу билан орамизда
нима бўлса бари тамом бўлди. *Низом*».

Дилдор хатни ўқиб бўлиб ҳам ундан кўзини узолмай
туриб қолди. Хатнинг четнда устидан ўчирилган икки
қатор ёзув бор эди. Дилдор яна чироққа яқин келиб уни
ўқишга уриниб кўрди. Уқиди.

«Бирга тушган суратимизни йиртиб ташла!»

Дилдорнинг кўзларидан шашқатор ёш оқиб кетди.
Унинг бир неча томчиси хатга тушди. Хат бинафша қа-
лам билан ёзилган экан, кўз ёш томган жойида доғ пай-
до бўлди.

Асрора ҳеч нарсадан хабарсиз пиш-пиш ухляпти.

Дилдор бу эркакшода, дали-гули қизга қараб туриб
астойдил ҳаваси келди. Қандай бахтли қиз у? Унинг
юрагида қанчадан-қанча орзулар бор. У шу орзуларни-
га албатта етади.

III

Тушга яқин қўлида тугун, огзи тўла кулки билан
Рисслат келди. У бир гапириб ўн кулар, гап орасида
Дилдордан гина ҳам қилиб қўярди. У гина қилаётганда
астойдил лаблари бурилиб кетарди.

— Вой, опагинаси қоқиндиқ. Омон-эсон қутулиб
олибсиз ҳамки, бир огиз хабар бермапсиз. Узим ёнги-
нангизда турардим. Мендан бошқа кимнингиз бор, ўргу-
лай. Ҳар қанча қилсам арзийди, укагинам ҳурмати доя-
лик қилсам ҳам арзирди. Кейинги пайтларда шунақаям
тушларимга кирасиз, тушларимга кирасиз. Шу бугун
кечаси эшитдим.

Рисолат жаврай-жаврай тугунни Дилдорнинг қўлига
берди. Дилдор тортиниброқ олди-да, четга қўя қолди.

— Вой, очинг, кечаси билан ўтириб тикиб чиқдим.
Жиянгинамга, укагинамдан қолган ёдгоргинамга тикиб
келдим.

Рисолатнинг ўзи ўрнидан туриб тугунни олди-да, ечиб ичидан чақалоқбоп сал уринган атлас кўйлак олиб Дилдорнинг қўлига берди. Дилдор кўйлакка қараб унинг янги эмаслигини, бир-икки кийилганини дарров пайқади.

— Манави дўппича, манави ошхўрак, манави чойшаб... Ҳаммасини кечаси билан тикиб чиқдим.

Дилдор қайин эгачисининг доғулилигини бирларди. У билан олишиб барака топиб бўлмасди. У гапда ўнта эркакни қочирарди. Шунинг учун ҳам индамай қўя-қолди.

— Энди эшитдингизми?— деди у секин, аммо кинояли оҳангда.

— Ҳа, ўргилай, кечаси дадам айтдилар. Эшитдим у юрагим ёрилай деди.

Дилдор, ҳа қув, туғруқхона деразаси ёнида турганингда кўрган эдинг-ку. Ушанда ўзингни кўрмаганга солиб атайин юзингни тескари ўгиргандинг, деб ижирганиб қўйди.

Тўғри. Рисолат туғруқхона олдига бориб қатиқ, бодринг сотарди. Ушанда Дилдорни кўриб юзини тескари ўгирганди. Ҳозир у ҳеч нарса бўлмагандек очилиб-сочилиб унга ўзини яқин кўрсатмоқчи. Уйдан чиқиб кетаётганида у Дилдорга нималар демаганди. Уша гаплари учун ҳам бетига тупурса камлик қиларди. Ушанда Рисолат унга:

— Укамга ўйнашиб қўйиб теккансан,— деганди.

Дилдор ўша гапни эслаб титраб кетди. Аммо кечадан бери ота-боланинг бу уйга серқатнов бўлиб қолганларини билолмай ҳайрон эди. Рисолат уни ўйлашига гал бермай беланчакда юзига тўр ёпиб қўйилган болани қўлига олди.

— Узим айланай, жиянгнинамдан ўргулай. Вой, Дилдорхон буингиз ўгил бола-ку. Нега айтмадингиз? Мен қизалоқ деб юрибман.

Дилдор кулиб юборди. Рисолат боланинг у юзидан, бу юзидан чўлпиллатиб ўпиб яна беланчакка қўйди.

— Ҳа, айтганча, кеча дадам Низомдан Дилдорга хат келди, деб айтиб қолдилар, тинч эканми?

— Тинч экан,— деди Дилдор хушламай.

— Илгарилари ҳам хат олиб турармидингиз?

Дилдор жавоб бермади. Унинг бу ҳолатидан Рисолат ораларида бир гап бор экан, айтгани хижолат бўл-

япти деб ўйлади. Секин уни гапга солиб кўрмоқчи бўлди.

— Узи яхши бола-ю сал ўжарроқ-да. Яхши хотиннинг қўлига тушса бинойидек бўлиб кетади. Мўмин-қобил бола қайси қизга ёқмайди, дейсиз. Битта-яримтаси ўлгур ўшақларда илиб кетмаса эди. Ҳозир нима кўп, қари қиз кўп. Ҳозир қизлар янги участкаси билан, бисот бағали билан, қўша-қўша тилла асбоби билан чолларга тегиб оляпти. Низомни албатта биттаси илиб кетади. Шу бола бегонага кетмаса дегандим.

Рисолат гапини бўлиб ер остидан Дилдорга қаради. Дилдорнинг пешоналари тиришиб гаплари малол келаётгани шундоққина билиниб турарди.

— Гапирсангиз-чи, нима депти хатда,— деди охири Рисолат.

Дилдор Низомжондан келган хатни унга кўрсатгиси келмасди. Шунинг учун ҳам тинчлигини ёзипти, дея қўя-қолди.

— Ҳеч бўлмаса адресини ёзиб беринг, ўргулай.

Дилдор уйга кириб бошқа қоғозга адрес ёзиб олиб чиқди-да, қўлига бериб, ўтирмай тик тураверди. У шу ҳаракати билан, энди кетаверсанг ҳам бўлади, демоқчи эди. Буни Рисолат тушунди. У ҳам ўрнидан турди.

— Бўлмаса кета қолай. Хотиржам бўлинг, тез-тез келиб ҳолингиздан хабар олиб тураман. Янги бўшангиз нарсасиз. Оғир иш қилманг. Қир-чирларингизга ўзим қараб тураман.

Рисолат эрга тегиб уч болали бўлганда ҳам қирларини бир бўхча қилиб онасиникига келтириб ташларди. Узи қўлини совуқ сувга урмай пардоздан бўшамасди. Уйига хотинларни йиғиб патефон қўйгани қўйган эди. Уйи ҳамма вақт ивирсиб ётарди. Эри даладан қайтганда ҳам қозонга ўт қаламасди. Бўш-баёвгина эри ўзи ўтин ёриб овқатга уннаб кетарди.

Шу хотин келиб Дилдорнинг кирини ювиб берадимми?

Рисолат чиқиб кетаётганда Дилдор орқасидан бориб тугунчасини қўлига берди.

— Вой, ҳа?

— Узим янгисини тикиб бераман, опа. Туғилиши билан бировнинг эскисини киймасин.

— Эскимас, қизимга кийдириб пасонини кўрдим, холос.

У ҳар қанча қилса ҳам Дилдор тугунчани олмади. Рисолат ҳам унга қаршилиқ кўрсатмади. Битта кўйлак палон пул. Муҳтож эмасдирки олмади. Эски бозорга обориб сотса бўлади. Ҳозир нима кўп, эски матога харидор кўп.

Дилдор унинг орқасидан эшикни қарсиллатиб ёпди-да, алам билан йиғлади.

— Булар мени мунча хор қилишади? Менда нима қасдлари бор?

Дилдор ҳалигача уларнинг ниятларини билолмасди.

Аксига олгандек бугун ҳаво ҳам булут. Одамнинг кўнглини хира қиладиган даражада тунд. Дилдор уйда ўтириб зеркиб хуноб бўлиб кетганидан, далага чиқиб Асроралар олдига бормоқчи бўлди. Эрталаб Адолат аравада олиб келган барглари қуртларга солди-да, боласини йўргаклаб далага қараб кетди.

Ҳамма ёқ кўм-кўк.

Дилдор ой-куни яқин қолган кунларда ўзи билан ўзи бўлиб атрофига тузуккина қарамаган эди. У гўё яшилликларни биринчи марта кўраётгандек кўнгли яшнаб кетди. Бу қадрдон, ҳар бир дарахти, ҳар бир сўқмоғи ёшлиқдан, шўхлиқ йилларидан ҳикоя айтувчи дала баҳор либосида яшнаб турарди. Дилдор келин бўлиб Иноят оқсоқолнинг уйига тушган кунидан бошлаб бу далаларга бегона бўлиб қолган эди. Энди яна шу кенгликлар қучоғи уни ўзига чорлаётганга ўхшарди.

Қалдирғочлар унга тегай-тегай деб ёнидан учиб ўтшяпти. Ҳаво булут бўлса, осмондаги учар ҳашаротлар пастлаб учишади. Бу ёмғирдан дарак. Шунинг учун ҳам қалдирғоч паст учиб ҳашарот тутади. Дилдор шунча йил далада яшаб буни билмасди...

Дилдор атрофга маст одамдек назар ташлаб бораркан, олдидан қоп-қора ҳабашдек бир йигит чиқиб қолди. Унинг оёғидаги қизил этиги, жужун кителидан колхоз секретарига ўхшайди. Ҳа, худди ўзи. Унга нима жин урди? Башарасига нега қора мой суртиб олибди.

Секретарь йигит юзини тескари ўгириб Дилдор олдидан югуриб ўтиб кетди. Тут орқасидан қизларнинг хандон ташлаб кулишгани эштилди. Дилдор ўша тарафга қараб кетди.

Ариқ бўйида Асрора икки қўлини белига қўйиб эркаклардек чираниб турарди. Адолат ерга ўтириб олиб

пиқ-пиқ йиғлапти. Дилдор нима гап бўлганини билолмай бир унисига, бир бунисига қаради.

— Поччангни кўрдингми?— деди Асрора.

— Қанақа почча?— деди ҳайрон бўлиб Дилдор.

— Аъзамхўжа поччангни кўрмадингми?

— Нега у менинг поччам бўларкан?

Асрора ўдагайлаб Адолатнинг олдига келди.

— Тур, бўлди! Ҳадеб пиқиллаб энсамни қотираверма. Бор, кетмонингни чоп!

Адолат онасига зарда қилаётгандек ўридан турмай бир елкасини қаттиқ силкиб қўйди.

Асрора бирдан меҳри товланиб кетиб Дилдорнинг қўлидан болани олди-да, у юзидан, бу юзидан чўпиллатиб ўпиб олди.

— Вое, менам битта шунақа туғиб олсам.

Боядан бери пиқиллаб йиглаб ўтирган Адолат бирдан ҳиринглаб кулиб юборди.

— Э, ўл-э, биров эшитса нима дейди? Эрга тегмагач нарса нега туғасан?

— Худо бераман деса, эрга тегмасанг ҳам туғаверасан, Бешкападаги Ойшахон туғиб олибди-ку.

Қизлар қотиб-қотиб кулишди. Орадан ўтган бояги кўнгилсизлик ҳам бирпасда упутилди. Ҳаммаси чувиллашиб шийпонга чиқишди. Асрора қўлида бола билан тўрга чиқиб чордона қуриб ўтириб олди. Эркакларникига ўхшаш йўғон товуш билан ошпаз қизга қичқирди.

— Паловхон тўранн опке!

Бугун паловхон тўра — жўхори гўжа эди. Овқат устида бояги воқеани Асрора гапириб берди.

— Ҳалиги ҳеббем ўлгур Адолга айланишиб қопти. У ёққа ўтса ҳам йўлини пойлайди, бу ёққа ўтса ҳам йўлини пойлайди. Адол ўлгурда ҳам айб бор.

Адолат жаҳл билан гўжани иссиқ ютиб юборди.

— Сенга ўзим айтдим-ку. Қўймаётибди, бир бало қилиб додини бериб қўй, деб айтдим-ку!

— Ҳа, айтгансан. Тилингни қисиб тур. Гапнинг беллига тепма. Адолга айтдим. Чакалакка ваъдалаш, дедим. Айтган вақтда кепти. У ёқдан Адолни юбориб, ўзимиз бу ёқдан пойлаб бордик. Хотинининг тилла соатини олиб келган экан, Адолнинг билагига тақаётганда шартта ушлаволдик. Аввал роса дўппосладик. Кейин башарасига тракторнинг ёгини суртдик. Соати мана! Ярашиптими?

Дилдор бу яқин орада бунақа кулмаган эди. Қотиб-қотиб кулди. Астойдил кулди.

— Асрора, қўй, хотини билиб қолмасин. Турмуши бузиладн-я!

— Йўқ, хотинига айтмаймиз.— У қизларга буйруқ оҳангида деди.— Сенлар ҳам оғзиларингдан гуллаб қўй-маларинг.

Овқатдан кейин патефон қўйиб ўйинга тушишди. Асрора белига қийиқ боғлаб, эркакча ўйнади, Адолат бoshiга рўмолча ташлаб унинг ёнида ноз билан йўргаларди.

— Тамарахон бўпкет-э!

Шу пайт сертупроқ йўлдан эшак миниб Иноят оқсоқол ўтиб қолди. У қизларнинг бу «беҳаё» ўйинидан энсаси қотиб соқолларини тутамлади. Асрора атайин эрмак қилиб унга қараб қошини қоқиб, елкасини учирди. Оқсоқол «астаффирулло», деганича юзини тескари ўгирди.

Қизлар яна қийқириб кулишди. Адолат, қўй кекса одамни эрмак қилма, деган эди, Асрора бобиллаб берди.

— Э, одам бўлмай ўлсин, Жиноят оқсоқол. Кунига бир марта жинойт қилмаса кечаси уйқуси келмайди, бу ўлгурнинг. Шу ҳам одам бўлдим-ю...

Тушлик тугаб, қизлар кетмонларини кўтариб пайкалларга тарқаб кетишди. Асрора кетаётганида Дилдор уни тўхтатди.

— Низомдан хат олдим. Сенга салом депти. Каримжоннинг адресини юборсин деб тайинлабди.

— Ўзи қаердайкан?

— Найман чўлида ишлаётганмиш. Мана адреси, хат ёзиб юбор!

Асроранинг юзидаги боятдан бери яшнаб турган табассум сўнди. У Каримжонни ўйлаб кетган эди. Уни қандоқ яхши кўрарди. Кунига ундан хат кутади. Аммо анчадан бери Каримжондан хат йўқ. Тинчмикин?

Асрора ҳар қандай ғамни тез енга оларди. Бошини бир силкиб Дилдор берган қоғозни нимчасининг чўнтагига солиб индамай пайкалга кириб кета бошлади. Сал нари бориб тўхтади.

— Индинга комсомол мажлиси бор-а, эсингдан чиқмасин.

— Хўп!— деди Дилдор.— Менга қара, Асрора. Мени звононгга ол. Уйда сиқилиб кетдим. Кел, бирга ишлайлик.

Асрора кетмонни жуякда қолдириб орқага қайтди. Келиб унинг белидан қучоқлади.

— Майли. Боланга кўпчилик бўлиб қараймиз. Сал дармонга кир, ундан кейин ишга чиқаверасан.

У шундай деди-ю, югуриб тизза бўйи бўлиб қолган гўзалар орасига кириб кетди.

Дилдор унинг орқасидан қараб туриб ўйларди.

— Фақат эркакларнинг ишини қилади. Ўзи ҳам эркакларга ўхшаб кетибди. Уруш бўлмаганда бундай бўлмасмиди...

Дилдор уйга чеҳраси очилиб қайтди. Энди у сира ёлғизга ўхшамасди. Ўзини бояги қувноқ қизлар қаторида, ўшаларнинг бири деб биларди.

Энди Дилдор учун ёлғизлик азоблари тугагандек эди.

IV

Рисолат Дилдордан иш чиқмаслигини билса ҳам дадасини бунга ишонтиролмасди. Оқсоқол катта неварасини уриб-сўкиб ўқишдан олиб қолди-да, қўшни ҳовлидаги тути билан сотиб олган ўрикни унга тердира бошлади. Унинг шу ҳовлидан иш бошлашига сабаб ўрик эгасининг боласи кўп. Икки кун кечиксам териб еб қўяди, деб уйқу си келмаган эди. Кун ёйилмасдан у ўрик солинган челақларни эшакка юклаб ўзи ҳам, невараси ҳам бошига биттадан саватни қўйишиб, эшак кетидан Марғилонга жўнашди. Рисолат эшик олдида уларни кутиб турарди.

— Кетмадингми?— деди хўмрайиб Иноят оқсоқол.

Рисолатнинг Найманга боришга унча хуши йўқ эди. Чол ўғлининг йигирма сотихга шולי экканини эшитиб кўп нарсаларни дилига тугиб қўйган. Ундан ташқари, бола яхши ишлаётган бўлса мўмайгина пул ҳам топаётган бўлиши керак. У эрталаб неварасини уйғотгани борганда Рисолатнинг, Дилдордан иш чиқмайдиганга ўхшайди, деган гапини чўрт кесиб шундай деган эди:

— Сеп нима деб ўтирибсан. Йигитлар урушда шунақа қирилиб турса, жамики қизлар тул қолиб кетади. Ҳозир қизлар дилгироф симига қўнган қалдирғочдек вижирлаб ётибди. Низом оламан, дейди-ю, йўқ, дейдими? Уларнинг ораларида бир гап бор. Бошида йўқ, деб қўйиб, энди айтишга юзлари чидамаётибди. Боравер.

Рисолат ҳозир дадасининг ўқрайишидан, бормасам бўлмайдиганга ўхшайди, деб Низомжоннинг олдига боришни бўйнига олиб қўйди.

— Икки челақкина ўрик ола кет. Чўлда яхши кетади. Ҳа, бозор баҳосидан сал юқорироқ айт.

Дадаси айтмаса ҳам Рисолат шундай қилмоқчи эди. Иложи бўлса битта қийиқда бодринг ҳам ола кетишни дилига тугиб қўйди.

Ота-бола айниқса шу кезларда пулга тузоқ қўйишган эди. Рисолат эрталаб туғруқхона эшиги олдида қатиқ сотади. Тушликда Чортерак гузарига зогора нон олиб чиқади. Кечқурун ўртанча ўғлини енига олиб, ёзлик кино залида писта сотади. Контролер чол, пистанг қурсин, зални булғатяпсан, деб қувлайвергандан у томошадан кейин супуриб беришни ҳам бўйнига олган.

Иноят оқсоқолда-ку тиним йўқ. Қўлига нима тушса бозорга чопади. Гоҳида сотадиган нарсаси бўлмай қолса, бозор дарвозасида туриб олиб муҳтожликдан сотгани олиб чиқилган нарсаларни арзон-гаровга олиб, ичкарига опкириб, икки бараварига сотади. Хулласи, у қимирласа пул тушиб турипти.

Бундан бир ярим йилларча муқаддам Иноят оқсоқол тақиқланган мол билан қўлга тушиб қолди-ю, милиция молини олиб қўйди. Ўзини омон-эсон қутқарганига шукур қилиб, бир-икки ҳафта бозорга чиқмади. Бор-йўқ дастмойси ўша мол билан тамом бўлганди. Ўзи ҳам шошиб қолиб, ғаниматга учрадим, деб қирқ кило илак, йигирма бешта амиркон олган эди. «Чақувдан бўлдими, худодан бўлдими», ишқилиб, милиция дарак топиб уйини босди. Моли билан ўзини ҳам олиб кетди. Қарилгини назарда тутиб кечаси қўйиб юборди.

Уша пулсиз қолган кезларида бир гап тарқалган эди. Чортеракликлар гап-гаштакларда, тўй-ҳашамларда эслаб кулиб юришади. Иноят оқсоқол пулдан сиқилиб эшигининг остонасида ё худо, деб ўтирган экан, чоршанба бозорида сигирини сотиб келаётган нариги қишлоқлик йигитнинг ариқ бўйида пул санаб ўтирганини кўриб қолади. Иноят оқсоқолнинг кўзлари ўйнаб кетади. Чидамасдан ўрнидан туради-да, йигитнинг тепасига келади. Йигит элик сўмликларни бир тарафга, ўттиз сўмликларни бир тарафга қилиб тахлар эди. Оқсоқол бир муддат пулларга суқ билан қараб тургандан кейин секин йигитнинг енига чўккалайди.

— Пулингни санашиб берайми, ука.

— Нима, ўзим санаёлмайманми?

Оқсоқол ялинниб сўрайди.

— Жон ука, кўпдан бери пул санаганим йўқ. Ке, битта санаб берай. Жуда согиндим.

Йигит ҳам тантигина экан, пул солинган қийинги унинг олдига суриб қўяди. Оқсоқол пулларни бир-бирига қориштириб юборади-да, бисмилло, деб ўнталикни алоҳида, ўттизталикни алоҳида, элликталикни алоҳида қилиб шошилмай ажрата бошлайди. У пул ушлаганда худди пашша тутаётгандек нафасини ичига ютиб бирдан тап этиб, панжаси билан босарди.

Иноят оқсоқол пулнинг майдаси билан йирингини бир хил кўрарди. Хоҳ бир сўмлик бўлсин, хоҳ юз сўмлик бўлсин, барибир, жуда эҳтиёт қилиб ушларди. У кўпинча сомсапазлардан нолиб қоларди.

— Ҳа, пул кўр қилгурлар, ёгли қўл билан пул ушлайдимми? Расво қипти-я, шундоқ азиз нарсани кир қипти-я.

Уни кўпинча Маргилон банкасининг эшигида учратиш мумкин эди. У йиртиқ пулларни ярим баҳога олиб банкадан бутунига алмаштириб оларди. Оқсоқол пулга алоқадор қонуларни сувдек ичиб олган эди. Номери бутун бўлса бас, банк олади.

Иноят оқсоқол жуда нхлос билан йигитнинг пулини санаб бўлади. Ҳар қайсинисини юз сўм-юз сўм қилиб устидан белбоғ қилади. Худди ғишт тахлаётгандек қилиб чиқади-да, мерганга ўхшаб, бир кўзини қисиб қарайди. Йигит унинг қилаётган ишларини завқ билан томоша қилиб туради.

Оқсоқол пулларни бир қилиб қўйнига тиқади. Йигитнинг ранги оқариб кетади. Чол бермай тўполон қилса нима бўлади? Гувоҳи бўлмаса. У жон ҳолатда Оқсоқолга ташланади.

— Нима қиляпсиз? Нега ёнингизга соляпсиз? Берини!

— Бераман, бераман, ука. Сабр қил. Жиндак бағримга босай!

Оқсоқол пулларни бағрига босиб кўзларини юмади. Унинг бу ҳолати худди севикли ёрини бағрига босган ошиқнинг аҳволини эслатарди. Оқсоқол бир неча минут шу кўйда тургандан кейин, пулларни олиб йигитга беради.

— Мана, бўлди, ука, бўлди. Аммо маза қилдим.

Оқсоқол нўл-йўриқ билган одам бўлганидан жуда тез бўлмаса ҳам секин-секин ўзини ўнглаб олди. Пулнинг чақаси ҳам пул, сўми ҳам пул деб ишни майдадан бошлади. Эски дўппиларни тийинга олиб, сиёҳга бўяб, сўмга сотди. Ундан гузарда қовун тилиб сотиш ҳам қолмади. Касалхоналарда чиқинди бўлган эски чойшабларни уйга олиб келиб, бўлак-бўлак қилдириб, қизига машинада четини бостирди. Ювдириб, дазмоллатиб, четига қизил сиёҳда чизиқ тортиб дастрўмол қилиб бозорга олиб чиқди.

Селитрдан бўшаган кепак қоғоз қоплардан пакет ясаб Марғилон, Горчаковадаги гуруч бозорларида сотди. Моли касод пайтларда бозор четидаги ҳожатхона олдида сухаридан бўшаган яшикка ушатилган кесак солиб, олдига бир қумгон илиқ сув қўйиб савобли ишдан ҳам пул топди.

У шу тариқа милицияга олдирган амиркон билан ипакнинг пулни бутлаб олди. Оқсоқол ўша пулларни жамғариб олган бўлса ҳам кўнгли тинчимасди.

— Бу кетганнинг ўрнига келгани. Улимлик пулни харжлаб бўлмайди, эндиги тушадигани тирикчиликка, — дерди.

Ҳозир Иноят оқсоқолнинг бозорда дегани деган, айтгани айтган. Ундан бозорком ҳам, паттачилар ҳам қўрқинмади. У мол қўядиган жойни биров эгаллашга ҳадди йўқ. У патта ҳам олмайди.

— Бир эмас, иккита ўғлимни Ватан учун қурбон бериб қўйганман. Фронтчининг отасига ҳурмат шуми? Гаплашиб қўяман.

У бир шовқин кўтарганда, ҳатто харидорлар ҳам қочиб кетишарди. Оқсоқол ўтмас молини ҳам харидорга ишқаб сотишни биларди.

— Муҳтожликдан олиб чиқдим, синглим. Урушда дадаси ўлган невараларимнинг оғзидан юлиб олиб чиқдим. Азбаройи шуларга егулик бўлсин, деб. Мен манавиларга ўхшаш испикулои эмасман. Меники хаппайи ҳалол.

Харидорлар бу нотавон чолга раҳмлари келиб нархини суриштирмай олиб кетаверишарди. Оқсоқол ҳам тошдан, ҳам тийиндан уриб қолганини билмай қолишарди. Мабодо бозорда молия одами пайдо бўлиб қолса, у марҳум ўғли Аъзамжонни ўртага соларди.

— Шундоқ одамнинг дадасиман. Сенларга қаҳрамон ҳам, ордири ҳам инобатга ўтмас экан-да. Сенлар бу ерда хотинларингнинг иссиққина қўйнида мазза қилиб ётибсанлар, менинг болам сенлар учун жонини бериб қўйипти.

Оқсоқол шундай деб тургандан кейин уни текширишга кимнинг юраги дов берарди. Ундан қутулганларига шукур қилиб олдидан тезроқ ўтиб кета қолишарди.

Иноят оқсоқолнинг яна битта галати одати бор эди. У кўпчиликка ўзини саховатли, хайрли ишларга ихлосманд қилиб кўрсатишга уринарди.

У девонага йўлиқиб қолса, то одамлар ўтиб кетгунча киссасини ковлаб девонани умидвор қилиб тураверарди. Одамлар кетиб бўлгандан кейин ёнидан носқовоғини олиб бир чекимни тилининг тагига ташлаб кетаверарди. Уни билмаганлар, Оқсоқол кўп саховатли-да, деб ўйлашарди.

Иноят оқсоқол кунига яраб турган эшагини ҳам ёлчишиб боқмасди. Фақат кечқурун олдига чўп ташлайди. Кўп овқатга ўрганса семириб дангаса бўлиб кетади, дерди. Бозорга борганда олдига беда ташланган биронта эшакнинг қозиғига боғлаб қўяди.

Бозордагилар: Жиноят амакимди эшагининг ҳам айтгани айтган, дегани деган, дейишса, қишлоқдагилар: Жиноят оқсоқол эшагига хала чўпди ҳам бировнинг толидан синдириб олади, дейишарди.

Хуллас, Иноят оқсоқол тили билан бировга озор бермаса ҳам қилиғи билан, юриш-туриши билан ҳаммаининг меъдасига тегарди. Ана шунинг учун ҳам чортеракликлар ўғли Низомжон кетиб қолганда сира ажабланишмаган эди.

— Кетгани дуруст бўпти. Бу чол болани сил қилиб қўярди. Эси борида кетиб қолди.

Оқсоқол одамлар ўзи тўғрисида нималар деяётганини биларди. Биларди-ю, тил суяксиз, кўролмаганидан алжийди, деб қўя қоларди.

Мана бугун у неварасини ўқишдан қолдириб бозорга олиб кетяпти. Бола эшак орқасида индамай бошини елкасига суқиб кетяпти. У бобосини ёмон кўрарди. У бобоси билан неча марта бозорга борган бўлса, бирон марта унга китоб-дафтар олиб бермаган. Ялиниб-ёлворганда ҳам у:

— Китобни нима қиласан, ўртоқларингникини ўқий-
вер,— деб жеркиб ташларди.

Бозорда болаларнинг кўзини ўйнатадиган нарсалар
кўп. Чол олиб бермайди. Туш пайтида битта чойнакда
чой опкелиб белбоғидаги зоғора нонни олиб ушатиб
кўяди.

Ҳаммадан ҳам болага алам қиладигани, улар бозор-
дан бўшаган челак ва саватларни эшакка ортиб келгёт-
ганларида бобоси йўлда тўхтаб унинг ёнини тинтиб кў-
ради.

— Янглишиб биронта тангани киссангга солиб қўй-
ганинг йўқми?

Бола онт ичса ҳам барибир тинтиб кўраверади.

Бир куни ана шундай тинтув пайтида боланинг кисса-
сидан иккита йиғирма тийинлик чиқиб қолди. Чол ғазаб-
дан кўкариб кетди.

— Хўш, бу қанақаси? Ҳали ўғрилиқни ҳам ўрган-
дингми?

Бола йиғлаб, пулни аяси берганни айтса ҳам чол
ишонмади.

— Аям китоб олгин, деб берганлар.

— Мени алдаб бўпсан.

Иноят оқсоқол боланинг юзига тескари шапалоқ ту-
шириб қолди. Бола чирқиллаб йиғлаганча эшакнинг ол-
дига тушиб чопиб кетди.

Кечқурун оқсоқол қизидан суриштирган эди, у пул-
ни ўзи берганини айтди.

— Эсингни еб қўйибсан, аҳмоқ. Боланинг қўлига
шунча пул берасанми? Икки танга пулнинг ёнига уч
танга қўшса бир сўм бўлади-я!

Ана шундан кейин оқсоқол қизига пулнинг қад-
ри, пули бор одамнинг қўли узун бўлиши, қаерга
борса ҳам хор бўлмаслигидан ваъз-насиҳат ўқиб
кетди.

— Пул одамга дармон. Бели оғриган киши белига
иккита юзталиқни боғлаб ётса оғриғи таққа қолади. Пу-
ли йўқ одам тез қарийди. Некалай вақтидаги пуллар-
ни сен кўрмагансан. Ҳар пуллар эдики, ушласанг қўлинг
яйрайди. Золим пулни ипак қоғоздан чиқазарди. Бу пул-
лар ҳам пулми. Салга йиртилади. Сўлкавойини ғиштга
ташласанг жиринг қилиб кетарди. Раҳматлик дадам
ўлганда мерос тақсим бўлиб, менга битта червон
теккан эди. Тишимда тишлаб юриб ўша червонни жу-

вонмарг қилганман. Инқилоб бўлиб, ўтмайдиган бўлиб қолган. Эсимга тушса ҳали-ҳали юрагим эзилиб кетади.

Рисолат дадасидан бу хил гапларни кўп эшитган. Кўп эшитаверганидан қулоғи пишиб қолган эди. У ҳам дадасидек қўлига пул тушса, туфлаб ҳамёнига тугарди.

Иноят оқсоқол эшак кетидан юриб бозор йўлига чиқиб олди. Невараси бошида сават билан ўтган-кетганга анграйиб гоҳ орқада қолади, гоҳ ундан ўзиб кетади.

Кўча бетндаги гўнг уйиб қўйилган жойда иккита хўроз қанотини ерга судраб бир-бирига ташланмоқчи бўлиб турибди. Боланинг икки кўзи ўшанда. Томоғининг тагидаги патлари ҳурпайиб кетган қизил хўроз кўкрагини ерга тегизай-тегизай деб олдинга сапчи-моқчи.

Бола ёнланмасига юриб кета туриб ундан кўзини узмайди. Бирдан нима бало бўлди-ю, бошидаги сават беҳининг энгашгаи шохига тегиб кетди. Бола ўзини ўнглаёлмай қолди. Сават бошидан учиб балчиққа тўнкарилиб тушди. Уриклар лойга қоришди.

Иноят оқсоқолнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди. Югуриб келиб неварасининг орқасига иккинчи тепди. Бола мункиб кўкраги билан ерга йиқилди.

— Ҳароми! Улдираман! Тер, ҳозир териб ол!

Бола кўзларини жавдиратиб, балчиқ кечиб ўрикларни тера бошлади.

Оқсоқол жаҳлдан кўкариб, болага ҳамон ўшқирарди.

— Аттанг, аттанг, етмиш сўмли мол эди-я. Ҳали қараб тур!

V

Рисолат чўл деганда кўчма қум бургутдек учиб юрган, бўрилар, аждаҳолар келсанг ютаман, деб турган жойни тасаввур қиларди. У эртақларда эшитган борса-келмасни Найман тарафларда бўлса керак, деб ўйлаб юрар эди. У шунча қувлиги билан ҳали кўп нарсаларни билмасди. Самолёт у ёқда турсин, ҳали поездга ҳам тушмаган эди. Рисолат учун бутун дунё шу Чортерак билан Марғилон атрофларидан иборат эди. Эри фронтга кетди. Ундан хат-хабар келиб турарди. Эрининг хатларини

ўқиганда уруш бўлаётган жойлар назарида Найманнинг орқа тарафларида бўлиб туюларди.

У бугун Найманга, Чортеракдан туриб чақирса овози етадиган жойга грузовойда минг марта ё олло, деб етиб келди.

Найман сира чўлга ўхшамасди. Қани, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўл? Ҳамма ёқ гишт, цемент, ёғоч.

Қулоғига қалам қистирган дурадгор чоллар пайраҳага кўмилиб тахта рандалашяпти. Олдига клеёнка фартук тутиб олган қизлар гишт теришяпти. Бир жуфт тол тагидаги сўрида одам кўп. Патефон тинмай «Бог аро»ни олиб турибди. Машина тўккан шағалнинг қалдирашидан унинг овози эшитилмай кетади.

Найман борган сари гавжум бўлиб борарди. Ҳарбий госпиталь ҳам шу ёққа ёрдамчи хўжалик учун жой олиб, бир ҳафтадан бери тўқай буздиради. Яраси енгилроқ аскар болалар тол тагидаги сўрини тўлдириб урушда кўрганлари, қайси шаҳарда нима бўлгани тўгрисида гапириб беришарди.

Аскар болалар учун бу ёқда алоҳида қозон қайнатилмасди. Заркентдан кунига уч маҳал машина қатнаб, уларга овқат таширди. Шу баҳона бўлиб Зириллама билан Найман ораси икки қадам бўлиб қолди.

Шоли сепиб бўлинган. Баҳор жалалари полларни сувга тўлдириб шоли қиёғининг қулоғидан тортиб чиқарди. Энди кўпчиликнинг қўли бўшаб иморатга уриниб кетганди. Тоға Зириллама қишлоғидаги азим теракларни кестириб, иморатларингга яратинглар, деб госпиталь машинасида олти марта ёғоч юборди.

Низомжон ҳам иморатга уннаб кетганди. Ўзи гишт қуйиб, ўзи девор кўтарди. Бир уй, бир айвон. Айвонидан тўқай шундоққина кўриниб туради. Тепасига тўсин териб, шох-шабба бостириб лўмбоз қўйишга тайёрлади. Тоға юборган ёғочлардан Низомжонга тегмади. Икромжон уни атайин рўйхатга киритмади. Аввалига Низомжон ҳайрон бўлиб юрган эди, Икромжоннинг ўзи ёрилиб қолди.

— Ука, сен шошмасанг ҳам бўлади. Аввал бола-чақаси қишлоқда қолганларнинг иши битсин. Ярим рўзгори қишлоқда қолиб жуда бесаранжом бўлиб кетишди. Ортиб қолса, албатта сенга бераман.

Низомжон унинг гапидан ранжимади. Тўғри, деб ўз

ишини қилиб юраверди. Вақт бекор ўтмасин деб, лой қориб тепаси ёпилмаган уй деворини сувамоқчи бўлди.

Рисолат машинада бировни бийлатмай олиб келган икки челақ ўрик билан бир қийиқ бодрингни олдиға қўйиб савдони бошлаб юборди. У қўш палла тарозида электр чиғаноғидан посанги қилинган тош билан ўрик тортарди. Кимсан, қайдан келдинг, деб ҳеч ким сўрамади. Қайтага чўлга шундоқ тансиқ нарсани олиб келгани учун дуо қилишарди.

— Кеп қолнинг, бодрингнинг иккитаси уч сўм, ўригнинг kilosи олти сўм. Чортеракнинг оқ ўригидан қуруқ қолманг...

Низомжон чодир орқасида цемент қораётган эди. Одамларнинг ғовур-ғувури орасида қулоғига ўқтин-ўқтин аллақандай таниш овоз эшитилиб қоларди. Ким бўлди бу, деб қулоқ солди Низомжон. Овоз таниш, жуда таниш. У белкуракни ташлаб чодир орқасидан чиқди. Хода уйиб қўйилган жойнинг олдида одамлар тўдаланиб нимадир қилишяпти. Низомжон беихтиёр ўша тарафга қараб юра бошлади. Тўдани ёриб қаради-ю, эси оққанча туриб қолди. Опаси. Қўша-қўша билагозуклар тақилган билагини шимариб, ўрик тортяпти. У челақ тагида қолган охириги эзилган ўрикларни тортмай, боринг-э, бир кило чиқсаям сизники, чиқмасаям сизники, деб дурадгор чолнинг фартуғига тўкди.

Низомжон қишлоғининг таърифли ўригини жуда соғинган эди. Тол попук чиқазгандан бери кун санарди. Ўрик гуллаган бўлса керак, гўра туккандир, ранг олиб қолгандир. Тагига тапиллаб тўкилаётгандир...

Рисолат дурадгор чолдан пулни олиб, ёқасига қўл суқиб, кўкрагига жойларкан, бирдан Низомжонга кўзи тушиб қолди.

— Вой, опагинанг айлансин, қаёқларда юрибсан? Мунча бемехр бўлмасанг, мунча тошбағир бўлмасанг!..

У тура солиб Низомжоннинг бўйнига осилиб олди. Йиғлаб унинг ҳамма ёғини шилта қилиб юборди. Уларга ҳайрон бўлиб қараб турган кишилар секин-секин тарқаб кетишди. Рисолат уни бағридан бўшатиб хомага ўтирди.

— Биз томонларда нима қилиб юрибсан, опа?— деди Низомжон ҳайрон бўлиб.

Рисолат унга ўпкали қараб қўйди.

— Шунақасан-да. Жигар жигарни кўмсайди. Сендан бошқа кимим бор. Дадам қариб ҳассага таяниб қолган. Кечалари тушимга кирасан, бирам кўргим келади. Ош есам ҳам сенга илинаман, сув ичсам ҳам. Ҳригимиз бошини еб пишиб ётибди, оғзинг тегсин, деб олиб келган эдим. Сени тополмай сотворақолдим. Ҳеч бўлмаса йўл кирамни кўтарар-ку, дедим.

Низомжон, опам менга ўриқдан олиб қолгандир, деб ўйлаган эди. У шундай хаёл қилганда, Зебихонни бир ўрик билан сийлаб қўяй, деб ҳам кўнглидан ўтказган эди. Сув ичса ҳам илинадиган опаси ўриқларни сотиб бўлган экан. Низомжон тамшаниб танглайига йиғилган сувни қулт этиб ютиб қўйди.

— Аҳволинг қалай?— деди Рисолат уннинг эскиб, ёғи чиқиб кетган кийимларига таънали қараб.

— Яхши,— деди Низомжон.

— Ҳм, яхшилигини кўриб турибман.

Низомжон шундагина ўзига разм солиб, кийим-бошининг тутдек тўкилиб кетганини билди. Дарров ўзини оқлашга урина бошлади.

— Гап кийимдами, опа. Кийим топиладиган нарса.

— Бўлмаса шунча юриб нима топдинг?— Рисолат қовогини солиб гапирди. У шу гап билан Низомжонни тамоман мот қилмоқчи бўлганди.

Низомжон бошини кўтариб ғурур билан гапирди.

— Одамлигимни топдим, опа, одамлигимни.

Рисолат нима дейишини билмай унинг оғзига қараб анграйнб қолди.

Опа-ука анча вақтгача бири бирига айтадиган гап тополмай индамай ўтиришди. Жимликни Рисолат бузди.

— Дилдорга хат ёзган экансан.

У шу гапини айтди-ю, укасининг юзида, кўзида қанақа ўзгаришлар бўлишини билмоқчи бўлиб тикилиб турди. Ростдан ҳам Низомжон ғалати бўлиб кетди. Рисолат ичида: тамом, қўлга тушди, деб хулоса чиқарди.

— Хатни ўқидингми?

Ҳар қандай айёрга бир соддалик кифоя қилади, дегандек битта соддалик билан Рисолат сирни бой бериб қўйди.

— Менга хатини ўқитармиди. Мен унақа ошиқ-маъшуқларнинг хатларини ўқимайман. Менга қара, бола. Ўз опангдан яшириб нима қиласан. Ахир бир кун бўладиган иш бўлгандан кейин айтавер. Нима қиласан бай-

ти газал ёзиб овора бўлиб. Менга айтиб қўйсанг ҳам-маспни саришта қиламан. Қани, айт-чи, ўзи нима дейди?

Низомжон опасининг гапни буриб кетганидан ҳайрон бўлиб уни тўхтатишга уриниб кўрди ҳамки бўлмади. У тўхтамай гапирарди.

— Дадамнинг ҳам нияти шу эди. Ўзинг аҳмоқлик қилиб қўйиб, энди боришга бетинг чидамаяпти. Ҳали ҳам бўлса томорқангдаги шолини ўриб олгандан кейин қишлоққа кет. Тўйни қилайлик.

Низомжон хандон ташлаб кулиб юборди. Йигирма сотих жойдаги шолидан ҳам хабар топишппти-да!

— Менга қара, опа,— деди Низомжон кинояли кулиб.— Бу савдони бошингдан чиқариб ташла. Дилдорга уйланиш ниятим ҳам йўқ. Ундаи Қаримнинг адресини сўраб хат ёзганман. Агар бу ёғини ҳам билгинг келаётган бўлса, сен билан дадам етказган озорлар учун Дилдордан узр сўрадим. Қишлоққа қайтиб бормайман. Ишонавер. Қарорим қатъий. Уйланмоқчи бўлсам шу ерда уйланиб, уй-жойли бўлиб қолиб кетаман. Гапнинг очигини айтсам, кимга уйланишим ҳам тайинли.

Низомжон ёнбошига бурилиб ҳавозадаги чолга гишт узатаётган Зебихонни кўрсатди. Зебихоннинг эғнида рангини офтоб кўтарган чит қўйлак. Сочини бошига чамбарак қилиб олган. Оёғидаги брезент этигининг қўнжларигача лой бўлиб кетган эди. У шу аҳволда ҳам чиройли кўринарди. Ҳар энгашиб челақдаги лойни олаётганда беллари жуда ҳам нозик эгилиб кетарди. Рисолат унга қараб маҳлиё бўлиб қолди. Аммо сир бой бермади.

— Совуққина экан. Дидинг қурсин. Келиб-келиб шуни топдингми. Дилдор қаёқда-ю, бу турқи совуқ қаёқда!

Чинакамига Дилдор Зебига қараганда кўркавроқ эди. Рисолат укасини ўйлашга ҳам қўймай, бидирлашдан тўхтамасди.

— Бутун топган-тутганингни шунга едириб юборгандирсан? Арзиса ҳам гўрга эди.

— Тўхта, тўхта, опа, дурустроқ қарагин, жуда чиройли. Ақллигини айтмайсанми.

— Хотин кишига ақлнинг нима кераги бор? Уйим деса, рўзгорим деса, эрининг измидан чиқмаса, бўлди. Шу ақли бўлгани.

— Вой-бў, опа, дадамдан ҳам ўтиб кетибсан-а! На-

заримда, йигирма ўттиз йил орқага қайтиб кетганга ўхшайсан.

— Орқада қолган бўлсам ҳам рўзгорим бут, поччанг келгунча болаларни зориқтирмай боқиб турибманми? Бундан бошқа менга нима керак? Сочимни кесиб, калта кўйлак кийсам дурустмиди?

Низомжон опасининг феълини яхши биларди. Унга гап билан бас келиш қийин. У ҳам дунёни пулдан, молдан иборат, деб биладиганлардан.

Низомжон тиззасига тиралиб ўрнидан турди.

— Ўзинг нимага келгандинг?

— Сени кўргани, дедим-ку.

— Қўйсанг-чи, ўрик сотгани келгансан.

У шундай деди-ю, бир қориндан талашиб тушган опаси жигари бўлишига қарамай дангал гапирди.

— Менда бошқа гапинг бўлмаса, кета қол. Бошқа келиб овора бўлиб юрма!

— Хайдаяпсанми, ҳали?— деди Рисолат кўзига ёш олиб.— Уз опангни, узоқдан дийдорингни кўргани келган опангни қувлаяпсанми? Войдод, бу қанақа бемехр бола чиқди!

— Секин гапир, бақирма. Одамлар эшитади!

— Эшитсин, эшитиб сенинг кимлигингни билиб қўйишсин.

Низомжон сал ён берди. Яна чўнқайиб опасининг қаршисига ўтирди.

— Хўш, нима дейсан? Очигини айтавер.

Рисолат ходадан туриб тўнкариб қўйган челақка ўрнашиб ўтириб олди.

— Дадам қариб қолди. Сен ўйлаган илгариги топишлар йўқ энди. Бир тийинсиз, уйга қамалиб ўтирипти. Хотин бошим билан ўрик сотиб, бодринг сотиб овқатига қараяпман. Сендек ўғли бўла туриб оч ўтирипти. Худо кўрсатмасин, ўлиб-нетиб қолса оғзига сув томизадиган одам ҳам йўқ.

Низомжон опасининг гапига ишонди.

— Хўп, озроқ пулим бор. Бераман. Кўйлак, этник олишга йиғиб юрган эдим. Майли, кейинроқ оларман. У ёнидан уч юз сўмча пул олиб опасига берди.

— Дадам бечора Биринчи Май байрамида ҳам оқлик киймади Бу пулинг нима бўлади?

— Бошқа йўқ-да. Кейин яна юборарман.

Рисолат ўрнидан турди.

— Майли, бўлмасам мен кетай. Шағал опкелган машина қайтмоқчи бўлиб турибди. Шундан қолмай.

У машина томонга кета туриб Зебихонга ер остидан назар ташлади. Ҳавозадан тушаётган Зебихоннинг кўзи Рисолатнинг кўзи билан тўқнашиб қолди. Рисолат уни еб юборгудек бўлиб ўқрайган эди, Зебихон эсанкираб оз бўлмаса ҳавозадан ағдарилиб кетай деди.

Челак-пелаклари билан Низомжон опасини машинага чиқазиб қўйди. Жигар экан, машина орқасидан юратн увушиб қараб қолди.

Йўл бошида хомуш турган Низомжоннинг олдига Зебихон келди.

— Низомжон, бугун ўриқхўрлик қиларканмиз-да. Онангиз ўриқ олиб кептилар, деб эшитдим.

Низомжон ноилож илжайиб қўйди.

— Ўриқни иккаламиз ҳам келаси ўриқ пишиғида ейдиган бўлдик. Мен ҳам данагини кўриб қолдим, холос.

У Зебихонга опасининг таърифини қилиб берган эди. Унинг бошидан ўтган савдоларнинг барини билган Зебихон индамай кулибгина қўя қолди. Иккови аста юриб дуралгорлар олдидан ўтишаётганда бир чол ўриқнинг таърифини қиларди.

— Дунёда Чортеракнинг ўригига етадиган ўриқ бўлмайди. Шираси данагига ҳам уриб кетади-я жонворнинг. Данагини экиб кўпайтириш керак.

Зебихон қилт этиб тупук ютди. Унинг ўриқ егиси келганини Низомжон билиб турарди. Кўнглидан: «Нонсоф опам, тўрттагина опқўймапти-я», деган гап ўтди.

VI

Асрорадан хат келди.

У конверт ичига Каримжоннинг адресини ҳам солиб юборипти.

Хатда шундай гаплар бор эди:

«Ҳозир звеномизда катта тўй. Ўтган йили мудофаа фонди учун пландан ташқари юборган икки юз олтмиш кило пилла учун СССР Мудофаа Комитетидан звеномизнинг аъзоларига номма-ном ташаккурнома келди. Сенга ҳам бор. Табриклайман. Вақтинг бўлса келиб олиб кет. Комсомоллик саломи билан Асрора».

Низомжоннинг чеҳраси ёришиб кетди. Шу пайт кадр-

дон дўстлари, мактабдошлари орасида бўлмаганига ачинди.

У ўтган йилги пилла ҳосилини яхши эслайди. Низомжон яхши ишлаган. Ўшанда у барг кесар, қурт тутган қизларнинг уйига обориб берарди. Азон пайтларида туриб, то барг офтобда илиб қолмасдан кесиб, ишига чиққунча тахт қилиб қўярди. Бир кун жуда вақтли уйғондида, тешани белбоғига қистириб, тут кесгани кетди. Кечқурун ўртоқлари билан кўпроқ ўтириб қолганидан уйқуга тўймаганди. Барг кесаётиб кўзи юмулиб кетаверди. Довдираб шох қолиб тешани қўлига уриб юборди. Иккита панжаси шартта узилиб тушди-ю жонҳолатда бир қўли билан осилиб тутдан тушди.

Шу узилиб тушган иккита бармоқ туфайли у армиядан қолиб кетди. Мана шу иккита бармоқ туфайли у бу томонларда юрипти. Агар ўша бепарволик бўлмаганда у Қаримжон қатори фронтда бўларди.

Асроранинг хати Низомжонни анча руҳлантириб қўйганди. У шу арзимас иши учун бундай катта мукофот бўлишини сира ўйламаган эди. Мудофаа Комитети унга ташаккур эълон қипти. Бу жуда катта мукофот. Бу катта бахт.

Шу куни Низомжон ўзида йўқ бир кайфиятда илжайиб юрди. Сал холироқ жой топса дарров хатни олади-да, ўқийди. Ўқиган сари ич-ичидан қувонади. Унинг бу кайфиятидан ҳайрон бўлган Икромжон, нима гап, деб сўраганда у:

— Ўзим, шундай...— деб қўя қолди.

Кейин у ўзи ўзига, нима учун яшираман, деб савол берди-да, хатдаги гапларни унга айтиб берди.

— Баракалла, болам. Табриклайман,— деди Икромжон.— Астойдил қилинган меҳнат зое кетмайди, шунақа.

— Бир кунгина қишлоққа бориб келсам, шунга нима дейсиз?

— Бир кун эмас, икки куноқ бора қол. Ҳамқишлоқларингни ҳам соғингандирсан. Майли, майли, болам.

Кечга бориб жала қуйиб, тонг отгунча момақалдироқ гумбурлаб чиқди. Емғир палатадан ўтиб, кўрпа-ёстиқларни ҳам шалоббо қилиб юборди. Икромжон билан Низомжон чопон ёпиниб мижжа қоқмай чиқишди. Эрталаб ҳам ҳаво қовоғини солиб турган эди. Хайрият, бир шамол бўлди-ю, булутни ҳайдаб кетди. Чарақлаб

офтоб чиқиб, шолиторлик полларини тўлдирган ёмғир сувларини ойнадек ялтиратди.

— Энди, бўлмади. Эртага борасан. Ҳозир шолиторликни бир шалоплатмасак бўлмайди.

Одатда шолиторлик ботқоғида қанча кўп шалоплатиб юрилса, шунча қиёғи кўп бўлади. Оёқ тағида букилиб қолган шолти пояси бағри ерга теккан жойидан илдиз отиб, қўшалоқ шох чиқазади. Шунинг учун ҳам шолиторлар сувни лойқалатиб шолитопядан чиқишмай кечиб юраверишади.

Икромжон якка оёқда кезишдан фойда йўқ, деб ёғоч оёғининг учига эски этикнинг таг чарминни қоқиб олганди. У энди қўш товон билан шолти кезишни мўлжаллаб турарди.

Низомжон унинг гапини қайтаролмади. Икковлаб ўз участкаларига қараб кетишди. Низомжон Икромжоннинг шимини тиззасигача шимариб сувга тушишини кузатиб тураркан, бу одамдаги бардошга қойил қоларди. Унинг энди ҳеч кимни йўқ. У ёлғиз бошига мунча уринишининг нима зарурлиги бор, деб ўтирмай туну кун шолитопядан чиқмайди. Ҳамма ўзига иморат учун жой олиб, гишт териб тиклаб қўйганда бу одам ҳеч нарса қилмади. Низомжон кейин билса, у ўзига теккан жойни унга берган экан. Айниқса, Икромжон Жаннат хола ўлгандан кейин ўзини ишга урди. Ҳали уни қилар, ҳали буни қилар, ишқилиб, тинмасди.

Қечқурунлари ҳориб-чарчаб чодирни олдида якка ўзичой ичиб ўтирарди. Тол тағидаги сўрида гурунглашиб ўғирганларининг олдига бормайди. Улар суҳбатига аралашмаслигининг сабабини Низомжон билади.

Кўпчиликнинг ё акаси, ё ўғли урушда. Улар албатта болаларидан келган хатни ўқишади, урушдан олтиган шаҳардан гаплашиб ўтиришади. Агар Икромжон улар ёнида бўлса, очилиб гаплаша олмайди. Уни аяб бутунлай бошқа гаплардан эзмаланиб қолишади. Икромжон улар суҳбатига тушиб қолганда чодирга табияти бир тарз бўлиб қайтарди. Ушандай кезларда то ярим кечагача чодир олдида қоп-қора осмонга тикилиб ўтиради-да, кейин ўрнига кириб ётади. Ётиб ҳам дарров ухлай қолмасди. Ҳали у ёнбошига, ҳали бу ёнбошига ағдарилиб тўлганиб чиқади.

Низомжон унинг ёғоч оёқ билан шолитопяни шалоплатиб, сувни лойқалатиб юришини кўриб иродасига қо-

Йил бўларди. Одамнинг жони пўлатдан қаттиқ, деб шуни айтарканлар-да, деб дилидан ўтказиб қўяди. Боласи бошига солган шармандалик, хотипиннинг доғи-ҳасратла ўлиб кетиши ҳам унинг қаддини буколмади. Бу одам пўлатдан ҳам қаттиқ.

Низомжон ҳам шимини тиззасига шимариб сувга тушди. Сувни шалолатиб унинг қаторига ўтди. Энди уларнинг икковлари ёнма-ён боришарди.

— Кечаги ёмғирнинг шарофати, ука. Ёмғир эмас, осмондан ош, нон ёғди. Қут-барака ёғди.— Икромжон зарур бир гап эсига тушиб қолгандек бирдан юришдан тўхтади.— Э, ука, сигирни арқонлаш эсимдан чиқибди-ку. Малол келмаса бирров бориб қозигини серўгроқ жойга қоқиб келгин.

Низомжон дарров сувдан чиқди. У эрталаб Икромжон сигирни олиб кетаётган жойини кўрган эди. Уша ёққа қараб юра бошлади.

Икромжон хотини ўлгандан кейин сигирга ҳам қарамай қўйганди. Сигир бўлса ўн кундан бери сутдан қолган. Унинг сутдан қолишига сира сабаб йўқ эди. Худди кечаси биров келиб соғиб қўяётганга ўхшайди. Ким соғини мумкин? Икромжон шундоқ ҳам соғилган сутни челака солиб сўрига опчиқиб қўяди. Боласи борлар керагича чинишига солиб кетаверишарди. Бировдан гумон қилишга Икромжоннинг дили оғрирди.

Низомжон тўда-тўда бўлиб ўсиб ётган савагич уюмлари орасидан айланиб ялангликка чиқди. Сигир бая бойланган жойида турибди. Ҳар замон энгашиб орқа оёғига қараб қўяди. Низомжон бунга парво қилмади. Яқинига борганда бирдан қўрқиб кетди. Жонҳолатда орқасига беш-олти қадам тисарилганини билмай қолди.

Сигирнинг елинига қўйдан каттароқ эчкемар ёпишиб олган эди. Эчкемарнинг бақаникига ўхшаш лабларидан қон аралаш оппоқ сут томарди. У одам шарпасини сезиб елидан оғзини олиб, ўнг ёнбошига қаради-да, шошиб узун думи билан хас-чўпларни тўзитиб қамшилар орасига кириб кетди.

Низомжон ранги қум оқариб серрайганча турарди.

У ҳушига келиб унга мўлтираб турган сигирга қаради. Кейин елинидан қон оқаётганини кўриб дарров олдига борди. Эчкемар бир эмчакни сўриб, моматалоқ қилиб юборган эди. Низомжон унга раҳми келиб дар-

ров қозикни суғурди-да, Икромжон ишлаётган жойга етаклаб келди.

— Сигирнинг аҳволини қаранг, амаки. Эчкемар сўриб кетибди.

Икромжон шошиб сувдан чиқди. Энгашиб елинга қаради. Бошини сарак-сарак қилиб сигирнинг бўйинларидан, сагрисидан силади.

— Жонвор, жонингни қийнабди-ку. Эчкемарга йўлиқибсан-да. Жонвор, жонвор.

Низомжонга сигирнинг сутдан қолганлигини Икромжон айтган эди. Қимдир соғиб қўяяпти, деганди.

— Сигирнинг сутдан қолиши энди маълум,— деди Низомжон.

Икромжон бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, ука. Эчкемар эмса манавунақа елинни яра қилади. Сутдан қолишининг сабаби бошқа бўлиши керак. Жонвор, энди боласини қандоқ эмизади. Менга бу ташвиш ҳам бор эдими?

Икромжон сигирни етаклаб кетаркан, орқасига ўғирилди.

— Ука, бу ёғини ўзинг эплаштириб турасан-да. Машина кетадиган бўлса сигирни қишлоққа бериб юбормасам бўлмайди. Озроқ подада юрмаса, биз бунда эп-лолмайдиганга ўхшаймиз.

Низомжон қурилиш бўлаётган жойда машина гуриллаганини эшитган эди. Ҳали қайтиб кетмаган бўлса керак, кетса овози чиқиб қоларди, деб ўйлади-да:

— Бўлмаса, тезроқ боринг, машина кетиб қолмасин,— деди.

Икромжон кетиши билан у яна сувга тушди. Бот-қоқни шалоплатаиб кечаркан, Икромжон ҳақида ўйларди. Яқин тўрт ой ҳамхона бўлиб унинг дардини, юрагидаги ҳамма гапини билиб олган эди. Ҳар гал Икромжонни ўйлаганда сабри бардошига қойил қоларди. Қани, мен ҳам шунга ўхшасам, деб ният қиларди. Ҳатто бир кун унинг ўзига, мен ҳам сизга ўхшаган бўлсам, деб гап бошлаганда, Икромжон гапини бўлиб қўйган эди.

— Қўй, қўй, болам, менга ўхшама. Сен менга ўхшаган бўлмайсан. Мен жуда бахтсиз одамман.

У шу гапни айтиб юзини тескари ўгириб этагига кўзини артганди.

Ушанда Низомжон бўйнига осилиб юзини ўзига қаратган эди. Икромжон ҳеч нарса бўлмагандек кўз ёши-

ни қилт этиб ютиб ўгирилганди. У Низомжонга шундай ўрганиб қолган эдики, овқатдан сал кечикса, товоқда овқатини кўтариб орқасидан қидириб юрар эди. Бир кун эрталаб кийиниб кетаётганида чўнтагида бир нарса дўмбайиб турганини сезиб, дарров қўлини солди. Бир чақмоқ қанд.

Улар бир-бирларига жуда ўрганишиб қолишган эди.

Низомжон шундай хаёллар билан ботқоқ кечаркан, машина гуриллаганини эшитди. Бошини кўтарган эди, қўлида газетага ўроқлиқ бир нарса кўтариб турган Зебихонни кўрди.

— Нима қилиб лой кечиб юрибсиз?— деди Зебихон,

Низомжон унга нима деб жавоб қайтаришини билмай сувдан чиқди.

— Опангиз опкеган ўрикка бизни бийлатмаган эдингиз. Мана, сиз хасислик қилган бўлсангиз, биз сахнийлик қиламиз.

Зебихон кўкат устига қоғозга ўроқлиқ икки килоча ўрикни ёзиб қўйди.

— Ия, қайдан олдингиз?

— Узумини енгу боғини суриштирманг.

Иккови ўрик тепасига чўнқайиб ўтиришди.

— Олинг!— деди Зебихон.

— Аввал сиз олинг,— деди ўрикка қўл урмай Низомжон.

— Мен еганман. Сизга олиб келдим.

— Шундоқ бўлса ҳам сиз аввал олинг.

— Йўқ, сиз аввал олинг.

Низомжон ноилож тухумдек оппоқ ўрикни қўлига олиб томоша қилди. Кейин ейишга кўзи қиймагандек авайлаб оғзига солди. Зебихон ҳам биттасини олди.

— Вой, мунча ширин?

— Ия,— деди Низомжон,— ҳозир, мен ўрик еганман, дегандингиз-ку.

Зебихон ёлғони фoш бўлиб қолганидан гапни ҳазилга буриб юборди.

— Боя еганим сал гўрроқ эди-да.

— Ростини айтинг, қаердан олдингиз? Худди қишлоғимизнинг ўригига ўхшайди. Бутун Фарғона водийсида Чортеракдан олдин ўрик пишмайди. Бошқа жойларда энди ранг олаётган бўлса ажаб эмас.

Зебихон ҳали қишлоқдан келган машинада бир чол икки яшиқ ўрик опкелиб сотганини айтиб берди.

— Жуда ғалати чол экан. Суриштирамаган гапи қолмади. Икромжон амаким билан бир балоларни ғижиллашиб ҳам олди. Сизнинг битмаган уйингиз деворларини силкитиб ҳам кўрди. Ҳрик олаётганимда менга шунақаям ёмон қарадики, қўрқиб кетдим.

Низомжон унинг гапига унча парво қилмади. Бирон-та безбет чайқовчидир-да, деб қўя қолди.

Низомжон сувга қайтиб тушмади. Зебихон билан орқага қайтди. У йўлда эртага қишлоғига бориб келмоқчилигини айтган эди, Зебихоннинг ранги қум оқариб кетди.

— Қишлоқда нима қиласиз? Дилдорхонни соғиниб қолгандирсиз-да.

Низомжон ундан бу хил гапни кутмаган эди. Шошиб ёнидан хатни чиқазиб қўлига берди. Зебихон хатни ўқинмай қайтиб берди.

— Мен унақа бировларнинг хатини ўқийдиганлардан эмасман. Сирли гап бўлмаса, шундоқ айтиб қўяверинг. Ишонаман,— деди.

Низомжон боришининг сабабини айтган эди, Зебихон, шундай демайсизми, деб юборганини ўзи билмай қолди. У шайтонлик қилиб қиқирлаб кулди.

— Менга нима олиб келасиз? Суюнчисига нима сова қиласиз?

— Сизгами? Сизга...— Низомжон нима опкелишини ўзи ҳам билмасди. Нима опкелиши мумкин? У ҳам гапни ҳазилга бурди.— Сизга жонимни саломат қайтариб олиб келаман. Эшитяпсизми? Сизга ўзимни бутунлай опкелиб бераман.

Мана шу гапни Низомжон икки ойдан бери очиқ айтмай гаранг эди. Ҳазил-ҳазил билан, унча уринтириб ўтирмай, ўйлатиб ўтирмай оғзидан чиқди кетди.

Зебихон ўзини билмаганга, тушунмаганга солди.

— Э, атлас олиб келармикансиз депман.

— Атлас ҳозир отлиққа йўқ-ку, биз пиёдаларга йўл бўлсин.

— Сизга пиёда бўлсин, деб ким айтди, отлиқ бўлинг-да. Ҳазиллашдим. Ҳазиллашдим. Шу маҳалда атласга бало борми, Низомжон ака.

Низомжон пайтдан фойдаланиб унинг билагидан ушлади. Зеби ўзини сал олиб қочгандек бўлди-ю, аммо билагини тортиб олмади. Низомжон қўлига унча эрк бермади. Бу унинг бояги айтган гапига қизлик иффати билан қайтарилган жавоб эканини тушунди. Шу аҳвол-

да йигирма-ўттиз қадам босишгандан кейин Зебихон унинг кўзига қараб ғалати, ғамзага ўхшаш табассум билан билагини унинг қўлидан бўшатди.

— Етар, а? Бўлмаса суйилиб кетасиз.

Низомжон шу топда шундай кучли бўлиб кетган эдики, бир ўзи мана шу поёни йўқ чўлни ағдар-тўнтар қилиб ташлашга қодирдек эди.

Осмон ҳам, сап-сарик чўл ҳам кўзига ажойиб чаман бўлиб кўриниб кетди. Қулоғига аллақандай ёқимли говушлар эшитила бошлади. Уйдан чиққандан бери танига ҳокимлик қилиб келаётган карахтлик шу оннинг ўзидаёқ аллақайга гойиб бўлди қўйди, бир кўнгли: ҳозир Зебини икки қўлимга кўтариб олайми, деса, бир кўнгли: қўй, қўй, мунча шошасан, дерди.

Иккови олдинма-кетин, очиқ-ошкора тол тагига келишди. Низомжон юрагида тугён қилаётган ҳисларини ҳамма билиб турибди, деб ўйлаган эди. Йўқ, одамлар илгаригича ўз ишлари билан овора. У ўзини тунда чироқ кўтарган одамдай ҳамманинг кўзи менда бўлади, деб ўйлаган эди. Йўқ, ҳеч ким қарамади. Чодир олдида кўк чой ичиб ўтирган Икромжон ҳам бош кўтариб ҳасратли боқди-да:

— Даданг келиб кетди,— деди.

Низомжон бетини ҳам артмай унинг олдига келди. Дарров Зебихоннинг бояги гапини эслади. Демак, ҳали ўрик сотиб кетган, Зебихонга совуқ қараган, Икромжон амаки билан ёжиллашган, иморатнинг деворини ушлаб кўрган дадаси экан-да! У Икромжон амакига нима дедийкин? Хафа қилмадимикин?

— Бетларингни артиб ол!— деди Икромжон меҳрибон товушда, кейин ёнидан учта юз сўмликин олиб узатди. У бу пулни илгаридан тайёрлаб қўйган бўлса керак, ёнидан олди-ю, санамай узатди.— Даданг қийналиб қопди. Сен бечорада пул йўқдир. Манавини обориб бер.

Низомжон пулни секин унинг тиззасига қўйди.

— Олмайман. Кеча опам олиб кетган. Уч юз сўм бериб юборганман.

Икромжон бошини кўтармай гапирди:

— Даданг билан ярашганинг дуруст бўлармиди.

Низомжон бошини қатъий силкиди.

— Йўқ, амаки, уйга энди бир умр қадам босмайман. Шу ерда бутунлай қоламан, деб аҳд қилганман.

Икромжон бошқа гапирмади. Фақат, ўзинг биласан, болам, деди холос. Иноят оқсоқол уни кўпчилик ўрта-сида ёмон ҳақорат қилган эди. Уни хоиндан олиб, хоинга солди. Менинг боламга ҳам хоинликни ўргатмоқчимисан, деди. Боламга шоли эктириб ўзинг пулламоқчимисан, деб ўдағайлади.

—Отасиман. Унинг топгани меники, қани, битта шолени у ёқ-бу ёқ қилиб кўр-чи, гаплашиб қўяман. Кўзимнинг нури, жигарбандимни Ватан йўлига қурбон қилиб қўйибман. Менинг совунимга кир ювмабсан ҳали.

Икромжон бош кўтармади. Чурқ этмай ўтираверди. Одамлар чолнинг ҳамма гапларини эшитишди. Икромжон бош кўтариб уларнинг кўзига қаролмай қолганди. Низомжон ҳали келганда, у ўша ўтирганича, бошини экканича ўтирган эди.

Низомжон унинг авзойидан жуда хунук иш бўлганини фаҳмлади-да, ёнига ўтирди.

— Дадам сизни хафа қилдими?

— Йўқ, ука, йўқ, ҳеч нима демади. Қийналиб қолдим, деди холос.

— Очигини айтинг, амаки, билай ахир.

Икромжон гапни бошқа ёққа бурворди.

— Эртага қишлоғингга шу аҳволда борма. Аनावи тугунда янги этигим бор. Этикни қайси оёғимга кияман, ўғлим. Сен киявер. Гимнастёркам сал кенгроқ келса, ҳечқиси йўқ. Сал одамга ўхшаб бор. Хор бўпқопти, дейишмасин, болам.

Толга осиглиқ кетмонни тош билан уриб одамларни кечки овқатга чақиришди.

Иккови ҳам ўрниларидан туришди.

Тагида тутун буруқсаётган бак олдида тунов кунги маршалларнинг кичиги — Тўппонча полвон шалағи чиқиб кетган мотоциклнинг гилдирагига ел бераётган эди. Низомжон тўхтаб унга салом берди.

— Мулло бўлинг, иним. Ишлар қалай?

— Ёмонмас, полвон амаки. Отингиз қани?

Тўппонча полвон гарданини қашиб унга маъноли қараб қўйди.

— Отми? От фронтга кетди. Отлар ҳам урушишяпти, иним. Сен билан биз бақларда юрибмиз, холос. Қани, бекор тургандан, бекор ишла, дейдилар. Тўрттагина ел уриб юбор!

Низомжон насосни олиб чаққон-чаққон ел бера бошлади. Қўлида тоғорача билан боласини опичлаб ошхонага ўтиб кетаётган Тўланбой уни кўриб тўхтади.

— Ҳа, божа, ишлар катайса дейман?

У ўз гапидан ўзи таъсирланиб тоғорачани чирманда қилиб, ёр-ёр айтиб ошхонага кириб кетди.

VII.

Низомжон Чортеракка соат ўнларда кириб борди. У туғилиб ўсган қишлоғининг ҳар бир деворига, таниш дарахтларда яшнаб турган кўм-кўк япроқларга суқ билан тикилиб борарди. Кечаги ёмғир ўт-ўланлар бетдаги чанглари ювиб кетган. Ариқ четларида тизза бўйи келиб қолган ўтлар ёмғирда ерга ётиб қолган экан, офтоб бағрига ўтиб энди қаддини ростлаб келаётибди. Том бўғотларидан, паҳса деворларидан буғ кўтариляпти. Тарновга қўниб олган мусичалар ҳам ҳўл. Улар жуда хунук бўлиб кетишганди. Ҳар ёз қип-қизил бўлиб пишиб, Низомжоннинг кўзини ўйнатадиган ~~Низ~~ амакининг олмаси белидан чўрт синиб деворга ёнбошлаб қопти. Унинг ёнғоқдек бўлиб қолган ғўралари худди кўчадан ўтган кетганнинг раҳмини келтириб, мўлтираб турганга ўхшайди. Урикзорнинг нари ёгидаги ёлғиз оёқ йўлдан бир тўда қариялар бошларига салла ўрнига қийиқ танғиб аста кетишяпти. Бу чоллар кўпинча тўй-маъракаларга, азаларга шу тариқа жимгина тизилишиб кетишарди. Қаллакланган тутзор орқасидан Дилдорларнинг оқ тунука томли уйи кўринганда Низомжон бир дам маъюс назар ташлади-ю, ортиқча ҳисларга берилишдан ўзини сақлаб жадал юриб кетди.

Йўл лой бўлиб кетганидан четдан, чимлар устидан борарди. Йўллардан арава қатнайвериб узун-узун излар қолдирган. Бу чуқур изларда ҳали ранги айнамаган ёмғир кўлоби йилтираб турарди. Низомжон этигини аяб кўлмаклардан эҳтиёт қилиб правление йўлига чиқиб олди.

Ана идора. Чап тарафдаги очиқ дераза комсомол комитетининг кабинети. Асрора кабинетдамикин? Ё далага чиқиб кетганмикин. Албатта уни койиб беради. У яхши қиз, уришади, уришади, кейин юмшайди. Асрора Қарим-

жон билан ҳам аввал уришиб, юмдалашиб, кейин уни яхши кўриб қолган. Уни жонидан яхши кўрарди-ю, барибир уришаверарди. Феъли шунақа унинг. У Қаримжон билан ёқалашавериб, папирос чекишни ташлатди. Қаримжон олдин сочини юқорига тарамай чаккасига тушириб юрарди. Асрора, мунақасини ёмон кўраман, деб уни юқорига тарашга мажбур қилди. У Қаримжон билан ҳар кўришганда тирноғигача қарарди. Киши билмас қулоғининг ичига ҳам кўз ташлаб оларди. Агар тирноғи олинмаган бўлса, қулоғи кир бўлса нақ уни балого кўярди. Агар Қаримжон унинг гапини эламаса, кўпчилик йиғилиб турган жойда пайт пойлаб туриб юзига соларди. Қаримжон бир қизариб, бир бўзариб тишини қичирлатарди-ю, индаёлмасди. Айтганига кўнмасам кўпчилик ўртасида шарманда қилади, деб у ёқбу ёғини тузатиб, кейин унинг кўзига кўриқарди. Асрора тўпори қишлоқ боласини сал кунда кўпчиликнинг кўзига кўрсатиб қўйган эди. Қаримжоннинг онаси Асрорани дуо қиларди.

— Вой, барака топкур-э, ҳаммом деса лабига учуқ тошадиган боламни одам қилиб қўйдн-я.

Низомжон ана шуларни эслаб кулиб қўйдн.

Правление олдида Адолат турарди. У Низомжонни кўриб қошларини кериб қараб қолди.

— Ҳа, қочоқ, қаёқларда юрибсан?

Низомжон гап тополмай чайналди. Унинг хижолат бўлаётганини сезган Адолат бошдан-оёқ бир қараб чиқди-да:

— Жуда пўрим бўлиб кетибсан-ку,— деди.

Низомжон нима дейишини билмай илжайди. Адолат у билан қўл беришиб кўришаркан:

— Қани, юр!— деди,— Асрора опамни кўриб келамиз. Шошма, кабинетга бир кириб чиқайлик-чи.

Адолат ичкарига юра бошлади. Низомжон унга эргашди. Комитет кабинети ўша Низомжон кўрган пайтидан ўзгармапти. Ҳамма нарса жой-жойнда. Фақат деворда қизил рамкага солинган ёрлиқ. У яқинроқ бориб қаради. Бу ВЛКСМ Марказий Комитетининг пахтадан мўл ҳосил етиштиргани учун звенога юборилган фахрий ёрлиғи эди. Адолат стол тортмасидан қоғозга ўралган нарсани олди.

— Юр, кетдик!

Иккови яна ташқарига чиқишди.

— Қаёққа борамиз? — деди Низомжон юришдан тўхтаб.

— Асрора опамни кўриб келамиз, деяпман-ку сенга.

— Асрора қаёқда?

— Ҳали хабарнинг йўқми? Асрора опам касалхонадалар-ку.

— Нима қилди? Касалми?

Адолат нимэ дейишини, гапни нимадан бошлашини билмай унинг башарасига қараб турди-да:

— Юравер, йўлда айтиб бераман,— деди.

Иккови йўлга тушишди. Адолат катта йўлга чиқиб олишгандан кейин бўлган воқеани гапириб берди.

Асроранинг звеноси гўзаларини яганадан чиқариб, биринчи қуртни ҳам тутиб тамом қилган. Терилган пиллаларни араваларга ортиб пунктга жўнатиб бўлган эди. Раис она сойнинг бериги томонидаги гўзалар ҳали ҳам яганадан чиқмаганини айтиб қолди.

— Гўза тўпикдан ошиб қолди. Хотинлар эплашолмаяпти. Ҳаммаси ёш болали хотинлар. Хаёли боласида, бир оёғи яслида, бир оёғи далада. Жон синглим, қизларнингни ҳашарга обормасанг бўлмайдиганга ўхшайди.

Дарҳақиқат, еттинчи звенода фақат фронтга кетганларнинг хотинлари ишлашарди. Соининг нариги тарафидаги яқинда Асроранинг қизлари каллаклар кетган тутларга арқондан беланчак қилиб, уларнинг болаларига Ойша амма деган кампирни энага қилиб қўйишган. Эртасига Асрора қизларини ишга солиб уларга ёрдамга борди. Ҳавонинг қовоғи солиқ. Адир орқасида залварли кўрғошиндек булут кўтарилиб келарди. Адолат қўлини кўзига соябон қилиб ўша тарафга қаради-да:

— Вой-бў, Майманага роса жала қуяяпти,— деди.

Ҳамма булут кўтарилаётган адир тепасига қаради. Ҳақиқатан ҳам ўша тарафга жала қуяётгани шундоққина биллиниб турарди. Бирдан шамол эсиб бирпасда бўронга айланиб кетди. Шамол звено ерини айланма қилиб ўраб олган теракларнинг белини букиб, шафтолиларнинг шохларини қарсиллатиб синдиради. Бўрон Адолатнинг бошидаги рўмолни юлиб учириб кетди. У рўмолни қувиб сой ёқасига келганда бирдан тўхтади. Сой қутуриб, лойқаланиб, кўпириб оқарди. Майманага келган сел адирлардан қуйилиб шу сойга тушаётган эди. Хотинлар қий-чув кўтаришди. Соининг нариги бетидан энага кампир ташвишли қўл силтади. Хотинлар чувил-

лашиб сой ёқасига келишди. Утишнинг иложи йўқ. Қутурган сув яккачўпни чил-чил қилиб, оқизиб кетган. Нима қилиш керак? Булут шу тарафга ёпирилиб келяпти. Салдан кейин тутзор устига етиб келади. Болаларнинг аҳволи нима бўлади? Бу жойда бошпана бўлмаса.

Асрора, шошманглар, деди-да, орқасига қараб югуриб кетди. Белазор орқасида дала участкасининг устахонаси бор. Унда колхознинг юк машинаси далонда турибди. Шу билан ўтмаса бошқа иложи йўқ. Шофёрнинг армияга кетганига олти кун бўлди. Асрора трактор ҳайдашни ўрганиб юрган пайтларида унча-мунча машина ҳайдашни ҳам машқ қилиб кўрганди. У шамолдек елиб устахона дарвозасига етиб келди. Дурадгор чол офтобга қўйган ромларни ёмғирда ивмасин, деб айвонга ташиётган эди. Асрора кира солиб унга қичқирди:

— Машинанинг калити кимда?

— Менда, нима эди?

— Беринг. Тез, тез беринг. Болалар ҳалок бўлади. Болалар селда қоляпти.

Уста шошиб ичкарига кирди-да, калит опчиқиб берди.

Асрора ўзни машинага урди. Рулга ўтириб ҳарчанд уришади, қани энди юрса. Мотор ишламайди. У кабинадан чиқиб копотни кўтарди. Шофёр аккумулятор ўтириб қолмасин, деб токни узиб қўйган экан. Асрора дарров улаб яна кабинага кирди. Мотор унча тихирлик қилмай бир-икки уринишдаёқ гуриллаб кетди. Асрора уни дарвозадан авайлаб олиб чиқди-да, ўқдек отилиб сой тарафга кетди. Машина дўнг ерда гоҳ лапанглаб, гоҳ сапчиб учиб борарди. Орқадан қараб қолган кишилар Асрора ҳайдаётганини билмай шофёр ичиб олганга ўхшайди, ишқилиб худо асрасин-да, деб қараб қолишарди.

Хотинлар сой бўйида ҳамон чирқиллаб туришарди. Кампир қўлларини силкитиб нималардир деб қичқирарди. Осмондан ёмғир челақлаб қуйгандек ёғарди. Асрора машинани қирғоққа келтириб тўхтатди. Кабина эшигидан бошнинг чиқариб сувга қаради. Адолат эшикка осилди.

— Сувга тушма, опа. Ёмон оқяпти, қутуриб оқяпти.

Асроранинг қулоғига унинг гапи кирмасди. У қайси

тарафдан кечини мумкинлигини қидирарди. У Адолатнинг кўкрагидан итариб юборди. Адолат орқаси билан ерга ўтириб қолди. Асрора моторга ўт бериб, машинани тикка сойга солди. Хотинлар бирон даҳшат бўлишини кутгандек чурқ этмай сувда гилдираги ботиб бораётган машинага қараб туришарди.

Машина гилдираги орқасига сув пуркаб секин-секин кузовига ботди. Сув кабинага чиқди. У худди баҳайбат балиқдек сувни икки томонга ёриб шитоб билан илгарига сузиб боряпти. Ана, ўртасига келди...

Машина бир лапанглади-да, яна илгариледи. Сув бирдан кабина томини кўмиб юборди. Сал ўтмай кузовнинг тўнкариллаётганини кўриб қолишди.

Ана шундан кейин нима бўлганини билолмай қолишди. Машина ҳам, Асрора ҳам сувда йўқ бўлиб кетган эди.

Хотинлар бирдан қий-чув кўтаришди. Машина тўнкарилган жой шундай билиниб турипти. Сув ўша ердан сапчиб ўтяпти. Бир маҳал қарасак, Асрора нариги қирғоққа қараб сузиб кетяпти. Сув дам оқизиб кетади, дам четга отади. Йўқ, нариги ёққа чиқиб олди. Гандираклар бериб болаларни кўтариб ўзимиз каллаклаб олган тут тепасига чиқазиб қўяверди. Бола бечоралар каллакларни қучоқлаб бизга қараб бақиршади. Асрора опам қолган икки боланинг биттасини опичлаб, биттасини кўтариб тутга ёпишиб тураверди. Сув оёқлари орасидан оқиб ўтяпти. Сел қутургандан қутуради, болалар бақиршади. Бу ёқда қолган хотинлар дамларини ичларига ютиб, чурқ этмай туришпти. Хайрият, воқеадан фермадагилар хабар топилган экан, қир тарафдан айланиб тўрт отлиқ етиб келди. Отлиқлар эгар олдига, орқасига бола миндириб, бирини опичлаб, бирини қўлида кўтариб олиб кетишди.

Низомжон Адолатнинг гапларини ҳаяжон билан эшитиб борарди.

— Асрора опам қаттиқ шамоллаган экан. Йситмаси тушмаяпти. Кечаси ёнида эдим, жуда кўп алаҳлади.

Икковлари касалхонага етиб келишди. Низомжонни навбатчи хотин ичкарига киритмади. Адолат халат кия туриб:

— Сен ташқарида, дераза тагида тур,— деб тайинлади.

Низомжон Асроранинг шаддоллигини, ҳеч нарсадан тап тортмаслигини биларди-ю, аммо мана шундай қаҳрамонлик қила олади, деб сира ўйламаган эди. У бу қаҳрамон қизнинг жасурлигига қойил қолиб, у ёқ-бу ёққа қараб тураркан, бирдан ёнғоқ тагида ўтирган опасига кўзи тушиб қолди. Бормоқчи бўлиб турган эди, тўхтади. Опаси олдига бир челақ қатиқ, саватда бодринг қўйиб сотаётган эди. Низомжон қип-қизариб кетди. Унинг олдига боришдан хижолат тортди. Беихтиёр у опаси билан Асрорани солиштира бошлади.

Асрора билан уни сира тенглаштиролмади. Опасининг пасткашлиги шу топда жуда аниқ билиниб кетди.

Дераза пардаси кўтарилиб Адолатнинг боши кўринди.

— Ухлаяпти,— деб шивирлади у.— Бугун жавоб беришаркан. Иситмаси тушипти. Сен кетавер, кечқурун правлениега келсанг, учрашамиз.

Низомжон опасига кўринмай ёнғоқ орқасидан айланиб ўтиб кетди. У қаёққа боришни билмасди. Ўйлаб-нетиб ўтирмай қишлоқ тарафга қараб юра бошлади.

Туғилиб ўсган қишлоғининг ҳар бир қаричи таниш, қадрдон кўчаларидан ўтиб гузарга келди. Самоварда унчаллик одам кўп эмасди. У чой қақириб тол тагидаги палос солинмаган сўрига омонатгина ўтирди. Чойхўрлар Асрора тўғрисида гаплашиб ўтиришарди.

— Барака топкур, азамат қиз экан. Агар шу бўлмаганда аллақанча бола нобуд бўлиб кетарди-я!

— Раҳматлик дадаси, ўғлим йўқ, деб ўксинарди. Тирик бўлганда ўнта ўғилнинг ўрнини босадиган қизи борлигини кўрарди.

Низомжон уларнинг гапларига жимгина қулоқ солиб ўтираверди.

— Бугун областдан улуглар келишармишми?

— Ҳа. Маскопдан пиллачиларимизга раҳматнома келган. Шуни облвоенкомнинг ўзи топширармиш.

— Роса қийқириқ бўларкан-да, а?! Илгари шунақа яхши хабар бўлганда артистлар келиб ўйин кўрсатишарди.

— Ишқилиб, қизларимиз барака топишсин. Шулар обрў олиб туришипти. Азаматларимизнинг йўқлигини билдирмай туришипти.

Низомжон чойни қайноқ-қайноқ хўплаб ўрнидан турди. Кечқурун йиғин бўлгунча далаларни айланиб келмоқчи бўлди. У энди ўрикзор томонга бурилган ҳам эдики, олдидан эшагига халачўп нуқиб дадаси чиқиб қолди.

Оқсоқол бир муддат кўзларини пирпиратиб турди-да, халачўпни белбоғига суқиб, қошларини чимирди.

— Аҳмоқ!

Низомжон бошини эгиб тураверди.

— Юр!— деб буюрди Оқсоқол.

Низомжон жойидан қимирламади.

— Юр, деяпман сенга!

Низомжон бошини кўтариб унинг бетига қаради. Чол ёмон ўқрайиб турарди.

— Қаёққа бораман?

— Уйга!

— Йўқ, бормайман!

Оқсоқол эшакдан тушиб ёнига келди-да, тирсагидан силтаб олдинга итариб юборди.

— Ҳозир уйга борасан. Қаёққа гумдон бўлсанг ҳам орани очиқ қилиб кетасан. Сен мендан осонликча қутулмайсан.

Низомжон унинг олдига тушиб жадал юриб кетди. Чол яна эшакка минди. То уйга келгунларича на у, на бу гапирди. Оқсоқол эшикка урилган кишан қулфни иштонбоғига бойланган калит билан очди. Ҳовлига киришди.

— Қаёқларда санқиб юрибсан?— чол унга ўдағайлади.

— Қаёқдалигимни бориб кўриб келибсиз-ку.

— Энди кетиб бўпсан.

— Кетаман!

— Йўқ, кетолмайсан!

— Мени оқ қилгансиз. Оқпадар бола бу уйда туришга ҳақсиз.

— Оқ қилган бўлсам жаҳл устида айтганман.

Низомжон қатъий жавоб қилди.

— Онамни сил қилиб ўлдирдингиз. Бу зиндон уйда қололмайман.

Оқсоқол ўдағайлаб келиб унинг юзига бир шаполоқ туширди.

— Онангни мен ўлдирибманми, ярамас! У ўз ажали билан ўлди.

— Сиз Дилдорни бахтсиз қилдингиз, мени дарбадарликка мажбур қилдингиз. Онамин ўлдирдингиз. Урушда қон тўккан акамнинг хотирасини оёқ ости қилдингиз. Сизга яна нима керак?

Оқсоқол тиззасидан дармон кетиб суна четига ўтириб қолди. Унинг оёқлари титраётганини Низомжон кўриб турарди. У отасига кимлигини кўз олдига келгириб қўйган эди. Оқсоқол шунча ёшга кириб ҳали ҳеч кимдан бунақа таъна эшитмаган эди. Бу гапларни ўз боласи айтяпти. Кўзини бақрайтириб туриб айтяпти. Бу қандоқ замон бўлди.

Чол ўрнидан туриб омборхонанинг эшигини очди. Анча вақтгача нималарнидир тарақлатиб сўкинди. Кейин худди жиннига ўхшаб югуриб чиқди-да, Низомжоннинг қўлидан судраб олиб кирди.

Титраб турган қўллари билан гугурт чақиб чироқ ёқди. Қоронғи ҳужра ёришгандек бўлди. Низомжон турган жойида донг қотиб қолган эди. Чол ҳали у нарсани, ҳали бу нарсани у ёқдан-бу ёққа отарди.

— Ким учун, ким учун йиғдим бу нарсаларни...

Ҳужра ичи анвойи нарсаларга тўлиб кетган. Туя сандиқ ичи атлас, шоҳиларга, тўп-тўп баҳмалларга тўла эди. Токчада беш юз қутидан ортиқ гугурт сочилиб ергача тўкилиб ётарди. Чол чамадонга ўхшаш қутини олиб унга ҳам шошиб калит солди-да, очиб бир дам қараб тургач, Низомжоннинг оёғи тагига ирғитди. Тилла билагузуклар, марваридлар, қўша-қўша соатлар ерга сочилиб кетди. Чол телбаланиб қўлига тушган нарсаларни унга ирғитаверди. Бунда кумуш шамдондан тортиб, жуфт-жуфт қилиб боғлаб қўйилган қоракўл теригача, яшн-яшн кир совундан тортиб, юзта-юзта қилиб бойланган таг чармгача бор эди.

— Мана, мана! Буларни ким учун йиғдим? Ким учун йиғдим?

Оқсоқолнинг жазаваси тутиб клеёнка дастурхонга тугилган бир нимани олиб чўнқайиб ўтириб ечди-да, ичидан юз сўмликларни олиб бошидан ошириб сочаверди.

— Ким учун! Кимга деб йиғдим буларни? Кўр бўлгур, басир бўлгур. Худоё худавадно икки кўзинг ситилиб оқсин сени.

Уруш одамларнинг тинкасини қуриган. Ким рўзғорида нима бўлса опчиқиб эри, ўғли фронтдан келгунча бела-чақасини омон сақлаш пайида сотарди. Улар уруш

тугаса бу нарсаларнинг ўрни тўлиб кетади, деб ишонарди. Асрорага ўхшаганлар энг яхши кўрган буюмларини сотмади ҳам, қизлар билан бир бўлиб давлатга топширди. Ҳеч бўлмаса душмандан тўрт энлик еримизни қайтариб олишга мадор бўлади, деб топширди. Одамлар шундай қилиб турган пайтда Оқсоқол мулк йиғди. Уларнинг муҳтожлигидан фойдаланди. Мана, қозиққа илиғлик турган пўстинини Каримжоннинг дадаси қиш кунлари кийиб юрарди. Демак, Оқсоқол арзномаган пул билан унинг эгидан счиб олибди. Уруш бошланган кунини Оқсоқол магазинда нима бўлса ташиб келаверган эди. Уша тугуртлар ҳали ҳам турибди. Тузнинг ўзидан неча чокаси бор бу ҳужрада. Ун беш қолга яқин унни тахлаб қўйибди. Шу аҳволда оч қолдим, деб Найманда тўполон қилиб келди. Опамдан очдан ўляпман, ёрдам берсин, деб яланғоч тапамга қўйлак олиш учун йиққан охиригидан пулни ҳам олдириб кетди. Мана пул! Ҳамма пул унда!

Чол ҳамон телба товуш билан бақирарди.

— Буларни кимга агаб йиғдим? Сендан сўраяпман, оқпадар?!

— Билмадим,— деди елкасини қисиб Низомжон.

— Билмайсанми? Билмайсанми? Ҳозир ҳаммасига ўт қўйиб кулини совураман.

— Иштиёр сизда! Майли ёндиригинг! Қуйиб кетгани маъқул.

— Биласанми, бу нарсаларни қандай қилиб йиққаннинг?

— Биламан,— деди Низомжон совуққонлик билан.

— Билмайсан. Билмайсан! Ҳожатхоналар олдида кесак ушатиб ўтириб, бировларнинг қўлига сув қуйиб топганман. Сен ярамас, одамга ўхшаб яшагин, деб ўзим қаттиқ нон еб, совуқ сув ичиб тўплаганман. Кечаларни ўхламаганман.

Низомжоннинг калласи ғувуллаб, қўллари муштга айланди.

— Онамнинг ризқидан юлиб қолиб орттирган нонингиз менга керакмас. Онамга ямоқ бўз кийдириб орттирган атласингиз менга керакмас. Мен бу молларингизга тупураман! Керак бўлса, ишлаб ўзим топаман. Сизга ўхшаб ҳаромдан эмас, пешона терим билан топаман.

Оқсоқол пўстакка ўтириб қолди. Боши қуйи эгилди, Низомжон титраб-қақшаб унга қараб турарди.

Отаси энди қариб кучлан қолган эди. Қўл томирлари кўкариб териси туртиб чиқиб қолти. Эски маҳси қўнжидан ирkit пайтава осилиб ётибди. Низомжон унга қараб туриб алам билан ўйларди:

«Қани эди, бошқа оталардек бўлса, бошимга кўтармасмидим. Қариганда иззатда яшамасмиди. Шу аҳволда ҳам у менинг ташвишимни қилаётгани йўқ. Топган хазинаси ҳар қаерларда қолиб кетмасин, деб безовта бўляпти».

Низомжон шарт бурилди-ю, эшикка отилди.

Оқсоқол орқасидан қарғаб қолди:

— Жувонмарг бўл! У дунё, бу дунё косанг оқармасин!

Низомжон онаси жон берган уйга маъюс қараб турди. Юраги эзилиб секин-секин юриб кўча тарафга чиқа бошлади.

Бу уйга қайтиб келиш энди йўқ. Кипдик қони тўкилган уй, она излари тушган ҳовли, она кўз ёшларини шимган тупроқ, хайр. Боланг энди бу даргоҳга келмас бўлиб кетяпти. Болалик қилиб бирон озор етказган бўлса, ўзинг кечир! Онасан, оналар боласини ҳамма вақт кечирган. Сен ҳам кечир, болангни!

Низомжон қўзида ёш билан остонадан ҳатлади.

Ботаётган офтоб дарахт баргларини чўғдск чақна тарди. Низомжон зах, куюдори ҳидига тўлган ҳужрадан чиқиб, кўксини тўлдириб нафас олди.

Клуб тарафдан одамларнинг ғовур-ғувури эшитиларди. Низомжон ўша томонга қараб дадил юриб кетди...

У Найманга келиши билан кўнгилсиз воқеанинг устидан чиқди.

Ариқ қазиётганларга чой олиб бораётган эди, қум тарафга кетаётган Зебихонни кўриб қолди, унга қўл силтаб, ҳозир келаман, деб кетди. Қайтишда қулоғига галати товуш эшитилиб тўхтади. Қулоқ солса Зебихоннинг овози. У додларди. Низомжон қумғонни улоқтириб овоз келган тарафга чопа бошлади. Зебихон савағич уюмига ўтириб олиб бир оёғини тиззасига олганича чинқирарди.

— Нима бўлди?— деди шошиб Низомжон.

— Чаён, чаён!

— Чаён чақдимми?

У Зебихоннинг жавобини ҳам кутмай, дастрўмолини шартта йиртиб энгашиб ўнг оёғининг кўкариб кетган

бош бармоғини сиқиб боғлай бошлади. Зебихон оёғини торғиб олишга уринарди, аммо Низомжон кучининг борича маҳкам ушлаб олганидан қимирлатишга кучи етмасди.

Жони бир оз тинчиди шекилли, Зебихон чинқирмай қўйди.

Низомжон унинг қават-қават бўлиб кетган пешонаси-га, муттасил титраб турган иякларига қаради.

— Ҳали ҳам огрияптими?

Зебихон бошини қимирлатиб қўйди. Гапиришга унда мадор йўқ эди.

— Оҳ, бир томчигина одеколон бўлармиди-я!— деб юборди Низомжон.

Аммо қишлоқда йўқ одеколон чўлда нима қи-лади.

Иккови шу қўйи анча вақтгача бир-бирига мўлтираб қараб ўтиришди.

— Кетайлик, юроласизми?

Зебихон ўрнидан тураётиб вой-войлаб яна ўтириб қолди. Унинг оёғи тўпнигича шишиб кетган эди. Низомжон уни азол кўтариб олди-да, гандираклаб чодир тарафга юра бошлади. Зебихон, қўйинг, ўзим юраман, деб унинг қучоғидан чиқишга уринарди. Аммо Низомжон бағридан бўшатмай чайқалиб-чайқалиб кўтариб келаверди.

Сўрида сабзи тўграб ўтирган чол шошиб турди-ю, Зебихоннинг чаён чаққан бармоғига пичоқнинг қаҳра-бо сопини ишқади.

Зебихон эртасига ҳам оёқ босолмай чодирда ётди. Кечга яқин аваёлаб секин ташқарига чиқди. Йўқ, огриқ сезмади. Фақат чаён чаққан жойнинг ўрни ҳар замон жиз этиб қўярди, холос.

Тўқай чивинлари жон олиб қолганди. Кеч бўлди, қу-лоқ тағида ёнигиллаб учарди-да, пайт пойлаб туриб ё бурунни, ё қулоқни чақиб қочади. Чаққани учиб кетиб бўлгандан кейин билинади. Чаққан жойи бир соатгача ачишиб туради. Қиздирилган ёғ сачрагандек бўлиб шишиб чиқади. Пашшахонасиз ётиб бўлмайдиган пайт-лар бошланиб кетди. Тўланбой атайин кечалари тезан тутатарди. Чивин тезак тутунидан қочаркан. Шундоқ очиқ ҳавода одамлар тутун ҳидлаб ухлайдиган бў-лишди.

Шундай тутун бурқсаб турган кечада Низомжон чодирга келса, Икромжон гильзага питра жойлаб ўтирганини кўрди.

— Ов қилмоқчимисиз, амакн?— дедн ҳайрон бўлиб Низомжон.

Икромжон унинг бу сўроғига жавоб бермади. Гапни чалғитди.

— Болам, Мудофаа Комитетидан олган ёрлиқни кўрсатмадинг ҳам. Қани, кўрсат.

Низомжон чодир четидагн Жаннат холадаи қолган қутини очиб, газетага ўралган ёрлиқни олди. Икромжон ёрлиққа тикилиб туриб қолди.

— Баракалла, ўғлим. Баракалла,— деди Икромжон ёрлиқни эҳтиёт қилиб унга қайтариб бераркан.

Низомжон ҳам ўтириб гильзаларга милтиқ дори жойлай бошлади.

Икромжон илгаригича биров билан ортиқча гап-лашмасди. Чодир олдида ҳам хаёл суриб ўтирмасди. У ҳам чивидан қочиб чодир ичига кириб кетган эди.

— Болам, қишлоғингга бориб келдинг, ҳеч нима демading. Хўш, қалай бўлди? Уйингга кирдингми? Даданги кўрдингми? Уни тинчитиб қўйдингми?

Қачон бўлса ҳам Икромжон амаки шу гапни сўраб қолади, деб кутиб юрган эди. У қишлоғидаги гапларнинг ҳаммасини бирма-бир гапириб берди. Икромжон Асрора воқеасини эшитганда кўзларини пирпиратиб қўйди.

— Шунақа экан, болам. Бу уруш ҳаммаи нотинч қиляпти. Даданг билан қаттиқ айтишиб қопсан-да.

— Шундай қилмасам бўлмасди. Жуда ҳаддидан ошиб кетганди.

— Яна ўзинг биласан, ўғлим. Жигарчилик, бир кун келиб афсус қилиб юрмасанг бўлгани. Ешсан, боласан, билмайсан. Отага фарзанд доғи қанақа бўлишини билмайсан. Бу гапларни ота бўлганингда биласан! Майли, бас, ётайлик энди.

Низомжон ўрнига чўзилар экан, Икромжоннинг гапларини яна бир марта танасига ўйлаб кўрди.

— Пушаймон бўлармиканман?

У ўзидан ўзи жавоб кутиб индамай анча ётди. Юрагида пушаймонга ўрин тополмаганидан кейингина хотир-жам кўзини юмди.

Икромжон эрталаб милтиқни елкасига ташлаб чодирдан чиқиб кетаётганда Тўланбой тол тагида хотини билан қандайдир сирли бир гапни шивирлашиб турганини кўриб қолди. Тўланбой унинг ёғоч оёғини киймай қўлтиқтаёқда кетаётганини кўриб ҳайрон қолди.

— Ҳа, ака, ов қилмоқчимсан? Тўқайга кирсанг қўлтиқтаёқ билан қийналиб қолмасмикансан?

— Тиззамни қавартирворипти. Сал дам берай, юришга қийналяшман.

Тўланбой уни тўхтатди.

— Жиндек маслаҳатли гапимиз бор эди. Чодирга бирнас кирсанг бўларди.

Икромжон қанақа маслаҳатли гап экан, деб унинг орқасидан кирди. Шолча устига кўрпача солиниб, патнисдаги нош, қант, туршак устига сочиқ ёпиб қўйилган эди. Икромжон уни кўриб, улар анчадан бери кутиб ўтирган экан, деб ўйлади. Тўланбой хотини олиб кирган тунука чойнакни ёнига қўйиб тўнининг барига ўради. Хотини ҳам бир четга ўтирди.

Тўланбой гапни нимадан бошлашини билмай мўйловининг бир учини сўриб ўйланиб турарди. Охири у Икромжоннинг кўзига ботинмайроқ қаради.

— Энди, дўстим, дунёнинг ишлари шунақа экан. Қиз бола бўйинга етганда тенги билан топиштириб қўйиш бизга ўхшаган катталарнинг иши. Зебихонга ота ўрнида бўлиб қолдим. Қарзимни узай дегандим. Опаси ҳам рози.

Тўланбой гапнинг бу ёғини айтолмай чайналди. Икромжон йўталиб чодирнинг очиқ пардасидан чўлга қараб олди. Тўланбой сал дадилланиб гапини давом эттирди.

— Хафа бўлмайсан-да, дўстим, Зебихонни Турсунбойга қиламиз деган умидимиз бор эди.

Икромжон сесканиб кетди. У Турсунбой билан Зебихон ўртасидаги гапларни биларди. Унинг ҳам кўнглида катта ниятлари бор эди. Тўй қилсам, қишлоққа ош берсам, юртдан қарзимни узсам, деган ўйлари бор эди унинг. Бўлмади. Ниятига етмади.

Тўланбойнинг хотини «пешона экан, тақдир экан, буюрмади», деб қўйди.

— Шу, сенинг розилгининги олмоқчи эдик.

Икромжон дарров жавоб қилмади. Узоқ ўйлади. Кейин бошини кўтариб сўради.

— Куёв бўлмиш ўз қишлоғимизданми?

— Ҳа, ҳамқишлоғимиз десак ҳам бўлаверади. У ҳам ўз болағдек гап. Зебиҳон Низомжоннинг кўнгиллапти. Ешларнинг ишига биз нима ҳам дердик. Қишлоқ жой, мунақа қилиб юраверишса гап-сўз кўпайиб қолмасмикин деб қўрқяпмиз. Розилик берсанг, шу ишнинг шундоқ бўлганини ҳамқишлоқларга билдириб қўйсакда, пишиқчиликка бориб тўй бўлмаса ҳам тўйчиқ қилиб тинчитиб қўйсак.

— Низомжон дуруст бола чиқди. Аввалига қандоқ бўларкин, деб чўлга юрагим бетламайроқ олиб келган эдим. Хайрият, юзимни ерга қаратмади. Бунақа болалар ўз йўлини ўзи топиб юради. Мана, қишлоғига бориб катта обрў билан қайтиб келди. Ерлиқ олганини эшитгандирсизлар. Аммо унинг бу томонларга қандоқ келиб қолганидан хабарингиз борми?

Тўланбой бош ирғаб, хабаримиз бор, ҳаммасини Зеби айтиб берган, деди.

— Ҳаммасини билмасанглар керак. Кечаги Чорте-ракка боришида отаси билан орани очиқ қилиб келипти. Шу иш хушроқ чиқипти-да. Болалик қилиб қизишиб кетмаганмикан? Ҳар нима қилса ҳам ота, ахир. Ундан кечиб бўладими?

Тўланбой ўйлаиб қолди. Икромжон яна гапирди.

— Энди бу масалада ҳам чуқурроқ ўйлаб кўриш керакдир. Ким билади. Балки отаси шундай қилишга арзийдиган одамдир. Уни Низомжоннинг ўзи билади. Агар иккови тил топишиб қолган бўлса, мен нима дейман? Майли, Низомжон ёмон йигит эмас. Қуймай-сизлар. Жўяли бола. Аммо онаси қандоқ туққан бўлса шундай шир яланғоч. Дадасининг топган-тутганини ташлаб келипти. Бу иши ҳам дуруст. Пешона тери билан топганга нима етсин. Ўзларинг ўраб-чирмаб оласизлар.

Икромжон шундай деди-ю, иззат қилиб чақирганларига раҳмат айтиб, ўрнидан турди.

Ҳаво очиқ эди. Офтоб чарақлаб турипти. Тумшуғига илон ташлаб олган лайлак қўнишга жой излаб кўм-кўк осмонда айланиб юрибди. Иккита тўрғай қанотини пирпиратиб тинимсиз сайрайди. Икромжон чўлда шунча юриб тўрғайнинг учиб юриб сайрашини кўрмаган экан.

Балки кўрган бўлса ҳам бунга эътибор бермагандир, Иккала тўрғай тахминан бир-бирдан эллик метрча нарида учиб сайрашяпти. Сайрашади-ю, бир-бирига яқин келишолмайди.

Икромжон негандир Низомжон билан Зебихонни шуларга қиёс қилди. Бир-бирига яқин келолмай юрган экан. Бунга мендан андиша қилишган. Зебихонни Турсунбойга бўлишиб қўйган эдик. Кўнглимга келади, деб ўйлашгандир. Қандоқ қилай? Қандоқ қилай? Тўй қилиш буюрмаган экан? Менда на хотин бор, на бола бор. Уйланиб ўттиз йил бирга яшадим, яшамагандекман. Ўнгирма бир йил болам бор деб қувондим. Қувонмагандекман! Қувонч қаёқда, азобда қолиб кетдим. Бу ёру дунёда нима қилиб шўппайиб юрибман? Кимга керагим бор? Ярим жон бўлиб судралиб юришдан нима фойда бор?

Икромжон калласига келган бу совуқ ўйдан сесканиб кетди. Шабадада кўл мавжидек силкиниб турган шиликорликка қараб юрди.

— Йўқ, ҳали билагимда куч бор. Юрагимда ўт сўнгани йўқ. Бу аламларни, бу хўрликларни оёқ остига олиб топтамагунимча яшашим шарт. Яшайман! Бошимга туганмас савдолар солган уруш олови ўчганини ўз кўзим билан кўришим шарт. Шу ерда туриб немисга ўқ отаман. Ўқим қолмаса қўлтиқтаёгим билан бошини янчаман. Улиш йўқ. Улиш номардлик. Номард бўлиб ўлишни истамайман, истамайман!

Икромжон ўзидан-ўзи гапириб борарди. Қамиш орасидан чиққан юк машинаси оз бўлмаса уни уриб юборарди. Шофёр қаттиқ сигнал бериб тўхтади.

— Сизга нима бўлди, амаки? Сигнал берсам эшитмайсиз?

Икромжон йўл четига чиқди. Шофёр ёнидан қоғоз олиб унга узатди.

Хат. Унда Тога Наймандаги жамки одамларни Зирилламага етказиб келишни буюрган эди.

— Соат учда Азизхон келади. Катта митинг бўлармиш. Ҳамма келсин, деб тайинлади. Одамларни тўплаб беринг, ҳозир олиб кетаман.

Икромжон орқасига қайтди. Тол шохига илланган кетмонни тош билан даранглатиб ураверди. Бу бемаҳал чалинган занг товушидан узоқ-яқиндагилар тол тагига йиғилиб келаверишди. Икромжон Тога тайинлаган гап

ни айтиб йўлга чиқиш кераклигини айтди. Аммо ўзи сўрида ягона тиззасини қучоқлаганича машинага чиқаётганларга қараб ўтираверди. Низомжон ҳам кетмонини чодир олдига ташлаб, челакининг четидан сув қуйиб қўл ювишга қийналаётган Зебихонга кружкада қуйиб бера бошлади. Икромжон уларга ҳам ҳасад, ҳам меҳр билан боқарди.

Зебихон ўз чодирига кириб ранги кўтарилиб, гуллари билинмай кетган сатин кўйлагини кийиб чиқди-да, машина филдирагига оёқ қўйди. Низомжон илдам келиб унинг тирсагидан кўтариб юборди. Унинг ўзи ҳам чиқаётган эди, бирдан яна пасга тушди. У еқ-бу ёққа қаради. Икромжонга кўзи тушиб қолиб олдига келди.

— Қани, юрмайсизми? Нима қилиб ўтирибсиз?

— Сен боравер, болам, боравер! Мен кейинчалик бораман.

— Сиз бормасангиз мен ҳам бормамай, амаки!

Икромжон унга меҳр билан қаради.

— Боравер. Кўпчилик билан сал кўнглингни езиб келсан.

— Кўнглим шундоқ ҳам ёруғ. Юринг, юринг.

Икромжон қатъий бош чайқади. Ҳатто асабдан унинг лаблари уча бошлади. Низомжон унинг жаҳли чиқаётганидан ҳайрон бўлиб бошқа қистамади. Аммо уни шу аҳволда ташлаб кетгиси келмай машина билан унинг оралиғида туриб қолди. Ҳамма машинага чиқиб бўлган. Фақат уларнинг иккови қолишган эди. Тўланбой қўл силтади.

— Қани, чиқмайсизларми?

Икромжон Низомжоннинг ҳали ҳам турганини кўриб жаҳли чиқиб кетди. Тиззасини қучоғидан қўйиб юбориб унга ўшқирди.

— Қанақа боласан? Мени тинч қўясанми, йўқми? Бор, деяпман. Бор, кўзимга кўринма!

Низомжон баттар саросимага тушди. У Икромжонни сира бу аҳволда кўрмаган эди. У беихтиёр кузовга чиқди. Тўланбой Икромжоннинг аҳволини кўриб турганидан у ҳам қистамади-да, кетдик, деб кабина томини муштиради. Мотор гуриллаб олдига силкинди. Низомжон машина то қамишлар орасига киргунча сўрнда телбага ўхшаб ўтирган Икромжондан кўзини узмади.

— Нима бўлди унга? Қим хафа қилди экан?

Низомжон унинг қишлоққа тушолмаслик сирини билмасди. Икромжон Азизхоннинг кўзига қарашдан қўрқарди. Бирдан у Турсунбойни сўраб қолса, нима дейди? Ахир улар тепкилашиб катта бўлишган. Албатта сўрайди.

Икромжон эрта баҳор Найманга кўчиб чиқаётганларинда Азизхонга колхоз помидан ёзилган хатга эл қатори қўл қўйди. Ушанда одамларнинг икки кўзи унга қадалганини ҳали унутолмасди.

Бугун ҳам қишлоққа борганда, Азизхон билан кўришаётганида яна шундай бўлади. Ҳамма унга тикилади. Хоннинг дадаси қаҳрамон билан кўришаётганида қўллари титрармикин, кўзини унда яширмасмикин, деб қараб турадиганлар топилиб қолар.

Икромжонни номус ўти куйдирарди.

Ҳалигина одамларнинг шовқинига тўлган чўл бир зумда ҳувиллаб қолди. Қамишлар шовиллаган, шамол гувиллаган Найманда Икромжоннинг бир ўзи қолганди. Икромжон неча кундан бери ёлғизликни қўмсарди. Атайини қилгандек уни ҳеч ёлғиз қолдиришмасди. Қим билади, балки атайин қилишар?

У ёлғизликни қанчалик хоҳламасин, барибир ундан қўрқарди. Бахтли одам, юраги шодликка тўлиб кетган одам ёлғиз қолса роҳат қилади. Бутун шодлигини, бахтинини ёнига чорлайди. Икромжон ёлғизликда нима қилади?

Ҳозир ҳувиллаб турган чўл уни ютаман деяётганга ўхшарди. Ҳатто у, нега улар билан бирга кетмадим, деб дилидан ўтказди ҳам.

Урндан турди. Милтигини елкасига олиб бир дам нима қилишини билмай турди-да, қўлтиқтаёққа тиралиб тўқай тарафга кета бошлади.

У биронта бўрими, тўнғизни отса алаmidан чиқармиди. У бошида ҳеч қандай ўй, ҳеч қандай ниятсиз тўқай ичига кириб борарди.

IX

Икромжон шовиллаб турган кимсасиз тўқай ичида анча узоқлаб кетган эди. Аксига олиб у на бўри, на қуён, на ўрдак уролди. То у қўлтиқтаёққа суяниб мўлжалга

олгунча ўрдак учиб кетар, қуён инига етиб бўларди. Тўқай яланглигида ўзини офтобга солиб ётган баҳайбат эчкемар унинг қорасини кўрибоқ думи билан қамишларни штирлатиб чайқатиб, бирпасда гойиб бўлди.

Икромжон юра-юра чарчади. Милтиқни ерга қўйиб чалқанча ётиб олди. Беғубор кўм-кўк осмонга тикилганича қимирламай ётаверди. Қаттиқ чарчаганидан кўзи илинган экап, нимадир штирлаб уйғотиб юборди. Икромжон бирон ҳайвон бўлмасин, деб сапчиб ўрнидан турди. У ёқ-бу ёққа аланглади.

Ундан ўн беш қадамлар нарида, қамишлар орасида бир одам осмонда пилдираб учиб кетаётган ўрдакларга қараб турарди. Нотаниш киши унга орқасини ўгириб турганидан башарасини Икромжон кўролмади. Қўлтиқтаёғига осилиб ўрнидан турди. Нотаниш кишидан кўзини узмай энгашиб милтиқини олаётган эди, у чап томонга юра бошлади. Икромжон беихтиёр унга эргаша бошлади. Оёқ тагида қуруқ қамиш шитирлади. Нотаниш ўгирилиб орқасига қаради. Қаради-ю, қўрқувдан кўзлари дум-думалоқ бўлиб кетди. Икромжон уни танимади.

Сочлари ўсиб елкасига тушган, кийимларининг жулдирин чиққан, юзлари чивини чаққандан яра бўлиб кетган бу одам Турсунбой эди. У озиб, қорайиб, дармонсизликдан араиғ судралгандек юрарди.

Одам қиёфаси йиллар ўтиши билан, шаронт таъсири билан ўзгариб кетиши мумкин. Фақат одамнинг кўзи ўзгармайди.

Икромжон унинг Турсунбойлигини кўздан таниб қолди. Қичқириб юборди.

— Турсун!

Турсунбой қимирламади. Икромжон таёқ билан сакраб-сакраб олдига келаётган эди, Турсунбой яна нари кетди. Унинг бу ҳаракатларини худди аллақандай ёввойи ҳайвонларини эслатарди.

Чинакамига у ваҳшийлашиб қолган эди. Яқин олғи ой биров билан гаплашмай, одамсифат ётиб-турмай, иссиқ татнмай шу аҳволга тушган эди.

— Турсун, Турсунбой, болам!— деди жонҳолатда Икромжон.

Турсунбой бу гал жойидан қимирламай туриб қолди. Икромжон бора солиб унинг бўйнига осилди. Қўлтиқ-

таёғи ерга тушди. Бир оёқлаб туриб унинг елкаларини силар, пешоналаридан ўпарди.

Бирдан димоғига қўланса ҳид урилиб Турсунбойни бағридан қўйиб юборди-да, якка оёқлаб туриб қолди. Мувозанатини сақлаёлмай орқасига чалқанча ағдарилиб тушди. Боласи уни турғазиб қўймади. Ўзи бир қўлига тиралиб яна ўрнидан турди. Ўғлининг юзига қаради.

Турсунбойнинг юзига кўпдан сув тегмаган. Бутун вужудидан ачимсиқ тер ҳиди бурқсиб турарди.

Икромжон бу ногаҳон учрашувдан тамомила эсанкираб қолган эди. Нима қилишини, ўғлига нима дейшини билмасди. У шу бир оёқлаб турганча жуда оз фурсат ичида кўп нарсаларни ўйлади. Кўп нарсаларни хотирига келтирди.

Хотинининг тўқайга илдиз теришга бориши шу бир неча минут ичида аён бўлди.

Икромжон бутун борлигини, бугунини, эртасини бағишлаган ёлғиз фарзандига қараб бирдан жирканди. Қошлари чимирилиб, пешоналари тиришди.

Унинг олдида ўз боласи эмас, бир йиртқич тургандек бўлди.

— Ўтир!— деб буюрди Икромжон.

Турсунбой итоаткорлик билан ерга чўккалади.

— Тўқайга қачон келдинг?

Турсунбойнинг тили гапга келмади. У гўё гаплашиш қобилиятини йўқотгандек жавобга сўз ахтараётганга ўхшарди. Охири у қийнала-қийнала жавоб берди:

— Тўрт ой бўлди.

Турсунбой бошини эгиб ердан чўп олиб тишлаб ўтираверди.

— Онанг ўлди,— деди Икромжон.

— Биламан. Кўмнишга олиб кетаётганингларда кўриб турган эдим.

Икромжон ўзини йўқотиб қўйди. Қаршисида ўтирган боласини ягона оёғи билан тепиб юборди. Турсунбой орқасига ағдарилиб тушди. У то ўрнидан тургунча Икромжон эмаклаб бориб бошига, юзига ураверди. Бола отасига мушт кўтаролмади. Унинг бундай қилишига дармони йўқ. Очлик ўз кучини кўрсатиб, уни ҳолдан тойдирган. Икромжон ҳамон унинг дуч келган жойига мушт соларди. У муштларди-ю, аллақандай хунук овоз билан бақирарди.

— Онанг қандоқ хотин эди! Қандоқ хотин эди! Номард! Она қабрга қўйилаётганда кўриб туриб ёнига боролмаган, оқпадар! Уз қўли билан тупроққа қўйиншдан қочган, ярамас! Онанг қандоқ хотин эди-я! Сен жувонмаргга қандоқ меҳр қўйган эди-я! Сен уни ўлдирдинг! Узинг ўлдириб, яна ўзинг уни тупроққа қўйганларини томоша қилдингми? Ифлос!

Икромжон мушт уриб чарчади. Сўкиб овози бўғилди.

У Турсунбойнинг бўғзини қўлдан бўшатиб башарасига қараб тупурди.

— Мана сенга!

У бунга ҳам қаноат қилмай қўлтиқтаёғини олиб унинг елкасига икки марта зарб билан урди. Турсунбой аламдан ингради. Орқаси билан судралиб нари кетди.

— Ёт-бегоналар тобутни елкага олиб кетаётганларини кўриб чидаб турдингми? Йўлингга термиллиб кўр бўлган онага шуми мукофот? Бутун умрини, жонини, роҳатини бағишлаган онага шуми мукофот? Алифдек қоматини сен букдинг, юзларига ажинларни сен солдинг, кўзларидан нурни сен ўғирладдинг, шу ёруғ дунёни қоронғи зиндон қилдинг! Сен жувонмаргдан қандоқ умидларни бор эди онангнинг. Сенинг ўрнингга ит боқсак бўлмасмиди. Елкамда кўтариб катта қилганман. Шу елкаларимда катта қилганман. Оғиримни енгил қиларсан, деб ўйлаган эдим. Мушкулмни осон қиларсан, деб ўйлаган эдим. Оқ сут берган онангни гўрга қўйишга ярамадинг. Онага вафо қилмаган бола, кимга вафо қилади. Юрт ишига ярамаган бола, қай ишга ярайди.

Икромжон унга қараб қаҳр-ғазаб билан қичқирарди:

— Хойи! Қочоқ! Номард! Ҳезалак! Ифлос! Ит! Тур ўрнингдан!

Турсунбой ўрnidан турди. Икромжон яна қўлтиқтаёғига осилиб қаддини ростлаб олди-да, унга буюрди.

— Юр!

Турсунбой қимирламади. Икромжонда қандайдир ҳеч тўхтатиб бўлмас куч пайдо бўлганди. Ҳозир у ҳар қандай ишни қилишга қодир. Ҳар қандай ваҳший куч билан олишишга тайёр эди.

Турсунбой безовталиқ билан тутилиб сўради.

— Қаёққа?

— Қишлоққа. Юрт олдиға. Сен ярамаснинг жазонинг юрт берсин.

— Дада, дадажон!

— Дада дема. Сендек болам йўқ. Сени аллақачон ўлдига чиқазиб қўйганман. Кўзларинг ўйилсин, ўқраган кўзларингни қузғунлар чўқисин! Юр, деяпман сенга!

Турсунбой унга ваҳима билан қараб турди-да, бирдан орқасига буритди. Икромжон уни ушлаб қолмоқчи эди, силтаб ташлади. Икромжон ёнбоши билан йиқилди. У ўрнидан турганда Турсунбой анча нарига кетиб қолган эди. Икромжон шошиб елкасидан қўш тигин олди. Тирсагини қўлтиқтаёқ чармига тираб туриб мўлжалга олди. Уқ овози худди чўл устида аллақандай ваҳимали ҳайвон ўкиргандек бир неча дақиқа акс-садо бериб турди. Тутун тарқаганда Икромжон ўглининг қамишларни қайириб ҳамон чопиб кетаётганини кўрди. Хайрият, тегмабди, деди. Яна милтиқни ўқлади. Бу гал болани мўлжалга олмади. Жаҳл билан дуч келган тарафга қараб тепкини босди.

Уқ товушидан чўчиган қушлар осмонни тўлдириб безовта қанот силкитишарди.

Ҳ

Қушлар исиб кетди. Олтиариқнинг бодринги, Қуваннинг ҳандалакларни Найман томонларга ҳам келди.

Кундузи қум тарафдан илиқ, нафасни қайтарадиган шамол эсади. Кечқурунларни худди куз ҳавосидек муздек шамол қамишларни шовиллатиб, одамларни совқотдириб изғиб юради.

Найманликларнинг, айниқса, шу кезларда ишлари кўпайиб кетган эди. Шолкорликлар тизза бўйи келиб қолган, одамлар кечани кеча, кундузни кундуз демас ўтоқ қилишади.

Қамиш ҳали у ердан, ҳали бу ердан қайнаб чиқади, уни илдизи билан суғуриб ташлайман десанг, ўзи билан бир боғ шолни илаштириб чиқади.

Низомжон эрталаб ҳам, кечқурун ҳам шолкорликда.

Тинмай сув кечаверганидан яна безгак тутди. Ранги саргайиб кечалари бадани титраб-қақшаб оғриydi. Шу ақволда ҳам сувдан чиқмайди.

Икромжон ҳамон камгап. Одамларга аралашмай қўйган. Чодир олдида ўтириши ҳам йўқ бўлган. Шоликорликдан келиши билан ичкарига кириб кетади-да, ягона тиззасини қучоқлаб, бир нуқтага тикилганича қимирламай ўтираверади.

Низомжон шоликорликка кираман деб шимининг почасини шимараётган эди, Тўланбойнинг ўғли келиб қолди.

— Сизни бир хотин чақиряпти.

Низомжон ҳайрон бўлди.

— Қанақа хотин?

— Чақалоқ боласи ҳам бор.

Низомжон ким бўлди у хотин, деб ҳайронликда тол тагига келса, сўрида боласини тиззасига қўйиб Дилдор ўтирибди.

Низомжоннинг юраги орқасига тортиб кетди. Оббо, энди сен билан тураман, Чортеракка кетмайман, деса-я! Опам уни ишга солиб қишлоққа олиб кел, деб юборган бўлса-я!

Низомжон унинг олдига етиб келгунча минг хил хаёлга борди.

Дилдор болани тиззасидан олиб ерга қўйди. Бола майсалар устида эмаклаб кетди.

Иккови анча вақтгача бир-бирларининг бетларига қараёлмай жим туриб қолишди.

— Яхши юрибсанми? Рангингга нима бўлди?

Низомжонга унинг дабдурустдан айтган бу гапи малол келди. Жавоб ўрнига елкасини учуриб қўйди.

Чодир ичидан чиқиб келаётган Зебихон уларни кўриб бир дам тўхтади. Дилдорга бошдан-оёқ назар ташлаб олди-да, индамай юриб ўтиб кетди. У то янги уйлар олдига келиб бурилиб кетгунча Дилдор уни кузатиб қолди.

— Шуми?— деди Дилдор.

Низомжон беш қимирлатди.

— Қадди-қомати келишгангина экан.

Низомжон унинг нима мақсадда келганини билолмай ҳамон ҳайрон эди.

— Қишлоқда нима гаплар бор?

— Қишлоқ ўша-ўшалигича. Нимага келганимга ҳайрон бўляпсан-а. Сени хурсанд қилгани, сенга миннатдорчилик билдиргани келдим.

У шундай деди-ю, нимчасининг киссасидан уч бурчак иккита хат олди. Бирини Низомжонга узатар экан:

— Манавиниси сенга,— деди.

Низомжон хатни Каримжондан деб ўйлаган эди. Қараса акасидан. У қоронғи-зимистондан бирдан чиққан-дек ҳеч нарсани кўролмади қолди. Кўз олдида каттақон доира гир-гир айланаверди. Боши айланиб сўрига ўтириб қолганини ўзи ҳам сезмади.

— Нима, нима? Акамдан? Тирик эканми? Тирик эканми?..

Дилдор Ўзамжондан яқинда хат келгани, у хатда анча вақт қуршовда қолиб кетиб зўр жанглардан кейин қуршовни ёриб, ўз қўшинларимизга қўшилганини ёзиб, шу хатига тезда жавоб қайтаришларини сўраганини айтиб берди.

— Жавоб ёзди. Хатда уйда нима бўлган бўлса барини очиқ ёзди. Ҳеч нарсани яширмади. Сенинг кетиб қолганингни ҳам, даданг билан Рисолат опанинг қилган ишларини ҳам ёзди. Кеча, мана, хатимга жавоб келди. Ичига сенга ҳам хат солиб қўйган экан. Уқи!

Низомжон шошиб хатни ўқий бошлади:

«Низомжон, ука!

Мен соғмаш. Аҳволларингни Дилдор ёзган хатдан билдим. Мен сени шу пайтгача эсини танимаган бола, деб юрардим. Мени кечир, ука. Кўп савдолар бошимдан ўтди. Урушдим, яраландим, яна урушдим, яна яраландим. Госпиталь койкасида шифтга қараб ётиб бутун кўрган-кечирганларимни ўйладим. Мендан койима, сенга озор берганимни ўзим билмайман. Энди кўзим очилди. Уйлаб қарасам, тарбияга қонмаган бола эканман. Биласанми, ҳамманинг айвонига қалдирғоч уя қуриб бола очарди-ю, бизнинг айвонимиз шифтига ҳатто мўмин-лақма мусича ҳам уя қурмасди. Бу уйга дадамдан бошқа ҳеч ким сиғмайди. Сен ҳам кетибсан. Дилдор ҳам кетибди. Шундай бўлиши керак ҳам эди.

Дадам билан опам қилган юзсизликларни Дилдор хатида ёзибди. Агар сен дадам билан опанинг гапига

кирганинга, билмадим, аҳволим нима бўларди? Агар сен ҳам мен қилган хатони такрорлаганинга бир-бириниз билан юз кўрмас бўлиб кетардик. Дилдор ҳам, болам ҳам бегона бўларди. Эси бор бола экансан. Раҳмат, ука. Найманга кетиб қолган эмишсан. Майли, қайда бўлсанг омон бўл. Уз бахтингни ўзинг топ. Ҳозир госпиталдаман. Соғайиб яна жангга кираман. Бахтимга сен омон бўл, ука. Борсам бу қилган яхшиликларинг учун бошимга кўтараман...»

Низомжон хатни ўқирди-ю, кўзларидан юм-юм ёш оқарди. У хатни тиззасига қўйиб, бир муддат қимирламай тўқайга тикилганича туриб қолди. Майсада эмаклаб юрган бола унинг оёғига осилди. Низомжон бир сесканди. Шошиб энгашиб болани қўлига олди-да, у юздан, бу юздан чўпиллатиб ўпа бошлади.

— Даданг билан опанг уйга олиб кетаман, деб келишди. Бормадим.

Низомжон нима дейишини билмай унинг бетига қаради.

Дилдор ҳамон чиройли эди. Бола туғиб яна очилиб, тўлишиб кетибди. Бу гал Низомжон унинг бетига, қома тига ҳирс, ҳис билан эмас, аллақандай меҳр билан қаради. У ортиқча хотираларга берилишдан сақланиш учун Дилдорни гапга тутди.

— Тирикчилигинг, тирикчилигингиз қалай? Қийналмаяпсизми? Қийналаётган бўлсангиз айтинг.

— Қийналаётганим йўқ. Болам катта бўлиб қолди. Ишга чиқяпман. Асрора фронтга совға-салом олиб бораётган делегатлар билан кетди. Асроранинг ўрнига вақтинча звено бошлиғи қилишди. Дадам соғайиб кетдилар. Опанг билан даданг у бечоранинг ўлимини кўп кутишди. Опанг даданинг бисоти кўп, деб ўйлайди. Улар ўйлаган бойлик йўқ бизда.

Низомжон: «Дилдор Асроранинг ўрнига вақтинча бўлса ҳам лойиқ топилибди, демак, дуруст ишлаётган экан-да! Дилдор бир иш қилса астойдил қилади. Акамнинг гапи тўғри. Бизнинг уйда мусича ёлчимайди-ю, Дилдор ёлчирмиди. Яна озроқ уйда турганида одамгарчиликдан чиқарди. Кетгани дуруст бўлган экан. Яна сафга, тенгдошларининг сафига кирипти. Акамнинг дарағи чиқиши ҳам унга қанот бўпти»,— деб ўйлади.

Шу пайт Зебихон тўр саватда ҳандалак, бодринг олиб ўтаётган эди, Низомжон уни тўхтатди:

— Зебихон, баққа келинг, танишиб қўйинг, Дилдор билан.

Зебихон кслиб қўлидагиларини сўрига қўйди-да, Дилдор билан кўришди.

Дилдор унга ажабланиб қаради-да, кулиб юборди. Унинг кулгисидан хижолат бўлган Зебихон қошларини чимирди.

— Сизни бошқача ўйлардим.

— Қанақа ўйлардингиз?

— Бошқача деб тушунтиришган эди.

Низомжон гапга аралашди.

— Агар опам тушунтирган бўлса, алвасти қилиб тушунтиргандир-да.

Дилдор хахолаб кулиб юборди.

— Жудаям унчалик бўлмаса ҳам ҳар қалай ундан сал берироқ қилиб тушунтирган эди.

— Алвасти бўлмаса ҳам, ажнна, деб тушунтиргандирлар-да.

— Топдингиз, топдингиз.

Кулги баҳона улар орасидаги бегоналик нари кетгандек бўлди.

Тўланбой елкасида кетмон билан кслиб қолди. У Низомжонни кўриб қовоғини солди.

— Қанақа беғам боласан. Икромжон тонг қоронгисида тўқайга кириб кетганича ҳали ҳам дараги йўқ. Бирон жойда йиқилиб қолган бўлмасин. Бир қараб қўйиш керак эди.

Низомжон эрталаб ҳам Икромжон амакини кўрмаган эди. Кечаси кеч ётган, кеч уйғонган эди. У уйғонганда Икромжон ўрнида йўқ эди. Низомжоннинг юрагини ваҳм босди.

— Зебихон, Дилдорга у ёқ-бу ёқни кўрсатиб туруннг, Икромжон амакидан бир хабар олиб келай.

У шундай деди-ю, югурганича тўқай тарафга қараб кетди...

* * *

Икромжон Турсунбойни учратган кундан бери тинчини йўқотган эди. Боласи экан-да, аҳволи нима бўлди, деб ўйладди. Унинг қилмишларини эслаб қаҳр-ғазаб ичида қовурилганди. У ўша кундан бери тўқай кезиб уни

излайди. Тополмайди. У энди Турсунбойни учратса, унинг дилига инсоф солмоқчи, афв сўратмоқчи. Жангга юборишларини, қонли урушда доғни ювишни сўрашга унатмоқчи.

У бу тонг ҳам тўқайга қараб кетди. Бу гал у милтиқ олмади. Оталик журъати билан уни кўндиришни ният қилган эди.

Ғира-шира тонг ёришиб келаётган эди. Икромжон қамишлар орасида узоқ кездди. Овоз чиқариб ўглини чақирди. Ҳеч қайдан жавоб бўлмади.

Бирдан қамиш қапага кўзи тушиб тўхтади. Секки бориб қапа ичига мўралади. Турсунбой тўзиб кетган тўнни бошига қўйиб қимирламай ётарди. Икромжон ажиб бир ҳаяжон билан тепасига келди. Энгашиб:

— Болам, болам,— деб чақирди.

Аммо Турсунбой жавоб бермади. У ота дийдоридан, сна меҳридан, ёр-биродарлар даврасидан олинса, чақирса овоз етмайдиган жойда қувғин бўлиб оламдан ўтган эди.

Икромжон совуқ танани бағрига босиб, қотиб қолган елкаларидан силлади. Пешоналаридан ўпди. Унинг кўз ёшлари Турсунбойнинг муздек совуқ юзларини ювди. Икромжон кимсасиз тўқай орасида аламларини, ичيني куйдирган дардларини танидан чиқариб юборгудек бўлиб ўкириб-ўкириб йиғларди.

Турсунбойнинг бари қилмишлари энди жонни билан бирга таини тарк қилган эди. Энди у ёлғиз тана бўлиб ота бағрида қолган эди. Энди бу тана отаники эди. У ёшлик пайтларидагидек беозор ухлаётганга ўхшарди. Юзлари норасида юзидек пок эди унинг. Йиғирма бир йил ардоқлаб боққан, шамолни раво кўрмай жонига ўраб ўстирган боласи хоинликдан, қўрқоқликдан, она олдидаги ҳеч қачон ювиб бўлмайдиган гуноҳлардан пок бўлолмай, ота қучоғида бегонадек ётарди.

Икромжон йиғлади, йиғлади, йиғидан кўз ёшлари қуриди. Боласининг бошига хашак тўплаб ёстиқ қилдида, уни аста ерга ётқизди.

Атрофда офтоб яшнаяпти. Янги попук чиқазган қамишлар ел билан ўйнашяпти. Осмони заминда қайчига ўхшаб турна карвони қўй ҳайдаган чўпондек қурелаб ўтяпти? Осмон шу қадар сўнгсизми? Унинг ортида нималар бор? Бу зангори йўл қай томонга олиб боради? Қизиқ! Турналар қайга учаётганини?

Икромжон телбага ўхшаб то турналар уфққа сингиб кетгунча қараб турди. Бирдан сескаиниб яна ерда ётган боласига қаради. Тўнини ечиб устига ёпти-да, бир тиззалаб чўкка тушди-ю, қўлтиқтаёғи билан ер ўя бошлади.

У ўғлига, ягона ўғлига гўр қазирди.

Боласи уйда умрини яшаб ўлса бўлмасмиди? Юрт иззат билан уни сўнгги йўлга кузатарди. Одамлар давра қуриб кўз ёш тўкиб қабрга қўярди. Энди у тўқайдан чиқолмай, шармандалик, юзи қоралик билан жон берди. Унинг гўри ҳам бошқаларникига ўхшамасди. Гўри кетмон билан эмас, қўлтиқтаёқ билан қазиларди.

Икромжон ҳам алам, ҳам нафрат билан гўр қазирди. Баҳор селлари мағзи-мағзига синган ер қўлтиқтаёқ учига бир кафтдан илиниб чиқарди. Икромжон қора терга тушиб кетди. У қабрни тизза бўйи қазиганда ҳали офтоб ўчмаганди. У қаддини ростлаб яна осмонга қаради. Осмон тоза. Унда на қуш учар, на булут сузарди. Ёнига қаради. Унинг чопони тагида Турсунбой ётарди. Икромжон бир дам унга ҳасратли боқиб турди-да, яна ер ўйишга тушиб кетди.

Офтоб сўнди, уфқда қип-қизил шафақ ёнди. Қамишлар учи ўчаётган шам сўхтасига ўхшаб қолди. Икромжон қабрдан чиқиб терлаб турган танидан яктагини ечди-да, Турсунбойини ўради. Аллақандай ғайри табиий куч билан уни икки қўллаб кўтарди-да, бир тиззалаб сурилиб қабр олдига келтирди.

Чўл устини аста қоронғилик босиб келаётган ёз оқшомида ота ўз боласини шонсиз, шарафсиз, маросимсиз қабрга қўйди. Лой аралаш тупроқ тортиди.

Ой синган қизил лагандек бўлиб бўзариб чиқди. У секин-секин ҳаволаниб терак бўйи кўтарилди-да, қимирламай осилиб қолди. Бирини кетин юлдузлар кўзи равшанлана бошлади. Осмони замида арава орқасидан кўтарилган тўзондек бўлиб сомончи йўли кўринди.

Икромжон қабр тепасидан кетолмади. Ҳар гал ўридан туриб кетмоқчи бўларди-да, яна фарёд уриб ўзини қабр устига отарди.

Ой ёритиб турган тўқай яланглигида Икромжон қабрни қучоқлаб ётаркан, кимдир унинг елкасидан кўтарди.

— Дада, дада, туринг, кетамиз.

Низомжон кўпдан бери унинг аҳволини кузатиб турарди. Фарёдига чидаёлмай охири зўрлаб бўлса ҳам олиб кетишга аҳд қилган эди.

— Юринг, юринг, кетамиз. Энди бас. Кетайлик.

Икромжон бош кўтариб унга қаради. Ҳеч нарса демай судралиб бориб қўлтиқтаёғини олди-да, чайқала-чайқала олдинга тушиб кетаверди.

То тўқайдан чиқишгунча ҳам улар бир-бирларига чурқ этиб оғиз очишмади.

Низомжон нима дея оларди?

Икромжон нима дея оларди?

Икромжоннинг бағрини куйдираётган алам бу поёнсиз тўқайларга, ой нури ожиз ёритиб турган сўнгсиз чўлларга сиғмасди...

Низомжон алламаҳалгача Икромжон амакни, Жаннат холани ўйлаб ухламай ётганидан эрталаб жуда кеч ўйғонди.

Чодир туйнугидан офтоб ўтиб, унинг думалоқ нури бордон устида пиёладаги чойдек қалқиб турарди. Икромжон ҳали ҳам пишиллаб ухляпти. Унинг бунақа одати йўқ эди.

Икромжон ҳамиша тонг ёришмай ўйғониб, бир тиззасини қучоқлаганича қимирламай ўтирарди. Нима бўлди? Низомжон бунинг сирини билади. У чарчаган. Ҳолдан тойган. Айниқса, кечаги даҳшатли ҳодиса уни оёқдан йиқаётган эди. Майли, ухласин. Мириқиб ухласин. Унга осонми?

Низомжон бордонни шитирлатмай оҳиста кийиниб чодирдан чиқди.

Осмонда қиттак ҳам булут йўқ. Шамол ҳам эсмайди. Бак тагидан кўтарилаётган кўм-кўк тутун буралмай тикка осмонга ўрляпти. Худди сўнгсиз осмонга кул ранг юшоқ устун тираб қўйганга ўхшайди.

Сўрида Тўланбой боласини ёнига ўтқизиб нималардир деяпти. Бола бурнини торта-торта кўзини ишқаб ҳиқиллайди. Тол тагида ўтирган Зебихон билан Дилдор қотиб-қотиб кулишарди.

Низомжон улар олдига ювуқсиз боришдан андиша қилиб кружкада сув олиб чодир орқасига ўтиб кетди-да, белбоғига артина-артина сўрига яқинлашди.

— Нима гап, нимага йиғлаяпти бу?— деди Низомжон Тўланбойга.

— Сўрама, божа. Жиянингни бирпас кўтарган эдим, пақ манави қиёмат қилворди. Қизғанияпти.

Низомжон болага қараб илжайиб қўйди.

— Йиғлама, ўғлим. Уруш тамом бўлганда Низом поччанг бир дўппи ҳолва олиб беради. Маза қиласан. Эртага ўзим сенга битта вайвоякнинг боласини тутиб бераман.

Боланинг кўзлари яшнаб кетди.

— Уруш қачон тамом бўлади?

— Яқинда тамом бўлади. Аскарликка кетганларнинг ҳаммаси ҳолва олиб келишади. Ҳу, бир марта сенга иккита печини берган эдим-ку, ўшанақа печинедан анча олиб келишадди. Менам ейман, сенам ейсан.

Бола Дилдорнинг қўлидаги ўғлига ўқрайиб қараб қўйди.

— Унга бермаймиз-а.

— Озгина берамиз. Бўптимиз?

Низомжон ота-боланинг гапларига кула-кула тол тагига қараб кетди. Дилдорнинг қўлидан жиянини олиб осмонга ташлаб ўйнатди.

Тўланбойнинг хотини дастурхон ёзиб, чой дамлаб келди. Тўланбой қўлини ювиб юқорига чиқаркан, у ёқ-бу ёққа қараб олди.

— Амакнинг кўринмайди. Далага чиқиб кетганми?

— Йўқ, ухлаяптилар.

— Э, уйготмайсанми. Фафлат босиб ётаверадими.

— Майли, ухласинлар.

— Ҳализамон.. Тога келиб қоладилар. Уйготиб чиқ.

Низомжон ўрнидан туришга туриб қўйди-ку, уни қандоқ қилиб уйғотиш кераклигини билмай ўйланиб қолди. Кейин болани қўлига олиб чодир ичига кириб кетди.

Икромжон ҳамон ухларди. Низомжон болани унинг ёстиғига ўтқазиб қўйди. Бола Икромжон ҳар пишиллаганида қимирлаётган мўйловига қараб турди-да, бирдан икки қўли билан ушлаб тортди. Икромжон чўчиб кўзини очди.

Аввалига ҳайрон бўлиб болага қараб турди-ю, кейин илжайиб ўзи унга мўйловини тутиб берди. Бола мўйловидан, қулоғидан тортиб роса қийқириб ўйин қилди.

Икромжон бошини кўтариб, болани худди укпарни

ушлаётгандек авайлаб кўлига кўтарди-да, сурилиб кўлтиқтаёгини олди.

Низомжон уларга қараб қимирламай турарди. Икромжон болани бағрига босганича ташқарига чиқди.

Дилдорнинг чўлга келганига икки кун бўлган бўлса, шу икки кундан бери унинг боласи каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам эрмаги бўлиб қолган эди. Тўланбойнинг ўғли бу ердагиларнинг меҳрини шу бола олиб қўяётгандек ҳамон дадасининг пинжига кириб, унга хўмрайиб қараб турарди.

Икромжон сўрига ўтираркан, болани тўнига яхшлаб ўраб олди-да, афсуслангандек деди:

— Сенга берадиган биронта қанд ҳам йўқ.

Тўланбойнинг пинжига тиқилиб ўтирган бола секин суғурилиб чиқди-да, Икромжоннинг толга тираб қўйган кўлтиқтаёгини олиб қочди.

— Мана бўлмасам, мана бўлмасам.— Бола шундай деб қочаркан, чодир олдига етганда уни от қилиб миниб олди.— Чу, ҳа, чу!

Ҳамма баробар кулиб юборди.

Тўланбойнинг хотини унга мушт ўқталди. Бола тилини чиқариб масхара қилди.

— Бу ўлгур ҳаммани ўзиники қилиб олган эди-да, Ичи куйиб кетяпти.

Тўланбой одати бўйича салмоқланиб гап бошлади:

— Э, хотин, сен буни айтасан, бу бола-ку. Мен капкатта, лўмбоздек пайтимда, акам уйланганда уни келиндан қизғонганман. Тўйда, чимилдиққа келин-куёв олдига кириб олиб эрталабгача чиқмаганман. Акам раҳматлик чимчилайвериб сонимни моматалоқ қилиб юборган. Ухлаб қолганимда янгалар айвоғга опчиқиб қўйишипти. Эртасига ҳам кирмоқчи эдим, дадам бир шапалоқ урганлар. Ушанда келин аямни бир ойгача ёмон кўриб юрганман.

Бу гап ҳаммадан ҳам Икромжонга таъсир қилди. Кулавериб кўзлари ёшланиб кетди. Тўланбойнинг хотини ўпкали оҳангда деди:

— Гапингиз қурсин, қаёқдаги бўлмаган гапларни тўқийсиз.

— Э, рост, хотин, рост. Самовардаги акамнинг улфатлари мени гапга солишарди. Акам келин аямни

қанча ўпганини точний айтиб берардим. Қип-қизил жинни эканман.

— Жинниликка жинни эдинг. Жуда шум эдинг, Тўлан. Эсингда борми, ҳамма сендан безор эди. Кўп расво ишлар қилардинг. Бир кун нима қипти, денг. Масжидга кириб тахорат обдасталарга бир ҳовучдан қалампир ташлаб чиқипти. Кечқурун масжидда қиёмат бўлиб кетди. Сўфи дод дейди, домла имом дод дейди. Намозхонларнинг биронтаси ерга ўтиролмайди. Масжидни бошга кўтариб бақириб у ёқдан-бу ёққа югуришади.

Тўланбой думалаб-думалаб кулди.

— Ушаида бировга айтмагансан-а, Икром. Маладес одамсан.

— Шу болаиғ ҳам ўзингга ўхшаган чиқадиганга ўхшайди.

Тўланбой керилиб кулди.

— Ўзимга ўхшамаганига қўймайман ҳам-да. Бунини ўзим туққанман.

Кулги, ҳазил билан ношушта ҳам тугади. Низомжон чодир орқасида қўлтиқтаёқни от қилиб миниб юрган болани тўқайгача қувиб бориб таёқни олиб келди.

Ҳамма ўз ишига қараб кетди. Ҳамма кетди-ю, Икромжон болага алаҳсиб ўтираверди. Охири Дилдор келиб болани олди.

— Амаки, бера қолинг, сизни чарчатиб қўяди. Бу васнига ўрганиб қолган-да, ишга кетганимда дадам билан қолади. Соқоли бор кишини кўрса ўзини отаверди.

Дилдор уни олиб кетаётибди ҳамки, у калласини қийшайтириб Икромжонга қараб қийқиради. У ҳар қийқирганда лабларидан сўлак оқиб, оғзи бир тарафга қийшайиб кетади.

Икромжон тўнини тузатмоқчи бўлган эди, кўпдан унутилган, аммо қадрдон бир ҳид димоғига урилди.

Бу она сути, мурғак бола ҳиди эди. Бу ҳид яшариб келаётган олам, отаётган тонг, эрта кўкламда қирдан келадиган илиқ шабада, янги новда қўйган тол пўстлоғи, тош урилиб тушаётган сув тўзони, ёмғирдан кейин чарақлаган офтоб ҳидига ўхшарди.

Икромжон бир дам кўзларини юмди-ю, ҳузур қилиб нафас олди.

Боятдан бери тол шоҳида чуғурлашаётган чумчуқлар гурр этиб дастурхонга ёпирилди.

Чодир ичидан бола йиғиси келди. Икромжон беҳтиёр ўрнидан турди-ю, ўша тарафга юра бошлади. Дилдор бола кўтариб чиқди. Бола йиғидан тухтаб Икромжонга талпинди.

Икромжоннинг юзларида, кўзларида бир чиройли табассум порлаб кетди.

ХОТИМА

Инсон боласи не кунларни кўрмайди?!

Ҳар бир одам ўз гами билан бўлса, ҳаётдан кўз юмиб кетганларга умр бўйи мотам тутиб ўтса, бу моддий олам шу кунларга етолармиди?

Ҳаёт тўлқини ожизларни қирғоққа ирғитиб ташлайди. Оқимга қарши суза олганлар, тўлқинни эгарлаганларгина эртанги кунга етиб келади.

Ер куррасида чумолидек меҳнат қилаётганлардан кўра, тупроқ тагида ётганлар кўп. Ер қатлами одам суякларига тўлиб кетган.

Аmmo ҳеч бир инсон оёқ тагига қараб яшамайди. Олис уфқларни мўлжалга олиб йўл юради. Уни ҳамиша эртанги кун, яшаш, ёшариш, яратиш иштиёқи оёққа турғизган.

Инсон кўзидан оққан ёшларни жамласа уммонлар пайдо бўларди. Бу уммонлар жаҳонни фарқ қиларди.

Ерни кўз ёши эмас, пешона тери яшнатган.

Инсоннинг ҳаётдан илинжи кўп. Ноумид шайтон, дейдилар. Кўнгилга тасалли берувчи, одамни ҳамиша оёққа турғизувчи, ўйлатувчи, курашга чорловчи чигил жумбоқлар кўп бу оламда.

Ҳаётнинг жами аччиқ-чучугини татиган, айрилиқларга фил бўлиб бардош берган Икромжон учун ҳаётнинг ҳам чигил, ҳам порлоқ саҳифалари бор эди.

Низомжон!

У Икромжонга ўғил бўлди. Унинг қўш қаноти бўлди. Икромжон бу бақувват қанотларда бургут парвози билан олис, нурдек тиниқ, беғубор уфқларга уча олади.

Бу қанотлар уни ҳаётнинг янги манзилларига олиб боради...

Бугун ҳам ҳаво очиқ.

Низомжон билан Зебихон Дилдорни кузатиб арава изи тушган чўл бўйлаб кетишяпти.

Икромжон йўл бошида қўлтиқтаёғинга суяниб уларнинг орқасидан қараб қолди.

Уфқда уч нуқта қолди.

Бу—Низомжон, бу—Дилдор, бу—Зебихон.

Пардек енгил оппоқ булутлар чети ботаётган офтоб тўғида худди кимхоб парчасидек лов-лов ёнади. Икромжоннинг кўзларини қамаштиради. Ёнади, ёлқинланади.

Тошкент — Фарғона, 1964 йил

УЧИНЧИ КИТОБ

УФҚ БЎСАҒАСИДА

I

Горчаково станциясига одам сизмайди.

Вокзал олдидаги майдонда юзлаб юк машиналари. Чоллар, келинчаклар, ҳассага таяниб қолган кампирлар станция биноси тепасидаги радиокарнайга тикилишган. Фарғона, Марғилон, атроф қишлоқлардан келган машиналар тепасида гажак қўйган келинчаклар. Тўрт йил сандиқда ётавериб, куядори иси ўрнашиб қолган атласлар, бахмал ишмчалар, снёҳга бўялган дуррачалар офтобда анвойи ранг билан товланади.

Баҳор офтоби том-тошларни қиздиради. Ёноқларини, бўйинларини тер босган жувонлардан арзон атир, қалампирмунчоқ ҳиди келади.

Тўрт йил меҳнатдан узилмаган қўлларга узук ярашмагандек, билагузуклар бировникидек эриш туюлади. Ипак пайпоқ болдирларидан сидирлиб тушиб кетаётгандек. Туфлининг баланд пошнаси ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа қийшайиб кетади. Арқонда юрган дарбоздек йўлни мўлжалга олиб қадам босишади.

Дилдор ҳам шу ерда. У ўғлини кўтариб олган. Исикда тикилиш орасидан Низомжонни қидиради. Янги этикчаси оёғини сикқанидан бола ерга тушишга унамайди. Усти бордон билан ёпилган сўрида Иноят оқсоқол билан Рисолат ўтиришипти. Дилдор қайнатасининг олдига боргиси келмай берироқдан ўтиришга жой изларди. Шу пайт кимдир унинг икки кўзини беркитиб олди.

— Низом, Низомжон. Бўяди, қўйиб юбор, ўзи қўлим толиб турипти.

— Э, ўле, ҳали ҳам Низом деса, юрагинг тутдек

тўкилади-я, Менман.— Бу Асрора эди. Асрора унинг кўзларини бўшатиб, ҳиринглаб кулди.

Дилдор Асрорани уруш тугаган кундан бери кўрмаган эди. Бинойдек бўлиб қопти. Лабида қизил. Қизил суртишни ҳам эпполмапти. Памадани икки лунжигача суртворипти. Қора юзига упа унча ярашмапти.

— Упа суртишни ҳам боплабсан. Сал эви билан-да.

— Қўявер,— деди Асрора.— Бўлаверади. Нима қилиб батта турибсан. Юр, у ёққа борайлик.

Асрора Рисолатлар ўтирган сўрини кўрсатди. Дилдор қошларини чимирди.

— Қўй, ўша Жиноят ўлгурнинг олдига бораманми. Шатда ўтирамин.

— Бўлмаса Низом ўлгурни топиб келаман.

Асрора шундай деди-ю, одамлар орасига кириб йўқ бўлиб кетди. Дилдор унинг орқасидан қараб қоларкан, юзида, кўзнда аллақандай ҳавасга ўхшаш бир нима порлагандек бўлди. Асрора Қаримжоннинг келишини кутиб дунёдаги жами ташвишларни унутган, гаплари ҳам аллақандай пойма-пой, қилиқлари ўзига ярашмагандек, ерда юраётганга эмас, осмонда учиб юрганга ўхшарди. Қунига пардозини неча марта янгилар, қанақаки кийими бўлса ҳаммасини бир кунда кийиб, бир кунда ечарди.

Дилдор бўлса Аъзамжондан, йўлга чиқдим, деган телеграмма келган кунидан бошлаб уй йиғиштиради. Девор оқлайди, кир ювади. Кечаси болани ухлатиб иштикади. Аъзамжоннинг кийимларини Рисолат бермаган эди. Дилдорнинг ўзи елиб-югуриб тўн тикдирди, этик буюрттирди. Ҳозир тут тагидаги супага гилам солиб, хонтахта устига топган-тутганини териб, катта самоварга ўт ташлаб келган. Пиллага олган оқ шоҳини поёндоз қилиш учун дазмоллаб, айвон қозигига илиб қўйган. Айниқса, ўғли шошириб тинчитмайди. Соқовланиб, дадам келади, деб қўни-қўшниларга ҳаммадан олдин хабар бериб чиқди. Ҳозир ҳам ҳар паровоз қичқирганда «дадда», деб қийқиради.

Станцияга одам йиғилиб кетди. Шунча одам осмондан тушдимми, ердан чиқдимми, билиб бўлмасди. Шунча одам қаерда экан?

Дилдор шундай хаёллар билан банд экан, бирдан шовқин-сурон бўлиб кетди. Ҳамма перронга ёпирилди. Дилдор оломон орасига киролмай турган эди, одамлар

яна орқага қайтишди. Ҳамма ёқни шовқинга тўлдириб келган состав товар поезда экан. Тўхтамай ўтиб кетди.

Асрора билан Низомжон келди. Энди Асроранинг юзида бояги қувноқлик қолмаганди. У хомуш. Кўзлари намли. Нима бўлди?

Низомжон Дилдор билан сўрашиб, жиянини қўлига олди.

— Уҳў, катта йигит бўлиб қопсан-ку.

Дилдор ҳайрон бўлиб Асрорага қаради. У фикрланган қоғозни узатди. Телеграмма. Қаримжон Узоқ Шарқдан юборган эди. Ахир уруш тугаган бўлса, Қаримжон Узоқ Шарқда нима қилиб юрибди?

Радиокарнай гирллаб туриб бирдан гапира бошлади.

— Поезд биринчи йўлдан келади. Тартиб сақлашларингизни сўраймиз.

Паровознинг кучли қичқирғи радио товушини босиб кетди. Тўғонни бузган селдек одамлар перронга оқа бошлади. Бир қўлида жияни, бир қўли билан Дилдорни судраб Низомжон ҳам ўша тарафга югура бошлади.

Вагон томларида ҳам одам. Деразалардан ярим белигача чиқазган майкачан йигитлар қичқаришади. Паровоз, вагонларга гул илиниб қолган. Поезд Тошкентдан чиққандан бери йўл-йўлакай разъезд, ҳар станцияда вагонларга гул отаверишган эди.

Ҳамма перронда. Фақат Асрорагина вокзал майдо-нида ёлғиз қолган. У билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ҳамма ўз жигарини қидиради. Иноят оқсоқол ҳассаси билан одамларни туртиб, вагондан вагонга югуради. Энг охирги вагон эшигидан Аъзамжон кўринди. У паровоз тўхтамаёқ ўзини ерга отди. Биринчи бўлиб уни Рисолат бағрига босди. Оқсоқол ҳам етиб келди. У кўзида ёш билан ўглининг пешонасидан ўпди-да, ҳассасини ерга ташлаб, уни қучоқлаб олди. Чол йиғларди. Аъзамжон ота бағридан чиқиб жавдираб Дилдорни қидирарди. Дилдор уларга яқин қолганда ҳамон қўлидан судраб келаётган Низомжонни бир силтаб, қўлини бўшатди-да, орқада қолди. Тўхтади. Низомжон акасининг бўйнига осилди. Аъзамжон у билан шошиб кўришди-ю, ўглини кўтариб олиб, чўпиллатиб ўпаверди. Дилдор яқин бормади. У Рисолат олдида, бошига шунча кўрғиликлар солган Оқсоқол олдида эрининг бўйни-

га осилишни истамасди. Аъзамжон Дилдорга кўзи тушди-ю, болани бағридан қўйиб юбормай унга қараб юра бошлади. Оқсоқол унинг бу ҳаракатини совуқ кузатиб қолди. Дилдор эрининг бўйнига осилмади ҳам, йиғламади ҳам. Унинг ўнг елкасига қўлини ташлаб омонлашди, холос.

— Тинч-омонмисан, Дилдор?— деди Аъзамжон.

У шундай дерди-ю, овози титрарди. Дилдор бош ирғаб жавоб қилди. Поезд юздан ортиқ жангчини олиб келган эди. Кўкраклари орден ва медалларга тўлган андиджонлик, наманганлик йиғитлар вагон ойнасидан ўз ота-оналари билан топишган қуролдошларига завқ билан тикилишарди. Сал ўтмай улар ҳам ўз жигарлари, ёр-биродарлари билан шу хил топишишларини ўйлаб энтикишарди.

Оқсоқол олдинга тушиб йўл бошлади. Майдонга чиқишди. Шундагина Дилдор Асрорани эслади. У ёқ-бу ёққа аланглади. У йўқ эди. Дилдорнинг юраги «жиз» этиб кетди.

Чортеракдан келган машина уларни кутиб турарди. Оқсоқолни кабинага ўтқазишди. Рисолат, Аъзамжон, Дилдор юқорига чиқишди.

Марғилонга олиб борадиган йўл гавжум эди. Кўчаларда одам сероб. Дарахтлар, эшик тепаларига байроқлар тикилган. Кетма-кет ўтаётган машиналар то кўздан йўқолгунча кўчадагилар қараб қолишади. Бирининг кўзида ёш, бирининг юзида табассум. Ҳар бир учраган кишининг юзига, кўзига қараб, дилида нима борлигини билиб олиш мумкин эди. Қора хат бағрини куйдирган, қаддини буккан чоллар, кампирлар кўзда ёш билан боқишарди.

Оқсоқол Марғилон бозори дарвозаси олдида машинани тўхтатиб, шошиб ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай эски халтасини кўтариб қайтиб чиқди.

Рисолат станциядан чиққандан бери пичинг қилиб Дилдорни тишлаб-тишлаб олишни пойларди. Дадаси бозорга кириб кетганда Рисолат наштарини қаттиқроқ санчди.

— Одамларга ҳайронман, йил—ўн нкки ой қорасини кўрсатмай бугун пайдо бўлиб қолди. Эр ширин-да, эр. Дилдор зарда билан ўгирилди.

— Менга тегизиб айтаётган бўлсангиз керак-а?

— Яхши одам ўзи билиб олаверади.

Дилдор сал паст келди.

— Қўйинг, опа. Шундоқ яхши кунни зимистон қилманг.

Аъзамжон нима гаплигини билмай опасига қаради.

— Опа, нима қиялпсизлар?

— Сен аралашма! Сеннинг гаплардан хабаринг йўк. Бу манжалақни билан икки оғиз гаплашиб қўядиган пайт келди.

Дилдор шунча бўлиб ўтган гапларни орқага ташлаб, эрининг уйига бориб ҳар қанча аччиқ гапни ютиб кечгача келди-кетдини кутмоқчи эди. Мана, ҳали маҳалласига етмаёқ турткилашяпти. Бунақа бўладиган бўлса бормаганиям маъқул.

Машина Чортеракка қараб йўл олди. Узоқдан қишлоқ иморатлари кўрина бошлади. Дўнгдан ўтишди. Йўл иккига айрилади. Дилдор кабина томини шапиллатиб ура бошлади. Шофёр тормоз бериб деразадан бош чиқарди.

— Нима гап?

— Бирпас тўхтап,— деди Дилдор.

У шундай деди-ю ерга гурс этиб сакради.

— Юринг, юринг, Аъзамжон ака. Уйимиз бу ёқда. Аъзамжон ҳайрон бўлди.

— Қаёққа?

— Билмайсизми? Ахир уйимиз аллақачон бўлак бўлган.

Рисолат шовқин солди.

— Қандоқ турқи совуқ хотинсан. Жигарни жигардан бегона қилмоқчимисан?— Дилдор жавоб қилмади. Рисолатнинг бетига қарашни ҳам хохламасди. Кабинадап Оқсоқол чиқди.

— Нима гап?

Рисолат бидирлаб кетди.

— Вой, бу тирноқни этдан жудо қилмоқчи. Асти қони кўшилмади бунинг.— Оқсоқол жанжалнинг маънисига тушуниб, мулоҳим гапга аралашди.

— Ахир, жон болам, қанча гина-кудуратинг бўлса, бафуржа гапирарсан. Бугун унақа қилма. Уйга борсин. Ундан кейин сен ҳам кўчингни олиб келасан. Мана эринг. Эр деган извошнинг олдинги гилдираги бўлса, хотин кейинги гилдираги.

Дилдор унга ҳам жавоб бермади. Оғирлик билан деди:

— Аъзамжон ака, уйингиздан бир умр қайтмас бўлиб чиқиб кетганман. Мен илгариги муштипар Дилдор эмасман. Ўз йўлимни топиб олдим. Агар болам десангиз, хотиним десангиз, юринг. Уйга борайлик.

Оқсоқол ўғлига бўри қараш қилди. Аъзамжон икки ўт орасида қолган эди. Нима қилсин? Ота сўзини қайтарсинми? Унинг Дилдорга ён босгулик ҳоли бор эди. Оқсоқол буни пайқаб қолди.

— Ичкуёв бўладиган болам йўқ. Номард йингит ичкуёв оўлади. Хотин зотининг уруғи Ҳпротдан келгани йўқ. Еш-ёш қизлар чолларга тегяпти. Ўзининг бозорга солма.

Дилдор яна Аъзамжонга қаради. Оқсоқол қатъий буюрди:

— Чиқ, машинага. Эр керак бўлса, ялиниб боради.

Аъзамжон бенхтиёр машинага интилди-ю, яна тўхтади. Энди Рисолат гапга аралашди.

— Укасига ўйнаш бўлган хотин хотин бўлармиди?

Аъзамжоннинг тишлари ғижирлаб кетди. Дилдор қалтиради, кўзларидан ўт чақнади. Шарт бурилди-ю, қўлидан болани юлиб олди-да, пилдираганча кетди. Низомжон ҳам ўзини ерга отди. Оқсоқол кабина эшигини қарсиллатиб ёпиб шофёрга:— Ҳайда,— деди.

Кабина тепасида Аъзамжон, Рисолат нотекис йўлдан чайқала-чайқала кетишаркан, Аъзамжон йўл ўртасида ҳайрон туриб қолган укасига, сертупроқ йўлдан орқасига қарамай пилдираб кетаётган Дилдорга қарарди.

Укасига ўйнаш бўлган хотин сўзи унинг йингитлик иззат-нафсига теккан эди. Унинг кўз олдида гўзал, вафодор Дилдор эмас, ҳаром, алвасти Дилдор сочларини ёзиб тургандек эди.

II

То уй остонасига стгунча бола «дада» деб Дилдорнинг сочларини тўзитиб, юзларини тимдалаб ташлади. Бола неча кунлардан бери сира кўрмаган дадасини кутарди. Унинг орзулари, хаёллари бир зумда шамолга учиб кетганини билмасди. Юлдуз погонли дада, юлдузли шапка кийган дада бир кўринди-ю, яна йўқ бўлди.

Бола уйга ҳам доллаб кирди. Ариқ бўйида кетмон юваётган Юнусали ота неварасининг бу хил товусидан

ҳайрон қолиб, кетмонни жойида қолдирганича эшикка чопди.

— Нима гап?

Дилдор жавоб бермади. Болани ерга қўйди, ўзини айвонга отиб, кулча бўлиб олди. Бола кўчага «дада» лаб югурди. Чол йўлакдан уни тутиб келди. Бола оёқларини типирчилатиб унга сўз бермасди.

Юнусали ота қизи бир нима демаган бўлса ҳам, унинг аҳволдан нима гап бўлганини билиб олган эди. Ота бир зум ўйланиб қолди. Энди невараси ҳам ҳурпаниб олган, қалтираётган бобосига, айвонда тўлғаниб ётган онасига қараб, бармогини оғзига солганича жавдираб турарди.

Охири Юнусали ота қизининг тепасига келди.

— Қўй, қизим, қўй. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Шундоқ бўлишини билган эдим. Аммо эринг уруш кўрди, мусофирчилик кўрди, йўлини топиб олгандир, деб ўйлаган эдим. Бўлмапти-да!

Дилдор бош кўтариб дадасига қарамади. Чол энди неварасига ўгирилди. У ҳамон қўлидан нуфаги учиб кетгандек ҳайрон хиқиллаб тўрибди.

— Қизим, майли. Болада нима айб, дадасининг олдига обориш керак. Ахир бола шўрлик уни қачондан бери кутади. Кутавериш кўзлари тўрт бўлди шўрликнинг.

Дилдор санчиб ўрнидан турди-ю, боласини қучоқлаб олди.

— Йўқ, йўқ. Бормайди, унга бермайман боламин. Ота босиқ туриб деди:

— Ундоқ ўйлама. Болапинг дилини вайрон қилма.

Бола яна хархаша қила бошлади.

— Дадамга, дадамга бораман.

— Ана кўрдингми. Ҳозир обораёй, бу кеча дадаси билан ётсин. Юпансин. Кўнглини синдирма гўдакнинг.

Дилдор боласини бағридан қўйиб юборди. Бола чопганича йўлакдан чиқиб кетди. Юнусали ота қизига бир дам қараб турди-да, оғир, юракда бир дунё алам билан неварасининг орқасидан кетди. Эшикка етганда тўхтади.

— Болам, қандоқ қиламиз, асли пешонанг шундоқ бўлса, пложимиз қанчал!

Дилдор ҳовлида ёлғиз қолди.

Ҳали офтоб ўчмаган. Боя Дилдор станцияга кетганида дадаси райҳонларга сув очиб, ҳовлини ёғ тушса

ялагудек қилиб супурибди, сув сепибди. Поёндозга оллинган оқ шоҳини дарвозахона устундаги калит владиган михга осиб қўйибди. Патнисдаги гуручни тозалабди. Ёнида кўз ойнаги, қоғозда бир кафтгина курмак... Самовар пракисига қоғоз кийдириб босиб қўйибди. Қозиқда янги тўн, тахтакачдан чиққан дўппи.

Буларнинг бари Аъзамжон учун эди.

Уч йилдан ошди. Дилдор бирон кунни рўшнолик билан ўтказмади. Ўтган ҳар бир кун унга алам, изтироб ташлаб кетарди. Мана шу ўтган аламли кунларнинг ниҳоясига етдим, энди бари унутилади, бари тушдек элас-элас эсда қолади, деб ўйлаган эди. Бугун ўтган аламли кунлар жам бўлиб унинг юрагини чангаллаб олди. Бутун орзуларини юлиб ташлади. Бу аламларга шу биргина Аъзамжон барҳам бериши керак эди. Дилдор замбарак оғзида бола очган чумчуқдек яшаб келганини билмаганди. Ўша замбарак энди отилди. Отилди-ю, унинг не-не машаққатлар билан тиклаган инини, рўзгорини кўкка совургандагина билди.

Дилдор аламини кўз ёшидан оларди. Йиғлади, йиғлади, охири кўзида ёш қолмади. Ҳолсизланиб айвон лабига ўтирди-да, атрофига телбадек назар ташлади. Атроф жимжит. Фақат олисдан чирманданинг тарақлагани, ёш-ялангнинг қийқириги эшитилади. Бу Аъзамжонлар уйида. Унинг келишига қишлоқнинг узоқ-яқинлари йиғилишган. У ерда ўйин-кулги. Бу тўйдан фақат Дилдор бенасиб, холос. Шу базм, бу қийқирриқлар бу ерда, мана шу ҳовлида бўлиши керак эди. Бўлмади. Нега?

Дала-тошни куйдирган саратон ҳароратини бағрига яширган ўша машъум тутзор, азамат йигитнинг паҳлавон кўксига бош қўйган қоқ туш палласи...

У кунлар Дилдорга катта бахт, туш каби ширин ҳаёт ваъда қилганди. Алданган қиз ҳамон ўша туш палласи ўзини унутган дақиқаларнинг дардини тортарди.

Аёл кишига вафо деган нарса қанчалар қимматга тушишини кўплар ҳали билмайди.

Дилдор ҳеч кимни қоралаёлмасди. Ҳаммасига биргина ўзим айблман, деб биларди. Агар у Низомжонга бевафолик қилмаганда бу кунлар бошига тушмасди. Аммо Низомжон қанчалар азоб чеккан бўлмасин, бир марта ҳам унинг юзига солмади. Охири Дилдор ўйинчоққа айланди. Уни эрининг укасига олиб бермоқчи бўл-

дилар. Бунга Дилдор қанчаллик қарши турмасин, бари-бир яна озгина куч билан рози бўлиши мумкин эди. Дилдор шунақа иродасиз эди. Бу гал ҳам уни Низомжон сақлаб қолди. Дилдор ҳар гал иродасизлик қилиб жар ёқасига бориб қоларди-ю, азобини Низомжон тортарди.

Ҳозир Дилдор боя станциядан қайтиб кслаётганларида ака билан унинг ўртасида қолган Низомжонни эслади. Низомжон мана шу Дилдор туфайли ўз уйдан, дадасидан, опасндан, акасидан жудо бўлди. Отаси уни оқ қилди. Нима учун? Ким учун? Албатта Дилдорнинг номусини сақлаб қолиш учун. Дилдор бир ўзини эмас, Низомжонни ҳам изтиробга солди. Наҳотки шуларнинг бари унинг кўзини очмаган бўлса?! Йўқ, Дилдор энди тавбасига таянди.

Остонада бола опичлаган дадаси кўринди. Бола ухлаб қолти. Дадаси уни авайлаб супага ётқизди-да, бир четга бориб ўтирди. Бошнини икки панжаси орасига олиб ухлагандек қимирламай қолди.

Олида ҳамон чирманда қарсиллайди. Маст йнгитларнинг қийқириғи, қарсак товушлари барала эшитилиб турибди. Дилдор ўзини қўлга олди. Дадасининг тепасига келиб аста шивирлади:

— Мени кечиринг, дада. Тавба қилдим. Қариганингизда мени деб ташвишга қолдингиз. Қўйинг, бир амаллаб кунимизни кўриб кетармиз.

Ота бош кўтарди. У қизига шундай қарадики, бу қараш гўё ҳеч нима бўлмагандек, шунчаки дам олиб ўтирган кишининг лоқайд қарашига ўхшарди.

— Жойингизга бориб ётнинг. Чарчагандирсиз.— Дилдор танидаги бутун оғирликни ташлагандек, енгил бориб эшик илгагини солиб келди. Чол ҳам ўрнига бориб ётди. Дилдор боласини ечинтириб ўрнига ётқизди. Боланинг чўнтагида отилган ўқнинг тўртта гильзаси. Қўйлагининг кўкрагида юлдуз.

Дилдор гильзаларни қўлига олиб тикилиб қолди. Балки бу Аъзамжоннинг душманга отган охириги ўқларининг гильзасидир. Аъзамжон душманга ўқ отиб, ўз хотинини яралагандек туюлди.

Бу кеча эри жангдан голиб қайтган хотиннинг уйида чироқ ёнмади. Тиқ этган товуш ҳам чиқмади. Қор учқунидек майда, совуқ юлдузчалар қора бахмал осмонда бирин-кетин милтираб қолди. Ёшлик, севги тўла балоғат

бишларини оқизиб кетган анҳор гувиллайди. Бу анҳор энди севги сирларини эмас, умрни олиб кетаётгандек нохуш, совуқ шовиллайди. Узоқ-узоқларда базмдан қайтган маст йнгитларнинг пойма-пой қўшиқлари эшитилиб қолади. Бу товушларнинг энди Дилдорга сира алоқаси йўқ. Аксинча, бу товушлар уни масхара қилаётгандек.

Бирдан эшик зарб билан тақиллади. Дилдор сесканиб кетди.

— Ким?

Кимдир йўталди. Маст бўлса керак, отга ўхшаб пишқирди.

— Мен, мен Аъзамман. Оч, Дилдор. Оч! Очсанг-чи! Дилдор елдек учиб эшикка югурди. Бирдан ҳовли ўртасида тўхтаб қолди.

Унинг юраги гупиллаб урар, бахтданми, чўчиганиданми ўзи ҳам билмасди.

— Дилдор, Дилдорим, оч!

Дилдордан садо чиқмади. Орқасига қайтиб яна супага ўтирмоқчи эди, эшик зарб билан тагин тарақлади.

Дилдор бу гал ҳеч иккиланмай эшик олдига борди.

— Нима дейсиз? Нима қиласиз мени?

— Оч, оч, Дилдорим! Дийдорингга бир тўяй.

Аёл қалбидек юмшоқ, ҳар нарсага осон кечирадиган қалб бўлмади. Йнглаб, ялиниб айрилган сўз ҳар қандай хотин қалбини эритмай қўймади.

Дилдор титраб кетди. Қўллари беихтиёр эшик ҳалқасига борди. Борди-ю, аллақандай куч қўлини ҳалқадан узиб олди.

Дилдорда қандайдир куч пайдо бўлди. Танидаги титроқ ҳам аллақайга ғойиб бўлди.

— Кетинг!

Дилдор бу гапни сира иккиланмай айтди. Уз товушининг қатъийлиги унга яна куч багишлагандек бўлди.

Аъзамжоннинг кайф аралаш уни писанд қилмагани ва айни вақтда ҳайратда қолганини ифода қиладиган товуши келди:

— Нима?!

Иккови ҳам жим қолишди. Салдан кейин Аъзамжон деди:

— Эсингни йиғ!

Дилдор индамади.

— Кейин пушаймон бўласан. Уртада боламиз бор.

Дилдор яна индамади.

Дилдорнинг юраги узилиб кетгандек бўлди. Аммо яна ўзини босди.

Сал ўтмай Аъзамжоннинг пиқиллаб йиғлагани эшитилди. Дилдор кучининг борича ўзини босишга уринди. Эрининг гапларидан таъсирланмаслик учун икки қўлоғини кафтлари орасига олди.

Аъзамжон анча пайтгача жим қолди. Тишлари гичирлади. Нималардир деб кимнидир сўкди. Кимни сўкаётганини Дилдор эшитмади. Охири Аъзамжон жаҳл билан эшикни тепди. Дилдор сал орқага чекинди-да, овозининг борича бутун қаҳру ғазабини йиғиб қичқирди:

— Кетинг! Кетинг! Кетинг!

Аъзамжон қаҳр билан деди:

— Уч талоқсан! Қўйдим!

Кўча тарафда нотекис ташланган қадам узоқлашди. Дилдор ҳамон қимирламай йўлакда турарди. У шу турганича қанча турганини билмасди. Супада ётган дадаси йўталди. Шундагина Дилдор эсини йиғиб орқасига қайтди. У супа ёнидан ўтиб кетаётганда чол бошини кўтарди.

— Тўғри қилдинг, болам. Шундоқ қилишинг керак эди.

Дилдор индамади. Бир оғиз гап айтгудек бўлса, томоғидан гап эмас, йиғи отилиб чиқиб кетарди. У ўзини тутди. Бироқ боласининг ёнига ётаркан, ўзини тутолмади. Ўксиб-ўксиб йиғлади. Кўз ёшларидан ёстиқ шалаббо бўлиб кетди.

Унинг аҳволини дадаси билиб ётарди.

Қай ота ўз боласининг бахтсизлигидан, азобидан бе-хабар қолади, дейсиз!

III

Низомжон йўл ўртасида анча туриб қолди.

Машина орқасидан чанг пуркаб зумда ғойиб бўлди. Аммо бола кўтарган Дилдорнинг шитоб билан ўрикзордан ўтиб сўқмоққа чиқиши, ҳали одам бўйи келмаган сариқ толлар орасидан кетиши унинг дилига аллақандай оғир, кўнгилни эзувчи бир мунг ташлаб кетган эди.

Низомжон шу ёшга кириб бIRON марта шодликка тўймаган эди. Бугун акаси ўлим жойидан омон келганда, уни соғинган. яримта бўлган оила бутун бўлган кунда, кўрган-кечирган азоблар унутилади, гина-кудурат ора-

дан кўтарилиб кетади, деб ўйлаган эди. Отасини, опасини шу шодлик баҳона кечирган эди. Аммо бу шодлик ҳам унга татимади.

Киндик қони тўкилган уй, она тобути лопиллаб чиққан остона ҳамниша уни бағрига чақирарди. Оқ қиллинган бўлса-да, қувилган бўлса-да, барибир бу уй унинг уйи эди.

Ҳеч бир бола ўз отасини, жигарларини ёмон деёлмайди. Ҳар қанча алам ўтган бўлса ҳам ичига ташлайди. Аламларини, азобларини кўкрагига кўмади. Низомжон ҳам барча аламларни кўксига кўмиб, акаси келадиган кун ҳеч нарса бўлмагандек қувилган остонадан ўйнаб-кулиб кириб келган эди.

Зум ўтмай у яна ўз уйига бегона бўлди қўйди.

Отаси бир оғиз бўлса-да, юр демади-я!

Рисолат бўлса унинг дилини вайрон қилиб Аъзамжонга: уканг хотинингнинг ўйнашин, деди.

Аъзамжон унга ёв бўлиб қаради.

Энди Низомжоннинг бу уйда қанақа илинжи бор? Ким бор, нимаси бор? Тамом!

Низомжон айрилиш йўлда нима қиларни билмай турарди.

Шу топда унинг дунёда ҳеч ким қолмаганди.

У аста жойидан қўзғалди. Жигар экан, аллақандай илинж уни уйи тарафга қаратди. Кўнглида ҳозир кимдир келиб қўлидан тортадигандек, уйига судрайдигандек бўларди. Шунинг учун ҳам у дадил қадам ташламас, узоқ кетиб қолса тополмай қолишадигандек туйиларди. У аста-аста қадам ташлаб анчагина нари кетиб қолди. Ҳеч ким уни излаб келмади. Чақирмади.

Низомжон оғир хўрсиниб қадамнинг тезлаштиради. Марғилон йўлига қараб нлдам юриб кетди. Гузардан ўтди. Йўл четларига харсанг ётқизилган кўчага бурилиши билан орқадан енгил оёқ товуши эшитиб ўгирилди. Брезент шиппақда енгил ер босиб Адолат келарди. Низомжон тўхтади. У ўз қиёфасининг қай аҳволдалигини энди билди. Адолатнинг ҳайрон бўлиб қараб турганидан билди.

— Нима бўлди?— деди чўчиб Адолат.

Низомжон жавобга оғиз очди-ю, няғи қимирлади холос. Томоғидан овоз чиқмади.

— Қўй, қўй, гапирма. Юр! Асрораларникига келяпсанми? Яхши қипсан. Юр.

Низомжоннинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. У бола бўлиб йиғламаган эди. Йиғлаганда ҳам кўз ёшини яширган эди. Ҳозир у ўзини тутолмади. Нега йиғлади?

Муттасил руҳий азоб чеккан одам ҳаминша янги зарбаларга чоғланиб турарди. Бутун асабини, кучини бошига ёғиладиган кулфатларини даф қилишга тайёрлаб туради. Ана шундай пайтда бир оғиз меҳрибон сўз, бир оғиз илиқ калима асаблар остида ётган кўз ёшини сиқиб олиб чиқади.

Низомжон ҳам шундай бўлди. Тақдирнинг неча йиллардан бери бошига солаётган бераҳм ўйинлари дийдасини қотириб қўйган эди. Шу содда, шу тўпори қишлоқ қизининг бир оғизгина сўзи уни она товушидек унутилган, унутилгану ғуборсизлиги, майинлиги, меҳрибонлиги билан бирдамгина гангитиб қўйган эди.

Низомжон қачонлардан бери ана шундай бир илиқ сўзнинг гадоси эди. Балки шу илиқ сўз унинг кўз милларига ёш тортиб чиқдимикин?

Остонага етишганда Адолат унга танбеҳ берди.

— Карим тўғрисида фиринг деб оғиз очмайсан.

Низомжон ҳайрон бўлди.

— Нега?

— Ҳали хабаринг йўқми? Каримдан хат келди. У ҳозир Манчжурия чегарасида турибди.

Низомжоннинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. У Манчжуриянинг қаердалигини билади. Наҳотки, яна уруш бўлса? Наҳотки, яна қон тўкиш, портлашлар...

— Менга қара,— деди Адолат.— Яхшиси, сен кирма. Ҳозир Асрора телбадан баттар бўлиб ўтирибди. Раис опа ҳам шу ерда бўлсалар керак. Сен кетавер.

Низомжон катта тош йўлга чиққандагина ўзининг қилган ишидан пушаймон бўлди. Нега Асроранинг олдинга кирмадим, нега икки оғиз илиқ сўз билан уни овутмадим, деб ўзини ўзи койинди.

Кўзига боя станцияда бир гапириб ўн кулиб юрган Асрора кўринди.

Чортеракда икки аламзада қолди. Зириллама йўлида дилга вайрон бўлган бир йигит ўз ёғига ўзи қовурилди борарди.

Низомжон Зирилламага келганда қош қорайиб қолган, симёғочларда энди чироқ ёна бошлаган эди. Сўриларда гурунглашиб ўтирган чойхўрларга бир-бир салом бериб Найманга кетадиган бирон манчина бормякин,

деб аланглаб турган эди, сартарошхона олдида этигипниг кўнжи устидан болдирини уқалаб ўтирган Умматали амакини кўриб тўхтади.

— Дадаини кўрдингми?— деди Умматали амаки.

Низомжон унинг гапидан, қишлоққа бориб дадангни кўриб келдингми, деган маъно англади. Ҳа, деди-ю, бошқа гап айтмай серрайиб туриб қолди.

— Кўрган бўлсанг яхши. Боя эшикка ўтиб кетган эди,— деди Умматали амаки.

Ана шундан кейингина у гап Икромжон тўғрисида эканини тушунди-ю, уйга шошилди.

Ҳовлида чироқ ёнган. Хайрият, Икромжон уйда экан.

Низомжон йўлакдан кириши билан ўчоқда милтираб турган чўққа тикилганча қимирламай ўтирган Икромжонни кўрди. Икромжон хаёлга чўмганидан унинг кирганини сезмади. У ҳамон юзини аста-секин кул босиб келаётган чўққа тикилганча қимирламасди.

Низомжоннинг уни кўрмаганига икки ҳафтача бўлиб қолганди. Тога кўр ичагини операция қилдиргандан кейин у вақтинча ранслик қилаётган эди. Ота-бола кам кўришишарди. Икромжон уйга келмай идорада ётиб юрарди. Овқатни ҳам самоварда ерди. Нима бўлиб бугун уйга келиб қопти.

Икромжоннинг ранги кетиб озиб қопти. Елкасига электр нури тушиб турганидан дўппи четидан кўришиб турган сочлари оппоқ бўлиб кетибди. Низомжоннинг кўнгли бузилиб кетди.

Низомжон йўталди. Икромжон бошини кўтариб унга бир оз тикилиб қолгандан кейингина, хаёлларидан бўшаб уни таниди.

— Келдингми, болам. Қаёқларда юрибсан?

Икромжон ёғоч оёгини ечиб қўйган экан, ерда ётган қўлтиқтаёгини олгунча Низомжон бориб тиз чўкиб бўйинига осилди.

— Оббо, тентагим-е, оббо тентагим-е.

Низомжоннинг ичидан олов отилиб келди-ю, томоғига келганда бу ёққа ўтолмай тикилиб қолди.

Икромжон уни бағридан бўшатиб бошини силади.

— Божангдан сўраган эдим. Чортеракка кетди, деди. Келдимми, аканг келдимми?

Низомжон зўрга, ҳа, дейди.

Икромжон бошқа гап сўрамади. Бўлиб ўтган гапга дарров тушуниди. Агар акаси келган бўлса бу бола нега

қайтиб келади? Отаси бир балони бошлаган. Хафа қилган. Акаси урушдан омон қайтиб келади-ю, кеч қоронғида укаси шунча йўл босиб қайтиб келадими? Бир бало бўлган.

Икромжон уни алаҳситмоқчи бўлди.

— Товоқпи олиб чиқ. Ош дамлаб қўйганман. Уч кундан бери йўқ эдим. Келиб ҳовли супурдим, уй йиғиштирдим. Жуда ивирсиб кетибди. Бир сиқимгина ош қилиб сузиб ейишга ҳайрон бўлиб ўтирган эдим. Келганинг жуда соз бўлди.

Икромжон супага келиб ўтирди. Шакароб тўғраб чинни устига битта кулчани қопқоқ қилиб ёпиб қўйган экан.

— Болам, ўзинг сузиб кел. Ота-бола бир ошхўрлик қилайлик.

Ош устида иккови ҳам бирон оғиз сўз айтишмади. Низомжоннинг томоғидан овқат ўтмаса ҳам Икромжоннинг иштаҳасини бузмаслик учун чимдиб олиб турди.

Чой устида Икромжоннинг ўзи гап очди.

— Сен айтмасанг ҳам авзойинг нима бўлганини айтиб турибди. Қўй, хафа бўлма. Икковимиз бир-биримиздан бешбаттар бадбахт одамлар эканмиз. Бунақа кунларни энди кўраётганимиз йўқ. Болам, кўнглингга келмасин-ку, даданг мазаси йўқ одам экан.

Низомжон бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб беришга мажбур бўлди.

Икромжон чой ҳўплаб ўтириб, гоҳ бошини сарак-сарак қилиб, гоҳ қошларини чимириб эшитарди.

— Сен-ку кушингни кўриб кетдинг. Мапа, яқинда да-да ҳам бўлиб қоласан. Дилдорга қийин бўпти. Қаёққа боради? Аёл кишининг кўзида ёш кўрсам асти чидамайман. Утли-шудли бўлса у ҳам йўлини топиб кетар. Ҳай, майли, супага жой қил. Ойдинда бир ухлайлик. Зап келдинг-да. Бир ўзим уйга сиғмайман. Худди ютвораман дейди. Шунинг учун ҳам ҳар ерларда ётиб юрибман. Хўш, Найманда ишлар қалай?

— Емонмас, ота. Бормаганингизга ҳам анча бўлиб қолди. Бир боринг.

— Тўланин кўргандим. Жуда ваҳима қилиб юборди. Ундоқ қилдик, бундоқ қилдик деб роса кўпирди.

— Ҳа, у кишига гап бўлса.

Икромжон чарчаган экан, ёстиққа бош қўйди-ю, ухлади қолди. Аммо Низомжонни ҳадеганда уйқу олавер-

мади. Кўзига Жаннат хола кўринаверди. Ҳали уйдан чоинак кўтариб чиқаётган, ҳали айвон лабида нягига қўлини тираб хаёл суриб ўтирган бўлаверди.

Шундоқ ҳовли ҳувиллаб қолди-я!

Танҳолик дардини тортаётган Икромжон уйига одам келиши билан тирилгандек бўлди. Одам тафтиши одам кўгаради дегандек, Низомжон келиб уй тўлиб қолгандек бўлди. Уйқуси ҳам жойига тушди.

Ана, у пиш-пиш ухлаётибди. Бу жуссаси кичкина, бир оёғини уруш узиб олган кишининг кўксига қанчалаб армонлари қолди. Қамишлари шигиллаб ётган тўқайда дўмбайган иккита қабрда унинг жигарлари ётибди. У ана шундай катта аламларга ҳам чидади.

Инсон боласидек сабр-қаноатлик ҳеч нарса бўлмас экан.

Низомжон бу азамат кишининг сабру бардошига қараб ўз дардларини унутди. Бу одам у учун каттакон бир мактабга ўхшарди. Унинг ҳар бир қадами, ҳар бир сўзи унга каттакон сабоқдек эди.

* * *

Низомжон қаттиқ чарчаган экан, бошига офтоб келганда уйғонди.

Икромжон амаки кўринмайди. Низомжон бош кўтариб у ёқ-бу ёққа аланглаб қулоқ солди. Чорбоғ тарафдан унинг йўталганини эшитиб, апил-тапил кийиниб чорбоққа чиқди. Икромжоннинг қўлида кетмон, кўпдан суғорилмай сувсаб кетган беҳиларга сув очяпти.

— Самоварга иккитагина тараша ташлаб қўйгин, болам.

Низомжон орқага қайтди. Самовар чўғи аллақачон кул бўлган, пашшага ўхшаб шигиллаб турибди. У силкиб кулини туширди-да, оташхонада қолган бир-икки чўғ устига кеча ош дамлаганда ўчоқ олдига суриб сув сепиб ўчирилган кўмирдан бир ҳовуч ташлади. Низомжон то бетини ювиб келгунча, самовар сурнай чалиб, дам ўтмай вақирлаб қайнаб кетди.

У сўрига жой тайёрлаб Икромжоннинг келишини кутиб ўтирди.

Ҳовли жимжит. Эркак киши қанчалик миришкөр бўлмасин ҳовли тутишни эпломас экан. Илгари бу ҳовли қандоқ ораста бўларди. Ҳамма нарса саранжом-сарништа. Деворлар нурапти. Баҳор жалалари туши-

риб юборган тарнов тагидан бўғот ўпирилибди. Райҳон, гултожнхўрозлар яшнаб турадиган гулзорда ўтган йили бел бўйи усган гиёҳлар қовжираганча ҳали ҳам турибди. Тагидан чиққанларни ҳам суғорилмаганидан саргайишга келти.

Кунгай тарафда икки уй, бир айвон. Икромжон бу уйни ўғлини уйлантириш учун қурдирган эди. Чорбоққа орқа ўгирган икки уй бир даҳлиз. Дарвозахона ёнида иккита кичик уй. Бу уйда Икромжон қиш кечалари алламаҳалгача ўртоқлари билан гаплашиб ўтирарди. Жаннат уларга чой ташиб чарчарди. Мана шунча уй бўш, ҳувиллаб ётибди. Икромжон ҳовлига ойда бир келса келади, келмаса йўқ. У бу ҳовлига хотинига аза тугиш учулгини келса керак. У ҳар келганида ҳамма хоналарга кирар, дераза четига ўтириб бу уйда бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир эслар, яна бошқасига кириб яна ўшандан қимирламай ўтирарди.

Жаннат унга шу ҳовлида тўққиз марта олам қувончига тенг бахт берди. Икромжон шу остонадан тўққиз марта бола кўтариб офтобдек ярқираб кирди. Саккиз марта қувончини кафанлаб шу остонадан олиб чиқиб тупроққа кўмиб келди. Унинг жами қувончу аламларини тенг бўлишган хотини қамишлар совуқ шовиллаган тўқай ёқасида якка қабр бўлиб ётибди. Унга шодликлар, туганмас бахт ваъда қилган ёлғизи одам оёғи етмаган чангалзорлар орасида ботқоқда қолиб кетди.

Бу одам шунча бола кўриб қум қисимлаган қўлдек бўшаб қолди.

Икромжон чорбоғдан чиқиб кетмонни ариққа ташлади-да, қўлини белбоғига арта-арта сўрига келиб ўтирди.

Низомжон унга чой қуйиб узатди.

— Дада, тунукани мойлатмаса бўлмас, нариги уйнинг томини ҳам шуватиш керак экан.

Икромжон қўл силтади.

— Нима қиласан? Мойлатиб нима қиласан?

Низомжон ҳайрон бўлди.

— Нураб кетяпти. Ўртоқларимни олиб келсам, икки кунда у ёқ-бу ёғини эплаштириб қўярдик.

— Ҳожати йўқ, болам. Ҳожати йўқ. Кечадан бери бир нарса кўнглимга келиб турибди. Тоғага айтсам, шу уйни олса. Болаларга боқча қилиб берсин. Сенга уй керакмас. Найманда уйнинг бор. Мен ҳар қайда ётиб юрадиган одамман.

У бир гапни айтолмай пешонаснини уқалаб нягини қашлади.

— Менинг болаларим яйрамади бу уйда. Бошқаларнинг боласи яйрасин, ҳеч бўлмаса.

Унинг бу товушида шунчалар ўкинч, шунчалар дард бор эдики, буни фақат Икромжоннинг кечмишидан хабардор одамгина сезиши мумкин эди. Низомжоннинг бағри ўртаниб кетди. Буйнига осилиб соқолларидан силагисн келди.

Ота-бола жимгина ўтириб чой ичишди-ю, Икромжон дарров ўрнидан тура қолди.

— Найманга кетасанми?— деди у Низомжоннинг бетига қарамай.

— Кетсам дейман. Юмушингиз йўқми?

— Майли, боравер. Бугун-эрта ўзим ҳам ўтиб қоларман.

Ота-бола эшикка қулф уриб кўчага чиқишди. Умматали тут тағида оёғини уқалаб ўтирарди.

— Яна оёқни уқалаб қопсан, ошна, нима бўлди?

— Бўлмаяпти. Бу кеча мижжа қоқмадим. Емон қийнаяпти. Идорадан телефон қилган эдим, 'болам боёқш Азизхон кечаси Фарғонадан доктор олиб келди. Чортоққа борсин деяпти. Бормасам бўлмайди. Болам бечорани яна овора қиладиган бўлдим. Ўзи обориб ташламоқчи. Тоганинг аҳволи қалай?

— Кеча борган эдим, яхши. Бир-икки кунда чиқиб қолар.

Умматали қолди. Ота-бола гузарда ажралашди. Икромжон идорага кириб кета туриб нимадир демоқчи бўлиб тўхтади, бир 'оз ўйланиб туриб яна эшикни очиб кириб кетди.

Найманга кетадиган машина бўлавермагандан Низомжон бетоқат бўлиб турган эди, идора орқасидаги саройдан темир бочка юклаган машина чиқди. Ҳамма ёғи мойга қоришган Тўланбой кузовда у ёқ-бу ёққа аланглаб киминдир қидирарди.

Тўланбойнинг хотини клуб олдидаги скамейкада тугун кўтариб ўтирган экан, машинага қўл кўтариб ўртага тушганда кўриб қолди. Тўланбой ўзини ерга олиб хотинининг қўлидаги тугунни олди.

Низомжон илдам юриб улар олдига борди. Эр-хотини уни кўриб ҳайрон бўлиб қолишди.

— Ҳа, нима қилиб юрибсан, божа? Қачон келдинг?
Қишлоғингга бордингми ўзи?

Низомжон бордим, деди-ю, бошқа гап айтмади.

— Келганинг яхши бўпти. Ҳозир ювиниб олай, бирга кетамиз.

Тўланбой толзор тарафга ўтиб кетди. Тўланбойнинг хотини тўйга кетаётгандек кийиниб олган, қўлида қўша-қўша тилла узук, қулоғида қашқар болдоқ. Тиззасидаги тоғорадан ҳали совумаган сомса ҳиди келиб турибди.

Зебихоннинг опаси кийинишни жуда ўрнига қўярди. Еши элликка яқинлашиб қолган бўлса ҳам юзида битта ажини йўқ. Шунча уруш йиллари ҳам қошидан ўсмани узмади. Эркаклар билан баробар шоли чопигида ҳам, ўтоғида ҳам—барибир қошида ўсма, юзида элик эди.

Тўланбой ҳам ўзига етарча табиатли киши. Бирон маҳал соқоли ўсганини ҳеч ким кўрмаган. Хуллас, эрхотин ишни ҳам, олифтагарчиликни ҳам ўрнига қўйишарди. Тўланбой бозор кунлари Марғилонга тушиб хотинига ярашадиган нарсаларни қидириб юрарди. Тўй-ҳашамга борадиган бўлса хотинининг кийинишига ҳам аралашарди. Уни кийма, буни кий, униси ярашмайди, бунисини кий.

IV

Дилдор азонлаб далага чиқиб кетган эди. Бола уйғониб яна дадамга бораман деб хархаша қила бошлади, чой ҳам ичмади. Юнусали ота уни кийинтириб кўчага олиб чиқиб кетаётганда Асрора келиб қолди.

У анча озиб қолган, кечаси билан йиғлаб чиққан бўлса керак, кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетибди.

У кеча бўлиб ўтган гаплардан хабардор бўлса керак, отадан ҳеч гап сўрамади. Дилдорнинг қаёққа кетганини сўради холос.

— Эрталаб азонлаб чиқиб кетган эди, болам.

Асрора индамай қайтиб чиқиб кетди. Юнусали ота ташвишда қолди. Қизи далага чиққан бўлса Асрора биларди. Қаёққа кетган бўлиши мумкин?

Ота эшикка қулф уриб болани опичлаганича идора тарафга кета бошлади. Катта йўлга бурилаётганда эшагига халачўп ниқтаб келаётган қудасига дуч келди.

Юнусали ота орадан шунча гаплар ўтиб унга бир оғиз бўлсин чурқ этиб гапирмаган эди. Энди ҳам гапирмоқчи эмас. Қудасининг феълини билади.

Одамзоднинг бировдан бир марта кўнгли қолмасин. Илтиш қийин бўлади. Иноят оқсоқолнинг, ўғлим Дилдор билан ўйнашиб қўйиб, зақундан қўрқиб уйланган, боласи ҳам ҳароми, деганини эшитган. У шу гапни эшитганда дунё кўзига қоронғи бўлиб кетган эди. Ота табиатан ювош одам бўлганидан шу гапни ҳам ична ютиб кетган эди. Бу гапни куёвим айтмаган-ку, деб индамай қўя қолган эди. Кечаги воқеа уни ўтсиз тутатиб юборди. Қизи билан баробар тортган азоблари, аламлари учун Оқсоқолни тишлаб-тишлаб олмоқчи бўлди. Дарров бу ниятдан қайтди. Аввал куёвим билан гаплашай, қани у нима дейди.

Юнусали ота қудасининг бетига ҳам қарамай, индамай ўтиб кетаётган эди, Оқсоқолнинг ўзи эшак нўхтасини тортиб тўхтади.

— Ҳа, қуда, болаларга қўшилиб аразлаб юрибсизми? Айб бўлади. Шундоқ болам ўлим оғзидан қайтиб келади-ю севиниш ўрнига тўрсайиб юриш сизга ярашмайди. Ахир Аъзам сизнинг ҳам болангиз. Юринг, уйга, болаларнинг олдида гаплашайлик. Нима қиласиз, гўдакни ота дийдоридан маҳрум қилиб.

Юнусали ота индамади. Бола ётсираб Оқсоқол олиб кетмоқчидай бувасининг орқасига бекиниб олди.

— Шундоқ бўлсин, қуда.

Оқсоқол шундай деди-ю, эшакка халачўп ниқтади. Эшак пилдираб ўтиб кетди. Юнусали ота қаёққа боришини билмай, ҳардамхаёл бўлиб тургандан кейин идора тарафга йўл олди.

Улар ёнидан гуриллаб ўтиб кетган юк машинаси сал нарига ўтиб тўхтади. Шофёр кабинадан тушиб чўнтагидан иккита қип-қизил олма чиқазди-да, боланинг қўлига бериб елкасига қоқди.

— Вой-бў, маладес бўп кетибсан-ку. Даданг мана-вунақа герой, фронтдан сенга нима олиб келди.

Бола кўкрагидаги юлдузни, иккита гильзани чўнтагидан олиб кўрсатди.

— Ия, маза қипсан-ку. Мениям шунақа герой дадам бўлса маза қилардим.

Шофёр уни эркалаб, машинасига яна ўтирди-ю, гуриллатиб ҳайдаб кетди.

Дадаси шаънига айтилган мақтовлардан бола қувониб кетди. Бувасининг олдига тушиб дадам манавунақа юради, дадам манавунақа чопади, деб у ёқдан-бу ёққа чопар, тўхтаб бувасига худди аскарлардек честь бериб қимирламай туриб қоларди. Юнусали ота неварасининг қилиқларини кўриб ич-ичидан эзилиб кетарди.

Наҳотки Дилдор эридан ажраб кетади. Унда бола нима бўлади? Ахир бу бола тили чиққандан бери дадасини йўқлайди, келишини кутиб йўл пойлайди. Йўқ нима бўлса ҳам уларнинг бошини бир жойга қовуштириб қўйиш керак. Ҳеч бўлмаса мана шу бола учун улар бирга яшашлари керак. Ҳар қанча оғирчиликка чидаб бирлашишлари керак.

Юнусали ота неварасини опичлаб Оқсоқолникига йўл олди. Кўприкнинг нарёғида ишқомга пояси кесиб олинган кекса тол ёнида Дилдор билан Аъзамжон турарди. Аъзамжон нимадир деб тинмай гапирарди. Дилдор ерга қараганча қимирламай турибди.

Юнусали ота тўхтади. Уларнинг гапларига халақит бермаслик учун ўрикзор тарафга бурилаётганда, невараси уларни кўриб қолди-ю, қийқириб юборди.

— Дада, да-аа-да!

Ота болани ерга қўйишга мажбур бўлди. Унинг ҳай-ҳайлашига қарамай бола пилдираганича улар тарафга учиб кетди.

— ~~Азимжон~~, Азимжон!

Бола орқасига қарамади. Зумда кўприкдан ўтиб дадасига отилди. Бўйнига осилиб фуражқасини олиб кийди.

Дада-боланинг бу ҳолатига ҳам ҳавас, ҳам ташвиш билан қараб турган Юнусали ота орқасига қайтиб кетди.

Аъзамжон Дилдорнинг кўнглини овламоқчи бўларди.

— Ахир ўйласанг-чи, Дилдор, дадам қариб қолган парса. Беш кунлиги борми, йўқми, нима қилай, ташлаб кетайми?

Дилдор индамасди.

— Узинг ғалати бўлиб қопсан. Ахир дадам билан опам сенга нима ёмонлик қилди? Уйим-жойим бўла туриб, қариб, ҳассага таяниб қолган дадамни ташлаб сеникига кўчиб кетайми? Бормайман. Хотин киши уйдан чиқиб кетади.

Аъзамжон эркаклик шаъни тўғрисида узоқ гапирди. Дилдор чурқ этмай, унинг бари гапларини эшитди.

— Мана шу. Бор гапим шу. Хоҳласанг шундоқ бўлади. Хоҳламасанг ўзинг биласан.

Дилдор бошини кўтариб деди:

— Бор гапингиз шуми?

— Шу,— деди Аъзамжон.

— Бўлмасам энди менадан эшитинг.— Дилдор бирдам тек қолди. Мана шу бир неча дақиқада Аъзамжон билан учрашган биринчи кундан то шу топдаги учрашувгача бўлган воқеаларни эслади. Шу ўтган давр уни кўп нарсага ўргатган, бўшашган қишлоқ қизини ўз сўзли, чўрткесар қилиб қўйди. Кучга, ғайратга тўлиб гапира бошлади.

— Дадам билан опам нима ёмонлик қилди, деб сўрадингиз. Мен жавоб берай, сиз эшитинг. Опангиз билан дадангиз учун сиз аллақачон ўлган эдингиз. Аллақачон сизнинг жанозангизни ўқиб бўлишган улар. Мени укангизга олиб бермоқчи бўлишди. Кўп олишишди мен билан. Яхшиям, Низом нисофли бола экаи, ҳамма нарсадан кечди-ю, ўзини, сизни менинг номусимни сақлаб қолди. Агар дадангиз билан опангизнинг гапига кирганда кеча сиз она қишлоғингизга келмасдингиз. Укасига хотин бўлган хотинишгизнинг бетига туфлардингиз. Гуноҳим сизга хиёнат қилмаганимми? Низом сизга нима ёмонлик қилди. Кеча кўрдингизми, ёт бегонадек кўча ўртасида қолди. На дадангиз, на опангиз уни юр деди. Сиз-чи, сиз нега уни уйга чақирмадингиз? Сизга қилган яхшилигига бу мукофотингизми? Эркаклик шаънингизни гапиряпсиз. Сизнинг шу эркаклик шаънингизни ким сақлади. Аёл бошим билан мен сақламадимми? Хўш, менинг аёллик шаънимни ким сақлайди? Сизга йўлиққан кунини қарғаб яшаяпман. Дадам қариб қолган, беш кунлиги қолган дадам деяпсиз. Уша учун яшамоқчисиз. Манаву, кечагина бешикдан чиққан, ҳали дунёнинг нималигини билмайдиган бола учун яшамоқчимасиз. Сиз тобутга қараб эмас, бешикка қараб яшашингиз керак эди. Не деб урушга бориб келдингиз. Латта-путтага тўлган дадангизнинг ҳужрасини мудофаа қилгани борганмидингиз? Бошқалар болаларининг умрини сақлашга бориб келганда, сиз околда ётиб шу ҳужрани ўйлабсиз.

Дилдор ўртаниб, куйиб-ёниб гапирарди. Унинг ҳар бир гапн Аъзамжон кўксига ўқ бўлиб қадаларди. Бу гапларни унга ўз хотини айтяпти. Бошқа одам айтган-

да унинг боя ўзи айтган эркаклик шаъни икки панжа-
сидан мушт тугарди. Унинг тишлари гичирлади, кўзла-
ридан ўт чақнади.

Аmmo Дилдор унинг бу ҳолатидан заррача чўчима-
ди. Гапини қандай гапираётган бўлса ўшандоқ давом
эттирди.

— Сиз бир мени эмас, уч кишини бахтсиз қилдин-
гиз. Манаву гўдак, жигарингиз Низомни ҳам бадбахт
қилган одамсиз. Очигини айтай, мен Низомни севардим.
Орага сиз суқилдингизу, бир-биримиздан бегона қилдинг-
из. Фронддан ёзган хатингиз эсингиздами? Укангизнинг
одамгарчилигига минг марта таъзим қилган эдингиз.
«Бизнинг уйимизда ювош, бефаҳм мусича ҳам бола
очмайди» деб ёзганингиз эсингиздами? Қани энди ҳам
шу гапини айтиб кўринг-чи?!

Аъзамжоннинг оёғида дармон қолмади. Ҳамон бўйни-
га осилиб турган болани аста ерга қўйди-ю, ҳолсизла-
ниб тўнкага ўтирди. Шу ўтирганча қимирламай узоқ
жим қолди.

Дилдорнинг бари гаплари ҳақиқат эди. Бу гапларга
бирон жавоб топишга Аъзамжонда сўз йўқ эди.

Ҳозир у икки ўт орасида каловлаб қолган эди. Да-
дасининг феълени биллади. Агар у Дилдор билан бўлади-
ган бўлса уни, албатта, оқ қилади. Бутун қишлоққа дод
солиб, помард болани лаънатлайди. Борди-ю, ота уйида
қолса, боласи, қанча жабру жафоларга бардош бериб
уни кутган хотини нима бўлади. Одамлар нима дейи-
шади. Шуми унинг йигитлик шаъни?

Дилдор ҳамон тик турганича ундан жавоб кутяпти.
Аъзамжон бўлса шу ўтирганича худди ерга сингиб ке-
таётгандек борган сари чўкиб борарди.

Шунча йил уруш кезган, ўққа учган мурдалар ёни-
дан эмаклаб ўтган, кунига юз ўлиб, юз тирилган, совуқ-
қа ҳам, оловга ҳам чидаган паҳлавон йигитнинг афтода-
ҳол ўтириши, иложсиз забун ўтириши Дилдорнинг
юрак-бағрини эзиб юборди.

Аёллар қалби тошдан бўлса ҳам улардаги оналик
ҳисси туғён урса бас. Сув бўлиб эриб кетади. Аёллар-
дек, айниқса, она бўлган аёллардек ҳар бир гуноҳни
осонликча кечирадиган инсон бўлмайди.

Дилдорнинг ичидан кучли бир хўрсиниш келди. Хўр-
синиш эмас, олов келди. Бу олов бутун вужудини ўрта-
ди. Киприклари тез-тез қалқиди-ю, кўзидан ёш чиқиб

кетди. У ўзини тутолмади, энгашиб эрининг бошидан қучоқлаб олди-да, сочларини гижимлаб ҳўнграб юборди.

Шу пайт яқин орада эшак ҳангради. Дилдор угрилиб қараган эди, кўприк устида ҳанграётган эшагининг икки биқинига кавши билан ниқтаётган Оқсоқолни кўрди. Кўрди-ю, унга парво қилмай эрига ёпишганича тураверди. Сал ўтмай Оқсоқолнинг зардали товуши келди.

— Бу қанақаси? Эр-хотинмисанлар ё ўйнашмисанлар? Уят, уят керак!

Дилдор билан Аъзамжон ўринларидан туришди. Оқсоқол уларга ҳамон ёмон ўқрайиб турарди.

— Эрсираган хотин бунақа кўча-кўйда эркак кишининг бўйнига осилиб юрмайди. Эр керак бўлса уйга бор. Кўч-кўронингни кўтариб бор. Ана ўшанда сени эрлик хотин дейман. Ҳе, беномус.

Бу гап Аъзамжонга ҳам малол келди.

— Дада, огзингизга қараб гапиринг.

Оқсоқолнинг кўзларидан ўт чақнаб кетди.

— Нима, нима дединг? Яна бир гапир! Аҳмоқ! Жўна уйга!

Аъзамжон жойдан қимирламади.

— Жўна деяпман!

Аъзамжон отасининг ўтли кўзларига бардош беролмади. Итоаткорлик билан бир неча қадам олдинга босди. Тўхтади. Дилдорга қараб нимадир демоқчи бўлди. Оқсоқол яна ўшқирди.

— Қачонгача кутиб тураман. Юрмайсанми?

Аъзамжон оҳиста деди:

— Сиз кетаверинг, ҳозир бораман.

— Йўқ, шу топда, мен билан кетасан.

Энди Аъзамжоннинг ҳам ўжарлиги тутди.

— Бормайман, бормайман, кетаверинг.

— Нима-а-а?!

Оқсоқол эшакдан тушиб унга ўдагайлаб кела бошлади.

— Жувонмарг, ўз отангга шундоқ дейсанми.

У ғазаб билан ўглига қамчи кўтарди. Аъзамжон унинг билагидан ушлаб қайириб ташлади.

— Мен сизга Низом эмасман. Сизга мен қўй эмасман.

— Сен жувонмаргни шу ниятда кутиб ўтирганми-дим? Сен жувонмарг деб кечадан бери келди-кетдиги бул сарф қилиб ўтирибманми? Войдол, мусулмонлар,

бормисизлар, болам менга мушт кўтаряпти. Мусулмонлар, қараб қўйинглар, отасига мушт кўтарган отабезорини кўриб қўйинглар.

Дилдор орага тушди.

— Бақирманг. Шунча йил зулукдек сўрганнингиз етар.

— Сен, манжалақи, аралашма. Сен хотинликка эмас, ўйнашликка ярайдиган нарсасан.

Аъзамжон чидаб туrolмади. Шартта боласини кўтарди-ю, бир қўли билан Дилдорнинг тирсагидан ушлаб илдам юрганча кетди.

— Тўхта, тўхта, номард бола. Қарғайман. Аъзамжон тўхтамади. Оқсоқол панжаларини тескари фотиҳага очди.— Қарғайман, ёмон қарғайман, қайт. Йўлингдан қайт!

Аъзамжон қайтмади.

V

Аъзамжон кечга яқин уйга қайтди.

Ҳали ҳам келди-кетди бўлиб турибди. Иноят оқсоқол тўрсайиб олган. Ундан қаёққа бординг, нима қилдинг деб сўрамади. Ошхонада гимирсиб юрган Рисолат укасининг олдига бир чойнак чой келтириб, ўзи ҳам ёнига ўтирди.

— Сен бола, нима қилиб қўйдинг.

— Нима қипман?— деди ўзини билмасликка солиб Аъзамжон.

Рисолат гапни нимадан бошлашини билмай бирпас чайналиб турди.

— Ўшаққа бордингми? Ўша беномусникига-я? Юзингга оёқ тираб кетган ўша бети қаттиқ хотиннингникига бордингми?

Аъзамжон қизариб кетди.

— Бўлди! Битта фронтдан келиб яна бошқа фронтга йўлиқяпманми?

Рисолат яна бўш келмади.

— Менга барибир, яшайдиган сен. Менинг уйим бошқа, рўзгорим бошқа.

— Шунақа экан, нега аралашасиз?

— Ўртада қари дадамиз бор. Биттанг ундоқ қилиб кетдинг, энди сен ҳам чолнинг юзига оёқ тирамоқчимсан. Майли. Қанақа ўғиллигингни юрт билсин. Билиб

қўйсин. Утиришини қара. Букчайиб, қалтироқ бўлиб қолганини қара.

Аъзамжон бу гал индамади. Рисолат гапим жойинга бориб тегди деб ўйлади. Уст-устига босиб тушмоқчи бўлди.

— Дадамни ҳурмат қилмасанг, онам раҳматликнинг арвоҳини ранжитма. Онам бўлганда дадам шу алфозга тушармиди?

Аъзамжон сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Онамни гапирмаларинг. Онамни сил қилиб ўлдиргансанлар. Онам бечоранинг юзида бирон марта қувонч кўрмаганман. Дадам, сен, уни адойи-тамом қилгансанлар. Улдиргансанлар.

Рисолат ундан бу хил гапларни кутмаган эди, қўрқиб ўрнидан туриб кетди. Бўлаётган гапларни Оқсоқол эшитиб ўтирган эди. Ҳассасини дўқиллатиб ўдағайлаб ўглининг тепасига келди.

— Урушдан шунақа зўр бўлиб келдингми? Немисдан ортган ўқингни даданг билан опангга отгани келдингми? Бу уйда менинг айтганим бўлади.

Аъзамжон истеҳзоли кулди.

— Бу гаплар ҳу, бола пайтимда ўтарди. Энди ўтиб кетди у гаплар. Дада, мен йўқ пайтларда бўлган гапларни бир эслаб кўринг. Ҳеч жаҳонда бола ҳам ота уйидан кетиб қоладими? Ҳеч жаҳонда ота тирик ўглининг хотинини бошқа ўғлига раво кўрадимми? Қай ота шу ишни қиляпти. Сизни нима қаритди. Бола-чақани боқаман деб қариганингиз йўқ. Сизни пул, мол қаритди.

— Овозингни ўчир, аблаҳ, биров эшитади.

— Майли, эшитсин. Агар хотинимга яна бирон оғиз гап айтадиган бўлсангиз, мен ҳам Низомнинг ишини қиламан.

Бирдан Оқсоқол ўрнидан туриб кетди. Унинг ранги оқарган, соқоллари тинмай силкинарди.

— Майли, ташлаб кет, ташлаб кет, номард бола. Қариб бир оёқдан гўр тортаётган дадангни ташлаб кет. Битта қанжиққа илиқиб бошинг оққан тарафга кетавер.

Оқсоқол ерга ўтириб олиб икки тиэзасига шапиллатиб ура бошлади.

— Дод, вайдод, мусулмонлар, бормисизлар, бола эмас бало боққан эканман. Урдакнинг тухумини очган эканман.

— Э, бақирманг-е,— деди зардаси қайнаб Аъзамжон,

— Қаёққа борсанг ҳам топаман. Осмонга чиқсанг оёғингдан, ерга кирсанг қулоғингдан тортиб оламан.

Аъзамжон бу гапларга чидамади. Шарт ўрнидан турди-ю, уйга кириб опаси кеча бошига кийдирган дўппи билан дадаси елкасига ташлаган тўнни улоқтириб қозикдаги кителни олди. Қайтиб чиқиб худди орқасидан эргашаётган мушукка қарагандек бепарво қаради.

— Мана уй, мана жой, пишириб енглар.

У бошқа гап айтмай, сўрида чой ичиб ўтирган кишиларни ҳайрон қолдириб чиқди, кетди.

Аъзамжон укасига ўхшаган кўнгилчан эмас эди. У айтган жойидан кесадиган хилдан эди. Укаси ҳар гап уйдан чиқиб кетаётганида кўнгли алланечук бўлиб кетар, кимдир бир оғиз илиқ гап айтса қайтиб келгудек бўларди. Аммо Аъзамжоннинг уйдан чиқиб кетаётганида эти жимирлашмади ҳам.

Низомжоп бўлса ҳатто зашжирдаги итнинг ҳам бўйнига осилиб йиғламоқдан бери бўлганди. Аъзамжон жаҳл устида ҳар қандай ишдан тоймасди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб қилган ишидан пушаймон бўлиб юрган пайтлари кўп бўлган. У кеча станциядан қайгар экан, опасининг бир оғиз гапи билан уч йил йўлига кўз тиккан хотинини йўл ўртасига ташлаб кетди. Хотинига нисбатан юрагида ёнган ўтти сира ўчмаса керак деб ўйлаган Аъзамжон ярим кечаси хотинининг эшигига йиғлаб келди. У жангда кезаркан, бу уйни хаёлан неча марта лаб кўрган, соғинган эди. Ҳар қалай кеча хунук иш бўлди. Хотини шундай қилиши керакмиди. Албатта Дилдор андак енгиллик қилиб қўйди. Нима бўлганда ҳам эри билан уйга келиши, ҳар қанча гапи бўлса хотиржам гаплашиши мумкин эди-ку.

Аъзамжон бу гаплар шунчалик газак олиб кетишини ўйламаган эди. Йўл ўртасида ўгли кўзларини жавдириб қараб қолди. Тугилганида ҳам, йўлга кириб тили чиққанида ҳам кўрмаган ота ўз боласини бир неча минут бағрига босди, холос. Афт-башарасига ҳам дурустгина қараб улгурганича йўқ. Кўзлари қанақа, қошлари қанақа, ўзига ўхшайдими?

Мана шундай хаёллар кечаси меҳмонлар тарқагунча ҳам кўнглидан кетмади. Қайнатаси болани олиб келган эди. У пайт Аъзамжон анча кайф қилиб қолган, унинг устига опаси укамнинг меҳри боласига тушиб қолмасин деб унга бийлатмади. Болада нима гуноҳ. Соғинган да-

ласига яқин келолмай атрофида айланншиб юрди. Охири бўлмади. Бола дадасига бориб суйкалди. Аъзамжон кайф билан уни ўпар, елкасига миндириб у ёқдан-бу ёққа чопарди.

Умрида билмаган қўланса арақ ҳиди болани беҳузур қилди-ю, дадасининг елкасидан тушиб уйимга кетаман, деб хархаша қила бошлади. Шундагина Юнусали ога уни опичиб уйга қайтариб олиб келди. То уйга етгунча бола бувасининг елкасида ухлаб қолган эди.

Аъзамжоннинг димоғида бола ҳиди қолди. Чиндамади. Дадасининг, опасининг ҳай-ҳайлашига қарамай улар кетидан кетди.

Аmmo Дилдор унга эшикни очмади. Кайф ва ҳирс уни бошлаб келгандек туюлган эди. Бу хил муомала Аъзамжонга малол келди. Унинг йиғитлик ҳиссини ҳақоратлаш бўлиб туюлди-ю, оғзига нима келса шуни деди.

Дилдор эшик очмаган тун Аъзамжон алам-ситам билан уйга қайтди. Ечинмай супадаги кўрпачага ўзини ташлади. Эрталаб тонг саҳарда уйгонган Аъзамжон кечаси бўлиб ўтган ҳодисаларни бир-бир эслаб ўз қилмишидан ўзи уялди.

Беғубор тонг нафасини шимираркан, болалик йиллари қайтиб келгандек бўларди. Ҳаммаёқ сокин, дарахлар ҳам шитирламайди. Энди кўз очган қушлар оламни уйғотмоқчидек чуғурлашади. Тинмагур анҳор қамон шовиллайди.

Бундай сокин ва тароват тўла тонг кишилар кўнглига фақат яхшилик солади. Икки қўли қонга беланган жаллод ҳам бу хил нафис тонгда ҳаётда кечган энг лаззатли, энг мўътабар онларни эслайди.

Аъзамжон худди ёқимли куй тинглаётгандек гоҳ кўзларини юмар, гоҳ юзларида бир ажиб табассум билан азим тераклар учига зар суркаётган қуёш шуъласига тикилиб қоларди.

Шу тонгда, шу эзгу эртада у умрининг буёғини Дилдорсиз, ўғлисиз ўтказиш мумкин эмаслигини туйди.

Тўнпа-тўғри Дилдорларникига қараб кетди. Қўрғон жимжит. Аъзамжон кеча қувилган остона олдида анча кутиб турди. Кеча телганида дарвозанинг бир қанотига пошнасининг изи тушиб қопти. Шундагина у кеча қилган иши Дилдорга қанчалик таъсир қилганини билди.

Андиша билан дарвозани итарган эди, очилиб кетди Дилдор боласининг дорга ёйиб қўйилган кўйлакча-

ларини олаётган экан, уни кўриб жойидан қимирлаелмай қолди. Кел ҳам демади, кет ҳам демади. У ўзини бутунлай йўқотиб қўйган эди.

Икковлари шу алфозда бир-бирларига тикилганларича анча туриб қолишди. Охири Аъзамжон дарвозани бекитиб орқага чекинди. Дилдорни аллақандай куч олдинга итарди-ю, югурганича кўчага отилди. Аъзамжон анча узоқлашиб қолган эди. Оёқ товушини эшпитиб, қадами секинлашди. Дилдор унга кўприк устида етиб олди.

Соғинган, хўрланган, юрагини алам ўртаган хотин шу изтиробларнинг сабабчиси бўлган эри қаршисида уч йил деганда энди рўбарў турарди.

Аъзамжон унинг қўлидан ушлаб сувнинг нарёғига олиб ўтди. Дилдорнинг вужуди сесканиб кетди. Бу қўл биринчи марта уни тутзорда, саратон офтоби дала тошни олов селига кўмган чошгоҳда ушлаган эди. Унинг танидаги бу титроқ севинчданми, қўрқувданми Дилдор билмасди. У маст эди. У кечалари бедор, кунларни интизорлик билан ўтказганига мукофотми, ё яна бир бор алдамчи ҳисларга қурбон бўлишми, билмасди, билмасди...

... Аъзамжон мана энди ота уйидан узил-кесил чиқиб кетди. Фронтдан қандай келган бўлса шундай уйдан чиқди.

Қаёққа боради?

У бу тўғрида ўйламасди. Ингит киши ҳар қандай қовакка сиғаверади. Аммо Дилдорсиз у ҳеч қаёққа бормайди. Қаёққа борса олиб кетади. Наҳотки бўш-баёв Низомчалик ўзига макон тополмаса? Топади. Билагича кучга тўлган, танидан ғайрат, оёғидан ўт чақнаб турган ингитнинг кучига зор бўлган жойлар кўп.

Аъзамжон уйига қайрилиб қарамади. Чунки у беш йил соғинган уйига бир кун сиғмади. У фронтдан қайтаркан, уй, боласи, хотини, ёр-биродарлари билан фақат осуда ҳаёт, тинч тирикчилик қилишни ўйлаган эди. Бўлмади. Олдинда аллақанча мушкул ишлар борлигини, оталик бурчи ҳамма нарсадан зўрлигини, Дилдор олдидаги кечириб бўлмас гуноҳларни ювиш, меҳнат, рўзгор, ҳар қандай майда кечималардан, майда ҳаваслардан юқори тура билни каби каттакон ишлар борлигини энди тушунди. У ўзини шунга бағишлашга аҳд қилди.

Мана шу ният уни ота уйидан олиб чиқди. Шу ният ўз отасининг ғазабли кўзларига тик қарашга чақирди.

Аъзамжон бу гал Дилдорлар эшигини иккиланмасдан очди. Худди ўз уйига кириб келаётгандек тўппа-тўғри айвон лабига келди-ю, кителини сўрига улоқтириб тут тагида бегонасираб турган ўғлини даст кўтариб олди.

Юнусали ота нима гап эканини билмай ҳайрон эди. Уйдан кўзларини ишқаб Дилдор чиқди. Боланинг дадасига ёпишишини кўриб чиройли жилмайди. Қизлик йилларида Дилдор шунақа жилмаярди. Унинг шу жилмайиши, балки Аъзамжоннинг юрагига ўшанда ўт солгандир.

Болани қўйиб Аъзамжон очиқ юз билан қайнотасига салом берди.

— Келдим, келдим, ота. Ўз боламга ўзим ота бўлмоқчиман. Шунга қарор қилдим. Мендан ўтган бўлса кечиринг. Шундоқ бўлиб қолди.

Дилдор унинг қарорига тушунди. Қеча қозиқда қолган оқ шоҳни унинг оёғи тагига ёзди. Аъзамжон қўлида бола билан поёндоз устидан юриб айвонга чиқди. Бу уй энди унинг уйи эди. Бироқ отаси билан ёнма-ён туриш унга қандоқ кулфатлар келтиришини ҳали билмасди.

Иноят оқсоқол осонликча жон берадиганлардан эмаслигини у биларди.

Аъзамжон аввалига бу ердан кетиш, Дилдорни қам, боласини ҳам олиб узоқроқ жойга кетишни ният қилганди. Уйлаб қараса бу қочиш, номардларча қочини бўлади. Шунинг учун ҳам ўз қишлоғида, ўз колхозида қолиб отага сўз бермай яшаши керак.

Аъзамжон нима бўлса, тош келса кемириб, сув келса шимириб яшашга, аммо таплаган, йўлидан қайтмасликка аҳд қилди.

Аъзамжон эсини таниб йнгит бўлган йиллардан буён қанчадан-қанча ниятлар қилган. У шу ниятларнинг биронтасини юзага чиқазмаган, чиқазмиш қаёқда, барини унутиб юборган эди.

Ҳар қалай, у айрилиқ кўрди, ўлим кўрди, ота бўлди. Аҳдини унутмас энди...

VI

Чаросга яна ранг кириб қолди. Чортерак богларида шафтолилар гарқ пишган. Болалар қўлида дум бермай узилган хандалаклар.

Қишлоқда ҳар кунн бир хушхабар. Кимнингдир эри, кимнингдир боласи урушдан келяпти. Чолларнинг кунн туғди. Кунига икки-уч хонадонда зиёфат ейдилар. Қора хат олганларнинг уйи жимжит. Уларнинг етим болалари тўй бўлаётган уйлар эшиги олдида елкаларини қисиб аллақандай ҳавас, ўкинч билан ўйин-кулгига қараб турдилар. Дадаларининг медалларини тақиб, юлдузли шапкаларини кийиб олган болалар орқасидан эргашадилар, бир марта бўлса ҳам ушлаб кўришни сўрайдилар.

Бировнинг уйида тўй, бировникида аза.

Иноят оқсоқолнинг иши кўпайиб кетган, бир оёғи Маргилонда, бир оёғи Чортерақда. Ора-сира вақт топиб арслондек ўглини тортиб олган қудаси билан сўкишиб ҳам келади. Рисолатнинг ҳам эри келди. У уйида келди-кетдини кутиш билан овора. Ҳовлисида пишиб таптап тўкилиб ётган шафтолилар увол бўлаётганидан нолиб қолади. На бировга беради, на вақт топиб бозорга чиқаза олади.

Раис опа бутун қишлоқ тўй-тўйлашиб пахта ишловсиз қолаётганидан болиб нима қилишини билмайди. Кимни сўқади, кимни далага ҳайдаб чиқади.

Ахир одамлар бу кунни тўрт йил энтикиб кутишган. Майли, бир-икки кун яйраб олишсин, болаларининг дийдорига тўйиб олишсин.

Опа бугун идорага кечроқ келди. Асрора уни кутиб ўтирган эди. Икковлашиб ичкарига киришди. Икковининг ҳам ранги кетган, озиб, қовоқлари салқиб қолган.

Опа қариб қолди. Сочларида битта ҳам қораси қолмади. Эридан урушнинг иккинчи йилидаёқ қора хат келган. Уч болани ҳам она, ҳам ота бўлиб боқди. Ўкситмай катта қилди. Айниқса, уруш тугаб ҳамманинг дадаси қайтиб келаётган пайтда унинг болалари ҳам кўчага чиқишади, почтачининг йўлини пойлашади. Бола, бола-да. Нима деб бўлади. Опа уларни овутарди-ю, ўзини овутишга чора тополмасди. Шу ўтган жудолик йиллари уни қаритди. Кўзи ҳам хиралашиб, кўзойнак тақмаса хат ўқиёлмайдиган бўлиб қолди.

Асрора ундан ўттиз ёш кичик. Авжи кучга, гайратга тўлган йиллари уруш пайтига тўғри келди. У бутун кучини, гайратини колхозга берди. Кўпроқ ҳосил бўлса урушга, аскарларимизга дармон бўлади, деди. Қаримжонни тезроқ келишига мадад бўлади, деб ўйлади.

Аммо Каримжондан дарак йўқ, Ундан на хат, на хабар бор. Урушнинг тугаганига икки ой бўлай деб қолди. Каримжон охирги хатни тўққизинчи май куни, галаба қилдик, деб ёзган эди. Ана шундан кейин тушуниб бўлмайдиган телеграмма.

Уруш қийноқлари қаддини буколмаган бу икки аёл эл олдида ўзларини тутиб туришар, аммо танҳолик чоғларида кўз ёшларидан аламларини олардилар.

Опа кеча Асрорани чақиртирган эди, Ўзи кечқурун райкомга кетиб қолганидан у билан учрашолмади. Кечқурун унга қоровул юбориб далага кетмасдан тўппа-тўпри правлениега келишини тайинлади.

— Менга қара, синглим, қизларингни далага опчиқма. Ҳозироқ боққа бор. Ҳамма ёғини ўт босиб жуда хунук бўлиб кетибди. Ўтларни юлиб ташланглар, гулларнинг тагини юшатиб, ариқларга сув очинглар. Кечгача шу боғни ораста қилиб қўйиш керак. Боғда катта зиёфат қиламиз. Фронтдан келганларга ош тортамиз.

Ҳали у гапини тугатмаган ҳам эдики, омбор мудир — бир қўли йўқ йигит кирди.

— Шошмай тур. Сен ҳам эшит. Чорвага одам юбориб битта каттароқ қўй опкелтир. Новвойга бир қоп ун юбор. Узум, шафтоли олиб келинглар. Клубдаги жамики стулларни, столларни ўшоққа олиб бор. Асроранинг қизлари сенинг ихтиёрингда. Энди боринглар. Тушдан кейин ўзим хабар оламан.

Асрора билан омбор мудир чикиб кетишди. Улардан кейин опа ташқарига чикиб қоровулни чақирди.

— Манави рўйхатдаги кишиларни кечқурун соат олтига боққа чақиринг.

Опа бухгалтерияга кирди.

Бугунги маросим оддий маросимлардан эмасди. Опа шу масалада кеча райкомга бориб қишлоқ одамлари тўй-тўйлашиб дала ишлари қолиб кетаётгани, уларга бир нима дейишга кўнгли бўлмаётганини айтган эди. Райком секретари яхши бир маслаҳатни ўртага ташлади. Бу опага жуда маъқул тушди.

Фронтдан қайтганларни бир жойга тўплаб, уларга ош-туз тортиб дала ишларига ёрдам беришларини сўрайдиган бўлди.

Асрора опа айтгандан ҳам зиёда қилиб боғни тозаллади. Супуриб сув сепилган боғ электр ёруғида жудаям

ажойиб бўлиб кетди. Столлар ясатилган. Алвон ранг шафтомилар, узум, олмалар, ҳандалаклар столни яшнатиб юборган эди. Қабобчининг кўрасидан кўтарилган оқиш тутун дарахтлар орасида сузиб юради. Унинг ҳиди унутилган, урушдан олдин бўладиган колхоз тўйларини эсга соларди.

Кўкси орден-медалларга тўлган йигитлар гижим рўмолга ўранган хотинларини етаклаб, болаларини опичлаб боғ дарвозасидан кириб келишарди.

Опа ҳам кийинган. Унинг ҳам кўкрагида бир эмас, икки Ленин ордени. Асроранинг ҳам пардози жойига келиб қолган. Унинг ҳам кўкрагида «Ҳурмат белгиси», бир медаль. Бригада қизларининг ҳаммаси икки-уч мартадан ҳукумат мукофотиغا сазовор бўлган эдилар. Фақат ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган Дилдоргина бу ҳурматлардан четда эди.

Боғ ичи одамга тўлди. Опа меҳмонларни дастурхонга таклиф қилди. Ҳамма стол атрофига бирин-кетин ўрнашиб олди. Опа тўрга чиқиб ўтирганларга бирма-бир қараб, пўкаги очилмаган вино шишасига вилька билан уриб шовқинини босди-да, гапира бошлади.

— Рухсат этинг, азиз қаҳрамонларимиз шарафига аталган знефатимизни очиқ деб эълон қилишга.— Опа чапаклар босилгунча кутиб турди.— Азиз биродарлар, ҳамқишлоқ қаҳрамон жангчилар, омон-эсон галаба билан қайтиб келишингизни бутун қишлоқ, колхоз аъзолари номидан табриклайман. Сиз чинакам қаҳрамонларча жанг қилдингиз. Душманни, ёвуз фашистни уз уясигача қувиб бориб, тор-мор қилдингиз. Раҳмат. Сиз билан бирга кетган ҳамқишлоқларимиздан қирқ уч киши қаҳрамонларча шаҳид бўлдилар. Биз уларнинг номини унутмаймиз. Ҳаминша эслаб турамиз. Уларнинг сағирларини бошини силаймиз. Етимликларини билдирмаймиз.

Опанинг кўзлари йилтираб, овози титради. Ҳамма бирдан жимиб қолди. Хўрсинган, пиқиллаб йиғлаган товушлар эшитила бошлади. Опа ўзини ўнглаб яна гапира бошлади.

— Уруш қурбонсиз бўлмайди, дейдилар. Фашист қанчалаб оналарга, келинларга қора кийдирди. Қанчалаб шаҳарларимизни вайрон қилди. Биз ёвуз фашистдан қасос олдик. Аммо қурбонларимизни ҳеч қандай қасос қайтариб бермайди. Шаҳарларимизни қайта қу-

риб оламиз, аммо қурбонларимизни қайта тирилтиролмаймиз. Кўксимизда алам, аччиқ алам қолди.

Боғ ичи сув қуйгандек жим. Опа анча вақтгача қолган гапини айтолмай, кўзини бир нуқтага тиккаинча туриб қолди. Кейин паст, жуда ҳам паст овоз билан деди:

— Шаҳидлар қабрида гинч ётсин. Биз уларнинг хотирасини унутмаймиз, улар нима учун жонларини фидо қилган бўлсалар уни кўз қорачиғимиздек асраймиз, авайлаймиз. Укалар, қаҳрамон укаларим, сиз фронтда пайтларингизда хотинларингиз, сингилларингиз, қизларингиз сизларнинг йўқликларингизни билдирмадилар. Астойдил ишладилар. Ишлаганда ҳам бутун кучларини, бутун ғайратларини аямай ишладилар. Еб турган нонларининг ярмини ушатиб фронтга узатдилар. Қаранглар, ўша ўзингиз кўрган нозик бармоқларга қаранглар, бу қўллар дагаллашиб кетди, неча марталаб қавариб, неча марталаб қадоқ бўлди. Хатларингизда ой юзлигим, деб ёзган хотинларингизнинг юзларига қаранг, дала шамоллари қорайтириб, дагаллаштириб қўйди. Улар шу тўрт йил мобайнида мириқиб ухламадилар, яйраб кулмадилар, ҳамма вақт икки кўзлари, икки қулоқлари фронт йўлига қадалиб турди. Қиш совуқларида ҳам, саратон жазирамасида ҳам даладан бери келмадилар. Сиз келдингизу, у кунлар унут бўлди. Мана шу кунни келтириш учун сиз у тарафдан биз бу тарафдан фронт очиб курашдик.

Опа унчалик гапга уста эмасди. Бугун севинганиданми, ҳаяжонланганиданми унга гап қуйилиб келар, сира гапининг поёнига етолмасди. Гапирган сари яна гапиргиси келарди. Меҳмонлар ҳам чурқ этмай, унга қулоқ солишарди.

— Хуш келибсизлар, тугилган қишлоққа! Пой-остоналарингга хуш келибсизлар, жигарларим! Қани, энди дастурхонга қаранглар!

То опанинг ўзи нон ушатиб оғзига солмагунча ҳеч ким дастурхонга қўл урмади. Кабобпаз тарелкаларга кабоб уйиб келтириб столга қўйгандагина йигитлар шишаларни оча бошлашди.

Темир ўчоқ олдида қиздирилган донра тараклади. Адолат аввалига уялиб, кейин қизишиб ўйинга тушиб кетди. Опа ўрнидан туриб Аъзамжонни тортди. Аъзамжон илгаридан ўйинга уста эди: «У» кўп таранг қилиб

Ўтирмай, медалларини жарапгяатиб ўйинга тушиб келди. Қарсақ; қийқириқ бошланди. Озроқ ичиб танаси қизиб қолган йигитлар биров тортмаса ҳам ўзлари туриб даврага туша бошладилар.

Кеч салқинида чирманда сўлиб пўкиллаб қолгунча ўйин тўхтамади. Охири чирмапданинг ип илгаги қўлини қавартириб юборган доирачи бармоғини сўриб ўчоқ олдига кетди-ю, ўйин тўхтади. Ҳамма яна жойига ўтирди. Энди илгариги жимлик йўқ. Келди-кетдига алаҳсиб уйидан чиқолмаган йигитлар бир-бирлари билан, сен қайси фронтда эдинг, сен қачон яраландинг, деб суриштира бошлаган эдилар.

— Укалар, яна бир гап бор. Мана, омон-эсон қайтиб келдинглар. Бир маслаҳатни ўртага ташламоқчи эдим. Агар уйни соғиниб қолган бўлсанглар майли, уч-тўрт кун дам олинглар. Аммо келди-кетдини ўзларинг кутасизлар. Хотинларинг далага чиқиши керак. Иш қолиб кетди,— деди опа.

Опа атайин шундай деди. Йигитларнинг иззат-нафсини кўзғатмоқчи бўлиб айтди. Унинг отган ўқи худди мўлжалнинг ўзгинасига бориб теккан эди. Йигитлар шивир-шивир қилиб қолишди. Бириндан туриб кетди.

— Нима деяпсиз, опа? Уйни қанча соғинган бўлсак, манаву қўллар ҳам кетмонни шунча соғинган. Гапни айлантирмай, шама қилмай айтаверинг. Энди аёллар дам олишсин. Узимиз ишлаймиз.

Опа кулиб юборди.

— Дуруст, қизим сенга айтаман десам, келинларим тушуниб қолишди.

— Ия, ия, биз ҳали келин бўлдикми.

Опа икки қўлини кўтариб худди таслим бўлаётган-дек уларга қаради.

— Тавба қилдим, ҳазил қилиб айтдим.

Кулги кўтарилди.

— Ҳа, агар тавба қилмаганингизда нақ учинчи фронтни очворардик.

Опа яна шовқинни босди.

— Раҳмат, укаларим. Узим ҳам худди шундай бўлади, деб ўйлаган эдим. Бўлди, бошқа гапим йўқ. Бу ёғи тўй, ўйин-кулги. Ҳой, доирачи бола, опке доираини, ўзим ўйнайман.

Чирманда гумбурлади. Опа кексаларга хос салобат

билан шошилмай, аммо жуда чиройли муқомлар қилиб йўрғаларди.

Бу ўйинларга аралашолмай турган Асрора секин ўрнидан турди-ю дарвоза томонга юра бошлади. Уни кўриб қолган Дилдор югурганча бориб қайтариб олиб келди. Энди уларнинг икковини ҳам ўйинга тортиб туриришди. Асрора қўлини кўтариб ўйинга бир чоғланди, ўйнолмади, дарров даврадан чиқди.

Дилдор астойдил ўйнарди. У энди ниҳоятда очилиб кетган, уни кўрган одам болали хотин деб ўйламасди. Чақнаган оҳу кўзлари сузилар, самбитдек нозик беллари эгилиб, буралиб ҳаммани маҳлиё қилганди. Унинг қоши ҳам, кўзи ҳам, жамики аъзойи бадани силкиниб ўйнарди. Дилдор урушдан олдин шунақа эди. Утган аламли йиллар, айниқса, Оқсоқол унинг бошига кулфат солган вақтларда у мутлақо ўзгариб кетганди. Ҳусни ҳам, вужудидан таралиб турадиган аллақандай, йигит кишини маст қиладиган, уйқусини ўғирлайдиган тароват ҳам аллақайга ғойиб бўлганди. Ташвиш қиз боланинг ҳуснини оларкан, шўхлигини ҳам, овозидаги латофатини ҳам қуваркан. Дилдор ана шунақа бўлиб қолганди.

Бугун у йўқотган ҳамма нарса қайтиб келди. Эри, бахти, ҳусни, шўхлиги яна у билан бирга.

Аъзамжон унинг ўйинларини кўрмаган эди. У фронтга кетаётганда у сочлари жамалак қизча эди. Отпускага келганда Дилдор тўлишиб қолган, юзига билинарбилинмас ҳуснбузар тошган, қарашлари ишқ қидиргандек аллақандай сармаст, қоматига, ҳуснига андак бино қўйган пайти эди. Ана ўшанда Аъзамжон уни кўриб тинчини йўқотди. Унга уйланди, яна кетди. Ўша тонгдек беғубор, тушдек аллақандай хотирада сақлаб бўлмайдиган кунлар жангда юрган, бахтга тўймаган йигитни шу пайтгача тамшантириб келарди. Ўша кўз очиб юмгунча ўтган кунларда Аъзамжон Дилдорнинг ҳуснига ҳам, шўхлигига ҳам тўёлмай қолганди. Келди, келиб унинг кўзида ёш, юзида сўлғинлик гижимларини кўрди.

Бу яқин ора қишлоқда Дилдордан гўзал, Дилдордек лобар жувон бўлмаса керак.

Аъзамжон бахтиёр, ўз хотинининг ҳуснидан маст эди.

Дилдор йўрғалар, муқом устига муқом қиларди. Йигитлар қийқириб чапак чалишарди.

Ҳатто тумсайиб ўтирган Асрора ҳам беихтиёр чапак чалар, ўртоғининг ҳусни латофатига маҳлиё эди.

Базм алла-паллагача тинмади. Чирманданинг тарақлаши, йигит-қизларнинг қийқириғи Чортеракнинг узоқ-узоқларигача эшитиларди.

Чортерак бу куиларни қачонлардан бери орзиқиб кутарди.

VII

Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилнинг бутун ёз ойлари темир йўл линияларида пассажир поездлари жадвалдан ташқари ҳаракат қила бошлаган эди.

Фронтдан келувчилар, уруш бўлиб ўтган ерларга қайтиб кетаётган халойиқнинг сон-саногии йўқ.

Горчаково станциясига Тошкент тарафдан фақат кечаси соат уч яримда келаётган пассажир поезда энди кунига уч-тўрт маҳал ўтади. Поезднинг қачон келиши, қачон Наманган тарафдан қайтиб ўтишини станция бошлиқлари ҳам аниқ билишмайди. Шунинг учун ҳам фронтдан қайтаётган болаларни кутганлар эртаю кеч станцияда. Ҳарбий комиссариат ходимлари, райком, райисполком вакиллари вокзал биносидан алоҳида хона ажратиб навбатчилик қилишади. Вокзал майдони атрофида омонат қурилган чойхона-ошхоналарда одам кўп. Ер ўчоқ, темир ўчоқлар тагидан тутун бурқсайди. Самоварчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Ҳамма ёқ қизил алвон, ҳамма ёқ гул.

Икки-уч кунлаб шу сўриларда боласини кутиб ётганларнинг сон-саногии йўқ. Поезд келиши билан ҳамма ичиб турган чойини, еб турган ошини ташлаб, перронга югуради. Биров қувнаб, биров ғамгин қайтиб чиқади. Мана шундай қувончли кунларнинг бирида Горчаковога келган пассажир поездидан ўн чоқли йигит тушди. Бир пасда перрон шовқин-суронга, кулги, йиғи-сиғига тўлди. Бир зумда юк машиналари келганларни Фарғонанинг тўрт тарафига олиб кетди. Перронда бир йигит қолди. Унинг кўксига йиғирма олтига орден, медаль. Уни ҳеч ким кутгани чиқмади.

Йигит юк халтасини ерга қўйиб, бир дам у ёқ-бу ёққа аланглаб турди-да, халтасини секин яна елкасига олиб, аста вокзал майдонига юра бошлади.

Область ҳарбий комиссариатининг вакили унинг ҳаракатларини кузатиб турганди. Икки солдат билан истиқболига чиқди.

— Салом, ўртоқ сержант,— деди у.— Қаерга борасиз?

Йигит Чортеракка боришини айтди. Комиссариат вакили унинг елкасидаги юк халтасини олиб четда турган қора «эмка» машинаси олдига обориб эшикни очди.

— Марҳамат, мана, олиб бориб қўяди.

Йигит гангиб қолганиданми, бунақа бўлишини кутмаганиданми унга нима дейишни билмай, машинага чиқди. Машина гуриллаб Марғилон тарафга йўл олди.

Қоронғи тушишига хийла бор. Марғилон йўли урушдан олдин қандоқ бўлса ҳали ҳам ўшандоқ. Биронта янги иморат тушмапти. Тош йўл анча нураб қопти.

Машина сартарошхона олдидан ўтаётганда йигитнинг кўзи йўлкада тўр халтани тўлатиб болалар ўйинчоғи олиб кетаётган кампирга тушди-ю, шофёрдан тўхташни сўради. То машина тўхташига ҳам сабр қилмай ўзини пастга отди. Кампир чойхона олдига бориб қолган эди. Йигит ҳаллослаганича унга етиб олди.

— Буви, бувижон!

Кампир ўгирилди.

Йигит турган жойида қотиб қолди.

— Нима дейсан, болам? Бувингга ўхшатдингми?

Йигит ҳамон қимирламай турарди.

— Одам одамга ўхшайди, болам. Бувингга ўхшасам ўхшагандирман.

Йигит хижолатликдан қип-қизариб кетди. Кампир мулойим илжайиб, ҳечқиси йўқ, болам, деб нари кетди.

Сўрида чой ичиб ўтирган икки-уч киши уларнинг гапидан хабардор эди. Улардан бири гап қотди.

— Ука, бу қоратепалик Малика деган кампир. Узинг қаёқнинг боласисан?

Йигит жавоб беролмади. Ҳамон кампир кетган томонга маҳлиё қараб турарди.

Йигит то Чортеракка етгунча чурқ этиб огиз очмади.

Қоронғи тушган. Қишлоқ уйларида чироқлар милтираб кўрниниб турибди. Қаердадир йигитлар қийқиради, чирманда тараклайди.

Йигит машинадан тушиб тор кўчага жадал бурилди-ю, энтикиб югура бошлади. Ана, уйга яқин қолди. Айвон шифтида ёниб турган чироқ девор оша кўрниниб турибди. Демак, бувиси ухламай уни кутяпти.

Йигит жон ҳолатда эшик қоқа бошлади. Жавоб бўлмади. Яна қаттиқроқ тақиллатди. Яна жимжит. Бувимнинг қулоғи оғирроқ эди, балки эшитмаётгандир, деб деворга тирмашиб ҳовлига қаради. Ҳамма ёқ супурилган, сув сепилган. Ариқ четларида намозшом гулларин очилиб ётибди.

Қўшни ҳовлининг эшиги очилиб биров бош чиқазди. Қоронғи бўлганидан кимлигини билиб бўлмасди.

— Кимсиз?— деди аёл киши.

— Мен, менман, Холматжонман,— деди йигит.

Аёл югура келиб унга ўзини отди.

— Вой бўйгинангдан холанг ўргилсин, келдингми, омон-эсон келдингми?

Холматжон шошиб сўради.

— Бувим қани?

Хотин жавоб бермади. Қоронғида оғир хўрсингани эшитилди. Холматжоннинг юраги шув этиб кетди.

— Нима гап? Тинчликми?

— Оҳ, холагинанг айлансин, бувигинанг бундан тўрт йил олдин оламдан ўтган.

Холматжоннинг елкасидаги халта тушиб кетди. Бу халтада бувисига атаб олган тўрт метр қора бахмал, рўмол, калиш бор эди. Бувиси қора бахмалдан камзул кийишни жуда яхши кўрарди. Тўрт йил бўпти оламдан ўтганига. Ахир яқин-яқинларда ҳам ундан хат келиб турарди-ку. Бу хатларни ким ёзган?

— Вой болам, юр, бизникига. Мен дарров бориб Асрорадан уйингнинг калитини олиб келаман. Қолхоннинг боғида қиёмат базм бўляпти. Ҳамма ўртоқларинг ўша ёқда. Урушдан келганларга опа ош қилиб беряпти. Барақол сен ҳам ўша ёққа, болам. Асрорагина барака топсин, ҳар кун қизлар билан келиб уйингни йиғиштириб, супириб-сидириб, кечқурун чироғингни ёқиб кетади. Умридан барака топсин. У бечора ҳам куйиб ёниб юрибди. Қаримжон яна аллақаяёққа кетганмиш.

Холматжон бўшашиб кетди. Қаёққа боради. Энди қандоқ яшайди?

— Бу ёққа кир, болам. Чой-пой қилиб бераман. Сен дамингни олиб тургунигча мен югуриб бориб Асрорадан калитни олиб келаман.

— Йўқ, овора бўлманг. Ўзим бориб келаман.

Холматжон оғир-оғир қадам ташлаб колхоз боғи та-

рафга юра бошлади. Кампир унинг орқасидан боштини сарак-сарак қилиб ачиниб қараб қолди.

Кеча ниҳоятда ойдин эди. Қуюқ дарахтлар орасидан йўлга оппоқ тангачалар сочилган. Жўжаси кўпайиб инига сигмай қолган қушлар ҳар замон бир патирлаб қўйишади. Йўлни кесиб ўтган ариқчалардан сувлар чулдираб омбор тагига кириб кетади. Деворлардан осилган олчалар ойдинда чақнайди. Пахса девор кавакларида йилтироқ қуртнинг чирोगи милтирайди. Қаердадир бола йиғлайди. Холматжоннинг тепасидан бўғотни чангитиб мушук ўзини ерга отди. Яқин ўртада чучитилган зигир ёгининг ҳиди анқиб кетди. Чап тарафдаги деворда лон этиб олов сакради-ю, зум ўтмай сўнди. Дарахт учлари, том бўғотлари бир дамгина ёришди. Биров тандирга гўзапоя ташлади шекилли.

Буларнинг бари кўпдан унутилган она қишлоқ манзараси, болалик туйғуларини уйғотадиган қадрдон ҳидлар эди.

Холматжон бу манзара-ю, бу исларга парво қилмасди. Ҳозир унинг кўнглини ҳеч нарса билан ёритиб бўлмасди.

Туғилиши билан она дийдоридан бенасиб бўлган, эсини танимай отадан жудо бўлган, онадек бўлиб қолган қадрдон, меҳрибон, дунёдаги жами одамлардан яхши, ҳаммасидан аъло бувисидан жудо бўлиши уни тамоман гангитиб қўйган эди.

Она қабрига тупроқ тортилганда ҳали унга исм қўйилмаган эди. Она уни туғди-ю, ўлди. Ота узоқда, фин ўрмонларида жон берди. Унда Холматжон ҳали ёш бола эди. Энди ўзи вояга етиб, юрт ишига яраган, қўлига қурол олиб жангга кирганида бувиси кўз юмди. У фарзанд бўлиб онасини ҳам, ладасини ҳам, бувисини ҳам қабрга ўз қўли билан қўёлмади. Бу жудоликлар, йўқотишлар Холматжон қалбида ҳеч ўчмас доғ, армону афеус бўлиб қолди. У энди бутун умр бўйи бу армон дардини тортди. Шу уч муҳтарам кишиларнинг қарзи бўйида қолди.

Холматжон атроф ой нурига бурканган, бутун дала, бутун юрт ёз оғушида яйраган тунда доғу ҳасратда ўртаниб борарди. Осмонда аста сузаётган ойнинг гардиши унга нурли баркаш эмас, қишда челақ бетида қотган муз кулчаси холос. Туш қушларининг нағмаси унга тасалли бермайди. Аксинча фарзандлик бурчинини ўтамаган болага таънадек бўлиб туюлади.

Холматжон боғ дарвозаси олднда тўхтади. Ичкаридан кабоб ҳиди келарди. Қийқириқ, ўйин-кулги. Ҳеч ким орқасига қарамайди. Давра олиб ўртада ўйнаётганга қийқириб хушомад қилишади.

Холматжон бирдан кўнгидаги оғир ҳисларни қувиб шу қувноқ, шу беармон одамларга маҳлиё бўлганча туриб қолди.

Дарвоза орқасига ўтириб, кўксидаги ўн олти орден, ўн медални битта-битта бўшатиб олди-да, халтачасига солиб қўйди. Ким билади, балки одамлар жаранг-журунларинингни писанда қилиб келдингми, деб ўйлашлари мумкин, дедими. Ҳар қалай, Холматжон одамларга ялтираб кўринишни истамади. Ичкарига кирди. Аъзамжон уч медалини атайин бир-бирига тегиб жарангласин деб силкиниб, тебраниб ўйнарди. Дилдор бўлса ундан қочгандек ҳар турли муқом билан ўйнарди.

Холматжон тўхтади. Юраги шиг этиб кетди. У Дилдорни севарди. Севарди-ю, юрагини унга очишдан қўрқарди. Урушга кетаётганида атайлаб Дилдорлар эшиги олдидан икки-уч марта айланиб ўтганди. Дилдор чиқмаган ўшанда. Уни узоқдан бўлса ҳам бир кўрсам деб тол тагида қанча кутиб ўтирган эди. Ким билибди дейсиз, уруш тугагунча бу қиз Низомни севиб, ундан кейин севмаган кишисига тегишини. Энди у Аъзамжоннинг хотини. Ахир Аъзам жуда бемаъни бола-ку. Дилдорнинг бундан кейинги ҳаёти нима бўлади? Аъзам уни албатта хўрлайди.

Холматжон госпиталда яраланиб ётаркан, Аъзамжон тасодифан учрашиб қолганди. Ушанда Дилдор шаънига айтган жуда ҳам хунук, огизга олиб бўлмайдиган гапни эслади.

Ушандан бери Холмат уни ёмон кўради. Кўришга кўзи йўқ. У жангда юриб ҳам, ўз хотинини ёмон гаплар билан ҳақорат қилган.

Энди бўлса юрт кўзида ўзи ҳақоратлаган, ўзи хўрлаган хотини билан ўйинга тушяпти. Бу қандоқ гап бўлди?!

Вақт анча кеч бўлиб қолган. Ширакайф йигитлар болаларини етаклаб қайта бошлаган эдилар. Дарахт соясида ўтирган Холматжонга ҳеч ким парво қилмасди. Аъзамжоннинг кайфи жойида, тўрт-беш йигит даврасида чиқиб келяпти. У бахтли эди. Бир гапириб, ўн куларди.

— Немис лейтенантининг ҳиқилдоғидан гиппа бўғиб

олдиму, бошини деворга манавунақа қилиб, манавунақа қилиб ураверибман. Бир маҳал қарасам, ўлиб қолган экан. Ўлса ҳам бошини ураверибман.

Холматжон мийиғида кулиб қўйди. Ахир, Аъзамжон хўжалик батальоннда аравакаш эди-ку. Немисни узоқдан кўрган бўлмаса, умуман, тирик немисни кўрмаган.

Аъзамжон худди Холматжоннинг олдидан ўтиб кетди. Улар орқасидан Дилдор, Асрора, Адолат ўтишди. Дилдор ҳамон чиройли, ҳамон ўшандай жозибали эди. Холматжоннинг юраги гупиллаб уриб кетди. Олдинга биринки қадам ташлади. Аммо қизлар уни пайқашмади.

Холматжон ҳам боғдан чиқиб, аста-аста уйига йўл олди. У шошмасди. Қаёққа шошади? Уйда уни қим қўтиб ўтирибди?

У остонага келганда эшикни очиб кўриб ҳайрон бўлди. Энди ичкарига оёқ босган ҳам эдики, чироқ ўчди. Ҳали ҳам ойдин бўлганидан чиқиб келаётган одамни таниди. Бу Асрора эди.

— Асрорамисан?

— Вой, Холматсан-ку. Вой, ўлгуре, қачон келдинг? Шу топда келишингми? Юр, юр, телеграмма берсанг ўлармидинг?— Асрора югуриб бориб чироқни ёқди.

Холматжон у билан ўша болалик йилларида қандоқ гаплашишса ўшандоқ самимий, ўшандоқ ётсирмай кўришди.

Холматжон унга тикилиб туриб, бувиси помидан келган хатларини эслади. Ҳар кун чироқ ёқиб, ҳовли супуришини билди. Юраги тўла ҳаяжон билан, чин юрагидан, жуда самимий, жуда беғубор қилиб раҳмат, деди.

Холматжон юрагида бу олижаноб инсонга нисбатан, унинг қилган жами яхшиликларига қайтарадиган шу биргина қалб сўзидан бошқа мукофоти йўқ эди.

Асрора жуда ҳушёр қиз эди. Холматжоннинг айтган шу бир оғиз гапини у ўйлаганча тушунди. Самимий жилмайиб қўя қолди.

Ҳовлини қўни-қўшни босиб кетди. Қўшни кампир етимча ўксимасин, деб ош дамлаб қўйган экан, дастурхон ёзди. Холматжоннинг бошига янги дўппи кийдириб, елкасига чорси ташлади. Ўша кезлари қоқ ярим кечасини, тонготар палласими, қишлоқларда ўзидан-ўзи тўй бўлиб кетарди. Армиядан қайтувчилар кечасими, азондами, уйларига келаверардилар. Бу хил зиёфатларга халқ ўрганиб қолганди.

Холматжоннинг уйи бирпасда тўйга айланиб қолди. Бир қария Холматжоннинг бувисига қуръон бағишлади. Ҳамма бир неча дақиқа бош эгиб жим қолди.

Эртасига Холматжон юртга ош бериб, бувисига таъзия очди. Чортеракнинг жимжит қабристонидан бувисининг қабрини топиб кечгача тиз чўкиб ўтирди. Йиғлади, овунди. Йиғлади, овунди.

Гиёҳлари қовжираган ғариб мазорга тикилиб ўтириб ўтган болалигини, етимлигини билдирмаган мушфиқ бувисининг ҳамиша ёшланиб турадиган хира кўзларини, ажиб бир майин, меҳрибон товушини эслади. Эслади-ю, яна йиғлади.

Қоронги тушиб, шохлари қовжираб қолган терак учидан бойқуш сайраганда Холматжон ўрнидан турди. Қабристон дарвозасида ўтирган гўрковга пул бериб, ташқарига чиқди.

Холматжон катта йўлдан келаркан, негадир ҳовлиси тарафга эмас, Марғилон йўлига қараб кетарди.

Холматжон учун Чортеракнинг сира қизини қолмаганди. На ота, на она, на бувиси бор унинг бу қишлоқда. На акаси, на укаси бор унинг Чортеракда.

Чортерак деганда кўзига Дилдор келарди. Энди у ҳам йўқ. Холматжоннинг Чортеракда сира яшагиси келмасди.

VIII

Июят оқсоқол кейинги кунларда жуда озиб кетди. Иш кўп. Эрта баҳордан бери тишмайди. Ёши етмишга етай деб қолган одамга ўн икки километр йўл босиб, кунига икки маҳал Марғилонга қатнаш осонми? Бозор одамларини ҳам худо уриб қўйган. Сал бепарво қолсанг, молингни сув текинга йўқ қилишади. Милиция-ку, жуда хаддидан ошиб кетган. Бир челақ шафтолига ҳам, колхоз справкасини кўрсат, деб сўрайди. Колхоз пахта экадими, шафтоли сотадими? Сборчи болалар бозорда ҳам хон, ҳам бек. Ҳар гал бозор дарвозасидан киришнинг билан патта оласан, деб туриб олади. Докторларнинг бошқа иши йўқ шекилли, куткилагани куткилаган. Хўп, майли, шафтолини ҳидлаб кўрсин, нега сотадиган одамни ечинтириб қарайди?!

Оқсоқол мана шунақа бозор машмашалари билан овора. У медалли ўғлини ёнига олиб бозор катталарининг нафасини ичига тушириб юбормоқчи эди. Боласи

поқобиллик қилди. Невараларининг ҳам бўйи чўзилиб бозор деса қочади. Айниқса, куёви фронтдан қайтиб келиб болаларини қайнатаси билан бозорга боришини хоҳламади. Шу туфайли қайната-куёв, сан-манга бориб қолишди.

Аъзамжон келган кунларда Оқсоқол келди-кетдини кутиш учун уч-тўрт сўм чиқимдор бўлиб, ўлимлик пули бузилган эди. Шунинг ўрнини тўлдириш ниятида Оқсоқол бозор тарафга серқатновроқ бўлиб қолди. Албатта, супурги, помидор билан йўқолган пулнинг ўрни тўлмайди. Каттароқ бир иш қилишни дилига тугиб қўйган эди. Уша катта иш кеча оёгининг остидан чиқиб қолди. Эллик метр қизил бахмал қўлга тушди. Оқсоқол икки соат савдолашиб сув текни қилиб олди. Уғли ноқобиллик қилиб хотининикига кетиб қолганида Оқсоқол шу нарсани йўқ қилишга овора бўлиб турган эди. Уғлининг кетидан юрай деса, нозик молни уйда узоқ сақлаб бўлмайди. Шунинг учун аввал молни сотиб, кейин ўгли билан жап-жаллашмоқчи бўлди.

Бугун Оқсоқол ўша бахмални эшагининг тўқими тагига солиб, устидан хуржун ташлаб бозорга йўл олди. Хуржуннинг икки кўзида чиллаки узум тўлдирилган иккита челак бўлганидан ўзи аввалгидек яна эшак кетидан пиёда кетяпти.

Шаҳарга кираверишда қатор чойхоналар бор. Бу чойхоналарининг сўрилари ҳамма вақт чойхўрлар билан тўла бўлади. Оқсоқол кўпинча бозордан қайтишда шу сўриларнинг бирига ўтириб белидан нонни олиб, белбоғини дастурхон қилиб ёзади. Сўри устида қолган чойнакларнинг қопқоғини очиб қарайди. Чойнаклар тагида қолган бир пиёла, ярим пиёла чойларни биттасига қуйиб самовардан ўзи қайнаган сув қуйиб келади. Самоварчи пул сўраса, бобиллаб беради.

— Шунинг учун ҳам сен самоварчи халқининг биринг икки бўлмайди. Сен аблаҳлар худонинг сувига ҳам ҳақ сўрайсанлар. Бор, тошингни тер.

Оқсоқол худди шу гузарга етганда кимдир, — Оқсоқол бува, — деб чақирди.

Оқсоқолнинг иши тигиз. Бозор тарқалмасдан молини йўқ қилиши керак.

У овоз келган тарафга аланглади. Қараса, фронтдан келган уч-тўрт қишлоқ болалари чой ичиб ўтиришибди. Улардан бири югуриб унинг олдига келди.

— Аъзамжон акам кебдилар, деб эшитдим. Севиниб қолдингизми?

Оқсоқол унга раҳмат айтди, ammo ўзи шошиб турарди. Йигитнинг шериги унга мой тутди. Оқсоқол эшагини симёғоч олдида қолдириб, сўрига омонатгина ўтиришга мажбур бўлди. Чунки патнисда пашмак, қаймоқ, ширмойи нон бор эди. Шундоқ нарсалардан танаввул қилмаслик, пошукурчилик бўлади, албатта...

Қуёш тепага келган. Тупроқ оёқни куйдираман дейди. Оқсоқол то текли нонушта қилиб олгунча эшак ҳам бир роҳат қилмоқчи бўлди. Қизиган тупроқни ҳидлаб пишқирган эди, тупроқ тўзиб кетди. Бундан роҳатланган эшак икки марта ҳиқиллаб, кейин кучининг борича ҳанграб юборди-да, тупроққа ўзини ташлади. Ҳамма ёқни чаңгитиб у ёқдан-бу ёққа ағанай бошлади. Челак устидан отилиб кетиб узумлар тупроққа қоришди. Қоринбоғ узилиб, тўқим бир ёққа, эгар бир ёққа отилиб кетди. Ҳар бири ўн метрдан қилиб ўралган беш бўлак қизил духоба эшак тагида қолди. Эшак ҳар ағанаганда духобанинг тахи бузилиб ёзилиб кетар, баттар тупроққа қоритарди.

Оқсоқол чойни ташлаб ўшаққа югурди. Эшакни тепди. Эшак парво қилмади. Уз ишини қилаверди. Думидан тортди. Қари одамнинг тортгани қаёққа борарди. Эшак уни ҳатто сезмади. Думалайверди. Ким кўп, бозор атрофида бекорчи кўп. Айниқса, болалар қийқириб эшак атрофини ўраб олишди.

Тушлик қилгани келган участка милицияси ҳам сўрида ўтирарди. У бу ҳангомани кузатиб тураркан, эшак тагида эзилаётган духобаларни кўриб ҳушёр тортиб кетди. Шунча нарса... Чол шунча бахмални қаёқдан олди? Бу хил молни комбинат энди чиқазяпти. Комбинатнинг моли дастгоҳдан чиқмаёқ, бу чолнинг қўлига тушибди-да?! Милиционер шошилмай Оқсоқолнинг олдига келди.

Бу пайт эшак ишини қилиб бўлган, ўридан туриб силкинаётган эди.

Оқсоқол чойга чақирган болани қарғай-қарғай бахмалларни йиғиштирар эди. У шошганидан молларининг тупроғини ҳам қоқмай хуржунга тикди. Челакни ҳам, узумни ҳам олмади, жаҳл билан эшагини бир тепиб жойидан қўзғатди-ю, орқасидан пилдираганича кетди.

Чойга чақирган йигит орқасидан қичқирди:

— Ота, челак қолди, узумлар қолди-ку?!

Оқсоқол унга қарамай аламли жавоб қилди:

— Пишириб е, катта холанг билан пишириб е, жувоп-марг...

Милиционер унга эргашиб борарди. Балки, у шу тўполонда текширсам одамлар ўраб олади, гапни гапга қовуштирмайди, деб ўйладими, ё бўлмаса ўртага тушиб кўнглини юмшатадиганлар чиқиб қоладими, ҳар қалай, у чолни сал нарига бориб тўхтатмоқчи бўлди.

Жаҳлдан ҳам кўкариб, ҳам терлаб кетган Оқсоқол сал нари боргандан кейин холироқ тор кўчага бурилди. Тўхтаб эшагининг қоринбоғини тортаман деб турганда милиционернинг қораси кўрипти. Оқсоқол шошиб эшакка минди. Қоринбоғ яхши тортилмаганидан узанги сирпаниб ерга тегиб қолди. Оқсоқол шошиб эшагини яна бир тепди. У пилдираганича кетди. Оқсоқол югурди. Аммо милиционер шошилмасди. Илгари бу кўчадан Оқсоқол юрмаган эди. Кўчанинг боши берк экан. Тўхташга мажбур бўлди. Аъзойи баданидан тер чиқиб, кийим-боши шалаббо бўлиб кетди. Оқсоқол шунча ёшга кириб бугунгидақа иши юришмаган кунни кўрмаган эди. Икки челақ пўсти торс ёриламаи деб турган узумдан айрилди. Не-не оғир кунларини кўтаришган эшаги бугун унга хиёнат қилди. Арзимаган иссиқ тупроқни бир ҳидлашдаёқ уни милицияга тутиб берди.

Оқсоқол бундан ҳам нозик жойлардан осонликча қутулиб кетган эди. Аммо бугунгиси у қадар нозик бўлмаса-да, қутулишнинг иложин йўқ эди. Чунки қочадиган, молини яширадиган жой йўқ.

Милиционер ҳамон шошилмай келар, Оқсоқол бўлса нима учунлигини ўзи ҳам билмаган ҳолда илжаярди. Ниҳоят, милиционер унга яқин келди. Оқсоқол унинг башарасига қарамаган экан, ўтган йили кузда икки яшиқ тўқсон бешинчи кўк чой билан қўлга тушганда шу мелиса унинг қариллигини назарда тутиб қўйиб юборган эди. Ҳар қалай, иссофи бор экан... Оқсоқолда аллақандай умид учқунин пайдо бўлди. Танасига жон кирди. «Дарвоқе, шу мелиса нос чекувчи эди». Оқсоқол шошиб белбоғининг қатидан носқовогини олди. Атайин тутаётганини билдирмаслик учун ўзи чекиб ҳавасини келтирмоқчи бўлди. Шундай қилди. Оқсоқолнинг айтгани келди. Милиционер илжайди.

— Қани, Оқсоқол ота, битта отайлик. Жуда хумориси тутиб кетди.

— Хўп, хўп, болангдан айланай, хўп. Нос керак бўл-са ўзимга айт. Мендан бошқанинг носини чекма.

Милиционер кафтига тўлдириб нос тўкди-да, тилнинг тагига ташлади.

— Йўл бўлсин, отахон?

— Шундоқ, шундоқ, эшакни совутиб юрибман.

Шу пайт тўғридаги эшакдан бир бола чиқиб милиционерга ўзини урди.

— Дада, дада, нима олиб келдингиз?

Милиционер ёнидан битта бодринг чиқариб ўғлига берди. Бола яна югурганича эшакка кириб кетди.

Оқсоқол умрида бунақа қўлга тушмаган эди. Шунча йил бозорга айланишиб, шунча тақиқ молни қўлдан ўтказиб бунақа бўлмаган эди. Тумонат олдида эшаги молини кўрсатиб қўйди, ўзи боши берк кўчага кириб қолди, ўз оёғи билан милициянинг эшигига келиб тўхтади.

Оқсоқол дарров тилга кирди.

— Кўчангни топишга топиб, уйингни тополмай турган эдим. Яхшиям ўзинг келиб қолдинг.

— Ишингиз бормиди, ота?

— Жудаям унақа зарур ишим йўқ эди-ку, бир кўриб қўйишим керак эди. Уканг келди, укагинанг фронтдан омон-эсон келди. Шунга айтиб қўймоқчи эдим. Укагинанг ордерларини жаранглатиб келди. Келди-кетди билан анча чиқимдор бўляпман, бисотда озроқ бахмал бор эди, болангни тўй қилсанг, кўрпа қавитарсан, бегонага кетмасин деб сенга олиб келаётган эдим.

Милиционер кулиб юборди.

— Оқсоқол ота, бу гапни қўйинг, бахмални қаердан олдингиз? Шунга айтинг!

— Бисотдан, бисотдан чиқди, ука.

— Қани, бўлмасам, ўша бисотдан чиққан молни бир кўриб қўяй.

Оқсоқол ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб кўрди, бўлмади. Охири эшакнинг тўқимини кўтариб бахмални кўрсатди.

-- Оббо, Оқсоқол ота-е, отингизни Иноят оқсоқол эмас, Жиноят оқсоқол деб бекорга айтишмаган экан, ахир бу ўзимизнинг комбинатдан яқинда чиққан бахмал-ку?!

Оқсоқол индамай тураверди.

— Оперпунктга борамиз, ўша ерда қаернинг моли эканлигини аниқлаб беришади.

Оқсоқол шошиб қолди.

— Қўй, укажон, қўй болангдан айланай, қўй. Шатта ўзинг бир бало қилиб қўя қол. Майли, озроғини ол, ўша турқи совуқларингнинг олдига олиб борма.

— Нима деяпсиз? Пора бермоқчимсиз?

— Пора эмас, падарка. Ҳа, падарка, ука.

Милиционернинг энди астойдил жаҳли чиқиб кетди.

— Бўлди, майнавозчиликни бас қилинг, кетдик.

Оқсоқол жойидан қимирламай турарди.

— Рост айтяпсанми? Эсинг борми, ука?! Сал мияси йўқроқ мелиса экансан... Тайёр шунча пуллик бахмални олмасанг кўр бўласан.

— Юринг деяпман!

У ёнидан ҳуштагини олиб огзига солди.

— Қўй, қўй, чалма, нима қиласан одам йиғиб. Ўзинг тил топишиб кетамиз.

Милиционер жаҳл билан эшакни бир тепди. Эшак Оқсоқолдан бошқага кўнмас экан, жойидан жилмади.

— Кўнмадингми? Пушаймон бўласан, бола. Ҳозир лод соламан, бошимга одам йиғиб, мелиса мени пастқамга опкелиб пора сўраяпти дейман.

— Ундан баттарини айтсангиз ҳам қўрқмайман. Кетдик.

Оқсоқол юришга мажбур бўлди. Сал нарига бориб яна тўхтади.

— Вей, ростдан олиб кетяпсанми?

Милиционер жавоб қилмади, кетаверди.

— Қарғайман,— деди Оқсоқол.

— Барибир қарғишингиз ўзингизга уради.

— Ёмон қарғайман.

— Қанақа қарғасангиз ҳам барибир.

Оқсоқол нима қилишини билмасди. Нима деса бу ўжар милиционер уни қўйиб юбораркин?

— Менга қара...

— Ҳа, нима дейсиз?

— Боланг ўлсин, деб қарғайман.

Милиционер титраб кетди. Унинг бир боласи фронтда ўлиб, дилидан ҳали алами кетмаганди. Пешонасида биттагина олти яшар боласи бор эди, холос. У шу боласини еру кўкка ишонмас, бола ҳам отасига ўрганиб қолганидан кечаси у билан ётарди. Тунги сменага кетган пайтларда бола неча марта уйғониб дадасини сўрарди. Оқсоқол шу болани қарғамоқчи.

— Нима ледингиз?

Боланг ўлсин, деб қарғайман. Тобути шу кўчадан ло-
пиллаб чиқсин, деб қарғайман.

Милиционернинг аъзон баданидан тер чиқиб кетди.
Кўз олди хиралашди. Гандираклаб елкасини деворга
уриб олди.

Оқсоқол айтган гапи қанчалик таъсир қилганини кў-
риб яна авжга чиқди.

— Ҳа, шунақа деб қарғайман, қўйиб юборсанг дуо
қиламан.

Милиционер унга ўқрайиб қаради.

— Расво одам экансиз. Боринг, йўқолинг.

— Хўп, хўп. Бахмални оласанми?

— Йўқол, ифлос!

Оқсоқол йигитлардек чаққонлик билан эшакка
минди-ю, кавушининг учи билан икки биқинига нуқди.
Эшак ҳам шунини кутиб турган экан, пилдираганича
кетди.

Кўча бошига етганда Оқсоқол орқасига қаради. Ми-
лиционер ҳамон қимирламай турарди. У неча йиллардан
бери милицияда ишлаб ҳали бунақа муттаҳамни кўрма-
ган эди. У нечалаб жиноятчиларни тутган, ҳеч ким уни
гапга кўндирилмаган эди. Оқсоқол унинг юрагини чан-
галлаб олди. Ноилож қолди. Умрида биринчи марта жи-
ноятчини қўлдан чиқарди.

У қилиб қўйган ишига ўзи ҳам ҳайрон эди. Жаҳл
билан ерга бир тупурди-ю, орқасига бурилиб кетди. У
йўл-йўлакай сўкиниб борарди.

— Аблаҳ, ифлос, ярамас, муттаҳам, ҳаромхўр, ўғри...

IX

Правление мажлиси эрталаб соат саккизга чақирил-
ган эди.

Одамлар бирин-кетин идора олдидаги сўрига йиғили-
ша бошлашган. Солдатлик кийимларини ечиб яктак, дўп-
пи кийган жангчи йигитлар кетмонни ариққа ташлаб
нариги сўрида ўтиришибди. Аъзамжон ҳам ўшалар
тўдасида.

Правление икки масалани муҳокама қилмоқчи. Опа-
нинг аризаси ва жангдан қайтган йигитларни алоҳида
бригада қилиш ёки уларни бошқа бригадаларга тақсим-
лаш.

Зинада опа пайдо бўлди. У у ёқ-бу ёққа қараб Аъзамжонни топди-да, уни имлаб ичкарига чақирди. Аъзамжон нима гаплигига ҳайрон бўлиб кетидан ичкарига кирди. Идорада Асрора, Қишлоқ советининг раиси ва районроком вакили ўтиришарди.

Аъзамжон улар билан кўришиб, бир четга бориб ўтирди. Опа бир-икки марта гапга оғиз жуфтлади-ю, гапиролмади. Аъзамжон ҳайрон бўлди. Охири опа ўрнидан туриб, уни яна ташқарига имлади. Коридорга чиқшди.

— Менга қара, ука, дадангнинг иши чатоқ, милиция қамаб қўйибди. Кеча бозордан олиб кетишган экан.

Аъзамжоннинг эти жимирлашиб, кўзи тинди.

— Шу гапни айтиб қўймоқчи эдим. Маргилонга тушиб бир хабар олиб қўй.

Аъзамжон бугун правление мажлисига катта умидлар, аллақанча режалар билан келган эди. У шунча ёшга кирган бўлса унинг бирон яхши кунини дадаси татитмаган. Ҳамма вақт нимадир қилади-ю, тўйини азага айлантиради. Ахир тўрт йил урушда юриб соғинган остонасига интилиб келаётганида ҳам эшигига етмасдан уни қон қилди. Уйининг қораси кўринмасданоқ хотинидан, боласидан, укасидан жудо қилди.

Этни тандан жудо қилиб бўлмас экан. Нима қилса ҳам дадаси. Боқиб ўстирган дадаси ахир. Уришиб бўлмаса, сўкиб бўлмаса.

Аъзамжон бўшашиб ташқарига чиқди. Одамларга ҳам аралашмай бир чеккага бориб, бошини эгиб ўтираверди. Унинг бу ҳолати фронтдан қайтган жангчидан кўра, қамоқдан қайтган маҳбусга ўхшарди. У одамлар кўзига қараёлмасди. Уни шу топда икки нарса эзарди. Қари одамнинг қамоқда ётиши, шу қамалган одамнинг боласи эканлиги.

Қоровул чиқиб ҳаммани чойхона орқасида тайёрланган жойга таклиф қилди.

Кенг майдонга скамейкалар қўйилган, юқоридаги столга қизил алвон ёзилган.

Қишлоқ советининг раиси мажлисни очди. У колхозга янги кучлар келгани, далалар уларнинг кучига зориқиб турганини узоқ, шошилмай гапирди. Шундан кейин правление жангчи ўртоқларни бригадаларга тақсимлаганини айтди.

Опа ўрнидан туриб ким қайси бригадага қўйилганини эълон қилди. Ажаб, Аъзамжонни ҳеч қайси бригадага киритишмабди. Нега? Балки дадасининг қамалгани учундир. Ер ёрилмади-ю, Аъзамжон ерга кириб кетмади. Ўтирган ерида чўкиб кетаётгандек, борган сари кичрайиб кетаётганга ўхшарди.

Қишлоқ советининг раиси яна ўрнидан турди. Унинг қўлида қоғоз. Ҳамма жимиб қолди.

— Ўртоқлар, опа рансликдан бўшатишимизни сўраб ариза бердилар. Шу масалани сизнинг муҳокамангизга ташлайман.

Ғовур-ғувур гап бошланди. Биров тушмасин, биров ўзи яхши эди, деб луқма ташлай бошлади. Кимдир:

— Ўрнига ким бўлади?— деб қичқирди.

— Шунинг гаплашмоқчимиз-да,— деди Қишлоқ советининг раиси.— Аввал опанинг аризасини муҳокама қилайлик. Опа аризада қариб қолганларини, катта хўжаликка раҳбарлик қилган оғирлик қилаётганини айтибдилар. Биз маслаҳатлашиб опанинг илтимосини қондириш кераклигини ўйладик. Мана, йигитларимиз қайтиб келишди. Энди бундан бу ёқ одамга ёлчиб қоламиз. Янги ерлар очиб масаласи олдимизда турибди. Хўш, нима деймиз, аризага хўп деймизми, ё йўқ.

Одамлар бараварига йўқ, деб қичқиришди.

— Ўзи яхши.

— Опа яхши ранс.

— Опа биз йўгимизда болаларимизга ҳам она, ҳам ота бўлган.

— Ўзимиз ишига қарашамиз. Қийнамаймиз.

Ҳамма ёқ ола-ғовур бўлиб кетди. Охири опа ўрнидан турди.

— Раҳмат, укажонлар. Шунчалик илиқ-иссиқ гапларнинг учуи каттакор раҳмат. Энди бу ёғи бўлмайди. Чарчадим, тобим ҳам йўқ. Колхоз катта, иш кўп, бу ёғига кучим етмай, сизларни уялтириб қўяман. Ешлардан қўйлик. Хўп денглар. Менга қийин бўлади. Уруш пайти бошқа гап эди. Қимирлаган жонки бор нимадир қилиши керак эди. Виждоним буюрганича, кучим етганича ишладим. Бу ёғига энди йиқилиб қоламан. Хўп денглар, укажонлар.

Опанинг астойдил ялиниб айтган гаплари одамларга таъсир қилди.

— Ундоқ бўлса майли, қийнаманглар қари нарсани,

— Аммо правление рўйхатида қолсин, тажрибаси бор, иссофи бор.

Ҳар ер-ҳар ердан чиқаётган бу луқмаларга опа гоҳ илжайиб, гоҳ жиддий қараб қулоқ солиб ўтирарди.

Раисликка янги номзод эълон қилинди.

— Асрора Ҳақимова.

Бирдан жимлик чўкди. Кейин олд қаторга ўтириб олган қизлар, хотинлар чапакни бошлаб беришди. Кимдир, раис эркаклардан бўлса яхши бўларди, деганди, унга бошқаси жавоб қилди.

— Асрорани эркак деса ҳам бўладн. Уята йигитга тенг келади.

Яктагининг устидан тўртта медаль тақиб олган шоп мўйловли жангчи йигит ўрнидан турди. Боя раис эркаклардан бўлсин деган одамни тўда орасидан топиб жавоб қилди.

— Ия, шу гапни сен айтдингми. Эсингда борми, Асрора билан кураш тушганинда йиқилиб тупроққа қоришиб кетганинг.

Қийқириқ бўлиб кетди.

— Мард бўлсанг чиқ. Яна курашга соламиз.— Медалли йигит хўрозга ўхшаб бўйинини чўзиб қойил қилдимми, деган маънода атрофга қаради.— Асрора раисликка жуда боп қиз. Агар рози бўлсанглар, жангчи ўртоқлар, мен фронтовиклар номидан шу номзодни қувватлайман. Қани, фронтовикларнинг гапини иккита қиладиганни кўриб қўяйлик.

Аъзамжон гапга ҳам аралашмас, чапак ҳам чалмасди. Бошпни эгиб ўтирганича ҳеч қачон омадга йўл бермаган ўз тақдирини қарғарди. Агар дадам қамалиб қолмаганда, албатта, мени раис қилишарди, деб афсусланиб ўтирарди.

Райижроком вакили сўз олди. У Фарғона область партия комитети ва область ижроня комитети Езёвон чўлларини ўзлаштириш учун умумхалқ юриши бошлаганини хабар қилди.

— Ҳозир Езёвон тўрт тарафдан сиқиб келиняпти. Бир тарафдан Андижон, бир тарафдан Наманган ёшлари юриш бошлашди. Тошлоқлик колхозчиларнинг чўлга биринчи юриши бу чўлдан яхши ҳосил олиш мумкинлигини исбот қилиб берди. Ҳозир Найманда очилган ердан областда энг кўп пахта ҳосили олиняпти. Шунинг учун ҳам область ташкилотлари ёшларни шу чўлга чақиряпти.

Истаганлар колхоз правлениесига учрашиб, хоҳишларини билдиришлари мумкин.

Шундан кейин у Наймандаги ерларга пахта экилгани, ҳозир бу ғўзалар парваришсиз ётганини айтиб берди.

— Деярли ҳамма ишни техника бажаради. Туркистон ҳарбий округи ўз ихтиёридаги машиналарни чўлни ўзлаштиришга берапти. Фронтчи ўртоқлар бу машиналарни бошқаришда актив қатнашишлари керак.

Боя Асрорани ёқлаб чиққан медалли йигит яна ўрнидан турди.

— Ўзимизнинг колхоз нима бўлади?

— Жанг бўлган жойлардан тинмай эшелонлар келиб турибди. Кунига районимиз бўйича элликдан ортиқ жангчи қайтапти. Йигитларимиз ҳали кўп келишади. Колхозимизга ҳам, чўлга ҳам одам етарли бўлади. Бу тарафдан хотиржам бўлинг.

Аъзамжоннинг кўнглида умид учқуни йилт этиб қолди. У ҳам шу чўлга кетса нима қиларкин. Бу ерда унинг қадрига етишмаяпти, хўрлашяпти.

У калласига келган фикрни аниқ ўйлаб кўрмаёқ, ўрнидан туриб қичқирди.

— Мен бораман. Мени ёзинг.

Ҳамма гур этиб орқага ўгирилди.

Асрора ундан бу хил гапни кутмаган эди.

— Сиз бормайсиз. Правление сизни механизация бўйича инженерликка тайинламоқчи.

— Истамайман,— деди Аъзамжон қатъий.— Қетаман.— Хотин киши ранс бўлган колхозда ишламайман.

Орқада, хотинлар орасида ўтирган Дилдор сесканиб кетди. Аъзамжон нима қилмоқчи. Уйини, бола-чақаларини ташлаб кетмоқчими. Нега ундан, ўз хотинидан бир оғиз сўрамади. Нима, Аъзамжон илгаригича уни писанд қилмоқчи эмасми, уни ювош, бўш-баёв хотин деб ўйлаётганими. Йўқ, Дилдор у ўйлаганлардан эмас. У ўз ҳақини таниган, энди ўзини бировга оёқ ости қилдириб қўймайди.

Дилдор ҳам ўрнидан турди.

— Мен бормайман.

Аъзамжон ҳали жойнга ўтирмаган эди. Хотинининг ўрнидан туриб унга терс гап айтганидан ғазаби келди. Наҳотки ўз хотини ҳам унга қарши бўлса, наҳотки у ўз эрига яхши кунин раво кўрмаса. Бу қандоқ гап.

— Сен бормасапг, ўзим кетаман.

У шундай деди-ю, тўнини қўлтиқлаб йиғиндан чиқиб кетди. Қаллада минг хил ўйлар билан дала кезаркан, ўзидан-ўзи гоҳ Дилдор билан, гоҳ дадаси билан уришарди. Баъзан олисда ёнган чўгдек милт этиб Низомжон эсига келиб қоларди. Наҳотки шу кичкинагина, нимжонгина укасичалик бир сўзли бўлолмаса. Ахир у айтган жойидан кесди. Дадасининг зулмидан, қарғишларидан қўрқмади. Кетди. Кетиб бахтнини топиб олди. Аъзамжон укасичалик бўлолмайдимп?

Низомжон унга қатъийлик берди. Унинг ишлари, бир сўзлилиги унга қанот бўлди-ю, агар Дилдор кўнмаган тақдирда ҳам ўзи йўлга чиқишга аҳд қилиб қўйди.

— Кўнса-ку, ҳа-я, кўнмаса этагимни қоқиб, чиқаман кетаман.

У ўйлаб-ўйлаб, юриб-юриб чарчади. Тегирмон олдига келиб харсангга ўтирди.

Тегирмон гувпллайди. Сув тўзонлари унинг бетларига сачрайди. Деворлардан, ун тўзонига беланган ошпоқ тол танасидан ачиган хамир иси келади.

Қош-кўзи ун гардига беланган тегирмончи чол чиқди. Этагига юз-кўзини артиб унинг ёнига келиб ўтирди. Чолнинг қовоғи солиқ. Йиғлаган бўлса керак, кўзлари қизариб кетган эди. У ўтираркан, ўзидан-ўзи гапирарди.

— Э, худо, бандаларингда шунча қасдинг бормиди? Мунча қийнамасанг, мунча қийнамасанг.

Аъзамжоннинг эти сесканиб кетди. Чолнинг ўғлига бир гап бўлган, деб ўйлади. Қора хат келдимикин. Чолнинг лочиндек ўғли бор эди. Наҳотки, наҳотки...

Чол қимирламай ўтирар, офтобда дон талашаётган чумчуқлардан, мусичалардан кўзини узмасди.

Тегирмончининг ўғли урушдан олдин колхозда сувчи эди. Аъзамжон ўртоқлари билан қулоқ бошига бориб балиқ тутишарди. Тегирмончининг ўғли саримсоқ пиёз билан балиқ қовуриб берарди. Тол шоҳида доимо дутор илиглиқ бўлар, сувнинг наmidан ипи бўшашиб кетаверганидан у бир маршнинг ярмига етмай яна созларди.

Демак, шу бола ҳам ўққа учибди-да. Шу топда Аъзамжоннинг хаёлидан минг хил ўй ўтди.

Чол бошини кўтарди. Ғамгин кўзларини Аъзамжонга узоқ тикиб хўрсинди.

— Қандоқ қиласан энди, болам. Кўргилик экан. Келмасингдан яна кетадиган бўлиб қолдинг.

Аъзамжон унинг гапига тушунмади. Е чол унинг Езёвонга кетишини эшитдимикни.

— Гитлери ўлиб, япони чиқибди энди.

Аъзамжон чолнинг гапларига тушунмади.

— Нима деяпсиз, ота?

— Ия, хабаринг йўқми? Урушдан келган болалар гурра-гурра военкоматга кетишяпти-ку. Япон дегани билан уруш бошланбди.

Аъзамжоннинг вужуди карахт бўлиб қолди. Нима дейишини, нима қилишини билмай эсанкиради. Чол яна гапирди.

— Усмонгинамдан хат олган эдим, бугун-эрта бориб қоламан, деб ёзган эди. Яна қон, яна ўқ. Э, худо, бу қанақаси бўлди.

Аъзамжон ўрнидан турди. Демак, уруш бошланган. Эски фронтчилар яна сафарга отланишган.

Аъзамжон малол келиб ўрнидан турди. Энди чўлга кетиш керак. Янги ер очаётганларни воснкомат чақирмайди. Тезроқ чўлга жўнаб қолиш керак. У орқага қайтар экан, қишлоқ йигитларига дуч келди. Нима гаплигини ташвишланиб сўради.

— Қўрқма, ошнам, бизни олмас экан, сен билан бизсиз бир ёқлик қилишар экан. Бориб кетмонингни чопавер.

— Ростдан урушми?

— Япон билан ёлгондакиси урушиб бўладими?

Йигитлар ўтиб кетишди. Аъзамжон қаёққа боришини билмай йўл ўртасида туриб қолди.

Аъзамжон Езёвонда нима қилишини ҳали билмасди. Агар у ерда ҳам уни хафа қилишса, «қўриқ ерингни онангга бер-е», дейди-ю, чопонини елкасига ташлаб кетаверади.

Аъзамжон ҳали кўчиб бормаган жойида ҳалитдан ўзини омонат сезарди.

Х

Дилдор нима бўлаётганини билолмасди.

У бошидан шунча оғир кунлар ўтган бўлишига қарамасдан ҳалигача пишмаган эди. Дарров жаҳли чиқар, бир лов этиб, яна ўчиб қоларди. Ана шу хусусияти унга қанча қора кунлар солди.

Бугун эрталабки тумонат орасида эрининг юзига оёқ тираб, у бораман деган жойга, бормайман, деганида

Фикрида қатъий эди. Энди у бу фикридан қайтди. Эр қаёққа бошласа, хотин ўшаққа бориши керак.

Дилдор шу ёшга кириб бировнинг дилини оғритмаган. Унинг дилини оғритганлар кўп бўлган. Дилдор ақалли жавоб учун, аламини босиш учун бирон оғиз очмиқ жавоб қилмаган. Уйига келганда, нега аламини олмаганидан ўзини ўзи койирди. Бугун ҳам шундоқ бўлди. Ўзини унутиб, Аъзамжонни ўйлаб кетди.

Бечора, хотиним йўқ демайди, деб шу гапни айтгандир. Менинг терс жавобим кўнглига қаттиқ ботгандир. Йигит бошини ҳам қилиб қўйдим. Нега бунақа қилдим ахир!..

Дилдор ана шундай кўнгилни бузадиган ўйлар билан банд эди. Бирдан уруш хабари келди. Бу совуқ хабар халқни бир чайқатди. Ҳамманинг юзида, кўзида ташвиш. Дийдор кўришганлар, ҳижрон азобларини орқага ташлаб бахтдан маст бўлган кишилар яна ҳушёр тортиб кетишди. Ҳамманинг кўзига оловлар, қонсираб ётган аскарлар кўринди, бомбаларнинг портлаши, ажал уругини сочаётган самолётлар гуриллаши эшитилиб қолди...

Дилдор ўзини унутди. Эри яна шинель киядими, яна боласини тирик етим қилиб ташлаб кетадими? Нега ушн хафа қилдим, нега дилини оғритдим. Атрофида парвона бўлиб айлансам бўлмасмиди? У албатта кетади. Шунча олис йўлдан соғ-омон келиб нима рўшнолик кўрди. Бир ёқда дадасининг хархашаси, опасининг аламли гаплари. Дилдорнинг ўзи унга нималар демади, нималар қилмади? Остонадан қувлади. Тумонат ўртасида унинг бетига сапчиди.

Уруш хабари Дилдорнинг кўзига дунёни қоп-қоронғи қилиб қўйди. Аъзамжон қаёққа борса бораман. Истаса жангга ҳам бирга кетаман. Ундан бир қадам ҳам жилмайман. У нима бўлса, мен ҳам шу...

Дилдор уйга келди. Дадаси неварасини тиззасига ўтқазиб қимирламай ўтирибди. Бола ухлаб қолган.

— Куёвингиз келмадими?

Дадаси болани уйғотиб юбормаслик учун йўқ ишорасини қилди. Юнусали ота уруш хабарини эшитмаган бўлса керак, хотиржам ўтирарди. Неварасини бағрига босиб, пиш-пиш ухлашини эшитар, бола ҳидидан маст бир ҳолда оламнинг лаззатини сураётгандек эди. У Дилдор юзидаги ҳаяжонни сезмади.

Дилдор яна кўчага югурди. Гузарга чиқди, самовар-

да ҳам йўқ. Таниш билишлардан сўради, кўрдим деган одам бўлмади. Бирдан Дилдорнинг юрагини ваҳм босди. «Кетган, албатта кетган. Ё фронтга, ё чўлга...»

Унинг тарвузи қўлтигидан тушди. Юраги сиқилиб йўл четнда ўтирганча қолди. Катта йўлдан гур-гур машиналар ўтиб турибди. Биров ҳаяжонда, биров хотиржам. Эскириб, тошбақа қиёфасига кирган «эмка» машинаси орқасидан кўтарилган чангни устига шопириб тўхтади. Ундан Асрора тушди.

— Нима қилиб ўтирибсан?

Дилдор этагини қоқиб ўрнидан турди.

— Аъзам қани?

Дилдор бош чайқади.

— Қани, чиқ машинага.

Дилдор бир сўз демай машинанинг орқасига чиқди.

Асрора ҳам безовта кўринарди. Машина правление олдида тўхтаб, уларни ташлаб ўтиб кетди. Иккови ичкарига киришди. Асрора ўйчан кўзларини ўртоғига маънос тикди.

— Э, ўртоқжон, сенга ҳавасим келади. Сени қара-ю...

Унинг нимасига ҳаваси келади. Аҳволини кўриб турибди-ку! Дилдор ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

— Эринг бор, боланг бор. Менинг нима бор, кимим бор.

Дилдор нима дейишни билмай, деди:

— Ахир сен ҳам Каримни кутяпсан.

— Карим узоқда. Япон билан олишяпти. Бир урушдан чиқиб бошқа урушга кирди.

— Аъзам акам ҳам бекор турмас, у ҳам кетар урушга.

— Йўқ,— деди Асрора, ҳозир районга тушдим. Фронтга ҳеч кимни олишмасмиш. Фронтчилар далага чиқинсин, Езёвонни ўзлаштиришсин, дейишяпти. Бир-икки кундан кейин районимиздан юз ўттиз киши Езёвонга кетишади. Уй-жой, ҳамма нарса тайёр экан. Агар боринг келса майли, колхоз розн.

— Нима, бизни ҳайдаяписизларми? Сен раис бўлиб биринчи ишни мени ҳайдашдан бошламоқчимсан? Дуруст. Яхши ўртоқ экансан.

Асрора унга ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлди. Унинг ёнига бориб ўтирди.

— Менга қара. Сен ўзинг одаммисан, нимасан? Бутун уруш ичи ўз ташвишимиз қолиб сенинг кўнглингни

кўтариш билан опора бўллик. Очиқ айтаман, хафа бўлсанг ҳам ўзинг биласан, хафа бўлмасанг ҳам. Укаси билан юриб, акасига тегдинг — бу бир. Сени деб Низом туғилган қишлоғидан бош олиб кетди — бу икки. Ака-ука юз кўрмас бўлиб кетишди — бу уч. Бутун звено бўлиб болангни боқишди — бу тўрт. Сени деб ота¹бола, опа-ука бир-бирига тескари бўлишди — бу беш. Хўш, сендан бошқа ташвишимиз йўқми? Ҳаммаси сенинг эркалингидан, кўзинг очилмаганидан. Агар кетсанг, рўзгор бошингга тушиб одам бўласан. Кўзинг очилади.

Дилдорнинг кўзи тиниб кетди. Асрора ҳамиша унга шунақа қўпол гапирди, ётиги билан гапиришни билмайди. Алам билан унга қаради:

— Қишлоққа сиғмай қолдикми? Қутулолмай юрганмидинглар? Ҳали ўзим боққанман, едирганман, ичирганман ҳам дерсан?

Асрора жиддий деди:

— Шунақалигини ҳалиям билмайсанми? Колхоз боқмай ким боқди. Звено қизлари бўлмаса, опа ўртага тушмаса, ордан ўлиб кетардинг. Қани, айт-чи, уруш ичи колхозда ишлаб нимани қойил қилдинг? Қизлар ҳам ўзи учун, ҳам урушдагилар учун икки-уч нормадан ишлашди. Сен ақалли ўзинг учун ҳам ишлолмадинг-ку! Майли, кўнгли яримта, бошида кулфат, деб аядик. Йиғлаганинда овутдик. Сен кимни овутдинг? Кимнинг бошини силадинг? Уят керак. Сени эркалатиб қўйдик. Чиройлисан дедик, нозиксан дедик, эрингнинг урушдагилгини андиша қилдик, қайнатангнинг пастлигини ҳисобга олдик, қайнагачингнинг худо урганлигини ҳисобга олдик, умуман, ўзинг ўлгур сухсурдексан, аёл кишининг ҳам киннаси кирадиган чиройингни андиша қилдик.

Дилдор кулиб юборди:

— Э, ўле, қаёқдаги гапларни гапирасан-а?

— Куладиган гапми шу. Тўғри айтяпман. Бу ерда турсаларинг сенларга рўшнолик йўқ. Қайнатанг билан қайнагачинг кун бермайди. Шартта кўрпа кўтариб қолсаларинг қутуласанлар. Нима, Ёзёвон қочиб кетибдими, чақирса овоз етадиган жой. Сизларни ҳеч ким мажбур қилётгани йўқ. Ўйлаб, яхшилаб ўйлаб кўринглар. Менимча, Аъзамжон тўғри ўйлапти. Ўша ерда икковларингнинг ҳам бахт топиб кетишларингга кўзим етиб турибди. Агар Қаримжон омон-эсон қайтиб келса, раислигини ҳам ташлайман, кетаман, кетамиз. Ана ўша ерда

ўзимизни кўрсатамиз. Мингайиб юрадиган аммамнинг бузоғи Низом нима бўлди? Йўлини топиб кетди. Неча марта газетага ёзилди. Кеча радиода ҳам гапиришди. Бу ерда деворий газетага ҳам оти ёзилмаган эди. Хўш, нима дейсан?

Дилдор индамади. У Асроранинг гапларини танига сингдиришга уринарди. Айтган гапларни рост. Уруш ичи бошқаларга товон бўлиб яшади. Иноят оқсоқолга ўйинчоқ бўлди. Укасига ўптириб, акасига тегди. Эридан қора хат келганда яна укасига тегмоқчи бўлди. Дилдор шу пайтгача ўз қилмишинини муҳокама қилмаган, қилган ишини дилга солмаган эди, бошқалар дилга солиб юришган экан. Дилларидан энди тилларига чиқди.

У шу бир неча минут ичида яшаб ўтқазган умрининг тўрт йиллини кўз олдига келтирди. Асроранинг гапларини рад қилишга уриниб кўрди. Уни ёлгончи қилишга баҳоналар қидирди. Аммо биронта баҳона тополмасди. Топган баҳоналари шу қадар асоссиз эдики, гапиришга оғиз жуфтлаши биланоқ ичида уқаланиб кетарди. У фақат биргина гап айта олди холос:

— Ҳаммасини ичингга ташлаб юрган экансан-да!..

— Бўлмасам-чи. Урушга борган ҳам, бормаган ҳам ҳисоб беради. Сен нима дейсан? Агар биронта баҳона тополсанг, ҳамма гуноҳингни кечинилари учун ўзим кафил туриб бераман. Қани, айт?

Дилдорнинг боши эгилди. Асрора уни босиб-босиб, эзиб-янчиб гапирарди. Қаримжоннинг бу урушдан у урушга кетишига ҳам шу Дилдор сабабчидек аламини ундан олмоқчи бўларди.

— Менга қара, Аъзам дуруст бола экан. Билмадим, дурустлигиданми, битта боласини ўйлаганиданми, сен билан яшаб кетди. Агар мен унинг ўрнида бўлсам орқанга битта тепиб, бор, аравангни торт, менга сендақа хотин керакмас, дердим.

Дилдор унга ёшли кўзлари билан зардали қаради.

— Ҳа, сен шунақа қилсан, сенинг қўлингдан бунақа иш келади. Сени раис қилишаётганда мен ўлгур нега қўл кўтардим. Бошимга бало келсин деб, қўл кўтарган эканман.

— Сен қўл кўтармасанг ҳам раис қилишаверарди. Сенинг қўлинг кўтарилди нима-ю, кўтарилмади нима. Сен колхоз учун ҳеч гап эмассан.— Асрора деразадан

учиб тушган чумчуқ парини столдан пуфлаб учириб юборди.— Мапа, шунақа нарса сан.

Дилдор чидамади. Овозининг борича, газаби, нафрати, асабининг борича қичқирди.

— Бўлди. Бўлди, ба! Кетаман. Мутлақо кетаман. Қораларингни кўрмайдиган бўлиб кетаман.

— Жуда яхши қиласан,— деди Асрора хотиржамлик билан.

Дилдор шарт ўршидан турди-ю, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. У уйига кўз ёшларини шашқатор тўкиб йиғлаб борарди. У нега йиғлапти, ўз қилмишигами, Асроранинг тўппа-тўғри юракка бориб санчиладиган пайзадек тигдор гапларигами, ўзи билмасди. Ҳар қалай, Асрора унга кимлигини айтди. Ойна тутиб ўз башарасига қарашга мажбур қилди. Дилдор ҳали ҳам ўзини ўзи танимасди. Қандайдир ўч, ниманингдир алами деб биларди. Ахир у Асрорага бирон огиз гап билан жавоб қилолмади. Ана шуниси унга алам қиларди.

Дилдор уйга йиғлаб кирди. Ариққа олма оқизиб ўйнаётган ўғли онасининг вазоҳатини кўриб ҳар галгича унга отилмади. Турган жойида қора тугмадек кўзларини қимирлатмай қараганча тураверди. Аъзамжон айвон даҳанида нянгга қўлини тираб ўтирар, сочлари бошидан ёшиб, пешоналарини, қош-кўзларини тўсган. У тишимсиз чайқалар, гоҳ-гоҳда отга ўхшаб пишқирарди.

Аъзамжон маст эди. Самоварнинг оташхонасига маҳсул кийдириб, ўт олдираётган дадаси ҳайронликда туриб қолди. Нима бўлди. Куёви фронтдан келгандан бери бу уйнинг осойишталиги бузилди. Ҳар куни уриш, ҳар куни йиғи. Бугун куёви ғирт маст бўлиб келди. Кетидан қизи йиғлаб кирди. Нима гап?

Юнусали ота шу кунгача уларнинг борди-келди гапларига аралашмай, чидаб келарди. Энди чидамади. У оҳиста юриб куёвининг тепасига келди.

— Нима гап болам? Тинчинглар бузилиб қолди?

Аъзамжон бош кўтармади. Жавоб ўрнига бошини чайқаб пишқирди. Чол жавоб кутиб узоқ турди.

— Бунақада турмушларининг шираси кетади. Авжи ўйнаб-куладиган пайтларингда жанжалдан бўшамасанглар, кейини қийин бўлади. Эркак одам бир сўзли бўлади. Хотинингиз енгиллик қилаётган бўлса, сиз оғирлик қилинг. Келганингизда бағримиз бутун бўлиб қолди, деб бошимиз кўкка етган эди. Мен-ку майли, бола но-

тинч бўлиб қолди. Сизга қараб бир жавдирайди, аясига қараб бир жавдирайди. Бўлмайди бупақада, болам, Узингизни ушланг. Рўзгорчиликда ҳар гап ўтади. Биринглар енгил бўлсанглар, биринглар оғир бўлинглар. Қарсақни икки қўлдан чиқариш керак.

Аъзамжон яна индамади. Ундан жавоб бўлавермагач, чол уларни ўз ҳолларига ташлаб чиқиб кетмоқчи бўлди. Неварасини энди опичлаётган эди Дилдор чиқди.

— Дада, болани қўйиб кетинг.

Чол қизига ҳайрон бўлиб бир қаради. Кейин, ҳай, майли, дегандек ҳардамхаёл кўчага чиқиб кетди. Бола ҳомуш бориб супага ўтирди. Дилдор келиб эрининг ёнига ўтирди-да, елкасига кўлини қўйди. Аъзамжон қўлини қўлиб ташлади.

— Менга қаранг, менга қаранг, деяпман.

Аъзамжон қарамади. Дилдор уни мажбуран ўзига қаратди. Аъзамжоннинг кўзлари қизарган, нянгга тиралиб ўтирганидан даҳанининг четлари бурушиб қолган эди.

— Хўп, майли, кетамиз. Мен ҳам бирга кетаман. Сиз қаёққа борсангиз мен ҳам қолмайман. Тамом.

Аъзамжон тиззасига таяниб ўрнидан турди-да, нималариндир ўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Қаёқда эдингиз?— деди Дилдор.

Аъзамжон дарров жавоб бермади. Малол келгандек қийналиб жавоб қилди:

— Дадамнинг олдига бордим. Қамалиб ётибди. Бах-мал билан қўлга тушибди.

Дилдор ҳайронликда қотиб қолди. Аъзамжон дадил келиб унинг икки қўлидан ушлади.

— Тезроқ кетиш керак. Тезроқ. Биласанми, мелисадан дадамнинг эшагини ҳайдаб келаётганимни ҳамма кўрди. Одамлар уруш ташвишида, мен отамнинг эшагини ҳайдаб юрибман. Шармандалик, бу қандоқ шармандалик. Гузардагилар мени эрмак қилишди. Оқсоқолнинг меросхўри келяпти, меросга эшак тегипти, деб аския қилишди. Орқамдан анча пайтгача кулги эшитилиб турди. Кетайлик, жон Дилдор, кетайлик.

— Дадагизнинг иши бир ёқлик бўлмай туриб-а?

— Нима бўлса бўлди, жазасини тортсин. Узи жавоб берсин. Кетамиз. Дадамнинг овози, қилмиши эшитилмайдиган жойга кетамиз.

— Хўп. Хўп, Аъзамжон ака. Сиз нима десангиз шу.

Аъзамжон отасининг қилмиши кўзини очган бўлса, Дилдорнинг кўзини Асрора очди. Агар Асрора унга бояги гапларни айтмаганда у ўз қишлоғидан қимирламас эди. Тинч, бежанжал яшаш учун кетишлари албатта керак.

Дилдор бу гапга энди тушунди. Қаёққа боради, нима қилади, қандоқ яшайди, бу ҳали номаълум эди. Ёнида арслондек, тоғни урса талқон қиладиган азамат эри турганда ташвиш қилишга ҳожат йўқ эди.

XI

Аъзамжон фронтдан қайтаману, уч-тўрт ой қишлоқда медалларимни жаранглатиб юраман, деб ўйлаган эди. Хаёлида бутун қишлоқ томга чиқиб уни кутиб турибди. Бири қўлига сув қуйган, бири сочиқ тутган...

Ундоқ бўлмади. Хотин тепа тўнини тескари кийиб уйига келмади. Ота эр-хотин ўртасига қора ботир бўлиб тушди. Опаси икковини гиж-гижлашдан бўшамеди.

Устига чиқиб тепкиласа ҳам жигарники ўтмас экан. Аммо хотиннинг бемаврид чимирилгани рўзғорда кўп аччиқ-чучукка сабаб бўлади.

Аъзамжон қўлини ювиб қўлтиққа урганди. У ҳозир алам оташида ёнарди. Узини қишлоқдан — тугилиб ўсган қишлоғидан қувилган ҳисобларди. Наҳотки тўрт йил қон ичида кезиб, не ўлимлардан омон қолган солдат ўз уйига сиғмаса. Унга чўл йўлини кўрсатиб қўйишди, Мана кетяпти. Ҳали кўрмаган, билмаган ёқларга кетяпти. Бир ўзи бўлса ҳам майли эди. Хотини, боласи билан қувилиб кетяпти. Қайси гуноҳи учун?

Аъзамжон кеча эрталаб Ёзёвонга бориб, қаерда туради, қай вазифада ишлайди, шуни билиб келиши керак эди. Ўжарлик қилиб бормади. Хаёлида кимдир: Аъзамжон бормасин, қишлоғимизга Аъзамжон керак, Аъзамжон кетса қишлоғимизнинг ҳоли нима кечади, дейдигандек эди. Аммо ҳеч ким бу гапни айтмади. Мана, у юк машинасининг тепасида бир ўзи кўрпа қучоқлаб тебраниб-тебраниб кетяпти. Хотини боласи билан каби-нада — шофёр ёнида.

Бир палакда неча хил қовун, дегандек Аъзамжон ўсган онланнинг болалари бир-бирига ўхшамаган чиқди. Ота мол-дунё олдида ҳар қандай пасткашликдан тоймайди. Онаси раҳматлик мунгли, қобил хотин эди. Опа-

си фақат отага тортди. Низом бўлса тўнг, кечгача оғзини пойласанг ҳам бир сўз чиқмайдиган камгап бола бўлди. Аъзамжон ўжар, сал гапдан қизишиб кетадиган, иш қилса охири нима билан тугагини билмайдиган, қилган ишидан, айтган гапидан кимдир озор чекниши мумкинлигини хаёлига келтирмайдиганлардан эди.

Ҳозир чўлга бола-чақаси билан кетяпти. Чўлда нима қилади? Қаерда туради? Бир гап бўлар!

Чўл осмонни бир хил турмайди. Бир нафасда минг хил рангда товланади. Ким билади, ерда кўзни овлайдиган бирон ранг бўлмаганидан осмон шундоқ кўринар. Чўл булутни ҳам бошқачароқ. Қоп-қора. Оғир, жуда оғир. Худди қўрғошиндек. Олисда кўринадиган бир-икки туп қайрағоч ҳам одамга қандайдир умид туғдиради.

Аъзамжон тушган машина олисда паранжи ёпинган хотиндек кўринган бир туп қайрағоч томонга интиларди. Аъзам унга ҳам қарамас. У ўз ўйлари билан банд. Кўзлари лип-лип ўтаётган туз босган ерларга маъносиз тикилганча, аламда ўрташиб борарди.

Агар Дилдор бўлмаганида у аллақачон узоқ жойларга кетиб қоларди. У оёғига кишан бўлиб ёпишиб олган...

Йўл-йўлакай қамиш бўйи ниҳоллар учрай бошлади. Бу дарахтлар шу баҳор ўтқазилган бўлса керак, кўнларни ҳали барг ёзмай сўррайиб турибди. Аҳён-аҳёнда кўк чойнинг шамасидек япроқчалар ҳам кўриниб қолади. Кўчатлар таги қор ёққандек туз босган. Умуман, шўр қоплаган кенг чўл овқати чала ейилиб ювилмай эфтобда қолган лаганга ўхшарди. Йўл четларида аҳён-аҳёнда учраган артезنان қудуқларидан отилиб чиқаётган шаффоф сув осмонга учиб кетаётибдими, ерга кириб кетаётибдими билиб бўлмасди. Ақалли бир бўйра ерни намласа-чи.

Аъзамжон ичидан, бу ерлар қачон сув ичади-ю, қачон бир гилёҳ унади, деб дилидан ўтказарди. У йўлга чиққанда шамоллар, бўронлар қутурган чўлда ё бўрилар билан олишиб, ё тошқинларни тўсиб икки кундаёқ кимлигимни кўрсатаман, деб ўйлаган эди. Ҳозирги манзара тамоман ҳавфсаласини пир қилди. Агар хотини билан боласини олакелмаганда аллақачон орқага қайтарди.

Машина шу кўйи тақирликлардан, қоракўл терисидек живир-живир қумликлардан олиб ўтиб канал бўйига

чиқди. Кўприк устида баланд пошнали туфлисини ечиб олган бир аёл машинага қўл кўтарди. Шофёр тўсатдан тормоз берган эди, орқадан кўчган тўзон Аъзамжоннинг устига ёпирилди. Машина жойидан қўзғалгандагина тўзон тарқалди. Енида бояги аёл ўтирарди. Аъзамжон зимдан унга кўз қирини ташлади. У қўрқибми, ётсирабми унга қарамасди. Сумкасини қучоқлаганича сув ёқасидаги танлари бўжмайган толларга тикилиб борарди. Унинг эғнида қора кўйлак. Шундоқ иссиқ кунда қора кўйлак кийишидан азадорлиги билиниб турарди. Еши ўн тўққиз-йигирмалардан ошмаган. Бола оғиз солмаган кўкраклари машина тебранишидан эркак зотини безовта қиладиган ғалати силкинарди. Аёл Аъзамжоннинг кўксигаги медаллари жиринглаганиданми, ё бошқа сабабданми беихтиёр ўгирилди. Шунда Аъзамжон унинг кўзларини кўрди. Бу кўзлар... унча-мунча кўзлардан эмасди. Аъзамжон биринчи марта вокзалда Дилдорнинг кўзларини кўрганда ҳам бунчалик бўлмаганди. Юраги шув этиб кетди-ю, нафас ҳам ололмай қолди. Оппоқ томоқларга шамолда тегиб ўйнаётган ўримга кўнмаган сочлар. Шамол ёқасини ҳар силкиганда очилиб ёпилаётган елкалар, ҳамон титраб турган кўкраклар, ҳозиргина йиғидан бўшагандек нам тортиб турган киприклару, чимчилаб қўйгандек бежирим бурун, айниқса, оқ ўрик пўстидек билинар-билинмас сепкили бор томоқлари Аъзамжоннинг йиғитлик қонини кўпиртириб юборди. Қайдадир яширинган бўйдоқ ваҳшийлиги юзага чиқди. Машина йўлни кесиб ўтаётган подага сигнал берганда чўчиб ўзига келди-ю, атрофга қаради. Машина қишлоқча ўртасида борарди. Аёл киши ҳар нарсани билади. Айниқса ёнида бегона эркак ўтирганда унинг кўнглида нималар бўлаётганини ва нималар бўлишини аввалдан билади. Кўзидан, овозидан билади.

Машина сувсизликдан дарахтга ёлчимаган қишлоқни оралаб яна чўл қўйинга кирди. Бий дала. Зоғ учмайди. Аёл Аъзамжоннинг кўзидаги ваҳший ўтин кўргандаёқ, кузовнинг бир четига тиқилиб олган, унга қарамасликка уринарди. Узоқ йўл. Токай шундай кетади. Аёл ўгирилиб бир қаради. Зум ўтмай яна қаради. Яна...

Кенг яғрин, фуражка четидан чиқиб турган жинглак соч, ҳар қандай қизни бир қарашда ўз йўлига соладиган ғар кўз. Билакларда куч тошиб турибди.

Аёл бекорга қўрққан экашман, дегандек мулойим бир

боқниш қилди. Аъзамжон бенхтиёр илжайди. Бу илжайиш ораларидаги совуқлик ва қўрқинчли қувгандек бўлди. Аёл ҳамон туфлисини ушлаб турганини энди сезди. Бу ҳолидан хижолат бўлиб туфлини киймоқчи эди, машина силкиншидан кузов охиригача мункиб кетди. Агар Аъзамжон уни қучоқлаб қолмаганда боши билан бориб тахтага уриларди. Аъзамжон уни анча вақтгача қучоғидан қўйиб юбормади. Аёл зардали қарагандагина қўйиб юборди. Аёл туфлисини кийиб хижолатликда индамай пастга қараб ўтирарди. Аъзамжон эса яна шундай тасодифни кутарди. Йўл текис, машина силкинмасди.

Аёл ўрнидан тўриб кабина тепасини урмоқчи бўлганда, Аъзамжон унинг биллагидан ушлади.

— Шошманг. Отингизни айтиб кетинг!

— Нима қиласиз, отини? Емон киши экансиз-ку!

— Айтиб кетинг. Ким билан бирга келганимни биллиб қолай.

Аёл тубсиз уммонларни бағрига сиғдирган нилдек қора кўзларини унга тикканча бирдам туриб қолди. Аъзамжон ўзини тутолмади. Ингитлик ўти қайнаб турган кўксини унинг кўксига босиб томоқларининг тағига бошини суқди. Аёл ундан қутулиш учун ҳарчанд уриша ҳам бақувват билакларни белидан айириб ололмасди. Аёл охири зарб билан кабина томинини шапиллатиб ура бошлади. Ҳансираган Аъзамжон уни бағридан бўшатиб аламданми, эҳтиросданми тепиб турган кўксига қаради.

-- Отингизни, кимлигингизни айтиб кетинг. Қидириб топаман. Албатта топаман.

Машина тўхтади. Аёл сакраб пастга тушиди-да, сумкасини ковлаб пул қидира бошлади. То у пул чиқазгунча машина жойидан қўзғалди. Бир зумда аёлниги қорайиб, кичрайиб ортда қолаётган гавдасини чанг босиб кетди.

Кун тепадан тиғ ураётганда машина ободгина бир қишлоққа кириб келди.

Усти шифер билан ёпилган пишиқ гишт уйлар, танаси этик қўнжидек бўлиб қолган толлар қишлоққа бинойидек ҳусн бериб турарди.

Аъзамжон ўзини пастга отиб, кабина эшигини очди-ю, қийналмадингми, жоним, деб Дилдорнинг қўлидан болани олди.

Чортеракдан келганлар самоварни тўлдириб гурунглашиб ўтиришарди. Аъзамжон ҳам юкларини тушириб

улар тўдасига қўшилди. Келганларнинг кўпчилиги эр-каклар эди. Дилдор улардан сал нарига бориб Аъзамжон орқалаб туширган кўрпа-тўшаклар ёнига ўтирди. Сўриларни тўлдирган чортеракликлар Аъзамжон келиши билан сал жонлангандек бўлишди. Уни дарров даврага олиб аскияга туттишди. Аъзамжон гапга аралашолмас, ҳамон ўша қоп-қора чақноқ кўзлар унга аразли қараб турар, оқ ўрикдек бақбақалардан ажиб ғалати ҳид димоғига урилиб турар эди.

Одамлар орасидан, ранс келяпти, ранс келяпти, деган гап чиқиб қолди. Жуссаси кичик, анча сўлиб қолган олтинш ёшлардаги киши келиб одамлар билан омонлаша бошлади. Йўлда қийналмай келдингларми, хуш келибсиз, деган гаплардан кейин ранс мақсадга кўчди.

— Ораларингдан бир кишини вақтинча бригадир қилиб кўтарсак. Ким қандайлиги ўзларингга маълум. Чортеракликларга ажратган уйларимиз бор. Сизлар учун экиб қўйган пахтамиз ҳам бор. Сира камлик кўрмайсизлар. Бригадирликка кўтарадиган ўртоқ билан янги уйларни бориб кўрсак-да, ким қайси уйда туришини аниқласак, нима дейсизлар?

Раиснинг гапи чортеракликларга маъқул тушди. Кимдир Холматжон бригадир бўлсин, яна биров Аъзамжон бўлсин, деган таклифни ўртага ташлади.

Раис ҳар иккала таклифни ўртага ташлаганда Холматжон саккиз овоз ортиқ олди.

Бирпасда кимнинг нечта боласи бор, оила аъзоси қанчалиги рўйхат ҳам қилинди-да, Холматжон билан раис иккови мотоциклда жўнаб кетишди.

Аъзамжон қип-қизариб кетди. У ҳамқишлоқларининг бунчалик қилишларини ўйламаган эди. У ўзини келганлар ичида энг уддабуроси, ишбилармони деб биларди. Йўқ, ундай эмас экан, кўпчиликнинг кўнгли Холматжонда экан. Бу гапларни хотини Дилдор эшитиб ўтирмаганда ҳам бошқа гап эди. Нега келдим, кўтариб келган кўрпамни ҳали ерга қўймасимдан дилимни огритишди, деб ўкишарди.

Аъзамжон ер остидан хотинига қаради. Дилдор жўжасининг оғзини дон солаётган мусичага қараб ўтирар, бўлаётган гапларни эшитмаганга ўхшарди.

Пишиқ ғиштдан қурилган қатор уйлар, йўлнинг икки четида аллақачон танасини тутиб олган толлар, орасидан одам бўйи қамишлар ўсиб кетган бўлса ҳам, ҳар

ер-ҳар ерда гулзорлар учраб қоларди. Ажиб дид билан қурилган бу шаҳарчада одам яшамагани шундоққина билиниб турарди. Одам яшамаган жой файзсиз бўлади. Одам бир кеча тунаб ўтган ғорга ҳам файз киради. Ҳамма нарса одам билан.

— Исмингиз Холматжон-а,— деди раис.— Меннинг ис-
мим Меливой. Сиз энди чортеракликларнинг правление-
даги вакилсиз. Нимага зориқсалар, нима истаклари
бўлса менга айтиб турасиз. Нима гапимиз бўлса биз ҳам
сизга айтамыз. Янги жой, ўрганиб, бир-биримизга си-
гишиб кетганимизча шундоқ бўлиб туради-да, акаси.

Меливой ака мотоциклни кўча бошида қолдириб ко-
ляскадан олган бир халта калитни аранг кўтарганича
биринчи уйнинг эшигини очди. Ичкарига киришди.

Икки уй, бир айвон. Орқасида рўзғорхона. Айвон
таги подвал.

— Қани, бу уйни кимга берамиз?

Онла аъзоси тўрт кишиликни қидириб рўйхат ёнига
уй номерини ёзиб қўйишди.

Шу йўсин бир соат чамаси ўттиз онлага уй тақсим
қилишди. Холматжон ўзига теккан уч хонали уйни ол-
мади.

— Мен бинойиндек ўрнашиб олганман. Малика аям-
нинг уйи менга жуда боп-да. Шу уйни Аъзамжонга
берайлик. Боя бригадирликка номзоди қўйилган йинги.
Назаримда сал дили оғриб қолгандай туюлди. Зора уй
баҳонаси билан дилининг чигили ёзилиб кетса.

Икковлари калит бандидаги картон қоғозларга уй
эгаларининг номларини ёзиб чиқишди.

Чортеракликлар ҳамон гурунглашиб ўтиришарди.
Самоварчи тол тагидаги столга қизил алвон ёзиб, ат-
рофга кўлоблатиб сув сепиб қўйган эди. Холматжон
калитларни шалдиратиб столга ағдарди. Меливой ака,
қани, бригадирлигингизни бошлап, дегап ишора қилди.
Холматжон столга икки қўлни тираб гап бошлади;

— Биродарлар, андек қулоқ беринглар. Ҳозир раис
бува билан турадиган ўйларимизни кўриб келдик. Очи-
гини айтсам, келиб ёмон иш қилмабмиз. Ўзимиз бир
маҳалла бўлдик. Иморатлар янги. Пишиқ ғиштдан қу-
рилган. Ҳали борганда ўзларингиз кўрасизлар. Илло
қишлоққа хат ёзганда кўчиб кирган уйингизни махта-
манглар, чортеракликлар кўрпа кўтариб гурра-гурра
кўчиб келиворишмасин.

Кимдир луқма ташлади.

— Иноят оқсоқол ҳамми?

Аъзамжоннинг дами ичига тушиб кетди. Фозга ўхшаб бўйнини чўзиб қаради. Ким айтганини билолмади. Гур этиб кулги кўтарилди. Гап Оқсоқол тўғрисида бўлди-ю, ҳамма Аъзамжонга қаради..

Аъзамжонни шайтон галаба қилиб, тур, Чортеранингга жўна, бу ерда сени хор қилишади, кўряпсан-ку, бир пиёла чой ичмай тепкилашяпти, деб туриб олди. Аъзамжон ўрнидан туришга бир ҳезланди-ю, номус кучи яна ерга сингиб ўтираверди.

Холматжон қўлига чиққан калит бандидаги ёзувни ўқиб чақира бошлади.

— Асқар акага уч хонали, Фаттоҳга икки хонали, Аъзамга уч хонали..

Уй эгалари ўрниларидан туриб калитни ола бошладилар. Аъзамжон арзимаган нарсага қўл узатаётгандек калитни олди-ю, писанд қилмай Дилдорнинг олдига ташлади.

Олти юк машиннаси йўл четида қатор турарди. Кимдир омин, деди. Кимдир, шу жойда ўсиб-унинглар, томир ёйинглар, деб фотиҳа берди.

Кўрпа-тўшак юклаган олти машина бирин-кетин йўлга тушди. Ёмғирда қолгандек бошнини қисиб Аъзамжон энг кейинги машинада борарди.

Шу оқшом чўл бағрида янги қад кўтарган янги уйларда биринчи мартаба чироқлар ёнди. Учоқларга ёқилган биринчи ўтнинг тутунини чўл шамоллари олис-олисларга учуриб кетарди. Баланд симёғочлардаги радиокарнайлардан то ярим кечагача қўшиқ тинмади.

Аъзамжон жиҳозсиз қуп-қуруқ уч хонали уйнинг унисидан бунисига кириб папирос чекар, уйига, қишлоғига қайтиб кетгиси келарди. Бир чеккада боласини бағрига босиб мунглигина бўлиб ўтирган хотинининг тепасига келиб ўдағайлади.

— Сен қилдинг, сен шундоқ қилмаганингда мен келмасдим. Иззат-нафсимни мана шу пасткашлар оёғи тагига ташладинг.

Дилдор индамади.

— Ҳали шошма, кимлигимни уларга кўрсатиб қўяман.

Дилдор унинг гапларига парво қилмай, айвондаги

тугунни счиб кўрпаларни олди-ю, боласи билан ўзига жой солиб ичкари уйга кириб кетди.

Аъзамжон айвонга чиқди. Қўшнилари уйда ҳам чи-роқ ўчган. Фақат кўча бетдаги симёғочда радио чўлни бошига кўтариб гапирарди. Шамол унинг овозини чўл бўйлаб айлантириб яна олиб келар, деразаларга урарди.

Аъзамжон остонага ўтириб олиб папирос чекар, тун буруқсатиб чўл шамолларни ҳайдаб келган туннинг сирли, сеҳрли товушларига қулоқ тутарди.

Тун қоронғилиги қора кийган нотаниш аёлни ёдиға солди. Унинг шу тундек қора, шу юлдузлардек чақноқ кўзлари бир лип этиб унинг қалбини ёрнтиб ўтди.

Аъзамжон бутун борлиқни унутиб хаёл билан чўлларни кезар, гўзалликда тенги йўқ, ўша мотамсаро аёлни изларди.

— Ким бўлди, у?

XII

Эрталаб кун ёйилганда Аъзамжонни Дилдор уй-готди.

— Туринг, Холматжон сизни сўраяпти.

Аъзамжон апил-тапил кийиниб ҳовлига чиқди. Холматжон ҳовлида ўйнаб турган Азимжонни гапга солиб ўтирарди. Холматжон гапни лўнда қилиб қўя қолди.

— Нима қиласан, кетмонга тушасанми, трактор ми-насанми?

Аъзамжон елкасини қисди.

— Агар хўп десаг менга ёрдамчи бўл.

Бу гап Аъзамжоннинг иззат-нафсига теккандек бўлди. Қўрслик билан жавоб қилди.

— Бошқа бригадага ўтиб кетаман.

— Жиннилик қилма. Мен ҳам вақтинча бригадирман. Ким қанақа иш қилишини правление мажлиси ҳал қилади.

Аъзамжон тинчлик йилларида ҳам ундан ўзини бир поғона юқори қўйиб юрарди. Умуман, Аъзамжон бошқаларни оғзига қаратишни яхши кўрарди. Ҳозир ҳам Холматжонни назар-писанд қилмагандек бепарво жавоб қилди.

— Битта грузовой берса минаман. Қасбим шу. Агар йўқ деса Чортерақдаги кўрпам ҳали совигани йўқ.

Холматжон Дилдорга қаради.

— Аъзамжон ака минмайман деган тракторни мен минаман. Боламни боқчага олишса шундоқ қиламан.

Бу гап эрининг иззат-нафсига тегди. Елкасидаги сочиқни қамчиндек ҳавода бир силкиб айвондан пастга тушди.

— Нима дединг?

— Эшитгандирсиз, нима деганимни?

— Одатда, эр-хотин ораснда гап қочганда, бегона ёнида бўлса, данакдек жанжал ёнғоқдек бўлиб кетади. Узларинг бир қарорга келарсизлар,— деб Холматжон чиқиб кетди. У чиқиши билан Аъзамжон хўрозга ўхшаб бўйинини чўзиб хотини олдига келди.

— Трактор минасизми? Мен хотин кишидан қора мой ҳиди эмас, атир ҳиди келишини яхши кўраман.

Дилдор ҳам унинг гапига муносиб жавоб қилди.

— Мен ҳам соқоли чиққанда отага бола бўлиб юрган йиғитни эмас, боласига ота бўлган йиғитни яхши кўраман. Атир ҳиди эмаш-а...

Аъзамжон ўдағайлаб яна хотинининг тепасига келди.

— Мен йиғитман деб бош кўтариб юрган одамман. Буларга починайса қилмайман. Қаёққа борсам иш топилади. Хотин ҳам топилади. Нима бор? Шундоқ чиқиб кетавераман.

— Ҳеч нарсангиз йўқми? Йўқми? Болангиз-чи?

Аъзамжоннинг кўтарган қўли ҳавода муаллақ қолди.

— Битта бола деб шу тарафларга келиб юрибман. Фақат шу бола.

Дилдор ўт чақнаб турган кўзларини эрининг бетига тик қадади.

— Бола оёғимга кишан бўлади деб ўйламанг. Уч йил сизсиз яшадик, яна бу ёғига ҳам яшайверамиз.

— Шунақами?

— Шунақа!

— Бўпти, бўлмасам.

Аъзамжон шундай деди-ю, шарт бурилиб уйга кириб кетди. Кителни елкасига ташлаб, зум ўтмай чиқди-да, орқа-ўнгига қарамай кўчага отилди.

Дилдорнинг ичидан бир нима узилиб кетгандек бўлди. Киприк қоқмай туриб қолди.

Кўчада машина моторининг гуриллагани эшитилди. Кимлардир ғўнғир-ғўнғир гаплашишди. Сал ўтмай оёқ товуши келди.

— Қизим, қаерга бўшатай?

Дилдор ўгирилиб қараган эди, қоп орқалаган ўрта ёшлардаги кишини кўрди.

— Манаву нарсаларни қаерга бўшатай.

Дилдор нима дейишини билмай бир зум жавобсиз туриб қолди. Машина бир-икки зардални сигнал берди, Келган киши иморат соя ташлаган томонга қопни бўшатди. Сабзи, пиёз, картошка, битта карам, иккита ҳандалак. У қопни силкита-силкита чиқиб кетди-да, яна кирди. Бу гал кичкинагина яшикчада бодринг, помидор, бир ҳовучгина гилос, учта нон олиб кирган эди. Яшикни айвон даҳанига қўйиб чиқиб кетди. Сал ўтмай машина гуриллаб овози узоқлашди.

Дилдорнинг биринчи бор уйдан узоқлашиши. Ота уйдан, қишлоғидан нари кетган биринчи тонги ана шундоқ отди. Бу чўлда, ота уйдан узоқда, эри билан биринчи бор мустақил рўзғор тутиши. Бу унинг биринчи бор янги уйда нонушта қилиши.

Негадир Дилдорнинг кўзига ёш келмади. Йиғламади. Кучаниб ҳандалак кўтариб турган ўғлига бир қаради-да, уйга кириб чойнак олиб чиқди.

Янги уйлар бир-биринга туташган бўлиб девори, дарвозахонаси йўқ эди. Кимнинг ҳовлисида нима қилаётгани шундоқгина биллиниб турарди.

Кўшни ҳовлиларда хотинлар гимирсиб юришар, нонуштага тайёрлик кўришарди. Дилдор аллақачон қўйган қумғон неча қайнаб, неча совуған, остидаги чўғ ҳам ўчиб бўлган эди. У иморат қурилганда тўпланиб қолган пайраҳаларни ёқиб яна қумғон осди. Она-бола ҳеч нарса бўлмагандек нонушта қилишди-да, индамай кеча йиғин бўлган тарафга йўл олишди.

Катта тол тагидан Абдулла бақироқнинг овози келарди.

— Янги келган чор-те-рак-лик-лар, маж-лис-га!!!

Ҳали телефон бўлмагани учун бир меҳнат кунни ҳисоби шу Абдулла бақироқ телефон ўрнини босиб одамларни мажлисга, ишга чақирарди.

Абдулла бақироқ ҳамон қичқирарди.

— Аъзам Иноя-аа-тоо-оов, Дил-дор Юуу-уну-уу-соо-ва-ва! Раис Ме-ли-во-о-ой ака-ага-аа учрашинглаар!

Дилдорнинг қадами тезлашди. Бола орқада қолиб кетаверганидан Дилдор уни кўтариб олди-да, пилдираганича катта тол тагига кетди.

Кечаги келганларнинг кўпчилиги шу ерда эди. Булар орасида эри кўринмади, Холматжон уни бошлаб раис Меливой ака олдига олиб борди.

— Аъзам қани?— деди Холматжон у ёқ-бу ёққа аланглаб.

Дилдор жавоб бермади. Хотин киши уйдаги сирни кўчага чиқармаслиги кераклигини у яхши билади.

— Синглим,— деди раис.— Илгарилари ҳам трактор минганмисиз?

— Ҳа,— деди қатъий Дилдор.— Минганман. Ер ҳайдаганман, культивация қилганман. Жудаям унчалик бўлмаса ҳам кам-кўстини яна билиб оламан.

Шу пайтгача бу атрофда трактор ҳайдаган хотин киши бўлмаганди. Раис ишонқирамай унга қаради.

Наҳотки шундоқ чиройли, шундоқ нозик жувон трактор минса?

— Ростданми?— деди ажабланиб раис.

— Вой, ишонмаяпсизми?

Раис чаккасини қашиди. Писанда қилиб деди:

— МТС узоқда. Ремонт зарур бўлганда Заркентга тушиш керак бўлади.

Дилдор ҳам бўш келмади.

— Заркентда бўлса нима қипти?

— Бир айтдим-да,— у шундай деди-ю, Дилдорнинг оппоқ билакларига, фақат қатим тортишга яратилгандек нозик бармоқларига қаради.

Атрофни одам ўраб қолди. Ҳамма раис билан Дилдорнинг гапларига қулоқ соларди.

— Хўп, кўрамиз,— деди раис хулоса қилиб.

— Ишонмаяпсиз-а, раис бува. Ишонаверинг. Мана-ман деган тракторчиларингиз билан мусобақа ўйнашим мумкин.

Бошқа гап тополмаган раис икки кафти билан столни босиб ўрнидан тураркан:

— Э, бўпти-е, бўлмаса!— деб юборганини билмай қолди.

У Дилдорнинг ўглини азод кўтариб осмонга бир ирғитди-да, кўтарганча нариги сўрига олиб ўтди.

Бунда ёши оятмишлардан ошган бир кампир янги келганларнинг болаларини ўйнатиб ўтирарди.

— Мана ая,— деди раис,— сизга яна битта ўғил.

— Вой онагинанг айлансин, кел, кел бўйингдан.

Кампир Азимжонни раиснинг қўлидан олиб икки

юзидан чўпиллатиб ўпди-да, бошидан дўпписини олиб бир бош чиллаки узум солиб берди.

Бу ерга тўпланган болаларнинг ҳаммаси чортеракликлар эди. Ҳаммаси бир-бирини танишар, қишлоқда ҳам бирга ўйнашарди. Шунинг учун ҳам Азимжон ётсираб ўтирмай, болаларга аралашиб кетди.

Раис кўкрак чўнтагидан дафтарча олиб нимадир ёзди-да, Дилдорга берди.

— Шунини механикка берасиз. Трактор беради. Яхшилаб кўринг. Кам-кўсти бўлса ўзимга айтинг. Қайси участкада ишлашипгизни ўзим айтаман.

Механик ким, қаерда, Дилдор билмасди. Қоғозни ушлаб ҳайрон бўлиб турганини сезган Меливой ака мотоциклга суяниб турган ёшгина йигитни имлаб чақирди.

— Искандарнинг олдига обор. Раис тайинлади, деб айт.

Дилдор мотоциклга мингашиб кетди. Гараж шундоққина толзорнинг орқасида экан, раис бекорга мотоциклини овора қипти. Пиёда келса ҳам бўлаверар экан.

Механик ўзига зеб берган оғзи тўла қоплама тиш, атайин одамлар кўрсин деб соат тақилган қўли энгини билагича шимариб олган, озгин, ингичка белига ханжар илгакли жез тўқаси бор қалин камар боғлагач ўспирин эди. У Дилдор кириши билан бирпас маҳлиё бўлиб турди-да, оғзидаги қоплама жез тишларининг ҳаммаси кўрнадиган қилиб илжайди. Дилдор унга раиснинг хатини узатди. Механик хатни ўқиркан, тез-тез бош кўтариб унга ғалати қараб қўярди.

— Тракторни сизга бераманми?

— Ҳа, менга,— деди Дилдор.

Механик йигит у ёқдан-бу ёққа юрди.

— Қаёққа оборасизлар? Ким ҳайдайди? Кинохрони-кагами?

— Гапни айлантирманг. Қани трактор, кўрсатинг.

Механик йигит унинг трактор ҳайдашдан ҳам ҳуснига маҳлиё бўлиб қолган эди. Дилдорни олиб келган йигит гапга аралашди.

— Меливой акам тайинладилар. Бу опам энди сизда ишлайдилар. Трактор ҳайдайдилар. Мен кетдим.

У шундай деб орқасига қайтди.

Гаражда Дилдор билан механик иккови қолди. У ўзининг билагонлигини исбот қилиш учун трактор деталларидан гап бошлаган эди Дилдорнинг энсаси қотди.

— Бу гапларни биламан. Трактор далага чиқиши керак. Кўрсатинг, ахир.

Механик боланинг кўзлари яшнаб кетди. Шундоқ жувон унинг қўл остида ишлайди. Қандоқ яхши.

Устига брезент ташлаб қўйилган трактор ёнига келишди.

— Ҳали янги, ўзим истансадан ҳайдаб келганман. Мана.

У брезентни туширди. Яшил рангли ХТЗнинг устига ҳали губор қўнмаган эди.

— Қалай, ёқадими?

Дилдор индамади. Ингит ўзини маъқул қилиш учун трактор атрофида айланар, ёғини кўрар, ўриндиқни артиб, баракани у ёқдан-бу ёққа буриб кўрарди.

— Яхши қиз, кечирасиз, отингизни билмайман, сиз хотиржам бўлинг, бироқ жойи бир нима бўлса ўзим тузатиб беравераман. Сиз хотиржам бўлинг.

У шундай деб эгарга минди. Моторни ўт олдирди. Мотор патиллаб юқори трубасидан ҳовуч-ҳовуч қора тутун чиқарди-да, вариллаб кетди.

Ингит ўзини ерга отиб шовқинда гапини эшиттиролмагандан кейин, Дилдорнинг қулоғи тагига келиб қичқирди.

— Жийрон тайёр, марҳамат!

Шунда унинг димоғига фақат балоғат ёшини бир марта кўриб бўлган аёл бош қўйган ястиқ ҳиди урилди.

Дилдор икки ўрим узун сочининг учини нимчасининг чўнтагига солиб эгарга интилган эди, ингит аввал билангидан, кейин белидан ушлаб чиқишга кўмаклашди.

Шундан кейин у Дилдор қандоқ қилиб тракторни юргизди, қандоқ қилиб дарвозадан олиб чиқиб кетди, билолмади. Кўкдан бир фаришта учиб тушди-ю, оғир, зилдек оғир тракторни юмшоқ қанотлари орасига олиб учиб кетгандек эди.

Олисда трактор бир мақомда гуриллар, ингит темир-терсақлар орасида туриб бу овозни тушунди эшитаётгандек эсанкирар эди.

XIII

Аъзамжон нима қилиб қўйганини ўзи билмасди.

Жаҳл келса, ақл кетади. У уйдан ўқдек отилиб чиққанча тўхтамай жадал юриб қишлоқдан анча нари кетиб қолганда тўхтади. Қаёққа борди. Чортеракками?

Чортеракликлар кеча уни карнай-сурнай билан уза-тиб қолган эдилар-ку! Хўш, Чортеракка борсин ҳам, Қайси уйга киради? Дадаси милицияда ётибди. Опасиникигами? Ўла, Дилдор орқанга бир тепиб ҳайдабди-ку, дейиши турган гап. Юнусали отаникигами? Қизимни қаёққа ташлаб келдинг, номард, йўлингга шунча кўз тутиб қон бўлгани каммиди, демайдимми? Дейди!

Чортерак йўли унга берк эди.

Бир томонда қамишлар шовиллаган, бир томонда этаги уфққа туташиб кетган чўл оралпғида у танҳо турарди. Ҳар замон ёнидан шамолдек елиб машина ўтиб кетади. Қовжираган гиёҳлар орасидан бош чиқазиб ҳайкалдек қотган қалтакесаклар унга совуқ назар ташлайди. Боя уйдан ўқдек отилиб чиққан йигит энди бировни кутаётгандек секин қадам ташлар, ташлаган қадами уни қаёққа олиб кетаётганини билмасди. Гоҳ ўжарлиги тутиб қадамини тезлаштирар, гоҳ бўшашиб тўхтаб қоларди. У шу алфозда то кун тепага келгунча юрди.

Охири офтоб тиғига тоб беролмай тўхтади. Бир тунгина ёввойи жийда соясига чалқанча тушиб ётиб олди. У ўйларди. Ҳар қанча ўйламасин, тепадан қиздираётган офтоб миясига келган фикрни буғга айлантириб учириб юбораётгандек тайинли бир фикрга келолмасди. У шунча ўйласа ҳам орқага қайтишни сира ҳаблига келтиролмасди. Ахир, уйдан чиқиб кетгулик ҳеч гап бўлгани йўқ-ку! Эркак бошимни эгиб қайтиб борамамми, унақада хотиним бўйнимга миниб олади, дерди. Ҳар қанча бемаънилик бўлса-да, у эркаклик помини сира пастга туширгиси келмасди.

Токайгача қумда ағанаб ётиш мумкин?

Аъзамжон ўрнидан турди. Қаёққа бўлса ҳам барибир бориш керак. Яна юрди. Олисда саробдек бўлиб дарахтлар кўзга ташланди. Энди унинг қадами тезлаша бошлади. Бирон соатлар чамаси йўл юргандан кейин, пастликда кўм-кўк дала бошланди. Шариллаб отилиб чиқаётган артезиан сувига бошини тутиб яйради. Машина изи тушган йўлдан озроқ юргандан кейин шиннамгина қишлоқ бошланди.

Қаршисидан велосипед миниб келаётган болани тўхтатиб, қайси қишлоқлигини сўради. Шундагина у Қува йўлига чиққанини билди. Энди офтоб пешонасига қадаларди.

Қува атрофидаги чўлга туташ қишлоқлар урушдан аввалроқ обод бўла бошлаган, бир текис янги иморатлар туша бошлаган эди. Очиқ эшиклардан қип-қизил аялор гуллари кўрниниб турибди. Кўчанинг икки бети азамат тераклар билан ўралган. Ариқларда сувлар шилдираб оқиб ётибди.

Аъзамжон шундай кўчаларнинг бирида қаёққа боришини билмай битта-битта қадам ташлаб боради. У қаерга борса ҳам ўзига бир бошпана топишга, нима иш қилса ҳам битта қоринни тўйдира олишига ишонади. Аммо у шу феъли билан борган жойида тиниб-тиниб кетиши мумкин, мумкинмаслигини ўйламасди. Уни фақат бир нарса қийнади. Чортеракда икки уйи бўла туриб кўчада санқиб юришига сира чидамасди.

Орқадан келган автобус сигнал бериб ўтиб кетди. Юз-юз эллик метрча нарига бориб тўхтади. Ундан бир қўлида чамадонга ўхшаш оғир нарса, бир қўлида чипта сават кўтарган хотини тушди. Юки оғирлигидан хотини бир тарафга қийшайиб, қийналиб борарди. Аъзамжон қанча секин юрмасин унга зўм ўтмай етиб олди. Хотин юкини ерга қўйиб орқасига қаради. Аъзамжонга кўзи тушиши билан қип-қизариб кетди. У кеча қўлда учрашган, исмини айтмай Аъзамжонни доғда қолдириб кетган жувон эди. Иккови бир-бирига тикилганча туриб қолишди. Узоқ жимликдан кейин Аъзамжон тилга кирди.

— Келинг, кўтаришиб юборай.

— Вой, нега?— деди хотини нима дейишини билмай.

То ундан жавоб чиққунча Аъзамжон юкни қўлига олди. Боя узоқдан чамадонга ўхшаб кўринган нарса тикув машинаси эди.

— Қўйинг, қўйинг, бунисини ўзим кўтараман,— деди хотини саватга қўл узатаркан.

Аъзамжон саватни ҳам олди. Иккови индамай азим тераклар узун-узун беқасам соя ташлаган қишлоқ кўчасидан боришарди. На ундан, на бундан садо чиқарди.

— Қўлингиз толиб кетди-ку, бирпас ерга қўйинг,— деди хотини.

Унинг овози бирам майини, бирам ёқимли эдики, Аъзамжон қўли толганини ҳам унутди. Гўё бу товуш унга куч бағишлагандек эди.

Аъзамжоннинг йнгитлик қони кўпирди. Аёлга ишқибозлик қилгани келди.

— Кеча сизни хафа қилиб қўйдим, узр.

Хотин бу гапнинг маъносига етмай:

— Вой, нега,— деди. Кейин гапнинг маъносига тушуниб қолиб унга ялт этиб қаради.— Қўлингиз толиб кетди-ку!

Аъзамжон чарчаганлигини сездирмай олдинда эгилмай, қийшаймай адл борарди. Аёл унинг орқасидан қоматига, солдат фуражкеси тагидан бўлутдек тошиб чиққан жингалак сочларига тикиларди. Шундоқ йнгитга юк кўтартириб бораётганидан хижолат бўлиб:

— Яқин қолдик,— деди секингина.

Иккови ҳам куннинг иссиқлигидан терга пишиб кетишган эди. Қаршиларидан келаётган юк машинаси аравага йўл бераман деб четлаб ўтаётган эди, орқа гилдираги ариққа шалоплаб тушиб кетди. Уларнинг икковига ҳам лой сачради.

Аёлга-ку, ҳеч нарса бўлмабди, аммо Аъзамжоннинг афт-башарасини билиб бўлмасди.

— Вой, мени деб лойга беландингиз,— деди аёл хижолат билан.

— Ҳечқиси йўқ,— деб ёнидан рўмолча олиб бет-кўзларини арта бошлади.

— Этиб қолдик, ҳозир етамиз, вой мен ўлай, менигина ўлай.

Сал юришгандан кейин, аёл етдик, деб кўчанинг чап бетидаги эшик олдида тўхтади. Аъзамжон ерга қўйган сават ичини титкилаб калит топди.

У то эшикка калит солиб очгунча, Аъзамжон унга қараб тураверди. Мана, ҳозир улар ажралишарди. Аъзамжон унинг кимлигини, исми нималигини яна билдирмабди. Бошқа илож йўқ. Ажралишдан бошқа илож йўқ.

— Хўп, бўлмасам,— деди Аъзамжон афсусланиш оҳангида.

— Вой, нега,— деди аёл.— Шу аҳволда-я. Башараингизни қаранг. Шу аҳволда, шу башара билан қаёққа борасиз. Ювиниб олинг.

Аъзамжон довираб қолди. Бу гапни ким айтди. Шу аёл айтдими, ё қулогига шунақа эшитилдими. Аёл серрайиб турган Аъзамжонга кулиб қаради.

— Юринг!

Аъзамжон яна юкни қўлига олди. Аёлга эргашиб ичкарига кирди.

Аиорлар гуллаган, шафтолилар ариқ бўйларига тўкилган бир чиройли ҳовли. Гултожихўрозлар елпигичдек бўлиб офтобда ёнади. Гулзор четидаги яшил сўри устидаги гилам офтоб рангини кўтармасин деган ниятда бўлса керак, буклаб қўйилган. Ҳовли тўрида икки уй, айвон. Пастда яна чоғроқ бир уй, даҳлиз.

Аъзамжон юкни айвонга қўйиб қаддини ростлади.

— Бирпас нафасингизни ростлаб туринг, ҳозир сув қилиб бераман.

— Йўқ, овора бўлмаиғ. Ариқ бор экан-ку.

— Ҳа, ростдан-а,— деди хотин. Кейин уйга кириб кетиб янги сочиқ билан ҳали устидаги қоғози очилмаган совун олиб чиқди-да, ариқ бўйига қўйди.

— Бемалол ювинаверинг, мен қарамайман.

Аёл ҳовли этагидаги уйчага кириб кетди.

Аъзамжон ариқ бўйида нима қилишини билмай андак серрайиб туриб қолди. Кейин эгнидаги кителини ечиб медалларини жараиғлатиб беҳи шохига илди-да, ариқни икки оёғи орасига олиб сувни ҳовучлаб бўйни, бетларини юва бошлади.

Сув муздек. Танни яйратади.

Аъзамжон ўз қадрини биладиган йиғитлардан эди. Қомати кўз-кўз қилса арзийдиганлигини ҳам биледи. Шунинг учун ҳам ҳозир аёл кириб кетган уйдан мени томоша қилаётибди, деб уйлаб обдан ювинди, шошилмай артинди. Ҳўл бўлиб кетган жингалак сочларини шошилмай таради. У кийиниб бўлгандан кейингина аёл уйдан чиқди. Қўлида катта патнис. Унда қанд-қурс, шафтоли. Аёл елкасидаги дастурхонни хонтахтага ёзиб устига патнис қўйди.

— Ҳозир чой қайнайди.

Аёлнинг бу ҳолатини ташқаридан кўрган киши шундоқ ўйлаши мумкин: «Юкни кўтаришиб келганига миннатдорчилик қилипти. Урушдан келган қаҳрамонга чой қўйиб беряпти.»

Аmmo Аъзамжон бошқача ўйларди:

«Тайёр нарсага ўхшайди. Улиб турган экан».

Аmmo аёлнинг ўзи нима деб ўйлайди, бу биргина унинг ўзига маълум эди. Ҳар қалай одамгарчилик ҳам аёл кишига кўп қимматга тушадиган нарса.

У чой дамлаб Аъзамжонни дастурхонга таклиф қилди. Нима бўлаётганига тушунолмаган Аъзамжон сеҳрлангандек айвон лабига келиб ўтирди.

— Вой, дурустроқ ўтиринг,— деди у чой қуйиб узатар экан.— Ҳайрон бўлманг. Сиз бу хотин ким, нега уйига олиб кирди, деб ўйламанг.

Аёл фикрини тўплаш учун бир оз тек қолгандан, кейин, яна тилга кирди:

— Қани, айтинг-чи, қаёққа кетяпсиз?

Аъзамжон нима дейишини билмай елка қисди.

— Кўрдингизми, тўғри ўйлаган эканман. Энди сизнинг кимлигингизни мен айтиб берай. Сиз фронтдан қайтиб келдингиз. Қелсангиз, уйингизда ҳеч ким йўқ. Қарииндош-уруғларингиз ё тарқаб кетишган, ё... билмадим. Ҳар қалай, сиз уларни тополмадингиз. Энди бутун Фарғона қишлоқларини кезиб уруғларингизни қидиряпсиз. Тўғримми?

Аъзамжон индамади. Аёл чуқур уҳ тортиб ўйлаиб қолди. Унинг зулукдек қошлари чимирилди. Бир боқишда йигитлар қалбининг энг теран жойларига бориб қадаладиган кўзлари ўйчан бўлиб қолди. Нимпушти лаблари биллинар-биллимас титради.

— О, бу уруш кимларнинг уйида аза очмади.

Қуюқ киприклар нам тортиб, бир-бирига жуфтлашди.

— Шу уруш бўлмаганда сиз сарсон-саргардон бўлармидингиз. Мен қора киярмидим.

Аъзамжон орадаги бегоналик сал нари кетгандек дадиллашди.

— Мени кечиринг. Бир-биримизни танимаймиз. Кеча сизга хиралик қилдим. Агар шу қилмишимни кечирсангиз кимлигимни айтаман.

Аёл тасдиқ ишорасини қилди. Аъзам гап бошлади.

— Кимлигимни биламан дедингиз, тополмадингиз. Мен сиз ўйлаганча уруш уруғларини ҳар ёққа сочган саргардон одаммасман. Уйим, жойим, дадам, опам, хотиним, болам бор. Асли омади келмаган йигит эканман. Фронтдан келиб ота уйига сиғмадим. Севган хотиним укамга ўйнаш бўлди. Мана, мен бош суқадиган ковак тополмай сарсон бўлиб юрибман. Эркак киши қаерга борса сиғади. Шунинг учун ҳам ўз тақдиримдан хавотир олмайман.

Аёл лабини тишлаганча қимирламай ўтирарди.

— Айтинг, ўзингиз кимсиз? Бегона эркакни уйингизга олиб киргани қўшниларингиздан андиша қилмай-сизми?

— Бегона эркак,— деб ичирлади аёл.— Андиша қи-

лишга арзийдиган нима иш қилдим. Бегона эркак кўр-
памга оёқ қўйганин йўқ-ку. Ахир мен ҳам рўзгор кўрган
эдим. Эрим бор эди. Уч йил йўлига кўз тикдим. Кел-
мади. Бир йил бўлди аза очганимга.

Аёл гоҳ мижжасидан ёш ўрмалаб, гоҳ ўйга толиб
ганирарди.

— Ҳеч кимни йўқ, етим қиз эдим. Уруш бошланган
кезлари ўн олтига кирган эдим. Билмадим, сал кўзга
яқин бўлганимданми атрофимда ўралашадиганлар кў-
найиб қолди. Ўзим тарбияланган болалар уйида ишда
қолган эдим, мудиримиз кечаларни ётоғимга кириб
узоқ ўтирадиган, ҳар хил совғалар олиб келадиган бў-
либ қолди. Мен бунни сира истамасдим. Бир кун кайф
билан кириб хиралик қила бошлади. Мен болалар ора-
сига қочиб чиқиб кетдим. Орадан уч-тўрт кун ўтиб ме-
ни ишдан бўшатиб юборди. Маориф мудирига арз
қилсам, аллақачон мени бадном қилиб қўйган экан, га-
нимни инobatга олишмади. Қаёққа бораман, қоралан-
ган меҳнат дафтарчаси билан мени ким ишга олади.
Қийналиб қолдим. Аммо бузуқлик қилмадим. Заркентда
узоқ бир қариндошимиз бўлгувчи эди, йўқлаб келдим.
Аввалига келишим уларга ёқмади. Уруш, қийинчилик,
ортиқча поихуриш ким ҳам чиқишгирарди. Холавачча-
нинг ўзига тўқ, топармон - тутармон ўғли бор эди, мен-
га элакишиб қолди. Ўгай синглисига уйлантирмоқчи бў-
либ тўй тадоригини кўриб қўйишган экан. Уйланмайман
деб туриб олди. Уйлансам Маҳбубага ўйланаман, бўл-
маса фронтга ариза бериб кетаман деб икки оёғини бир
этикка тикиб туриб олди. Бунга отаси ҳам онаси ҳам кў-
нишмади.

Ушанда мен сельсоветда секретарь эдим. Идорада
ўғирсам Қозимжон кириб келди. У маст эди. Утириб олиб
хўп йиғлади. Кейин ёнидан бир қоғоз олиб столга ташла-
ди. Қарасам, ҳарбий комиссарнатдан чақириқ қоғози.

Қозимжон уч кун олдин ариза берган экан. Ариза-
сини комиссарнат инobatга олибди. Юрагим алланечук
бўлиб келди. Мен учун шундай қилган. Агар мен шум-
қадам бу даргоҳга келмаганимда у бундай қилмасди.
Тўй бўларди. Тинч яшарди. Демак, у мени астойдил
яхши кўрган...

Уша кунни кечқурун иккаламиз учрашдик. Урикзор-
ларда, ишкомлар орасида тонг оттирдик. Эртасига, ин-
диница, қаторасига уч оқшомни бирга ўтказди.

Райимберди тоғам бош бўлиб кичкинагина тўйча қилиб бердилар. Тўйдан тўрт кун ўтиб эримни кузатдик. Шу кетганича ундан атиги икки марта хат олдим. Учинчиси қора хат эди. Бир йилдан ошди аза очганимга. Кеча Заркентга бориб йил оши бердим. Кеча эгнимда қора кўйлак эди. Бугун оқ кийдим. Мана мен кўрган рўзғор, мана мен кўрган оила.

Аъзамжонни хаёл олиб кетди. Борди-ю, у ҳам жангда ҳалок бўлганда Дилдор ҳам шундай қилармиди? Дилдор бўсиз ҳам не машаққатларда яшаганини у сира тач олгиси келмасди. Ҳозир унга бегона аёлнинг дарди ўз хотинининг бахтидан ширин эди.

Хотин хотиралар оғушидан чиқолмай, анча пайтгача нягига қўлини тираб ўтирди-да, хижолатлик билан илжайди.

— Сиз нима ғамда юрибсиз-ку, мен ўз дардимни устизга ортяпман-а. Қўйинг, ўтган ўтди, кетган кетди. Энди нима қиласиз, қаёққа борасиз?

Аъзамжон елкасини қисди, кейин секингина, ўлмасман, деб қўйди.

— Хотинингизни олдига қайтмайсизми?

Аъзамжон бундай саволни кутмаган эди. Нима дейишини билмай унга бақрайиб қараб қолди. Боя «хотиним укамга ўйнаш бўлди» демаганида ҳам майли эди. Энди шунга яраша жавоб қилиши керак.

— Йўқ, бормайман. Узил-кесил орани очиқ қилиб келдим.

Хотин меҳрибончилик билан деди.

— Майли, бахтингизни синаб кўринг. Бу кушлар ҳам ўтиб кетади. Бирон ёруғ кун бордир ахир.

Унинг бу гапи энди кетавер, маъносини англатарди. Аъзамжон ўрнидан турди. Кетаётганда эшик олдигача келган хотин нимадир демоқчи бўлиб оғзини жуфтлади-ю, айтмади... Аъзамжон шарт ўгирилиб унинг белига қўл ташлаб ўзига қаратди.

— Вой, жинни бўлманг, жинни бўлманг...

Хотин овозини баланд чиқазиншга қўни-қўшнилardan андиша қиларди.

— Вой, сизга нима бўлди, нима бўлди?

Аъзамжон ҳансирар, томоғидан, юзларидан, лабларидан тинмай ўпарди...

Эрталаб Аъзамжон кўзини очганда ёнида ётган Маҳбубанинг илоидек узун қора сочлари ёстиқдан пастга

осилиб ётарди. Аъзамжон бир-бирига жипслашган киприкларга тикилиб қолди.

Унинг кўзи стул суягичига илинган кителига, шимига тушди. Қачон ювиб, қачон дазмол қилганикин, деб дилидан ўтказди. У жуфтлик бахти, оила, рўзгор, оналик ташнаси бўлган аёл кишининг нималарга қодир эканлигини ҳали билмасди.

XIV

Дилдор Асрора билан тракторчига қарашиб юриб унча-мунча юргизишни билиб олган эди. Унинг бу қизиқлигини билган механик далада баъзан уни тракторга ўтқазиб қўйиб, паст-баланд ердан ўтаётганда силкинишига ишқивоз эди. Балоғатга етган қизнинг аравада силкиниб ўтиришидан қай йигит завқланмаган. Бутун гавдаси силкинадди, кўкси диркиллайдди. Механик баъзан рулдаги Дилдорнинг ёнига ўтириб қўлига қўлини беҳосдан тегизиб қўяр, ундоқ эмас, педални бундоқ босади, деб сонини нари-бери сурарди. Гоҳида кўзи тишиб унинг орқасидан қўлини ўтқазиб ричагни тортарди.

Дилдор унинг бу қилиқларини пайқамас, эътибор ҳам бермасди.

Шундай қилиб юриб Дилдор тракторни бинойидек юргизадиган бўлиб олган эди. Қишлоқ қизлари орасида энг кўҳлиги бўлганидан ўзига зеб бериб кўпчилик ўртасида тракторга яқин келмасди. Айниқса, ўзи сержаҳл бўлишига қарамай, Асрора уни эркалатиб қўйганди. Унинг нозиклиги, кўҳликлиги ҳурмати аяб енгил-елли ишларни буюрарди.

Энди Дилдор ўзининг кўҳликлигини ҳам, нозиклигини ҳам унутди. Ҳозир эригами, тақдиригами зарда қилиб энг шимариб майдонга чиқди. Уни бу ерда ҳеч ким эркаламайди. Пингласа юпатмайди. Йиқилса турғизиё қўймайди. Дилдор учун курашиш, тиришиш, кўз ёшини бировга кўрсатмаслик керак эди. У шундай қилишга бел боғлади.

Дилдор гараждан тракторни миниб чиққанда бунчалик чаққон ҳайдай олишини ўйламаган эди. Аёл кишининг трактор миниб келаётганига ҳайрат билан қараб қолган кишиларнинг кўзлари, ҳолатлари унга куч, завқ, ишонч бағишларди. Қўллари ўздан-ўзи керакли мурватларга бориб қолар, оёқлари ҳам ўздан-ўзи педалларга тегарди.

Дилдор гузарга, чортеракликлар тўпланишиб турган чойхона олдига келганда моторни ўчириб, чаққонлик билан пастга сакради.

— Балли, она қизим,— деди Меливой ака завқланиб.— Мана, битта чавандоз улоққа кирди.

Меливой ака завқланганидан Дилдорнинг елкасига қоқар, вой, она қизим-эй, вой, отанг жонингдан, деб илжайрди.

Бу тарафларда ҳали бирон аёл трактор минмаган, миниши мўмкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Шунинг учун ҳам Дилдорнинг рулга ўтириши ҳаммани ҳайратга солган эди.

Меливой ака ҳаммани ўрнидан турғизиб самоварчи олдида ҳассасига таяниб ўтирган чолни етаклаб келди. Чолнинг кўзи кўрмас эди. Меливой ака аёл киши трактор минганини, янги келганлар далага отланаётганини айтди.

— Қани, отахон, бир фотиҳа беринг!

Чол ҳассасини оёқлари орасига олиб қўлини фотиҳага очди.

— Болаларим, хуш келибсизлар Езёвонга. Шу ерда ўсинглар, ўзларингдан кўпайинглар. Езёвон тупроғида гап кўп. Тимдалаган одам ризқини топади. Шу жойда тўйлар қилинганлар. Тупроқ олсанглар олтин бўлсин, омин!

Чол икки қўлини юзига суртди.

— Қани, қизим,— деди Меливой ака.— Тракторингга мин. Бошла!

Дилдор ажиб бир чаққонлик билан эгарга сакради. Мотор гуриллаб одамларнинг шовқинини босиб кетди. Олдинда Дилдор бошидаги дуррани чўл шамолида елпйтиб борар, орқада эллик чоғли кетмон кўтарган йигит эргашарди. Шу топда бу тантанали юришда Ўзамжоннинг йўқлиги ҳеч кимга билинмасди. Ҳатто Дилдор ҳам уни ўйламасди...

Тизза бўйи бўлиб қолган гўзалар қаровсизликдан ўт босиб кетган, баъзи жойлардан одам бўйи қамши ўсиб чиққан эди.

Бу гўзаларга бир қараган одам, эссиз шунча меҳнат, эссиз шундоқ ер деб юбориши аниқ эди.

Эрта баҳорда трактор билан чигит қадалгану, нари-бери ягана қилинганича қолиб кетган.

— Мана, кўрдингми, ўғлим,— деди Меливой ака Хол-

матжонга.— Бечора гўзалар сизларга интизор бўлиб қақраб ётибди. Бу ёғи сизларга. Шунн росмана гўза қилиб берасизлар. Одамимиз йўқ эди. Сизларни қачондан бери кутаётган эдик. Мана дала, мана трактор, мана сув, мана ўғит. Иш бошланглар, укажонларим.

Холматжон сувсизликдан қорайиб кетган бир туп ниҳолни сугуриб олмоқчи эди, илдизи билан чиқмай бўғзидан узилди.

— Ер қотиб кетибди. Илдизни сиқиб ташлабди. Увол увол-е, жонворлар.

Маслаҳат билан чопиқдан олдин ерни юмшатиш учун бир марта енгилгина суғоришга қарор қилишди.

— Сиз, қизим, нариги қартадан тушаверинг, уч-тўрт кун бўлган суғорганмизга. Айни об-тобига келиб турибди.

Дилдор бу меҳрибон, отасидек мулойим кишига аллақандай меҳр билан боқди-да, хўп бўладн деди-ю, ҳалигача моторн ўчмай патиллаб турган тракторига ўтириб машина изн тушган йўлдан ранс кўрсатган қартага қараб кетди.

Офтоб қиздиргандан қиздириб турибди. У ер бошига келганда кўтариб қўйилган культиватор тишини тушириб бир чеккадан қартага кирди.

Ишқилиб шарманда бўлмай-да, деб уйларди у. Ахир шу пайтгача трактор минган бўлсам ишқибозликка, ҳавасга минганман.

Тўғри, у гўза культивациясида ҳам трактор минган. Унда механик йигит ёнида бўларди. Ёнида ҳусни ойдек бир қиз бўлганига қизиқиб эринмай ўргатар, то Дилдор бўлди демагунча, ёнидан тушмасди. Билаги билагига тегиб кетганига маст эди.

Механик Асрорани хуш кўрмас эди. У бўлар-бўлмасга шанғиллайверар, унинг устига Асрора чиройли эмас, ёнида эркак одам ўтирганга ўхшайверарди. Озроқ юришгандан кейин, бўлди, деб уни тушириб юборарди. Аммо Дилдорга гал келганда жудаям мулойим бўлиб кетар, қанча хоҳласа, шунча қўйиб берарди.

Механикнинг Дилдорга мулойим гапириши, унга кўпроқ ўргатиши алам қилган Асрора улардан қасдини олди. Бир гапи билан Дилдор тракторга йўламай қўйди. Асрора қизларга шундай дебди: «Чапаев» киносини кўрганмисизлар, Наташа деган қизга пулемёт ўргатаман деб Миша деган йигит манавуни сўтчиқ дейди деб

унинг кўрагига чанг солади. Бу механик ўлгир ҳам Дилдорга сўтчикни ўргатаётган бўлмасин.»

Ана шундан кейин орқаворатдан механикни Миша, Дилдорни Наташа дейдиган бўлишди.

Ҳозир Дилдорнинг бир ўзи. Ишқилиб бирон жойи бузилиб қолмасин-да. Умрида бирон мурватни бураганмас, қўлига мой юқтирмаган...

Пайкалда ўттиз-қирқ қадамча юргандан кейин орқасига қаради. Қаради-ю, қўрққанидан ранги қум оқариб кетди.

Культиваторнинг тиши ариққа эмас, жўякка тушган экан. Уч қатор гўзани илдиз-пилдизи билан ўттиз метргача қўпориб ташлабди.

Шошилиб культиваторни ариққа солгунича яна аллақанча гўзани қўпориб қўйди. Энди унинг қўли қалтирар, руль гўё совун суртилгандек қўлидан сирпаниб чиқиб кетарди.

Бирдан кўзига Аъзамжон кўрниниб кетди. У, сенга ним қўйибди трактор ҳайдашни, дегандек хунук илжайяпти. Дилдор жаҳл билан яна рулга ёпишди. Кучининг борича ушлаб олдинга сурди. Культиватор тиши ариқда илон пиздек чуқурча ўйиб борарди.

Шу алфозда анча жойгача гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ бўлиб етиб келди-ю, ўзини ўнглади. Яна олдинга кетди. Яна ўша аҳвол. То ярим йўлга етгунча орқадаги қўпорилган гўзалар шалпайиб қолган эди.

Дилдор ерга тушиб, хароб бўлган гўзалар тепасига келди. Бир тракторга, бир гўзаларга қараб кўзидан ёш чиқиб кетди. Ерга ўтириб олиб овоз чиқармай, пиқиллаб йиғлай бошлади. Унга жиловини бергиси келмаган ўжар трактор қарта ўртасида патиллаб турибди. Дилдор бўлса ҳамон пиқиллаб йиғлайди.

Қимдир елкасига қўлини тегизди. Дилдор қўрқиб бош кўтарганда қўлида бир даста сўлиган гўза ушлаб турган Меливой акани кўрди. Ундан сал нарида Холматжон ҳайронликдан қимирламай турибди.

Дилдор раиснинг кўзига қараёлмай ўрнидан турди. Дуррасининг учи билан кўз ёшларини артиб олди-да, энгашиб чурқ этмай тураверди.

— Бу қанақаси бўлди, қизим? — деди Меливой ака.— Ахир шунча гўза...

Дилдор нима дейшини билмай ҳамон сукут сақларди.

— Ҳеч культивация қилмаганмидинг?

— Қилганман,— деди Дилдор бўшашиб.

— Ундоқ бўлса нечукким бу..

Меливой ака гапининг бу ёғини айтмади, юр баққа, деганича трактор тарафга уни бошлади.

— Қани, чиқ!

Меливой ака сакраб тракторга чиқди-да, ёнидан Дилдорга жой кўрсатди.

— Қара, яхшилаб қараб тур. Мана!

Трактор жойидан кўзгалди. Дилдор бир Меливой аканинг руль ушлашига, бир орқасига қараб ниҳоллар тагини тимдалаб бораётган культиватор тишига қарарди. Трактор чайқалмас, тишлари жазвар билан чизиқ тортгандек бир текис ўйиб борарди.

— Тракторни жойидан кўзготганингда оёқ остига қарама. Велосипед минганмисан?

— Йўқ,— деб бошини чайқади Дилдор.

— Минган бўлсанг билардинг. Велосипед минган одам оёқ тагига қараса ўша заҳоти йиқилади. Тўрт-беш метр олдинга қараш керак. Шунда текис юради. Мана, кўрлингми, мен ху анави қамиш ўсган жойини мўлжалга олиб кетяпман. Кўряпсанми?

Меливой ака жойини Дилдорга бериб ўзи униг ўрнига ўтирди.

— Мўлжални тўғри ол. Бир жойга қара. Кўзингни чалгнтма.

Дарҳақиқат, Дилдор шуни билмас экан. Унга трактор ўргатган механикнинг хаёли Дилдорда бўлиб бунақасини айтишни унутган экан.

Трактор бир мақомда силкиниб тикка борарди.

— Ҳа, балли. Орқангга қарама. Олд тарафини тўғри мўлжалга олсанг, бу ёғи тўғри чиқаверади. Тишни неча сантиметр қўйдинг?

— Ингирма беш шекилли..

— Бунинг тўғри. Ингирма бешдан ортиқ чуқур олиб бўлмайди. Илдиз ҳали юзада.

Ранс юриб кетаётган трактордан сакраб тушди-да, Дилдор то пайкал бошидан айланиб келгунча боя у пайҳон қилган гўзаларни бир қучоқ қилиб териб олди. Унга кўзи тушган Дилдорнинг юрагини ваҳима босди. Ҳозир обориб, мана, ҳамқишлоғинингизнинг қилгани, деб кўрсатади. Шарманда қилади мени.

Ранс четга чиқиб брезент этигидаги чангларни деп-

сиб туширди-да, Холматжонни бошлаб нариги қартага ўтиб кетди.

Дилдорнинг кўнгли бузилди. Боя самовар олдидаги шон-шухрат қаёқда-ю, кечқурун бўладиган гап қаёқда. Албатта унинг қилмиши дoston бўлади. Аёл кишига трактор минишни ким қўйган эди, дейишади. Албатта дейишади.

Дилдорнинг ўжарлиги тутди. Йўқ, майли айтишсин, барибир бир кун ўзларни қизариб қолишади. Наввой ҳам биринчи тандирни куйдиради, ошпаз биринчи ошни тагига олдиради, чевар биринчи кўйлакни ё тор ё кенг қилиб қўяди: Шундай қилиб уста бўлади. Ҳа, бошқалар онасининг қорнидан тракторчи бўлиб тушишиптими? Ҳали қараб туришсин. Раисни мен дуруст одам десам, шарманда қилмоқчи-я!

Шундай хаёллар билан Дилдор ишни қилаверди. Икки ўқариқни айланиб келгандан кейини пастга тушиб қилган ишини кўрди. Биноийдек. Битта-яримта йиқилган ниҳолни ҳисобга олмаса, иши силлиқ кетяпти. Ана шундан кейингина Дилдорнинг чеҳраси очилди. «Боқса одам бўласан» деди йўғон овоз билан. Асрора кўпинча унга шунақа дерди.

Ҳозир у Асрорани ўйлаб кетди. Қани энди келиб кўрса. Аммамнинг бузоғисан, эрка тойлоқсан, биров етакламаса юролмайдиган кўрсан, дейдиган Асрора қани? Келиб кўрсин!

Дилдорнинг бир кўриб қўй, Асрора. Бир ўзи чўлнинг қоқ ўртасида чўл қушларини ҳар тарафга тўзитиб гуриллатиб трактор ҳайдаяпти. Сизларга ишониб эркаланарди.

Тушликка жом чалинганда Дилдор аллақанча жойни культивация қилиб бўлган эди. У пайкал ожирига келиб моторни ўчирди-да, боя пайҳон қилган ўқариқ олдида келиб сўлиб қолган гўзаларни тополмади.

Раис ҳаммасини, битта қўймай олиб кетган эди. Энди нима бўлади. Ҳозир тушлик пайтида ҳамқишлоқлари олдида уни изза қилади.

Дилдорнинг қорни очган эди. Тушликка қандоқ боради. Қай юз билан боради.

Дилдор тушликка бормаи шу ернинг ўзида дамини оладиган бўлди. Утириб дам олай деса, тангадек соя йўқ. Тепадан офтоб уриб турибди. У трактор соясига бориб чалқанча ётди олди. Бетиним ишлаганидан иссиқлаб

терлаган эди. Ҳозир кўкка боқиб ётар экан, ҳўл бўлиб кетган оқ батист кўйлаги танасига ёпишган эди. Ички кийим расм бўлмаган қишлоқ қизларининг ҳар хил тасмалардан холи бўлган бадани оқ батист кўйлак ичида ажиб бир латофат билан тўлганарди. Ҳар нафас олганда қалқиган кўкракларидан ёшлик, гўзаллик нафосати барқ уриб турарди.

Шу тўлганиб турган тана, ёшлик латофатн барқ уриб турган вужуд ҳозир қизиб кетган тракторнинг ним соясида, ажриқда ётар, қани энди қайноққина бир коса шўрва бўлса, деб лабларини яларди. Нариги картадан:

— Дил-доо-ор!— деган товуш келди.

Дилдор бошини кўтармади. Енгинасидан битта қиёқ ўтни юлиб олиб ётган жойида сўра бошлади.

Офтоб оғиб қолган, тиниқ сўнгсиз беғубор осмонда бургут янги учишга ўрганган боласининг гоҳ олдига, гоҳ орқасига ўтиб учарди.

— Дил-доо-ор! Овқатга-а-аа!

..

XV

Дилдорнинг оёқ-қўли қақшаб оғрирди. Соябонсиз тракторда куши билан қуёш тигида ишлаганидан, тушликка чиқмай оч-наҳор қолганидан силласи қуриган эди. Бошига ёстиқ ҳам қўймай, айвонда шолча устида тўлганнб ётибди.

Бола овқатсиз қолди.

Урнидан туриб унга бирон нима пишириб беришга унда мадор йўқ. Қани энди Аъзамжон бўлса-ю, бир пиёлагина иссиқ чойни унинг оғзига тутса.

Она оёқ-қўли кесиб ташланган бўлса ҳам судралиб бориб ияги билан гугурт чақади, ияги билан ўт қалаб боласига овқат пиширади. Дилдор бутун аъзойи бадани қақшаб оғришига қарамай ўрнидан турди. Пайраха қалаб ўчоққа ўт ёқди. Лип-лип ёнаётган ўтга қараб ўтираркан, Аъзамжонни ўйларди. Қаёқларда юрган экан у дайди? Аъзамжон бўлмаганда Дилдор бу тарафларга келармиди? Зарда, ўжарлик ҳам эви билан-да!

Эри фронтдан қайтган кундан бери у нотинч. Илгарилари эрим келар, бу кўрган кунларим тушдек бўлиб қолар, деб ўзини овулар, Рисолат билан Иноят оқсоқонинг зуғумларини эримнинг битта юпатиши эсимдан чиқазиб юборар, деб ўйларди. Қайтага эри келиб унинг

тинчи бузилди. Ҳар куни бир дилсиёҳлик, ҳар куни бир хархаша.

Дилдор қишлоқдан кетиб чўлда ўрнашиб олсак, қулоғим тинчир деб ўзини ўзи юпатди. Гўё Дилдор эрининг орқасидан келмагану, эри унинг орқасидан эргашиб келгандек.

Чиқди, кетди. Ет ерга, шамоллар гувиллаган чўл ўртасига ташлади, кетди. Шу қилмишини кечириб бўладими? Яхши эр шундай қиладими?

Чирсиллаб ёнаётган ўтга тикилиб Дилдор мана шуларни ўйларди. Лекин болада нима гуноҳ. Тили чиққандан бери дада деб хархаша қилган бола ҳар куни бўлаётган жанжалдан бир онасига, бир дадасига қараб жавдирайди. Болага ўхшаб шўхлиги ҳам йўқ. Бола бўла туриб катталардек ўй сурадиган бўлиб қоляпти.

Дилдор нимаси биландир қишлоқ аҳлининг меҳрини олганди. Уни ёлғиз дадасигина эмас, бутун қишлоқ эркалар, ҳеч ким унга қаттиқ гапирмасди. Фақат Асрорагина уни жеркиб ташлашга, турткилашга ботинарди. Шунинг учун ҳам у бирон марта оғир иш қилмаган, қилса ҳам қўл учинда қиларди. Бугун биринчи марта терга пишиб ишладди. Бугун биринчи марта дала меҳнатининг машаққатини сездди.

Ҳар бир қийин иш то унга дуч келмагунча қийин. Одам боласи қийинчиликка дуч келгандагина ўзида уни сиғишга журъат сезади, уни енгиб бўлгандан кейингина ўз кучига ўзи баҳо беради. Бугун Дилдор ўзининг кимлигини билди. Дилдор эри тўғрисида ўйлаганда, ўзи шунақа ўжар, қайсар, аммо мени ўларча севади, ҳар қанақа бўлганда ҳам мени ташлаб кетмайди, деб ўйларди. У ўзининг шу фикрида қатъий эди.

Дилдор ўйламаган, ўйлаб тушига ҳам кирмаган икки қийинчиликка рўбарў келди. Умрида қилмаган оғир ишга киришди. Бутун умидини, умрини бағишлаган эри ташлаб кетди.

Қўшин ҳовлиларда чироқ ёниб одамларнинг гангиргунгур овозлари келяпти. Кимдир пластинка қўйдди. Оғир, юракни эзувчи куй шамоллар қанотида у ёқдан бу ёққа сузиб юрибди.

Кимдир янги уйин «ювяпти». Ширакайф товушлар, қийқириқ, кулги овозлари эшитилляпти. Биргина Дилдорлар уйи жимжит. Айвон чироғи ҳам ёқилмаган. Фақат ўчоқда ловиллаб ёнаётган ўтнинг шамолда силкин-

ган тили девор, айвон шифтини лип-лип ёритади. Бола аллақачон ухлаб қолган.

Дилдор машаққат билан ўрнидан туриб айвон устунидаги электр калитини буради. Ғам-аламларни босиб ётган тун қоронғисини қувиб бирдан атроф ёришиб кетди. Дилдор овқат сузиб келиб боласини уйғотди.

— Тур, тур, Азимжон, тура қол.

Бола талмовсираб кўзини очди.

— Овқатингни еб олгин. Мана, ширин овқат пишириб келдим.

Бола ўтирган жойида мудрар, кўзлари юмиллиб кетарди. Дилдор уни минг ном билан эркалаб оғзига овқат соларди.

— Эртага далага опчиқаман, тракторга миндириб ўйнатаман, қўзим, ўзинг полвон боласан-ку, яна битта қошиқ егин. Эртақ айтиб тураман, сен еб тургин.

Бола ҳамон мудрар, нима еяётганини билмасди.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, бир айёр тулки бор экан. Уша тулкини-чи, узун думи бор экан. Уша айёр тулки... яна бир қошиқ егин, ҳа, баракалла. Айёр тулки инидан чиқиб офтобда ўтирса, тепасидаги дарахтга битта ола қарга қўнибди. Олавер, олавер, ютворгин. Ютвор. Оғзингда олиб ўтирма-да! Яна ухляпсан-а?

Азимжон оғзидаги овқат билан ухлаб қолди. Дилдор юраги эзилиб уни ечинтирди-да, ўрнига ётқизиб тикилганча қимирламай ўтирди. Энди унинг ҳам иштаҳаси бўғилган, қозондаги овқат тагидаги чўғи сўниб, аллақачон совиб қолган эди.

Бугунги кўрган, кечирган қийинчиликлари ҳам бир бўлди-ю, боласининг овқатсиз ухлаб қолгани ҳам бир бўлди. Унга тикилиб ўтираркан, ичидан аллақандай ўт отилиб чиқиб бўғзини куйдирди. Дард-алам билан хўрсинди. Кўкси бир икки қалқиди-ю, кўзидан юм-юм ёш думалайверди.

Йўлакдан оёқ товуши келди. Бу гурс-гурс товуш бир дам тўхтаб, эркак кишининг йўталгани эшитилди. Одатда аёл киши бор уйга эркак кирадиган бўлса, шундай қилади. Ким билади аёл киши қай аҳволда бўлсайкин, эркак олдида хижолатлик бўлмасин деб атайин йўталади.

Дилдор шошиб ўрнидан турди-ю, кўзларини артиб кўтарилиб қолган этагини туширди, ёқа тугмаларини солди.

Холматжон кирди.

Дилдор Холматжонниги у фронтдан келган кунининг эртасига кирганди. Ушанда негадир у қип-қизариб, турган ерида қимирламай қолганди.

Холматжоннинг ака-укаси йўқ. Биргина кампир бувиси бор эди. Холматжон келиши биланоқ бувисига таъзия очди. Ўзи қопда сомон орқалаб бориб онасининг, бувисининг қабрини суваб келди, юртга ош берди.

Дилдор уни кўча бетида кўрганича бошқа кўрмаган эди. Эрталаб эри унга қаттиқ гапирди. Аъзамжоннинг қилиғига яраша яхшилаб жавоб қилиши мумкин эди, Холматжон оғирлик қилди.

Бугун далада Дилдор культивация қилаётган жойга борганда нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, айтолмади. Дилдор ғўзаларни пайҳон қилгани учун рансининг анча таъби олинган, унинг олдида бошқа гап айтиш ўнғайсиз бўлган эди. Шунинг учун ҳам Холматжон оғиз очмаганди. Мана, энди ўзи келди. Рансининг нима деганини айтади. Улганнинг устига тепаган қилиб рансининг аччиқ гапларини унга етқзади.

— Синглим,— деди Холматжон, ёлғиз аёлнинг олди-га келишга ботинолмай.— Тушликка келмадингиз?

Холматжоннинг айтадиган гапи бу эмаслигини Дилдор сезди. У ҳозир бошқа гап айтади. Бу даромади. Авжи кейин чиқади.

— Ўтиринг, Холматжон ака,— деди Дилдор айвон даҳанига яқиндоз ёзар экан.— Мени койгани келдингиз, биламан.

— Йўғ-е, унчалик эмас. Шушчакки бир хабар олиб кўяй дедим.

— Ранс бува пайҳон бўлган ғўзаларни ҳаммага кўрсатиб роса досгош қилган бўлсалар керак-а?

Эрталабки воқеа эсида йўқдек, Холматжон кўзларини шифтга қадаб, остки лабини сўриб андак тургандан кейин кулди.

— У кишидан бекорга ташвиш қилибсиз, Дилдор. Ранс яхши одам экан. Сиз пайҳон қилган ниҳолларни биров кўрмасин деб каналга ташлаб юбордилар.

Дилдор бенхтиёр, мен ўлай, менгина ўлай, қўрқиб юрган эдим-а, деб юборганини билмай қолди.

— Тўғри, аввалга роса жаҳллари чиқди. Кейин билмадим, дарров жаҳлдан тушдилар. Муни қаранг-а, тракторни ҳам ўрганиб олган экансиз?

— Қаёқда, ўрганганим шуми? Шарманда бўлдим-ку.

— Аста-аста-да. Сиздан, кўрарсиз, яхши тракторчи чиқади, лекин бир ўзингизга қийинлик қилади. Ранс билан гаплашдим. Сизга битта ёрдамчи беради.

Дилдор ўйланиб қолди. Ёрдамчи албатта эркак одам бўлади. Дала тошда ёлғиз-яшин қолганда ким билади, одамларнинг кўнглига нима гап келади. Аъзамжон нима дейди? Шундоғам сал нарсага рўзгорга аччиқ ташлаятти.

— Кимни бермоқчисизлар?

— Бунисини раис ҳали айтганлари йўқ.

— Агар эркак одам бўлса кераги йўқ.

Холматжон бу тўғрида бошқа гап айтмади. Барибир боя айтмоқчи бўлган гапи бу эмаслиги билиниб турарди.

— Аъзам келмадимми?

Унинг айтмоқчи бўлган гапи шу эди.

Дилдор индамай ерга қаради. Холматжон ҳам индамай туриб қолди. Охири тилга кирди.

— Бу томонга энди транспорт келмайди. Бемаҳал бўлиб қолди. Аъзам келадиган бўлса шу пайтгача келарди. Ёлғиз ётасизми, а?

Дилдор шу гапни ўйламаган экан. Дарҳақиқат, кўникмаган жойда бир ўзи қандоқ ётади. Гўё Холматжон, мен шу ерда қоламан, деяётгандек шошиб жавоб қилди.

— Нима бўларди, мени бўри ермиди,— деб юборди.

— Бўри-ку емайди-я, аёл кишининг ёлғиз қолиши қандоқ бўларкин. Шунини ўйлаб хабар олгани келгандим. Кўнглингизга келмасину, мен Аъзамни яхши биламан. У бировга бўйин беришни ёмон кўради. Гуноҳни у қилган бўлса ҳам барибир ундан узр сўрашларини яхши кўради. Менимча, у ўз ҳолича қайтиб келмайди. Олиб келиш керак. Бу ёғини ўзингиз биласиз. Қаёққа кетганини сизга айтмадимми? Қишлоққа-ку бормас. Боришга бет керак.

Дилдор елкасини қисди.

— Ҳай, майли,— деди Холматжон ўрнидан тураркан.— Ёлғиз ётманг, ҳозир бориб Малика аяни юбораман. Бирга ётинглар.

Дилдор унга бир нима деб жавоб қайтармади. У чиқиб кетгандан кейин айвон устунига суяниб, сон-саноқсиз юлдузлар чарақлаган чўл осмонига тикилганча туриб қолди.

Чарчаган одамни уйқу элитади, дсйпшарди. Дилдор бу гапнинг унчалик тўғри эмаслигини энди билди. Бутун тани зирқираб огриса ҳам, кўзига уйқу келмасди. Ё кўнгли нотинчлигиданмикин?

Қўни-қўшниларникида чироқ ўчди. Вақт алла-палла бўлиб қолди. Эртага азонлаб далага чиқиш кераклигини эслаб Дилдор айвонга Малика ая учун ҳам жой қилиб чироқни ўчирмай ётди.

Яқин ўртада бўри улиди. Дилдорнинг эти жимирлаб кетди. Алоҳида ётган ўғлини кўтариб ёнига олди. Узоқдан яна бўри улиди. Хонадонларнинг бирида ит вовиллади. Бирпасда итларнинг акиллаши авжга чиқди. Дилдор ваҳима ичида ухлаёлмай тўлганиб ётарди.

Аъзамжон! Ёлғиз болангни бўрилар увлаган даштга ташлаб қаёқларга кетдинг. Ҳозир қаёқдасан? Очмисан, тўқмисан? Биттагина болангни қандоқ кўзинг қийди?

Дилдор эрини ўйлаб гоҳ газабланар, гоҳ унга раҳми келиб хўрсинарди.

Аъзамжон шу пайтда, юлдузлар осмонни заминни тўлдириб жимирлаётган ёз оқшомида анорлар гуллаган, райҳонлар ҳид сочган, ариғидан қўнғироқ чалиб сув эқаётган сокин ҳовлида ўзга ёр оғушида барқ уриб ухларди.

Хўрозлар нкки мартадан бир-бирини чақирришди. Холматжон айтган аядан дарак йўқ.

Дилдор пиш-пиш ухлаётган ўғли тепасида мишжа қоқмай ўтирар, аллақандай қўрқинч ва даҳшат ичида бўриларнинг олисларда улишига қулоқ соларди.

Ой тепага келди. Чўл кишилари аллақачон ухлаб қолишган. Аммо Дилдорнинг кўзини уйқу ололмасди.

XVI

Дераза орқасида ит акиллаб Дилдорни уйғотиб юборди. Бемаҳал чакаги очилган итдан диққат бўлиб бошини кўрпага буркаб олди. Ит ҳамон вовиллар, кўз юмгани қўймасди. Диққат бўлган Дилдор камзулини елкасига ташлаб ҳовлига тушди. Учоқ олдида қалалиб ётган шохлардан битта новдани сугуриб олди-да, итни ҳайдаш учун ташқарига чиқди.

Лайча ит кўча ўртасида туриб Дилдорлар деразаси тарафга қараб улирди. Дилдор уни калтак билан қувди. Энди орқасига қайтганда ит яна жойнга келиб улиш-

ни бошлади. Нега упдоқ қилаётганикин, деб у ёқ-бу ёққа аланглади.

Уйининг деразаси қаршисидаги тол тагида кимдир ётарди. Биронта маст эмасмикин, деган хаёлда қўрқиписа яқинлашди. Тол тагидаги қуриб қолган ажриқ устида кимдир гужанак бўлиб тўнига ўраниб ётар, совқотганидан тиззаларини қучоқлаб, бошини бўйни ичига тортиб олганди. Аъзамжон бўлса-я, деб дилдан ўтказди Дилдор. Қелгану, киришга, рўпара келишга юзи чидамай шу ерда ётиб қолган. Қайфи бўлса ажабмас.

Шу хаёл билан Дилдор ётган кишининг тепасига келди. Унинг бетига ой нури тушиб турарди. Дилдор сесканиб кетди. Бу Холматжон эди. Дилдор эсанкираб қолди. У бу ерда нима қилиб ётибди? Паҳотки ичиб учиб қолган бўлса? Унақа одати йўқ эди-ку! У нима қилишини билмай серрайиб турарди. Ёўл четларида папирос қолдиқлари оқариб кўринарди. Айниқса, ётган жойида гижимлаб ташланган папирос пачкаси, атрофида аллақанча чала чекиб ташланган папирослар.

Бу аҳволда шамоллаб қолиши ҳеч гапмас. Нимадир қилиш керак. Дилдор орқасига қайтиб уйдан, битта якандоз олиб чиқди-да, устига ёпиб кириб кетди. Холматжон буни сезмади. Нимадир деб гудранди.

Дилдор то ярим кечасигача бўри улишидан қўрқиб ухламаганидан, ўрнига ётди-ю, донг қотиб ухлаб қолди.

Эрталаб ўрнидан турганда айвон лабида тахлоғлиқ ўша якандозни кўрди. Холматжон қўйиб кетибди. Дилдор бунга ҳам унча парво қилмади. Демак, Холматжон устига ким якандоз ёпганини билибди.

Она-бола нонушта қилаётганларида гузар тарафдан Абдулла бақироқнинг овози келди.

— Эшитмадим деманглар, чортеракликлар бугун ҳам кечаги участкада чопиққа чиқадилар. Ораларингда мироблар бўлса чойхонага келишсин. Тракторчи қиз раис бувага учрашсин.

Дилдорнинг юраги шув этиб кетди. Раис энди уни боплайди. Кечаги пайҳон қилинган гўзалар учун кўпчилик ўртасида танбеҳ беради. Ё бўлмасам: қўя қол, қизим, чопиққа чиқ, трактор юргизишни билмас экансан, дейди.

У шошиб нонушта қилди-ю, боласини кийинтириб кўчага чиқди. Остонада Малика аяга дуч келди.

— Вой, болам, яхши ётиб, турдингми? Холматжон

кечаси борган эди, иложим бўлмади, раис кеча бир қоп ун ташлаб кетган эди, кечаси билан ёпдим. Миям қурсин, асли Холматжонга айтсам бўларкан, ўзи кела қолсин, менкида ёта қолсин десам бўларкан. Вое, ёшгина нарса бир ўзинг ётдингми?

Дилдор кулди.

— Нега ёлғиз бўларканман. Ёнимда манаву полвон бор эди.

Кампир Азимжоннинг пешонасидан ўпиб қўйди.

— Сен боравер, раис гузарда сувчиларни, тракторчиларни йиғяпти. Қани, полвон, биз бу ёққа борамиз.

У шундай деб Азимжоннинг қўлидан етаклаб кетди.

Дилдор гузарга келганда, Меливой ака олдига чойнак қўйиб, Чортеракдан келган икки киши билан гаплашиб ўтирарди.

— Келдингми, қизим,— деди Меливой ака Дилдорга чой тутиб.— Кеча ишингни кўрдим.

Дилдор қип-қизариб кетди. Энди бошлайди, боплайди мени, деган ўй ялт этиб кўнглидан ўтди.

Раис нариги сўрида ўтирган сариқ қизни имлаб чақирди.

«Оббо,— деди Дилдор ичида.— Уримга бошқа тракторчи топибди. Боя ўйлаганим тўғри чиқди».

Сариқ соч қиз раиснинг олдига келди. Раис Дилдорга юзланди.

— Танишиб қўй, бу менинг қизим, оти Шура.

Дилдор беихтиёр унга кўришгани қўл узатди. Аммо нималар бўлаётганини билмасди.

— Бир ўзингга иш оғирлик қилади. Шура билан икковнинг ХТЗда ишлайсизлар. Сен тракторчи, бу ёрдамчи. Нима керак бўлса ўзимга айтинглар. Шура қишлоқнинг жами паст-баландини билади. Аямай ишга буюравер. Тушликка чиққанда кўрпа-тўшагини сеникига опкелиб қўяди. Бирга турасизлар, хўпми? Унақа ёлғиз ётма. Ёш экансан. Шум болалар яна кечаси безовта қилиб ўтирмасин. Хўпми?

Дилдор лабини тишлаб туриб қолди. Демак, раис ҳамма гапдан хабардор. Эрининг кетиб қолганини ҳам, бу кеча ёлғиз ётганини ҳам билади.

— Хўп, бува. Айтганингизни қиламан,— деди миннатдор оҳангда.

— Шундоқ бўлсин,— деди раис ва ёнидагиларга қараб гапини давом эттираверди.

Шура билан одам бўли келиб қолган маккажўхорилар орасидан боришар экан, гапни нимадан бошлашини билмай турган Дилдор Шурага ўнгайсиз, хижолатли қаради.

— Ўзбекча биласизми?

— Биламан,— деди Шура мақтанганнамо.— Жуда яхши биламан.

— Унақа бўлса, яхши. Мен ўричча билмайман.

— Ничего, ўзим ўргатиб қўяман.

Дилдорнинг чеҳраси очилди. Йўл-йўлакай у ёқ-бу ёқдан гаплашиб кетишди.

— Ростдан, раис буванинг қизларимисиз?

— Ҳа, қизлариман. Фамилиям Мелиева-ку.

Дилдор унга ҳайрат билан қаради.

— Аянгиз ўрисмилар?

Дилдор берган саволдан хижолат бўлиб гапни дарров, у жавоб қайтаргунча бошқа ёққа бурворди.

— Бу чўлда бирам бўри кўп эканки, кечаси билан қўрқиб чиқдим.

— Бу жойларни уч йил олдин кўрмагансиз. Бўрининг кони эди. Бу озайиб қолганп-ку. Дадам билан кўп келганман. У пайтда бунақа иморатлар қаёқда эди.

Гап билан бўлиб пайкалга етиб қолганларини билмай қолишди. Дўнглик тагида бочка пайдо бўлиб кетган жойдан сал нарига жиблиб қолганга ўхшайди. Дилдор синчиклаб қараса, трактор гўза орасида бирикки кириб чиққанга ўхшайди. Кеча манави картага Дилдор трактор солмаган эди. Демак, кимдир келиб озроқ ишлатганга ўхшайди. Керосин опкелган гараж мудири шундай қилган бўлса ажаб эмас.

Шура тракторга ёғ қуйиб, шамларини бир-бир қараб чиққандан кейин Дилдорга қаради.

— Сиз бошлайсизми ё мен.

— Барибир,— деди Дилдор.

— Майли, сиз бошлай қолинг.

Дилдор моторни ўт олдириб сал қизигунча эгарда тик турганича даланинг узоқ-узоқларига қаради.

Олисида чопиқчиларнинг овозлари эшитиларди. Кеча ёлғизлик уни кўп қийноққа олган эди. Барибир кўнгилсиз ўйлар қанча ёпирилиб келмасин, қандайдир ғурур мучи уни тушкунлик гирдобига йўлатмас эди. Олдида каттакон мақсади бор одам, шу мақсад учун, айниқса,

узоқдан минглаб кўз кузатиб турганда ҳамма нарсани унутади-ю, шу мақсад кетидан қувади. Дилдор кеча ана шундай ҳолатни бошидан кечирган эди.

Кеча Дилдор бирданига икки имтиҳондан ўтди. Бири, кўпчилик ўртасида тантана билан минган тракторни қанчалик қийин бўлса-да, аёл боши билан жиловлай олди. Иккинчиси, не умидлар билан йўлга чиқиб, энди тинч, осуда яшамоқчи бўлиб турганда нотаниш чўлга эри ташлаб кетди. Бўрилар увлаган тунни ўша тинч ҳаёт ваъда қилган эрисиз ўтказди. Бу кеча, айниқса, шу пайтгача айрилиқда, висол дамларида кечирган изтироблари орасида энг огири эди. Дилдор бу имтиҳонга ҳам бардош берди. Бу ёғи энди у қадар оғир бўлмайди. Биринчи тундек оғир бўлмайди, бўлолмайди. Бундай эрдан ёруғлик чиқмаслигини ҳам Дилдор шу тунда сезди. Сезди-ю, юрагини муз қоплагандек бутун эҳтироси, ҳар дақиқа ўзига чорлаб турган ўша чақноқ кўзлари энди беҳаё, шармсиз бўлиб қолди. Ениб турган чўғ устини кул босди. Ким билади, бу чўғ устидаги кулни ким ва қачон супуриб ташлайди. Бу юрак яна ёлқинланармикин? Ким билади. Ҳар қалай, Аъзамжон бу чўғни қайта алангалата олмаса керак. Яна ким билади, дейсиз. Аёл қалбини билиш қийин.

Трактор пайкал бошига етти-саккиз бориб келгунча ҳам Дилдор хаёлдан бўшамади. Кимдир унинг елкасидан туртгандагина у ўзига келди.

Енида Шура турар, бир қўли билан рулга ёпишиб, ўнг тарафга бурмоқчи бўларди.

— Сизга нима бўлди, опа? Фақат ариқнинг ўзини ковлаб кетяпсиз-ку.

Дилдор қараса ўқариқнинг ярмигача ариқнинг ўзига культиватор тишини ботириб келаётган экан.

— Чарчабсиз, дамингизни олинг. Энди мен юргизаман.

Дилдор унга монелик қилмай пастга сакради. Ғўзалар орасида туриб Шуранинг руль бошқаришига қаради. Бало экан бу қиз. Утиришини қаранг. Уста шофёрларга ўхшайди.

Дилдор унинг юргизишидан завқланиб кетди. Ҳоргин қалам ташлаб четга чиқди-да, оёғидан шиппагини чиқазиб ажриққа ўтирди.

Велосипедда Холматжон келди. У Дилдорга келиб салом бериб ғўза орасига кириб кетди. Ҳар ер-ҳар ерда энгашиб ғўза тагидан кесак олар, кафтига қўйиб эзиб

Асрора унинг буви си номидан ёзган хатидан қишлоқ қизларининг бирга тушган суратини ҳам қўшиб жўнатган эди. Кўнгли кўтарилсин, йигитлар қизлардан келган сурату хатларни яхши кўрадилар, деб атайини шундай қилганди. Холматжон ўша қизлар орасида Дилдорни дарров таниган эди. Бўйи чўзилиб, йигит кишининг суқи кирадиган бўлиб қолганига ҳайрон бўлиб суратга узоқ тикилган эди.

Фарғона йигитларининг бир хусусияти бор. Қишлоғимизнинг қизига палон қишлоқнинг йигити гап ташлабди, деб эшитса атайини муштлашгани уч-тўрт йигит ўшаққа бориб, бирои жанжал бошламай қайтишмайди. Албатта, Холматжон ҳам бу хислатдан холи эмасди. Чўлга келган кунларидан бошлаб қишлоқ қизларининг «шайъинни» ҳимоя қилиш пайида эди.

Бу оқшомги уйқусизлиги ҳамқишлоқ қизларининг яхшилигига яхшилик билан жавоб бериш бўлса, иккинчидан, ўша Фарғона йигити орияти эди.

Дилдорнинг бу гапдан хабари йўқ. У нега бундоқ бўлганини билолмай ҳайрон эди.

Дилдор бу гал чарчаганини билмади. Шура қизиқ экан, қаёқдаги куладиган гапларни топиб гапирарди. Бирпасда колхоздаги одамларни таъриф-тавсифини қилиб берди.

Бош бухгалтернинг хотинидан қўрқинидан тортиб, агроном йигит донмо хотинларнинг пайпоғини кийиб юришигача айтиб берди.

— Рост, хотинларнинг пайпоғи эркакларга жуда мос келади. Учи йиртилса, қийиб ташлаб, чатиб олади-да, яна кияверади. Битта пайпоқни эркаклар бир йил, то бир қарич қолгунча кийса бўларкан. Калласининг ишлаганини қаранг-а.

Дилдор унинг гапларидан қотиб-қотиб кулар, шундоқ қувноқ қиз билан бирга ишлаб, бир уйда бирга туришидан қувонар эди.

— Келин аямнинг сираям русчага тили келмайди. Почему, дегин деб неча марта айтаман, барибир эсидан чиқиб қолиб, зачему, дейди. Райкомдан телефон қилишса, раис не пришла дейди. Тўғри гапирсангиз-чи, десам, тушунса бўлди-да, деб кулади.

Бирдан тушликка жом чалинди. Шура трактордан сакраб тушиб, айда, Диля, деди. Дилдор бормаслигини, овқатни шатга опкелиб ейишини айтганда, Шура уни жеркиб ташлади.

— Одамлардан нега қочасиз, опа. Юринг, юринг. Ҳангамалашиб келамиз. Ҳовуз бўйи салқин. Тол тагида ўтириб бир оз дам оламиз. Батта дўппичалик соя жой йўқ. Офтобда қовжираб нима зарур. Юринг, юринг!

Шура уни қўярда-қўймай судраб олиб кетди.

Дилдор шийпонни кўрмаган эди. Салқин жой экан. Бир томонда катта қозон. Бакда вақирлаб сув қайнаб турибди. Толлар тагига тўшалган шолчаларда биров ёнбошлаган, биров чордана қуриб чой ичар, Холматжон эса олдига битта чойнакни қўйиб толга суюнганича мудрарди.

— Бечора, ухламаган-да,— деб ачинди Дилдор.

— Пўшт, танкчиларга йўл беринглар!— деди Шура шийпонга кўтарилар экан. Унинг овозидан кўзини очган Холматжон Дилдорга кўзи тушди-ю, нима қилишини билмай бўш пиёлани оғзига олиб борди.

XVII

Дилдор кечқурун комбинезон олгани гаражга кетган эди. Келса, Шура уйдан ўқдек отилиб чиқиб кетди. Унинг кўзлари қизарган, кўп йиғлаганидан бўлса керак қовоқлари шишиб кетган эди. Дилдор олиб келган нарсаларини айвонга улоқтирди-ю, орқасидан югурди. Гузарда одам кўп. Чойхона сўриларида кўрпа-ёстнқ, тугунлар. Яна одамлар келганга ўхшайди. Чортерақдан одам олиб келган ўша кундаги юк машиналари қатор бўлиб турибди. Одамлар орасидан Дилдор Шурани изларди. У йўқ. Мотор гуриллади. Қараса, юк машинаси тепасида Шура турибди. Дилдор унга югурган эди, машина жойидан қўзғалди. Етолмади.

Нима гап экан? Нима гаплигини бу одамлар билмайди. Булар янги келган кишилар. Дилдор нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турган эди, Малика ая Азимжонни етаклаб келиб қолди.

— Эшитдингми, болам, Мелнвойнинг ўғлини япон ўлдирибди.

Дилдор турган жойида қотиб қолди. Бунинг нималигини Дилдор билади. У бир марта шундай шум хабарнинг дардини тортган. Аъзамжондан қора хат келганда дунё кўзига қоронғи бўлиб кетган, оғир оёқли ҳоли билан ваҳратон қишда қора кийиб телбага ўхшаб юрганди. Ушанда ҳамма ёқни оппоқ қор босган. Дов-дарахт, том-

тош, далаю-қирлар оппоқ эди. Фақат Дилдорнинг дили қоронғи, либоси қора эди.

— Болам, бугун Шура келмас, кечаси ёнингга ўзим бораман.

Дилдор индамади. Боласини етаклаб кетаркан, ўйларди.

«Мен бахти қарога яна битта бахти қаро шерик бўлди. Биттагина бошимга шунча ташвиш. Бу дунёда биронта беташвиш одам борми? Қимга суянсам, дардимни очсам у ҳам менга ўхшаган чиқади...»

Негадир Дилдор шунча яхшиликлар қилган Асрорани, Адолатни, нотаниш жойга келгандан бери атрофини ўраган бу меҳрибон одамларни ўйламасди. Кулфатга қолган киши фақат ёмон кунларини ўйлайди. Дилдор ҳозир шундай аҳволда эди.

Кечадан бери анча кўнгли тўлиб, уйи обод бўлиб қолган Дилдор яна яққаликда, забунликда қолди. У афтодаҳол бир кайфиятда ҳовлига кирди. Атрофда ҳамма шод. Қўшнилари уйда бола-чақалари билан кечки таом устида чақчақлашаётган кишиларга унинг ҳаваси келди. Шу Аъзамжонга рўпара келган кундан бошлаб бирон кунни рўшнолик билан ўтказмади. Умр бўйи тиниқ, жуда ҳам тиниқ нур ичида порлаб туриши керак бўлган тўй кунини ҳам у йиғлаб ўтказди. Ҳалигача бу йиғи, кўз ёши тингани йўқ. Йиғлайвериш дийдаси қотиб кетди. Кўзига ёш келмай қўйди.

Бечора дадаси тўй қилсам, ичкүёв бўлса бағрим бутун, уйим обод бўлиб қоларди, деб ният қиларди. Бўлмади. Наинки ичкүёв нураб қолган уйнинг шикаст-рехтларига қаради. Бутун оила бошига кулфат солди. Мана ҳозир келин бўлиб бир нафас келинлик роҳатини кўрмаган Дилдор боласини бағрига босиб чироқ ёқилмаган нотаниш уйда ғам-андуҳ ичида ўртаниб қолди. Қишлоқда дадаси қанғиллаб ётган катта ҳовлида қариганда ўзи кирини ювиб, ўзи томоқ пишириб ўтирибди.

Шу ишларни қилган, кулфатларни бошига солган Аъзамжоннинг ўзи қаёқда?

Шипиллаб енгил оёқ товуши келди. Дилдор бош кўтариб қараган эди, айвон олдига келиб қолган Малика аяга кўзи тушди.

— Вой болам, нега чироқ ёқмай ўтирибсан. Вой, галатиякансан-ку.

Ая электрчи ёқиб қўйди.

— Чой ҳам қўймабсан, овқат ҳам қилмабсан.

Бу кампир унга шундай меҳрибонлик билан гап-рардики, худди унинг ичида ёнаётган ўтни кўраётгандек, нима биландир бу ўтни ўчиришга уринаётгандек эди.

Бу кампирнинг аллақасери Дилдорнинг аясини эслатарди. Биттаю битта боласи бўлганиданми онаси уни сира жеркимасди. Ҳар қанақа жаҳли чиқиб турганда ҳам овозидаги майинлики бузмасди. Баъзан эр-хотин айтишиб қолишарди.

— Болани бузаясан, эрка қилиб қўйясан, — деб ладаси айтса, онаси пинагини бузмай жавоб қиларди.

— Биттаю битта боламин нега уришарканман.

Шундоқ она Дилдор тўққизга етмасданоқ тупроққа кирган эди. Мана, ўн уч йилдирким ота-бола унинг чирогини ёқиб келишди. Унга бахт ваъда қилган эри она ётган шу тупроқдан олисга ташлаб қочди.

Малика ая Дилдорнинг изтироб оташида ёнаётганини билиб турарди. Шунинг учун бу бенаво жувонининг мушкулини осон қилиш, бир дам бўлса уни ёлғизликка ташламаслик учун атайин келган эди.

У чаққонгина хотин эди. Бирпасда пиёз тўғраб, масаллиқларни тайёрлаб қозон осди. Кўнгилини кўтарди гаплардан гапириб уни алаҳситишга уринди.

— Болам, ўзининг унақа сиқаверма. Дунёнинг ишлари ҳаминша миркам икки бўлган. Сенга ҳам худонинг атаб қўйган ёруг кунни бордир, ахир. Нима бўпти, ҳали ўн гулингдан бир гулнинг очилмаган. Қўй, куйма. Бу эркакларнинг ҳаммаси шунақа. Менам вақтида э, куйганман. Куявериб адоин тамом бўлганман. Ҳозир эсласам, аҳмоқ эканман, деб ўзимни ўзим койийман. Эси бўлса сени, бўлмаса ҳам боласини соғиниб келади. Келмаса садқан сар. Улим бўлмасин, болам. Улимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси бор. Улим қурсин, ўлим! Бечора Меливой оташда куйиб ётибди. Бир ўғил эдики, арслон дердинг. Шундоқ бола ўққа учиб кетди. Бечора Меливой болам келса Шурани келин қиламан, деб у-буларини тайёрлаб қўйган эди. Мана, Шура тўй кўрмай тул бўлиб ўтирибди. Ҳали сенга нима бўпти.

Дилдор Шурани Меливой аканинг қизи деб ўйлаган эди. Хотини рус бўлса керак деган хаёлда эди. Демак, Шура унинг қизи эмас. Уғлининг қаллиғи.

Овқат устида кампир Дилдор кўнгилидаги жумбоқни ечиб юборди. Меливой аканинг икки қиз, бир ўғли бор

экан. Қизлари чиқиб кетгач, ўғли билан қолади. Уруш авжига чиққан пайтда Марғилонга тушиб фронт тарафдан келган ота-онасиз қолганлардан шу қизни олиб келади. Шура ўшанда ўн тўрт ёшларда эди. Озиб-тўзиб кетган, ранг-рўйи бир ҳолатда эди. Меливой аканинг хотини уни ювиб-тараб сал кунда оёққа турғизиб қўяди. Шура ўзбек тилини мутлақо билмасди. Меливой аканинг хотини билан имлаб гаплашишарди. Шура дўмбоққина бўлиб қолади. Сал кунда қўни-қўшниларнинг меҳрини тортади. Меливой аканинг ўғли Турдивой билан бирга мактабга боради. Бирга далага чиқиб ишлайди. Турдивой уруш охирлаб қолганда фронтга кетади. Ана келади, мана келади деб туришганда япон тарафга кетиб қопти деб дарак эшитишади. Муни қараингки, немиснинг ўқи ўтмаган бола японнинг ўқиға гирифтор бўлади.

— Бугун иложим бўлмади, эрталаб қишлоққа тушиб фотиҳа ўқиб келаман. Кўрмайсанми, атиги тўртта болага боқча очиб ўтирибмиз. Тўртта бола ҳам, бола-да. Ҳали бир гурзавой бўлиб фотиҳага кетишди. Мен қолдим.

Дилдор чарчаганидан ўтирган жойида мудрай бошлади.

— Ёта қол, болам, ёта қол. Ўзинг ҳам эркаклар қиладиган ишга қўл уриб ўтирибсан. Ўзингга муносиб иш қилишинг керак эди.

Дилдор нидамай туриб жой сола бошлади. Кампир идиш-товоқларни юваётганда Холматжон келиб қолди.

— Мен бугун ҳам келолмадингизми деб хавотир олган эдим. Келганингиз яхши бўпти, аяжон.

— Келмай, қасққа борардим. Келаман-да. Боламини ёлғизлатиб қўярмидим. Чой дамлаб берайми?

— Йўқ, бувижон. Энди қайтаман.— Холматжон шундай деярсан, боласининг устини ёпаётган Дилдорга қаради.— Шура эртага келмайди. Ўзингиз ишлайсиз. Бирон одам қўшиб берайми, Дилдор.

Дилдор йўқ, деди. Холматжон ўзингиз биласиз, дегандек қилиб кета бошлади. Кампир орқасидан, овқатининг чиннига солиб, дастурхонга ўраб қўйганман. Совумасдан еб ол, болам, деб жавраб қолди.

Кампир ечиниб ўрнига кираркан, Дилдор бош кўтариб ундан сўради.

— Ая, Холматжонни анчадан бери танийсизми?

— Нега танитай, ўз неварамни танитайманми, га-
пинг қизинг-а,— деди тилар-тиламас.

Дилдор ҳайрон бўлиб яна сўради.

— Ахир Холматжоннинг бувиси бундан тўрт йил ол-
дин қазо қилган эди-ку.

Кампир жавоб бермади. Аламли хўрсинди. Охири
зарда билан жавоб қилди.

— Бундан кейин бу тўғрида мендан бир оғиз ҳам
гап сўрама. Агар сўрасанг, остонангга қадам босмай
қўяман.

Кампир яна ёстиққа бош қўйди. Қоронғида алла-
вақтгача ухлаёлмай у ёқдан-бу ёққа безовта ағдари-
либ чиқди. Хўрсинди, ёнбошига ағдарилди. Ёстиқ та-
гини титкилаб нос олиб чекди.

Дилдор унинг дилига оғир ботадиган бирон гап ай-
тиб қўйдим шекилли, деб хижолатдан ухлаёлмасди. Охи-
ри кампир ўрнидан туриб қоқ ярим кечада ҳовлидан
чиқиб кетди.

Нима бўлди? Кампирнинг дили нимадан оғриди? Дил-
дор билолмасди.

Кампирнинг бемаҳалда чиқиб кетганини Дилдор
бирон иши эсига келиб қолгандир деб ўйлади-ю, кў-
зни юмди. Барибир хаёли қочиб кўзига уйқу кел-
мади.

Энди Холматжонни ўйларди. Бу йигит кўпдан унга
аллақандай изтироб тўла кўзларини тикади. Аллақан-
дай меҳрибончиликлар қилади. Дилдор уни яхши била-
ди. Унинг кўнгли сўник. Кам куладиган, кулганда ҳам
ичида дарди бор одамдек астойдил кулмайди. Илгари у
қишлоқда борми, йўқми биров эътибор бермасди. Эили
бошқача бўлиб кетибди. Ҳаммага меҳрибон, ҳар қан-
дай ишни ҳам уддалайдиган, ҳаракатчан, ишбилармон
бўлиб кетибди. Қани энди, Аъзамжон ҳам шундай бўла
қолса эди. Йўқ. Икковининг орасида тоғча фарқ бор.
Холматжоннинг Аъзамжондан аллақанча афзалликла-
ри бўлишига қарамай, у Аъзамжон бўлолмасди. Бирин-
чи муҳаббатдек эзгу ҳис борми дунёда? У Аъзамжон
Дилдорнинг биринчи севгисими? Ундай деса Низомжон
унга бир эрмак қатори гап бўлган экан-да. Йўқ. Унинг
биринчи севгиси Низомжон эди. Аксинча, Аъзамжон
эрмак қатори унинг қалбига кирган эди. Наҳотки Дил-
дор учинчи севгига юрагидан жой топа олса. Шундай
бўлишин ҳам мумкинми?

Дилдор шундай деб ўйларди-ю, ўз хаёлидан ўзи қўрқиб кетарди. У бу масалаларни ақл билан ҳал қилиб бўлмаслигини билмасди. Бу юрак иши. Юрак ўртаниб оташига олса, унинг ихтиёри қўлдан кетишига ақли етмасди. Дилдор энди севишга қўрқарди. Ким билади. Аъзамжонга теккан, Низомжонни севган Дилдор бошқа, бўшашган, биров етакламаса ўзи юролмайдиган эрка Дилдор эди. Чўлда ёлғиз яшашга кўнган, бўрилар увланган саҳрода ухлайдиган, эркак қилолмайдиган ишга қўл урган Дилдор бошқа эди. Бошқа Дилдорнинг бошқача севгиси бўлиши мумкиндир. Дилдор ўйлаб-ўйлаб ўйига етолмади-ю, ой тарнов учига кўнганда уйқуга кетди.

Чўлнинг дайди шамоллари ўт-ўланларни силкиб югурар, юлдузлар бир-бирини имлаб чақирарди.

Эри таҳқирлаган, ташланди Дилдорнинг иккинчи оғир туни ҳам тонгга уланиб борарди.

XVIII

Холматжон тунука чойнакнинг жўмрагига кружка олиб Дилдор ишлаётган жойга чой олиб келди.

— Овқатга бормадингиз. Бу қанақаси бўлди? Ҳеч бўлмаса чой ичиб олинг деб олиб келдим.

Дилдор нимчасининг тагига бостириб қўйган тугунчани ечиб нон, майиз олиб кўкатга ёзиб қўйди.

— Кўпчилик ўртасида томоқ еёлмайман. Урганмаганман,—деди у нон ушатиб Холматжоннинг олдига қўяркан.

Холматжон нимадир деяётган эди. Дилдор гапни бошқа ёққа буриб юборди.

— Малика аямни хафа қилиб қўйдим. Бир гап сўраган эдим, жуда хафа бўлдилар.

— Нима деган эдингиз?

Холматжон кимингиз бўлади деган эдим, хафа бўлиб қоқ ярим кечаси уйдан чиқиб кетдилар?

Холматжон гарданини қашиди.

— Шу гапни сўрабсиз. У киши менинг бувим бўлдилар!

Дилдор бошқа гап сўрамади. Аммо Малика аяга берган саволи ҳали ҳам тилининг учиди турганди. Буни Холматжон сизди.

— Сиз чой ичиб туринг, мен бир чеккадан айтиб бераман. Сиз ўзимнинг бувимни кўргансиз-а?

— Ҳа, кўрганман. Сиз фронтда вақтингизда у киши менга икки марта кўйлак тикиб берганлар. Жуда чевар хотин эдилар.

Холматжон Дилдорнинг кўзига қараб туриб сўради.

— Малика ая бувимга ўхшайдиларми?

— Вой, худди ўзлари. Биринчи кўрганымда тирилиб кепқоптиларми, деб ҳайрон бўлиб қолган эдим.

— Мен ҳам шундоқ бўлганман. Марғилонда бир кўрганымдан кейин яна кўргим келиб хўп қидирдим. Бу ёққа келганимизда учратиб қолдим. Ҳар куни йўлини пойлайман. Кўрдим дегунча гапга соламан. Худди бувим раҳматлик билан гаплашгандек бўламан. Уйига бордим. Мени ўғил қилинг деб ўтиниб сўрадим. Кампир бошимни силаб хўп йиғлади, кимлигимни сўради. Айтиб бердим. Баттар йиғи бошлади. Углим бўл, эна-бола бўлайлик, деди. Ана ўшандан бери у кишининг уйларида тураман. Астойдил эна-бола бўлганмиз.

Дилдор унинг гапларини бош эгиб ҳайронликда тингларди.

— Сўрасам нега ҳафа бўладилар?

— Сўраманг. Сира сўраманг. Мен ҳам сўрамаганман. Менга Меливой ака айтиб берганлар. Бу хотиннинг бошидан жуда ҳам оғир савдолар кечган. Ҳеч кими йўқ. Меливой ака ҳолидан хабар олиб туради. Биз эна-бола бўлганимиздан кейин Меливой ака бир куни идорага чақириб, унинг кимлигини айтиб берди. Шундан бери кўнглига қарайман. Сира ҳафа қилмасам, деб аяб тураман.

Ана шундан кейин Холматжон Малика аянинг бошидан ўтган савдоларни шошилмай гапириб бера бошлади.

Малика ая асли тошлоқлик бўлиб, эри ўрта ҳол деҳқонлардан бўлган. Уларнинг пешоналарида худодаи тилаб-тилаб олган биттаю битта қизлари бўлган. Қиз бўйига етиб, энди куёвга узатамиз деб турганларида Кўршермат Тошлоқни босади. Қишлоқнинг ювиндихўрлари унга чиройли бир қиз борлигини айтишади. Кўршермат йигит юбориб қизни олиб келишни буюради. Ота қаршилиқ кўрсатгани учун ҳовлининг ўзида отиб ташлайдилар. Малика ая сочини юлиб дод солишига қарамай, қизини отга босиб олиб кетишади. Қўрбоши никоҳ ўқитиб қизни ўша тунда зўрлайди-ю, эрталаб тонг отмай қочади. Зўрланган, шарманда бўлган қиз қон йиғлаб уйга қайтиб келади.

Она-бола қон-қон йиғлаб қолишади. Кунлар ўтиб қиз ҳомнадор бўлиб қолади. Ой-куни яқинлашган сари она-бола ташвишга тушадилар. Кўзи ёригандан кейин қиз телба бўлиб қолади. Болани эмизмай қўяди. Болани бўғишга пайт пойлайди. Малика ая кечаю кундуз болага қўриқчилик қилади. Болани қўлига берса, бўғишга пайт пойлайди, бермаса, додлаб қишлоқни бошига кўтаради. Малика ая жуда қийналиб кетади. Бола олти ойлик бўлганда онаси ўзини ҳовузга ташлайди. Малика ая қизини ҳам дафти қилиб чақалоқ билан ёлғиз қолади.

Малика ая учун Тошлоқда яшаш қийин бўлади. Ҳовли-жойини сотиб Қоратепага кўчиб келади. Минг азоблар билан болани катта қилади. Бола ўн етти ёшга тўлганда ҳам дадаси кимлигини билмайди. Бувиси унга дадангни босмачилар ўлдирган, деб айтган эди. У партизан ўгли эканидан доимо ғурурланиб юрарди. Минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йилда бола комсомол сафига ўтиш учун ариза беради. Қомитетда аризаси кўрилаётганда ундан таржиман ҳолини айтиб беришларини сўрайдилар. Бола тўлиб-тошиб дадаси тўғрисида, унинг босмачилар билан курашганини, улар қўлида ҳалоқ бўлганини айтади. Шунда мажлисда ўтирганлардан бири ўрнидан туради-ю, боланинг бетига қараб туриб уни хонн, дейди.

— Сен халқни қийратган босмачининг ўғлисан. Сен қўрбошининг ўғлисан. Сендақа босмачи болаларига орамизда ўрин йўқ,— дейди. Бола ҳарчанд ундай эмаслигини тушунтирмоқчи бўлади. Ҳеч ким унинг гапларига ишонмайди.

Эрталаб ювиниб-тараниб чиқиб кетган бола кечқурун қорайиб, сўлиб кириб келади. Бувисининг бетига тик қараб:

— Дадам ким бўлган?—деб сўрайди.

Малика ая унинг кўзига қараб туриб ёлгон гапирарди.

— Даданг партизан бўлган, болам,— дейди.

— Йўқ. Дадам босмачи бўлган. Қўрбоши бўлган. Қишлоқларни талаган. Одамларни қиличдан ўтказган.

— Йўқ, йўқ. Ёлгон гап. Бўлмаган гап,—деб қичқиради Малика ая.

Неварасини бағрига босиб пешонасидан силамоқчи бўлиб яқинлашганда бола унинг қўлини силтаб ташлайди. Малика ая юм-юм йиғлаб орқасидан қараб қолади.

Бола кўчага чиқиб кетгандан кейин бечора кампир, бола бир қизишди, совуб қолар, ҳовридан тушар, деб

ўйлайди. Аммо кўнглининг бир чети гаш бўлаверди. Кеч бўлади, боладан дарак бўлмайди. Ярим кеча бўлади, ундан дарак бўлмайди. Кампир безовталаниб кўчага чиқади, у ёқ-бу ёқни суриштиради, кўрдим деган одам бўлмайди. Тонг отгунча ухламай қишлоқ уйларини кезиб чиқади. Аммо дарагини тополмайди.

Эрталаб дараги чиқади.

Бола чорбоғдаги тутга ўзини осиб қўйган экан. Малика ая бу дардга чидолмай ётиб қолади. Орадан бир ой ўтпб боланинг чўнтагидан бир хат чиқади. Хат Меливойнинг қизи Нафисага ёзилган эди.

«Жондан азиз, меҳрибон Нафиса!

Мен номарднн кечир. Мен сенга муносиб эмаслигимни бугун билдим. Билдиму бу ёруғ дунёда яшашдан кечдим. Сиздек соф одамлар орасида босмачининг боласига жой йўқлигини биламан. Яшашга, севншга, ҳаққим йўқ. Хайр, севгилим. Қўлларингни ғойибона ўпамаи. Эшигинг олдидан икки-уч марта ўтдим. Чиқмадинг. Охириги марта бир кўриб, тўйиб-тўйиб кўзларингга тикилсам деган эдим. Бўлмади. Хайр, хайр, Нафиса! Хайр, бу ёруғ жаҳон».

Хат ҳали ҳам Меливой акада сақданаркан. Менга ўқиб берди. Ана шундан бери Малика ая ёлғиз. Уни бундан уч йил олдин Меливой ака Қоратепадан кўчириб бу тарафларга олиб келган экан.

Мен бувимни, дадамни, аямни гапириб берган эдим, сен шўрлик ҳам менга ўхшаган экансан, деб роса йнглади. Аммо бошидан ўтганларни ўзи айтмади.

Дилдор бу гапларни эшитиб титраб кетди. Кампир кўзига жуда аянчли бўлиб кўринди.

— Шунинг учун сўроғим малол келган экан-да. Бечора қизи, невараси эсига келиб кечаси ухлаёлмаган экан-да. Вой бечора-е. Уни сира хафа қила кўрманг.

Холматжон ўзи айтиб берган гапларидан ўзи таъсирланиб кетган эди. Она дийдорини кўрмагани, дадасининг эркалатишларига тўймагани, бувисини сўнгги йўлга узатолмагани эсига келиб кўз милкларига ёш қалқиб қолганди. Дилдор ўрнидан туриб унинг пешонасини силагиси, овутгиси келди-ю, ўзини тутди.

Холматжон чойнакни олиб кетаётганда Дилдор тракторга минаётиб йўлга қаради. Холматжон ажриқлар ўсган чўлнинг сўқмоғидан бошини эгиб, секин-секин қадам ташлаб кетишни кўриб юраги эзилди.

Бу бола дунёга келиб нима роҳат кўрди. Етимлик

билан ўсиб энди оёққа турганда урушга кетди. Келиб биронта уруғини тополмади. Бу ерга келиб ўзига ўхшаган дили вайрон билан ҳамхона бўлди. Бу бола бахтга ташна. Кўнглини ёрнтиш керак. Дилига чироқ ёқиш керак. Шундай чироқ ёқиш керакки, ёрқин нурида ғам-аламлари куйиб кетсин.

Дилдор, Холматжоннинг дилига чироқ ёқа олармикансан, деб ўзидан ўзи сўрарди.

— Кошки эди шундоқ бўлолсам. Мен энди чироқ бўлиб ёқа олармиканман. Сўпиб қолмаганмиканман? Оҳ, қани энди шундоқ бўлолсам.

ХИХ

Бундан уч кун олдин сугорилган қарта аллақачон сувни шимиб кетган. Баданига нам текан ғўзалар анча жон олиб қолган. Чортеракликлар пешаналарини танғиб чопиққа тушиб кетишган эди. Офтоб тепадан аёвсиз олов тигини санчар, атрофни ҳалқадек ўраб ётган шўр ерлардан лип-лип алабга кўтариларди. Олисда трактор тинимсиз патиллайди. Бу Дилдорнинг трактори. Чопиқ қилаётганлар эрталабдан бери трактор моторининг бир дамгина тинганини билмайдилар. Чарчамадимикини? Офтобда қандаш чидаяпти бу ўжар қиз, деб ўйлаб қўярдилар.

Тушликка ҳам у келмади. Холматжон ошпазга овқат суздириб энди жўпатаман деб турганида хуржуни ҳандалакка тўла отлиқ келди. Унинг кўзлари бесаранжом, оти ҳам терлаб кетган эди.

— Қанақа одамсизлар, нима қилиб анграйиб турибсизлар, югуринглар, югуринглар, тракторчи қизларингиз ўлиб қопти.

Холматжон қўлидаги мис товоқни ташлаб юборди. Шийпондагилар баробар ўрниларидан туриб кетишди.

— Нима? Нима дедингиз?

Холматжон ҳаяжон ичида ҳам ундан жавоб кутар, ҳам ҳамон патиллаб турган трактор шовқинига қулоқ соларди. Нега ундоқ дейди, трактори ишлаб турипти-ку.

Отлиқ киши тили оғзига сиғмай дудуқланарди.

— Келаётсам трактор дўннга тиралиб қопти. Нима бўлдийкин деб яқин келсам, тепасида аёл киши белидан пастга осилиб ётибди. Қўрқиб кетдим. Улиб ётибди.

Унга яқин эркак баробарига трактор шовқини келаётган тарафга югуришди. Холматжон овқатга чиққанда

оёғим бирпас ором олсин деб этпгини ечиб қўйган эди. Тиканларини босиб, қизиган қумларни тўзитиб олдинга югурар экан, ўзидан ўзи гапириб борарди.

— Бир кун роҳат кўрмадинг-а, бир кун ҳам яйрамадинг-а, ҳа, номард Аъзам, номард...

Йигитлар олдинма-кетин тракторга етиб келишди.

Мотор ҳамон патиллар, Дилдор белидан пастга осилиб қолган, узун қоп-қора сочлари илондек тўлғаниб гилдирак оша ерга тегиб турарди.

Холматжон унинг белидан кўтариб аста ерга олди. Билагини ушлади. Қўрқиб кетганидан томирини тополмади. Андишани ҳам унутиб унинг ёқасини шариллатиб йиртди-ю, кўкрагига қулоғини тутди.

Дилдорнинг юраги билинар-билинимас тепиб турарди.

— Тирик, тирик, биродарлар. Дилдор тирик. Сув борми, сув, сув.

Бу яқин орада сув йўқ эди. Кимдир ўқдек учиб ортга югурди.

Холматжон Дилдорни кўтарди. Атрофга бирдам алаңлади. Кўзларида қандайдир умидсизликка ўхшаш аянчли бир ифода бор эди.

Холматжон бир қўлини унинг икки тақимидан, бир қўлини икки кураги тагидан ўтқазиб кўтариб келарди. Ҳозир боя югурганида тиканлар тилган оёғидан қон оқаётганини билмасди. Дилдорнинг икки қўли, сочлари осилиб, бутун гавдаси тўлғанарди.

Ярим йўлга келишганда боя югуриб кетган йигит челақда сув билан йўлни кесиб чиқди. Кимдир Дилдорнинг бетига сув сочди, кимдир ҳовучлаб оёзига сув қуйди. Дилдор кўзини очмади. Лаблари бир икки қимтинди, холос.

Унинг шу биргина қимтиниши атрофида нафас олмай ҳайкалдек тек қотган кишилар чеҳрасига аллақандай жонланиш пайдо қилди. Унинг шу қимтиниши ҳаёт нишонаси эди.

Чопиқдагиларнинг ҳаммаси йўлга чиқиб уларни сукут ичида кутиб туришарди.

Холматжон уни ерга қўймай кўтариб турганича буюрди.

— Аравага тўн сол, болиш қўй.

У бу гапини кимга айтаётганининг аҳамияти йўқ эди. Икки-уч киши баробар аравага чиқишди. Бири тўн солди, бири тўнни болиш қилиб қўйди. Холматжон ара-

ва устига чиққан ошпаз хотинга Дилдорни узатди. Узи чаққонлик билан эгарга минаркан, орқасига қараб бўғиқ товуш билан деди:

— Ишларингни қилаверинглар!

Отга аччиқ бир қамчи босди. От бехосдан тушган қамчи аламидан шиддатли интилди. Арава гилдиракларидан шов-шов тупроқ тўкиб йўлга тушди. Ошпаз хотин офтоб безовта қилмасин деб Дилдорнинг юзини рўмоли билан тўсиб борарди.

— Ишқилиб бечора шифо топсин-да, нораства гўдаги бор-а...

Дилдор кечаси соат ўн иккилардан кейин кўзини очди. Тепасида қовоқлари қизарган Асрора турибди. Уйнинг аллақаеридан Адолатнинг пиқ-пиқ йиғлаган товуши келарди.

Дераза зиҳида Холматжон қимирламай ўтирибди. Дилдор кўзини очмасдан олдин қулоғига жуда ҳам узоқдан Холматжоннинг овози келаётган эди. Кўзини очиши билан овоз тинди.

Асрора енгил тин олди-да, унинг пешонасига қўлни тегизди.

— Ўртоқжон, сенга нима бўлди? Қўрқитвординг-ку.

Дилдорнинг кўзига Асроранинг башараси хира парда ичидан кўринаётганга ўхшарди. Нима деганини тушунмади. Лаблари нимадир деб пичирлади. Аъзамжон дедими, Азимжон дедими Асрора билолмади. Асрора тусмоллаб боласини сўраётди, деб ўйлади-да, секин Дилдорнинг бошига энгашиб:

— Ухлаяпти, хотиржам бўл, ўртоқ,— деди.

Дилдорнинг лаби жилмайганга ўхшаш сал-пал қимирлагандек бўлди.

Холматжон оёқ учида юриб ҳовлига чиқди. Малика ая ечинмай айвонда Азимжонни бағрига олганча ухлаб ётарди. Дилдордан кўнгли анча тинчиган Асрора ҳам Холматжон кетидан ҳовлига чиқди. Холматжон айвон устунига суянганича папирос чекар, аллақаерда тинимсиз гақиллаётган ўрдаклар овозига қулоқ соларди. Асрора ёнига келди.

— Ҳали сизларга ишониб юрибмизми. Тоза бўлган экан.

Шу ишларнинг барига бир ўзи сабабчидек, Холматжон гап қайтаролмай ютинди.

— Жуда қўрқиб кетган эдим. Хайрият...

Асрора бошқа гап айтмади. Усти очилиб қолган Азим-жоннинг елкасига кўрпа тортиб қўйди.

— Аъзам одам эмас экан. Ҳайвон!

Асрора бу гапни шундай бир оҳангда айтдики, унда ҳам жирканиш, ҳам нафрат бор эди.

Холматжон тилга кирди.

— Сен билмайсан, Асрора. Дилдор жуда сиқинлиб кетди. Бир ёқда боласи, иш, эр жонивор бу аҳволда чўлнинг қоқ ўртасига ташлаб кетган бўлса...

Асрора гапини бўлди:

— Биласанми, Холмат? Дилдор мен учун, Адол учун, умуман, қизларимиз учун қанақа одам эди. Уни наинки йигитлар, ҳатто қизлардан ҳам қизғанардик. Дилдор назаримизда Чортеракнинг файзи, жамоли эди. Уни гулдек авайлардик. Мана шу шўртумшуқ Аъзам орага суқулди-ю, бечоранинг тинчи бузилди. Ҳаловати кетди. Ўлмай туриб бир марта қора кийдирди ҳам. Не кунларни кўрмади, бечора.

— Биламан, билганим билан қандоқ қиламан,—деди ночор бир оҳангда Холматжон.—Раҳмим келгани билан қўлимдан нима иш келарди. Эркак нарса бўлганда ҳам кечалари олдига келиб алаҳситардим. Самоварга опчиқиб одамларга қўшардим. Нима қилай? Аёл кишининг олдига бемаҳал келиб бўлмаса. Билган ундоқ дейди, билмаган бундоқ. Шунақа бўлса ҳам хабар олиб турдим.

— Хабар олиб турганинг шуми?

Холматжон ерга қаради. Этининг учига қараб жавоб берди.

— Сен билмайсан-да, Асрора, Дилдор чўлга келиб бошқача бўлиб қолган. Бу ерда у сен бўлмоқчи эди. Сенинг йўлингни тутмоқчи бўлди. Ужарлик қилди. Бировнинг гапига кирмади. Шу саратон жазирамасида соябонсиз тракторни миниб бўладими? Бир ёқда офтобнинг тиги, бир ёқда моторнинг иссиғи, темирларнинг қизиши. Албатта Дилдорга ўхшаган нозик одамга оғирлик қилади-да. Эрига ўчакишиб шундай қилди.

— Чортеракка олиб кетаман. Сенларга хор қилиб қўймайман, уни.

— Кетмайди. Мана кўрарсан, кетмайди. У шу жойда оёққа турмоқчи. Суянчиқсиз, ёрдамчисиз бир ўзи қаддини кўтармоқчи. Сен энди илгариги Дилдорни тополмайсан. Шу уч кун уни бошқа Дилдор қилиб қўйди.

Холматжоннинг бу гапидан, Дилдор кетса, мен ҳам

кетаман, деган маъно ҳам чиқазса бўларди. Бунинг Асрора сезмади.

Кўча тарафда мотоцикл патиллади. Унинг товуши уй орқасига келганда бирдан тинди. Сал ўтмай йўлакда нотекис ташланган оёқ дупури келди.

Холматжон ҳам, Асрора ҳам бенхтиёр ўгирилишди.

Гандиракларб Аъзамжон кирди. Унинг кўзлари бежо, кайфининг зўрлигидан соат кафтгиридек чайқалиб келарди. Кўзи Асрора билан Холматжонга тушиши билан бир қалқиб тўхтади. Орқага тисарилиб кетган эди, аранг ўзини ўнглаб олди. Ҳовлининг жимжитлиги, Асрора билан Холматжоннинг қандайдир ташвиш билан турганларини кўриши биланоқ ҳўнграб йиглаб юборди.

— Ётиб келолмадимми? Дилдорим, мени кимларга ташлаб кетдинг!

Асроранинг кўзларидан ўт чақнаб кетди. Қўлларини муштга айландин-ю, телбадек бир ҳамла билан унинг йўлини тўсиб чиқди.

— Учир овозингни, помард!

Асроранинг мушт тугилган қўли ҳавога кўтарилди.

— Йўқол!

Аъзамжон бир қадам орқага чекинди. Холматжонга қаради. Унинг кўзидан ҳам ўт чақнарди.

— Бир кўрай, Дилдоримни бир кўрай!

Энди Аъзамжоннинг овози паст, жуда ҳам паст, пинҳоний йиғидек қулоққа чалинмасди.

Аъзамжон айвонга чиқди. Уйга томон бурилаётган эли, Холматжон йўлини тўсди. Энди у Асрорадан мадад кутгандек илтижо билан қаради.

— Майли, кирсин!— деди Асрора буйруқ оҳангида.

Унинг кетидан Асрора ҳам кирди.

Дилдор анча ўзига келиб қолган, Адолат орқасига қўйиб берган болишга суяниб чой ҳўпларди. Оёқ товушидан ўгирилди.

Эшик олдида Аъзамжон кайфдан чайқалиб турарди.

Аъзамжон тамоман ўзини йўқотди. Эшик кесакисига суянганча қимирламай туриб қолди.

Маҳбуба ишга кетган, уйда Аъзамжоннинг ўзи ёлғиз эди. Ётавериб жуда зерикиб кетди. Бир айланиб келай деб Қува бозорига чиқди. Обдан айланди. Сомсахона орқасига ўтиб вино будкасидан стакан сўраб олди-да, дўкондон олиб чиққан чоракта арақни қулқиллатиб қуйиб ичди. Ширакайф бўлиб қайтаётганда эшиги олдида те-

ракка от бойлиқли турганини кўрди. Димоғига ҳандалак хиди келди. Қараса отлиқ киши ҳуржунининг икки кўзини очиб қўйиб ҳандалак сотяпти. Аъзамжоннинг ҳандалакни бу йил энди кўриши эди. Биттасини олиб ҳидлади.

— Қаернинг ҳандалаги, амак?— деди у олифтагарчилик қилиб.

— Езёвонники, ука.

— Езёвоннинг қаерида битган?

— Найманида. Эшитганмисан. Чортеракликлар кўчирма бўлган участканинг орқасида. Бугун Чортеракдан келган битта жувон ўлиб қолди. Узим кўрдим.

Аъзамжон бу гапга унча аҳамият бермади. Қўлидаги ҳандалакни жойига қўяркан, шошиб сўради:

— Ким дедингиз?

— Чортеракдан келган кўчирмалардан биттаси. Аёл киши. Ёшгина экан. Трактор устида ўлиб қолти. Кўриб қўрқиб кетдим. Ойдек жувон экан. Улигини қўлда кўтариб олиб кетишди.

— Қаёққа? Чортеракками?

— Унисини билмадим.

— Оти нима экан, билмадингизми?

Отлиқ ўйлашиб қолди.

— Дилбарми, Лобарми, аниғи эсимда йўқ. Шунга ўхшаганроқ эди.

Аъзамжоннинг кўзи тиниб, боши айланди. Бу ўша, Дилдор. Унинг хотини Дилдор! Трактор минадиган аёл фақат шу.

Аъзамжон ҳаяжонда қандай қилиб уйга кирганини, қандай қилиб деворга суёқли турган мотоциклни етаклаб чиққанини билмайди. Бир маҳал қараса Найман йўлида илон изи қилиб мотоцикл ҳайдаб келяпти. У Дилдорни ўлган деб ўйлаган эди. Кўролмай қолдим, сўнгги сўзларини эшитолмай қолдим, деб доғда эди.

Мана, у тирик экан. Унга ҳеч қандай маъно англаб бўлмайдиган кўзларини тикиб турибди.

Ҳамма жим. Фақат Аъзамжоннинг ҳансираши эшитилади. Ундан гуп-гуп ароқ ҳнди келарди.

Дилдор тилга кирди. Паст овоз билан зўрға деди:

— Кетинг!

Аъзамжон ёлворгандек бир қадам Дилдор томон босди.

— Кет!

У биринчи марта эрини сансираши эди. У шундай

деди-ю, юзини тескари ўғирди. Аъзамжон газабга келди. Овозини баланд кўтарди.

— Кейин пушаймон бўласан. Кўз ёшларингнинг фойдаси бўлмайди.

Дилдор унга қарамай, бошини сарак-сарак қилди. Гапларини эшитмаслик учун, дармонсиз қўлларини аранг кўтариб қулоқларини беркитди.

Асрора Аъзамжоннинг елкасидан туртди.

— Эшитдингми? Жўна!

— Нима?!

— Жўна!—деди гапини такрорлаб Асрора.

— Вей, ўзинг кимсан? Хотиниммисан? Мен фронтда қон тўкиб келганман. Оловлар орасидан чиққанман.

— Бақирма. Нима, сен урушаётганингда бу ёқдагилар ҳолва еб ўтирганмиди. Манави ҳам,—у Холматжонни кўрсатди.—Сен борган жойдан келган. Одамга ўхшаб юрибди-ку. Қўлида милтиғи борлар япон билан урушяпти, билагада кучи борлар кетмон чопяпти. Э, бор-е, сенам одам бўлдинг... Бемор ётган уйни атир билан арақ аралаш ҳид қилиб юбординг, чиқ.

Асрора уни туртиб айвонга олиб чиқди.

— Ҳаммангнинг тилларинг бир.

— Албатта тилимиз бир-да. Ҳаммамизнинг дилимиз бир. Битта сенинг тилинг бошқа. Дилинг ҳам бошқа. Қазисан қартасан, асли наслингга тортасан. Иноят оқсоқолдан ўтиб қаёққа борардинг!

Бу гап Аъзамжоннинг юрак-юрагидан ўтиб кетди. Асрорага мушт ўқталиб кела бошлади. Агар Холматжон уни елкаси билан суриб юбормаганда, албатта, Асроранинг оғиз-бурни қон бўларди. Холматжонники ҳам тутиб кетди. Аёл кишига қўл кўтарганининг таъзирини бериб қўймоқчи бўлди-да, ёқасидан бўғиб орқасига тислантирганича кўчага опчиқди. Бир силтаб қўйиб юборган эди, бир оёғи ариққа тушиб ёнбошига оғиб кетди. Аммо йиқилмади.

— Яхшиликча кет,—деди хотиржам товушда Холматжон.

Аъзамжон ҳамон безлик қилиб эшик тўғрисида қалқиб турарди.

— Ахир мен нима ёмонлик қилдим, гуноҳим нима ахир?

Холматжон унинг гапига қулоқ солмай сув ёқалаб гузар тарафга йўл олди. Сал нари бориб тўхтади.

Қайтиб кириб уларни безовта қилмасмикин?

Холматжон папирос тутатиб анчагача кутиб турди. Аъзамжон чайқалиб ўн-ўн беш минутларча тургандан кейин қўлини кескин бир силтади-да, мотоциклига миниб чўл қўйнига кириб кетди. Кўчага Асрора чиқди. Холматжонни чақирди.

— Шаттаман. Нима эди?

— Идора тарафга борсанг, Чортеракка телефон қилиб қўй. Қоровулга айт, эрталаб машина тўппа-тўғри шатга келаверсин.

— Бўпти, айтаман. Бу Аъзамжон ғирт маст эди. Йўлда мотоцикл билан чуқур-пуқурга тушиб фалокат қилиб ўтирмаса гўрға эди.

Асрора қўл силтади.

— Улиб кетмайдами.

Асрора уйга қайтиб кирганда Дилдор кўзларини юмиб ётар, кинриклари орасидан сизиб чиққан томчиларни ўзи сезмасди.

Асрора унинг тепасида бирпас ҳардамхаёл бўлиб тургандан кейин айвонга чиқиб кўрпачага ўзини ташлади.

Жуда олисдан мотоцикл овози келар, у борган сари узоқлашарди. Охири бу ожиз овозни чўл қоронғилигин ютиб кетгандек бирдан ҳамма ёқ жимиди. қолди.

Шу йўқ бўлиб кетган овоз билан бирга бу уй, бу одамлар учун Аъзамжон ҳам узоқлашиб йўқ бўлиб кетгандек эди.

И К К И Н Ч И Б У Л И М

I

Чўл қовунлари пишай-пишай деб турибди.

Найманнинг кўм-кўк тўқайлари саратон оғиши билан сарғайиб қоғоздек шалдирай бошлади. Кечагина кетмон дастасидек тол поялари бугун шох отиб, тагига соя ташлаган. Ҳозир ўша толзорларда чумчуқлар чирқиллайди. Ғўзапоя босилган томлар, ҳавлиларда лабдахани қора тандирлар, чарбоғларда телпак кийган ёғоч оёқ «қўриқчи» лар...

Найман оқшомидек нашъали оқшом жаҳоннинг ҳеч ерида бўлмаса керак.

Кун ботгани билан дарров қоронғи туша қолмайди.

Ботиб кетган офтобнинг шуъласи осмонга гоҳ қизил, гоҳ сариқ, гоҳ бишафша ранг пуркайди. Шундай пайтларда найман иморатлари ҳам бир қизил, бир сариқ, бир бишафша тусга киради.

Мана шундай беқасам оқшом этагини ямлаб тун судралиб, шошилмай чўлнинг паст тарафидан кириб келади. Унинг келишини найманликлар бемалол кўриб туришади. Найманга келиб офтоб ўчишини, уфқ қизаришини, тун ўз оёғи билан юриб келишини кўрмаган одамга тушунтириш қийин. Оқшом чўкади. Уйларда биринкетин чироқлар ёнади. Ҳовлилардан чучитилган ёғ, қовурилган сабзи-пиёз, иссиқ нон ҳиди келади. Тўқайдан ўрдагу қашқалдоқларнинг гақ-гуқи, чўлдан чигирткаларнинг бир мақомда чириллаши эшитилади. Шамол олис чўллардан ўт-ўланлар ҳидини довои ошириб олиб ўтади. Айниқса, катта тол тагидаги сўрида ўтириб ой чиқшини кўриш жуда гаштли бўлади. Юлдуз тўла қоп-қора осмон худди тагидаги қуруми куйган қозонни тўнкариб қўйгандек жимир-жимир қилади. Бириниб, бири ўчади.

Икромжон шу сўрида неварасини тўнига ўраб қамишларнинг шитирлашига, қоронғида инини тополмаган қушларнинг безовта чирқиллашларига қулоқ солади. Ё Зебихон, ё Низомжон овқатга чақириб келмагунча шу алфозда ўтираверади. Баъзан қўйнида бола ухлаб қолганидан қамирламай ўтиради. Кўксига бола танидаги ҳарорат текканда кўнгли алланечук бўлиб кетади. Шу бола унинг эрмаги, овунчоғи. Шу файзли сўрига Тўланбой «Икромнинг тахти» деб ном қўйган. Кечқурун Икромжон чойнак кўтариб ўша ёққа кетаётганида Тўланбой: «Хорун ар-Рашид тахтга чиқяпти», деб куларди. Икромжон неварасини кўтариб келаётганда: «Олам паноҳ шаҳзодани тахтга ўргатяптилар», деб гап қотали. Икромжон унинг бу гапларига кулиб қўя қолар, аммо жавоб қайтармасди.

Уч кундан бери шу «Олам паноҳ»нинг тахти бўлиб турарди. Тўланбой ҳар ўтганида, бу Икром тушмагур қаёққа кетиб қолди, деб ҳайрон бўларди. Томорқасига эккан кузги «қирқма» ларини чопиқ қилиб қайтаркан, сўрида неварасини тўнига ўраб ўтирган Икромжонни кўриб тўхтади.

— Қаёқларда юрибсан? Найман ҳувиллаб қолди-ку.

Икромжон ёнидан жой кўрсатди. Тўланбой кетмоини елкадан олиб сўри четига ўтирди.

— Ишлар қалай?

— Қалай эмас, кумуш. Тилла бўлишига сал бор.

Тўланбой шу уч кун ичида бўлиб ўтган янгиликларин бир нахда гапириб ташлади.

Учинчи участканинг ғўзаларини кечаси сув босиб кетган. Аллақайдан ҳар бири мушукдек келадиган сув каламуши пайдо бўлипти. Канал тагидан тешиб, қамиш орасида бола очаётганмиш. У тешган жойдан сув уриб кетяпти.

Бу нарса кўпдан бери Икромжонни ҳам ташвишга солиб юрарди. Қаламуш болалайдиган пайт келган бўлса бу анча хавфли бўлади. Чунки каламуш болаларига овқат қидириб қамишдан каналга, каналдан қамишга ссрқатнов бўлиб қолади. У ҳар қатнаганда канал дамбасини тешади. У тешган жойини сув ўпириб, бир тегирмон сув далани босаверади.

— Холматжонлар участкасида ҳам шу аҳвол. Мелн-вой ака каламуш отганларга мукофот чиқазибди. Унта уриб келганга бир қоп ун, ўн бешта уриб келганга битта эчки. Модасини уриб, инидап болаларини топса қўй ваъда қипти. Тогага айтиб биз ҳам шунақа қилсак қандоқ бўларкин?

Икромжон гаплашиб кўришни айтди.

Тўланбой Икромжоннинг дилида инмадир борлиги, инмадандир диққати ошганини сезиб турарди.

— Нима гап бўлди, ошна, сал унақароқ кўрисан?

Икромжон уф тортиб неварасини тўнига яхшилаб ўраб олди.

— Нима бўларди. Менга жин ҳам теккани йўқ. Бат-зи одамларнинг қилиғидан хуноб бўласан-да! Қувага тўйга бориб келдим.

— Қанақа тўй?

— Танирдинг-ку. Заркентда сельсоветга секретарь бўлган Маҳбуба деган яхшигина бир жувон бор эди.

— Танийман,— деди Тўланбой.— Зебихонлар билан ўқиган Козимжонга теккан эди-да. Боёқниш уч кунгина бирга бўлиб урушга кетган эди. Эсингдан чиқдимми, яқинда Маҳбуба Қувадан келиб Козимжонга йил оши қилиб берган эди-ку. Борган эдинг, Икром. Маҳбуба яхши жувон. Бечора эрини э, кутди-я. Ойдек нарса эди. Бир кўрганымда анча сўлиб қопти.

— Тунов кунн Зирилламага тушсам, Тоғанинг олдида ўтирибди. Боёқиниш неча марта кўрган бўлсам эгинда

қора кийим бұларди. Хартугур бу гал оқ кийипти. Киришим билан гаплари тұхтаб қолди. Махбуба жиндек кўз-ёши қилиб олган экан шекилли, мен киришим билан кўзини яширди.— Яхши келдинг, Икром,— деб қолди Тога.— Мана, қизим, Икром амакинг, мен, яна беш-ўн киши бўлиб яхшилаб ўтқазиб берамиз.

— Барака топинг, Тога. Мени сизлардан бошқа кимим бор,— деди Махбуба.

— Пиглама, йиглама,— деди Тога унинг бошнини снлаб.— Мен-чи, Икром-чи? Сен хотиржам кетавер. Ишқилиб, куёвнинг эсли-хушлигини болами? Турмуш мушкул нарса, муросан мадора деган гаплар бўлади. Майли, сен кетавер. Хотинлар эрталаб боришадн, биз кечга яқин борамиз. Кам-кўстинг бўлса уялмай айтавер...

Махбуба бош чайқади.

У кетгандан кейин Тога стол четини чертиб анча хо муш ўтириб қолди.

— Бечора бетолени қара. Уч йил куёвини кутди, бир бевалик дардини тортди. Энди эр қилай деб ўзинг учун ўл етим бўлиб юрибди. Қайишадиган на акаси бор, на укаси. Эртага бориб тўйини яхшилаб ўтқазиб берамиз. Нима дейсан?

— Майли, Тога, сен нима десанг шу-да. Борганимиз бўлсин. Бир ғарибнинг кўнглини олиш Сулаймон тахтига ўтирганидан афзал дейишади-ку.

Биз Махбубани болалигидан билардик. Боёқиш етимликнинг нимаики маҳрумлиги бўлса барини кўрган. Кўзга яқин бўлган сари унга суйкаладиганлар кўпайиб қолди. Узига доғ юқтирмади. Биласан-ку, бунинг ярим ҳуснига тенг келмайдиганлар не ишлар қилишди. Яхши бола эди. Шу десанг, Тоганинг ҳам тантилиги тугиб, битта қўй билан ун-гуруч дегандек тўй харажатлари, сарпо-суруқ билан хотинларни бир машина қилиб жўнатворди. Кечқурун беш-ўн эркак грузовойда Қувага жўнадик.

Тўй аллақачон бошланиб кетибди. Қуваликлар ўзинг биласан, тўй бўлса бор нарсани дастурхонга тўкишади. Қорагина бир бола ўртага тушиб шунақаям галати ашулалар қиляпти. Янгича тўй ажойиб бўлар экан. Юқорида келин бошига оқ рўмол солиб ерга қараб ўтирибди. Енида кўкракдор, жингалак соч куёв. Утипраётиб завқланиб яна бир қарадим. Қарадиму, анграйганча қолдим. Куёв ким, дегин, куёв, Низомнинг акаси Аъзам

— А!— деди Тўланбой сапчиб —Аъзам?

— Ҳа, Аъзамжон.

— Ахир унинг хотини, боласи бор-ку.

— На ўтирганимни биламан, на турганимни.

— Дадаси, опаси борми?

— Кўринмади,— деди Икромжон.— Уларнинг ҳам хабари йўққа ўхшайди.

— Ахир Низом кечагина айтаётган эди-ку, акам хотини билан чўлга кўчиб кепти, деб.

— Менга ҳам айтган эди. Демак, Аъзамжон номардлик қилиб хотинини чўлга ташлаб қочган, ё бўлмаса билдирмай устига хотин олган. Шу десаиғ жиннилик тутиб бир-икки ҳезланиб ўрнимдан турмоқчи бўлдим, бир шармандасини чиқазай дедим, йўқ, шайтонга ҳай бериб яна ўтирдим. Ҳаммадан ҳам Маҳбубага ичим куйиб кетяпти. Шундоқ яхши бола яна ўтда куйиб қоладими? Бир уйни обод қиладиган, не-не яхши йигитларга муносиб шундоқ бола ўтда қовурилиб қоладими? Ахир Тоға, мен ўша кунн Маҳбубани кўрганимизда куёвнинг кимлигини яхшилаб суриштирмаганимиздан жаҳлим чиқиб кетди. Наҳотки битта етимча рўзғор қиламан деб бош эгиб олдимизга келганда шунақа бепарволик қилсак. Вой, бу одамларда инсоф деган падар лаънат борми? Қачон одам бўламиз? Қачон бировнинг дардига кўядиган бўламиз?

Икромжоннинг бир қоши кўтарилиб, кўзлари пир-пиради. Секин-аста босиб келаётган ним қоронғиликка тикилганича туриб қолди.

Тўланбой бошини сарак-сарак қилиб индамай ўтирарди. Охри у:— Низом билмайди-а?— деб қўйди.

— Билмаса керак. Ўзим шу топда келдим. Ҳали уни кўрганим йўқ.

— Тоға сездими?

— Айтмадим. Қандоқ айтаман. Сал тобим айниб турибди деган эдим, Тоға майли, кета қолайлик деб ўрнидан турди. Келин билан куёвни табриклагани борайлик, деб юқорига мени ҳам судради. У куёвнинг қўлини маҳкам сиқиб кейин бағрига тортди. Азаматим, қизимизни сенга топширдик, уни кўз қорачиғингдек асра, деди. Кўпчиликнинг кўзи бизда эди. Мен Маҳбубани табрик-лаяпману, томоғим ўлгурга нимадир тиқилиб айтадиган гапим бўғзимдан ўтмайди. Аъзамнинг бетига ҳам қарамадим, уни табрикламадим ҳам. Агар бир оғиз бир нима

деганда бомба бўлиб портлаб кетардим, азбаройи худо. Йўқ, индамади.

Тоға билан икковимиз келяпмиз, дегин, мён индамайман. Тоға гапиреди.

— Яхши болага ўхшайди, фронт кўрган бола экан. Иккови бир-бирига жуда муносиб. Ишқилиб қўшақаринсин. Етимчагинанинг толеи бор экан.

Тоға гапиряпти, мен дод деворай деяпман. Билмадим, бу ёғи нима бўлади энди.

Зебихон келиб уларнинг гапи бўлинди. Зебихон анча ўзгарган, хотинлик нуқси уриб, тўлишиб қолган эди. У Икромжондан ухлаб қолган болани олиб овқат пишганини айтди. Поччасини ҳам овқатга таклиф қилди.

— Юринг, почча, дадам билан бирга овқатланасиз. Куёвингиз тушда Зирилламага тушиб кетган эди. Юринг, Тўланбой рози бўлди.

— Сен боравер, Зеби, эшикка кириб ювиниб, опангга айтиб чиқай.

Қайнопа-келин кетишаркан, бола уйғонди. Онасининг қўлидалигини билиб хархаша бошлади.

— Бобомга, бобомга бораман.

Бола бобосини икки-уч кун кўрмай, ичкиб қолган. Қелганидан бери тиззасида! тушмай ёпишиб олганди.

— Бобомга, бобомга бораман.

Бу гап, гўдак гапи, унинг бобом, деган гапи Икромжоннинг ич-ичига кириб кетди. Томирлари жимирлаб, танлари яйради.

Башарларида, кўзларида қандоқ ифода бор экан шу топда. Қоронғиликда унинг башараси, қош-кўзлари кўринмасди.

— Кел, ўзимга кел, болам,— деди у.

Титраган ва айни пайтда қўшиқдек энг нозик пардаларни тирнаб чиққан бу овоздан унинг юзлари, кўзлари қандоқлигини билиш қийин эмасди.

Икромжон бахтидан энтикарди.

Осмонда юлдузлар бирин-кетин кўз очаверди, кўз очаверди...

II

Тонг отишига хийла бор.

Ой дайди қум тарафга ботай-ботай деб турибди. Чўғдек қизиган қум тепалар устидан илиқ-милиқ бўлиб ке-

ладиган шамол энди танни жунжитади. Қумлар ҳам, тепаликлар ҳам совуган.

Бу кеча Дилдор учун жуда оғир тун бўлди. Бу кеча у ўзи, ўрли, энди нима қилиши тўғрисида ўйлади. У ўйларди-ю, негадир тез-тез Холматжоннинг башараси лип этиб кўз олдидан ўтиб қоларди. Шундай пайтларда Дилдор хаёлдан узилиб, нега бундоқ бўляпти, деб ўзидан-ўзи сўрарди. Наҳотки Холматжон учун юрагининг қатида биров жой топилса? Ахир у бир марта севди, севгини писанд қилмай тупурди. Яна севди, бир неча кун шу севгидан энтикди. Севгани унга тупурди. Энди яна севмоқчимми?

Мана шу учта жумбоқ уни тонг отгунча ухлатмади.

Энди у ўз қилмишларига узил-кесил жавоб топмоқчи. Агар ўз ҳаётидан кир доғлар топса, ўзини ўзи қарғайди. Агар янги нурли йўлларга сўқмоқ тополса, ўз ўтмишига, кечмишларига хотима бериб, шу танлаган янги сўқмоқдан дадил кетмоқчи.

Тун ярмидан оққанда биринчи саволига жавоб изларди.

Низомжонни у севармиди?

— Ҳа, севардим,— деди пичирлаб.

Дилдор ўйлаб кетди. У билан бирга кечирган ажиб нур пардаси орасида ҳамиша порлаб турадиган қайноқ севги, энтикишлар, ўтга чалқамча ётиб эртанги кун, истиқбол тонглари куттишлар...

Биринчи сўроқда Дилдор гуноҳкор санади ўзини. У шундоқ тиниқ севгининг бетига кул сочи. Бу бевафоликнинг оқибати нималарга сабаб бўлишини ўйламади. Низом дарбадар бўлди. Дилдорнинг ўзи тенгсиз хўрликларга нишон бўлди.

— Гуноҳқорман, гуноҳқорман,— дея яна пичирлади Дилдорнинг лаблари. У ўзини ўзи яна сўроққа тутди.

— Аъзамжонни севармидим? Қачон севдим? У мени севармиди?

Дилдор бу сўроққа жавоб тополмай анча туриб қолди.

— Севармидинг?— деб яна сўради ўзидан.

— Билмадим.

У ўйларди.

— У севги эмасдир. Нима бўлмаса? Севги эмас, эҳтирос. Ҳа, ана энди топдим.

Саратон куйдирган дала. Барглари илиган тутзор...

Дилдор Аъзамжон билан биринчи учрашган саратон қиздирган кунни эслаб кетди. Гурракнинг ёқимсиз ғуриллаши, чигирткаларнинг кишини беҳузур қилувчи чириллаши. Ёқутдек товланган шотут тагида ҳансираб турган паҳлавон йигитнинг бесаранжом кўзлари. Ва ниҳоят унинг огушида эриб кетишлар...

Дилдор ўша саратон кунни ҳамон қарғайди. Қиз ҳаётида энг ёрқин, энг оҳангдор бўлиб қолувчи қовушиш онларини у қарғаб ўтяпти. Кошки эди, у кунлар шу билан битган бўлса. Уша саратон кунни унга ҳар кунни, ҳар соат найза санчади. Ҳаловатини, ёшлигини, соғлигини смиради.

Иккинчи савол ҳам уни юпатмади. Узи айбдор бўлиб чиқди.

— Гуноҳқорман. Мен айблман.

Мана, тонг отай-отай деб турибди. У энди ўзига учинчи савол ташляпти.

— Холматжон сенга ким бўлади? Қалбингда учинчи севгига жой борми?

Бу савол аввалги иккита саволдан оғирроқ эди. Дилдор ҳар ишга оғир, босиқ бўлса ҳам севги ишига дапгалчи эди. Икки бор қилган дапгалчилиги танидан аллақанча жароҳат очиб кетган бўлишига қарамай яна ўзига, кўзига тикилган йигит боқишлари олдида ёсанкирарди.

Дилдор қанчалик ақл-идроқини ишга солмоқчи бўлса-да, унда ўзи сезмаган ҳолда Аъзамдан ўч олиш, уни куйдириш нияти борга ўхшарди.

Дилдор бир нарсани яхши тушунган эди. Бир марта севгида янглишган одам ўша адашувнинг дардини умрбод тортади. Мана, у тортяпти-ку. Дилдор бирдан ўрнидан туриб девор оша қирга қаради. Тонг оппоқ бўлиб ёришиб келарди. Шу оппоқ нур унинг ичига киргандек қатъийлашди.

— Холматжон ёмон бола эмас. Балки мен уни севмасман. Нега севмайман? Йўқ. Севишим мумкин! Севмасам нега кечаси билан уни ўйлаб чиқдим. Албатта энди ёш бола эмасман. Ойга қараб энтикадиган, қушлар нағмасини эшитиб йиғлайдиган ёшдан ўтдим. Эндиги севги бошқачароқ бўлсамикан.

— Холматжон ўғлимга ота бўла олармикан? Уни сиқиштирмасмикан?

Бу савол уни ўйлатиб қўйди. Тўғри жавоб топиш

учун хаёлан бўлса ҳам Холматжоннинг ўтмиши, хозирги, эртасини кўриш керак.

Сутдек бўлиб тонг ёришаётган пайтда Дилдор берилиб, қандайдир энтикиш, кўз ёши, табассум, хомушлик билан Холматжонни кўриб турарди.

У шунча ўйлаб Холматжондан биронта доғ тополмади. Уйнинг охири шу бўлдики, нега аввал уни севмадим, бундан ортиқ йигит йўқ эди-ку қишлоғимда? У менга эмас, мен унга муносиб эмасман. У менга ёлвормаслиги керак, мен кўз ёши қилиб ялпиншим керак. У мени эмас, мен уни бахтли қилишим керак.

Балки Холматжон менга раҳми келиб одамгарчилик қилаётгандир. Балки унинг мунгли боқишлари менга ачииншидир? Севгимасдир? Хоҳ севсин, хоҳ севмасин, Холматжон бошқалардан яхши.

Малика ая йўталиб ўрнадан турди.

— Болам, мунча вақтли турдинг.

Дилдор унга жавоб бермай ёнига тиззалади.

— Битта гап сўрасам астойдил жавоб қиласизми?

Малика ая яна жойига ўтирди-ю, кўрпасини елкасига тортди.

— Гапир, болам.

Дилдор аввалига гапиролмай энтикди. У бу меҳрибон хотинни яхши кўриб қолганди. Кўнглида кири йўқ, бутун оналик меҳрини ҳаммага баробар сочадиган, яхшилиқдан бошқани билмаган бу хотин билан дардлашишни кўнгли тусаб қолди.

— Аяжон, аҳволимни кўриб турибсиз-а? Нималар бўлаётгани, нималар бўлганини биласиз. Энди нима бўлишини биласизми?

— Айтсанг, биладан, болам. Сен айт, мен билиб қўяй.

— Энди нима қилай? Шундоқ ўтаверайми?

Кампирнинг уйқуси қочмаган экан, бу узуқ-юлуқ гаплардан ҳеч нарса тушунолмай, тишсиз оғзини очганича унга қараб турарди.

— Эрим ташлаб кетганини биласизми?

— Ҳаҳ, шунга шунчами?— деди ўзига келиб кампир.

— Кетса садқайи сар. Ешсан, сени кимлар олмайди. Бир уйни обод қиладиган қизсан. Бир йигит бахтини берадиган қизсан.

Дилдор титраб сўради.

— Мени ким слади?

— Вой, жинни-е, вой, тентагим-е, сепими, сени йигит-нинг гули олади. Ростини айт, эрга тегмоқчимсан? Нима, эр топиб берайми? Сендақаларга эр топиб берилмайди. Эр ўз оёғи билан келади.

Дилдор ҳамон титрарди.

— Ким ўз оёғи билан келадиган? Ким? Билсангиз айтинг.

— Сени Холматжонгина олади. Холматжонгина сени бошига кўтаради.

— Ростми?

Кампир қўл силтади.

— Тентак экансан. Ўзингнинг кимлигингни ўзинг билмас экансан. Қўй энди, бирпас мизғиб олай.

Кампир кўрпани бошига тортиб олди. Дилдор ажиб бир енгиллик билан ўрнидан турди. Энди у қушдек эди. Кечаси билан елкасидан босган юк гурсиллаб ерга тушгандек, энди унинг ўтмиши йўқ, фақат эртаси бор эди. Эртаси мана шу тонг билан бирга оқариб, равшанлашиб келмоқда эди.

Қўшни ҳовлидан ўтти ёрган товуш келди. Одамлар уйғониб понушта ҳаракатига кириб қолишган эди.

Кампир ухлолмади шекилли, у ёқдан-бу ёққа ағдариллавериб охири ўрнидан турди. Учоққа ўт қалаб қумгон осди. Эшикни кимдир қамчи билан тақиллата бошлади. Новвой аравада пон олиб келган эди. Фанер яшикдаги буғи чиқиб турган нондан тўрттасини бериб кетди. Чой устида Дилдор билан кампир тузук-қуруқ гаплашишмади. Дилдор шошилмай чой ичиб иш кийимларини кийди-ю, чиқиб кетди. Кампир Азимжоннинг уйғонишини кутиб уйда қолди.

Кўчада ҳаракат бошланган, тол тагидаги самоварда чойхўрлар радио эшитиб, нонушта қилишарди. Дилдор енгил юриб улар олдида ўтиб кетди.

Холматжон ҳам шу ерда эди, у Дилдорни кўриб бир кўзғалди-ю, яна жойига ўтирди. Дилдор саройдан тракторини олиб ўз участкасига қараб рулни бурди. Ҳали дала жимжит. Бу жимликни Дилдор минган трактор шовқини уйғотиб юборган эди. Трактор ҳам бугун негадир енгил юраётгандек, мотори ҳам бир мақомда гуриллар, дўнглардан, ариқлардан енгил сакраб ўтаётгандек эди.

Дилдор ўша иссиқ кунда кўнгли кетиб қолгандан бери энди далага чиқини эди. Шура тўртта картани куль-

тивация қилиб бўлган экан, Дилдор бериги қартага кирди.

Эрталабки шабода унинг сочларини, бошидаги дурраларини елиир, силкитиб юз-кўзларини савалар, томоғи тагига урилиб қитиқлагандек бўларди.

У чўлга келиб ҳеч кимга қарам бўлмай, мустақил яшай бошлаган бўлса, бугун бутун вужудни босиб ётган алам юкларидан халос бўлиб янги туйғулар, янги орзулар билан энтикар, ишлар, ўйлар, ўйлаган сари, ишлаган сари, энтиккан сари бир яхшилик томонга кетаётгандек бўларди.

Ғам бўйнига бойланган тош бўлса, қувонч елкадан ўсиб чиққан қанот.

Ғам пастга, қувонч юқорига тортади. Бугун Дилдор бўйнидаги оғир тошни иргитиб ташлади-ю, қувонч қанотида кўкка итилди.

У бир дам моторни ўчириб, ҳозиргина ҳайдаб ўтган ерни айланиб чиқар, тизза бўйи ғўзалар орасида кезаркан, қушлар живир-живирига маҳлиё бўлиб туриб қолар, гўё бу товушларни энди эшитаётгандек бўларди.

Чиндан ҳам у шу пайтгача қушлар нағмасини эшитмасди. Қулогига бу товушлар кирмасди.

Атроф уфққача кўм-кўк. Ҳаво беғубор. Қовун пўчоғи ерга тушганда шундоқ бўлади. Сувлар ҳам тиниқади. Чанг-ғуборлар ҳам босилади. Саратон охирлаб, асад остонасида ҳаво, табиат, ўт-ўлан ажиб бир қиёфа касб этади.

Оламнинг бу хил ўзгаришларини Дилдор унутган эди. Энди у бошқатдан табиат қўшиқларини тинглаяпти. Кўзлари алвон ранг манзаралардан яшнаяпти.

Кўнгил хотиржамлиги. эзгу орзулар инсонга қанчалар гўзал туйғулар солишга қодир.

То тушгача Дилдор шу кайфиятда гоҳ илжайиб, гоҳ қошлари чимирлиб жиддий иш қилди. Офтоб тепага келганда, моторга дам бернш учун тракторни тўхтатиб ўзи дўнг орқасидаги сояга ёнбошлаб рўмолига тугилган нон, чиллакини олди.

Бутун дала жимиб қолган. Ҳеч қандай шарпа сезилмас. Қушлар ҳам иссиқда қайдадир мудрашар, фақат тинмагур гуррак эриниб сайрар, ҳар замон кўкқарға қар-қарр қилиб қўярди.

От туёғининг дупури эшитилгандек бўлди. Дилдор қадрини кўтариб, атрофга қараган эди, олинда отлиқ

келаётганини кўрди. Йўловчилардан биронтаси бўлса керак деди-ю, майсага чалқамча ётиб, кўзларини юмди. У ётган дўнг арава йўлидан четда бўлганидан анча холи эди. Дилдор шунинг учун ҳам бемалол ётаверди.

Чарчаган, бунинг устига моторнинг иссиғи уни анча лохас қилган экан. Бу кеча ухламаганидан кўзини уйқу олди. Қиприклари беихтиёр жипслашди-ю ухлади қолди.

Қир шабодаси сочларини тўзгитар, этакларини тиззаларидан ошириб очиб ўйнарди.

Дилдор ширин уйқуда барқ уриб ётарди.

Дилдор кўзини очганда бошига офтоб келиб қолган эди. Соя оёқ томонга судралиб, офтоб кўкракларини қиздирган, бўйинларидан маржон тер оқарди. У эринибгина кўзини очди. Шамол этагини белигача очиб юборганидан, бирон бегонанинг кўзи тушмадимиккин деган андиша билан шошиб ёпди-ю, аланглаб атрофга қаради. Яқин орада от кишнади. Дилдор сапчиб ўрнидан туриб бўй чўзиб у ёқ-бу ёққа қаради. Дўнгнинг нариги томонида от жilовини ушлаганча Холматжон чўнқайиб ўтирар, ерга қамчи билан нималарнидир чизарди.

Дилдорнинг ранги оқариб кетди. Шу алфозда ётганимни кўрган бўлса-я, кўрган, албатта кўрган, шунинг учун ҳам ёнимга келолмай панада ўтирибди. Вой, шарманда, энди унинг бетига қапдоқ қарайман.

Дилдорнинг уйғонганини сезган Холматжон ҳам ўрнидан туриб отини етаклаганича олдига кела бошлади. Дилдорнинг юраги урар, андишадан икки юзи қип-қизил бўлиб кетган эди.

Холматжон ҳеч нарса билмагандек, ҳеч нарса кўрмагандек бепарво яқин келди.

— Еттинчининг ерига кетаётган эдим. Мотор товуши тинганидан кейин хавотир бўлдим. Ҳозир келдим, рост, ҳозир келдим.

Холматжон ёлғон айтаётгани шундоққина билиниб турарди. Қай алфозда ётганимни кўрганини яшириш учун ёлғонлапти, деб баттар қизарди Дилдор.

Холматжон от хуржунидан битта қовун олиб Дилдорга узатди.

— Ия, оқ қовун пишптимми? — деди ажабланган Дилдор.

— Энди кўришингизми, вой-бў!

Дилдор қовунни олиб ҳидлади.

— Улмаи қовун пишигини ҳам кўрдик.

Шу баҳона бўлди-ю, орадан бегоналик қочди. Ажриққа ўтириб у ёқ-бу ёқдан гаплашиб қолишди. Холматжон ёнидан пичоқ олиб қовунни сўйди. Биринчи тиликни Дилдорга узатди.

— Ширин чиқди-я. Чўл қовуни ширин бўларкан.

— Ҳали астойдил етилгани йўқ. Шакар бўлиб кетади ҳали.

Холматжон илгарилари учрашганда гапини тополмай лудуқланарди. Бу гал у анча дадил, боқишлари ҳам, ўзини тутиши ҳам қандайдир қатъий эди.

Кампир ая бир нима демаганмикин, деган ўй ўтди Дилдорнинг бошидан.

— Аямни кўрмаганмидингиз?— Дилдор шундай деди-ю, кўзини яширишга жой тополмай қолди.

Холматжон ерга қараб секин жавоб қилди.

— Кўрдим.

Тамом. Шу биргина гап билан Дилдор фош бўлган эди. У сапчиб ўрнидан турди-ю, рўмоли билан юзини яшириб Холматжонга тескари қараб туриб қолди.

— Дилдорхон,— деди Холматжон.

Дилдор индамади. Аммо унинг яна бир марта шундай, исмининг орқасига хон қўшиб чақиринини хоҳларди.

Холматжон худди шундай қилди. Дилдор ўгирилди. Икковининг кўзлари бир-бирларига мойиллик билан боқар, аммо яқин келишга на унда, на бунда журъат бор эди.

От кишнади. Холматжон қўлидаги тизгин сирғалиб чиқиб кетди. Аммо ўзи ҳамон қимирламасди.

Шу алфозда икковлари анча вақтгача қимирламай туриб қолишди. Холматжон бирдан депсинди-ю, дадил юриб Дилдорнинг қаршисига келди. Унинг икки билагидан маҳкам ушлаганча кўзларига тикилди. Йигитлик эҳтиросини босолмай Дилдорнинг кўзларидан, ўша тундек қора, юлдуздек чақнаган кўзларидан ўпа бошлади.

Дилдор анчадан кейингина уни кўкрагидан итарди.

Йигит шарт бурилди-ю, юрганича ўтлаб юрган отнинг жиловидан ҳам тутмай бир сакраганча минди. Отнинг ёлларига бетларини ишқалаб, оёғи билан биқинига туртки берди. От бир сапчиди-ю, олдинга ўқдек отилиб кетди. От эгасининг кайфиятини сезгандек чўл ўртасида ўйноқлаб гоҳ айланиб, гоҳ олд оёқларини кўкка ирғитиб, асад тупроғини чангитиб борарди.

Дилдор ҳамон қимирламас, чўл уфқида нуқтадек кўринаётган отлиқдан кўз узмасди.

Отлиқ тўзон ичида кўринмай кетди. Дилдор шундагина йўлдан кўзини олди.

Бошидан тушган рўмолини олмоқчи бўлган эди, икки билагидаги бармоқ изларини кўрди.

Бу чинакам кучга тўлган йигит бармоқларининг изи эди.

Дилдор беихтиёр бармоқ изларини силай бошлади.

Боя у уйгонганда Холматжон ўтирган жойига борди. Энгашиб қаради.

Холматжон тупроққа қамчи билан «ДИЛДОР» деб ёзиб қўйибди.

Дилдор энтикди. Бу энтикиш фақат шодликдан, фақат бахтдан.

Дилдорнинг кўп йнллардан бери энди ана шундай ич-ичидан энтикиши эди.

III

— Сизга бир гап айтиб бўлмас экан,— деди Дилдор кечқурун Малика аяга.

— Ҳа, нега ундоқ дейсан, болам,— деди ажабланган кампир.

Дилдор э, қўйинг-э, дегандек юзини бурди.

Кампир у нега бундоқ деди, билолмади. Азимжоннинг овқатини олдига қўяётганда қўрқиброқ сўради:

— Бир гап ўтдим, болам?

— Холматжонга нима дедингиз?

— Э, шу гапмиди. Мен нима бало бўпти, деб ўйлабман. Айтдим. Мен айтмасам ким айтади. Икковинг икки тарафда мусичадек ку-кулаб юраверасанларми. Холматжон боёқиш озиб-тўзиб кетди-ку. Бир одам сабабчи бўлиб икки томон тинчийди. Ҳа, ёмон иш қипманми? Айтчи, ёмон иш қипманми?

Дилдор паст овоз билан истар-истамас деди:

— Ҳар гапни ҳам мавриди бор-да.

— Ҳой, бола, мавридини кутсанг сочинг пахта, белинг обкаш бўлади.

Азимжон овқат емай кампирни анча хуноб қилди.

— Болажоним, агар шу шовланинг ҳаммасини есанг бир жойга обориб ўйнатиб келамаи.

Азимжон ўртоқ йўқлигидан жуда зериккан эди. Бу гапни эшитиб апил-тапил овқатини еб бўлди. Кейин, обормайсизми, деб туриб олди.

— Энди бўлмайди, болани бир айлантириб келмасам бўлмас. Сен у ёқ-бу ёқларингга қара. Кир ювасанми, уй йиғиштирасанми, ўзинг биласан.

Кампир болани етаклаб чиқиб кетди. Дилдор ўзи ёлғиз қолди. У худди шундай танҳоликни тусаб турган эди. Қирдаги учрашув, ўша пайтдаги аҳволи, Холматжон нима деди, унга нима жавоб қилди, шулар тўғрисида бафуржа ўйлаб кўрмоқчи эди. Бундай кезларда киши танҳоликни истаydi.

Дилдор айвон устунига суяниб подадан қайтаётган молларнинг шовқин-суронига қулоқ солиб ўй ўйларди. Нима қилиб қўйдим? Яна ўша саратон қиздирган тутзордаги ишни такрорлаб қўйдимми? Наҳотки мен шунчалик иродасиз, йиғит оғушида ҳар нарсани унутадиган, бор ихтиёрини топшириб қўядиган одамман? Бу учрашувнинг оқибати қандоқ бўларкин? Қоқилмасмикинман? Кейин йиғлаб юрмасмикинман? Яна уйланмаган йиғит билан-а... Бу гал ҳам панд есам... Худо асрасин. Ишқилиб ўшандоқ бўлмасин! У ҳолда ўзимни ўзим бир бало қилиб қўяман. Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади. Мен икки марта йўқотдим. Учинчиси нима бўларкин? Яна таваккал қилдим-а. Уптириб қўйдим-а. Ишқилиб алданмаган бўлай.

У шундай хаёллар билан банд экан, Холматжон остонага келиб қолганини ҳам сезмай қолди. Холматжон йўталгандагина ўзига келди.

— Келинг,— деди секингина. Аммо икки юзи қип-қизил бўлиб кетди.

Холматжон майин жилмайиб остонага ўтирди.

— Бир хабар олинб ўтай деган эдим. Хафа қилиб қўйдим шекилли.

Дилдор жавоб бермади. Токчадан чойнак олишни баҳона қилиб юзини яширди. Холматжон ҳамон илжайиб турарди. Дилдор қумгондан чойнакка қайноқ сув қуяр экан, унинг ғалати илжайиб турганини кўриб бир хил бўлиб кетди.

— Энди кулаверасиз. Биз шўринг қурғур хотинлар сизларга эрмакликдан бошқага ярамаймиз.

Холматжоннинг юзидан табассум қочиб жиддийлашди.

— Нега унақа дейсиз, Дилдорхон. Мен астойдил киришгапман бу ишга. Биаламан, сизни зада қилиб қўйишган. Сиз эркак зотидан юрак олдириб қўйгансиз. Сизни кўп хафа қилишди. Яқин тўрт йил ичида бирон марта астойдил кулмадингиз. Кулган пайтларингизда ҳам ичингизни нимадир кемириб турарди. Билиб қўйинг, мен сизни асло хафа қилмайман. Сизга тоғдек бахт ваъда қилолмайману, аммо ўзимизга, ўзингизга яраша кичкинагина бахтча ваъда қилоламан.

Дилдор унинг гапларидан таъсирланиб кетди. Енига келиб омонатгина ўтирди.

— Менга ҳеч нарса керакмас. Икки оғизгина илиқ гап кифоя. Икки оғизгина, аммо юракдан чиққан гап бўлса бас. Кўп нарсаларни кўрдим, аммо яхши гапни кам эшитдим.

Дилдорнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди:

— Мени кўп хўрлашган.

Холматжон ўрнидан туриб унинг бошини силагиси келди. Бироқ боягидек ўзини тутолмай қолишидан, эҳтирос кучига таслим бўлиб қолишдан қўрқиб Дилдорнинг ёш тўла кўзларига маъюс боқди.

— Биаламан. Ҳаммасини биаламан. Наҳотки шуларнинг барини билатуриб, сизни хўрласам.

Аъзамжоннинг уйланганини ҳамма эшитган, аммо Дилдорнинг бундан хабари борми-йўқми Холматжон билмасди. Ҳозир шу ҳақда оғиз очмоқчи бўлди-ю. ўзини тийди. Агар айтгудек бўлса боятдан бери айтган самимий сўзлари Дилдorni эридан совутиш учун айтилган бўлиб чиқишини тушуниб қолди-да, айтмади. Аммо буни Дилдор эшитган, бутун аламларини ичига ташлаган эди.

Холматжон чаккасини қашлаб анча вақтгача индамай ўтирди. Дилдор қуйиб узатган чой совуб қолди. Холматжон ўрнидан тураркан, журъатсизлик билан деди.

— Бунақа қилиб бир-биримизни узоқдан пойлаб юрмайлик. Бўладиган ишни бўлдириб қўя қолайлик, Дилдорхон.

Дилдор ялт этиб унга қаради. Унинг бу боқишида ҳам ажабланиш, ҳам ҳайрат, ҳам аллақандай меҳр ифодаси бор эди.

Наҳотки бу йигит астойдил айтаётган бўлса? Уйланмаган, қиз олмаган йигит шу гапни айтса!

— Кейин пушаймон бўлиб юрманг, Холматжон ака.

Ахир мен бир марта тўй кўрган хотинман. Болам бор. Сизнинг ўн гулингиздан бир гулингиз очилмаган. Уртоқларингизнинг маломатидан кўрқмайсизми? Йигитлик шаънингизни оёқ ости қилаётганингизни биласизми? Ахир мен...

Холматжон унинг гапини кесиб қўйди.

— Мен бир ишни қилсам, билиб қиладиганларданман. Мен на маломатдан, на таъналардан кўрқаман. Гапим қатъий. Ишонинг, Дилдорхон.

Дилдор унга тик қараб турарди.

— Бир оз вақт беринг, Холматжон ака. Жон ака, шундай қилинг. Ахир одамлар нима дейди, эрининг уйланганига зарда қилиб, ўчакишиб эрга тегяпти дейишмайдим. Севмаса ҳам, тўй кўрмаган йигитга тегиб олди, дейишмайдим? Андек сабр қилинг.

— Йўқ, йўқ. Бу ишга на зарда, на ўчакиш аралашган. Бу икковимизнинг хоҳишимиз билан бўляпти.

— Шундоқ бўлса ҳам андек сабр қилинг.

— Агар тезда тўй қилмасак, одамлар яна унда гап қилишади. Мендан ҳам сизга оғир бўлади. Барибир йулингизни пойлаб тинчитмайман.

— Майли. Майли, йўлимни тўсинг. Гаплашайлик. Учрашайлик, нима бўлса ҳам озроқ вақт ўтсин. Мен саязимга келай. Эс-ҳушимни йигиб олай. Ахир менинг ҳам дўстларим, дугоналарим бор. Шуларга айтай, маслаҳатини олай. Бир марта ўзбошимча иш қилиб уларнинг таънасига қолганман. Ҳали-ҳали армон қиламан.

— Энди армон қилмайсиз. Бошимга кўтараман. Асло ранжитмайман.

— Шундоқ бўлса ҳам, сабр қилинг. Озгинагина вақт ўтсин. Шундоқ қилинг.

Холматжон туриб-туриб, ҳай майли, сиз айтганга кўнмай иложим қанча, деди. Бошқа айтадиган гапи йўқ экан. Холматжон табиати равшан бўлиб чиқиб кетди. Анча кеч кириб қолган эди. Малика ая ухлаб қолган Азимжонни опичлаб олиб келди.

— Болам, ёлғиз ётганп кўрқмайсанми? Яккатутга тушиб чиқадиган ишим чиқиб қолди. Жиянимнинг тоби қочиб қопти. Ҳозир одам келди. Бормасам бўлмайди. Шурадан ҳам дарак бўлмади.

Дилдор болани олиб ўрнига ётқизаркан:

— Майли, бораверинг, мени бўри ермиди,— деди.

Кампир шошиб чиқиб кетди.

Дилдор боланинг бош тарафига ўтириб тикилди.

— Худди дадасининг ўзи. Қош-кўзн ҳам, юз тузи-лишлари ҳам...

Дилдор энди эрини, боласини ўйлаб кетди.

Шундоқ боласини ташлаб кетди-я. Бола нима бўлади. Ҳозир-ку у ҳеч нарсани билмайди. Катта бўлганда кимни қарғайди? Иккита кап-катта одам шу норастанинг кўнглини яримта қилиб ўстирсак. Дадасининг қилмишларини унга тушунтириб бўлармиди. Бола қачон бўлмасин, дадам, дейди. Катта бўлганда ўксимасмикин? Шў биргина болам учун қанчалик хўрлик бўлса барига чидардим. Қандоқ қилай, ташлаб кетди. Ташлаб кетгани ҳам майлига-я, уйланди. Уйланмаганда ҳам қайдадир санқиб юрган эрим бор дердим. У энди менга ҳеч ким. У ёт, бегона. Бошқа хотин билан ўз толеини баҳам кўр-япти. У бечора ким бўлди? Алданмаганмикин? Бир кун ташлаб кетиб куйдирмасмикин уни ҳам?

— Болам, энди даданг йўқ.

Дилдор бу гапни пичирлаб айтди. Айтган гапи ўзига таъсир қилиб ич-ичидан бир ўт чиқиб бўғзига ёпишди-ю, бутун вужудини ларзага солди. Бу эридан ажралиб қолганидан эмас, боласининг тирик дадасидан маҳрум бўлганидан эди.

Кундуз офтоб тигида куйиб трактор ҳайдаш, кечалари изтиробли ўйлар гирдобида ўртаниш Дилдорнинг юзларини сўлдирган, фақат ҳаминша чақнаб турадиган чиройли кўзларигина ундаги бу сўлгинликни яшириб турарди.

Қўшни ҳовлиларда чироқлар ёнди. Кимдир радиони баланд қилиб қўйди. Оғир, юракни эзгиловчи мунгли куй оқарди. Гоҳ танбур нола қилар, гоҳ гижжак йиғлаб фифон қиларди.

Дилдор бошини сарак-сарак қилиб ўрнидан турди. Гўё у бошидаги оғир ўйларни бир силкишда тўкиб ташламоқчидек эди. Чироқни ёқди. Боланинг шолча устида қолган кийимларини олиб қоқди, қозикқа илди.

Шу пайт мотор гуриллаб эшиги олдига келганда тишди. Очиқ қолган эшикдан нотаниш бир йиғит кирди. У бесаранжом эди. У ёқ-бу ёққа қараб Аъзамжонни сўради.

— Қани?

— Йўқ,— деди Дилдор.— Аъзамжон бу ердан кетиб қолган.

— Қаёққа?— ажабланиб сўради йигит.

— Билмайман. Икки ҳафтадан ошди.

— Э, аттанг,— деди йигит афсусланиб.— Дадаси ўлим тўшагида ётибди. Уйига ўт тушиб кетди. Дадаси куйиб қолди. Касалхонада болаларига илҳақ бўлиб ўлолмай ётибди.

Йигит шундай деди-ю, шошиб чиқиб кетди. Сал ўтмай яна мотор гуриллади, машина товуши секин-секин узоқлашиб тинди.

Дилдор турган жойида қотиб қолди. Унинг бу ҳолати чолга ачинишимни; Низомга ачинишимни ўзи ҳам билмасди. Ҳар қалай, ёмон бўлса ҳам одам ўляпти.

Дилдор келин бўлиб тушган уй ёниб кетган. Унинг бошига кулфатлар солган, ёшлигини, муҳаббатини ёндирган уй ёнган.

Дилдор бу кеча минг хил туш кўриб, тўлғаниб чиқди. Ҳали ўзини ёнгин ичида кўрар, ҳали Низом ўтда қолиб Дилдорга қутқар, деб қўл чўзар, ҳали Холматжон уни кўтариб оловдан олиб чиқар, негадир Аъзамжон сира кўринмасди.

Бу кеча Дилдор учун энг нотинч кеча бўлди.

Эрталаб туриб ойнакка қараганда ўзини бир ҳолатда кўрди. Кўз таглари кўкариб кетган, қовоқлари осилган эди.

— Менга нима бўляпти? Бунақада адойи тамом бўламан-ку.

Бирдан фикри равшанлашиб кетди. Холматжонни кўргиси, унинг кўкрагига бошини қўйиб тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди.

Биргина таянч, биргина юпанч унга шу Холматжон эди.

— Қаердасан? Кела қолсанг-чи! Аҳволимни қара! Хўрламайсанми? Йиғлатмайсанми? Ранжитмайсанми? Сендан бошқа кимим бор. Хўп. Нима десанг ҳаммасига, хўп. Чизган чизгиндан чиқмайман, Холматжон!

Хаёли, фикри Холматжонда, икки кўзи эшикда эди Дилдорнинг.

IV

Низомжон қаттиқ ухлаб қолган экан, вақт қай маҳал бўлганини билмайди. Икромжон амаки ким биландир безовта гаплашаётгани қулоғига чалинганини билди, холос. Шундан кейин юк машинаси бир ўкириб гурил-

лаб нари кетди. Зирилламадан биронтаси иш билан келгандир деган ўй билан яна ухлаб қолди. Икромжоннинг тепасига келганини, уй ичида у ёқдан-бу ёққа бесаранжом юрганини билмади.

Илиққина бир нарса пешонасига текканидан яна кўзини очди. Тонг ғира-шира ёришиб келаётган экан, Икромжон унинг бошида туриб пешонасини силарди. То ярим кечагача боланинг кир-чирини ювиш, эрталабки овқатга тайёргарлик кўриб ҳаммадан кейин ётадиган Зебихон ҳам ҳовлида ивирсиб юрибди. Ота қўли пешонасини силагани хуш ёқиб эринчоқлик билан Низомжон кўзини очди.

— Тура қол, болам. Тур.

— Ҳали ваҳли-ку, дада.

Икромжон, туравер, туравер, деб нари кетди.

Низомжон тонг ёришмай уйдагиларнинг туриб олганларидан ҳайрон бўлиб кийиниб ҳовлига чиқди.

— Дарров чойингни ич, болам, Қувага борадиган иш чиқиб қолди.

Низомжон Қувада нима қилади, у ерда нима иши бўлиши мумкин, ҳайрон эди.

Чой пайтида Икромжон гапнинг очигини айтиб қўя-қолди.

— Болам, дунёда ҳар иш бўлади. Сабрли, бардошли бўлиш керак. Агар астойдил болам бўладиган бўлсанг ўзингни босасан.

Низомжон қўрқиб кетди. Энди ҳўплаган чойи томоғидан ўтмай туриб қолди.

— Уйингга ўт тушибди. Даданг куйибди. Касалхонада ётгапмиш Акангни топиб дарров Чортеракка етиб бор. Аканг уйида. Аввал Қувага борасан.

Низомжон энтикиб-энтикиб сўради.

— Акам Қувада нима қилиб юрибди? Чўлда эмасми?

Икромжон чайналмай, иккиланмай дадил гапирди.

У қаттиқчиликлар, маҳрумиятларни кўравериб ҳар қандай иштибо олдида ўзини йўқотмайдиган бўлиб қолган эди. У Низомжонни ҳам бир сўзликка, қатъийликка ўргатарди.

— Аканг расво одам экан. Дилдорни чўл ўртасига ташлаб кетган. Қувага бориб бир бечора, мунгли аёлга уйланиб олган. Ҳозир олдига борасан. Даданг икковингга васият қилмоқчи.

Низомжон ўрнидан туриб кетди. Демак, дадаси ўлим олдйда. Болаларини кўришга ялҳақ бўлиб ётибди.

— Акамнинг олдига бормайман.

— Йўқ, борасан!— деди қатъий қилиб Икромжон.

Низом Икромжоннинг бир гапни икки қилмасди. У бир гап айтса, билиб айтади. Демак, хоҳлайдими, хоҳламайдими барибир бориши керак. Бу гапни у учун дунёдаги энг тўғри, энг одил одам айтди. Боради.

Низомжон шошиб этигани кия бошлади. Зебихон бир чеккада унга аллақандай ачиниш, аллақандай маъюслик билан қараб турарди.

— Кетавер, одамларни далага чиқазиб бўлиб Тўланбой билан биз ҳам Чортеракка етиб борамиз. Отинини миниб кетавер, эгарлаб қўйганман. Қувага бориб Маҳбубахоннинг уйи қайси десанг, ҳамма айтиб беради. Шундоқ телефон станциясининг орқасида. Энди жўна, аммо ҳовлиқма, болам.

Низомжон тол орқасида эгарля турган отга шошиб минди-ю, Қоратепа тарафга жилов бурди.

У Қувага кун ёйилганда етиб келди. Маҳбубаларнинг уйини топиш қийин бўлмади. Акаси омонат тахта кўприк олдида челақлаб эски «Виллис» машинасини юваётган экан. Укасини кўриб ҳайрон бўлиб қолди.

— Бу ёқда нима қилиб юрибсан, ука?

Низомжон нима дейишини билмас, от чоптириб келганидан ҳансираб, акасининг бетига қарашни ҳам истамасди.

— Тинчлякми?— деди ташвишланиб Аъзамжон.

Низом ундан юзини ўгирди. Аъзамжон энди чиндан ташвишда қолган эди. Дилдорга бир бало бўлган. Улган. Уша кечаси боргандаёқ кетадиган ҳоли бор эди. Боласи нима бўлади? Болани олиб келса, Маҳбуба нима деркин. Шу бола деб рўзғори бузилиб кетмаса гўр-га эди.

— Ўлдими?

Низомжон ялт этиб акасига қаради. Иккови бир-бирларига сўзсиз тикилиб қолишди.

— Нима деяпсан, ака?— Бу Низомжоннинг акасини биринчи бор сенлаши эди. Қўпдан ички бегоналик буғун, шу топда дилдан тилга чиқди-ю, уни сенлади.

— Дилдор, Дилдор ўлдими?

Низомжон нафрат билан бетини ўгирди.

— Уйинмизга ўт тушган, дадам куйиб кетган. Дадам касалхонада, сен билан мени йўқлапти.

Низомжон отга минмоқчи эди, Аъзамжон жаҳл билан келиб жиловни унинг қўлидан юлиб олди-да, отни етаклаб эшикдан опкириб кетди. Низом нима қилишни билмай туриб қолди. Эшикдан жуда ҳам чиройли бир жувон чиқди. Низомжон уни Зирилламада бир-икки кўрган эди. Тоға ҳам, Тўланбой почча ҳам уни, кўш яхши жувон, деб мақташган эди. Демак, акаси бу бечорани ҳам йўлдан урган.

Бу гўзал жувоннинг чиройли қора кўзлари ҳам, оппоқ юзлари ҳам, лешонасида силкиниб турган ўримдан қочган кокиллари ҳам Низомжоннинг кўзига ҳозир жуда хунук, жуда совуқ кўринарди.

— Қани, эшикка кириш. Тинчликми?

Низомжон илдамди. Сўроқларига жавоб бериш у ёқда турсин, бетига ҳам қарагиси келмасди.

Аъзамжон кийиниб чиқди. Рулга ўтириб укасига ёнидан жой кўрсатди. Ноплож қолган Низомжоннинг ўтиришдан бошқа иложи қолмаган эди. Йўл-йўлакай акасининг сўроқларига калта-калта жавоб берар, ўзи бирон оғиз сўз айтмасди.

Аъзамжон товуқларни кўчанинг икки томонига тирқиратиб машинани ўқдек учириб борарди.

Низомжон бола бўлиб енгил машинага тушмаган эди. Қува билан Марғилон ораси шунчалик яқинлигини билмас экан. Кўз очиб юмгунча машина Марғилоннинг катта кўчасини кесиб ўтиб Чортерак тарафга бурилди.

У Чортерак касалхонасига илгари икки марта келган. Онаси шу жойда оламдан ўтган эди. Кейин Асрора тошқинда қолиб касал бўлганда келган. Машина касалхона эшиги олдида тўхтади. Зина олдида поччаси у ёқдан-бу ёққа бетоқат юрарди. Қайнилариининг келганини кўриб босиқ юриб олдиларига келди.

— Келдингларми, кира қолинглар. Юқорида.

Ака-ука бир-бирларига қарамай жадал юриб юқори қаватга чиқишди. Рисолат палатка эшиги олдидаги оқ табуреткада кўз ёши қилиб ўтирарди. Укаларига ҳам бўри қараш қилиб эшикни кўрсатди-ю, кўзига рўмолчасини босиб пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

Низомжон дадасини танимади. Оқсоқолнинг соқоллари кош-киприкларни куйиб кетган. Елкалари, бўйни

ва қўллари бинт билан танғиб ташланган эди. Оқсоқол болаларини кўриб бошини сал кўтарди.

Унинг саноқли дақнқалари қолганди. Болаларидан кўнгил узолмай, йўлига кўз тикиб ётганди. Чол кўзи билан уларни ёнига чақирди. Икки ўғил ота тепасига келишди.

Оқсоқол қизидан ҳам, куёвидан ҳам ҳафсаласи пир бўлган, улар билан борди-келдини тўхтатган эди. Куёви урушдан келиб хотинини, болаларини чолнинг олдига юбормай қўйган. Болалари чол билан бозорга қатнай-вериб ўқишдан қолиб кетишган, китоб-дафтардан кўра пул санашга, савдо-сотикқа берилиб кетишган эди. Болаларнинг ҳар бирида алоҳида халтача, майда пулга алоҳида, йирик пулга алоҳида хоналари бор эди. Дадаси аввалига ҳайрон бўлди. Бу болаларнинг бунақа бўлишига нима сабаб бўлганига тушунолмай юрди. Кейин билса, бобоси уларни пулга ўргатиб қўйган экан.

Дада болаларининг бир-биридан яшириб тутадиган ўша халтачаларини ўчоққа иргитди. Калтаклади. Сўкди. Бувасиникига мутлақо бормайдиган қилиб қўйди. Чайқовчиликка муккасида кетган хотини Рисолатни ҳам бир-икки шапалоқлади. Агар дадасиникига борадиган бўлса, бозор ишига қўл урадиган бўлса, уч талоқ қўядиган бўлди.

Барибир Рисолат эрига билдирмай у-бу олиб сотар, баъзан дадасидан хабар олиб келарди. Бу гаплардан Оқсоқолнинг хабари бор эди. Қизига рўйхуш бермай қўйди. Келса совуқ кутиб олар, эрини, болаларини сўрамасди. Чолга ёлғизлик, танҳолик ёқарди. Кечалари ҳужрадаги молларини ойдинда ёяр, пулларини шамоллатарди.

Оқсоқол танҳоликда яна узоқ яшайман деб ўйларди. Сира кўнглига ўлим келмасди. Гўё дунёга умрбод келгандек эди.

Охири танҳолик унинг бошини еди.

Кеча эрталаб у шу танҳоликнинг гаштини сураётган эди. Кўча эшигини ичкаридан тамбалаб офтобга молларини ёйди. Тулки пўстинини куя уч-тўрт жойидан тақир қилиб қўйибди. Чол куяларни қарғай-қарғай пўстинини арқонга ташлади. Тўп-тўп атласлар зах ҳужрада ранги қават-қаватига ўтиб кетибди. Ипак бўяган бўёқчини, қўлинг сипгур, олган пулинг қафашингга ярасин деб қарғадди. Арча тахтасидан ясалган сандикни

ҳовлига судраб чиқиб, ичидаги оламда топилмайдиган асл тошларни бир-бир кўздан кечирди. Нам тортган юз сўмликларнинг тахини бузиб офтобга ёйди. Шамол учириб кетмасин деб ҳар бирининг устига биттадан пиёз қўйиб чиқди. Бир қоп пиёз етмади. Қадоқ тош борми, калиш борми, теша борми, келичаннинг сопи борми бостириб чиқди. Ўзи худди чўпоннинг итидек молларнинг ҳали у бошида, ҳали бу бошида девор нахраларига хушук қараб айланиб юрди. Яна ўтириб олиб юзталикларни йиғиб, ўрнига эллик сўмликларни ёйди. Яна пиёзларни устига бостириб чиқди. Кечгача шу иш билан овора бўлди. Қоронғи тушиши билан нарсаларини яна арча сандиққа жойлаб, тут тагига кўмди. Пўстину атласлар, қорақўл терилар, чармларни яхшилаб тахлаб ҳужрасига киритиб қўйди-да, электр плитани токка тиқиб, тушука банкада елим эритишга қўйди. Айвонда ёнбошлаб, қаттиқ ноини қайнаган сувга ботириб еб ўтирганда лип этиб электр ўчди.

Чортерак колхозларида ҳали электр йўқ эди. Движокдан ток олишарди. Яхши мутахассислар бўлмаганидан движок бир ўчиб бир ёнар, баъзан бир ўчганича эрталабгача ёнмасди.

Оқсоқолнинг чироқ ёнишини кута-кута тоқати тоқ бўлди. Охири қоронғида тимирскиланиб супага жой солди-ю, худодан эртанги кунини сураб уйқуга кетди.

Оқсоқол аччиқ тутун ҳидидан димоғи ачиб уйгонди. Тун яримдан оққан, ҳовлидаги электр чироқлари чарақлаб ёниб турибди. Оқсоқол аччиқ тутуннинг қаёқдан келаётганини билиш учун ҳавони искаб кўрди. Ҳид ҳужра тарафдан келарди. Оқсоқолнинг жон-пони чиқиб кетди. Шундагина у электр плитани токка қўйгани эсига тушди. Жон аччиғида ўзини ҳужрага урди. Тарки одат бўлиб умрида биринчи марта ҳужрани қулфсиз қолдирган эди. Эшик очилиши билан орач лоп этиб тандир олов Оқсоқолга ёпирилди. Чол орқасига чекинди. Мол аччиғи-жон аччиғи, Оқсоқол яна ичкарига интилди. Соқолларининг куйишига, кўзининг ачишига қарамай дуч келган буюмни ҳовлига отаверди. Наматга ўралган чармларни судраб чиқаётганда остонада ўзидан кетиб йиқилди.

Оқсоқол кўзини очганда касалхона каравотида ётарди.

Аъзамжон дадасининг бошига энгашиб ҳол сўради.

Чол Низомжонга қараб, сен ҳам бери кел ишорасини қилди. Бутун кучини сарф қилиб гапиришга уринарди. Охири зўр куч билан товуш чиқарди.

— Тут тагида сандиқ кўмилган. Икковинг бўлиб ол. Исроф қилма. Ёнига қўш. Опангга ҳеч нарса берма. Ярамас эри бор. Ҳукуматга айтиб қўяди.

Оқсоқол шу гапни айтди-ю, тилдан қолди. Тўрт соат нимадир дейишга чоғланди. Айтолмади.

Гўдак болалари кўп одамнинг жон бериши қийин бўлади, дейишарди. Йўқ, ундай одам осон жон таслим қилади. Ҳар қалай дунёга одам қолдирди. Гўдаклар йиқилади, туради, қоқилади, юради, йўлини топиб кетади. Мол-дунё орттириб ўз меросхўрига топширолмай кстаётган кишининг ўлиши қийин бўлади. Емай, ичмай едирмай, ичирмай йиққан бойлиги, чексиз давлати бегоналарга қолаётганини сезган киши ўлим олдида қаттиқ қийналади.

Оқсоқолнинг ҳам жон бериши қийин бўлди. Яшаб яшаёлмасди, ўлиб ўлолмасди. Кечга яқин кўкариб, бўзариб, кўзда алам, аччиқ алам ёши билан энгак ташлади.

У ўттиз йил йиққан молларидан кўнгил узолмай, қийналиб жон таслим қилган эди.

Буюк хасис, тенгсиз мумсик оламдан ўтди. Бу дунёдан куйиб, ёниб, ўтда чангак бўлиб кетган қўлларни билан у дунёга кетган эди.

Ака-ука жасад тепасида қимирламай туришар, Низомжон пиқ-пиқ йиғларди.

Бу ота жасади тепасидаги аламли кўз ёшимиди, онасини зор қақшатган. болаларининг бошига сўнгсиз кулфатлар солган ота ўтказган ситамлардан силқиган ёшларнинг давомимиди, билиш қийин эди. Ҳар қалай, у Низомжонни дунёга келтирган. Ҳарна қилса ҳам у ота. Ҳар қалай, шу ота унга туз берган.

Низомжон пиқ-пиқ йиғлар. Аъзамжон серрайиб турарди.

Аъзамжоннинг дийдаси қаттиқ, кўзига ёш келиши қийин эди.

V

Куйиб кул бўлган, ҳар тарафидан ачимсиқ куюнди хиди буруқсаб турган ҳовлида ака-ука уч кун келдикетдини кутишди. Рисолат ўликка араз қилиб, вой отам

деб сочини ёзиб йиғламади. Дадамнинг давлатини бўлиб оладиганлар бел боғлаб йиғласин, отамдан менга нима қоптики, йиғлайман, деб маросимга ортиқча аралашмади.

Низомжонга ҳаммадан ҳам алам қилгани шу бўлди. Оқсоқолни қабрга қўйиб, устига тупроқ тортаётганларида кимдир, марҳум қандоқ одам эди, деб сўради.

Оломон бир нафас жим қолди. Қабр сукунати ҳам бир бўлди, бу сукунат ҳам бир бўлди. Охири биров паст овоз билан, яхши одам эди, деб айтди. Ниқ этган товуш келди.

Бу дадасининг дунёга келиб қилган ишига, яшаган умрига берилган совуққина баҳо эди.

Фотиҳага келиб-кетганлар орасида ўзига ўхшаган ирkit кишилар ҳам бор. Низомжон бировга аралашмай бир чеккада ўтирар, чой ташиб супанинг четида совуққина ўқилган фотиҳага қўл кўтарарди.

Қандай яшамаслик, умрни қандай ўтказмаслик тўғрисида каттакон театр қўйилаётибди-ю, одамлар келиб бу томошадан ўзларига хулоса чиқазиб кетаётганга ўхшашарди.

Маросимнинг учинчи куни кеч пайти паранжили бир хотин келиб Низомжонни четга чақирди.

— Дадангиз сотиб бераман деб олтин балдоғимни олган эдилар, шуни берсанглар.

Низомжон ҳайрон бўлди. Ҳали шу уч-турт кун ичида бир оғиз ҳам гаплашмаган акасининг олдига борди.

— Манави хотиннинг гапи бор экан.

Аъзамжон хотинни йўлакка опчиқиб гаплашди. Улар қандоқ гаплашишди, акаси нималар деди, Низомжон билмайди. Аммо хотиннинг қарғаб чиқиб кетаётганини ҳамма эшитди.

— Худоё гўрингда тўнгиз қўп, дўзахда куйиб, кул бўл! Болаларнингпинг азасига буюрсин, жувонмарг!

Низомжон титраб кетди. Одамлар бирдан жим бўлиб қолишди. Аъзам хотин орқасидан мушт ўқталиб югурди. Низомжон бўлса бошини қуйи эгганча этигининг учидан кўз узолмай қолди.

Одамлар тарқаб кетишди. Қоронги тушди. Қўшни уйда чироқлар ёнди. Ака-ука ҳам бир-бирига чурқ этолмай ярим қоронғи, куйган, кул бўлган қовлида қимирламай ўтиришарди.

Эшикдан қўшни хотин кирди.

— Вой, нима қилиб чироқ ёқмай ўтирибсизлар. Улик чиққан уй бу. Арвоқлар чирқиллаб айланиб юрадиган шому ғарибон, завол пайти-я! Чироқни ёқиб қўйинглар. Рисолат ўлгур билмайдими, шунни.

Хотин қамнишга пилик ўраб, мой томизди, кейин гургуртда ўт олдириб, айвон четига қўйди.

Алла-паллагача ака-ука шу алфозда қимирламай ўтиришди. Охири Аъзамжон ўрнидан турди.

— Ука, менда қанча гинанг бўлса у ўз йўлига. Бафуржа гаплашармиз. Сен билан биз шу отанинг боласимиз. Ота васияти сен билан менга қонун. Тур ўрнингдан, кетмонни олиб кел!

Низомжон қимирламади.

— Бор, олиб кел, деяпман, нодон!

Низомжон ҳамон қимирламасди.

Аъзамжон ярмн нураб турган ўтинхонадан кетмон олиб келди-да, тут тагига келиб ҳали тупроғи унча қогмаган ерга қаради. Қаради-ю, юраги шув этиб кетди. Назарда бу хазинани кимдир очгандек туюлди. Оқсоқол бундан тўрт кун аввал очиб ичидагиларни шамоллатганидан у хабарсиз эди. Опам келиб ковлаб олиб кетган бўлмасин, деган ваҳима билан шошиб кетмон урди. Юмшоқ ердан беш-олти кетмон тупроқ тортгандан кейин, кетмон тиги нимагадир қирс этиб тегди. Аъзамжон жинчироқни олиб келиб қўли билан тупроқни тимирскилаб ўнтача мусулмон гишт олди. Бирпасдан кейин ўртача бир сандиқни судраб чиқди.

— Кел, кўтаришиб юбор.— Аъзамжон терлаб кетган, ҳансирарди. Укасидан садо чиқмагач, кучаниб сандиқни судраб айвонга олиб чиқди. Сандиқ оғзида кавшдек кишан қулф бор экан. Шошиб бориб самовар олдидан теша олиб келди-ю, икки-уч уришда зулфинини суғуриб ташлади. Қопқоқни очиб, тепасига чироқ тутди.

Аъзамжоннинг чироқ тутган қўлларини қалтирар, ўзини гандиракларди.

— Низом, Низом,— деди ҳайрат ва қўрқинчда. У шундай дерди-ю, сандиқдан кўзини узолмасди.

Шу аҳволда Аъзамжон беш-ўн дақиқа туриб қолди. Охири ўзини ўнглаб сандиқ тутқичидан судраб ичкари уйга олиб кирди.

Том ёнғинда ўпирилиб тушган, жанозага келганлар

Ўтириши учун ичи тозаланиб қурум аралаш сомонли тупроқ кетмонда ётқизилган эди.

Аъзамжон югуриб ҳовлига тушди, ҳеч қаёққа қарамай кўча эшикни занжирлаб, ичидан тамба қўйиб келди. Кейин Низомни қўлидан судраб ичкарига олиб кирди. Айвонда қолган жинчиरोқни токчага қўйди.

— Қара, манавиларни қара, ука!

Низомжон сандиқ ичига қаради. Тепадан тушиб турган ой нурида, липиллаётган жинчиरोқ шуъласида сандиқ ичи қандайдир сирли манзара кашф этган эди.

Ака-ука шу ота билан бир уйда яшаб шунчалик катта хазина борлигини билишмаган эди. Ота куйгандан кейин хужрадан судраб чиқилган, ярми куйиб ҳеч нарсага арзимайдиган бўлиб қолган буюмлар катта бир магазинда ҳам топилмас эди. Ота бу молларни уруш йиллари рўзғорда тағлиқ кўрган кишилардан сув текни тушириб олганди. Ҳовли четида ярми, ўртаси, чети куйган саккиз қашқар гилами, тунукага ўхшаб қолган ўттиздан ортиқ мол териси, йигирматача хром, амиркон, ўт ўчирувчилар сув сепганда бўёғи бир-бирига ўтиб кетган эллик тўпга яқин атлас, қоракўл терилар... ҳаммаси энди яроқсиз буюмга айланган. Мана бу сандиқда қишлоқ аҳли у ёқда турсин, бутун шаҳар ҳайратда қоладиган олтин-кумушлар, қимматбаҳо тошлар, марваридлар, пачка-пачка пуллар.

Аъзамжон шошиб пулларни сандиқдан чиқазарди. Юз сўмликлар, эллик сўмликлар юздан қилиб бели бойланган. Сандиқда сал кам бир миллион сўм пул бор эди. Низомжон пулларга совуқ назар ташлаб турарди. Аъзамжон шода-шода марваридларни, пахтага ўралган бриллиантларни ола бошлади. Акаси кетма-кет қимматбаҳо тилла зираклар, билагузукларни оларкан, Низомжон беихтиёр сандиққа энгашди. Сандиқ четида иккита ингичка тилла билагузук турарди. Низомжон шошиб уни қўлига олди. Олди-ю, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Билагузукларни кўзи олдига олиб келиб тикилди. Негадир ҳидлади. Бу билагузуклардан онасининг ҳиди келаётганга ўхшади.

Бу билагузук онасиники эди. Низомжон бирдан болалигини эслади. Ҳали энди йўлга кирган гўдак экан, она бағрида эркаланар, унинг қўлидаги шу билагузукларни ўйнарди. Она қўлида ухлаб қолган пайтларида болдирига, куракларига шу билагузукларнинг изи тушиб

қоларди. Орадан қанча йиллар ўтиб Низомжон мактабга қатнай бошлаганида негадир ўша билагузукларин эслаб она билагига қаради. Ушалардан фақат биттасигина қолган эди. Низомжоннинг билгиси келиб сўради:

— Ая, билагузугингизнинг биттаси қаёқда.

Аяси афсусли бир оҳангда деган эди:

— Болам, сен ёш пайтингда қаҳатчилик бўлган эди, даданг сотиб бир қоп ун олиб келган. Улмай қаҳатчиликдан ўтиб олганмиз.

Иккинчи билагузукни дадаси қирқ иккинчи йилнинг бошида онасининг билагидан чиқазиб бозорга обориб сотиб келган эди. Буни Низомжон яхши эслайди. Мана, ўша билагузуклар. Демак, дадаси уларни сотмаган. Енида шунча пули бўла туриб хотинининг билагидаги узукка қасд қилган.

Шу топда, куйиб кул бўлган уй харобалари ичида, олтин-кумушлар тепасида туриб Низомжон онасининг мунгли, тирикчилик азоблари гижимлаб ташлаган юзларини, ҳамиша ўйчан, ҳамиша ғамгин кўзларини, тўй-ҳашамларга, маърака-ю зиёфатларга киядиган атиги биттагина сатин қўйлагини эслади.

Мана, хотинини ямоқ-яскоққа ўраб йиққан атласу кимхоблар куйиб ётибди. Мана онасининг билагузуклари...

Низомжоннинг кўзидан тирқираб ёш отилиб чиқди. Ўзини тутолмай алам-ситами билан йиғлаб юборди.

Аъзамжон ҳеч нарсани ўйламас, эсанкираган, ўзини унутган эди. Унда шу топда ота қони гупирган, пуллар олдида, олтин у кумушлар, марвариду ёқутлар олдида жиннига ўхшаб гоҳ илжаяр, гоҳ аллақандай ваҳший товуш чиқарарди.

Охири Аъзамжон чарчаб, сандиқ четига ўтирди. Куядори бўлиб кетган қўлларини шимиға артиб, билаги билан пешона терларини сидирди.

Ака-ука бир-бирларига қарамай анча вақтгача индамай ўтиришди. Четларидан қамишлари осилиб қолган қора девордан ой нари кетди. Жинчироқ ҳам липлип қилиб сўнди. Низомжон қўлидаги она билагузугини қисимлаганича ўтираверди. Узоқ-яқиндан хўрозлар чақира бошлади. Осмонни заминда узун, куйган симдек нурли чизик тортиб юлдуз чиқди.

Аъзамжон ташқарига чиқиб кетди, нималарнидир тарақлатиб анча вақтгача овора бўлди.

Низомжон ўтирган ерида изтироб оловида куйиб, жизғанақ бўлиб болалгини, онасини, шу ҳовлида кечган ҳам аламли, ҳам гўдақ шодликларини эслади.

Низомжон ота бағрида яйрамаган эди. Дадаси кечқурун бозордан қандайдир асабий кириб келарди. Низомжон эркаланиб истиқболга отилган пайтларда дадасининг биринчи айтган гапи шу бўларди:

— Нарн тур!

Шунда марҳум онаси:

— Бери кел, болам, даданг чарчаб келганлар.

Низомжон бошини икки елкаси орасига босганича онасининг олдига қайтиб келарди-да, мунғайиб ўтирганича ухлаб қоларди. Эрталаб уйғонганда дадаси эски-туски тўла қопини орқалаб чиқиб кетаётган бўларди. Бўйи чўзилиб тенгқурлари қатори кийингиси, ясангиси келган пайтларда ҳам дадасига кийим тўғрисида оғиз очмасди. Дадасининг феълини биларди. Шунда онаси: «Қўй болам, дадангнинг қаттиқлиги қурсин, ямоқ бўлса ҳам устинг бут-ку, шукур қилгин», дерди.

Мана, Низомжон кап-катта йигит бўлди, ўз йўлини ўзи топиб кетди. Пул топиб, рўзгор тебрата бошлади. Ҳалигача янги шим, янги этик кийгани йўқ. Ҳар ойнинг бошида опаси бориб, дадам очдан ўлапти, қари отангни шундоқ зор қақшатиб қўясанми, деб топган-тутганини юлиб келади.

Уйланганига икки йилдан ошди, ортириб Зебихонга ҳали биронта янги кўйлак олиб беролгани йўқ. Бечора Низомжон топганини шуларга едириб, шуларга кийдириб ўтирибди.

Бу уйда икки киши пул топарди. Бери дадаси Иноят оқсоқол, бири опаси Рисолат. Рисолат топганини сандиқчасига яширарди. Дадасининг пулни ҳеч ким, ҳатто онаси ҳам кўрмаган.

Аъзамжон дадасига ҳам сўз бермасди. Топганини уйга олиб келмай, ўртоқлари билан гузарда йўқ қиларди. Низомжоннинг эсида, дадаси бир кун қоқ ярим кечада тутқаноқ тутгандек қўллари, оёқлари тортишиб қолди. Оғзидан кўпик чиқди. Низомжон оёғини, онаси елкасини уқалади. Чол ўзига келиши билан сапчиб ўрнидан турди-ю, Аъзамжонни ётган еридан судраб чиқиб ҳовузча лабига опкелиб орқасига бир тепди. Бола уйқуси қочмагандан довдираб ҳовузчага тушиб кетди. Чол толдан хивич синдириб, унинг боши, кўзига сола-

верди. Аъзамжон ҳовузнинг қай тарафидан чиқиб қотмоқчи бўлса, дадаси ўша тарафга ўтиб саваларди. Онаси чирқиллаб эри орқасидан айланар, чол ора-сира унинг ҳам бошига чивиқ туширарди. Оқсоқол то чарчагунча болани савалади. Чарчаб ўтириб қолди. Аъзамжоннинг башарасини таниб бўлмасди. Бурун устлари, юзлари, пешоналари кўкариб, қон талашиб кетганди.

Аъзамжон кейинги кунларда сал бойваччароқ юриш бошлаган эди. У дадасининг пул бекитадиган жойини кўриб қолган, ҳар кун билдирмай битта қизил ўттиз сўмликини суғуриб олиб чиқиб кетар экан. Бу оқшом Оқсоқол пойлаган эди. Аъзамжон ҳамма ухлаганда секин ичкари уйга кириб, ўзи билган ўша жойдан ўттиз сўмликини суғуриб, этигининг қўнжигга яшириб, ўрнига хотиржам келиб ётган. Ана шундан кейин чол ўрнидан туриб этик қўнжидан пулни олгану, ухлаб ётган ўғлини судраб олиб чиққан.

Шундан кейин Аъзамжон анча вақтгача дадасининг пулига тегмай қўйганди. Пулга ўрганган боланинг иши қийин. У кейинчалик опасини чирқиллатадиган бўлди. Опаси йиғлар, аммо она бечора даданг билмасин, укангни ўлдириб қўяди, деб ялинарди.

Низомжон ҳозир мана шуларни ўйлаб ўтирибди. Ўйлаб қараса бу уйда, у туғилиб ўсган шу уйда фақат пул жанжали, мол жанжалини кўрибди. Муҳтожликдан бошқа нарсани билмабди.

Низомжон атрофга қаради. Тонг отиб келарди. Алам, кўз ёшлари, муҳтожликлар, хўрликлар, ҳақоратлар билан бирга куйиб тамом бўлган бу кўҳна уй тепасида субҳи содиқнинг енгил, жуда ҳам енгил шабадаси эсиб ўтарди.

Куйиб кул бўлган уй харобаси устида оппоқ тонг отиб келарди.

Ташқарида машина овози эшитилди. Аъзамжон бундан уч кун олдин Қувадан миниб келган «Виллис»ни колхоз саройинга киритиб қўйган эди. Олиб келди шекилли. Аъзамжон шошиб кирди-ю, кечаси сандиқдан чиқазган пулу молларни қопга сола бошладди.

— Кўтар!— деб буюрди Аъзамжон.

Низом ўрнидан турди-ю, қопни кўтармади. Ҳовлига чиқиб кетди.

— Аҳмоқ!— деди Аъзамжон. Кейин битта қопни елкага олиб, биттасини судраб кўчага чиқди.

У ёқ-бу ёққа қаради. Укаси кўринмасди. Жаҳл билан эшикка қулф уриб машинага ўтирди.

Ҳали кўчада одам йўқ эди. Саҳархез чоллар ҳам ҳали уйғонмаган. Кўприк олдига етганда машина Низомжоннинг ёнига келиб тўхтади.

— Чик!— деди Аъзамжон амирона товуш билан. Унинг овози хунук, жуда ҳам хунук эди.

Аъзамжон укасининг елкасидан туртиб машинага олиб чиқди.

— Жинни-минни бўлдингми, бола. Қачонгача чўлда пашшага ем бўлиб, кетмон чопиб, балчиқ кечасан. Мана пул, бутун умрингга, бола-чиқаларингга стади. Қоқ ўртасидан бўламиз. Бу пуллар ўғрилиқ билан топилган эмас. Бу ҳалол пул. Дадам бу пулларни менинг, сенинг, онамининг ризқидан юлиб топган. Ўзи сен билан менга васият қилди-ку.

— Менга керак эмас,— деди совуққонлик билан Низомжон.

— Вой, аҳмоғ-е,— деб эрмак қилди акаси.— Жинни-вой, ахир тушунсанг-чи, ҳозир бизникига бориб бўлишамиз. Баб-баравар бўлишамиз. Ана ундан кейин қаерни хоҳласанг, ўша ерга бориб маза қилиб яшайсан.

Низомжон акасининг кўзига тик қаради.

— Бу пулларга сен ҳам, мен ҳам тегмаймиз. Ҳозир тўппа-тўғри банкка бориб топширамиз.

— Нима-аа?!

Низомжоннинг ҳали-ҳали эсида. Уруш йили звено қизлари мудофаа фонди учун бўйниларидаги марваридларни борми, бармоқларидаги узуклари борми топширишган эди. Ушанда Низомжон бир чеккада без бўлиб ўтирган, бошини кўтаролмаган эди. Адолат, ҳа Низом, сен ҳам бирон нима топширмайсанми, деганида, Асрора, Низом Иноят оқсоқолнинг битини топширадими, деб эрмак қилган эди. Ушанда ер ёрилмади-ю, Низомжон кириб кетмади. Ана шу хижолатни ювадиган пайт келди. Ҳозир уруш йўқ. Аммо уруш вайрон қилган ерларни тиклашга ҳар ким қўлидан келган ёрдами-ни бериши керак. Мана, Низомжон билан акасининг ёрдами.

Низомжон акасига ялинган оҳангда деди:

— Ака, бир мард бўлинг. Ўнгит кишининг моли ерда, дейдилар. Билагимизда кучимиз бор экан, ўз толенмиз-

ви ўзимиз яратайлик. Келинг, шу пуллар бузилган ша-
ҳарларни тиклашга ёрдам бўлсин. Ҳукуматга қарашай-
лик.

— Ҳукуматдан қарзим йўқ,— деб дўнғиллади Аъзам-
жон.— Ҳукумат деб қон тўкиб келганман. Ҳукумат-
ни девори йиқилган бўлса, ўзи урсин.

Низомжон шу одам билан бир қориндан тушганига
ишонгани келмасди.

— Урушда қон тўкиб келдим дединг. Шу гавнинг,
шу фикру ўйнинг бўдса қанақа қилиб урушганинг шун-
доққина билиниб турибди. Билиб қўй, мен бор экан-
ман, бу пулларнинг бир тийинини ҳам томоғингдан ўг-
қазолмайсан.

Аъзамжон уни эрмак қилиб кулди.

— МВД ўз уйнмизда экан-ку, билмай юрган экан-
миз. Аҳмоқ, эшшак.

Машина Марғилонга келиб қолганди. Низомжон ма-
шина рулига ёпишди.

— Бу ёққа бур. Бур деяпман!

Аъзамжон укасини тирсағи билан туртиб юборди.

— Ҳайвонлик қилма!

— Бур деяпман!

Аъзамжон чаққонлик билан руль бурар, оёғи билан
кучининг борича моторга газ берарди. Машина ўқдек
учиб Тошлоқ йўлига бурилиб кетди.

Эшк олдини супураётган чоллар, намозга кетаёт-
ганлар бесаранжом келаётган машинага четлашиб йўл
беришарди.

Низомжон тирсак тегиб кўкарган кўзини ишқаб
акасига ёв қараш қилди. Пайт пойлаб машина кали-
тига чанг сояди-ю, суғуриб олди.

— Нима қиляпсан? Нима қиляпсан?

Машина йўл четига чиқиб секынлай бошлади. Ни-
зомжон қулочкашлаб туриб калитни йўл четига отди.
Мотори ўчган машина ювошгина тўхтади.

Бу Марғилон билан Тошлоқ ўртасидаги овлоқ ер
оли. На одам кўринади ва на бирон арава.

Аъзамжон ўзини гуп этиб ерга отди-ю, укасини суд-
раб туширди.

— Хўш, нима қилмоқчисан!

Жавобсиз безрайнб турган укасининг бетига шапа-
лоқ тортиб юборди. Низомжон акасига мушт кўтарма-
ди. Туриб берди.

— Кетолмайсан! — деди Низомжон. — То бирон машина ўтгунча шу алфозда олиб тураман.

— Вой, аҳмоғ-е, бу машина калитсиз ҳам юраверади. Қулфининг симини бир-бирига уласанг вассалом.

— Барибир кетолмайсан.

Аъзамжон мана, мана, деб унинг бетига шапалоқ солди-ю кабинага кириб, қулфни суғуриб олди. То Низомжон келиб ёпишгунча симни улади қўйди. Яна мотор гуриллади.

Низомжонга қайдан куч пайдо бўлди, ўзи ҳам билмасди. Акасининг ёқасидан бўғиб пастга тортиб туширди. Кўкрагига калла селди. Қорнига тепди. Аммо бу калла уришлар, тепишлар барзангидек бақувват йиғитга чумоли чаққанча ҳам таъсир қилмасди. Охири Аъзамжон уриш, маъавунақа бўлади, деб укасини савалаб кетди. Низом бошини қўллари билан бекитар, ўзини унинг чангалидан қутқаришга уринарди. Аммо акаси ҳайвондек ўкириб уни савалашдан тўхтамасди. Низомжон йиқилди. Йиқилди-ю, бир инграб қимирламай қолди. Акаси унинг қовуғига ёмон тепган эди. Аъзамжон ҳансираганича кабинага югуриб бориб сакради. Боятдан бери мотори гуриллаб турган машина жойидан қўзғалди, оқдида дўнглик борлигидан орқага тисарилиши керак эди. Қимирламай қолган Низомжон мотор товушидан яна сапчиб турди, жонҳолатда машина йўлини тўсмоқчи бўлди-ю, кўчаинг қоқ ўртасида маст одамдек туриб қолди. Кишпаган отдек сапчиб жойидан қўзғолган машина Низомнинг елкасидан уриб ўтиб кетди.

Низомжон йўл четигаги чангга беланган майса устига она биллагузугини чангаллаганича ҳолсиз йиқилди-ю, ҳушидан кетди...

VI

Июлнинг йиғирма олтинчи куни эди.

Ҳаво очик. Офтоб тепадан олов пуркарди. Қолхоз ранси Меливой ака отда келди. У офтобда қизариб кетган, пешоналаридан, бўйинларидан тер оқарди. У отдан тушибоқ Холматжонни сўради. От Тошлоқдан Наймангача тўхтамай йўртиб келганидан кўпириб кетган эди. Самоварчи унга яхна кўк чой тутди. Холматжонни ҳозир чақиришини айтиб, нон ушоқлари тўкилган шол-

чани қоқиб янгитдан ёзди-да, уни ўтиришга таклиф қилди. Дастёр бола эшагини миниб Холматжоннинг дала-сига кетди.

— Ишлар қанақа кетяпти,— деди Меливой ака самоварчига.

— Холматжон барака топсин, зўр бола экан. Оғзидан бирон беодоб гап чиқса-чи. Унисини ака деб, бунисини ука деб ишга соляпти. Чортеракнинг қизлари ҳам чакана эмас экан. Дилдор дегани бор экан, тавба қилдим, дсб гапирай-ку, иккита эркакнинг ишини бир ўзи қиляпти. Офтобни офтоб демайди, жазирамани жазирама демайди. Ишлагани ишлаган. Эрталаб самоварга ўт ташлаётганимда трактор миниб ўтганича, кеч-қурун сўрини суғураётганимда қайтади. Битта бахти бор йнгитнинг уйини обод қиладиган жувон экан, барака топкур. Шу ҳусн, шу қадди-қомат бошқа жувонда бўлса, қошига ўсма, кўзига сурма тортиб ойна олди-дан жилмайди. Бу унақасидан эмас экан. Номард эри ташлаб кетди. Бошқа хотин олди.

Самоварчи тинмай гапирарди. Меливой ака ўтирган ерида мудрарди.

Меливой ака ўғли ўлгандан кейин сўлиб, озиб, бўйинларидаги ажинлари кўпайиб қолганди.

Меливой акага қариллик энди кучини кўрсатиб қўйган эди.

Тўрт йиллик уруш қийинчиликларидан одамларни толиқтирмай, қоқилтирмай олиб чиқиш, болалари келгунча асраб-авайлаш осон бўлмади. Шу тўрт йилнинг икки йили колхоз планини бажаролмади. Планки бажарилмади, колхозчининг ноши яримта бўлди деган гап. Уруш ҳам тугади, ҳамманинг бўлмаса ҳам, кўпчили-нини боласи бири ярадор, бири бутун қайтиб келди. Аммо унинг ёлғизи қайтмади. Шундоқ катта урушдан соғ чиққан бола японининг ўқиға учради. Меливой ака йиғлаб йиғлолмасди, кулиб кулолмасди. Йиғласа, бунақа жудоликка учраган бир у эмас-ку. Кулса, қандоқ қилиб куладп, кўзининг оқу қораси қайларда, бегона тупроқда кафансиз ётибди.

Меливой ака пинҳоний йиғларди. Унинг кўзи куларди-ю, ичи йиғларди.

Юрт кўзидаги одамга қийин бўлади. Бу хил одамлар шахсий ҳаётини унутиши, юрт ишига зид келадиган жами манфаатлардан воз кечиши керак. Аммо жу-

доллик, айниқса, фарзанд доғи ҳар қандай иродаси пўлат кишини ҳам букади, юзига ажин солади, кўзини намлайди.

Меливой ака ана шуи доқ алам оташида қовуриларди.

Холматжон от чоптириб келди. Эгардан тушибоқ раис билан омонлашиб, ёнига ўтирди. Холматжоннинг Меливой акани кўрмаганига ҳам икки ҳафтача бўлиб қолган. Дала ишлари қизиган, бу жойлар тўқай ўрни бўлганидан ўт ҳаммани шошириб қўйган эди. Холматжон чўлнинг ҳали у ерида, ҳали бу ерида пайдо бўлар. Ишлаётганларни сен яхши, сен ундан яхши деб алдаб-сулдаб ишга соларди. Меливой ака қариб кучдан қолганидан даланинг узоқ жойларига етиб боролмас, чарчаб қолиб ярмидан қайтарди. У неча марта правление мажлисида, қариб қолганини, ишга ярамаётганлигини айтиб, раисликдан туширишларини сўради. Колхозчилар кўнишмади. Уруш қийинчиликларида юртга ота бўлган одамни, тинчлик пайтида четга чиқазиб қўямизми, деб яна ўзини раисликда қолдиришди.

— Ота, сиз хотиржам бўлинг. Шошилмай, кучингиз етганча раислик қилаверинг. Асло сизни хижолатга қўймаймиз. Даладан битта ортиқча ўт тополмайсиз, план тўлдирмаган звено у ёқда турсин, битта ҳам одам қолмайди. Агар пенсияга чиқиб кетадиган бўлсангиз, орқагиздан юздан ортиқ киши пенсияга чиқиб кетади. Биз сизнинг болаларнингиз. Буюраверинг. Биз гиринг демай бажараверамиз. Сиз колхозимизнинг доний раисисиз.

Бу гаплар Меливой акага қувват бўлар, яна дала кезиш, яна ер титкилаш, яна пахта ташвиши бошланиб кетарди.

Барибир у қариб кучдан қолган, илгариги ғайрати қолмаган эди.

Мана ҳозир ўн беш йил шу хўжаликка ота бўлган, ўзи колхоз тузиб, ўзи йўргаклаган, ўзи оғир кунлардан опичлаб олиб ўтган одам иссиқда ҳансираб ўтирибди. Бошида юрт ташвиши, кўнглида бир дунё алам.

Холматжон унга қараб туриб ачиниб кетди. Холматжон уни яхши танимас эди. Ахир унинг тўрт йил умри урушда ўтди. Ундан нарёғи Чортерақда кечган. Боқча ая Меливой аканинг кимлигини, қандоқ одамлигини айтиб берган эди. Холматжон унинг саргузаштларини эшитиб қойил қолган. Шу топда қаршисида ҳар ишда ўрнак олса бўладиган, ҳатто тақлид қилиб яшаса ар-

зийдиган одам ўтирибди. Гўё ёнида тирик бир мактаб тургаидек эди.

Рансинг кўзидан мудроқлик қочди. Холматжоннинг елкасига қўлини ташлаб, меҳр билан боқди.

— Баракалла ўғлим. Далангни кўриб келдим. Йўлдаги пахталаринг жуда яхши. Файрат қипсан, болам.

Холматжон унинг гапларига раҳмат, ҳали камчилиги кўп, деган жавоб бериб турди. Меливой ака совуб қолган чойни ҳўпларкан, деди:

— Эртага беш-олти йигит далага чиқмасин. Манави ерларни тозалаб, ўтларни қиришсин. Ўзинг ҳам шатта бўл. Клубдан скамейкалар олиб келишади. Манави сўриларга янги гилам бериб юбораман. Иккита катта ўчоқ ковлат. Аравада қозон, самовар, чойнак-пиёла олиб келишади. Ўзинг бош бўлиб тушириб ол.

— Мажлис борми?— деди Холматжон қизиқиб.

— Усмон ота келадилар. Митинг бўлади. Уруш даврида яхши меҳнат қилганларнинг ҳаммасига «Ватан уруши давридаги шавкатли меҳнати» учун деган медалъ топширилади. Эрталаб обкомдан телефон қилиб сени сўрашди. Сен Одер дарёсидан кечиб ўтганлар орасида бормидинг?

— Шундоқ бўлган эди,— деди Холматжон.

— Шу тўғрисида сўрашди. Кейин Харьковдан бир генерал келган, колхозингизни кўрмоқчи, дейишди. Эртага митингда у ҳам бўлса ажаб эмас, дейишди.

Холматжон ярқ этиб Меливой акага қаради. Меливой ака бу қарашнинг маъносига етмади. Ўрнидан туриб яна отига минди-ю, хайр-хўшлашиб қайтиб кетди.

Генерал келяпти. Холматжон ким келаётгани, нима учун келаётганини яхши билади. Генерал Зайченко билан Холматжон минг тўққиз юз қирқ биринчи йилнинг декабридан бери таниш. Холматжон унинг қўлида уч ярим йил хизмат қилди. Не-не жангларда бирга бўлмади. Охири Одердан кечиб ўтишда яраланганидан кейин госпиталда бир кўришди-ю, шундан кейин бир-бирларининг изларини йўқотишди.

Одер учун бўлган жапг аёвсиз жангларнинг бири эди. Бу жанг, бу кечув иккинчи жаҳон уруши тарихида алоҳида бир саҳифадан жой олган.

Зайченко дивизиясининг жангчилари қирғоқ томон тунда эмаклаб келишарди. Орқада артиллерия, танк кўшинлари...

Биринчи кечиб ўтадиганлар қаторида Холматжон йўқ эди. Саккиз жангчи кечиб ўтиб, немисларнинг ўқ отиш нуқтасини вайрон қилишлари керак эди. Василий Жирнов бўлинмаси энди сувга тушмоқчи бўлиб турганда нариги қирғоқдан ўт очиб қолишди. Икки киши шу ернинг ўзида қонга беланиб йиқилади. Бу пайт кечиб ўтувчиларнинг ҳужжатларини сумкасига солаётган Холматжон бута орасида дурбин билан нариги қирғоқни кузатаётган Зайченкога мурожаат қилди.

— Рухсат этинг, ўртоқ генерал, мен борай?

Генерал ўйлаб туриб:

— Рухсат,— деди.

Холматжон ўзини сувга отди. Дарёнинг қоқ белига келганда, олдинма-кетин гоҳ шўнғиб, гоҳ кўришиб сузаётганларни ўққа тутишди. Бериги қирғоқдан жавоб ўқлар янгради. Одер устидан у ёқдан-бу ёққа оловли иплар тортилгандек бўлиб кетди.

Холматжон ёшлигида қишлоқ масжитидаги ҳовузда болалар билан чўмиларкан, сув тагида ким узоқ туриш ўйнаб ютиб чиқарди. У бармоқлари билан бурни ва қулоғини беркитиб сув тагида узоқ-узоқ тиззалаб ўтира оларди.

Унинг бу машқи шу кун, катта жанг олдидан иш бериб қолди. Холматжон тўрт шўнғишда нариги қирғоқда пайдо бўлганди. Атроф қоронғи. Сув бетида прожекторлар, ўқ ёяқинлари ялт-юлт қилиб сўнади. Холматжон бута орасидан дарёга разм солди. Дарёнинг кўз илғайдиган жойларидан тўрт-беш жангчилар сузиб ўтишяпти. У шериклари сувдан чиққунча кутиб турди. Кейин тўрттовни тўрт тарафга қараб эмаклаб кетишди. Холматжон икки граната билан пулемёт уясини яксон қилди. Яна эмаклаб кетди. Орқа тарафдан келаётган саккиз чоқли немис солдатига қарата автоматдан бир қатор ўт очиб ер тишлатди.

Дарё тепасидан артиллерия ўқлари олов пуркаб ўта бошлади. Бериги қирғоқда саросима бошланди. Холматжон ҳали у ёққа югурар, ҳали бу ёққа югурар, қоқилар, йиқилар, олдидан чиққанни автомат қўндоғи билан уриб ағдарарди.

Тўрт немис миномёт оғзини бериги қирғоққа тўғрилаётгани тепасидан чиқиб қолган Холматжон бир дам эсанкираб қолди. Граната ирғитай деса миномётчилар ундан атиги тўрт метр нарида, портласа ўзи ҳам ши-

кастланиши мумкин. Нарн кетай деса ўртада дўнг бор, мўлжални тўгри ололмаслиги мумкин. Автоматни ишга солишдан бошқа иложи йўқ эди. Шундай қилди. Учасини қулатди-ю, тўртинчиси унинг ўзини йиқитди. Холматжон ҳушидан кетди. У дала госпиталининг юк машинасида ўзига келди. Болдирн зирқираб оғрир, ўнг елкаси ачишарди. Уқлар, бомбалар ўйдим-чуқур қилиб ташлаган фронт йўлида машина безовта силкиниб бораркан, ёнгинасида кимдир ингради. Холматжон машаққат билан бошини бурди. Кўзи таниш кўзлар билан дуч келди.

— Уртоқ генерал!

Унинг ёнида чап қўли елкасигача бойлаб ташланган генерал Зайченко ётарди. Зайченко чекаётган оғриғини сездирмасликка уришиб машаққат билан илжайди. Бир қоши сал кўтарилди. У солдатларга, бардам бўлинглар, болаларим, деганда бир қоши шунақа қилиб кўтарилиб қўярди. Бу гал ҳам шундоқ бўлди. Ичида шу гапни айтган бўлиши керак.

Холматжон госпиталь палатасида кўкка боқиб ётар экан, коридордан қулоғига таниш овоз эшитилди. Қўлтиқтаёғи билан эшикни итариб очиб қўйди. Дераза олдида кичик сержант кийимида Аъзамжон ким биландир гаплашиб турарди. Холматжон овоз чиқазиб уни чақирди. Икки ҳамқишлоқ дўст дийдор кўришганларидан ниҳоятда шод эдилар. Аъзамжон хўжалик бўлимида аравакаш эканини, яқинда отдан йиқилиб қўли чиққанини айтди.

— Олти кун даволандим. Энди қисмимга кетяпман. Чортеракдан хат борми?

Холматжон бош эгиб маъюс жавоб қилди.

— Асрорадан хат олдим.

— Асрора хат ёзган бўлса, мени роса ёмонлагандир.

— Нега?— деди ҳайрон бўлиб Холматжон.

— Сенинг хабаринг йўқ. Мен отпусага бориб ўн саккиз кун дам олиб келдим. Аммо роса маза қилдим. Уруш бунақа кетадиган бўлса, қишлоқни яна кўраманми, йўқми. Бир гашт қилай дедим. Биласан-ку, ҳу Юнусали отанинг қизи бор эди-ку, оти Дилдор. Ушани йўлдан урмайсанми, деб шайтон галаба қилиб қолди. Тутзорда йўлнинг пойлаб ташлаб қолдим. Йўқ демади. Йўқ дермиди. Эртасига жанжал чиқадиган. Бор-е дедиму безакс тўй қилиб уйланвордим. Қайтиб борсам

бошқасини оламан. Менга унақа товукқа ўхшаб пас деса ётадигани керакмас. Аввалига Асрораларнинг менга ҳужум қиладиган эди. Ишни битқазиб қўйганимдан кейин қўлларидан нима иш келарди.

Холматжоннинг шу топда олдида қўлига яхши ният билан қурол ушлаган ҳақиқий солдат эмас, совет солдати қиёфасидаги бир малъун турарди. У оёғининг қақшатишига қарамай, қаддини кўтарди.

— Кет, кет бу ердан.

— Ҳа нега? Сенинг ҳам пулингни ютдимми. Аммо бу ердаги офнцерларнинг қартада роса ютдим. Улмасам Чортеракка бир қоп пул олиб бораман.

— Кет деяпман сенга,— деб қичқирди Холматжон.

Унинг вужудни титрар, тани темирдек қизиб кетган эди.

Холматжоннинг безовта товушидан коридордагилар эшикка бош суқишди.

Аъзамжон истеҳзоли кулиб ўрнидан турди.

— Хайр бўлмасам.

Холматжон жавоб қайтармади. Юзини тескари ўгирди.

Холматжон ўн беш кундан ортиқ палата шифтига термилиб ётди. Офтоб чарақлаб турган, эрта баҳорнинг беғубор шабадаси дераза пардаларини силкиб ўйнаётган бир эртада палата эшиги очилиб генерал Зайченконинг жиддий қиёфаси кўринди.

Унинг елкасида халат, бир қўлида газета. У аста келиб Холматжон ётган каравотнинг оёқ томонига ўтирди.

— Қалай, аҳволинг дурустми, Қоровой?

Зайченко уни эркалаб Чернявий—Қоровой деб атарди.

Холматжон ўрнидан турмоқчи эди, у газетасини ташлаб ўнг қўли билан униң елкасидан босди. Шунда Холматжон генералнинг чап қўли йўқлигини билиб қолди. Ранги оқариб, юраги шув этиб кетди. Демак, унинг бир қўлини кесиб ташлашган. Холматжоннинг ранги оқарганлигини сезган Зайченко ўзини босиб гапирди:

— Ничего. Барибир чап қўлни қўл демаса ҳам бўлади. Бир бўлди нима-ю, йўқ бўлди нима.

Холматжон билиб гурибди. Зайченко ўзини совутиш, бошқаларнинг раҳми келмаслиги учун атайин айтяпти.

— Манави газетани кўрдингми? Уртоқларнинг қаҳрамон бўлиши. Агар мен яраланмаганимда сен ҳам қаҳрамон бўлардинг. Рўйхатин менсиз тузишган. Ахир сен кечиб ўтувчилар рўйхатида йўқ эдинг-да. Кейин

қўшилгандинг. Аҳ, ярадор бўлмаганимда... Барибир ту-
залиб чиқай. Ахир сен энг муҳим вазифани аъло бажар-
динг. Энг катта ўқ очиш нуқтасини вайрон қилиб дивизиянинг кечиб ўтишига йўл очиб бердинг. Йўқ, йўқ, сен қаҳрамонсан. Мен буни шу аҳволда ташлаб қўймайман. Армия штабига ёзаман, Олий Бош Қўмондонга ёзаман. Албатта қаҳрамон бўласан.

Шу гапга ҳам мана икки йилдан ошди. Холматжон Зайченко билан госпиталда хайрлашганича қайта уч-
рашмади. Даволаниб яна жангга жўнади. Аммо жангин қувиб етолмади. Уларнинг дивизиялари аллақачон Берлинга кирган, замбаракларнинг оғзига гилоф кийдирилган. Зайченко ўрнига янги қўмондан тайинланган эди.

Холматжон Меливой ака кетгандан кейин олдига бир пиёла кўк чой қуйиб, ўша воқеаларни бир-бир эслаб ўтди.

Эртага Зайченко келади. Унинг отадек азиз, меҳрибон қўмондони, жанговар генерали келади.

Холматжон ўзини қайга қўйишини билмасди.

У бу хушxabарни биринчи бўлиб Дилдорга етказди.

VII

Эрталаб Аъзамжон «Виллис»да Найманга келди. У шу пайтгача укасининг уйини кўрмаганди. Кўчада ўйнаб юрган болалардан суриштириб уйини топгандан кейин, юраги орқасига тортиб кетди. Низомжон ўлиб-нептиб қолган бўлса-я. Уша куни жаҳл устида ҳар иш бўлди. Нега ўзи ўқдек учиб кетаётган машинанинг йўлини гўсади. Борди-ю, тирик бўлса ҳозир чиқади-ю, бошига одам йиғади. Ҳамма бўлган гапларни айтиб беради.

Аъзамжон шундай хаёллар билан эшик олдида турган эди бола кўтариб Зебихон чиқиб қолди. Аъзамжон келинини ҳам танимаydi. Кўрмаган. Аммо Зебихон унинг суратини кўрган. Ундан ташқари бир қараган киши қошкўзидан, қадди қоматидан Низомжоннинг акаси эканини дарров пайқаб олади.

— Қелинг,— деди Зебихон сал эсанкираб.

Аъзамжон нима дейишини билмай бир энтикиб олди.

— Низомжоннинг уйи шуми?

— Ҳа, шу. Кириг, ака.

— Ўзи уйдами?— деди паст овоз билан Аъзамжон. Унинг бу товушидан нимадандир қўрқаётгани шундоқ-қина сезилиб турарди.

— Йўқлар. Дадам Заркентга, дўхтирга олиб кетдилар.

Аъзамжоннинг боятдан бери таранг бўлиб турган асаблари бирдан бўшашди. Ўзини ўнглаб олди. Укасининг касаллигини билгану, кўргани келгандек ўзини тутишга уринди.

— Заркент касалхонасига кетишдимиз? Майли, ўшаққа бора қолай. Манави омонатни ўзига бериб қўясиз-да.

— Эшикка киринг, ака, чой-пой ичиб кетинг.

— Кейин, кейин,— деди Аъзамжон ҳозир укаси келиб қолаётгандек шошилиб.

У тугунни Зебихоннинг қўлига берди-ю, шошилиб, хайр-маъзур қилмай машинасига ўтириб жўнаб қолди.

Зебихон Аъзамжоннинг бесаранжомлигини укасининг потоблигидан деб ўйлади-ю, тугунни тоқчага ташлади. Низомжон бўлган воқеаларни хотинига ҳам, Икромжонга ҳам айтмаган эди. Нима бўлди, деб сўрашганларида, Марғилон бозори олдида мастлар талашди, деб қўя қолган эди. Зебихон, ҳар қалай ака-да, юраги ачиб кўргани кепти, деб Аъзамжонга меҳри товланиб кетди.

Низомжон бўлса бугун тўрт кундирки, қаттиқ оғриқ азобидан сал енгил тортиб Икромжоннинг қистови билан врачга кўрсатгани кетганди.

Аъзамжон кетди-ю, орқама-орқа Икромжон билан Низомжон келишди.

Низомжон оқсоқланмай ўз оёғи билан кириб келди. Егавериб ранги синиқиб, соқоллари ўсиб кетганидан ғалати бўлиб қолган эди. Энди дада-бола соқол олдиришипти.

— Акангиз келиб кетдилар, йўлда учрашгандир-сизлар,— деди Зебихон.

Икромжон кўрмаганини айтди. Низомжон бепарвогина, шунақами, деб қўя қолди.

— Манави тугунчани бериб кетдилар.

Зебихон тугунни Низомжоннинг олдига қўйди. Низомжон бўлса, уни бепарвогина олиб ёнига ташлади. Низомжон бу тугунда нима борлигини билади. Отасидан қолган меросдан теккан улуш. Шунча нарсани у нима қилади.

Икромжон шошиб чой ҳўплади-ю, ўрнидан турди.

— Болам, сен дамнингни олиб ёт. Мен одамларни митингга хабар қилай. Сен бораман, деб овора бўлиб

Ўтирма, узилб қоласан. Сал дармонга киргин, ундан кейин қаёққа десанг, ўзим обораман.

Икромжон чиқиб кетди. Зебихон қўлида мудраётган боласини кўтариб ҳовлига олиб чиқди-да, ток сўрисига осилган беланчакка ётқизиб алла айта бошлади.

Низомжон сурилиб тугунни олди. Ечиб матоларга қаради. Пул. Тилла, кумуш асбоблар. У чорсини яна тугиб ёнига қўйди.

Кейинги кунларда Низомжон ҳам руҳан, ҳам жисмонан чарчаган эди. Отасининг ўлими, акасининг пасткашлиги, опасининг безбетлиги уни қаттиқ эзган бўлса, акасининг калтаклари, машинага уриб ўтиши уни тамоман ҳолдан тойдирган эди. Яхшиям Икромжон бор экан, атрофида гирдикапалак бўлиб оёққа турғизди. Уч кун қимирламай бошида ўтирди.

Дунёда пасткаш одамлар қанча кўп бўлмасин, асл одамлар ундан кўп эканига Низомжон кўпдан иқроп бўлганди. Энди буни яна бир марта таъ оляпти.

Икромжон кийингани келди. Низомжон ҳар қанча ялинса ҳам йўқ, сен борма, болам, уриниб қоласан деб кўнмади. Кийиниб, тараниб чиқиб кетган Икромжон орқасидан Низомжон ҳам кўчага чиқди. Катта тол гагида тепасига қизил алвон тақилган оқкита юк машинаси турибди. Ясанган, кўкрагига орден, медалларини таққан фронтчи йигитлар, бошларига гижим рўмол ўраб, атлас кийган жувонлар машина атрофида туришибди. Ҳамма йиғилиб бўлгандан кейин, Тоға олдинги машина кабинасига ўтирди. Олдинма-кетин икки машина йўлга тушди. Машина тепасидагилар қийқиришиб Низомжон олдидан ўтиб кетишди. Бирдан Найман жимиб қолди. Ичкаридан Зебихоннинг майин товуш билан айтаётган алласи-ю, тол شوҳидаги қушларнинг вижир-вижири эшитиларди, холос.

Низомжон акаси ташлаб кетган пулларни нима қилишини билмай боши гаранг эди. Шунча пулни у нима қилади? Мана, бугун ҳамма митингга кетди. Низомжон шу пайтдан фойдаланиб милицияга обориб топширсинми? Шундоқ қилгани маъқул. Бугун районнинг катталари шу ерда. Дадаси билан милиция бошлиғига учрашиб, уч-тўрт кишининг гувоҳлигида топширади. Ана шундоқ қилса дуруст бўлар. Дадаси, сен борма, деб тайинлаб кетишига қарамай ўша тарафга боргиси келди. У бола бўлиб ҳали бунақа тантаналарни кўрмаган. Мудофаа

министрининг ташаккурномасини топширишда ҳам бўлмай уни Асроранинг қўлидан олганди. Кўнгли алланечук бўлиб уйга қайтиб кирди. Эрининг авзойини кўрган Зебихон қараб туриб, борингиз келянтими, деб сўради.

Зебихон жуда зийрак жувон эди. Кўзига қараб эрининг диллидагисини билиб оларди. У Марғилонда калтак еб келгандан бери ичини нимадир тиндалаётганини ҳам билган. Калтаклаишида ҳам бир сир борлигини пайқаб юрибди. Аммо сўрамади. Низомжон бир кунни айтиб беришини ҳам у билди. Эр-хотин орасида ҳеч қандай сир бўлмаслигини улар аллақачон гаплашиб олишган. Модомки Низомжон сирини айтмаётганими, демак, жиддийроқ бир иш бўлган.

Беланчакдаги боланинг кўзи илинди. Пишиллаб ухлаб қолди. Зебихон ўрнидан туриб қозиндаги Низомжоннинг ювилган кўйлагини, латта хўллаб артиб-суртиб қўйилган, эскироқ бўлса ҳам ҳали кийса бўладиган шинини олиб курси устига қўйди.

— Майли, боринг. Сал ёзилиб келасиз.

Низомжон шуни кутиб турган экан, индамай бориб кийини бошлади. Эрининг ювилавериб сузилиб қолган кўйлагига, ранги уннаб кетган шимига, икки марта таги янгиланган этигига қараб Зебихоннинг кўнгли бузилиб кетди. Топган-тутганини бундан бир ҳафта олдин, дадам оч ўтирибди, деб опаси қўлидан юлиб олиб кетган эди. Ҳар ойнинг бошида опаси шундай қилади. Бечора ўзига биронта шим ололмайди. Бу — Низомжонга билинмаса-да, хотинига ёмон таъсир қиларди. Хотинларнинг обрўси эрининг кўчада яхши кийиниб юриши, деб биларди Зебихон. Опаси унга шундай ўргатганди. Поччаси ҳаминша тоза, дазмолланган кийим киярди. Бедазмол кийим билан Тўланбойини опаси кўчага чиқазмасди. Бечора Низомжоннинг дазмолга илинадиган кийими ҳам йўқ.

Низомжон тугун кўтариб чиқиб кетаркан, Зебихон орқасидан эзилиб қараб қолди.

Машиналар кетиб бўлган. Фақат аравалар ўтиб турарди холос. Низомжон битта-битта қадам ташлаб пиёда йўлга тушди. У бу йўлдан жуда кўп марта қатнаган. Дилдор касал бўлиб қолганда Зебихон бирон тансиқ овқат қилса пиёда обориб ташлаб келарди. Бироқ бу гал у сал жадаллаброқ бориши керак. Митинг тугаб қолса бўлган гапларин эшитмай қолиши мумкин.

Тошлоқ колхозининг Найман участкасига чақирса овоз етади. Бироқ у тарафларга тикка йўл йўқ. Қамишлар қоплаб ётган ботқоқни айланиб ўтиш керак. Шу каттакон тўқайлик йўлни узоқ қилиб турарди. Низомжон тўқай ичини кесиб ўтмоқчи бўлди. Қамишлар қуриб ботқоқ суви анча селгиб қопти. Низомжон бу тарафларга янги келганда ҳамма ёқ худди мана шундай эди. От кирса отликнинг боши кўринмайдиган қамишлар орасида тўнғиздан тортиб ўрдагу қашқалдоқлар тўлиб-тошиб ётарди.

Баҳор, куз пайтларида ҳали ҳам ўрдаклар келади. Тўқайнинг у ер-бу ерида кечалари, азон пайтларида ўқ товушлари эшитилиб қолади.

Низомжон қамишлар орасида кезаркан, беихтиёр Жаннат холани эслади. Бечора шу қамишлар орасида белига нон тугиб ўглини қидириб юрарди. Бу хотин унга қанча яхшиликлар қилган. Низомжон Жаннат холанинг кейинги кунларини кўз олдига келтирди. Озиб, бели букчайиб қолган эди бечоранинг. Оғир хаста эди. Хасталигини эридан яширарди. Икромжон унинг бирон марта инграганини эшитмади. Оғир тап оғирини ингроқсиз ўтказди, боёқниш. Агар Икромжон унинг касаллигини билса ўша заҳотиёқ Зирилламага тушириб юборарди. Йўқ, Жаннат хола дардга мард бўлиб чидади. Ақалли бирон марта инграмасдан, оҳ-воҳ қилмасдан жон берди. Ўглининг фироқида, дарду аламида шу тўқайларда жон таслим қилди.

Низомжоннинг кўзига Икромжоннинг ўглини қўлтиқтаёқ билан гўр қазиб кўмгани кўришиб кетди. Ганига беихтиёр титроқ кирди. У кунни, ўша манзарани эслаш нақадар даҳшат. Ҳар қандай даҳшатлар олдида қаддини ғоз тутган Икромжон, боласининг гўри тепасида кичкинагина бўлиб, букчайиб, башаралари муштумдеккина бўлиб қолганди.

Низомжонни гамгин ўйлар ўраб олди. Бошини қуйи солиб қамишларни шитирлатиб бораркан, дунёдан чиқиб кетгиси келарди. Яшашнинг охири шуми, шу бир сиқим тууроқми?

Олисдан, қамишлар орқасидан карнайларнинг ватиллаши, сурнайларнинг эчкига ўхшаб чўзиши, ноғора, чирмандаларнинг тараклаши эшитилиб қолди.

Низомжоннинг қадам олиши тезлашгандек бўлди. Кўз олдида Икромжоннинг сира букилмас қадди, гамни эла-

майдиған чақноқ кўзлари, энг огир даҳшатлар олдида ҳам титрамаган овози келди.

Биргина шу одамнинг қисфаси уни яна оёққа турғизди. Улим истаги бир зумда нари чекингандек бўлди. Низомжон энди карнай-сурнайлар товуши келаётган тарафга жадал қадам ташларди.

У бир зумда тўқайдан чиқиб шағал ётқизилган йўлга ўтиб олди. Йўл серқатнов, отларининг бўйинларига, ёлларига ҳар хил лебга таққан чавандозлар, бричкани тўлдирган хотин-халаж толзор тарафга ўтиб туришарди. Ора-сира «Виллис», «Эмка» машиналари ҳам ўша тарафга шитоб билан ўтиб қоларди.

Низомжон кўча ўртасида қалдираб кетаётган бричка аравага югурди. Унда йигирма чоқли қиз қўшинқ айтиб қийқиришиб боришарди. Низомжон уларга яқин қолганда бири қўлини узатди, бири уни итарди, Низомжон қўлидаги тугунчакни арава ўртасига отиб, ўзи қўл чўзган қизлар ёрдамида аравага чиқиб олди. Қизлар шўхлик қилиб тугунни унга бермай, коптокдек бир-бирларига отиб ўйнашарди. Бу қизлар ҳозир бепарво отиб ўйнаётган тугунчакда сал кам ярим миллион сўм пул, қанчалаб олтин-кумушлар борлигини билишмасди. Қизлар охири раҳмилари келиб тугунни Низомжонга қайтиб беришди. Айниқса, бир шўхроғи ҳазил қилиб унга тегажаклик қиларди.

— Келинчакка бозорлик олиб кетяпсанми? Агар ичида атлас кўйлак бўлса, ўзим тегаман.

Бу шўх қизнинг қилиқлари унга Асрорани эслатар, яна ҳазил қилишини истарди. Қиз ҳамон бўш келмасди.

— Ноз қилма. Уруш пайтида қизлар ачиб-сасиб ётган пайтдаки уйланолмабсан, энди овора бўласан. Пигитлар қайтиб келишди. Илгари қишлоқда қолган биронта маймоқ ҳам ўнта қизни чертиб биттасини оларди. Энди навбат бизга, биз энди йигирматасини чертиб биттасинга тегамиз. Чертиб кўрайми, қизлар. Қани пўкиллайдими, тараклайдими.

Қиз бармоқларини чертмакка мослаб Низомжоннинг пешонасига олиб келди, бошқаси уни туртиб юборди.

Қизлар кулишар, қийқиришарди.

Шундай ўйин-кулги билан митинг бўлаётган майдонга яқин келиб қолишди. Митинг бошланиб ҳамма ёқ суя кўйгандек жимжит экан, қизларнинг қийқириғидан ҳамма ўтирган ўрнида ўгирилиб қаради. Қизлар бир-бирла-

рини туртишиб, уялиб, секингина тол панасига ўтиб кетишди.

Низомжон машиналар, аравалар орасидан ўтиб бораркан, «Виллис»да «Казбек» тутатиб ўтирган акасини кўриб қолди. У Қува райисполкомининг раисини олиб келган эди. Низомжон акасининг бетига қарамай ўтиб кетди. Укасининг қўлида бугун обориб берган тугунини кўрган Аъзамжон машинадан тушиб унга эргашди. Бироқ Низомжон одамлар орасидан ўтиб олдинги қаторга бориб қолган эди. Ноилож қолган Аъзамжон орқароқда бўш жой топиб аста ўтирди.

Минбарда Усмон Юсупов гапирарди. Унинг гапи охирлаб қолган экаи, чарчаганидан бўйниларида, пешоналарида тер оқарди. Тез-тез ёнидан дастрўмолни олиб артар, яна гапирарди.

— ...Ёзёвон чўлларида барпо бўлган экин майдони пахтачилигимизнинг асосий базасига айланиш арафасида турибди. Эндиликда бу хўжаликлар мустақил колхоз бўлиб ажралиб чиқишлари мумкин. Марказий комитет бюроси Ёзёвонда ташкил бўлган янги хўжаликларнинг илтимосларини кўриб чиқиб, Найманда биринчи бўлиб иккита катта колхоз тузиш ташаббусини маъқуллади. Бу колхозлар Заркент колхози билан Тошлоқ колхозни базаларида вужудга келлади.

Усмон Юсупов шу кунларда республика меҳнаткашлари олдида, жумладан, Фарғона область меҳнаткашлари олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтди.

— Биз тўрт йил фашизм билан олишдик. Юртимиздан бу балони қувиб чиқариб ўз уясида яқсон қилдик. Бу ишлар, бу ғалаба бизга осонликча тушмади. Кўп шаҳарларимиз, завод-фабрикаларимиз вайрон бўлди. Рўзгоримиз издан чиқди. Энди биз вайроналикка қарши кураш бошлашимиз керак. Шаҳарларини тиклаш, заводларни қайта юргизиш, далаларимизда тер тўкиб меҳнат қилишимиз керак. Вазифа, издан чиққан хўжаликни изга солиб юбориш, тирикчилигимизни, маншатиимизни урушдан олдинги даражадан ҳам юқори кўтариш. Мен сиз азиз чўлқувар дўстларимни пахта фронтида жонбозлик қилишга чақираман.

Юсуповнинг сўзи қарсақларга кўмилиб кетди.

Низомжон Усмон Юсупов тўғрисида жуда кўп эшитган эди. Икромжон Юсупов мана шу Катта Фарғона канали қурилганда бошдан-оёқ ўзи туриб бергани, қу-

рувчилар билан ота-боладек бўлиб кетганини кўп гапириб берган эди. Бугун Низомжон Юсуповни биринчи марта кўряпти. Юсупов ёнида ўтирганларга нималардир деб гўлдирар, баъзан залга тикилганича ўйларди.

Унинг гавдаси бўлалик, сочларини устарада текис қирдирган, эғнида каламинка кителъ, иссиқдан ёқасини елпиб, безовталанарди. Мана шу одам Беговотда Фарҳод ГЭСга бош бўлган, металл комбинати қурилишига ташаббускор бўлган, Охунбобоевдан кейин юртга ота бўлиб қолганди.

Ундан кейин Меливой ака салмоқлашиб минбарга чиқди-да, Тошлоқ колхозининг Найман участкаси алоҳида колхоз бўлишга тайёр эканини, янги колхоз учун етарли от-улов, инвентарь, уй-жой борлигини айтиб, янги туғилажак колхозни то оёққа туриб кетгунча оталиққа олишини айтди.

Ундан кейин Райимберди тоға ўрнидан туриб у ҳам худди ўшандай гапирди. У гапига қўшимча қилиб:

— Рансликка мўлжаллаб қўйган кишимиз ҳам бор,— деди.

— Бизда ҳам бор,—деб унга қўшимча қилди Меливой ака ва илжайиб Холматжонга қаради.

Ранслик қилувчи Тошлоқ райкомининг секретари Хорунбой ака, яна ким гапирди, деб оломонга қаради. Бирпас сув қуйгандек жимлик чўкди.

Боя Юсупов тўлиб-тошиб гапирганда Низомжоннинг хаёлига бир гап ялт этиб келган эди. Ёзёвонни ўзлаштиришга маблағ зарур экан, ахир менда шу маблағ учун хамиртуруш қилса бўладиган пул бор-ку. Шу ерда топшириб қўя қолсам бўлмайдими?

Низомжон ўрнидан туриб қўл кўтарди. Тоға Юсуповнинг қулоғига нимадир деди. Юсупов Низомжонга аллақандай қизиқиш билан бошдан-оёқ қараб чиқди.

Рухсат теккандан кейин Низомжон чаққонлик билан тахтадан омонат ясалган саҳна четига чиқиб атрофга қараб олди. Гапини нимадан бошлашини билмай андак ўйланиб қолди.

— Ҳурматли ўртоқлар. Ҳурматли ўртоқлар. Мен...— Низомжон эсанкираб гапини йўқотиб қўйди. Кейин сат ўзини ўнглагандек бўлиб президиумдагиларга қаради. Тоға гапиравер, дегандек қилиб унга далда берди. Низомжон қистамаса ҳам икки-уч йўталиб гапини бошладди.—Ўртоқлар, бундан бир ҳафта олдин дадам ўлди. Да-

дамни ҳамма танийди Менга дадамдан катта мерос қолди. Мана!

Низомжон тугунни президиум столига қўйиб ечди. Ичидан олтун-кумушларни олиб қизил алвонга қўяверди. Пачка-пачка пулларни териб ташлади.

— Тўрт юз эллик минг сўм пул. Яна шундай баҳога тенг келадиган қимматбаҳо буюмлар... Бу бойликлар онамнинг кўз ёши, менинг ризқимдан юлиб йиғилган. Мен шу пулларни, шу қимматбаҳо буюмларни Ёзёвонимизда ташкил бўлаётган янги колхозлар хўжалигини тиклашга топшираман. Қабул қилиб олишларингизни сўрайман.

Беш юзга яқин митинг аҳли жимиб қолган эди. Эгни юпун, ўзи кичкинагина болада шунчалик одамийлик борлигига ҳамма ҳайрон эди.

Орқа қаторда ўтирган акаси Аъзамжон ерга бир тупуриб, даврадан чиқиб кетди.

Боя шу тугунни тўп қилиб ўйнаган қизларнинг оғзилари очилиб қолган эди.

Марказком секретари Юсупов ўрнидан туриб Низомжоннинг олдига келди. Митинг аҳлининг кўз олдида уни бағрига босиб пешонасидан ўпди.

— Раҳмат, болам, ҳимматингга балли. Сен берган бу пулларга Ёзёвонда янги клуб, янги кино зали, мактаб қурамыз. Етмаганига ўзимиз қўшамиз. Баракалла, болам.

Юсупов пулларни қайта тугиб Тога билан Меливой аканинг олдига қўйди.

— Мана, янги колхозларнинг дастлабки бюджети. Эҳтиётлаб сарфланглар.

Кейин Юсупов Низомжоннинг қўлидан етаклаб олиб ўз ёнига ўтқазди. Саҳна четига иккита сандиқ олиб чиқишди. Область ижроия комитетининг раиси билан секретари ҳам саҳнадан жой олишди.

Область ижрокомининг раиси ўрнидан туриб Москвадан келган меҳмонни саҳнага тақлиф қилди. Бир қўли йўқ генерал чиқди. Чапак, қийқириқлар остида ўтирди.

— Ўртоқлар,— деди мажлис раиси.— Ёзёвонлик қуролдош дўстларини йўқлаб келган қаҳрамон генералимизни янги обод бўлган қишлоғимизга қадам ранжидида қилишлари билан табриклаймиз. Хуш келибсиз, азиз қаҳрамонимиз, деймиз.

Яна қарсак, яна қийқириқ бўлиб кетди.

— Ҳозирги сўзни генерал лейтенант ўртоқ Зайченкога берамиз.

Қўлсиз генерал минбарга чиқди. У шу баландликдан туриб чўлнинг олис-олисларига кўз тикиб, бир оз жим қолгач, шошилмай гапира бошлади.

— Азиз биродарлар. Мен ҳарбий одамман. Эсимни таниганимдан бери армия сафидаман. Шундоқ бўлса ҳам деҳқон меҳнатининг нималигини биламан. Асли ўзим деҳқон боласиман. Отам омов кетида умрини ўтказган. Бугун ўртоқ Юсупов билан далаларнигизни айланиб чиқарканмиз бу далаларда, чўлларда чинакамига ҳарбий интизом борлигини кўрдим. Биз жангда шаҳар олаётган пайтимизда сиз тиканзордан, қамишзорлардан шаҳар олган экансизлар. Бу чинакам қаҳрамонлик. Бу ғалаба-мизга катта ишонч.

Мени бу ерга чорлаган икки нарса бўлди. Бири биз билан ёнма-ён туриб душманга қарши курашган дўстларимиз тинчлик пайтида, меҳнат фронтида қандай ишлаётганларини ўз кўзимиз билан кўриш. Иккинчидан, ман шун қуролдош дўстларимизни соғинганимиз бўлди. Орангизда менинг энг яқин қуролдош дўстим Холматжон Маткаримов бор.

Ҳамма гур этиб ўрта қаторда ўтирган Холматжонга қаради. Холматжон қип-қизариб кетди. Генерал сўзини давом қилди.

— Холматжон билан биз ҳаммаша фахрланиб юрамиз. Ёш жангчиларга уни намуна қилиб кўрсатамиз. Жанговар йўлини мисол қилиб айтаман. Биз бугун Холматжон Маткаримовнинг кўксига «Олтин Юлдуз» таққани келдик.

Ҳамма ўрнидан туриб кетди. Генералнинг овози эшитилмасди. Мажлис раиси қўл кўтариб тўполонни босди. Генерал кулиб гапини давом эттирди.

— Ҳозиргина сизни армия интизоми бор экан, деб мақтаган эдим. Генерал гапирганда солдат қимирламай туриши керак.

Ҳамма гур этиб кулиб юборди.

— Жанговар дўстим Холматжон, марҳамат қилиб саҳнага чиқ!

Холматжон аста ўрнидан турди. Бошини эгиб тез-тез юргагча саҳнага чиқди. Усмон Юсупов қоғозга ўроғлик катта қутичани очиб ичидан ёрлиқни олди-да, ўқий бошлади:

«СССР Олий Совети Президиумининг фармони. Немис-фашистларга қарши Ватан уруши фронтларида кўр-

сатган жасорати учун старший сержант Холмат Маткаримовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилсин ва у «Олтин Юлдуз» медали ҳамда Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. И. Калинин,
СССР Олий Совети Президиумининг секретари Горькин»

Усмон Юсупов Холматжоннинг кўкрагига «Олтин Юлдуз» ва Ленин орденини қадаб қўйди. Генерал Холматжонни бағрига босиб ўпди. Пастда чапак-қийқириқ давом этарди.

Ана шундан кейин фронт орқасида алоҳида намуна кўрсатиб ишлаганларга «Ватан урушидаги шавкатли меҳнат учун» медаллари топширила бошланди.

Кечқурун Низомжон ҳам уйга медаль тақиб келганди.

VIII

Дилдор чинакамига бахтиёр эди. У Холматжон тўғрисида ўйлаганда қандоқ бўларкин, яна қоқилмасмикинман, яна йиқилмасмикинман, деган ташвиш дилини хира қилиб турарди. Энди у Холматжоннинг кимлигини, жуда яхши билиб олди. Шу пайтгача ҳеч кимнинг кўзига илинмаган, ҳамма вақт бир чеккада ишини қилиб юрган бу камгап бола бирданига бутун қишлоқ олдида буюк одамга айланди. Шундоқ одам Дилдорни танлапти. Яна қандоқ Дилдорни денг, бир марта севгига оёқ тираган, бир марта севги деб чўғ ушлаган, рўзғор кўриб болали бўлган Дилдорга дилини очибди.

Аввалига Дилдор Холматжонни унчалик писанд қилмаган бўлса, энди Холматжонга муносибманми, деб ўзидан ўзи сўради.

Холматжоннинг кўкрагидаги орденларнинг ҳар бири қон эвазига, жон эвазига келганини Дилдор яхши билади. Аъзамжон учтагина медални жаранглатиб бутун қишлоқни така-така қилган. Холматжон бўлса орденини ҳам, фронтда қилган қаҳрамонликларини ҳам орага солмасдан тинчгина ишини қилиб юрди.

Езёвонда мининг бўлиши, олис жойдан генералнинг келиши шу биргина Холматжон ҳурмати учун экани ҳаммага маълум. Мана шундай тантанадан кейин ҳам, кўкрагига қаҳрамонлик «Олтин Юлдузи»ни таққандан

кейин ҳам Холматжон ўша Холматжонлигича қолаверди.

Дилдор бундан ўн беш кун нарида эри ташлаб кетган кечаси уйда ёлғиз қолгани, ўшанда Холматжон уни қўриқлаб то саҳаргача уйи атрофида айланиб чиққанини, тол тагидаги ажриқда ухлаб қолганини эслаб, ўздан ўзи хижолат бўлиб кетди. Шундоқ одамни, шундоқ қаҳрамон одамни овора қилганига энди уяларди.

— Э, нодоп Дилдор,— дели ўзинга ўзи,— сенга яна нима керак? Озмунча хўрликлар кўрмадингми? Шундоқ йигит йўлиниги пойласа, жонни-жаҳонини йўлинига сочаман деб турса, иккиланасан? Сенга қанақаси керак? Бўйнига осилмайсанми! Йўлини пойламайсанми!

Йўқолган, қалб қаърига чуқур кўмилиб ташланган муҳаббат туйғуларини Дилдор кўксинда яна балқиб чиқди. Эндигина балогат остонасига етган қиз боладек энтикар, гоҳ йиғлагиси, гоҳ кулгиси келарди. Осмонда кўз очган юлдуз ҳам, офтобда эриниб ётган мусичанинг ку-куси ҳам, ҳамма, ҳаммаси унинг дилини ёритар, кўнглига қандайдир қувонч, қандайдир юпанч соларди.

Дилдор кеча Асрорадан келган хатни яна қўлига олди. Холматжон умидвор бўлиб юрганини ёзган, ундан маслаҳат сўраган эди. Кеча шу хатга жавоб келди. Асрора шундай деб ёзган эди:

«Сен ўлгурнинг бирон еринида меҳригиёнинг борми дейман, ҳадеб атрофинида йигитлар ўралашаверишади. Кўзинг ўлгурни сузсанг керакки, шундоқ қилишади. Нега менга биров қарамайди? Неге Адолга қарамайди? Муштдек бошинг билан учинчи йигитнинг бошини айлантиришинг. Эрдан чиққан хотиндан иситган ошнинг хиди келади дейишарди, сен ўлгурдан неге келмайди.

Ҳа, сен чиннакамга чиройли жувонсан. Зуваланг пишиқ экан. Сира айнамайсан. Мен унақамасман. Дала, офтоб тигидаги иш мени жуда хунук қилиб қўйган. Ундоқ десам, ўзим ўлгурда йигитларнинг кўзини ўйнатадиган ҳеч нарсам йўқ. Отам раҳматлик ўғилга зор бўлиб, кута-кута ўғил кўрмагандан кейин мени ўғил бола қилиб ўстирди. Эсинида борми, то бўйим чўзилгунча ҳам шим киярдим. Белимга чорси боғлаб мактабга келардим. Уғил болалар билан кураш тушардим. Қайнатанг ўлгур мени нима деганини биласанми? Жингига тегаверганимда, сен от қизсан, деган. Ушанда қон-

қон йиғлаганман. Қандай қилай, ўртоқ, юзимга упа сурсам ярашмаса, лабимга қизил сурсам ярашмаса. Худди циркдаги масхарабозларга ўхшаб қоламан.

Майли, мен учун ҳам сен йигитларга ёқавер.

Албатта сен хурсанд бўлгин деб келишмаган гапларни ёздим. Ўзи ҳозир настроенам яхши. Куладиган гапларни ёзгим келди.

Холматжон тўғрисида ёзибсан. Сенга тайинли бирон маслаҳат беришга ҳайронман. Кўнгил ишига биров аралашолмайди. Айниқса, узоқдан туриб фотиҳа бериш қийин. Умуман олганда Холмат яхши бола. Сал писмиқроқ, ичимдагини топ дейдиганлардан эди. Ҳозир қанақа бўлиб кетган билмайман. Сут ичиб, оғзи куйган одамсан. Қатиқни ҳам пуфлаб ичишинг керак. Ўзинг биласан. Ҳозир сен бировнинг маслаҳатисиз ҳам бир иш қила оладиган ёшдасан. Севги, оила қуриш тўғрисида гапиряпман. Бир марта рўзгор кўрган одам пишиб қолади. Яхшилаб ўйла. Қирқ ўлчаб, бир кес. Менимча Холмат сени хор қилмаса керак. Хуллас, ўзинг биласан.

Сенга Адолдан салом. Соғ бўл. Дала ишлари сал юришиб кетгандан кейин Адол билан бир бориб келсак ҳам ажабмас.

Сенга ҳурмат билан Асрора. Уғлиниги ўпиб қўй.

Низом ўлгур қаёқларда санқиб юрибди?

Хайр».

Дилдор бу содда, бир қоп ёнғоқдек шалдир-шулдур дугонасининг худди ёнида туриб гапирётгандек қилиб ёзган бўёқсиз хатини ўқиб яйраб кетди. Асрора учрашиб қолганда ҳам, ҳатто узоқдан туриб ёзган хатида ҳам уни уришарди.

Хатнинг мағзини чақиб қараганда Асрора уларнинг қовушинишига қарши эмас. Дилдор бу масалада бир марта юрак олдирган бўлгани учун Асрора уни ўйлаб иш қилишга ундарди.

Дилдорнинг фикри қатъийлашди. У фақат шу Асроранинг дашномларидан қўрқарди. Энди қўрқмаса ҳам бўлади. У рози.

Дилдор чўлга келгандан бери бирон марта ҳам киймаган янги атлас кўйлагини кийди, бир чеккада газетга ўралганича ётган амиркон туфлисини оёғига илиб бир парча ойнага қаради. Ҳали кундузи қўйган ўсмаси

чап қошидан сал қулоғи томонга оққан экан, изи тушиб қолибди. Дастрўмолини ҳўллаб ишқади, кетмади, қайтага ишқаланган жойи қонталашиб қизариб қолди.

Ойнакдан бир-бирига тикилиб қолган кўзлар қимирламасди.

Дилдор чинакам чиройли эди. Хотинларнинг таъбири билан айтганда, битта туққандан кейин ҳусни янада очилиб кетганди. Бу ҳусни, бу қадди-қомат ҳар қандай йиғитни ҳам ўзига қарата оларди. Дилдор ойнада ўз ҳуснига ўзи маҳлиё бўлиб тургандан кейин, мамнуун бир қиёфада кўчага чиқди. Ҳозир у қаёққа боради, нимага бунақа ясаиб юрибди, билмасди. Чўлнинг кечки шабадаси шу баҳор ерга қадалган тол повдаларини силкитар, олислардан саҳро гиёҳларининг аллақандай ҳидларини олиб келарди. Дилдор шу топда олдидан Холматжон чиқиб қолишини истарди. Аммо у кўришмасди. Дилдор уни ўша минтинг кунни минбарда кўксига «Олтин Юлдуз» тақаётганларида кўрганича учратмади. Бугун бўлса, тамоман бир қарорга келган Дилдор атайини уни кўришга, агар яна ўша гапни қайтарса, иккиланмай «ҳа», жавобини беришга чиққан.

Дилдор анча вақтгача чўлнинг янги кўчаларида айланиб юрди. У ўғли, Холматжон, бўлажак турмушлари тўғрисида ўйларди. Узоқ ўйлаш оқибати шу бўлдики, у эртанги кунидан бирон хиралик кўрмади.

Кўнгилда қониқиш, таскин ва яна аллақандай тўлқинлатувчи ҳислар билан уйига қайтди. Малика ая келмаган, қўшни ҳовлиларда ёқилган чироқларнинг нурлари дарахтларнинг бўйига тушиб турибди. Дилдор ним қоронғи ҳовлида бир дам у ёқдан-бу ёққа юриб, кейин айвон даҳанига ўтирди.

Бу ёлғизлик, бу ним қоронғилик унга ёқарди. Жимжит ҳовлида ўз ўйинг, ўз орзуларинг билан танҳо қолиш қандоқ яхши. Дилдор ана шундай ҳаловат оғушига олган ҳовлида куй тинглаётгандек тебраниб-тебраниб ўтирарди.

Сув кечгандек товуш келди. Дилдор эринибгина орқасига қаради. Айвоннинг у бошида оёғига резинка этик кийган, елкасига ов милтиқ осган Холматжон унга ҳайрон боқиб турарди. Холматжоннинг белидаги қийиғида тўрт-бешта ўрдак ва бир қуён осилиб турарди.

— Вой,— деди ҳайрон бўлиб ўрнидан тураркан, Дилдор.— Келганингизни билмай қопмаи.

— Овга чиққан эдим. Унча бўлмади.— Холматжон шундай деяркан, белидаги ўлжаларининг айвон четига қўйди.— Бир пиёлагинга қайноқ чойингиз борми? Жуда чанқадим.

— Ҳозир, ҳозир. Ҳозир қумғонини ўчоққа қўяман.

Дилдор, шох-шаббаларини ўчоққа тикиб ўт қалаб юборди. Бирпасда ярим қоронғи ҳовли деворларининг, дарахт танларининг ўтнинг шуълалари ялай бошлади. Холматжон уст кўйлагини ечиб шафтоли бутоғига илиб, ариқни оёқлари орасига олди-да, шопиллатиб ювнига бошлади. У ювнаркан, Дилдор сочиқ ушлаб юзини тескари қилиб турарди. Холматжон шошилмай ювиниб, Дилдор узатган сочиққа артиниб яна айвон олдига келди.

— Энди, хафа бўлмайсиз-да, Дилдорхон. Идорага шу аҳволда боргим келмади. Соат тўққизга правление чақириб қўйгандим.

Дилдор жавоб ўрнига мулойим кулиб қўйди.

Иккови бир-бирига қаролмай ер чизиб анча ўтириб қолишди. Қумғон вақирлаб қайнади. Дилдор чой дамлаб келгунча унинг чаққон ҳаракатларини, энгашганда, чамбаракдаги қаймоқни олаётганда гавдасини бир ғалати эгилиши, чўзилиши Холматжоннинг йигитлик торларига тегиб кетди. Узида ажиб бир ботирлик сезиб беихтиёр ўрнидан турди-ю, дадил юриб Дилдорнинг олди-га келди. Қандай қилиб билмайдан ушлаганини, бир қўли унинг нозик белларига чирмашганини сезмай қолди. Дилдор фақат бир сўз айтарди.

— Вой, вой, қуясиз, чойнакни қўяй. Вой, елкангизга чой тўкилиб кетади.

Холматжон уни қўйиб юборди. Дилдор дастурхон четига чойнакни қўяркан, Холматжон яна уни тортиб ўзига қаратди.

Холматжоннинг аввалги талпиниши Дилдорга кутилмаган бир ҳол эди. Бу галгисини ўзи истагандек майл билдирди.

Холматжон ҳансираб унинг юзларидан, лабларидан йигит кишини маст қиладиган ғалати, жудаям ғалати, ёшлик ҳиди, фақат балоғат ҳиди деб айтиш мумкин бўлган бир ҳид таратиб турган томоқларининг тагидан ўпарди.

Бу ярим қоронғи ҳовлида икки ёш, бир-бирига интилган икки юракнинг гупиллаб уриши ҳоким эди.

Дилдор бахтиёр эди.

Холматжон маст кишидек ўзини унутганди.

Дилдор унинг бағридан узилиб чиқишни истамасди. Аммо қандайдир ҳаё, қандайдир андиша секин-аста онгига қўйилиб кела бошлади.

Икки қўлини Холматжоннинг гупиллаб уриб турган кўкрагига қўйиб аста, беозор итарди.

— Қўйинг, қўйинг, Холматжон ака. Битта-яримта келиб қолмасин.

Холматжоннинг йингит бўлиб биринчи маротаба аёл кишини бағрига тортиши эди. Дилдорни бағридан қўйиб юбориши жуда қийин бўлди.

Дилдор Холматжоннинг тушиб кетган дўпписини ердан олиб тиззасига уриб қоқиб узатди.

— Шўх экансиз.

— Энди бўлдимми?— деди Холматжон ҳамон ҳансираб.

— Нима бўлдимми?— деди ажабланиб Дилдор.

— Уйлаб кўрай, озроқ фурсат бер, деган эдингиз. Уша фурсат ўтди. Уйлаб кўргандирсиз?

Дилдор Холматжоннинг бундан бир-икки ҳафта олдин икки билагидан ушлаб ёлворганини эслади. Ушанда у ўйлаб кўришини айтганди.

Бундай гап тил билан айтилмайди. Бугун унинг Холматжонга ўптириши, бағрида монелик билдирмай хўрсиниши ўйлаб кўргани, хўп дегани эмасми? Аммо Холматжон бу гапни ўз оғзидан эшитмоқчи, эшитиб ҳузур қилмоқчи.

— Хуш, нима дейсиз?

— Э, боринг-э,— деди эркаланиб Дилдор.— Тил билан айтиш шартми. Йўқ десам сиз билан қоронғи ҳовлида гаплашиб турармидим.

Холматжон энди ўзини анча ўнглаб олган, бояги қилмиши қанчалик унга роҳат бағишлаган бўлса-да, ҳар қалай хижолатлироқ иш бўлиб ўтган эди.

— Кечиринг, Дилдор, сал ўзимни эплаштиролмай қолдим. Раҳмат, мени хотиржам қилдингиз. Бир етимнинг кўнглини кўтардингиз. Энди тайёргарлигимни кўраверсам бўлар-а. Хўпми?

Дилдор боши билан хўп ишорасини қилди. Холматжон онасидан ҳайитлик танга олган боладек кўчага отилди.

— Ҳой, ҳой, ўрдакларингиз қолди-ку!— деди орқасидан қичқариб.

— Сизга, сизга олиб келганман. Ҳаммаси сизга.

Холматжоннинг овози узоқдан эшитилди. У анча нари кетиб қолган эди.

Дилдор чироқни ёқди. Холматжон ташлаб кетган ўрдакларни қўлига олиб гунафша ранг бўйинларини силади. Айвон четида қолган милтиғини кўтариб устунга илди.

Энди Дилдор қалбидан Аъзамжон нари кетиб, Холматжон исмли бўз йнгит бери келган эди.

Дилдор энди ўз тақдиридан, эртасидан умидвор эди.

IX

Найман алоҳида колхоз бўлиб ажралиб чиқишга тайёр кўрингани билан ташкилий томондан ҳали кўп ишлар қилиниши керак эди. «Заркент» правлениеси бу масалани муҳокама қилиб бир бригададан колхоз вужудга келтириш учун нималар қилиш кераклигини кўриб чиқди.

Янги колхозга қанча чорва ажратилади? Инвентарь, транспорт, бўлинимас фонддан қанча сўм берилади? Уруғлик фонди, йўллар қуриш учун неча сўм, қурилиш фондидан қанча ёғоч, қанча ғишт, цемент бериш керак? Бу масалалар кўп вақт талаб қиларди. Шунинг учун ҳам правление олти кишилик ташкилот комитети тузишга қарор қилди. Комитетга Тоға, Икромжон, бош бухгалтернинг ўзи, агроном, чорва бригадири, ҳамда Қишлоқ советининг раиси кирди.

Икромжон Наймандаги бари ишларни Тўланбойга топшириб ўзи беш кундан бери Заркентда олишиб ётибди. У правление мажлисида колхоз бўлиб ажралиб чиқиш масаласини йнгим-теримдан кейинга қолдириш тўғрисида кўп гапирди, аммо гапини ўтказолмади. Ҳозир Найманнинг ҳам ғўзалари кўсак тугиб, бугун-эрта теримга кираман деб турибди. Чўл шароити огир. Егин-сочинга қолмай янги ерларга трактор солиш керак. Ҳаво кўз ёши қилиб берса тўқайга кириб бўлмай қолади. Ҳозир қамиш ёқишнинг айна пайти. Куйинди ҳам ҳайдалган ерга ўғит бўлади. Қиш билан чириб ерни қўпчитади. Шу ишларни терим бошлангунча қилиб олиш керак. Аммо Икромжон ташкилий ишлардан бўшаётмайдди. Кеча Тўланбой келганда шу тўғрида ҳасрат қилган эди. Тўланбой уни хотиржам қилди: «Сен

унақа ваҳима қилавермай, ишларингни битказ. Бу ёғини бизга қўявер. Тўқай бузишга профессор бўлиб кетганмиз. Қамиш деган парса бамисоли фонарь ёғи. Битта гугурт чақсанг пов этади, ёнади кетади. Шунга шунча ташвишми? Сен трактор ундиравер, мен тўқайни ёндириб тайёр қилиб қўяман».

Тўлаибойнинг гапи бир ҳисобда тўғри. Қамиш ёқиш қийин эмас. Аммо бутун бир колхоз бўлиш учун шу ёнган тўқайни тракторда ағдариб, аввал шоли экиб ерни ер қилиб олиш керак. Бўлажак колхоз шоли етиштирадими, пахтами? Ҳозирги юз саксон гектардан олиндиган пахта яхлит колхоз бўлиш учун озлик қилади. Қўшимча очиладиган ердан икки йилсиз пахта олиб бўлмайди.

Янги колхоз бир-икки йил ҳам пахта, ҳам шоли, ҳам полиз экинлари етиштиради. Янги боғ ташкил қилиш керак.

Бу масалалар Икромжонни бутунлай банд қилиб қўйган эди.

Бухгалтер ким бўлади, кимни омборчи қилиш керак? Уғитга жой тайёрлаш керак. Чорва қишловида қўра тайёрламаса, эртами нидин, Тоға ҳайда молларингни, деб қолади. Қаёққа оборади.

Икромжоннинг бир оёғи райижрокомда, бир оёғи райкомда бўлиб қолди. Ногирон одамни тинч қўймаган Тоғадан хафа бўлиб кетади. У ёқда невараси кўзига кўриниб бор-е, деб Найманга кетворгиси келиб қолади.

Хулласи, у талашиб-тортишиб янги колхозга уч юк машинаси, икки трактор, еттита арава, оти билан уч бричка, тўртта эшак арава ундирди. Булар «Заркент» ҳисобидан. Энди райижрокомнинг ҳиммати қанақа бўларкин? Тоға бунинг ҳам йўлини ўргатди.

— Ижроком раисининг эшигига ётиб оласан. Янги колхоз вакилисан. Бермай иложи йўқ. Библиб қўй, биздан олган машиналар эски машина. Сени кўп уриштиради. Янгисидан иккита ундирмай кабинетидан чиқмайсан. Бу ёқдан мен ҳам ҳа-ҳалаб тураман.

Икромжон шундай қилди. Аввалига яхши гапирди. Кейин сал баландроқдан келди. Цекага бораман, Усмон отанинг олдига кираман, деб дўқ қилди. Ана шундан кейингина, машина йўқ, ўлай агар бир дона бўлса деб турган раис хўп, деди. Битта ял-янги, битта сал уриганроқ юк машинасига қоғоз қилиб берди.

Кечкурун Икромжон Тоғанинг олдиға гул-гул очилиб келди.

— Айтдим-ку сенға, ижроком раиси сал баланд келсанг, паст тушади. Мен унинг феълени биллиб олганман. Энди тракторни райкомдан ундирасан. Хорунбой аканинг ихтиёриға олтига трактор келган. Обкомдан телефон қилмаса, бермайди. Буни ўзим гаплашиб бераман.

Давлатдан узоқ муддатли кредит олиш керак. Пулни кўпроқ сўра. Қанча сўрасанг ҳам озми, кўпми, барибир облуправление ярмини қирқади. Шунинг учун бирданниға катта пул сўраймиз. Ярмини қирқса ҳам, анча қолади.

У шундай деб Икромжоннинг юзига қаради. Қаради-ю, ундан кўзини ололмай туриб қолди.

Тоға иш билан бўлиб дўстининг аҳволиға назар солмаган экан. Бир ҳафтадан ошди Зирилламада юрганиға. Қаерда ётпти, нима еб, нима ичпти, хабари йўқ эди. Икромжон озиб, кўзлари ич-ичиға кириб кетибди. Унинг аҳволини кўриб Тоғанинг кўнгли бузилиб кетди. Хотини, болалари бўлганда шунақа бўлиб юрармиди, деб дилидан ўтказди.

— Менға қара,— деди Тоға.— Ишларингни қўй. Мен ҳам бугун идорадан қочаман. Икковимиз бир маншат қилайлик.

Тоға ўрнидан туриб стол устидаги қоғозларни йиғиштириб ғаладонға тикди-да, деразани бекита туриб Икромжонға қаради.

— Одам тополмайдиганроқ жойға бориб отамлашамиз.

Иккови ташқарига чиқишди. Кун ботишиға сал бор. Тоға самоварчини чақириб қулоғиға нимадир деди. Кейин, бўпти, деб саройға кириб кетди. Сал ўтмай қоғозға ўроғлиқ нарса кўтариб чиқиб ичкариға опкириб кетди. Саройдан велосипед мишиб чиққан йиғит Тоғаға қараб, бўпти, деганича ўқдек учиб кетди.

Икки ошна битта-битта қадам ташлаб янги тушаётган клуб олдидан айланиб ўтиб боғ тарафға йўл олишди. Уларнинг йўлини бухгалтер тўсиб чиқди.

— Уртоқ Енбўлатов телефон қилдилар, янги колхозға трактор берадиган бўлишибди, доверенность билан одам келсин, дедилар.

— Нечта бераркан?— деди Тоға.

— Битта, дедилар.

— Ҳа-ҳа. Битта бўлса бермай қўя қолсин. Керакмас. Иккитага доверенность ёзавер. Бермасин-чи, Тошлоқдан кўчирворарман.

Бухгалтер, ихтиёрингиз, деганча орқасига қайтди.

Тоға нима бўлса ҳам Икромжонга енгил бўлсин, кўнгли кўтарилсин, дерди. Янги колхоз қанча тез оёққа турса, Икром ҳам шунча қаддини ростлайди.

Тоға бутун Фарғона области бўйича эрка раислардан ҳисобланарди. Қиламан деган ишини қилмай қўймасди. Районда битмаган ишини областдан битказарди. Шунинг учун ҳам район раҳбарлари уни хуш кўришмас эди. Бу устимиздан ҳатлаб областга югуради, деб нолишарди. Ҳозир битта ажратилган тракторни иккита қилиб оламан дейиши ҳам, ўша қўли узунлигига ишонини эди.

Боя велосипедда кетган йигит боғнинг этагига сув сепиб, сўрига шолча солиб қўйган экан. Иккови келишганда йигит ариқ бўйига чўнқайиб ликопга шакароб тўғраб ўтирарди.

— Бақа бер, сен боплолмайсан, Икром қилади, сен орқанга қайтиб, ошни тезлат. Менга қара, биров сўраса раис чўлга чиқиб кетган, деб айт,

Йигит патнисда пиёз, помидор, қалампир келтириб сўрига қўйди. Пичоғини қинига солаётган эди, Тоға, ташлаб кет, йўқолмайди, деди.

Фарғона халқи ўз пичоғини отасига ҳам ишонмайди. Агар биров олиб бирон нарса тўғраса, икки кўзи пичоғида бўлади. Агар суякка соладиган бўлса, жони ҳиқилдоғига келади-ю, пичоғини қўлидан тортиб олади. Бу қишлоқ кишиларига Тоға отадан афзал эди. Йигит пичоғини қайтариб олишга журъат қилолмади. Индамай велосипедига миниб кетди.

Икромжон пичоқни қўлига олиб томоша қилди.

— Шаҳрихоннинг пичоғи дейман-а,— деди завқланиб.

Тоға пичоққа қарамай жавоб қилди.

— Қорасувники, Уш Қорасувники.

Икромжон ҳафсала билан шакароб тўғради. Тоға яктагини ҳам ечиб ташлаб майкачан бўлиб олди. У энди анча қариган, бўйинлари салқиб, билакларига томирлари кўкариб кўришиб турарди. Аммо ўзи ҳали бақувват кўринарди. У ариққа ташлаб қўйган шишани олиб, сўрига чордана қуриб ўтириб олди.

— Тошкентдаги арманлар дўконидан олган эдим. Танишим бор. Дунёда арман коньягидан зўри бўлмайди.

Икромжон умрида коньяк ичмаган эди. Қанақа бўларкан, деб юрарди. Айниқса, хотини ўлиб, боласи куйдириб кетгандан кейин бунақа ишлар эсига ҳам келмаганди. Толенга ўғли Низомжон ҳам ичмайдиган, чекмайдиган чиқди.

— Ичмаганимга ҳам кўп бўлди,— деди Икромжон бепарво.— Икки йилдан ошди, чоғимда.

— Ичмаган бўлсанг, энди ичасан. Янги колхоз учун, саломатлигимиз учун ичворасан-да, ошна.

Болалиги, йигитлиги бирга ўтган, кексалиги ҳам баробар бошланган бу икки қадрдон шу бугун бир яйрашмоқчи, тўйиб-тўйиб гаплашмоқчи. Ўтган ёшликни, кўрган ҳам шодлигу ҳам аламли кунларини эсга олишмоқчи.

Боғ чети одамдан холи. Қурилаётган шийпонинг томи ҳали ёпилмаган, ҳовуз қазилгану сув қўйилмаган. Шунинг учун бу тарафга ҳали меҳмонларнинг қадами тегмаган эди.

Велосипедли йигит гириллаб келиб чорсида нон, узум олиб келди.

— Ошнинг зирвагини бостириб қўйдик. Кетма-кет гуруч солаверайликми, ё туратурайликми, деб сўради.

— Чаққон-чаққон бўлинглар,— деди Тоға.

Йигит кетди. Тоға шишани очди.

Пиёлани қўлига олган Икромжон, Тоганинг кўзига қараб аллақандай меҳрми, бутун қилган яхшиликларига миннатдорликми билиб бўлмайдиган бир оҳангда деди:

— Сени саломатлигингга, Райимберди.

Унинг овози титрарди. Тоға илжайди.

— Ичмасдан маст бўляпсанми, тентак. Унақа қиладиган бўлсанг ичмай қўя қоламиз.

Икромжон кўзини юмай ичиб юборди.

— Йиғласак йиғлабмиз-да, оғайни. Кўз ёшимизни биров кўрмаса бўлгани. Майли, сенам йиғла, менам йиғлай. Ахир йиғлолмай кўз ёшларимиз қуриб кетди-ку.

— Ҳа-аа,— деди чўзиб Тоға.— Дод деб йиғласа бўладиган ишлар ўтди бошимиздан. Қандоқ қилайликки, сен билан бизнинг йиғлашга ҳаққимиз йўқ. Биз милт этиб ёш чиқазсак, бошқалар фарёд уриб йиғи бошлашади. Халқнинг кўзидаги одаммиз.

Икромжон очикқан эди. У ёқдан-бу ёққа қатнаб тушлик ҳам қилмаган эди. Икки пиёла коньяк ичини сидириб кетди. Калласи ғувиллаб, кўнгли лохас бўла бошлади. Тоға ҳам тўй-қашамларда бўлмаса бошқа вақтда ичмас эди. Коньяк уни ҳам ширакайф қилиб қўйганди.

Икромжон бошини эгиб қимирламай ўтирибди. У шу пайтгача ўзини ўтга-чўққа уриб овулар, бўлиб ўтган гапларни биронга ёрилиб гапиролмасди. У ўтган кунларини эсламасликка тиришарди. Ахир ўтмишсиз одам бўладими? Ўтмиши йўқ одам ярим одам ҳисобланади. Наҳотки Икромжон ярим одам? У ўзи тўғрида ўйлаганда дод деб юборгудек бўларди. Хотиралар уйғонганда дард-аламлар ёпирилиб тапингни ўрайди. Ана ўшандай пайтларда бир дил тортар кишинг бўлса-ю, йиғлаб-йиғлаб хумордан чиқсанг. Икромжоннинг шв Райнимбердидан бўлак кишини йўқ эди. Тўланбой ҳам лўруст йиғит. Аммо сал енгилтакроқ. Дард-алам торлмаган. Унга ўйин-кулги, вақтичоғлик бўлса бас. Ана шунинг учун ҳам Икромжон унга дилини очмасди.

Икромжоннинг ичидан кучли бир хўрсиниш чиқди-ю, тўлганди.

— Тоға,— деди у рансга юзланиб.— Мени биласан-э?

— Биламан, биламан, Икром. Наҳотки билмасам.

— Раҳмат. Сенга мишг раҳмат. Сен мени жар ёқасидан олиб қолгансан.

— Жинни бўлма,— деди Тоға бепарво. Аммо у Икромнинг бу ички изтиробларини сезиб турар, ўзини билмаганга соларди.

— Шундоқ хотишимдан ажралдим. Чўлда, муштдек-кина, ғарибгина қабрда ёлғиз ётибди. Жаннат бир кун бўлса-да, рўшнолик кўрмай кетди. Шуниси алам қилади.

— Ҳаммамиз ҳам бир кун олдин, бир кун кейин тупроққа кирамиз,— деди Тоға яна бепарво.

— Йўқ. Улишда ўлиш бор. Бу дунёнинг роҳатидан жиндек бўлса ҳам татиб ўлиш керак. Мен бу роҳатлардан бенасиб бўлган одамман.

— Ҳали кўн роҳат кўрасан.

Икромжон телбага ўхшаб бошини сарак-сарак қилди.

— Сен билмайсан, сен билмайсан ичимни кемираётган илонни. Мана шу еримни илон-чаёшлар кемириб ётибди.

Тоғанинг кайфи тарқаб кетди. Шишани олиб сўри тагига улоқтирди. Қаёқдан ҳам ичирдим, деб ўкинди.

— Ҳали ишинг кўп, ошна. Улимни, аламни ўйлама. Йигим-теримни тамомлаб олайлик, сеши ўзим узоқ жойларга ўйнатгани олиб бораман.

— Ҳеч қаёққа бормайман. Наймандан кетолмайман. Жаннатимни ёлғиз ташлаб кетолмайман, биласанми. Бу чўлда, бу тўқайда икки жигаримни кўмганман. Уларни ташлаб қаёққа бораман. Э, сен билмайсан, ўртоқ. Бу қамишлар орасида ёлғизим ётибди. Турсунимни боғ-қоққа кўмганман. Шонсиз, шарафсиз ўлим топган у. Қўлтиқтаёқ билан гўр қазиганман унга. Унинг жанозасига на одам келди, уни кўмишга на бир кетмон топилди. Тагин ҳам яшаб юрибман-да. Нимага яшаётганимга ўзим ҳам ҳайронман.

Икромжон Тоғадан сир яширмасди. Аммо ўғлининг ҳалок бўлганини ундан яширганди. Айтмаганди. Қатдоқ қилиб айтади. Нима деб айтади. Бу сирни бир Икром, бир Низомжон билганди. Ҳозир бу гапни эшитиб Тоғанинг қошлари чимирилди. Юраги жиз этиб кетди. Қаршисида турган киши унга аллақандай паҳлавон, юраги тоғдек дардни даст кўтарадиган дев бўлиб кўринди. Бу одам шунча дардни юрагида кўтариб юрибди. Одам боласидек сабрли, дардга чидамли нарса бўлмас экан. Тоға унинг кўнглини нима билан кўтаришини билмасди. Дўстнинг энг оғир, виждон азоби қовуриб ташлаган пайтларда ҳамдам бўлолган, кўнглини кўтариб, қалбидан дардни қувлаётган одам ҳозир уни юпатишга бирон оғиз бўлсин сўз тополмасди.

— Майли, йиғла,— деди Тоға.— Одамнинг ичиди ёнган ўт кўзидан ёш бўлиб чиқиб кетади. Ичиди қолса, танини куйдириб ташлайди. Йиғла. Йиғлайвер, қўйиб бераман.

— Йўқ,— деди қатъий қилиб Икромжон.— Мен йиқилмайдиганларданман. Мабодо йиқилгудек бўлсам эмаклаб, судралиб йўлимни топаман. Мен ўлмайман ҳам, йиқилмайман ҳам. Шунақа одамман.

— Манави гапнинг гап бўлди. Энди мендан эшит.

Тоға бирпас тек қолди. Айтмоқчи бўлган гапларини тартибга солиш учун мўйловининг бир учини сўриб, те-рак учиди шамдек липиллаб турган офтоб шуъласига қаради. Қошлари чимирилди. Кўзлари ғамгин қисилди.

— Уғлим урушда ўлди.— Тоға ютинди. Кўз ёши то-

моғига оққан эди.— Хотинимдан яшириб юрдим. Тўрт йил яширдим. Мана, билиб қолди. Уйга киришга юрагим бетламайди. Уйим файзсиз. Нурсиз. Биласанми, қадрдоним, хотиним жинни бўлиб қолган. Ҳа, жинни бўлиб қолган. Уни на ёлғиз қолдириб бўлади, на ёнида туриб бўлади. Менга жин ҳам теккани йўқ. Яшаб юрибман. Хотинларга қийин. Онасига қийин.

Тоға сўридан тушиб боя улоқтириб ташлаган шисани топди. Тўкилиб кетган экан яна улоқтирди. Шиса тўнкага тегиб чил-чил синди

Йигит бир қўлида велосипед рулини, бир қўлида газетага ўралган лаганда ош олиб келди. У ошни ўртага қўйганда, икки кекса тиззасини қучоқлаб жимгина ўтиришарди. Йигит аста оёқ учида юриб боғнинг пастига кетди.

Ош совиди.

Икромжон аламда ўртанаётган Тоғани ўйларди.

Тоға бўлса, дард-аламларга фил бўлиб чидаётган дўстини ўйларди.

Ош ошлигида қолди. Қоронғи тушиб келарди.

Х

Тўйга чортеракликлар бир машина бўлиб келишди. Адолат билан Асрора икки кун олдин келиб олишган эди. Малика ая гўзапоя ёқиб икки кундан бери тинмай нон ёпади. Бир ҳафта олдин келган Юнусали ота оппоқ ятак кийиб соғиниб қолган певарасини етаклаб ҳали кўчага чиқади, ҳали уйга киради.

Митинг бўлганда опкелинган стол-стулларни Меливой ака янги колхозга бердим, эҳтиёт қилиб тутинглар, деб чўлда қолдирган эди. Уша стол-стуллар Малика аяникига опкелинган. Йигитлар ҳовлини текислаб, кўкатларини кетмонда қириб жой тайёрлашди. Тол тагидаги самовар олиб келинган. Самоварчи бугун чой текин деб чойнакларини тахтага териб қўйган. Меливой аканинг машинасида артистлар келишди. Сўрига қилинган жойга чиқиб ўтириб олишди. Раққоса жувон чивиндан нолиб ўзини дам ўтмай елпирди.

— Пашшахонада тўй қиладиган экан бу жойда.

Самоварчи унга пичинг қилади.

— Ранспинг отига топилмаган пашшахона сизга топилармиди.

Раққоса жувон ҳам аскиячигина экан, гап билан самоварчини қоқиб ташлади:

— Одам тутадиган пашшахонани айтяпман. Отники ўзингизга буюрсин.

Маргилон қизларига бир гап айтгину қочгин. Бўлмаса гап билан шундоқ боплайдики, ўрпингдан туролмай қоласан.

Ҳали офтоб ўчмай икки юз шамли чироқлар ёнди. Ўртага гулхан ёқилди. Ҳовлига одам тўлиб кетди. Меливой ака Холматжонни чақириб чиқди. Унинг эғнида оқ жужун китель. Бошида янги тахтакачдан чиққан маргилоннинг қалампирнусха дўпписи. Меливой ака унга бош-оёқ қараб чиқиб уришиб берди.

— Нега орденларингни тақмадинг.

— Энди қандоқ бўлар экан, раис бува. Ҳамма билди-ку.

— Вой нодон-е,— деди уни эрмак қилиб.— Шу бугун тақмасанг, қачон тақасап. Бор олиб чиқ. Ўзим тақиб кўяман.

Малика ая уйга кириб кетиб қутича олиб чиқди. Меливой аканинг қўлига бераркан:

— Мана, болагинамнинг ордирлари,— деди.

Меливой ака сўрига, артистлар ёнига ўтириб қутини очди. Қутича ичи орден-медалларга тўла эди. Меливой ака Холматжонда шунча орден, шунча медаль борлигини билмаган экан. У фақат тунов кунни митингда тақилган «Олтин Юлдуз» билан битта Ленин ордени бор деб ўйлаган эди. Қути ичида иккита Ленин ордени, еттита «Қизил Байроқ» ордени билан бирга битта «Ватан уруши», «Александр Невский» ордени ва ҳар ҳил ўн олтита медаль бор эди. Артистлар бу қимматбаҳо мукофотларга завқланиб қарашарди. Орден-медаллар қўлма-қўл ўтиб кетди.

— Жойига қўйинглар, йўқолмасин,— дерди Меливой ака. У Холматжонни тик турғизиб қўйиб ҳаммасини қондалик қилиб тақиб қўйди.

— Генерал бўлиб кетдинг-ку, азамат,— деди унинг кўксига завқ билан тикиларкан, Меливой ака.— Энди йигитлар билан бориб келинни олиб келинглар.

Холматжон ўртоқлари билан кетди. Меливой ака ҳовлини айланиб дастурхонларни кўздан кечириб чиқ-

ди. Ҳамма нарса етарли. Сомса, варақи, қовурилган ўрдак гўшти. Ҳатто қуён гўшти ҳам бор эди дастурхонда. Меливой ака тўйдан икки кун олдин тўртта йигитнинг елкасига қўштинг милтиқ илиб тўқайга киришиб юборган эди. Бир арава ўрдак билан қуён уриб чиқишганди. Ҳаммаси дастурхонга тортилди.

Наймандан ҳам меҳмонлар етиб келишди. Икром жон, Тоға, Тўланбой, Низомжон, Зебихон, Тўтихон... Меливой ака меҳмонларни алоҳида қилиб ясатилган дастурхонга ўтқазди.

Кўчадан болаларнинг чувиллаб, келишяпти, келишяпти, деган товушлари эшитилиши билан артистлар сўридан тушиб созларини қўлга олишди.

Қизларнинг ёр-ёри эшитилди. Улар орасида Адолатнинг майин, жарангли товуши эшитилади. Бу товушлар орасида ҳар замон Асроранинг дўриллаган овози алоҳида ажралиб турарди.

Артистларга гап бермай келин-куёвлар ёр-ёр билан кириб келишди. Олдинда Адолат орқасидан Асрора бири олиб, бири қўйиб ёр-ёр айтишарди:

Адолат: Узун-узун арғамчи халимчакка, ёр-ёр,
Чакан қўйлак ярашади келинчакка, ёр-ёр.

Асрора: Чакан қўйлак енглариди тут қоқайлик, ёр-ёр,
Куёв поччам юрагига ўт ёқайлик, ёр-ёр.

Адолат: Баланд-баланд теракларга қўнди ҳакка, ёр-ёр,
Синглим жуда ярашади Чортерака, ёр-ёр.

Асрора: Куёв почча, пул чиқазинг беланчакка, ёр-ёр,
Келин пошша тугиб берар шу кузакка, ёр-ёр.

Қийқириқ кулги бўлиб кетди. Бетига тўр тутилган Дилдор Асроранинг биқинидан чимчилаб олди. Қўлги босилиши билан Адолат яна авжига чиқди:

Адолат: Чортеранинг йигитларин куйдирган қиз, ёр-ёр,
Чўлга келиб меҳнатни ҳам дўндирган қиз, ёр-ёр.

Асрора: Гулдираган овоз келар яқин сойдан, ёр-ёр,
Бу индамас поччамизни топдинг қайдан, ёр-ёр.

Адолат: Тол шохиди парпирайди осма фонарь, ёр-ёр,
Келинчакнинг оқ юзлари лов-лов ёнар, ёр-ёр.

Асрора: Қир устида кўринган у ўтовмикан, ёр-ёр,
Куёв поччам гапирмайди соқовмикан, ёр-ёр.

Адолат: Сингилчамни олиб келдим ёр-ёр айтиб, ёр ёр,

Қовоқ очиб кутмасангиз кетай қайтиб, ёр-ёр.

А с р о р а: Гирчиллаган келинчакнинг ковушими, ёр-ёр,
Янгасининг мингиллаган товушими, ёр-ёр.

А д о л а т: Ёр-ёр битди келинчакка бахт тилайлик, ёр-ёр,
Икковига қўш ўрилик тахт тилайлик, ёр-ёр.

А с р о р а: Естуғингга сепилган гул атир экан, ёр-ёр,
Енгинангда ётган йигит чўтир экан, ёр-ёр.

Холматжон қип-қизариб кетди. Дарҳақиқат, унинг бегида жуда билинар-билимас чечак изи бор эди. Дилдор яна Асрорани чимчилади. Қийқириқ, кўлги босилмаёқ ҳофизлар «Тўйлар муборак»ни бошлаб юборишди.

Бошига тўр ёпган Дилдор ёнида кўкси орденга тўла Холматжон илжайиб келарди. Малика ая улар бошидан танга сочди. Болалар билан катталар ҳам оёқ остида ўралашиб танга тера бошлашди.

— Биз ҳам шунақа тўйлар кўрайлик.

— Олинглар, сизларни ҳам шунақа тўйларга етказсин.

Меливой ака Юнусали отани бошлаб келди.

— Ота, келин-куёвга фотиҳа беринг!

Юнусали ота келин-куёв қаршисига келиб қўлини фотиҳага очди:

— Худоё худовандо қўша қарниглар. Ували-жували бўлинглар. Кам бўлманглар.

Юнусали отанинг овози титраб гапининг охириинг айтолмади. Аста бориб куёвнинг пешонасидан ўпди.

— Болам, биттаю-битта фарзандимни, кўзимнинг оқу қорасини қўлингизга топширдим. Хафа қилманг. Болам зада бўлган. Кўнгли яримта.

Юнусали ота йиғлаб юборди. Меливой ака унинг тирсагидан ушлаб нари олиб кетди.

Холматжон таъсирланиб кетган эди. У ёқ-бу ёққа алашгаб бир чеккада елкасини қисиб муғайиб турган Азимжонни топди-ю, илдам югуриб болани даст кўтариб олди. Боланинг кўзлари яшнаб кетди.

Холматжоннинг тантилиги ҳаммани ҳайрон қолдирган эди. Ҳаммани дастурхонга таклиф қилишганда ҳам, келин-куёв тўрга ўтиб ўтиришаётганларида ҳам Холматжон болани қўйиб юбормади. Ёнига ўтқазди. Юпқа, ҳарир тўр парда тагида ўтирган Дилдорнинг ҳам кўз-

ларига ёш қалқиб чиқди. У тўй яқинлашган сари бола-сидан ташвишланарди. Бола ўксимасмикин. Холматжон боламни турткиламасмикин, деган ўй бир дам нари кетмаган эди. Бугун бу гумонлар тамом бўлди. Энди унинг кўнгли тинч. Холматжон боласига чинакам ота бўлади.

Ўйин-кулги авжга чиқиб кетди. Қадаҳлар жаранглайдди. Келин-куёвнинг саломатликлари учун кўтарилган қадаҳлар ўз кучини кўрсатди. Ўйиглар елка учуриб гулхан атрофида гир айланишар, ноғора, чирманданинг бакабанги чўлининг узоқ-узоқларига эшитиларди. Гулхан алангаси ширакайф юзларни қип-қизил қилиб яшнатарди.

Асрора Дилдорнинг бетидаги тўрни олиб ташлади. Дилдор энди чинакамга дилдор бўлиб кетган эди. Зулук қошлар, иккита чўғ бўлиб ёнаётган кўзлар, биллилар-биллимас қилиб киприкка тортилган сурма, худди ҳайкалтарош умр бўйи меҳнат қилиб, мана энди битди, деб кўрсатаётгандек мукамал бир санъат асарига ўхшарди Дилдор. Ҳамманинг кўзи унда эди.

Уруш йиллари қизлар ҳам ҳунук бўлиб кетишганди. Меҳнат, айрилиқ изтироблари уларнинг бетидан ҳусини юлиб ташлаган экан, мана энди ўша гўзал ҳусн, ўша латофат ўз ўрнига келган.

Низомжон Дилдорга қараб ёнида ўтирган хотинини ҳам унутиб тикилганча қолганди.

— Чиройли экан, жудаям чиройли экан,— деди Зебихон завқланиб.

Низомжон индамади. Асрора жиндек кайф қилиб қолган экан, ўйнаб келиб Холматжоннинг тўғрисида туриб қолди.

— Уртоғимни хафа қилсанг, биласанми нима қилман. Геройлигингга қарамай жиғингни эзиб қўймай. Агар ўғил бола бўлганимда уни ўзим олардим.

Қийқириқ, кулги бўлиб кетди. Дилдор секингина:

— Бўлди. Бачканалик қилма. Жойингга ўтир,— деди.

Ташқарида шовқин бўлиб қолди. Ҳамма дарвоза тарафга қаради. Меливой ака чиқиб кетди. Бир оздан кейин Асрорани имлаб чақирди.

Асрора чиқиб кетгандан кейин ҳам шовқин анча вақтгача бўлиб турди. Кимдир маст товушда Дилдорни уят гап билан сўқди. Ундан кейин Холматжонни ҳам сўқди. Ана шундан кейин сал ўтмай шовқин бо-

силди. Ғазабдан кўкариб кетган Асрора кириб жойнга ўтирди. У қаттиқ ҳаяжонлангандан анча вақтгача ўзини босолмай ўтирди. Дилдор, нима гап деб сўраган эди, қўявер, ишинг бўлмасин, деб қўл силтади.

Ўйин-кулги яна бошланиб кетди. Кимдир Меливой акани ўйинга тортди.

Ранс унча поз қилиб ўтирмай ўйинга тушиб кетди. Чол яхши ўйнар экан. Гулхан атрофида шошилмай, гоҳ елка қоқиб, гоҳ оёқларини бир-бирига уриб, бир қошининг ўзини учириб айланаркан, қийқириқ авжга чиқди. Меливой ака шкки айланибоқ чарчаб қолди. Тоғанинг тўғрисиغا келиб муқом қилиб туриб қолди. Аммо Тоға қўлини кўксига қўйиб ундан узр сўрар, ҳарчанд қилса ҳам ўрнидан турмасди. Икромжон Тўланбойни имлаб кўрсатган эди, йигитлар уни судраб даврага олиб чиқишди.

Ўйинни Тўланбойга чиқазган эди. Белбогини атайин думбаси устига тушириб, яктагининг ёқасини кенг очиб қўйиб йўргалаб кетди. У ёши элликдан ошган бўлишига қарамай, шундай чир айланиб ўйнардик, қараган одамнинг кўзи тиниб, боши айланиб кетарди. Хотини юзини тескари ўгириб, қариганда бачкана бўлмай ўл, деб қўйди. Зебихон опасини уришиб берди.

— Яхши-да, ўйнайверсинлар.

Тўланбойни даврадан чиқармай уч марта ўйнатишди. Дастурхонга ош тортилаётгандагина уни қўйиб юборишди.

Вақт алла-палла бўлиб қолганди. Тоға узоққа кетишларини айтиб Наймандан келганларга Меливой акадан рухсат сўради. Йўл ёмонлиги сабабли Меливой ака уларни ортиқча қистамай жавоб берди.

Низом чиқиб кетаётганларида келин-куёв олдига бориб уларни чин юракдан табриклади. Асрора унинг этагидан ушлаб ёнига ўтқазди.

— Сен писмиқ ўлгур хотининг билан бизни таништирадинг-а.

— Ҳозир, ҳозир,— деди Низомжон ўрнидан тураркан.

У йўлакка етиб қолган Зебихонни чақириб қайтариб келди.

— Танишиб қўйинглар. Мана шу киши келиннинглар Зебихон бўладилар.

Асрора у билан кўришар экан, суқланиб қаради.

— Жуда чиройли экансиз-ку. Низом ўлгур, дидинг жойида,— деб қўйди.

Зебихон уларни Найманга таклиф қилиб кейин йўлакка чиқди.

Юк машинасининг кабинасига Тўланбойнинг хотинини ўтқазиб, қолганларнинг ҳаммаси тепага чиқишди.

Машина чироғини парпиратиб йўлга тушди. Толзордан ўтишлари билан машина бир силкинди. Йўл четида икки тиззасини қучоқлаб ўтирган бир одамни ёритди.

Бу Аъзамжон эди.

Шундагина Низомжон боя тўйга келиб шовқин қилган, Дилдорни, Холматжонни сўккан, тўйни бузмоқчи бўлган шу Аъзамжон эканини билди.

Энди у ғирт маст бўлиб йўл четида бешиктерватга ўхшаб ўтирган жойида тебраниб ўтирибди.

Низомжоннинг акасига юраги ачишиб кетди.

Аммо акаси уни дўппослаб, машина билан уриб кетганда юраги ачимаган эди.

Низомжон то Найманга етгунча ҳам чурқ этиб оғиз очмади.

Узоқдан ҳали ҳам чирманда ва йиғитларнинг қийқириғи қулоққа чалиниб турарди.

XI

Маҳбуба эрининг феълини тушунолмасди. Гоҳ хурсанд, гоҳ тажанг. Кечалари ўридан туриб кетади. Ҳовли бурчакларини айланиб тонг отгунча нимадир қилиб юради. Бундан тўрт кун олдин қаёққадир бориб тонг отар маҳалда келди. Негадир йиғлади. Йиғлайвериб қовоқлари шишиб кетди. Арнза бериб ишдан ҳам бўшаб олди. Мана, бугун бир айланиб келаман деб Тошкентга кетганича ундан дарак йўқ. Беш кун бўлди. На хат ёзади, на телефон қилади.

Маҳбуба бугун, балки келгандир деб ишдан вақт-лироқ қайтди. Йўқ. Келмабди. У овқат қилишни ҳам, қилмасликни ҳам билмай айвон даҳанида қимирламай ўтирарди. Қачонгача шундоқ ўтириш мумкин. Нимадир қилиш керак. Найманга бориб укасидан суриштирсамикин. У шундай ўйлар билан ичкарига кириб кийинмоқчи бўлди-ю, тахмон олдига борганда оёқ тагида пол лопиллагандек бўлди. Янги пол нега лопил-

лади экан, деб оёқ тагига қаради. Бу хонани ўтган йили Маҳбубанинг ўзи пол қилдирган эди. Дарров тагидаги тўсини чиридимкин? Маҳбуба гилам четини қайириб қараган эди, пол тахтасининг миҳи йўқ. Гиламини яна нари сурди. Пол очилгану қайта миҳланмаган. Ҳайрон бўлди. Ахир уни ўзи шу йил эрта баҳорда ўз қўли билан мойлаганда миҳланган эди. Тахталарнинг бир-бирига уланган жойи қирилган, болта билан кўчирилганлиги шундоққина билиниб турибди.

Маҳбуба ҳовлига чиқиб теша олиб келди-да, тахта оралнига тешанинг бетини тикиб кўтарган эди дарров очила қолди. У шундай қилиб учта тахтани кўтарди. Энгашиб бош суқиб қараган эди қандайдир бир нарсанинг дўмбайиб турганини кўрди. Тимскилаган эди, қопнинг бўғзига қўли тегди. Тортди. Аначагина оғир туюлди. Кучаниб тортиб олди. Еруққа судраб олиб келди. Очди. Қопни полга ағдарган эди, бир нималар тарақлаб, жаранглаб тушди. Дераза пардасини кўтариб қўйиб қаради-ю, қўрқувдан кўзлари дум-думалоқ бўлиб кетди. Пачка-пачка пуллар, тилла буюмлар, қимматбаҳо тошлар...

Маҳбуба ўзини йўқотиб қўйди.

У болалар уйларида тарбияланган. У ердаги тарбиячиларнинг қулоғида ҳатто жез зирак ҳам кўрмаган. Бунақа катта пулни фақат магазинларда санашаётганда кўрган бўлмаса, бошқа жойда кўрмаган.

У энгашиб пахтага ўралган нарсаларни оча бошлады. Ҳар бири иўхотдек келадиган бриллиантлар, ёқутлар. Халтачаларда шода-шода марваридлар. Полда тилла узуклар, тилла соатлар сочилиб ётибди.

Маҳбубани қўрқув босди. Ялт этиб хаёлига, эрим ким, деган савол келди. Ўғримми? Ўғри у. Бўлмаса шунча нарсаларни, шунча пулларни қасқдан олади. Фақат ўғрилиқ билан топши мумкин бу нарсаларни. Демак, эрим ўғри. Ўғрига теккан эканман. Шўрим қурсин.

Маҳбуба олтин-кумушлар, бриллианту марваридлар, пачка-пачка пуллар тепасида ўтириб юм-юм йиғларди.

У шу алфозда қанча ўтирди билмайди. Кеч кириб, қоронғи тушди. Эшик тарақлаб очилди. Машина мотори гуриллаб ҳовлига кирди. Мотор товуши ўчиб қоронғида Аъзамжоннинг шодлик тўла овози эшитилди.

— Маҳбуба, Маҳбубахон, қаёқдасан?

Маҳбуба паришон бир аҳволда ҳовлига чиқди.

— Нега чироқ ёқмай ўтирибсан?

Аъзамжон унинг жавобини ҳам кутмай айвон чироқини ёқиб юборди.

— Мана, кўриб қўй. Кўриб қўй. Машина олдим. Жуда антиқасини олиб келдим. Энди сени ўз машинада ҳар ёқларга оборама. Бировларнинг машинасига зор бўлмаймиз.

Бўёғи анчагина кўтарилиб қолган бўлса ҳам ҳали янгидек машина турарди.

— Бу немис машинаси. «Опель-капитан» дейди буни. Қирқ мингга олдим. Қойил-а. Бир қарагин. Нима, касалмисан?

Аъзамжон машина эшигини очиб чамадон олди. Айвонга келиб чамадонни очди.

— Сенга ажойиб туфли, антиқа жемпер опкелдим. Нега қарамайсан? Кийиб кўргин. Ўзининг размеринг.

Маҳбуба у олиб келган матоларга қиё боқмади ҳам.

— Хотин кишидек аразчиси бўлмас экан-да. Телефон қилмаганимга шунақа қиялпсанми? Қўлим тегмади. Машина олиш қийин бўлди. Анча овора бўлдим. Ё опкелган нарсаларим сенга ёқмадимиз?

— Машинага пулни қаёқдан олдингиз?— деди унинг кўзига тикилиб Маҳбуба.

Аъзамжон ундан бунақа савол кутмаган эди. Довдираб қолди.

— Ўзимда озроқ бор эди. Укамдан, опамдан қарз кўтардим. Жигарчилик, бир кунмас-бир кун узилишиб кетармиз.

— Шунақамми?— деди Маҳбуба киноя билан.— Манави нарсаларни қаёқдан олдингиз? Буни ҳам опангиз билан укангиз бердимми?

— Қайсини?— деди Аъзамжон ҳайрон бўлиб.

— Уйга киринг, биласиз.

Юрагини ваҳима босган Аъзамжон ўқдек отилиб уйга кирди. Бундан ўн кунча олдин пол тагига яширган матолари сочилиб ётарди.

— Ким тегди бу нарсаларга?

Аъзамжоннинг овози қандайдир ваҳший ҳайвон овозини эслатарди.

— Ким тегди деяпман!

— Мен,— деди Маҳбуба.— Сен,— бу Маҳбубанинг биринчи мартаба эрини сенлаши эди.— Сен ўғрисан.

Қароқчисан. Менинг уйимга ўғрилиқ молларни нега олиб келдинг. Йўқол! Кет уйимдан.

— Нима?!— деди кўзларини олайтириб Аъзамжон.— Нима дединг?

— Йўқол. Кет!

— Вой яхшилик ёқмаган-е. Сен мени ким деб ўйла-япсан? Ахир бу пуллар, бу буюмлар ўғрилиқдан топилмаган. Дадамдан теккан мерос бу.

Бирдан Маҳбубанинг эсига, эрининг укаси катта митингда сал кам ярим миллион пул ва аллақанча қимматбаҳо буюмларни Езёвоппни ўзлаштириш фонди-га топширгани келди. Демак, акасига ҳам шунча теккан. Маҳбуба сал ён берди.

— Шунча нарсани топширмай нима қилиб олиб юрибсиз?

— Ҳукуматга дейсанми? Топширдик-ку. Ярмини топширдик-ку. Хабаринг йўқми, укам билан икковимиз топширдик-ку.

— Елғон. У укангизнинг улуши. У ўз улушини топширган. Сиз яшириб юрибсиз.

Аъзамжон гап тополмай довлдиради.

— Укам топширди нима-ю, мен топширдим нима, Ярмини топширдик бўлди-да.

— Агар бу нарсаларни топширмас экансиз, кетинг бу ердан. Сиз билан яшамайман.

Аъзамжон унинг гапларини эламади. Эрмак қилиб кулди.

— Яшамайсизми? Биласизми, хоним, бу пулларга, бу буюмларга сиздақалардан юзтасига уйланса бўлади.

Маҳбуба титраб кетди. Кўзларидан ёш тирқираб отилиб чиқди. Аъзамжон унга қарамас, чамадондан шиша олиб закускасиз қулдиратиб шишанинг ўзидан ичарди.

У уйга кириб шошиб пулу буюмларни қопга тикди-да, машина багажнигига улоқтирди, қопқоғини ёпиб қулфлаб қўйди.

— Яшамайсизми?

— Яшамайман,— деди қатъий Маҳбуба.

— Бўлмаса мен ҳам сен билан яшамайман.

Аъзамжон жаҳл билан дарвозани очди. Кабинага ўтириб орқасига юрғизиб дарвозалан машинани опчиқди. Машина бурилганда чироғи бир дам Маҳбубанинг юз-кўзини ёритди. Унинг кўзларидан ўт чақнарди.

Машина гуруллаб бирпасда қоронғилик қаърида йўқ бўлиб кетди.

Маҳбуба ҳовлида ёлғиз қолди.

У гаранг эди. У қаттиқ ухлагану, ёмон туш кўриб уйғонган. Ҳозирги бўлиб ўтган воқеаларни у тушида кўрган.

Дарвоза очиқ. Айвонда боя эри чамадондан олган туфли билан жемпер ёғибди. Демак, кўрганлари туши эмас, ўнги. Рост. Ҳаммаси рост. Маҳбуба ҳали ҳам ишонгиси келмай уйга кирди. Пол тахтаси кўчган. Гилам қайрилган.

Ана шундан кейин Маҳбубанинг бўғзига йиғи келиб тикқилди-ю, ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

Бу эрининг ташлаб кетганидан эмасди. Бу ўз қадрига, ўзининг бетолелигидан эди.

Ахир унинг бу ёруғ дунёда ҳеч кимни йўқ. Эрим синиқ кўнглимни кўтарар, етимлигимни билдирмас, дунёнинг ташвишларини энди унутиб, беармон яшарман деб ўйлаган эди бу етим қиз. Бўлмади. Яна унинг яраланган дили қайта тиндаланди.

Пушаймону армонлар энди фойдасиз эди. Ким билди, эри қилмишига тушунар, эси ўзига келиб қайтиб келару, қилмишларидан узр сўрар. Балки у қизишиб кетиб шундай қилгандир. Узр сўраб, хотини айтганча иш тутар.

Маҳбуба шундай ўйлар билан ўзини юпатмоқчи бўлди. Хотиржам бориб дарвозани омонатгина ёпиб келди. Атайин илгагини солмади. Қайтиб келса овора бўлиб қолмасин деб шундай қилди. Узоқ йўлдан келган, қорни очгандир, деб қозон осди. Чой қўйди.

Тун ярмидан оғди ҳамки, эридан дарак бўлмади. Тонг отишига ҳам оз қолди. Ҳамон Маҳбубанинг уйида чироқ ўчмасди. Тонг ҳам отди. Эри келмади. Барибир ховридан тушгандан кейин, қилмишидан ўкиниб қайтиб келади, деб пойларди у.

Аммо у Аъзамжоннинг феълени билмасди. Шу пуллар учун укасини дўппослаган, ўлган бўлса керак деб Наймандан хабар кутган одам учун кечасидаги хотинига қилган муомаласи ҳеч гап эмасди. Аъзамжон узр сўрайдиган кўнгли бўшлардан эмасди.

Маҳбуба уйқусизликдан гаранг бўлиб ишхонасида ланж бўлиб юрди Коммутаторга телефон қилган абсентларни янглишиб бошқа ёққа улаб қўяр, сўкиш

эшитарди. Телефон жирингласа, эрим деб ҳовлиқиб олар, бошқа одам эканлигини билиб бўшашиб ўтириб қоларди.

Шу алфозда кеч кирди. Маҳбуба энди ишини тугатиб уйига кетмоқчи бўлиб турган эди, телефон қаттиқ жиринглади. У чўчиб трубкани олди.

Райижроком раиси уни сўраётган экан.

— Ижрокомга бир кириб ўтинг, қизим.

Раиснинг овозида аллақандай меҳрибонлик бор эди. Бу кўрс, ҳамма вақт зарда билан гапирадиган одамнинг меҳрибон товушидан ҳайрон қолган Маҳбуба станциядан чиқиб тўппа-тўғри унинг олдига борди.

Ижроком ходимлари кетиб қолишган. Фақат бир ўзи ўтирарди.

Раис уни меҳрибонлик билан ўрнидан туриб кутиб олди. Стул қўйиб берди. Олдидаги вентиляторни унга тўғрилаб қўйди. Чой қўйиб узатди.

— Соғлиқлар қалай?

Маҳбуба ҳайрон эди.

— Емон эмас, дуруст.

Ана шундан кейин раис ўрнидан туриб деразадан кўчага қаради. Қуванинг қоқ ўртадаги икки туп катта чинор учида бир оёқлаб турган лайлакка тикилганича папирос чекди. Кабинетни икки айланиб Маҳбуба тепасида тўхтади. Йўталди. Нариди кетди. Яна жойига ўтирди. У нимадир демоқчи бўларди-ю, айтолмасди. Маҳбубанинг кўнглидан минг хил гап ўтарди.

Маҳбуба унинг хотини бундан бир ярим йил олдин ўлганини биларди. У ҳали уйланмаган. Бордию у кеча эри ташлаб кетганини эшитган бўлса, ишқибозлик қилгани чақирдимми? Бўлмаса ёлғиз кабинетга чақириб нега гап чайнайди. Гапини айтолмайди?

Маҳбуба бошини кўтариб унга қаради. Унинг бу қарашида, айтадиган гапини бўлса тезроқ айг, деган маъно бор эди.

— Энди, сизглим, оғир бўласиз-да,— деди журъатсизлик билан.— Шунақа ишлар ҳам бўларкан-да. Улим ҳақ. Биз қолганлар омон бўлайлик.

Маҳбуба ҳайрон. Раис ўз хотинини айтяпти. Ҳозир даромадига бошқа гап айтади, менга тегинг, дейди. Маҳбуба сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Нима деяпсиз? Мени ким деб ўйлаяпсиз?

— Ўзингизни босинг. Мунча енгил бўлмасангиз. Оғир бўлиш керак. Улим ҳақ. Чидаш керак. Энди сиз омон бўлинг.

Маҳбубанинг юрагини ваҳм босди.

— Нима? Нима деяпсиз?

— Энди, синглим. Айтадиган гапимни айтолмаяпман. Мен ҳам марҳумни жуда яхши кўрардим. Ўзига ўзи қилди. Бўшаб кетмаганда, балки тирик қолармиди. Бандитларга қўшилгандан кейин нима бўларди.

— Қимми айтяпсиз?— деди ваҳм ичида қолган Маҳбуба.

— Аъзамжон авария бўлиб ҳалок бўпти. Мана, Олтиариқдан телефонограмма олди.

Боя Олтиариқдан телефон қилишганда райинжроксм секретарига ўзи улаб қўйган эди.

Маҳбубанинг қулоғи битиб, мияси шанғиллаб кетди. Раис узатган қоғоз қўлидан тушиб кетди. Бир неча дақиқа сувга чўкиб кетаётгандек ҳавода сузиб юрганга ўхшаб қолди. Энгашиб қоғозни олди. Уқиди.

«Олтиариқдан саккиз километр наридаги Қопчиғай тўғони олдида бугун кечаси соат тўртларда ҳали номер олинмаган енгил машина йўл четидаги қайрағочга урилган. Шофёр ҳалок бўлган. Ҳужжатларига қараганда бундан олдин Қува район ижрония комитетида шофёрликдан бўшаган. Авария ичкилик натижасида содир бўлган. Ҳалок бўлган Аъзамжон Иноятовнинг жасади Фаргона область мед. экспертизасига жўнатилди. Машина багажнигидан топилган уч юз эллик тўрт минг сўм пул ва қимматбаҳо буюмлар Олтиариқ милиция бўлимида сақланмоқда. Марҳумнинг қариндош-уруғларига хабар қилишларингизни сўраймиз».

Маҳбубанинг ичидан бир ингроқ келди-ю, стулга беҳол йиқилди.

XII

Сентябрь оёқлаб Ёзёвонга салқин тушди. Октябрнинг тиғи ҳам қайтган.

Холматжонлар жадал теримга тушиб кетган. Найман аввалгича пахтани кам экканидан теримни оёқлаб қўйди. Аммо шолни ўроғи авжида эди.

Оз эмас тўрт юз гектар ердаги шолини ўриб, янчиб

олиш осон эмасди. Ҳавойи жаҳонга ишониб бўлмайти. Агар бир шаррос қуйиб берса борми, ўроқ ҳам, янчиш ҳам қийин бўлади. Бу жойда янчиш учун пана жой йўқ. Қанчаки ўрилган бўлса, бари мактаб орқасидаги текисликка тўкилади.

Янги колхоз тузилиши ҳам орқага сурилди. Область партия комитети авжи йиғим-терим пайтида колхозни иккига бўлиб ўтириши ишни орқага суриб юборади, бунақа ишларни йиллик даромад тақсимотидан кейин ўтказиш керак, деб маслаҳат берди. Бу тўғри маслаҳат эди. Чунки йиллик даромад тақсимоти пайтида колхознинг нимаси бор, нимаси йўқ, маълум бўлади.

Аксига олиб шу тигиз пайтида Икромжоннинг ёғоч оёғи синиб қолди. Қўлтиқтаёққа осилиб далада қанча кезиш мумкин. Тушгача дала айланса, кечгача елкасини уқалаб ётади. Тоға уни қўярда-қўймай бошқа ёғоч оёқ буюртириш учун Тошкентга жўнатиб юборди. Шолни ўроғига ўзи бош бўлишни бўйнига олди.

Мана, Икромжоннинг кетганига ҳам беш кун бўлди. Тоға Найманга ётиб олган. У бугун эрталаб Зирилламага тушиб кетганича кеч пайти машинада соқоли кўксига тушган қоп-қора киши билан қайтиб келди. Қора кишининг қўлида калта сопли дутори ҳам бор эди. Тоғанинг артист етаклаб юрадиган одати йўқ эди, деб Низомжон ҳайрон бўлди.

Низомжон ўроқда эди. Тўланбой отда юриб ҳаммани кечқурун хирмонга боришини тайинлаб, яна нариги ўроқчилар томонга ўтиб кетди.

Мактаб орқасидаги ялангликка одам сизмай кетган. Машъалалар ёқилган. Низомжон бунақа базмни кўрмаган эди.

Фарғона шоликорларининг бир одати бор. Шолни янчиш уларга бир тўй ҳисоби. Ҳамма хонадонлар қозонларини шолни янчадиган жойга олиб чиқадилар. Узоқ-яқин қишлоқлардан одамлар келишади. Катта қозонларда овқат пиширилади. Самоварлар вақирлаб қайнаб туради. Майдачининг қўшиқларини эшитгани ҳатто кампирлар ҳам келишади.

Майдачи дегани шолни янчадиган қўшиқчи дегани.

Хирмон ўргасига мўмиғ қоқилиб олти ҳўкиз ё буқа ёнма-ён қўшилади. Майдачи ҳўкизларга қамчи босиб мўмиғ атрофида айлантираверади. У ҳар бир ҳўкизга атаб қўшиқ тўқиши керак.

Низомжон келганда майдачи машъала тагидаги намамта Тоға билан чой ичиб ўтирарди. Боя тоға машинада олиб келган дуторли киши майдачи экан.

Низомжон бунақа маросимларни умрида кўрмаган эди. У ўсган Чортеракда шолн экилмасди.

Тоға фотиҳа бергандан кейин чол ўрнидан туриб буқалар олдиға келди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Кимдир ня, бу Бўзлик Саттор майдачи-ку, деб юборди.

Саттор майдачи шолнкор қишлоқларда жуда машхур одам эди, у бормаса ҳеч ким шолнсини янчмасди. У бир марта майда айтиб буқаларни мўминг атрофида айлантиргандан кейин биринчи янчилган шолн дарров оқланиб ўша заҳотиёқ қозонға ташланарди.

Тоға бугун сизир сўйдириб, шу ернинг ўзида икки катта қозонға сабзи-пиез бостириб қўйган. Олти азамат йигит олти келини гулхан атрофиға қўйиб дастасинға суяниб кутиб турибди. Шолн янчилиши биланоқ барава-риға келиға солиб оқлашға тушнб кетншали.

Саттор майдачи буқаларнинг яғрининға шапиллатиб уриб айланиб чиқди. Кейин дуторини қўлиға олди-ю, қўшиқ бошлади.

Бўз болони бўзлатодир бир ютим бўзанг сани
Бўз болони йиғлатодир бўзалик кўзанг сани.
Бўз болони йиғлатиб, ҳам бўзалатиб қўйсанг агар,
Битта номардининг қўлида синсин у кўзанг сани.

Майдачи гоҳ кўзларини юмиб, гоҳ ловиллаб ёнаётган машъалаға хаёлчан тикилиб ўртаниб, куйиб-ёпиб куйларди.

Унинг қўшиқлари йигитлар бағриға ўт солар, қизларни хўрсинтириб, кексалар кўксинда ухлаган биринчи муҳаббат туйғуларини уйғотарди.

Чўл шамоли майдачининг гоҳ баланд, гоҳ йиғидек мунгли овозини олисларға олиб кетар, яна қайтариб келиб ўт-ўланлар бағриға сингитиб юборарди.

Қўлга тушган ғозмиди, ўрдакмиди, оққушмиди,
Бошимга тушган бу савдо ёзмиди ё қишмиди?
Қайрилиб бир боқмадинг, кўнглимға ўтлар ёқмадинг,
Бўйнингға қўл солганим ўнгиммиди ё тушмиди?

Майдачи байтини тугатиб дуторини ўтирганларнинг олдиға қўйиб; яна буқалар ёниға келди.

— Қани, жониворлар, энди ишлайлик.

У мўмиққа сириб бойланган биринчи буқани кўрса-тиб деди:

Буқами бу нимади?

Нега мени сузади?

Фунажинни кўрганда

Арқонини узади. Хўк, ҳаром ўлгур!

— Арқонини маҳкамроқ бойлаш керак бу бўйдоқ-нинг.

Ҳамма гур этиб кулиб юборди. Шундан кейин унга ёнма-ён бойланган буқанинг қовурғаларига шапилла-тиб уриб байт айтди:

Сичқонмисан, мушукмисан, нимасан?

Эшикмисан, туйнукмисан, нимасан?

Тўрт оёғинг гугурт чўпдек ингичка

Буқамисан, кучукмисан, нимасан? Ҳа, жонвор, хўк!

Яна кулги кўтарилди. Майдачи унинг бўйнидаги арқонни сал бўшатиб қўйди.

— Улар ҳолатга етиб қопсан. Аслида сени қўйво-риб ўрнингга подачини бойлаш керак эди.

Энди майдачи яғринлари машъалада ялтираб турган чиройли буқага ҳавас билан тикилиб қолди-да, йиғлаган товушда деди:

— О, бечора, сенга байт айтиб бўлмайди. Яқинда ўладиган нарса экансан. Орқада қассоб пичоғини қай-раб турибди. Гўштингдан тандир кабоб, ичагингдан ҳасип қилишади. Терингдан ранс тоғам билан бошбух этик тикдиришади. Яхшилаб гирчиллагин, яхшилаб. йилтирагин. Бўлмаса, шундоқлигича табелчига пўстақ бўласан. Аччиқ ичагингдан ўзим дуторимга ип қила-ман. Мугизингдан агроном муштук ясайди. Суягингни артель олиб тугма қилади. Думингни ҳисобчига елши-ғич қилиб бераман. Пўконингни уч йил сени қўриқлаган олапар олади. Ичингдан чиққан унча-мунчани ерга сола-миз, поқовоқ экиб ҳосилотга берамиз. Белбоғига қисти-риб олади. Маърашинг ўзимники, майда айтганда авжи а ишлатаман. Сени боққан подачига йўлга ташлаб кел-ганларинг ҳам бўлади. Қишда маза қилиб исинади...

Одамлар қарсиллаб кулиб юборганларидан кейинги гапларни эшитиб бўлмади.

Майдачи энди охирги озғини, зўрға оёқда турган буқа ёнига келди.

— Сен бечорага энди нима дейман. Аҳволингни қара. Маърашга ҳам дармоннинг қолмаптин. Яхшиси, сени бўшатиб юбора қолай, ўчоқ олдинга бориб ошпазга қарашиб юбор. Самоварчига чой ташиб юрсанг ҳам куннинг ўтарди-ку, нима қилиб мол бўлиб юрибсан.

Майдачи унинг бўйнидан арқонни ечиб қўйиб юборди. Буқа жиндек юриб олдинги икки оёғи қалтираб муңкиб кетди. Тўрт киши уни турғизиб олиб чиқиб кетишди. Кулги, қийқириқ.

Майдачи халққа қаради.

— Қани, энди ишни бошлайлик. Янчганимиз яхши тўйларга буюрсин. Қозонимиздан ош аримасин. Шу янчган шолимизнинг гуручи ош бўлсин, оқшоғи бўза бўлсин, тўпони молларимизни тўйдирсин. Уруғликка ҳам қолсин, омни!

Майдачи буқаларга беозор қамчи босиб мўминг итрофидан айлантира бошлади. У ҳар айланганда битта майда айтарди.

Марғилоннинг ўчоғи, ўчоғи,
Қўлни кесар пичоғи, пичоғи.
Ерим қари деманглар, деманглар,
Куйдиради қучоғи, қучоғи. Ҳа, жонвор, ҳўк!

Папиросни ёндирган, Шаҳрихоннинг чақмоғи
Жувонларни кўрсангиз, қиз боланинг қаймоғи.
Қайси жойдан олинган, зуваласи тупроғи,
Парилардан тарқалган дерлар уруғ-аймоғи. Ҳа, жонвор!

Майда айтдим майдани ҳам майдалаб, майдалаб,
Майда деманг, майда тунар эрталаб, эрталаб.
Майдачилик осон иш деб ким айтди, кўрайлик,
Қани, чиқиб майда айтсин уддалаб, уддалаб. Ҳа, жонвор! Ҳўк!

От кетидан эргашгани той дейдилар.
Шоли эккан валломатни бой дейдилар.
Тўқсон уч кун ботқоқ кечиб, лой тепканин
Тиззасидан бўйнигача мой дейдилар. Ҳа, жонвор, ҳўк!

Қуре, қуре қўй келади, қирлар ошиб
Чумоли ҳам рўзғор қилар ушоқ ташиб.
Уроқда йўқ, машоқда йўқ азаматлар
Мана турар тўғримизда чакка қашиб. Ҳа, жонвор, ҳўк!

Майдачи чой ҳўплагани тўхтади. Олти йигит янчилган шодиларни чорига солиб елпий бошлашди. Шамол сомон тўзонларини учуриб одамларнинг бетига урарди. Чоллар қўл чўзиб сомонларни тутишар, табаррук қилиб кўзларига суртишарди.

Елпиб хас-чўпдан тозаланган шодиларни олти йигит келига солиб, дўқиллатиб янчиб кетди.

Майдачи чарчаб қолган эди. Тоға ўрнидан туриб даврани бир айланди-да, Тўланбойни топиб белбоғдан тортиб чиқди.

Тўланбой байти газалга уста, гапига мақол ё матал қўшмасдан гапирмайдиган шоир табиат киши. Буни ҳамма билади. Шунинг учун ҳам у ўртага чиқиши билан ҳамма баробар чапак чалиб юборди.

Даврада битта-яримта кайф қилиб қолганлар ҳам бор эди. Бир чол ўрнидан туриб Тоғага деди.

— Болам, бугун қутлуғ кун. Болаларга айт, ичишмасин. Емон бўлади.

Тоға чолни ранжитмаслик учун ичган болаларни тартибга чақирган бўлди.

Йигитлар ерни титратгудек бўлиб кели дастасини гуп-гуп қилиб уришарди. Тўланбой даврани икки айланиб буқаларга қамчи берди.

— Бошламайсанми, Тўлан,— деди Тоға.

— Ҳозир, ҳозир, илҳом келмай турибди.

— Юзта отсин ундан кейин илҳоми келади,— деди олдинги қаторда чордана қуриб ўтирган йигит.

Тўланбой унга ўқрайиб қараб қўйди. Кейин овозини баланд қўйиб бошлади:

Тоғдан қуёш қочирдим, ияги йўқ, ияги йўқ,

Қизлар қўйлак кияди, жияги йўқ, жияги йўқ,

Жияги йўқ жойларига қўлим солсам, қўлим солсам...

— Буни айтма, Уят байтни айтма-да,— деди Тоға кулиб.

Тўланбой, бўпти, уятмасидан айтаман, деб сал ўйла-ниб турди-да бошлади:

Қаргалар учса қарайлик Марғилоннинг йўлига

Ҳиди келса маст бўлайлик ҳандалакнинг бўйига.

Ҳандалак бўйликкинам, сен унда зор, мен бунда зор

Тўти қушнинг боласидек иккаламиз интизор, Ҳўк, жонвор!

Интизорлик торта-торта танда тоқат қолмади,
Йўл чивиндек сарғайиб учарга ҳолат қолмади.
Йўл чивиннинг ҳолини йўлда йўловчидан сўранг,
Биз ғарибнинг ҳолини ақли расс ёрдаи сўранг. Ҳа, жонвор!

Жуфт данагу, жуфт данагу, жуфт данак,
Не қилай ёрим йўқолди бедарак.
Марғилону, Шаҳрихону, Чортеракни изладим,
Қолмади мен кирмаган кунжи кавак. Ҳа, ҳаром ўлгур, ҳўк!

— Шолини қўшиб айт, боппаяпсан. Қойил, қойил.
Тўлан, Майдачи ўзимиздан чиқиб қопти. Ҳа, шолини
қўшиб айт.

Буқалар икки айлангунча Тўланбой байтгни ўйлаб
олди.

Шоли эксанг, баланд кўтар полини,
Келин аям қўйвормасин молини.
Акам келса ҳаммасини айтаман,
Саҳар чоғи кўриб қўлай ҳолини. Ҳа, тўнғиз қўпкур, ҳўк!

— Э, ўл-е, яна айнияпсан-а,— деди Тоға кулиб.—
Яқшиларидан айт.

Тўланбой хўп, ишорасини қилди.

Қиз боланинг тамзаси кўп, пози кўп,
Майдачининг ашуласи, сози кўп.
Зоотехник ўтирибди керилиб
Фермасида товугидан ғози кўп. Ҳа, ҳаром ўлгур, ҳўк!

Зоотехник қип-қизариб кетди. Боппадинг, боппадинг,
Тўлаи, Тоғани ҳам илиб кет. Гап келса отангни ҳам
анма, деган товушлар чиқди.

Раис бува Райимберди тоғамиз
Айтолмайман, бир туғишган оғамиз.
Танқид қилсак ншдан ҳайдаб юборар
Болаларни қандоқ қилиб боқамиз. Ҳа, жонвор, ҳўк!

Тоға ҳам қотиб-қотиб кулди. Кулги ёшларини ар-
тиб унга дўқ урди.

— Кимни колхоздан ҳайдабман, аҳмоқ. Тўғрисини
байт қилгани-да.

Тўланбой қўлини кўксига қўйиб узр айтди.

— Хафа бўлмайсан, Тоға. Узи рост бўлмаса ҳам қофияси яхши чиқди. Умуман, беш процент рост бўлса, байт бўлаверлади.

— Э, байтинг қурсин,— деди Тоға унга тан бериб.

Оқланган гуручларни иккита катта тоғорага солиб Тоғанинг олдига қўйишди. Тоға ҳар икки тоғорадан бир сиқимдан олиб кўзига суртди-да, баракасини берсин, деб қайтариб жойига ташлади.

Чой ичиб дамини олиб бўлган майдачи яна ўрнидан турди. Уйин-кулги то ош дам еб сузилиб келгунча давом этди.

Низомжон уйига қайтаркан, дадам бўлмади-да бўлганда бир дили ёзиларди, деб қувончини унга илинди.

Зебихон болани бағрига олиб ухлаб қолган экан. Биринчи ҳосилнинг гуручидан дамланган ошнинг бир косасини Низомжон чамбаракка илиб аста боласининг ёнига кирди. Қаравотнинг тебраниб кетганидан Зебихон бошини кўтариб эрига қаради.

— Қаримжон деган ўртоғингиз армиядан бўшаб келибди. Асрорадан хат келди. Токчада турибди.

Низомжон ўрнидан туриб, чироқни ёқди.

— Секинроқ,— деди Зебихон.

Низомжон ҳайрон бўлиб хогинига қаради.

— Опангиз келганлар. Нариги уйда ётибдилар.

Низомжон хатни ушлаганча туриб қолди.

— Нега кепти?— Низомжон ҳайрон бўлиб сўради.

— Эрталаб айтарман.— Зебихон шундай деди-ю, пиқиллаб йиғлаб юборди.— Етинг. Эрталаб биласиз. Ҳозир уйғотаман деб ўйламанг. Қўни-қўшниллар олдида шовқин қилмай қўя қолинглар.

Низомжон индамади. Хатни очиб чироққа солиб ўқиб чиқди. Ўртоғининг келганига қанчалик қувонган бўлса, опасининг келгани уни шунча ташвишга солганди.

Низомжон ечиниб ўрнига ётди-ю, ухлолмай тўлганиб чиқди. У эрталаб қандайдир бир дилсиёҳлик бўлишини кутарди. Нега келди экан?

Эрталаб Низомжон турганда опаси эшик олдида иягига қўлини тираб ўтирарди. У укасини кўрши билан, салом-алик қилиб ўтирмай:

— Ҳа, бемеҳр,— деди.— Ҳамёнингга пулни солиб қишлоқига едириб ўтирибсанми. Шундоқ бообру да-

данг етиси бўлмай, қирқи бўлмай, арвоҳи чирқиллаб юрсин.

Низомжоннинг тилига гап келмади.

— Кеча тақсиротда теккан шоли қани?

— Тақсим бўлгани йўқ. Менга тегадигани билан сенинг нима ишинг бор?

Рисолат ўрнидан туриб кетди.

— Сепларни ҳали судга бераман. Мен ўгай эмасман. Дадамдан қолган мерос менга ҳам тегиши керак. Аканг у ёқда битта манжалақи деб ярим милённи сувга оқизди. На ўзига қилди, на бировга. Ҳукумат олди қўйди.

Низомжон истеҳзо билан кулди.

— Мендагидан ҳам умидингни уз. Топшириб юборганман.

Рисолат бўзариб кетди.

— Мени лақиллатмай қўя қол. Ҳаммасини хотиннинг босиб ётибди. Манавунга нима дейсан?

Рисолат чўнтагидан иккита тилла билагозук чиқарди.

— Бу нима? Қани топширганинг?

Рисолат кеча Зебихоннинг қўлини қайтариб тилла билагозуқларни олиб қўйганидан Низомжон беҳабар эди.

— Қани, қайтиб бер. Сенга айтяпман.

Рисолат билагозуқларни қайтариб чўнтагига солиб қўйди.

Бир чеккада боласини кўтариб турган Зебихон эрини четга тортди.

— Қўйинг, мен билагозук тақмайман. Опангиз шунга хурсанд бўлсалар, ола қолсинлар.

Рисолат энди Зебихонга ташланди.

— Ҳаммасини сандиғингга босиб олгансан-да, шу битта нарса билан қутулмоқчисан. Қутилиб бўпсан.

Низомжоннинг кўз олди қоронғилашиб кетди.

— Чик уйдан. Чик деяпман! Жўнаб қол, ҳозир!

— Кетаман, билиб қўй, тўппа-тўғри мелисага борамап. Начайлигини бошлаб келаман. Қуртдек қилиб ундириб беради.

— Қаёққа борсанг, боравер. Иккинчи бу тарафларга қадам босма.

Жаҳлдан кўкариб Рисолат чиқиб кетди. У ташқарига чиқиб ҳам жаврашдан тўхтамасди.

— Отабзорининг дастидан дод! Текинхўрнинг дастидан дод! Пасткашларга қирғин келсин! Дадамдан

қолгани сенларга буюрмасин! Биттанга буюрмади-ку. Сенга ҳам худо хоҳласа буюрмайди. Войдод!

Эр-хотин остонадан ўтолмай бир-бирларига маъюс қараб турардилар. Рисолат бошига одам тўплаб ҳамон дод устига дод соларди. Биров кулади, биров уни сўқади. Билмаганлар Низомни тошбағирликда айблайди.

Низомжон кеча шоли тўйида қандоқ хурсанд эди. Шу хурсандликни ҳам опаси татитмади. Онасидан қолган бирдан-бир ёдгорликни ҳам олиб кетди.

У албатта биллагузукларни бозорга опчиқиб сотади.

Низомжон опасининг феълини билади. Албатта у шунақа қилади.

Кечаси Рисолат биллагузукни тортиб олаётганда Зебихоннинг қўли лат еган экан. У ҳозир эрига раҳми келиб қараб тураркан, бенхтиёр биллагини силарди.

XIII

Икромжон бир ҳафтагина Тошкентда юриб қишлоқни соғиниб қолди.

У хотини ўлгандан бери сира Наймандан узоқ кетмаган эди. Поездда келаётганда ҳам, Зирилламадан от олиб қишлоқ йўлига чиққанда ҳам тезроқ Нийманга етиб ола қолсам деб шошарди.

Ҳозир Фаргона боғларида тўкин куз. Урикзорлар тўйини ўзгартириб бошига олов ранг қип-қизил дурра боғлаган. Тутзорлар бошида малла қалпоқ. Шишадек тиниқ, қиз кўксидек беғубор осмонда ипакдек буралиб мезон учади.

Икромжон бир вақтлар қамнш оралаб, ботқоқ кечиб юрган йўлларида энди иморатлар, боғлар пайдо бўлган. Томларда ҳар бири қўзичоқдек ошқовоқлар, девор ошган жийда шохларида ёқут маржон. Ёзи билан айқириб оққан бўтана ариқларда энди осмон акс этади. Полизлар ҳувиллаб қолган. Серрайган тапхў қўриқчининг қўлига хакка қўнган. Қўзачадан ясалган бошида ёнғоқ чақиб ёйди.

Икромжон қадрдон қишлоғи кўчаларидан бораркан, кўп нарсаларни кўнглидан ўтказди. Болалиги, кўксига келган биринчи муҳаббат, биринчи фарзанд, чўлга биринчи юриш... Ҳамма-ҳаммаси ҳозир кўзи олдида.

У пайтларда оёқлари бутун эди. Бу тупроқларга иккала оёғининг излари тушарди. Энди сунъий оёқ ёнига тангадек из тушади.

Тўққиз боланинг ҳаммаси тупроқда. Тўққиз бола туғиб биттасининг ҳам орзусига етмаган хотини болаларининг қабридан олисда, чўлда танҳо ётибди. Бутун бир уй вайрон бўлиб кетди. Икромжон бировнинг боласини болам деб, бировнинг неварасини неварам деб узоқ шаҳардан ўйинчоқлар олиб келяпти.

Бу ёруғ дунёда нисонга эрмак кўп. Инсон кўзини қувонтирадиган, алам билан қимтилган лабларига табассум чақирадиган ранглар, жилолар кўп.

Икромжон Низомга таяниб қолганди. Икки дилгир бир-бирига суяниб сув келса шимиришди, тош келса кемиришди. Низомжоннинг муштдеккина бошига озмунча ташвишлар тушмади. Бир ой ичида ҳам отадан, ҳам акадан жудо бўлди. Букилмади. Йиқилмади. Энди толенмга шу бола омон бўлсин, болаларига бош бўлсин, деб ният қиларди Икромжон.

У отга қамчи босиб илдамлашга қистади. Шу топда неварасини жуда-жуда кўргиси келганди. Олиб келган ўйинчоқларни қўлига бериб, оғизларини қийшайтириб кулишини, кўзлари яшнаб унга толпинишини томоша қилишга энгикди. От оғирлашиб қолган куз тупроғини тўзитиб кўприклардан енгил сакраб ўтар, эгасининг хаёсларини бузгиси келмагандек лўкилламай бир мақомда йўртиб борарди.

Ёмби олтиндек сап-сарик беҳилар, ҳар бири чойнакдек-чойшакдек аюрлар шохини қайирган боғлар орқада қолиб кетди.

Икромжон Қоратепа гузаридан ўтганда Найман устида қора тутун кўрди.

Меливойнинг йиғитлари тўқайга ўт қўйдимкан, деган ўй билан унча парво қилмади. Аммо дили бир ёмонлик сезгандек юраги орзиқиб тушди. Олдинга оғир энгашиб отни бутун гавдаси билан ниқтаб юришга қистади. От бир мункиб илдамлаб кетди.

Тўқай устида қора тутун шошилмай атрофни ялагандек жуда паст судраларди. Икромжон яхшилаб разм солган эди, тутун Меливойнинг еридан эмас, Зирилла-маликларга ажратилган тўқайдан чиқяпти.

Икромжоннинг кўзлари тиниб кетди. Қамниш ёняпти. Турсунбойнинг қабри ёняпти.

Икромжоннинг кўзлари тиниб ҳеч нарсани кўрмай қолди. Бир нарса бўғзига тикилиб нафас олишга йўл бермасди. Ичидан қандайдир аччиқ, чидаб бўлмайдиган

огриқ келди-ю, юрагини чангаллаб ушлаганча қўйиб юбормай туриб қолди.

От ҳамон елдек югуриб борарди.

Найман уйлари олдидан Икромжон от чоптириб ўтганини ҳамма кўрди. Аввалига зарур иши бўлса керак деб парво қилмаганлар энди унинг олов ичига от билан кириб кетаётганини кўриб ҳайрон бўлиб қолишди.

Низомжон шолни фарамлаётган эди. Дадасининг ўт ичига кириб кетаётганини кўриб қолди-ю, ишнинг ташлаб орқасидан югурди.

Ҳаво дим. Ғир этган шамол йўқ. Қамишлар ловиллаб эмас, шошилмай, эринмай аста ёнарди. Низомжон шамдек ёнаётган қамишларни қайириб, қўллари, оёқлари куйишига қарамай олдинга интиларди. Ана, узоқдан, олов орасидан дадасининг қораси кўринди. Назарида Икромжондан ҳам тутун чиқаётганга ўхшадди. Остидаги от тутундан безовталаниб ўзини ҳар тарафга отар, олд оёқларини баландга ирғитиб, оловдан сакраб ўтмоқчи бўларди. Аммо маҳкам ушлаган қўллар тизгинни қўйиб юбормасди. Икромжоннинг устига тутун ёпирилди. Отнинг аламли кишнагани эшитилди. Тутун тарқаганда от йўқ эди. Низомжон кучининг борича интилиб тутун тарқаган жойга етиб келди. От йўқ. Икромжон ерда дўнгни қучоқлаб қимирламай ётарди. Унинг тўнидан, белидаги қийингидан тутун чиқар, элагидagi ўт ўрмалаб устига ёпирилмоқчи бўларди.

Низомжон эгиндаги фуфайкасини ечиб ўтни уриб ўчирди. Энгашиб дадасининг қўлтиғидан олди, ўзига қаради.

Икромжон жуда кучсиз товушда нимадир деб пи-чирларди. Низомжоннинг қулоғига: «Турсунбой» деган-дек бўлиб эшитилди.

Низомжон уни дўнгдан бери сурди. Икромжон босиб ётган дўнгдаги ярми куйган гиёҳлар шабада тегиши билан лов этиб ўт олиб кетди.

Турсунбойнинг гўри ёнарди, Икромжон энди ўгли-нинг мозори ёнаётганини кўрмас, кўзларини юмиб, широк, алам, изтироб билан тўлганарди.

Йигирма бир йил шамолни раво кўрмай боққан боласининг қабри жизғанақ бўлиб ёняпти. Бунга қай ота чидайдди. Қандоқ чидайдди. Икромжон кетма-кет ширар, ўрнидан туришга интилиб, яна дармонсиз ўтириб қоларди.

Найманликлар ёпирлиб келишди. Бирн қўлтиғидан, бирн белидан олиб уни ўт ичидан олиб чиқишди. Низомжон турган жойидан қимирламай қолди.

Дунёдаги энг пок, энг олижаноб опани ўлдирган, ҳар бир айтган гапини ибрат, ҳар бир босган қадамини мардлик йўли деса бўладиган мард отани ўтда куйдирган хоиннинг қабрини тепкилагиси келди. Енаётган қабр куллариини чўл шамолларига сочиб юборгиси келди. Қабр алангаси Низомжоннинг кўзларида акс этиб турарди. У қаҳр-ғазаб билан лаънат деди-ю, кескин бурилиб одамларга эргашди.

Икромжон ётиб қолди. У энди биров билан гаплашмас, баъзида ўзи билан ўзи гаплашаётгандек нималардир деб туришга иштиларди.

Икки кун ўтгандан кейин Икромжон ўрнидан турди. Одамлар ишга кетганда остонага ўтириб чўлнинг олисларига тикилиб ўй ўйларди. Низомжон ишга чиқмай ёнидан жилмасди. Ҳадеб ўзини ўзи қийнаб ўй-ўйлайверганидан Икромжон анча озиб, ранги сўлиб қолди. Бир кун Низомжон унга:

— Қўйнинг, дада, кўп ўйламанг. Бунақада дардга чалиниб қоласиз,— деди.

Икромжон унга узоқ қараб туриб бошини силади.

— Йўқ, болам, мен дардга чалинмайман. Мен ўлмайман. Тик бўлсам юриб, йиқилсам эмаклаб, ётиб қолсам сурилиб ҳў ўша уфққа бораман. Уфқдан туриб Ёзёвонимга бир қайрилиб қарайман. Уфққа бормаи ўлишим мумкин эмас.

Икромжон энтикиб-энтикиб, таъсирланиб гапирарди:

— Улиш осон, ўлиб кетиш осон. Яшаш қийин. Улиш номарднинг ҳам қўлидан келади. Мард яшайди. Кўряпсанми, болам.— У уфққа, кун ботаётган олисга қўлини чўзди. Уша тарафда уфқ қип-қизил, тепароғи секин-секин олтин рангдан аста мовийлашиб келарди.— Кўряпсанми. Товланишини, одам боласини имлаб чақиришини кўряпсанми. Юр, юр, ўшаққа борамиз. Вахлироқ бориб тонг отишини кутиб оламиз. Тонг отиши қанақалигини, кун ботиши қанақалигини сен билмайсан. Билмайсан, болам. Сен ҳали ёшсан. Сени ўзим ҳув ўша уфққа олиб бораман. Уфқни кўрасан. Қўлнинг билан ушлаб кўрасан. Уфқни Найманга олиб келамиз. Йўқ, йўқ, Найманин уфққа олиб борамиз.

Низомжон уфқдан кўз узмас, бир қизил, бир сариқ, бир мовий тусга кираётган уфқ Икромжоннинг гапларидан яна гўзаллашиб, яна сержило бўлиб кўринишардининг кўзига.

Низомжон уфққа маҳлиё бўлиб турар экан, Икромжоннинг овози тинганини билмай қолди. Боши елкасига аста теккандан кейингина ўгирилиб қаради.

Икромжон боласининг елкасига бош қўйганча, уфққа тикилиб туриб жон берган эди...

Икромжонни канал кўпригининг бериги ёғидаги дўнгликка кўмишди. Қабр тепасидаги тахтачада шундай ёзув бор:

Икромжон Усмонов

1889—1945

ВКП (б) аъзоси.

Орадан икки ҳафта ўтгандан кейин Тўланбой уч тун чиқор кўчати ошкелиб эқмоқчи бўлиб турган эди, Низомжон уни қайтарди. Нима учун ундай қилаётганини билмай ҳардамхаёл бўлиб турган Тўланбой нидамай кўчатини қайтариб олиб кетди.

Низомжон даласининг қабри олдида биронта дарахт бўлишини истамасди. Дадаси уфқни севарди. Дарахт ўсиб сўнгсиз осмонни, ҳар куни қизариб ботадиган уфқ йўлини тўсиб қўяди, деб ўйларди.

Канал кўпригидан кеч пайти қараган одам шу тепа орқасига қуёш ботишини, уфқ бутун тепаликни қип-қизил шафаққа кўмишини кўради.

Низомжон ҳар куни кеч пайтида шу тепага келиб ҳали қотмаган тупрогига қўлтиқтаёқ санчилган қабр олдида уфққа қараб узоқ ўтиради. Атрофга ўйчан назар ташлайди. Офтоб ўчиб, сўнгсиз осмонда бирин-кетин юлдузлар кўз очгунча шу ерда қолади. Турналарнинг қайчидек айри карпони ўтиб кетгунча осмондан кўз узмайди.

СҮНГГИ СҮЗ

Китобга сўнгги нуқта қўяман.

Шундай деб ўйлайману, бирдан юрагим ҳувиллаб қолади. Наҳотки ажралиш пайти келди. Ахир мен сизни ўн йил қалбимда ардоқладим. Ўн йил изингиздан юрдим. Қаҳратон қиш кечалари бўроннинг гувиллашига қулоқ солиб сизни ўйладим. Саратон жазирамаларида Ёзёвон чўлларини кезиб сизни қидирдим. Одамлар ором уйқусида ётганда мен тунни тонгга улаб сиз билан гаплашдим. Қувончингизга қувониб, дардингизга ўртаниб ёздим.

Қоғозга тикилиб, қаламни тишлаб, туннинг сокин бағридан шаддод Асроранинг овозини эшитардим. Томирлари темир, тани пўлат Икромжоннинг қомати сира сунгилмаслик тимсоли бўлиб қаршимда турарди.

Дилдор! Эрка Дилдор! Шундоқ кенг чўлга файз киритиб турган оловдек кўзларингизни, саҳий қалбингизни дуруст тасвирлай олдимми?

Низомжон, сени ўзим яратдим. Яратдим бошингга қулфатлар солдим. Оловлардан олиб ўтдим. Тошқинларга қарши суздирдим. Энди сен Икромжон бўлиб яша! Ҳаётдан Икромжоннинг ҳақини ол!

Сўнгги аёвсиз нуқтани қўйдим.

1969 йил.

Ёзёвон — Қуйганёр.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ КИТОВ

Қирқ беш кун : : 5

ИККИНЧИ КИТОВ

Ҳижрон кунлари : : : : 257

УЧИНЧИ КИТОВ

Уфқ бўсағасида : 481

На узбекском языке

Саид Ахмад

ГОРИЗОНТ

Трилогия

Переиздание

Редактор *Х. Маҳмудова*

Рисом *Н. Циганов*

Расмлар редактори *А. Кива*

Техн. редактор *В. Барсукова*

Корректор *Ш. Собирова*

Ўсмаҳонага берилди 7/ХII-1975 й. Босишга рухсат этилди. 6/1-76 й. Формати 84×108¹/₁₆. Босма л. 21,5. Шартли босма л. 36,12. Нашр л. 37,06. Тиражи 60000. Ёзфур Ҳулом номидати Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома 188—75.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб саноати ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида 1 қозога босилди. Тошкент, Навоий кўчаси 30. 1976 йил. Заказ 320. Баҳоси 1 с. 32 т. 7-муқолада 1 с. 35 т.